РУСЧА-ЎЗБЕКЧА
ЛУҒАТ

АКАДЕМИЯ НАУК
УЗБЕКСКОЙ С.С.Р.

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМ. А. С. ПУШКИНА

РУССКО-УЗБЕКСКИЙ СЛОВАРЬ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР
член-корр. АН УзССР А. К. БОРОВКОВ

РЕДАКТОРЫ:
С. Ф. АКАБИРОВ, З. М. МАГРУФОВ, А. Т. ХОДЖАХАНОВ,
Ш. Ш. ШААБДУРАХМАНОВ

ТОМ IV

П — Р

ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УзССР
ТАШКЕНТ—1954

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

4(с)Уз
Р897

РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ

БОШ РЕДАКТОР
ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси А. К. БОРОВКОВ

РЕДАКТОРЛАР:
С. Ф. АКОБИРОВ, З. М. МА'РУФОВ, А. Т. ХЎЖАХОНОВ,
Ш. Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

85670

IV ТОМ

П — Р

БИБЛИОТЕКА
УзСХИ
гор. Самарканд

ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1964

К

Ответственная корректура проведена
М. С. Садыковой, и В. К. Смирновой.

Издательские редакторы
Г. Н. Михайлов и *Д. Ш. Шарипов.*

Технический редактор *А. Г. Бабаханова.*

В четвёртом томе 16295 слов (в том числе 1104 ссылочных).

Р06985. Подписано к печати 21/I-54 г. Бумага 60×92¹/₁₆=22,75 бум.— 45,7 печ. Изд. л. 79,0 Тираж 20.000. Цена в переплете 25 р.

Отпечатано в типографии издательства АН УзССР Заказ № 1403 1953 г.

ИНСТИТУТДАН

Русча-ўзбекча луғатнинг IV томидаги *П* ҳарфининг сўзлиги Т. Г. Брянцева, М. В. Лазова, Т. Ф. Медведкова, Б. Л. Харитон ва ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими Н. А. Аляҳамова, *Р* ҳарфининг сўзлиги Институтнинг илмий ходими В. М. Попов ўртоқлар томонидан тузилган. Сўзлик Институтнинг илмий ходимлари филология фанлари кандидати Е. И. Маштакова (*П*, *Р*) ва Н. А. Алҳамова (*П*) ўртоқлар томонидан таҳрир этилган.

Луғатнинг *П* ҳарфи Институтнинг илмий ходимлари филология фанлари кандидати О. У. Усмонов, С. Ф. Акобиров, А. М. Бурнашев ҳамда филология фанлари кандидати О. Азизов, О. Раҳимий ва А. Тўрахонов ўртоқлар томонидан тузилган.

Айрим фан соҳаларига оид сўзларни ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси биология фанлари доктори Қ. З. Зокиров, ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси медицина фанлари доктори А. А. Асқаров, тарих фанлари кандидати Ҳ. Т. Турсунов, геология-минералогия фанлари кандидати И. Ҳ. Ҳамрабоев ва химия фанлари кандидати Ғани Хўжаев ўртоқлар кўриб, ма'қуллаганлар.

Луғат қўл'ёзмасининг айрим қисмларини филология фанлари доктори профессор В. В. Решетов ўқиб чиққан.

IV томнинг қўл'ёзмасини ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти луғат секторининг илмий ходимлари М. С. Содиқова, Ҳ. Ғ. Ғуломов ва лаборантлар Ф. Ш. Капкаева, Д. С. Яшченко ва Н. М. Икромова ўртоқлар нашрга тайёрлаган.

ОТ ИНСТИТУТА

Словник буквы *П* IV тома Русско-узбекского словаря составлен Т. Г. Брянцевой, М. В. Лазовой, Т. Ф. Медведковой, Б. Л. Харитон и научным сотрудником Института языка и литературы АН УзССР Н. А. Альхамовой; буквы *Р*—научным сотрудником Института В. М. Поповым. Словник отредактирован научными сотрудниками Института кандидатом филологических наук Е. И. Маштаковой (*П*, *Р*) и Н. А. Альхамовой (*П*).

Рукопись буквы *П* составлена научными сотрудниками Института кандидатом филологических наук А. У. Усмановым, С. Ф. Акабировым и А. М. Бурнашевым, а также кандидатом филологических наук А. Азизовым, А. Рахими и А. Тураховым.

Словарные статьи по отдельным отраслям науки просмотрели член-корр. АН УзССР доктор медицинских наук А. А. Аскаров, член-корр. АН УзССР доктор биологических наук К. З. Закиров, кандидат исторических наук Х. Т. Турсунов, кандидат геолого-минералогических наук Н. Х. Хамрабаев и кандидат химических наук Гани Ходжаев.

Отдельные части рукописи прочитаны доктором филологических наук проф. В. В. Решетовым.

Рукопись IV тома подготовлена к печати научными сотрудниками сектора словарей Интитута языка и литературы АН УзССР М. С. Садыковой, Х. Г. Гулямовым и лаборантами Ф. Ш. Капкаевой, Д. С. Ященко и Н. М. Икрамовой.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ПОМЕТАЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК УСЛОВНЫХ СОКРАЩЕНИЙ И ПОМЕТ

ав.—авиация
ад.—адабиёт—литература
анат.—анатомия
антр.—антропология
арх.—архитектура
археол.—археология
астр.—астрономия
бегн.—бегонасирамай (ўзини яқин олиб) айтилган сўз—фамильярное слово
безл.—безличный глагол—шахссиз фе'л
бинк.—бинокорлик термини—строительный термин
биол.—биология
бот.—ботаника
буд. от—будущее время от...—...нинг келажак замон формаси
бухг.—бухгалтерия
ва бш.—ва бошқалар—и др. (и другие, и прочие)
ва ш. к.—ва шунинг каби(лар)—и т. п. (и тому подобное)
ва х. к.—ва ҳоказо—и т. д. (и так далее)
в знач. сказ.—в значении сказуемого—кесим вазифасида қўлланади
вет.—ветеринария
геод.—геодезия
геол.—геология
грам.—грамматика
дағл.—дағал, қўпол сўз—вульгарное слово
денг.—денгиз ёки дар'ё ишига оид сўз—слово, относящееся к морскому или речному делу
дин.—диний термин—религиозный термин
дипл.—дипломатия
ед.—единственное число—бирлик сон
ед. йет—единственного числа нет—бирлик сони йўқ
ж—женский род
зоол.—зоология
кесат.—кесатиш, киноя англатадиган сўз—ироническое слово
кирш.—кириш сўз—вводное слово
ком.—коммерческий термин
кон.—кончилик—горное дело
лингв.—лингвистика
м—мужской род
манф.—манфий ма'нони ифода қиладиган (номақбул) сўз—неодобрительное и отрицательное слово
мас.—масалан—например
мат.—математика
махс.—махсус термин—специальный термин
маҳл.—маҳаллий шевага хос сўз—областное слово
мед.—медицина
межд.—междометие—ундов сўз
мест.—местоимение—олмош
метеор.—метеорология
мех.—механика
мин.—минералогия
миф.—мифология
мл.—молия—финансы
мн.—множественное число—кўплик сон
мн. нет—множественного числа нет—кўплик сони йўқ
многокр.—многократный вид глагола—қайта-қайта такрорланадиган (давомли) иш ёки ҳаракатни ифодаловчи фе'л формаси
муз.—музика—музыка
нареч.—наречие—равиш
наст. от—настоящее время от...—...нинг ҳозирги замон формаси
нафр.—нафрат, жирканч англатадиган сўз—презрительное слово
нескл.—несклоняемое слово—турланмайдиган сўз

несов.—несовершенный вид глагола — фе'лнинг тугалланмаган тури

однокр.—однократный вид глагола — қайта-қайта такрорланмайдиган иш ёки ҳаракатни ифодаловчи фе'л формаси

пед.—педагогика

пов. накл. от—повелительное наклонение от... —... фе'лнинг буйруқ формаси

полигр.—полиграфия

поэз.—поэзияда қўлланадиган сўз — поэтическое слово

прош. от—прошедшее время от... —... нинг ўтган замон формаси

психол.—психология

рад.—радиотехника

расм.—расмий термин — официальный термин

сиёс.—сиёсий термин — политический термин

сн т.—сан'ат — искусство

собир.—собирательное слово — жамловчи сўз

сов.—совершенный вид глагола — фе'лнинг тугалланган тури

содд.—содда, авом тилида қўлланадиган сўз ёки ибора — просторечие

спорт.—спортивный термин — спорт термини

ср—средний род

с. т.—сўзлашув тилида (оғзаки тилда) қўлланади — употребляется в разговорном языке

страд. от — страдательный залог от...— ...фе'лнинг мажҳул формаси

сущ. — в значении существительного — от ма'носида қўлланади

сўз. винит. п.—... сўзининг винительний падеж формаси — винительный падеж от слова...

сўз. дат. п.—... сўзининг дательний падеж формаси — дательный падеж от слова...

сўз. кичр. айт.—... сўзининг кичрайтиб айтилиши —уменьшительное к...

сўз. орт. дар.—... сўз(лар)нинг орттирма даражаси — превосходная степень от слова или слов...

сўз. предл. п.—... сўзининг предложний падеж формаси — предложный падеж от слова...

сўз. родит. п.—... сўзининг родительний падеж формаси — родительный падеж от слова...

сўз. сиф.—... сўзидан ясалган сифат — прилагательное к...

сўз. тақ. кўринг.—... сўзига таққос қилиб кўринг — сравните с...

сўз. творит. п.—... сўзининг творительний падеж формаси — творительный падеж от слова...

сўз. эркл. айт.—... сўзининг эркалатиб айтилиши — ласкательное к...

сўз. қиёс. дар.—... сўз(лар)нинг қиёсий даражаси — сравнительная степень от слова или слов...

сўк.—сўкиш ёки қойишни ифодалайдиган сўз — бранное слово

тар.—тарих — история

театр.—театрга оид термин — театральный термин

тех.—техника

т. й.—темир йўлга оид термин — железнодорожный термин

только ед.—употребляется только в единственном числе — фақат бирлик сонда қўлланади

только мн.—употребляется только во множественном числе — фақат кўплик сонда қўлланади

т. с. — тўқимачилик саноати — текстильная промышленность

... фе'лнинг сифатдоши—причастие от глагола...

... фе'лнинг ҳаракат номи—имя действия от глагола..

физ.—физика

физиол.—физиология

философ.—философия

фольк.—фольклор

фото.—фотография

хим.—химия

черк.—черковга оид сўз — церковное слово

эк.—экономика

эл.—электротехника

эск.—эскирган сўз — устарелое слово

этн.—этнография

юр.—юридик термин — юридический термин

қ.—қара — смотри

қ. х.—қишлоқ хўжалиги — сельское хозяйство

ҳазл.—ҳазиллашиб, қизиқчилик қилиб айтилган сўз — шутливое слово

ҳарб.—ҳарбий термин — военный термин

матал—поговорка

мақол—пословица

предлог—олд кўмакчи

союз—боғловчи

частица—юклама

П

П п (рус алфавитининг 16-нчи ҳарфи; п ундош товушини ифодалайди); *қ.* пэ.

ПА *ср нескл.* па (танцада алоҳида муқом—оёқнинг ма'лум бир тарздаги ҳаракати).

ПА́ВА *ж* 1. *зоол.* товус (модаси); 2. ‖ улуғсифат, савлатли, келишган хотин; **выступа́ть па́вой** виқор блан юрмоқ; ◇ ***ни па́ва, ни воро́на*** *қ.* **воро́на.**

ПАВИА́Н *м зоол.* павиан (ит тумшуқ маймун).

ПАВИЛЬО́Н *м* 1. павильон, дўкон, **павильо́н минера́льных вод** минерал сувлар сотадиган павильон; 2. павильон (кўргазма бўлимларининг экспонатлари қўйиладиган бино); **сове́тский павильо́н на междунаро́дной вы́ставке** халқаро кўргазмада совет павильони; 3. *махс.* павильон (кино ёки фотосурат олинадиган бино); **съёмка фи́льма происходи́ла в павильо́не** фильм павильонда олинди; 4. шийпон, айвон, павильон; **кита́йский павильо́н** хитойча услубда қурилган шийпон.

ПАВИЛЬО́ННЫЙ, -ая, -ое 1. **павильо́н** *сўз. сиф*.; *қ.* **павильо́н**; 2. *махс.* павильонга оид; павильонда олинадиган; **павильо́нные съёмки** павильонда кинога (суратга) олиш.

ПАВЛИ́Н *м* товус (эркаги).

ПАВЛИ́НИЙ, -ья, -ье **павли́н** *сўз. сиф*.; товусга оид; **павли́нье перо́** товус пати; ◇ ***павли́ний глаз*** *(зоол.)* катта чипор капалак; ***воро́на в павли́ньих пе́рьях*** *(манф.)* товус тусига кирган қарға (ўзини улуғвор, билимдон қилиб кўрсатишга уринучи одам ҳақида).

ПА́ВОДКОВЫЙ, -ая, -ое 1. **па́водок** *сўз. сиф*.; қор ва ёмғир сувларига оид; **па́водковые во́ды** қор эриши ва сел натижасида тўпланган сувлар; 2. қор ва ёмғир сувлари блан суғоришга оид; **па́водковое ороше́ние** ерни қор ва ёмғирдан тўпланган сувлар блан суғориш.

ПА́ВОДОК *м* (*мн.* па́водки) қор эриши ва сел натижасида сув тўпланиши; **весе́нний па́водок** баҳорда сув тўпланиши.

ПА́ВШИЙ, -ая, -ее 1. **пасть** I фе'лининг сифатдоши; 2. *сущ.* **па́вшие** *мн.* ҳалок бўлганлар, қурбон бўлганлар; **па́мятник па́вшим в боя́х за ро́дину** ватан учун ҳалок бўлганларга қўйилган ҳайкал.

ПАГИНА́ЦИЯ *ж махс.* пагинация (қўл'ёзма ёки китобнинг бетларига қўйиб чиқилган рақамлар).

ПА́ГОДА *ж* пагода (Ҳиндистон, Япония ва Хитойда буддистлар ибодатхонаси)

ПА́ГОЛЕНКИ *мн.* (*ед.* па́голенок *м*) қўнжлар (оёқ кийимлари ва пайпоқнинг тўпиқдан юқориги қисми).

ПА́ГУБА *ж мн. нет с. т.* офат, ҳалокат.

ПА́ГУБНО *кареч.* ҳалокатли равишда, фалокатли бир суратда; **па́губно отража́ться на чём-н.** бир нарсага ҳалокатли равишда та'сир кўрсатмоқ.

ПА́ГУБНОСТЬ *ж мн. нет* ҳалокатлилик.

ПА́ГУБНЫЙ, -ая, -ое ҳалокатли, ёмон; **па́губные после́дствия** ҳалокатли оқибат; **па́губное влия́ние** ёмон та'сир.

ПА́ДАЛИЦА *ж мн. нет собир. мах.л.* 1. қ. **па́данец**; 2. ўсимликдан тўкилган дон.

ПА́ДАЛЬ *ж мн. нет* ўлимтик, ўлакса.

ПА́ДАНЕЦ *м* (*мн.* **па́данцы**) тўкилган мева.

ПА́ДАНИЕ *ср мн. нет с. т.* йиқилиш, қулаш, ағнаб тушиш, ағдарилиш.

ПА́ДАТЬ *несов.* 1. йиқилмоқ, қуламоқ, ағдарилмоқ, ағнамоқ; **па́дать ни́звичь** чалқанчасига йиқилмоқ; 2. қуламоқ, ағнаб кетмоқ, бузилиб тушмоқ (том, девор ва ҳ. к. ҳақида); 3. тўкилмоқ; **наступи́ла о́сень, и ли́стья с дере́вьев на́чали па́дать** куз кириб, дарахтлардан барглар тўкилабошлади; **я́блоки па́дают от ве́тра** шамолдан олмалар тўкилаётир; 4. ёғмоқ; **снег па́дает хло́пьями** қор пағалаб ёғмоқда; 5. тушмоқ; **по утра́м на доли́ну па́дает тума́н** эрталаблари водийга туман тушади; 6. тушмоқ (ёруғлиқ ва ҳ. к. ҳақида); **свет па́дает в подва́л косы́ми по́лосами** подвалга ёруғ қиялаб тушмоқда; **тень па́дает на зе́млю** ерга соя тушаётир; 7. *с. т.* тушмоқ, тўкилмоқ (тиш, соч ва ҳ. к. ҳақида); 8. ёйилмоқ, осилиб тушмоқ, тушмоқ; **её дли́нные во́лосы во́лнами па́дали на пле́чи** унинг узун қўнғироқ сочлари кифтларига тушиб турарди; 9. ўлат тегмоқ; (ҳайвонлар ҳақида); 10. ‖ тушмоқ; тегмоқ; **подозре́ние па́дает на него́** гумон уйдан; 11. ‖ тушмоқ; **вся отве́тственность па́дает на меня́** бутун мас'улият менинг зиммамга тушади; 12. *лингв.* тушмоқ; **ударе́ние па́дает на после́дний слог** урғу охирги бўғинга тушади; 13. пасаймоқ, тушмоқ, камаймоқ; **температу́ра больно́го па́дает** касалнинг температураси пасаймоқда; **це́ны па́дают** нархлар пасаймоқда; 14. ‖ сусаймоқ, пастлашмоқ, тубанлашмоқ; **тушкунликка юз тутмоқ; влия́ние его́ па́дает** унинг та'сири сусаймоқда; **буржуа́зное иску́сство па́дает** буржуа сан'ати тубанлашиб бормоқда; 15. учмоқ (учар юлдузлар ҳақида); ◇ ***никогда́ не па́дай ду́хом*** ҳечқачон руҳингни туширма: ***па́дать от уста́лости*** қаттиқ чарчаб, ҳолдан тойиб.

ПА́ДАЮЩИЙ, -ая, -ее 1. **па́дать** фе'лининг сифатдоши; **сила па́дающей воды́** баландан тушучи сувнинг кучи; **па́дающее те́ло** (*физ.*) тушучи жисм; 2. тушаётган, тушучи; **па́дающие звёзды** (*астр.*) метеорлар, учар юлдузлар; 3. *мах.с.* бир томонга оққан (энгашган); **па́дающая ба́шня** қийшайиб (қия бўлиб) турган минора.

ПА́ДЕВЫЙ: **па́девый мёд** (*қ. х.*) асаларларнинг баргларда турли ҳашаротлар томонидан чиқарилган ширалардан олган асали.

ПАДЕ́Ж *м грам.* падеж, келишик; **в совреме́нном ру́сском языке́ шесть падеже́й** ҳозирги замон рус тилида олтита падеж бор.

ПАДЕ́Ж *м* ўлат, офат, ҳалокат; **падеж скота́** молга теккан ўлат.

ПАДЕ́ЖНЫЙ, -ая, -ое *грам.* **паде́жное сло́во** *сиф.*: падежга оид; **паде́жные оконча́ния** падеж тугалланмалари, келишик қўшимчалари.

ПАДЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. йиқилиш, қулаш, ағдарилиш; ағнаб тушиш; 2. бузилиб тушиш, ағнаб кетиш; 3. *физ.* тушиш; **у́гол паде́ния ра́вен углу́ отраже́ния** тушиш бурчаги қайтиш бурчагига тенг; 4. пасайиш, тушиш, камайиш; **паде́ние напряже́ния** (*эл.*) кучланишнинг тушиши; **паде́ние температу́ры** температуранинг пасайиши; **ле́том наблюда́ется паде́ние воды́ в реке́** ёзда дар'ёдаги сувнинг камайиши сезилади; **паде́ние цен** нарх-навонинг пасайиши, тушиши; 5. ағдарилиш, бекор қилиниш; **паде́ние правительства** ҳукуматнинг ағдарилиши; **паде́ние ца́ризма в 1917 году́** 1917 йилда чоризмнинг ағдарилиши; 6. таслим бўлиш; **паде́ние кре́пости** крепостьнинг таслим бўлиши; 7. тушкунлик; ахлоқ бузилиши, разиллик.

ПАДИША́Х *м* подшо.

ПА́ДКИЙ, -ая, -ое ўч, ишқивоз, бир нарсага қаттиқ берилган; **медве́дь па́док до ме́да** айиқ асалга жуда ўч бўлади; **айи́к жу́да асалхўр бу́дет**; **па́дкий на де́ньги пу́лга** ўч.

пaду́, пaдёшь *буд. от* **пасть** I *(қ.)*

ПАДУ́ЧАЯ *ж мн. нет с. т.* тутқаноқ, қуёнчиқ.

ПАДУ́ЧИЙ, -ая, -ее: **пaду́чая звездá** *(эск.)* метеор; учар юлдуз; **пaду́чая болéзнь** *қ.* **пaду́чая**.

ПÁДЧЕРИЦА *ж* ўгай қиз.

ПÁДШИЙ, -ая, -ее I. *эск.* **пасть** I фе'лнинг сифатдоши; 2. ҳурматини, нуфузини йўқотган; 3. *эск.* бузуқ аёл, фоҳиша.

ПАДЬ *ж мах.л.* жар, дара, ўр.

ПАЕВÓЙ, -áя, -óе **пай** *сўз. соф.*; пайга оид; **паевóй взнос** пай взноси, бадал, пай ҳақи; **паевы́е накоплéния** пай жамғармаси; **паевóй капитáл** пайдан тўпланган капитал; **на паевы́х нача́лах** шериклашиб, пай тўплаб.

ПАЁК *м (мн.* **пайки́**) паёк (ма'лум вақтга белгили миқдорда бериладиган озиқ-овқат); **недéльный паёк** бир ҳафталик паёк.

ПАЕНАКОПЛЕ́НИЕ *ср эк.* пай пули тўплаш; жамғарилган пай пули.

ПАЖ *м тар.* паж (1. ўрта асрларда зодагонлар ёки подшо ҳузурида хизмат қилучи дворян йигит, маҳрам; 2. чор Россиясида Пажлар корпуси деб аталмиш имтиёзли ўрта ҳарбий ўқув юртида тарбияланган киши).

ПÁЖЕСКИЙ, -ая, -ое *тар.* **паж** *сўз. соф.*; ◇ ***Пáжеский кóрпус*** Пажлар корпуси (чор Россиясида дворянларнинг ўғиллари ўқийдиган имтиёзли ўрта ҳарбий ўқув юрти).

ПÁЖИТЬ *ж эск.* ўтлоқ, яйлов.

пажу́, пазúшь *наст. от* **пазúть** *(қ.)*

ПАЗ *м (мн.* **пазы́**) I. *бинк.* ёриқ, тирқиш (биноларда хода ёки тахталарнинг орасида очиқ қолган жой, оралиқ); **хорошó законопáтить пазы́** тирқишларни яхшилаб беркитмоқ; 2. *бинк.* паз (ёғоч ёки тахтада ариқча шаклида ўйилган жой); 3. *тех.* паз (машина қисмлари ёки айрим асбоблардаги нов, ариқча).

ПАЗИГРА́ФИЯ *ж мн. нет махс.* пазиграфия (фикрни кўп халқлар тушунаоладиган белгилар блан ифодалаш; мас., нота, араб рақамлари ва ш. к.).

ПАЗИ́ТЬ *несов. махс.* паз ўймоқ; *қ.* паз 2, 3.

ПАЗÓК *м* паз *сўз. кичр. айт.*; *қ.* паз.

ПÁЗУХА I *ж с. т.* қўйин; **держáть книгу за пáзухой** китобни қўйинда олиб юрмоқ; ◇ ***держáть кáмень за пáзухой*** *қ.* **кáмень**.

ПÁЗУХА II *ж* 1. *анат.* бўшлиқ (тананинг бирор органидаги бўшлиқ); **лóбные пáзухи** манглай бўшлиғи; 2. *бот.* ўсимликнинг танаси блан барг банди туташган жойдаги чуқурча; 3. *арх.* гумбаз ёйи.

ПÁЗУШНЫЙ, -ая, -ое *бот.* **пáзуха** II(2-нчи ма'носида) *сўз. соф.*; **пáзушные пóчки** ўсимликнинг пояси блан барги орасидаги куртаклар.

ПÁИНЬКА *м и ж с. т. бегн.* ройиш бола, сўзга кирадиган бола; **ведú себя́ пáинькой** ройиш бола бўл.

ПАЙ I *м (мн.* **пай**) 1. *эк.* пай (кооператив, уюшма ёки акционер жамиятда, ширкатчиликда тўпланадиган маблагга қўшилган ҳисса); **вступúтельный пай члéна кооперати́вной организа́ции** кооператив уюшмаси а'зосининг кириш пайи (бадали); 2. ҳисса, улуш; **внестú свой пай** ўз ҳиссасини қўшмоқ; ◇ ***на пáях*** 1) *эск.* пай, ҳисса қўшиш асосида; 2) *с. т.* халфана қилиб; ***принять в пай*** бирор ишга қўшмоқ; қатнашувга йўл қўймоқ.

ПАЙ II *м и ж нескл.*=**пáинька** *(қ.)*.

ПÁЙКА *ж тех.* кавшарлаш, қалайлаш, бирор металл блан улаш, ёпиштириш, ямаш.

ПАЙКÓВЫЙ, -ая, -ое *с. т.* **паёк** *сўз. соф.*; паёкка оид; **регуля́рное пайкóвое снабжéние** мунтазам равишда паёк блан та'минлаб туриш.

ПÁЙЩИК I *м* ҳиссадор, пайчи, пай қўшган, шерик; **óбщее собра́ние пáйщиков кооперати́вного строи́тельства** уй-жой қуриш кооперация пайчиларининг умумий мажлиси.

ПÁЙЩИК II *м махс.* кавшарловчи.

ПÁЙЩИЦА *ж қ.* **пáйщик** I.

ПАК *м* пак (қутб сувларида кемалар ёриб ўтиши қийин бўлган кўпйиллик қалин муз).

ПАКГА́УЗ *м махс.* пакгауз (юк ва мол сақланадиган ёпиқ бино, склад, омбор); **железнодоро́жный пакга́уз** темир йўл пакгаузи.

ПАКГА́УЗНЫЙ, -ая, -ое **пакга́уз** *сўз. сиф.*; пакгаузга оид; **пакга́узный сто́рож** пакгауз(склад)қоровули.

ПАКЕ́Т *м* 1. пакет, халта (нарса ёки буюм ўралган халта); **завяза́ть ве́щи в отде́льные паке́ты** нарсаларни бўлак-бўлак қилиб ўраб боғламоқ; 2. *с. т.* пакет, қоғоз халта; **положи́ть оре́хи в паке́т** пакетга ёнғоқ солмоқ; 3. *расм.* пакет, конверт; **вскрыть паке́т** пакетни очмоқ; ◊ ***индивидуа́льный паке́т*** *(мед.)* қ. **индивидуа́льный**.

ПАКЕТБО́Т *м денг. эск.* пакетбот (почта ва пассажир ташийдиган денгиз пароходи).

ПАКЕ́ТИК *м* паке́т 1, 2 *сўз. кичр. айт.*; пакетча, кичкина пакет.

ПА́КЛЕН *м бот.* қ. **не́клен**.

ПА́КЛИТЬ *несов. маҳл.* каноп лоси билан беркитмоқ; **па́клить дом** ёғоч уйнинг тирқишларини каноп лоси билан беркитмоқ.

ПА́КЛЯ *ж мн. нет* каноп лоси, зигирпоянинг дағал толаси.

ПАКОВА́ТЬ *несов.* ўрамоқ, тойламоқ, бойламоқ; **паковáть кни́ги** китобларни ўраб бойламоқ; **паковáть ве́щи в чемода́н** чемоданга нарса жойлаб тахт қилмоқ.

ПАКО́ВКА *ж мн. нет махс.* ўраш, тойлаш, ўраб бойлаш, жойлаш.

ПАКО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* ўрайдиган, бойлайдиган; ўраб бойлашда, тойлашда ишлатиладиган; **пако́вочный материа́л** ўраб бойлашда (жойлашда, тойлашда) ишлатиладиган материал (қоғоз, чипта ва ш. к.).

ПА́КОВЫЙ, -ая, -ое **пак** *сўз. сиф.*; **па́ковый лёд пак** муз; қ. пак.

ПА́КОСТИТЬ *несов. с. т. манф.* 1. ифлос қилмоқ, булғатмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 2. ифлосламоқ, булғамоқ, булғатмоқ; 3. бузмоқ, бузиб кўймоқ, ишдан чиқармоқ, расво қилмоқ; 4. бировга ёмонлик қилмоқ, бировнинг ишини бузмоқ, бировга зарар етказмоқ.

ПА́КОСТНИК *м с. т. манф.* бузуқи, мурдор, иш бузуқи, ишбузарман.

ПА́КОСТНИЦА *ж қ.* **па́костник**.

ПА́КОСТНЫЙ, -ая, -ое *с. т. манф.* 1. ёмон, хунук, расво, разил, жирканч; **па́костный посту́пок** жирканч иш; хунук иш; расвогарчилик; разолат; 2. бузуқи, разил, кўнгли қора, расвогар, ёмон; **па́костный челове́к** ёмон одам, ярамас одам.

ПА́КОСТЬ *ж с. т. манф.* 1. ёмон қилиқ, хунук иш, расвогарчилик; **де́лать па́кости** бировга ёмонлик қилмоқ; 2. ёмон, ифлос, жирканч нарса; **говори́ть па́кости** ёмон гап қилмоқ, бетамизлик билан гапирмоқ.

ПАКТ *м сиёс.* пакт, битим (икки ёки бирнеча мамлакат ўртасидаги келишув ҳақидаги битим); **заключи́ть пакт ми́ра** тинчлик тўғрисида битим тузмоқ; **пакт о взаи́мной по́мощи** ўзаро ёрдам ҳақида битим; **пакт о ненападе́нии** ҳужум (тажовуз) қилмаслик ҳақида битим.

ПАЛ I *м денг.* пал (кемалар боғланадиган катта ва йўғон чўян қозиқ).

ПАЛ II *м* 1. *маҳл.* чўл ёки ўрмон ёнғини; 2. *маҳл. эск.* далаларни ўғитлаш мақсадида улардаги қуруқ ўтни ёндириш.

пал III, **па́ла** *прош. от* **пасть** I *(к.)*.

ПАЛАДИ́Н *м тар.* паладин (ўрта аср роман ва поэмаларида—жасур, мардонавор рицарь, сарой арбоби).

ПАЛАНКИ́Н *м* тахтиравон, маофа.

ПАЛАНТИ́Н *м* палантин (хотин-қизлар елкага ташлаб юрадиган мўйнали ёки духоба шарф).

ПАЛА́С *м* палос, шолча.

ПАЛА́ТА I *ж* 1. *только мн. эск.* қаср, сарой, кошона бино, ҳашаматли, данғиллама уй; **каменные пала́ты** данғиллама гиштин сарой; 2. палата (касалхоналарда алоҳида бўлма, хона); ◊ ***умá пала́та*** жуда ақлли, доно, билимдон.

ПАЛА́ТА II *ж* палата [1. СССР Олий Советининг қонун чиқарувчи органи; **о́бе пала́ты Верхо́вного Сове́та СССР—Сове́т Сою́за и Сове́т Национа́льностей — равнопра́вны** СССР Олий Советининг иккала палатаси—Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети—тенг ҳуқуқлидир; 2. ба'зи капиталистик мамлакатларда

вакиллар муассасаларининг номи; ни́жняя пала́та қуйи палата; ве́рхняя пала́та юқори палата; ни́жняя и ве́рхняя пала́ты в буржуа́зных стра́нах неравноправны буржуа мамлакатларида қуйи ва юқори палаталарнинг ҳуқуқи тенг эмас; пала́та о́бщин умум палатаси (Англия парламентининг сайлаб қўйиладиган қуйи палатаси); пала́та ло́рдов лордлар палатаси (Англия парламентининг юқори палатаси); пала́та депута́тов депутатлар палатаси (баъзи мамлакатларда қуйи палатанинг номи); 3 баъзи давлат муассасаларининг номи; Пала́та мер и весо́в *(эск.)* Ўлчов ва тарози палатаси (ўлчов асбобларини текширучи муассаса); Ки́йжная пала́та Китоб палатаси (Совет Иттифоқида чиқадиган ҳамма босма асарларнинг библиографиясини олиб борувчи муассаса); Оружейная пала́та Ярог-аслаҳа палатаси (Москва Кремлида қадимги ярог-аслаҳалар ва Москва подшоларининг буюмлари сақланадиган музей); суде́бная пала́та *(эск.)* суд палатаси, суд; **казённая пала́та** *(эск.)* давлат палатаси, давлат хазинаси (пул йиғучи губерния маҳкамаси); торго́вая пала́та савдо палатаси].

ПАЛАТАЛИЗА́ЦИЯ *ж мн. нет лингв.* палатализация, юмшалиш (тилнинг ўрта қисми юқори танглайга томон кўтарилиши натижасида ундош товушларнинг юмшалиши, мас., нь, дь, кь ва ш. к.); **палатализа́ция согла́сных** ундош товушларнинг юмшалиши.

ПАЛАТАЛИЗИ́РОВАННЫЙ = **палатализо́ванный** *(қ.)*.

ПАЛАТАЛИЗИ́РОВАТЬСЯ *сов и несов.* = **палатализова́ться** *(қ.)*.

ПАЛАТАЛИЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое *лингв.* юмшатилган (нутқ товушлари ҳақида).

ПАЛАТАЛИЗОВА́ТЬСЯ *сов. и несов. лингв.* юмшатилмоқ (нутқ товушлари ҳақида).

ПАЛАТА́ЛЬНОСТЬ *ж мн. нет лингв.* юмшалиш, юмшалганлик (нутқ товушлари ҳақида).

ПАЛАТА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *лингв.* юмшоқ, юмшалган; палата́льные зву́ки юмшоқ товушлар.

ПАЛА́ТКА *ж* 1. палатка, капа, чодир; жить в пала́тках палаткаларда турмоқ; раски́нуть пала́тку палатка қурмоқ, чодир тикмоқ; 2. палатка, дўкон; хле́бная пала́тка нон дўкони.

ПАЛА́ТНЫЙ, -ая, -ое **пала́та** 1 (2-нчи маъносида) *сўз. оиф.*; палатага оид; пала́тный врач палата врачи; **пала́тная сестра́** палата ҳамшираси.

ПАЛА́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое 1. **пала́тка** 1 *сўз. оиф.*; палаткага, чодирга оид; **пала́точный холст** палатка ясаладиган мато; 2. **пала́тка** 2 *сўз. оиф.*; палаткага, дўконга оид; **пала́точная торго́вля** палаткада, дўконда савдо қилиш.

ПАЛА́ЦЦО *ср нескл. мн. нет* қаср, сарой.

ПАЛА́Ч *м* 1. жаллод, 2. || золим, бўғучи; **пала́ч свобо́ды** озодликни бўғучи.

ПАЛА́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **пала́ч** *сўз. оиф.*; 1. жаллодга оид; 2. || жаллодларча, золимларча.

ПАЛА́ЧЕСТВО *ср мн. нет* жаллодлик, золимлик, қонхўрлик.

ПАЛА́Ш *м* шоп, қилич (дудама, узун ва оғир қилич).

ПАЛЕОНТОПОЛО́ГИЯ *ж мн. нет* палеонтология (антропологиянинг қадимги замонлардан қолган одам суякларини текширучи бўлими). *қ.* **антрополо́гия**.

ПА́ЛЕВЫЙ, -ая, -ое малла, сарғиш

ПАЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* куйдириш.

ПАЛЁНЫЙ, -ая, -ое *с. т.* 1. куйган; куйдирилган, куюк, ўтга тутилган; 2. *сущ.* **палёное** *ср мн. нет* куйган, куйдирилган (нарса); **па́хнет палёным** куйинди ҳид келади.

[палео-] мураккаб сўзларнинг олдида келучи ва „қадимги", „қадимий" маъноларини билдирувчи олдқўшимча, мас., палеоли́т ва ҳ. к.

ПАЛЕ(О)АНТРОПОЛО́ГИЯ *ж мн. нет* палео(о)антропология (антропологиянинг қадимги инсон қолдиқларини ўрганучи бўлими); *қ.* **антрополо́гия**.

ПАЛЕОБОТА́НИКА *ж мн. нет* палеоботаника (палеонтологиянинг қа-

димги ўсимликлар қолдиқларини ўрганучи бўлими).

ПАЛЕОГЕ́Н *м* = палеоге́новый период; *қ.* палеоге́новый.

ПАЛЕОГЕ́НОВЫЙ: палеоге́новый период *(геол.)* кайнозой эраси учламчи даврининг биринчи ярми; *қ.* кайнозо́йский.

ПАЛЕОГЕОГРА́ФИЯ *ж мн. нет* палеогеография (геология тарихининг бир бўлими, ўтмиш геологик даврларда денгиз ва қуруқликларнинг бўлиниши ҳақидаги фан).

ПАЛЕО́ГРАФ *м* палеограф (палеография мутахассиси); *қ.* палеогра́фия

ПАЛЕОГРАФИ́СТ *м махс.* палеографист (ёғоч ва мисга расм солучи рассом).

ПАЛЕОГРАФИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое палеогра́фия *сўз. сиф.*; палеографик; палеографи́ческий музе́й палеография музейи; *қ.* палеогра́фия.

ПАЛЕОГРА́ФИЯ *ж мн. нет* палеография (қадимги қўл ёзмаларнинг хати ва ташқи кўринишларини ўрганучи фан).

ПАЛЕОЗА́ВР *м археол.* палеозавр (Ердаги ҳаётнинг қадимги даврларида яшаб ўтган судралучи катта ҳайвон).

ПАЛЕОЗО́Й *м* = палеозо́йская э́ра; *қ.* палеозо́йский.

ПАЛЕОЗО́ЙСКИЙ: палеозо́йская э́ра *(геол.)* палеозой эраси (ер қобиғи ҳосил бўлишидаги қадимги иккинчи эра; бу эрада Ер юзида судралучи ҳайвонлар ва нинабаргли ўсимликлар пайдо бўлабошлаган).

ПАЛЕОЗООЛО́ГИЯ *ж мн. нет* палеозоология (палеонтологиянинг қадимги замонларда йўқ бўлиб кетган ҳайвонларни ўрганучи қисми); *қ.* палеонтоло́гия.

ПАЛЕОЛИ́Т *м* = палеолити́ческий период; *қ.* палеолити́ческий.

ПАЛЕОЛИТИ́ЧЕСКИЙ: палеолити́ческий период *(археол.)* палеолит даври (энг қадимги тош даври; бу даврда ибтидоий одам йўнилмаган тошлардан қурол сифатида фойдаланган); палеолити́ческий челове́к палеолит даврида яшаган одам.

ПАЛЕОНТО́ЛОГ *м* палеонтолог (палеонтология мутахассиси); *қ.* палеонтоло́гия.

ПАЛЕОНТОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое палеонтоло́гия *сўз. сиф.*; палеонтологияга оид; палеонтологик; *қ.* палеонтоло́гия.

ПАЛЕОНТОЛО́ГИЯ *ж мн. нет* палеонтология (Ер тарихининг қадимги даврларида яшаган ҳайвонлар ва ўсимликларни уларнинг қолдиқ асарлари асосида ўрганучи фан).

ПАЛЕ́ТКА *ж* палетка [устига квадратларга бўлинган шаффоф (тиниқ) пластинка; планларнинг юзларини ўлчаш учун ишлатилади].

ПА́ЛЕЦ *м (мн.* па́льцы) бармоқ; большо́й па́лец бош бармоқ, бошмалдоқ; указа́тельный па́лец кўрсаткич бармоқ; сре́дний па́лец ўрта қўл (ўрта бармоқ); безымя́нный па́лец *қ.* безымя́нный; па́льцем пока́зывать *(с. т.)* қўл (бармоқ) билан кўрсатмоқ; 2. *тех.* бармоқ, тиш; па́лец кривоши́па кривошип бармоғи; ◊ *знать как свои́ пять па́льцев (с. т.)* яхши билмоқ, ипидан инигача билмоқ, миридан сиригача билмоқ; *смотре́ть сквозь па́льцы* панжа орасидан қарамоқ; бепарволик қилмоқ; *па́лец о па́лец не уда́рить* бирор иш юзасидан ҳечнарса қилмаслик, бегамлик кўрсатмоқ, э'тибор бермасдан ўтиб кетавермоқ; *па́льцем никто́ не тро́нет (с. т.)* ҳечким тегмайди, ҳечким қўл тегизмайди; озор бермайди; *он па́льцем никого́ не тро́нет (с. т.)* у ҳечкимга қўл тегизмайдиган, беозор одам; *из па́льца высоса́ть қ.* высосать; *обверте́ть вокру́г па́льца қ.* обвести; *попа́сть па́льцем в не́бо қ.* не́бо; *как по па́льцам (рассказа́ть)* батафсил, мукаммал, тула равишда (айтиб бермоқ); *по па́льцам пересчита́ть мо́жно* оз; саноғлиқ; *ему́ па́льца в рот не клади́ (с. т.)* ундан эҳтиёт бўлмоқ керак (маккор одам ҳақида); *па́льцы лома́ть* бармоқларни қирсиллатмоқ (ҳаяжон ичида, қайғуриб).

ПАЛИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *тех.* куйдирадиган, қиздирадиган; пали́льное приспособле́ние қиздирадиган асбоб.

ПАЛИ́ЛЬЩИК *м махс.* куйдируви, қиздируви ишчи.

ПАЛИСА́Д *м* 1. *эск.* панжара девор. 2. *ҳарб. тар.* палисад (учлари сих қилиб йўнилган йўғон ёғочлардан ясалган мудофаа истеҳкоми; тўсиқ, ғов); 3. *тех.* кўтарма ва қияликни тутиб туриш учун ерга қоқилган катта қозиқлар.

ПАЛИСА́ДНИК *м* уй олдидаги кичкина боғча, гулзор.

ПАЛИСА́ДНЫЙ, -ая, -ое **палиса́д** 3 *сўз. сиф.*; **палиса́дные сва́и** кўтарма ва нишобларни тутиб турадиган йўғон қозиқлар.

ПАЛИСА́НДР *м* палисандр (иссиқ мамлакатларда ўсадиган ба'зибир қимматбаҳо ва қаттиқ дарахтларнинг ёғочи).

ПАЛИСА́НДРОВЫЙ, -ая, -ое 1. **палиса́ндр** *сўз. сиф.*; **палиса́ндровое де́рево** палисандр дарахти; 2. палисандрёғочидан қилинган; **палиса́ндровая крова́ть** палисандр ёғочидан ишланган кровать; **стол палиса́ндрового де́рева** палисандр ёғочидан ишланган стол.

ПАЛИ́ТРА *ж* 1. палитра (рассомларнинг бўёқ қорадиган ва расм солганда қўлда ушлаб турадиган тахтаси); 2. ‖ рассом ёки ёзувчининг ижодий тасвир воситаларининг мажмуи.

ПАЛИ́ТЬ I *несов.* 1. тукини куйдирмоқ; жунини (юнгини) куйдирмоқ; **пали́ть гу́си** пати юлинган ғозни ўтга тутиб тукини куйдирмоқ; 2. *с. м.* куйдириб йўқ қилмоқ, ёндириб ташламоқ; ёқиб тамомламоқ; **пали́ть соло́му** похол ёқмоқ, похолни ёндирмоқ; 3. қиздирмоқ, иситиб юбормоқ; **со́лнце пали́т нестерпи́мо** офтоб жуда қиздириб юбормоқда; 4. *с. м.* куйдирмоқ; раскалённый утю́г пали́т бельё қаттиқ қизиб кетган дазмол кийимни куйдиради; 5. *с. м.* ёқмоқ, ёндирмоқ; **пали́ть дрова́** ўтин ёқмоқ.

ПАЛИ́ТЬ II *несов. с. м.* тасир-тусир отмоқ; ўқ узмоқ; **пали́ть из пу́шек** тўплардан гумбир-гумбир ўқ отиб турмоқ.

ПА́ЛИЦА *ж тар.* гурзи, чўқмор.

ПА́ЛИЯ *ж зоол.* палия (лосось туркумидан бўлган ва дар'ё сувларида яшайдиган балиқ); *ҳ.* **лосо́сь**.

ПА́ЛКА *ж* 1. таёқ, калтак; сўйил; 2. ҳасса, таёқ; **ходи́ть, опира́ясь на па́лку** ҳасса таяниб юрмоқ, 3 ҳасса; **лы́жные па́лки** чанғичилар ҳассаси; чанғичилар таёғи; ◊ ***па́лка о двух конца́х*** икки томони бор масала; ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик томони бўлиши мумкин бўлган иш, гап ва ҳ. к.; ***вставля́ть па́лки в колёса*** қ. **колесо́**; ***из-под па́лки*** қ. **из-под**.

ПАЛЛА́ДИЙ *м мн. нет хим.* палладий (платина рудасида учрайдиган кумуш тусли нодир металл).

ПАЛЛИАТИ́В *м* 1. *мед.* паллиатив (касални соғайтиришга эмас, балки дардини вақтинча енгиллаштиришга хизмат қиладиган дори); 2. ‖ охирига етказилмаган чора, вақтинча тадбир.

ПАЛЛИАТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое **паллиати́в** *сўз. сиф.*, *ҳ.* **паллиати́в**.

ПАЛО́МНИК *м эск.* зиёратчи.

ПАЛО́МНИЦА *ж ҳ.* **палО́мник**.

ПАЛО́МНИЧАТЬ *несов.* зиёрат қилмоқ, зиёрат қилиб юрмоқ.

ПАЛО́МНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое *эск.* **палО́мник** *сўз. сиф.*; *ҳ.* **палО́мник**.

ПАЛО́МНИЧЕСТВО *ср* 1. *эск.* зиёрат; 2. ‖ бир ёр ерни (ёки нарсани) кўп одамлар бориб (келиб) кўриши, тамошо қилиши.

ПА́ЛОЧКА *ж* 1. палка *сўз. кичр айт.*; 2. дирижёр чўпи; 3. *мед.* таёқчасимон микроб (ба'зи бациллаларнинг номи); **па́лочка Ко́ха** ёки **ко́ховская па́лочка** сил касаллигининг бацилласи.

ПА́ЛОЧКОВЫЙ, -ая, -ое *махс.* **па́лочка** 3 *сўз. сиф.*; *ҳ.* **па́лочка** 3.

ПА́ЛОЧНЫЙ, -ая, -ое 1. **па́лка** *сўз. сиф.*; калтакка, таёққа оид; **па́лочные уда́ры** таёқлаш, калтаклаш, калтак билан савалаш; 2. *махс.* таёқлардан қилинган; **па́лочная и́згородь** ёғоч панжара; 3. ‖ таёқлаш (таққирлаш, эзиш) билан иш кўрадиган; **па́лочная дисципли́на** *(манф.)* таёқлаш (таққирлаш, эзиш) йўли билан ўрнатилган интизом.

ПА́ЛТУС *м* палтус (шимол денгизларида яшовчи бир тур балиқ).

ПА́ЛТУСОВЫЙ, -ая, -ое **па́лтус** *сўз. сиф.*; палтусга оид; *ҳ.* **па́лтус**.

ПА́ЛУБА *ж* 1. *денг.* палуба (пароход ва кема саҳни); **ве́рхняя па́луба** юқори палуба; **нижняя па́луба** қуйи

палуба, взлётная па́луба *(ав.)* самолётлар учиб кетадиган ва қўнадиган палуба; **выйти на па́лубу** палубага чиқмоқ; 2. *арх.* палуба (ғиштдан равоқ, гумбаз ясаш учун қилинган ёғоч ёки тахта қолип).

ПА́ЛУБНИК *м мн. нет махс.* қалин тахта.

ПА́ЛУБНЫЙ, -ая, -ое па́луба *сўз сиф.*; 1. палубага оид; **па́лубные ча́сти су́дна** кеманинг палубаси, палуба қисмлари; 2. палубали, палубаси бор бўлган; **па́лубное су́дно** палубали кема; **двухпа́лубное су́дно** икки палубали (икки қаватли) кема; 3. палубада бўлган, палубада ишлайдиган; **па́лубная кома́нда** палуба командаси (палубада ишлайдиган матрослар).

ПА́ЛЫЙ, -ая, -ое *махл.* ҳаром ўлган, ҳаром қотган (чорва ҳақида); **па́лый скот** ҳаром қотган (ўлган) мол.

[-па́лый], -ая, -ое бир нарсанинг бармоқ сонини кўрсатувчи сифатларнинг кетига қўшилиб келадиган қўшимча, мас., **шестипа́лый** олти бармоқли; **беспа́лый** бармоқсиз, бармоғи йўқ.

ПАЛЬБА́ *ж мн. нет с. т.* отиш, уққа тутиш, ўқ ёгдириш **ружёйная пальба́** милтиқвозлик, тасир-тусир ўқ отиш; **пу́шечная пальба́** тўп отиш; **откры́ть пальбу́** ўқ ёгдирабошламоқ.

ПА́ЛЬМА *ж бот.* пальма; **кокосовая па́льма** кокос пальмаси (дарахти); **фи́никовая па́льма** хурмо дарахти; ◊ ***па́льма пе́рвенства*** устунлик, ютиб чиқиш, биринчилик; **получи́ть па́льму пе́рвенства** устун келмоқ, ютиб чиқмоқ, голиб келмоқ; **уступи́ть па́льму пе́рвенства** биринчиликни қўлдан бермоқ; енгилмоқ; ютқизмоқ

ПАЛЬМЕ́ТТА *ж арх.* пальметта (пальма барглариға ўхшатиб ишланган нақш).

ПАЛЬМИТИ́НОВЫЙ: пальмити́новая кислота́ *(хим.)* пальмитин кислота (қаттиқ ёғларнинг гидролизланишидан ҳосил бўладиган органик кислота).

ПАЛЬМИТИ́НЫ *мн. (ед.* **пальмити́н** *м) махс.* пальмитинлар (кўп мойларнинг составига кирадиган пальмитин кислота эфирлари).

ПА́ЛЬМОВЫЙ, -ая, -ое 1. **па́льма** *сўз. сиф.*; пальма дарахтига оид; **па́льмовая ветвь** 1) пальма дарахтининг новдаси; 2) ‖ тинчлик аломати, белгиси; 2. пальма дарахтидан қилинган, пальма дарахтидан олинган; **па́льмовое ма́сло** пальма мойи; 3. *сущ.* **па́льмовые** *мн. (ед.* **па́льмовое** *ср) бот.* пальмасимонлар; пальма туркумига кирувчи дарахтлар.

ПАЛЬНИ́К *м ҳарб. эск.* пилик, пилта (тўп отиш учун унинг ичига ёниб турган пилик тиқадиган ёғоч)

ПАЛЬНУ́ТЬ *сов.* и *однокр с. т.* бир (бир марта) ўқ узмоқ.

ПАЛЬПА́ЦИЯ *ж мн. нет мед.* пальпация (касал жойни бармоқлар билан пайпаслаб кўриш усули).

ПАЛЬПИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. мед.* бирор касалнинг огриган ерини бармоқлар билан пайпаслаб кўрмоқ.

ПАЛЬПИТА́ЦИЯ *ж мн. нет мед* пальпитация (юракнинг гупиллаб нотўғри уриши).

ПАЛЬТЕЦО́ *ср с. т.* **пальто́** *сўз кичр айт.*; пальточа

ПАЛЬТИ́ШКО *ср манф.* **пальто́** *сўз. кичр. айт.*; арзонгина, жўнгина пальто, анчики пальто.

ПАЛЬТО́ *ср нескл.* пальто.

ПАЛЬЦЕВИ́ДНЫЙ = **пальцеобра́зный** *(к.)*.

ПАЛЬЦЕВО́Й, -ая, -ое **па́лец** *сўз. сиф.*; бармоққа оид; **пальцево́й суста́в** бармоқ бўғини; **у э́того пиани́ста сильна́ пальцева́я те́хника** бу пианистнинг бармоқ техникаси зўр экан.

ПАЛЬЦЕОБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое бармоқсимон, бармоқ шаклида бўлган, бармоққа ўхшаган; **пальцеобра́зные ли́стья** бармоқсимон япроқлар.

ПА́ЛЬЧАТЫЙ, -ая, -ое 1. бармоққа ўхшаган, бармоқсимон; **па́льчатые ли́стья** бармоқсимон барглар; 2. *тех.* тишли; **па́льчатый культива́тор** тишли культиватор (ёввойи ўтларни қўпориб ташловчи культиватор).

ПА́ЛЬЧИК *м* **па́лец** *сўз. кичр. айт.*; бармоқча, кичкина бармоқ; ◊ ***ма́льчик с па́льчик*** *к.* **ма́льчик**; ***па́льчики оближешь*** *к.* **облиза́ть**.

ПАЛЯ́ЩИЙ, -ая, -ее 1. пали́ть I (3-нчи ма'носида) ва пали́ть II фе'лларининг сифатдоши; 2. иссиқ, ловуллаган, куйдирадиган; **паля́щие лучи́ со́лнца** офтоб қизиғи, жазирама офтоб; **паля́щий зной** куйдируви иссиқ, жазирама иссиқ.

ПАМПА́СОВЫЙ, -ая, -ое пампа́сы *сущ. сиф.*; пампасга оид; қ. пампа́сы.

ПАМПА́СЫ *мн., ед. нет махс.* пампаслар (Жанубий Америка даштлари).

ПАМПУ́ШКА *ж махл.* пампушка (ёғда қовурилган кулча; бўғирсоқ).

ПАМФЛЕ́Т *м ад.* памфлет (бирор нарсага ёки бирор кимсага қарши қаратилган ва одатда сиёсий ёки ижтимоий характерда ёзилган ўткир асар).

ПАМФЛЕТИ́СТ *м* памфлетист, памфлетчи, памфлет ёзувчи.

ПАМФЛЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое памфле́т *сущ. сиф.*; памфлетга оид; **памфле́тный стиль** памфлет стили.

ПА́МЯТКА *ж* 1. эсдалик; хотира учун ёзилган китобча; **па́мятка охо́тника** овчининг эсдалиги; 2. *с. т.* эсдалик, хотира, ёдгорлик.

ПА́МЯТЛИВОСТЬ *ж мн. нет с. т.* эсда сақлаб қолиш қобилияти, зеҳни баландлик.

ПА́МЯТЛИВЫЙ, -ая, -ое *с. т.* зеҳнли, фаҳмли, эсли; **па́мятливый ребёнок** зеҳнли бола.

ПА́МЯТНИК *м* 1. ҳайкал; **па́мятник Алише́ру Навои** Алишер Навоий ҳайкали; 2. қабр устига қўйилган ёдгорлик; **на его́ моги́ле поста́вили па́мятник** унинг қабри устига ҳайкал ўрнатилди; 3. *археол.* қадимий асар; қадимги маданият қолдиқлари; **па́мятники дре́вности** қадимги замон ёдгорликлари; **на́йденная моне́та—па́мятник второ́го ве́ка на́шей э́ры** топилган танга—эрамизнинг иккинчи асридаги ёдгорлик; **археологи́ческие па́мятники** археология ёдгорликлари; осор атиқа ёдгорликлари; 4. қадимги замон ёзма ёки оғзаки асарлари; **литерату́рный па́мятник** адабий ёдгорлик; **па́мятники у́стного наро́дного тво́рчества** халқ оғзаки ижодиётининг ёдгорликлари; 5. ‖ бирор кимсанинг фаолияти қолдирган из, асар; **„Я па́мятник себе́ воздви́г нерукотво́рный“** (Пушкин) „Мен ўзимга мангули ҳайкал бино қилдим“ (Пушкин).

ПА́МЯТНЫЙ, -ая, -ое 1. хотирда сақланган, унутилмаган (унутилмас); **па́мятное собы́тие** унутилмайдиган воқиа; 2. эсдалик; хотира; **па́мятная кни́жка** хотира дафтари.

ПА́МЯТОВАТЬ *несов. эск.* эсда тутмоқ, ёдда (хотирда) сақламоқ; **„...повседнево́ укрепля́ть связь с ма́ссами, па́мятуя, что си́ла и непобеди́мость на́шей па́ртии — в её кро́вной и неразры́вной свя́зи с наро́дом“** (Маленков) „...партиямизнинг кучи ва енгилмаслиги унинг халқ билан қон қардош ва чамбарчас боғлиқ бўлишида эканлигини эсда тутиб, омма билан алоқани доимо мустаҳкамлаш“ (Маленков).

ПА́МЯТЬ *ж* 1. эс, ёд, хотира, зеҳн; хаёл; **хоро́шая па́мять** эсда яхши тутиш қобилияти; **зри́тельная па́мять** қ. **зри́тельный; слухова́я па́мять** эшитганини эсда тутиш қобилияти; **свежо́ в па́мяти** эсда бор; хаёлдан кетмаган; **вре́залось в па́мять** эсда ўрнашиб қолган; хаёлдан кетмайди, хаёлдан кўтарилмайди; **вы́учить на па́мять** ёдлаб олмоқ, ёд билиб олмоқ; **е́сли мне па́мять не изменя́ет** агар хотиримдан чиқмаган бўлса; **храни́ть в па́мяти** эсда тутмоқ, хотирда сақламоқ; **восстанови́ть в па́мяти** эсга келтирмоқ, эсламоқ; 2. хотира, эсдалик, йўқлаш; **храни́ть па́мять о геро́ях войны́** уруш қаҳрамонларини хотирда сақламоқ; **оста́вить о себе́ до́брую па́мять** ўз ҳақида яхши хотира қолдирмоқ; **подари́ть на па́мять** эсдалик учун тақдим этмоқ; **в па́мять о встре́че** учрашувни эслаб, учрашув хотираси учун; **посвяти́ть кни́гу па́мяти учи́теля** китобни ўқитувчи (устоз) хотирасига бағишламоқ; 3. эс, ҳуш; **лиши́ться па́мяти** 1) ҳушдан кетмоқ, беҳуш бўлмоқ; 2) хотираси паст бўлиб қолмоқ; **больно́й лежи́т без па́мяти** касал (бемор) беҳуш ҳолда ётипти; ◇ ***люби́ть без па́мяти*** (*с. т.*) бениҳоят севмоқ; жуда яхши кўрмоқ; ***быть без па́мяти*** (*от кого́-чего́-н.*) *в знач. сказ., с. т.* шавқланмоқ, қаттиқ завқланмоқ; ***по ста́рой па́мяти*** ил-

(

гариги олати бўйича; *на чьёй-н. па́мяти* бирор кимсанинг ёдида сақланиб келган; *прийти́ на па́мять* эсга келмоқ; эсга тушмоқ; *говори́ть на па́мять* ёддан гапирмоқ (текстсиз); *курйная па́мять* (*с. т. ҳазл.*) хотирянинг қисқалиги; *ве́чная па́мять* (*кому́-н.*) абадий хотиралар бўлсин.

ПАН *м* (*мн.* **паны**) *эск.* 1. пан, помешчик, барин (эски Польшада катта ер эгаси, бой); 2. афанди, жаноб, тақсир; ◊ *ли́бо пан, ли́бо пропа́л қ.* либо.

[пан-] пан(„бутун", „ҳамма" ма'носидаги юнонча „пан" сўзидан бўлиб, мураккаб сўзлар олдига қўшилиб келади, мас., **пан Евро́па, пантюркизм** ва ҳ. к.).

ПАНА́МА I *ж* панама (капиталистик жамиятда олий мансабдорларни пора билан сотиб олиш ва бошқа жиноятлар билан боғлиқ бўлган катта фирибгарлик).

ПАНА́МА II *ж* панама (сербар соябонли ёзлик шляпа).

ПАНАРИ́ЦИЙ *м мед.* милкак, тирноқ остининг яллиғлаб йиринг бойлаши).

ПАНАЦЕ́Я *ж* 1. *эск.* панацея [ўрта асрларда алхимиклар (ким'ёгарлар) назарида ҳар касалга даво деб қаралган дори]; 2. ‖ панацея (турмушда ҳар нарсадан қутқазадиган, ҳар нарсага даво берадиган сохта восита); **панацея́ от всех зол** (*кест.*) ҳарқандай фалокатдан қутқазадиган восита.

ПАНБА́РХАТ *м мн. нет* панбархат (юпқа ипак духобанинг бир хили), ипак бахмал.

ПАНДЕМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *мед* пандемия сўз. *сиф.*; пандемияга, офатга оид; *қ.* **пандемия**.

ПАНДЕ́МИЯ *ж мед.* пандемия (бутун бир мамлакатга, ҳатто бирқанча мамлакатларга тарқалган эпидемик касал); *қ.* **эпидемия**.

ПА́НДУС *м тех.* пандус [зина ўрнини босадиган нишоб (қия) сирт, масалан, бирнеча қаватли гаражларда автомашиналарнинг бир қаватдан иккинчи қаватга чиқиб тушиши учун ишланган нишоб йўлка]

ПАНЁВА *ж мах.л.* қўлда катак-катак қилиб тўқилган жун мата ва шу матадан тикилган юбка.

ПАНЕГИ́РИК *м* 1. *тар.* панегирик (қадимги грек ва римлиларда — илгари ўтган ота-боболарнинг қаҳрамонликлари, халқнинг куч-қудрати ва ш. к. ларни мақтаб сўзланган ватанпарварлик нутқи; мадҳия); 2. ‖ *кест.* мадҳия, мақтов; бирор киши ёки бирорнинг ҳаддан ортиқ мақтаб юбориш, кўкларга кўтариш).

ПАНЕГИРИ́СТ *м* 1. *тар. ад.* панегирист, панегирик автори; панегирик, ёзувчи; 2. ‖ маддоҳ, мадҳиячи, бировни ёки бирор ишни ҳаддан ортиқ мақтовчи одам.

ПАНЕГИРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **панегири́к** *сўз. сиф.*; панегирикка оид, ҳаддан ташқари мақталган; **панегири́ческая речь** мақтов нутқи, мадҳия, мадҳ (бирор иш ёки бирор кишини ҳаддан ортиқ мақтаб айтилган нутқ).

ПАНЕ́ЛЬ *ж* 1. панель, тротуар, йўлак, йўлка (тош, тахта ёки асфальт ётқизилган йўлка); 2. панель (ички деворларнинг пастки қисмига тахта, ёғоч ёки картон қоплаш ёхуд тахтага ўхшатиб бўяш); **панéль из дýба** дуб ёғочидан ясалган панель; 3. *тех.* панель (асбоблар ёки уларнинг ба'зи қисмлари ўрнатилган тахта); **распределительная панéль** (*эл.*) тақсимот панели, унинг олд томонига ўлчов ва юргизув асбоблари (реостат, выключатель ва бошқалар) ўрнатилган бўлади; 4. *кон.* панель (кон қазишда горизонталь ёки нишоб шахталарнинг квадрат шаклда ажратилган участкаси).

ПАНЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое **панéль** *сўз. сиф.*; *қ.* **панель**.

ПАНЗОО́ТИЯ *ж* панзоотия (ҳайвонларга епизсига тегкан касал, ўлат-офат).

ПА́НИ *ж нескл. эск.* хоним, бекам (полякларда).

ПАНИБРА́ТСКИЙ, -ая, ое *с. т.* такаллуфсиз, бетакаллуф, иноқларча; **панибра́тское отноше́ние** бетакаллуф муносабат.

ПАНИБРА́ТСТВО *ср мн. нет с. т.* бетакаллуфлик, иноқлик, ёр-дўстлик

ПА́НИКА *ж мн. нет* ваҳима; саросима, ҳаяжон, даҳшат; **впада́ть в па́нику** саросимага тушмоқ, ваҳима босмоқ; **враг отступи́л в па́нике** душман саросимага тушиб чекинди.

ПАНИКАДИ́ЛО *ср черк.* черковда катта қандил, чилчироқ.

ПАНИКЁР *м манф.* ваҳимачи; **среди́ сове́тских люде́й не должно́ быть ме́ста паникёрам** совет кишилари ўртасида ваҳимачиларга ўрин бўлмаслиги керак.

ПАНИКЁРСКИЙ, -ая, -ое **паникёр** *сўз. сиф.*; ваҳимачига оид; *қ.* **паникёр.**

ПАНИКЁРСТВО *ср мн.нет* ваҳимачилик, ваҳимага тушишлик.

ПАНИКЁРСТВОВАТЬ *несов. с. т. манф.* ваҳимага тушмоқ, ваҳима қилмоқ.

ПАНИКЁРША *ж қ.* **паникёр.**

ПАНИКОВА́ТЬ *несов. содд.* = паникёрствовать (*қ.*).

ПАНИСЛАМИ́ЗМ *м мн. нет сиёс.* панисломизм (XIX асрнинг охирларида Шарқ мамлакатларидаги эксплуататор синфлар ўртасида кенг ёйилган ва мусулмон динидаги халқларнинг ҳаммасини бирлаштиришни тарғиб қиладиган диний-сиёсий идеология; империалистлар бу идеологиядан ўзларининг агрессив манфаатлари учун фойдаланишга тиришадилар).

ПАНИСЛАМИ́СТ *м сиёс.* панисломизм тарафдори.

ПАНИСЛАМИ́СТСКИЙ, -ая, -ое *сиёс.* панисламизм ва панисламист *сўз. сиф.*; *қ.* панисламизм ва панисламист.

ПАНИХИ́ДА *ж черк.* жаноза, азо ◇ **граждáнская панихи́да** граждан лик жаноза маросими (вафот этган кишини кўриш вақтида унинг хотирасига бағишланган мотам мажлиси).

ПАНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. ваҳимали, ваҳимага тушиб; **панический у́жас** ваҳима, қўрқув; **паническое бе́гство** ваҳимага тушиб қочиш, тумтарақай қочиш; 2. *с. т.* ваҳимага тушувчи, қўрқоқ, юраксиз; **пани́ческий челове́к** ваҳимачи, қўрқоқ одам.

ПА́НКРЕАС *м анат.* панкреас (қорин ости бези).

ПАНКРЕАТИ́Н *м мн.нет мед.* панкреатин қорин ости бези ферменти мавжуд бўлган толқон, порошок).

ПАНКРЕАТИ́Т *м мед.* панкреатит (қорин ости безининг яллиғланиши).

ПАНКРЕАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *мед.* па́нкреас *сўз. сиф.*; панкреасга, меъда ости безига оид; **панкреати́ческая железа́** меъда ости бези; **панкреати́ческий сок** меъда ости безининг шираси.

ПА́ННА *ж* пан қизи, ооп қизи (полякларда).

ПАННО́ *ср нескл* 1. *арх.* панно (расм ёки нақшлар билан безатилган девор ёки шип); 2. панно (бутун деворни эгаллаган катта расм).

ПА́ННОЧКА *ж па́нна (сўз. эркл. айт.)*; *қ.* па́нна.

ПАНО́ПТИКУМ *м* паноптикум (илгариги вақтларда — мўмдан ясалган ҳархил қўғирчоқлар, шакллар ва бошқа антиқий нарсалар сақланадиган музей).

ПАНОРА́МА I *ж* 1. манзара, кўриниш; **перед на́ми откры́лась панора́ма гор** кўз олдимизда тоғлар манзараси намоён бўлди; 2. панорама (доира шаклидаги бинонинг ички деворига гир-айлана ишланган расмлар; бино ўртасида турган тамошобинга расмлар ҳақиқий манзарадай бўлиб туйилади); **панора́ма Севасто́польской оборо́ны** Севастополь мудофааси панорамаси (Севастополь жанги тасвирланган панорама); 3. *эск.* панорама (катта қилиб кўрсатучи ойна орқали кўриладиган сурат).

ПАНОРА́МА II *ж махс.* панорама (артиллерия тўпларидаги оптик асбоб).

ПАНОРА́МНЫЙ I, -ая, -ое панора́ма I *сўз. сиф.*; панорамага оид; **панора́мная съёмка** (*махс.*) кинога олишнинг бир усули бўлиб, бунда киноаппаратни штатив устида айлантириш йўли билан кенг фазо суратга олинади.

ПАНОРА́МНЫЙ II, -ая, -ое панора́ма II *сўз. сиф.*; *қ.* панора́ма II.

ПАНПСИХИ́ЗМ *м мн. нет филос.* панпсихизм (бутун моддий дунёни жонли деб ҳисоблайдиган, фанга зид бўлган идеалистик дунёқараш).

ПАНСИО́Н *м с. т. эск.* пансион (1. революциядан илгари Россияда —

етоқхона, озиқ-овқат ва кийим-бош блан та'минлайдиган ўрта билим юрти; 2. истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат ва кийим-бош блан та'минлайдиган меҳмонхонача; 3. тўла равишда та'миноттга олиш).

ПАНСИОНЕ́Р *м эск.* 1. пансион ўқувчиси; 2. пансионер (пансионда, кичкина меҳмонхонада турувчи киши); 3. пансиондан фойдаланувчи киши.

ПАНСИОНЕ́РКА *ж қ.* пансионе́р

ПАНСИОНЕ́РСКИЙ = пансио́нский (*қ.*).

ПАНСИО́НСКИЙ, -ая, -ое *эск.* пансио́н 1, 2 *сўз. сиф.*: пансионга оид; *қ.* пансио́н 1, 2.

ПА́НСКИЙ, -ая, -ое пан *сўз. сиф.* панларга оид; панларга хос бўлган; *қ.* пан.

ПАНСЛАВИ́ЗМ *м мн. нет тар.* панславизм (XIX—XX асрларда барча славян мамлакатларни чор Россияси бошлиқ битта давлат қилиб бирлаштиришга интилган реакцион сиёсий оқим).

ПАНСЛАВИ́СТ *м тар.* панславист (панславизм тарафдори).

ПАНСЛАВИ́СТСКИЙ, -ая, -ое *тар.* панславизм ва панславист *сўз. сиф.*; панславизмга оид.; *қ.* пан славизм ва панславист.

ПАНСЛАВЯ́НСКИЙ = панславя́нский (*қ.*).

ПА́НСТВО *ср мн. нет* 1. *эск. собир.* панлар, жаноблар (эски Польшада); 2. *с. т. манф.* манманлик, кеккайганлик, мутакаббирлик.

ПАНТАЛО́НЫ *мн., ед. нет* 1. *эск.* шим; 2. лозим.

ПАНТАЛЫ́К *м*: сбить с панталы́ку (*с. т.*) довдиратиб (гангиратиб) қўймоқ, эсанкиратиб қўймоқ; сбиться с панталы́ку (*с. т.*) довдираб қолмоқ, эсанкираб (шошиб, гангираб) қолмоқ.

ПАНТА́Ч *м махс.* пантач (шохи чиқабошлаган ёш киик).

ПАНТЕ́ИЗМ *м мн. нет филос.* пантеизм (худо блан табиат бир деб қарайдиган диний-философик та'лимот).

ПАНТЕ́ИСТ *м филос.* пантеист, пантеизм тарафдори.

ПАНТЕИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *филос.* пантеи́зм ва пантеи́ст *сўз. сиф.*; пантеизмга оид, пантеистик.

ПАНТЕО́Н *м* пантеон (1. қадимги грек ва римликларда—ҳамма худоларга атаб қурилган ибодатхона; 2. *дин.* бирор динга мансуб бўлган ҳамма худолар; 3. || машҳур кишилар дафн этилган бино, дахма; 4. *тар.* адабий тўпламлар, журналлар, альманахларнинг номи).

ПАНТЕ́РА *ж зоол. қ.* леопа́рд.

ПАНТО́ГРАФ *м тех.* пантограф (1. чертёж, план ва шу кабиларнинг масштабини ўзгартиб кўчириш учун қўлланиладиган асбоб; 2. *т. й.* симдан ток қабул қилиш учун электровоз ёки моторли вагоннинг томига ўрнатилган аппарат; 3. *махс.* тошбосмада—расмларни тошга оригиналга нисбатан катта ёки кичик қилиб кўчириш учун ишлатиладиган асбоб).

ПАНТОКРИ́Н *м мн. нет мед.* пантокрин (кийик шохидан тайёрланган дори-дармон).

ПАНТОМИ́МА *ж театр.* пантомима (сўзсиз, имо-ишоралар блан кўрсатиладиган чалғули тамошо).

ПАНТОМИМИ́ЧЕСКИЙ = пантоми́мный (*қ.*).

ПАНТОМИ́МНЫЙ, -ая, -ое *театр.* пантоми́ма *сўз. сиф.*; пантомимага оид; пантоми́мное представле́ние пантомима тамошоси.

ПАНТОПО́Н *м мед.* пантопон [тозаланган опи (апин) алкалоидларига эга бўлган препарат-дори].

ПА́НТЫ *мн., ед. нет* ёш бугу ва олачипор кийикнинг шохи (дори-дармонга ишлатилади).

ПАНТЮРКИ́ЗМ *м мн. нет сиёс.* пантуркизм (1912—1913 йиллардаги Болқон урушлари вақтида пайдо бўлиб, барча турк халқларини Туркия ҳукмронлигига бўйсундиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва 1914—1918 йиллардаги уруш вақтида тажовузкорлик, шовинистлик йўлини тутган реакцион идеология; империалистлар бу идеологиядан ўзларининг тажовузкорлик ниятлари учун фойдаланишга уринадилар).

ПАНТЮРКИ́СТ *м сиёс.* пантуркист, пантуркизм тарафдори.

ПАНТЮРКИ́СТСКИЙ, -ая, -ое *сиёс.* **пантюркизм** ва **пантюркист** *сўз. сиф.*; *қ.* **пантюркизм** ва **пантюркист.**

ПА́НЦЫРНЫЙ, -ая, -ое 1. **панцырь** 1 *сўз. сиф.*; *қ.* **па́нцырь** 1; 2. *сущ.* **па́нцырные** *мн.* (*ед.* **па́нцырное** *ср*) *зоол.* совутлилар (ба'зибир умуртқали ҳайвонлар, мас., балиқлар, тошбақалар, тимсоҳлар, зирҳлилар).

ПА́НЦЫРЬ *м* 1. *тар.* совут, рыцарь в **па́нцыре** совут кийган паҳлавон; 2. *зоол.* зирҳ, коса (умуртқали ба'зи ҳайвонларнинг устидаги қаттиқ қобиғи); **па́нцырь черепа́хи** тошбақа косаси; 3. *махс. эск.* совут (гавҳоснинг сув ўтмайдиган кийими).

ПА́НЧЕН-ЛА́МА *м* панчен-лама (Тибетда далай-ламанинг диний ишлар юзасидан ёрдамчиси); *қ.* **далай-ла́ма.**

ПА́ПА I *м* ота, дода, дада, ада

ПЕРЕМОРИ́ТЬ II *сов. махс.* 1. тезоблаб рангини ўзгартирмоқ (ёғочни); **перемори́ть до́ски** тахталарни тезоблаб рангини ўзгартирмоқ, 2. ортиқ даражада тезоблаб бузмоқ.

ПЕРЕМОСТИ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан тош териб, тахта тўшаб чиқмоқ; 2. кўпига (ҳаммасига) тош териб, тахта, ёғоч тўшаб чиқмоқ.

ПЕРЕМОТА́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (янгидан) ўраб чиқмоқ; 2. бирор нарсага ўрамоқ (калавадан галтакка).

ПЕРЕМО́ТКА *ж мн. нет* қайтадан ўраш, бир нарсадан иккинчи нарсага ўраш (калавадан галтакка ёки аксинча).

ПЕРЕМОЧИ́ТЬ *сов.* 1. жуда қаттиқ ивитмоқ, ивитиб юбормоқ; 2. кўпини (ҳаммасини) ивитиб чиқмоқ, ивитиб бўлмоқ.

ПЕРЕМО́ЧЬ *сов. к.* **перемога́ть.**

перемощу́, перемости́шь *буд. от* **перемости́ть** *(к.)*.

перемо́ю, перемо́ешь *буд. от* **перемы́ть** *(к.)*.

перемрём, перемру́т *буд. от* **перемере́ть** *(к.)*.

ПЕРЕМУДРИ́ТЬ *сов. с. т. манф* 1. кўп билармонлик қилмоқ, маҳмадоналик қилмоқ; маҳмадонагарчилик қилиб ишни бузмоқ, устабузарманлик қилмоқ; 2. *маҳл.* ҳийлагарлик да устун келмоқ.

ПЕРЕМУ́ЧИТЬСЯ *сов. с. т.* жуда азобланмоқ, кўп қийналмоқ, қаттиқ азоб чекмоқ.

ПЕРЕМЫВА́ТЬ *несов. к.* **перемы́ть.** ◇ ***перемыва́ть ко́сточки*** *(кому́-н.)* қ. ко́сточка.

ПЕРЕМЫ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (янгидан) ювмоқ; 2. кўпини (ҳаммасини) ювиб чиқмоқ, ювиб бўлмоқ.

ПЕРЕМЫ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ювинишмоқ (кўпчилик ҳақида).

ПЕРЕМЫ́ЧКА *ж* 1. бир нарсанинг икки қисмини бир-бирига туташтирадиган улагич, кашак; 2. *тех.* кўтарма, вақтинча сувни тўсиб туриш учун ясалган тупроқ ғов, тўсиқ, тўғон; 3. *бинк.* равоқ.

ПЕРЕМЯ́ТЬ *сов.* 1. эзиб (ғижимлаб, мижиғлаб) ташламоқ; **перемя́ть всю траву́** ҳамма ўтларни эзиб (топтаб, пайхон қилиб) юбормоқ; 2. қайтадан (янгидан) ғижимламоқ, эзмоқ.

ПЕРЕМЯ́ТЬСЯ *сов.* эзилиб кетмоқ, роса ғижимланмоқ (кийим ҳақида).

ПЕРЕНАЛА́ДИТЬ *сов. тех.* қайтадан тузатмоқ, ростламоқ, созламоқ; **переналáдить станóк** станокни қайтадан тузатиб ишга ярайдиган қилмоқ.

ПЕРЕНАЛА́ЖИВАТЬ *несов. к.* **переналáдить.**

переналáжу, переналáдишь *буд. от* **переналáдить** *(к.).*

перенапря́г, перенапрягла́ *прош. от* **перенапря́чь** *(к.).*

ПЕРЕНАПРЯГА́ТЬ *несов. к.* **перенапря́чь.**

ПЕРЕНАПРЯГА́ТЬСЯ *несов. к.* **перенапря́чься.**

перенапрягу́, перенапряжёшь *буд. от* **перенапря́чь** *(к.).*

ПЕРЕНАПРЯЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. зўриқиш; жуда зўр бериш, кўп куч сарф қилиш, кучланиш; **перенапряжéние сил** жуда зўр бериш; 2. *эл.* ҳаддан ташқари кучланиш (электр кучланишининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши).

ПЕРЕНАПРЯ́ЧЬ *сов.* ҳаддан ошиқ зўр бермоқ, кўп куч сарф қилмоқ; зўриқмоқ; **перенапря́чь пéрвы** асабларни ҳаддан ташқари ишга солмоқ; **перенапря́чь сúлы** зўриқмоқ.

ПЕРЕНАПРЯ́ЧЬСЯ *сов.* ўта кучланмоқ, қаттиқ шиддатга кирмоқ, зўриқиламоқ.

ПЕРЕНАСЕЛЁНИЕ *ср мн. нет* аҳолининг зичлиги тигизлиги, кўплиги, ортиқлиги).

ПЕРЕНАСЕЛЁННОСТЬ *ж мн. нет* аҳолининг зичлиги, аҳолининг ҳаддан ошиқ кўплиги, тиғиз жойлашганлиги; **перенаселённость райóна** район аҳолисининг кўплиги, зич, тиғиз жойлашганлиги.

ПЕРЕНАСЕЛЁННЫЙ, -ая, -ое аҳолиси кўп, ҳаддан ошиқ зич, ҳаддан ташқари тиғиз.

ПЕРЕНАСЕЛИ́ТЬ *сов.* ҳаддан ошиқ кўп аҳоли жойлаштирмоқ (ўрнаштирмоқ).

ПЕРЕНАСЕЛЯ́ТЬ *несов.* ↓ **перенасели́ть.**

ПЕРЕНАСЫ́ТИТЬ *сов. хим.* ҳаддан ошиқ тўйинтирмоқ; **перенасы́тить раствóр** эритмани ҳаддан ташқари тўйинтирмоқ (туз ва ҳ. к. ғ.).

ПЕРЕНАСЫЩА́ТЬ *несов. к.* **перенасы́тить.**

ПЕРЕНАСЫЩА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **перенасыща́ть** *(к.).*

ПЕРЕНАСЫ́ЩЕННЫЙ, -ая, -ое *хим.* 1. **перенасы́тить** фе'лининг сифатдоши; 2. ўта тўйинтирилган; **перенасы́щенный раствóр** ўта тўйинтирилган эритма.

перенасы́щу, перенасы́тишь *буд. от* **перенасы́тить** *(к.).*

перенёс, перенесла́ *прош. от* **перенести́** *(к.).*

ПЕРЕНЕСЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. ошириш, ўтказиш; **перенесéние дéла в областнóй суд** ишни область судига ошириш (ўтказиш); 2. кўчириш, қолдириш; **перенесéние осуждéния докла́да на вéчер** доклад ни муҳокама қилишни кечки мажлисга кўчириш (қолдириш); 3. ёйиш, тарқатиш, иш тажрибасини бошқа соҳаларга ёйиш.

ПЕРЕНЕСТИ́ *сов.* 1. кўчирмоқ, ташимоқ, элтиб қўймоқ; **перенести́ больнóго в сосéднюю пала́ту** касални қўшни палатага кўчириб қўймоқ; 2. кўчирмоқ, кўчирилмоқ; **в 1930 году́ столи́цу Узбекиста́на перенесли́ из Самарка́нда в Ташке́нт** 1930 йили Ўзбекистон пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилди; **намéченное заседáние перенесли́ на вéчер** тайинланган мажлисни кечқурунга кўчиришдилар; 3. кўчирмоқ, ўтказмоқ; **перенести́ сло́во на нóвую строку́** сўз охирини янги йўлга (сатрга) кўчирмоқ; 4. ‖ бошдан кечирмоқ, тортмоқ (чекмоқ); **перенести́ тяжёлую болéзнь** оғир касалликни бошдан кечирмоқ; **перенести́ го́ре** ғам тортмоқ (чекмоқ); 5. ‖ ёймоқ, тарқатмоқ; **перенести́ опы́т рабóты** иш тажрибасини ёймоқ; бошқаларга тарқатмоқ; 6. ўтказмоқ, юқтирмоқ; **перенести́ инфéкцию** юқумли касалликни бошқаларга ўтказмоқ (юқтирмоқ).

ПЕРЕНЕСТИ́СЬ *сов.* 1. *с. т.* кўчиб олмоқ, бошқа жойга ўтиб олмоқ; 2. ‖ хаёлдан кечирмоқ, хаёлга келтирмоқ;

мы́сленно перенести́сь в бу́дущее келажакни хаёлга келтирмоқ.

ПЕРЕНИМА́ТЬ *несов. к.* **перенять**.

ПЕРЕНИМА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **перенима́ть** *(к.)*.

ПЕРЕНОМЕРОВА́ТЬ, ПЕРЕНУМЕРОВАТЬ *сов.* 1. нумерламоқ, нумерлаб чиқмоқ, рақам қўйиб чиқмоқ; **перенумеровать страни́цы** рукописи кўл'ёзма бетларини нумерлаб (рақамлаб) чиқмоқ; 2. қайтадан (янгидан) нумерлаб (рақамлаб) чиқмоқ.

ПЕРЕНОМЕРО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **переномерова́ть**.

ПЕРЕНОМЕРО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **переномерова́ть** *(к.)*.

ПЕРЕНО́С *м* 1. *только ед.* кўчириш, кўчирма; **пра́вила перено́са слов** сўзларни кўчириш қоидаси; 2. сўзни бўлиб янги йўлга кўчириш белгиси (-); **знак перено́са** кўчириш белгиси.

ПЕРЕНОСИ́ТЬ I *несов.* 1. *к.* **перенести́**; 2. ‖ чидамоқ, келишмоқ; **я не переношу́ лжи** мен ёлғонга чидаб тураолмайман.

ПЕРЕНОСИ́ТЬ II *сов.* кўчирмоқ, бир жойдан иккинчи жойга ташимоқ, кўтариб олиб келмоқ; **переноси́ть все я́щики в склад** ҳамма яшикларни складга олиб кириб қўймоқ.

ПЕРЕНОСИ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **перенести́сь**; 2. *страд. от* **переноси́ть** I, II *(к.)*.

ПЕРЕНО́СИЦА *ж* қаншар

ПЕРЕНО́СКА *ж мн. нет с. т.* ташиш, кўтариб олиб бориш; **перено́ска ме́бели** мебельларни ташиш.

ПЕРЕНО́СНЫЙ, -ая, -ое 1. кўчма, кўчириладиган; **перено́сная ла́мпа** кўчма лампа; 2. кўчирма (кўчма) ма'нони, мажозий; **перено́сное значе́ние сло́ва** сўзнинг кўчирма (кўчма) ма'носи; **в перено́сном смы́сле** кўчирма (мажозий) ма'нода.

ПЕРЕНО́СЧИК *м* ташучи, кўчирувчи; юқтируви, тарқатучи; **мно́гие грызуны́—перено́счики зара́зных боле́зней** кемирувчилар (сичқон, каламушлар)нинг кўпи—юқумли касалликлар тарқатувчидир; **комар—перено́счик маляри́и** пашша (чивин) безгак тарқатувчидир

ПЕРЕНО́СЬЕ *ср. эск.* = **перено́сица** *(к.)*.

ПЕРЕНОЧЕВА́ТЬ *сов.* тунамоқ, ётиб қолмоқ, қўнмоқ, қўниб ўтмоқ.

переношу́, перено́сишь I *наст. от* **переноси́ть** I *(к.)*.

переношу́, перено́сишь II *буд. от* **переноси́ть** II *(к.)*.

ПЕРЕНУМЕРОВА́ТЬ = **переномерова́ть** *(к.)*.

ПЕРЕНУМЕРО́ВЫВАТЬ=**переномеро́вывать** *(к.)*.

ПЕРЕНУМЕРО́ВЫВАТЬСЯ = **переномеро́вываться** *(к.)*.

ПЕРЕНЯ́ТЬ *сов.* 1. тақлид қилмоқ, тақлид қилиб, ўрганиб олмоқ; **перенять передово́й стаха́новский о́пыт** илғор стахановча тажрибани ўрганиб олмоқ; **перенять чьи-н. привы́чки** бирор киши одатини ўрганиб олмоқ; 2. *махс.* тўсмоқ, бўғмоқ; **перенять во́ду плоти́ной** сувни тўғон қилиб бўғмоқ, тўсмоқ; 3. *махл.* олдидан тўсиб чиқмоқ, олдидан тўсиб чиқиб ушлаб олмоқ, янги йўлга солиб юбормоқ; **перенять скот на доро́ге** молни (чорвани) олдидан чиқиб ушлаб олмоқ.

ПЕРЕОБОРУ́ДОВАНИЕ *ср мн. нет* қайтадан (янгидан) ускуналаш (жиҳозлаш); **переоборудование лаборато́рии** лабораторияни янгидан ускуналаш, асбоб-ускунага бойитиш.

ПЕРЕОБОРУ́ДОВАННЫЙ, -ая, -ое қайтадан ускуналанган (жиҳозланган), асбоб-ускунага бойитилган; **переоборудованная мастерска́я** янгидан ускуналанган устахона.

ПЕРЕОБОРУ́ДОВАТЬ *сов.* и *несов.* қайтадан (янгидан) бошқача қилиб ускуналамоқ (жиҳозламоқ); **переоборудовать цех** цехни янгидан бошқача қилиб ускуналамоқ.

ПЕРЕОБОРУ́ДОВАТЬСЯ *несов. страд. от* **переоборудовать** *(к.)*.

ПЕРЕОБРЕМЕНИ́ТЬ *сов.* ҳаддан ошиқ юкламоқ, жуда малол келтирмоқ; **переобременить (кого-н.) обя́занностями** бирор кишига ҳаддан ташқари кўп вазифалар юкламоқ.

ПЕРЕОБРЕМЕНЯ́ТЬ *несов. к.* **переобременить**.

ПЕРЕОБУВАНИЕ *ср мн. нет* оёқ кийимини қайтадан кийдириш, бош-

қа пойафзал кийдириш; бошқа оёқ кийими кийиш, оёқ кийимини ечиб бошқатдан кийиш.

ПЕРЕОБУВА́ТЬ *несов.* қ. **переобу́ть.**

ПЕРЕОБУВА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **переобу́ться**; 2. *страд. от* **переобува́ть** *(қ.).*

ПЕРЕОБУ́ТЬ *сов.* 1. бошқа оёқ кийими кийдирмоқ, оёғига қайтадан пойафзал кийдирмоқ; **переобу́ть ного́у** оёқ кийимини ечиб, бошқасини кийдирмоқ; **переобу́ть ребёнка** болага бошқа оёқ кийими кийгизмоқ; 2. ечиб қайтадан (бошқатдан) кийиб қўймоқ; **переобу́ть сапоги́** этикни ечиб, қайтадан киймоқ.

ПЕРЕОБУ́ТЬСЯ *сов.* пойафзални ечиб қайтадан киймоқ, оёқ кийимини алмаштирмоқ, бошқа оёқ кийими киймоқ.

ПЕРЕОБУЧА́ТЬ *несов.* қ. **переобу́чить.**

ПЕРЕОБУЧА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **переобу́читься**; 2. *страд. от* **переобуча́ть** *(қ.).*

ПЕРЕОБУЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* қайтадан (янгидан) ўқитиш, қайтадан та'лим бериш; янги (бошқа) нарсалар ўргатиш.

ПЕРЕОБУЧИ́ТЬ *сов.* қайтадан (янгидан) ўқитмоқ, қайтадан та'лим бермоқ; янги (бошқа) нарсалар ўргатмоқ.

ПЕРЕОБУЧИ́ТЬСЯ *сов.* қайтадан (янгидан) ўқимоқ, та'лим олмоқ; бирон янги нарсани ўрганиб чиқмоқ.

ПЕРЕОДЕВА́НИЕ *ср* қайтадан (янгидан) кийиниш, устбошини алмаштириш, бошқа кийимлар кийиш, янгидан кийинтириш, ечиниб кийиниш; **переодева́ние за́няло у него́ де́сять мину́т** унинг устбошини алмаштириши ўн минут вақтни олди, унинг янгидан кийиниб чиқишига ўн минут вақт кетди.

ПЕРЕОДЕВА́ТЬ *несов.* қ. **переоде́ть.**

ПЕРЕОДЕВА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **переоде́ться**; 2. *страд. от* **переодева́ть** *(қ.).*

переоде́ну, переоде́нешь *буо. от* **переоде́ть** *(қ.).*

переоде́нь *пов. накл. от* **переоде́ть** *(қ.).*

ПЕРЕОДЕ́ТЫЙ, -ая, -ое 1. **переоде́ть** фе'лнинг сифатдоши; 2. бошқа кийим кийган, кийимини ўзгартган, бошқача кийинган; қиёфаси ўзгартган; **переоде́тый челове́к** бошқача кийинган одам.

ПЕРЕОДЕ́ТЬ *сов.* 1. бошқа кийимлар кийдирмоқ; **переоде́ть больно́го** касалга бошқа кийимлар кийдирмоқ; 2. кийимини алмаштирмоқ (ўзгартирмоқ); **переоде́ть пла́тье** кўлагини алмаштирмоқ, бошқасини киймоқ.

ПЕРЕОДЕ́ТЬСЯ *сов.* 1. бошқа кийимлар киймоқ, ечиниб кийинмоқ; **переоде́ться в но́вый костю́м** ечиниб янги костюм киймоқ; 2. бошқача бўлиб кийинмоқ; ниқобланмоқ; **переоде́ться в же́нское пла́тье** аёл тинлар кўйлаги кийиб олмоқ, хотин кийинниб олмоқ.

ПЕРЕОРИЕНТА́ЦИЯ *ж мн. нет* қайтадан ориентация (мўлжал, чама қилиш; қ. **ориента́ция.**

ПЕРЕОРИЕНТИ́РОВАТЬ *сов.* қайтадан (бошқатдан) ориентация қилмоқ, мўлжал (чама) олмоқ; қ. **ориенти́ровать.**

ПЕРЕОРИЕНТИ́РОВАТЬСЯ *сов.* қайтадан (бошқатдан) ориентация қилинмоқ; қ. **ориенти́роваться.**

ПЕРЕОСВИДЕ́ТЕЛЬСТВОВАНИЕ *ср мед.* қайтадан (янгидан) кўрикдан ўтказиш, қайтадан кўриш; **на́до зна́чить на переосвиде́тельствование** қайтадан кўришга тайинламоқ.

ПЕРЕОСВИДЕ́ТЕЛЬСТВОВАТЬ *сов.* и *несов. мед.* қайтадан (янгидан) кўрикдан ўтказмоқ, қайтадан текширмоқ; **переосвиде́тельствовать больно́го** касални қайтадан врач кўригидан ўтказмоқ.

ПЕРЕОСВИДЕ́ТЕЛЬСТВОВАТЬСЯ *сов.* и *несов. мед.* 1. қайтадан (янгидан) кўриб чиқилмоқ; 2. қайтадан (янгидан) кўрикдан ўтказилмоқ, қайтадан текширилиб кўрилмоқ.

ПЕРЕОСМЫ́СЛИВАТЬ *несов.* қ. **переосмы́слить.**

ПЕРЕОСМЫ́СЛИТЬ *сов.* қайтадан ўйлаб, мулоҳаза қилиб ма'носини тушунмоқ (англамоқ билмоқ); **пере-**

осмы́слить пре́жний вы́вод илгариги (аввалги) хулосани ўйлаб кўриб ма'носини тушунмоқ.

ПЕРЕОСНАСТИ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан жиҳозламоқ, янгидан ускуналамоқ, бошқача жиҳозламоқ (кемани); 2. ‖ қайта қуроллантирмоқ, асбоб-ускуна, ярог-аслаҳа блан янгидан та'минламоқ.

ПЕРЕОСНАЩА́ТЬ *несов.* қ. **переоснасти́ть.**

ПЕРЕОХЛАДИ́ТЬ *сов.* ортиқча совутмоқ, керагидан ортиқ совутиб юбормоқ.

ПЕРЕОХЛАДИ́ТЬСЯ *сов.* керагидан ортиқ (ҳаддан ташқари) совумоқ.

ПЕРЕОХЛАЖДА́ТЬ *несов.* қ. **переохлади́ть.**

ПЕРЕОХЛАЖДА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **переохлади́ться**; 2. ортиқча совутилмоқ, керагидан ортиқ совутиб юборилмоқ.

ПЕРЕОХЛАЖДЕ́НИЕ *ср. мн. нет* 1. ҳаддан ташқари совутиш; 2. *физ.* секин совутиб, жуда совуқ қилиб юбориш (суюқликни аста-секин совутиб музлаш даражасидан ҳам паст температурага олиб бориш ва музлатмаслик).

переохлажу́, переохладишь *буд. от* **переохлади́ть** (қ.).

ПЕРЕОЦЕ́НИВАТЬ *несов.* қ. **переоцени́ть.**

ПЕРЕОЦЕ́НИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **переоце́нивать** (қ.).

ПЕРЕОЦЕНИ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (янгидан) баҳо (нарх) қўймоқ; **переоцени́ть имущество** мулкни қайтадан баҳоламоқ, янги баҳо қўймоқ; 2. ортиқча баҳо бермоқ, ошириб кўрсатмоқ; **переоцени́ть чьи-н. спосо́бности** бирор кишининг қобилиятига ортиқча баҳо бермоқ.

ПЕРЕОЦЕ́НКА *ж* 1. баҳосини ўзгартириш; қайтадан (янгидан) баҳо (нарх) қўйиш; **переоце́нка иму́щества** мулкни қайтадан баҳолаб нарх белгилаш; 2. ортиқча баҳо бериш; **переоце́нка чьи́х-н. сил** бировнинг кучига ортиқча баҳо бериш; ◇ ***переоце́нка це́нностей*** мавжуд ғоя ва қарашларни қайтадан текшириб чиқиш.

ПЕРЕПА́Д *м тех.* 1. шалола, шовваларда сувнинг юқоридан пастга тушиш баландлиги; 2. сув оқиб тушадиган қия жойни пиллапоясимон қилиб ишланган нов.

ПЕРЕПА́ДАТЬ *сов. с. т.* бирин-кетин йиқилиб тушмоқ, кетма-кет тушиб кетмоқ.

ПЕРЕПАДА́ТЬ *несов. с. т.* 1. онда-сонда ёғиб турмоқ, сал-пал ёғмоқ; **в э́том ме́сяце перепада́ли дожди́** шу ой ичи онда-сонда ёмғир ёғиб турди; 2. қ. **перепа́сть** 2.

перепадёт *буд. от* **перепа́сть** (қ.).

ПЕРЕПА́ИВАТЬ I *несов.* қ. **перепо́ить.**

ПЕРЕПА́ИВАТЬ II *несов.* қ. **перепа́ять.**

ПЕРЕПА́ЙКА *ж тех.* қайтадан кавшарлаш, янгидан қалайлаб ёпиштириш, қалайлаб чиқиш.

перепа́л, перепа́ла *прош. от* **перепа́сть** (қ.).

ПЕРЕПА́ЛЗЫВАТЬ *несов.* қ. **переползти́.**

ПЕРЕПА́ЛКА *ж* 1. *эск. собир.* қ. **перестре́лка**; 2. ‖ *с. т.* жанжал, жанжал-сурон, ҳархаша, даҳанаки жанг, гавго.

ПЕРЕПА́ЛЫВАТЬ *несов.* қ. **переполо́ть.**

ПЕРЕПА́ЛЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **перепа́лывать** (қ.).

ПЕРЕПА́РИВАТЬ *несов.* қ. **перепа́рить.**

ПЕРЕПА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **перепа́риться**; 2. *страд. от* **перепа́ривать** (қ.).

ПЕРЕПА́РИТЬ *сов.* 1. ҳаддан ошиқ бугламоқ, узоқ бугламоқ (дамлаб, димлаб) бузмоқ; 2. жуда кўпини (ҳаммасини) бугламоқ, бугламоқ бўлмоқ.

ПЕРЕПА́РИТЬСЯ *сов.* жуда узоқ бугланмоқ, узоқ бугланиб (дамланиб, димланиб) бузилмоқ.

ПЕРЕПА́РХИВАТЬ *несов.* қ. **перепорхну́ть.**

ПЕРЕПА́СТЬ *сов. с. т.* 1. онда-сонда (ора-сира) томчилаб ёғмоқ; **пе-перепа́ло немно́го дождя́** онда-сонда ёмғир томчилаб ёғиб турди; 2. ‖ тегмоқ, улушига тегмоқ, ҳиссасига

тушмоқ; **перепа́сть на чью-н. до́лю** кимнингдир ҳиссасига тушмоқ; **и ему́ кое-что́ перепа́ло** унга ҳам бироз тегди.

ПЕРЕПАХА́ТЬ *сов. қ. х.* 1. қайтадан (янгидан) ҳайдамоқ; **перепаха́ть па́шню** шудгорни қайтадан ҳайдамоқ; 2. кўпини (барчасини) ҳайдаб чиқмоқ, ҳайдаб бўлмоқ; **перепаха́ть всё по́ле в оди́н день** бир кунда далани ҳаммасини ҳайдаб чиқмоқ.

ПЕРЕПА́ХИВАТЬ *несов. қ.* **перепаха́ть.**

ПЕРЕПА́ХИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **перепа́хивать** *(қ.).*

ПЕРЕПА́ЧКАТЬ *сов.* булғатиб (кирлатиб) юбормоқ, ифлос қилиб юбормоқ; **перепа́чкать ру́ки** қўлларини ифлос қилиб юбормоқ.

ПЕРЕПА́ЧКАТЬСЯ *сов.* булғаниб (кирланиб, ифлосланиб) қолмоқ.

ПЕРЕПА́ШКА *ж мн. нет қ. х.* қайта ҳайдаш, иккинчи сидра ҳайдаш; **весе́нняя перепа́шка** кўклами қайта ҳайдаш.

перепашу́, перепа́шешь *буд. от* **перепаха́ть** *(қ.).*

ПЕРЕПАЯ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (янгидан) кавшарламоқ, янгидан қалайлаб ёпиштирмоқ; 2. кўпини (ҳаммасини) кавшарлаб (қалайлаб) чиқмоқ, кавшарлаб бўлмоқ.

ПЕРЕПЁВ *м с. т.* бирор эски гапни ҳадеб такрорлаш (қайтариш); **перепёвы ста́рого** эскини такрорлаш.

ПЕРЕПЕВА́ТЬ *несов.* 1. *қ.* **перепе́ть**; 2. ‖ бирон эски гапни ҳадеб такрорламоқ.

перепе́й *пов. накл. от* **перепи́ть** *(қ.).*

перепёк, перепекла́ *прош. от* **перепе́чь** *(қ.).*

ПЕРЕПЕКА́ТЬ *несов. қ.* **перепе́чь.**

ПЕРЕПЕКА́ТЬСЯ *несов. қ.* **перепе́чься.**

перепеку́, перепечёшь *буд. от* **перепе́чь** *(қ.).*

ПЕ́РЕПЕЛ *м* (*мн.* **перепела́**) *зоол.* бедана.

ПЕРЕПЕЛЕНА́ТЬ *сов.* 1. қайтадан йўргакламоқ; **перепелена́ть ребёнка** болани қайтадан йўргакламоқ; 2. йўргаклаб чиқмоқ, йўргаклаб бўлмоқ.

ПЕРЕПЕЛЁНОК *м* (*мн.* **перепела́та**) **пе́репел** *сўз. кичр. айт.*; жўжа бедана.

ПЕРЕПЕЛЁНЫВАТЬ *несов. қ.* **перепелена́ть.**

ПЕРЕПЕЛИ́НЫЙ, -ая, -ое **пе́репел** *сўз. сиф.*; беданага оид; **перепели́ная охо́та** беданаови; **перепели́ное гнездо́** бедананинг уяси (ини).

ПЕРЕПЁЛКА *ж зоол.* макиён бедана.

ПЕРЕПЕЛЯ́ТА *мн. қ.* **перепелёнок.**

ПЕРЕПЕЛЯ́ТНИК *м* 1. бедана овига уста овчи; 2. *зоол.* қийғир, қирғий (бедана овлайдиган қуш).

ПЕРЕПЁРЧИВАТЬ *несов. қ.* **перепе́рчить.**

ПЕРЕПЕ́РЧИТЬ *сов.* кўп қаламғир (гармдори, мурч) солиб аччиқ қилиб юбормоқ.

ПЕРЕПЕ́ТЬ *сов.* 1. кўп ашула айтмоқ, ҳамма билган ашулаларни айтиб бўлмоқ; 2. қайтадан (янгидан) ашула айтмоқ.

ПЕРЕПЕЧА́ТАТЬ *сов.* 1. қайтадан босмоқ; 2. кўчириб босмоқ (машинкада); **перепеча́тать инстру́кцию** инструкция (қўлланма)ни кўчириб босмоқ.

ПЕРЕПЕЧА́ТКА *ж* 1. *только ед.* қайтадан босиш, кўчириб босиш; **перепеча́тка кни́ги с предыду́щего изда́ния** китобни аввалги босмасидан кўчириб қайтадан босиш; 2. *с. т.* қайтадан босилган нарса (асар).

ПЕРЕПЕЧА́ТЫВАТЬ *несов. қ.* **перепеча́тать.**

ПЕРЕПЕЧА́ТЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **перепеча́тывать** *(қ.).*

ПЕРЕПЕ́ЧЬ *сов.* 1. узоқ вақт пиширib қотириб (тобидан ўтказиб, куйдириб) юбормоқ; **перепе́чь хлеб** нонни узоқ вақт печьда (танурда) тутиб тобидан ўтказиб юбормоқ; 2. кўпини (ҳаммасини) пиширмоқ; ёпиб (пиширib) бўлмоқ; **перепе́чь все пироги́** ҳамма пирогларни пиширib бўлмоқ.

ПЕРЕПЁЧЬСЯ *сов.* пишиб қотиб кетмоқ, ортиқча пишиб кетмоқ.

ПЕРЕПИ́ЛИВАТЬ *несов. қ.* **перепили́ть.**

ПЕРЕПИ́ЛИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **перепи́ливать** (*к.*).

ПЕРЕПИЛИ́ТЬ *сов.* 1. арралаб иккига бўлмоқ; **перепили́ть до́ску** тахтани арралаб иккига бўлмоқ; 2. кўпини (барчасини) арралаб қўймоқ, арралаб бўлмоқ, арралаб ташламоқ.

ПЕРЕПИСА́ТЬ *сов.* 1. қайтадан ёзиб чиқмоқ; **переписа́ть сочине́ние** асарни қайтадан ёзиб чиқмоқ; 2. рўйхат қилмоқ, рўйхатга олмоқ; **переписа́ть прису́тствующих на собра́нии** мажлисда қатнашувчиларни рўйхат қилмоқ; 3. *с. т.* кўчириб ёзиб олмоқ, нусха кўтариб олмоқ; **переписа́ть реше́ние зада́чи у това́рища** ўртоғи ҳал қилган (ечган) масалани кўчириб олмоқ; 4. *эск.* ҳужжат (хат) қилиб бермоқ.

ПЕРЕПИСКА *ж мн. нет* 1. кўчириб ёзиб чиқиш; **отда́ть ру́копись в перепи́ску** қўл ёзмани кўчириб ёзиб чиқишга бермоқ; 2. хат ёзишиб туриш; **их перепи́ска прекрати́лась** уларнинг хат ёзишиб туриши тўхтади; 3. *собир.* ёзишма (ёзган хатлар ва уларга олинган жавоблар тўплами); **изда́ние переписки** Маркса и Энгельса Маркс ва Энгельс ёзишмаларини нашр қилиш.

ПЕРЕПИ́СЧИК *м* кўчириб ёзувчи, нусха кўчируви, котиб.

ПЕРЕПИСЧИЦА *ж к.* переписчик.

ПЕРЕПИ́СЫВАТЬ *несов. к.* переписа́ть.

ПЕРЕПИ́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1. хат ёзишиб турмоқ; переписываться с бра́том акаси (укаси) билан хат ёзишиб турмоқ; 2. кўчирилмоқ, кўчириб ёзилмоқ; статья переписывалась неоднокра́тно мақола бирнеча марта кўчириб ёзилди; 3. рўйхат қилинмоқ, рўйхатга олинмоқ.

ПЕ́РЕПИСЬ *ж* рўйхат қилиш, рўйхатга олиш; рўйхат; **всесою́зная пе́репись населе́ния** бутун иттифоқ аҳолиси рўйхати, бутуниттифоқ бўйича аҳолини рўйхатга олиш.

ПЕРЕПИ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* ҳаддан ошиқ ичмоқ (ичкилик ҳақида); 2. *собр.* бошқалардан кўра кўпроқ ичмоқ, ичишда устун чиқмоқ.

ПЕРЕПИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ҳаддан ошиқ ичиб қаттиқ маст бўлмоқ (кўпчилик ҳақида).

перепишу́, перепи́шешь *буд. от* **переписа́ть** (*к.*).

ПЕРЕПЛА́ВИТЬ I *сов.* 1. эритмоқ, эритиб бошқа нарса қуймоқ; **перепла́вить ста́рые шри́фты** эски шрифт (ҳарф) ларни эритиб қайтадан қуймоқ; 2. бор бўлганини эритмоқ, эритиб бўлмоқ; **перепла́вить весь чугу́н** ҳамма чўянни эритиб бўлмоқ.

ПЕРЕПЛА́ВИТЬ II *сов.* оқизмоқ, сувда оқизмоқ, сув орқали оқизмоқ; **перепла́вить лес по реке́** ёғочларни дарё орқали оқизмоқ.

ПЕРЕПЛА́ВИТЬСЯ *сов.* қайтадан эритилмоқ.

ПЕРЕПЛАВЛЯ́ТЬ I *несов. к.* **перепла́вить I.**

ПЕРЕПЛАВЛЯ́ТЬ II *несов. к.* **перепла́вить II.**

ПЕРЕПЛАВЛЯ́ТЬСЯ I *несов.* 1. *к.* **переплавиться**; 2. *страд. от* **переплавля́ть I** (*к.*).

ПЕРЕПЛАВЛЯ́ТЬСЯ II *несов.* сув орқали оқизилмоқ, сувда оқизилмоқ.

ПЕРЕПЛАВНО́Й, -ая, *де тех* қайтадан эритилган, қайтадан эритиб тайёрланган; **переплавно́й чугу́н** қайта эритилган чўян.

ПЕРЕПЛАНИ́РОВАТЬ, ПЕРЕПЛАНИРОВА́ТЬ *сов.* қайтадан планлаштирмоқ, планини ўзгартмоқ, қайтадан планга олмоқ; **перепланировать у́лицы го́рода** шаҳар кўчаларини қайтадан планлаштирмоқ.

ПЕРЕПЛАНИРО́ВКА *ж мн. нет* қайтадан планлаштириш, планини ўзгартириш, қайтадан планга олиш; **перепланиро́вка городо́в** шаҳарларни қайтадан (бошқача қилиб) планлаштириш; **перепланиро́вка колхо́зных посёлков** колхоз посёлка (қишлоқ) ларини қайтадан планлаштириш.

ПЕРЕПЛАНИРО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **перепланирова́ть.**

ПЕРЕПЛАНИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **перепланиро́вывать** (*к.*).

ПЕРЕПЛАТИ́ТЬ *сов.* 1. ортиқ тўламоқ, ортиқча бериб юбормоқ; **переплати́ть за поку́пку** сотиб олинган нарса учун ортиқча пул тўлаб

юбормоқ; 2. *с. т.* ортиқча (кўп) сарфламоқ.

ПЕРЕПЛА́ЧИВАТЬ *несов.* қ. **переплати́ть.**

ПЕРЕПЛА́ЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **перепла́чивать** *(қ.).*

переплачу́, перепла́тишь *буд. от* **переплати́ть** *(қ.).*

переплёл, переплела́ *прош. от* **переплести́** *(қ.).*

ПЕРЕПЛЕСТИ́ *сов.* 1. муқоваламоқ, муқова қилмоқ; **переплести́ кни́гу** китобни муқоваламоқ; 2. *с. т.* ўрмоқ, қўшиб ўрмоқ; **переплести́ гри́ву ло́шади** *или* **ле́нтами** отнинг ёлини лента-лар қўшиб ўрмоқ; 3. қайтадан ўрмоқ; **переплести́ ко́сы** сочни қайтадан ўрмоқ.

ПЕРЕПЛЕСТИ́СЬ *сов.* 1. чирмашиб (ўралишиб) кетмоқ, тўқилиб кетмоқ; **дикий виногра́д переплёлся с хме́лем** ёввойи ток билан хмель бир-бирига чирмашиб кетипти; 2. || чатишиб (чигаллашиб) кетмоқ; **собы́тия переплели́сь в сло́жный у́зел** аҳвол мураккаб тугунга айланиб чигаллашиб кетди.

ПЕРЕПЛЁТ *м* 1. *только ед.* муқоваласи, муқова қилиш; **отда́ть кни́гу в переплёт** китобни муқова қилишга бермоқ; 2. муқова, жилд; **ко́жаный переплёт** чарм муқова; 3. *бизнес.* панжара каби тўқилган нарса; **окóнный переплёт** дераза панжараси; ◊ **попа́сть в переплёт** *(с. т.)* мушкул аҳволга тушиб қолмоқ; **взя́ть в переплёт** *(кого-н.) с. т.* искан-жага (тахтакачча) олмоқ, ўз та'сирини ўтказмоқ.

ПЕРЕПЛЕТА́ТЬ *несов.* қ. **переплести́.**

ПЕРЕПЛЕТА́ТЬСЯ *несов.* 1 қ. **переплести́сь**; 2. *страд. от* **переплета́ть** *(қ.).*

ПЕРЕПЛЕТЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* ўриш, қайтадан ўриш, қўшиб ўриш; **разли́чные ви́ды переплете́ния** ўриш (тўқиш) нинг ҳархил турлари; 2. *малс.* тўқилиш; **са́ржевое переплете́ние** саржасимон тўқилиш; **атла́сное переплете́ние** атласча тўқилиш; 3. *только ед.* ўралиш, чирмашиш; **сло́жное переплете́ние жи́лок мра́мора** мармар чизиқларининг мураккаб чирмашиши (қўшилиб кетиши); 4. || чигаллашиб (чатишиб) кетиш; **переплете́ние обстоя́тельств** вазиятларнинг чигаллашиб (чатишиб) кетиши.

ПЕРЕПЛЁТНО-БРОШЮРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое брошюралаш-муқовалашга тегишли; **переплётно-брошюро́вочный цех** брошюралаш-муқовалаш цехи.

ПЕРЕПЛЁТНЫЙ, -ая, -ое 1. **переплёт** 1, 2 *сўз. сиф.*; муқовага, муқовалашга оид; муқова қиладиган, муқовабоп; **переплётные матери́алы** муқовабоп материаллар; **переплётный цех** муқова қиладиган цех; 2. *сущ.* **переплётная** *ж* муқовахона.

переплету́, переплетёшь *буд. от* **переплести́** *(қ.).*

ПЕРЕПЛЁТЧИК *м* муқовачи, муқова қилувчи.

ПЕРЕПЛЁТЧИЦА *ж* қ. **переплётчик.**

ПЕРЕПЛЫВА́ТЬ *несов.* қ. **переплы́ть.**

переплыву́, переплывёшь *буд. от* **переплы́ть** *(қ.).*

ПЕРЕПЛЫ́ТЬ *сов.* сузиб (юзиб) ўтмоқ; **переплы́ть ре́ку** дар'ёни сузиб ўтмоқ; **переплы́ть океа́н на парохо́де** океанни пароходда сузиб ўтмоқ.

ПЕРЕПОДГОТА́ВЛИВАТЬ *несов.* қ. **переподгото́вить.**

ПЕРЕПОДГОТА́ВЛИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **переподгота́вливать** *(қ.).*

ПЕРЕПОДГОТО́ВИТЬ *сов.* қайтадан тайёрламоқ, қайтадан тайёрлаб савиясини оширмоқ; **переподгото́вить врачей** врачларни қайтадан тайёрлаб савиясини оширмоқ.

ПЕРЕПОДГОТО́ВКА *ж мн. нет* қайтадан тайёрлаш; **ку́рсы по переподгото́вке учителе́й** ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш курси; **переподгото́вка ка́дров** кадрларни қайтадан тайёрлаш, савиясини ошириш.

ПЕРЕПОЙТИ *сов.* 1. ҳаддан ошиқ ичирмоқ, ортиқча ичириб бўктирмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 2. *с. т.* кўп ич-

килик ичирмоқ, кўп ичириб маст қилмоқ (кўпчиликни).

ПЕРЕПО́Й I *м*: **с перепо́я (с перепо́ю)** *содд.* кўп ичганликдан, мастлик натижасида, мастлик блан, маст ҳолда.

ПЕРЕПО́Й II *м мн. нет махс.* қайтадан (янгидан) қалайлаш (кавшарлаш).

перепо́й III *пов. накл. от* **перепе́ть** *(қ.)*.

ПЕРЕПОЛА́СКИВАТЬ *несов.* қ. переполоска́ть.

ПЕРЕПОЛЗА́ТЬ *несов.* қ. переползти́.

ПЕРЕПОЛЗТИ́ *сов.* 1. эмаклаб (ўрмалаб, сургалиб) ўтиб келмоқ (бормоқ); **разве́дчики переползли́ нейтра́льную полосу́** разведкачилар бетараф полоса (томон)дан эмаклаб ўтиб олдилар; 2. ‖ *с. т.* базўр сурилиб ўтиб олмоқ.

ПЕРЕПОЛНЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. лиммолим тўлдириш, лиқ тўлатиш, тўлдириб юбориш; 2. лиммолим тўлиш, лиқ тўлиш; **переполне́ние желу́дка** қорнининг лиқ тўлиши.

ПЕРЕПО́ЛНИТЬ *сов.* 1. лиқ тўлдирмоқ, лиммолим тўлдирмоқ, тўлдириб юбормоқ; 2. ‖ тўлмоқ, тўлдириб юбормоқ, тўлиб тошмоқ (бирор нарсу, ҳис блан); **э́то изве́стие переполни́ло его́ се́рдце ра́достью** бу хабар унинг қалбини шодликка тўлдириб юборди.

ПЕРЕПО́ЛНИТЬСЯ *сов.* 1. лиқ тўлмоқ, лиммолим бўлмоқ, тўлиб тошмоқ; 2. ‖ тўлмоқ, тўлиб кетмоқ (мас., шодликка).

ПЕРЕПОЛНЯ́ТЬ *несов.* қ. перепо́лнить.

ПЕРЕПОЛНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **перепо́лниться**; 2. *страд. от* **переполня́ть** *(қ.)*.

ПЕРЕПОЛОСКА́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (янгидан) чаймоқ (чайқамоқ); 2. барчасини (кўпини) чайиб (чайқаб) чиқмоқ, чайиб бўлмоқ.

ПЕРЕПОЛО́ТЬ *сов. қ. х.* 1. қайтадан (янгидан) ўтамоқ; **переполо́ть морко́вь** сабзини қайта ўтамоқ; 2. борини (кўпини) ўтаб чиқмоқ, ўтаб бўлмоқ; **переполо́ть все гря́дки** ҳамма эгатларни ўтаб чиқмоқ, ўтаб бўлмоқ.

ПЕРЕПОЛО́Х *м мн. нет* тўполон, қий-чув, ғалва, бесаранжомлик, ваҳима; **поднялся́ переполо́х** тўполон кўтарилди, оламни қий-чув босди.

ПЕРЕПОЛОШИ́ТЬ *сов. с. т.* саросимага (ваҳимага) солмоқ, қий-чув кўтармоқ, чўчитмоқ, қўрқитмоқ.

ПЕРЕПОЛОШИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* саросимага (ваҳимага) тушмоқ, қий-чув кўтармоқ, довдираб колмоқ, чўчимоқ, қўрқмоқ.

переполощу́, переполо́щешь *буд. от* переполоска́ть *(қ.)*.

ПЕРЕПО́НКА *ж* парда (юмшоқ юпқа тери пардаси); **бараба́нная перепо́нка** *(анат.)* қулоқ пардаси; **пла́вательная перепо́нка** сузиш пардаси (гоз, ўрдак кабиларнинг панжа ораларидаги парда).

ПЕРЕПО́НОЧНЫЙ, -ая, -ое **перепо́нка** *сўз. сиф.*; пардага оид, пардали.

ПЕРЕПОНЧАТОКРЫ́ЛЫЙ, -ая, -ое *зоол.* 1. парда қанотли; 2. *сущ.* **перепончатокры́лые** *мн. (ед.* **перепончатокры́лое** *ср)* парда қанотлилар (ҳашаротлар).

ПЕРЕПО́НЧАТЫЙ, -ая, -ое **перепо́нка** *сўз. сиф.*; пардали, пардасимон; **насеко́мые с перепо́нчатыми кры́льями** пардасимон қанотли ҳашаротлар; **перепо́нчатая ла́па гу́ся** гознинг пардали панжаси.

ПЕРЕПО́РТИТЬ *сов.* борини (кўпини) бузмоқ, ишдан чиқармоқ; бузиб ташламоқ.

ПЕРЕПО́РТИТЬСЯ *сов. с. т.* барчаси (кўпи) бузилмоқ, ишдан чиқмоқ.

ПЕРЕПОРУЧА́ТЬ *несов.* қ. переручи́ть.

ПЕРЕПОРУЧА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **перепоруча́ть** *(қ.)*.

ПЕРЕПОРУЧИ́ТЬ *сов.* ўз ишини бошқа бировга топширмоқ, бошқа одамга ишониб топширмоқ.

ПЕРЕПОРХНУ́ТЬ *сов.* учиб бир жойдан иккинчи жойга қўнмоқ (майда қушлар, капалаклар ҳақида).

перепо́рчу, перепо́ртишь *буд. от* **перепо́ртить** *(қ.)*.

перепою́, перепоёшь *буд. от* **перепе́ть** *(қ.)*.

ПЕРЕПОЯ́САТЬ *сов.* қайтадан (янгидан) камар (белбоғ) боғламоқ.

ПЕРЕПОЯ́САТЬСЯ *сов.* қайтадан (янгидан) камар (белбоғ) боғламоқ (ўзига).

ПЕРЕПОЯ́СЫВАТЬ *несов.* қ. перепоя́сать.

ПЕРЕПОЯ́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. перепоя́саться; 2. *страд. от* перепоя́сывать (қ.).

перепоя́шу, перепоя́шешь *буд. от* **перепоя́сать** (қ.).

ПЕРЕПРА́ВА *ж* 1. ўтиш, кечиш, кечиб ўтиш; 2. кечик, кечув жойи (мас., қайиқ, паром ва ҳ. к. ўтадиган жой); **установи́ть перепра́ву** кечув (ўтадиган жой) белгиламоқ.

ПЕРЕПРА́ВИТЬ I *сов.* 1. ўтказмоқ, олиб ўтмоқ, ўтказиб қўймоқ; **перепра́вить путников че́рез го́ры** йўловчиларни тоғ орқали олиб ўтмоқ; 2. юбормоқ, жўнатмоқ; **перепра́вить мо́рем** денгиз орқали жўнатмоқ; **перепра́вить письмо́ адреса́ту** хатни эгасига юбормоқ.

ПЕРЕПРА́ВИТЬ II *сов. с. т.* тузатмоқ, тузатиш киритмоқ; **перепра́вить бу́кву в сло́ве** сўздаги хато ёзилган ҳарфни тузатмоқ.

ПЕРЕПРА́ВИТЬСЯ *сов.* кечиб ўтмоқ; **перепра́виться че́рез Аму́-Дарью** Амударёни кечиб ўтмоқ.

ПЕРЕПРА́ВКА I *ж мн. нет собд.* ўтказиш, олиб ўтиш, ўтказиб қуйиш (дарёдан, сувдан).

ПЕРЕПРА́ВКА II *ж мн. нет собд.* тузатиш, тузатиш киритиш.

ПЕРЕПРАВЛЯ́ТЬ I *несов.* қ. перепра́вить I.

ПЕРЕПРАВЛЯ́ТЬ II *несов.* қ. перепра́вить II.

ПЕРЕПРАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. перепра́виться; 2. *страд. от* переправля́ть I, II (қ.).

ПЕРЕПРА́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое ўтказадиган, ўтказиб қўядиган; жўнатадиган; **перепра́вочные сре́дства** ўтказиш воситалари, ўтказиб қўйиш учун хизмат қиладиган воситалар.

ПЕРЕПРЕВА́ТЬ *несов.* қ. перепре́ть.

ПЕРЕПРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *с. т.* чириган, чириб кетган, бўрсиган; **перепре́лая ко́жа** чириб кетган чарм (ку

ПЕРЕПРЕ́ТЬ *сов.* 1. чиримоқ, бўрсимоқ; 2. *с. т.* жуда узоқ пишиб мазаси кетмоқ.

ПЕРЕПРОБЕ́Г *м махс.* нормадан ошиқ юриш, қатнаш; **перепробе́г паровозов** паровозларнинг нормадан ошиқ қатнаши.

ПЕРЕПРО́БОВАТЬ *сов.* татиб кўрмоқ, мазасини кўрмоқ, татимоқ; синаб кўрмоқ; **перепро́бовать не́сколько сорто́в** винограда бирнеча хил узумнинг мазасини татиб кўрмоқ.

ПЕРЕПРОДАВА́ТЬ *несов.* қ. перепрода́ть.

перепродаю́, перепродаёшь, перепродаю́т *буд. от* **перепрода́ть** (қ.).

ПЕРЕПРОДА́ЖА *ж мн. нет* олиб сотиш.

перепрода́м, перепрода́шь, перепрода́ст *буд. от* **перепрода́ть** (қ.).

ПЕРЕПРОДА́ТЬ *сов.* олиб сотмоқ, чайқовчилик қилмоқ.

ПЕРЕПРОЕКТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* қайтадан (янгидан) лойиҳаламоқ, янги лойиҳа тузмоқ (тузиб чиқмоқ).

ПЕРЕПРОЕКТИ́РОВАТЬСЯ *несов.* қайтадан (янгидан) лойиҳаланмоқ, янги лойиҳа тузилмоқ (тузиб чиқилмоқ).

ПЕРЕПРОИЗВО́ДСТВО *ср мн. нет* 1. *эк.* ортиқча ишлабчиқариш; **кри́зис перепроизво́дства в капиталисти́ческих стра́нах несёт** трудящимся **безрабо́тицу и нищету́** капиталистик мамлакатларда ортиқча товар ишлабчиқариш кризиси меҳнаткашларни ишсизлик ва қашшоқликка олиб келади; 2. ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш; 3. ‖ ортиқча етиштириш, талабдан ортиқ мутахассислар етиштириш (капиталистик мамлакатларда).

ПЕРЕПРУДИ́ТЬ *сов. с. т.* тўсмоқ, боғламоқ, бўғмоқ; **перепрудить ре́ку** дарёни бўғмоқ, тўғон солиб тўсмоқ.

ПЕРЕПРУ́ЖИВАТЬ *несов.* қ. перепрудить.

ПЕРЕПРУ́ЖИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **перепру́живать** (қ.).

перепружу́, перепру́дишь *буд. от* **перепрудить** *(к.)*.

ПЕРЕПРЫ́ГИВАТЬ *несов. к.* **перепры́гнуть**.

ПЕРЕПРЫ́ГНУТЬ *сов.* сакраб (ирриб) ўтмоқ; ҳатлаб ўтмоқ; **перепры́гнуть (че́рез) кана́ву** ариқдан сакраб ўтмоқ.

перепря́г, перепря́гла *прош. от* **перепря́чь** *(к.)*.

ПЕРЕПРЯГА́ТЬ *несов. к.* **перепря́чь**.

перепрягу́, перепряжёшь, перепрягу́т *буд. от* **перепря́чь** *(к.)*.

ПЕРЕПРЯ́ТАТЬ *сов.* 1. бошқа жойга яширмоқ (бекитмоқ); 2. барчасини (кўпини) яшириб (бекитиб) қўймоқ.

ПЕРЕПРЯ́ТАТЬСЯ *сов. с. т.* 1. бошқа жойга яширинмоқ (бекинмоқ); 2. бекинишиб (яширинишиб) олмоқ.

ПЕРЕПРЯ́ТЫВАТЬ *несов. к.* **перепря́тать**.

ПЕРЕПРЯ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **перепря́таться**; 2. *страд. от* **перепря́тывать** *(к.)*.

перепря́чу, перепря́чешь *буд. от* **перепря́тать** *(к.)*.

ПЕРЕПРЯ́ЧЬ *сов.* 1. янгидан (бошқатдан) қўшмоқ; 2. бошқасини қўшмоқ, айиробошлаб қўшмоқ (от, ҳўкиз ва ш. к.).

ПЕРЕПУ́Г *м.* **с перепу́гу** *(с. т.)* қаттиқ қўрқиб, бирдан чўчиб кетиб, қўрқиб кетганидан, қўрққанидан, ҳуркиб кетиб.

ПЕРЕПУГА́ТЬ *сов.* қаттиқ қўрқитмоқ, жуда чўчитмоқ, қаттиқ ҳуркитмоқ.

ПЕРЕПУГА́ТЬСЯ *сов.* жуда қўрқмоқ, чўчиб кетмоқ, қаттиқ ҳуркмоқ.

ПЕРЕПУ́ТАТЬ *сов.* 1. чигаллаштириб (чалкаштириб) юбормоқ, айқаш-уйқаш қилиб юбормоқ; **перепу́тать кни́ги** китобларни чалкаштириб (айқаш-уйқаш қилиб) юбормоқ; 2. ‖ *с. т.* адаштирмоқ, янглиштирмоқ; **перепу́тать фами́лии** фамилияларни янглиштирмоқ; **перепу́тать адреса́** адресларни адаштирмоқ.

ПЕРЕПУ́ТАТЬСЯ *сов.* 1. чигаллашиб (чалкашиб) кетмоқ; **все ни́тки перепу́тались** ҳамма иплар чигаллашиб кетипти; 2. ‖ *с. т.* аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ; **всё перепу́талось у меня́ в голове́** миям гангиб ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

ПЕРЕПУ́ТЫВАТЬ *несов. к.* **перепу́тать**.

ПЕРЕПУ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **перепу́таться**; 2. *страд. от* **перепу́тывать** *(к.)*.

ПЕРЕПУ́ТЬЕ *ср* йўлларнинг чатишиш (қўшилиш) жойи, йўл айрилиши; ◇ *на перепу́тье* 1) йўл айрилишида; 2) ‖ иккиланиб қолиш (туриш).

перепью́, перепьёшь *буд. от* **перепи́ть** *(к.)*.

ПЕРЕРАБА́ТЫВАТЬ *несов. к.* **перераба́тать**.

ПЕРЕРАБА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **перераба́таться**; 2. қайта ишланмоқ, ишланиб бошқа маҳсулотга айлантирилмоқ.

ПЕРЕРАБО́ТАТЬ *сов.* 1. ишлаб бошқа маҳсулот қилиб чиқармоқ; **перераба́тать хло́пок в пря́жу** пахтадан ип йигирмоқ; 2. *физиол.* ҳазм қилмоқ, сингдирмоқ, ўзлаштирмоқ; **желу́док перераба́тал пи́щу** ошқозон овқатни сингдирди; 3. тузатмоқ; қайтадан ишлаб чиқмоқ; **перераба́тать статью́** мақолани қайтадан ишлаб тузатмоқ; мақолани тузатишлар киритиб қайта ишлаб чиқмоқ; 4. *с. т.* ортиқча (ошиқ) ишламоқ; **перераба́тать 2 часа́** 2 соат ортиқ ишламоқ; 5. кўп ишлаб соғлигига зарар келтирмоқ, зўриқмоқ.

ПЕРЕРАБО́ТАТЬСЯ *сов.* қайтадан ишланмоқ, сингимоқ.

ПЕРЕРАБО́ТКА *ж* 1. *только ед.* бошқа маҳсулот ишлаш (ясаш); **перераба́тка не́фти** нефтьдан бошқа маҳсулотлар ҳосил қилиш; 2. қайтадан ишлаш; **перераба́тка ру́кописи** қўлёзмани қайтадан ишлаш; 3 қайта ишлаб ҳосил қилинган маҳсулот; **са́хар—проду́кт перераба́тки** свёклы қанд — лавлагидан тайёрланган маҳсулотдир; 4. ортиқча ишлаш, иш соатидан ошиқ ишлаш.

ПЕРЕРАБО́ТОЧНЫЙ, **-ая, -ое** *махс.* ишлаб чиқарадиган; **перераба́точные предприя́тия** маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар.

ПЕРЕРАСПРЕДЕЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* янгидан (қайтадан) тақсимлаш

(бўлиш), янгидан (қайтадан) тақсимланиш (бўлиниш); **перераспределе́ние дохо́дов** *(эк.)* даромадларни қайтадан тақсимлаш; **перераспределе́ние па́ра** *(тех.)* парнинг қайтадан тақсимланиши.

ПЕРЕРАСПРЕДЕЛИ́ТЬ *сов.* қайтадан (янгидан) тақсимламоқ (бўлмоқ).

ПЕРЕРАСПРЕДЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* янгидан, бошқача қилиб тақсимланмоқ (бўлинмоқ).

ПЕРЕРАСПРЕДЕЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **перераспредели́ть**.

ПЕРЕРАСПРЕДЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **перераспредели́ться**; 2. *страд. от* **перераспределя́ть** *(қ.)*.

ПЕРЕРАСТА́НИЕ *ср мн. нет* ўсиб кетиш; ўсиб ўтиш, ўсиб кириш, ўсиб бошқа ҳолга айланиш; **„Ленин дал рýсским марксúстам я́сную перспектúву перераста́ния буржуа́зно-демократúческой революцúи в революцúю социалистúческую"** (50 лет КПСС) „Ленин рус марксистларига буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга айланишининг аниқ ва равшан перспективасини берди" (КПССнинг 50 йиллиги).

ПЕРЕРАСТА́ТЬ *несов.* қ. **перерасти́**.

ПЕРЕРАСТИ́ *сов.* 1. ўсиб кетмоқ, ўсиб (ошиб) кетмоқ; 2. ёши ўтиб кетмоқ, катта бўлиб қолмоқ; **для де́тского са́да ребёнок переро́с** бола боқча ёшидан ўтиб қолди; 3. ‖ ўсиб кетмоқ (онг, билим ва ш. к. ҳақида); **перерасти́ свои́х това́рищей по рабо́те** ишда ўз ўртоқларидан ўсиб кетмоқ; 4. ‖ ўсиб (ривожланиб) бошқа ҳолга айланмоқ.

перерасту́, перерастёшь *буд. от* **перерасти́** *(қ.)*.

ПЕРЕРАСХО́Д *м* 1. *мл.* ортиқча харажат (сарф); **перерасхо́д про́тив сме́ты** сметадан ошиқ харажат; 2. ортиқча сарфлаш; **перерасхо́д электроэне́ргии** электр қувватини ортиқча сарфлаш.

ПЕРЕРАСХО́ДОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1. *мл.* ортиқча харажат қилмоқ, ортиқча сарфламоқ; **перерасхо́довать креди́ты** кредитни ортиқча харажат қилмоқ; 2. ортиқча сарфламоқ; **перерасхо́довать то́пливо** ёқилғини ортиқча сарф қилмоқ.

ПЕРЕРАСЧЁТ *м* бошқатдан ҳисоб-китоб қилмоқ, қайтадан ҳисоблашмоқ; **произвести́ перерасчёт** бошқатдан ҳисоб-китоб қилмоқ.

ПЕРЕРВА́ТЬ *сов.* 1. узмоқ, йиртмоқ; **перерва́ть шнуро́к** шнурни узмоқ; 2. ‖ *с. т.* бўлмоқ, кесмоқ (гапни); 3. *с. т.* ҳаммасини йиртиб, узиб майдалаб ташламоқ (мас., қоғозни).

ПЕРЕРВА́ТЬСЯ *сов.* 1. узилмоқ, йиртилмоқ; **верёвка перерва́лась** арқон узилиб кетди; 2. *с. т.* тўхталмоқ, узилмоқ, бўлинмоқ.

перерву́, перервёшь *буд. от* **перерва́ть** *(қ.)*.

ПЕРЕРЕГИСТРА́ЦИЯ *эк* қайтадан рўйхатга олиш, янгидан рўйхат қилиш; **перерегистра́ция** радиоприёмников радиоприёмникларни қайтадан рўйхатга олиш.

ПЕРЕРЕГИСТРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* қайтадан рўйхатга олмоқ, янгидан рўйхат қилмоқ; **перерегистри́ровать чле́нский биле́т** а'золик билетини рўйхат қилмоқ.

ПЕРЕРЕГИСТРИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* қайтадан рўйхатдан ўтмоқ; **перерегистри́роваться в вое́нно-учётном столе́** ҳарбий-учёт столида қайтадан рўйхатдан ўтмоқ.

перере́жу, перере́жешь *буд. от* **перере́зать** *(қ.)*.

ПЕРЕРЕ́ЗАТЬ *сов.* 1. кесмоқ, қирқмоқ, кесиб (бурдалаб) ташламоқ; **перере́зать телефо́нный про́вод** телефон симини кесиб қўймоқ; 2. кўп жойини кесиб кетмоқ; **перере́зать ру́ки стекло́м** қўлини шиша (ойна) кесиб кетмоқ; 3. сўймоқ; ўлдирмоқ, бўғизламоқ; **лиса́ перере́зала мно́го кур** тулки кўп товуқларни ўлдириб; 4. кесиб (ёриб) ўтмоқ; **овра́ги перере́зали по́ле** далани жар (сой)лар ёриб ўтган; 5. ‖ кесмоқ, тўсмоқ; **перере́зать коммуника́ции врага́** душманнинг йўлини (алоқасини) кесмоқ; **перере́зать доро́гу комý-н** бировнинг йўлини тўсмоқ.

ПЕРЕРЕЗА́ТЬ *несов.* қ. **перере́зать** 1, 2, 5.

ПЕРЕРЕ́ЗАТЬСЯ *сов.* кесилмоқ, бўлинмоқ, узилмоқ.

ПЕРЕРЕЗА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* перере́заться; 2. *страд. от* перерезать *(к.)*.

ПЕРЕРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. к.* перере́зать.

ПЕРЕРЕ́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* перере́заться; 2. *страд. от* перере́зывать *(к.)*.

ПЕРЕРЕША́ТЬ *несов. к.* перерешить.

ПЕРЕРЕШИ́ТЬ *сов.* қайтадан (янгидан) ҳал қилмоқ; қайтадан ечмоқ; **перерешить вопро́с** масалани қайтадан ҳал қилмоқ.

ПЕРЕРЖА́ВЕТЬ *сов.* 1. занг босмоқ, зангламоқ кетмоқ; 2. зангламоқ ишдан чиқмоқ, узилиб (синиб) кетмоқ.

ПЕРЕРИСОВА́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (янгидан) расм солмоқ, янгидан чизмоқ; расмни қайтадан чизмоқ; 2. расмдан кўчириб солмоқ; 3. кўп расм солмоқ (чизмоқ), расм солиб ташламоқ.

ПЕРЕРИСО́ВКА *ж мн. нет* 1. қайтадан (янгидан) расм солиш; 2. расмдан кўчириб солиш; 3. солинган расмни қайтадан чизиш.

ПЕРЕРИСО́ВЫВАТЬ *несов. к.* перерисова́ть.

ПЕРЕРИСО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* перерисо́вывать *(к.)*.

ПЕРЕРО́Д *м мн. нет к. х.* айниган, нав'и бузилган (уруғ, дон).

ПЕРЕРОДИ́ТЬ *сов.* тубдан ўзгартмоқ, тамоман бошқача қилмоқ; худди янгидан туғилгандек қилмоқ.

ПЕРЕРОДИ́ТЬСЯ *сов.* 1. айнимоқ, бузилмоқ, ўзгармоқ (илгариги сифати, хусусиятини йўқотмоқ); **э́тот сорт пшени́цы перероди́лся** бу ғўлланинг бу сорт (нав'и) айниди, зоти пастлашди; 2. ‖ бутунлай ўзгармоқ, бошқача бўлиб қолмоқ; **нра́вственно переродиться** ахлоқан бутунлай ўзгариб кетмоқ.

ПЕРЕРОЖДА́ТЬСЯ *несов. к.* переродиться.

ПЕРЕРОЖДЕ́НЕЦ *м* (*мн.* переро́жденцы) *нафр.* айниган, айнимачи (буржуа муҳити та'сири остида бузилиб, аввалги дун'ёқарашларидан айниган, халқдан ажраб қолган ва социализм душманлари томонига ўтган киши); **буржуа́зные переро́жденцы** айниб буржуазия томонига ўтган, буржуазияга сотилган хоинлар.

ПЕРЕРОЖДЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. айниш, ўзгариш, сифати бузилиш, илгариги хусусиятини йўқотиш, зоти пастланиш, сифати ёмонланиш; **переро́ждение я́чменя** арпа нав'ининг айниши; **переро́ждение тка́ней организ́ма** организм тўқималарининг ўзгариши; 2. ‖ бутунлай ўзгариш, бошқача бўлиб қолиш; 3. ‖ *нафр.* айниш, бузилиш (ғоявий, ахлоқий жиҳатдан); **иде́йное переро́ждение** ғоявий (мафкуравий) айниш (бузилиш).

ПЕРЕРОЖДЕ́НЧЕСКИЙ, -ая, -ое *нафр.* переро́ждение ва переро́ждене́ц *сўз. сиф.*; айнишликка ва айниш (бузилиш) га оид.

ПЕРЕРОЖДЕ́НЧЕСТВО *ср мн. нет нафр.* айнишлик, бузилишлик (социалистик қурилиш душманлари томонига ўтиб кетишлик).

переро́с. **переросла́** *прош. от* перерасти́ *(к.)*.

ПЕРЕРО́СТОК *м* (*мн.* переро́стки) ёши ўтган бола, ўсмирлик ёшидан ўтган бола; **охва́т шко́льной учёбой детей-переро́стков** ёши ўтган болаларни мактабга (ўқишга) тортиш.

переро́ю, **переро́ешь** *буд. от* перерыть *(к.)*.

ПЕРЕРУБА́ТЬ *несов. к.* перерубить.

ПЕРЕРУБИ́ТЬ *сов.* 1. ўртасидан кесмоқ, чопиб иккига бўлмоқ; **перерубить сук** шох (бутоқ) ни чопиб туширмоқ; 2. *с. т.* кесиб (ёриб) майдаламоқ, бўлак-бўлак қилиб ташламоқ; **перерубить все дрова́** ҳамма ўтинни кесиб (ёриб) қўймоқ; 3. қириб ташламоқ, қиличдан ўтказмоқ, қиймалаб ташламоқ; **перерубить ша́шками отря́д проти́вника** душман отрядини қилич билан қириб ташламоқ.

ПЕРЕРУБИ́ТЬСЯ *сов.* кесилмоқ, майдаланмоқ; **сук с трудо́м перерубился** шох зўрға кесилди, шохни кесиш қийин бўлди.

ПЕРЕРУГА́ТЬСЯ *сов. с. т.* айтишиб (сўкишиб, ғижиллашиб) қолмоқ.

ПЕРЕРУ́ГИВАТЬСЯ *несов. с. т.* айтишмоқ, сўкишмоқ, ғижиллашмоқ

ПЕРЕРЫ́В *м* 1. танаффус, дам олиш, тўхталиш; **сде́лать переры́в в ра-**

ўтган; 2. паст-баланд, ўнқир-чўнқир: **пересечённая ме́стность** ўнқир-чўнқир (ўр-қир) ер (жой); **бег по пересечённой ме́стности** *(спорт.)* ўнқир-чўнқирли, тўсиқли ерда чопиш (югуриш).

ПЕРЕСЕ́ЧЬ *сов.* 1. кесиб ўтмоқ; **пересе́чь железнодоро́жное полотно́** темир йўлни кесиб ўтмоқ; 2. оралаб (кесиб) ўтмоқ; **но́вый кана́л пересечёт зе́мли двух областе́й** янги канал икки область ерини кесиб ўтади; 3. ‖ кесмоқ, тўсмоқ; **пересе́чь путь врагу́** душман йўлини тўсмоқ.

ПЕРЕСЕ́ЧЬСЯ *сов.* кесишмоқ, кесишиб ўтмоқ; **в э́том кишла́ке пересеклúсь две доро́ги** бу қишлоқда иккита йўл бир-бирини кесишиб ўтган.

ПЕРЕСЕ́ЯТЬ *сов.* 1. қайтадан (бошқатдан) экмоқ (сепмоқ); **пересе́ять кукуру́зу** жўхорини қайтадан экмоқ; 2. *с т.* қайтадан (бошқатдан) эламоқ; **пересе́ять муку́** унни қайтадан (бошқатдан) эламоқ.

ПЕРЕСИДЕ́ТЬ *сов.* 1. кўп (ортиқча) ўтириб қолмоқ; ортиқ туриб қолмоқ; 2. *с т.* ҳаммадан кўпроқ ўтирмоқ, ўтириб қолмоқ.

ПЕРЕСИ́ЖИВАТЬ *несов. к.* **пересиде́ть**.

пересижу́, переси́дишь *буд. от* **пересиде́ть** *(к.)*.

ПЕРЕСИ́ЛИВАТЬ *несов. к.* **переси́лить**.

ПЕРЕСИ́ЛИТЬ *сов.* 1. зўр чиқмоқ, устун келмоқ; **переси́лить в борьбе́ проти́вника** курашда рақибидан зўр чиқмоқ; 2. ‖ босмоқ, чидамоқ, бардош бермоқ, енгмоқ; **переси́лить** боль огрицни енгмоқ, огриққа чидаш бермоқ.

ПЕРЕСИ́НИВАТЬ *несов. к.* **пересини́ть**.

ПЕРЕСИНИ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (бошқатдан) синькаламоқ, янгидан синькага солмоқ; 2. ҳаммасини синькалаб чиқмоқ; синькалаб бўлмоқ; 3. ҳаддан ортиқ синькалаб кўк қилиб юбормоқ.

ПЕРЕСИНИ́ТЬСЯ *сов.* ҳаддан ошиқ синькаланиб кўк бўлиб қолмоқ.

перескажу́, переска́жешь *буд. от* **пересказа́ть** *(к.)*.

ПЕРЕСКА́З *м* 1. *только ед.* ҳикоя қилиб бериш, айтиб бериш, сўзлаб бериш; **переска́з прочи́танного** ўқиганини гапириб бериш; 2. қисқача мазмунини ёзиш, ҳикоя, нақл; **написа́ть переска́з** эшитган ёки ўқиганининг қисқача мазмунини ёзмоқ.

ПЕРЕСКАЗА́ТЬ *сов.* 1. нақл қилмоқ, айтиб (сўзлаб) гапириб бермоқ, ҳикоя қилмоқ; ифодаламоқ (ўз сўзи билан); **пересказа́ть ба́сню** масалани ўз сўзи билан айтиб бермоқ; **пересказа́ть содержа́ние пье́сы** пьесанинг мазмунини гапириб бермоқ; 2. ҳаммасини гапириб айтиб бермоқ; **всего́ услы́шанного не пересказа́ть** ҳамма эшитилганларни айтиб тамом қилиб бўлмайди.

ПЕРЕСКА́ЗЫВАТЬ *несов. к.* **пересказа́ть**.

ПЕРЕСКА́ЗЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **переска́зывать** *(к.)*.

ПЕРЕСКА́КИВАТЬ *несов. к.* **перескочи́ть**.

ПЕРЕСКОЧИ́ТЬ *сов.* 1. сакраб (ҳатлаб, ирғиб) ўтмоқ; **перескочи́ть** (че́рез) ров чуқурдан ҳатлаб ўтмоқ; 2. ‖ сакрамоқ, ўртада қолдириб кетмоқ; **перескочи́ть с одно́й те́мы на другу́ю** бир темадан (мавзу')дан иккинчи темага сакрамоқ; **перескочи́ть че́рез две главы́ и нача́ть тре́тью** икки бобни ташлаб, учинчи бобга ўтиб кетмоқ.

ПЕРЕСЛА́ИВАТЬ *несов. к.* **переслои́ть**.

ПЕРЕСЛА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **переслои́ться**; 2. *страд. от* **переслáивать** *(к.)*.

ПЕРЕСЛАСТИ́ТЬ *сов. с т.* ҳаддан ошиқ (ортиқча) ширин қилиб юбормоқ; **переласти́ть** чай чойни жуда ширин қилиб юбормоқ.

ПЕРЕСЛА́ТЬ *сов.* юбормоқ, жўнатмоқ; **переслáть де́ньги по по́чте** пулни почта орқали юбормоқ.

ПЕРЕСЛАЩЁННЫЙ, -ая, -ое ортиқча ширинлаштирилган, жуда чучук.

ПЕРЕСЛА́ЩИВАТЬ *несов. к.* **переласти́ть**.

переслащу́, переласти́шь *буд. от* **переласти́ть** *(к.)*.

ПЕРЕСЛОЙТЬ *сов. махс.* қатламоқ, қат-қат қилмоқ, қатлам-қалам қилмоқ; **переслойть песо́к с и́звестью** қум билан оҳакни қатлам-қатлам қилиб солмоқ.

ПЕРЕСЛОЙТЬСЯ *сов. махс.* қатламланмоқ, қатлам-қатлам бўлиб ётмоқ.

ПЕРЕСЛО́ЙКА *ж* 1. *только ед.* қатламлаш, қатламлаштириш; 2. *геол.* қатламланган, қатламли, қатлам-қатлам; 3. *бот.* дарахт қатламлари орасидаги юмшоқ модда.

ПЕРЕСЛУЖИ́ТЬ *сов.* 1. ортиқ хизмат қилмоқ; 2. турли ўрин ва турли мансабларда хизмат қилиб келмоқ (ўтмишда).

ПЕРЕСЛУ́ШАТЬ *сов. с. т.* кўпини (ҳаммасини) эшитмоқ; он переслу́шал мно́го пе́сен у кўп ашулалар эшитган.

ПЕРЕСМА́ЛИВАТЬ *несов. к.* пересмоли́ть.

ПЕРЕСМА́ТРИВАТЬ *несов. к.* пересмотре́ть.

ПЕРЕСМА́ТРИВАТЬСЯ *несов.* қайтадан (янгидан) кўрилмоқ; де́ло бу́дет пересма́триваться че́рез две неде́ли иш икки ҳафтадан кейин қайтадан кўрилади.

ПЕРЕСМЁИВАТЬ *несов. с. т.* ҳазиллашмоқ, мазах қилмоқ, кулмоқ, кўпини (ҳаммасини) мазах қилмоқ, қулги қилмоқ

ПЕРЕСМЁИВАТЬСЯ *несов. с. т.* кулишмоқ, ўзаро кулишмоқ.

ПЕРЕСМЕШИ́ТЬ *сов. с. т.* бор бўлганларни (кўпчиликни) кулдирмоқ.

ПЕРЕСМЁШНИК *м с. т.* 1. масхара қилувчи, бировдан кулувчи; 2. *зоол.* одам ва ба'зи қушларнинг товушларига тақлид қилувчи қуш.

ПЕРЕСМЁШНИЦА *ж с. т.* масхара (мазах) қилувчи аёл, бировдан кулувчи аёл.

ПЕРЕСМОЛИ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (бошқатдан) смолалamоқ, янгидан смола суртмоқ; 2. барчасини смолалаб чиқмоқ, смола суртиб бўлмоқ.

ПЕРЕСМО́ТР *м* қайтадан (бошқатдан) кўриш, янгидан қараб чиқиш; пересмо́тр суде́бного реше́ния суд қарорини бошқатдан қараб чиқиш.

ПЕРЕСМОТРЕ́ТЬ *сов.* 1. қайтадан қараб чиқмоқ, яна бир қараб кўрмоқ; он пересмотре́л все кни́ги в шка́фу́, но ну́жной не нашёл у шкафдаги ҳамма китобларни қараб чиқди, аммо кераклигини топмади; 2. қайтадан кўриб чиқмоқ, пересмотре́ть кни́гу для но́вого изда́ния янгидан босиш учун китобни қайтадан кўриб чиқмоқ; пересмотре́ть суде́бное де́ло суддаги ишни қайтадан кўрмоқ; 3. *с. т.* ҳаммасини (кўпини) кўрмоқ, тамошо қилмоқ; пересмотре́ть но́вые теа́тральные поста́новки янги театр постановкаларини кўрмоқ.

ПЕРЕСНИМА́ТЬ *несов. к.* пересня́ть.

ПЕРЕСНИМА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* пересня́ться 2. *страд. от* пересни́мать *(к.)*.

пересниму, пересни́мешь *буд. от* пересня́ть *(к.)*.

ПЕРЕСНЯ́ТЬ *сов.* 1. *фото.* қайтадан (бошқатдан) расм (сурат)га олмоқ; 2. *геод.* қайтадан планга олмоқ (туширмоқ); 3. кесмоқ, бўлмоқ [чийлаган қартанинг яримини (бетини) олиб тагига қўймоқ].

ПЕРЕСНЯ́ТЬСЯ *сов. с. т. фото.* қайтадан (бошқатдан) расм (сурат) олдирмоқ, янгидан расм (сурат)га тушмоқ.

ПЕРЕСОЗДАВА́ТЬ *несов. к.* пересозда́ть.

ПЕРЕСОЗДАВА́ТЬСЯ *несов. страд. от* пересоздава́ть *(к.)*.

пересоздаю́, пересоздаёшь, пересоздаю́т *буд. от* пересозда́ть *(к.)*.

пересозда́й *пов. накл. от* пересозда́ть *(к.)*.

пересозда́л, пересозда́лась, пересозда́ло, пересозда́ли *буд. от* пересозда́ть *(к.)*.

ПЕРЕСОЗДА́ТЬ *сов.* қайтадан (янгидан) яратмоқ, барпо қилмоқ, вужудга келтирмоқ, бошқатдан қурмоқ (тузмоқ).

пересозда́ю, пересозда́ёшь *наст. от* пересоздава́ть *(к.)*.

ПЕРЕСО́Л *м мн. нет* кўп туз солиб юбориш, тузини ўткир (баланд) қилиш, шўр қилиш, шўр; недосо́л на

столе́, а пересо́л на спине́ *(мақол)* тузи пасти ейилар, шўри бўлса тўкилар.

ПЕРЕСОЛИ́ТЬ *сов.* 1. кўп туз солмоқ, шўр қилиб юбормоқ; **пересоли́ть суп** шўрвани шўр қилиб юбормоқ; 2. бор-йўғини (кўпини) тузлаб қўймоқ, жуда кўп тузламоқ (карам, помидор ва ҳ. к.); 3. ‖ *с. т.* ҳаддан ошмоқ, жуда ўтказиб юбормоқ; **пересоли́ть в шу́тках** хазилни жуда ўтказиб юбормоқ; **ортоқча қаттиқ** ҳазиллашмоқ.

ПЕРЕСОРТИРОВА́ТЬ *сов.* 1. қайтадан (бошқатдан) сорт (нав')ларга ажратмоқ, хилларга бўлмоқ; 2. кўпини (ҳаммасини) сорт (нав')ларга ажратиб бўлмоқ, ажратиб қўймоқ.

ПЕРЕСОРТИРО́ВКА *ж мн. нет* қайтадан сорт (нав')ларга ажратиш, хилларга бўлиш.

ПЕРЕСОРТИРО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **пересортирова́ть.**

ПЕРЕСОРТИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **пересортиро́вывать** *(к.).*

ПЕРЕСО́ХНУТЬ *сов.* 1. қуриб қолмоқ, қақраб (қовжираб) қолмоқ; **по́чва пересо́хла и потре́скалась** ер қақраб ёрилиб кетипти; **у меня́ в го́рле пересо́хло** томоғим қақраб (қуриб) қолди; **гу́бы пересо́хли** лаблари қуриб қолди; 2. қуримоқ (ариқ, ҳовуз ва ш. к. ҳақида); **ручёй пересо́х** ирмоқ (жилға) қуриган; 3. *с. т.* ма'лум миқдорда қуриб қолмоқ.

ПЕРЕСПА́ТЬ *сов.* 1 *с. т.* кўп ухламоқ, кўп ухлаб лоҳас (ланж) бўлмоқ; 2. *содд.* ётиб қолмоқ, тўшаб қолмоқ.

ПЕРЕСПЕВА́ТЬ *несов. к* **переспе́ть.**

ПЕРЕСПЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *с. т.* пишиб кетган, обдан пишган, пишиб тобидан ўтган; **переспе́лые фру́кты** пишиб ўтиб кетган мевалар.

ПЕРЕСПЕ́ТЬ *сов. с. т.* пишиб ўтиб кетмоқ, обдан пишиб кетмоқ, пишиб тобидан ўтмоқ.

переспле́ю, переспи́шь *буд. от* **переспа́ть** *(к.).*

ПЕРЕСПО́РИТЬ *сов. с. т.* баҳсда (мунозарада) енгиб чиқмоқ; **его́ не переспо́рить** мунозарада (баҳсда) уни енгиб бўлмайди, гапда унга бас келиб бўлмайди.

ПЕРЕСПРА́ШИВАТЬ *несов. к.* **переспроси́ть.**

ПЕРЕСПРОСИ́ТЬ *сов.* 1. қайтариб сўрамоқ (суриштирмоқ), яна сўрамоқ; 2. бор бўлганидан (кўпидан) сўраб чиқмоқ; **за час учи́тель переспроси́л мно́гих ученико́в** ўқитувчи бир соат ичида кўпгина ўқувчидан сўраб чиқди.

переспрошу́, переспросишь *буд. от* **переспроси́ть** *(к.).*

ПЕРЕССО́РИТЬ *сов. с. т.* талаштирмоқ, уриштирмоқ, жанжаллаштирмоқ; **ора́нии** бузмоқ, низо солмоқ.

ПЕРЕССО́РИТЬСЯ *сов. с. т.* анчаси (кўпи) билан уришиб (талашиб, жанжаллашиб) қолмоқ; **друзья́ перессо́рились** дўстлар уришиб қолдилар.

ПЕРЕСТАВА́ТЬ *несов. к.* **переста́ть.**

ПЕРЕСТА́ВИТЬ *сов.* 1. бошқа жойга қўймоқ, жойини (ўрнини) ўзгартириб (алмаштириб) қўймоқ; **переста́вить сту́лья** стулларни бошқа жойга қўймоқ; 2. ‖ суриб қўймоқ; **переста́вить часы́ на 20 мину́т вперёд** соатни 20 минут илгари суриб қўймоқ.

ПЕРЕСТАВЛЯ́ТЬ *несов. к.* **переста́вить;** ◇ ***е́ле но́ги переставля́ть*** *(с. т.)* зўрга оёқ босмоқ, судралиб зўрга юрмоқ.

ПЕРЕСТАВЛЯ́ТЬСЯ *несов. страд. от* **переставля́ть** *(к.).*

ПЕРЕСТАВНО́Й, -ая, -ое *махс.* кўчма, осон кўчириладиган, кўчириб қўйиб бўладиган; **переста́вной** прибо́р кўчма асбоб, кўчириб қўйиб бўладиган асбоб.

ПЛА́ВАТЬ *несов.* 1. сузмоқ, юзмоқ; **пла́вать в ре́чке** дар'ё (сой) да сузмоқ; 2. сузиб юрмоқ; **ры́ба пла́вает** балиқ сузиб юради; **ма́льчик хорошо́ пла́вает** бола яхши сузади; 3. оқиб бормоқ, қалқиб юрмоқ; **в воде́ де́рево пла́вает** ёғоч сувда оқиб юради; 4. сафар қилиб (сузиб) юрмоқ (кемада); **он пла́вал матро́сом торго́вого фло́та** у, савдо флоти кемаларида матрос бўлиб сузиб юрди; 5. ‖ қолланмоқ, ботмоқ (мас., туманга); 6. ‖ *с. т. ҳазл. кест.* довдирамоқ; **пла́вать на экза́мене** имтиҳонда довдирамоқ; ◊ ***ме́лко пла́вать*** *(с. т.)* — **ме́лко пла́вать** *(с. т.)* майда-чуйда, ҳеч нарсани билмаслик; ***пла́вать в кро́ви*** қонга ботмоқ, қонга ғарқ бўлиб ётмоқ.

ПЛА́ВЕНЬ *м* (*мн.* **пла́вни**) *тех.* 1. эритич (силикат саноатида пиширилаётган қисмчаларни бир-бири билан бириктириш учун қўлланиладиган бўр, гила шпати); 2. металлнинг эришиши, эриши ва шлак ҳосил қилиш учун рудага қўшиладиган модда; 3. = **пла́вни** (қ.).

ПЛАВИ́К *м мн. нет мин.* плавик, флюорит, фтор шпати (турли рангдаги кристал ҳолдаги фторли оҳак минерали).

ПЛАВИКО́ВЫЙ. -ая,-ое **плавик** сўз. *сиф.*; ***плавико́вый шпат*** *(мин.)* = **плавик** *(қ.)*; ***плавико́вая кислота́*** *(хим.)* фтор водороднинг сувда эритилган эҳтарли эритмаси.

ПЛАВИ́ЛЬНИК *м тех.* плавильник (металлар эритадиган асбоб).

ПЛАВИ́ЛЬНЫЙ. -ая,-ое *тех.* **пла́вка** I сўз. *сиф.*; эритишга оид; эритадиган; **плави́льная печь** эритиш печи; **плави́льный цех** эритиш цехи.

ПЛАВИ́ЛЬНЯ *ж тех.* металл эритадиган хона (жой).

ПЛАВИ́ЛЬЩИК *м* металл эритувчи ишчи, мутахассис.

ПЛА́ВИТЬ I *несов.* эритмоқ; **пла́вить мета́лл** металл эритмоқ.

ПЛА́ВИТЬ II *несов. махс.* оқизмоқ; **пла́вить лес** ёғоч оқизмоқ.

ПЛА́ВИТЬСЯ *несов. тех.* 1. эримоқ (металлар ҳақида); 2. эритилмоқ.

ПЛА́ВКА I *ж* 1. *только ед.* эритиш; **пла́вка чугуна́** чўян эритиш; **ме́тод скоростно́й пла́вки мета́ллов** металл эритишнинг тезлаштирилган методи; 2. *махс.* эритма, эритилган маҳсулот; **полу́чены две пла́вки за сме́ну** смена давомида икки эритма олинди.

ПЛА́ВКА II *ж мн. нет махс.* оқизиш; **пла́вка плото́в по реке́** ёғочларни дар'ёда сол қилиб оқизиш.

ПЛА́ВКИ *мн., ед. нет спорт.* плавки, сузганда киядиган калта трусик (иштон).

ПЛА́ВКИЙ. -ая, -ое эрийдиган, эручан; **пла́вкий мета́лл** эручан металл.

ПЛАВКОСТЬ *ж мн. нет* эручанлик; **пла́вкость мета́лла** металлнинг эручанлиги.

ПЛАВЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* эриш, эрув; **то́чка плавле́ния** эриш нуқтаси.

ПЛА́ВЛЕНЫЙ. -ая, -ое *махс.* эритилган, эриган; **пла́вленый сыр** юмшоқ сир (пишлоқ); **пла́вленый мел** яичилган бўр.

ПЛА́ВНЕВЫЙ, -ая, -ое *махс.* **пла́вни** сўз. *сиф.*; дар'ё этагидаги паст қирғоқ ва қамиш ўсган ораллар ҳақида оид; **пла́вневые по́чвы** паст қирғоқ ва ораллар тупроғи.

ПЛА́ВНИ *мн., ед. нет* дар'ё этагидаги паст қирғоқлар ва қамиш босган ораллар.

ПЛАВНИ́К *м зоол.* сузгич, юзгич, балиқ қаноти; **грудно́й плавни́к** кўкрак сузгич қаноти; **спинно́й плавни́к** елка сузгич қаноти; **хвосто́вой плавни́к** қуйруқ сузгичи.

ПЛА́ВНО *нареч.* текис, силлиқ, равон, оҳиста, секин; **пла́вно дви́гаться** текис юриб бормоқ.

ПЛАВНО́Й. -ая, -ое *махс.* 1. оқизилган, оқизиб келтирилган; **плавно́й лес** сувда оқизиб келтирилган ёғоч; 2. оқизоқ; **плавна́я сеть** оқизоқ тўр.

ПЛА́ВНОСТЬ *ж мн. нет* текислик, силлиқлик, равонлик; **пла́вность движе́ний** ҳаракатларнинг силлиқлиги (текислиги); **пла́вность ре́чи** нутқнинг равонлиги.

ПЛА́ВНЫЙ, -ая,-ое силлиқ, текис, оҳиста, секин, равон; **пла́вный стих** равон шеър; **пла́вная похо́дка** текис юриш; ◊ ***пла́вные согла́сные*** *(лингв.)* сирғалучи ундошлар („р" ва „л" товушлари).

ПЛАВУ́Н *м к.* **плывун**.

ПЛАВУНЕ́Ц *м* (*мн.* плавунцы) *зоол.* сув қўнғизи (кўл ва секин оқар сувларда яшайди).

ПЛА́ВЩИК *м махс.*= плави́льщик (*қ.*).

ПЛАВЬ *ж мн. нет махс.* эритилган чўян.

ПЛАГИА́Т *м* плагиат, адабий ўғирлик (бировнинг асарини ўзиники қилиш).

ПЛАГИА́ТОР *м* плагиатор, адабий ўғри.

ПЛАГИА́ТОРСКИЙ,-ая,-ое плагиа́тор ва плагиа́торство *сўз. сиф.*; плагиатга, плагиаторлик (адабий ўғирлик) ка оид.

ПЛАГИА́ТОРСТВО *ср мн. нет* плагиаторлик, адабий ўғирлик.

ПЛАГИА́ТЧИК *м* = плагиа́тор (*қ.*).

ПЛА́ЗМА *ж мн. нет* 1. *биол.* плазма (қон составидаги суюқ таркибий қисм); 2. *мин.* плазма (тўқяшил колчедан).

ПЛАЗМАТИ́ЧЕСКИЙ,-ая,-ое пла́зма 1 *сўз. сиф.*; плазмага оид, плазматик; плазмати́ческая кле́тка плазматик ҳужайра.

ПЛАЗМО́ДИЙ *м биол.* 1. плазмодий (шиллиқсимон пўстсиз замбуруғлар тўдасидан иборат протоплазмали модда); 2. плазмодий (қон паразити бўлган энг оддий бир ҳужайрали организм).

ПЛА́КАЛЬЩИК *м эск.* йиғичи, гир'янда (эски вақтларда азада ёлланиб йиғловчи киши).

ПЛА́КАЛЬЩИЦА *ж эск.* йиғичи, гир'янда аёл.

ПЛАКА́Т *м* плакат (бирор тарихий кун ёки кампанияга бағишлаб, муносиб расмлар солиб, шиорлар ёзиб чиқариладиган безакли варақа).

ПЛАКА́ТНЫЙ, -ая, -ое плака́т сўз. *сиф.*; плакатга оид; плака́тная бума́га плакатбоп қоғоз.

ПЛА́КАТЬ *несов.* 1. йиғламоқ, кўз ёши тўкмоқ; пла́кать навзы́рыд ҳўнграб (дод-фар'ёд қилиб) йиғламоқ; го́рько пла́кать қон йиғламоқ, аччиқ-аччиқ йиғламоқ; пла́кать от ра́дости шодлик кўз ёши тўкмоқ; 2. ‖ ачинмоқ, ҳасрат қилмоқ; ◇ *хоть плачь! бирам алам қиладиғ дод деб юборгинг келади; пла́кали де́нежки* (с. п. эсизгина пул йиғлаб кетди (увол бўлди, сувга оқди, дод деб кетди).

ПЛА́КАТЬСЯ *несов.* 1. *с. т.* зор ланмоқ, шикоят қилмоқ, нолимоқ; пла́кать на свою́ судьбу́ ўз тақдиридан нолимоқ; 2. *безл.* йиғлагиси келмоқ, йиғига мойил бўлмоқ (ўз ҳақида); пла́чется от ра́дости севинчдан йиғлагинг келади.

ПЛАКИРОВА́ТЬ *сов.* и *несов.* *мат* 1. қопламоқ, қоплама қилмоқ, тилла ёки кумуш суви юритмоқ; зарҳал бермоқ; плакирова́ть посу́ду идишларга зарҳал бермоқ; 2. ёғоч (фанер) қопламоқ; плакирова́ть шкаф шкафнинг юзига фанер қопламоқ; 3. чм қопламоқ, чим босмоқ; плакирова́ть отко́с қиялаб текисланган ернинг юзига чим босмоқ.

ПЛАКИРОВА́ТЬСЯ *несов. стра от* плакирова́ть (*қ.*).

ПЛАКИРО́ВКА *ж мн. нет махс.* 1. қоплаш, қоплама қилиш, тилла ёки кумуш суви юритиш, зарҳал бериш; 2. ёғоч (фанер) қоплаш; 3. чим бо сиш, чим қоплаш.

ПЛАКИРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *мат* плакиро́вка *сўз. сиф.*; қоплашга оид; плакиро́вочная мастерска́я қопламачилик устахонаси.

ПЛАКИРО́ВЩИК *м махс.* қопламачи, зарҳал беручи уста.

ПЛА́КСА *м и ж с. т. манф.* йиғлоқи, йиғлоқ (одам, бола).

ПЛАКСИ́ВОСТЬ *ж мн. нет* йиғлоқилик, йиғлоқлик.

ПЛАКСИ́ВЫЙ, -ая, -ое *с. т.* 1. йиғлоқ, йиғлоқи; йиғламсираган; плаксивый ребёнок йиғлоқи бола; 2. ғамгин, ҳазин, хафагазак; говори́т плакси́вым го́лосом ҳазин овоз билан гапирмоқ.

ПЛАКУ́Н I *м.* ПЛАКУ́Н-ТРАВА́ *ж* 1. *бот.* сувялпиз; 2. *фольк.* сиҳргиёҳ, мехригиёҳ.

ПЛАКУ́Н II *м зоол.* денгиз моллюскаси.

ПЛАКУ́ЧИЙ, -ая,- ее: плаку́чая ива мажнунтол; плаку́чая бере́за шохлари пастга осилиб ўсадиган қайин.

ПЛАМЕГАСИ́ТЕЛЬ *м харб.* алангага ўчиргич, ўт ўчиргич.

ПЛАМЕНЁТЬ *несов. поэз.* 1. алангаланмоқ, ёнмоқ, ёлқинланмоқ, ялтирамоқ, яллиғланмоқ; зака́т пламенёт шом шафағи ёлқинланмоқда; 2. ‖ ёнмоқ, куймоқ, ўртанмоқ; пламенёть любо́вью ишқ ўтида ўртанмоқ.

ПЛАМЕНИ́СТЫЙ, -ая, -ое сер аланга, алангаланиб ёнадиган, ёруғ аланга берадиган, алангали, ёлқинли.

ПЛА́МЕННО *нареч.* оташин, қизғин; баланд руҳ билан; жуда; пла́менно чита́ть стихи ше'рни оташин (баланд руҳ билан) ўқиб бермоқ; пла́менно жела́ть чего-н. бирор нарсани жуда истамоқ (хоҳламоқ).

ПЛА́МЕННОСТЬ *ж мн. нет* алангалик, ёлқинлик, ёрқинлик, оташинлик, қизғинлик; пла́менность ре́чи нутқнинг оташинлиги.

ПЛА́МЕННЫЙ, -ая, -ое 1. *поэз.* алангали, ёрқин, ёлқинли; пла́менные зо́ри ёлқинли шафақлар; 2. ‖ алангали, оташин, қизғин, кучли, ўтли; пла́менная любо́вь қизғин муҳаббат; пла́менный приве́т алангали салом; пла́менная речь оташин нутқ; пла́менный сове́тский патриоти́зм оташин совет патриотизми (ватанпарварлиги); ◇ *пла́менная печь* аланга печи; аланга билан материал тайёрлайдиган завод печи.

ПЛА́МЕНЬ *м эск. поэз.* = пла́мя (1.).

ПЛА́МЯ *ср мн. нет* 1. аланга, ўт олов, ёлқин; языки пла́мени ўт ёлқинлари; вспы́хнуть пла́менем ўт олиб (алангаланиб, ловуллаб) кетмоқ; пла́мя костра́ гулхан алангаси; 2. ‖ завқ, ҳавас, ҳирс алангаси; 3. ‖ аланга, олов; пла́мя революции революция алангаси; 4. *хим.* ёруғлик; ба'зи моддаларнинг ёниш вақтларида ёруғлик берадиган пар ёки газ чиқариши.

ПЛАН *м* 1. план, режа; план шко́льного зда́ния мактаб биносининг плани; план го́рода шаҳар плани; начерти́ть план план чизмоқ; снять план планга олмоқ; 2. план, тадбир; пятиле́тний план бешйиллик план; произво́дственный план ишлаб чиқариш плани; перспекти́вный план перспектив план; календа́рный план календар план; соста́вить план план тузмоқ; план рабо́ты иш плани; вы́полнить план планни бажармоқ; перевы́полнить план планни ошириб бажармоқ; 3. тахминлаш, чамалаш, олдин планлаб қўйиш; стро́ить пла́ны мўлжалламоқ, тахмин қилиб қўймоқ; нару́шить чьи-н. пла́ны бировнинг планини (режасини) бузмоқ; план путеше́ствия по стране́ мамлакатни саёҳат қилиб чиқиш плани; 4. бирор нарса ёзиш, тузиш плани, режаси; план сочине́ния асар плани; план докла́да доклад плани; 5. жой, ўрин, қатор, кўриниш; на за́днем пла́не сце́ны саҳнанинг орқа қисмида; на пере́днем пла́не картины суратнинг олд қисмида; 6. ‖ нуқтаи назар, жиҳат; томон; де́йствие в дра́ме развива́ется в двух пла́нах драмадаги воқиалар икки томондан ривожланади; вопро́с обсужда́лся в теоретическом пла́не масала назарий жиҳатдан муҳокама қилинди; ◇ *на пе́рвом пла́не* биринчи галда; энг аввал; *на после́днем пла́не* охирда, провардида.

ПЛАНА́РИЯ *ж зоол.* планария (сувда яшайдиган энг оддий бир ҳужайрали жонивор).

ПЛАНЁР *м* планёр (ҳаводан оғир бўлатуриб моторсиз учадиган аппарат); планёр-самолёт самолёт-планёр (ўзи учар планёр); планёр-парите́ль парвоз қилиб учучи планёр.

ПЛАНЕРИ́ЗМ *м мн. нет ав.* планеризм, планёрчилик (планёрда учиш сан'ати).

ПЛАНЕРИ́СТ *мав.* планерист, планёрда учучи.

ПЛАНЕРИ́СТКА *ж ав.* планерда учучи аёл.

ПЛАНЁРНЫЙ, -ая, -ое планёр сўз. *сиф.*; планёрга оид; планёрный спорт планёр спорти.

ПЛАНЕРОДРО́М *м ав.* планеродром (планёрлар учириладиган махсус майдон).

ПЛАНЕ́Т *м қ. х. эск.* планет (культиватор сингари қатор ораларини юмшатиш ва ўтдан тозалашга ҳизмат қиладиган машина).

ПЛАНЕ́ТА *ж* 1. *астр.* планета сайёра; 2. ‖ *эск.* юлдуз (тақдир, қисмат ма'носида).

ПЛАНЕТА́РИЙ *м* планетарий (1. планеталар ва осмоний жисмларнинг ҳаракатини кўрсатадиган асбоб; 2. шу асбоб билан планеталарни кўрсатиладиган бино).

ПЛАНЕТА́РНЫЙ, -ая, -ое плане́та 1 *сўз. сиф.*; планетага оид; **планета́рные тума́нности** планеталарнинг ғуж бўлганлигидан ҳосил бўлган тумансимон кўриниш.

ПЛАНЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое *астр.* плане́та 1 *сўз. сиф.*; планетага оид; **плане́тная систе́ма** планеталар системаси.

ПЛАНЕТО́ИД *м астр.* кичкина планета (сайёра).

ПЛАНИ́ДА *ж зоол. собд.* = плане́та 2 *(қ.)*.

ПЛАНИМЕ́ТР *м геод.* планиметр (чертёждаги сатҳларни ва бекик ҳадли шаклларни ўлчайдиган асбоб).

ПЛАНИМЕТРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. *геод.* планиме́тр *сўз. сиф.*; планиметрга оид; планиметрик; 2. *мат.* планиме́трия *сўз. сиф.*; планиметрияга оид.

ПЛАНИМЕ́ТРИЯ *ж мн. нет мат.* планиметрия (геометриянинг текисликдаги шаклларни ўрганадиган бўлими).

ПЛАНИ́РОВАНИЕ I *ср мн. нет ав.* секинлаб пастга учиш (эниш); **планирование самолёта** самолётнинг қўниш олдида секинлаб пастга учиши.

ПЛАНИ́РОВАНИЕ II *ср мн. нет* планирова́ть II фе'лининг ҳаракат номи; *қ.* планирова́ть II.

ПЛАНИ́РОВАТЬ I *несов. ав.* қўниш учун секинлаб пастга учмоқ (энмоқ).

ПЛАНИ́РОВАТЬ II *несов.* 1. планлаштирмоқ; планирова́ть сельское хозя́йство қишлоқ хўжалигини планлаштирмоқ; 2. планини (режасини) тузмоқ (чизмоқ); планга олмоқ; планирова́ть зда́ние бинонинг планини тузмоқ; 3. планда берилганига мувофиқлаштирмоқ; планирова́ть стади́он стадионни планда берилганига мувофиқлаштирмоқ; 4. планлаштирмоқ, мўлжаллаб қўймоқ; планирова́ть постро́йку электроста́нции электростанция қуришни планлаштирмоқ (мўлжаллаб қўймоқ).

ПЛАНИ́РОВАТЬСЯ *несов. страд. от* планирова́ть II *(қ.)*.

ПЛАНИРО́ВКА *ж мн. нет* 1. планлаштириш, планини тузиш, планга олиш; планиро́вка уча́стка под сад участкани боғ қилиш учун планлаштириш; участкада мева дарахатларини жойлаштириш планини тузиш; планиро́вка поле́й ерларни планлаш; 2. *мелк.* ер сатҳини текислаш; планиро́вка уча́стка под постро́йку иморат солинадиган участканинг сатҳини текислаш.

ПЛАНИРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое планиро́вка *сўз. сиф.*; планлашга, планлаштиришга оид; сатҳни текислашга оид; планиро́вочные рабо́ты планлаш (планлаштириш) ишлари; планиро́вочная маши́на ер текислайдиган машина (грейдер ва ш. к. лар).

ПЛАНИРО́ВЩИК *м* планловчи, планлаштирувчи, планлаш, планлаштириш ишлари билан шуғулланувчи мутахассис.

ПЛАНИ́РУЮЩИЙ I, -ая, -ее: планирующий полёт *(ав.)* самолётнинг моторини ўчириб қўйиб, секин пастланиб қўниш жойига мосланиш учун планерчасига учиб айланиши.

ПЛАНИ́РУЮЩИЙ II, -ая, -ее 1. планирова́ть II фе'лининг сифатдоши; 2. планлаштирувчи, планга (режага) солувчи; планирующие о́рганы планлаштирувчи ташкилотлар.

ПЛАНИСФЕ́РА *ж астр.* планисфера [ер шарини ёки осмон сферасн (қуббаси) ни текис сатҳда икки ярим шар шаклида тасвир этиш].

ПЛАНИСФЕ́РНЫЙ, -ая, -ое планисфе́ра *сўз. сиф.*; планисферага оид.

ПЛА́НКА *ж* планка, тахтача.

ПЛАНКТО́Н *м биол.* планктон (денгиз ва дар'ёларда яшайдиган ва фақат сувнинг оқими билан ҳаракат қилувчи тубанҳайвон ва ўсимликлар).

ПЛАНКТО́ННЫЙ, -ая, -ое *биол.* планкто́н *сўз. сиф.*; планктонга оид.

ПЛАНОВИ́К *м* плановик (ишлаб чиқариш планларини тузучи мутахассис).

пла́ново *нареч.* планга мувофиқ, план бўйича, планли равишда; **рабо́тать пла́ново** планли равишда (планга мувофиқ) ишламоқ.

пла́ново - предупреди́тельный, -ая, -ое: **пла́ново-предупреди́тельный ремо́нт** *(тех.)* план бўйича белгиланган эҳтиёт ремонти.

пла́новость *ж мн. нет* планлилик, планли бўлишлик, планга мувофиқлик, планга солинганлик; **пла́новость социалисти́ческого хозя́йства** социалистик хўжаликнинг планлилиги; планга асосланганлиги; **пла́новость в рабо́те** ишнинг планга мувофиқлиги.

пла́новый, -ая, -ое **план** *ва* **планиро́вание** II *сўз. соф.*: планга оид; планли, планга асосланган, план билан қилинадиган; **пла́новое хозя́йство** планли хўжалик; **пла́новая рабо́та** планли иш; **пла́новая комиссия** план комиссияси; **пла́новый отде́л** план бўлими.

планоме́рно *нареч.* планли равишда, план асосида, планга мувофиқ равишда; **планоме́рно рабо́тать** планли равишда ишламоқ, ишни планга мувофиқ олиб бормоқ.

планоме́рность *ж мн. нет* планлилик, планга асосланганлик, планга мувофиқлик, тартиблилик, мунтазамлик; **планоме́рность разви́тия наро́дного хозя́йства** халқ хўжалигининг планли равишда, мунтазам ривожланиши.

планоме́рный, -ая, -ое планли, план асосидаги, план билан қилинадиган, мунтазам; **закон планоме́рного разви́тия наро́дного хозя́йства** халқ хўжалигининг мунтазам ривожланиш қонуни.

пла́ночка *ж* **пла́нка** *сўз. кичр. айт.*: қ. **пла́нка**.

пла́ночный, -ая, -ое **пла́нка** *сўз. соф.*: тахтачага оид; тахтачадан қилинган.

планта́ж *м мн. нет қ. х.* плантаж (ерни 40—80 *см* чуқур қилиб ҳайдаш, ағдарма қилиб ҳайдаш, палахса қилиб ҳайдаш).

планта́жный, -ая, -ое *қ. х.* **планта́ж** *сўз. соф.*: ерни ағдарма қилиб чуқур ҳайдашга оид; **планта́жные рабо́ты** ерни чуқур ҳайдаш ишлари.

планта́тор *м* 1. плантатор; плантация эгаси (капиталистик мамлакатларда колонияда плантацияси бор киши); 2. ‖ *золим, қонхўр* эксплуататор.

планта́торский, -ая, -ое **планта́тор** *сўз. соф.*: плантаторга оид.

планта́ционный, -ая, -ое *махс.* **планта́ция** *сўз. соф.*: плантацияга оид; плантацион, плантациядан олинадиган; **плантацио́нный каучу́к** плантациядан олинадиган каучук.

планта́ция *ж* 1. плантация (махсус қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган катта майдон); **на ча́йных планта́циях Гру́зии на́чался сбор ча́йного листа́** Грузиянинг чой плантацияларида чой баргини териш ишлари бошланди; 2. плантация (мустамлака мамлакатларда эксплуататорликка асосланган йирик капиталистик қишлоқ хўжалиги).

пла́нчатый, -ая, -ое планкали, планкалардан ясалган; **пла́нчатый транспорте́р** планкали транспортёр.

планшайба *ж тех.* планшайба (станокда ишланаётган нарса ёки патрон ўрнатиладиган асбоб).

планше́т *м махс.* планшет (1. устига чертёж қоғози тортилган юпқа тўртбурчак тахта; 2. географик ёки топографик карта жойлаб ёнга осиб юриладиган юпқа сумка; 3. устига карта тортиладиган тахтача ёки картон; 4. корсетнинг ҳаржойига ўтказиладиган металл пластинка).

планше́тка *ж* **планше́т** *сўз. кичр. айт.*; қ. **планше́т**.

планше́тный, -ая, -ое **планше́т** *сўз. соф.*: планшетга оид.

пласирова́ть *несов. спорт.* футбол ва теннисда тўп (копток)ни мўлжалланган жойга юбормоқ.

пласиро́вка *ж мн. нет спорт.* **пласирова́ть** фе'лининг ҳаракат номи; қ. **пласирова́ть**.

пласт *м* 1. қатлам, қават; **пласт по́чвы** ер (тупроқ) қатлами; **пласт сне́га** қор қавати; **мо́щность пласта́** қ. **мо́щность** 2; 2. *қ. х.* қатламлаб, қават-қават (қатлам-қатлам) қилиб; **се́ять по пласту́** кўриқни биринчи марта очиб, экин экмоқ; 3. ‖ қатлам, табақа; **разли́чные пласты́ в слова́р-**

ном соста́ве языка́ тилнинг луғат составидаги турли қатламлари; ◊ *лежа́ть пласто́м (как пласт)* ялпайиб етмоқ, қимирамай чўзилиб етмоқ.

ПЛАСТА́ТЬ *несов. махс.* қатлам ламоқ, қатлам-қатлам қилмоқ; пласта́ть дёрн чимни қатламлаб кўчирмоқ.

ПЛАСТЕЛИ́Н = пластили́н (*қ.*).

ПЛАСТЕЛИ́НОВЫЙ = пластили́новый (*қ.*).

ПЛАСТИ́ДЫ *мн. (ед. пластида ж) бот.* пластидалар (ўсимлик организми ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган ҳужайра протоплазмасидаги танача).

ПЛА́СТИК *м* пластик масса (ҳайкалтарошликда қўлланиладиган ёпиштириш, чаплаш материали, мас., ганч, эрзак ва ш. к.).

ПЛА́СТИКА *ж мн. нет* 1. *спт.* пластика (ҳайкалтарошлик ва нақ-қошликда—ҳажмли шакллар яратиш сан'ати); 2. *собир.* ҳайкалтарошлик ва наққошлик маҳсулотлари; 3. пластика (рақсда танани гўзал ҳаракатлантириш сан'ати); 4. пластик (нафис) ҳаракат, танани гўзал ҳаракатлантириш.

ПЛАСТИЛИ́Н *м* пластилин (ҳайкалтарошликда қўлланиладиган лой блан мумдан иборат секин қурийдиган материал).

ПЛАСТИЛИ́НОВЫЙ, -ая, -ое пластили́н *сўз. сиф.*; пластилинга оид, пластилиндан қилинган.

ПЛАСТИ́НА *ж* тахта, пластина (темир, чўян, пўлат кабиларнинг узунчоқ ясси бир парчаси); желе́зная пласти́на темир тахта.

ПЛАСТИ́НКА *ж* 1. пласти́на *сўз. кичр. айт.*; қ. пласти́на; 2. пластинка (патефонда ёки радиолада чалиб эшитиш учун овоз ёзилган плакча); патефо́нная пласти́нка патефон пластинкаси; 3. *фото.* пластинка (расм олиш учун ишлатиладиган ёруғликни тез сезадиган ойна); фотографи́ческая пласти́нка фото пластинкаси; 4. *бот.* баргнинг кенг ва ялпоқ қисми; 5. *бот.* замбуруғ (қўзиқорин) қалпоғининг остки қисмидаги бурмалари; 6 *зоол.* қўнгиз мўйлабчалари учидаги қисм; 7 *физ.* пластинка (суюқликдаги юпқа қатлам); зако́ны прихожде́ния жи́дких пласти́нок суюқ қатламларнинг келиб чиқиш қонунлари.

ПЛАСТИ́ночный, -ая, -ое пласти́нка *сўз. сиф.*; пластинкага оид пластинкали; пластино́чный фотоаппара́т пластинкали фотоаппарат.

ПЛАСТИНЧАТОЖА́БЕРНЫЕ *мн. ед. нет зоол.* пластинкасимон ойқулоқлилар (моллюскалар оиласига оид сув жониворлари).

ПЛАСТИНЧАТОКЛЮ́ВЫЕ *мн. ед. нет зоол.* ялпоқ тумшуқлилар (сув паррандалари).

ПЛАСТИНЧАТОУ́СЫЕ *мн., ед. нет зоол.* пластинкасимон мўйлаблилар (қўнғизлар оиласидан).

ПЛАСТИ́НЧАТЫЙ, -ая, -ое пластинкасимон; пласти́нчатый гриб *(бот.)* қалпоғининг остки томони пластинкасимон (бурмали) замбуруғ (қўзиқорин); пласти́нчатое состоя́ние жи́дкости *(физ.)* суюқликнинг пластинкасимон ҳолати.

ПЛАСТИФИКА́ТОР *м* пластификатор (резина қоришмасини юмшоқроқ қилиш учун қоришмага қўшиладиган қарағай смоласи ва вазелин мойидан иборат юмшатувчи моддаларнинг номи).

ПЛАСТИ́ческий, -ая, -ое 1. пла́стика 3, 4 *сўз. сиф.*; пластик, нафис; пласти́ческие движе́ния пластик ҳаракатлар (рақсда, балетда, гимнастикада); пласти́ческая гимна́стика пластик гимнастика; 2. *мед.* бадандаги камчиликлар ўрнига сог тери ямаб тузатишга оид, пластик; пласти́ческая опера́ция пластик операция (касал терини олиб ташлаб сог тери ямаш операцияси); пласти́ческая хирурги́я пластик хирургия; 3. пластик; пласти́ческая ма́сса пластик масса (модда); снимайдиган буюмлар тайёрлашда қўлланиладиган модда.

ПЛАСТИ́чность *ж мн. нет* 1. нафислик, силлиқлик, гўзаллик (бадан ҳаракатлари ҳақида); пласти́чность та́нца танцанинг нафислиги; силлиқлиги; пласти́чность скульпту́рного изображе́ния ҳайкал тасвирининг гўзаллиги; 2. эластиклик,

эгилучанлик; **пласти́чность раскалённого желе́за** қиздирилган темирнинг эгилучанлиги.

ПЛАСТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. = пласти́ческий 1 (*к.*); **пласти́чные движе́ния** нафис (гўзал) ҳаракат; 2. *махс.* = **пласти́ческий** 3 (*к.*); **пласти́чная ма́тричная ма́сса** матрица тайёрлайдиган эластик масса (модда).

ПЛАСТКО́ЖА *ж* сун'ий кўн, сун'ий чарм.

ПЛАСТМА́ССА (**пласти́ческая ма́сса**) *ж* пластмасса (ҳархил рўзғор буюмларни тайёрлашда қўлланиладиган масса); чернильница **из пластма́ссы** пластмассадан қилинган сиёҳдон.

ПЛАСТМА́ССОВЫЙ, -ая, -ое пластма́сса *сўз. сиф.*; пластмассага оид; **пластма́ссовые изде́лия** пластмассадан қилинган буюмлар.

ПЛАСТОВА́ТЬ *несов. махс.* қатламлаб кесмоқ, қатламлаб тахламоқ (термоқ).

ПЛАСТОВА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **пластова́ть** (*к.*).

ПЛАСТОВО́Й, -ая, -ое *махс.* қатламли; **пластово́й у́голь** қатламли кўмир; **пластово́е желе́зо** қатламли темир (тунука).

ПЛАСТОГА́МИЯ *ж биол.* пластогамия [бир ҳужайрали организмларнинг протоплазмалар қўшилиши натижасида кўп магизли (ядроли) масса ташкил қилиш қобилияти].

ПЛАСТУ́Н *м* яёв (пиёда) казак (аскар).

ПЛАСТУ́НСКИЙ, -ая, -ое **пластуно́в** *сўз. сиф.*; яёв (пиёда) казакка (аскарга) оид; **пластуно́вская часть** пиёда казаклар қисми; **по́лзать по-пластуно́вски** (*нареч.*) ербағирлаб, судралиб (тирсак билан суриниб бекиниб) бормоқ.

ПЛА́СТЫРНЫЙ, -ая, -ое **пла́стырь** *сўз. сиф.*; пластирьга (малҳамга) оид, пластирьли, малҳамли.

ПЛА́СТЫРЬ *м* 1. *мед.* пластирь, малҳам; **ли́пкий пла́стырь** ёпишқоқ малҳам; **вытяжно́й пла́стырь** тортадиган (ярани ўрадиган) малҳам; 2. *денг.* кеманинг тешилган ерини вақтинча ёпиштириб, ямаб қўядиган пластирь (ямоқ).

ПЛАТ *м эск.* рўмол, дурра.

ПЛА́ТА *ж* 1. тўлаш, ҳақ (бадал) тўлаш; **вноси́ть пла́ту** ҳақни тўламоқ; 2. ҳақ, тўлов, ижара; кира; **за́работная пла́та** ишҳақи; **входна́я пла́та** кириш ҳақи; **квартѝрная пла́та** квартиранинг ижара ҳақи; **пла́та за электри́чество** электрдан фойдаланганлик учун олинадиган ҳақ; 3. ‖ ҳақ, насиба (кўпинча киноя, кесатиш учун ишлатилади).

ПЛАТА́Н *м бот.* платан; чинор, **восто́чный плата́н** чинор.

ПЛАТА́НОВЫЙ, -ая, -ое 1. **плата́н** *сўз. сиф.*; платан (чинор)га оид; платанли, чинорли, платан (чинор)дан қилинган; **плата́новая алле́я** чинорли аллея (икки четига чинор ўтқазилган йўлка); 2. *сущ.* **плата́новые** *мн. (ед.* **плата́новое** *ср) бот.* платан (чинор)лар оиласидан бўлган дарахтлар; семе́йство плата́новых платан (чинор)лар оиласи.

ПЛАТА́ТЬ *несов. содд.* ямамоқ, ямаб қўймоқ; **плата́ть руба́ху** кўйлакни ямамоқ.

ПЛАТЁЖ *м* 1. тўлаш; **посла́ть кни́ги по по́чте нало́женным платежо́м** почта орқали тўлаб оладиган қилиб китоблар юбормоқ; **прекрати́ть платежи́** тўлашни тўхтатмоқ; 2. тўлов, тўланадиган сумма; ◇ *долг платежо́м кра́сен к.* кра́сный.

ПЛАТЁЖЕСПОСО́БНОСТЬ *ж мн. нет* тўлашга қобиллилик; тўлашга қурби етадиганлик.

ПЛАТЁЖЕСПОСО́БНЫЙ, -ая, -ое *расм.* 1. тўлашга қобил, тўлашга қурби етадиган; **платёжеспосо́бное предприя́тие** тўлашга қобил корхона; 2. харид (сотиб олиш)га қурби етадиган; **платёжеспосо́бный покупа́тель** сотиб олишга қурби етадиган харидор; ◇ *платёжеспосо́бный спрос* (*эк.*) талабни тўлаб олишга қобиллик.

ПЛАТЁЖНЫЙ, -ая, -ое *махс.* 1. тўлаш (тўлов)га оид, тўланадиган, тўлаш учун белгиланган; **платёжная ве́домость** тўлаш ведомости; **платёжный день** тўлов куни; тўланадиган кун; 2. чиқим ўрнига кирим қопланиб туриши; **платёжный бала́нс** чиқим ўрнига кирим баравариниб (қопланиб) туриши.

ПЛАТЕ́ЛЬЩИК *м расм.* қарздор, тўловчи; **плате́льщик нало́гов** солиқлар тўловчи.

ПЛАТЕ́ЛЬЩИЦА *ж* қарздор, тўловчи аёл.

ПЛАТИКЕФА́ЛИЯ *ж антр.* қ. платицефа́лия.

ПЛА́ТИНА *ж мн. нет* платина, оқолтин.

ПЛАТИНА́Т *м хим.* платинат (платина кислотасининг тузи).

ПЛАТИНИ́РОВАТЬ *сов. и несов. хим., тех.* платина (оқолтин) қопламоқ, платина (оқолтин) суви югуртирмоқ.

ПЛА́ТИНОВЫЙ, -ая, -ое 1. **пла́тина** *сўз. соч.*; платинага (оқолтинга) оид, платинали, оқолтинли; **пла́тиновая руда́** оқолтин рудаси; 2. платина (оқолтин)дан қилинган; **пла́тиновые изде́лия** оқолтиндан қилинган аш'ёлар; ◊ ***пла́тиновая чернь*** *(хим.)* платина эритмасининг қора порошоксимон чўкмаси.

ПЛАТИНОТИ́ПИЯ *ж мн. нет махс.* платинотипия (оқолтин тузларини ишлатиб сурат олиш усули).

ПЛАТИНОТИ́ПНЫЙ, -ая, -ое **платинотипи́я** *сўз. соч.*; платинотипияга оид.

ПЛАТИ́ТЬ *несов.* 1. тўламоқ; **плати́ть за поку́пку** сотиб олинган нарсанинг пулини тўламоқ; **плати́ть нали́чными** нақд тўламоқ; **плати́ть нату́рой** натура (мол) билан тўламоқ; **плати́ть по счёту** счёт бўйича тўламоқ; **плати́ть в рассро́чку** бўлиб-бўлиб тўламоқ; **плати́ть долги́** қарзларни тўламоқ; **плати́ть нало́ги** солиқларни тўламоқ; 2. ‖ қайтармоқ, эвазига бирор нарса бермоқ; **плати́ть услу́гой за услу́гу** хизматига яраша хизмат қилиб бермоқ; **плати́ть кому́-н. той же моне́той** қ. моне́та; **плати́ть взаи́мностью** муомаласига яраша муомала қилмоқ.

ПЛАТИ́ТЬСЯ *несов.* 1. тўланмоқ; 2. ‖ жазосини тортмоқ, жазосини кўрмоқ, бир нарсани йўқотиб жазоланмоқ; **плати́ться здоро́вьем за свою́ неосмотри́тельность** парвосизлик (эҳтиётсизлик) орқасида соғлиқдан айрилиб жазосини тортмоқ.

ПЛАТИЦЕФА́ЛИЯ *ж мн. нет антр.* ясси бошлилик (бош суяги юқорига қараб яхши ўсмаганлиги).

ПЛАТКО́ВЫЙ, -ая, -ое *махс.* = **то́чный** *(қ.)*.

ПЛА́ТНЫЙ, -ая, -ое 1. пуллик, тўланадиган; **пла́тное ме́сто** пул ўрни (жой); **пла́тный вход** пул лаб кириш; 2. пул (ҳақ) оладиган; **пла́тный рабо́тник** ҳақ (мояна) оладиган ходим; **пла́тная до́лжность** пул (ҳақ) тўланадиган мансаб (вазифа, ўрин); 3. *эск.* пул (ҳақ) тўлаб **пла́тный пассажи́р** пул тўлаб новчи, йўловчи; **пла́тный** больница пул тўлаб ётучи бемор (касалхона).

ПЛАТО́ *ср нескл. махс.* ясси тор.

ПЛАТО́К *м (мн. платки́)* рўмол, рўмолча; **носово́й плато́к** дастрўмол; **головно́й плато́к** рўмол, дурра; **хо́вый плато́к** тивит рўмол.

ПЛАТОНИ́ЗМ *м* 1. *тар. фал.* платонизм (қадимги юнон философи Платоннинг идеалистик фалсафаси). 2. ‖ руҳийлик, ма'навийлик; 3. ‖ мавҳумлик, муфҳамлик, амалга ошмайдиганлик.

ПЛАТОНИ́ЧЕСКИ *нареч.* платоник, руҳан; мавҳум.

ПЛАТОНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. платонизмга оид; 2. ‖ руҳий, ма'навий; **платони́ческая любо́вь** руҳий; ма'навий муҳаббат; 3. ‖ мавҳум, мубҳам; амалга ошмайдиган; **платони́ческие мечты́** мавҳум хаёллар, амалга ошмайдиган истаклар.

ПЛАТО́ЧНЫЙ, -ая, -ое **плато́к** *сўз. соч.*; рўмолга оид, рўмол бўладиган; **плато́чная ткань** рўмолбоп (рўмол қилинадиган) газлама.

ПЛАТФО́РМА I *ж т. ӣ.* 1. платформа (темир йўл вокзалидаги салқин перрон); 2. кичик станция, ярим станция; **ско́рые поезда́ на платфо́рмах не остана́вливаются** скорий (тезюрар) поездлар ярим станцияларда тўхтамайди; 3. платформа (устн очиқ юк вагони).

ПЛАТФО́РМА II *ж* платформа (бирор партия ёки айрим группанинг маслаги, хатти-ҳаракати программаси, тутган йўли); ◊ ***стоя́ть на платфо́рме*** *(чего-н.)* муайян бир платформада турмоқ.

ПЛА́ТЬЕ *ср* 1. *только ед. собир.* кийим, кийимбош, устбош, либос; **ве́рхнее пла́тье** уст кийим; **шкаф для пла́тья** кийим шкафи (жовони); **магази́н гото́вого пла́тья** тайёр кийимлар магазини; 2. хотин-қизлар кўйлаги; **ле́тнее пла́тье** ёзлик кўйлак; **шёлковое пла́тье** шойи кўйлак; ◊ *по пла́тью встреча́ют, по уму́ провожа́ют* (*мақол*) устбошига қарама, ақл-ҳушига қара; *берегі́ пла́тье сно́ву, а честь смо́лоду* (*мақол*) кийимни янгилигидан, ор-номусни ёшликдан эҳтиёт қил.

ПЛА́ТЬИЦЕ *ср* **пла́тье** 2 *сўз. яркл. ва кичр. адт.*; *қ.* **пла́тье** 2.

ПЛАТЯНО́Й, -а́я, -о́е 1. кийим қўйиладиган, кийимбош сақланадиган; **платяно́й шкаф** кийимбош шкафи (жовони). 2. кийим тозалайдиган, **платяна́я щётка** кийим чўтка; 3. кийимда бўладиган; **платяна́я вошь** кийимда бўладиган бит.

ПЛАУ́Н *м* 1. *бот.* плаун (спорали ўсимликлардан бири); 2. *мехс.* плаун (қисқа, ингичка ва юмшоқ толали энгир-нав'и).

ПЛАФО́Н *м* плафон 1. *арх.* нақшдор ёки ганчкор шип; 2. шипга ўрнатиладиган яримшар шаклидаги электр лампа.

ПЛАФО́ННЫЙ, -ая, -ое **плафо́н** 1 *сўз. сиф.*; плафон 1 га оид; **плафо́нная живопи́сь** шипга ишланган нақш, шипдаги нақшкорлик.

ПЛА́ХА *ж* 1. *мах.л.* иккита бўлинган (икки пал'ён қилинган) гўла; 2. *тар.* ўлимга ҳукм қилинганларнинг калласи кесиладиган кунда, мақтоа; 3. ‖ ўлим жазоси.

ПЛА́ХТА *ж* плахта (қўлда тўқиладиган йўл-йўл ёки катак-катак Украина газламаси; шу газламанинг юбка шаклида ўраб юриладиган парчаси).

ПЛА́ХТОВЫЙ, -ая, -ое **пла́хта** *сўз. сиф.*; *қ.* **пла́хта**.

ПЛАЦ *м ҳарб.* плац (ҳарбий машқ ва парадлар ўтказиладиган майдон); **учёбный плац** машқ майдони, машғулот майдони; **на плацу́** плацда, майдонда.

ПЛАЦДА́РМ *м* плацдарм (1. *ҳарб.* бирор ҳарбий ҳаракатга тайёргарлик кўриладиган ва шу ҳаракат бошланиб кетадиган жой; 2. *сиёс.* ўзга мамлакат ерларига ҳужум бошлаш учун қулай бўлган ва шундай ҳужумни бошлаб юбориш учун тайёргарлик ишлари олиб борилаётган ер).

ПЛАЦЕ́НТА *ж анат.* йўлдош; ◊ *экстра́кт плаце́нты (мед.)* йўлдош экстракти, йўлдошдан тайёрланган дори.

ПЛАЦЕНТА́РНЫЙ, -ая, -ое *анат., бот.* **плаце́нта** *сўз. сиф.*; **плацента́рный экстра́кт**=**экстра́кт плаце́нты**; *қ.* **плаце́нта**.

ПЛАЦКА́РТА *ж т. й.* плацкарта (поезд билетига қўшиб берилаётган ва вагондаги ўрин номерини кўрсатадиган квитанция); **биле́т с плацка́ртой** плацкартали билет.

ПЛАЦКА́РТНЫЙ, -ая, -ое *т. й.* **плацка́рта** *сўз. сиф.*; плацкартага оид, плацкартали, ётиб ёки ўтириб кетадиган ўринли; **плацка́ртный биле́т** плацкартали билет; **плацка́ртная квита́нция** плацкарта квитанцияси; **плацка́ртное ме́сто** плацкартали ўрин; **плацка́ртный вагон** плацкартали вагон.

ПЛАЧ *м* 1. *только ед.* йиғи, йиғи-сиғи; йиғлаш; **гро́мкий плач** қаттиқ йиғи; баланд овоз билан йиғлаш; **с пла́чем** йиғлаб, йиғи-сиғи қилиб; 2. *эск. фольк.* нола, фиғон, гир'я (аза ёки тўйда айтиладиган мунгли ашула).

ПЛАЧЕ́ВНО *нареч.* ачинарли, қизғанч; **вы́глядит он плачёвно** унинг кўриниши (ранги-рўйи) ачинарли.

ПЛАЧЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. мунгли, ҳазин; **плачёвный го́лос** мунгли овоз; 2. ‖ ачинарли, аянч, қизғанч; танг; **плачёвный вид** аянч кўриниш; 3. ‖ *разг.* ачинарли, арзимаган, кутгандек бўлиб чиқмаган; **плачёвный результа́т** арзимас натижа.

пла́чу, **пла́чешь** *наст. от* **пла́кать** (*қ.*).

плачу́, **пла́тишь** *наст. от* **плати́ть** (*қ.*).

ПЛА́ЧУЩИЙ, -ая, -ее 1. **пла́кать** фе'лининг сифатдоши; **пла́чущий ребёнок** йиғлаётган (йиғлаб турган) бола; 2. йиғлоқи, йиғига ўхшаган, йиғламсираган, йиғи аралаш; говори́ть

пла́чущим го́лосом йиғлағаўхшаш овоз билан гапирмоқ. йиғлаб мсираб гапирмоқ.

ПЛА́ШКА *ж* 1. тахтача, тахта пластинка; 2. *махс.* майда ҳайвонларга қўйиладиган бирхил қопқон; 3. *тех.* плашка (сиртқи резьба қирқадиган, резьба чиқарадиган асбоб).

ПЛАШКО́УТ *м денг.* плашкоут (шатакка олиб юриладиган палубасиз ясси кема).

ПЛАШКО́УТНЫЙ, -ая, -ое *денг.* **плашко́ут** *сўз. сиф.*; **плашко́утный мост** плашкоут кўприк (плашкоутлар устига солинган ёки плашкоутлардан фойдаланиб қурилган вақтинча кўприк).

ПЛАШМЯ́ *нареч.* кенг томони билан. ёни билан; **удáрить шáшкой плашмя́** қиличнинг ёни билан урмоқ; **упáсть плашмя́** чалқанчасига ёки муккаси билан йиқилмоқ.

ПЛАЩ *м* плаш (1. сув ўтмайдиган пальто; 2. елкага ташлаб юриладиган енгсиз кенг кийим).

ПЛАЩ-ПАЛА́ТКА *ж ҳарб.* плаш-палатка (ҳам плаш ҳам капа вазифасида фойдаланиш учун мосланган сув ўтмас мата).

ПЛЕБЕ́Й *м* плебей [1. *тар.* қадимги Римда ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган, қуйи синфларга мансуб киши; **патри́ций** *сўз. тақ. кўринг.* 2. *эск.* ўрта асрларда кашшоклашган ҳунарманд ва шаҳар меҳнаткаши; 3. ‖ *эск.* буржуа-дворян жаргонида (тилида) дворян (оқсуяк) бўлмаган одам]

ПЛЕБЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое *тар., эск.* **плебе́й** *сўз. сиф.*; плебейларга оид; *қ.* плебе́й.

ПЛЕБИСЦИ́Т *м сиёс* плебисцит (бирор масалани умумхалқ ўртасида овозга қўйиб ёки умумхалқ фикрини тўплаб ҳал қилиш, референдум).

ПЛЕБИСЦИТА́РНЫЙ, -ая, -ое. **ПЛЕБИСЦИ́ТНЫЙ**, -ая, -ое **плебисци́т** *сўз. сиф.*; плебисцит йўли билан ҳал қилинадиган; **плебисци́тное реше́ние вопро́са** масалани плебисцит йўли билан ҳал қилиш; **плебисцита́рная о́бласть** қайси давлатга кириши плебисцит йўли билан ҳал қилинадиган область.

ПЛЕБС *м собир* плебейлар; *қ.* **плебе́й**.

ПЛЕВА́ *ж* парда; **лёгочная плева́** = **плёвра** (*қ.*).

ПЛЕВА́ТЕЛЬНИЦА *ж* тупдон.

ПЛЕВА́ТЬ *несов.* 1. тупламоқ, тупурмоқ; 2. ‖ *собр.* назари илмаслик, назар-писанд қилмаслик, унчалик аҳамият бермаслик; **ему́ плева́ть на всё** унга ҳаммаси бир пақир (унчалик); **он плюёт на всё** у ҳечнарсани назар-писанд қилмайди; ◇ ***плева́ть в потоло́к*** (*с. т.*) шипга тупуриб ётмоқ, бекор ўтирмоқ; ***не плюй в коло́дец, пригоди́тся воды напи́ться*** (*мақол*) *қ.* **коло́дец** 1.

ПЛЕВА́ТЬСЯ *несов. с. т.* тупурмоқ, тупламоқ, ҳадеб тупураверамоқ.

ПЛЁВЕЛ *м* мастак (бирхил ёввойи ўт).

ПЛЕВО́К *м* (*мн.* **плевки́**) тупурик, тупук.

ПЛЁВРА *ж анат* плевра, ўпка пардаси.

ПЛЕВРА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *анат.* **плёвра** *сўз. сиф.*; плеврага, ўпка пардасига оид; **плевра́льная по́лость** ўпка пардаси орасидаги бўшлиқ.

ПЛЕВРИ́Т *м мед.* плеврит, зотилжам (плеванинг, ўпка пардасининг яллиғланиши); **сухо́й плеври́т** қуруқ плеврит; **гно́йный плеври́т** йирингли плеврит.

ПЛЕВРИ́ТНЫЙ, -ая, -ое *мед.* **плеври́т** *сўз. сиф.*; плеврит касалига оид; **плеври́тный ка́шель** плеврит йўтали (плеврит касалига хос йўтал).

ПЛЕВРОПНЕВМОНИ́Я *ж мед.* плевропневмония (ҳам ўпканинг, ҳам ўпка пардасининг бирдан яллиғланиши).

ПЛЁВЫЙ, -ая, -ое *собр.* 1. аҳамиятсиз, арзимас; 2. осон, жўн, ҳеч гап эмас; **э́то плёвое де́ло** бу арзимаган иш; бу осон иш.

ПЛЕД *м* катта ва қалин жун рўмол.

ПЛЕЗИОЗА́ВР *м махс.* плезиозавр (тухуми қуриб кетган ва денгизда яшаган судралувчи ҳайвон).

плёл, плела́ *прош. от* **плести́** (*қ.*).

ПЛЕМЕНА́ *мн. қ.* **племя́**.

ПЛЕМЕННИ́К *м қ. х.* наслдор мол; **жеребе́ц-племенни́к** наслдор айғир.

ПЛЕМЕННО́Й, -а́я, -о́е 1. племя́ *сўз. сиф.*; қабилага оид; **племенно́й** быт қабила ҳаёти; **племенно́й язы́к** қабила тили; 2. зотли, наслдор; **племенно́й** скот зотли мол; ◊ ***племенны́е кни́ги*** наслдор моллар дафтари, наслдор моллар ёзиладиган дафтар.

ПЛЕ́МЯ *ср* (*мн.* племена́) 1. *тар.* қабила, уруғ; **тю́ркские племена́** турк қабилалари; **первобы́тные племена́** ибтидоий қабилалар; 2. ‖ авлод; **сла́вное комсомо́льское** пле́мя шонли комсомол авлоди; 3. ‖ *эск.* халқ, 4. зот; наел (чорвачиликда).

ПЛЕМЯ́ННИК *м* жиян.

ПЛЕМЯ́ННИЦА *ж қ.* **племя́нник**

ПЛЕН *м* 1. асир, асирлик; **взять в плен** асир туширмоқ, асир қилиб олмоқ; **попа́сть в плен** асир тушмоқ; **быть в плену́** асирликда бўлмоқ; 2. ‖ асорат, асирлик, тутқунлик, қуллик, бирор нарса та'сири остида бўлиш; **в плену́ предрассу́дков** хурофот асоратида, чангалида.

ПЛЕНА́РНЫЙ, -ая, -ое **пле́нум** *сўз. сиф.*, пленумга оид; ялпи, умумий; **плена́рное заседа́ние** ялпи мажлис.

ПЛЕНЕ́НИЕ *ср мн. нет* асир тушириш, асир (қилиб) олиш.

ПЛЕНИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое диққат, диларабо, ғўзал, кишини мафтун (шайдо, асир) қиладиган, жазб этадиган, юракдан урадиган; **плени́тельный го́лос** кишини мафтун қиладиган овоз.

ПЛЕНИ́ТЬ *сов.* 1. асир туширмоқ, асир (қилиб) олмоқ; 2. ‖ мафтун (асир) қилмоқ, шайдо қилмоқ, жазб этмоқ; юракдан урмоқ; **плени́ть свое́й краcóтой** ўз ғўзаллиги билан мафтун қилмоқ.

ПЛЕНИ́ТЬСЯ *сов.* мафтун (асир) бўлмоқ, шайдо бўлмоқ, юракдан бериламоқ.

ПЛЁНКА I *ж* 1. юпқа парда; пўст; 2. юпқа парда, қаймоқ; **плёнка на кисе́ле** кисель қаймоғи, кисель юзини қоплаган парда; **вода́ покры́лась то́нкой плёнкой льда** сувнинг юзини юпқа муз парда қоплади.

ПЛЁНКА II *ж* плёнка (1. *фото.* сурат оладиган целлулоид лента; 2. овозни ёзиб оладиган целлулоид лента; **записа́ть** речь на плёнку нутқни плёнкага ёзиб олмоқ).

ПЛЁННИК *м* 1. асир, тутқун, банди; 2. ‖ шайдойи, қул; бирор нарса та'сирига берилган одам.

ПЛЁННИЦА *ж қ.* **плённик**

ПЛЁННЫЙ, -ая, -ое 1. асир тушган, асир (қилиб) олинган; **плённый солда́т** асир тушган (асир қилиб олинган) солдат; 2. *сущ.* **плённый** *м*, **плённая** *ж* асир.

ПЛЁНОЧНЫЙ, -ая, -ое плёнка I, II *сўз. сиф.*; плёнкага оид; *қ.* **плёнка** I, II.

ПЛЕ́НУМ *м* пленум (бирор раҳбар ташкилотнинг ҳамма а'золари қатнашадиган ялпи мажлис); **пле́нум** ЦК КПСС КПСС Марказий Комитетининг пленуми.

ПЛЁНЧАТЫЙ, -ая, -ое пардага (пўстга) ўхшаган, парда (пўст) шаклидаги; пўстли; **плёнчатый ове́с** пўстли арпа.

ПЛЕНЯ́ТЬ *несов. эск. қ.* **плени́ть**.

ПЛЕНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **плени́ть**ся; 2. *страд. от* **пленя́ть** (*қ.*).

ПЛЕОНА́ЗМ *м ад* плеоназм (шакли турлича бўлса ҳам, ма'носи бирхил бўлган сўз ёки ибораларни ўз ичига олган гап ёки ибора, мас., „бола усади, улгаяди"; „душманни парчалаймоқ, ер билан яксон қилмоқ керак").

ПЛЕОНАСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *ад.* плеона́зм *сўз. сиф.*; плеоназтик.

ПЛЕРЕ́ЗЫ *мн., ед. нет эск.* мотамда кийимга тикиб қўйиладиган белги.

ПЛЁС *м* 1. дар'ё ёки кўлнинг ороллар ўртасидаги кенг жойи; 2. дар'ёнинг кемалар қатнови ва қирғоқларнинг хусусиятлари жиҳатидан бирхил бўлган қисми; **ве́рхний плёс Во́лги** Волганинг бирхил хусусиятга эга бўлган юқори қисми.

ПЛЁСЕННЫЙ, -ая, -ое плёсень *сўз. сиф.*; моғорга оид; **плёсенный за́пах** моғор ҳиди.

ПЛЁСЕНЬ *ж* моғор, пўпанак; ◊ ***покры́ться плёсенью*** 1) моғорламоқ; 2) ‖ моғор босмоқ, эскирмоқ; шарти кетиб, парти қолмоқ.

ПЛЕСК *м* шапиллаш, шалоплаш, шовуллаш, шувуллаган (шивиллаган) овоз; **плеск мо́ря** денгизнинг шовуллаши; **плеск ве́сел** эшкакларнинг шапиллаши.

ПЛЕСКА́ТЬ *несов.* 1. шапиллатмоқ, шалопламоқ, шовуллатмоқ; **во́лны плещу́т о бе́рег** тўлқинлар қирғоққа шалоп-шалоп урилмоқда; 2. сачратмоқ, сепмоқ; **плеска́ть водо́й на кого́-н.** бировга сув сачратмоқ; сув сепмоқ; 3. чайқатиб тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; сепмоқ; **плеска́ть во́ду на́ пол** ерга сув сепмоқ; 4. ‖ ҳилпиллатмоқ, ҳилпирамоқ; **плещу́т паруса́** елканлар ҳилпирайди; 5. *эск.* чапак чалмоқ, қарсак урмоқ.

ПЛЕСКА́ТЬСЯ *несов.* 1.=**плеска́ть** 1 (*қ.*); 2. шапиллатмоқ, сувни шапиллатиб юрмоқ, сувни шалп-шалп урмоқ; **ры́ба плещется в воде́** балиқ сувни шапиллатиб юрипти; **ребёнок плеска́лся в ва́нне** бола ваннада сувни шапиллатиб ўтирарди; 3. бир-бирига сув сепишмоқ; **де́ти плещутся в о́зере** болалар кўлда бир-бирларига сув сепишмоқда; 4.=**плеска́ть** 4 (*қ.*). **плещутся фла́ги на пло́щадью** майдон устида байроқлар ҳилпирайди.

ПЛЕ́СНЕВЕТЬ *несов.* могорламоқ, могор (пўпанак) босмоқ.

ПЛЕСНЕВИ́ЦА *ж мн. нет*=**молоч́ница II** (*қ.*).

ПЛЕСНЕВО́Й, -ая, -ое **плёсень** *сўз. сиф.*; могорлатадиган, кўкартирадиган, могор (пўпанак) бостирадиган, **плеснево́й грибо́к** могор замбуруғи, могорлатадиган замбуруғ.

ПЛЕСНУ́ТЬ *сов.* и *однокр.* қ. **плеска́ть**.

ПЛЕСТИ́ *несов.* 1. тўқимоқ, ўрмоқ, **плести́ кружева́** тўр тўқимоқ; **плести́ корзи́ну** сават тўқимоқ; **плести́ ко́су** соч (кокил) ўрмоқ; 2. ‖ *манф.* қурмоқ, тўқимоқ; **плести́ интри́гу** фитна тўқимоқ; 3. ‖ *манф.* бема'ни гап гапирмоқ, гап тўқимоқ, туҳмат қилмоқ; **плести́ чушь** бема'ни гаплар тўқимоқ.

ПЛЕСТИ́СЬ *несов.* 1. ўрилмоқ, тўқилмоқ; 2. *с. т.* судралиб бормоқ (келмоқ). имиллаб юрмоқ; **плете́тся конь уста́лый** чарчаган от судралиб (секин-секин юриб) бормоқда; ◇ **плести́сь в хвосте́** орқада қолмоқ, ҳаммадан қолиб кетмоқ, орқасидан судралиб, эргашиб бормоқ.

ПЛЕТЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* ўриш, тўқиш; 2. *қ.* **плете́нка** 1.

ПЛЕТЁНКА *ж* 1. *с. т.* тўқилган нарса, мас., четан, чипта, сават, тўр ва ҳ. к.; **су́мка-плетёнка** тўқилган сумка; 2. бурама оқ бўлка нон.

ПЛЕТЁНЫЙ, -ая, -ое тўқилган, ўрилган, тўқима; **плетёное кре́сло** тўқима кресло, сават курси; **плетёная корзи́нка** сават.

ПЛЕТЕ́НЬ *м* четан девор.

ПЛЁТКА *ж* қамчи, ўрма қамчи.

ПЛЕТЬ I *ж* қамчи; **плёте́тью о́бухом не перешибёшь** *қ.* **о́бух.**

ПЛЕТЬ II *ж бот.* новда, палак; **арбу́зная плеть** тарвуз палаги.

ПЛЕЧЕВО́Й, -ая, -о́е *анат.* елка 2 *сўз. сиф.*; елкага оид; **плечево́й суста́в** елка сустави (бўғини); **плечева́я кость** елка суяги.

ПЛЕЧЕНО́ГИЕ *мн.* (*ед.* **плеченого́е** *ср*) *зоол.* елкаоёқлилар (денгиз ҳайвонларининг бир группаси).

ПЛЕ́ЧИКИ *мн., ед. нет с. т.* елчики (кийим осиғи).

ПЛЕ́ЧИКО *ср* 1. **плечо́** 1 *сўз қич. айт.*; *қ.* **плечо́** 1; 2. хотин-қиз ёки болалар ич кўйлагининг елка лентаси, тасмаси; 3. *қ.* **плечики**.

ПЛЕЧИСТЫЙ, -ая, -ое елкадор, кенг елкали, елкаси (ягрини) кенг, чорпаҳил; **плечи́стый ю́ноша** ягрини йирик.

ПЛЕЧО́ *ср* (*мн.* **пле́чи**) 1. елка; кифт; **посади́ть ребёнка на пле́чи** болани елкага ўтиргизиб олмоқ; **вы́нести с по́ля бо́я ра́неного на свои́х плеча́х** ярадорни жанг майдонидан елкада олиб чиқмоқ; **пожима́ть плеча́ми** елка қисмоқ, ҳайрон бўлмоқ; 2. *анат.* елка (қўлининг тирсакдан елкагача бўлган қисми); 3. *мех.* елка; **плечо́ рыча́га** ричаг елкаси; ◇ **вы́нести на свои́х плеча́х** ҳамма оғирликни ўзига олмоқ, бирор ишни ўзи бажармоқ; **плечо́м к плечу́** ёнма-ён; бир жон, бир тан бўлиб; **с плеч долой́** (*с. т.*) бўйнидан тушди, бошдан соқит бўлди; **(как, слóвно) гора́ с плеч (свали́лась, упа́ла)** *с. т.* елкамдан тог агдарилгандай бўлди; ташвишдан қутулдим; **не по плечу́** (*кому́-н.*) *с. т.* қўлидан келмайди, кучи етмайди, оғир; **по плечу́** (*кому́-н.*) *с. т.* қўлидан келади, кучи етади, оғирлик қил-

майди; ***на плеча́х отступа́ющего проти́вника*** *(ҳарб.)* чекинаётган душмандан бир қарич узилмай, кетма-кет; ***за плеча́ми у кого́-что-н.*** (быть, име́ться и т. д.) кўрмоқ, кечирмоқ, бошдан ўтказмоқ, эга бўлмоқ; **у него́ за плеча́ми** десятиле́тняя пра́ктика унинг ўн йиллик тажрибаси бор; ***на плечо́!*** *(ҳарб.)* „милтиқ елкага олинсин"! деган ма'нодаги ҳарбий команда; ***ле́вое плечо́ вперёд!*** *(ҳарб.)* ўнгга бурилишни билдирадиган ҳарбий команда, ***пра́вое плечо́ вперёд!*** *(ҳарб.)* чапга бурилишни билдирадиган ҳарбий команда; ***с плеча́*** 1) қулочкашлаб, айлантириб (урмоқ); 2) ‖ ўйламасдан, мулоҳаза қилмасдан, бирданига, шартта; ***име́ть го́лову на плеча́х*** калласи (мияси) жойида бўлмоқ, ақли бўлмоқ; ***с чьего́-н. плеча́*** фалончидан қолган, фалончининг елкаси теккан (кийим ҳақида).

ПЛЕШИ́ВЕТЬ *несов.* тоз бўлмоқ, ялтирбош бўлмоқ; сочи тўкилмоқ; кал бўлмоқ.

ПЛЕШИ́ВЫЙ, -ая, -ое тоз, ялтирбош, сочи тўкилган; кал.

ПЛЕШИ́НА *ж* 1. = **плешь** *(қ.)*; 2. жуни, сочи тўкилган жой, тақир жой; 3. тақир ер, кал ер, ўсимлик ўсмай қолган ер; **плеши́на на лугу́** майсазордаги ўт ўсмай қолган ер, кал ер.

ПЛЕШЬ *ж* бошнинг тақир жойи, сочи тўкилган ёки соч ўсмаган жойи.

плещу́, пле́щешь *наст. от* **плеска́ть** *(қ.)*.

ПЛЕЯ́ДА *ж* плеяда (бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган отоқли одамлар гуруҳи); **пу́шкинская плея́да поэ́тов** Пушкин билан замондош бўлган ва у билан бир вақтда ижод этган шоирлар; **сла́вная плея́да ру́сских революционе́ров 70-х годо́в XIX ве́ка** рус революционерларининг XIX аср 70 йиллардаги шонли плеядаси.

ПЛЕЯ́ДЫ *мн., ед. нет астр.* Сурайё (Савр юлдузлар туркумидаги етти юлдуз).

ПЛИ́ *межд. ҳарб.* пли („ўқ узилсин!" деган ма'нодаги ҳарбий команда).

ПЛИМУТРО́К *м* плимутрок (кўп тухум қиладиган бирхил катта товуқ).

ПЛИНТ *м арх.* плинт (устуннинг, колоннанинг остки чорқирра қисми, асоси).

ПЛИНТОВА́ТЬ *несов. махс.* торф олинадиган жойнинг юзини текислаш, текислаб қўйиш.

ПЛИНТОВА́ТЬСЯ *несов.* текисланмоқ, текислаб қўйилмоқ (торф олинадиган жой ҳақида).

ПЛИ́НТУС *м арх.* плинтус (1. пол билан девор орасидаги ёриқни (тирқишни) бекитиш учун пол четига қоқиладиган ингичка узун тахта; 2. бино деворининг ташқи томонидаги пол баландлигида туртиб чиққан жойи; 3. печьнинг гир атрофлаб туртиб чиққан остки қисми).

ПЛИ́НТУСОВЫЙ, -ая, -ое *арх.* **плинтус** *сўз. соф.*; *қ.* **плинтус.**

ПЛИС *м* ипбахмал, индухоба.

ПЛИ́СОВЫЙ, -ая, -ое **плис** *сўз. соф.*; ипбахмалга, индухобага оид; индухобадан қилинган.

ПЛИССЕ́ *нескл.* 1. *ср* плиссе (дазмол уриб узунасига солинган қат-қат бурма); 2. бурмали, юбка плиссе́ плиссе юбка.

ПЛИССИРОВА́ТЬ *сов. и несов. махс.* плиссировка қилмоқ (дазмол уриб узунасига қат-қат бурма солмоқ).

ПЛИССИРО́ВКА *ж* 1. *только ед.* плиссировка, плиссировка қилиш (дазмол уриб узунасига қат-қат бурма солиш); 2. *қ.* **плиссе́** 1.

ПЛИТА́ *ж* (*мн.* **пли́ты**) 1. плита (металл ёки тош тахта, лавҳа); **мра́морная плита́** мармар плита; **броне́вая плита́** броня (зирҳ) плита; **бето́нная плита́** бетон плита; **моги́льная плита́** қабр тоши; 2. плита, печка, ўчоқ; **га́зовая плита́** газ плита, газ ўчоқ; **жа́рить на плите́** плитада қовурмоқ.

ПЛИ́ТКА *ж* 1. **плита́** *сўз. кичр. айт.*; плитка, кичкина плита; 2. плитка (тахта шаклидаги нарса); **пли́тка шокола́да** бир плитка шоколад; 3. плитка, электр ўчоқ; **электри́ческая пли́тка** электр плитка.

ПЛИТНЯ́К *м мн. нет махс.* плитняк (тахта-тахта бўлиб ётадиган оҳакли ёки қумли сланец).

ПЛИТНЯКО́ВЫЙ, -ая, -ое **плитня́к** *сўз. соф.*; *қ.* **плитня́к.**

плúточный. -ая, -ое 1. **плúтка** 1 *сўз. сиф.*; қ. **плúтка** 1; 2. тахта (плитка) шаклида бўлган, тахта-тахта; **плúточный чай** тахта чой; 3. плиткалардан қилинган, плитка ётқизилган, плитка қопланган; **плúточный пол** плитка (кошин) ётқизилган пол.

плúца *ж махс.* 1. плица (кемадан, қайиқдан сувни олиб ташлайдиган ёғлогисимон махсус асбоб); 2. *эск.* кема паррагининг қаноти.

плов *м* палов, палов ош.

пловéц *м* сузучи, сувчи.

пловýчесть *ж мн. нет махс.* сузиш (чўкмаслик) қобилияти, сузучанлик; **пловýчесть сýдна** кеманинг сузучанлиги.

пловýчий, -ая, -ее сузадиган, сузиб юрадиган, чўкмайдиган, кемага ўрнатилган, кўчма, сузғич; **пловýчие льдúны** кўчма музлар; **пловýчий майк** кўчма маяк; **пловýчий док** сузғич док, сайёр док; қ. **док**; **пловýчий мост** сузғич кўприк (сузғичларга ўрнатилган кўприк); **пловýчий санатóрий** кўчма санатория (кемага ўрнатилган санатория).

плод *м* 1. *бот.* мева. плод завúзался мева тугилди (мас., олма тугилди); 2. мева, ҳўл мева; **съедóбные плоды** ейилли (еб бўладиган) мевалар; 3. *биол.* ҳомила, қориндаги бола; **прáвильное развúтие плóда** қориндаги боланинг тўғри ўсиши; 4. ‖ мева, ҳосил, самара, натижа; **плоды́ размышлéния** фикру хаёл натижалари; **пожúнать плоды́ свóих трудóв** ўз меҳнатининг самарасини (ҳузур-ҳаловатини) кўрмоқ; плод **многолéтнего трудá** кўп йиллик меҳнат самараси; ◊ **запрéтный плод** кўрмоқ бор, емоқ йўқ (кишини қизиқтирадиган, лекин эришиб бўлмайдиган нарса ҳақида).

плодúть *несов.* 1. тугмоқ, бола тугмоқ, болаламоқ, урчимоқ, кўпаймоқ; 2. урчитмоқ, кўпайтирмоқ; 3. ‖ *с. т.* тугдирмоқ, яратмоқ, ижод этмоқ, ёзиб ташламоқ.

плодúться *несов.* 1. болаламоқ, урчимоқ, кўпаймоқ, болалаб кетмоқ; **крóлики бы́стро плодя́тся** қуёнлар тез урчийди; 2. ‖ кўпаймоқ, ҳамма ёқни босиб кетмоқ.

плóдник, плодни́к *м бот.* қ. **ореéстик** 1.

плодникóвый. -ая, -ое *бот.* **плóдник** *сўз. сиф.*; қ. **плóдник.**

плóдный. -ая, -ое 1. *биол., бот.* плод 1, 3 *сўз. сиф.*; уруғланган, болали бор, бўғоз; **плóдное яйцó** уруғланган тухум; 2. мевали, ҳосил берадиган; туғадиган, кўпаядиган; **плóдная яблóня** ҳосил берадиган олма (дарахт).

плодовúтость *ж мн. нет* 1. серҳосиллик, ҳосилдорлик; 2. серпуштлик, кўп бола туғиш; 3. ‖ унумдорлик, ҳосилдорлик, самаралик.

плодовúтый. -ая, -ое 1. серҳосил, ҳосилдор, сермева; 2. серпушт, кўп бола туғадиган, тез кўпаядиган, урчийдиган; 3. ‖ серҳосил, серунум, самарали; **плодовúтый писáтель** самарали ёзувчи.

плодовóд *м қ. х.* мевачи, мевачилик мутахассиси.

плодовóдство *ср мн. нет қ. х.* мевачилик; **плодовóдство и садовóдство** мевачилик ва боғдорчилик.

плодовóдческий. -ая, -ое *қ. х.* **плодовóдство** *сўз. сиф.*; мевачиликка оид; мевачилик билан шуғулланадиган; **плодовóдческий совхóз** мевачилик совхози.

плóдово-я́годный қ. **плодоя́годный.**

плодóвый. -ая, -ое 1. мевага оид, мевали; **плодóвые дерéвья** мевали дарахтлар; 2. мевада бўладиган, мевадан олинадиган; **плодóвый сок** мева шарбати; **плодóвый сáхар** мева шакари.

плодожúл *м зоол.* дарахт мевасига тухум қўядиган зараркунанда қўнғиз.

плодожóрка *ж зоол.* қурт вақтида дарахт мевасини ейдиган, қуритадиган зараркунанда капалак.

плодонóжка *ж бот.* мева думи, мева чўпи.

плодоноси́ть *несов. махс.* мева бермоқ, ҳосил бермоқ; мева (ҳосил) қилмоқ.

плодоно́сность *ж мн. нет* мева (ҳосил) бериш қобилияти, унумдорлик, ҳосилдорлик.

плодоно́сный, -ая, -ое мевали, ҳосилдор, мева (ҳосил) берадиган, мева (ҳосил) қиладиган; **плодоно́сные расте́ния** мевали (мева қиладиган) дарахтлар, ҳосилга кирган дарахтлар.

плодоноше́ние *ср мн. нет махс.* 1. мева (ҳосил) бериш, мева (ҳосил) қилиш; 2. қорнида бола олиб юриш, қорнида бола борлик, бўғозлик.

плодообразова́ние *ср мн. нет бот.* мева ҳосил бўлиши, ўсимликнинг мева тугиши.

плодоо́вощи *мн. (ед. плодоо́вощь ж)* мева ва сабзавотлар.

плодоовощно́й, -ая, -ое мева ва сабзавотга оид; **плодоовощно́й совхо́з** мева ва сабзавот совхози; **плодоовощно́й магази́н** мева-сабзавот дўкони.

плодопереработка *ж мн. нет, қ. х.* хўл мевалардан турли нарсалар тайёрлаш.

плодопито́мник *м қ. х.* мева кўчатзори; **плодопито́мник колхо́за** колхоз мева кўчатзори.

плодоро́дие *ср мн. нет* серҳосиллик, ҳосилдорлик, унумдорлик, семизлик.

плодоро́дный, -ая, -ое **плодоро́дие** *сущ. сиф.*; серҳосил, ҳосилдор, унумдор, семиз; **плодоро́дная по́чва** унумдор (семиз) ер; **плодоро́дный край** серҳосил ўлка.

плодосбо́р *м мн. нет қ. х.* мева териш, ҳосил йиғиш.

плодосме́н *м мн. нет қ. х.* энг тодда алмашлаб экиш системаси.

плодосме́нный, -ая, -ое *қ. х.* **плодосме́н** *сущ. сиф.*; *қ.* **плодосме́н**.

плодоснима́тель = **плодосъём** (*қ.*).

плодосуши́лка *ж қ. х.* мева-сабзавот қуритадиган машина.

плодосуши́льня *ж қ. х.* мева-сабзавот қуритадиган жой.

плодосъём *м қ. х.* мева терадиган асбоб.

плодотво́рно *нареч.* самарали, фойдали, самарали равишда; **рабо́тать плодотво́рно** самарали иш (меҳнат) қилмоқ.

плодотво́рность *ж мн. нет* самаралилик, унумлилик.

плодотво́рный, -ая, ое 1. *эск.* фойдали, ўсимликка фойда берадиган; **плодотво́рный дождь** ўсимликка фойда келтирадиган ёмғир; 2. ‖ самарали, фойдали; **плодотво́рная рабо́та** самарали (унумли) иш; **плодотво́рная среда́** фойдали муҳит.

плодохрани́лище *ср қ. х.* мева-сабзавот омбори, мева-сабзавот сақланадиган жой.

плодоя́годный, -ая, -ое, **плодо́во-я́годный**, -ая, -ое мева-резаворга, мева-резаворчиликка оид; **плодо́во-я́годные насажде́ния** мева-резавор ўсимликлар.

плоёный, -ая, -ое 1. жингалакланган, жингалак қилиб қўйилган; **плоёные во́лосы** жингалакланган соч; 2. бурмаланган, қат-қат қилинган; **плоёная ткань** қат-қат қилинган мато.

плои́ть *несов. махс.* 1. жингалакламоқ, **жингалак-жингалак қилиб қўймоқ**; **плои́ть во́лосы сочи́ни** жингалакламоқ; 2. бурмаламоқ, қат-қат қилмоқ (махсус қисқич ёрдами билан); **плои́ть кру́жево щипца́ми** тўрни қисқич ёрдами билан қат-қат қилмоқ.

пло́йка *ж мн. нет махс.* **плои́ть** фе'лининг ҳаракат номи; *қ.* **плои́ть**.

пло́мба *ж* 1. пломба, қўрғошин тамға; **тамо́женная пло́мба** божхона пломбаси; 2. *махс.* пломба (тишда ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдириш, ямаш учун ишлатиладиган модда); **поста́вить пло́мбу на зуб** тишга пломба қўймоқ (қўйдирмоқ); **металли́ческая пло́мба** металл пломба, **цеме́нтная пло́мба** цемент пломба.

пло́мбир I *м* пломбир (шакарга босилган мевадан тайёрланган бир нав қаймоқли морожний).

пло́мбир II *м* пломбир (пломба тамға соладиган, босадиган махсус асбоб).

пломбиро́ванный, -ая, -ое 1. **пломбирова́ть** фе'лининг сифатдоши; 2. пломбаланган; пломба (тамға) босилган, пломба билан печатьланган; **пломбиро́ванный ваго́н** пломбаланган вагон; 3. пломбаланган, пломба (ямоқ) қўйилган, пломбали; **пломби-**

ро́ванный зуб пломбаланган (пломбали) тиш.

ПЛОМБИРОВА́ТЬ *несов.* 1. пломбаламоқ, пломба (тамға) солмоқ, пломба билан печатьламоқ; **пломбирова́ть ваго́н** вагонни пломбаламоқ; 2. пломбаламоқ, пломба (ямоқ) қўймоқ; **пломбирова́ть зуб** тишни пломбаламоқ, тишга пломба қўймоқ.

ПЛОМБИРОВА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **пломбирова́ть** *(к.).*

ПЛОМБИРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое **пло́мбалайдиган**, пломба (тамға) қиладиган, пломба қўядиган; **пломбиро́вочные тиски́** пломбалайдиган тиски (исканжа).

ПЛОМБИРО́ВЩИК *м махс.* пломбачи, пломбаловчи, пломба (тамға) солувчи.

ПЛО́МБОВЫЙ, -ая, -ое **пло́мба** *сўз. сиф.*; *қ.* **пло́мба**.

ПЛО́СКИЙ, -ая, -ое 1. ясси, ялпоқ, текис; **пло́ская кры́ша** текис том; **пло́ская стопа́** *(мед.)* ялпоқ (ясси) оёқ (таги, кафти ясси оёқ); 2. ясси, юза, чуқур эмас; **пло́ская таре́лка** ясси (юза) тарелка; 3. ‖ *манф.* сийқа, бўлмагур, хунук, бемаза; **пло́ская шу́тка** бемаза ҳазил.

ПЛОСКОГО́РНЫЙ, -ая, -ое **плоскогóрье** *сўз. сиф.*; *қ.* **плоскогóрье**.

ПЛОСКОГО́РЬЕ *ср* ясси тоғлик, тепалик (денгиз юзидан икки юз метрдан ошиқ баландликда бўлган текис ерлар).

ПЛОСКОГРУ́ДЫЙ, -ая, -ое ясси кўкрак, кўкраги пачоқ, ўсмаган.

ПЛОСКОГУ́БЦЫ *мн., ед. нет* ясси омбир.

ПЛОСКОДО́НКА *ж с. т.* таги ясси (юза) қайиқ.

ПЛОСКОДО́ННЫЙ, -ая, -ое таги ясси, юза, чуқур эмас; **плоскодо́нная ло́дка** таги ясси (юза) қайиқ.

ПЛОСКОПЕЧА́ТНЫЙ, -ая -ое *полигр.* ясси форма (қолип) воситаси билан босадиган; **плоскопеча́тная маши́на** ясси форма воситаси билан китоб босадиган машина.

ПЛОСКОСТНО́Й, -ая, -ое *мат., махс.* **пло́скость** 2 *сўз. сиф.*; текисликка оид; текисликдаги; **плоскостны́е измере́ния** текислик ўлчовлари; текисликдаги ўлчовлар.

ПЛОСКОСТО́ПИЕ *ср мн. нет мед.* ялпоқоёқлик (оёқ тагининг кафтининг ясслиги).

ПЛО́СКОСТЬ *ж* 1. ясслик, текислик, поқлик, текислик; 2. *физ., мат.* текислик; **ли́ния пересече́ния двух плоскосте́й** икки текисликнинг кесишган чизиги; **накло́нная пло́скость** қия текислик; 3. *тех., ав.* юза, қанот юзаси; **пло́скость самолёта** самолёт қаноти, самолёт қанотининг юзаси; **пло́скость управле́ния** самолётни идора қилиш юзаси; 4. ‖ нуқтаи назар, жиҳат, томон, соҳа; **рассмотре́ть вопро́с в друго́й пло́скости** масалани бошқа нуқтаи назардан кўриб чиқмоқ; 5. ‖ *манф.* бемаза гап, ярамас (хунук) ҳазил; **говорить пло́скости** бемаза гаплар гапирмоқ; ◊ **кати́ться по накло́нной пло́скости** пастлашмоқ, ёмонлашмоқ, тобора пастлашиб (ёмонлашиб) бормоқ, орқага қараб кетмоқ, баттар бўлмоқ.

ПЛОСКОТЕ́ЛКА *ж зоол.* мита.

ПЛОТ *м* 1. сол; 2. тахта супача (кир чайиш ва бошқа мақсадларда учун сув ёқасига қурилган супача).

ПЛОТВА́ *ж мн. нет зоол.* плотва чавақ балиқ.

ПЛОТИ́НА *ж* 1. тўғон; 2. ‖ тўғоноқ, гов, тўсиқлик.

ПЛОТИ́ННЫЙ, -ая, -ое *мах.* **плоти́на** *сўз. сиф.*; тўғонга оид.

ПЛОТИ́ЦА, ПЛОТИ́ЧКА *ж* **плоти́ца** *сўз. кичр., эркл. айт.*; *қ.* **плоти́ца**.

ПЛОТНЕ́ТЬ *несов.* пухталашмоқ, пишиқ тортмоқ, тигизлашмоқ, зичлашмоқ.

ПЛО́ТНИК *м* дурадгор.

ПЛО́ТНИЦКИЙ, -ая, -ое **пло́тницкая брига́да** дурадгорга оид; дурадгорлар бригадаси.

ПЛО́ТНИЧАТЬ *несов* дурадгорлик қилмоқ.

ПЛО́ТНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. **пло́тничество** *сўз. сиф.*; дурадгорликка оид; 2. = **пло́тничий** *(к.)*.

ПЛО́ТНИЧЕСТВО *ср мн. нет* дурадгорлик, дурадгорлик касби.

ПЛО́ТНИЧИЙ, -ья, -ье **пло́тник** *сўз. сиф.*, дурадгорга, дурадгорликка оид; **пло́тничий инструме́нт** дурад-

горлик асбоби; **плóтничья артéль** дурадгорлар артели.

ПЛÓТНИЧНЫЙ, -ая, -ое *к.* **плóтницкий**.

ПЛÓТНО *нареч.* 1. зич, тиғиз, тиғизлаб, ниқтаб, лиқ тўлдириб, босиб; **плóтно утрамбовáть грунт** ерни тиғизлаб шиббаламоқ; 2. яқин қилиб, ёпиштириб, тақаб, жипс, маҳкам; **плóтно придвúнуть стол к стенé** столни деворга тақаб қўймоқ; 3. маҳкам, зич, жипс, маҳкамлаб, зич (жипс) қилиб; **плóтно закры́ть кры́шку** қопқоқни маҳкам ёпмоқ; 4. ‖ *с. т.* яхшилаб, мириқиб, тўйиб; **плóтно пое́сть** тўйиб емоқ. тўйиб овқат қламоқ.

ПЛÓТНОСТЬ *ж* 1. *только ед.* қалинлик, зичлик; **плóтность населéния** аҳолининг зичлиги; **плóтность огня́** *харб.* ўқнинг (отиш қуролларининг) зичлиги (ма'лум масофада мавжуд бўлган отиш қуролларининг оғирлиги); 2. *только ед.* тиғизлик,зичлик, заранглик; 3. *только ед.* пишиқлик, пухталик, қалинлик, маҳкамлик; 4. *физ.* зичлик; **единúца плóтности** зичлик бирлиги.

ПЛÓТНЫЙ, -ая, -ое 1. қалин, зич, тиғиз, қуюқ, заранг; **плóтная мáсса** қуюқ масса; 2. пишиқ, пухта, қалин, маҳкам; **плóтная ткань** қалин (пишиқ) мата; **плóтная бумáга** қалин (пишиқ) қоғоз; 3. лиқ тўла; **у негó плóтный кошелёк** унинг кармони лиқ тўла, пули кўп; 4. *с. т.* семиз, тўла, миқти; **плóтный мужчúна** миқти киши; 5. *с. т.* кучли, тўқ тутадиган, зўр; **плóтный зáвтрак** зўр нонушта.

ПЛОТОВÓД *м махс.* сол оқизувчи, солни кузатиб ёки тортиб борувчи; **брига́да плотово́дов** солчилар (сол оқизувчилар) бригадаси.

ПЛОТОВÓЙ, -ая, -óе *махс.* **плот** *сўз. сиф.*; солга оид; сол қилиб оқизиладиган; **плотовóй лес** сол қилиб оқизиладиган тахта-ёғоч.

ПЛОТОВЩИ́К *м к.* **плотовóд**

ПЛОТОГÓН *м махс.* сол ҳайдовчи (солни ҳайдаб борувчи) ишчи.

ПЛОТОКАРАВА́Н *м махс.* соллар карвони (бирин-кетин оқизиляган бир-неча сол).

ПЛОТОСПУ́СК *м махс.* тўғоннинг соллар ўтиб кетадиган жойи.

ПЛОТОХÓД *м махс.* тўғоннинг солларни ўтказиб юборишга имкон берадиган қурилмаси.

ПЛОТОЯ́ДНЫЙ, -ая, -ое 1. *зоол.* этхўр, йиртқич; 2. *бот.* ҳашаротхўр, ҳашарот ейдиган (ўсимлик); 3. ‖ шахватпараст, шахватга (нафсга) берилган, харис, шахвоний; **плотоя́дная улы́бка** хирс блан қулиш, кўз блан еб қўяй деб қараб қулиш.

ПЛÓТСКИЙ, -ая, -ое **плоть** *сўз. сиф.*; жисмоний; шахвоний.

ПЛОТЬ *ж мн. нет эск.* тан, тана, бадан, жисм; ◊ ***плоть от плóти (кровь от крóви)*** зоти зуррияти блан; бутун жони-тани блан; ***облéчься в плоть и кровь*** моддий шакл олмоқ, гавдаланмоқ, мужассамланмоқ; ***во плотú*** *(эск.)* моддий шакл олган, гавдаланган, мужассамланган.

ПЛÓХО 1. *нареч.* ёмон; **плóхо обращáться с кем-н.** бировга ёмон муомала қилмоқ; **плóхо вестú себя́** ёмон юрмоқ, ўзини ёмон тутмоқ; **плóхо сúеть** ашулани ёмон айтмоқ; **плóхо себя́ чýвствовать** ўзини ёмон сезмоқ, маза қочиб турмоқ; 2. *в знач. сказ.* ёмон. пачава, чатоқ; **емý плóхо** 1) унинг аҳволи ёмон, иши пачава; 2) унинг мазаси қочган, у беҳузур бўлиб турипти; 3. *сущ.* **плóхо** *ср нескл.* ёмон, ёмон баҳо; **получúть плóхо по хúмии** химиядан ёмон (ёмон баҳо) олмоқ; ◊ ***плóхо лежáт*** *(с. т.)* очиқ-чочиқ ётипти, олиб (ўғирлаб) кетишга жўй; ***кóнчить плóхо*** *к* **кóнчить**.

ПЛОХÓЙ, -ая, -óе 1. ёмон, бузуқ, паст; **плохóе перó** ёмон перо; **плохóй табáк** ёмон (паст) тамаки; **плохáя погóда** ёмон (бузуқ) обиҳаво; **плохóй вид** кўриниши (ранги-рўйи) ёмон, ранги паст; 2. ёмон, бўлмағур, ярамас; **плохóй человéк** ярамас одам; 3. ёмон, нохуш, кўнгилсиз; бузуқ; **плохóе настроéние** кайф бузуқлик, кайф чоғ эмаслик; **плохúе вéсти** нохуш (хунук) хабарлар; 4. ишончсиз, ишониб бўлмайдиган, пуч, қуруқ, бўш; **на негó плохáя надéжда** унга ишониб бўлмайди; 5. *в знач. сказ.* ёмон, оғир, ярамайди; **боль-**

ПЛЮС *м* 1. *мат.* плюс, плюс (қўшиш) аломати; **поста́вить плюс** плюс (аломати) қўймоқ; 2. плюс, қўшиш, қўшув, ҳамда, бунинг устига; **два плюс три равно́ пяти́** иккига учни қўшса беш бўлади; **„Коммуни́зм — э́то есть Сове́тская власть плюс электрифика́ция всей страны́"** (Ленин) „Коммунизм Совет ҳокимияти ва бунинг устига бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир" (Ленин); 3. *мат.* плюс, мусбат сон; **ми́нус на ми́нус даёт плюс** минусни (манфий сонни) минусга кўпайтирилса ёки бўлинса плюс (мусбат сон) ҳосил бўлади; 4. *эск.* плюс (ярим даража ортиқликни билдирадиган белги, +); **учени́к получи́л по матема́тике четы́ре с плю́сом** ўқувчи математикадан плюсли тўрт (баҳо) олди; 5 ‖ *с. т.* яхши томон, фойдали томон, ютуқ; **у э́той рабо́ты есть мно́го плю́сов** бу ишнинг анча яхши томонлари бор.

ПЛЮ́СКА *ж бот.* уруғ косачаси.

ПЛЮСКОНО́СНЫЕ *мн. (ед.* **плюсконо́сное** *ср) бот.* уруғ косачали ўсимликлар.

ПЛЮСНА́ *ж анат.* оёқ кафтининг ўрта қисми (товон билан кафт ўртаси).

ПЛЮСНЕВО́Й, -а́я, -о́е *анат.* **плюсна́** *сўз. сиф.*; **плюсневы́е ко́сти** оёқ кафт суяклари.

ПЛЮСОВА́ТЬ *несов. содд.* қўшмоқ.

ПЛЮСОВА́ТЬСЯ *несов. содд.* қўшилмоқ.

ПЛЮ́СОВЫЙ, -ая, -ое **плюс** *сўз. сиф.*; плюс, мусбат; **плю́совые кле́ммы плюс** (мусбат) клеммалар; *қ.* **кле́мма.**

ПЛЮ́ХАТЬ *несов. қ.* **плю́хнуть.**

ПЛЮ́ХАТЬСЯ *несов. қ.* **плю́хнуться.**

ПЛЮ́ХНУТЬ = **плю́хнуться** *(қ.).*

ПЛЮ́ХНУТЬСЯ *сов. содд.* 1. тап этиб ўтирмоқ, таппа ташламоқ; **плю́хнуться на дива́н** диванга ўзини таппа ташламоқ; тап этиб диванга ўтирмоқ; 2. шалп этиб тушмоқ; **плю́хнуться в грязь** шалп этиб лойга тушмоқ.

ПЛЮШ *м* бахмал, тукли духоба.

ПЛЮ́ШЕВЫЙ, -ая, -ое плюш *сиф.*; бахмалга оид, тукли духоба қилинган; **плю́шевая оби́вка** мал қоплама; **плю́шевый за́яц** мал қуён (болалар ўйинчоғи).

ПЛЮ́ШКА *ж* ёғлиқ шарик лочка.

ПЛЮЩ *м мн. нет от.* плю (печакка, чирмовуққа; ўхшаб ўсад ўсимлик); *қ.* лиана.

ПЛЮЩЕВО́Й, -а́я, -о́е, **ПЛЮ́ВЫЙ,** -ая, -ое **плющ** *сўз. сиф.*; чакка, чирмовуққа оид; печак чирмовуқдан иборат бўлган.

ПЛЮЩЕ́НИЕ *ср мн. нет* ёй ясслаш, япалоқлаш; пачоқлаш.

ПЛЮЩИ́ЛЬНИК *м махс.* ёғ (яссиловчи) ишчи (мас., темир ёғ ишчи).

ПЛЮЩИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ёғдиган, яссилайдиган; **плющи́льный** *стано́к* ёғдиган, яссилайдиган ста (мас., темирни)

ПЛЮ́ЩИТЬ *несов.* ёймоқ, яссиламоқ, япалоқламоқ, пачоқламоқ; **плющить мета́лл** металлни ёймоқ.

ПЛЮ́ЩИТЬСЯ *несов.* ёйилиш яссиланмоқ, япалоқланмоқ; пач ланмоқ.

плюю, плюёшь *част. от* **плев** *(қ.).*

ПЛЯЖ *м* пляж (сув бўйид чўмилиш учун қулай бўлган ва ҳозланган жой); **песча́ный пляж** қ лоқ пляж; **мужско́й пляж** эркак пляжи; **же́нский пляж** хотин-қиз пляжи.

ПЛЯС *м мн. нет с. т.* ўйин, ра **пусти́ться в пляс** ўйинга тушм ўйинга тушиб кетмоқ; рақс бош моқ.

ПЛЯСА́ТЬ *несов.* ўйнамоқ, ўйна (рақсга) тушмоқ; **плеса́ть на кан** дор ўйнамоқ, дорда ўйнамоқ; ◇ **пл са́ть под чью-н. ду́дку** *(с. т.)* дўдка.

ПЛЯ́СКА *ж* 1. *только ед.* ўйна ўйинга (рақсга) тушиш; 2. ра ўйин; **ансамбль пе́сни и пля́с** рақс ва ашула ансамбли; ◇ **пля́с** *свято́го Ви́тта (Ви́ттова пл ка)* а'зонинг бирор жойи учиб (с чиб, ўйнаб) туришдан иборат ру касаллик.

ПЛЯСОВО́Й, -ая, -ое 1. шух, ўйноқи: **плясово́й моти́в** шўх куй; 2. *сущ.* **плясова́я** *ж* рақс музикаси. рақс ашуласи, рақс куйи.

ПЛЯСУ́Н *м* ўйинчи, раққос; ◊ *ка́натный плясу́н (эск.)* дорвоз.

ПЛЯСУ́НЬЯ *ж* ўйинчи, раққоса

пляшу́, пля́шешь *наст. от* **пляса́ть** (*қ.*).

ПНЕВМА́ТИК *м* = **пневма́тика** 2 (*қ.*).

ПНЕВМА́ТИКА *ж* пневматика [1. *только ед.* физиканинг газ ҳолидаги моддаларни текширадиган бўлими; 2. *тех.* дам (ҳаво) бериладиган резина гилдирак, мас., автомобиль ва велосипедларда].

ПНЕВМАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое пневматик (сиқилган ҳаво ёрдами билан ишлайдиган); **пневмати́ческий наcóc** пневматик насос; **пневмати́ческая маши́на** пневматик машина 1) ҳаво ёки газ ҳайдайдиган, тортадиган машина, мас., вентилятор, компрессор ва ҳ. к.; 2) сиқилган ҳаво ёрдами билан ишлайдиган асбоб; **пневмати́ческая ши́на** пневматик шина; *қ.* **пневма́тика** 2.

ПНЕВМОКО́ККИ *мн. (ед.* **пневмоко́кк** *м) махс.* пневмококклар (ўпкани зардоб олиб яллиғлатадиган зотилжам қиладиган бактериялар).

ПНЕВМОНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *мед.* **пневмони́я** *сўз. сиф.*; пневмонияга, зотилжам касалига оид; *қ.* **пневмони́я**.

ПНЕВМОНИ́Я *ж мн. нет мед.* пневмония, ўпка яллиғланиши, зотилжам.

ПНЕВМОТО́РАКС *м мед.* пневмоторакс (ўпка пардаси бўшлиқларида ҳаво тўпланиб қолиши); **иску́сственный пневмото́ракс** сун'ий пневмоторакс (ўпка силини ўпка пардаси бўшлиқларига сун'ий равишда ҳаво ёки газ юбориб даволаш усули).

ПНЕЙМОКО́ККИ = **пневмоко́кки** (*қ.*).

ПНЕЙМОНИ́Я = **пневмони́я** (*қ.*).

ПНИ *мн. қ.* **пень**.

ПНИ́СТЫЙ, -ая, -ое сертўнка, сертўнгак; **пни́стый лес** сертўнка ўрмон, тўнкаси кўп ўрмон.

ану́, пнёшь *буд. от* **ануть** (*қ.*).

ПНУТЬ *сов., содд.* гепмоқ, тепиб юбормоқ.

ПО 1 *предлог* 1. (дат. п. билан) (усти)га, (усти)дан, (усти)ни, бўйлаб, ёқалаб; **уда́рить по столу́** столни урмоқ; **идти́ по доро́ге** йўлдан бормоқ; **гуля́ть по го́роду** шаҳарда (шаҳарни айланиб) тамошо қилмоқ; **пла́вать по́ морю** денгизда сузмоқ; **ла́зить по гора́м** тоғларга чиқмоқ; **лета́ть по во́здуху** ҳавода учмоқ; **по́лзать по́ полу** ерда ўрмаламоқ; ўрмалаб юрмоқ (бормоқ); **идти́ по бе́регу** қирғоқ бўйлаб бормоқ; 2. (дат. п. билан) бирор жойга бориши, қатнашни билдирганда қўлланилади; **бе́гать по магази́нам** магазинма-магазин югурмоқ; **ходи́ть по знако́мым** танишлариникига боравермоқ; **путеше́ствовать по стране́** мамлакатни саёҳат қилмоқ; 3. (дат. п. билан) иш-ҳаракатнинг бирор нарса ичида, бирор доирада, чегарада бўлганлигини ифодалаганда ва шуниндгек („ўрнаштирмоқ" „жойлаштирмоқ") ма'носидаги фе'ллар билан бирга ишлатилади; **ходи́ть по ко́мнате** уйда юрмоқ, уйнинг уёғидан-буёғига юрмоқ; **прика́з по полку́** полк бўйича буйруқ; **рассади́ть всех по места́м** ҳаммани жой-жойига ўтиргизмоқ; **разве́сить карти́ны по сте́нам** суратларни деворларга осмоқ; 4. (дат. п. билан) йўналишида, бўйлаб, қараб, тарафга, томонга; (изи) дан, билан; **плыть по тече́нию** сувнинг оқимига томон сузмоқ; **идти́ по следа́м зве́ря** ҳайвоннинг изидан бормоқ; **гла́дить по ше́рсти** юнги ётган томонга қараб силамоқ; 5. (дат. п. билан) йўли билан, соҳасида, бўйича; **иссле́дование по фи́зике** физика соҳасидаги текширишлар; **рабо́тать по профсою́зной ли́нии** профсоюз (касабалар союзи) йўли билан ишламоқ; **специали́ст по не́фти** нефть бўйича мутахассис; **чемпио́н по ша́хматам** шахмат чемпиони; **состяза́ния по футбо́лу** футбол мусобақаси; **хлопота́ть по хозя́йству** уй (хўжалик) иши билан овора бўлмоқ; 6. (дат. п. билан) мақсадида, мақсадидаги, мақсадига қаратилган; **опера́ция по овладе́нию вра́жескими позя́циями** душман ишғол қилиб

турган позицияларни қўлга киритиш мақсадидаги операциялар (ҳаракатлар); **ка́сса по прода́же биле́тов** билет сотадиган касса. 7. (дат. п. билан) бўйича, мувофиқ. юзасидан, биноан, қараб, яраша, кўра, муносиб, билан; қараганда; **рабо́тать по пла́ну** план билан ишламоқ; **поезда́ хо́дят по расписа́нию** поездлар жадвалга мувофиқ (жадвал билан) қатнайди; **игра́ть по пра́вилам** қоида билан (қоидага мувофиқ) ўйнамоқ; **по моему́ мне́нию** менимча, менинг фикримча; **э́то принадлежи́т ему́ по пра́ву** ҳақиқатан бу нарса унга тегишлидир; **по всем призна́кам** ҳамма аломатларга кўра. **рабо́та по сила́м** кучига мувофиқ (яраша) иш. **она́ оде́та по мо́де** у модага мувофиқ кийинган; **не суди́ по вне́шности** ташқи кўринишига қараб баҳо берма; **по приро́де** табиатида, қонида; туғилишдан; **вызыва́ть по фами́лии** фамилияси бўйича (фамилиясини атаб) чақирмоқ; **звать по и́мени** отини айтиб гапирмоқ; **получи́ть по заслу́гам** қилмишига яраша жазо олмоқ; хизматига лойиқ мукофот олмоқ; **по сове́ту кого́-н.** бирор кишининг маслаҳати билан. маслаҳати бўйича; **э́то по мне** (**по тебе́, по ней, по нём**) *с. т.* бу менбоп (сенбоп, унга боп); **по сообще́нию газе́т** газеталарнинг хабарига қараганда; **по приме́ру СССР** СССРдан ўрнак олиб; 8. (дат. п. билан) орқали. воситаси билан. бўйича; **посла́ть по по́чте** почта билан юбормоқ; **е́хать по желе́зной доро́ге** темир йўл (поезд) билан бормоқ; поездда бормоқ; **сообщи́ть по телегра́фу** телеграф орқали хабар бермоқ; **позвони́ть по телефо́ну** телефон орқали гапирмоқ; **переда́ть по ра́дио** радио орқали эшиттирмоқ; 9. (дат. п. билан) сабабли, сабабдан, бўлганликдан. бўлгани учун; натижасида. орқасида, туфайли; **он не яви́лся по боле́зни** у касаллиги учун келмади; **по оши́бке** янглишиб, хато қилиб; **по недосмо́тру** яхши қарамай, пайқамай қолиб; **по обя́занности** вазифаси бўлгани учун; вазифа юзасидан; **не по свое́й вине́** ўз айби билан эмас; **по рассе́янности** паришонлик натижасида; 10. (дат. п. билан) кўра, жиҳатидан, томонидан, бўйича; **ме́ньший по ро́сту** бўй жиҳатидан кичиги; **ста́рший по во́зту ёш** жиҳатидан катта; **отли́чный по ка́честву** сифати яхши (сифат жиҳатидан яхши); **лу́чший по стерстве́** маҳорат жиҳатидан энг яхши; **ро́дственник по отцу́** ота томондан қариндош; **сосе́д по кварти́ре** ён (квартира) қўшни; 11. (дат. п. билан) вақтини, пайтни билдирганда қўлланилади; **обтира́ться по** ра́м ҳар куни эрталаб баданни сочиқ билан ишқалаб артмоқ; **по четвергам** қабул куни пайшанба ҳар пайшанба қабул қилинади; **выходны́м дням** дам олиш куни ҳар отдихда; **цыпля́т по о́сени** считают *(мақол)* жўжаларни кузда найдилар; ғалвирни сувдан кўтарганда ма'лум бўлади; **рабо́тать по** семь часо́в в день кунига соатдан ишламоқ; **по це́лым** лям ҳафталаб, бир ҳафта давомида 12. (дат. п. билан) миқдорни билдирганда қўлланилади: **по рублю́** ка донаси бир сўмдан; **по два́ рубля́ метр** метри икки юз сўмдан; **собра́ть с ка́ждого по пяти́** рублей ҳарбир кишидан беш сўм йиғмоқ. 13. (дат. п. билан) иш-ҳаракатнинг кимга, нимага қаратилганлигини билдирганда қўлланилади: **стрелять по волку** бўрига ўқ отмоқ. 14. (дат. п. билан) „скучать", „тосковать", „тоска" сўзларидан кейин ишлатилади. тоска по до́му уйни соғиниш, скучать по де́тям болаларни соғинмоқ; 15. (вин. п. билан) -гача, қадар; **прочита́ть с пе́рвой главы́ по пя́тую** биринчи бобдан бешинчи бобгача ўқимоқ. **с ию́ня по сентя́брь** июньдан сентябргача; **стоя́ть по по́яс в воде́** белгача сувга кириб турмоқ; 16 (предл. п. билан) билан кейин, бланоқ, по оконча́нии работы иш тамом бўлгандан кейин, охирида; **по прибы́тии** борганда (келгандан) кейин, бориш (келиш) билан; **по минова́нии на́добности** даркор бўлмай қолгандан кейин эҳтиёж қолмагандан кейин; **по полне́нии** совершенноле́тия вояетгач, по истече́нии сро́ка муддат ўтгач, муддати ўтиши билан; 17. (вин. п. билан) учун; **идти́ по́ воду** сувга (сув олиб келиш учун) бормоқ; **пойти́ по грибы́** қўзиқорин терганга бормоқ; 18 (дат. ва вин. п. билан

улуш, тақсим ифодаланганда қўлланилади; 1) (вин. п. билан) по́ два иккитадан, иккита-иккита; по три́ста уч юзтадан, уч юзта-уч юзта; по́ трое учтадан, учта-учта; 2) (дат. п. билан) по одному́ (одно́й) биттадан, битта-битта; по пяти́ бештадан, бешта-бешта; по восьми́ саккизтадан, саккизта-саккизта; по́ ста юзтадан, юзта-юзта; 19. турли ўринларда қўлланилади; челове́к по и́мени Пётр Пётр исмли одам; по э́тому вопро́су бу масала тўғрисида, бу масала юзасидан; по по́воду э́того де́ла бу иш ҳақида; по частя́м айрим-айрим; ◇ *по пути́ (с кем-н.)* 1) йўл бир экан, ҳамроҳ эканмиз; 2) ‖ йўл бир, мақсад бир; *не по дням, а по часа́м* куни сайин эмас, соат сайин; жуда тез, кўз ўнгида.

ПО- II 1) эгалик олмошларига қўшилиб равиш ясайдиган олдқўмакчи, мас., по-мо́ему менингча, менинг фикримча; по-тво́ему сенингча, сенинг фикрингча; по-ва́шему сизнингча, сизнинг фикрингизча; 2) сифатларга ва „и" билан тамомланадиган равишларга қўшилиб ҳолни ифодаловчи янги равиш ҳосил қилади; мас., по-ле́нински ленинча, Лениндек, Ленин айтгандек, ленинчасига; рабо́тать по-ле́нински ленинча ишламоқ; по-ста́лински сталинча, Сталиндек, Сталин айтгандек, сталинчасига; по-до́брому яхшиликча; по-но́вому янгичасига; по-ста́рому эскичасига; по-бра́тски оғалардек; по-дру́жески ўртоқлардек, дўстларча; по-ру́сски русча.

[по-] I фе'л олдқўшимчаси бўлиб: 1) фе'лнинг тугалланган формасини ясайди, мас., бели́ть—оқламоқ, побели́ть—оқлаб қўймоқ; хвали́ть—мақтамоқ похвали́ть—мақтаб қўймоқ; 2) иш-ҳаракатнинг бошланиб кетишини билдиручи тугалланган фе'л формасини ясайди, мас., побежа́ть чопиб кетмоқ; 3) иш-ҳаракатнинг бироз, андак, сал давом этишини ҳамда бирор нарсанинг сиртига (юзига)гина оидлигини билдиручи тугалланган фе'л формасини ясайди, мас., порабо́тать бироз ишламоқ; поспа́ть бироз ухламоқ, ухлаб (кўз илинтириб) олмоқ; побе́гать андак югурмоқ; позолоти́ть юзини олтин билан қопламоқ; юзига олтин суви югуртирмоқ; попу́дрить юзига упа қўймоқ, упа суртмоқ; 4) **-ыва-, -ива-** суффикслари билан иш-ҳаракатнинг такрорийлигини билдиручи тугалланмаган фе'л формасини ясайди, мас., позёвывать ҳадеб эснайвермоқ; посту́кивать тақиллатавермоқ; тақ-тақ қилмоқ; погля́дывать ҳадеб қарайвермоқ, қараб-қараб қўймоқ; 5) иш-ҳаракатда биргаликни билдиради, мас., попря́таться бекинишмоқ, попа́дать кўп тўкилмоқ.

[по-] II олдқўшимча бўлиб: 1) сифатларнинг қиёсий даража формалари олдида келганда „бироз", „озгина", „сал", „жиндак" каби ма'ноларни билдиради, мас., полу́чше бироз яхши; яхшироқ; поху́же сал ёмон, ёмонроқ; побли́же бироз яқин; пода́льше жиндак узоқ, узоқроқ; 2) алоҳида-алоҳида олинган нарсага оидликни билдиради, мас., побатальо́нно батальонлар бўйича, батальон-батальон бўлиб, ҳарбир батальон алоҳида; подека́дный декадалар бўйича, ҳарбир декада алоҳида; 3) мувофиқликни, мосликни, бирор нарсага қараб бўлишни билдиради, мас., посы́льный кучига лойиқ, кучига яраша, қўлидан келадиган; подохо́дный даромадга қараб олинадиган; 4) бирор воқпадан кейин бўлганликни билдиради, мас., посме́ртный вафотидан кейинги; порефо́рменный реформадан (ислоҳотдан) кейинги; 5) бирор жойга яқинликни, ёпишганликни билдиради, мас., пограни́чный чегара яқинидаги, чегара атрофидаги, чегарага ёпишган; Повóлжье Волга бўйи, Волга бўйидаги ерлар.

ПОБАГРОВЕ́ТЬ *сов.* қизармоқ, қипқизармоқ, қизариб (қипқизариб) кетмоқ, қизариб бўзармоқ; побагрове́ть от негодова́ния газабидан юзи қипқизариб кетмоқ; не́бо побагрове́ло от пожа́ра ёнғиндан осмон қипқизариб кетди.

ПОБА́ИВАТЬСЯ *несов. с. т.* чўчимоқ, ҳайиқмоқ, сал қўрқмоқ, бироз ҳайиқмоқ, қўрқинқирамоқ, чўчинқирамоқ, зириллаб турмоқ.

ПОБАЛАГУ́РИТЬ *сов. с. т.* бироз ҳангамалашмоқ, чақчақлашмоқ.

ПОБА́ЛИВАТЬ *несов. с. т.* унча-мунча оғримоқ, ўқтин-ўқтин оғриб турмоқ, сал оғримоқ, оғриқсирамоқ, оғриқираб турмоқ; **у него́ часте́нько пода́ливает голова́** унинг боши бот-бот оғриб туради.

ПОБА́ЛОВАТЬ *сов. с. т.* бироз эркаламоқ, эркалаб қўймоқ; шўхлигига (эркалигига) унча-мунча йўл қўймоқ.

ПОБА́ЛОВАТЬСЯ *сов. с. т.* бироз шўхлик қилмоқ, бироз ўйнаб олмоқ.

ПОБА́СЕНКА = **побасёнка** *(қ.)*.

ПОБАСЁНКА *ж с. т.* латифа, қизиқ ҳикоя.

ПОБЕ́Г I *м* қочиш, қочиб кетиш; қочқинлик; **соверши́ть побе́г** қочмоқ, қочиб кетмоқ.

ПОБЕ́Г II *м* новда, шох; **молоды́е побе́ги** ёш новдалар, ниҳоллар; **ли́ственные и сла́бые побе́ги** ёни-веридан чиққан ёш новдачалар; бачкилар.

ПОБЕ́ГАТЬ *сов.* бироз чопмоқ, озгина вақт югурмоқ; **де́ти побе́гали в саду́ и верну́лись домо́й** болалар боғчада югуришиб ўйнаб уйга қайтишди.

побегу́, побежи́шь *буд. от* **побежа́ть** *(қ.)*.

ПОБЕГУ́ШКИ: быть у кого́-н. на побегу́шках *(с. т.)* 1) даст'ёр бўлмоқ; 2) ‖ хизматкор бўлмоқ, югурдак бўлмоқ.

ПОБЕ́ДА *ж* ғалаба, зафар, ютуқ: ютиш, енгиб чиқиш; **одержа́ть побе́ду** ғалаба қозонмоқ; **торжествова́ть побе́ду** ғалабани тантанали суратда нишонламоқ (байрам қилмоқ); **по́лная побе́да социали́зма в СССР** социализмнинг СССРда тўла ғалабаси; **произво́дственные побе́ды** ишлабчиқаришда эришилган ютуқлар (ғалабалар); **встре́ча футболи́стов зако́нчилась побе́дой ме́стной кома́нды** футболчиларнинг учрашуви маҳаллий командаиинг ғалабаси билан тамом бўлди; ◇ ***Пи́ррова побе́да*** *(матал)* Пирр ғалабаси (жуда қимматга тушган ғалаба; жуда кўп талафот бериб, ўзи ҳам енгилиш даражасига етиб эришилган ғалаба).

ПОБЕДИ́ВШИЙ, -ая, -ее 1. побе-

дить фе'лининг сифатдоши; 2. енган; енгиб чиққан, ғолиб; **СССР — страна́ победи́вшего социали́зма** СССР ғалаба қозонган социализм мамлакатидир.

победи́т I, **победя́т** *буд. от* **победи́ть** *(қ.)*.

ПОБЕДИ́Т II *м махс.* победит (вольфрам карбидидан ва кобальтдан иборат жуда қаттиқ қотишма).

ПОБЕДИ́ТЕЛЬ *м* 1. ғолиб, енгиб чиққан; **сове́тский наро́д — наро́д-победи́тель** совет халқи ғолиб халқдир; **вы́йти победи́телем** ғолиб чиқмоқ, енгиб чиқмоқ; 2. ғолиб, енгиб чиққан, ютуққа эришган, ютган; **победи́тель ша́хматного турни́ра** шахмат турнирида ютиб чиққан (биринчиликни олган) киши.

ПОБЕДИ́ТЕЛЬНИЦА *ж қ.* **победи́тель**.

ПОБЕДИ́ТОВЫЙ, -ая, -ое **победи́т** II *сўз. сиф.*; победитга оид; победитдан қилинган; **победи́товая пласти́нка** победит пластинка; **победи́товое сверло́** победит парма.

ПОБЕДИ́ТЬ *сов.* 1. енгмоқ, ғалаба қилмоқ, ғалаба қозонмоқ, ғолиб келмоқ, енгиб чиқмоқ, зўр чиқмоқ; **победи́ть врага́** душманни енгмоқ, душман устидан ғалаба қозонмоқ; **мир победи́т войну́** тинчлик уруш енгади; 2. ютмоқ, ютиб чиқмоқ, қўли баланд келмоқ, биринчи ўринга олмоқ; **победи́ть в соцсорева́новании** социалистик мусобақада ютиб чиқмоқ; 3. ‖ босмоқ, енгмоқ, йўқ қилмоқ; бартараф қилмоқ; **победи́ть страх** даҳшатни енгмоқ; даҳшатга қўрқмай иш кўрмоқ.

ПОБЕ́ДНЫЙ, -ая, -ое ғалабага оид; ғалабали, зафарли, ғолибона; **побе́дное зна́мя социали́зма** социализмнинг ғалаба байроғи; **побе́дный марш** ғалаба марши (қўшиғи).

ПОБЕДОНО́СНО *нареч.* ғолибона, зафар билан.

ПОБЕДОНО́СНЫЙ, -ая, -ое 1. ғолибона, ғалабага олиб борувчи, ғалабали, зафарли, муваффар; **победоно́сная Сове́тская А́рмия** ғолибона Совет Армияси; **победоно́сная война** ғалабали (ғолибона) уруш; **победоно́сное зна́мя Ленина—Сталина**

голибона Ленин—Сталин байроғи; 2. ‖ дабдабали, виқорли; керилиб; **он говори́л с победоно́сным ви́дом** у керилиб гапирди.

ПОБЕЖА́ЛОСТЬ *ж мн. нет хим., тех.* тус ўзгаришлик (металларнинг қизитилганда тус ўзгартириш хусусияти); **побежа́лость ста́ли** пулатнинг қизитилганда оладиган туслари.

ПОБЕЖА́ЛЫЙ, -ая, -ое *хим., тех.* қизитилганда ўзгариб борадиган (металларнинг туси ҳақида); **побежа́лые цвета́** металларнинг қизитилганда ўзгариб борадиган туслари.

ПОБЕЖА́ТЬ *сов.* 1. югурабошламоқ, югуриб (чопиб) кетмоқ; **побежа́ть навстре́чу** қаршисига (қарши олиб) югуриб бормоқ, югуриб кетмоқ; 2. қочмоқ, қочиб қолмоқ, қочиб кетмоқ, тумтарақай бўлмоқ; **не вы́держав на́тиска, проти́вник побежа́л** душман қўшинлари сиқувга бардош беролмасдан тумтарақай бўлиб қочди; 3. оқмоқ, оқабошламоқ, оқиб тушмоқ; **по лицу́ побежа́ли слёзы** юзидан дур-дур ёш оқиб тушабошлади; **с гор побежа́ли ручьи́** тогдан жилғалар оқиб тушабошлади.

ПОБЕЖДА́ТЬ *несов.* қ. **победи́ть**.

ПОБЕЖДЁННЫЙ, -ая, -ое 1. **победи́ть** ф е ’ л и н и н г сифатдоши; 2. енгилган, мағлуб бўлган, мағлубиятга учраган, ютқизган; **побеждённая страна́** енгилган мамлакат.

ПОБЁЖКА *ж мн. нет, қ.* аллюр; **краси́вая побёжка** чиройли юриш, чиройли югуриш (отнинг юриши, югуриши ҳақида).

побёг *пов. накл. от* **побить** (қ.).

ПОБЕЛЁТЬ *сов.* оқармоқ, оқариб кетмоқ.

ПОБЕЛИ́ТЬ *сов.* оқламоқ, оқартирмоқ, оқлаб (оқартириб) қўймоқ; **побели́ть ко́мнату** уйни оқламоқ, оқлаб қўймоқ.

ПОБЁЛКА *ж мн. нет* оқлаш, оқартириш, оқлаб (оқартириб) қўйиш; **побёлка стен** девор оқлаш; **произвести́ побёлку** оқламоқ, оқлаб қўймоқ.

поберёг, побереглá *прош. от* **побере́чь** (қ.).

побережёшь *буд. от* **побере́чь** (қ.).

ПОБЕРЕ́ЖЬЕ *ср* сув бўйи (ёқаси, лаби), қирғоқ, соҳил; **морско́е побере́жье** денгиз соҳили; **идти́ по побере́жью** сув бўйидан (лабидан, ёқасидан) бормоқ, сув ёқалаб юрмоқ.

ПОБЕРЕ́ЧЬ *сов.* 1. сақламоқ, сақлаб бермоқ, бирмунча вақт сақлаб турмоқ, эҳтиёт қилмоқ; 2. сақламоқ, аямоқ, ордоқламоқ, яхши қарамоқ, тарбия қилмоқ; **поберегú своё здоро́вье** соғлигингни (саломатлигингни) сақла.

ПОБЕРЕ́ЧЬСЯ *сов.* сақланмоқ, эҳтиёт қилмоқ, эҳтиёт бўлмоқ, ўзига яхши қарамоқ, ўзини яхши тарбия (эҳтиёт) қилмоқ; **он не поберёгся и простуди́лся** у ўзини эҳтиёт қилмай шамоллаб қолипти.

поберу́, поберёшь *буд. от* **собра́ть** (қ.).

ПОБЕСЕ́ДОВАТЬ *сов.* суҳбатлашмоқ, сўзлашмоқ, бирмунча вақт суҳбат қилмоқ.

ПОБЕСПОКО́ИТЬ *сов.* бироз безовта қилмоқ, тинчсизлантирмоқ, ташвишлантирмоқ; **разреши́те вас побеспоко́ить** кечирасиз, сизни бироз безовта қилишга тўғри келади.

ПОБЕСПОКО́ИТЬСЯ *сов.* 1. безовта бўлмоқ, ташвиш қилмоқ, ғам емоқ, уринмоқ; **ты до́лжен сам об э́том побеспоко́иться** бунинг учун ўзинг ғам ейишинг керак, бу ҳақда ўзинг ўйлашинг (ҳаракат қилишинг) керак; 2. бироз ташвишланмоқ, хавотир (безовта) бўлмоқ.

ПОБИВА́ТЬ *несов.* қ. **побить** 2, 3.

ПОБИРА́ТЬСЯ *несов. с. т. эск.* тиланмоқ, тиланчилик (гадойчилик) қилмоқ, тиланчилик (гадойчилик) блан кун кечирмоқ.

ПОБИРУ́ШКА *м и ж с. т. эск.* тиланчи, гадой.

ПОБИ́ТЬ *сов.* 1. урмоқ, калтакламоқ; 2. енгмоқ, енгиб чиқмоқ; қирмоқ, қириб ташламоқ; **побить врага́** душманни енгмоқ, қириб ташламоқ; 3. *с. т.* енгмоқ, ўтиб кетмоқ, орқада қолдирмоқ; 4. синдирмоқ, қирмоқ; **побить посу́ду** идишларни синдирмоқ, кул-кул қилмоқ; 5. урмоқ, хароб қилмоқ, қийратмоқ; **моро́зом побило** (моро́з побил) рожь сулини совуқ уриб кетди; ◇ ***побить реко́рд*** ре-

корд қўймоқ, аввалги рекордни орқада қолдирмоқ; *қ.* реко́рд.

ПОБИ́ТЬСЯ *сов.* захаланмоқ, заҳа емоқ, заҳа бўлмоқ, эзилмоқ, синмоқ, пўла бўлиб қолмоқ; **яблоки побились в доро́ге** олма йўлда уринипти (эзилипти, заҳа бўлипти); ◊ ***побы́ться (би́ться) об заклад*** *қ.* заклад.

ПОБЛАГОДАРИ́ТЬ *сов.* раҳмат айтмоқ, ташаккур (миннатдорчилик) билдирмоқ.

ПОБЛА́ЖКА *ж с. т.* бўш келиш, бўш қараш, бўш қўйиб бериш, риоясизлик, ошна-оғайнигарчилик; **не дава́й ребёнку побла́жек** болага бўш қарама.

ПОБЛЕДНЕ́ТЬ *сов.* 1. оқармоқ, ранги қув ўчмоқ, бўзариб кетмоқ; **побледне́ть, как полотно́** докадек оқариб кетмоқ; 2. ‖ қути учмоқ, баракаси кетмоқ, ҳечнима бўлмай қолмоқ.

ПОБЛЁКЛЫЙ, -ая, -ое сўлган, сўлиб қолган, қуриб қолган, қовжираб кетган, ранги айниган; **поблёклый цветок** сўлиб қолган гул.

ПОБЛЁКНУТЬ *сов.* сўлмоқ, сўлиб қолмоқ, қуриб қолмоқ, қовжираб кетмоқ, туси айнимоқ.

ПОБЛЁСКИВАТЬ *несов.* йилт-йилт этмоқ, йилтираб (ярқираб) кўринмоқ, ярқ-ярқ этиб турмоқ.

ПОБЛИ́ЖЕ *нареч. қ.* бли́же.

ПОБЛИ́ЗОСТИ *нареч.* яқинда, яқинида, яқин орада, шу ўртада, яқин; **совхо́з расположе́н побли́зости от го́рода** совхоз шаҳарга яқин ерда жойлашган.

ПОБОЖИ́ТЬСЯ *сов. эск. с. т.* қасам ичмоқ, онт ичмоқ.

ПОБО́И *мн., ед. нет* уриш, калтаклаш; калтак; **следы побо́ев** калтак излари.

ПОБО́ИЩЕ *ср* 1 катта жанг, қиргин уруш; жанг майдони; **Мама́ево побо́ище** *қ.* мама́ев; **Ледо́вое побо́ище** *(тар.) қ.* ледо́вый; „По́сле Сталинградского побо́ища, как изве́стно, немцы не могли уже́ опра́виться" (Сталин) „Маълумки, Сталинград жангидан кейин немислар ўзларини ўнглаб ололмадилар" (Сталин); 2. *с. т.* катта жанг, муштлашиш, ёқалашиш, ур-йиқит.

ПОБОЛЕ́ТЬ *сов.* 1. бироз касал бўлмоқ, тоби (мазаси) қочмоқ бирмунча вақт касал бўлиб ётмоқ; **он поболе́л о́коло десяти́ дней и вы́здоровел** у ўн кунча касал бўлиб тузалди; 2. бироз огримоқ, огриқираб турмоқ.

ПОБОЛТА́ТЬ I *сов.* 1. бирпас кавламоқ, бироз аталамоқ, бирмунча вақт чайқатмоқ, чайқатиб аралаштирмоқ; **поболта́ть микстýру** дорини бироз чайқатмоқ; 2. бирпас қимирлатмоқ, бирмунча вақт ликиллатмоқ, силкитмоқ, ўйнатмоқ; **поболта́ть нога́ми** оёқларини бирмунча вақт ликиллатмоқ (ўйнатмоқ).

ПОБОЛТА́ТЬ II *сов. с. т.* бирмунча вақт гаплашмоқ, гаплашиб ўтирмоқ; мы **поболта́ли** о том, о сём биз уёқдан-буёқдан (ундан-бундан) гапиришиб ўтирдик.

ПОБО́ЛЬШЕ *нареч.* кўпроқ, ортиқроқ, каттароқ.

ПО-БОЛЬШЕВИ́ЦКИ *нареч.* большевикча, большевикчасига, большевикларча; **рабо́тать по-большеви́цки** большевикчасига ишламоқ.

ПОБО́РНИК *м* ёқловчи, ҳимоя қилувчи, курашувчи, ҳимоячи, курашчи; **Сове́тский Сою́з — побо́рник ми́ра и демокра́тии** Совет Иттифоқи тинчлик ва демократия курашчиси (ҳимоячиси)дир.

ПОБО́РНИЦА *ж қ.* побо́рник.

ПОБОРО́ТЬ *сов.* 1. йиқитмоқ (курашда); **боре́ц легко́ побороло́ своего́ проти́вника** полвон ўз рақибини осонгина йиқитди; 2. ‖ енгмоқ, бас келмоқ, зўр (устун) чиқмоқ; 3. ‖ босмоқ, йўқотмоқ, енгмоқ; **побороть в себе́ страх** дадил бўлиб олмоқ, қўрқишни йигиштириб қўймоқ.

ПОБОРО́ТЬСЯ *сов.* 1. бирмунча вақт курашмоқ, кураш тушмоқ; 2. курашмоқ, олишмоқ, тортишмоқ.

ПОБО́РЫ *мн., (ед. побо́р м) эск.* 1. огир солиқлар, ноҳақ йиғимлар 2. пора, ришват.

ПОБО́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. қўшимча, ёрдамчи, иккинчи даражадаги; **побо́чные обстоя́тельства** қўшимча ҳоллар (сабаблар); **побо́чные соображе́ния** қўшимча мулоҳазалар; **побо́чный проду́кт произво́дства** ишлаб чиқариш-

нинг қўшимча маҳсулоти (асосий маҳсулот ишлаб чиқаришда йўл-йўлакай ҳосил бўладиган маҳсулот); 2. *эск.* никоҳсиз эру-хотиндан туғилган; **побо́чный сын** никоҳсиз хотиндан (эрдан) туғилган ўғил.

ПОБОЯ́ТЬСЯ *сов.* бироз қўрқмоқ, чўчимоқ, ҳайиқмоқ, ҳавфсирамоқ, ҳадиксирамоқ, юрак дов бермаслик, юрак бетламаслик; он не побоя́лся рассказа́ть всю пра́вду у кўрқиб ўтирмасдан бутун ҳақиқатни гапириб берди; я хоте́л поймать змею́, да побоя́лся илонни тутиб олай дедиму, юрагим дов бермади (бетламади).

ПОБРАНИ́ТЬ *сов.* койимоқ, уришмоқ, бироз койиб қўймоқ, уришиб бермоқ.

ПОБРАНИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* койишмоқ, сўкишмоқ, айтишмоқ, бироз айтишиб қолмоқ, сўкишиб олмоқ.

ПОБРАТА́ТЬСЯ *сов.* 1. биродарлашмоқ, иноқлашмоқ, дўстлашмоқ, ака-укадек бўлиб кетмоқ; 2. биродарлашиб урушни тўхтатмоқ, урушмай қўймоқ (бир-бирига қарши уруш олиб бораётган икки томон аскарлари ҳақида).

ПОБРАТИ́М *м эск.* тутинган ака ёки ука.

ПОБРАТИ́МСТВО *ср мн. нет эск.* ака-ука тутиниш.

ПО-БРА́ТСКИ *нареч.* биродарона, ака-укаларча, оғаларча.

ПОБРА́ТЬ *сов. содд.* олиб кетмоқ, олиб қўймоқ; ◇ **чорт тебя́ побери́, чорт бы тебя́ побра́л** *(содд. сўк.)* оббо, курғур-э, қуриб кетгур-э, жин урғур-э, жонингни шайтон олгур-э.

побреду́, побредёшь *буд. от* побрести *(қ.)*.

ПОБРЕ́ЗГАТЬ *сов. с. т.* жирканмоқ, йирганмоқ, ҳазар қилмоқ; ◇ **не побре́згайте!** *(содд.)* йирганманг!, ҳазар қилманг!

ПОБРЕ́ЗГОВАТЬ = побре́згать *(қ.)*.

побрёл, побрела́ *прош. от* побрести *(қ.)*.

ПОБРЕНЧА́ТЬ *сов. с. т. бегл.* бироз тинғиллатмоқ, чалмоқ, бироз тинғиллатиб (чалиб) қўймоқ; **побренча́ть на** рояле рояльни бироз тинғиллатмоқ (чалмоқ).

ПОБРЕСТИ́ *сов.* секин-секин қадам ташлаб юрабошламоқ, секин-секин юриб кетмоқ, битта-битта қадам ташлаб бормоқ.

побре́ю, побре́ешь *буд. от* побри́ть *(қ.)*.

ПОБРИ́ТЬ *сов.* қирмоқ, олмоқ, қириб (олиб) ташламоқ; қиртдирмоқ; олдирмоқ, қиртдириб (олдириб) ташламоқ (соч-соқолни).

ПОБРИ́ТЬСЯ *сов.* қиринмоқ, соч-соқолини олмоқ (олдирмоқ).

ПОБРОДИ́ТЬ I *сов.* 1. сандироқлаб юрмоқ, кезмоқ, айланмоқ; 2. *махс.* тўр билан бирмунча вақт балиқ овламоқ, балиқ ов қилмоқ.

ПОБРОДИ́ТЬ II *сов.* бирмунча вақт қайнамоқ, ачимоқ, ошмоқ; **вино́ доста́точно поброди́ло** вино яхши етилди, етилиб қайнади.

поброжу́, побро́дишь *буд. от* побродить I *(қ.)*.

ПОБРОСА́ТЬ *сов.* ташлаб (ташлаб-ташлаб) кетмоқ, шундай қолдириб кетмоқ; **при бе́гстве проти́вник побро́сал ору́жие и раненых** тумтарақай бўлиб қочаётган душман аскарлари қуролларини ва яралорларни ташлаб-ташлаб кетаверди.

ПОБРЫ́ЗГАТЬ *сов.* 1. бироз пуркамоқ, пуркаб (сачратиб) сепмоқ; шакароб қилмоқ; 2. бироз томчиламоқ, томчилаб ўтмоқ; **дождь побры́згал и переста́л** ёмғир бироз томчилаб ўтди.

ПОБРЮЗЖА́ТЬ *сов. с. т.* бир фурсат мингилламоқ, тўнғиллламоқ, мингиллаб (тўнғиллаб) қўймоқ, мингир-мингир қилмоқ.

ПОБРЯ́КАТЬ *сов. к.* побря́кивать.

ПОБРЯ́КИВАТЬ *несов.* жаранглатмоқ, тақирлатмоқ, шақирлатмоқ, жаранг-журунг (тақир-туқур, шақир-шуқур) қилмоқ, жаранглатиб (тақирлатиб, шақирлатиб) қўймоқ.

ПОБРЯКУ́ШКА *ж с.т.* 1. шақилдоқ, шиқилдоқ; 2. ‖ шақир-шуқур (жаранг-журунг) нарсалар; баландпарвоз гаплар.

ПОБУДИ́ТЕЛЬНЫЙ. -ая, -ое ундайдиган, ишга соладиган, мажбур этадиган, қўзғатадиган, бирор ишни кўнгилга (эсга) соладиган; **побуди-**

тельная причи́на ундайдиган (ундаган) сабаб, бирор ишни кўнгилга (эсга) солган нарса: **побуди́тельная си́ла** қўзғатувчи (ишга солувчи) куч.

ПОБУДИ́ТЬ I *сов.* ундамоқ, кўнгилга солмоқ, сабаб бўлмоқ, мажбур этмоқ, қўзғатмоқ, истак туғдирмоқ, рағбатлантириб қўймоқ; **обстоя́тельства побуди́ли его́ уе́хать** вазият (аҳвол) уни жўнаб кетишга мажбур этди.

ПОБУДИ́ТЬ II *сов.* 1. уйғотиб қўймоқ, уйғотиб кўрмоқ, уйғотишга уринмоқ; **побуди́л его́ с полчаса́, да не мог добуди́ться** ярим соатча овора бўлиб, уни уйғотаолмадим; 2. ўйғотиб юбормоқ, уйғотиб қўймоқ, ҳамманинг уйқусини бузмоқ.

ПОБУ́ДКА *ж. ҳарб.* уйғотиш сигнали; **у́тренняя побу́дка** эрталабки уйғотиш сигнали.

побу́ду, побу́дешь *буд. от* **побы́ть** *(қ.).*

ПОБУЖДА́ТЬ *несов. қ.* **побуди́ть** I

ПОБУЖДЕ́НИЕ *ср* истак; ният; **по со́бственному побужде́нию** ўз истаги (майли) билан; **из до́брых побужде́ний** яхши ният билан.

побужу́, побу́дишь I *буд. от* **побуди́ть** I *(қ.).*

побужу́, побу́дишь II *буд. от* **побуди́ть** II *(қ.).*

ПОБУРЕ́ТЬ *сов.* қорайиб кетмоқ, қорамтир тусга кирмоқ.

ПОБЫВА́ЛЬЩИНА *ж. эск.* кечмиш-кечирмишлар, кечмиш-кечирмишдан (ўтган-кетгандан) оғзаки ҳикоялар.

ПОБЫВА́ТЬ *сов.* 1. бўлмоқ (бир неча жойда); бормоқ, бориб келмоқ (бирнеча жойга); кезмоқ (кўп жойни); **в э́том году́ он не́сколько раз побыва́л в Москве́** бу йил у бирнеча марта Москвага бориб келди; 2. бўлмоқ (бирор жойда), бориб бирнеча вақт турмоқ, туриб келмоқ; **побыва́ть в Крыму́** бирнеча вақт Қримда бўлмоқ, Қримда туриб келмоқ; 3. *с. т.* кирмоқ, кириб чиқмоқ, кириб ўтмоқ, бормоқ, келмоқ, бўлмоқ; **за́втра я у ва́с побыва́ю** эртага мен сизникига кириб ўтаман.

ПОБЫ́ВКА *ж.*: **на побы́вку** *(с. т.)* вақтинчаликка туриб кетиш (келиш) учун; **он прие́хал домо́й на побы́вку** у уйига бирнеча вақт туриб кетиш учун келди.

ПОБЫ́ТЬ *сов.* 1. бироз бўлмоқ, бироз вақт турмоқ; **побу́дь со мно́й!** мен билан бироз бирга бўл!, менга дарров ташлаб кетма!; 2. бирров бўлмоқ, бирров кириб ўтмоқ, бориб (кириб) бирмунча вақт турмоқ; **я по́был у него́ не́сколько дней** мен уникида бирнеча кун бўлдим (турдим).

побью́, побьёшь *буд. от* **побить** *(қ.).*

ПОВА́ДИТЬСЯ *сов. с. т. манф.* 1. ўрганмоқ, одат қилмоқ, мазахўрак бўлиб қолмоқ; 2. || танда қўймоқ, серқатнов бўлиб қолмоқ, жуда кўп келадиган (борадиган) бўлиб қолмоқ, кунда-шунда бўлиб қолмоқ.

ПОВА́ДКА *ж* 1. *с. т. манф.* одат қилиқ, ўрганиш: **у него́ дурны́е пова́дки** унинг ёмон одатлари бор; 2. *эск.* юриш-туриш, хулқ-атвор.

ПОВА́ДНО *безл.*: **что́бы не́ было пова́дно** *(с. т.)* иккинчи марта ҳаракат қилмаслиги (қайтармаслиги) учун, шу одатини ташлатиш учун.

ПОВА́ЖНИЧАТЬ *сов. с. т.* 1. бирмунча вақт ўзини катта олиб юрмоқ, ўзини жиддий қилиб кўрсатмоқ; 2. бироз сипогарчилик қилмоқ, ноз қилмоқ, тараинг қилмоқ.

пова́жусь, пова́дишься *буд. от* **пова́диться** *(қ.).*

ПОВАЛИ́ТЬ I *сов.* йиқитмоқ, қулатмоқ, ағдармоқ, ағнатмоқ, йиқитиб (ағдариб, қулатиб, ағнатиб) юбормоқ, йиқитиб (ағдариб, қулатиб, ағнатиб) кетмоқ; **си́льный ве́тер повали́л де́рево** қаттиқ шамол дарахтни ағдариб юборди.

ПОВАЛИ́ТЬ II *сов.* 1. дув этиб ёпирилиб бора (кела) бошламоқ; **наро́д повали́л на пло́щадь** халқ ёпирилиб майдонга қараб кетди, халқ майдонга ёпирилиб келабошлади; 2. бурқираб чиқмоқ, чиқабошламоқ (тутун ҳақида); босмоқ, қалин ёғмоқ, қалин ёғабошламоқ (қор ҳақида); **повали́л снег** қор гупиллатиб ёғабошлади; **дым повали́л из трубы́** трубадан бурқираб тутун чиқабошлади.

ПОВАЛИ́ТЬСЯ *сов.* йиқилмоқ, ағнамоқ, қуламоқ, ағдарилмоқ, йиқи-

либ (ағнаб, агдарилиб, қулаб) тушмоқ; ўзини ташламоқ; ағнаб (думалаб) ётмоқ.

ПОВА́ЛЬНЫЙ. -ая. -ое ёпишсиз, ялпи, умумий, барчага баравар; **повáльная болéзнь** ёппасига тарқалган касаллик (эпидемия); **повáльное увлечéние** барчанинг баравар қизиқиб қолиши, ҳамманинг бирор нарсага берилиши.

ПОВАЛЯ́ТЬ *сов.* 1. буламоқ, белламоқ, булаб (белаб) олмоқ; 2. ағнатмоқ, думалатмоқ, думалатиб-думалатиб юбормоқ; **повалять по́ полу** ерда (ерга ётқизиб) думалатмоқ, думалатиб-думалатиб олмоқ.

ПОВАЛЯ́ТЬСЯ *сов.* 1. ағнамоқ, думаламоқ, думалаб-думалаб олмоқ; 2. чўзилиб ётмоқ, ясланиб ётмоқ, бироз чўзилиб (ағнаб, оёқ-қўлни ёзиб) олмоқ.

ПО́ВАР *м* ошпаз; **шеф-по́вар** бош ошпаз, баковул.

ПОВА́РЕННЫЙ, -ая. -ое ошпазликка оид, ейиладиган, ошга солинадиган; **повáренная соль** ош тузи; **повáренная книга** ошпазлик китоби; **повáренное искýсство** ошпазлик сан'ати, пазандалик.

ПОВАРЁНОК *м* (*мн.* **поваря́та**) *с. т.* ошпаз бола, ошпазга ёрдам қилучи бола.

ПОВАРЁШКА *ж с. т.* чўмич, чўмич қошиқ.

ПОВАРИ́ТЬ *сов.* бирмунча вақт қайнатмоқ, пиширмоқ.

ПОВАРИ́ТЬСЯ *сов.* бирмунча вақт қайнамоқ, пиширилмоқ.

ПОВАРИ́ХА *ж* ошпаз аёл.

ПОВА́РНЯ *ж эск.* ошхона, ўчоқбоши.

ПОВА́РСКО́Й. -ая. -ое по́вар *сущ. сиф.*; ошпазга оид; **поварско́й нож** ошпичоқ, катта пичоқ.

ПОВАРЯ́ТА *мн. ч.* **поварёнок.**

ПО-ВА́ШЕМУ *нареч.* 1. сизнингча, сизнинг фикрингизча; **как по-ва́шему, так бу́дет лу́чше?** сизнингча, шундай бўлса ёмон бўлмайдими?; 2. сизнингча, сиз айтганча, сиз истаганча; **я сде́лал по-ва́шему** мен сиз айтганча (сиз истаганча) қилдим; **будь по-ва́шему** майли, сизнингча (сиз айтгандек) бўлақолсин.

ПОВЕВА́ТЬ *несов.* сал-пал эсмоқ, бироз эсиб қўймоқ, эсиб турмоқ шамол ҳақида).

ПОВЕ́ДАТЬ *сов. эск.* айтмоқ, айтиб (сўзлаб) бермоқ, очиб айтмоқ; **повéдать тáйну кому́-н.** бировга сир айтмоқ, бировга сирини ма'лум қилмоқ.

ПОВЕДЕ́НИЕ *ср мн. нет* ахлоқ, хулқ, фе'л-атвор, хатти-ҳаракат, қилмиш, қилиқ, ҳаракат, муомала, босар-тусар, тутган йўл, юриш-туриш; **скрóмное поведéние** камтарлик, камсуқумлик, ахлоқли юриш-туриш; **дурно́е поведéние** ёмон юриш-туриш; бадахлоқлик; **намéтить прáвильную ли́нию поведéния** бирор ишда (масалада) тўғри йўлни белгилаб олмоқ.

поведу́, поведёшь I *буд. от* **повести́** I (қ.).

поведу́, поведёшь II буд. от **повести́** II (қ).

ПОВЕЗТИ́ *сов.* 1. олиб кетмоқ, ортиб кетмоқ, олиб бормоқ; **одно́** (ортиб, миндириб) жўнамоқ; **повезти́ вéщи на вокза́л** нарсаларни вокзалга олиб (ортиб) кетмоқ; **колхо́зники повезли́ в го́род о́вощи** колхозчилар шаҳарга сабзавот олиб (ортиб) кетишди; 2. ‖ *безл.* иш ўнгмоқ (ўнгидан келмоқ, юришмоқ); омад келиб қолмоқ; **ему́ повезло́** унинг иши ўнгидан келди, унинг омади келиб қолди.

повёй *пов. накл. от* **повя́сть** (қ.).

повёл, повела́ I *прош. от* **повести́** I (қ.).

повёл, повела II *прош. от* **повести́** II (қ.).

ПОВЕЛЕВА́ТЬ *несов.* 1. *эск.* идора қилмоқ, ҳукмронлик қилмоқ, бошқармоқ; 2. *эск.* буюрмоқ, фармон бермоқ, амр қилмоқ; 3. буюрмоқ, талаб қилмоқ; **мой долг повелева́ет мне сде́лать э́то** виждоний бурчим мендан шуни (шундай қилишни) талаб қилади.

ПОВЕЛЕ́НИЕ *ср эск.* буйруқ, амр, фармон, ёрлиқ, жар; **по высоча́йшему повеле́нию** олий фармон билан, подшоҳ амри билан.

ПОВЕЛЕ́ТЬ *сов. эск.* қ. **повелева́ть** 2.

ПОВЕЛИ́ТЕЛЬ *м эск.* ҳоким, амир, шоҳ, подшоҳ, монарх, султон.

ПОВЕЛИ́ТЕЛЬНИЦА *ж к.* повели́тель.

ПОВЕЛИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое амр-фармонга оид; буйруқ (фармон, амр) тарзидаги, буйруқ (қат'ий талаб) билан қилинган, амирона; **говори́ть повели́тельным то́ном** буйруқ қилаётгандай гапирмоқ; ◊ ***повели́тельное наклоне́ние*** *(грам.)* буйруқ фе'л.

ПОВЕНЧА́ТЬ *сов. черк.* никоҳлаб қўймоқ (черковда).

ПОВЕНЧА́ТЬСЯ *сов. черк.* никоҳланмоқ, никоҳдан ўтмоқ (черковда).

ПОВЕРГА́ТЬ *несов. к.* пове́ргнуть.

ПОВЕРГА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* пове́ргнуться; 2. *страд. от* повергáть *(к.)*.

ПОВЕ́РГНУТЬ *сов.* 1. *эск.* йиқитмоқ, агдармоқ, ағдатмоқ, агдариб ташламоқ; ётқизиб қўймоқ; 2. бирор огир аҳволга (кайфиятга) солмоқ, туширмоқ; **э́та весть пове́ргла её в отча́яние** бу хабар унинг руҳини тушириб юборди.

ПОВЕ́РГНУТЬСЯ *сов.* 1. *эск.* йиқилмоқ, ағнамоқ, агдарилмоқ, агдарилиб тушмоқ, ётиб қолмоқ; 2. бирор огир аҳволга (кайфиятга) тушмоқ; **пове́ргнуться в отча́яние** руҳи тушиб кетмоқ, ноумидликка тушмоқ.

ПОВЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое 1. пове́рить фе'лининг сифатдоши; 2. *сущ.* пове́ренный *м* вакил; пове́ренный в дела́х *(дипл.)* ишончли вакил; прися́жный пове́ренный *(эск. юр.)* адвокат, ҳимоячи; 3. *сущ.* пове́ренный *м*, пове́ренная *ж* сирдош, ишонилган одам.

ПОВЕ́РИТЬ *сов.* 1. ишонмоқ, инонмоқ; **я ему́ пове́рил** мен унга (унинг сўзига) ишондим; **пове́рить на́ слово** сўзига (лафзига) ишонмоқ; 2. текширмоқ; текшириб кўрмоқ, текшириб чиқмоқ; йўқламоқ, синамоқ; **пове́рьте ито́ги жам'ии** (якунини) текшириб кўринг; 3. ишонмоқ, ишониб айтмоқ, ишониб гапириб (айтиб) бермоқ; **пове́рить кому́-н. свою́ та́йну** ишониб бировга ўз сирини айтмоқ, бирор кишига ўз сирини ишонмоқ.

ПОВЕ́РКА *ж* 1. текшириш, синов; **пове́рка вре́мени** соатни текшириш (тўғрилаш); **пове́рка зна́ний** билимини текшириш, текшириб кўриш; 2. поверка, йўқлама, йўқлама қилиш; **вечéрняя пове́рка в ла́гере** лагерь кечқурунги йўқлама.

ПОВЕРНУ́ТЬ *сов.* 1. ўгирмоқ, бурмоқ, айлантирмоқ; бураб (айлантириб) қўймоқ; **поверну́ть рукоя́тку** станок станок дастасини бурамоқ, бураб қўймоқ; **поверну́ть ключ** калитни бурамоқ; **поверну́ть больно́го** на другой бок касални бир ёнбошдан иккинчи ёнбошига ўгириб қўймоқ; 2. қайтирмоқ, ўгирмоқ, бурмоқ; қайтармоқ, ўгирилмоқ, бурилмоқ; **поверни́те напра́во** ўнгга бурилинг, ўнга бурилинг; **поверну́ть наза́д** орқага қайтмоқ, қайтармоқ, орқага бурмоқ, бурилмоқ; 3. ‖ *с. т.* бурмоқ, бурилмоқ, бошқа тус бермоқ, бошқа томонга олиб кетмоқ; **он поверну́л де́ло по-сво́ему** у ишни ўзи истаган томонга буриб юборди; **поверну́ть разгово́р** гапни бошқа томонга бурилмоқ.

ПОВЕРНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. бурилмоқ, буралмоқ, айланмоқ, ўгирилмоқ, қайрилмоқ; **ключ легко́ поверну́лся в замке́** калит қулфда осонгина буралди; **он поверну́лся ко мне** у менга ўгирилди, у менга юзини ўгирди; 2. ‖ *с. т.* бошқа тус олмоқ, бошқа томонга бурилиб (айланиб) кетмоқ; **де́ло поверну́лось по-ино́му** иш бошқача тус олиб кетди, иш бошқа томонга айланиб кетди.

ПОВЕ́РОЧНЫЙ, -ая, -ое текширишга (синовга) оид; текшириш (синаш) учун ўтказиладиган; **пове́рочный сбор** текшириш (йўқлама қилиш) учун йиғиш; **поверочные испыта́ния** синов имтиҳонлари.

ПОВЁРСТНЫЙ, -ая, -ое *эск.* чақирим ҳисобида юритиладиган, чақирим ҳисобидан тўланадиган (олинадиган); **повёрстная пла́та** чақирим ҳисобидан олиш (тўлаш).

ПОВЕРТЕ́ТЬ *сов.* бирмунча вақт айлантирмоқ, айлантириб қўймоқ, айлантириб юбормоқ; ўққа-ўққа айлантириб кўрмоқ, айлантириб ўнамоқ.

ПОВЕРТЕ́ТЬСЯ *сов.* 1. бирмунча вақт айланмоқ, айланиб турмоқ; 2. *с. т. безл.* ликиллamoқ, ликиллатмоқ, жилпанглатмоқ, лик-лик ўйна-

моқ, ўралишмоқ; **повернётеся перед зе́ркалом** ойна олдида ўралишмоқ, ойнага ўзини солавермоқ; **он пришёл, повернётся и ушёл** у келдию, ликанглаб дарров кетиб қолди.

ПОВЁРТЫВАТЬ *несов. к.* **повернуть.**

ПОВЁРТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **повернýться**; 2. *страд. от* **повёртывать** *(к.)*.

ПОВЁРХ *предлог* (род. п. блан) 1. устидан; **надёть повёрх плáтья пальтó** кўйлак устидан пальто киймоқ; 2. устидан, тепасидан, юқори, юқорисида, тепасида, устида, устига; **смотрёть повёрх очкóв** кўзойнакнинг тепасидан қарамоқ; **самолёт пролетéл повёрх гор** самолёт тоғлар устидан учиб ўтди.

ПОВЁРХНОСТНО *нареч.* юзаки, наридан-бери, енгил-елпи; саёз; **повёрхностно ознакóмиться с дéлом** иш блан наридан-бери (юзакигина) танишмоқ.

ПОВЁРХНОСТНОСТЬ *ж мн. нет* юзакилик, саёзлик, енгил-елпилик, енгилтаклик; **повёрхностность знáний** биликининг юзакилиги (саёзлиги).

ПОВЁРХНОСТНЫЙ, -ая, -ое 1. юза, юзаки, юзадаги, сиртқи, устки; юзадан; **повёрхностный слой пóчвы** тупроқнинг юза (юзадаги) қатлами; **повёрхностное внесéние удобрéний** *(к. х.)* юза ўгитлаш; **повёрхностное нагноéние** бети (усти) йиринглаш; **повёрхностное натяжéние** *(физ.)* сирт (юза) таранглик; 2. || юзаки, саёз, енгил-елпи, наридан-бери; енгилтак; **повёрхностные знáния** юзаки билимлар; **повёрхностное отношéние** к дéлу ишга юзаки (енгил, енгилтаклик блан) қараш.

ПОВЁРХНОСТЬ *ж* 1. юз, юза, сирт, уст, бет; **повёрхность землú** ер юзи, ер сирти; **повёрхность воды́** сув юзи, сув бети; **зерка́льная повёрхность** силлиқ юза, ойнадек силлиқ юза; 2. *мат.* сирт; **повёрхность кóнуса** конус сирти; **повёрхность ша́ра** шар сирти; ◇ ***несýщая повёрхность*** *(ав.)* *к.* **несýщий**, ***скользи́ть по повёрхности*** *(манф.)* юзакичилик қилмоқ, юзаки қарамоқ, юзакигина билмоқ.

ПÓВЕРХУ *нареч. с. т.* 1. усти, тепаси, устидан, тепасидан, устини, юзини, бетини; **кры́ша пóверху кры́та желéзом** том устига (томга) тунука ёпилган (қоқилган); **покры́ть пóверху мáсляной крáской** устини мой бўёқ блан қопламоқ, устига мой бўёқ бермоқ; 2. || юзаки, наридан-бери, енгил-елпи.

поверчý, повéртишь *буд. от* **повертéть** *(к.)*.

ПОВЁРЬЕ *ср* ривоят, хурофий афсона; **старúнные повéрья** қадимий ривоятлар.

ПОВЕРЯ́ТЬ *несов. к.* **повéрить** 2,3.

ПОВÉСА *м с. т. манф.* енгилтак (шўх) одам, ҳавойи одам.

ПОВЕСЕЛЁТЬ *сов.* хурсанд бўлмоқ, очилиб (вақти, кайфи чоғ бўлиб) қолмоқ, қувноқ бўлиб қолмоқ, кўнгли очилмоқ, юзи ёришмоқ; **состоя́ние больно́го улýчшилось, и он повеселéл** касалнинг аҳволи тузалиб, чеҳраси очилиб қолди.

ПОВЕСЕЛИ́ТЬ *сов.* хурсанд қилмоқ, кайфини (вақтини) чоғ қилмоқ, кўнглини очмоқ; **повеселúть друзéй** дўстларни хурсанд қилмоқ, дўстларнинг вақтини чоғ қилиб юбормоқ.

ПОВЕСЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* хурсандчилик қилмоқ, вақтичоғлик қилмоқ, ўйин-кулги қилмоқ; **вдóволь повеселúться** тўйгунча ўйин-кулги қилишмоқ.

ПО-ВЕСЁННЕМУ *нареч.* баҳордагидай, кўкламдагидай, баҳор (кўклам) кезидаги сингари, баҳорчасига, баҳор қилиб; **сегóдня по-весённему** тепло́ бугун баҳор кезидагидай иссиқ.

ПОВЕ́СИТЬ *сов.* 1. осмоқ, илмоқ осиб (илиб) қўймоқ, ёймоқ; ёйиб қўймоқ; тақмоқ, тақиб қўймоқ, тақиб олмоқ; **повéсить пальтó на ве́шалку** пальтони вешалкага илиб қўймоқ; 2. осмоқ, дорга осмоқ, осиб ўлдирмоқ; ◇ ***повéсить гóлову*** *(нос)* *с. т.* бошни қуйи солмоқ, лаб-лунжини осилтирмоқ, хафа бўлиб қолмоқ.

ПОВЕ́СИТЬСЯ *сов.* ўзини осмоқ, ўзини осиб ўлдирмоқ.

ПОВЕ́СНИЧАТЬ *несов. с. т. манф.* шўхлик қилмоқ, бебош юрмоқ.

ПОДЕ́ЛКА *ж* 1. *только ед. махс.* тайёрлаш, ясаш, ишлаш; 2. *махс.* майда-чуйда иш; ямоқ-ясоқ; 3. майда-чуйда буюмлар; майда-чуйда маҳсулот; **поде́лки из де́рева** ёғочдан ясалган майда-чуйда буюмлар, майда-чуйда маҳсулот.

ПОДЕЛО́М *нареч. с. т.* ишига яраша, қилмишига яраша; ажаб бўпти; хўп бўпти; жазосини тортсин; жазоси шу; **поделом тебе́!** жазосини тортгин, ажаб бўпти!

ПОДЕ́ЛОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган; **поде́лочный материа́л** маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган материал.

ПОДЕ́ЛЫВАТЬ *несов. с. т.* бирор иш қилиб юрмоқ; бирор иш билан машғул бўлмоқ; **что поде́лываете?** нима иш қилиб юрибсиз?, қандай иш билан машғулсиз?

ПОДЁНКА *ж зоол.* = **однодне́вка** ! (қ.).

ПОДЁННО *нареч.* кунлик, кунбай асосида; **рабо́тать подённо** кунбай ишламоқ.

ПОДЁННЫЙ, -ая, -ое кунлик, кунбай; **подённая рабо́та** кунбай иш, бир кунлик иш; **подённая пла́та** кунбай ҳақ тўлаш.

ПОДЁНЩИК *м* кунбай ишлайдиган ишчи; мардикор.

ПОДЁНЩИНА *ж мн. нет с. т.* кунбай иш; кунбай ишлаш; мардикорлик.

ПОДЁНЩИЦА *ж* кунбай ишловчи аёл.

ПОДЁРГАТЬ *сов.* 1. бирнеча марта тортмоқ, тортқиламоқ, силтамоқ; тортиб-тортиб қўймоқ; **подёргать за во́лосы** сочидан тортиб-тортиб қўймоқ; 2. бир фурсат бирор нарсани тортмоқ, суғурмоқ.

ПОДЁРГАТЬСЯ *сов. ч.* **подёргаться** ! .

ПОДЁРГИВАНИЕ *ср* учиш; пирпираш, қалтираш; **не́рвные подёргивания** лица юзнинг асабийлашиши ёки асабий касаллик орқасида учиши.

ПОДЁРГИВАТЬ ! *несов.* 1. секингина тортмоқ, тортиб-тортиб қўймоқ; 2. бирор жойи учмоқ, қимирлаб (қалтираб) турмоқ; **подёргивать голово́й** калласи қимирлаб (учиб) турмоқ; 3. *безл.* тириштирмоқ, қуруштирмоқ, қақштатмоқ, тортишмоқ; **меня́ всего́ подёргивает э́тим** қурушиб (қақшаб) кетяпти.

ПОДЁРГИВАТЬ !! *несов. ч.* **подёрнуть**.

ПОДЁРГИВАТЬСЯ I *несов.* бирор жойи учмоқ, пирпирамоқ, қалтирамоқ; **не́рвно подёргиваться** асабийлашиб бирор жойи учмоқ.

ПОДЁРГИВАТЬСЯ II *несов.* қ. **подёрнуться.**

ПОДЕРЖА́НИЕ *ср.* **на подержа́ние** (*с. т.*) ижарага, вақтинча фойдаланиш учун, омонат; **дать что-н. на подержа́ние** вақтинча фойдаланиш учун бермоқ; омонат бериб турмоқ; **взять что-н. на подержа́ние** вақтинча фойдаланиш учун олмоқ; омонат олиб турмоқ.

ПОДЁРЖАННЫЙ, -ая, -ое 1. **подержа́ть фе'линнинг сифатдоши**; 2. тутилган, кийилган, ишлатилган; эски.

ПОДЕРЖА́ТЬ *сов.* 1. ушлаб турмоқ, тутиб турмоқ; **подержи́ моё пальто́** пальтомни ушлаб тур; 2. бир фурсат бирор ҳолатда тутмоқ, қолдирмоқ; **подержа́ть дверь откры́той** эшикни бир фурсат очиқ қолдирмоқ, очиб қўймоқ; 3. бир фурсат бирор жойда тутмоқ, сақламоқ, қолдирмоқ; **подержа́ть мя́со на хо́лоде** гўштни бир фурсат совуқда тутмоқ (сақламоқ, қолдирмоқ); гўштни бир фурсат совуқ жойга қўйиб қўймоқ.

ПОДЕРЖА́ТЬСЯ *сов.* бирмунча вақт ушлаб турмоқ, сузиниб (таяниб) турмоқ.

ПОДЁРНУТЬ *сов.* юпқа қатлам қопламоқ, қоплаб олмоқ; бироз хира қилиб қўймоқ; **ре́ку подёрнуло льдом** дар'ёни юпқагина муз қоплади.

ПОДЁРНУТЬСЯ *сов.* қаймоқ бойламоқ, юпқагина қатлам бланқоплламоқ; хираланмоқ; **река́ подёрнулась льдом** дар'ё бетини юпқагина муз қоплади; **её глаза́ подёрнулись слеза́ми** унинг кўзига ёш келди.

подеру́сь, подерёшься, подерёт ся *буд. от* **подра́ться** (*қ.*).

ПО-ДЕ́ТСКИ *нареч.* болалардек, болаларча, ёш болаларга ўхшаб, бачкана.

ПОДЕШЕВЕ́ТЬ *сов.* арзонлашмоқ, нархи (баҳоси) тушмоқ.

ПОДЖА́РИВАТЬ *несов.* қ. **поджа́рить.**

ПОДЖА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **поджа́риться**; 2. яхшилаб қовурилмоқ, қизартирилмоқ, қизартириб пиширилмоқ.

ПОДЖА́РИСТЫЙ, -ая, -ое яхшилаб қовурилган, қизарган, қизариб пишган; **поджа́ристый суха́рь** қизартириб қуритилган сухари.

ПОДЖА́РИТЬ *сов.* яхшилаб қовурмоқ, қизартирмоқ, қизартириб пиширмоқ.

ПОДЖА́РИТЬСЯ *сов.* яхши қовурилмоқ, қизармоқ, қизариб пишмоқ.

ПОДЖА́РКА *ж* япроқ-япроқ қилиб қовурилган гўшт, картошка ва ҳ. к.

ПОДЖА́РЫЙ, -ая, -ое *с. т.* хипча чайир; қотма; **поджа́рая скакова́я ло́шадь** пойга чопадиган хипча от.

ПОДЖА́ТЬ *сов.* қисмоқ, йиғмоқ, қисиб (йиғиштириб) олмоқ; **поджа́ть под себя́ но́ги** чордона қуриб ўтирмоқ; оёқларини йиғиштириб (тагига олиб) ўтирмоқ; **поджа́ть гу́бы** лабини қисмоқ.

поджёг, подожгла́ *прош. от* **поджёчь** (*қ.*).

ПОДЖЕЛУ́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое ошқозон остидаги, ме'да остидаги; **поджелу́дочная железа́** (*анат.*) ошқозон ости бези.

ПОДЖЕ́ЧЬ *сов.* 1. ёндирмоқ, ёқмоқ, ўт ёқиб (ёндириб) юбормоқ; **поджёчь дрова́** ўтинни ёндирмоқ; 2. ўт қўймоқ, ўт қўйиб юбормоқ; **поджёчь зда́ние** бинога ўт қўймоқ; 3. *содд.* тагига олдириб (куйдириб) юбормоқ; **поджёчь жарко́е** қовурдоқни тагига олдириб юбормоқ.

ПОДЖИВА́ТЬ *несов.* қ. **поджи́ть.**

ПОДЖИГА́ТЕЛЬ *м* 1. ўт қўйган (ўт қўйиб юборган) одам; 2. ‖ ўт қўючи, олов ёқувчи; **поджига́тели войны́** (*нафр.*) уруш оловини ёқувчилар.

ПОДЖИГА́ТЕЛЬНИЦА *ж* қ. **поджига́тель** 1.

ПОДЖИГА́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое *нафр.* **поджига́тель** ва **поджига́тельство** сўз. *сиф.*; ўт қўйишга, уруш оловини ёқишга оид; ўт қўйишга, уруш оловини ёқишга қаратилган.

ПОДЖИГА́ТЕЛЬСТВО *ср* 1. *эск.* = **поджо́г** (*қ.*); 2. ‖ васваса солиш, ўт қўйиш.

ПОДЖИГА́ТЬ *несов.* к. **поджéчь**.

ПОДЖИГА́ТЬСЯ *несов.* 1. ёқилмоқ, ёндирилмоқ; 2. ўт қўйиб юборилмоқ; 3. тагига олиб кетмоқ, таги куймоқ.

ПОДЖИДА́ТЬ *несов. с. т.* кутиб турмоқ, пойламоқ; **поджида́ть гостéй** меҳмонларни кутиб турмоқ.

ПОДЖИ́ЛКИ *мн., ед. нет с. т.* тақим пайлари; ◇ ***поджи́лки трясу́тся (от стра́ха)*** қўрққанидан қалт-қалт (дағ-дағ) титрайди.

ПОДЖИМА́ТЬ *несов.* к. **поджа́ть**.

ПОДЖИМА́ТЬСЯ *несов.* қисиб (йиғиштириб) олинмоқ.

ПОДЖИМНО́Й, -а́я, -óе, ПОДЖИ́МНЫЙ, -ая, -ое *тех.* қисадиган, сиқучи: **поджимно́й болт** сиқучи болт.

ПОДЖИ́ТЬ *сов. с. т.* бироз тузалмоқ, битмоқ, тузалиб қолмоқ; **ра́на поджила́** яра тузалиб қолди.

ПОДЖО́Г *м* ўт қўйиш, ёндириш; ўт қўйиб юбориш; **соверши́ть поджóг** ўт қўйиб юбормоқ.

подзабу́ду, подзабу́дешь *буд. от* **подзабы́ть** (*к.*).

ПОДЗАБЫВА́ТЬ *несов.* к. **подзабы́ть**.

ПОДЗАБЫ́ТЬ *сов. с. т.* бироз унутмоқ, сал эсдан чиқармоқ, эсдан чиқариб қўймоқ.

ПОДЗАГОЛО́ВОК *м* иккинчи сарлавҳа, кичик сарлавҳа.

ПОДЗАГОЛО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое подзаголо́вок *сўз. саф.*: иккинчи (кичик) сарлавҳага оид.

ПОДЗАДО́РИВАТЬ *несов.* к. **подзадо́рить**.

ПОДЗАДО́РИТЬ *сов. с. т.* гижгижлаб қўймоқ, гижгижлаб (тезлаб, қизиқтириб) бирор ишга солмоқ; **подзадо́рить кого́-н. на скандáл** гижгижлаб уриштириб қўймоқ; жанжал чиқармоқ.

ПОДЗАКУСИ́ТЬ *сов. с. т.* бироз овқатланиб (овқат қилиб) олмоқ, тамадди қилмоқ.

подзакушу́, подзаку́сишь *буд. от* **подзакуси́ть** (*к.*).

ПОДЗАНЯ́ТЬ *сов. с. т.* бироз қарз олмоқ, қарз олиб турмоқ.

ПОДЗАРАБО́ТАТЬ *сов. с. т.* бироз пул ишлаб олмоқ, қўшимча пул ишлаб олмоқ.

ПОДЗАТЫ́ЛЬНИК *м* гарданига уриш, гарданига (бўйнига) мушт тушириш, бўйнига тушган калтак; **дать подзаты́льник** гарданига урмоқ, мушт туширмоқ.

ПОДЗАЩИ́ТНАЯ *ж* к. **подзащи́тный**.

ПОДЗАЩИ́ТНЫЙ *м юр.* ҳимоя остидаги, ҳимоя остига олинган, ҳимоя қилинучи (судда бирор адвокатнинг ҳимояси остида иши кўрилаётган айбдор).

ПОДЗЕМЕ́ЛЬЕ *ср* ертўла; гор магора, ер остидаги уй; зиндон.

ПОДЗЕ́МКА *ж с. т.* ерости темир йўли (чет эллардаги метрога нисбатан ишлатилади).

ПОДЗЕ́МНЫЙ, -ая, -ое ерости, ер остидаги; ер остида жойлашган, ер остида олиб бориладиган; **подзе́мные во́ды** ерости сувлари, сизот сувлар; **подзе́мное о́зеро** ер остидаги кўл; **подзе́мный ход** ер остидаги йўл; **подзе́мные рабóты** ер остида олиб бориладиган ишлар; **подзе́мная желéзная дорóга** ерости темир йўли, метро.

ПОДЗЕРКА́ЛЬНИК *м* ойна курсиси (катта ойна остига қўйиладиган курси).

ПОДЗЕРКА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ойна остидаги, ойна остига қўйиладиган; **подзеркáльный сто́лик** ойна курсиси, катта ойна остига қўйиладиган курси.

ПОДЗИ́МНИЙ, -яя, -ее к. *х.*, кеч кузги, кеч кузда ўтказиладиган; **подзи́мний сев** кеч кузда экиш.

подзову́, подзовёшь, подзовёт *буд. от* **подозва́ть** (*к.*).

ПОДЗО́Л I *м* к. *х.* ориқ кулранг тупроқ.

ПОДЗО́Л II *м малс.* ош (тери ошлашда ишлатиладиган кул ва оҳак аралашмаси).

ПОДЗО́ЛИСТЫЙ, -ая, -ое к. *х.* кулранг; **подзóлистая по́чва** кулранг тупроқ.

ПОДЗО́ЛЬНЫЙ I, -ая, -ое к. *х.* **подзо́л I** *сўз. саф.*; кулранг тупроққа оид.

ПОДЗО́ЛЬНЫЙ II, -ая, -ое *махс.* **подзо́л** II *сўз. сиф.*; *қ.* **подзо́л** II.

ПОДЗО́Р I *м* 1. *махс.* кунгирадор карниз; **о́кна с подзо́рами** кунгирадор карнизли деразалар; 2. *маҳл.* бирор нарсага тутилган тўр; **подзо́р на крова́ти** кроватьга тутилган тўр.

ПОДЗО́Р II *м махс.* подзор (кема ҳўйруғининг рульдан юқори қисми).

ПОДЗО́РНЫЙ, -ая, -ое *эск.* кўзгадиган, қарайдиган; кўзатиш учун хизмат қиладиган; **подзо́рная труба́** кўзатиш трубаси (узоқни кўрсатадиган махсус дурбин).

ПОДЗУ́БРИВАТЬ *несов. қ.* **подзубри́ть**.

ПОДЗУБРИ́ТЬ *сов. с.т.* бироз ёдламоқ, ёдлаб олмоқ; **подзубри́ть табли́цу умноже́ния** кўпайтириш жадвалини ёдлаб олмоқ.

ПОДЗУДИ́ТЬ *сов. содд.* гижгижлаб қўймоқ, қитиқлаб қўймоқ; гижгижлаб ишга солмоқ.

ПОДЗУ́ЖИВАТЬ *несов. қ.* **подзуди́ть**.

подзужу́, **подзу́дишь** *буд. от* **подзуди́ть** (*қ.*).

ПОДЗЫВА́ТЬ *несов. қ.* **подозва́ть**.

ПОДИ́ *содд.* 1. **поди́**, **поди́те** *пов. накл. от* **пойти́** 1 (*қ.*); **поди́ сюда́!** бу ёққа кел!; **бери́ и поди́!** олиб кет!; **поди́ прочь!** йўқол!; кет!; нари гур-э!; 2. *кариш.* бўлса керак, балки, эҳтимол; **ты, поди́, всю рабо́ту уже́ сде́лал?** сен аллақачон ҳамма ишни бажариб қўйган бўлсанг керак?; **он, поди́, уста́л у, балки, чарчагандир**; **у чарчаган чиқар**; 3. *частица* кўй-э, кўйсангчи; **поди́ ты, ра́зве так бывает?** кўйсангчи-э, шундоқ ҳам бўладими?; ◇ **на поди́** (*содд.*) ана халос; на чора.

ПОДИВИ́ТЬ *сов. с.т. эск.* ажаблантирмоқ, ҳайратда қолдирмоқ, ҳайрон қилмоқ.

ПОДИВИ́ТЬСЯ *сов. с.т.* ажабланмоқ, ҳайратда қолмоқ, ҳайрон бўлмоқ.

ПОДИРА́ТЬ *несов.*: **моро́з по ко́же подира́ет** *қ.* **моро́з**.

ПОДКА́ЛЫВАТЬ *несов. қ.* **подколо́ть**.

ПОДКА́ЛЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **подка́лывать** (*қ.*).

ПОДКА́МЕНЩИК *м зоол.* дар'ё балиқларининг бир хили.

ПОДКА́ПЫВАТЬ *несов. қ.* **подкопа́ть**.

ПОДКА́ПЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **подкопа́ться**; 2. тагидан кавлаб борилмоқ, тагидан кавланмоқ, қазилмоқ.

ПОДКАРА́УЛИВАТЬ *несов. қ.* **подкара́улить**.

ПОДКАРА́УЛИТЬ *сов. с.т.* пойлаб туриб (пойлаб ётиб) тутиб олмоқ, қўлга туширмоқ, таппа босмоқ; **подкара́улить дичь на охо́те** овда пайт пойлаб навбасин отмоқ.

ПОДКА́РМЛИВАТЬ *несов. қ.* **подкорми́ть**.

ПОДКА́РМЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **подкорми́ться**; 2. қўшимча озиқлантирилмоқ; яхши боқилмоқ, боқиб семиртирилмоқ.

ПОДКАТИ́ТЬ *сов.* 1. думалатиб (ғилдиратиб) келмоқ, олиб келмоқ, келтирмоқ, думалатиб (ғилдиратиб) бормоқ; олиб бормоқ; **подкати́ть мяч** тўпни (коптокни) думалатиб келмоқ (келтирмоқ); **подкати́ть бревно́** ходани думалатиб олиб келмоқ; 2. *с.т.* ғизиллатиб (елдай учириб) олиб бормоқ, олиб келмоқ; ғизиллаганча бориб (келиб) тўхтамоқ; **к воро́там подкати́ла маши́на** машина ғизиллаганча келиб, дарвоза олдида тўхтади; 3. *безл. с.т.* тиқилмоқ, тиқилиб келмоқ; **к се́рдцу подкати́ло** жон-жонидан (жонимдан) ўтиб кетди, жон ҳиқилдоққа келди; **подкати́ло к го́рлу** 1) ўпка тўлиб кетди; 2) кўнгил айниб кетди.

ПОДКАТИ́ТЬСЯ *сов.* думалаб (ғилдираб) келмоқ; думалаб (ғилдираб) тагига кириб кетмоқ; мяч **подкати́лся под стол** копток стол остига думалаб кириб кетди.

ПОДКА́ТКА *ж мн. нет* думалатиб (ғилдиратиб) келиш, олиб келиш, келтириш; думалатиб (ғилдиратиб) бориш, олиб бориш; **подка́тка бре́вен** ходаларни думалатиб олиб келиш.

ПОДКА́ТЫВАТЬ *несов. қ.* **подкати́ть**.

ПОДКА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **подкати́ться**; 2. *страд. от* **подка́тывать** (*қ.*).

ПОДКАЧА́ТЬ *сов.* 1. яна бироз дамбермоқ; насос билан яна бироз чиқар-

мок, тортмоқ; **подкача́ть во́ду наcóсом** насос билан яна бироз сув чиқармоқ; 2. ‖ *собд.* бўш келмоқ, уялтириб (ўсал қилиб) қўймоқ, уялиб (ўсал бўлиб) колмоқ; уддасидан чиқолмай қолмоқ; **не подкачай!** бўш келма!

ПОДКА́ЧИВАТЬ *несов.* қ. подкача́ть.

подкачу́, подка́тишь *буд. от* подкати́ть (қ.).

ПОДКА́ШИВАТЬ *несов.* қ. подкоси́ть.

ПОДКА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. подкоси́ться; 2. *страд. от* подка́шивать (қ.).

ПОДКА́ШЛИВАТЬ *несов. с. т.* йўталиб қўймоқ, йўталиб ўзига қаратмоқ, йўталиб ишора қилмоқ.

ПОДКА́ШЛЯНУТЬ *сов.* и *однокр. с. т.* қ. подка́шливать.

ПОДКВА́СИТЬ *сов.* яна бироз ачитқи (томизғи, хамиртуруш) солмоқ; яна бироз ивитмоқ (қатиқни), оширмоқ (хамирни), нордонроқ қилмоқ (мас., карамни).

ПОДКВА́СИТЬСЯ *сов.* яна бироз ошмоқ (хамир), ивимоқ (қатиқ), нордонроқ бўлмоқ (мас., карам).

ПОДКВА́ШИВАТЬ *несов.* қ. подква́сить.

ПОДКВА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. подква́ситься; 2. яна бироз ачитқи (томизғи, хамиртуруш) солмоқ; яна бироз ивитилмоқ (қатиқ), оширилмоқ (хамир), нордонроқ қилинмоқ (карам).

подква́шу, подква́сишь *буд. от* подква́сить (қ.).

ПОДКИДНО́Й, -ая, -ое *эск.* қ. подме́тный; ◇ *подкидные дураки́* подкидной (қарта ўйинларидан бири).

ПОДКИ́ДЫВАТЬ *несов.* қ. подки́нуть.

ПОДКИ́ДЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* подки́дывать (қ.).

ПОДКИ́ДЫШ *м* ташланди бола.

ПОДКИ́НУТЬ *сов. с. т.* қ. подбро́сить.

ПОДКИ́СЛИТЬ *сов.* бироз аччиқроқ (нордонроқ) қилмоқ.

ПОДКИСЛЯ́ТЬ *несов.* қ. подки́слить.

ПОДКЛА́ДКА *ж* 1. астар; **шёлковая подкла́дка** шойи астар; **подкла́дка на пальто́** бир пальтолик астар; 2. *махс.* остлик, таглик; бирор нарсанинг остига солинган (тўшалган, ёт қизилган) нарса; **ре́льсовая подкла́дка** рельс остлиги (шпала); 3. ‖ *с. т.* сабаб, сир, таг.

ПОДКЛА́ДНО́Й, -ая, -ое тагига солинадиган, остига қўйиладиган; **подкладно́е су́дно** тувак (оғир касалларга тутиладиган тувак).

ПОДКЛА́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое астарлик, астарбоп; **подкла́дочный материа́л** астарлик материал.

ПОДКЛА́ДЫВАТЬ *несов.* қ. подложи́ть.

ПОДКЛА́ДЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* подкла́дывать (қ.).

ПОДКЛА́СС *м биол.* кенжа синф (ҳайвон ва ўсимликлар систематикасида).

ПОДКЛЕ́ИВАТЬ *несов.* қ. подкле́ить.

ПОДКЛЕ́ИВАТЬСЯ *несов. страд. от* подкле́ивать (қ.).

ПОДКЛЕ́ИТЬ, ПОДКЛЕ́ЙТЬ *сов.* 1. тагига (остига) ёпиштирмоқ, орқасига (ичига) ёпиштирмоқ; **подклеить подкла́дку в голени́ще** қўнжга астар ёпиштирмоқ; 2. ямаб қўймоқ, ямаб (ёпиштириб) тузатмоқ; **подклеить разо́рванную страни́цу** йиртилган бетни ёпиштириб қўймоқ.

ПОДКЛЕ́ЙКА *ж* 1. *только ед.* **подкле́ить** ф'ълининг ҳаракат номи; 2. тагига (остига, ичига) ёпиштирилган нарса; **бума́жная подкле́йка переплёта** муқова ичига (ичидан) ёпиштирилган қоғоз; 3. қўнж астари.

ПОДКЛЕПА́ТЬ *сов.* 1. михпарчинлар воситаси билан тагидан (остидан) уламоқ, ёпиштирмоқ; 2. михпарчинларни қаттиқроқ парчинлаб қўймоқ.

ПОДКЛЁПЫВАТЬ *несов.* қ. подклепа́ть.

ПОДКЛЁПЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* подклёпывать (қ.).

ПОДКЛЁТЬ *ж мах.л.* ёғоч уйинг остки қавати.

ПОДКЛИ́НИВАТЬ *несов.* қ. подклини́ть.

ПОДКЛИ́НИВАТЬСЯ *несов.* поналанмоқ, поналаб (пона қоқиб) қўйилмоқ; поналаб (пона қоқиб) мустаҳкамланмоқ.

ПОДКЛИНИ́ТЬ *сов. махс.* поналамоқ, поналаб (пона қоқиб) қўймоқ; поналаб (пона қоқиб) мустаҳкамламоқ.

ПОДКЛЮЧА́ТЬ *несов.* қ. подключи́ть.

ПОДКЛЮЧА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. подключи́ться; 2. уланмоқ, улаб қўйилмоқ.

ПОДКЛЮЧИ́ТЬ *сов. с. т.* уламоқ, подключи́ть аппара́т к телефо́нной се́ти аппаратни телефон тармоғига уламоқ.

ПОДКЛЮЧИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* уланмоқ; улаб олмоқ; **подключи́ться к радиосе́ти** радио тармоғига уланмоқ (ўз аппаратини радио тармоғига улаб олмоқ).

ПОДКЛЮЧИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *анат.* ўмров остидаги, ўмров ости; **подключи́чная ве́на** ўмров остидаги вена (қон томири).

ПОДКО́ВА *ж* 1. тақа; 2. нағал.

ПОДКО́ВАННОСТЬ *ж мн. нет* чиниққанлик, пухта билимга эгалик, тайёргарлиги яхшилик.

ПОДКО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1. тақаланган, тақа қоқилган; 2. ‖ *с. т.* чиниққан, пухта билимга эга бўлган, тайёргарлиги яхши; **челове́к хорошо́ подко́ванный в матема́тике** математикадан пухта билимга эга бўлган одам.

ПОДКОВА́ТЬ *сов.* 1. тақаламоқ, тақа қоқмоқ; **подкова́ть ло́шадь** отга тақа қоқмоқ; 2. ‖ *с. т.* чиниқтирмоқ, пухта билим бермоқ, тайёргарлигини оширмоқ.

ПОДКОВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* чиниқмоқ, билимини пухталамоқ, тайёргарлигини оширмоқ.

ПОДКО́ВКА *ж* 1. *только ед.* тақалаш, тақа қоқиш; 2. ‖ *только ед. с. т.* чиниқтириш, пухта билим бериш; тайёргарлигини ошириш; 3. подко́ва *сўз. кичр., эркл. айт.*: тақа, нағал; **подко́вка для сапо́г** этикка қоқадиган нағал.

ПОДКО́ВНЫЙ, -ая, -ое **подко́ва** *сўз. сиф.*: тақага оид, тақага қоқиладиган, тақабоп; **подко́вный гвоздь** тақа михи; **подко́вное желе́зо** тақа қилинадиган темир.

ПОДКОВООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое тақасимон, тақа шаклидаги; **подко́вообра́зный магни́т** тақа шаклидаги магнит.

ПОДКО́ВЫВАТЬ *несов.* қ. подкова́ть.

ПОДКО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. подкова́ться; 2. *страд. от* подко́вывать (*қ.*).

ПОДКОВЫ́РИВАТЬ *несов.* қ. подковыря́ть ва **подковыну́ть.**

ПОДКОВЫ́РКА *ж содд.* писмиқлик; пичинг; **сло́ва не ска́жет без подковы́рки** пичинг қилмасдан гапирмайди.

ПОДКОВЫРНУ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* кавлаб кўчирмоқ, юлиб олмоқ, кўчириб юбормоқ; **подковырну́ть боля́чку** яранн кўчириб юбормоқ; 2. ‖ *содд.* пичинг отмоқ, гап блан узиб олмоқ, чақиб олмоқ, ништар суқмоқ.

ПОДКОВЫРЯ́ТЬ *сов. с. т.* = **подковыну́ть** 1 (*қ.*).

ПОДКО́ЖНЫЙ, -ая, -ое *махс.* тери ости, тери остидаги; тери остига юбориладиган; **подко́жный слой жи́ра** тери остидаги ёғ қатлами; **подко́жное впры́скивание** тери остига дори юбориш.

ПОДКОЛА́ЧИВАТЬ *несов.* қ. **подколоти́ть.**

ПОДКОЛА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* тагидан қоқилмоқ, михланмоқ, тагидан қоқиб (михлаб) қўймоқ.

ПОДКОЛЁННЫЙ, -ая, -ое *анат.* тизза остидаги, тақим; **подколённые мы́шцы** тизза ости мускуллари, тақим мускуллари.

ПОДКОЛО́ДНЫЙ, -ая, -ое: **змей подколо́дная** (*фольк.* ва *сўк.*) қўйинга кириб олган илон (маккор, хавфли одам ҳақида).

ПОДКОЛОТИ́ТЬ *сов.* тагидан қоқмоқ, михламоқ; тагидан қоқиб (михлаб) қўймоқ.

ПОДКОЛО́ТЬ *сов.* тўғнаб қўймоқ, санчиб қўймоқ; кўтариб (қайтариб) тўғнаб қўймоқ; тўғнагич блан бириктириб қўймоқ; **подколо́ть подо́л** этак-

ни (барни) қайтариб тўғнаб қўймоқ; подколо́ть спра́вку к заявле́нию справкани аризага тўғнаб қўймоқ.

подколочу́, подколо́тишь *буд. от* подколоти́ть (*қ.*).

ПОДКОМИ́ССИЯ *ж* подкомиссия (асосий комиссия составидан айрим ишларни кўриш учун ажратилган ёрдамчи комиссия).

ПОДКОМИТЕ́Т *м* подкомитет (асосий комитет составидан айрим ишларни олиб бориш учун ажратилган ёрдамчи комитет).

ПОДКОНТРО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое контроль (назорат) остидаги, назорат остида бўлган.

ПОДКО́П *м* 1. *только ед.* тагини (тагидан) кавлаш, остини (остидан) қазиш; қазиб (кавлаб) бориш; 2. ер остидан кавлаб борилган йўл; устро́ить подко́п ер остидан кавлаб йўл қилмоқ; 3. ‖ *с. т.* бировга чуқур қазиш, фитна; хи́трый подко́п макрлик билан уюштирилган фитна.

ПОДКОПА́ТЬ *сов.* тагини (тагидан) кавламоқ; остини (остидан) қазимоқ, тагидан (остидан) кавлаб бормоқ.

ПОДКОПА́ТЬСЯ *сов.* 1. тагини (остини) кавламоқ; тагидан (остидан) кавлаб бормоқ; ўйиб кирмоқ; крот подкопа́лся под де́рево кўрсичқон дарахт тагидан кавлаб кирипти; 2. ‖ *с. т.* кавлаштирмоқ, айбини қидирмоқ; бировга чуқур қазимоқ, ёвузга болта урмоқ; попробуй под него́ подкопа́ться! унинг айбини топиб бўпсан!

ПОДКО́ПНЫЙ, -ая, -ое подко́п *сўз. сиф.*; *қ.* подко́п.

ПОДКОПТИ́ТЬ *сов.* яна бироз дудламоқ, дудлаб тобига етқизмоқ (гўштни, балиқни).

подкопчу́, подкоптишь *буд. от* подкоптить (*қ.*).

ПОДКОРЕННО́Й, -ая, -ое *мат.* илдиз остидаги, радикал (илдиз) остидаги (илдиз белгиси—√остидаги); подкоренно́е число́ илдиз остидаги сон.

ПОДКО́РКА *ж акат.* ипўстанинг ости.

ПОДКО́РКОВЫЙ, -ая, -ое *махс.* пўст (пўстлоқ) остидаги; қатқалоқ остидаги.

ПОДКО́РМ *м* = подко́рмка (*қ.*).

ПОДКОРМИ́ТЬ *сов.* 1. овқатини (парваришини) яхшиламоқ; яхшилаб боқмоқ, семиртирмоқ; подкорми́ть больно́го беморнинг овқатини (парваришини) яхшиламоқ; 2. *қ. х.* қўшимча озиқлантирмоқ, қўшимча ўғит бермоқ, ўғитламоқ.

ПОДКОРМИ́ТЬСЯ *сов.* ўзига яхши парвариш қилмоқ, яхши қарамоқ; ўзини яхши боқмоқ; яхши еб-ичмоқ.

ПОДКО́РМКА *ж* 1. *только ед.* овқатини (парваришини) яхшилаш, яхшилаб боқиш, семиртириш; 2. *только ед.* қўшимча озиқлантириш, ўғитлаш; подко́рмка хлопча́тника минера́льными удобре́ниями ғўзанинг қўшимча равишда минерал ўғит билан озиқлантириш; 3. *қ. х.* қўшимча озиқ, ем-хашак; 4. *қ. х.* қўшимча ўғит.

ПОДКО́С *м* 1. *только ед.* ўриш, ўриб олиш, ўриб қўйиш; ўриб ташлаш; 2. *тех.* ҳовон, қия (ётиқ) тагак.

ПОДКО́СИНА *ж тех.* = подкос 2 (*қ.*).

ПОДКОСИ́ТЬ *сов.* 1. ўрмоқ, ўриб олмоқ, ўриб қўймоқ, ўриб ташламоқ; подкоси́ть траву́ ўтни ўриб олмоқ, ўриб ташламоқ; 2. ‖ йиқитмоқ, ётқизиб қўймоқ, адо (соп) қилмоқ, путур етказмоқ; боле́знь его́ подкоси́ла касал уни соп қилди.

ПОДКОСИ́ТЬСЯ *сов.* дармонсизланиб букилмоқ, эгилмоқ; ҳолсизланиб (қўрқувдан) қалтирамоқ, титрамоқ; чалишмоқ; оёги у него́ подкоси́лись от стра́ха қўрққанидан оёқлари қалтирар эди.

ПОДКО́СТНЫЙ, -ая, -ое *анат.* ўпак остидаги, суяк ости.

ПОДКО́ШЕННЫЙ, -ая, -ое подкоси́ть фе'лининг сифатдоши; он упа́л, как подко́шенный у худда ўқ тегкандек йиқилди.

подкошу́, подко́сишь *буд. от* подкоси́ть (*қ.*).

подкрадýсь, подкрадёшься *буд. от* подкра́сться (*қ.*).

ПОДКРА́ДЫВАТЬСЯ *несов.* қ. подкра́сться.

ПОДКРА́ИВАТЬ *несов.* к. подкро́ить.

ПОДКРА́СИТЬ *сов.* сал ранг (бўёқ) бермоқ, бироз ранг (бўёқ) суртмоқ, оз-моз бўяб қўймоқ; **подкра́сить щёки** юзларига сал ранг суртмоқ; **подкра́сить сте́ны** деворларни оз-моз бўямоқ.

ПОДКРА́СИТЬСЯ *сов. с. т.* андак пардоз қилмоқ, юзига (лабига) оз-моз ранг суртмоқ.

ПОДКРА́СКА *ж мн. нет* сал ранг (бўёқ) бериш, бироз ранг (бўёқ) суртиш; оз-моз бўяб қўйиш.

ПОДКРА́СТЬСЯ *сов.* 1. писиб (бикиниб) келмоқ (бормоқ); билдирмасдан (сездирмасдан, оёқ учида) юриб келмоқ (бормоқ); секин-аста бормоқ (келмоқ); **незаме́тно подкра́сться** сездирмасдан бормоқ (келмоқ); 2. ‖ бирдан келиб қолмоқ, сездирмасдан келиб қолмоқ, келиб кирмоқ; юз бермоқ, бошламоқ; **незаме́тно подкра́лась зима́** сездирмасдан қиш ҳам келиб қолди.

ПОДКРА́ШИВАТЬ *несов.* к. подкра́сить.

ПОДКРА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. к. подкра́ситься; 2. сал ранг (бўёқ) берилмоқ, бироз ранг (бўёқ) суртилмоқ; оз-моз бўяб қўйилмоқ.

подкра́шу, подкра́сишь *буд. от* подкра́сить (к.).

ПОДКРЕПИ́ТЬ *сов.* 1. маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ; подкрепить забо́р подпо́ркой тирговуч қўйиб девории мустаҳкамламоқ; 2. ‖ қувват бермоқ, мадад бермоқ; қувватга киргизмоқ, куч-қувватини оширмоқ; дармонини киргизмоқ, саломатлигини яхшиламоқ; подкрепи́ть больно́го усиленным пита́нием беморни кучли овқат билан қувватга киргизмоқ; **подкрепи́ть своё здоро́вье** саломатлигини яхшилаб олмоқ; 3. ‖ қувватламоқ, мустаҳкамламоқ; **подкрепи́ть своё мне́ние ве́сткими до́водами** ўз фикрини асосли далиллар билан қувватламоқ.

ПОДКРЕПИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* овқатланиб олмоқ, овқатланиб куч йиғиб олмоқ; ичиб дадил бўлиб олмоқ.

ПОДКРЕПЛЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* қувват бериш, мадад бериш; қувватга киргизиш; куч-қувватини ошириш; куч-қувватга кириш; дармон; **дать больно́му вина́ для подкрепле́ния** дармон бўлсин учун беморга вино бермоқ; 2. ‖ *только ед.* қувватлаш, мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш; **для подкрепле́ния свои́х слов** ўз сўзини қувватлаш учун, 3. *ҳарб.* мадад, ёрдам, кўмак; **отпра́вить подкрепле́ния на фронт** фронтга мадад юбормоқ.

ПОДКРЕПЛЯ́ТЬ *несов.* к. подкрепи́ть.

ПОДКРЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. к. подкрепи́ться; 2. *страд. от* подкрепля́ть (к.); **развити́е хлопково́дства подкрепля́ется необходи́мыми материа́льно-техни́ческими ресу́рсами** пахтачиликни ривожлантириш учун унга зарур бўлган моддий техника ресурслари ҳам етказиб берилмоқда.

ПОДКРОЙ́ТЬ *сов.* бичигини тўғриламоқ, тўғрилаб бичмоқ; **подкро́ить рука́в** енгининг бичигини тўғриламоқ.

ПОДКРУТИ́ТЬ *сов.* 1. маҳкамроқ бурамоқ, қаттиқроқ бураб қўймоқ; подкрути́ть винт винтни яна бураб қаттиқроқ қилмоқ; 2. ‖ *собд. бегн.* та'сир кўрсатмоқ, танобини тортиб қўймоқ.

ПОДКРУТИ́ТЬСЯ *сов.* маҳкамроқ бураламоқ, буралиб маҳкам бўламоқ.

ПОДКРУ́ЧИВАТЬ *несов.* к. подкрути́ть.

ПОДКРУ́ЧИВАТЬСЯ *несов* маҳкамроқ бураламоқ, қаттиқроқ бураб қўйилмоқ.

подкручу́, подкру́тишь *буд. от* подкрути́ть (к.).

ПОДКРЫ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое қанот остидаги, қанот ости; **подкры́льные пе́рья** қанот остидаги патлар; **подкры́льные огни́** *(ав.)* самолётнинг қаноти остидаги чироқлари.

ПОДКУЗЬМИ́ТЬ *сов. собд.* алдамоқ, лақиллатмоқ, аҳмоқ қилмоқ, фириб бермоқ; мушкул аҳволга солмоқ, ишини чатоқ қилмоқ.

ПОДКУЛА́ЧНИК *м* қулоқларнинг думи, муштумзўрлар тарафдори.

ПОДКУЛА́ЧНИЦА *ж* к. подкула́чник.

ПО́ДКУП *м мн. нет* пора бериб сотиб олиш, ўз томонига оғдириш: пора егизиш, порага учириш.

ПОДКУПА́ТЬ *несов. к.* подкупи́ть

ПОДКУПА́ТЬСЯ *несов.* пора бериб сотиб олинмоқ. ўз томонига оғдирилмоқ; порага учирилмоқ.

ПОДКУПА́ЮЩИЙ, -ая, -ее 1. подкупа́ть фе'лининг сифатдоши; 2. ‖ ўзига тортадиган, ўзига оғдирадиган, мафтун қиладиган, эритадиган, жозибали; **с подкупа́ющей и́скренностью** кишини ўзига тортадиган самимият билан.

ПОДКУПИ́ТЬ *сов.* 1. пора бериб сотиб олмоқ, ўз томонига оғдирмоқ, пора егизмоқ, порага учирмоқ; 2. ‖ ўзига тортмоқ; ўзига оғдирмоқ, кўнглини топмоқ, мафтун қилмоқ; эритмоқ; **его́ и́скренность подкупи́ла меня́** унинг самимийлиги мени мафтун қилди

ПОДКУПНО́Й, -ая, -о *с. т. манф* сотилган, порага учадиган, сотқин.

ПОДКУ́РИВАНИЕ *ср мн. нет махс.* подкури́ть фе'лининг ҳаракат номи; *қ.* подкури́ть.

ПОДКУ́РИВАТЬ *несов. қ.* подкури́ть.

ПОДКУ́РИВАТЬСЯ *несов. махс.* 1. тутун билан ҳайдалмоқ, тутатиб чиқарилмоқ, тутун бостириб қочирмоқ; 2. ишлов билан тусини ўзгартирмоқ.

ПОДКУРИ́ТЬ *сов. махс.* 1. тутун билан ҳайдамоқ, тутатиб ичидан чиқармоқ, тутун бостириб қочирмоқ; **подкури́ть пчёл** асаларилари тутун билан уясидан чиқармоқ, қочирмоқ; 2. ишлов билан янги тус бермоқ; **подкури́ть мех** мўйнага ишлов билан янги тус бериоқ.

подкую́, подку́ешь *буд. от* подкова́ть *(қ.)*.

ПОДЛА́ВЛИВАТЬ *несов. қ.* подлови́ть.

ПОДЛА́ДИТЬ *сов. с. т.* 1. *махс.* = прила́дить *(қ.)*; 2. месламоқ, мувофиқламоқ, тўғриламоқ; созламоқ, уйғунлаштирмоқ.

ПОДЛА́ДИТЬСЯ *сов. с. т.* 1. месланмоқ, мослашмоқ, мувофиқлашмоқ; уйғунлашмоқ; 2. ‖ *манф.* ра'йига юрмоқ, ра'йига қараб иш қилмоқ, кўнглини топмоқ, пинжига кириб олмоқ.

ПОДЛА́ЖИВАТЬ *несов. қ.* подла́дить.

ПОДЛА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* подла́диться; 2. месланмоқ, мувофиқлаштирилмоқ, уйғунлаштирилмоқ.

подла́жу, подла́дишь *буд. от* подла́дить *(қ.)*.

ПОДЛАКИРОВА́ТЬ *сов.* 1. сал локламоқ, сал лок бериб янгиламоқ, тузатмоқ; 2. ‖ бироз бўяб кўрсатмоқ (воқи'ликни, ҳақиқатни ва ҳ. к.).

ПОДЛАКИРО́ВЫВАТЬ *несов. к.* подлакирова́ть.

ПОДЛАКИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* сал локланмоқ, сал лок бериб янгиратилмоқ, тузатилмоқ.

ПОДЛА́МЫВАТЬ *несов. қ.* подлома́ть.

ПОДЛА́МЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* подлома́ться; 2. тагидан (остидан) синдирилмоқ, синдириб туширилмоқ.

ПОДЛА́СТИТЬСЯ *сов. с. т.* ширин сўз билан пинжига кириб олмоқ, тилёғламалик қилиб кўнглини топмоқ, хушомадгўйлик билан ўзига оғдирмоқ.

ПОДЛАТА́ТЬ *сов. содд.* ямамоқ, ямоқ солмоқ, ямаб (ямоқ солиб) тузатмоқ.

ПОДЛА́ЩИВАТЬСЯ *несов. қ.* подла́ститься.

подла́щусь, подла́стишься *буд. от* подла́ститься *(қ.)*.

ПОДЛЕ *предлог* (родит. п. билан) ёнида, олдида, ёнига; **ёнма-ён**; **он живёт по́дле нас** у бизнинг ёнимизда (бизга яқин) туради.

ПОДЛЁГОЧНЫЙ, -ая, -ое *анат.* ўпка остидаги, ўпка ости; **подлёгочная о́бласть** ўпка остидаги жойлар.

ПОДЛЁДНЫЙ, -ая, -ое муз остидаги, муз остида олиб бориладиган; **рыболове́цкие колхо́зы начали подлёдный лов** рыбы балиқ овловчи колхозлар муз остидаги балиқларни овлашга киришди.

ПОДЛЕЖА́ТЬ *несов. расм.* тегиш бўлмоқ, лозим (керак) бўлмоқ; ошт бўлмоқ; лойиқ (сазовор) бўлмоқ; **подлежа́ть суду́** судга тортилишга лойиқ бўлмоқ; **э́тот докуме́нт не под-**

лежи́т оглаше́нию бу ҳужжатнинг ошкора қилиниши мумкин эмас; **подлежи́т ве́дению** қарамоғидадир; *О́ это не подлежи́т сомне́нию* бунга шубҳа йўқ.

ПОДЛЕЖА́ЩЕЕ *ср грам.* эга

ПОДЛЕЖА́ЩИЙ, -ая, -ее *расм.* тегиш бўлган; лозим (оид) бўлган; тегишли, лозим; оид; лойиқ, сазовор; **дела́, подлежа́щие рассмотре́нию суда́** *(юр.)* судда кўрилиши лозим бўлган ишлар; **подлежа́щий штра́фу** штрафга лойиқ.

ПОДЛЕЗА́ТЬ *несов. к.* **подле́зть**

ПОДЛЕ́ЗТЬ *сов.* эмаклаб (судралиб) тагига кирмоқ, кириб олмоқ, кириб кетмоқ; **ребёнок подле́з под стол** бола эмаклаб стол остига кириб олди (олипти).

подле́й *пов. накл. от* **подля́ть** *(к.).*

ПОДЛЕПЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое *бот.* гулбарг остидаги, гулбарг ости.

ПОДЛЕ́СОК *м махс.* ўрмон ичидаги буталар ёки етилмаган дарахтлар.

ПОДЛЕ́СЬЕ *ср* ўрмонга ёпишган ерлар.

ПОДЛЕТА́ТЬ *несов. к.* **подлете́ть**

ПОДЛЕТЕ́ТЬ *сов.* 1. учиб олдига (яқинига, ёнига) келмоқ (бормоқ); **пти́чка подлете́ла к окну́** қуш дераза олдига учиб келди; 2. кўтарилмоқ, сапчиб (сакраб) чиқмоқ; **мяч подлете́л к потолку́** коптак сапчиб (сакраб) шипга чиқди; 3. ‖ *с. т.* югуриб (югурганча) ёнига келмоқ, олдига бормоқ, ўқдай учиб олдига, ёнига келмоқ (бормоқ).

ПОДЛЁЦ *м с. т. нафр.* аблаҳ, ярамас, паст, ифлос, разил, қабиҳ, мутаҳам.

ПОДЛЕ́ЧИВАТЬ *несов. к.* **подлечи́ть**

ПОДЛЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **подлечи́ться**; 2. бироз даволанмоқ, даволаб бироз тузатилмоқ.

ПОДЛЕЧИ́ТЬ *сов. с. т.* бироз даволамоқ, даволаб бироз тузатмоқ; **подлечи́ть больно́е се́рдце** касал юракни даволаб бироз тузатмоқ.

ПОДЛЕЧИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* бироз даволанмоқ, унча-мунча даво олмоқ, даволаниб (даво олиб) бироз тузалмоқ; **подлечи́ться на куро́рте** курортда бироз даволанмоқ.

подлечу́ I, **подлети́шь** *буд. от* **подлете́ть** *(к.).*

подлечу́ II, **подле́чишь** *буд. от* **подлечи́ть** *(к.).*

ПОДЛЁЩИК *м зоол.* лешчга ўхшаш бирхил балиқ.

ПОДЛИ́ВА = **подли́вка** *(к.)*

ПОДЛИВА́ТЬ *несов. к.* **подли́ть.**

ПОДЛИВА́ТЬСЯ *несов.* 1. тагига қўйилмоқ, остига тўкилмоқ; 2. яна қўйилмоқ, устига яна бироз қўйилмоқ, қўшилмоқ.

ПОДЛИ́ВКА *ж* 1. қайла; **сла́дкая подли́вка** ширин қайла; **мя́со с подли́вкой** устига қайла қўшиб берилган гўшт; 2. *махс.* бўза, раствор (бинокорликда).

ПОДЛИВНО́Й, -ая, -о́е *махс* **подли́вка** 2 *сўз. сиф.*; бўза (раствор) қўйиб қилинадиган; **подли́вная кла́дка** бўза (раствор) қўйиб ғишт териш.

подлижу́, подли́жешь *буд. от* **подлиза́ть** *(к.).*

ПОДЛИ́ЗА *м и ж с. т. нафр.* хушомадгўй, лаганбардор, ялоқ; бировнинг товонини яловчи.

ПОДЛИЗА́ТЬ *сов.* ялаб қўймоқ, ялаб топтоза қилмоқ.

ПОДЛИЗА́ТЬСЯ *сов. с. т. нафр.* хушомадгўйлик қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ; бировнинг товонини ламоқ, ялоқланмоқ.

ПОДЛИ́ЗЫВАТЬ *несов. к.* **подлиза́ть**

ПОДЛИ́ЗЫВАТЬСЯ *несов. к.* **подлиза́ться**

ПО́ДЛИННИК *м* асл нусха; асли; **предста́вить докуме́нты в по́длинниках** ҳужжатларнинг асл нусхасини бермоқ, топширмоқ; **изуча́ть кла́ссиков маркси́зма-ленини́зма в по́длинниках** марксизм-ленинизм классикларининг асарларини аслидан ўрганмоқ; **чита́ть Ба́йрона в по́длиннике** Байрон асарини аслидан (инглиз тилида) ўқимоқ; **перевести́ с францу́зского по́длинника** француз тилидаги асли нусхасидан таржима қилмоқ.

по́длинно *нареч.* чин, чинакам, чиндан, ҳақиқатан, ҳақиқий; **лишь в усло́виях социалисти́ческой систе́мы хозя́йства возмо́жно по́длинно тво́рческое содру́жество де́ятелей нау́ки с рабо́тниками произво́дства** фақат социалистик хўжалик системаси шароитида фан арбоблари билан ишлабчиқариш ходимлари ўртасида чинакам ҳамкорлик бўлиши мумкин; **он по́длинно наро́дный поэ́т** у чинакам халқ шоири.

по́длинность *ж мн. нет* асллик, чинлик, тўғрилик; ҳақиқийлик; **по́длинность докуме́нтов установ́лена** ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги тасдиқланди.

по́длинный, -ая, -ое 1. асл, чин, ҳақиқий; **по́длинный докуме́нт** ҳақиқий ҳужжат; **по́длинный текст** асл текст; **с по́длинным ве́рно** аслига тўғри; 2. чинакам, ҳақиқий; **он по́длинный поэ́т** у чинакам шоир; **э́то его́ по́длинные слова́** бу унинг ўз оғзи билан айтган сўзи; **сове́тская конститу́ция указа́ла всем наро́дам путь к по́длинной свобо́де и сча́стью** совет конституцияси ҳамма халқларга чин озодлик ва бахт йўлини кўрсатди.

по́длинь *м* и *ж махс.* туллаб учолмайдиган бўлиб қолган қуш.

подли́ски *мн. к.* подли́сок.

подли́сок *м* (*мн.* подли́ски) *махс.* 1. ёш тулки; 2. ит билан тулкининг чатишувидан вужудга келган дурагай.

подли́ть *сов.* 1. тагига қўймоқ, остига тўкмоқ; 2. яна қўймоқ, устига яна бироз қўймоқ, қўшмоқ; **подли́ть вина́ в стака́н** стаканга яна бироз вино қўймоқ; ◊ ***подли́ть ма́сла в ого́нь к.*** **ма́сло** I.

по́дличать *несов. с. т. манф.* разиллик қилмоқ, қабиҳлик (пастлик) қилмоқ; қабиҳ (ярамас, разил, нафс) иш қилмоқ.

по́дло *нареч.* разилона, ярамас; **он поступи́л по́дло** у ярамас (разил) иш қилди.

подло́вить *сов.* 1. йўлини тўсиб олмоқ, олдидан тўсиб чиқиб тутмоқ, ов қилмоқ; 2. ‖ *с. т.* сўзидан наинтирмоқ, гапидан тутиб олмоқ.

подло́г *м* сохтакорлик, қалбакичилик, қаллоблик; сохта (қалбаки) ҳужжат ва ҳ. к. тайёрлаш; **соверши́ть подло́г** сохтакорлик қилмоқ; **обвине́ние в подло́ге** сохтакорликда (қаллобликда) айбламоқ.

подло́дка *ж* = **подво́дная ло́дка** *қ.* подво́дный I (2-нчи ма'носида).

подло́жечный, -ая, -ое қўкрак остидаги, кўкрак ости; **подло́жечная я́мка** *(анат.)* кўкрак ости чуқурчаси; **подло́жечные бо́ли** *(мед.)* кўкрак ости оғриқлари.

подложи́ть *сов.* 1. тагига (остига) қўймоқ; **подложи́ть поду́шку под го́лову** бошига ёстиқ қўймоқ; **подложи́ть ка́мень под колесо́** ғилдирак остига тош қўймоқ; 2. *махс.* бирор нарсадан астар қилмоқ; **подложи́ть шёлк под пальто́** пальтога шойидан астар қилмоқ; 3. яна ташламоқ, солмоқ; ташлаб қўймоқ; **подложи́ть дров в пе́чку** печкага ўтин ташлаб қўймоқ; 4. қўшиб қўймоқ, илова қилмоқ; тиркамоқ; **подложи́ть докуме́нт в де́ло** ҳужжатни делога илова қилиб (тиркаб) қўймоқ; 5. яширинча ташлаб кетмоқ, секин (биздирмай) қўйиб кетмоқ; **подложи́ть анони́мное письмо́** яширинча юмалоқ (аноним) хат ташлаб кетмоқ; ◊ ***подложи́ть свинью́ кому́-н.*** *(с. т.)* бировга ёмон иш қилмоқ, фириб бермоқ.

подло́жность *ж мн. нет* сохталик, қалбакилик; **подло́жность докуме́нта** ҳужжатнинг қалбакилиги.

подло́жный, -ая, -ое сохта, қалбаки; **подло́жная по́дпись** сохта имзо.

подлоко́тник *м* курсининг қаноти, тирсак қўядиган ёндори.

подломи́ть *сов.* тагидан (остидан) синдирмоқ, синдириб туширмоқ; **подломи́ть ве́тку** шохни тагидан синдирмоқ, синдириб туширмоқ.

подломи́ться *сов.* кўтаролмай синиб тушмоқ, оғирлигидан синиб кетмоқ; **лёд подломи́лся под ного́й** оёқ остидаги муз синиб кетди; ◊ ***но́ги подломи́лись*** *(содд.)* оёққа оёқ қолмади.

подло́пастный, -ая, -ое *махс.* даррак қаноти (қураги) остидаги.

ПОДЛОПА́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое *анат.* курак остидаги, курак ости.

ПО́ДЛОСТЬ *ж* 1. разиллик, ифлослик, пастлик, ярамаслик, аблаҳлик, мал'унлик; **по́длость посту́пка** хатти-ҳаракатнинг разиллиги; 2. разолат; қабоҳат; ярамас хатти-ҳаракат, қабиҳ (разил, ифлос) иш; **соверши́ть по́длость** ярамас иш қилмоқ.

ПОДЛУ́ННЫЙ, -ая, -ое *эск. поэз.* 1. ер юзидаги, жаҳондаги; **подлу́нный мир** жаҳон, дун'ё; 2. *сущ.* **подлу́нная** *ж мн. нет* ер юзи, дун'ё, жаҳон.

ПО́ДЛЫЙ, -ая, -ое разил, ифлос, паст, ярамас, аблаҳ, мал'ун; **по́длый челове́к** ярамас одам; **по́длые за́мыслы поджига́телей войны́** уруш оловини ёқувчиларнинг ёвуз ниятлари.

подма́жу, подма́жешь *буд. от* **подма́зать** (*қ.*).

ПОДМА́ЗАТЬ *сов.* 1. суртмоқ, суркамоқ, ялатма қилиб мойламоқ; бироз мойлаб (шуваб, тузатиб) қўймоқ; **подма́зать** сковороду товани ялатма қилиб ёғламоқ; **подма́зать сапоги́** дёгтем этикка қорамой суртмоқ; **подма́зать печь** печканинг уер-буерини шуваб тузатмоқ; **подма́зать окно́** ойнанинг тирқишларини замазкалаб бекитмоқ; 2. ‖ *собд.* томогини мойламоқ, пора бермоқ.

ПОДМА́ЗАТЬСЯ *сов.* 1. *с. т.* пардоз қилмоқ, юзига упа-эллик суртмоқ; 2. ‖ *собд.* пинжига кириб одмоқ, элакишиб қолмоқ, суркалмоқ.

ПОДМА́ЗКА *ж мн. нет* суртиш, суркаш, мойлаш, бироз мойлаб қўйиш; **подма́зка** колёс ғилдиракларни мойлаш, бироз мойлаб қўйиш.

ПОДМА́ЗЫВАТЬ *несов. к.* **подма́зать.**

ПОДМА́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **подма́заться**; 2. суртилмоқ, суркалмоқ; мойланмоқ; бироз мойлаб қўйилмоқ.

ПОДМАЛЕВА́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* бироз бўёқ бермоқ, сал бўяб қўймоқ; 2. *спт.* асосан бўёқ бериб бўлмоқ (рассомликда).

ПОДМАЛЁВКА *ж* 1. *только ед.* бироз бўёқ бериш, сал бўяб қўйиш; 2. = **подмалёвок** (*қ.*).

ПОДМАЛЁВОК *м спт.* асосий бўёқ (расм тамом битишидан олдин берилган бўёқ).

ПОДМАЛЁВЫВАТЬ *несов. к.* **подмалева́ть.**

ПОДМАЛЁВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **подмалёвывать** (*қ.*).

ПОДМАНДА́ТНЫЙ, -ая, -ое *сиёс.* мандат блан идора қилинадиган (халқ-аро ташкилот томонидан берилган мандат блан йирик империалистик давлат томонидан идора қилинадиган қарам мамлакат ва ерлар ҳақида): **подманда́тные стра́ны** мандат блан идора қилинадиган мамлакатлар.

ПОДМА́НИВАТЬ *несов. к.* **подмани́ть.**

ПОДМА́НИВАТЬСЯ *несов. с. т.* имлаб чақирилмоқ, алдаб чақирилмоқ, алдаб чақириб (ўзига оғдириб) олинмоқ.

ПОДМАНИ́ТЬ *сов. с. т.* имлаб чақирмоқ, алдаб чақирмоқ, алдаб чақириб (ўзига оғдириб) олмоқ.

ПОДМАРЕ́ННИК *м бот.* подмаренник (ўрмонларда ва ўтлоқ ерларда ўсадиган барги узун оқ ёки сариқгулли ўт).

ПОДМА́СЛИВАТЬ *несов. к.* **подма́слить.**

ПОДМА́СЛИТЬ *сов.* 1. яна бироз ёғ солмоқ, ёғлан қўшмоқ, ёғлироқ қилмоқ; **подма́слить ка́шу** кашага яна бироз ёғ солмоқ, кашани ёғлироқ қилмоқ; 2. *с. т.* = **подма́зать** 2 (*қ.*).

ПОДМАСТЕ́РЬЕ *м* мастер-ўрдамчиси, шогирд, халфа.

ПОДМА́ХИВАТЬ *несов. к.* **подмахну́ть.**

ПОДМАХНУ́ТЬ *сов. с. т.* ўқимасдан қўл қўймоқ, суриштирмай қўл қўявермоқ, шошиб-пишиб қўл қўйиб юбормоқ; **подмахну́ть заявле́ние** шошиб-пишиб аризага қўл қўймоқ.

ПОДМА́ЧИВАТЬ *несов. к.* **подмочи́ть.**

ПОДМА́ЩИВАТЬ *несов. к.* **подмости́ть.**

ПОДМА́ЩИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **подма́щивать** (*қ.*).

подмёл, подмела́ *прош. от* **подмести́** (*қ.*).

ПОДМЁН *м.* **ПОДМЁНА** *ж* атайин ёки билмасдан алмаштириш, олиб ўрнига бошқасини қўйиш, адаштириш, алиштириш; **не заме́тить подме́ны** алмаштирилганлигини (адаш бўлганлигини) пайқамай қолмоқ.

ПОДМЕ́НИВАТЬ *несов.* *қ.* **подмени́ть.**

ПОДМЕ́НИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **подме́нивать** (*қ.*).

ПОДМЕНИ́ТЬ *сов.* 1. атайин ёки билмасдан алмаштирмоқ, алиштирмоқ, адаштирмоқ, олиб ўрнига бошқасини қўймоқ; **подменить калоши** калишни адаштириб кетмоқ; 2. *с. т. манф.* алмаштирмоқ; **подменить практи́ческую рабо́ту заседа́тельской суетнёй** амалий ишни мажлисвозликка алмаштирмоқ.

ПОДМЕНЯ́ТЬ *несов.* *қ.* **подменить.**

ПОДМЕНЯ́ТЬСЯ *несов. страд. от* **подменя́ть** (*қ.*).

ПОДМЕРЗА́ТЬ *несов.* *қ.* **подмёрзнуть.**

ПОДМЁРЗНУТЬ *сов.* 1. юзи сал яхламоқ, сал музламоқ, муз билан қопланмоқ, қаймоқ бойламоқ, қатқалоққа айланмоқ; **лужи подмёрзли кўлоб** сувлар муз билан қопланди; 2. сал совуқ урмоқ, совуқ олмоқ; **фру́кты подмёрзли** мевалари сал совуқ олди.

ПОДМЕСИ́ТЬ *сов.* яна ун солиб қаттиқроқ қилмоқ, урвоқ солиб қормоқ; **подмеси́ть му́ки в те́сто** хамирни яна ун солиб қаттиқроқ қилмоқ.

ПОДМЕСТИ́ *сов.* 1. супурмоқ, супуриб-сидириб қўймоқ; подмести **ко́мнату** уйни супуриб-сидириб қўймоқ; 2. супуриб тагига тўпламоқ, уйиб қўймоқ; **подмести му́сор под ле́стницу** супуриб ахлатни зинанинг тагига тўпламоқ.

ПОДМЕТА́ЛЬЩИК *м* кўча (ховли) супуручи ишчи.

ПОДМЕТА́ЛЬЩИЦА *ж* *қ.* **подмета́льщик.**

ПОДМЕТА́ТЬ I *несов.* *қ.* **подмести́.**

ПОДМЕТА́ТЬ II *сов.* нариdан-бери кўкламоқ, катта-катта қилиб кўклаб қўймоқ; **подмета́ть подо́л пла́тья** кўйлакнинг этагини (барини) нариdан-бери кўклаб қўймоқ.

ПОДМЕТА́ТЬСЯ *несов.* супурилмоқ, супуриб-сидириб қўйилмоқ.

ПОДМЕ́ТИТЬ *сов.* кўрмоқ, сезмоқ, пайқамоқ; кўриб (сезиб, пайқаб) қолмоқ; **я в нём подме́тил скло́нность к то́чным нау́кам** мен унда аниқ фанларга ҳавас борлигини сезиб; **подме́тить недоста́тки** нуқсонларни пайқамоқ.

ПОДМЁТКА *ж* чарм, капаки (тагчарм); **ко́жаные подмётки** чарм капаки; **рези́новые подмётки** резина капаки; ◇ **он тебе́ в подмётки не годи́тся** (*с. т.*) у сенинг босган изинга ҳам арзимайди.

ПОДМЕТНУ́ТЬ *сов. эск.* яширин ташлаб кетмоқ, секин (билдирмай) қўйиб кетмоқ; **подметну́ть письмо́** секин (билдирмай) хат ташлаб кетмоқ.

ПОДМЁТНЫЙ, -ая, -ое *эск.* яширин ташлаб кетилган, билдирмай (секин) қўйиб кетилган; **подмётное письмо́** секин (билдирмай) қўйиб кетилган хат.

ПОДМЁТОЧНЫЙ, -ая, -ое *уст.* **подмётка** *сўз. сиф.*; капаки (тагчарм)га оид, капаки (тагчарм) қилинадиган; капакибоп; **подмёточная ко́жа** капаки чарм.

подмету́, **подмете́шь** *буд.* *от* **подмести́** (*қ.*).

ПОДМЁТЫВАТЬ I *несов.* *қ.* **подмета́ть** II.

ПОДМЁТЫВАТЬ II *несов. эск.* **подметну́ть.**

ПОДМЕЧА́ТЬ *несов.* *қ.* **подме́тить.**

ПОДМЕЧА́ТЬСЯ *несов.* пайқалмоқ, пайқаб (билиб, сезиб) қолинмоқ.

подме́чу, **подме́тишь** *буд.* *от* **подме́тить** (*қ.*).

подмечу́, **подме́чешь** *буд.* *от* **подмета́ть** II (*қ.*).

ПОДМЕША́ТЬ *сов.* аралаштирмоқ, қориштирмоқ, қўшмоқ; **подмеша́ть песку́ в цеме́нт** цемонга қум аралаштирмоқ; **подмеша́ть му́ки в те́сто** хамирга урвоқ солмоқ.

ПОДМЁШИВАТЬ I *несов.* *қ.* **подмеси́ть.**

ПОДМЁШИВАТЬ II *несов.* *қ.* **подмеша́ть.**

ПОДМЁШИВАТЬСЯ I *несов.* я

ун солиб қаттиқроқ қилинмоқ (хамир ҳақида).

ПОДМЕ́ШИВАТЬСЯ II *несов.* аралаштирилмоқ, қоришгирилмоқ, қўшилмоқ.

подмешу́, подме́сишь *буд. от* **подмести́ть** (*қ.*).

ПОДМИ́ГИВАНИЕ *ср мн. нет* кўз қисиш, кўз қисиб қўйиш, кўз қисиб имо (ишора) қилиш.

ПОДМИ́ГИВАТЬ *несов.* қ. **подмигну́ть.**

ПОДМИГНУ́ТЬ *сов.* кўз қисмоқ, кўз қисиб қўймоқ, кўз қисиб имо (ишора) қилмоқ.

ПОДМИНА́ТЬ *несов.* қ. **подмя́ть.**

ПОДМИНА́ТЬСЯ *несов.* тагига бо сиб олинмоқ, адабн берилмоқ.

ПОДМО́ГА *ж с. т.* ёрдам, мадад, кўмак; **прийти́ на подмо́гу кому́-н.** ёрдамга келмоқ (бормоқ), ёрдам бергани келмоқ (бормоқ).

ПОДМОКА́ТЬ *несов.* қ. **подмо́кнуть.**

ПОДМО́КНУТЬ *сов.* нам тортмоқ, тагидан нам (сув) ўтиб ивимоқ, тагидан нам (сув) ўтиб бузилмоқ.

ПОДМОРА́ЖИВАТЬ *несов.* қ. **подморо́зить**; **подмора́живает** *(безл.)* совуқ бўлиб турипти, совуқ тушиб қолди.

ПОДМОРО́ЖЕННЫЙ, -ая, -ое яхлатган, музлатган, совуқ урган; яхлаб (музлаб) қолган; совуқ уриб кетган; **подморо́женный карто́фель** совуқ урган картошка.

ПОДМОРО́ЗИТЬ *сов.* 1. бироз яхлатмоқ; музлатмоқ, совуқ урдирмоқ; сал яхлатиб (музлатиб) қўймоқ, совуққа олдирмоқ; **подморо́зить фру́кты** меволарни совуққа олдириб қўймоқ; 2. *безл.* совуқ тушмоқ, совуқ бўлиб қолмоқ; **к ве́черу подморо́зило** кечқурун совуқ тушди.

ПОДМОСКО́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. Москва ёнидаги (яқинидаги). Москва атрофидаги; **подмоско́вный дом о́тдыха** Москва яқинидаги дам олиш уйи; **подмоско́вный у́голь** Москва яқинидаги кондан олинадиган кўмир; 2. сущ. **подмоско́вная** *ж тар.* Москва яқинидаги ер-мулк, қўргон.

ПОДМОСКО́ВЬЕ *ср* Москва атрофи, Москва атрофидаги ерлар; **райо́ны Подмоско́вья** Москва атрофидаги районлар.

ПОДМОСТИ́ТЬ *сов.* 1. тош териб тузатмоқ, кенгайтирмоқ (тош йўлни); яна тош ётқизмоқ; 2. ‖ *с. т.* сўри (саҳна) қурмоқ.

ПОДМО́СТКИ *мн., ед. нет* 1. сўри, тахта супа; 2. ‖ *эск.* саҳна.

ПОДМО́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое намиқиб қолган, нам тортган, тагидан нам (сув) ўтиб ивиган, нам тортиб бузилган; **подмо́ченная мука́** нам тортиб қолган ун; ◇ **у него́ подмо́ченная репута́ция** *(с. т.)* унинг шаънига дог тушган, у бадном (ёмон отлиқ) бўлган.

ПОДМОЧИ́ТЬ *сов.* намиқтириб қўймоқ, нам олдириб қўймоқ, тагидан нам (сув) ўтадиган жойга қўйиб ишдан чиқармоқ; **подмочи́ть таба́к** тамакини намиқтириб қўймоқ.

подмощу́, подмости́шь *буд. от* **подмости́ть** (*қ.*).

подмо́ю, подмо́ешь *буд. от* **подмы́ть** (*қ.*).

ПОДМЫ́В *м мн. нет* 1. уёқ-буёгини ювиш, ювиб олиш, ювиб қўйиш, ювиб ташлаш; 2. ювиб кетиш, олиб (илаб) кетиш.

ПОДМЫВА́ТЬ *несов.* 1. қ. **подмы́ть**; 2. ‖ *безл. с. т.* қистамоқ, бирор иш қилгиси келиб турмоқ; **меня́ так и подмыва́ло вступи́ть в спор** баҳсга киришгим келиб турди; **так и подмыва́ет сказа́ть** айтай-айтай деб турипти, айтиб юборгиси келиб турипти; **его́ так и подмыва́ет е́хать на охо́ту** унинг овга боргиси келиб турипти.

ПОДМЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **подмы́ться**; 2. *страд. от* **подмыва́ть** 1 (*қ.*).

ПОДМЫ́ТЬ *сов.* 1. уёқ-буёгини ювмоқ, ювиб олмоқ, ювиб қўймоқ, ювиб ташламоқ; 2. бироз ювмоқ, сал-пал ювиб қўймоқ, ювиб дог-дугларини кетказмоқ; **подмы́ть пол** полни сал-пал ювиб қўймоқ; 3. ювиб кетмоқ, олиб (илаб) кетмоқ; тагидан ювиб камар қилиб кетмоқ; **вода́ подмы́ла бе́рег** сув қирғоқни тагидан ювиб камар қилиб кетипти.

ПОДМЫТЬСЯ *сов.* *уёк-буёгини* ювмоқ, ювиб (ювиниб) олмоқ.

ПОДМЫ́ШЕЧНЫЙ, -ая, -ое *анат.* подмы́шка *сущ. сиф.*: қўлтиқ остидаги, қўлтиқ ости.

ПОДМЫ́ШКА *ж* қўлтиқ: **подмышкой**, подмы́шками (ба'зан под мышкой, под мы́шками) қўлтиқда. қўлтиққа олиб, қўлтиққа қисиб, қўлтиқ остида; **болйт подмы́шкой** қўлтиқнинг ости оғрияпти; **нести что-н. подмы́шкой (подмы́шками)** қўлтиғида олиб бормоқ; **подмышки, подмы́шку** (ба'зан **под мышки, под мы́шку**) қўлтиққа, қўлтиқ остига; қўлтиқдан; **взять что-н. подмы́шки (подмы́шку)** бирор нарсани қўлтигига (қўлтиққа қисиб) олмоқ; **я подхвати́л его́ подмышки** мен'уни қўлтиқлаб, қўлтиғидан ушлаб олдим.

ПОДМЯКА́ТЬ *несов.* к. подмя́кнуть.

ПОДМЯ́КНУТЬ *сов.* с. т. нам тортиб (ивиб) сал юмшамоқ, юмшаб (юмшоқ'бўлиб) қолмоқ; **хлеб подмя́к в кладово́й** омборда нон нам тортиб юмшаб қолипти.

ПОДМЯ́ТЬ *сов.* тагига босиб олмоқ, тагига босиб олиб эзмоқ, жигини эзиб қўймоқ; **подмя́ть под себя́ противника** (в борьбе́) курашда рақибни босиб олиб эзиб ташламоқ.

ПОДНАДЗО́РНЫЙ, *ав.* -ое *разг.* 1. назорат остидаги, назорат остига олинган; 2. *сущ.* **поднадзо́рный** *м* назорат остидаги киши; **поднадзо́рная** *ж* назорат остидаги аел.

ПОДНАДУ́ТЬ *сов.* с. т. *безл.* сал алдамоқ, бироз товлаб (фириб бериб) кетмоқ.

ПОДНАЖА́ТЬ *сов.* *содд.* 1. тезлатмоқ, зўр бермоқ, жадаллаштирмоқ; **поднажа́ть на вёсла** эшакларга зўр бермоқ; 2. ‖ қистамоқ, сиқиштирмоқ, сиқмоқ, та'сир кўрсатмоқ; қаттиқроқ тутмоқ, тезлатишни талаб қилмоқ; **поднажа́ть на отстающих** орқада қолаётганларга та'сир кўрсатмоқ; орқада қолаётганлардан вишнинг тезлатилишини талаб қилмоқ.

ПОДНАЖИМА́ТЬ *несов.* с. т. к. поднажа́ть.

ПОДНАРЯ́Д *м мадс.* бошлиқ астари (оёқ кийимида).

ПОДНАЧА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *эск.* ва *ҳазл.* қарам одам, тобе'(мустақил бўлмаган) одам; **он человек под**начáльный у тебя́ одам.

ПОДНА́ШИВАТЬ *несов.* к. *разг.* к. поднести́.

ПОДНЕБЕ́СНЫЙ, -ая, -ое *эск.* і. *поэз.* дун'евий; бу дун'ёдаги: **подне́бесный мир** бу дун'ё; 2. *сущ.* **подне́бесная** *ж* *фольк.* ер юзи, олам, жаҳон, дун'е.

ПОДНЕБЕ́СЬЕ *ср мн.* нет *поэз.* осмон, кўк, фалак, само; **орёл парит в подне́бе́сье** бургут осмону фалакда парвоз қилмоқда.

ПОДНЕВО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. *эск.* ва *ҳазл.* эрксиз, қарам, тутқун, эркли ўзида бўлмаган, **подневóльный человéк** қарам одам, 2. мажбурий, эрксиз, **подневóльный крестья́нский труд** эрксиз крепостнойлик меҳнати, **подневóльный труд в капиталисти́ческом обществе** капиталистик жамиятдаги эрксиз меҳнат.

ПОДНЕСТИ́ *сов.* 1. яқин (одамга) ёнига) олиб бормоқ (олиб келмоқ), тутмоқ; **поднести́ рýкопись к све́ту** қўлёзмани ёруққа тутмоқ, чироққа яқинлаштирмоқ; **поднести́ спи́чку к папиро́се** папиросга гугурт тутмоқ; **поднести́ ребёнка к окну́** болани дераза олдига олиб бормоқ (олиб келмоқ). 2. элтиб бермоқ, келтириб тўрмоқ, етказиб ташиб бермоқ; **поднести́ патро́ны в окопы** окопларга патрон (ўқ) етказиб бермоқ. 3. келтириб тутмоқ, эҳтифот қилмоқ; **поднести́ стака́н вина́ бы́стро** бир стакан винони тутмоқ; 4. тақдим этмоқ, тортиқ қилиб бермоқ; **поднести́ буке́т арти́сту** артистга гулдаста тақдим қилмоқ.

поднесу́, поднесёшь *буд. от* поднести́ (к.).

ПОДНИМА́ТЬ *несов.* к. подня́ть.

ПОДНИМА́ТЬСЯ *несов.* к. подня́ться.

подниму́, поднимешь *буд. от* подня́ть (к.).

ПОДНОВИ́ТЬ *сов.* 1. янгиламоқ, тузатиб (пардоз бериб) янгидай қилмоқ; **подновúть плáтье** кўйлакни янгидай қилмоқ; 2. ‖ янгиламоқ; тикламоқ, хотирага (эсга) олмоқ; воз-

новйть све́дения ма'лумотларни янгиламоқ.

ПОДНОВИ́ТЬСЯ *сов.* янгиланмоқ, янгидай (янгиси) бўлмоқ.

ПОДНОВЛЯ́ТЬ *несов.* қ. подновйть.

ПОДНОВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. подновйться; 2. *страд. от* подновля́ть (қ.).

ПОДНОГО́ТНАЯ *ж с. т.* сир, ички сир; узна́ть всю подного́тную ҳамма сирини билиб олмоқ.

ПОДНО́ЖИЕ *ср* 1. этак, таг; у подно́жия горы́ тог этагида; положи́ть цветы́ к подно́жию па́мятника ҳайкал остига гул қўймоқ; 2. ҳайкал таги, таглиги, супачаси; бюст на мра́морном подно́жии мармар тагликка ўрнатилган бюст.

ПОДНО́ЖКА I *ж* подножка, зина (вагон, автомашина ва ш. к. ларда); подно́жка трамва́я трамвай подножкаси (зинаси).

ПОДНО́ЖКА II *ж с. т.* чалиш, сёгидан чалиб юбориш; дать подно́жку кому́-н. чалиб юбормоқ.

ПОДНО́ЖНЫЙ: подно́жный корм ёйловдаги ут, ўтлоқ.

ПОДНО́С I *м мн. нет* ватиб бераш, келтириб туриш, етказиб (ташиб) бериш; подно́с кирпи́чей ғишт етказиб (ташиб) туриш.

ПОДНО́С II *м* патнис; ме́дный подно́с баркаш, мис баркаш; пода́ть чайник на подно́се чойнакни патнисда олиб келиб (бориб) бермоқ.

ПОДНОСИ́ТЬ *несов.* қ. поднести́.

ПОДНОСИ́ТЬСЯ *несов. страд. от* подноси́ть (қ.).

ПОДНО́СКА *ж* = подно́с I (қ.).

ПОДНО́СНЫЙ, -ая, -ое *эск.* тақдим этилган, тортиқ қилиб берилган; тақдим қилиш (тортиқ қилиш) учун аталган: подно́сный экземпля́р китобнинг тақдим қилиш учун аталган нусхаси.

ПОДНО́СЧИК *м* келтириб туручи, етказиб (ташиб) туручи; подно́счик патро́нов патрон етказиб (ташиб) туручи (солдат).

ПОДНОШЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* келтириб тутиш, тақдим этиш; тортиқ қилиб бериш; подноше́ние це́нного пода́рка қимматли совға бериш; 2. *эск.* тортиқ, ҳад'я; армугон.

подношу́, подно́сишь *наст. от* подноси́ть (қ.).

ПОДНЫ́РИВАТЬ *несов.* қ. поднырну́ть.

ПОДНЫРНУ́ТЬ *сов.* тагига шўнгимоқ, шўнгиб тагига кириб кетмоқ; поднырну́ть под ло́дку қайиқ остига қараб шўнгимоқ.

ПОДНЯ́ТИЕ *ср мн. нет* поднима́ть, подня́ть фе'лининг ҳаракат номи: голосова́ть подня́тием руки́ қўл кўтариб овоз бериш; подня́тие производи́тельности труда́ меҳнат унумини кўтариш.

ПОДСЕДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. эгарланган, эгарли; **подседе́льный конь** эгарли от; 2. эгар остидаги, эгар уриб ҳосил бўлган; **подседе́льная ссади́на** эгар уриб ҳосил бўлган яра, игир; 3. эгарни тортиб кўядиган, эгар устидан тортиладиган; **подседе́льный ремень** айвд. эгар устидан тортиладиган қайиш.

ПОДСЕДЛА́ТЬ *сов. дарз. спорт.* эгарламоқ, эгар урмоқ.

ПОДСЕ́ДЛЫВАТЬ *несов.* қ. **подседла́ть**.

ПОДСЕ́ДЛЫВАТЬСЯ *несов. дарз. спорт.* эгарланмоқ, эгар урилмоқ.

ПОДСЕ́ИВАТЬ *несов.* қ. подсеять.

ПОДСЕ́ИВАТЬСЯ = подсева́ться (к.)

подсе́к, подсекла́ *прош. от* подсе́чь (к.).

ПОДСЕ́КА *ж* қ. х. ўрмон ичидан очилган ер

ПОДСЕКА́ТЬ *несов.* қ. подсе́чь.

ПОДСЕКА́ТЬСЯ *несов. страд. от* подсека́ть (к.).

подсеку́, подсечёшь *буд. от* подсе́чь (к.).

ПОДСЕ́КЦИЯ *ж* подсекция, секция бўлими.

подсе́л, подсе́ла *прош. от* подсе́сть (к.).

ПОДСЕМЕ́ЙСТВО *ср биол.* кенжа оила (қайвонлар ва ўсимликлар систематикасида)

ПОДСЕРДЕ́ЧНЫЙ -ая, -ое *анат., мед* юрак остидаги, юрак ости

ПОДСЕ́СТЬ *сов.* 1. ёнига ўтирмоқ, ёнига (олдига) бориб (келиб) ўтирмоқ; яқинроқ бориб (келиб) ўтирмоқ; **подсе́сть к столу́** столга яқинроқ бориб ўтирмоқ; 2. йўловчи машинага (аравага ва ҳ. к. га) ўтирмоқ, тушмоқ, тушиб олмоқ; **подсе́сть на попу́тную телёгу** йўловчи аравага тушиб олмоқ.

ПОДСЕ́ЧКА *ж мн нет* подсечь ёки ўтинни ҳаракат пили; **подсе́чка ле́са** ўрмонни кесиб ташлаб ер очиш

ПОДСЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое подсека́ (ўз. *спф.*); **подсе́чное земледе́лие** (**подсе́чная систе́ма земледе́лия**) *махс.* ўрмон ичидан ер очиб деҳқончилик қилиш.

ПОДСЕ́ЧЬ *сов.* 1. *махс.* дарахтларни қирқиб ер очмоқ; **подсечь лес** ўрмондаги дарахтларни қирқиб ер очмоқ; 2. тагдан қирқмоқ, тагидан қирқиб ташламоқ; **подсе́чь де́рево** дарахтни тагидан қирқиб ташламоқ.

3. *махс.* балиқ алдаётган пайтда қармоқни бирдан тортмоқ.

ПОДСЁЯТЬ *сов.* 1. қўшимча экмоқ (сепмоқ); хато (чиқмай қолган) жойларга яна экмоқ. 2. *махс.* аралаштириб экмоқ (мас., бугдойга беда аралаштириб сепмоқ).

ПОДСИДЕ́ТЬ *сов.* 1. пойлаб ётмоқ, писиб (биқиниб) ётиб пойламоқ, пайт пойлаб урмоқ; **подсиде́ть медве́дя** пайт пойлаб айиқни урмоқ (овда). 2. ‖ *с. т. манф.* панд бермоқ, кўлга туширмоқ, оёқ чалмоқ.

ПОДСИ́ЖИВАНИЕ *ср* 1. *только ед.* пойлаб ётиш, писиб (биқиниб) ётиб пойлаш, пайт пойлаб уриш. 2. ‖ *с. т.* панд бериш, кўлга тушириш, оёқ чалиш.

ПОДСИ́ЖИВАТЬ *несов.* қ. подсиде́ть.

подсижу́, подсидишь *буд. от* подсиде́ть *(қ.)*.

ПОДСИ́НИВАТЬ *несов.* к подсини́ть

ПОДСИ́НИВАТЬСЯ *несов* 1. қ подсини́ться; 2. *страд. от* подсини́вать *(қ.)*

ПОДСИНИ́ТЬ *сов* 1 кўкимтир ранг бермоқ, кўкимтир рангга бўямоқ; 2 синькаламоқ, синькага босмоқ.

ПОДСИНИ́ТЬСЯ *сов* синькаланмоқ, синькани ўзига яхши олмоқ, синькани яхши олиб тиниқ (тоза) бўямоқ; **бельё хорошо́ подсини́лось** кир яхши синькаланди, синькани ўзига яхши олди.

ПОДСИ́НЬКА *ж мн нет* 1 кўкимтир ранг бериш, кўкимтир рангга бўяш; 2. синькалаш синькага босиш.

ПОДСКА́БЛИВАТЬ *несов* қ подскобли́ть.

ПОДСКА́БЛИВАТЬСЯ *несов* андак қириб ташланмоқ, сал-пал қириб тушириламоқ; қириб тозаланмоқ.

подскажу́, подска́жешь *буд от* подсказа́ть *(к.)*.

ПОДСКАЗ *м* қ подска́зка

ПОДСКАЗА́ТЬ *сов* 1 секин айтиб бермоқ, секингина (билдирмай, сездирмай) айтиб бермоқ; **подсказа́ть ученику́** ўқувчига секин-секин айтиб бермоқ; 2 ‖ кўрсатмоқ кўрсатиб бермоқ, эсга солмоқ; **опыт подсказа́л** **ему́ пра́вильное реше́ние вопро́са** тажриба унга масалани тўғри ҳал қилиш йўлини кўрсатиб берди.

ПОДСКА́ЗКА *ж мн нет с. т.* секин айтиб бериш, секингина айтиб туриш, луқма солиш; **отвеча́ть по подска́зке** бировнинг секингина айтиб берганига қараб жавоб бермоқ; **получи́ть замеча́ние за подска́зку** айтиб тургани учун танбеҳ олмоқ.

ПОДСКА́ЗЫВАНИЕ *ср мн нет* к подска́зка.

ПОДСКА́ЗЫВАТЬ *несов.* қ подсказа́ть.

ПОДСКА́ЗЫВАТЬСЯ *несов страд от* подска́зывать *(қ.)*

ПОДСКАКА́ТЬ *сов.* от чоптириб бормоқ (келмоқ), от қўйиб бормоқ (келмоқ).

ПОДСКА́КИВАТЬ I *несов* қ. подскака́ть.

ПОДСКА́КИВАТЬ II *несов.* қ. подскочи́ть.

подскачу́, подска́чешь *буд. от* подскака́ть *(қ.)*

ПОДСКОБЛИ́ТЬ *сов.* андак қириб ташламоқ, сал-пал қириб туширмоқ, қириб тозаламоқ; **подскобли́ть ма́рку** хатнинг суркалиб кетган жойини қириб тозаламоқ.

ПОДСКО́К *м спорт.* юқорига сакраш, иргиш.

ПОДСКОЧИ́ТЬ *сов.* 1. тез (бир сакраб) бормоқ (келмоқ), лип этиб бормоқ (келмоқ); **подскочи́ть к две́ри** лип этиб эшик олдига бормоқ (келмоқ); 2. сакраб кетмоқ, иргиб (сапчиб) тушмоқ; **подскочи́ть от удивле́ния** ҳайратидан иргиб тушмоқ; 3. ‖ *с.т.* бирдан кўтарилмоқ, кўтарилиб (ошиб) кетмоқ; **температу́ра подскочи́ла** температура бирдан кўтарилди; **це́ны подскочи́ли** баҳолар бирдан ошиб кетди.

подскрёб, подскребла́ *прош. от* подскрести́ *(к.)*.

ПОДСКРЕБА́ТЬ *несов.* қ. под скрести́.

ПОДСКРЕБА́ТЬСЯ *несов. страд от* подскреба́ть *(к.)*.

подскребу́, подскребёшь *буд. от* подскрести́ *(к.)*.

ПОДСКРЁБЫВАТЬ *несов. к* **подскрести́**.

ПОДСКРЕСТИ́ *сов.* 1. қириб ташламоқ, қириб (қиртишлаб) тозаламоқ; **подскрести́ тротуа́р** тротуарни (йўлқани) қириб ташламоқ, тозаламоқ; 2. қириб (қиртишлаб) тўдаламоқ. **қириб-сириб тўпламоқ**; **подскрести́ снег в ку́чу** қорни қириб тўпламоқ.

ПОДСЛАСТИ́ТЬ *сов.* бироз ширинроқ қилмоқ, қанд қўшмоқ, шакар солмоқ; ◇ ***подсласти́ть (позолоти́ть) пилю́лю*** *к.* **пилю́ля**.

ПОДСЛА́ЩИВАТЬ *несов. к.* **подсласти́ть**.

ПОДСЛА́ЩИВАТЬСЯ *несов.* бироз ширинроқ қилинмоқ, қанд қўшилмоқ, шакар солинмоқ.

подслащу́, подсласти́шь *буд. от* **подсласти́ть** (*к.*).

ПОДСЛЕ́ДСТВЕННЫЙ, ая, -ое *юр.* 1. тергов остидаги, иши терговда бўлган, тергов қилинаётган; 2. *сущ.* **подсле́дственный** *м.*, **подсле́дственная** *ж.* тергов остидаги киши.

ПОДСЛЕПОВА́ТЫЙ, ая, -ое 1. кўзи сал кўр, кўрроқ, хира, ожиз; **подслеповáтые глазá** хира (ожиз) кўзлар, 2. ‖ *с. т.* хира, унча ёруғ бермайдиган; қоронғироқ.

ПОДСЛУ́ЖИВАТЬСЯ *несов. к* **подслужи́ться**.

ПОДСЛУЖИ́ТЬСЯ *сов. разг.-сниж.* мулозимат қилиб кўнглини топмоқ, хушомад (хушомадгўйлик) қилиб ўзига оғдириб олмоқ, лаганбардорлик билан инжига кириб олмоқ.

ПОДСЛУ́ШАТЬ *сов.* билдирмай (сездирмай) эшитиб олмоқ, бирор жойдан қулоқ солиб эшитмоқ; **подслу́шать чей-н. разгово́р** қулоқ солиб бировнинг гапини эшитиб олмоқ.

ПОДСЛУ́ШИВАНИЕ *ср. мн. нет* билдирмай (сездирмай) эшитиб олиш, бирор жойдан қулоқ солиб эшитиб олиш.

ПОДСЛУ́ШИВАТЬ *несов. к.* **подслу́шать**.

ПОДСЛУ́ШИВАТЬСЯ *несов.* билдирмай (сездирмай) эшитиб олинмоқ, бирор жойдан қулоқ солиб эшитиб олинмоқ.

ПОДСМА́ТРИВАНИЕ *ср. мн. нет* мўралаш, мўралаб қараш, бирор жойдан қараб (мўралаб) кўриб олиш.

ПОДСМА́ТРИВАТЬ *несов. к.* **подсмотре́ть**.

ПОДСМЕ́ИВАТЬСЯ *несов.* масхара (мазах) қилиб кулмоқ, ҳазиллашиб (тегишиб) кулмоқ.

ПОДСМЕ́НА *ж. махс.* навбатдаги (галдаги) смена, навбати (гали) келган смена.

ПОДСМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое смена ўтучи, навбатдаги сменада иш олиб бориш қилиб олучи, смена навбати келган; **подсме́нный рабо́чий** навбатдаги сменада иш олиб бориш қилиб олучи ишчи.

ПОДСМОТРЕ́ТЬ *сов.* мўраламоқ, мўралаб қарамоқ, бирор жойдан қараб (мўралаб) кўриб олмоқ; **подсмотре́ть в щёлку что-н.** тирқишдан қараб (мўралаб) кўрмоқ, кўриб олмоқ.

ПОДСНЕ́ЖНИК *м* бойчечак.

ПОДСНЕ́ЖНЫЙ, -ая, -ое қор остидаги, қор тагидан олинган; **подсне́жный лёд** қор остидаги муз.

подсобе́ру, подсоберёшь *буд. от* **подсобра́ть** (*к.*).

ПОДСОБИ́ТЬ *сов. собд.* = **пособи́ть** (*к.*).

ПОДСОБЛЯ́ТЬ *несов. к.* **подсобли́ть**.

ПОДСО́БНИК *м. с. т.* ёрдамчи ишчи.

ПОДСО́БНИЦА *ж. с. т. к.* **подсо́бник**.

ПОДСО́БНЫЙ, -ая, -ое 1. ёрдамчи, кўмакчи, қўшимча; **подсо́бное хозя́йство** ёрдамчи хўжалик, **подсо́бный рабо́чий** ёрдамчи ишчи, 2. ёрдамчи, кўмакчи, иккинчи даражали; **подсо́бная роль** иккинчи даражали роль.

подсобра́л, подсобрала́ *прош. от* **подсобра́ть** (*к.*).

ПОДСОБРАТЬ *сов. с. т.* секин-секин йиғмоқ, секин-секин йиғиб кўпайтирмоқ.

ПОДСО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **подсу́нуть**.

ПОДСО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **подсо́вывать** (*к.*).

ПОДСОЗНА́НИЕ *ср мн. нет* шакланиб етмаган фикр. етилмаган онг

ПОДСОЗНА́ТЕЛЬНО *нареч.* онгига етмасдан; беихтиёр

ПОДСОЗНА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн нет* яхши англашилмаганлик. онгга бориб етмаганлик; гайриихтиёрий лик.

ПОДСОЗНА́ТЕЛЬНЫЙ. -ая, -ое онгга бориб етмаган :гайриихтиёрий. беихтиёр; **подсозна́тельное движе́ние** беихтиёр ҳаракат; **подсозна́тельные ощуще́ния** онгга бориб етмаган сезгилар.

ПОДСО́КА *ж мн.* тилиш, тилим (дарахт танасида ширасини оқизиш учун тилиб қўйилган жой)

ПОДСОКРАТИ́ТЬ *сов. с. т.* бироз қисқартирмоқ, бироз камайтирмоқ; **подсократи́ть докла́д** докладни бироз қисқартирмоқ.

ПОДСОКРАЩА́ТЬ *несов.* қ. подсократить.

подсокращу́, подсократи́шь *буд. от* **подсократи́ть** (қ.)

ПОДСОЛИ́ТЬ *сов.* яна бироз туз солмоқ, тузини бироз баландроқ қилмоқ; яна тузламоқ; **подсоли́ть суп** шўрвага яна бироз туз солмоқ.

ПОДСО́ЛНЕЧНИК *м* кунгабоқар, пистачка.

ПОДСО́ЛНЕЧНЫЙ I. -ая, -ое 1. **подсо́лнечник** *сўз. сиф.*, кунгабоқарга (пистачкага оид). **подсо́лнечный сте́бель** кунгабоқар пояси; 2. кунгабоқардан (пистачкадан) олинган; **подсо́лнечное ма́сло** пистачка мойи.

ПОДСО́ЛНЕЧНЫЙ II. ая, -ое кунга (офтобга) қараган, кунгай; **подсо́лнечная сторона́ дома** уйнинг кунгай томони.

ПОДСО́ЛНУХ *м с. т.* 1 қ. подсо́лнечник; 2 пистачка: **грызть подсо́лнухи** пистачка чақмоқ

ПОДСО́ЛНУХОВЫЙ. -ая, -ое **подсо́лнух** *сўз. сиф.*; кунгабоқарга (пистачкага) оид; **подсо́лнуховое по́ле** кунгабоқар экилган ер, майдон.

ПОДСО́СНЫЙ. -ая, -ое қ. *х.* бола эмизадиган. эмизикли; **подсо́сная ко́за** эмизикли ечки; **подсо́сное вос**пита́ние теля́т бузоқларни эмчакдан (онасидан) айирмай катта қилиш.

ПОДСО́СОК *м* (*мн. подсо́ски*) қ. *х.* эмчакдан (онасидан) эндигина ажратилган ёш мол.

ПОДСО́ХНУТЬ *сов.* 1. қуримоқ, қуриб қолмоқ. сергимоқ; **ручёй подсо́х** ариқдаги сув қуриб қолди; **на у́лицах уже́ подсо́хло** *(безл.)* кўчалар қуриб қолди, йўлларга пайраха тушиб қолди; 2. *с. т.* қотмоқ, тузлиб қолмоқ; **ра́на подсо́хла** яра қотди

ПОДСО́ЧКА *ж мн. нет махс.* тилишлаш, тилиб қўйиш (дарахт ширасини оқизиш, олиш учун пўстлоғини тилиб қўйиш)

ПОДСО́ЧНЫЙ, -ая, -ое дарахт пўстлоғини тилиб смола (шира) оқизишга, олишга оид; **подсо́чное хозя́йство** дарахт пўстлоғини тилиб смола тайёрлаш хўжалиги

ПОДСПО́РЬЕ *ср мн. нет с. т.* ёрдам, мадад, кўмак; суянчиқ, таянч; **явля́ться подспо́рьем** суянчиқ бўлмоқ, мадад бўлмоқ; **огоро́д—большо́е подспо́рье в хозя́йстве** огород (полиз) хўжалик учун катта мададдир.

ПОДСПУ́ДНЫЙ, -ая, -ое *эск.* фойдаланилмай ётган, бекор (ҳаракатсиз) ётган, ташлаб қўйилган.

ПОДСТА́ВИТЬ *сов.* 1. тагига (остига) қўймоқ; **подста́вить ведро́ под водосто́чную трубу́** тарнов остига пақир қўймоқ; 2. қўймоқ, яқинроқ суриб қўймоқ, келтириб тагига қўймоқ; **подста́вить ле́стницу к стене́** деворга нарвон қўймоқ; **кто-то мне подста́вил стул** кимдир тагимга стул келтириб қўйди; 3. тирговуч қўймоқ, тиргак қўймоқ, бирор нарса блан кўтариб (суяб, тираб) қўймоқ; **подста́вить подпо́рку к де́реву** дарахтнинг шохларига тирговуч қўймоқ; 4 алмаштирмоқ, ўрнига қўймоқ, ўрнига қўйиб чиқмоқ; **подста́вить сло́ва вме́сто многото́чий** нуқталар ўрнига сўзларни қўйиб чиқмоқ; **подста́вить чи́сла в бу́квенное алгебра́ическое выраже́ние** алгебраик ифодада ҳарфлар ўрнига сонларни қўйиб чиқмоқ; 5 қўйиб бермоқ, тутиб бермоқ; **подста́вить фигу́ру под пе́шку** сипони пиёда кўзига қўйиб бермоқ (шахмат

ўйинида); ◇ **подста́вить но́жку** қ. **но́жка.**

ПОДСТА́ВКА *ж* остлик, таглик, таг курси, поя, тирғак; **я́щик стоя́л на подста́вках** ящик остликка ўрнатилган эди; **подста́вка для утюга́** дазмол қўядиган таглик.

ПОДСТАВЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **подста́вить.**

ПОДСТАВЛЯ́ТЬСЯ *несов. страд. от* **подставля́ть** *(қ.).*

ПОДСТАВНО́Й, -а́я, -о́е 1. тагига (остига) қўйиладиган, ёнига қўйиладиган, қўшимча қўйилган; **подставно́й стул в теа́тре** театрда стуллар ёнига келтириб қўйилган қўшимча стул; 2. ‖ ҳақиқий бўлмаган, ўзи эмас, қалбаки, сохта, ёлғон, **подставно́е лицо́** сохта шахс, биров ўрнидаги сохта одам; **подставно́й свиде́тель** сохта гувоҳ.

ПОДСТАКА́ННИК *м* подстаканник (стакан қўйиладиган қулоқлик идиш).

ПОДСТАНО́ВКА *ж мн. нет* алмаштириб ўрнига қўйиш, ўрнига қўйиб чиқиш; **подстано́вка чи́сел в фо́рмулу** формуладаги ҳарфлар ўрнига сонларни қўйиб чиқиш.

ПОДСТА́НЦИЯ *ж* подстанция; **телефо́нная подста́нция** телефон подстанцияси (ёрдамчи телефон станцияси); **трансформа́торная подста́нция** трансформаторли подстанция (электр кучланишини ўзгартириб берадиган подстанция); **преобразова́тельная подста́нция** ўзгарувчан токни доимий токка айлантириб берадиган подстанция.

ПОДСТЕГА́ТЬ *сов.* пахта солиб қавимоқ, пахталик қилмоқ, ичидан пахта қўйиб тикмоқ; **подстега́ть хала́т** чопонга пахта солиб қавимоқ.

ПОДСТЁГИВАТЬ I *несов.* қ. **подстегну́ть I.**

ПОДСТЁГИВАТЬ II *несов.* қ. **подстегну́ть II.**

ПОДСТЁГИВАТЬ III *несов.* қ. **подстега́ть.**

ПОДСТЁГИВАТЬСЯ I *несов. страд. от* **подстёгивать I** *(қ.).*

ПОДСТЁГИВАТЬСЯ II *несов. страд. от* **подстёгивать II** *(қ.).*

ПОДСТЕГНУ́ТЬ I *сов.* 1. қамчиламоқ, саваламоқ, шиғаб ҳайдамоқ; **подстегну́ть ло́шадь** отни қамчиламоқ; 2. ‖ *собир.* кистамоқ, кистовга олмоқ, илдамлаштирмоқ; ишни тезлатишни (жадаллаштиришни) талаб қилмоқ; **подстегну́ть отстаю́щих** орқада қолаётганлардан ишни тезлатишни талаб қилмоқ.

ПОДСТЕГНУ́ТЬ II *сов. с. т.* тагидан тикмоқ, тагига тутмоқ, **подстегну́ть пододея́льник** кўрпага подоялник (чойшаб) тутмоқ.

подстелю́ подсте́лешь *буд. от* **подстла́ть** *(қ.).*

ПОДСТЁНОК *м арх. эск.* қ. **контрфо́рс.**

ПОДСТЕПНО́Й, -а́я, -о́е *махс.* даштга (қирга) туташ, даштга ёпишган; **подстепна́я полоса́** даштга туташ ерлар.

ПОДСТЕ́ПЬЕ *ср махс.* даштга (қирга) туташ (қўшни) ерлар.

подстерёг, подстерегла́ *прош. от* **подстере́чь** *(қ.).*

ПОДСТЕРЕГА́ТЬ *несов.* қ. **подстере́чь.**

ПОДСТЕРЕГА́ТЬСЯ *несов.* пойламоқ.

подстерегу́, подстережёшь *буд. от* **подстере́чь** *(қ.).*

ПОДСТЕРЕ́ЧЬ *сов.* пойлаб туриб (пойлаб ётиб) тутиб олмоқ, қўлга туширмоқ, гаппа босмоқ; **подстере́чь лису́** тулкини пойлаб ётиб отмоқ.

ПОДСТИЛА́ТЬ *несов.* қ. **подости́лать**

ПОДСТИЛА́ТЬСЯ *несов.* тагига (остига) солинмоқ, ёзилмоқ, тўшалмоқ.

ПОДСТИ́ЛКА *ж* 1 *только ед.* тагига (остига) солиш, ёзиш, тўшаш; 2 тўшама, тўшак, кўрпача; 3. қ. *х.* мол остига солинган нарса, тўшама; **соло́менная подсти́лка** похол тўшама.

ПОДСТИ́ЛОЧНЫЙ, -ая, -ое тўшаладиган, тагига солинадиган, таглик; **подсти́лочный матери́ал** мол тагига солинадиган (тўшаладиган) похол.

ПОДСТО́ЖНИК *м,* **ПОДСТО́ЖЬЕ** *ср мн. нет. х.* ғарам остига солинган (тўшалган) нарса, ғарам тўшамаси.

ПОДСТО́Й *м махс.* қуруқ дарахт, қуриб қолган дарахт.

ПОДСТО́ЙНЫЙ, -ая, -ое *махс.* подсто́й *сўз. сиф.*; қуруқ, қуриб қолган; **подсто́йный лес** дарахтлари қуриб қолган ўрмон.

ПОДСТРА́ГИВАТЬ *несов. к.* подстрога́ть.

ПОДСТРА́ГИВАТЬСЯ *несов.* бироз рандаланмоқ, рандалаб текисланмоқ, силлиқланмоқ.

ПОДСТРА́ИВАТЬ *несов. к.* подстро́ить.

ПОДСТРА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к* подстро́иться; 2. *страд. от* подстра́ивать *(к.)*.

ПОДСТРА́ЧИВАТЬ *несов. к* подстрочи́ть.

ПОДСТРА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* бахяламоқ тикилмоқ.

ПОДСТРЕКА́ТЕЛЬ *м манф.* васваса солувчи, ғаламис, иғвогар, фитначи.

ПОДСТРЕКА́ТЕЛЬНИЦА *ж манф. к* подстрека́тель.

ПОДСТРЕКА́ТЕЛЬСТВО *ср мн нет манф.* васваса солиш, иғвогарлик, ғаламислик, фитна.

ПОДСТРЕКА́ТЬ *несов. к* подстрекну́ть.

ПОДСТРЕКНУ́ТЬ *сов.* 1. *манф.* васваса солмоқ, иғво қилмоқ, фитна солмоқ, ғаламислик қилмоқ; 2. қизиқтирмоқ, кўзғатмоқ, ҳавасини келтирмоқ; **подстрекну́ть чьё-н любопы́тство** бировни қизиқтириб қўймоқ.

ПОДСТРЕ́ЛЕННЫЙ, -ая, -ое отилган, ўқ еган, ўқ теккан.

ПОДСТРЕ́ЛИВАТЬ *несов. к.* подстрели́ть.

ПОДСТРЕЛИ́ТЬ *сов.* отиб (ўқ теккизиб) ярадор қилмоқ; **подстрели́ть за́йца** отиб кўенни ярадор қилмоқ.

подстри́г, подстри́гла *прош. от* подстри́чь *(к.)*.

ПОДСТРИГА́ТЬ *несов. к.* подстри́чь.

ПОДСТРИГА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к* подстри́чься; 2. *страд. от* подстрига́ть *(к.)*.

подстригу́, подстрижёшь *буд. от* подстри́чь *(к.)*

ПОДСТРИ́ЖЕННЫЙ, -ая, -ое қирқилган, олинган, текис қилиб бутаган, қайчиланган, олиб ташланган; **подстри́женные но́гти** олинган тирноқлар, **ко́ротко подстри́женные во́лосы** калта қилиб олинган соч.

ПОДСТРИ́ЧЬ *сов.* 1. қирқмоқ, олмоқ, текис қилиб бутамоқ, қайчиламоқ, олиб ташламоқ; **подстри́чь но́гти** тирноқни олмоқ; **подстри́чь ку́сты** буталарни текис қилиб қайчиламоқ; 2. сочини олмоқ, сочини олиб қўймоқ; **парикма́хер ко́ротко подстри́г ма́льчика** сартарош боланинг сочини калта қилиб олиб қўйди.

ПОДСТРИ́ЧЬСЯ *сов.* сочини олдирмоқ; **он подстри́гся в парикма́херской** у сартарошликда сочини олдирди.

ПОДСТРОГА́ТЬ *сов.* бироз рандаламоқ, рандалаб текисламоқ, силлиқламоқ; **подстрога́ть до́ску** тахтани бироз рандаламоқ.

ПОДСТРО́ИТЬ *сов.* 1. ёнига (олдига) қурмоқ, ёнма-ён қилиб солмоқ; **подстро́ить террасу́ к до́му** уйнинг олдига (ёнига) айвон солмоқ; 2. *ҳарб.* ёнига саф тортмоқ, ёнига келиб турмоқ; 3. *муз.* созламоқ; **подстро́ить скри́пку под роя́ль** скрипкани рояльга созламоқ; 4. ‖ *с. т.* найранг ўйнамоқ, ҳийла ишлатмоқ; **подстро́ить шу́тку** ҳазил ўйнамоқ.

ПОДСТРО́ИТЬСЯ *сов.* 1. *с. т.* иморатини (уйини) бировнинг иморатига епиштириб солмоқ, ёнма-ён қилиб қурмоқ; 2. *ҳарб.* ёнига келиб саф тортмоқ.

ПОДСТРОПИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* стропил остидаги, стропил остига қўйиладиган.

ПОДСТРОЧИ́ТЬ *сов. махс.* бахяламоқ, бахялаб тикмоқ.

ПОДСТРО́ЧНИК *м* сўзма-сўз таржима, сатрма-сатр қилинган таржима.

ПОДСТРО́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. ҳар бир сатр ёки бет остида берилган; **подстро́чная сно́ска** бет остида берилган ёзув; **подстро́чное примеча́ние** сатр ёки бет остида берилган

изоҳ; 2. сўзма-сўз, сатрма-сатр, айнан; **подстро́чный перево́д** сатрма-сатр таржима.

по́дступ *м* 1. яқинлашиш, ҳужум билан яқинлашиб келиш (бориш); 2. *с. т.* яқинлашиш, ёнига (олдига, ҳузурига) келиш (бориш); ёнига йўлаш; **к нему́ сего́дня и по́дступу нет** бугун унинг ёнига йўлаб ҳам бўлмайди; 3. *ҳарб.* остона, бўсага; **бой на по́дступах к го́роду** шаҳар остоналаридаги жанглар.

ПОДСТУПА́ТЬ *несов. қ.* **подступи́ть.**

ПОДСТУПА́ТЬСЯ *несов. с. т. қ.* **подступи́ться.**

ПОДСТУПИ́ТЬ *сов.* 1. яқинлашмоқ, ҳужум билан яқинлашиб бормоқ (келмоқ); **войска́ подступи́ли к го́роду** қўшин ҳужум билан шаҳарга яқинлашиб келди; 2. *с. т.* яқинлашмоқ, олдига (ёнига, ҳузурига) бормоқ (келмоқ), ёнига йўламоқ; **подступи́ть с про́сьбами** *(к кому́-н.)* илтимос билан олдига бормоқ (келмоқ); 3. ‖ тиқилмоқ, тўлиб-тошиб келмоқ; **рыда́ния подступи́ли к го́рлу** ўпкам (ўпкаси) тўлиб кетди.

ПОДСТУПИ́ТЬСЯ *сов. с. т. қ* **подступи́ть** 2; **к нему́ не подступи́ться** унинг олдига йўлаб бўлмайди.

ПОДСУДИ́МАЯ *ж юр.* судланучи аёл, иши судда бўлган аёл.

ПОДСУДИ́МЫЙ *м юр.* судланучи, иши судда бўлган киши; **вы́звать подсуди́мого** судланувчини чақирмоқ; **допра́шивать подсуди́мого** судланувчини сўроқ қилмоқ; ◇ ***скамья́ подсуди́мых*** *қ.* скамья́

ПОДСУ́ДНОСТЬ *ж мн. нет юр.* бирор суд идорасига қарашлилик, иши бирор судда кўрилишга тегишлик.

ПОДСУ́ДНЫЙ, -ая, -ое *юр.* бирор суд идорасига қарашли бўлган, иши бирор судда кўрилиши тегиш бўлган; **де́ло, подсу́дное городско́му суду́** шаҳар судида кўрилиши тегиш бўлган иш.

ПОДСУ́МОК *м* (*мн.* **подсу́мки**) *ҳарб.* подсумок, ўқдон, садоқ.

ПОДСУ́МОЧНЫЙ, -ая, -ое *ҳарб.* **подсу́мок** *сўз. сиф.*; ўқдонга (садоққа) оид.

ПОДСУ́НУТЬ *сов.* 1. суқиб қўймоқ, тагига (остига) тиқиб қўймоқ; **подсу́нуть ве́щи под скаме́йку** нарсаларни скамейка остига тиқиб қўймоқ; 2. *с. т.* қистирмоқ, билдирмасдан қистириб (қўйиб, бериб) кетмоқ.

ПОДСУРЬМИ́ТЬ *сов.* сал-пал сурма қўймоқ, сурма қўйиб олмоқ, сурма қўйиб (тортиб) сал-пал қорайтирмоқ.

ПОДСУРЬМИ́ТЬСЯ *сов.* сал-пал сурма қўйиб олмоқ, қошига (кўзига) бироз сурма тортмоқ.

ПОДСУ́ЧИВАТЬ *несов. қ.* **подсучи́ть.**

ПОДСУ́ЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **подсу́чивать** *(қ.).*

ПОДСУЧИ́ТЬ *сов.* 1. *махс.* қўшиб эшмоқ, қўшиб пишитмоқ; **подсучи́ть щети́ну в дра́тву** мумланган ипга қил қўшиб пишитмоқ; 2. *с. т.* бироз ошмармоқ, шимариб олмоқ, қайтариб (қайтариб) қўймоқ; **подсучи́ть рукава́** енгни шимариб олмоқ.

ПОДСУ́ШИВАТЬ *несов. қ.* **подсуши́ть.**

ПОДСУ́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **подсуши́ться**; 2. *страд. от* **подсу́шивать** *(қ.).*

ПОДСУШИ́ТЬ *сов.* 1. андак қуритмоқ, бироз қуритиб олмоқ; 2. *махс.* қотириб юбормоқ, қақратиб юбормоқ.

ПОДСУШИ́ТЬСЯ *сов.* 1. устбошини бироз қуритиб олмоқ; **пу́тники подсуши́лись у огня́** йўловчилар (сайёҳлар) кийимларини ўтга тутиб бироз қуритиб олишди; 2. *махс.* қуриб кетмоқ, қақраб кетмоқ, қаттиқ бўлиб кетмоқ; **сухари́ хорошо́ подсуши́лись** сухари яхши қотипти.

ПОДСУ́ШКА *ж мн. нет* бироз қуритиш, андак қуритиб олиш.

ПОДСЧЁТ *м* 1. *только ед.* ҳисоблаш, санаш, санаб чиқиш, санаб кўриш; **сообщи́ть результа́ты подсчёта голосо́в** овозларни санаб (ҳисоблаб) чиқиб, натижаларни эълон қилмоқ; 2. *только мн.* ҳисоб, санов; **по́ предвари́тельным подсчёта́м** дастлабки ҳисобга кўра.

ПОДСЧИТА́ТЬ *сов.* ҳисобламоқ, санамоқ, ҳисоблаб (санаб) чиқмоқ; ҳисоблаб (санаб) кўрмоқ.

ПОДСЧИ́ТЫВАТЬ *несов. к.* подсчита́ть.

ПОДСЧИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* ҳисоблаш, санамоқ, ҳисоблаб (санаб) чиқмоқ, ҳисоблаб (санаб) кўрмоқ.

ПОДСЫЛА́ТЬ *несов. к.* подосла́ть.

ПОДСЫЛА́ТЬСЯ *несов. страд. от* подсыла́ть (*к.*).

ПОДСЫ́ПАТЬ *сов.* 1. сепмоқ, яна сепмоқ, сепиб қўймоқ, яна солмоқ; кўшмоқ; **подсы́пать овса́ ло́шади** отга яна арпа бермоқ; 2. билдирмай бирор нарса қўшиб (солиб) бермоқ.

ПОДСЫПА́ТЬ *несов. к.* подсы́пать.

ПОДСЫ́ПКА *ж. с. т.* 1. сепиш, яна сепиш, сепиб қўйиш; яна солиш қўшиш; **производи́ть подсы́пку** песка қум сепиб қўймоқ; 2. сепилган (сепиб қўйилган) нарса.

ПОДСЫХА́ТЬ *несов. к.* подсо́хнуть.

подся́ду, подся́дешь *буд. от* подсе́сть (*к.*).

ПОДТА́ИВАТЬ *несов. к.* подтая́ть.

ПОДТА́ЛКИВАТЬ *несов. к.* подтолкну́ть.

ПОДТА́ЛКИВАТЬСЯ *несов. страд. от* подта́лкивать (*к.*).

ПОДТА́ПЛИВАТЬ *несов. к.* подтопи́ть.

ПОДТА́ПЛИВАТЬСЯ *несов. страд. от* подта́пливать (*к.*).

ПОДТА́СКИВАТЬ *несов. к.* подтащи́ть.

ПОДТА́СКИВАТЬСЯ *несов.* судраб (тортиб) олиб келинмоқ (олиб борилмоқ), судраб келтирилмоқ, ташилмоқ.

ПОДТАСОВА́ТЬ *сов.* 1. ўзига қўя келадиган қилиб чийламоқ, чийлаб гирромлик ишлатмоқ; **подтасова́ть ка́рты** қартани ўзига қўя келадиган қилиб чийламоқ; 2. ‖ бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ, қаллоблик ишлатмоқ; **подтасова́ть фа́кты** фактларни бузиб кўрсатмоқ.

ПОДТАСО́ВКА *ж. мн. нет* подтасова́ть фе'лининг ҳаракат номи; *к.* подтасова́ть.

ПОДТАСО́ВЫВАТЬ *несов. к.* подтасова́ть.

ПОДТАСО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* подтасо́вывать (*к.*).

ПОДТА́ЧАТЬ *сов. кимг.* тагчарм қўймоқ, тагчарм тикмоқ.

ПОДТА́ЧИВАТЬ I *несов. к.* подточи́ть.

ПОДТА́ЧИВАТЬ II *несов. к.* подточи́ть.

ПОДТА́ЧИВАТЬСЯ I *несов. кимг.* тагчарм қўйилмоқ, тагчарм тикилмоқ.

ПОДТА́ЧИВАТЬСЯ II *несов. страд. от* подта́чивать II (*к.*).

ПОДТАЩИ́ТЬ *сов.* судраб (тортиб) олиб келмоқ (олиб бормоқ), судраб келтирмоқ, ташимоқ.

ПОДТА́ЯТЬ *сов.* 1. бироз эримоқ, тагидан эрийбошламоқ, эриб оқмоқ, снег подта́ял қор бироз эриди; 2. сал эримоқ, эриб қолмоқ; **ма́сло подта́яло** ёг сал эриб қолди.

ПОДТВЕРДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -зя, -ое тасдиқлайдиган, исбот қиладиган, тасдиқловчи; **подтверди́тельная расши́ска** тасдиқловчи тилхат.

ПОДТВЕРДИ́ТЬ *сов.* 1. тасдиқламоқ, тасдиқ этмоқ, тасдиқлаб бермоқ, исбот қилмоқ; **исто́рия подтверди́ла гениа́льные ле́нинские предви́дения** тарих Ленининнинг олдиндан айтиб берган гениал фикрларини тасдиқлаб берди. 2. иқрор қилмоқ, иқрор бўлмоқ; тасдиқламоқ; **подтверди́ть ра́нее сказа́нное** илгари айтилган сўзни тасдиқламоқ, иқрор қилмоқ, илгари айтган сўзига иқрор бўлмоқ; 3. та'кидламоқ, тасдиқламоқ; **подтверди́ть получе́ние докуме́нта** ҳужжатнинг олинганлигини тасдиқламоқ.

ПОДТВЕРДИ́ТЬСЯ *сов.* тасдиқланмоқ, исбот бўлмоқ, тўғри бўлиб чиқмоқ, иқрор қилинмоқ; **его́ предположе́ния подтверди́лись** унинг гумонлари (мўлжаллари) тўғри бўлиб чиқди.

ПОДТВЕРЖДА́ТЬ *несов. к.* подтверди́ть

ПОДТВЕРЖДА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* подтверди́ться; 2. *страд. от* подтвержда́ть (*к.*).

ПОДТВЕРЖДЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед* тасдиқлаш, тасдиқ этиш, тасдиқлаб бериш, исбот қилиш; иқрор қилиш; **в подтвержде́ние ска́занного** айтилганни тасдиқлаш учун,

айтилганнинг тасдиги учун; 2. далил, исбот, тасдиқ; **победа социализма — жйзненное подтверждение основных положений марксизма** социализм ғалабаси — марксизм асосий қоидаларининг амалда (турмушда) тасдиқланишидир.

подтвержу́, подтверди́шь *буд. от* **подтверди́ть** *(қ.)*.

ПОДТЁК I *м* кўкарган жой, кўкариб шишиб чиққан жой, ғурра.

подтёк II, **подтекла́** *прош. от* **подтечь** *(қ.)*.

ПОДТЕКА́ТЬ *несов. қ.* **подтечь**.

ПОДТЕКСТО́ВКА *ж махс.* 1. тайёр музика асарига мослаб сўз ёзиш; 2. тайёр музика асарига мослаб ёзилган сўз (шеър).

ПОДТЁЛОК *м қ. х.* бир ишар бузоқ.

ПОДТЕРЕ́ТЬ *сов.* 1. артиб олмоқ, артиб ташламоқ, артиб қупқуруқ қилмоқ, қупқуруқ қилиб артмоқ; **подтере́ть лу́жу на полу́** полда (ерда) йиғилиб (ҳалқоб бўлиб) қолган сувни артиб олмоқ, 2. *с. т.* ҳўллаб артмоқ, ҳўл латта билан артмоқ; **подтере́ть по́лы** полни ҳўл латта билан артмоқ.

ПОДТЕСА́ТЬ *сов.* бироз йўнмоқ, чопмоқ; бироз йўниб (чопиб) ташламоқ, бироз йўниб (чопиб) текисламоқ.

ПОДТЁСЫВАТЬ *несов. қ.* **подтеса́ть**.

ПОДТЕСЫВАТЬСЯ *несов.* бироз йўнилмоқ, чопилмоқ, бироз йўниб (чопиб) ташланмоқ, бироз йўниб (чопиб) текисланмоқ.

ПОДТЕ́ЧЬ *сов* 1. тагига қараб оқмоқ, оқиб кирмоқ, оқиб чиқмоқ; оқиб кириб (оқиб чиқиб) тўпланмоқ; **вода́ подтекла́ под мешо́к** қопнинг тагига сув кириб кетди (кетипти), 2. *с. т.* шишиб чиқмоқ, кўкариб чиқмоқ; ғурра (ғудда) бўлиб чиқмоқ.

подтешу́, подте́шешь *буд. от* **подтеса́ть** *(қ.)*.

ПОДТИРА́ТЬ *несов. қ.* **подтере́ть**.

ПОДТО́К *м мн. нет* тагига қараб оқиш, оқиб кириш, оқиб чиқиш; оқиб кириб (оқиб чиқиб) тўпланиш; **подто́к воды́ не прекраща́ется** сувнинг оқиши тўхтамаяпти.

ПОДТОЛКНУ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* итариб юбормоқ, туртиб юбормоқ, теғиб кетмоқ; 2. туртиб қўймоқ, туртиб ишора қилмоқ; **подтолкну́ть ло́ктем сосе́да** тирсаги билан қўшнисини (ёнидаги кишини) туртиб қўймоқ; 3. ‖ *с. т.* ишга солиб қўймоқ, ғайратлатириб юбормоқ.

ПОДТОПИ́ТЬ *сов.* 1. яна бироз ёқмоқ, бироз ёқиб яна иситмоқ, янада қизитмоқ; **подтопи́ть пе́чку** печкани янада иситмоқ; 2. яна бироз эритмоқ, яна оз-моз эритмоқ; **подтопи́ть са́ло** яна бироз мой эритмоқ; мойни яна бироз эритмоқ.

ПОДТОЧИ́ТЬ *сов.* 1. бироз қайрамоқ, сал чархламоқ, бироз қайраб, йўниб ўткирроқ қилмоқ; учини чиқармоқ; **подточи́ть нож** пичоқни бироз қайраб олмоқ; **подточи́ть каранда́ш** қаламнинг учини сал чиқариб (ўткирроқ қилиб) олмоқ; 2. тагини кемирмоқ, ичини еб кетмоқ, қирқиб юбормоқ; **жучки́ подточи́ли ко́рни де́рева** қўнғизлар дарахтнинг илдизини қирқиб кетипти; 3. ювиб кетмоқ, ялаб кетмоқ, ювиб (ялаб) ўйиб юбормоқ; **вода́ подточи́ла ка́менистый бе́рег** сув тошлоқ қирғоқни ювиб кетипти; 4. ‖ силласини (мадорини) қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, мазасини кеткизмоқ, куч-қувватини олиб қўймоқ; **боле́знь подточи́ла его́ си́лы** касал унинг куч-қувватини олиб қўйди; ○ ***комар́ но́са не подто́чит*** қ. **комар́**.

ПОДТРАВИ́ТЬ *сов. махс.* кислота ёки бошқа бир ўючи модда билан бироз ишламоқ, бироз ишлов бермоқ.

ПОДТРА́ВЛИВАТЬ *несов. қ.* **подтравить**.

ПОДТРО́ПИКИ *мн., со. нет қ.* **субтро́пики**.

ПОДТРОПИ́ЧЕСКИЙ *қ.* **субтропи́ческий**.

ПОДТРУ́НИВАТЬ *несов. қ.* **подтрунить**.

ПОДТРУНИ́ТЬ *сов. с. т.* ҳазиллашмоқ, тегишмоқ, тегажаклик қилмоқ, ҳазил (мазах) қилмоқ, кулмоқ; **подтрунить над приятелем** ўртоғига ҳазил қилмоқ.

ПОДТУШЕВА́ТЬ *сов. махс.* 1. тушь бермоқ, расмнинг соя жойла-

рига тушь югуртирмоқ; 2. || соя бериб суратнинг кам кўстини тўлдирмоқ, тузатмоқ.

ПОДТУШЁВЫВАТЬ *несов.* ↓ подтушева́ть.

ПОДТУШЁВЫВАТЬСЯ *несов. пасс.* 1. тушь берилмоқ, расмнинг соя жойларига тушь югуртирилмоқ; 2. || соя бериб суратнинг кам-кўсти тўлдирилмоқ, тузатилмоқ.

ПОДТУШО́ВКА *ж мн. нет пасс.* 1. тушь бериш, расмнинг соя жойларига тушь югуртириш; 2. || соя бериб суратнинг кам-кўстини тўлдириш, тузатиш.

ПОДТЫКА́ТЬ *несов. с т.* ↓ подткну́ть.

ПОДТЫКА́ТЬСЯ *несов.* 1. ↓ подткну́ться; 2. *страд. от* подтыка́ть (↓).

ПОДТЯ́ГИВАТЬ *несов.* ↓ подтяну́ть.

ПОДТЯ́ГИВАТЬСЯ *несов.* 1. ↓ подтяну́ться; 2. *страд. от* подтя́гивать: ↓ подтяну́ть 1, 2, 3

ПОДТЯЖЕ́ЧНЫЙ. -ая, -ое подтяжки *сўз. сиф.:* **подтя́жечная ре́зинка** подтяжка тўқаси.

ПОДТЯ́ЖКА *ж мн. нет* қаттиқроқ тортиш, тортиб қўйиш, қаттиқроқ тортиб боғлаш, тарангроқ қилиб қўйиш; **подтя́жка ремне́й** тасмаларни тарангроқ тортиб қўйиш.

ПОДТЯ́ЖКИ *мн., ед. нет* подтяжка (икки елкадан шимга тортиб қўйиладиган тасма).

ПОДТЯ́НУТОСТЬ *ж мн. нет* бетартиблик, озодалик.

ПОДТЯ́НУТЫЙ. -ая, -ое 1. подтяну́ть ф-лининг сифатдоши; 2. || бетартиб, тартибли, озода, сероста; **у него́ подтя́нутый вид** унинг устбоши тартибли, ўзига чиппа ёпиштган.

ПОДТЯНУ́ТЬ *сов.* 1. қаттиқроқ тортмоқ, тортиб қўймоқ, қаттиқроқ тортиб (қисиб) боғламоқ, тарангроқ қилиб қўймоқ; **подтяну́ть пя́с** камарни қаттиқроқ тортиб (қисиб) боғламоқ; **подтяну́ть во́жжи** жиловини қаттиқроқ тортмоқ; 2. тортиб олмоқ, тортиб келтирмоқ, юқорига кўтармоқ, чиқармоқ; бирор жойга тортиб олиб бормоқ; **подтяну́ть плот к бе́регу** сални қирғоққа томон тортиб бормоқ. 3 *ҳарб* бир жойга тўпламоқ, йиғмоқ; **подтяну́ть войска́ к переправе́** қўшинни дарёдан ўтиш жойига тўпламоқ; 4. ашулага қўшилмоқ, жўр бўлмоқ; 5. || *с. т.* ози бостирмоқ, илгари сурмоқ, кўтармоқ, етказиб олмоқ; баравварлаштирмоқ; **подтяну́ть отстающих** қолоқларни илгари сурмоқ, етказиб олмоқ; **подтяну́ть дисципли́ну** интизомни кўтармоқ

ПОДТЯНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. сиқиброқ боғламоқ, сиқиб боғлаб олмоқ; **подтяну́ться по́ясом** камарини сиқиб боғлаб олмоқ; 2. *ҳарб.* бир жойга тўпланмоқ, йиғилмоқ; **войска́ подтяну́лись к грани́це** қўшинлар чегарага тўпланди; 3. яқинлашмоқ, яқинлашиб келмоқ, келиб (бориб) қолмоқ; **ло́дки подтяну́лись к при́стани** қайиқлар пристанга бориб (келиб) қолди. 4. *спорт.* осилиб юқори кўтарилмоқ; **подтяну́ться на турнике́** турникка осилиб кўтарилмоқ; 5. || *с. т.* илгари босмоқ, олга силжимоқ, кўтарилмоқ, етиб (етишиб) олмоқ, баравварлашмоқ; **к концу́ че́тверти учени́к подтяну́лся** ўқувчи чораknинг охирига бориб етишиб олди.

ПОДУ́МАТЬ *сов.* 1. ўйламоқ, ўйлаб кўрмоқ, хаёлга келтирмоқ; кўнгилга олмоқ; **я поду́мал о свое́м дру́ге** мен ўз дўстимни хаёлимга келтирдим; **на́до поду́мать об э́том предложе́нии** бу таклиф тўғрисида ўйлаб (мулоҳаза қилиб) кўрмоқ керак; 2. хаёл қилмоқ, хаёлга келтирмоқ, тасаввур қилмоқ; **я не могу́ да́же поду́мать об э́том** мен буни ҳатто хаёлимга ҳам келтираолмайман, тасаввур ҳам қилаолмайман; 3 **поду́маешь** *с. т. кест.* ...эмиш, ...бўптими муича ҳам...: **поду́маешь, ка́кой знато́к** билдик, жуда биларман экансиз. сиздан бошқа биларман кўриб қолиптими: **поду́маешь, но́вости!** шу ҳам янгилик эмиш, шу ҳам янгилик бўптими!; 4. **поду́майте), поду́мать (то́лько)** *кирш.* қаранг-а, ҳайрон қолади киши, ақл ҳам бовар қилмайди: **поду́майте, ка́кая неожи́данность!** қаранг-а, бундай кутилмаган ҳоллар (ҳодисалар) бўлар экан!: **поду́мать то́лько, как мно́го он зна́ет** унинг билимига ҳай-

рон қоласан киши; унинг билими кишини ҳайрон қолдиради (ақлни шоширади); ◊ *и не подýмаю! (с. т.)* менга зарур келиптими!, менга зарур келгани йўқ!

ПОДЎМАТЬСЯ *сов. безл. с. т.* хаелга келмоқ, кўнгилдан ўтмоқ. ўйланмоқ; **мне подýмалось, что ты не придёшь** мен сени келмассан деб ўйлаган эдим.

ПОДЎМЫВАТЬ *несов. с. т.* 1. ўйламоқ, ба'зан ўйлаб кўймоқ, уйлаб олмоқ, хаёлдан кечирмоқ; 2. фикрида бўлмоқ, ният (мўлжал) бўлмоқ; **подýмывать об отъéзде** кетиш (жўнаш) ҳақида ўйламоқ, кетиш (жўнаш) фикрига тушмоқ.

ПОДУРА́ЧИТЬ *сов. с. т.* аҳмоқ қилмоқ, лақиллатиб юрмоқ.

ПОДУРА́ЧИТЬСЯ *сов. с. т.* 1. жиннилик қилмоқ, шўхлик қилмоқ, ҳазил-ҳузил қилмоқ; **мы подурачúлись в свобóдный час** бўш соатни биз ҳазил-ҳузил билан ўтказдик; 2. майна қилмоқ, мазах қилмоқ, эрмак қилмоқ.

ПОДУРНЕ́ТЬ *сов.* хунуклашмоқ, чирой кетмоқ, ҳусни бузилмоқ, ажива бўлиб қолмоқ, озиб-тўзиб кетмоқ.

ПОДУ́СЬКАТЬ *сов. с. т.* гижгижламоқ, олкишламоқ, тезламоқ, оёқлантирмоқ, ишга солмоқ.

ПОДУ́СЬКИВАТЬ *несов. с. т.* ↑ **подýськать.**

ПОДУ́ТЬ *сов.* 1. эсабошламоқ, кўтарилмоқ, турмоқ, келмоқ; **подул сéверный вéтер** шимолдан шамол эсабошлади; 2. пуфламоқ; **подýть на горя́чее молóко** қайноқ сутни пуфламоқ.

ПОДУТЮ́ЖИВАТЬ *несов.* ↑ **подутюжúть.**

ПОДУТЮ́ЖИТЬ *сов. с. т.* бироз дазмолламоқ, сал дазмоллаб олмоқ, дазмоллаб қўймоқ.

ПОДУЧА́ТЬ *несов.* ↑ **подучúть 3.**

ПОДУ́ЧИВАТЬ *несов.* ↑ **подучúть.**

ПОДУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. ↑ **подучúться**; 2. *страд. от* **подýчивать** *(к. з.).*

ПОДУЧИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. бироз ўқитмоқ, ўргатмоқ, та'лим бермоқ, ўргатиб қўймоқ; **подучúть подрóстка столя́рному дéлу** ўспирин йигитга дурадгорлик ишини ўргатмоқ; 2. бироз пухталамоқ, пухтароқ билиб олмоқ, тайёрламоқ, ёдламоқ; **подучúть урóк** дарсни бироз пухталамоқ, бироз дарс тайёрламоқ; 3. ўргатмоқ, ақл ўргатмоқ, ишга (йўлга) солмоқ.

ПОДУЧИ́ТЬСЯ *сов.* бироз ўқимоқ, ўрганмоқ, та'лим олмоқ, пухтароқ билиб олмоқ; **молодóму рабóтнику нáдо ещё подучúться** ёш ходимнинг яна бироз иш ўрганиши керак.

ПОДУ́ШЕЧКА *ж.* 1. ↑ **подýшка** *сўз. кичр. айт.*; ёстиқча, кичкина ёстиқ; **подýшечка для булáвок** нина сақлаб қўядиган ёстиқча; 2. *только мн.* **подýшечки** болиш конфет.

ПОДУШИ́ТЬ I *сов. с. т.* бирмунча вақтгина бўғиб (ғажиб) ўлдирмоқ, ўлдириб кетмоқ (мас., товуқларни); **лúса подушúла мнóго кур** тулки кўп товуқни ўлдириб кетди.

ПОДУШИ́ТЬ II *сов.* бироз атир сепмоқ, атир сепиб олмоқ, атир сепиб қўймоқ; **подушúть носовóй плато́к** дастрўмолга бироз атир сепиб олмоқ.

ПОДУШИ́ТЬСЯ *сов.* ўзига бироз атир сепмоқ, атир сепиб олмоқ.

ПОДУ́ШКА *ж.* 1. ёстиқ, болиш; **подложúть под голову подýшку** бошга ёстиқ қўймоқ; 2. *тех.* ёстиқ, остлик, таглик.

ПОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое *тар.* жон бошидан олинадиган; **подýшный нало́г** жон бошидан олинадиган солиқ.

подýю, подуешь *буд. от* **подýть** *(к. з.).*

ПОДФА́РНИК *м тех.* подфарник (автомобилнинг олдинги чироқлари қанотига ўрнатилган кичкина қўшимча фонарь).

ПОДХАЛИ́М *м нафр.* хушомадгўй, лаганбардор, ялоқ.

ПОДХАЛИ́МКА *ж нафр.* хушомадгўй аёл, лаганбардор (ялоқ) аёл.

ПОДХАЛИ́МНИЧАТЬ *несов. нафр.* хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ, ялоқланмоқ.

ПОДХАЛИ́МСКИЙ, -ая, -ое *нафр.* **подхалúм** *сўз. сиф.*; лаганбардорларга хос бўлган, хушомадгўйлик

блан қилинган, хушомадгўйларча; **подхалимский поступок** хушомадгўйлик.

ПОДХАЛИ́МСТВО *ср. мн. нет нафр.* хушомадгўйлик, лаганбардорлик, ялтоқлик.

ПОДХАЛИ́МСТВОВАТЬ *несов.* = **подхалимничать** (*к.*).

ПОДХВАТИ́ТЬ *сов.* 1. кўтариб олмоқ. ўрор жойидан ушлаб кўтариб кетмоқ. даст кўтармоқ. қўлидан олмоқ; **рабо́чие подхвати́ли я́щики и понесли́** ишчилар яшикларни олиб кўтариб кетишди; 2. олиб олмоқ, ушлаб олмоқ; **подхвати́ть бро́шенный мяч** отилган тўпни (коптокни) олиб олмоқ; 3. ‖ *собд.* ортгирмоқ, ортгириб келмоқ, илаштириб (олиб, тортиб) келмоқ, юқтириб келмоқ; **подхвати́ть грипп** грипп орттирмоқ; 4. ‖ *с. т.* қўшилишмоқ, жўр бўлмоқ, кўтармоқ; **подхвати́ть припе́в** қўшилишиб нақорат айтмоқ; **не́сколько голосо́в подхвати́ли пе́сню** қўшиққа бирнеча овоз қўшилишди; 5. ‖ қўлламоқ, қўллаб-қўлтиқламоқ, қўшилишмоқ, қувватламоқ. маҳкам ушлаб олмоқ; **подхвати́ть внесённое предложе́ние** тушган таклифни маҳкам ушлаб олмоқ; **подхвати́ть инициати́ву пе́редовико́в** илғорларнинг ташаббусини қувватламоқ; 6. ‖ *с. т.* илиб олмоқ, ўзиники қилиб олмоқ; **подхвати́ть чужу́ю мысль** бировнинг фикрини илиб олмоқ; 7. баравар қўзғалмоқ, баравар тортмоқ; **ло́шади подхвати́ли и понесли́ пово́зку** отлар баравар қўзғалиб аравани тортиб кетди; 8. *с. т.* тагидан олиб (ўтказиб) боғламоқ; **подхвати́ть я́щик шпага́том** яшикнинг тагидан олиб боғла.

ПОДХВА́ТЫВАТЬ *несов.* ҳ. подхвати́ть.

ПОДХВА́ТЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **подхва́тывать** (*к.*).

подхва́чу, подхва́тишь *буд. от* **подхвати́ть** (*к.*).

ПОДХВО́СТНИК *м. махс.* қуюшқон.

ПОДХЛЕСТНУ́ТЬ *сов.* қ. **подстегну́ть** 1.

ПОДХЛЁСТЫВАТЬ *несов.* қ. **подхлестну́ть**.

ПОДХО́Д *м* 1. *только ед.* подойти 1, 3, 4, 5 ф*е*'лининг ҳаракат номи; **подход парохо́да к при́стани** пароходнинг пристанга келиши, яқинлашиши; **подхо́д к но́вой те́ме** янги темага кириши. 2. киравериш, йўл, йўлак; кириш (ўтиш, бориш) йўли; **удо́бный подхо́д к высоте́** тепаликка олиб борадиган (олиб чиқадиган) қулай йўл; 3. муомала, муносабат, қараш, йўл, нуқтаи назар, услуб. ёндошиш; **истори́ческий подхо́д к языку́** тилга тарихий қараш; тарихий ёндошиш; **пра́вильный подхо́д к де́лу** ишга тўғри муносабат, тўғри қараш.

ПОДХОДИ́ТЬ *несов.* қ. **подойти́**; ◇ **подходи́ть к концу́** 1) охирига етмоқ. 2) ‖ охирлаб (тугаб) қолмоқ, битиб қолмоқ; **заседа́ние подхо́дит к концу́** мажлис тугай (тамом бўлай) деб қолди.

ПОДХОДЯ́ЩИЙ, -ая, -ее 1. **подходи́ть** ф*е*'лининг сифатдоши; 2. *с. т.* мос, боп, мувофиқ, муносиб, лойиқ, қулай, қўл (тўғри) келадиган; ма'қул; **подходя́щий моме́нт** қулай пайт; **подходя́щая цена́** тўғри келадиган баҳо, бозор кўтарадиган баҳо; **подходя́щее помеще́ние** мувофиқ бино.

подхожу́, подхо́дишь *наст. от* **подходи́ть** (*к.*)

ПОДХОМУ́ТНИК *м* бўйинча, ич бўйинча.

ПОДХОРУ́НЖИЙ *м эск.* подхорунжий (чор армияси казак аскарларида подпрапорщикка баравар унвон).

ПОДЦВЕТИ́ТЬ *сов.* 1. ранг бермоқ, рангдор қилмоқ; **подцвети́ть чай ви́ном** чойга вино қўшиб рангдор қилмоқ; 2. *махс.* бўямоқ; **подцвети́ть мех** мўйнани бўямоқ.

ПОДЦВЁТКА *ж мн. нет* 1 ранг бериш, рангдор қилиш. 2. бўяш.

ПОДЦВЕ́ЧИВАТЬ *несов.* қ. **подцвети́ть**.

ПОДЦВЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 ранг берилмоқ, рангдор қилинмоқ; 2. *махс.* бўялмоқ.

подцвечу́, подцве́тишь *буд. от* **подцвети́ть** (*к.*).

ПОДЦЕНЗУ́РНЫЙ, -ая, -ое *эск.* цензура остидаги, цензура остида чиқадиган; **подцензу́рная печа́ть** цензура остидаги матбуот.

ПОДЦЕПИ́ТЬ *сов.* 1. яна уламоқ, улаб қўймоқ, тиркамоқ; **подцепи́ть ваго́н к по́езду** вагонни поездга тиркамоқ; 2. илмоқ, осмоқ, илиб олмоқ, илиб (осиб) қўймоқ; **подцепи́ть груз крюко́м** юкни илгак (крюк) блан илиб олмоқ; 3. ‖ *с. т. ҳазл.* йўлиқмоқ, илинтирмоқ, орттирмоқ, топмоқ; орттириб (илаштириб) келмоқ; **подцепи́ть на́сморк** тумов орттирмоқ; **где ты его́ подцепи́л?** уни қайси гўрдан топдинг?

ПОДЦЕПИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ёпишиб олмоқ, осилиб олмоқ.

ПОДЦЕПЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **подцепи́ть.**

ПОДЦЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **подцепи́ться**; 2. *страд. от* **подцепля́ть** *(қ.)*.

ПОДЧА́ЛИВАТЬ *несов. қ.* **подча́лить.**

ПОДЧА́ЛИТЬ *сов. махс.* 1. тортиб олмоқ, тортиб келтирмоқ (сувда сузиб юрган нарсани); 2. келиб тўхтамоқ; **плот подча́лил к бе́регу** сол қирғоққа келиб тўхтади.

ПОДЧА́ЛОК *м махс.* шатакка олиб юриладиган юк кемаси.

ПОДЧА́С *нареч.* ба'зида, ба'зан, ба'зи вақт, гоҳо-гоҳо; **подча́с он раска́ивался в ска́занном** ба'зи-ба'зида у ўзининг айтган гапига ўкиниб қўяр эди.

ПОДЧА́СОК *м харб.* подчасок, часовой ёрдамчиси.

ПОДЧЕКА́НИВАТЬ *несов. қ.* **подчека́нить.**

ПОДЧЕКА́НИТЬ *сов.* 1. *тех.* чеканка қилмоқ, металл буюмларнинг улоғини, чокини зичламоқ; 2. *қ. х.* чеканка қилмоқ, чилпиб қўймоқ.

ПОДЧЕЛЮСТНО́Й, -ая, -ое *анат.* жағ остидаги, томоқдаги; **подчелюстна́я железа́** жағ остидаги без, томоқ бези.

ПОДЧЕРЕПНО́Й, -ая, -ое *анат.* бош суяги ичидаги, бош суяк ичи.

ПОДЧЁРКИВАНИЕ *ср мн. нет* 1. тагига (тагини) чизиш, тагига (тагини) чизиб қўйиш; 2. та'кидлаш, укдириб ўтиш, диққатни жалб этиш, тортиш.

ПОДЧЁРКИВАТЬ *несов. қ.* **подчеркну́ть.**

ПОДЧЁРКИВАТЬСЯ *несов.* 1. тагига чизилмоқ, тагига (тагин) чизиб қўйилмоқ; 2. та'кидланмоқ, укдириб ўтилмоқ, диққати жалб этилмоқ

ПОДЧЁРКНУТЫЙ, -ая, -ое 1. **подчеркну́ть** 1 фе'лнинг сифатдоши; 2. ‖ алоҳида э'тибор берилган, бошқача: **подчёркнутое внима́ние** алоҳида э'тибор; **говорить с подчёркнутой любе́зностью** алоҳида илтифот қилиб гапирмоқ

ПОДЧЕРКНУ́ТЬ *сов.* 1 тагига (тагини) чизмоқ, тагига (тагини) чизиб қўймоқ; **подчеркну́ть сло́во** сўзнинг тагини чизиб қўймоқ; 2. ‖ та'кидламоқ, укдириб ўтмоқ, диққатни жалб этмоқ, тортмоқ; **подчеркну́ть ва́жность вопро́са** масаланинг муҳимлигини та'кидлаб ўтмоқ.

ПОДЧЕРНИ́ТЬ *сов.* қорайтирмоқ, қорага бўямоқ, қора бўёқ суртмоқ.

ПОДЧЕРТИ́ТЬ *сов.* чертёжнинг чаласини чизмоқ, тўлдирмоқ, кам-кўстини тузатмоқ; **подчерти́ть но́вую ли́нию** чертёжга янги чизиқ тортмоқ.

ПОДЧЁРЧИВАТЬ *несов. қ.* **подчерти́ть.**

подчерчу́, подчёртишь *буд. от* **подчерти́ть** *(қ.)*.

ПОДЧИНЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1 **подчини́ть** 1,2 фе'лининг ҳаракат номи; **подчине́ние меньшинства́ большинству́** озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши; 2. тоби'лик, қарамлик, қарашли (қўл остида) бўлиш, итоат қилиш; **находи́ться в подчине́нии у кого́-н.** бирор кишига (идорага) тоби' бўлмоқ (итоат қилмоқ); **предприя́тие сою́зного подчине́ния** иттифоқ миқ'ёсидаги идорага қарашли бўлган корхона; **учрежде́ние республика́нского подчине́ния** республика миқ'ёсидаги идорага қарашли бўлган муассаса; 3. *грам.* эргаш, тоби' бўлиш; **подчине́ние прида́точных предложе́ний** эргаш гапларнинг тоби'ланиши.

ПОДЧИНЁННОСТЬ *ж мн. нет* қарашлилик, қарамлик, тоби'лик; бўйсунганлик; итоат этишлик.

ПОДЧИНЁННЫЙ, -ая, -ое 1. бўйсунган, бўйсундирилган, тоби', қа-

рам, қаратилган, итоат этувчи. 2. *сущ.* **подчинённый** *м*, **подчинённая** *ж* бирор киши (раҳбар) итоатидаги одам; вазифаси жиҳатидан бирор кишига бўйсунувчи одам.

ПОДЧИНИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *грам.* эргаштирувчи: **подчини́тельный сою́з** эргаштирувчи боғловчи.

ПОДЧИНИ́ТЬ *сов.* 1 бўйсундирмоқ, хизмат қилдирмоқ, қаратмоқ. **подчини́ть свой интере́сы общеста́венным интере́сам** ўз манфаатларини жамоат манфаатларига бўйсундирмоқ; **подчини́ть кого́-н. своему влия́нию** бировни ўз таъсири остига олмоқ; 2. бўйсундирмоқ, итоат этдирмоқ, тоби' қилмоқ, қўлига қаратмоқ. **подчини́ть отде́льные учрежде́ния министе́рствам** айрим идораларни министрликларга тоби' қилмоқ. 3 *грам.* эргаштирмоқ, тоби' қилмоқ.

ПОДЧИНИ́ТЬСЯ *сов.* бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ, тоби' бўлмоқ; **подчини́ться прика́зу** буйруққа бўйсунмоқ; **подчини́ться рассу́ду** ақлга мувофиқ иш қилмоқ

ПОДЧИНЯ́ТЬ *несов.* қ. **подчини́ть**

ПОДЧИНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **подчини́ться**; 2. бўйсундирилмоқ, хизмат қилдирилмоқ, қаратилмоқ.

ПОДЧИ́СТИТЬ *сов.* 1. бироз тозаламоқ, уер-буерини гозаламоқ, тозалаб қўймоқ, тозалаб ташламоқ. **подчи́стить двор** ҳовлини тозалаб қўймоқ; 2. тарашламоқ, қириб ташламоқ, қириб тозаламоқ; **подчи́стить ци́фру** ёзилган рақамни қириб ташламоқ, тозаламоқ; 3. *махс.* бутамоқ, бутоқ қилмоқ, бутаб қўймоқ; бутаб ташламоқ.

ПОДЧИ́СТКА *ж мн. нет* 1. бироз тозалаш уер-буерини тозалаш, тозалаб қўйиш, тозалаб ташлаш; 2. тарашлаш, қириб ташлаш, қириб тозалаш.

ПОДЧИСТУ́Ю *нареч. содд.* шипшийдан қилиб, ҳеч қолдирмай, шипшира; **взя́ть всё подчисту́ю** шипшийдан қилиб олиб кетмоқ, ҳечнарса қолдирмай олиб кетмоқ.

ПОДЧИТА́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* яна бироз ўқимоқ; **подчита́йте ещё по э́тому вопро́су** бу масалага доир яна бирмунча нарса ўқинг; 2. *махс.* ўқиб бериб турмоқ (солиштириб ўқишда).

ПОДЧИ́ТЫВАТЬ *несов.* қ. **подчита́ть**.

ПОДЧИЩА́ТЬ *несов.* қ. **подчи́стить**.

ПОДЧИЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. тарашламоқ, қириб ташламоқ, қириб гозаламоқ; 2. *махс.* бутамоқ, бутоқ қилинмоқ, бутаб қўйилмоқ, бутаб ташланмоқ.

подчи́щу, подчи́стишь *буд. от* **подчи́стить** (*қ.*).

подше́й *пов. накл. от* **подши́ть** (*қ.*).

ПОДШЁРСТОК *м махс.* майин юнг (ўсуқ юнг остида усадиган майин қисқа юнг).

ПОДШЕ́ФНИК *м* - оталиққа олинган киши ёки ташкилот.

ПОДШЕ́ФНЫЙ, -ая, -ое 1. оталиқдаги, оталиққа олинган: **подше́фная шко́ла** оталиққа олинган мактаб; 2. *сущ.* **подше́фный** *м*, **подше́фная** *ж* оталиққа олинган киши.

ПОДШИБА́ТЬ *несов.* қ. **подшиби́ть**.

ПОДШИБИ́ТЬ *сов. содд.* 1. уриб кўкартирмоқ, яралдор қилмоқ, шиширмоқ; **подшиби́ть глаз** уриб кўзини чиқармоқ; 2. уриб (қоқиб) туширмоқ, уриб олмоқ. **подшиби́ть воробья́** чумчукни уриб туширмоқ.

ПОДШИВА́ТЬ *несов.* қ. **подши́ть**.

ПОДШИВА́ТЬСЯ *несов страд. от* **подшива́ть** (*қ.*)

ПОДШИ́ВКА *ж мн. нет* 1. **подшива́ть** ва **подши́ть** фе'лининг ҳаракат номи; **подши́вка подо́ла** кийим этагини қайириб тикиш, бостириш; 2. паравуз (енг, этак ва ҳ. к. учига тутилган, ичдан қўйиб тикилган нарса); **широ́кая подши́вка** кенг паравуз; 3. подшивка (газета, журнал ва ҳ. к. ларнинг йиғиб тикиб қўйилган сонлари).

ПОДШИВНО́Й, -ая, -ое тикилган, тикма.

ПОДШИ́ПНИК *м тех.* подшипник [машина ва механизмларда ўқ ўрнатиладиган ва унинг айланишини енгил (равон) қиладиган қисм]: **ша́риковый подши́пник** шарикли подшипник.

ПОДШИ́ПНИКОВЫЙ, -ая, -ое *тех.* **подши́пник** *сўз. соф.*; подшипникка

оид, подшипник учун ишлатиладиган; подшипник ишлаб чиқарадиган; **подшипниковый сплав** подшипник учун ишлатиладиган қотишма; **подшипниковый завóд** подшипник заводи.

ПОДШИ́ТЬ *сов.* 1. тагидан (ичидан) қўйиб тикмоқ; ёпиштирмоқ; **подши́ть подкла́дку** астар ёпиштирмоқ; 2. четини қайириб (букиб) тикмоқ, бостирмоқ; **подши́ть подо́л ю́бки** юбканинг этагини бостирмоқ; 3. *махс.* тагчарм (капаки) солмоқ; **подши́ть сапоги́** этикка тагчарм (капаки) солмоқ; 4. *махс.* қоқмоқ; **подши́ть потоло́к фанéрой** шипга фанер қоқмоқ; 5. *махс.* қўшиб тикиб қўймоқ; **подши́ть спра́вку к де́лу** справкани делога тикиб қўймоқ, ҳужжатларга тиркаб қўймоқ.

ПОДШКИ́ПЕР *м денг.* подшкипер (кемада шкипер ёрдамчиси).

ПОДШКИ́ПЕРСКИЙ, -ая, -ое *денг.* подшкипер *сул. сиф.*; подшкиперга оид; *қ.* **подшки́пер.**

ПОДШЛЁМНИК *м ҳарб.* подшлемник (шлем остидан кийиладиган қулоқни ва энгакни бекитиб турадиган иссиқ бош кийим).

ПОДШПИ́ЛИВАТЬ *несов. қ.* **подшпи́лить.**

ПОДШПИ́ЛИВАТЬСЯ *несов* шпилька (тўғнағич) қадаб қўйилмоқ

ПОДШПИ́ЛИТЬ *сов. с. т.* шпилька (тўғнағич) қадаб қўймоқ; **подшпи́лить во́лосы** сочга шпилька (тўғнағич) қадаб қўймоқ.

ПОДШТА́ННИКИ *мн., ед. нет содд.* иштон, лозим.

ПОДШТО́ПАТЬ *сов.* штопка қилмоқ, йиртилган жойларни тўрламоқ, тўрлаб қўймоқ, тўрлаб ямамоқ; **подшто́пать носки́** пайпоқни штопка қилмоқ, тўрлаб ямамоқ.

ПОДШТО́ПЫВАТЬ *несов. қ.* **подшто́пать.**

ПОДШТО́ПЫВАТЬСЯ *несов.* штопка қилинмоқ, уёқ-буёғи тўрланмоқ, тўрлаб қўйилмоқ, тўрлаб ямалмоқ.

ПОДШТУКАТУ́РИВАТЬ *несов. қ.* **подштукатýрить.**

ПОДШТУКАТУ́РИВАТЬСЯ *несов.* суваб уёқ-буёғи (кам-кўсти) тузатилмоқ, силлиқланмоқ, уёқ-буёғи (кам-кўсти) суваб қўйилмоқ.

ПОДШТУКАТУ́РИТЬ *сов.* суваб уёқ-буёғини (кам-кўстини) гузатмоқ, силлиқламоқ; уёқ-буёғини (кам-кўстини) суваб қўймоқ.

ПОДШТУ́РМАН *м денг.* подштурман (кемада штурман ёрдамчиси).

ПОДШУТИ́ТЬ *сов.* ҳазиллашмоқ, ҳазил қилмоқ, тегишмоқ; мазах (майна) қилмоқ, кулги қилмоқ; **подшути́ть над прия́телем** дўстига ҳазил қилмоқ.

ПОДШУ́ЧИВАТЬ *несов. қ.* **подшути́ть.**

подшучу́, подшу́тишь *буд. от* **подшути́ть** *(қ.).*

[подъ | олдқўшимча, с. ю. я олдидан [под-] вазифасида ишлатилади, мас., **подъе́хать** яқинлашмоқ, яқинлашиб келмоқ, келиб ғўхтамоқ; **подъязы́чный** тил остидаги, тил ости; *қ* [под-] 1.

ПОДЪЕДА́ТЬ *несов. қ.* **подъе́сть.**

подъедя́м, подъеди́те, подъедя́т *буд. от* **подъе́сть** *(қ.).*

подъе́ду, подъе́дешь *буд. от* **подъе́хать** *(қ.)*

ПОДЪЁЗД *м* 1. *только ед.* келиш, яқинлашиб келиш, келиб ғўхташ; 2. йўл, кириш (бориш) йўли, кираверишда; **хоро́ший подъёзд к мосту́** кўприкка томон олиб борадиган яхши (қулай) йўл; 3. подъезд (бинога кирадиган катта эшик); **встре́титься в подъе́зде** подъездда учрашмоқ; **парадный подъёзд** парадний подъезд (бинонинг асосий, кўчага қараган подъезди).

ПОДЪЕЗДНО́Й, -ая, -ое *т и.* асосий йўлдан ажралиб чиққан, асосий йўлдан бирор жойга (мас., заводга) олиб борадиган шахобча; **подъездны́е пути́** шахобча йўллар.

ПОДЪЁЗДНЫЙ, -ая, -ое **подъёзд** 3 *сўз. сиф.*; подъездга оид; *қ.* **подъёзд** 3.

ПОДЪЕЗЖА́ТЬ *несов. қ.* подъе́хать.

подъе́л, подъе́ла *прош от* **подъе́сть** *(қ.).*

ПОДЪЁМ *м* 1. *только ед.* кўтариш, юқори (баланд) кўтариш, юқорига (баландга) чиқариш; кўтариб қўйиш, чиқариб бериш **подъём гру́за** юкни

кўтариш, баландга юк чиқариш; **подъём фла́га** байроқни кўтариб қўйиш; 2. *только ед.* кўтарилиш, юқори (баланд) кўтарилиш, юқорига (баландга) чиқиш; **подъём воды́ в кана́ле** каналда сувнинг кўтарилиши; **подъём на́ гору продолжа́лся не́сколько часо́в** тоққа чиқиш (кўтарилиш) бирнеча соат давом этди; 3. ‖ юксалиш, ўсиш, ривожланиш, тараққий этиш, кучайиш, авж олиш, ривож (равнақ) топиш; ривожлантириш яхшилаш; тараққиёт, равнақ; **подъём наро́дного хозя́йства** халқ хўжалигининг ривожланиши; **подъём хлопково́дства** пахтачиликни ривожлантириш; **подъём материа́льного благосостоя́ния и культу́ры сове́тского наро́да** совет халқи моддий фаровонлигининг ва маданиятининг кўтарилиши; 4. ‖ руҳлантириш, гайратлантириш, руҳини кўтариш; руҳланиш, гайрати ошиш, руҳи кўтарилиш, кўтаринки (баланд) руҳ, ғайрат-ҳиммат; завқ-шавқ; ҳаяжон; **он говори́л с большим подъёмом** у баланд руҳ блан гапирди; **с большим полити́ческим и трудовы́м подъёмом встреча́ет сове́тский наро́д пра́здник вели́кого Октября́** Улуғ Октябрь байрамини совет халқи катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олмоқда; 5. *к. х.* ҳайдаш, шудгор қилиш; **подъём паро́в** ёзги шудгор; **подъём зя́би** кузги шудгор; 6. подъём, уйғотиш, уйғониш; 7. ўр. кўтарилиб борадиган йўл, тепаликка чиқадиган йўл; **крута́я подъём** тик кўтарилиб борадиган йўл; **поло́гий подъём** сал-пал кўтарилиб борадиган йўл; **заме́длить ход на подъёме** ўрда (тепаликка чиқишда) тезликни камайтирмоқ; 8. подъём, оёқ юзининг дўнг жойи; **сапоги́ жмут в подъёме** этикнинг подъёми сиқпяпти; 9. *тех.* бирор нарсани кўтарадиган, юқорига олиб чиқадиган механизм; ◇ ***тяжёл на подъём*** *(с. т.)* қимирлаши қийин (одам), оғир карвон, лаппос; ***лёгок на подъём*** *(с. т.)* эпчил, оёқ-қўли чаққон.

подъе́м, подъёшь подъе́ст *буд. от* **подъе́сть** *(қ.).*

подъе́млю, подъёмлешь *эск. наст. от* **поднима́ть** *(қ.).*

ПОДЪЁМНИК *м тех.* подъёмник (юк кўтарадиган машина, кран, лифт)

ПОДЪЁМНЫЙ, -ая, -ое 1. юк кўтарадиган; **подъёмный кран** юк кўтарадиган кран; 2. кўтаришга оид, юк кўтаришга оид; **подъёмная си́ла** кўтариш кучи; 3. кўтариладиган, кўтарма; **подъёмный мост** кўтариладиган кўприк; 4. *сущ.* **подъёмные** *мн.* подъёмний (янги иш жойига йўл харажати учун бериладиган пул). **получи́ть подъёмные** подъёмний олмоқ.

ПОДЪЕСАУ́Л *м эск.* подъесаул (чор армияси казак аскарларида — штабс-капитанга тенг офицерлик унвони).

ПОДЪЕ́СТЬ *сов.* 1. тагини (остини) кемирмоқ, тагидан (остидан) кемириб еб қўймоқ, еб кетмоқ; 2. *с. т.* борини еб қўймоқ, еб битирмоқ, пок-покиза туширмоқ.

ПОКАЧА́ТЬСЯ *сов.* бир фурсат тебранмоқ, чайқалмоқ, қимирлаб турмоқ; бирпас учмоқ (арғимчоқда); бироз гандираклаб қолмоқ; **покача́ться на каче́лях** бирпас арғимчоқ учмоқ.

ПОКА́ЧИВАТЬ *несов.* секин-секин тебратмоқ, аста-секин қимирлатиб турмоқ, сал-пал чайқатмоқ, ликиллатмоқ, серкиллатмоқ; **мать пока́чивала лю́льку** она беланчакни секин-секин терватмоқда эди; **в ло́дке нас пока́чивало** *(безл.)* қайиғимиз сувда сал-пал чайқалиб (қалқиб) турар эди.

ПОКА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* секин-секин тебранмоқ, қимирлаб (чайқалиб, қалқиб) турмоқ; ликилламоқ, серкилламоқ; гандираклаб бормоқ;

пока́чиваться в седле́ эгарда секин-секин чайқалиб бормоқ.

ПОКАЧНУ́ТЬ *сов.* тебратиб қўймоқ, қимирлатиб юбормоқ; қимирлатиб сал қийшайтирмоқ, оғдирмоқ, сал энгаштириб қўймоқ; **покачну́ть столб** столбани қимирлатиб юбормоқ.

ПОКАЧНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. қимирлаб кетмоқ, чайқалиб (қалқиб, силкиниб) кетмоқ; гандираклаб кетмоқ; **покачну́ться от уда́ра** зарбадан гандираклаб кетмоқ; 2. қимирлаб энгашиб қолмоқ, оғиб қолмоқ, ёнбошлаб қолмоқ.

покачу́, пока́тишь *буд. от* **по ката́ть** *(к.).*

ПОКА́ШЛИВАНИЕ *ср* сал-пал йўталиш, ба'зи-ба'зида йўталиб қўйиш, йўтали тутиш.

ПОКА́ШЛИВАТЬ *несов.* сал-пал йўталмоқ, ба'зи-ба'зида йўталиб қўймоқ, йўтали тутмоқ.

ПОКА́ШЛЯТЬ *сов.* йўталиб-йўталиб қўймоқ, кетма-кет йўталмоқ.

ПОКАЯ́НИЕ *ср* 1. тавба, тавба-тазарру', ўкиниш; айбига иқрор бўлиб узр сўраш; **принести́ покая́ние** тавба қилмоқ; 2. *черк.* черковда гуноҳларига тавба қилиш; ◊ ***отпусти́ (отпусти́те) дýшу на покая́ние*** *(эвк. ҳазл.)* тинч қўй (қўйинг), тинчлик бер (беринг), азиз жонимни қийнама (қийнаманг).

ПОКАЯ́ННЫЙ, -ая, -ое тавба қилиб айтилган, узр сўраб ёзилган; **покая́нное письмо́** узр сўраб ёзилган хат.

ПОКА́ЯТЬСЯ *сов.* 1. тавба қилмоқ, айбига иқрор бўлиб узр сўрамоқ; 2. ўкинмоқ, пушаймон бўлмоқ, афсус қилмоқ.

ПОКВИТА́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. ораочиқ қилмоқ, қарзни узмоқ, қарздан қутулмоқ; 2. ‖ ҳисоблашиб қўймоқ, ўч (қасос) олмоқ; қасдини олмоқ; **я ещё́ с тобо́й поквита́юсь!** мен сендан қасдимни оламан, ўч олмасдан қўймайман!

ПОКИВА́ТЬ *сов.* чайқатиб-чайқатиб қўймоқ, бирнеча марта қимирлатмоқ, иргатмоқ; **покива́ть голово́й на прощáнье** бош иргитиб хайрлашмоқ.

ПОКИДА́ТЬ I *сов. с. т.* = **поброса́ть** *(к.).*

ПОКИДА́ТЬ II *несов. к.* **поки́нуть.**

ПОКИ́НУТЫЙ, -ая, -ое 1. **поки́нуть** фе'лнинг сифатдоши; 2 ташланган, кимсасиз, ташланди; **поки́нутый дом** ташланди уй.

ПОКИ́НУТЬ *сов.* 1. ташлаб чиқиб кетмоқ; **поки́нуть го́род** шаҳарни ташлаб чиқиб кетмоқ; **поки́нуть родно́й дом** ўз уйидан чиқиб кетмоқ; **поки́нуть посте́ль** ётган ўрнидан турмоқ; 2. ажраб (ажралиб) кетмоқ, ташлаб кетмоқ; қаровсиз қолдириб кетмоқ; **поки́нуть му́жа** эрини ташлаб кетмоқ, эридан чиқиб кетмоқ; 3. алоқани узмоқ, воз кечмоқ; тарк қилмоқ; ташлаб (қолдириб) кетмоқ; ташлаб юбормоқ; **он не поки́нул своего́ дру́га в беде́** у мушкул аҳволда қолган дўстини ташлаб кетмади; **поки́нуть пост** постни ташлаб кетмоқ; **поки́нуть слу́жбу** ишни ташлаб юбормоқ; 4. кетмоқ, ажралиб қолмоқ, кўтарилмоқ, қочмоқ; **сча́стье поки́нуло его́** ундан бахт қочди, унинг бахти кетди; **си́лы поки́нули меня́** куч-қувватдан ажралдим; **„...посте́пенно о́бразы и Ули и Ле́ночки поки́нули Оле́га"** (Фадеев) **„...бора-бора Улянинг ҳам Леночканинг ҳам образи Олегнинг ёдидан кўтарилди"** (Фадеев).

ПОКИПЕ́ТЬ *сов.* бир фурсат қайнамоқ, қайнаб турмоқ; **пусть суп поки́пит ещё́ немно́го** шўрва яна бир-пас қайнасин.

ПОКИПЯТИ́ТЬ *сов.* бир фурсат қайнатмоқ, қайнатиб қўймоқ, қайнатиб олмоқ.

ПОКИПЯТИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1.= **поки́петь** *(к.);* 2. ‖ андак жаҳли чиқмоқ, тутақишмоқ, бироз қизишмоқ, тутақиб (қизишиб) кетмоқ, ҳовуллаб кетмоқ.

покипячу́, покипяти́шь *буд. от* **покипяти́ть** *(к.).*

покипячу́сь, покипяти́шься *буд. от* **покипяти́ться** *(к.).*

ПОКЛАДА́Я: не покладая́ рук тинмай, тўхтамай; тинимсиз; **рабо́тать, не покладая́ рук** тинмай ишламоқ.

ПОКЛА́ДИСТОСТЬ *ж мн. нет с. т.* ройишлик, қобиллик, гапга кўнучанлик, муомалага юручанлик; **покла́дистость хара́ктера** характернинг ройишлиги.

ПОКЛА́ДИСТЫЙ, -ая, -ое *с. т.* ройиш, қобил, гапга кўнучан, муомалага юручан, киришимли; **покла́дистый челове́к** ройиш одам; **челове́к с покла́дистым хара́ктером** характери юмшоқ одам.

ПОКЛА́ЖА *ж мн. нет с. т.* юк, багаж; **воз с покла́жей** юк ортилган арава.

ПОКЛЕВА́ТЬ *сов.* 1. чўқиб (чўқилаб) кетмоқ, чўқилаб еб кетмоқ, чўқитаб нобуд қилмоқ; **пти́цы поклева́ли все зёрна** қушлар донни бутта ҳам қолдирмай чўқилаб кетипти; 2. чўқилаб бироз емоқ, бироз чўқиламоқ; 3. тортиб-тортиб қўймоқ, алдаб-аллаб қўймоқ (балиқ ҳақида).

ПОКЛЁП *м с. т.* туҳмат, бўҳтон; **взвести́ (возводи́ть) поклёп на кого́-н.** бировга туҳмат қилмоқ.

ПОКЛО́Н *м* 1. таʼзим, сажда; таʼзим (сажда) қилиш, икки букилиб (қўл қовуштириб) салом бериш; **земно́й покло́н** *(эск.)* ер ўпиб салом бериш; **класть покло́ны** *(эск.)* сажда қилмоқ; 2. бош иргатиб (эгиб) салом бериш, саломлашиш; **отве́тить на чей-н. покло́н** саломига жавобан бош иргатмоқ; **о́бщий покло́н** бош эгиб ёппасига (ялписига) салом бериш; 3. салом; **переда́ть покло́н кому́-н.** салом айтмоқ, салом айтиб юбормоқ; ◊ *идти́ на покло́н, идти́ с покло́ном (к кому́-н.) манф.* бош урмоқ, ялинмоқ, оёғига бош эгиб (ялиниб) бормоқ.

ПОКЛОНЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. сажда қилиш, топиниш, чўқиниш, сиғиниш, ибодат қилиш; **поклоне́ние огню́** *(дин.)* ўтга (оловга) топиниш, оташпарастлик; 2. = **преклоне́ние** *(к.)*.

ПОКЛОНИ́ТЬСЯ *сов.* 1. салом бермоқ, таʼзим қилмоқ; қуллуқ қилмоқ; **поклони́ться в по́ясе** *(кому́-н.)* икки букилиб таʼзим қилмоқ; 2. **поклони́сь, поклони́тесь** салом айт (айтиб қўй); салом айтинг (айтиб қўйинг); **поклони́сь от меня́ сосе́дям** қўни-қўшниларга мендан салом айт; 3. *эск.* ёлвормоқ, ялиниб бормоқ, сиғиниб (оёғига бош уриб) келмоқ.

ПОКЛО́ННИК *м* 1. мухлис, мухиб, ишқивоз, ихлосманд; **быть покло́нником наро́дной му́зыки** халқ мусиқасига ишқивоз бўлмоқ; 2. ошиқ, хуштор, жазман; 3. *дин.* мурид, уммат.

ПОКЛО́ННИЦА *ж* 1. *к.* **покло́нник** 1; 2. маʼшуқа; хуштор аёл, жазман.

ПОКЛОНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. сажда қилмоқ, топинмоқ; чўқинмоқ, сиғинмоқ, ибодат қилмоқ; 2. ‖ ихлос қўймоқ; жуда ҳурмат қилмоқ; қойил бўлмоқ; **поклоня́ться ге́нию писа́теля** ёзувчининг гениясига қойил бўлмоқ.

поклоню́сь, поклонёшься *буд. от* **поклоня́ться** *(к.)*.

ПОКЛЯ́СТЬСЯ *сов.* қасам'ёд қилмоқ, қасам (онт) ичмоқ, ваʼда (сўз) бермоқ, аҳд-паймон қилмоқ; **покля́ться испо́лнить обеща́ние** ваʼдани бажараман деб онт ичмоқ; **покля́ться в ве́рности** содиқлик (вафодорлик) ҳақида аҳд-паймон қилмоқ, онт ичмоқ; **заста́вить покля́ться** онт ичирмоқ.

ПОКОВЕ́РКАТЬ *сов. с. т.* бироз пачоқ қилмоқ, сал-пал шикаст етказмоқ, уер-буерини ишдан чиқармоқ.

ПОКО́ВКА *ж тех.* 1. *только ед.* поковка, болғалаш, чўкичлаш; 2. поковка, болғалаб (чўкичлаб) ясалган нарса.

ПОКО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *тех.* **поко́вка** *сўз. сиф.*; поковка қиладиган; *к.* **поко́вка**.

ПОКОВЫЛЯ́ТЬ *сов. с. т.* бирпас судралмоқ; оқсаб-туқсаб бирпас юрмоқ, судралиб (битта-битта қадам босиб) анча жойга бормоқ.

ПОКОВЫРЯ́ТЬ *сов. с. т.* кавлаштирмоқ; бирпас титкиламоқ, кавламоқ.

ПОКО́И *мн. (ед.* **поко́й** *м) эск.* хона, бўлма, уй; **бога́тые поко́и** зеб-зийнатли уй; **вну́тренние поко́и** ичкари уйлар, ички хоналар.

ПОКО́ИТЬСЯ *несов.* 1. устида турмоқ; устига қурилган (ўрнатилган, ўрнашган) бўлмоқ, таянмоқ; **зда́ние поко́ится на про́чном фунда́менте** бино мустаҳкам фундаментга ўрнашган; 2. ‖ асосланмоқ, негизланмоқ, таянмоқ, суянмоқ; 3. *эск.* ётмоқ, тинч ётмоқ, қабрда тинч ётмоқ.

ПОКО́Й I *м* 1. *только ед. физ., тех.* тинчлик, ҳаракатсизлик; тинч (ҳаракатсиз) ҳолат; **абсолю́тного поко́я в приро́де нет** табиатда мутлақо тинч (ҳаракатсиз) ҳолат йўқ; **предполо́жим, что те́ло нахо́дится в состоя́нии поко́я** жисм тинч (ҳаракатсиз) ҳола да, деб фараз қилайлик; 2. жимжитлик, сукунат; 3. тинчлик, осойишталик; ором; **больно́му ну́жен поко́й** беморга тинчлик керак; **оста́вить кого́-н. в поко́е** тинч қўймоқ; **нарушить чей-н. поко́й** бировнинг тинчли ини бузмоқ; **не знать поко́я** тинмаслик; **э́та мысль не даёт мне поко́я** бу фикр менга тинчлик бермайди; **лиши́ться поко́я** тинчлиги бузилмоқ; ◊ ***приёмный поко́й*** қабулхона (касалхона, шифохона ва ҳ. к. ларда); ***удали́ться на поко́й (эск.)*** ишни ташламоқ, истеъфо бермоқ (қариганда); ***ве́чный поко́й (эск.)*** абадий тинчлик (ўлим).

ПОКО́Й II *м қ.* **поко́и.**

ПОКО́ЙНИК *м* ўлик, мурда; ўлган одам; марҳум.

ПОКО́ЙНИЦА *ж қ.* **поко́йник.**

ПОКО́ЙНИЦКАЯ *ж* ўликхона (касалхоналарда).

ПОКО́ЙНО *нареч.* тинч, осойишта, беозор, жон қойитмасдан.

ПОКО́ЙНЫЙ I, -ая, -ое 1. тинч, осойишта, беозор, мулойим, ювош; 2. қулай, киши роҳат (ҳузур) қиладиган, тинч; **поко́йный дива́н** киши роҳат қиладиган диван; ◊ ***поко́йной но́чи*** хайрли кеч; ***будь поко́ен (бу́дьте поко́йны)*** *с. т.* ҳ тиржам бўл (бўлинг); ташвиш қилма (қилманг); **будь поко́ен, он сде́ржит своё сло́во** хотиржам бўл, у сўзининг устидан чиқади.

ПОКО́ЙНЫЙ II, -ая, -ое 1. ўлган, вафот этган, марҳум; **мой поко́йный оте́ц** марҳум отам; **моя́ поко́йная ба́бушка** марҳума бувим; 2. *сущ.* **поко́йный** *м* марҳум, **поко́йная** *ж* марҳума; **почти́ть па́мять поко́йного встава́нием** марҳумнинг хотирасини ўрнидан туриш билан ҳурматламоқ.

ПОКОЛЕБА́ТЬ *сов.* 1. бироз тебратмоқ, сал-пал қимирлатмоқ, ҳилпиратмоқ; силкитиб қўймоқ; 2. ‖ путур етказмоқ, қақшатмоқ, сусайтирмоқ; ларзага келтирмоқ; **поколеба́ть чей-н. авторите́т** обрўсига путур етказмоқ; **поколеба́ть уве́ренность** ишончини сусайтирмоқ; 3. ‖ тараддудга солиб қўймоқ, шубҳа туғдирмоқ; **э́то не поколеба́ло его́** бу уни тараддудга солиб қўймади.

ПОКОЛЕБА́ТЬСЯ *сов.* 1. бир фурсат тебранмоқ, сал-пал қимирламоқ; **ма́ятник поколеба́лся и останови́лся** маятник бироз тебраниб тўхтаб қолди; 2. ‖ тушмоқ, кетмоқ, га аймоқ, йўқолмоқ (обрў, эътибор ҳақида); 3. ‖ иккиланиб қолмоқ, тараддудланиб турмоқ, тараддудга тушмоқ; **поколеба́ться в своём реше́нии** бир қарорга келолмай иккиланиб қолмоқ; 4. ўзгарабошламоқ, ўйлайбошламоқ, чиқиб-тушиб турмоқ, қалқиб турмоқ, беқарор бўлиб қолмоқ; **це́ны поколеба́лись** нархлар ўйлайбошлади.

ПОКОЛЕ́НИЕ *ср* 1. авлод, насл, бўғин; зот-зуррият; **тре́тье поколе́ние** учинчи бўғин; **из поколе́ния в поколе́ние** 1) авлоддан авлодга, отадан болага; 2) авлоддан авлодга, авлоддан авлодга ўтиб; 2. ‖ авлод; **молодо́е поколе́ние** ёш авлод; **пу́шкинское поколе́ние** Пушкин авлоди; **поколе́ние Октября́** Октябрь авлоди.

ПОКОЛЕСИ́ТЬ *сов с. т.* бирмунча вақт кезмоқ, кезиб юрмоқ, кезиб (айланиб) чиқмоқ.

поколешу́, поколеси́шь *буд. от* **поколеси́ть** *(к.).*

ПОКОЛОТИ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* роса урмоқ, сапа амоқ, қалтақламоқ, дўпасламоқ; 2. *с. т.* қаттиқ-қаттиқ тақиллатмоқ, қоқмоқ; 3. *собд.* қийратмоқ, чил-чил (чилпарчин) қилмоқ.

ПОКОЛОТИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* чил-чил (чилпарчин) бўлмоқ, синиб битмоқ.

ПОКОЛО́ТЬ *сов.* 1. тешиб-тешиб қўймоқ, бирнеча жойига нина (ниш) урмоқ, нина (ниш) уриб чиқмоқ; 2. *безл.* санчмоқ, бир фурсат санчиб оғримоқ; 3. бир миқдор (қанд ва ҳ. к.) ушатмоқ, майдаламоқ, чақмоқ, майдалаб (ушатиб, чақиб) қўймоқ; **поколо́ть са́хару** қанд майдалаб қўймоқ; 4. бир миқдор (ўтин) ёрмоқ, ёриб қўймоқ; **все дрова́ поколо́л** ҳамма ўтинни ёриб қўйди (қўйдим); 5. бир миқдорда (ёнғоқ ва ҳ. к.)

чақмоқ, чақиб қўймоқ; **поколо́ть оре́хов** ёнғоқ чақиб қўймоқ.

поколочу́, поколо́тишь *буд. от* **поколоти́ть** *(қ.).*

ПОКОМА́НДОВАТЬ *сов.* бирмунча вақт командирлик қилмоқ; бир фурсат команда бермоқ.

ПОКО́НЧИТЬ *сов.* 1. тамом қилмоқ, битирмоқ, тугатмоқ, охирига етказмоқ; 2. тугатмоқ, йўқотмоқ, йўқ қилмоқ, хотима (барҳам) бермоқ. ўлдирмоқ; **оро́шенне земе́ль позво́лило поко́нчить с за́сухой** ерларга сув чиқариш қурғоқчиликларга барҳам беришга имкон туғдирди; **поко́нчить с наруше́ниями дисципли́ны** интизомни бузишга барҳам бермоқ; **поко́нчить с врага́ми** душманларни йўқ қилмоқ; ◇ ***поко́нчить с собо́й (с жи́знью)*** ўзини ўлдирмоқ.

ПОКОПА́ТЬ *сов.* бир фурсат кавламоқ, бирпас қазимоқ, яна бироз чопмоқ.

ПОКОПА́ТЬСЯ *сов.* 1. уриниб ўтирмоқ, бирор иш билан машғул бўлмоқ; ғимирлаб бирор иш қилиб юрмоқ; **покопа́ться в огоро́де** полизда ғимирлаб иш қилиб юрмоқ; 2. *с. т.* имирсиламоқ, судралмоқ; **покопа́йся я ещё мину́ту, и по́езд ушёл бы** яна бироз имирсилаб ўтирсам, поезд кетиб қолар экан; 3. *с. т.* кавлаштирмоқ, қидирмоқ, диққат билан изламоқ, синчиклаб текширмоқ; **покопа́ться в бума́гах** қоғозларни (ҳужжатларни) кавлаштирмоқ; синчиклаб текширмоқ; 4. ‖ кавлаштирмоқ, суриштириб кўрмоқ, кўл солиб кўрмоқ, хаёлдан кечирмоқ; **покопа́ться в свои́х пережива́ниях** ўз кечирмаларини хаёлдан ўтказмоқ.

ПОКОПТИ́ТЬ *сов.* 1. бир фурсат дудламоқ, дудлаш билан машғул бўлмоқ; 2. яна бироз дудламоқ, дудлаб қўймоқ.

ПОКОРЁЖИТЬ *сов. содд.* 1. буриштириб (бужмайтириб) юбормоқ, майиштириб (қайиштириб) қўймоқ; мажақ қилмоқ, тириштирмоқ; 2. ‖ ғижинтирмоқ, ғазабини кўзғатиб (жаҳлини чиқариб) юбормоқ, ғашини келтирмоқ.

ПОКОРЁЖИТЬСЯ *сов. содд.* 1. буришиб (бужмайиб) қолмоқ, қайишиб (тоб ташлаб) кетмоқ, эзилмоқ; мажақ бўлмоқ; 2. ‖ ғижинмоқ, ғазаби кўзғалмоқ, жаҳли чиқиб кетмоқ, ғаши келмоқ; 3. ‖ тиришмоқ, афти бурушиб кетмоқ.

ПОКОРЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. забт этиш, истило қилиш, босиб олиш; 2. бўйсундириш, эгаллаш, жиловлаш, енгиш.

ПОКОРИ́ТЕЛЬ *м* 1. забт этучи истило қилучи, босиб олучи; 2. бўйсундируви, эгалловчи, енгувчи, жиловлаб олучи; **челове́к — покори́тель приро́ды** киши табиатни енгувчи кучдир; 3. ‖ ўзига тортувчи, жазб этувчи, мафтун (шайдо) қилучи; **покори́тель серде́ц** *(ҳазл. кест.)* хотинларни ўзига тортувчи, мафтун (шайдо) қилучи киши.

ПОКОРИ́ТЕЛЬНИЦА *ж қ.* **покори́тель; покори́тельница серде́ц** *(ҳазл. кест.)* эркакларни ўзига тортувчи, мафтун (шайдо) қилучи аёл.

ПОКОРИ́ТЬ I *сов.* 1. забт этмоқ, истило қилмоқ, босиб олмоқ; **покори́ть страну́** мамлакатни забт этмоқ; 2. ‖ бўйсундирмоқ, эгалламоқ, жиловлаб олмоқ, енгмоқ, ўзига тоби' қилмоқ, забт этмоқ; **покори́ть си́лы приро́ды** табиат кучларини енгмоқ; 3. ўргатмоқ, ром қилмоқ; 4. ‖ ўзига тортмоқ, жазб этмоқ, мафтун (шайдо) қилмоқ; **свое́й весёлостью он покори́л всех госте́й** ўзининг хушчақчақлиги билан у ҳамма меҳмонларни ўзига тортиб олди; **покори́ть чьё-н. се́рдце** дил-жигаридан урмоқ, шайдо қилмоқ.

ПОКОРИ́ТЬ II *сов. содд.* бироз ўпкаламоқ, ғинахонлик қилмоқ.

ПОКОРИ́ТЬСЯ *сов.* 1. бўйсунмоқ, итоат этмоқ, тоби' (таслим) бўлмоқ; **геро́и Краснода́на не покори́лись фаши́стским захва́тчикам** Краснодон қаҳрамонлари фашист босқинчиларга бўйсунмади; 2. бўйсунмоқ, кўнмоқ, кўникиб қолмоқ, рози бўлмоқ, тан бермоқ; **покори́ться необходи́мости** зарурятга бўйсунмоқ; **покори́ться судьбе́** тақдирга тан бермоқ.

ПОКОРМИ́ТЬ *сов.* 1. ем-хашак бермоқ, овқат солмоқ, дон бермоқ; **покорми́ть пти́ц** паррандаларга овқат (дон) бермоқ; 2. эмизмоқ, эмизиб қўймоқ; **покорми́ть гру́дью ребёнка** болани эмизмоқ; 3. овқатлан-

тириб қўймоқ, едириб-ичириб қўймоқ, овқат бермоқ; **покорми́ть больно́го** беморга овқат бермоқ, беморни овқатлантириб қўймоқ.

ПОКОРМИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* овқатланмоқ, овқатланиб олмоқ.

ПОКО́РНЕЙШЕ *нареч.*: **поко́рнейше прошу́** *(эск.)* ўтиниб сўрайман; **поко́рнейше благодарю́** 1) *эск.* ташаккур билдираман; 2) ‖ *кест.* раҳмат, ўзингизга буюрсин.

ПОКО́РНЕЙШИЙ, -ая, -ее: **ваш поко́рнейший слуга́** *(эск.)* камина қулингиз, камина бандангиз; камина-камтарин; **поко́рнейшая про́сьба** *(эск.)* ожизона илтимос.

ПОКО́РНО *нареч.* ожизона, итоаткорона, бўйсуниб; **он поко́рно склони́л го́лову** у итоаткорона бош эгди, бошини қуйи солди; **поко́рно прошу́** *(эск.)* ўтиниб сўрайман; **благодарю́ поко́рно** 1) *эск.* ташаккур билдираман; 2) ‖ *с. т.* раҳмат-э, балли-э, қуллиқ-э.

ПОКО́РНОСТЬ *ж мн. нет* итоаткорлик, бўйсуниш, бўйин эгиш; **проявля́ть поко́рность** итоаткорлик курсатмоқ

ПОКО́РНЫЙ, -ая, -ое 1. итоаткор, итоатли, бўйсунучи, бўйин эгучи; 2. сўзга кирадиган, қобил; ◇ **ваш поко́рный слуга́** *(эск.)* камина қулингиз, камина бандангиз, камина-камтарин; **поко́рная про́сьба** *(эск.)* ожизона илтимос; **слуга́ поко́рный!** *(кест. с. т.)* йўқ-йўқ, камингизга асло тўғри келмайди.

ПОКОРО́БИТЬ *сов.* 1. қайиштириб юбормоқ, тоб ташлатмоқ; **фане́ру покоро́било от сы́рости** намликдан фанер тоб ташлаб кетипти; 2. ‖ ғашини келтирмоқ, ижирғантирмоқ, ғижиттирмоқ; **меня́ всего́ покоро́било от его́ гру́бости** унинг дағаллиги мени жуда ғижиттириб юборди.

ПОКОРО́БИТЬСЯ *сов.* қайишмоқ, қайишиб қолмоқ, тоб ташлаб кетмоқ; **покоро́биться от сы́рости** намда тоб ташлаб кетмоқ.

ПОКОРЯ́ТЬ *несов. к.* **покори́ть** I.

ПОКОРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **покори́ться**; 2. *страд. от* **покоря́ть** *(к.)*.

ПОКО́С *м* 1. ўриш, ўрим; **второ́й поко́с** иккинчи ўрим; 2. ўроқ (ўрим) вақти, пичан ўриш вақти; **прибли-жа́ется поко́с** пичан ўриш вақти яқинлашмоқда; 3 пичанзор.

ПОКОСИ́ТЬ I *сов.* 1. ўриб олмоқ, 2 бир фурсат ўрмоқ, ўриш билан машғул бўлмоқ.

ПОКОСИ́ТЬ II *сов. безл.* қийшайтирмоқ, қийшайтириб юбормоқ, қийшайиб кетмоқ.

ПОКОСИ́ТЬСЯ *сов.* 1. қийшайиб қолмоқ, қийшайиб кетмоқ, оғиб кетмоқ; **дом покоси́лся** уй қийшайиб (оғиб) кетипти; 2. қийшайиб (кўз қири билан, кўзни ғилай қилиб) қарамоқ, қийғир қарамоқ, кўз қирини ташламоқ; **он покоси́лся на дверь** у эшикка кўз қирини ташлади.

ПОКО́СНЫЙ, -ая, -ое *к. х.* **поко́с** *сущ. сиф.*; ўришга, ўримга оид; **поко́сное вре́мя** уроқ (ўрим) вақти.

покошу́, поко́сишь *буд. от* **покоси́ть** I *(к.)*.

покошу́сь, поко́сишься *буд. от* **покоси́ться** *(к.)*.

ПОКРА́ЖА *ж эск.* 1. ўғирлик, ўғирлаш; 2. ўғирланган нарса, ўғирлик мол.

ПОКРА́ПАТЬ *сов.* бирпас томчилатмоқ, бирпас томчилаб ёғмоқ, томчилаб ўтмоқ; **дождь покра́пал** ёмғир бирпас томчилади, **немно́го покра́пало** *(безл.)* ёмғир томчилаб ўтди.

ПОКРА́ПЫВАТЬ *несов* томчилаб турмоқ, томчилаб ёғиб турмоқ; **с утра́ покра́пывал дождь** эрталабдан буён ёмғир томчиламоқда эди.

ПОКРАСИТЬ *сов* буямоқ, сирламоқ, бўяб (сирлаб) қўймоқ, бўяб (сирлаб) чиқмоқ. **покра́сить сте́ны** деворларни сирламоқ. **покра́сить пла́тье** кўйлакни буямоқ.

ПОКРА́СКА *ж мн. нет* бўяш, сирлаш, буяб (сирлаб) қўйиш, бўяб (сирлаб) чиқиш.

ПОКРАСНЕ́ТЬ *сов.* 1. қизармоқ, қизариб қолмоқ, қизил тортмоқ, ранг кирмоқ; **клубни́ка покрасне́ла** қулупнай қизарди; **я́блоки покрасне́ли** олма қизариб қолди, олмага ранг кирди; 2. қизариб кетмоқ, қипқизариб кетмоқ; қипқизил лавлаги бўлмоқ; **покрасне́ть от стыда́** уялганидан қизариб кетмоқ; **на моро́зе щёки у него́ покрасне́ли** совуқдан унинг юзлари қизариб кетипти.

ПОКРАСОВА́ТЬСЯ *сов.* ўзини кўрсатиб юрмоқ, кўз-кўз (савлат) қилиб юрмоқ; бирмунча вақт кўркам бўлиб турмоқ.

ПОКРАХМА́ЛИТЬ *сов.* крахмалламоқ, оҳорламоқ; крахмаллаб (оҳорлаб) қўймоқ; **покрахма́лить скатерть** дастурхонни крахмалламоқ.

покра́шу, покра́сишь *буд. от* **покра́сить** *(қ.).*

ПОКРИВИ́ТЬ *сов.* қийшайтирмоқ, эгри (қийшиқ) қилиб қўймоқ; ◊ ***покриви́ть (криви́ть) душо́й*** *қ.* **кривить.**

ПОКРИВИ́ТЬСЯ *сов.* қийшаймоқ, эгилмоқ, букилмоқ; қийшайиб (эгилиб, букилиб) қолмоқ, оғиб кетмоқ

ПОКРИВЛЯ́ТЬСЯ *сов. с. т. манф.* бироз қийшангламоқ, қийпангламоқ, қилиқ қилмоқ; бирпас ноз-карашма қилмоқ.

ПОКРИ́КИВАТЬ *несов. с. т.* 1. бақириб чақириб турмоқ, гоҳ-гоҳ бақириб қўймоқ; 2. бақириб қўймоқ, ҳайқириб-ҳайқириб (ҳай-ҳайлаб) турмоқ; ўшқириб, жекириб турмоқ; **покрикивать на шалуна́** шўх болага ҳой ҳойлаб турмоқ; **покрикивать на лошаде́й** отларга ҳайқириб-ҳайқириб қўймоқ.

ПОКРИТИКОВА́ТЬ *сов. с. т.* танқид қилмоқ.

ПОКРИЧА́ТЬ *сов.* бир фурсат бақирмоқ, ҳайқирмоқ, қичқирмоқ.

ПОКРО́В *м* 1. ўртук, қоплама, пўст; бирор нарсани қоплаб олган қатлам; кўрпа; **сне́жный покро́в** қор кўрпаси; **волосяно́й покро́в** тук, жун (баданни қоплаб олган тук, жун); **нару́жные покро́вы** тери (баданни қоплаб олган тери); 2. *эск. поэз.* чодир чойшаб, рўмол; 3. *эск.* ҳимоя, ҳомийлик; **взять под свой покро́в** ўз ҳимояси остига олмоқ; 4. ‖ парда, кўланка, ниқоб; ◊ ***под покро́вом но́чи*** тун қоронғисида, тун пардаси остида.

ПОКРОВИ́ТЕЛЬ *м* ҳомий.

ПОКРОВИ́ТЕЛЬНИЦА *ж қ.* **покровитель.**

ПОКРОВИ́ТЕЛЬСТВЕННЫЙ, -ая, -ое 1. *манф.* ҳимоя қилучи, ҳомийлик кўрсатучи, ҳомийларча; **покровительственное отноше́ние к кому́-н.** бирорга ҳомийларча қараш, ҳомийлик қилиш; 2. енгиллик берадиган, енгиллик туғдирадиган, имтиёзли, **покровительственная систе́ма таможенных тари́фов** имтиёзли бож системаси (капиталистик мамлакатларда — ўз молини бозордан сиқиб чиқарадиган четэл молларидан катта хирож олиш); ◊ ***покрови́тельственная окра́ска*** = мимикри́я *(қ.).*

ПОКРОВИ́ТЕЛЬСТВО *ср мн. нет* 1 сақлаш, ҳимоя қилиш, ҳомий бўлиш, ўз кўланкаси (сояси) остида сақлаш; ҳомийлик; **иска́ть чьего́-н. покрови́тельства** соясига сиғинмоқ; бирор кишидан ҳимоя талаб бўлмоқ; **ока́зывать покрови́тельство кому́-н.** ҳимоя қилмоқ, кўланкаси остида сақламоқ, 2 *эск.* ҳомийлик, ҳайрихоҳлик; **покрови́тельство иску́сству** сан'атга ҳомийлик қилмоқ, хайрихоҳлик кўрсатмоқ; ◊ ***под покрови́тельством*** ҳимояси остида; **под покрови́тельством зако́на** қонун ҳимояси остида, қонунга суяниб.

ПОКРОВИ́ТЕЛЬСТВОВАТЬ *несов.* ёқламоқ, ҳимоя қилмоқ, ҳомий бўлмоқ, ўз кўланкаси (сояси) остида сақламоқ.

ПОКРО́ВНЫЙ, -ая, -ое *махс.* 1. **покро́в** I *суз. сиф.*; **покро́вные тка́ни** тери тўқималари; 2. *махс.* қоплайдиган, суркайдиган; қоплаш (суркаш) учун хизмат қиладиган, қопловчи; ◊ ***покро́вные расте́ния*** *(қ. х.)* беда ва ш. к. кўп йиллик ўтлар билан аралаштириб сепиладиган ўсимликлар, мас., буғдой, арпа ва ҳ. к.

ПОКРОЙТЬ *сов.* бичмоқ, бир фурсат кийим бичиш билан машғул бўлмоқ.

ПОКРО́Й *м* бичим, андаза; тахлит; **краси́вый покро́й пальто́** бичими келишган пальто; **костю́м вое́нного покро́я** бичими ҳарбийча костюм; ◊ ***на оди́н покро́й, одного́ покро́я*** *(с. т.)* бир тахлитдаги, бир қолипдаги (одам, нарса); **челове́к ста́рого покро́я** эски одам, эски замон одами.

ПОКРОМСА́ТЬ *сов. с. т.* қиймаламоқ, қийқимламоқ; қиймалаб (қийқимлаб) ташламоқ, бурда-бурда қилмоқ.

ПОКРОПИ́ТЬ *сов.* бироз пуркамоқ, шакароб қилиб сепмоқ.

ПОКРОШИ́ТЬ *сов.* бироз (нарса) майдаламоқ, бурдаламоқ, ушатмоқ, майдалаб (ушатиб, увоқлаб) бермоқ; **покроши́ть ку́рам хле́ба** товуқларга нон увоқлаб бермоқ.

покро́ю, покро́ешь *буд. от* **покры́ть** (*қ.*).

покрою́, покро́ишь *буд. от* **покро́ить** (*қ.*).

ПОКРУЖИ́ТЬ *сов.* 1. бирпас (бирнеча марта) айланмоқ, айланиб юрмоқ, айланиб чиқмоқ; **самолёт покружи́л над аэродро́мом и приземли́лся** самолёт аэродром тепасида бирнеча марта айланиб ерга қўнди; 2. ‖ адашиб юрмоқ, йўлдан адашиб саргардон бўлмоқ; 3. *с. т.* айлантирмоқ, айлантириб юрмоқ.

ПОКРУЖИ́ТЬСЯ *сов.* бирпас (бирнеча марта) айланмоқ, айланиб юрмоқ, айланиб чиқмоқ, гир-гир айланмоқ.

ПОКРУТИ́ТЬ *сов.* бир фурсат айлантирмоқ, бурамоқ, бурмоқ, бир фурсат айлантириш (бураш) билан машғул бўлмоқ.

ПОКРУТИ́ТЬСЯ *сов.* бир фурсат айланмоқ, бураламоқ, айланиб (бураліб) турмоқ.

покручу́, покру́тишь *буд. от* **покрути́ть** (*қ.*).

ПОКРЫВА́ЛО *ср* чойшаб; **шёлковое покрыва́ло** шоҳи чойшаб.

ПОКРЫВА́ТЬ *несов. қ.* **покры́ть**.

ПОКРЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **покры́ться**; 2. *страд. от* **покрыва́ть** (*қ.*).

ПОКРЫВНО́Й, -ая, -ое = **покро́вный** 2 (*қ.*); **ла́ки покрывны́е** *қ.* **лак** I (1-нчи маъносида).

ПОКРЫ́ТИЕ *ср только ед.* 1. **покры́ть** фе'лининг ҳаракат номи; **покры́тие до́ма черепи́цей** томни черепица билан ёпиш; **покры́тие расхо́дов** харажатларни қоплаш; 2. тўшама, қоплама, бирор нарсанинг устига ёпилган (устини қоплаган) материал; **аспа́льтовое покры́тие доро́ги** йўлнинг асфальт тўшамаси; **автомоби́льная доро́га с твёрдым покры́тием** қаттиқ тўшамали автомобиль йўли; **черепи́ца — про́чное и дешёвое покры́тие для постро́ек** черепица иморатга ёпиш учун ишлатиладиган пухта ва арзон материалдир; 3. *бухг.* бирор харажатни қоплаш учун ажратилган маблағ.

ПОКРЫТОСЕМЯ́ННЫЕ *мн. (ед.* **покрытосемя́нное** *ср) бот.* ёпиқ уруғли ўсимликлар.

ПОКРЫ́ТЫЙ, -ая, -ое **покры́ть** фе'лининг сифатдоши; ◇ ***покры́то мра́ком неизве́стности*** *қ.* мрак.

ПОКРЫ́ТЬ *сов.* 1. ёзмоқ, ёпмоқ, солмоқ; ёзиб (ёпиб, солиб) қўймоқ; **покры́ть стол ска́тертью** столга дастурхон ёзмоқ; **покры́ть ребёнка одея́лом** боланинг устига ад'ёл ёпиб қўймоқ; 2. ёпмоқ, бекитмоқ, қопламоқ, сирмоқ; **покры́ть кры́шу** черепицей томни черепица билан ёпмоқ; **покры́ть шу́бу сукно́м** пўстинга мовут сирмоқ; **покры́ть ме́бель плю́шем** мебельга духоба (бахмал) қопламоқ; 3. қопламоқ, ўрамоқ, буркамоқ, босмоқ, тутмоқ; қоплаб (ўраб, буркаб) олмоқ, босиб (тутиб) кетмоқ; **ту́чи покры́ли не́бо** осмонни булут босди, булут қоплади; 4. тўлдирмоқ, тўлдириб юбормоқ; **покры́ть бума́гу рису́нками** қоғозни суратга тўлдирмоқ; 5. қопламоқ, бўёқ (сир) бермоқ; **покры́ть брасле́т позоло́той** билагузукни олтин билан қопламоқ, билагузукка олтин суви югуртирмоқ; **покры́ть ме́бель ла́ком** мебельга лок бермоқ, мебельни локламоқ; **покры́ть глазу́рью** сирламоқ; 6. ‖ тўлдирмоқ, тўлдириб юбормоқ, қопламоқ; **покры́ть артиллери́йским ого́нём простра́нство в пять киломе́тров** беш километр кенгликдаги жойни артиллерия ўти остига олмоқ; **„Ца́рский мини́стр Столы́пин покры́л ви́селицами страну́“** [История ВКП (б) (Краткий курс)]; **„Чор министри Столипин мамлакатни дорларга тўлдириб юборди“** [ВКП(б) тарихи (Қиска курс)]; 7. ‖ босмоқ, босиб кетмоқ; **гул мото́ра покры́л голоса́ разгова́ривающих** моторнинг шовқини гапиришаётганларнинг овозини босиб кетди (эшитдирмай қўйди); 8. ‖ қозонмоқ, эга бўлмоқ, эришмоқ, сазовор бўлмоқ, қопламоқ; сазовор қилмоқ; **„В э́тих вели́ких сраже́ниях на́ши до́блестные бой-**

цы́, командиры и политработники покры́ли неувяда́емой сла́вой боевы́е знамёна Кра́сной Армии ...“ (Сталин); „Шавкатли жангчиларимиз, командирларимиз ва снёсий ходимларимиз шу буюк жангларда Қизил Армиянинг жанговар байроқларини сўнмас шуҳрат билан қопладилар...“ (Сталин); 9. тўламоқ, қопламоқ, узмоқ; **покры́ть долги́** қарзни тўламоқ, қарзни узмоқ; 10. босмоқ, босиб ўтмоқ; **за час мотоцикли́ст покры́л расстоя́ние в девяно́сто киломе́тров** мотоцикл бир соатда тўқсон километр йўл босди; 11. *манф.* яширмоқ, бекитмоқ, ёпмоқ, яшириб (бекитиб) кетмоқ; хаспўшлаб кетмоқ; **покры́ть чью-н. вину́** бировнинг айбини бекитмоқ, бекитиб кетмоқ; 12. қопламоқ, тўла таъмин этмоқ; қаноатлантирмоқ; 13. босмоқ; **покры́ть шестёрку да́мой** олтиликни дама билан босмоқ; 14. *махс.* чопмоқ; қочирмоқ (молни); ◇ ***покры́ть та́йной*** бекитиб кетмоқ, сир тутмоқ.

ПОКРЫ́ТЬСЯ *сов.* 1. ёпинмоқ, ўралмоқ, бурканмоқ, ёпиниб (ўралиб, бурканиб) олмоқ; **покры́ться одея́лом** устига кўрпа ёпиб олмоқ; 2. қопланмоқ, тўлмоқ; **доли́на покры́лась трава́й** води ўт билан қопланди; **я́бло́ня покры́лась цвета́ми** олма қийғос гуллади; **ка́рта Сове́тского Сою́за покры́лась се́тью но́вых желе́зных доро́г** Совет Иттифоқининг картаси янги темирйўл тармоқлари билан қопланди; **река́ покры́лась** льдом дар'ёни муз қоплади.

ПОКРЫ́ШЕЧНЫЙ, -ая, -ое покры́шка 2, 3 *груз. сиф.*; *қ.* покры́шка 2, 3.

ПОКРЫ́ШКА *ж* 1. *с. т.* қопқоқ, қалпоқ; 2. покришка; **автомоби́льная ши́на состои́т из покры́шки и ка́меры** автомобиль шинаси покришка ва камерадан иборат; 3. покришка (дамланадиган коптокнинг чарм қисми); **покры́шка футбо́льного мяча́** футбол тўпининг покришкаси; ◇ ***ни дна, ни покры́шки (содд. сўк.)*** баҳака топмагур, ўнгмагур; кафангадо бўлгур.

ПОКРЯ́ХТЕТЬ *сов. с. т.* бир фурсат ингramоқ, инқиллаб синқиллamоқ; оҳ-воҳ қилмоқ.

ПОКРЯ́ХТЫВАТЬ *несов.* *қ.* покря́хтеть.

покряхчу́, покряхти́шь *буд. от* **покря́хте́ть** *(қ.)*.

ПОКУВЫРКА́ТЬСЯ *сов. с. т.* думбалоқ ошмоқ, умбалоқ ошиб ўйламоқ, юмалашмоқ.

ПОКУ́ДА *нареч.* ва *союз с. т.* *қ.* пока́ 1, 2, 3, 4.

ПОКУПА́ТЕЛЬ *м* 1. харидор, сотиб олувчи; **отли́чное обслу́живание покупа́телей** харидорларга аъло даражада хизмат кўрсатиш; 2. *только ед. собир.* харидорлар, **учи́тывать интере́сы покупа́теля** харидорларнинг манфаатларини ҳисобга олмоқ.

ПОКУПА́ТЕЛЬНИЦА *ж* *қ.* покупа́тель.

ПОКУПА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое сотиб олишга (харидга) оид, харид; **покупа́тельная си́ла де́нег** пулнинг харид қуввати; **рост покупа́тельной спосо́бности** трудящихся в Сове́тском Сою́зе Совет Иттифоқи меҳнаткашлари харид қувватининг ошиши.

ПОКУПА́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое покупа́тель *сўз. сиф.*; харидорларга оид.

ПОКУПА́ТЬ I *несов.* *қ.* купи́ть; **покупа́ть проду́кты** озиқ-овқат сотиб олмоқ.

ПОКУПА́ТЬ II *сов. с. т.* чўмилтирмоқ, ювинтирмоқ, чўмилтириб (ювинтириб) қўймоқ; чўмилтириб (ювинтириб) чиқмоқ; **покупа́ть дете́й в ва́нне** болаларни ваннада чўмилтирмоқ, ювинтирмоқ.

ПОКУПА́ТЬСЯ I *несов.* сотиб олинмоқ, харид қилинмоқ, ўтмоқ, кетмоқ.

ПОКУПА́ТЬСЯ II *сов. с. т.* чўмилмоқ, ювинмоқ; чўмилиб (ювиниб) олмоқ; чўмилиб (ювиниб) чиқмоқ; **покупа́ться в реке́** дар'ёда чўмилиб олмоқ, чўмилиб чиқмоқ.

ПОКУ́ПКА *ж* 1. *только ед.* сотиб олиш, харид қилиш; **производи́ть поку́пку** дров ўтин сотиб олиш; 2. харид қилинган нарса, сотиб олинган нарса; харид; **принести́ поку́пки домо́й** харид қилинган нарсаларни уйга олиб келмоқ; **отпра́виться за**

покупками сотиб олинган нарсаларни олиб келиш учун бормоқ.

ПОКУПНО́Й, -а́я, -о́е 1. *с. т. эск.* сотиб олинган, бозори; **покупна́я лепёшка** бозор нони; 2. = **покупа́тельный** (*қ.*); **покупна́я цена́** сотиб олиш нархи.

ПОКУПЩИ́К *м эск.* харидор, сотиб олувчи.

ПОКУПЩИ́ЦА *ж эск. қ.* **покупщи́к.**

ПОКУ́РИВАТЬ *несов.* гоҳ-гоҳ чекмоқ, ҳар замонда чекиб қўймоқ, чекиб тутатмоқ.

ПОКУРИ́ТЬ *сов.* 1. чекмоқ. тортмоқ, чекиб (тортиб) олмоқ; чекишмоқ; **покури́ть по́сле обе́да** обеддан кейин чекиб олмоқ; **покури́ть сигаре́ту** сигарета чекмоқ; 2. тутатмоқ.

ПОКУСА́ТЬ *сов.* тишламоқ, қопмоқ, таламоқ, чақмоқ, тишлаб (чақиб) ташламоқ; талаб юбормоқ.

ПОКУСИ́ТЬСЯ *сов.* 1. ботинмоқ, юрак ютмоқ, жур'ат қилмоқ, ўтинмоқ; 2. чанг солмоқ, кўз олайтирмоқ, тажовуз қилмоқ; пайига тушмоқ; **покуси́ться на чужи́е ве́щи** бировнинг нарсасига кўз олайтирмоқ; 3. қасд қилмоқ; суиқасд қилмоқ; **покуси́ться на чью-н. жизнь** бировга суиқасд қилмоқ.

ПОКУ́СЫВАТЬ *сов. с. т.* гоҳ-гоҳ чақмоқ, ҳарзамонда бир чақиб қўймоқ, чақиб олмоқ.

ПОКУ́ШАТЬ *сов.* овқатланмоқ, овқат қилмоқ, овқатланиб (овқат қилиб) олмоқ, тановул қилмоқ.

ПОКУША́ТЬСЯ *несов. қ.* **покуси́ться.**

ПОКУШЕ́НИЕ *ср* **покуси́ться** ва **покуша́ться** фе'лларининг ҳаракат номи; **покуше́ние на чью-н. жизнь** бировга суиқасд қилиш.

покушу́сь, покуси́шься *буд. от* **покуси́ться** (*қ.*).

ПОЛ I *м* (*мн.* **полы́**) пол; **деревя́нный пол** тахта пол; **земляно́й пол** ер пол; **ко́шка лежи́т на полу́** мушук полда (ерда) ётипти; **карандаш упа́л на́ пол** қалам ерга (полга) тушиб кетди; **моне́та покати́лась по́ полу** танга (чақа) ерга (полга) тушиб думалаб кетди.

ПОЛ II *м* (*мн.* **по́лы**) *биол.* жинс; **мужско́й пол** эркак жинси; **же́нский пол** хотин жинси; **ли́ца обо́его по́ла** эркаклар ва хотинлар; эркаклар ҳам, хотинлар ҳам; ◇ ***прекра́сный пол*** ёки ***сла́бый пол*** (*ҳазл.*) хотин-қизлар.

ПОЛ III *нескл. содд.* ярим; **он придёт в полседьмо́го** у соат олти яримда келади.

[пол-] қўшма сўзларда „ярим", „яримта" ма'ноларини билдирадиган қисқартма; именительний падеждан бошқа падежларда одатда „полу" шаклини олади; „л" ҳарфи ва унли товуш билан бошланадиган сўзларга қўшилиб келганда дефис билан ёзилади, мас., **получа́с** ярим соат; **в получа́се ходьбы́** ярим соатли йўлда; **полго́да** ярим йил; **в тече́ние полугода́** ярим йил давомида; **пол-листа́** ярим тахта, ярим варақ; **пол-ли́тра** ярим литр; **пол арши́на** ярим газ; **пол-апельси́на** ярим апельсин; **пол-я́блока** яримта олма ва ҳ. к.

ПОЛА́ *ж* (*мн.* **по́лы**) 1. этак, бар; 2. парда; **пола́ пала́тки** палатка пардаси; ◇ ***из-под полы́ (торгова́ть, продава́ть)*** енг ичида, бекитиқча, бекитиб (сотмоқ).

ПОЛАГА́ТЬ *несов.* 1. фараз қилмоқ, тахмин қилмоқ, гумон (хаёл) қилмоқ, ҳисобламоқ, ўйламоқ, билмоқ, мўлжалламоқ; я **полага́ю, что он сейча́с в Ташке́нте** мен у Тошкентда бўлса керак деб ўйлайман; **мы полага́ли, что он уже прие́хал** биз уни келган деб ўйлаган эдик; **полага́ть целесообра́зным** мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқ; 2. *расм.* ҳисобламоқ; **полага́ть това́рища Каи́мова больны́м** ўртоқ Каримов касал деб ҳисоблансин (буйруқда ишлатилади); ◇ ***на́до полага́ть*** (*кирш. с. т.*) шундай бўлса керак,... деб ўйламоқ керак.

ПОЛАГА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **положи́ться**; я **полага́юсь на вас** мен сизга ишонаман, сизни орқа қиламан; 2. *безл.* мумкин бўлмоқ, жоиз бўлмоқ; **здесь кури́ть не полага́ется** бу ерда чекиш мумкин эмас; **так вести́ себя́ не полага́ется** ўзини бундай тутиш ярамайди; **спра́шивать ни о чём не полага́лось** ҳечнарса

(тўғрисида) сўраш мумкин эмас эди; 3. *безл.* тегиш бўлмоқ, лозим (зарур, керак) бўлмоқ; **как полага́ется** тегишлича, яхшилаб; **лаборато́рии должны́ быть снабже́ны всем, чем полага́ется** лабораториялар ҳамма тегишли нарсалар билан та'минланган бўлиши керак; 4. тўғри келмоқ, тегиш бўлмоқ; **ка́ждому из вас полага́ется по 5 рубле́й** ҳар бирингизга беш сўмдан тегади, беш сўмдан берилиши керак.

ПОЛА́ДИТЬ *сов.* чиқишиб олмоқ, чиқишиб кетмоқ, тилини топмоқ, муроса қилмоқ; **пола́дить с кем-н.** бирор киши билан чиқишиб олмоқ; **они не пола́дили ме́жду собо́й** уларнинг муросаси келишмай қолди, улар чиқишаолмай қолдилар.

пола́жу I, **пола́дишь** *буд. от* **пола́дить** *(қ.).*

пола́жу II, **пола́зишь** *буд. от* **пола́зить** *(қ.).*

ПОЛА́ЗИТЬ *сов.* 1. чиқмоқ, чиқиб юрмоқ; **пола́зить по гора́м** тоғма-тоғ юрмоқ; **пола́зить по дере́вьям** дарахтларга чиқмоқ; 2. тиқиламоқ, тимирскиламоқ, кавлаштирмоқ; **пола́зить по карма́нам** чўнтакларни кавламоқ.

ПОЛА́КОМИТЬСЯ *сов. қ.* **ла́комиться.**

ПОЛАСКА́ТЬ *сов.* бироз эркалатмоқ, силаб-сийпаб қўймоқ.

ПОЛАСКА́ТЬСЯ *сов.* 1. эркаланмоқ, эркалик қилмоқ; 2 бироз эркаланмоқ, эркалик қилиб қўймоқ.

ПОЛА́ТИ *мн., ед. нет* полати (қишлоқ уйларида қишда ётиш учун печь билан шип ўрталигига қурилган сўри, рап).

ПОЛА́ЯТЬ *сов.* бироз акилламоқ, вовулламоқ, акиллаб (вовуллаб) қўймоқ.

ПО́ЛБА *ж мн. нет* полба (буғдойнинг бир нав'и).

ПОЛБЕДЫ *в знач. сказ. с. т.* баҳарнав, унча зиёни йўқ; ҳалво, ҳаловат; **э́то ещё полбе́ды** бу ҳам ҳаловат, бу ҳам майлику.

ПО́ЛБЕННЫЙ, -ая, -ое полбага (буғдойга) оид, полбадан (буғдойдан) тайёрланган; **по́лбенная ка́ша** полба (буғдой) каша.

ПОЛВЕ́КА *м* ярим аср.

ПОЛГО́ДА *м* ярим йил; **прошло́ полго́да** ярим йил ўтди.

ПО́ЛДЕНЬ *м* 1. туш, қиём. чошгоҳ, туш (қиём) вақти; **жа́ркий по́лдень** туш қизиғи; **к полу́дню пого́да прояснила́сь** тушга томон ҳаво юришиб кетди; **вре́мя переваля́ло за по́лдень** кун яримидан ошди; **после полудня** кун яримидан оққандан кейин; 2. *астр.* ярим кун (қуёш марказининг бирор жойида меридиандан ўтиш пайти); 3. *эск. поэз.* жануб.

ПОЛДНЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое **по́лдень** 1 *сўз. соч.*; тушки, чошгоҳдаги, қиёмдаги; кун ярмида (чошгоҳда) бўладиган.

ПО́ЛДНИК *м* тушки овқат, тушлик.

ЛО́ЛДНИЧАТЬ *несов. маҳл.* 1. тушлик қилмоқ, тушда овқатланмоқ; 2. кундузи (обед билан ужин ўртасида) овқат қилмоқ.

ПОЛДНЯ́ *м* ярим кун; **прошло́ полдня́** ярим кун ўтди.

ПОЛДОРО́ГИ *ж* ярим йўл, йўлнинг ярми; **останови́ться на полдоро́ге** 1) ярим йўлга бориб тўхтамоқ, дам олмоқ; 2) ишни чалаярим қилиб кетмоқ, оро йўлда қолдирмоқ.

ПОЛДЮЖИНЫ *ж* ярим дюжина (олти дона); **полдю́жины ло́жек** ярим дюжина қошиқ.

ПО́ЛЕ *ср* (*мн.* поля́) 1. дала, ёвон; ер; **в откры́том по́ле** очиқ далада; 2. дала, майдон, экин майдони; бирор нарса экилган ер, пайкал; **пшени́чное по́ле** буғдойпоя; **хло́пковое по́ле** пахта майдони; пахтазор; **колхо́зные поля́** колхоз далалари; **обрабо́тка поле́й** далаларни (ерларни) ишлаш; 3. майдон; **ледяно́е по́ле** муз майдони; **по́ле бо́я (би́твы, сраже́ния, бра́ни)** жанг майдони; **лётное по́ле** *(ав.)* учиш майдони, самолёт кўтариладиган майдон; **футбо́льное по́ле** *(спорт.)* футбол майдони; 4. *махс.* майдон; **магни́тное по́ле** *(физ.)* магнит майдони; **электри́ческое по́ле** *(физ.)* электр майдони; **по́ле обстре́ла** ўққа тутиш майдони (бирор қуролдан ўққа тутилиши мумкин бўлган ёки ўққа тутилиши лозим бўлган майдон); 5. чет, ҳошия; **де́лать заме́тки на поля́х кни́ги** китоб саҳи-

фаларининг четига изоҳлар ёзиб бермоқ; 6. *только мн.* соябон; **шля́па с поля́ми** соябонли шляпа; 7. тағ, фон, замин; **сви́тец с бе́лыми цветами́ по си́нему по́лю** тағи кўк гулли чиғ; 8. ‖ майдон, соҳа; **общи́рное по́ле де́ятельности** кенг фаолият соҳаси; **по́ле зре́ния** қ. **зре́ние**; **находи́ться в по́ле зре́ния** назар (кўриш) доирасида бўлмоқ; ◇ ***оди́н в по́ле не во́ин*** *(матал)* қ. один 6.

ПОЛЕВЕ́НИЕ *ср мн. нет сиёс.* сўллаш (фикр ва маслак жиҳатидан суд сиёсий партияларга яқинлашиш).

ПОЛЕВЕ́ТЬ *сов.* қ. **леве́ть**.

ПОЛЕ́ВКА *ж зоол.* дала сичқони.

ПОЛЕВО́Д *м* полевод, далачилик мутахассиси; **колхо́зные полево́ды** колхоз полеводлари, дала мудирлари.

ПОЛЕВО́ДСТВО *ср мн. нет қ. х.* далачилик (қишлоқ хўжалигининг ғалла экинлари, техника экинлари, сабзавот ва ем-хашак экинлари экиш билан шуғулланадиган тармоғи); **передови́кй полево́дства** далачилик илғорлари.

ПОЛЕВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое *қ. х.* **полево́дство** *сўз. сиф.*; далачиликка оид; **полево́дческая шко́ла** далачилик мактаби; **полево́дческая брига́да** далачилик бригадаси.

ПОЛЕВО́Й, -а́я, -о́е 1. **по́ле** 1, 2 *сўз. сиф.*; далага оид; далада бўладиган; **полевы́е цветы́** далада ўсадиган гуллар; **в колхо́зе начались полевы́е рабо́ты** колхозда дала ишлари бошланди; **полево́е травосе́яние** далаларни ўтзор (ўтлоқ) қилиш; **полево́й севооборо́т** дала экинларини алмашлаб экиш; **полево́й стан** дала шийпони; 2. *махс.* далада (қирда, дала шароитида) бўладиган, табиий шароитдаги, **экспеди́ция прово́дит полевы́е изыска́тельские рабо́ты** экспедиция дала шароитида қидириш ишлари олиб бормоқда; 3. *ҳарб.* полевой, ҳарбий юришга (сафарга) оид; ҳарбий юриш (сафар) вақтида бўладиган, дала шароитига мосланган; **полево́й штаб диви́зии** дивизиянинг дала штаби (сафар, жанг вақтидаги штаби); **полево́й го́спиталь** дала госпитали (сафар, жанг шароитидаги кўчма госпиталь); **полева́я по́чта** дала почтаси (сафар, жанг вақтидаги ҳарбий почта); **полева́я артилле́рия** дала артиллерияси; **полева́я война́** дала уруши (маневрли уруш, узоқ муддатли истеҳкомларга мудофаа линияларига, қалъаларга тайянмасдан қулай маневрлар ўтказиб олиб бориладиган уруш); **полево́й бино́кль** дала бинокли (дурбин); **полева́я су́мка** полевая сумка, дала сумкаси (ҳарбийларнинг сафар, жанг шароитида ёнда олиб юрадиган сумкаси); 4. турли ном — терминлар составига киради; **полево́й вьюно́к** қўйпечак; **полево́й шпат** *(мин.)* дала шпати.

полёг, полегла́ *прош. от* **поле́чь** *(қ.)*.

ПОЛЕГА́ЕМОСТЬ *ж мн. нет қ. х.* ётиб қолганлик, ётиб қолишлик, экинларнинг ётиб қолишга мойиллиги.

ПОЛЕГА́НИЕ *ср мн. нет қ. х.* ётиб қолиш; **полега́ние хлебо́в** ғалла экинларининг ётиб қолиши; **полега́ние хлопчатника** ғўзанинг ётиб қолиши.

ПОЛЕГА́ТЬ *несов. қ.* **поле́чь** 2, 3.

ПОЛЕГО́НЬКУ *нареч. с. т.* 1. оҳистагина, секингина, енгилгина, сал-пал; 2. секин-секин, аста-секин, шошилмай.

ПОЛЕГЧА́ТЬ *сов. безл. содд.* енгиллашмоқ, енгил тортмоқ, босилмоқ, равшан бўлиб қолмоқ; **больно́му полегча́ло** бемор енгил тортди; **у меня́ на душе́ полегча́ло** кўнгли равшан бўлиб қолди (гаскин топди).

ПОЛЕЖА́ТЬ *сов. с. т.* бир фурсат ётмоқ, ётатурмоқ; туратурмоқ; **полежа́ть в посте́ли** ўринда ётатурмоқ; **пусть я́блоки полежа́т с неде́льку** олма яна бир ҳафта турсин (туратурсин).

ПОЛЁЖИВАТЬ *несов. с. т.* эртаю-кеч ўринда ётмоқ, ётиб-туриб юрмоқ.

ПОЛЕЗАЩИ́ТНЫЙ, -ая, -ое далани тўсадиган, далани ҳимоя қиладиган; **полезащи́тные лесонасажде́ния** дала тўсқич ўрмонзорлар.

ПОЛЕ́ЗНОСТЬ *ж мн. нет* фойдалилик.

ПОЛЕ́ЗНЫЙ, -ая, -ое 1. фойдали, фойда қиладиган; **полéзная книга** фойдали китоб; **полéзный для здоро́вья климат** соғлиқ учун фойдали (фонда бердиган) иқлим; **полéзное расте́ние** фойдали усимлик; **полéзная де́ятельность** фойдали иш, фаолият; **сочета́ть полéзное с прия́тным** *қ.* **сочета́ть** 1; 2. фойдали керакли, иш берадиган, ишга ярайлиган; **коэффицие́нт полéзного де́йствия** фойдали иш коэфициенти; **полéзные ископа́емые** фойдали қазилмалар.

ПОЛЕ́ЗТЬ *сов.* 1. *қ.* лезть 1, 2, 3; **полéзть на кры́шу** томга чиқмоқ (чиқиб кетмоқ); **полéзть на де́рево** дарахтга чиқмоқ (чиқиб кетмоқ); **полéзть в пруд купа́ться** ҳовузга тушиб чўмилмоқ; **полéзть в подва́л за огурца́ми** болранг олиб чиқиш учун подвалга тушмоқ. 2. ‖ *собд.* бошламоқ, киришмоқ, тушмоқ, суқилмоқ; **он полéз в дра́ку** у муштлашишга тушди (муштлашиб кетди); 3. *с. т.* қўл солмоқ, қўл солиб (тиқиб) ахтармоқ, излаш очиб қидирмоқ; **он полéз в карма́н за деньга́ми** у пул олиш учун чўнтагига қўл солди; **полéзть в шкаф за бума́гой** қоғоз қидириб шкафни очмоқ; 4. ‖ *с. т.* кирмоқ, келмоқ; **в го́лову полéзли стра́шные мы́сли** миягa даҳшатли хаёллар келди. 5. *с. т.* тўкилабошламоқ, тўкилиб кетмоқ (соч, юн ҳақида).

полéй *пов. накл. от* **полúть** (*қ.*).

ПОЛЕМИЗИ́РОВАТЬ *несов.* баҳслашмоқ, мунозара қилмоқ, масала талашмоқ.

ПОЛЕ́МИКА *ж мн. нет* полемика, мунозара, баҳс; масала талашиш; **вступи́ть в полéмику** масала талашиб кетмоқ, мунозара бошламоқ; **вести́ полéмику с кем-н.** мунозара қилишмоқ; **литерату́рная полéмика** адабий мунозара.

ПОЛЕМИ́СТ *м* полемист, мунозарачи.

ПОЛЕМИ́СТКА *ж қ.* полеми́ст.

ПОЛЕМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. полемикага, мунозарага оид; мунозара тарзидаги, мунозарали; **полемическая статья́** мунозарали (мунозара тарзида ёзилган) мақола; 2. полемикага (мунозарага) мойил бўлган, полемикага (мунозарага) уста; **полемический тала́нт** мунозарачилик таланти.

ПОЛЕМИ́ЧНОСТЬ *ж мн. нет* мунозаралилик, мунозара тарзида бўлганлик.

ПОЛЕМИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое полеми́чен, полеми́чна, полеми́чно *қ.* полеми́ческий 2; **тон его́ был полеми́чен** унинг гапида мунозара оҳанги (туси) бор эди.

ПОЛЕ́НИВАТЬСЯ *несов. с. т.* гоҳ-гоҳ эринчаклиги тутмоқ, ба'зи-ба'зида эринчаклик қилмоқ.

ПОЛЕНи́ТЬСЯ *сов.* 1. *қ.* лени́ться; **ученик не полени́лся** ещё раз повторить уро́к ўқувчи эринмасдан (эринчаклик қилмасдан) дарсни яна бир марта қайтарди; 2. бироз эринмоқ, эриниб турмоқ, эринчаклик қилмоқ; ялқовлик қилиб юрмоқ; **он лю́бит полени́ться** у ялқовлик қилиб юришни яхши кўради.

ПОЛЕ́ННИЦА *ж* тахлаб қўйилган ўтин, саржин.

ПОЛЕ́НО *ср* (*мн.* поле́нья) пал'ён.

ПОЛЕ́НЦЕ *ср* (*мн.* поле́нца) поле́но *сущ. кичр. айт.*; *қ.* поле́но.

ПОЛЕ́СЬЕ *ср мн. нет* ўрмонзор (ўрмон билан қопланган) пасттекислик.

ПОЛЁТ *м* 1. учиш, учиб бориш, парвоз қилиш; парвоз; **полёт пти́цы** қушнинг учиши; **полёт самолёта** самолётнинг учиши; полёт снаря́да снарядниng учиб бориши; **во вре́мя полёта** учиб бораётган (кетаётган) вақтда; **быть в полёте** сафарда (осмонда) бўлмоқ (самолёт ёки учучи ҳақида); **верну́ться из полёта** сафардан (учишдан) қайтиб келмоқ (самолёт ёки учучи ҳақида); **разве́дывательный полёт** разведкага учиш, учиб юриб разведка қилиш; **бре́ющий полёт** *қ.* бре́ющий; **пари́щий полёт** *қ.* пари́щий; **планирующий полёт** *қ.* планирующий полёт 1; **пики́рующий полёт** *қ.* пикирующий; **слепо́й полёт** *қ.* слепо́й 6; полёт на да́льность узоққа учиш; **полёт на продолжи́тельность** осмонда узоқ вақт учиш; 2. сакраш, учиш (узоққа ёки осмонга сакраш); ◊ ***полёт мы́сли (фанта́зии, воображе́ния)*** фикр-хаёл парвози, идрок кучи; ***с пти́чьего полёта*** 1) жуда баланддан, осмондан туриб (гўё жуда баландда осмонда туриб олингандек туйиладиган сурат.

тасвир ҳақида); 2) *кест.* юзаки, моҳиятини тушунмасдан, яхши билмасдан, билар-билмас; ***видна́ пти́ца по полёту*** *(мақол)* юриш-туришидан (оёқ олишидан) нима (ким) эканлиги маълум.

ПОЛЕТА́ТЬ *сов.* бироз учмоқ, учиб юрмоқ, парвоз қилмоқ.

ПОЛЕТЕ́ТЬ *сов.* 1. учабошламоқ, учиоқ, учиб кетмоқ; бирор томонга қараб учмоқ, йўл олмоқ; **пти́цы полете́ли ста́ями** қушлар гала-гала бўлиб учабошлади; **самолёт полете́л на юг** самолёт жанубга томон учиб кетди, жанубга йўл олди; **от ве́тра со стола́ полете́ли бума́ги** шамолдан столдаги қоғозлар учиб кетди; 2. отилабошламоқ, гириллаб келмоқ (бормоқ), чирпирак бўлиб кетмоқ (отилган, ташланган нарса ҳақида); **в ребя́тишек полете́ли снежки́** болалар қор бўронга тутилдилар; 3. ‖ *с. т.* тез кетмоқ, гизиллаб кетмоқ, югурганча жўнамоқ; **ко́ни полете́ли во весь опо́р** отлар елдай учиб борар эди; **я полете́л со всех ног** мен жон-жаҳдим блан югуриб кетдим; 4. ‖ *с. т.* учиб тушмоқ, йиқилиб (ағнаб) тушмоқ, алла бўлиб йиқилмоқ, тушиб кетмоқ; **он спотыкну́лся и полете́л** у қоқилиб кетиб йиқилди; **полете́ть с ло́шади** отдан учиб кетмоқ; **таре́лка полете́ла с по́лки и разби́лась** тарелка токчадан тушиб кетиб чил-чил бўлди.

ПО-ЛЁТНЕМУ *нареч.* ёздагича, ёздагидек, ёзчасига; **ста́ло по-лётнему тепло́** ёздагидек кун исиб кетди; **оде́ться по-ле́тнему** ёздагидек кийинмоқ.

ПОЛЁТНЫЙ, -ая, -ое *махс.* **полёт** *суз. сиф.*; учишга оид, учиш вақтидаги.

ПОЛЕЧИ́ТЬ *сов.* бироз (бирмунча вақт) даволамоқ.

ПОЛЕЧИ́ТЬСЯ *сов.* бироз (бирмунча вақт) даволанмоқ, даво олмоқ.

полечу́ *I*, **полети́шь** *буд. от* **полете́ть** *(к.).*

полечу́ *II*, **поле́чишь** *буд. от* **полечи́ть** *(к.).*

ПОЛЕ́ЧЬ *сов.* 1. ётишмоқ, ётишиб (ётиб) қолмоқ, ётишиб (ётиб) олмоқ, узанмоқ; 2. ётиб қолмоқ, энгашиб қолмоқ; **овёс полёг** арпа ётиб қолди (қолипти); 3. ‖ ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ; **в бою́ полегло́ мно́го солда́т** жангда кўп солдат ҳалок бўлди.

ПОЛЖИ́ЗНИ *жс* ярим умр, умрнинг ярми; **полжи́зни мо́жно отда́ть за э́то** бунга умрнинг ярмини бағишласанг арзийди.

ПО́ЛЗАТЬ *несов.* 1. ўрмалашмоқ, гимирлашмоқ, уёқдан-буёққа ўрмалаб юрмоқ; **по́лзать по́ полу** ерда уёқдан-буёққа ўрмаламоқ; 2. ‖ *нафр.* товонини ўпмоқ, оёгига йиқилмоқ, оёгига бош урмоқ; **по́лзать в ногáх у кого́-н.** бировнинг оёгига бош урмоқ, оёгига йиқилмоқ.

ПОЛЗКО́М *нареч.* ўрмалаб, эмаклаб, судралиб; **пробира́ться ползко́м** эмаклаб (судралиб) бормоқ.

ПОЛЗТИ́ *несов.* 1. ўрмаламоқ, судралиб юрмоқ; **по ве́тке я́блони ползёт жук** олманинг шохида қўнғиз ўрмалаб юрипти; 2. ўрмаламоқ, судраламоқ, эмакламоқ; ўрмалаб (эмаклаб, судралиб) юрмоқ, тирмашиб чиқмоқ; **ползти́ на верху́шку круто́й горы́** тикка тоғ чўққисига тирмашиб чиқмоқ; **ра́неный полз к ле́су** яралор ўрмон томонга қараб эмаклаб (судралиб) борар эди; 3. ‖ *с. т.* имиллаб бормоқ, жуда секин (судралиб) юрмоқ, аранг (зўрга) юриб бормоқ; **по́езд ме́дленно полз в го́ру** поезд тепаликка зўрга-зўрга чиқиб борар эди; 4. ‖ сузмоқ, юрмоқ, сузиб (юриб) бормоқ, ёйилмоқ; **по не́бу ползли́ ту́чи** осмонда булутлар сузмоқда эди; 5. ‖ чирмашиб чиқмоқ, чирмашиб ўсмоқ (ўсимликлар ҳақида); 6. ‖ оқмоқ, оқиб тушмоқ, жилдираб (милдираб) оқмоқ; 7. ошмоқ, ошиб чиқмоқ, тошиб кетмоқ; **те́сто ползёт из горшка́** хамир ошиб тоғорадан тошиб чиқмоқда; 8. ‖ *с. т.* тарқалмоқ, ёйилмоқ; **слу́хи ползли́ по го́роду** шаҳарда овоза тарқалмоқда эди; 9. оқмоқ, оқиб тушмоқ, ўпирилиб (силжиб, сидирилиб) тушмоқ; **по́чва ползёт** ер силжиб боряпти; **бе́рег ползёт** қирғоқ сидирилиб тушяпти; 10. *с. т.* ситилмоқ, титилмоқ, ситилиб (титилиб) кетмоқ, тўкилиб тушмоқ (шерсть, шойи ҳақида).

ПОЛЗУ́Н *м махс.* ползун (машина ва механизмларнинг тўғри чизиқ бўйлаб сиргалучи қисми).

ПОЛЗУНКИ́ *мн., ед. нет с. т.* ползунки (эмаклаётган болалар учун пайпоққа қўшиб тўқилган иштон).

ПОЛЗУНО́К I *м* оёғи чиқмаган бола, эмаклаётган бола.

ПОЛЗУНО́К II *м тех.* **ползу́н** *сўз. кичр. айт.*; *қ.* **ползу́н**.

ПОЛЗУ́ЧИЙ, -ая, -ее 1 ўрмаловчи, судралучи, судралиб юручи (чувалчанг, илон ва ш. к. лар ҳақида); 2. *бот.* ер бағирлаб ёйилган, ёйилиб ўсадиган, палак отиб кетадиган; **ползу́чие расте́ния** ёйилиб кетадиган ўсимликлар; 3. *махс.* сирганиб (силжиб) юрадиган ва яхлит; **ползу́чие льды** сирганиб (силжиб) юрадиган яхлит музлар, кўчкилар; ◇ ***ползу́чий эмпири́зм*** *(манф.)* масалани фақат тасодифий фактлар асосида ва бу фактлар ўртасидаги боғланишни текширмай ўрганиш.

[поли-] қўшма сўзларда „кўп" маъносини билдирадиган қисқартма, мас., **полиартри́т** полиартрит (бирнеча ёки ҳамма бўғинларнинг баравар яллиғланиши, бод бўлиб қолиши); **полигло́т** кўп тил биладиган киши.

поли́в *м қ. х.* суғориш, сув қўйиш, сув бериш; **ночны́е поли́вы хлопча́тника** ғўзани тунда суғориш; **поли́вы затопле́нием** сув бостириб суғориш.

поли́ва *ж мн нет махс.* сир (совол идишларга бериладиган сир).

поливáльщик *м* 1. суғорувчи, экин суғорувчи, сувчи, 2. сув сепувчи (мас., кўчаларга сув сепувчи).

поливáльщица *ж қ.* **поливáльщик**.

поливáть *несов қ.* **поли́ть**.

поливáться *несов.* 1. *қ.* **поли́ться** 2; 2. суғорилмоқ, сув қуйилмоқ, сув берилмоқ; 3. сув сепилмоқ (мас., кўчаларга).

поли́вка *ж мн. нет* 1. суғориш, сув қўйиш, сув бериш; **поли́вка огоро́да** полизга сув қўйиш; 2. сув сепиш; **поли́вка у́лиц** кўчаларга сув сепиш.

поливно́й, -ая, -ое *қ. х.* 1. сувли, суғориладиган ерда битадиган; **поливны́е посе́вы** суғориладиган ерда битадиган экинлар; 2. сувли, суғориладиган; **поливны́е зе́мли** суғориладиган ерлар; **поливно́е земледе́лие** суғориладиган ердаги деҳқончилик.

поли́вочный, -ая, -ое суғоришга ёки сув сепишга оид; суғорадиган; сув сепадиган; **поли́вочные маши́ны** суғориш ёки сув сепиш машиналари.

полигами́ческий, -ая, -ое *махс.* **полига́мия** *сўз. сиф.*; *қ.* **полига́мия**; **полигами́ческие расте́ния** *(бот.)* чангчилик (эркаклик) ва тугунчалик (урғочилик) гулларидан ташқари яна икки жинсли гуллари ҳам бўлган ўсимликлар.

полига́мия *ж махс.* полигамия (айрим халқ ва қабилаларда қадимдан сақит қолган кўп хотинлилик ёки кўп эрлилик одати).

полига́мный, -ая, -ое *махс.* **полига́мия** *сўз. сиф.*; *қ.* **полига́мия**.

полигло́т *м* полиглот (кўп тил биладиган одам).

полигóн *м ҳарб.* полигон (отиш машқлари ўтказиладиган майдон); **артиллери́йский полигóн** артиллерия полигони.

полигóнный, -ая, -ое **полигóн** *сўз. сиф.*; *қ.* **полигóн**.

полигра́ф *м махс.* полиграф нусха кўчирадиган асбоб.

полигра́фист *м* полиграфист (1 полиграфия саноатининг ишчиси, ходими; 2. полиграфия мутахассиси).

полигра́фический, -ая, -ое **полигра́фия** *сўз. сиф.*; **полигра́фическая промы́шленность** полиграфия саноати.

полигра́фия *ж мн. нет* полиграфия (саноатнинг китоб, журнал ва ҳ. к. лар босиш, чоп қилиш иши билан боғли бўлган ҳамма тармоқлари).

полижу́, **поли́жешь** *буд. от* **полиза́ть** *(қ.)*.

полиза́ть *сов.* бирнеча бор ялаб, ялаб-ялаб қўймоқ.

поли́зывать *несов.* гоҳ-гоҳ ялаб, ялаб-ялаб қўймоқ.

поликли́ника *ж* поликлиника (қатнаб даволанучи касалларга ҳар бир касаллик бўйича айрим мутахассис врач хизмат кўрсатадиган амбулатория).

полителлиги́ческий, -ая, -ое кўп металли, таркибида турли метал-

ПОЛУЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* **получи́ть** фе'лининг ҳаракат номи; **получе́ние зва́ния** унвон олиш; **прибо́р для получе́ния водоро́да** водород ҳосил қиладиган асбоб.

ПОЛУЧИ́ТЬ *сов.* 1. олмоқ; **получи́ть зарпла́ту** мояна олмоқ; **получи́ть распоряже́ние** фармойиш (буйруқ) олмоқ; 2. олмоқ, эга бўлмоқ, молик бўлмоқ; **получи́ть сре́днее образова́ние** ўрта ма'лумот олмоқ, ўрта ма'лумотга эга бўлмоқ; **получи́ть назначе́ние на рабо́ту** ишга тайинланмоқ; **получи́ть зва́ние до́ктора нау́к** фанлар доктори унвонини олмоқ; 3. чиқармоқ, олмоқ, ҳосил қилмоқ; тортмоқ, ҳайдамоқ; **получи́ть керосин из не́фти** нефтьдан керосин олмоқ; **получи́ть хоро́шие всхо́ды хлопча́тника** чигитни яхши ундириб олмоқ; 4. олмоқ, емоқ; **получи́ть удово́льствие** лаззатланмоқ, маза қилмоқ; **получи́ть вы́говор** выговор олмоқ; **получи́ть пощёчину** шапалоқ емоқ; 5. орттирмоқ, дучор бўлмоқ; **получи́ть ка́шель** йўтал орттирмоқ; йўтал бўлиб қолмоқ; 6. олмоқ; посе́вы **получи́ли доста́точно вла́ги** экинлар етарли сув ичди, экинлар сувга қондирилди; 7. отлар бланг бирга келганда, шу от ма'носидан келиб чиқадиган ҳолатга ўтишни билдиради, мас., **получи́ть призна́ние** танилмоқ, э'тибор қилинмоқ; **получи́ть изве́стность** машҳур бўлмоқ, шуҳрат қозонмоқ; **получи́ть приме́нение** қўлланилмоқ, ишлатилмоқ; **получи́ть распростране́ние** ёйилмоқ, тарқалмоқ; **получи́ть разви́тие** ўсмоқ, юксалмоқ, ривожланмоқ.

ПОЛУЧИ́ТЬСЯ *сов.* 1. олинмоқ, келмоқ; **от него́ получи́лось письмо́** ундан хат олинди, хат келди; 2. ҳосил бўлмоқ, олинмоқ, чиқмоқ; **результа́ты рабо́ты получи́лись хоро́**

шие ишнинг натижалари яхши бўлиб чиқди; 3. бўлмоқ, юз бермоқ, содир бўлмоқ; **получи́лось недоразуме́ние** англашилмовчилик юз берди; англашилмовчилик бўлди; **из него́ получи́лся хоро́ший рабо́тник** у яхши ишчи (ходим) бўлиб етишди.

полу́чка *ж* 1. *только ед.* **получи́ть фе́линнинг** ҳаракат номи; **полу́чка де́нег** пул олиш; 2. ишҳақи, меҳнат ҳақи, мояна.

полушА́лок *м с. т. эск.* кичикроқ рўмол, кичикроқ шол рўмол.

полушА́рие *ср* 1. *мат.* яримшар, шарнинг ярим палласи; 2. шу шаклдаги нарса; **полуша́рие головно́го мо́зга** мия ярим шари, ярим палласи; 3. яримшар, ер шарининг экватор блан иккига бўлинган ярим палласи; **ю́жное полуша́рие** жанубий ярим шар; 4. *астр.* ярим шар, осмон сферасининг ярми; **созве́здия се́верного полуша́рия** шимолий ярим шардаги юлдузлар тўдаси (буржи).

полушЁлковый, -ая, -ое ипак отган, нимшойи; **полушёлковая ткань** ипак отган газлама, нимшойи.

полушерстянО́й, -ая, -ое нимшерсть, ип аралаш жундан тўқилган; **полушерстяна́я ткань** ип аралаш жун газлама.

полу́шка *ж эск.* чорак тийин; ◇ *ни полу́шки (с. т.)* бир пул ҳам йўқ.

полушу́бок *м* калта пўстин; **овчи́нный полушу́бок** калта барра пўстин.

полушутли́вый, -ая, -ое ҳазилнамо, ҳазиломиз, ҳазил аралаш, ярим ҳазил тарзидаги; **говори́ть в полушутли́вом то́не** ҳазилнамо қилиб гапирмоқ.

полушутя́ *нареч.* ҳазилнамо қилиб, ҳазиллашган бўлиб, ҳазил аралаш, ярим ҳазил тарзида.

полуэскадро́н *м харб.* ярим эскадрон (отлиқ аскарда эскадроннинг ярмига тенг ҳарбий бўлинма).

полуя́вь *ж мн. нет* = **полусо́н** (*к.*).

полцены́ *ж*: **за полцены́** 1) ярим баҳосига, асл баҳосидан икки марта арзон қилиб; 2) жуда арзон, сув текин.

ПОЛЧАСА́ *м* ярим соат; **за полчаса́ до отхо́да по́езда** поезд кетишига ярим соат қолганда; **прийти́ за полчаса́** ярим соат илгари (олдин) келмоқ; **поезда́ отхо́дят туда́ ка́ждые полчаса́** у томонга поезд ҳар ярим соатда жўнаб туради.

ПО́ЛЧИЩЕ *ср* 1. босқинчи қўшин. **вра́жеские по́лчища** душманнинг босқинчи қўшинлари; 2. ‖ *с. т.* гала, тўда, оломон.

ПОЛШАГА́ *м нескл.* ярим қадам; **сде́лать полшага́ впра́во** ўнг томонга қараб ярим қадам қўймоқ.

ПО́ЛЫЙ, -ая, -ое 1. пўк, ҳавол, кавак, ичи бўш. **по́лые сте́ны** ҳавол девор; 2. ёйилган, тошган. **по́лая вода́** тошқиндан ёйилган сув.

ПО́ЛЫМЯ *ср маҳл.* аланга; ◇ *из огня́ да в по́лымя (мақол)* қордан қутулиб ёмғирга тутилиш.

ПОЛЫ́ННЫЙ, -ая, -ое **полы́нь** *сўз. сиф.*; эрманга (явшонга) оид. **полы́нный за́пах** эрман ҳиди; **полы́нная во́дка** эрман солиб қўйилган арақ.

ПОЛЫ́НЬ *ж мн. нет* эрман, шувоқ, явшон; **го́рький, как полы́нь** эрмандай аччиқ.

ПОЛЫНЬЯ́ *ж* (*мн.* полыньи́) сувнинг музламай қолган жойи ёки қор, муз эриб, унинг муз устида тўпланиб қолган кўлмак сув.

ПОЛЫСЕ́ТЬ *сов.* сочлари тўкилиб кетмоқ, сочлари тўкилиб ялтир бош бўлиб қолмоқ.

ПОЛЫХА́ТЬ *несов. к.* **пыла́ть**; **вдали́ полыха́ли зарни́цы** узоқда чақмоқ шу'ласи товланиб кўринар эди.

ПО́ЛЬЗА *ж мн. нет* фойда, наф', манфаат; **обще́ственная по́льза** жамият (жамоат) манфаати; **для о́бщей по́льзы** умум фойдасига (фойдаси учун); **принести́ по́льзу** фойда келтирмоқ; **извле́чь по́льзу** фойда чиқармоқ, манфаатдор бўлмоқ; **с по́льзой для де́ла** ишга фойда келтирадиган қилиб; **э́то говори́т в его́ по́льзу** бу унинг яхши томонини кўрсатади; **реши́ть де́ло в по́льзу исте́ца** ишни да'вогарнинг фойдасига ҳал қилмоқ; **соревнова́ние зако́нчилось со счётом 3:1 в по́льзу моско́вской кома́нды** мусобақани 3:1

ши бўлган икки ҳодиса (икки томон)нинг ҳарбири; ◊ ***по́люс хо́лода*** совуқ қутби (ер шарининг йиллик ўрта температураси энг совуқ бўлган нуқтаси).

ПО́ЛЮСНЫЙ, -ая, -ое *физ.* **по́люс** *сўз. сиф.*; қутбга оид, қутбда бўладиган, қутбдаги; **по́люсный ток** қутб токи.

поля́жет, **поля́гут** *буд. от* **поле́чь** (*қ.*).

ПОЛЯ́К *м* поляк, польшали.

ПОЛЯ́КИ *мн.* (*ед.* **поля́к** *м*, **по́льска** *ж*) поляклар, польшалилар (Польшанинг асосий халқи).

ПОЛЯ́НА *ж* яланг (ўрмон ичида ги яланг жой).

ПОЛЯ́НКА *ж* **поля́на** *сўз. кичр. айт.*; *қ.* **поля́на**.

ПОЛЯ́НОЧКА *ж* **поля́на** *сўз. кичр. айт.*; *қ.* **поля́на**.

ПОЛЯРИЗА́ТОР *м физ.* поляризатор, поляризация қиладиган асбоб; *қ.* **поляриза́ция**.

ПОЛЯРИЗАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое **поляриза́ция** *сўз. сиф.*; поляризацияга оид; поляризация учун хизмат қиладиган, қутблаштирадиган; **поляризацио́нный прибо́р** поляризация асбоби.

ПОЛЯРИЗА́ЦИЯ *ж* поляризация қутбланиш, қутблашиш (ёруғлик ёки электромагнит тебранишларининг қутбланиш хусусияти).

ПОЛЯРИЗОВА́ТЬ *сов.* и *несов. физ.* поляризация қилмоқ, қутблаштирмоқ; **поляризова́ть луч** нурни қутблаштирмоқ.

ПОЛЯРИЗОВА́ТЬСЯ *сов.* и *несов. физ.* поляризацияланмоқ, қутбланмоқ.

ПОЛЯРИМЕ́ТР *м физ.* поляриметр (ёруғликнинг қутбланиш даражасини ўлчайдиган асбоб).

ПОЛЯРИСКО́П *м физ.* полярископ (ёруғликнинг қутбланишини кузатадиган оптик асбоб).

ПОЛЯ́РНИК *м* қутбчи (қутб экспедицияси қатнашчиси; қутб областларида ишловчи).

ПОЛЯ́РНИЦА *ж қ.* **поля́рник**.

ПОЛЯ́РНОСТЬ *ж мн. нет* 1. *физ.* икки қутблилик, икки қутбга эгалик; 2. ‖ зиддият, қарама-қаршилик; **поля́рность интере́сов** манфаатларнинг қарама-қаршилиги.

ПОЛЯ́РНЫЙ, -ая, -ое 1. **по́люс** *сўз. сиф.*; қутбга оид, қутбда бўладиган, қутбдаги; **поля́рная ночь** *қ.* **ночь**; **поля́рный круг** қутб доираси; **поля́рная ось**=**земна́я ось**; *қ.* **ось** 2; **поля́рное сия́ние** қутб ёғдуси; **поля́рная звезда́** *(астр.)* қутб юлдузи (темир-қозиқ юлдузи); **поля́рная экспеди́ция** қутб экспедицияси (қутб доирасини текширучи экспедиция); 2. ‖ бир-бирига зид бўлган, қарама-қаршн.

ПОЛЯ́ЧКА *ж эск. қ.* **по́лька** 1.

ПОМА́ДА *ж* помада, ёғупа, пардоз мой; **губна́я пома́да** лабга суртадиган помада; **пома́да для воло́с** соч мойи.

ПОМА́ДИТЬ *несов. эск.* помада суртмоқ, мойламоқ; **пома́дить во́лосы** сочни мойламоқ, сочга помада (соч мойи) суртмоқ.

ПОМА́ДИТЬСЯ *несов. эск.* ўзига (юзига) помада суртиб олмоқ, помада (ёғупа) суртиб пардоз қилиб олмоқ.

ПОМА́ДКА *ж* помадка (мева суви, шарбати блан шакардан қилинган юшмоқ конфет).

ПОМА́ДНЫЙ, -ая, -ое **пома́да** *сўз. сиф.*; помадага (ёғупага) оид; **пома́дная ба́нка** помада банкаси.

пома́жу I, **пома́дишь** *наст. от* **пома́дить** (*қ.*).

пома́жу II, **пома́жешь** *буд. от* **пома́зать I**(*қ.*).

пома́жусь, **пома́жешься** *буд. от* **пома́заться** (*қ.*).

ПОМА́ЗАНИЕ *ср мн. нет эск. черк.* тахтга минган подшонинг пешонасига черковда „муқаддас“ мой суртиш маросими.

ПОМА́ЗАННИК *м эск. черк.* черковда пешонасига „муқаддас“ ёғ суртилган подшоҳ; *қ.* **пома́зание**.

ПОМА́ЗАТЬ I *сов* суртмоқ, суркамоқ; **пома́зать хлеб ма́слом** нонга ёғ суртмоқ.

ПОМАЗАТЬ II *сов. эск. черк.* тахтга минган подшоҳ пешонасига черковда „муқаддас“ ёғ суртмоқ.

ПОМА́ЗАТЬСЯ *сов.* ўзига (қўлига, юзига, баданига) суркамоқ, суртмоқ; **пома́заться ма́зью** ўзига (қўлига, юзига, баданига) мазь суртмоқ.

ПОМАЗО́К *м* помазок, чўтка, пилик.

ПОМА́ЛКИВАТЬ *несов. с. т.* жим турмоқ, суҳбатга қўшилмай (гапга аралашмай) ўтирмоқ, индамай ўтирмоқ.

ПОМАНИ́ТЬ *сов.* имлаб чақирмоқ, имо-ишора билан чақирмоқ; **поманить рукой́** қўл билан имлаб чақирмоқ.

ПОМА́РКА *ж дог.* ўчириб ёзилган (тузатилган) жой; **писа́ть без пома́рок** тоза ёзмоқ.

ПОМАХА́ТЬ *сов.* силкиб қўймоқ, бир фурсат силкиб турмоқ, силкимоқ; **помаха́ть платко́м отъезжа́ющему** жўнаб кетаётган киши билан хайрлашиб рўмол силкиб қолмоқ.

ПОМА́ХИВАТЬ *несов. қ.* **пома́хать.**

помашу́, пома́шешь *буд. от* **пома́хать** *(қ.).*

ПОМБУ́Х (помощник бухга́лтера) *м с. т.* бухгалтер ёрдамчиси, ёрдамчи бухгалтер.

ПОМЕ́ДЛИТЬ *сов.* орқага судрамоқ, кейинга сурмоқ, кечиктирмоқ, сусткашлик қилмоқ; **поме́длить с отве́том** жавобни кечиктирмоқ, орқага судрамоқ.

помёл, помела́ *прош. от* **помести́** *(қ.).*

ПОМЕЛЕ́ТЬ *сов.* саёзланмоқ, суви озаймоқ; **река́ помеле́ла** дар'ё саёзланиб қолди, дар'ёнинг суви камайиб (тортилиб) қолди.

ПОМЕЛО́ *ср* кул супурги, ёғочга латта ўраб қилинган супурги.

помелю́, поме́лешь *буд. от* **помоло́ть** *(қ.).*

ПОМЕНЯ́ТЬ *сов. қ.* **обменя́ть.**

ПОМЕНЯ́ТЬСЯ *сов. қ.* **обменя́ться.**

ПОМЕРА́НЕЦ *м* (*мн.* **помера́нцы**) помаранч (жанубий Осиёда ўсадиган дарахт ва шу дарахтнинг апельсинга ўхшаш хушбўй нордон меваси).

ПОМЕРА́НЦЕВЫЙ, -ая, -ое 1. по **мера́нец** *сўз. сиф.*; помаранчга оид: **помера́нцевые цветы́** помаранч гули; 2. помаранч солинган; **помера́нцевая во́дка** помаранч солинган арақ. 3. *сущ.* **помера́нцевые** *мн. (ед* **помера́нцевое** *ср) бот* апельсингуллилар (апельсин, лимон, помаранч ва бошқалар).

ПОМЕРЕ́ТЬ *сов. содд. қ.* **умере́ть** 1.

ПОМЕРЕ́ЩИТЬСЯ *сов. с. т.* кўрингандай бўлмоқ, хаёлда кўринмоқ, назарда туйилмоқ; **э́то тебе́ помере́щилось** бу сенга шундай кўринган-дир, бу сенинг хаёлингдир.

ПОМЁРЗНУТЬ *сов.* яхлаб қолмоқ, совуқ урмоқ; **виногра́дник и грана́ты в саду́ помёрзли** боғдаги ток ва анорларни совуқ уриб кетди.

ПОМЕ́РИТЬ *сов.* ўлчаб кўрмоқ, кийиб кўрмоқ; **поме́рить пальто́** пальтони кийиб кўрмоқ.

ПОМЕ́РИТЬСЯ *сов.* ўлчашиб (синашиб) кўрмоқ, беллашмоқ; **поме́риться си́лами** куч синашиб кўрмоқ, беллашиб кўрмоқ.

ПОМЕ́РКНУТЬ *сов.* 1. хиралашиб қолмоқ, нурсизланмоқ; 2. ‖ сўнмоқ, ўчмоқ; **сла́ва его́ никогда́ не поме́ркнет** унинг шуҳрати ҳеч қачон сўнмайди.

ПОМЕРТВЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое ўлик, жонсиз, руҳсиз, сўлган, карахт; **помертве́лое лицо́** руҳсиз юз.

ПОМЕРТВЕ́ТЬ *сов.* мурда бўлиб қолмоқ, қотиб қолмоқ, тахта бўлиб қолмоқ; карахт бўлмоқ; **он помертве́л от страха́** у кўрққанидан тахта бўлиб қолди.

ПОМЕСИ́ТЬ *сов.* бир фурсат қормоқ, қориштирмоқ, аралаштирмоқ; **помеси́ть те́сто** хамир қормоқ.

ПОМЕСТИ́ *сов.* бир фурсат супурмоқ, бир фурсат супуриш билан машғул бўлмоқ.

ПОМЕСТИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* сиғим, катталик, кенглик, кўп ёки оз сиғдираолишлик, кўп ёки оз элтишлик.

ПОМЕСТИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое сиғимли, кўп элтадиган, катта, кенг; **помести́тельный зал** кўп одам сиғадиган зал; **помести́тельная су́мка** кўп буюм элтадиган сумка.

ПОМЕСТИ́ТЬ *сов.* 1. солмоқ, жойламоқ; **помести́ть ве́щи в чемода́н** буюмларни чемоданга жойламоқ; 2. жой бермоқ, жойлаштирмоқ; **помести́ть делега́тов в гости́ницу** келган вакилларни гостиницага жойлаштирмоқ; 3. киритмоқ, бермоқ, ўрнаштирмоқ; **помести́ть ребёнка в де́тский дом** болани детдомга (болалар уйига) киритмоқ, ўрнаштирмоқ; 4. қўймоқ, солмоқ; **помести́ть де́ньги в сберега́тельную ка́ссу** пулни омонат кассага қўймоқ; 5. босмоқ; **помести́ть статью́ в газе́те** мақолани газетада босиб чиқармоқ.

ПОМЕСТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. жойлашмоқ, ўрнашмоқ; **помести́ться в гости́нице** гостиницага жойлашмоқ; **он помести́лся в углу́ ко́мнаты** у хонанинг бир бурчагига жойлашиб олди; 2. сиғмоқ, жо бўлмоқ; **все кни́ги не помести́лись на одно́й по́лке** китобларнинг ҳаммаси токчага сиғмай қолди.

ПОМЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое **помéстье** *сўз. сиф.*; поместьега, помещик ер-мулкига оид; **помéстное дворя́нство** *(тар.)* мулкдор дворянлик, мулкдор дворянлар.

ПОМЕ́СТЬЕ *ср* 1. помещикнинг мулки, ер-сувн; 2. феодализм тузуми даврида — вассалнинг қилган хизмати учун унга подшо томонидан ин'ом қилиниган ва мерос қилиб қолдирилмайдиган шахсий ер-мулк.

ПО́МЕСЬ *ж* 1. *зоол., бот.* чатишма; 2. дурагай; 3. ‖ *манф* аралаш, омихта, қурама.

ПОМЕ́СЯЧНО *нареч.* ҳар ойда; ой сари; ойма-ой; **производи́ть опла́ту труда́ помéсячно** меҳнат ҳақини ҳар ойда бир марта тўлаб турмоқ.

ПОМЕ́СЯЧНЫЙ, -ая, -ое ҳар ойда бир бўладиган; ҳар ойда тўланадиган (ёки олинадиган); **помéсячная опла́та труда́** ҳар ойда тўланадиган меҳнат ҳақи; **помéсячный дохо́д** ҳар ойда олинадиган даромад.

ПОМЁТ I *м мн. нет* тезак, қумалоқ, қий; гўнг; **коро́вий помёт** сигир тезаги, мол тезаги.

ПОМЁТ II *м* ба'зи ҳайвонларнинг бир вақтда, бир қориндан тушган болалари; **у кро́ликов быва́ет 3—4 помёта в год** қуёнлар йилига 3—4 марта болалайди (туғади).

ПОМЕ́ТА *ж* белги, аломат; **де́лать поме́ты на поля́х кни́ги** китобнинг четларига белгилар қўймоқ.

ПОМЕТА́ТЬ I *сов.* бир фурсат отмоқ, бирмунча вақт ирғитмоқ, итқитмоқ.

ПОМЕТА́ТЬ II *сов.* кийим петляси атрофини йўрмаб чиқмоқ.

ПОМЕТА́ТЬСЯ *сов.* ўзини уёқ-буёққа ташламоқ.

ПОМЕ́ТИТЬ *сов.* белги қўймоқ, бирор ишора ёки рақам билан белгиламоқ; тамғаламоқ, тамға босмоқ; **поме́тить отóбранные са́женцы** танлаб олинган кўчатларга белги қўйиб чиқмоқ; **поме́тить бельё** ички кийимларга тамга босмоқ; **поме́тить страни́цы ру́кописи** қул'ёзма саҳифаларига рақамлар қўйиб чиқмоқ.

ПОМЕ́ТКА *ж қ.* поме́та.

пометý, пометёшь *буд. от* **помести́** *(қ.)*.

ПОМЕ́ХА *ж* 1. халал, халақит, тўсқинлик; **в рабóте помéх не́ было** ишда тўсқинлик бўлмади; **служи́ть помéхой** халақит бермоқ; 2. *тех.* помеха (товушнинг аниқ, равшан ва тиниқ эшитилишига халал беручи шовқин); **атмосфе́рные помéхи** атмосфера помехалари (радио ва телефонда товушининг тиниқ эшитилишига халал беручи шовқин).

ПОМЕЧА́ТЬ *несов. қ.* поме́тить.

ПОМЕЧА́ТЬСЯ *несов.* белгиланмоқ, белги қўйилмоқ; белги қилиб қўйилмоқ.

ПОМЕЧТА́ТЬ *сов.* бир фурсат хаёл сурмоқ, хаёл қилмоқ, орзу қилмоқ; **помечта́ть о предстоя́щей пое́здке** қилинадиган сафар ҳақида хаёл сурмоқ.

помéчу, поме́тишь *буд. от* **поме́тить** *(қ.)*.

помечý, помéчешь, помéчут *буд. от* **помета́ть** I *(қ.)*.

ПОМЕ́ШАННЫЙ I, -ая, -ое 1. ақлдан озган, телба, савдойи, девона; жинни; 2. ‖ *с. т.* ишқивоз, шайдойи; **он помéшан на му́зыке** у музика шайдойиси; 3. *сущ.* **помéшанный** *м*,

помéшанная *ж* жинни, тентак, ақлсиз, эси паст.

ПОМЕ́ШАННЫЙ II. -ая,-ое аралаштирилган, қориштирилган; шопирилган, кавланган.

ПОМЕША́ТЕЛЬСТВО = **умопомеша́тельство** *(қ.)*.

ПОМЕША́ТЬ I *сов.* халақит бермоқ, халал бермоқ; мони'лик қилмоқ; извинúте, я вам **помешáл** кечирасиз, мен сизга халақит бердим.

ПОМЕША́ТЬ II *сов.* аралаштирмоқ, қориштирмоқ; кавламоқ, шопирмоқ; **помешáть суп ло́жкой** шўрвани қошиқ блан кавламоқ.

ПОМЕША́ТЬСЯ *сов.* 1. ақлдан озмоқ, телбаланмоқ, жинни бўлмоқ; 2. ‖ *с. т.* ишқивоз бўлмоқ, шайдойи бўлмоқ, берилиб кетмоқ; **он помешáлся на ша́хматах** у шахматнинг шайдойиси бўлиб қолди.

ПОМЕ́ШИВАТЬ *несов. қ.* **помеша́ть** II.

ПОМЕ́ШКАТЬ *сов. с. т.* кечикиб қолмоқ, ҳаялламоқ.

помешý, помéсишь *буд. от* **помести́ть** *(қ.)*.

ПОМЕЩА́ТЬ *несов. қ.* **помести́ть**.

ПОМЕЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **помести́ться**; 2 жойлашмоқ, ўрнашмоқ; **де́тские я́сли помеща́ются в но́вом зда́нии** болалар ясиси янги бинога жойлашган; 3. жойлаштирилмоқ, ўрнаштирилмоқ, сиғмоқ.

ПОМЕЩЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* жойлаштириш, ўрнаштириш, сиғдириш; қўйиш; 2. бино, иморат, уй. хона; жой; **жило́е помеще́ние** турар жой; **но́вое помеще́ние для шко́лы** мактаб учун янги бино.

ПОМЕ́ЩИК *м* помешчик, катта ер эгаси, мулкдор.

ПОМЕ́ЩИЦА *м* 1. помешчик аёл; 2. помешчикнинг хотини.

ПОМЕ́ЩИЧИЙ, -ья, -ье **помéщик** *сўз. сиф.*; помешчикка оид, катта ер эгасига қарашли; **помéщичье име́ние** помешчик мулки, помешчикка қарашли ер-мулк; **Вели́кая Октя́брьская социалисти́ческая револю́ция освободи́ла крестья́н от помéщичьего ярма́** Улуғ Октябрь социалистик революцияси деҳқонларни помешчиклар асоратидан қутқазди.

помещу́, помести́шь *буд. от* **помести́ть** *(қ.)*.

ПОМИГА́ТЬ *сов.* 1. кўзни беихтиёр қисиб-қисиб қўймоқ, кўзни тез-тез очиб юммоқ; 2. ‖ милт-милт этиб қўймоқ; липиллаб қўймоқ.

ПОМИДО́Р *м* помидор.

ПОМИДО́РНЫЙ, -ая, -ое *қ.* **помидо́ровый**.

ПОМИДО́РОВЫЙ, -ая, -ое **помидор** *сўз. сиф.*; помидорга оид; помидордан қилинган, помидордан олинган; помидор солинган.

ПОМИ́ЛОВАНИЕ *ср мн. нет юр.* афв этиш (кечириш, гуноҳидан ўтиш); афв; **пода́ть про́сьбу о помúловании** афв сўраб ариза бермоқ.

ПОМИ́ЛОВАТЬ *сов.* 1. афв этмоқ, кечирмоқ; гуноҳидан ўтмоқ, жазони бекор қилмоқ ёки енгиллаштирмоқ; 2. **помúлуй(те)** *с. т.* кечир(инг); **помúлуйте, я совершéнно не устáл!** кечирасиз, мен сира чарчаганим йўқ.

ПОМИЛОСЕ́РДСТВОВАТЬ *сов.* 1. *эск. қ.* **милосе́рдствовать**; 2. **помилосе́рдствуй(те)** = **помúлуй(те)** *қ.* **помúловать**.

ПОМИ́МО *предлог* 1. ташқари, бошқа, бўлак; **помúмо всего́** про́чего булардан ташқари; **помúмо институ́та, он преподава́л ещё на ку́рсах** у, институтдан ташқари, курсда ҳам дарс берарди; 2. э'тиборга олмасдан, ҳечқим ёки ҳечнарса блан ҳисоблашмасдан, зид (хилоф) равишда, қат'и назар, ташқари; **помúмо его́ ли́чного жела́ния** унинг ўз хоҳишига қарамай; **э́то произошло́ помúмо мое́й во́ли** менинг хоҳишимга қарамасдан шундай бўлди.

ПОМИ́Н *м эск.* эслаш, хотирлаш, эсга (хотирга) олиш; ◊ ***и помúну нет*** *(с. т.)* хотирга ҳам олинмайди; хаёлда ҳам йўқ; ***нет и в помúне*** ёки ***в помúне нет*** ном-нишони йўқ, асар ҳам қолмади, дарак ҳам йўқ; мутлақо йўқ; ***лёгок на помúне*** *(матал)* *қ.* **лёгкий**.

ПОМИНА́НЬЕ *ср черк.* 1. *қ.* **помúнки**; 2. *с. т.* ўлганларни черковда ёдлаш учун қилинган рўйхат дафтарчаси.

ПОМИНА́ТЬ *несов.* 1. хотирга туширмоқ, йўқламоқ; 2. *с. т.* эсга ол-

моқ, тилга олмоқ; **поминáть добрóм** яхшилик блан эсга олмоқ; **не поминáй лúхом** ёмонлаб тилга олма; 3. *черк.* дуо қилмоқ, фотиҳа ўқимоқ. 4 худойи ош бермоқ. ◇ ***поминáй, как звáли*** *(с. т.)* дом-дараксиз бўлиб кетди.

ПОМИНÁТЬСЯ *несов. страд. от* **поминáть** *(қ.)*

ПОМИ́НКИ *мн., ед. нет черк* ма'рака, ҳадим, худойи.

ПОМИНÝТНО *нареч.* 1. ҳар минут да, минут сайин; 2. дам-бадам, тез-тез; **егó поминýтно вызывáли к телефóну** уни дам-бадам телефонга чақириширб турарди.

ПОМИНÝТНЫЙ, -ая, -ое 1. минут сайин бўлиб турадиган; 2. тез-тез, дам-бадам бўлиб турадиган; 3. минутлаб ҳисобга олинадиган; **поминýтная плáта за междугорóдные телефóнные перегóворы** шаҳарлараро телефонда сўзлашганда ҳар минут учун тўланадиган ҳақ.

ПОМИРÁТЬ *несов. қ.* померéть, ◇ ***помирáть со́ смеху*** *(с. т.)* жуда қаттиқ (қотиб-қотиб) кулмоқ; кулавериб ичаги узилмоқ.

ПОМИРИ́ТЬ *сов.* яраштирмоқ, битиштирмоқ, келиштирмоқ; **помири́ть поссóрившихся дете́й** уришиб қолган болаларни яраштириб қўймоқ.

ПОМИРИ́ТЬСЯ *сов.* 1. ярашмоқ, битишмоқ; 2. кўникмоқ, ўрганиб қолмоқ; тоқат қилмоқ; рози бўлмоқ, келишмоқ, муроса қилмоқ, чидамоқ.

ПÓМНИТЬ *несов.* эсда тутмоқ, ёдда (хотирда) сақламоқ; **вы менá пóмните?** сиз мени эслайоласизми?; **он пóмнит о своём обещáнии** у ўз ва'дасини эсида тутади (унутмайди); ◇ ***не пóмнить себя́*** *(от чего́-н.)* ўзини йўқотиб қўймоқ (мас., шодлик, ҳаяжон ва ҳ. к. дан); **не пóмнить себя́ от рáдости** шодликдан ўзини йўқотиб қўймоқ; ***пóмнить себя́*** 1) кечмиш ҳаётини эсда тутмоқ, 2) эслайолмоқ; **я пóмню себя́ с четырёх лет** мен тўрт ёшимдан (тўрт яшарлигимдан) буёғидагисини эслайман.

ПÓМНИТЬСЯ *несов.* 1. эсда (хотирда) бўлмоқ; эсда қолмоқ, хотирда сақланмоқ; **пóдвиги геро́ев Вели́кой Оте́чественной войны́ бу́дут пóмниться ве́чно** Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг кўрсатган мардонавор ишлари хотирамизда абадий сақланади, **мне хорошó пóмнятся э́ти стро́ки** бу сатрлар эсимда яхши қолган, 2 **пóмнится** *(кирш. с.т.)* эсимда, назаримда, чоғимда, афтидан, шекилли, **мне пóмнится, я вам э́то говори́л** сизга буни айтганим эсимда.

ПОМНÓГУ *нареч. с. т* жуда кўп, анча, хила, талай; **он помнóгу кýрит** у кўп чекади; **мы помнóгу бесéдовали с ним** биз у блан узоқ-узоқ суҳбатлашардик.

ПОМНОЖÁТЬ *несов. қ.* помнóжить.

ПОМНОЖÁТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* помнóжиться. 2. *страд. от* помножáть *(қ.)*

ПОМНÓЖИТЬ *сов.* кўпайтирмоқ; **помнóжить четы́ре на пять** тўртни бешга кўпайтирмоқ.

ПОМНÓЖИТЬСЯ *сов.* кўпайтирилмоқ.

помнý, помнёшь, помнýт *буд. от* **помня́ть** *(қ.)*

ПОМОГÁТЬ *несов. қ.* помóчь.

помогý, помóжешь, помóгут *буд. от* **помóчь** *(қ.)*

ПО-МÓЕМУ *нареч.* 1. менимча, менинг фикримча; **по-мóему, зáвтра бýдет я́сная пого́да** менимча, эртага ҳаво очиқ бўлса керак; 2. менинг маслаҳатимча, айтганимдай; 3. менинг истагимдагидек, кўнглимдагидек; **он поступи́л по-мóему** у менинг истаганимдагидек иш қилди.

ПОМÓЙ *мн., ед. нет* ювинди (юнди), мағзава; ◇ ***обли́вать помóями*** *(кого́-н.) с. т.* туҳмат қилмоқ, бадном қилмоқ.

ПОМÓЙКА *ж с. т* кир ўра, ахлат ўра, ахлат яшиги.

ПОМÓЙНЫЙ, -ая, -ое ювиндига (мағзавага, ахлатга) оид, **помóйное ведрó** ювинди челак; **помóйная я́ма** кир ўра (ахлат, мағзава тўкиладиган чуқур).

ПОМÓКНУТЬ *сов.* ивиб кетмоқ (сувда, ёмғирда).

ПОМÓЛ *м мн. нет қ. х.* 1. тортиш, ун тортиш; 2. тортилган уннинг нав'и; **мукá тóнкого помóла** майда тортилган ун.

ПОМО́ЛВИТЬ *сов. эск.* унашмоқ, патир (нон) ушатмоқ, оқлиқ ўратмоқ.

ПОМО́ЛВКА *ж эск.* унашиш, патир (нон) ушатиш, оқлиқ ўратиш.

ПОМОЛИ́ТЬСЯ *сов.* бирмунча вақт ибодат қилмоқ, намоз ўқимоқ.

ПОМО́ЛОГ *м к. х.* помолог (помология мутахассиси); *к.* **помоло́гия**

ПОМОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **помоло́гия** *сўз. сиф.*; помологияга оид; *к.* помоло́гия.

ПОМОЛО́ГИЯ *ж к. х.* помология (мевали дарахтлар ва буталарнинг нав'лари ҳақидаги назария).

ПОМОЛОДЕ́ТЬ *сов.* бироз ёшармоқ, ёшроқ бўлиб кўринмоқ.

ПОМОЛОТИ́ТЬ *сов.* 1. бироз янчмоқ (ғаллани); 2. янчиб тамомламоқ (ғаллани).

ПОМОЛО́ТЬ *сов.* 1. бироз тортмоқ (унни), 2. тортиб тамомламоқ (унни).

ПОМОЛЧА́ТЬ *сов.* бироз жим (индамай) турмоқ.

ПОМО́ЛЬНЫЙ,-ая,-ое тортишга (ун тортишга) оид; **помо́льная пла́та** тортиш ҳақи, тегирмон ҳақи.

ПОМО́ЛЬЩИК *м* ун торттируви (ун торттириш учун тегирмонга дон олиб келган киши).

ПОМО́Р *м к.* **помо́ры.**

ПОМОРГА́ТЬ *сов.* кўзини қисиб-қисиб қўймоқ, кўзини пириллатмоқ; **он поморга́л глаза́ми и запла́кал** у кўзини пир-пир учириб гурриб, йиғлаб юборди.

ПОМОРИ́ТЬ *сов.* 1. бироз қийнамоқ, қийнаб қўймоқ (бирор кимсани оч қолдириб); 2. йўқ қилмоқ, қириб ташламоқ, қириб битирмоқ.

ПОМО́РКА *ж к.* **помо́ры.**

поморо́жу, поморо́зишь *буд. от* **поморо́зить** (*к.*).

ПОМОРО́ЗИТЬ *сов.* совуқ олдирмоқ, совуқ урдирмоқ, музлатиб қўймоқ; **поморо́зить цветы́** гулларни совуқ олдирмоқ.

ПОМОРОСИ́ТЬ *сов.* бироз томчиламоқ, шиваламоқ, томчилаб (томқилаб) ўтмоқ (ёмғир ҳақида); **с утра́ поморосил дождь, пото́м проясни́лось** эрталаб ёмғир бироз шиваладию, кейин ҳаво очилиб кетди.

ПОМО́РЩИТЬ *сов.* буриштирмоқ, тириштирмоқ, бужрайтирмоқ, жийирмоқ; **помо́рщить лоб** пешонасини тириштирмоқ.

ПОМО́РЩИТЬСЯ *сов.* 1. афтини буриштирмоқ, ижиранмоқ, пешонасини тириштирмоқ; **больно́й помо́рщился от бо́ли** бемор оғриқдан ижирганди. 2. қиёфасини ўзгартирмоқ, афтини буриштирмоқ (норозилик билдириб ёки нафратланиб).

ПОМО́РЫ *мн.* (*ед.* **помо́р** *м*, **по мо́рка** *ж*) поморлар (Оқ денгиз ва Муз океани қирғоқларида яшовчи губ жойли рус аҳолиси)

ПОМО́РЬЕ *ср* шимолда — денгиз бўйидаги жойлар.

ПОМО́СТ *м* тахтасупа, минбар, кат.

ПОМОТА́ТЬ I *сов.* бироз ўрамоқ, калава қилмоқ (ипни).

ПОМОТА́ТЬ II *сов. с. т.* чайқатиб қўймоқ (бошни); **отрица́тельно помота́ть голово́й** норозилик билдириб бош чайқатиб қўймоқ.

ПО́МОЧИ *мн., ед. нет к.* **подтя́жки**; ◊ **быть (ходи́ть) на по́мочах** (*с. т.*) бировга тоби' бўлмоқ, бировнинг измида (қарамида) бўлмоқ; **води́ть на по́мочах** (*с. т.*) номустақил кишига йўл кўрсатмоқ, номустақил одамни йўлга солиб юрмоқ.

ПОМОЧИ́ТЬ *сов.* бироз ҳўллаб олмоқ (қўймоқ), **помочи́ть во́лосы** сочни бироз ҳўллаб олмоқ; **в доро́ге нас помочи́л дождь** йўлда ёмғир бизни сал-пал ҳўл қилди.

ПОМО́ЧЬ *сов.* 1. ёрдам қилмоқ, ёрдамлашмоқ; **помо́чь отстающим това́рищам** орқада қолаётган ўртоқларга ёрдам қилмоқ; **кри́тика помогла́ ликвиди́ровать недоста́тки в рабо́те** танқид ишдаги камчиликларни тугатишга ёрдам қилди; 2. фойда бермоқ, наф'и тегмоқ, ёрдам қилмоқ; **лека́рство помогло́** дори ёрдам қилди, дори наф' қилди.

ПОМО́ЩНИК *м* ёрдамчи, ёрдам кўрсатучи, даст'ёр; **он хоро́ший помо́щник в любо́м де́ле** у ҳарқандай ишда ҳам яхши ёрдамчи; **комсомо́л — ве́рный помо́щник па́ртии** комсомол — партиянинг содиқ ёрдамчисидир; **помо́щник командира корабля́** кема

командирининг ёрдамчиси; **помо́щник бухга́лтера** бухгалтер ёрдамчиси.

ПОМО́ЩНИЦА *ж қ.* **помо́щник.**

ПО́МОЩЬ *ж мн. нет* ёрдам, кўмак, мадад; **оказа́ть това́рищескую по́мощь** ўртоқларча ёрдам кўрсатмоқ; **получи́ть по́мощь** ёрдам (мадад) олмоқ; **прийти́ на по́мощь** ёрдамга келмоқ; **вы́звать на по́мощь** ёрдам сўраб чақирмоқ; **медици́нская по́мощь** медицина ёрдами; **ско́рая по́мощь** *(мед.)* тез ёрдам (бирор бахтсиз ҳодиса юз берганда, бирор кишининг соғлиги тўсатдан ёмонлашиб қолганда дарҳол медицина ёрдами кўрсатадиган ташкилот); **по́мощь на дому́** *(мед.)* врачнинг бемор уйига келиб ёрдам кўрсатиши; ◇ ***без посторо́нней по́мощи*** бировнинг ёрдамисиз; ***пода́ть ру́ку по́мощи*** ёрдам қўлини чўзмоқ; ***с по́мощью (при по́мощи)*** ёрдами (воситаси) билан, ёрдамида; ***на по́мощь!*** ёрдам беринглар!, дод! (бировни ёрдам беришга чақирганда айтилади).

помо́ю, помо́ешь *буд. от* **помы́ть** *(қ.).*

ПО́МПА I *ж мн. нет* юзаки дабдаба, тантана, ҳўжа кўрсинга қилинган ҳашамат; **встре́тить кого́-н. с по́мпой** бировни қуруқ дабдаба билан кутиб олмоқ.

ПО́МПА II *ж тех.* насос.

ПОМПАДУ́Р *м кест.* аҳмоқ ма'мур, аҳмоқона иш қилучи идора бошлиғи.

ПОМПАДУ́РСКИЙ, -ая, -ое *кест.* **помпаду́р** *сўз. сиф.; қ.* **помпаду́р.**

ПОМПЕ́ЗНЫЙ, -ая,-ое **по́мпа** I *сўз. сиф.;* дабдабали, тантанали, ҳашаматли; **помпе́зный прие́м** тантанали қабул маросими; **помпе́зная речь** дабдабали нутқ.

ПОМПОЛИ́Т (помо́щник по полити́ческой ча́сти) *м* сиёсий қисм бўйича ёрдамчи.

ПОМПО́Н *м* ипак ёки жундан ясалган попук.

ПОМРАЧА́ТЬ *несов. қ.* **помрачи́ть.**

ПОМРАЧА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **помрачи́ться;** 2. *страд. от* **помрача́ть** *(қ.).*

ПОМРАЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* қоронғилашиш, хиралашиш; **помраче́ние созна́ния** онг (ақл) нинг хиралашуви; **помраче́ние зре́ния** кўзнинг хиралашуви; ◇ ***уму́ помраче́ние! (с. т.)*** ақлинг шошадиларов!, ҳайрон қоласан!

ПОМРАЧИ́ТЬ *сов.* бироз хиралаштирмоқ, қоронғилаштирмоқ.

ПОМРАЧИ́ТЬСЯ *сов.* бироз хиралашмоқ, қоронғилашмоқ, нурсизланмоқ; **его́ рассу́док помрачи́лся** у ақли-ҳушини йўқотипти.

ПОМРАЧНЕ́ТЬ *сов.* 1. қоронғи босмоқ, хиралашиб қолмоқ; **не́бо помрачне́ло** осмон хиралашди; 2. ‖ хафа бўлиб қолмоқ, қовоғи осилиб қолмоқ.

помру́, помрёшь *буд. от* **помере́ть** *(қ.).*

ПОМУ́СЛИТЬ *сов. с. т.* сал-пал тупукламоқ, тупук билан салгина ҳўлламоқ (мас., бармоқни).

ПОМУСО́ЛИТЬ *сов. содд. қ.* **помусли́ть.**

ПОМУТИ́ТЬ *сов.* 1. лойқатиб юбормоқ; 2. ‖ хиралаштириб қўймоқ; беҳузур қилмоқ.

ПОМУТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. лойқаб кетмоқ; булғанмоқ; 2. хиралашиб қолмоқ, қоронғиланмоқ; 3. ‖ *безл. с. т.* кўз тиниб кетмоқ, эсанкираб қолмоқ, мия айниб қолмоқ, гангиб қолмоқ; **у него́ в голове́ помути́лось** унинг боши (мияси) гангиб қолди; **у него́ в глаза́х помути́лось** унинг кўзлари тиниб кетди.

ПОМУТНЕ́НИЕ *ср мн. нет* лойқаланиш; лойқаш; хиралашиш, нурсизланиш; **помутне́ние рогови́цы** *(мед.)* кўз пардасининг хиралашуви; **помутне́ние созна́ния** ақл (онг) нинг хиралашуви.

ПОМУТНЕ́ТЬ *сов.* лойқаб кетмоқ, лойқаланиб қолмоқ; хиралашмоқ; нурсизланмоқ; **раство́р помутне́л** эритма лойқаб кетди.

ПОМУТНИ́ТЬ *сов.* бироз лойқатмоқ, хиралаштирмоқ.

ПОМУ́ЧИТЬ *сов.* бирмунча вақт қийнамоқ; азоб бермоқ, озор етказмоқ.

ПОМУ́ЧИТЬСЯ *сов.* бирмунча қийналмоқ, азоб (озор) чекмоқ.

помучу́, помуча́шь *буд. от* **помуча́ть** *(қ.).*

помучу́, помути́шь *буд. от* **помути́ть** (*қ.*).

ПОМЧА́ТЬ *сов.* чоптириб (ғизиллатиб, югуртириб) олиб кетмоқ.

ПОМЧА́ТЬСЯ *сов.* 1. тез чопиб кетмоқ, ғизиллаб кетмоқ; **ло́шади помча́лись в степь** отлар чопганча чўлга қараб кетди; **оди́н за други́м помча́лись автомоби́ли** автомобиллар бирин-кетин ғизиллаб кетди; 2. ‖ ғизиллаб кетмоқ, қанотсиз учмоқ, елмоқ, оёқни қўлга олиб югурмоқ; **де́ти ра́достно помча́лись в шко́лу** болалар суюниб-қувониб мактабга югуришиб кетди.

ПОМЫ́КАТЬ *сов. маҳл.* ва *содд.* 1. бироз вақт титмоқ (зиғирпояни); 2. бир фурсат савамоқ (пахта ёки жунни).

ПОМЫКА́ТЬ *несов. с. т.* хўрламоқ, хўрлаб азоб бермоқ, жабр қилмоқ.

ПОМЫ́КАТЬСЯ *сов. с. т.* бирмунча вақт қуниш топмай азоб тортиб юрмоқ, дарбадар кезмоқ, дайдиб юрмоқ.

ПОМЫ́ЛИТЬ *сов.* бироз совунламоқ, совун суртмоқ.

ПОМЫ́ЛИТЬСЯ *сов. с. т.* ўзига бироз совун суртмоқ.

ПО́МЫСЕЛ *м* (*мн.* по́мыслы) *эск.* ният, фикр, ўй, хаёл; **ду́рные по́мыслы** ёмон ниятлар; **у меня́ и в по́мыслах не́ было э́того** бу (нарса) хаёлимда ҳам йўқ эди.

ПОМЫ́СЛИТЬ *сов. с. т.* ўйлаб кўрмоқ, фикр қилмоқ; ният (хаёл, орзу) қилмоқ; **я не сме́ю помы́слить об э́том** мен бу ҳақда хаёл ҳам қилаолмайман.

ПОМЫ́ТЬ *сов.* ювмоқ; **помы́ть ру́ки** қўл ювмоқ.

ПОМЫ́ТЬСЯ *сов.* ювинмоқ, юз-қўлини ювмоқ.

ПОМЫШЛЕ́НИЕ *ср эск.* фикр, ўй, хаёл; ўйлаш, хаёл қилиш.

ПОМЫШЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **помы́слить; помышля́ть об отъе́зде** жўнаб кетиш тўғрисида ўйламоқ.

ПОМЯ́НУТЫЙ, -ая, -ое 1. **помяну́ть** фе'лининг сифатдоши; 2. *расм.* кўрсатилган, зикр этилган; ◊ ***не тем будь помя́нут*** *(кирш.)* ёмонлаб эсга олинмасин.

ПОМЯНУ́ТЬ *сов. қ.* **помина́ть**; ◊ ***помяни́ (помяни́те) моё сло́во!*** *(матал)* мени айтди дерсан (дерсиз).

ПОМЯ́ТЫЙ, -ая, -ое 1. эзилган, ғижимланган; поймол (оёқости) қилинган; 2. ‖ *с. т.* ҳориган, ҳорғин, сўлғин; **помя́тое лицо́** ҳорғин (сўлғин) юз.

ПОМЯ́ТЬ *сов.* бироз эзмоқ, ғижимлаб қўймоқ; поймол (оёқости) қилмоқ; **помя́ть пла́тье** кўйлакни ғижим-бижим қилиб қўймоқ; ◊ ***помя́ть бока́*** = **намя́ть бока́**; *қ.* **намя́ть**.

ПОМЯ́ТЬСЯ *сов.* 1. эзилиб кетмоқ, ғижимланмоқ, босилмоқ, оёқости бўлиб кетмоқ; 2. ‖ *с. т.* иккиланмоқ, тортиниб турмоқ; **он помя́лся внача́ле, но пото́м согласи́лся** у аввал иккиландию, кейинчалик рози бўлди.

[пона-] мураккаб олдқўшимча бўлиб, иш-ҳаракатнинг бирмунча вақт давом этганлигини ёки бажариб тамомланганлигини билдирадиган фе'ллар тузишга хизмат қилади, мас., **понаглядéться** кўпни кўрмоқ, кўп нарсани кўздан кечирмоқ; **понавезти́** устма-уст келтирмоқ; жуда кўп келтирмоқ.

ПОНАБЛЮДА́ТЬ *сов.* бироз кузатмоқ, қараб турмоқ, назорат қилмоқ.

ПОНАД *предлог маҳл.* бўйида, қирғоғида, ёқасида; **цвету́т сады́ понад До́ном** Дон ёқасидаги (бўйидаги) боғлар гуллаб яшнамоқда.

ПОНАДЕ́ЯТЬСЯ *сов. с. т.* умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ, ишонмоқ; **напра́сно я понаде́ялся на него́** мен унга чакки (бекор) ишонган эканман.

ПОНА́ДОБИТЬСЯ *сов. с. т.* керак бўлиб қолмоқ, зарур бўлиб қолмоқ, зарурияти чиқиб қолмоқ; **мне понадоби́лся учёбник по исто́рии Дре́внего Восто́ка** менга Қадимги Шарқ тарихи дарслиги керак бўлиб қолди; **понадоби́лось соста́вить план рабо́ты** иш плани тузиш зарур бўлиб қолди.

ПОНАПРА́СНУ *нареч. с. т.* бекорга, беҳудага; **не сто́ит понапра́сну волнова́ться** бекорга ҳовлиқишнинг ҳожати йўқ; **понапра́сну лить слёзы** беҳудага кўз ёши тўкмоқ.

ПОНАСЛЫ́ШКЕ (ба'зан **по наслы́шке**) *нареч. с. т.* миш-миш гапларга қараб, миш-миш гапларга ишониб.

ПО-НАСТОЯ́ЩЕМУ *нареч.* чинакамига, астойдил, кўнгилдагидек; **он рабо́тает по-настоя́щему** у астойдил ишлайди; **по-настоя́щему взя́ться за де́ло** ишга астойдил киришмоқ; **что́бы руководи́ть по-настоя́щему, на́до хорошо́ знать де́ло** чинакамига раҳбарлик қилиш учун ишни яхши билиш керак.

ПОНАТОРЕ́ТЬ *сов. с. т.* оз-оздан малака ҳосил қилмоқ; аста-секин ҳавосини олмоқ, кўзни пиширмоқ.

ПОНАЧА́ЛУ (ба'зан **по нача́лу**) *нареч. с. т.* олдин, аввал, дастлаб, бошда.

ПО-НА́ШЕМУ *нареч.* 1. бизча, бизнингча; 2. биз айтгандек, биз айтганча; 3. биз истаганча, бизнинг кўнглимиздагидек; 4. бизнинг расмимизча, бизнинг урф-одатимизча.

ПОНЕВО́ЛЕ *нареч.* ноилож, мажбуран; **я согласи́лся понево́ле** мен ноилож рози бўлдим.

ПОНЕДЕ́ЛЬНИК *м* душанба.

ПОНЕДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ҳафтали, ҳар ҳафтада бўладиган (ўтказиладиган, бериладиган, тўланадиган); **понеде́льное зада́ние** ҳафтали топшириқ; бир ҳафтали вазифа; **понеде́льная опла́та** ҳафта сари (ҳафтабай) ҳақ тўлаш; **понеде́льный гра́фик** ҳафтали график.

ПОНЕ́ЖИТЬ *сов.* бир фурсат эркалатмоқ, эркалатиб қўймоқ.

ПОНЕ́ЖИТЬСЯ *сов.* бир фурсат эркаланмоқ, эркалик қилмоқ, ноз-ланмоқ.

ПОНЕМНО́ГУ *нареч.* 1. оз-оздан, кам-кам, оз-моз; **он ел понемно́гу, но ча́сто** у овқатни оз-оз, лекин бот-бот еб турарди; 2. аста-секин, оз-оз, сал-пал; **больно́й понемно́гу на́чал поправля́ться** бемор аста-секин тузалабошлади; ◇ ***понемно́гу*** **,аҳволингиз қалай?* деган саволга жавоб тарзида ишлатилади; как пожива́ете? — Понемно́гу** (*с. т.*) аҳволингиз қалай? — Бир нав' (дуруст, ёмон эмас).

ПОНЕМНО́ЖКУ = **понемно́гу** (*қ.*).

ПОНЕСТИ́ *сов.* 1. олиб бормоқ (жўнамоқ), кўтариб кетмоқ; **мать понесла́ ребёнка в я́сли** она боласини яслига олиб борди; 2. бир фурсат кўтариб бормоқ; **понеси́ немно́го чемода́н, я уста́л** чемоданни бироз кўтариб бор, мен чарчадим; 3. олиб қочмоқ, олиб қочиб кетмоқ (от ҳақида); **ло́шадь понесла́** от олиб қочди (суриб кетди); 4. ‖ бошдан кечирмоқ, кўрмоқ, дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ; **понести́ наказа́ние** жазо тортмоқ; **понести́ поте́ри** талафот кўрмоқ; **понести́ убы́тки** зарар кўрмоқ; 5. *безл. с. т.* келабошламоқ, эсабошламоқ (шамол, шабада ҳақида); **из окна́ понесло́ хо́лодом** деразадан совуқ шабада кирабошлади; 6. *безл. с. т.* келмоқ, гуркираб кетмоқ (ҳид ҳақида); 7. *с. т.* бема'ни (беҳуда) гап қилабошламоқ; 8. *дагл.* бирор томонга кетмоқ, кетиб қолмоқ; **и куда́ его́ понесло́!** у қаёққа кетди экан!?; 9. *содд.* иккиқат (бўйида) бўлиб қолмоқ.

ПОНЕСТИ́СЬ *сов.* 1. *с. т.* югуриб кетмоқ, чопиб бормоқ; **ребёнок понёсся навстре́чу отцу́** бола отасини қарши олишга югуракетди; 2. олиб қочиб (суриб) кетмоқ; **ло́шади понесли́сь** отлар олиб қочиб кетди.

ПО́НИ *м нескл.* тоти от (бичими кичик, пастак от).

ПОНИЖА́ТЬ *несов. қ.* **пони́зить.**

ПОНИЖА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **пони́зиться**; 2. *страд. от* **понижа́ть** *(қ.).*

ПОНИ́ЖЕ **ни́зкий** ва **ни́зко** *сўз. қиёс. дар.*; *қ.* **ни́зкий** ва **ни́зко.**

ПОНИЖЕ́НИЕ *ср* **пони́зить** фе'лининг ҳаракат номи; **пониже́ние цен** нарх-навонинг пасайиши (тушиши); **пониже́ние температу́ры** температуранинг пасайиши.

ПОНИ́ЖЕННЫЙ, -ая, -ое 1. **пони́зить** фе'лининг сифатдоши; 2. пасайган, тушган, камайган; паст, бўш, **пони́женное кровяно́е давле́ние** пасайган қон босими; **пони́женные тре́бования** бўшаштириб юборилган талаблар; 3. ‖ тушкун, ёмон; **пони́женное настрое́ние** тушкун руҳ, кайфсизлик.

пони́жу, пони́зишь *буд. от* **пони́зить** *(қ.).*

ПОНИЗИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *тех.* пасайтиручи, пасайтирадиган; **понизи́тельная подста́нция** пасайтиручи подстанция (электр токининг кучланишини пасайтириб берадиган ёрдамчи станция).

ПОНИ́ЗИТЬ *сов.* 1. пасайтирмоқ,

пастроқ қилмоқ; **пони́зить забо́р** деворни пасайтирмоқ; 2. камайтирмоқ, пасайтирмоқ; **пони́зить температу́ру** температурани пасайтирмоқ; **пони́зить давле́ние па́ра** буғ босимини камайтирмоқ; **пони́зить це́ны на това́ры** молларнинг нархларини пасайтирмоқ; 3. камайтирмоқ, сусайтирмоқ, ёмонлаштирмоқ, бўшаштирмоқ; **пони́зить тре́бования** талабларни камайтирмоқ; 4. пасайтирмоқ; **пони́зить го́лос** товушни пасайтирмоқ; 5. пасайтирмоқ, туширмоқ; **пони́зить в до́лжности** хизматда (мансабда) пасайтирмоқ.

ПОНИ́ЗИТЬСЯ *сов.* 1. пасаймоқ; камаймоқ, тушмоқ; **у́ровень воды́ в реке́ пони́зился** дар'ёда сув сатҳи пасайди; **це́ны пони́зились** нархлар пасайди; **у больно́го пони́зилась температу́ра** беморнинг температураси пасайди; 2. сусаймоқ; ожизлашмоқ; **с года́ми у него́ пони́зился слух** унинг ёши улғайган сари қулоғи оғирлашаборди.

ПОНИЗО́ВЫЙ, -ая, -ое **пониз**о́**вье** *сўз. сиф.*; дар'ё этагида жойлашган, дар'ёнинг қуйи томонидаги; **пониз**о́**вые города́** дар'ё этагидаги шаҳарлар.

ПОНИЗО́ВЬЕ *ср* қуйи томон, этак (дар'ёнинг қуйи оқимидаги жойлар); **пониз**о́**вье Аму-Дарьи́** Амудар'ё этагидаги жойлар.

ПО́НИЗУ *нареч.* паст, жуда паст, ер бағирлаб; **тума́н сте́лется по́низу** туман ер бағирлаб ёйилмоқда.

ПОНИКА́ТЬ *несов. к.* **пони́кнуть.**

ПОНИ́КНУТЬ *сов.* эгилиб (букилиб) қолмоқ, бошини қуйи солмоқ; **цветы́ пони́кли** гуллар бошларини эгипти; **пони́кнуть голово́й** бошни қуйи солмоқ.

ПОНИМА́НИЕ *ср* 1. *только ед.* тушуниш, англаш, фаҳмлаш; **э́то вы́ше моего́ понима́ния** мен буни англайолмайман, буни тушунишга ақлим етмайди; **пра́вильное понима́ние цита́ты** цитатани тўғри англаш; **я́сное понима́ние зако́нов диале́ктики** диалектика қонуларини очиқ-равшан тушуниб олиш; 2. изоҳлаш, тушунтириш, тушуниш, нуқтаи назар; **ма́рксистское понима́ние исто́рии** тарихни марксистик нуқтаи назардан тушуниш.

ПОНИМА́ТЬ *несов.* 1. *к.* **поня́ть**; **он хорошо́ понима́ет му́зыку** у мусиқани яхши тушунади; 2. **понима́ете (ли), понима́ешь(ли)** *кирш.* биласизми, биласанми; фаҳмлайсизми, фаҳмлайсанми; **он, понима́ете ли, о́чень помо́г бы нам** биласизми, у бизга анча ёрдам берган бўлар эди; ◊ *(вот) э́то я понима́ю! (с.т. бегн.)* мана бунга мен қойилман!

ПОНИМА́ТЬСЯ *несов.* тушунилмоқ, англашилмоқ, фаҳмланмоқ.

ПО-НО́ВОМУ *нареч.* янгича, янги тарзда, янги усулда; **комсомо́льцы по-но́вому организова́ли проце́сс рабо́ты** комсомоллар иш процессини янгича уюштирдилар; **нача́ть жить по-но́вому** янгича турмуш (ҳаёт) кечирабошламоқ.

ПОНОЖО́ВЩИНА *ж с. т.* пичоқлашиш, пичоқвозлик қилиш, пичоқвозлик.

ПОНОМА́РЬ *м к.* **дья́чок.**

ПОНО́С *м мед.* ич кетиш.

ПОНОСИ́ТЬ I *несов.* сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, ёмонламоқ.

ПОНОСИ́ТЬ II *сов.* 1. бироз кўтариб юрмоқ, кўтариб бормоқ; **поноси́ть ребёнка на рука́х** болани қўлда кўтариб юрмоқ; 2. бирмунча вақт киймоқ, кийиб юрмоқ (кийим-кечакни).

ПОНОСИ́ТЬСЯ *сов.* кийилмоқ; чидамоқ; **э́то пальто́ пonóсится** ёще год бу пальто яна бир йил кийилади, бу пальто яна бир йилга чидайди.

ПОНО́СКА *ж махс.* 1. нарса (ит тишлаб олиб бораётган нарса); 2. итнинг бирор нарсани тишлаб олиб борабилиши; **обучи́ть соба́ку пonóске** итни нарсаларни тишлаб кўтариб боришга ўргатмоқ; 3. асаларининг бир учишда гуллардан олиб келган шираси.

ПОНО́СНЫЙ I, -ая, -ое пonóс *сўз. сиф.*; ич кетишга оид.

ПОНО́СНЫЙ II, -ая, -ое *эск.* ҳақоратомиз, ҳақоратли; **пonóсные слова́** ҳақоратомиз сўзлар.

ПОНОШЕ́НИЕ *ср* сўкиш, ҳақорат қилиш, ёмонлаш.

поно́шенный, -ая, -ое 1. поноси́ть II фе'лининг сифатдоши; 2. кийилган, кийилиб эскирган, тўзган; **поно́шенная о́бувь** кийилган оёқ кийими; 3. ‖ *бегк.* абжағи чиққан (маиший бузилиш натижасида).

поношу́, поно́сишь I *наст. от* поноси́ть I (*қ.*).

поношу́, поно́сишь II *буд. от* поноси́ть II (*қ.*).

поно́ю, поно́ешь *буд. от* **поны́ть** (*қ.*).

понра́виться *сов.* ёқиб қолмоқ, мақбул (ма'қул) бўлиб қолмоқ, кўзга яхши кўринмоқ; **доклад мне понра́вился** доклад менга ма'қул бўлди; **они́ понра́вились друг дру́гу** улар бир-бирига ёқиб қолишди.

понра́влюсь, понра́вишься *буд. от* **понра́виться** (*қ.*).

понтёр *м эск.* понтёр (қарта ўйинида — банкага тикилган пулга гарткам қилучи ўйинчи).

понти́ровать *несов. эск.* гарткам қилмоқ (қарта ўйинида банкага тикилган пулга гарткам урмоқ).

понто́н *м ҳарб.* понтон (1. вақтинча солинган кўприкни кўтариб турадиган ясси қайиқ ёки кемача; 2. *ҳарб.* вақтинча қурилган кўчма кўприк; 3. *тех.* сузгич кран, сув остини кавлайдиган снаряд ва ш. к. лар ўрнатиш учун қўлланиладиган ясси кема; 4. *тех.* чўккан кемаларни сув бетига чиқариш учун пўлатдан ишланган ичи бўш махсус иншоот; 5. *арх.* тўртбурчакли обелиск, ёдгорлик; *қ.* **обели́ск**).

понтонёр *м ҳарб.* понтонёр (кўчма кўприклар қуриш ишлари билан шуғулланучи ҳарбий қисм хизматчиси).

понто́нный, -ая, -ое **понто́н** *сўз. сиф.*; понтонга оид; **понто́нная часть** (*ҳарб.*) понтон қисми (кўчма кўприклар қуриш ишлари билан шуғулланучи ҳарбий кема); **понто́нный мост** (*ҳарб.*) вақтинча қурилган кўчма кўприк.

понужди́тельный, -ая, -ое мажбур қиладиган, ундайдиган, мажбурий; **понужди́тельные ме́ры** мажбурий чоралар; ◇ **понужди́тельный зало́г** (*грам.*) фе'лнинг орттирма даражаси.

понужда́ть *несов. қ.* **понуди́ть**.

понужде́ние *ср мн. нет* мажбур қилиш; ундаш.

понужу́, понуди́шь *буд. от* **понуди́ть** (*қ.*).

понука́ние *ср* 1. „чу" дейиш, „чу-чу" деб отни тезлатиш; 2. ‖ шошилтириш, шоширш, қисташ, тезлатиш.

понука́ть *несов.* 1. „чу" демоқ, „чу-чу" деб отни тезлатмоқ; 2. ‖ *с. т.* шоширмоқ, шошилтирмоқ, қистамоқ, тезлатмоқ.

понуди́ть: **понуди́ть го́лову** бошни қуйи солмоқ, хафа бўлиб бошни эгмоқ.

понуди́ться *сов.* бошни қуйи солмоқ, хафаликдан бошни эгмоқ.

понуди́вый, -ая, -ое 1. боши эгилган (осилган); 2. гамгин, ма'юс; **понуди́вый взгляд** ма'юсона қараш, хомушлик билан назар солиш.

по́нчик *м* пончик (ёгда пиширилган ғовак нон).

поны́не *нареч. эск.* шу вақтгача, шу чоққача, ҳануз.

поныря́ть *сов.* шўнғиб бироз вақт сув остида сузмоқ.

поны́ть *сов.* 1. бир фурсат зирқираб оғримоқ, симилламоқ; 2. бир фурсат инграмоқ, зорланиб юрмоқ.

понюха́ть *сов.* ҳидлаб кўрмоқ, ҳидлаб кўймоқ; ◇ ***не дать и понюха́ть*** (*с. т.*) заррача ҳам бермаслик, ёнига ҳам йўлатмаслик; ***понюха́ть по́роху*** (*с. т.*) жангда бўлмоқ, урушда қатнашмоқ.

понюшка *ж с. т.* бурунга отадиган бир чимдим тамаки; ◇ ***пропа́сть ни за понюшку табаку́*** (*матал*) бекордан-бекорга ҳалок (нобуд) бўлмоқ.

поня́нчить *сов. с. т.* бироз боқиб (қараб) турмоқ; **поня́нчить ребёнка** бир фурсат болага қарамоқ, бола боқмоқ.

поня́нчиться *сов. с. т.* 1. бир фурсат боқмоқ, қарамоқ; 2. ‖ *манф* овора бўлмоқ, кўнглига қараб юравермоқ; **дово́льно мы с ним поня́нчились, пусть тепе́рь рабо́тает самостоя́тельно** биз у билан хўп овора бўлдик, энди ўзи мустақил ишласин.

поня́тие *ср* 1. тушунча; **поня́тие приба́вочной сто́имости** қўшимча қиймат тушунчаси; 2. *только ед.* тасаввур, тушунча, хабардорлик; **име́ть поня́тие о чём-н.** бирор нарса тўғрисида тасаввурга эга бўлмоқ; **поня́тия не име́ю!** *(с.т.)* ҳеч хабарим йўқ!; 3. тушунча, савия; **предвзя́тые поня́тия** асоссиз (бирор далилга асосланмаган) тушунчалар; ◊ ***дать поня́тие о чём-н.*** таништирмоқ; тушунтирмоқ.

поня́тливость *ж мн. нет* зеҳни баландлик, зийраклик; **э́тот учени́к отлича́ется большо́й поня́тливостью** бу ўқувчи ўзининг зеҳни баландлиги билан ажралиб туради.

поня́тливый, -ая, -ое зеҳни баланд, фаросатли, фаҳмли, идрокли, зийрак; **поня́тливый ребёнок** зеҳни баланд бола.

поня́тно *нареч.* 1. равшан, аниқ, тушунарли, очиқ-ойдин; **поня́тно говори́ть** тушунарли қилиб гапирмоқ; **писа́ть поня́тно** очиқ-равшан қилиб ёзмоқ; 2. *в знач. сказ. безл.* ма'лум, равшан, аниқ; **вполне́ поня́тно, что он не смог прие́хать больны́м** очиқ ма'лумки, у касал ҳолда келаолмаган; 3. *кирш. с. т.* албатта, шубҳасиз: **я, поня́тно, не соглашу́сь с его́ мне́нием** мен, албатта, унинг фикрига қўшилаолмайман.

поня́тность *ж мн. нет* тушунарлилик, англашиларлик; **поня́тность вопро́са** масаланинг тушунарлилиги (англашиларлиги).

поня́тный, -ая, -ое 1. тушунарли, англашиларли; равшан, аниқ, осон; **поня́тное изложе́ние вопро́са** масалани тушунарли қилиб баён этиш; **поня́тная зада́ча** тушунарли вазифа, масала; 2. асосли, ўринли, важи бор; **вполне́ поня́тное тре́бование** жуда ўринли талаб; **его́ оби́да вполне́ поня́тна** унинг хафа бўлишининг важи бор; ◊ ***поня́тное де́ло (поня́тная вещь)*** *кирш. с. т.* ма'лум, албатта, турган гап.

поня́то́й *м эск. расм.* холис гувоҳ, шоҳид (қамоққа олиш, тинтув ўтказиш ва ш. к. ҳолларда ҳукумат органлари томонидан холис гувоҳ сифатида чақирилган шахс)

по́нятый, -ая, -ое поня́ть фе'лнинг сифатдоши; **пра́вильно по́нятая мысль** тўғри тушунилган фикр.

поня́ть *сов.* 1. тушунмоқ, англамоқ, фаҳмламоқ; **пра́вильно поня́ть зада́чу** вазифани (масалани) тўғри тушунмоқ; **он по́нял мою́ мысль** у менинг фикримни англади; 2. пайқамоқ, уқмоқ, билиб (англаб) етмоқ; **мы по́няли друг дру́га с полусло́ва** биз бир-биримизни ярим сўзданоқ билиб олдик; 3. қадрламоқ, қадр-қимматига етмоқ, баҳоламоқ; ◊ ***дать поня́ть*** билдирмоқ, имо-ишора билан билдириб қўймоқ.

пообе́дать *сов.* обед (тушлик) қилиб олмоқ, тушки овқатни еб бўлмоқ.

пообеща́ть *сов. с. т.* ва'да қилмоқ, ва'да (сўз) бермоқ; **пообеща́ть прие́хать** келишга ва'да бермоқ.

по́о́даль *нареч.* бирмунча нарида, нарирокда, бироз йирокда; нарирок, четрок; **по́о́даль ви́дне́лась** река нарирокда дар'ё кўринар эди; **сесть по́о́даль** бироз нарида ўтирмоқ.

пооди́но́чке (ба'зан **по одино́чке**) *нареч.* битта-битта, яккама-якка, битта-биттадан.

пооктя́брьский, -ая, -ое Октябрьдан буён, Октябрьдан кейин вужудга келган (Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги); **по-октя́брьская литерату́ра** Октябрьдан кейинги адабиёт (Октябрь революциясидан буён вужудга келган адабиёт).

по-осмо́тре́ться *сов.* муҳитга бир қадар кўникмоқ.

по-отцо́вски *нареч.* оталарча, оталардек ғамхўрлик билан; **по-отцо́вски относи́ться к кому́-н.** бирор шахсга оталарча муносабатда бўлмоқ.

по́о́хать *сов. с. т.* оҳ тортиб қўймоқ, оҳ-воҳ қилиб қўймоқ.

пооха́титься *сов.* бирмунча вақт ов қилмоқ, ов билан машғул бўлмоқ; **он уе́хал пооха́титься на фаза́нов** у қирғовул овлашга жўнаб кетди.

пооха́чусь, пооха́тишься *буд. от* **пооха́титься** *(к.).*

поочерёдно *нареч.* галма-гал, навбати билан, навбатлашиб; **по-очерёдно дежу́рить** галма-гал навбатда турмоқ (дежурлик қилмоқ).

ПООЧЕРЁДНЫЙ, -ая, -ое галма-галдан; навбатма-навбат; навбати блан; **нести́ поочерёдное дежу́рство** галма-галдан дежурлик қилмоқ; **поочерёдная сме́на карау́ла** қоровулларни навбат блан алмаштириш.

ПООЩРЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* рағбатлантириш, қизиқтириш, тақдирлаш; **де́ло, заслу́живающее поощре́ния** тақдирлашга сазовор иш; 2. мукофот; **получи́ть поощре́ние** мукофот олмоқ.

ПООЩРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое рағбатлантирадиган, қизиқтирадиган; тақдирлайдиган; **поощри́тельные ме́ры** рағбатлантирадиган чоралар.

ПООЩРИ́ТЬ *сов.* рағбатлантирмоқ, қизиқтирмоқ; тақдирламоқ; **поощри́ть ученика́ похва́льной гра́мотой** ўқувчини мақтов ёрлиғи блан рағбатлантирмоқ, тақдирламоқ.

ПООЩРЯ́ТЬ *несов. к.* **поощри́ть.**

ПООЩРЯ́ТЬСЯ *несов.* қизиқтирилмоқ, рағбатлантирилмоқ; тақдирланмоқ.

ПОП *м с. т.* поп (руҳоний); ◇ ***на попа́*** *(содд.)* тикка-тик қилиб; **поста́вить бо́чку на попа́** бочкани тик турғизиб қўймоқ.

ПОПАДА́НИЕ *ср* тегиш, тушиш; тегдириш, тушириш; нишонга тегиш; **прямо́е попада́ние** тўғри бориб тегиш; **число́ попада́ний в мише́нь** нишонга бориб теккан ўқларнинг сони.

ПОПА́ДАТЬ *сов.* 1. тушиб кетмоқ, кетма-кет тушиб кетмоқ; **кни́ги попа́дали с по́лок** токчалардан китоблар тушиб кетди; 2. бирнеча марта йиқилмоқ, кўп йиқилмоқ; **попа́даешь нема́ло, пока́ вы́учишься е́здить на велосипе́де** велосипед минишни ўргангунингча кўп йиқиласан.

ПОПАДА́ТЬ *несов. к.* **попа́сть.**

ПОПАДА́ТЬСЯ *несов. к.* **попа́сться.**

попаду́, попадёшь *буд. от* **попа́сть** *(к.).*

ПОПАДЬЯ́ *ж с. т.* попнинг хотини.

попа́л, попа́ла *прош. от* **попа́сть** *(к.)*

ПОПА́РИТЬ *сов.* бироз буғламоқ, буғ бермоқ, буғлаб қўймоқ.

ПОПА́РИТЬСЯ *сов.* 1. дам емоқ, буғда турмоқ, ўзини буғламоқ (ҳаммомда); 2. бироз буғланмоқ, буғда турмоқ, дамлаб қўймоқ.

ПОПА́РНО *нареч.* жуфт-жуфт бўлиб, иккита бўлиб, иккита-иккитадан; **шко́льники шли попа́рно** мактаб болалари иккита-иккита бўлиб борардилар.

ПО-ПАРТИ́ЙНОМУ *нареч.* партия (КПСС) а'зосига муносиб равишда.

ПОПАСТИ́ *сов.* 1. ўтлатиб юрмоқ, боқиб юрмоқ; 2. қараб турмоқ, назар солиб турмоқ, кўз-қулоқ бўлиб турмоқ (ўтлоқдаги молларга).

ПОПАСТИ́СЬ *сов.* бир фурсат ўтламоқ, ўтлаб юрмоқ.

ПОПА́СТЬ *сов.* 1. тегизмоқ; туширмоқ; урмоқ; киргизмоқ; тегмоқ, кирмоқ, тушмоқ; **попа́сть в мише́нь** нишонга тегизмоқ; **пу́ля попа́ла ему́ в но́гу** ўқ унинг оёгига тегди; **мяч попа́л в воро́та** тўп дарвозага бориб кирди; **попа́сть ни́ткой в ушко́ иго́лки** нина кўзига ип ўтказмоқ; **мне в глаз попа́ла мо́шка** кўзимга чивин кирди; 2. беҳосдан ботиб (тушиб, кириб) кетмоқ; **он ного́й попа́л в грязь** унинг оёги лойга ботиб кетди; 3. кирмоқ, бормоқ, ўтмоқ, бориб етмоқ; **вчера́ мне удало́сь попа́сть в теа́тр** кеча театрга киришга муваффақ бўлдим; 4. келмоқ, етиб келмоқ, бориб етмоқ, қайтмоқ; **мы попа́ли домо́й к ве́черу** биз уйга кечга яқин етиб келдик; 5. учрамоқ, тушмоқ, тушиб қолмоқ, йўлиқмоқ; **попа́сть в беду́** фалокатга учрамоқ; **попа́сть в плен** асир тушмоқ; **попа́сть под суд** судга тушмоқ; 6. тайинланмоқ, қабул қилинмоқ; **попа́сть в университе́т** университетга қабул қилинмоқ; 7. *безл. с. т.* гап эшитмоқ, сўкиш (койиш) эшитмоқ, дакки емоқ; **ему́ попа́ло от роди́телей** у ота-онасидан койиш эшитди; 8. *с. т.* дуч келмоқ, учрамоқ, учрашиб қолмоқ; **он попа́л мне навстре́чу** у менга дуч келиб қолди; ◇ ***чем попа́ло*** *(с. т.)* тўғри келган нарса блан; ***что ни попа́ло*** *(с. т.)* нима тўғри келса; ***где попа́ло*** *(с. т.)* қаер тўғри келса, тўғри келган жойда; ***куда́ попа́ло*** *(с. т.)* қаерга, кимга тўғри келса; ***попа́сть па́льцем в не́бо*** *(матал)* *к.* **не́бо.**

ПОПА́СТЬСЯ *сов.* 1. тушмоқ, илинмоқ, тушиб қолмоқ; **попа́сться на у́дочку** 1) қармоққа илинмоқ, тушмоқ (балиқ ҳақида); 2) ‖ тузоққа илинмоқ; қўлга тушмоқ, алданмоқ; 2. қўлга тушмоқ (туширилмоқ), ушланмоқ; **вор, наконе́ц, попа́лся** ўғри, ахири, қўлга тушди; 3. *с. т.* учрамоқ, учрашиб қолмоқ, тўғри (дуч) келиб қолмоқ; **он мне попа́лся на доро́ге** у менга йўлда дуч келиб қолди; ◇ **попа́сться на глаза́** тасодифан кўзга чалинмоқ, кўриниб қолмоқ; ***бо́льше не попада́йся!*** энди кўзимга кўринма!, энди қўлимга тушакўрма!; **попа́сться под руку** *к.* **рука́**; ***пе́рвый попа́вшийся*** биринчи учраган, кўзга дастлаб кўринган (одам, нарса ҳақида).

попасу́, попасёшь *буд. от* **попасти́** (*к.*).

постúчь *сов.* 1. тушунмоқ, англамоқ, пайқамоқ, фаҳмламоқ; постúчь смысл чего́-н. ма'носини англаб олмоқ; 2. учрамоқ, йўliқмоқ, дучор бўлмоқ, бошга тушмоқ; его́ постúгла неуда́ча у муваффақиятсизликка учради.

постла́ть *сов.* солмоқ, ёзмоқ, ёймоқ; постла́ть посте́ль ўрин солмоқ; постла́ть ска́терть дастурхон ёзмоқ.

постла́ться *сов. содд.* ёйилмоқ, ёзилмоқ, солинмоқ.

по́стник *м эск.* рўза тутучи.

По́стничать *несов. с. т. к.* пости́ться.

по́стный, -ая, -ое 1. *эск.* ёвғон; гўштсиз, сутсиз, сабзавот ёки балиқдан қилинган; по́стный обе́д гўштсиз овқат; по́стное ма́сло ўсимлик ёғи; 2. *с. т.* ориқ, ёғсиз; по́стное мя́со ориқ (ёғсиз) гўшт; 3. ‖ *с. т. ҳазл.* ғамгин, хафа, ҳўмрайган; по́стная физионо́мия ҳўмрайган (қовоғи солиқ) башара.

постово́й, -ая, -ое 1. пост I *сўз. сиф.*; постда туручи; постово́й милиционе́р постда туручи милиционер; 2. постда туриш, соқчилик; постова́я слу́жба постда туриш (соқчилик) хизмати; постова́я бу́дка қоровулхона; 3. *сущ.* постово́й *м* постовой (соқчи); позва́ть постово́го постда туручини (соқчини) чақириб келмоқ.

посто́й I *м мн. нет эск.* қўниш, ҳарбий қисмлар ва айрим ҳарбийларнинг хусусий хонадонларнинг уйларида вақтинча туриши; пусти́ть на посто́й қўниб кетишга ижозат бермоқ.

постóй II *пов. накл. от* **постоя́ть** I, II *(к.)*.

ПОСКО́ЛЬКУ *союз* модомики, ҳамонки, магарки (жумлада **поско́льку** сўзи бор ҳолларда ишлатилади); **поско́льку решéние бы́ло при́нято, постóльку на́до бы́ло его́ вы́полнить** модомики қарор қабул қилинган экан, уни бажариш керак эди. ◊ *постóльку, поскóльку* мумкин қадар, мумкин бўлганича.

ПОСТОРОЖИ́ТЬ *сов.*=**постере́чь** *(к.)*.

ПОСТОРОНИ́ТЬСЯ *сов.* четланмоқ, четга чиқиб турмоқ; йўл бермоқ; **посторони́сь!** *(межд.)* пўшт!, нари тур!

ПОСТОРО́ННИЙ, -яя, -ее 1. чет, ёт, бегона, ўзга; **посторо́нний челове́к** ёт киши, бегона одам; 2. бошқа, алоқаси йўқ, ташқи; **посторо́ннее обстоя́тельство** ташқи шароит; 3. *сущ.* **посторо́нний** *м*, **посторо́нняя** *ж* чет киши; **посторо́ним вход воспрещён** чет кишиларнинг кириши ман' қилинган.

ПОСТОЯ́ЛЕЦ *м с. т. эск.* ижарага туручи.

ПОСТОЯ́ЛИЦА *ж с. т. эск.* ижарага туручи аёл.

ПОСТОЯ́ЛЫЙ: **постоя́лый двор** *(эск.)* карвонсарой; **постоя́лый двор на большóй доро́ге** равот.

ПОСТОЯ́ННО *нареч.* доим, доимо, ҳамавақт, ҳардоим; мудом, ҳамиша, нуқул; лекции и докла́ды он посеща́ет постоя́нно у лекция ва докладларга доим қатнашиб туради; **на́ша па́ртия и правительство постоя́нно забо́тятся** о развитии хлопково́дства бизнинг партия ва ҳукуматимиз пахтачиликни юксалтириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келадилар.

ПОСТОЯ́ННОСТЬ *ж мн. нет* = **постоя́нство** *(к.)*.

ПОСТОЯ́ННЫЙ, -ая, -ое 1. доимий, ҳамишалик, муттасил, ўзгармайдиган; **постоя́нное ме́сто рабо́ты** доимий иш (хизмат) жойи; **постоя́нный а́дрес** доимий турар жой адреси; **постоя́нное расписа́ние поездо́в** поездлар қатнашининг ўзгармайдиган жадвали; 2. ҳамавақтлик, одатдаги; **постоя́нный посети́тель музе́я** музейнинг ҳамавақт келиб туручи қатновчиси; **он наш постоя́нный гость** у бизнинг ҳамавақтлик (доимий) меҳмонимиз; 3. ‖ субутли, собит; турғун, мустаҳкам; **постоя́нный взгляд на ве́щи** ҳодисаларга доим бирхил қараш; **он постоя́нен в свои́х привы́чках** у ўз одатларида турғун; 4. ‖ содиқ, вафодор, айрилмас; **постоя́нный друг** содиқ (вафодор, айрилмас) дўст; ◊ *постоя́нная а́рмия* мунтазам (доимий) армия; *постоя́нный капита́л (эк.)* ўзгармас капитал; *постоя́нная величина́ (мат.)* ўзгармас миқдор; *постоя́нный ток (физ.)* доимий, ўзгармас ток.

ПОСТОЯ́НСТВО *ср мн. нет* 1. доимийлик, ҳамишалик, ўзгармаслик; **постоя́нство си́лы то́ка** ток кучининг доимийлиги; 2. содиқлик, вафодорлик, барқарорлик; **постоя́нство во взгля́дах** қараш ва маслакда барқарорлик; **хара́ктер у него́ отлича́ется постоя́нством** унинг характери барқарорлиги билан ажралиб туради.

ПОСТОЯ́ТЬ I, *сов.* 1 бироз вақт тик турмоқ; 2. **посто́й(те)!** *с. т.* 1) тўхта(нг)!; **посто́й, я сейча́с приду́!** бирпас тўхта, мен ҳозир келаман!; 2) тўхтанг, тўхтанг-чи, шошманг; **посто́йте, а не забы́л ли я кни́гу?** тўхтанг-чи, китобимни эсимдан чиқариб қўймадиммикин?; **посто́й, а ты не ошиби́ся?** шошма, сен янглишмадингмикин?; ◊ *мы не постои́м за ценóй (с. т.)* биз баҳосига қийшмаймиз, нархига қийшиб ўтирмаймиз.

ПОСТОЯ́ТЬ II *сов.* мудофаа қилмоқ, ҳимоя қилмоқ, ёқламоқ; **постоя́ть за Ро́дину** Ватанни ҳимоя (мудофаа) қилмоқ; **я суме́ю постоя́ть за себя́** мен бўш келмайман, мен ўзимни ёқлашга қодирман.

ПОСТРАДА́ВШИЙ, -ая, -ее 1. *страда́ть фе'лининг сифатдоши*; 2. *сущ.* **постра́давший** *м*, **постра́давшая** *ж* зарар кўрган, жабр кўрган; жафо чеккан, азоб тортган; **оказа́ть по́мощь постра́давшим от наводне́ния** тошқиндан зарар кўрганларга ёрдам бермоқ.

ПОСТРАДА́ТЬ *сов.* зарар (зиён) кўрмоқ, жафо чекмоқ, азоб тортмоқ, шикаст емоқ; **пострада́ть от пожа́ра** ёнғиндан зарар кўрмоқ; **здоро́вье его́ пострада́ло** унинг соғлигига путур етди.

ПОСТРАНИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое бетма-бет, саҳифама-саҳифа; саҳифа ҳисобидан; **постранйчная нумера́ция** бетма-бет номерлаш, номерланиш; **постранйчный подсчёт** бетлаб (саҳифама-саҳифа) ҳисоблаш.

ПОСТРА́НСТВОВАТЬ *сов.* бирқанча вақт саёҳат қилмоқ, кезмоқ, элма-эл юриб келмоқ.

ПОСТРАЩА́ТЬ *сов. содд.* ўдағайламоқ, пўписа қилмоқ, дўқ қилмоқ; қўрқитмоқ, чўчитмоқ.

ПОСТРЕ́Л *м с. т.* шўх, ўйноқироқ, тўполончи, зумраша, шум (бола ҳақида); **наш постре́л везде́ поспе́л** (*матал*) кирмаган эшиги, бош суқмаган тешиги йўқ.

ПОСТРЕЛЁНОК *м* **постре́л** *сўз. кичр. айт.*; *қ.* **постре́л**.

ПОСТРЕ́ЛИВАТЬ *несов.* 1. вақт-вақти билан, онда-сонда ўқ отмоқ, ах'ён-ах'ёнда (гоҳ-гоҳ) ўқ узмоқ; 2. *безл. с. т.* санчиб-санчиб оғримоқ; **в у́хе постре́ливает** қулоғим вақт-вақти билан санчиб оғрийди.

ПОСТРЕЛЯ́ТЬ *сов.* ах'ён-ах'ёнда ўқ отиб қўймоқ.

ПО́СТРИГ *м* қирқиш, кесиш (монахликка ўтиш маросимида сочини кестириш)

постри́г, **постри́гла** *прош. от* **постри́чь** (*қ.*).

ПОСТРИГА́ТЬ *несов. қ.* **постри́чь**.

ПОСТРИГА́ТЬСЯ *несов. қ.* **постри́чься**.

постри́гу, **пострижёшь** *буд. от* **постри́чь** (*қ.*).

ПОСТРИ́ЧЬ *сов.* 1. кесиб, қайчилаб қисқартмоқ (соч, тирноқни); **постри́чь во́лосы** соч олмоқ; 2. *черк. эск.* сочини қирқмоқ; **постри́чь в мона́хи** монахликка ўтучининг сочини қирқмоқ.

ПОСТРИ́ЧЬСЯ *сов.* 1. соч олдирмоқ; **постри́чься в парикма́херской** сартарошхонада соч олдирмоқ; 2. *черк. эск.* монахликка ўтмоқ, **мона́х бы́ть**; **постри́чься в мона́хини** монах (монах аёл) бўлиш учун сочини қирқтирмоқ, сочини қирқтириб монах бўлмоқ.

ПОСТРОЕ́НИЕ *ср только ед.* 1. **постро́ить** фе'лининг ҳаракат номи; **постро́ение коммуни́зма в на́шей** стране́ мамлакатимизда коммунизм қурилиши; 2. *грам.* тузиш; **ве́рное постро́ение предложе́ния** гапни тўғри тузиш; 3. *мат* чизиш; **постро́ение треуго́льников** учбурчакларни чизиш; 4. *филос.* назария; **филосо́фские постро́ения** философик назария; 5. *ҳарб.* тизилиш; **постро́ение в коло́нну** сафга (колоннага) тизилиш.

ПОСТРО́ЕЧНЫЙ, -ая, -ое **постро́йка** *сўз. сиф.*; **постро́ечное управле́ние** бинокорлик бошқармаси.

ПОСТРО́ИТЬ *сов.* 1. қурмоқ, солмоқ, бино қилмоқ; **постро́ить оросйтельные систе́мы** суғориш тармоқларини қурмоқ; 2. қурмоқ, тузмоқ; **постро́ить коммуни́зм** коммунизм қурмоқ; 3. *грам.* тузмоқ; **постро́ить фра́зу** жумла (гап) тузмоқ; 4. *мат.* чизмоқ, ясамоқ; **постро́ить многоуго́льник** кўпбурчак чизмоқ (ясамоқ); 5. *ҳарб.* саф (қатор) қилмоқ, сафга тизмоқ; **постро́ить в боево́й поря́док** жанговар сафга тизмоқ.

ПОСТРО́ИТЬСЯ *сов.* 1. бино қилмоқ, иморат солмоқ; 2. *ҳарб.* сафга тизилмоқ, саф тортмоқ; **постро́ить**ся **в ряды́** сафга тизилмоқ, саф тортмоқ.

ПОСТРО́ЙКА *ж* 1. *только ед.* қуриш, солиш, бино қилиш; **материа́л для постро́йки до́ма** уй солишда ишлатиладиган материал, бинокорлик материали; 2. қурилиш; бинокорлик ишлари кетаётган жой, қурилиш майдони; 3. бино, иморат; **ка́менная постро́йка** ғиштин иморат; **отремонти́ровать хозя́йственные постро́йки** хўжалик биноларини ремонт қилиб (тузатиб) чиқмоқ.

ПОСТРО́МКА *ж* постромка, шатак қайиши (бричкага қўшиладиган отларни валёкка матайдиган тасма ёки арқон).

ПОСТРО́МОЧНЫЙ, -ая, -ое по-

стро́мка *сўз. сиф.*; **постро́мочный ремéнь** шатак қайиши.

ПОСТРО́ЧНЫЙ, -ая, -ое сатрма-сатр, сатр бошига, йўл ҳисобига; сатрбай тўланадиган.

ПОСТРЯ́ПАТЬ *сов. с. т.* бирқанча вақт ошпазлик билан банд бўлмоқ, ош-сув тайёрламоқ.

ПОСТСКРИ́ПТУМ *м* постскриптум (ёзиб тамомланган хат охирига ёзиладиган қўшимча олдидан қўйиладиган шартли ишора; у одатда „P. S.“ ҳарфлари билан ифодаланади).

ПОСТУДИ́ТЬ *сов. с. т.* бироз совутиб олмоқ, совуққа тутмоқ.

постужу́, **постуди́шь** *буд. от* постуди́ть (қ.).

ПОСТУ́КАТЬ *сов. с. т.* бироз тақиллатмоқ, тиқирлатиб турмоқ. шақиллатмоқ, чертиб кўрмоқ; қоқиб қўймоқ.

ПОСТУ́КИВАТЬ *несов.* онда-сонда тақиллатиб қўймоқ, гоҳ-гоҳ тақирлатмоқ; тақирлатиб қўймоқ.

ПОСТУЛА́Т *м филос., мат.* постулат (логика ва математикада—исбот қилиб бўлмаса ҳам йўл қўйиладиган, исботсиз асос қилиб олинадиган қоида).

ПОСТУЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. махс.* постулат белгиламоқ, асос қоида қилиб олмоқ; **постулúровать как6е-н.** положéние бирор ҳолатни постулат деб белгиламоқ.

ПОСТУПА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое олга интиладиган, олга қараб (илгарилаб) борадиган; **поступа́тельное движéние** олга интилиш ҳаракати, илгарилаб борадиган ҳаракат; **поступа́тельное движéние сове́тского наро́да к** коммунúзму совет халқининг коммунизмга қараб интилиш ҳаракати.

ПОСТУПА́ТЬ *несов.* қ. поступи́ть.

ПОСТУПА́ТЬСЯ *несов.* қ. поступи́ться.

ПОСТУПИ́ТЬ *сов.* 1. бирор иш (ҳаракат) қилмоқ; **мог ли он поступи́ть ина́че?** унинг бошқача ҳаракат қилиши мумкинмиди?; 2. муомала (муносабат) қилмоқ; **он нехорошó с тобóй поступúл** у сенга нисбатан ёмон иш қилипти; у сенга ёмон муомала қилипти; 3. кирмоқ; **он поступúл в университéт** у университетга кирди; **поступи́ть на рабóту по́сле оконча́ния институ́та** институтни тамомлагандан кейин ишга кирмоқ; 4. *расм.* тушмоқ, келмоқ; **на негó поступúла жа́лоба** унинг устидан шикоят тушди; **дéло поступи́ло в суд** иш судга тушди; **в прода́жу поступи́ли но́вые кни́ги** сотиш учун янги китоблар келди.

ПОСТУПИ́ТЬСЯ *сов.* баҳридан ўтмоқ, воз кечмоқ; **поступи́ться свои́ми интере́сами** ўз манфаатларининг баҳридан ўтмоқ; **поступи́ться свои́м пра́вом** ўз ҳуқуқидан воз кечмоқ.

ПОСТУПЛЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* кириш; **поступлéние в институ́т** институтга кириш; 2. тушиш, келиб тушиш; **поступлéние жа́лобы** шикоят тушиши; 3. *только мн. расм.* тушим, кирим, даромад; **рост поступлéний в банк** банк киримининг ўсиши; **учёт дéнежных поступлéний** пул кириминн ҳисобга олиш.

ПОСТУ́ПОК *м* қилиқ, иш, ҳаракат, муомала; **смéлый посту́пок** жасурона ҳаракат; **чéстный посту́пок** тўғрилик, номуслилик, виждонли иш (муомала); **не нрáвятся мне егó посту́пки** менга унинг қилиқлари ёқмайди.

ПО́СТУПЬ *ж мн. нет* 1. юриш, қадам ташлаш (босиш); **го́рдая по́ступь** мағрурона қадам ташлаш; 2. шаҳдам қадам; **наро́ды Сове́тского Сою́за побéдной по́ступью иду́т к** коммунúзму Совет Иттифоқининг халқлари голибона (шаҳдам) қадамлар билан коммунизм сари бормоқдалар.

ПОСТУЧА́ТЬ *сов.* бирнеча марта тақиллатмоқ, шақиллатмоқ, қоқмоқ (эшикни, деразани); **в дверь постучáли** эшикни тақиллатишди.

ПОСТУЧА́ТЬСЯ *сов.* тақиллатмоқ, шақиллатмоқ, қоқмоқ; **постучáться в окнó** деразани қоқмоқ.

ПОСТФА́КТУМ *кареч.* бирор иш (ҳол, воқиа) содир бўлиб ўтгандан кейин; **объявúть о чём-н. постфа́ктум** иш (воқиа) бўлиб ўтгандан кейин ма'лум қилмоқ.

ПОСТЫДИ́ТЬ *сов.* уялтирмоқ, ўсал (изза) қилмоқ.

ПОСТЫДИ́ТЬСЯ *сов. в. т.* уялмоқ, орланмоқ; хижолат тортмоқ, номус қилмоқ.

ПОСТЫ́ДНОСТЬ *ж мн. нет* уятлик, шармандалик.

ПОСТЫ́ДНЫЙ, -ая, -ое уятга қолдирадиган, уятсизларча; айб, уят; **постыдный поступо́к** уятсизлик, уятсизларча муомала қилиш.

постыжу́, **постыди́шь** *буд. от* **постыди́ть** (*к.*).

постыжу́сь, **постыди́шься** *буд. от* **постыди́ться** (*к.*).

ПОСТЫ́ЛЫЙ, -ая, -ое *с. т.* кўнгилга (жонга) теккан, зериктирган, ме'дага урган, жирканч.

ПОСТЭМБРИОНА́ЛЬНЫЙ: **постэмбриона́льное разви́тие** *(биол.)* туғилгандан ёки тухумдан чиққандан кейин организмнинг ўсиши.

ПОСУ́ДА *ж мн. нет* 1. *собир.* идиш-оёқ, идиш-товоқ; **ча́йная посу́да** чой идишлари (чойнак, пиёла, стакан, кружка ва ҳ. к.); **ку́хонная посу́да** ошхона идишлари (қозон, товоқ, чўмич ва ҳ. к.); 2. *с. т.* идиш (мас., шиша, банка ва ш. к.).

ПОСУДА́ЧИТЬ *сов. с. т.* ғийбат қилмоқ; ғийбат қилиб ўтирмоқ.

ПОСУ́ДИНА = **посу́да** 2 (*к.*).

ПОСУДИ́ТЬ *сов.* 1. *эск.* ўйлаб (мулоҳаза, муҳокама қилиб) кўрмоқ; ҳукм қилмоқ; 2.: **посуди́ (сам)**, **посуди́те (са́ми)** ўзинг ўйлаб кўр, ўзингиз ўйлаб кўринг; **посуди́ сам, мо́жно ли так поступа́ть** ўзинг ўйлаб кўр, шундай қилиш мумкинми ахир.

ПОСУДИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* судалашиб (айтишиб, олишиб, жанжаллашиб) юрмоқ.

ПОСУ́ДНИЦА *ж* идиш-оёқ ювучи аёл (столовой, буфет ва шу каби жойларда).

ПОСУ́ДНЫЙ, -ая, -ое **посу́да** *сўз. соч.*; идиш-оёққа оид; **посу́дный магази́н** идиш-оёқ магазини; **посу́дный шкаф** идиш-оёқ шкафи, идиш-оёқ турадиган жавон; **посу́дное полоте́нце** идиш-оёқ артадиган сочиқ.

посужу́, **посу́дишь** *буд. от* **посуди́ть** (*к.*).

ПОСУ́Л *м содд.* ва'да; **пустые посу́лы** қуруқ ва'далар; **буржуа́зные полити́ки не скупя́тся на посу́лы трудя́щимся** буржуа сиёсатчилари меҳнаткашларга қуруқ ва'далар беришни аямайдилар.

ПОСУЛИ́ТЬ *сов. с. т.* ва'да қилмоқ.

ПОСУЛИ́ТЬСЯ = **посули́ть** (*к.*).

ПОСУРЬМИ́ТЬ *сов.* сурма қўймоқ; **посурьми́ть ресни́цы** киприкларга сурма қўймоқ.

ПОСУ́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое суткали, бир кеча-кундузги, бир кеча-кундуз ҳисоби билан бўлган; **посу́точная опла́та** суткабай ҳақ тўлаш; **посу́точное дежу́рство** суткали навбатчилик.

ПОСУШИ́ТЬ *сов.* бироз қуритмоқ, қуритиб олмоқ.

ПОСУШИ́ТЬСЯ *сов.* қуритмоқ, ўзини қуритмоқ.

ПОСЧАСТЛИ́ВИТЬСЯ *сов. безл.* бахти бўлмоқ, бахт (омад) келмоқ, муяссар бўлмоқ; **мне посчастли́вилось прису́тствовать на э́том торже́стве** менга бу тантанада иштирок этиш муяссар бўлди.

ПОСЧИТА́ТЬ *сов.* 1. санаб (ҳисоблаб) чиқмоқ; **посчита́ть всех прису́тствующих** ҳамма мавжуд кишиларни санаб чиқмоқ; 2. санаб (ҳисоблаб) турмоқ; 3. *с. т.* ҳисобламоқ; **я посчита́л для себя́ неудо́бным идти́ к нему́** мен уникига боришни ўзим учун ўнғайсиз (ноқулай) ҳисобладим.

ПОСЧИТА́ТЬСЯ *сов. с. т.* ҳисоблашмоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ; оранн очиқ қилмоқ; **мы ещё с ним посчита́емся!** биз ҳали у билан ҳисоблашиб кўрамиз!

ПОСЫЛА́ТЬ *несов.* қ. **посла́ть.**

ПОСЫЛА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **посыла́ть** (*к.*).

ПОСЫ́ЛКА I *ж* 1. *только ед.* **посла́ть** фе'лининг ҳаракат номи; **посы́лка де́нег по по́чте** почта орқали пул юбориш; 2. посилка, бирор киши ёки почта орқали юборилган нарса, халта; **отпра́вить посы́лку** посилка юбормоқ; ◊ ***быть на посы́лках у кого́-н.*** *(с. т.)* югуртаклик, даст'ёрлик қилмоқ.

ПОСЫ́ЛКА II *ж филос.* асос, далил (логикада хулосалар учун асос бўладиган).

ПОСЫ́ЛОЧНЫЙ, -ая, -ое 1. посылка I *сўз. сиф.*; посилкага оид; 2. посилка бўлими; посы́лочное отделе́ние почта́мта почтамтнинг посилка олади ган ва келган посилкаларни эгаларига топширадиган бўлими.

ПОСЫ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. юбориладиган, жўнатиладиган; 2. *сущ.* посы́льный *м* хат, хабар элтувчи, ташувчи; посла́ть паке́т с посы́льным пакетни хат ташувчидан юбормоқ; ко́нный посы́льный (*харб.*) чопар.

ПОСЫ́ПАТЬ *сов.* сепмоқ, сочмоқ, тўкмоқ, солмоқ; посы́пать бу́лку са́харом булкани шакар сепмоқ; посы́пать доро́жку песко́м йўлакага қум сепмоқ.

ПОСЫПА́ТЬ *несов.* қ. посы́пать.

ПОСЫ́ПАТЬСЯ *сов.* 1. тўкила (сочила) бошламоқ; с дере́вьев посы́пались ли́стья дарахтларнинг барглари тўкилабошлади; 2. ‖ ёғилиб кетмоқ, ёғабошламоқ; посы́пались вопро́сы докла́дчику докладчига саволлар ёғилиб кетди.

ПОСЫПА́ТЬСЯ *несов.* сепилмоқ, сочилмоқ, тўкилмоқ.

ПОСЯГА́ТЕЛЬСТВО *ср* 1. қасд (ҳамла) қилиш, суиқасд қилиш; тажовуз; посяга́тельства империали́стов на свобо́ду наро́дов империалистларнинг халқлар озодлигига тажовуз қилиши; 2. ‖ кўз олайтириш, ўзиники қилишга уриниш; посяга́тельство на чужу́ю со́бственность бировнинг мулкига кўз олайтириш.

ПОСЯГА́ТЬ *несов.* қ. посягну́ть.

ПОСЯГНУ́ТЬ *сов.* 1. қасд қилмоқ; посягну́ть на жизнь жонига қасд қилмоқ; 2. кўз олайтирмоқ, пайига тушмоқ.

ПОТ *м* тер; обли́ваться по́том терга ботмоқ; вытира́ть пот с лица́ бетидан терини артмоқ; он весь в поту́ у терлаб-пишиб кетипти; пот гра́дом кати́лся с него́ ундан тер қуйилиб турарди; ◇ *в по́те лица́* пешона терини тўкиб, қаттиқ тиришиб (ишламоқ); *вогна́ть в пот (с. т.)* терлатмоқ; қаттиқ ишлатмоқ; *до седьмо́го по́та (с. т.)* гарақ-гарақ терлаб (чой ичмоқ ёки ишламоқ). *по́том и кро́вью* қора терга ботиб.

ПОТАЁННО *нареч. эск.* яширинчасига, бекитиқчасига, ўғринчасига.

ПОТАЁННЫЙ, -ая, -ое *эск.* қ. потайно́й.

ПОТАЙНО́Й, -ая, -ое яширин, махфий, киши билмас; потайно́й шкаф яширин шкаф; потайно́й ход киши билмас йўл; потайно́й запо́р махфий тамба.

ПОТАКА́ТЕЛЬ = пота́тчик (қ.).

ПОТАКА́ТЬ *несов. с. т. манф.* эркалатиб қўймоқ, йўл қўйиб қўймоқ; потака́ть ребёнку в ша́лостях (потака́ть ша́лостям ребёнка) боланинг шўхлик қилишига йўл қўйиб қўймоқ.

ПОТАКНУ́ТЬ *сов. с. т.* йўл қўймоқ, эркалатиб қўймоқ.

ПОТАНЦЕВА́ТЬ *сов.* бироз танса килмоқ; ўйинга тушмоқ.

ПОТАСКА́ТЬ *сов. с. т.* 1. ташимоқ, тортмоқ, судрамоқ; потаска́ть за́ волосы сочидан судрамоқ; 2. ташиб кетмоқ.

ПОТАСОВА́ТЬ *сов.* чийлаб турмоқ, аралаштирмоқ; потасова́ть ка́рты қарта чийлаб турмоқ.

ПОТАСО́ВКА *ж с. т.* 1. жанжал, уришиш, муштлашиш; устро́ить потасо́вку жанжал қилмоқ; 2. уриш, калтаклаш; зада́ть кому́-н. потасо́вку бирор кишини урмоқ, калтакламоқ.

ПОТАТУ́ЙКА *ж зоол.* қ. удо́д.

ПОТА́ТЧИК *м с. т. манф.* эркалик (ножўя қилиқлар) қилишга йўл қўючи.

ПОТА́ТЧИЦА *ж с. т. манф.* эркалик (ножўя қилиқлар) қилишга йўл қўючи аёл.

ПОТА́ЧКА *ж с. т.* эркаликка (ёмонликка, ножўя қилиқларга) йўл қўйиш; не дава́ть пота́чки эркалаб, (аяб, риоя қилиб) турмаслик; тийиш.

ПОТА́Ш *м* ишқор.

ПОТА́ШНЫЙ, -ая, -ое пота́ш *сўз. сиф.*; ишқорга оид; пота́шный заво́д ишқор заводи.

ПОТАЩИ́ТЬ *сов.* судраб (ташиб) кетмоқ, судраб (ташиб) олиб кетмоқ, ташиб бошламоқ.

ПОТАЩИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* судралиб (имирсилаб, базўр, зўрға) юрмоқ.

ПОТВЕРДЕ́ТЬ *сов. с. т.* бироз қотмоқ, қаттиқроқ бўлмоқ.

ПО-ТВО́ЕМУ *нареч.* сенингча, сенинг фикрингча, сен айтганча; *я поступлю́ по-твоему* мен сен айтганча иш қиламан; *пусть бу́дет по-твоему* ёки *будь по-твоему* майли, сен айтганча бўлсин; *по-твоему, что пра́вильно?* сенингча, шу тўғрими?

ПОТВО́РСТВО *ср. манф.* эркалатиш, эрк бериш, йўл қўйиш; *потво́рство капри́зам* инжиқликка йўл қўйиш.

ПОТВО́РСТВОВАТЬ *несов. манф.* йўл қўймоқ, эркалатиб қўймоқ, эрк бермоқ, кўз юммоқ (айбини билатуриб индамай турмоқ). *потво́рствовать ле́ни* яқовликка (дангасаликка) йўл қўймоқ.

ПОТВО́РЩИК *м манф. қ.* пота́тчик.

ПОТВО́РЩИЦА *ж манф. қ.* пота́тчица.

ПОТЁК I *м с. т.* из, дог (оққан нарсадан қолган из, дог); *потёки на сте́нах от сы́рости* захликдан деворларда пайдо бўлган доғлар.

потёк II, потекла́ *прош. от* **потечь́** (*қ.*).

потеку́т *буд. от* **потечь́** (*қ.*).

ПОТЁМКИ *мн., ед. нет* 1. қоронғилик, зулмат, қоронғи; *бродить в потёмках* қоронғиликда кезмоқ; 2. ‖ нома'лумлик, қоронғи; *чужа́я душа́ — потёмки* (*мақол*) бировнинг кўнгли бошқаларга қоронғи, кишининг кўнглидагини билиб бўлмайди.

ПОТЕМНЕ́НИЕ *ср мн. нет* қоронғиланиш, қоронғи тушиш, қораяниш, хираланиш.

ПОТЕМНЕ́ТЬ *сов.* 1. қораймоқ, қорайиб кетмоқ; хираланмоқ; *во́лосы потемне́ли сочи* қорайди, қорайипти; *серебро́ потемне́ло* кумуш хираланипти; 2. *безл.* қоронғиланмоқ, қоронғилашмоқ; *в ко́мнате потемне́ло* уй қоронғиланди; 3. ‖ қоронғиланмоқ, қораймоқ, хафаланмоқ; ◇ *в глаза́х потемне́ло* кўз олди қоронғилашди (қўрқишдан, ҳолсизликдан).

ПОТЕНЦИА́Л *м* 1. *физ.* потенциал (электр ёки магнит майдонининг ма'лум нуқтадаги ҳолатини характерлайдиган миқдор); 2. ‖ имконият, куч-қудрат, потенциал; *вое́нный потенциа́л* ҳарбий имкониятлар (уруш учун зарур куч ва воситалар), *промы́шленный потенциа́л страны* мамлакатнинг саноат имкониятлари.

ПОТЕНЦИА́ЛЬНЫЙ -ая, -ое 1. потенциал; *потенциа́льная эне́ргия* (*физ.*) потенциал энергия (тинч турган жисмда тўпланган энергия); 2. ‖ яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган; *вы́явить потенциа́льные возмо́жности* яширин имкониятларни аниқламоқ.

ПОТЕНЦИОМЕ́ТР *м эл.* потенциометр (қаршилик кўрсатучи токнинг кучланишини ўлчайдиган асбоб)

ПОТЕНЦИ́РОВАНИЕ *ср мн. нет мат.* сонни унинг берилган логарифмаси бўйича топиш.

ПОТЕНЦИ́РОВАТЬ *сов. и несов. мат.* сонни унинг берилган логарифмаси бўйича топмоқ.

ПОТЕ́НЦИЯ *ж мн. нет* потенция, имконият; *дать национа́льным ку́льту́рам возмо́жность разви́ться, вы́явив все свои́ поте́нции* миллий маданиятларга ўзларининг бутун имкониятларини аниқлаб ривожланишга имкон бермоқ.

ПОТЕПЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* исиш, илиш, исийбошлаш; *наступи́ло потепле́ние* ҳаво исийбошлади.

ПОТЕПЛЕ́ТЬ *сов.* исимоқ, исийбошламоқ; *к ве́черу значи́тельно потепле́ло* кечга яқин ҳаво анчагина исиб қолди.

ПОТЕРЕ́ТЬ *сов.* 1. ишқаламоқ, силамоқ, уқалаб қўймоқ; *потере́ть ушибленное ме́сто* лат еган жойни силаб (уқалаб) қўймоқ; 2. бироз қирмоқ (кирғич билан).

ПОТЕРЕ́ТЬСЯ *сов.* суркалиб (ишқалиб) юрмоқ.

ПОТЕРПЕ́ВШИЙ, -ая, -ее 1. *потерпе́ть* фе'лининг сифатдоши; 2. *сущ.* **потерпе́вший** *м*, **потерпе́вшая**

ж жабрланган, жабр кўрган, фалокатга учраган, лат еган, майиб бўлган (одам); **потерпе́вшие бы́ли доста́влены в больни́цу** майиб бўлган одамлар касалхонага олиб борилди.

ПОТЕРПЕ́ТЬ *сов.* 1. чидаб турмоқ, сабр (тоқат) қилмоқ; **бо́льно, но на́до потерпе́ть** оғрияпти, аммо чидаб турмоқ керак; 2. учрамоқ, йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ; **потерпе́ть неуда́чу** муваффақиятсизликка учрамоқ; **потерпе́ть пораже́ние** 1) мағлубият (ҳалокат) га учрамоқ; енгилмоқ; 2) ‖ ютқизмоқ; бор-йўғидан ажрамоқ, бой бермоқ; **потерпе́ть кораблекруше́ние** кема ҳалокатига дучор бўлмоқ; **потерпе́ть убы́ток** зарар (зиён) кўрмоқ; 3. кўтармоқ, чидамоқ: **он не потерпи́т насме́шек над собо́й** у мазах (масхара) бўлишга чидаб туролмайди.

ПОТЁРТОСТЬ *ж* 1. *только ед.* эскирганлик, эскириб ишдан чиққанлик, сийқаланганлик; 2. сидирилганлик, шилинганлик.

ПОТЁРТЫЙ, -ая, -ое 1. **потере́ть** фе'лнинг сифатдоши; 2. эскирган; сийланган, тутилган; **потёртый пиджа́к** эскирган пиджак; 3. ‖ *с. т. манф.* ланж, бўшашган, сўлғин; **у него́ потёртый вид** у бўшашган кўринади; **потёртое лицо́** сўлғин юз.

ПОТЕ́РЯ *ж* 1. йўқотиш, ажралиш; **потеря́ докуме́нтов** ҳужжатларни йўқотиш; **потеря́ вла́жности по́чвы** ернинг намини кетказиш; **напра́сная потеря́ вре́мени** бекорга вақт кетказиш; **потеря́ кро́ви** қон йўқотиш; **потеря́ сознания** ҳушдан кетиш; **потеря́ па́мяти** эсни йўқотиш; 2. *только мн.* талафот, нобудгарчилик; **убра́ть урожа́й без потеро́ь** ҳосилни нобудгарчиликсиз йиғиб олиш; **сократи́ть изли́шние потери́ воды́ при поли́вах** суғоришда ортиқча сув сарф қилишни (исрофгарчиликни) камайтириш; **враг понёс больши́е потери́** душман кўп талафот кўрди.

ПОТЕ́РЯННЫЙ, -ая, -ое 1. **потеря́ть** фе'лнинг сифатдоши; **найти́ потеря́нную вещь** йўқолган нарсани топмоқ; 2. ‖ ғамгин, хомуш, паришон, умидсиз; **потеря́нный взгляд** хомуш қараш; 3. ‖ *эск.* ишончини йўқотган, одамгарчиликдан чиққан; **э́то челове́к потеря́нный** бу одам ишончини йўқотган, одамгарчиликдан чиққан.

ПОТЕРЯ́ТЬ *сов.* 1. йўқотмоқ; **потеря́ть кни́гу** китобни йўқотмоқ; 2. ‖ айрилмоқ; ажралмоқ, жудо бўлмоқ; йўқотмоқ; **потеря́ть дру́га** дўстидан айрилмоқ; **потеря́ть зре́ние** кўздан ажрамоқ, кўр бўлмоқ; **потеря́ть наде́жду** умидни узмоқ; **потеря́ть дове́рие к кому́-чему́-н.** кимдандир, нимадандир ишончини йўқотмоқ; **потеря́ть дове́рие у кого́-н.** кимгадир ишончи йўқолмоқ; **потеря́ть си́лу** кучдан (амалдан) қолмоқ; **потеря́ть пра́во на что-н.** бирор нарсага эгалик қилиш ҳуқуқини йўқотмоқ; **потеря́ть равнове́сие** мувозанатини йўқотмоқ; 3. ‖ камаймоқ; йўқотмоқ; **потеря́ть в ве́се** оғирлиги камаймоқ, оғирлигини йўқотмоқ; ◇ *потеря́ть кого́-н. из ви́ду* кўздан (назардан) йўқотмоқ; *потеря́ть го́лову* ўзини тутолмай қолмоқ.

ПОТЕРЯ́ТЬСЯ *сов.* 1. йўқолмоқ; **тетра́дь потеря́лась** дафтар йўқолиб қолди; 2. кўринмай қолмоқ; назардан йўқолмоқ; **потеря́ться в толпе́** оломон ичида кўринмай кетмоқ; 3. ‖ шошиб қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ; **от смуще́ния я совсе́м потеря́лся** уялганимдан довдираб, ўзимни йўқотиб қўйдим.

ПОТЕСА́ТЬ *сов.* бироз йўнмоқ, тарашламоқ; **потеса́ть бревно́** бироз хари йўнмоқ.

ПОТЕСНИ́ТЬ *сов.* қисмоқ, сиқмоқ; сиқиштирмоқ, зичлантирмоқ; **потесни́ть врага́** душманни сиқиб чекинтирмоқ.

ПОТЕСНИ́ТЬСЯ *сов.* бироз сиқилмоқ, қисилмоқ, қисилишмоқ, зичлашмоқ; **потесни́тесь, да́йте пройти́!** бироз сиқилишингиз, ўтиб кетайлик!

ПОТЕ́ТЬ *несов* 1. терламоқ, тер босмоқ; 2. ‖ терламоқ, намланмоқ; **стёкла в о́кнах поте́ют** дераза-ларнинг ойналари терлаяпти; 3. ‖ *собир.* тер тўкмоқ, жон койитмоқ, бош қотирмоқ; **поте́ть над реше́нием тру́дной зада́чи** оғир масалани ҳал қилиш устида терлаб-пишиб ўтирмоқ.

ПОТЕ́ХА *ж* эрмак, қизиқчилик, ўйин-кулги, вақтичоғлик, ҳангама; **для поте́хи** қизиқчиликка, эрмак

учун: вот потéха! ана ўйин-кулгию. мана ўйин-кулги: дéлу врéмя, потéхе час (*мат.*) ҳарнарсанинг ўз вақти бор. ◊ *и пошлá потéха!* ҳангама бошланиб кетди! (кетади!).

ПОТЕ́ЧЬ *сов.* 1. оқабошламоқ; по нóвому рýслу потеклá вода́ янги ўзандан сув оқабошлади; из глаз потеклú слёзы кўзлардан ёш оқабошлади. 2. тешилмоқ (сув ўтадиган бўлиб қолмоқ); лóдка потеклá қайиқ тешилипти.

ПОТЕША́ТЬ *несов. к.* потéшить.

ПОТЕША́ТЬСЯ *несов.* 1. хурсандчилик (вақтичоғлик) қилмоқ; юпанмоқ, овунмоқ; 2. кулмоқ, калака қилмоқ, эрмак қилмоқ; потешáться над глýпостью аҳмоқлигидан кулмоқ.

ПОТЕ́ШИТЬ *сов.* хурсанд қилмоқ, овунтирмоқ, овутмоқ, юпантирмоқ, хушчақчақ қилмоқ.

ПОТЕ́ШИТЬСЯ *сов.* кўнгил очмоқ, овунмоқ, юпанмоқ.

ПОТЕ́ШНЫЙ, -ая, -ое 1. *с. т.* қизиқ, ғалати, кўнгилли; потéшный ребёнок қизиқ бола; 2. *эск.* эрмак, эрмак учун; потéшные огни́ эрмак учун ёқилган рангдор чироқлар; 3. *сущ.* потéшные *мн. (ед.* потéшный *м) тар.* Пётр I ёшлик чоғида тузган кичик қўшин.

потешý, потéшешь *буд. от* потеса́ть *(к.).*

потéшу, потéшишь *буд. и наст. от* потéшить *(к.).*

ПОТИРА́ТЬ *несов.* артмоқ, суртмоқ; ишқаламоқ, уқаламоқ. потира́ть ру́ки от удово́льствия хурсандчиликдан қўлларни бир-бирига ишқаламоқ.

ПОТИХО́НЬКУ *нареч.* 1. секин, аста-секин; потихóньку постучáть в окнó ойнани аста-секин тақиллатмоқ; 2. оҳиста, астагина, секин; идтú потихóньку оҳиста юриб бормоқ; 3. билдирмасдан, сездирмасдан; уйтú потихóньку билдирмай кетиб қолмоқ.

ПОТЛИ́ВОСТЬ *ж мн. нет* терлашлик, кўп терлайдиганлик.

ПОТЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое терлайдиган-тез-тез терлайдиган; потлúвые рýки терлайдиган қўллар.

ПОТНИ́К *м махс.* терлик (тўқим тагига солинадиган намат).

ПО́ТНЫЙ, -ая, -ое 1. терлаган, тер босган, терли; пóтное лицó тер босган юз; 2. терлаган, намланган; пóтное стекло́ терлаган (намланган) ойна.

ПО-ТОВА́РИЩЕСКИ *нареч.* ўртоқларча, ўртоқларчасига, ўртоқлик йўли билан; поступúть по-товáрищески ўртоқларча муомала қилмоқ.

ПОТОВО́Й, -а́я, -о́е пот сўз. *сиф.*; терга оид; потовы́е жéлезы *(анат.)* тер безлари, тер чиқаручи безлар.

ПОТОГО́ННЫЙ, -ая, -ое 1. *мед.* терлатадиган, тер чиқарадиган; потогóнное срéдство терлатадиган дори; 2. *сущ.* потогóнное *ср мед.* терлатадиган, тер чиқарадиган дори; врач прописáл потогóнное врач терлатадиган дори ёзиб берди; 3. || тинкани қуритадиган, ҳолдан тойдирадиган. толиқтирадиган; потогóнная систéма трудá при капитали́зме капитализм давридаги тинкани қуритадиган (ҳаддан ташқари оғир) меҳнат системаси.

ПОТО́К *м* 1. сел, оқим; гóрный потóк сел; 2. || кучли оқим, дар'ё; потóки слёз дув дув оққан кўз ёши; потóк привётствий табриклар оқими; человéческий потóк одамлар дар'ёси; 3. *махс.* кетма-кет, бетўхтов, қўлма-қўл ўтиб ишланиш системаси; вы́работка óбуви переведена́ на потóк пойабзал ишлабчиқариш кетма-кет ишлашга, конвейер усулига кўчирилди; 4. поток, группа, тўда, гуруҳ; сдáча экза́менов в два потóка имтиҳонларни икки тўда бўлиб бериш; ◊ *на потóк и разграблéние отдáть (что-н.)* босқин ва талон-торожга ташлаб кетмоқ.

ПОТОЛКА́ТЬСЯ *сов. с. т.* кезиб юрмоқ, сандироқлаб (тентираб) юрмоқ; потолкáться по гóроду шаҳарни айланиб юрмоқ.

ПОТОЛКОВА́ТЬ *сов. с. т.* суҳбатлашмоқ, гаплашиб ўтирмоқ, ҳангамалашмоқ; мы с ним потолковáли обо всём биз у билан ҳамма нарса ҳақида ҳангамалашдик.

потолкý, потолчёшь *буд. от* потолóчь *(к.).*

ПОТОЛО́К *м* 1. шип; 2. *ав.* учиш аппаратининг энг баландликка кўтари-

лаолиш даражаси; 3 ‖ *с. т.* чек, чегара (бирор нарсанинг охири, чегараси); ◇ *с потолка́ (взять что н.)* ҳавойи, ҳаводан (осмондан) олиб гапирмоқ, таги йўқ, асоссиз гап; *плева́ть в потолок* бекор ётмоқ, осмонга қараб ётмоқ.

ПОТОЛО́ЧНЫЙ, -ая, -ое *потолóк сўз. сиф.*; шипга оид; потолóчная ба́лка шип хариси, шип ёғочи.

ПОТОЛО́ЧЬ *сов* бирқанча вақт туймоқ, бирор нарсани туйиш билан банд бўлмоқ.

ПОТОЛСТЕ́ТЬ *сов.* семирмоқ, йўғонлашиб кетмоқ.

ПОТО́М *нареч.* кейин, кейинчалик, сўнг, сўнгра, кейинроқ, бафуржа.

ПОТО́МНЫЙ, -ая, -ое ҳар томга айрим; пото́мное описа́ние ҳар томни айрим тасвирлаш.

ПОТО́МОК *м (мн* пото́мки) 1. насл, урғ. 2 *только мн.* авлод.

ПОТО́МСТВЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *эск.* наслий, ота-бободан қолган, пото́мственный дворяни́н наслий дворянин, 2 *асл.* аслий, азалги қадимги, бурунги, илгариги, пото́мственный рабо́чий ота-бобосидан тортиб ишчи, авлоди-аждоди ишчи.

ПОТО́МСТВО *ср. мн нет собир.* насл, бола-чақа, авлод-аждод, ближа́йшее пото́мство бола-чақа, не оста́вить пото́мства насл (бола-чақа) қолдирмаслик.

ПОТОМУ́ 1. *нареч.* шунга кўра, шунга қараб, шу сабабдан; вот потому́ я и прие́хал неме́дленно мана шунга кўра ҳам мен тезлик билан келдим; 2. *союз* чунки, негаки, шунинг учунки; я не приду́, потому́ что за́нят мен келмайман, чунки бандман, қўлим тегмайди.

ПОТОНУ́ТЬ *сов.* 1. чўкмоқ, ботмоқ, ғарқ бўлмоқ; кора́бль потону́л кема чўкди, ғарқ бўлди; 2. ‖ кўмилмоқ, кўмилиб кетмоқ; да́ча потону́ла в зе́лени дала (боғ) кўкатлар билан кўмилиб кетган.

ПОТО́П *м* 1. *с. т.* тошқин, сув босиш; 2. *эск.* об-азоб; ◇ *до потопа (с. т. ҳазл.)* бурунги замонларда, алмисоқдан, дақ'ёнусдан бурун.

ПОТО́ПАТЬ *сов. с. т.* тепиниб турмоқ, депсинмоқ.

ПОТОПИ́ТЬ I *сов* 1 ботириб (чўктириб) юбормоқ ғарқ қилмоқ, потопи́ть неприя́тельское су́дно душманнинг кемасини ғарқ қилмоқ, 2 ‖ барбод қилмоқ, ҳалок (хароб) қилмоқ.

ПОТОПИ́ТЬ II *сов.* бироз ёқмоқ, бироз ёқиб иситмоқ.

ПОТОПЛЕ́НИЕ *ср. мн нет* ботириш, чўктириш, ғарқ қилиш, потопле́ние корабля́ кемани ботириш.

ПОТОПЛЯ́ТЬ *несов. к* потопи́ть I.

ПОТОПТА́ТЬ *сов* босмоқ, топтамоқ, босиб пайҳон қилмоқ, скот потопта́л траву́ моллар ўтни босиб пайҳон қилипти.

ПОТОПТА́ТЬСЯ *сов. с. т.* турган ерида тепиниб депсиниб турмоқ; он в нерешительности потопта́лся на ме́сте у ботинаолмасдан, турган ерида топтаниб қолди.

потопчу́, пото́пчешь *буд. от* потопта́ть (*к*).

ПОТОРА́ПЛИВАТЬ *несов. с. т.* шошилтирмоқ ошиқтирмоқ, қистамоқ; поторапливать отстающих орқада (кейинда) қолувчиларни қистамоқ (тезлаштирмоқ).

ПОТОРА́ПЛИВАТЬСЯ *несов. с. т.* шошмоқ, шошилмоқ, ошиқмоқ, тезроқ юрмоқ; поторапливайтесь мы опа́здываем тезроқ юринглар, бўлмаса кечга қоламиз.

ПОТОРГОВА́ТЬ *сов.* бирқанча вақт савдо қилмоқ, савдо-сотиқ (олди-сотди) қилмоқ.

ПОТОРГОВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* бирқанча вақт савдолашмоқ, савдолашиб юрмоқ, нарх-навони суриштирмоқ.

ПОТОРМОШИ́ТЬ *сов. с. т.* тортқиламоқ, турткиламоқ; ёпишиб олмоқ, безор қилмоқ, безовта қилмоқ; потормоши́ть спя́щего и разбуди́ть ухлаб ётганни турткилаб уйғотмоқ.

ПОТОРОПИ́ТЬ *сов* шошилтирмоқ, ошиқтирмоқ, қистамоқ, тезлатмоқ; поторопи́ть со сда́чей экза́мена имтиҳон беришга қистамоқ; имтиҳон топширишни тезлатмоқ.

ПОТОРОПИ́ТЬСЯ *сов.* шошилмоқ, ошиқмоқ; тезлаштирмоқ; поторопи́тесь с выполне́нием рабо́ты ишнинг бажарилишини тезлаштиринглар.

ПОТОЧИ́ТЬ *сов.* қайраб (чархлаб) олмоқ; **поточи́ть нож** пичоқни қайраб олмоқ.

ПОТО́ЧНО-СКОРОСТНО́Й. -ая, -ое узлуксиз, кетма-кет ишлаш усули; **пото́чно-скоростны́е ме́тоды строи́тельства** узлуксиз-тез қуриш усули.

ПОТО́ЧНОСТЬ *ж мн. нет махс.* узлуксизлик, кетма-кетлик, конвейер усулида ишлашлик; **пото́чность произво́дства** ишлабчиқаришнинг узлуксизлиги (конвейер усулида ишлашлиги).

ПОТО́ЧНЫЙ. -ая, -ое *махс.* кетма-кет ҳаракат қиладиган, қўлма қўл ўтиб ишланадиган; **пото́чная ли́ния** конвейер.

ПОТРА́ВА *ж* нобуд қилиш, босиш, топташ, пайхон қилиш, эзиш (экинни, ўтни).

ПОТРАВИ́ТЬ I *сов.* 1. пайхон қилмоқ; **потравить посе́вы** экинларни пайхон қилмоқ; 2. заҳарлаб қуритмоқ (қирмоқ), заҳар бериб ўлдирмоқ (мас., каламушларни).

ПОТРАВИ́ТЬ II *сов. денг.* оз-оздан қўйиб бўшатмоқ; **потравить кана́т** кема арқонини ечиб, оз-оздан қўйиб бўшатмоқ.

ПОТРА́ТИТЬ *сов.* харажат қилмоқ, сарф қилмоқ; исроф қилмоқ; **потра́тить си́лы** куч сарф қилмоқ; **потра́тить вре́мя** вақт сарф қилмоқ; **потра́тить де́ньги** пулни исроф қилмоқ.

ПОТРА́ТИТЬСЯ *сов. с. т.* чиқимдор (сарфдор) бўлмоқ.

ПОТРА́ФИТЬ *сов. содд.* ёқмоқ, хуш келмоқ; **на него́ не потра́фишь** унга ёқаолмайсан, унга ёқиш қийин.

ПОТРАФЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **потра́фить.**

потра́чу, потра́тишь *буд. от* **потра́тить** (қ.).

ПОТРЕ́БА: на потре́бу (кому́-чему́-н.) 1) *с. т. эск.* ҳожатига, эҳтиёжига, заруратига; 2) *манф.* измига, талабига, хоҳишига.

ПОТРЕБИ́ТЕЛЬ *м* 1. *эк.* исте'молчи, исте'мол қилувчи; **това́ры для ма́ссового потреби́теля** оммабоп моллар, кўпчилик исте'мол қиладиган моллар; 2. харидор.

ПОТРЕБИ́ТЕЛЬНИЦА *ж* исте'молчи (харидор) аел

ПОТРЕБИ́ТЕЛЬНЫЙ. -ая, -ое **потребле́ние** *суз. сиф.* исте'молга оид; **потребительная сто́имость** *(эк.)* моллнинг харидор ҳожатини қондириш хусусияти.

ПОТРЕБИ́ТЕЛЬСКИЙ. -ая, -ое 1. **потребитель** *суз. сиф.*, потребительская **кооперация** исте'молчиларнинг (матлубот) кооперацияси; 2 || *манф.* ғаразли, шахсий манфаатга доир; **потреби́тельское отноше́ние к чему́-н.** бирор нарсага шахсий манфаат нуқтаи назаридан қараш

ПОТРЕБИ́ТЬ *сов.* исте'мол қилмоқ, эҳтиёжга ишлатмоқ, фойдаланмоқ, еб ичмоқ.

ПОТРЕБЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* исте'мол қилиш, фойдаланиш, еб-ичиш; **това́ры наро́дного потребле́ния** халқ исте'мол моллари. **предме́ты ли́чного потребле́ния** хусусий, шахсий исте'мол буюмлари.

ПОТРЕБЛЯ́ТЬ *несов.* қ. потребить.

ПОТРЕБЛЯ́ЮЩИЙ. -ая, -ее 1. потребля́ть фе'лининг сифатдоши; 2. исте'молчи, исте'мол қилувчи; **потребля́ющие райо́ны** исте'мол қилувчи районлар.

ПОТРЕ́БНОСТЬ *ж* эҳтиёж, ҳожат, зарурат, талаб; **при́нцип коммуни́зма: „от ка́ждого по его́ спосо́бностям, ка́ждому—по его́ потре́бностям"** коммунизмнинг принципи: „ҳаркимдан қобилиятига яраша, ҳаркимга — эҳтиёжига қараб" — дир; **испы́тывать потре́бность в чём-н.** бирор нарсага зарур бўлиб қолмоқ, эҳтиёж сезмоқ; **расту́т культу́рные потре́бности на́шего наро́да** халқимизнинг маданий талаблари кундан-кун ўсмоқда.

ПОТРЕ́БНЫЙ. -ая, -ое *эск.* керакли, зарур, зарурий, даркор; **потре́бное число́ рабо́тников** ходимларнинг керакли (зарур бўлган) сони, талаб қилинган сони.

ПОТРЕ́БОВАТЬ *сов.* 1. талаб қилмоқ, қаттиқ туриб сўрамоқ; **потре́бовать то́чного исполне́ния** аниқ (тўғри) бажаришни талаб қилмоқ; 2. талаб этмоқ; **э́та рабо́та потре́бует большо́го внима́ния** бу иш қаттиқ

э'тибор қилишни талаб этади. 3. чақирмоқ, келишга мажбур этмоқ; **его́ потре́бовали к нача́льнику** уни бошлиқ ҳузурига чақиртдилар.

ПОТРЕ́БОВАТЬСЯ *сов.* 1. керак (зарур, даркор, лозим) бўлиб қолмоқ; **ему́ потре́бовалась кни́га** унга китоб керак бўлиб қолди; 2. *безл.* керак бўлмоқ, кетмоқ, **на подгото́вку к экза́мену потре́буется ме́сяц** имтиҳонга тайёрланиш учун бир ой керак бўлади.

ПОТРЕВО́ЖИТЬ *сов.* тинчсизлантирмоқ, безовта қилмоқ, ташвишга солмоқ, малол келтирмоқ; **ты мо́жешь потревóжить больно́го** сен беморни безовта қилиб қўйишинг (тинчсизлантиришинг) мумкин.

ПОТРЕВО́ЖИТЬСЯ *сов.* тинчсизланмоқ, безовта бўлмоқ, ташвишга тушмоқ.

ПОТРЁПАННЫЙ, -ая, -ое 1. **потрепа́ть** фе'лининг сифатдоши; 2. титилган, эскирган; **потрёпанная кни́га** варақлари ёки муқоваси титилган китоб; **потрёпанный костю́м** эскирган костюм; 3. ‖ сўлғин, сўлган; **потрёпанное лицо́** сўлғин юз; 4. ‖ мажақланган, абжағи чиққан, тўзғитилган, **потрёпанные диви́зии** врага́ душманнинг мажақланган дивизиялари

ПОТРЕПА́ТЬ *сов.* 1. титкиламоқ, юлқиламоқ, эскиртмоқ; **потрепа́ть** переплёт мўқовани титкилаб ташламоқ; 2. силаб-сийпаб қўймоқ, елкасига қоқмоқ; **ла́сково потрепа́ть ребёнка** по щека́м болани суйиб бетларини силаб-сийпаб қўймоқ; **потрепа́ть по плечу́ руко́й** елкасига қоқиб қўймоқ; 3. янчиб (юлқиб, туйиб) тозаламоқ; **потрепа́ть** лён зигирпояни янчиб тозаламоқ; 4 мажақламоқ, тўзғитиб юбормоқ; **потрепа́ть войска́ неприя́теля** жангда душман қўшинларини мажақлаб ташламоқ; ◊ ***потрепа́ть чьй-н. не́рвы*** нерв (асаб)ни қўзғатмоқ; ***потрепа́ть чьё н. и́мя*** бировни ёмон отлик қилмоқ.

ПОТРЕ́СКАТЬСЯ *сов.* ёрилиб (чатнаб) кетмоқ; **ко́жа на рука́х потре́скалась** қўлларнинг териси ёрилиб кетди; **земля́ потре́скалась от** засу́хи қурғоқчиликдан ерлар ёрилиб кетипти.

ПОТРЕ́СКИВАНИЕ *ср мн. нет* чирсиллаш, чарсиллаш, қарсиллаш, қирсиллаш, қарс-қурс этиш, бодирлаш.

ПОТРЕ́СКИВАТЬ *несов.* чирсилламоқ, чарсилламоқ, қарсилламоқ, қирсилламоқ; **дрова́ потре́скивают в пе́чке** печкадаги ўтин чирсиллаб ёнаяпти.

ПОТРО́ГАТЬ *сов.* қўл тегизиб (пайпаслаб) кўрмоқ; ушлаб кўрмоқ

ПОТРОХА́ *мн., ед. нет* ичак-чавоқ (балиқ ва паррандаларнинг ейишга яройдиган ички органлари ҳақида). ◊ ***со все́ми потроха́ми*** (*с. т.*) ичак-чавоғи билан.

ПОТРОШИ́ТЬ *несов.* ичак-чавоғини тозаламоқ; **потроши́ть ры́бу** балиқнинг ичак-чавоғини тозаламоқ, балиқнинг қорнини ёрмоқ.

потру́, потрёшь *буд. от* **потере́ть** (*қ.*).

ПОТРУДИ́ТЬСЯ *сов.* 1. ишламоқ, меҳнат (куч сарф) қилмоқ, ҳаракат қилмоқ; **он нема́ло потруди́лся на** свое́м ве́ку у ўз умрида озмунча меҳнат қилмади; **он мно́го потруди́лся над докла́дом** у доклад устида кўп ишлади; **он не потруди́лся да́же предупреди́ть меня́** у ҳатто мени огоҳлантиришга ҳаракат ҳам қилмади; 2. **потруди́сь!, потруди́тесь!** марҳамат қил (инг)! ҳаракат қил(инг)!; **потруди́тесь сде́лать э́то!** марҳамат қилиб буни бажаринг, шуни бажаришга ҳаракат қилинг!

потружу́сь. потруди́шься *буд. от* **потруди́ться** (*қ.*).

ПОТРУ́СИТЬ *сов. с. т.* бирқанча вақт қўрқувда (ваҳима остида) турмоқ.

ПОТРУСИ́ТЬ *сов.* силкиб (титиб, чочиб) қўймоқ; **потруси́ть се́но** пичанни чочиб (ёйиб) қўймоқ.

потру́сь, потрёшься *буд. от* **потере́ться** (*қ.*).

потру́шу, потру́сишь *буд. от* **потру́сить** (*қ.*).

потрушу́, потруси́шь *буд. от* **потруси́ть** (*қ.*).

ПОТРЯСА́ТЬ *несов.* 1. дўқ қилмоқ, ўдагайламоқ; **потряса́ть** ору́жием қурол билан дўқ қилмоқ

2. ларзага келтирмоқ, титратмоқ, қалтиратмоқ; „Втора́я мирова́я война́ потрясла́ до основа́ния жизнь мно́гих наро́дов и государств и изменила лицо́ мира" (Маленков). „Иккинчи жаҳон уруши кўп халқлар ва давлатларнинг ҳаётини туб негизигача ларзага келтирди ва дун'ёнинг қиёфасини ўзгартириб юборди" (Маленков): 3. ‖ тонг қолдирмоқ, ҳаяжонлантирмоқ; ҳайратда қолдирмоқ.

ПОТРЯСА́ЮЩИЙ, -ая, -ее *с. т.* ҳайратда қолдирарли, ҳаяжонлантирадиган, ниҳоят катта; **потряса́ющие собы́тия** ҳаяжонлантирадиган ҳодисалар; **потряса́ющий успе́х** ниҳоят катта ютуқ.

ПОТРЯСЕ́НИЕ *ср* 1. ҳаяжонга (изтиробга) солиш, ҳайратда қолдириш, ларзага келтириш, путур етказиш; ҳаяжонга (ларзага) келиш; 2. ҳаяжон, изтироб, ларза, путур; **не́рвное потрясе́ние** асабий ҳаяжон; **пережи́ть си́льное потрясе́ние** қаттиқ изтиробланиш, ҳаяжонга тушиш.

ПОТРЯСЁННЫЙ, -ая, -ое 1. **потрясти́** фе'лининг сифатдоши; 2 ҳаяжонланган, изтиробланган: гангираган; **он верну́лся домо́й, потрясённый случи́вшейся беда́й** у юз берган бахтсизликдан гангиган ҳолда уйга қайтиб келди.

ПОТРЯСТИ́ *сов.* 1. қоқмоқ, силкитмоқ; **потрясти́ ска́терть** дастурхонни қоқмоқ; 2. ларзага келтирмоқ; титратмоқ; **уда́р гро́ма потря́с зда́ние** момақалдироқнинг зарби бинони ларзага келтирди. 3. ‖ ҳайратда қолдирмоқ, ҳаяжонга солмоқ; **игра́ арти́ста потрясла́ слу́шателей** артистнинг ўйини тамошобинларни ҳайратда қолдирди; **э́то тяжёлое изве́стие потрясло́ всех** бу оғир хабар ҳаммани ҳаяжонлантирди.

ПОТРЯ́ХИВАТЬ *несов.* қоқиб-қоқиб (силкитиб-силкитиб) қўймоқ; **конь потря́хивает гри́вой** от ёлини силкитиб-силкитиб қўяди.

ПОТУ́ГИ *мн.* 1. дард (тўлғоқ) тутиш; **родовы́е поту́ги** тўлғоқ тутиш; 2. ‖ *манф.* кучаниш, чиранш, беҳуда уриниш.

ПОТУЖИ́ТЬ *сов. с. т.* қайғурмоқ: ғам емоқ (тортмоқ).

потужу́, поту́жишь *буд. от* **потужи́ть** *(к.).*

ПОТУ́ПИТЬ *сов* қуйи солмоқ, ерга қарамоқ, **потупи́ть го́лову** бошни қуйи солмоқ, **потупи́ть взор** ерга қарамоқ.

ПОТУ́ПИТЬСЯ *сов* ерга қарамоқ, бошни қуйи солмоқ, **потупи́ться от смуще́ния** ҳижолатдан ерга қарамоқ; **сиде́ть, потупи́вшись** бошни қуйи солиб ўтирмоқ.

ПОТУПЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **потупи́ть.**

ПОТУПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* қ. **потупи́ться.**

ПОТУСКНЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое 1. хираланган, хира, ялтироғини йўқотган; **потускне́лое серебро́** хираланган кумуш; 2. ‖ сўлган, сўнган, сўник, нурсизланган; **потускне́лый взгляд** сўник қараш.

ПОТУСКНЕ́ТЬ *сов.* 1. хираланмоқ, ялтироғи кетмоқ; **медь потускне́ла** мис хираланипти; 2. ‖ сўнмоқ, нурсизланмоқ; **ма'нодорлигини йўқотмоқ; взгляд его́ потускне́л** унинг қараши сўник.

ПОТУСТОРО́ННИЙ, -яя, -ее: **потусторо́нний мир** *(дин.)* у (нариги) дун'ё, охират.

ПОТУХА́НИЕ *ср мн. нет* сўниш, ўчиш.

ПОТУХА́ТЬ *несов.* қ. **поту́хнуть.**

ПОТУ́ХНУТЬ *сов.* ўчиб қолмоқ, сўнмоқ; папиро́са поту́хла папирос ўчиб қолди; свет поту́х чирог ўчди.

ПОТУ́ХШИЙ, -ая, -ее 1. ўчган, сўнган; **поту́хший вулка́н** ўчган вулкан; 2. ‖ хира, нурсиз, сўник, ма'носиз; **поту́хший взор** сўник қараш, ма'носиз қараш.

ПОТУЧНЕ́ТЬ *сов.* семирмоқ, йўғонлашиб кетмоқ.

ПОТУШИ́ТЬ I *сов.* ўчирмоқ; **потуши́ть пожа́р** ёнғинни ўчирмоқ.

ПОТУШИ́ТЬ II *сов.* димлаб пиширмоқ; **потуши́ть мя́со** гўштни димлаб пиширмоқ.

ПО́ТЧЕВАТЬ *несов., эск.* зиёфат қилмоқ, чарламоқ, сийламоқ; **по́тчевать госте́й** меҳмонларни зиёфат қилмоқ.

ПОТЫ́КАТЬ *сов. с. т.* санчиб-санчиб олмоқ, санчиб-санчиб қўймоқ.

ПО́ТЯГ *м махс.* 1. уриб силтаб тортиш; 2. тизгин, тасма; чанага қўшилган

ит тизгини. 3 дазгил (маҳсидўз. этикдўзларнинг ишни тиззага тортиб қўядиган тахмаси). 4 чолғи. юнг тит-қич

ПОТЯГА́ТЬСЯ *сов. с. т* бел олиш(б (куч синашиб) олмоқ, беллашиб кўрмоқ

ПОТЯ́ГИВАНИЕ *ср* потя́гивать ва потя́гиваться фе'лининг ҳаракат номи; қ. потя́гивать ва потя́гиваться

ПОТЯ́ГИВАТЬ *несов. с. т.* 1. аста-секин тортмоқ, кермоқ, чўзмоқ; 2. қултумлаб ичмоқ, ҳўплаб ичмоқ, оз-моз ичмоқ; 3 тутатмоқ, секин-секин тортиб (чекиб) қўймоқ; потя́гивать папиро́су папиросни тортиб-тортиб қўймоқ.

ПОТЯ́ГИВАТЬСЯ *несов. қ.* потяну́ться 5.

ПОТЯНУ́ТЬ *сов.* 1 тортиб қўймоқ; тортиб (чўзиб, судраб) кетмоқ; потяну́ть кого́-н. за рука́в бировнинг енгидан тортиб қўймоқ; 2. келабошламоқ, эсабошламоқ; потяну́л ветеро́к шабада эсабошлади; 3 босмоқ (оғирлик ҳақида); ку́рица потяну́ла два кило́ товуқ икки кило келди; 4 *безл* бирор нарса тўғрисида жуда кучли хоҳиш тугилмоқ, меня́ потяну́ло домо́й уйга кетгим келиб қолди, его́ потяну́ло ко сну уни уйку босди, уни уйқу элтди.

ПОТЯНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. чўзилиб кетмоқ, ёйилиб ётмоқ; за дере́вней потяну́лись поля́ қишлоқнинг нарёғида далалар чўзилиб кетган; 2. ‖ эргашмоқ, кетидан бормоқ; за ним потяну́лись на стро́йку и его́ друзья́ унга эргашиб дўстлари ҳам қурилишга жўнашиб қолишди; 3. чўзилишиб кетмоқ, турна-қатор чўзилмоқ; по доро́ге потяну́лись обо́зы йўлда от-аравалар турна-қатор чўзилишиб борди; 4. чўзилиб кетмоқ, бошланиб кетмоқ, узайиб кетмоқ; потяну́лись до́лгие зи́мние вечера́ қишнинг узоқ кечалари чўзилиб кетарди; 5. керишмоқ, узанмоқ, чўзилмоқ.

ПОУБА́ВИТЬ *сов. с. т.* сал камайтириб (пасайтириб) қўймоқ, бироз қискартмоқ.

ПО-УДА́РНОМУ *нареч.* ударникларча, ударникчасига, жадал блан; рабо́та вы́полнена по-уда́рному иш ударникчасига (жадал блан) бажарилди.

ПОУДИ́ТЬ *сов.* бироз вақт балиқ овида бўлмоқ; балиқ овламоқ.

ПОУ́ЖИНАТЬ *сов.* кечки овқатни еб олмоқ.

поужу́, поуди́шь *буд. от* поуди́ть (қ.).

поулёгся. поулегла́сь *прош. от* поуле́чься (қ.).

ПОУЛЕ́ЧЬСЯ *сов. с. т.* 1. бириккетин ётмоқ; ёппасига ётмоқ; все поулегли́сь спать ҳаммалари ухлаганга ётишди; 2. ўрнашмоқ; 3. ‖ босилмоқ; гнев его́ поулёгся унинг газаби босилди (у жаҳлидан тушди).

поуля́жется *буд. от* поуле́чься (қ.).

ПОУМЕ́РИТЬ *сов.* бир қадар му'тадиллаштирмоқ, пасайтирмоқ, енгиллаштирмоқ, тийиб қўймоқ.

ПОУМНЕ́ТЬ *сов.* ақл кириб қолмоқ.

ПОУПРЯ́МИТЬСЯ *сов.* бирмунча вақт қайсарлик қилиб туриб олмоқ, кажбаҳслик (ўжарлик) қилмоқ

ПОУРО́ЧНЫЙ, -ая, -ое дарсбай, соатбай, ҳар дарсга тўланадиган; поуро́чная опла́та дарс соатига қараб тўланадиган ишҳақи

ПОУСЁРДСТВОВАТЬ *сов. с. т.* гайрат қилиб кўрмоқ, тиришиб-тиртишиб кўрмоқ; бирмунча вақт зўр бермоқ.

ПОУТРУ́ *нареч.* эрта блан, эрталаб.

ПОУЧА́ТЬ *несов. с. т. кест.* ўргатмоқ; та'лим бермоқ; насиҳатомиз гап қилмоқ; поуча́ть уму́-разуму ақл ўргатмоқ.

ПОУЧА́ТЬСЯ *несов. эск.* ва *кест* ўрганмоқ; та'лим (сабоқ) олмоқ.

ПОУЧЕ́НИЕ *ср* насиҳат, ўгит, панд-насиҳат.

ПОУЧИ́ТЕЛЬНО *нареч.* ибратли бир тарзда, ибратли.

ПОУЧИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж ин. нет* ибратли эканлик.

ПОУЧИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. ибратли, намуна бўларли; поучи́тельный сове́т ибратли маслаҳат; поучи́тель-

ный о́пыт рабо́ты намуна бўларли иш тажрибаси; 2. сабоқ бўларли; поучи́тельная исто́рия сабоқ бўларли воқиа.

ПОУЧИ́ТЬ *сов.* 1. ўқиб олмоқ; бироз ўқиб олмоқ; поучи́ть уро́к дарс ўқимоқ; дарс тайёрламоқ; 2. бироз ўқитмоқ, бироз ўргатмоқ; 3. *содд.* таёқламоқ, адабини бермоқ

ПОУЧИ́ТЬСЯ *сов.* ўқиб олмоқ, бироз ўқимоқ, бироз ўрганмоқ.

ПОФАНТАЗИ́РОВАТЬ *сов.* хаёлотга берилиб (хаёл суриб) кетмоқ.

ПОФИЛОСО́ФСТВОВАТЬ *сов. с. т.* философияга киришиб кетмоқ; фалсафа сўқмоқ; гап (сафсата) сотмоқ.

ПОФРАНТИ́ТЬ *сов. с. т.* олиптагарчилик қилмоқ, кийимини кўз-кўз қилмоқ.

пофранчу́, пофранти́шь *буд. от* **пофранти́ть** *(к.).*

ПОФЫ́РКАТЬ *сов. с. т.* пишқириб-пишқириб қўймоқ; тўнғиллаб қўймоқ.

ПОФЫ́РКИВАТЬ *несов. к.* **пофы́ркать.**

ПОХА́БНЫЙ, -ая, -ое *содд. дағл.* ахлоқсиз, ярамас, уятсиз, шарманда.

ПОХА́ЖИВАТЬ *несов. с. т.* 1. нари-бери юрмоқ, кезиб юрмоқ; 2. келиб турмоқ, қатнамоқ; он часте́нько к нам поха́живает у бизга бот-бот келиб туради; он стал к нам поха́живать у бизникига серқатнов бўлиб қолди.

ПОХАНДРИ́ТЬ *сов. с. т.* бир фурсат ма'юс бўлмоқ; кайфсизланиб қолмоқ, кўнгил ғаш тортмоқ, дилгир бўлмоқ.

ПОХВАЛА́ *ж* мақтов; заслужи́ть похвалу́ мақтовга сазовор бўлмоқ, отозва́ться о ком-н. с похвало́й бировни мақтаб гапирмоқ; рассыпа́ться в похвала́х ҳаддан ташқари мақтаб юбормоқ; мақтаб кўкларга кўтармоқ.

ПОХВА́ЛИВАТЬ *несов. с. т.* мақтайвермоқ, қайта-қайта мақтамоқ.

ПОХВАЛИ́ТЬ *сов.* мақтамоқ, мақтаб қўймоқ; похвали́ть ученика́ ўқучини мақтаб қўймоқ.

ПОХВАЛИ́ТЬСЯ *сов.* мақтаниб қўймоқ; кўз-кўз қилмоқ; ◊ ***не могу́ похвали́ться*** *(с. т.)* = **не могу́ не похва́статься.** *к.* **похва́статься.**

ПОХВАЛЬБА́ *ж мн. нет с. т. манф.* мақтаниш, мақтанчоқлик.

ПОХВА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1 мақтаса арзийдиган, мақташга сазовор, похва́льное поведе́ние мақтаса арзийдиган хулқ; 2. мақтов; похва́льный о́тзыв мақтаб ёзиш, мақтаб гапириш; похва́льная гра́мота мақтов қоғози

ПОХВАЛЯ́ТЬСЯ *несов. с. т.* мақтанмоқ.

ПОХВА́РЫВАТЬ *несов. с. т.* тез-тез касал бўлиб турмоқ, тез-тез бетоб бўлмоқ.

ПОХВА́СТАТЬ *сов. с. т.* мақтанмоқ, мақтанчоқлик қилмоқ, катта кетмоқ.

ПОХВА́СТАТЬСЯ *сов.* ўзини мақтамоқ; мақтанмоқ; ◊ ***не могу́ похва́статься*** *(кем-чем-н.)* мақтанолмайман, мақтанарлик жойим йўқ; он не мо́жет похва́статься своим здоро́вьем у ўз соғлиғи билан мақтанолмайди (соғлиғи унча яхши эмас).

ПОХВОРА́ТЬ *сов. к.* **поболе́ть.**

ПОХЕ́РИТЬ *сов. с. т.* йўқ қилмоқ, хотима бермоқ; чизиб ўчирмоқ (хатни).

ПОХИТИ́ТЕЛЬ *м* олибқочар, ўғри.

ПОХИТИ́ТЕЛЬНИЦА *ж к.* **похити́тель.**

ПОХИ́ТИТЬ *сов.* олиб қочмоқ, ўғирлаб кетмоқ.

ПОХИЩА́ТЬ *несов. к.* **похи́тить.**

ПОХИЩА́ТЬСЯ *несов.* ўғирланмоқ.

ПОХИЩЕ́НИЕ *ср* олиб қочиш, ўғирлаб кетиш.

похи́щу, похи́тишь *буд. от* **похи́тить** *(к.).*

ПОХЛЕБА́ТЬ *сов. содд.* ичиб олмоқ (суюқ овқат ҳақида); похлеба́ть су́пу шўрва (суюқ ош) ичиб олмоқ.

ПОХЛЁБКА *ж с. т.* оби ёвғон, ёвғон шўрва, ёвғон хўрда, карто́фельная похлёбка картошка шўрва.

ПОХЛЕСТА́ТЬ *сов.* қамчилаб қўймоқ, саваб ташламоқ.

ПОХЛЁСТЫВАТЬ *несов. с т.* қамчилаб-қамчилаб (савалаб-савалаб) турмоқ.

похлешу́ похле́шешь *буд. от* похлеста́ть *(к.)*

ПОХЛО́ПАТЬ *сов* 1 уриб (қоқиб) қўймоқ, шапиллатмоқ; он ла́сково похло́пал сы́на по плечу́ у ўғлини эркалаб елкасига қоқиб қўйди; 2. чапак чалиб қўймоқ; қарсак уриб қўймоқ; похло́пать в ладо́ши чапак чалиб қўймоқ.

ПОХЛОПОТА́ТЬ *сов* 1. ҳаракат қилмоқ; похлопота́ть об устро́йстве ве́чера кеча уюштириш ҳаракатида бўлмоқ; 2 бирор кишининг ташвишида юрмоқ, илтимос қилмоқ, похлопота́ть за дру́га ду́сти учун бирор ишда ҳаракат қилмоқ. 3. бирмунча вақт овора бўлмоқ, ташвиш тортмоқ; по хлопота́ть по хозя́йству уй-рўзғор ишлари билан шуғулланмоқ.

похлопочу́, похлопо́чешь *буд. от* похлопота́ть *(к.)*.

ПОХЛО́ПЫВАТЬ *несов.* уриб-уриб (қоқиб-қоқиб) қўймоқ, похло́пывать по плечу́ елкага қоқиб-қоқиб қўймоқ.

ПОХМЕ́ЛЬЕ *ср мн. нет* каҳатлик (бош оғриғи); голова́ боли́т с похме́лья ичкилик каҳатидан бош оғрияпти; *◊ в чужо́м пиру́ похме́лье (матал)* бировнинг жатига (касрига) қолиш.

ПОХО́Д I *м ҳарб.* 1. поход, юриш; сафар, выступить в похо́д походга чиқиш. 2. ҳарбий ҳаракат, уруш; италья́нский похо́д Суво́рова Суворовнинг Италиядаги ҳарбий ҳаракатлари; крест о́ вые похо́ды *(тар.)* қ. крест о́ вый. 3. ‖ қарши чиқиш, ҳужум.

ПОХО́Д II *м с.т.* вазнни ортиқроқ қилиб тортиш; взве́сить с похо́дом оғирроқ қилиб тортиб бермоқ (тарозида).

ПОХОДА́ЙСТВОВАТЬ *сов.* бирор киши ёки нарса ҳақида ҳаракат қилмоқ, илтимос қилмоқ.

ПОХОДИ́ТЬ I *сов.* бироз юриб турмоқ. бироз юриб (кезиб) келмоқ; походи́ть по го́роду шаҳарда айланиб юрмоқ.

ПОХОДИ́ТЬ II *несов.* ўхшамоқ; он похо́дит на отца́ у отасига ўхшайди.

ПОХО́ДКА *ж* юриш, оёқ олиш, қадам ташлаш; лёгкая похо́дка чаққон юриш, енгил оёқ олиш; ленивая похо́дка судралиб юриш, оғир оёқ олиш.

ПОХО́ДНЫЙ, -ая, -ое похо́д I (1-нчи ва 2-нчи ма'ноларида) *сўз. сиф.*, походга оид; похо́дный строй походга (юришга) отланган саф; похо́дный го́спиталь кўчма госпиталь; похо́дным поря́дком поход тартиби билан (ҳарбий қисмларда); похо́дная пе́сня поход қўшиғи (походда айтиладиган ашула).

ПО́ХОДЯ *нареч. с. т.* 1. боратуриб, юратуриб; закýсывать по́ходя юратуриб еб бориш. йўлда еб кетиш; 2 йўлакай; по́ходя был разрешён и э́тот вопро́с йўлакай бу масала ҳам ҳал қилинди.

предупрéжу, предупредúшь *буд. от* **предупредúть** *(к.).*

ПРЕДУСМÁТРИВАТЬ *несов.* 1 *қ.* **предусмотрéть**; 2. назарга олмоқ, кўзда тутмоқ, мўлжалламоқ; **план предусмáтривает дальнéйший рост посевны́х площадéй** план экин майдонларининг янада оширилишини кўзда тутади; **договóр предусмáтривает разрешéние спóрных вопрóсов в судéбном порáдке** шартнома жанжалли масалаларни суд йўли билан ҳал қилишни кўзда тутади.

ПРЕДУСМÁТРИВАТЬСЯ *несов.* кўзда тутилмоқ, назарга олинмоқ, мўлжалланмоқ; **для обводнéния пáстбищ предусмáтривается стройтéльство отвóдных канáлов** яйловларга сув чиқариш учун шахобча каналлар қуриш кўзда тутилади.

ПРЕДУСМОТРÉТЬ *сов.* назарга олмоқ, кўзда тутмоқ; **предусмотрéть возмóжные послéдствия** келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни кўзда тутмоқ; **предусмотрéть все возмóжности** барча имкониятларни назарга олмоқ.

ПРЕДУСМОТРÍТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* эҳтиёткорлик, узоқни кўришлик, тадбирлилик; **проявúть предусмотрúтельность** эҳтиёткорлик кўрсатмоқ; **отличáться предусмотрúтельностью** узоқни кўришлик билан фарқ қилмоқ.

ПРЕДУСМОТРÍТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое эҳтиёткор, узоқни кўрадиган, тадбирли; **предусмотрúтельный человéк** тадбирли одам; **предусмотрúтельный постýпок** эҳтиёткорона иш-ҳаракат.

ПРЕДУСТАНÓВЛЕННЫЙ, -ая, -ое *расм. эск.* олдиндан белгиланган, олдиндан аниқланган.

ПРЕДÝТРЕННИЙ, -яя, -ее тонг чоғидаги, тонготар пайтидаги; **предýтренняя прохлáда** тонг шабадаси; **предýтренний час** тонг палласи, тонг пайти.

ПРЕДЧÝВСТВИЕ *ср* олдиндан сезиш, кўнгилга келиш; **рáдостное предчýвствие** хурсандликни олдиндан сезиш; **предчýвствие гóря** кўнгил ғаш бўлиши, қайғуни олдиндан сезиш.

ПРЕДЧÝВСТВОВАТЬ *несов.* олдиндан сезмоқ, кўнгил сезмоқ, кўнгилга келмоқ; **я предчýвствовал, что он придёт** унинг келишини олдиндан сезган эдим; унинг келиши кўнглимдан ўтган эди.

ПРЕДЧÝВСТВОВАТЬСЯ *несов.* олдиндан сезилмоқ, кўнгилга келмоқ.

ПРЕДШÉСТВЕННИК *м* 1. замин ҳозирлаган, асос солиб берган; 2. ўтмишдош, илгари ўтган; 3. *қ. х.* олдин экиладиган; **люпúн являéтся прекрáсным предшéственником для зернóвых и технúческих культýр** люпин (дуккакли ўсимлик) ғалла ва техник экинлари билан алмашлаб экиш учун жуда боп экиндир.

ПРЕДШÉСТВЕННИЦА *ж қ.* **предшéственник.**

ПРЕДШÉСТВИЕ: в предшéствие кого́-н. *(эск.)* изидан (кетидан) бориш, эргашиш.

ПРЕДШÉСТВОВАТЬ *несов.* олдин ўтмоқ, илгари бўлмоқ; **заключéнию договóра предшéствовали переговóры** шартнома тузишдан олдин музокаралар бўлиб ўтди; **на э́том учáстке хлóпку предшéствовала люцéрна** бу участка ғўза экилишидан олдин бедазор эди.

ПРЕДШÉСТВУЮЩИЙ, -ая, -ее 1. **предшéствовать** фе'лининг сифатдоши; 2. олдинги (илгариги); ўтган; **предшéствующий год** ўтган йил, бултур; **предшéствующий нóмер журнáла** журналнинг бундан олдинги номери; 3. *сущ.* **предшéствующее** *ср* = **предыдýщее** *қ.* **предыдýщий** 2.

[предъ-] олдқўшимча бўлиб, е, ю, я ҳарфлари олдидан [пред-] ўрнида ёзилади, мас., **предъявúть** кўрсатмоқ.

ПРЕДЪЯВúТЕЛЬ *м расм.* кўрсатувчи, беручи; **предъявúтель иска**

›'вогар; **чек на предъявителя** кўрсатучига бериладиган чек.

ПРЕДЪЯВИ́ТЕЛЬНИЦА *ж қ.* **редъявитель.**

ПРЕДЪЯВИ́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое **редъявитель** *сўз. сиф.*; **предъявительский чек** кўрсатучига берилган чек.

ПРЕДЪЯВИ́ТЬ *сов.* 1. кўрсатмоқ; **предъявить документы** ҳужжатларни кўрсатмоқ; **предъявить билет** билетни кўрсатмоқ; 2. талаб қўймоқ, айб қўймоқ; да'во қилмоқ; **предъявить требование** талаб қўймоқ; **предъявить обвинение** айб қўймоқ; айбламоқ; **предъявить иск** да'во қилмоқ.

ПРЕДЪЯВЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. кўрсатиш; **предъявление диплома** дипломни кўрсатиш; 2. айтиш, арз (баён, талаб) қилиш; **предъявление претензий** да'во қилиш.

предъявлю, предъявишь *буд. от* **предъявить** (*қ.*).

ПРЕДЪЯВЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **предъявить.**

ПРЕДЪЯВЛЯ́ТЬСЯ *несов. страд. от* **предъявля́ть** (*қ.*).

ПРЕДЫДУ́ЩИЙ, -ая, -ее 1. олдинги (аввалги, бурунги), ўтган; **предыдущий период** бундан олдинги давр; **посмотрите предыдущую страницу книги** китобнинг бундан олдинги бетига қаранг; 2. *сущ.* **предыдущее** *ср мн. нет* юқоридаги; **из предыдущего следует, что...** юқоридагидан шу нарса келиб чиқадики...

ПРЕЕ́МНИК *м* 1. ворис; 2. ўринбосар; 3. издош, давом эттиручи; **великими преемниками Маркса и Энгельса и продолжателями их дела явились Ленин и Сталин** Маркс ва Энгельснинг издошлари ва уларнинг ишларини давом эттиручилар Ленин билан Сталин бўлдилар.

ПРЕЕ́МНИЦА *ж қ.* **преемник.**

ПРЕЕ́МСТВЕННОСТЬ *ж мн. нет* 1. ворислик; **преемственность культурных традиций** маданият традицияларн ворислиги; **в порядке преемственности** ворислик тариқасида; 2. изчиллик, кетма-кетлик.

ПРЕЕ́МСТВЕННЫЙ, -ая, -ое 1. ворисликка оид, мерос қилиб олинган; **преемственный порядок** ворислик тартиби; 2. изчил, кетма кет; **преемственный ряд каких-н.** явлений айрим ҳодисаларнинг изчиллик қатори.

ПРЕЕ́МСТВО *ср мн. нет* 1. мерос олиш; 2. ўрин босиш, ўрин бериш.

ПРЕ́ЖДЕ 1. *нареч.* илгари, бурун, илгарилар, илгариги вақтларда; **надо было сказать об этом прежде** буни илгари айтиш керак эди; **он опять здоров, как прежде** у илгаригидек яна соппа-сог; 2. *нареч.* дастлаб, аввал; **прежде подумай, потом скажи** аввал ўйла, сўнгра сўйла; 3. *предлог* олдин, аввал, илгари; **он пришёл сюда прежде всех** бу ерга у ҳаммадан олдин келди; ◇ ***прежде времени*** *(с. т.)* вақтидан илгари; ***прежде всего*** ҳаммадан илгари, энг олдин, даставвал; ***прежде чем*** *(союз)* олдин; **прежде чем решать этот вопрос, поговори с ним** бу масалани ҳал қилишдан олдин у билан гаплашиб ол; ***прежде нежели*** *(эск.)* = **прежде чем** (*қ.*).

ПРЕЖДЕВРЕ́МЕННО *нареч.* барвақт, бемаҳал, бевақт; **преждевременно волноваться** барвақт ҳовлиқмоқ; **он преждевременно скончался** у бевақт вафот қилди.

ПРЕЖДЕВРЕ́МЕННЫЙ, -ая, -ое вақтидан илгари содир бўлган; **преждевременные роды** *(мед.)* вақтидан илгари туғиш, ой-куни етмасдан туғиш; **преждевременное развитие** вақтидан илгари ривожланиш.

ПРЕ́ЖНИЙ, -яя, -ее 1. илгариги (илгаригича), аввалги, олдинги, бурунги; **не повторять прежних ошибок** илгариги хатолар такрорланмасин; **в прежнее время** илгариги вақтда; **результат получился прежний** натижа илгаригича бўлиб чиқди; 2. *сущ.* **прежнее** *ср мн. нет* ўтмиш (нарса), илгари бўлиб ўтган (воқиа).

ПРЕЗЕ́НТ *м эск.* ва *с. т. ҳазл.* совға; **купить книгу в презент** совға китоб сотиб олмоқ.

ПРЕЗЕНТА́БЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *эск.* савлатли, келишган; салобатли, виқорли; **презентабельный вид** салобатли қиёфа.

ПРЕЗЕНТА́НТ *м махс.* презентант (вексель кўрсатувчи).

ПРЕЗЕНТА́ЦИЯ *ж мн. нет махс.* кўрсатиш, ундиришга тақдим этиш.

ПРЕЗЕНТОВА́ТЬ *сов.* и *несов. эск.* ва *с. т. ҳазл.* совға қилмоқ, тақдим қилмоқ, ҳад'я (тортиқ) қилмоқ; **презентова́ть часы́** соат тақдим қилмоқ; **позво́льте мне презентова́ть вам мой труд** асаримни сизга тақдим қилишга рухсат этгайсиз.

презенту́ю, презенту́ешь *наст. и буд. от* **презентова́ть** *(қ.).*

ПРЕЗИДЕ́НТ *м* президент (1. ба'зи мамлакатларда давлат бошлиғи; **президе́нт По́льской наро́дной республики** Польша халқ республикасининг президенти; 2. жамият ёки идоранинг сайлаб қўйиладиган бошлиғи, раҳбари; **президе́нт Акаде́мии нау́к** Фанлар академиясининг президенти).

ПРЕЗИДЕ́НТСКИЙ, -ая, -ое 1. **президе́нт** 1 *сўз. сиф.*; **президе́нтские вы́боры** президент сайлови; 2. президентга оид; **президе́нтское ме́сто** президент ўрни.

ПРЕЗИДЕ́НТСТВО *ср мн. нет расм.* 1. президентлик мансаби; 2. президентлик вақти.

ПРЕЗИДЕ́НТСТВОВАТЬ *несов. с. т.* президентлик вазифасини бажармоқ, президентлик қилмоқ.

ПРЕЗИ́ДИУМ *м* 1. президиум, ҳай'ат; **избра́ть президиу́м собра́ния** мажлис президиумини сайламоқ; **почётный президиум** фахрий президиум; **Президиум Верхо́вного Сове́та СССР** СССР Олий Советининг Президиуми; **Президиум Акаде́мии Нау́к** УзССР УзССР Фанлар Академиясининг Президиуми; 2. *собир.* президиум а'золари.

ПРЕЗИРА́ТЬ *несов.* 1. нафратланмоқ, жирканмоқ, ҳазар қилмоқ, ҳақорат назари билан қарамоқ; **презира́ть лесть** хушомадгўйликдан нафратланмоқ; **презира́ть тру́сов** қўрқоқларга нафрат билан қарамоқ; 2. *қ.* **презре́ть.**

ПРЕЗИРА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **презира́ть** *(қ.).*

ПРЕЗРЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. нафрат, нафратланиш, жирканиш, ҳазар қилиш; **презре́ние к врага́м** душманлардан нафратланиш; 2. бепарволик, менсимаслик; писанд қилмаслик, назарга илмаслик; **презре́ние к сме́рти** ўлимни писанд қилмаслик; **презре́ние к опа́сности** хавф-хатарни писанд қилмаслик.

ПРЕЗРЕ́ННЫЙ, -ая, -ое манфур, жирканч, разил; **„Тот, кто боится кри́тики свое́й рабо́ты, тот презре́нный трус, не досто́йный уваже́ния со стороны́ наро́да"** (Жданов) „Ишини танқид қилишдан қўрққан киши халқ ҳурматига лойиқ бўлмаган манфур қўрқоқдир" (Жданов); **презре́нный враг** разил душман; **презре́нный мета́лл** *(с. т.)* олтин пул, ақча.

ПРЕЗРЕ́ТЬ *сов. эск.* менсимай (писанд қилмай) қўймоқ, назарга илмай қўймоқ; **презре́ть опа́сность** хавф-хатарни писанд қилмай қўймоқ.

ПРЕЗРИ́ТЕЛЬНО *нареч.* нафрат билан, нафратланиб, жирканиб; **посмотре́ть презри́тельно** нафратланиб қарамоқ, нафрат назари билан қарамоқ.

ПРЕЗРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое нафратли, жирканч, манфур; **презри́тельная улы́бка** нафратли илжайиш; **презри́тельный смех** нафратли кулги; **презри́тельное отноше́ние к кому́-чему́-н.** бирор кишига ёки бирор нарсага нафрат билан қараш.

ПРЕЗУ́МПЦИЯ *ж* презумпция (1. *филос.* эҳтимолликка асосланган фаразия; 2. *юр.* фактнинг акси тасдиқланмагунча, шу фактни юридик тўғри деб топиш).

ПРЕИМУ́ЩЕСТВЕННО *нареч.* айниқса, кўпинча, асосан, кўпроқ.

ПРЕИМУ́ЩЕСТВЕННЫЙ, -ая, -ое кўпинча, кўпроқ, имтиёзли; **преиму́щественное значе́ние** кўпроқ аҳамиятли, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган; **преиму́щественное пра́во** *(юр.)* имтиёзли ҳуқуқ.

ПРЕИМУ́ЩЕСТВО *ср* 1. афзаллик, ортиқлик, устунлик; **име́ть преиму́щество** афзал бўлмоқ; устунликка қилмоқ; **получи́ть преиму́щество** устун келмоқ; **сове́тский наро́д продемонстри́ровал всему́ челове́честву неизмери́мые преиму́-**

щества социалисти́ческого стро́я совет халқи социалистик тузумнинг ниҳоятда афзал эканлигини бутун дунёликка намойиш қилди; 2. *юр.* имтиёз; ◊ ***по преиму́ществу*** кўпинча, асосан; ца́рская Россия была́ по преиму́ществу агра́рной страно́й чор Россияси асосан аграр мамлакат эди.

ПРЕИСПО́ДНЯЯ *ж мн. нет эск.* 1. *черк.* дўзах, жаҳаннам; 2. ‖ *с. т.* тор, зиндон.

ПРЕИСПО́ЛНЕННЫЙ, -ая, -ое тўла, тўлиб-тошган; сове́тский наро́д преиспо́лнен горя́чей любви́ к па́ртии Ленина—Сталина совет халқи Ленин—Сталин партиясига оташин муҳаббат билан тўлиб-тошган.

ПРЕИСПО́ЛНИТЬ *сов.* тўлдириб-тоширмоқ, тўлдириб юбормоқ, батамом тўлатмоқ.

ПРЕИСПО́ЛНИТЬСЯ *сов.* тўлиб-тошмоқ, тўлиб кетмоқ; преиспо́лниться гне́вом (гне́ва) қаттиқ газабланиб кетмоқ.

ПРЕИСПОЛНЯ́ТЬ *несов.* қ. преиспо́лнить.

ПРЕИСПОЛНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. преиспо́лниться; 2. *страд. от* преисполня́ть *(қ.).*

ПРЕЙСКУРА́НТ *м* прейскурант (молларнинг нархи ҳақида ма'лумот); це́ны по прейскура́нту прейскурант бўйича нархлар.

ПРЕКЛОНЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. преклони́ть фе'лининг ҳаракат номи; 2. ‖ бош эгиш, та'зим қилиш; сажда қилиш; ҳурматлаш; тан бериш, қойил бўлиш; преклоне́ние перед кем-чем-н. бирор кишига ёки бирор нарсага сажда қилиш.

ПРЕКЛОНИ́ТЬ *сов.* эгмоқ, энгаштирмоқ; преклони́ть го́лову бош эгмоқ; преклони́ть знаме́на байроқларни энгаштирмоқ; преклони́ть коле́ни тиз чўкмоқ.

ПРЕКЛОНИ́ТЬСЯ *сов.* 1. бош эгмоқ, тиз чўкмоқ; 2. қаттиқ ҳурмат қилмоқ; қойил бўлмоқ, тан бермоқ.

ПРЕКЛО́ННЫЙ, -ая, -ое анча ёшга борган, кексайиб қолган; преклО́нный во́зраст ёши улғайган (ёши қайтган, кексайган); преклО́нные го́ды кексайган чоғлар.

ПРЕКЛОНЯ́ТЬ *несов.* қ. преклони́ть.

ПРЕКЛОНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 қ. преклони́ться; 2. *страд. от* преклоня́ть *(қ.).*

ПРЕКОСЛО́ВИЕ: без вся́кого прекосло́вия ёки без прекосло́вий *(эск.)* сўзсиз, э'тирозсиз, сра қаршилик кўрсатмай.

ПРЕКОСЛО́ВИТЬ *несов.* э'тироз қилмоқ, қаршилик билдирмоқ, тап қайтармоқ.

ПРЕКРА́СНО 1. *нареч.* жуда яхши; я э́того челове́ка прекра́сно зна́ю мен бу кишини жуда яхши биламан; 2. *межд. с. т.* жуда соз; ну и прекра́сно жуда соз бўлипти.

ПРЕКРАСНОДУ́ШИЕ *ср мн. нет кест.* димоғи чоғлик, кайфияти баландлик.

ПРЕКРАСНОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое *эск. кест.* димоғи чоғ, баланд кайфиятли; прекраснодУшный челове́к димоғи чоғ одам.

ПРЕКРА́СНЫЙ, -ая, -ое 1. гўзал, жуда чиройли; прекра́сные глаза́ жуда чиройли кўз; прекра́сный пейза́ж гўзал манзара; 2. жуда яхши, а'ло, жуда соз, ажойиб; э́то прекра́сный расска́з бу жуда соз ҳикоя; прекра́сный челове́к жуда яхши одам; 3. *сущ.* прекра́сное *ср мн. нет* гўзаллик, нафосат; нау́ка о прекра́сном нафосат тўғрисидаги фан (эстетика); ◊ ***в оди́н прекра́сный день*** кунлардан бир куни; бирда эмас, бирда; ***в одно́ прекра́сное у́тро*** бир куни эрта билан; ***прекра́сный пол*** *(эск.)* аёллар, хотин-қизлар.

ПРЕКРАТИ́ТЬ *сов.* тўхтатмоқ, битирмоқ, барҳам бермоқ; прекрати́ть пре́ния музокараларни тўхтатмоқ; прекрати́ть знако́мство ошналикка барҳам бермоқ; прекрати́ть платежи́ тўловларни тўхтатмоқ; прекрати́ть кури́ть чекишни тўхтатмоқ; прекрати́ть разгово́ры! гаплар тўхтатилсин!

ПРЕКРАТИ́ТЬСЯ *сов.* тўхтамоқ, тинмоқ, барҳам емоқ; дождь прекрати́лся ёмғир тинди; на́ша перепи́ска прекрати́лась бизнинг ёзишмаларимиз барҳам еди.

ПРЕКРАЩА́ТЬ *несов.* қ. прекрати́ть.

ПРЕКРАЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **прекрати́ться**; 2. *страд. от* **прекраща́ть** *(қ.)*.

ПРЕКРАЩЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. тўхтатиш, тугатиш; **прекраще́ние вое́нных де́йствий** уруш ҳаракатларини тўхтатиш; 2. тўхташ, тугаш, тиниш, тўхталиш, босилиш.

прекращу́, прекрати́шь *буд. от* **прекрати́ть** *(қ.)*.

ПРЕЛА́Т *м* прелат (католик черковида—юқори мансабдаги руҳоний).

ПРЕЛА́ТСКИЙ, -ая, -ое **прела́т** *сўз. сиф.*; *қ.* **прела́т**.

ПРЕЛЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое кўркам, гўзал, хушрўй, зебо, дилбар, жуда чиройли; **преле́стное дитя́** кўркам бола.

ПРЕ́ЛЕСТЬ *ж* 1. *только ед.* кўркамлик, гўзаллик, жозибадорлик, латофат; **пре́лесть лица́** юзнинг кўркамлиги; **пре́лесть но́винья** янгиликнинг жозибадорлиги; 2. гўзал, зебо, ажойиб нарса; **кака́я пре́лесть!** қандай гўзал!; 3. *только мн.* ёқимли, ҳузур-ҳаловат; **пре́лести да́чной жи́зни** боғ-роғда туришнинг ҳузур-ҳаловати.

ПРЕЛИМИНА́РИИ *мн., ед. нет дипл.* дастлабки музокаралар, вақтинча аҳд.

ПРЕЛИМИНА́РНЫЙ, -ая, -ое *дипл.* дастлабки; **прелимина́рный догово́р** дастлабки шартнома; **прелимина́рный мир** дастлабки битим (сулҳ).

ПРЕЛОМИ́ТЬ *сов.* 1. *физ.* синдирмоқ; **при́зма преломи́ла со́лнечный луч** призма қуёш нурини синдирди; 2. ‖ ўз тушунчасида ўзгартмоқ (бирор нарсанинг ма'носини).

ПРЕЛОМИ́ТЬСЯ *сов.* 1. *физ.* синмоқ; **светово́й луч преломи́лся в при́зме** ёруғлик нури призмада синди; 2. ‖ ма'но ўзгармоқ; **воспомина́ния де́тства по-но́вому преломи́лись в его́ созна́нии** ёшлик хотиралари унинг онгида янгича ўзгарди.

ПРЕЛОМЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. *физ.* синиш, синдириш; **преломле́ние све́та** ёруғликнинг синиши; ёруғлик нурининг синиши; 2. ‖ ўз тушунчасида ма'нони ўзгартиш (ўзича тушуниш); **своеобра́зное преломле́ние действи́тельности в созна́нии дете́й** болалар онгида ҳақиқатнинг ўзига хос суратда ўзгариши.

ПРЕЛОМЛЯ́ЕМОСТЬ *ж мн. нет физ.* синишлик (ёруғлик нури ҳақида).

ПРЕЛОМЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **преломи́ть**.

ПРЕЛОМЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **преломи́ться**; 2. *страд. от* **преломля́ть** *(қ.)*.

ПРЕ́ЛОСТЬ *ж мн. нет* бўрсиган нарса, унниққан, чириган (ирган), димиққан нарса; бўрсишлик, унниқишлик, чиришлик (иришлик), димиқишлик.

ПРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое бўрсиган, унниқан, чириган (ирган), сасиган, димиққан; **пре́лые я́блоки** ирган (сасиган) олмалар; **пре́лое се́но** чирган пичан.

ПРЕЛЬ *м мн. нет* 1. бўрсиш, чириш (ириш), унниқиш, димиқиш; **гру́ши тро́нуты пре́лью** ноклар ирий бошлапти; 2. чирик жой, чиринди жой; 3. чиринди ҳиди, бўрсиш ҳиди; **па́хнет пре́лью** чиринди ҳиди келаяпти.

ПРЕЛЬСТИ́ТЬ *сов.* 1. мафтун (жазб) этмоқ, кўнгилни банд этмоқ; **прельсти́ть свое́й красото́й** ўз гўзаллиги билан мафтун этмоқ; **меня́ прельсти́л его́ ум** унинг ақли мени мафтун этди; 2. ‖ жалб этмоқ, ўзига тортмоқ; васваса қилмоқ, йўлдан оздирмоқ; **меня́ прельсти́ла пое́здка по мо́рю** денгиз сафари мени ўзига жалб этди.

ПРЕЛЬСТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. *эск.* ошиқ бўлмоқ, шайдо бўлмоқ; 2. ишқига тушмоқ, қизиқиб қолмоқ; **прельсти́ться обеща́ниями** ва'даларга қизиқмоқ (учмоқ).

ПРЕЛЬЩА́ТЬ *несов. қ.* **прельсти́ть**.

ПРЕЛЬЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **прельсти́ться**; 2. *страд. от* **прельща́ть** *(қ.)*.

ПРЕЛЮБОДЕ́Й *м эск.* хотинига хиёнат қилучи эр, бевафо эр.

ПРЕЛЮБОДЕ́ЙКА *ж эск.* эрига хиёнат қилучи хотин, бевафо хотин.

ПРЕЛЮБОДЕ́ЙСТВОВАТЬ *несов. эск.* хиёнат қилмоқ, бевафолик қилмоқ (эр хотинига ёки хотин эрига).

ПРЕЛЮБОДЕЯ́НИЕ *ср эск.* хиёнат қилиш, бевафолик қилиш (эр хотинига ёки хотин эрига).

ПРЕЛЮ́Д *м* = **прелю́дия** 2 *(қ.)*.

ПРЕЛЮ́ДИЯ *ж* 1. *муз.* прелюдия, даромад, сарахбор; 2. *муз.* прелюдия (кичикроқ музика асари); **прелю́дия для фортепиа́но** фортепиано учун ёзилган прелюдия; **прелю́дия Шопе́на** Шопен прелюдияси; 3. ‖ кириш, муқаддима.

прельщу́, прельсти́шь *буд. от* **прельсти́ть** *(қ.)*.

ПРЕМИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. **пре́мия** *сўз. сиф.*; **премиа́льный фонд** мукофот фонди; **премиа́льная систе́ма опла́ты** ҳақ тўлашнинг мукофотли системаси; 2. *сущ.* **премиа́льные** *мн., ед. нет* мукофот пули; **получи́ть премиа́льные** мукофот пули олмоқ.

ПРЕМИ́НУТЬ: **не премину́ть** *(эск.)* кечиктирмаслик, ҳаяламаслик, унутмаслик, фурсат ўтказмаслик; **он не премину́л яви́ться** у ҳозир бўлишни унутмади.

ПРЕМИРОВА́НИЕ *ср мн. нет* мукофотлаш; **премирова́ние отли́чников учёбы** а'лочи ўқувчиларни мукофотлаш.

ПРЕМИРОВА́ТЬ *сов.* и *несов.* мукофотламоқ; тақдирламоқ, нишонламоқ; **премирова́ть за перевыполне́ние пла́на** планни ортиғи билан бажарганлиги учун мукофотламоқ; **премирова́ть лу́чшие экспона́ты** выставки кўргазманинг энг яхши экспонатларини мукофотламоқ.

ПРЕМИРОВА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **премирова́ть** *(қ.)*.

ПРЕ́МИЯ *ж* мукофот; **получи́ть пре́мию за хоро́шую рабо́ту** яхши иш учун мукофот олмоқ; **удосто́ить кого́-н. пре́мии** бирор кишига мукофот бермоқ; **ста́линские пре́мии за выдаю́щиеся рабо́ты в о́бласти литерату́ры** адабиёт соҳасидаги энг яхши асарларга бериладиган Сталин мукофотлари; ◇ ***страхова́я пре́мия*** *(махс.)* страхование пули (ўзини страхование қилдирганлик учун страхование идорасига тўланадиган пул).

ПРЕ́МИЯ-НАДБА́ВКА *ж* устама мукофот.

ПРЕМНО́ГО *нареч. эск.* ниҳоятда, жуда; кўпдан-кўп; **премно́го вам благода́рен** сиздан ниҳоятда миннатдорман.

ПРЕМУ́ДРОСТЬ *ж* 1. *только ед. эск.* ҳикмат, жуда ақллилик, жуда донолик; 2. *кест.* маҳмадоналик.

ПРЕМУ́ДРЫЙ, -ая, -ое *эск.* жуда ақлли, ҳикматли, донишманд, оқил.

ПРЕМЬЕ́Р *м* 1. = **премье́р-мини́стр** *(қ.)*.; 2. *театр.* премьер (биринчи даражали рольларни ўйновчи артист).

ПРЕМЬЕ́РА *ж театр.* премьера (пьесанинг биринчи марта саҳнага қўйилиши).

ПРЕМЬЕ́Р-МИНИ́СТР *м* бош министр, ҳукумат бошлиғи.

ПРЕМЬЕ́РСКИЙ, -ая, -ое **премье́р** *сўз. сиф.*; *қ.* **премье́р**.

ПРЕМЬЕ́РША *ж с. т. қ.* **премье́р** 2.

пренебрёг, пренебрегла́ *прош. от* **пренебре́чь** *(қ.)*.

ПРЕНЕБРЕГА́ТЬ *несов. қ.* **пренебре́чь**.

пренебрегу́, пренебрежёшь, пренебрегу́т *буд. от* **пренебре́чь** *(қ.)*.

ПРЕНЕБРЕЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. менсимаслик, назарга илмаслик, писанд қилмаслик; 2. илтифотсизлик, э'тиборсизлик; беҳурмат қилиш; **вы́сказать пренебрежéние кому́-н.** бирор кишига илтофотсизлик блан гапирмоқ; **относи́ться к кому́-н. с пренебрежéнием** бирор кишига калондимоғлик қилмоқ.

ПРЕНЕБРЕЖИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* менсимаслик, назарга илмаслик, писанд қилмаслик, илтифотсизлик, э'тиборсизлик.

ПРЕНЕБРЕЖИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое илтифотсиз, беҳурмат, камситилган; **пренебрежи́тельный отве́т** илтифотсизлик блан қайтарилган жавоб; **пренебрежи́тельное отноше́ние** илтифотсизлик блан қараш.

ПРЕНЕБРЕ́ЧЬ *сов.* 1. илтифотсизлик кўрсатмоқ, менсимай қарамоқ; **не пренебрега́й моим сове́том** менинг маслаҳатимга илтифотсизлик қилма; **пренебре́чь дру́жеским пред-**

ложе́нием дўстона таклифга илтифотсизлик қилмоқ; **пренебре́чь** своими обязанностями ўз вазифаларига э'тиборсиз қарамоқ. 2. э'тиборсиз қарамоқ, бепарво қарамоқ, аҳамият бермай қўймоқ; **пренебре́чь опа́сностью** хавф-хатарга бепарво қарамоқ.

Пре́ние *ср мн. нет* бўрсиш (димиқиш), димланиш, чириш (ириш), унниқиш.

Пре́ния *мн., ед. нет* музокара; **открыть пре́ния по докла́ду** доклад юзасидан музокара очмоқ; **выступи́ть в пре́ниях** музокарага чиқмоқ; ◇ ***пре́ния сторо́н*** *(юр.)* тарафларнинг судда сўзлаши.

Преобладáние *ср мн. нет* ортиқлик, устунлик, кўплик, ортиқ (устун, кўп) бўлиш; **преобладáние облачности** булутли кунларнинг кўп бўлиши; **добиться преобладáния в чём-н.** бирор нарсада устунликка эришмоқ.

Преобладáть *несов.* ортиқ бўлмоқ, устун келмоқ, кўпчилик бўлмоқ, кўп бўлмоқ; **на Ура́ле преобладáют хво́йные леса́** Уролда нина барғли дарахт ўрмонлари кўпчиликни ташкил этади.

Преобладáющий, -ая, -ее 1. устунлик қилучи, ортиқлик қилучи; 2. устун бўлган, кўпчилик бўлган, кўп учрайдиган; **преобладáющее мне́ние** кўпчиликни ташкил этучи фикр; **преобладáющая расти́тельность** кўп учрайдиган ўсимликлар.

Преображáть *несов.* қ. преобрази́ть.

Преображáться *несов.* 1. қ. преобрази́ться; 2. *страд. от* преображáть (к.).

Преображе́ние *ср мн. нет* 1. ўзгартириш, шаклини (қиёфасини) ўзгартириш; 2. ўзгариш, шакли (қиёфаси) ўзгариш.

преображу́, преобрази́шь *буд. от* **преобрази́ть** (к.).

Преобрази́ть *сов.* шаклини ўзгартирмоқ, қиёфасини ўзгартириб юбормоқ; **Большо́й Ферга́нский кана́л преобрази́л зе́мли Ферга́нской доли́ны** Катта Фарғона канали Фарғона водисидаги ерларнинг қиёфасини ўзгартириб юборди.

Преобрази́ться *сов.* ўзгариб кетмоқ, ўзгариб бошқача шаклга кирмоқ; **за го́ды сове́тской вла́сти на́ша страна́ преобрази́лась** совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизнинг қиёфаси ўзгариб кетди.

Преобразова́ние *ср* 1. *только ед.* ўзгартириш, ўзгартириб юбориш, қайтадан тузиш; айлантириш; **план преобразова́ния приро́ды** табиатни ўзгартириш плани; **преобразова́ние электри́ческой эне́ргии** электр энергиясини бошқа тур энергияга айлантириш; **преобразова́ние электри́ческого то́ка** бир тур электр токини бошқа тур электр токига айлантириш; 2. ислоҳот, қайта қуриш; **эпо́ха вели́ких социалисти́ческих преобразова́ний** улуғ социалистик қайта қуришлар даври; 3. *физ., мат.* алмаштириш; ўзгартириш; **преобразова́ние координа́т** координаталарни алмаштириш.

Преобразова́тель *м* 1. ўзгартиручи, қайта қуручи; **Мичу́рин — преобразова́тель приро́ды** Мичурин — табиатни ўзгартируучи; **сове́тские лю́ди — по́длинные хозя́ева и преобразова́тели жи́зни** совет кишилари ҳаётнинг чин эгалари ва қайта қуручиларидир; 2. *тех., физ.* ўзгартгич; **однокорный преобразова́тель** бир якорьли ўзгартгич.

Преобразова́тельница *ж* қ. преобразова́тель 1.

Преобразова́тельный, -ая,-ое **преобразова́ние** *сўз. сиф.*; **преобразова́тельная подста́нция** *(тех.)* ўзгартириш подстанцияси.

Преобразова́тельский, -ая, -ое ўзгартируучига оид; ўзгартируучига хос; **преобразова́тельская де́ятельность** ўзгартируучилик фаолияти.

Преобразова́ть *сов.* 1. тубдан ўзгартирмоқ, янгидан қурмоқ; 2. *физ., мат.* айлантирмоқ, алмаштирмоқ, ўзгартирмоқ; **преобразова́ть** теплову́ю эне́ргию в электри́ческую иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантирмоқ; **преобразова́ть** алгебрайческое выраже́ние алгебраик ифодани алмаштирмоқ.

Преобразова́ться *сов.* 1. тубдан ўзгармоқ, ўзгармоқ; янгидан қу-

нлмоқ; 2. *физ., мат.* айланмоқ, алмашмоқ, ўзгармоқ.

ПРЕОБРАЗО́ВЫВАТЬ *несов.* қ. преобразова́ть.

ПРЕОБРАЗО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. преобразова́ться; 2. *страд. от* преобразо́вывать (қ.).

ПРЕОБРАЗУ́ЮЩИЙ, -ая, -ее тубдан ўзгартируви; ўзгартируви; янгидан қуруви; „Наш сове́тский строй ока́зывает большо́е преобразу́ющее влия́ние на разви́тие всей мирово́й исто́рии" (Булганин) „Бизнинг совет тузумимиз бутун жаҳон тарихининг тараққий этишига жуда катта ўзгартируви та'сир кўрсатмоқда" (Булганин).

ПРЕОДОЛЕВА́НИЕ *ср мн. нет* қ. преодоле́ние.

ПРЕОДОЛЕВА́ТЬ *несов.* қ. преодоле́ть.

ПРЕОДОЛЕВА́ТЬСЯ *несов. страд. от* преодолева́ть (қ.).

ПРЕОДОЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* енгиш, енгиб чиқиш, устун (голиб) келиш; бартараф қилиш, йўқотиш; преодоле́ние тру́дностей қийинчиликларни енгиш; преодоле́ние пережи́тков капитали́зма в созна́нии люде́й кишилар онгидаги капитализм қолдиқларини йўқотиш.

ПРЕОДОЛЕ́ТЬ *сов.* 1. *экс.* енгмоқ, енгиб чиқмоқ, голиб келмоқ, устун келмоқ; преодоле́ть врага́ душманни енгмоқ; 2. || енгиб ўтмоқ, бартараф қилмоқ; йўқотмоқ, барҳам бермоқ; преодоле́ть экономи́ческую отста́лость иқтисодий қолоқликка барҳам бермоқ; преодоле́ть недоста́тки камчиликларни йўқотмоқ; 3. енгмоқ, бардош бермоқ, чидамоқ; преодоле́ть лень яқовликни енгмоқ; преодоле́ть сон уйқуни енгмоқ; преодоле́ть боль оғриққа чидамоқ (бардош бермоқ).

ПРЕОДОЛИ́МЫЙ, -ая, -ое енгиб бўладиган, енгиш мумкин бўлган.

ПРЕПАРА́Т *м* 1. препарат (ҳайвон ёки ўсимликнинг ўрганиш, текшириш, кузатиш учун махсус ажратилган парчаси); препара́т лягу́шки қурбақа препарати; 2. *махс.* препарат, дори (лаборатория ёки фабрикада тайёрланган химик ёхуд фармацевтик маҳсулот); медици́нский препара́т медицина препарати; 3. *хим.* препарат, модда (химик жиҳатдан текшириш учун тайёрланган модда).

ПРЕПАРА́ТНЫЙ, -ая, -ое *махс.* препара́т сўз. сиф.; қ. препара́т.

ПРЕПАРА́ТОР *м махс.* препаратор, препаратлар тайёрловчи ходим.

ПРЕПАРА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое *махс.* препара́тор сўз. сиф.; қ. препара́тор.

ПРЕПАРА́ТЧИК *м махс.* фармацевт, аптекада дори тайёрловчи киши.

ПРЕПАРИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое препарат қилинган, ишлаб чиқилган; препари́рованная ткань препарат қилинган тўқима.

ПРЕПАРИ́РОВАТЬ *сов. и несов. махс.* препарат тайёрламоқ; препари́ровать мы́шцу мускул препаратини тайёрламоқ.

ПРЕПАРИ́РОВАТЬСЯ *несов.* препарат тайёрланмоқ.

ПРЕПАРОВА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* препарат тайёрлашга оид; препарова́льная ва́нночка препарат тайёрлаш ванначаси.

ПРЕПАРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* 1. препаратга оид; 2. *сущ.* препаро́вочная *ж* препаратхона, препарат тайёрланадиган жой.

ПРЕПИНА́НИЕ: зна́ки препина́ния *(грам.)* тиниш белгилари; поста́вить зна́ки препина́ния тиниш белгиларини қўйиб чиқмоқ.

ПРЕПИРА́ТЕЛЬСТВО *ср манф.* мунозара, муноқаша, олишув, тортишув.

ПРЕПИРА́ТЬСЯ *несов.* мунозара (муноқаша) қилишмоқ, тортишмоқ.

ПРЕПОДАВА́НИЕ *ср мн. нет* дарс бериш, ўқитиш, та'лим бериш; ме́тод преподава́ния ўқитиш методи; занима́ться преподава́нием дарс бериш билан шуғулланмоқ.

ПРЕПОДАВА́ТЕЛЬ *м* ўқитувчи, муаллим.

ПРЕПОДАВА́ТЕЛЬНИЦА *ж* ўқитувчи аёл, муаллима.

ПРЕПОДАВА́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое преподава́тель сўз. сиф.; ўқитувчига (муаллимга) оид, ўқитувчиликка оид;

преподава́тельский коллекти́в ўқитувчилар коллективи; **преподава́тельский о́пыт** ўқитувчилар тажрибаси.

ПРЕПОДАВА́ТЬ I *несов.* ўқитмоқ, дарс бермоқ; **преподава́ть фи́зику** физикадан дарс бермоқ; **преподава́ть в шко́ле** мактабда дарс бермоқ.

ПРЕПОДАВА́ТЬ II *несов.* қ. **преподать**.

ПРЕПОДАВА́ТЬСЯ *несов.* ўқитилмоқ, дарс берилмоқ.

преподади́м, преподади́те, преподаду́т *буд. от* **преподать** (қ.).

ПРЕПОДА́ТЬ *сов. эск.* бермоқ (насиҳат, маслаҳат, сабоқ ва ҳ. к. бермоқ), ўргатмоқ, ўқитмоқ; **преподать сове́т** маслаҳат бермоқ.

преподаю́, преподаёшь *наст. от* **преподава́ть** I, II (қ.).

преднёс, преднесла́ *прош. от* **преподнести́** (қ.).

ПРЕПОДНЕСЕ́НИЕ *ср мн. нет* қ. **преподноше́ние**.

ПРЕПОДНЕСТИ́ *сов.* 1. тақдим этмоқ, тортиқ қилмоқ; **преподнести́ пода́рок** совға тақдим қилмоқ; 2. ‖ *ҳазл.* ва *кест.* беҳосдан (кутилмаганда) тақдим қилмоқ, тўсатдан ма'лум қилмоқ, қўққисдан (кутилмаганда) хабар бермоқ; **преподнести́ неприя́тную но́вость** қўққисдан ёмон хабар келтирмоқ.

ПРЕПОДНОСИ́ТЬ *несов.* қ. **преподнести́**.

ПРЕПОДНОСИ́ТЬСЯ *несов. страд. от* **преподноси́ть** (қ.).

ПРЕПОДНОШЕ́НИЕ *ср эск.* 1. *только ед.* тақдим этиш, тортиқ қилиш; 2. тортиқ, ҳад'я, совға; **це́нное преподноше́ние** қимматли тортиқ.

преподношу́, преподно́сишь *наст. от* **преподноси́ть** (қ.).

ПРЕПО́НА *ж* тўсиқ, тўғоноқ, ғов; **чини́ть препо́ны** кому-н. бирор кишига тўсқинлик қилмоқ.

ПРЕПОРУЧА́ТЬ *несов.* қ. **препоручи́ть**.

ПРЕПОРУЧА́ТЬСЯ *несов. эск.* топширилмоқ, ишониб берилмоқ, ишониб қўйилмоқ.

ПРЕПОРУЧИ́ТЬ *сов. эск.* топширмоқ, ишониб бермоқ, ишониб қўймоқ.

ПРЕПОЯ́САТЬ *сов. эск.* бел боғламоқ.

ПРЕПОЯ́САТЬСЯ *сов. эск.* ўз белига белбоғ ёки тасма боғлаб олмоқ.

ПРЕПОЯ́СЫВАТЬ *несов.* қ. **препоясать**.

ПРЕПОЯ́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ **препоя́саться**; 2. белига белбоғ ёки тасма боғлаб қўймоқ.

препоя́шу, препоя́шешь *буд. от* **препоясать** (қ.).

ПРЕПРОВОДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *расм.* бирор ҳужжатга илова қилинган, қўшиб юборилади-ган; **препроводи́тельная запи́ска** илова қилинган (қилинадиган) хат.

ПРЕПРОВОДИ́ТЬ *сов. расм.* 1. жўнатмоқ, юбормоқ; **препроводи́ть докуме́нт** ҳужжатни юбормоқ; 2. *эск.* ўтказмоқ, бирмунча вақт бўлмоқ.

ПРЕПРОВОЖДА́ТЬ *несов.* қ. **препроводи́ть**.

ПРЕПРОВОЖДА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **препровожда́ть** (қ.)

ПРЕПРОВОЖДЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. **препроводи́ть** фе'лининг ҳаракат номи; 2. **препровожде́ние вре́мени = времяпрепровожде́ние** (қ.).

препровожу́, препрово́дишь *буд. от* **препроводи́ть** (қ.).

ПРЕПЯ́ТСТВИЕ *ср* 1. тўсиқ, тўсқин, тўсқинлик, қаршилик; ғов; **есте́ственные препя́тствия** (*ҳарб.*) табиий тўсиқлар; **иску́сственное препя́тствие** сун'ий тўсиқ (ғов); **скачки с препя́тствиями** 1) *спорт.* тўсиқлардан ўтиш пойгаси (отда); 2) ‖ *ҳазл.* зўр машаққат блан амалга оширилган нарса; 2. ‖ тўсқинлик, қаршилик, тўғоноқ, ғов; **чини́ть препя́тствия кому́-н.** бирор кишига тўсқинлик қилмоқ; **наро́дная эне́ргия лома́ет все препя́тствия на своём пути́** халқ қуввати ўз йўли устидаги барча ғовларни парчалаб ташлайди.

ПРЕПЯ́ТСТВОВАТЬ *несов.* қаршилик (тўсқинлик) кўрсатмоқ, қаршилик (тўсқинлик) қилмоқ, тўсқин бўлмоқ, ғов (тўғоноқ) солмоқ, халал бермоқ; **препя́тствовать чьим-н. на-**

ме́рениям бирор кишининг ниятларига тўсқинлик қилмоқ.

ПРЕРВА́ТЬ *сов.* 1. кесиб қўймоқ, узиб (бўлиб) қўймоқ, тўхтатиб қўймоқ; **мы прерва́ли свой разгово́р** гапимизни тўхтатиб қўйдик; **прерва́ть свою рабо́ту** ўз ишини тўхтатиб қўймоқ; 2. гапини бўлмоқ; **прерва́ть докла́дчика вопро́сом** савол бериб докладчининг сўзини бўлиб қўймоқ.

ПРЕРВА́ТЬСЯ *сов.* узилмоқ, кесилмоқ, бўлинмоқ, тўхтаамоқ, узилиб (тўхтаб) қолмоқ, узилиш бўлмоқ; **разгово́р прерва́лся** гап бўлинди, гап узилиб қолди.

прерву́, прервёшь *буд. от* **прерва́ть** *(қ.).*

ПРЕРЕКА́НИЕ *ср* айтишиш, гап қайтариш, тортишиш; **вступи́ть в прекре́кания с кем-н.** бирор киши билан айтишиб қолмоқ.

ПРЕРЕКА́ТЬСЯ *несов. с. т.* айтишмоқ, гап қайтармоқ, тортишмоқ.

ПРЕ́РИЯ *ж* прерия (Шимолий Америка дашти).

ПРЕРОГАТИ́ВА *ж юр.* алоҳида ҳуқуқ, айрим имтиёз; **прерогати́ва вла́сти** ҳокимият эгаси ёки органининг алоҳида ҳуқуқи.

ПРЕРЫВА́ТЕЛЬ *м тех., физ.* узгич (электр токи занжирини қисқа вақтга автоматик суратда узиб-улаб турадиган асбоб); **молото́чковый прерыва́тель** болғачали узгич.

ПРЕРЫВА́ТЬ *несов. қ.* **прерва́ть.**

ПРЕРЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **прерва́ться**; 2. *страд. от* **прерыва́ть** *(қ.).*

ПРЕРЫВА́ЮЩИЙСЯ, -аяся, -ееся 1. **прерыва́ться** фе'лининг сифатдоши; 2. узилиб-узилиб (бўлиниб-бўлиниб) чиқадиган, титроқ; узуқ-узуқ (овоз ҳақида); **прерыва́ющийся го́лос** бўлиниб-бўлиниб (узилиб-узилиб) чиқадиган овоз, титроқ овоз.

ПРЕРЫ́ВИСТО *нареч.* узиб-узиб, узилиб-узилиб, тўхтаб-тўхтаб, титраб; **преры́висто гуде́л гудо́к** гудок узилиб-узилиб чалинарди; **дыша́ть преры́висто** узуқ-узуқ (энтикиб-энтикиб) нафас олмоқ.

ПРЕРЫ́ВИСТЫЙ, -ая, -ое 1. узуқ-узуқ; **преры́вистый ток** узуқ-узуқ ток; 2. узуқ-узуқ; тўхтаб-тўхтаб чиқадиган, титроқ; **прерывистые зву́ки** узуқ-узуқ товушлар.

пресёк, пресекла́ *прош. от* **пресе́чь** *(қ.).*

ПРЕСЕКА́ТЬ *несов. қ.* **пресе́чь.**

ПРЕСЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **пресе́чься**; 2. *страд. от* **пресека́ть** *(қ.).*

пресеку́, пресечёшь, пресеку́т *буд. от* **пресе́чь** *(қ.).*

ПРЕСЕЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* кесиш, тўсиш, олдини олиш, чора кўриш; **ме́ры пресече́ния** *(юр.)* эҳтиёт чоралари (айбдорнинг жавобгарликдан бош тортиб қочмаслиги учун терговчи томонидан кўриладиган чоралар).

ПРЕСЕ́ЧЬ *сов.* тўхтатиб қўймоқ, кесиб қўймоқ, олдини олмоқ, барҳам бермоқ, йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; **пресе́чь зло в ко́рне** ёвузликни таг-томири билан йўқотмоқ.

ПРЕСЕ́ЧЬСЯ *сов.* тўхтаб қолмоқ, узилиб қолмоқ, тугамоқ, бўлинмоқ, ўчмоқ.

ПРЕСЛЕ́ДОВАНИЕ *ср* 1. та'қиб қилиш, пайига (изига) тушиш, қувлаб бориш; **преследование врага́** душманни қувлаб (та'қиб қилиб) бориш; **ма́ния преследования** қ. **ма́ния** 1; 2. та'қиб, қувғин; та'қиб (қувғин) қилиш; **борцы́ за мир в капиталисти́ческих стра́нах подверга́ются преследованию** капиталистик мамлакатларда тинчлик курашчилари қувғин қилинмоқдалар.

ПРЕСЛЕ́ДОВАТЕЛЬ *м* та'қиб қилувчи, изига (кетига, пайига) тушувчи, қувғин қилувчи.

ПРЕСЛЕ́ДОВАТЕЛЬНИЦА *ж қ.* **преследователь.**

ПРЕСЛЕ́ДОВАТЬ *несов.* 1. та'қиб қилмоқ, кетидан қувмоқ, пайига (изига, кетига) тушмоқ; **преследовать проти́вника** душманни қувлаб (та'қиб қилиб) бормоқ; **преследовать зве́ря** йиртқич ҳайвоннинг изига тушмоқ; 2. ‖ азобламоқ, қийналмоқ; **мысль о мое́й оши́бке преследу́ет меня́** қилган хатом ҳақидаги фикр мени қийнайди (тинчитмайди); 3. ‖ безор қилмоқ, жонига тегмоқ; **преследовать**

кого́-н. насме́шками бирор кишини калака қилиб жонига тегмоқ; 4. та'қиб қилмоқ, қувғин қилмоқ; капитали́сты жесто́ко пресле́дуют дея́телей рабо́чего движе́ния капиталистлар ишчилар ҳаракатининг арбобларини қаттиқ та'қиб қилмоқдалар; 5. кўзламоқ, интилмоқ. пайига тушмоқ, кетига тушмоқ; пресле́довать како́ю-н. це́ль бирор мақсадни кўзламоқ; пресле́довать со́бственные интере́сы ўз манфаатини кўзламоқ.

ПРЕСЛЕ́ДОВАТЬСЯ *несов.* 1. та'қиб этилмоқ, кетидан қувилмоқ, қувлаб борилмоқ; 2. та'қиб (қувғин) қилинмоқ; 3. кўзда тутилмоқ; кака́я цель пресле́дуется ва́ми? сиз қандай мақсадни кўзда тутаяпсиз?

ПРЕСЛОВУ́ТЫЙ. -ая, -ое *манф.* машҳур; бадном, ёмон от кўтарган, ёмонликда ном чиқарган.

ПРЕСМЫКА́ТЕЛЬСТВО *ср мн. нет манф.* ўтакетган лаганбардорлик, учига чиққан хушомадгўйлик.

ПРЕСМЫКА́ТЬСЯ *несов.* 1. *эск.* судралмоқ, ўрмаламоқ, судралиб (ўрмалаб) юрмоқ; 2. ‖ *манф.* жуда ҳам лаганбардорлик(хушомадгўйлик)қилмоқ, жилпанглламоқ.

ПРЕСМЫКА́ЮЩИЙСЯ, -аяся, -ееся 1. пресмыка́ться фе'лининг сифатдоши; 2. *сущ.* пресмыка́ющиеся *мн.* (*ед.* пресмыка́ющееся *ср*) *зоол.* судралиб юрувчилар, ўрмаловчилар.

ПРЕСНОВО́ДНЫЙ, -ая, -ое чучук сувга оид; чучук сувда яшовчи; пресново́дные ры́бы чучук сувда яшовчи балиқлар.

ПРЕ́СНЫЙ, -ая, -ое 1. чучук; тузсиз; пре́сное о́зеро чучук кўл; пре́сная вода́ чучук сув; 2. ширатитир, тузсиз, камтуз; қалампир, сирка ва ш. к.лар солинмаган; пре́сное блю́до ширатитир овқат; 3. оширилмаган, бехамиртуруш, бемайиқи; пре́сное те́сто оширилмаган хамир; 4. ‖ *с. т.* бемаза, сийқа, чучмал, тузсиз; пре́сный анекдо́т бемаза латифа, сийқа анекдот.

ПРЕСПОКО́ЙНО *нареч. с. т.* 1. жуда осойишталик билан, тинчгина; 2. бемалол, ҳеч э'тибор бермай, парвойи-фалагига келтирмай.

ПРЕСПОКО́ЙНЫЙ, -ая, -ое *с. т.* жуда осойишта, тинч, жим; преспоко́йным о́бразом жуда осойишта бир тарзда, жуда тинч ҳолатда.

ПРЕСС *м* 1. пресс, исканжа, тахтакач; положи́ть что-н. под пресс бирор нарсани пресс остига бостирмоқ; гидравли́ческий пресс гидравлик пресс; винтово́й пресс винт (винтли) пресс; 2. *с. т. қ.* пресс-папье́; ◇ *брюшно́й пресс (анат.)* қорин мускуллари.

ПРЕ́ССА *ж* вақтли матбуот, матбуот; сове́тская пре́сса совет матбуоти; теат**ра́**льная пресса театр матбуоти; по о́тзывам пре́ссы матбуот берган баҳоларга кўра.

ПРЕСС-БЮРО́ *ср нескл. махс.* матбуот бюроси (элчихоналарда, ваколатхоналарда информация бўлими, матбуот бюроси).

ПРЕСС-КОНФЕРЕ́НЦИЯ *ж* матбуот конференцияси (матбуот вакилларининг ма'лум шахс ёки ташкилот томонидан оммавий-сиёсий масалалар юзасидан ахборот бериш учун чақириладиган мажлиси).

ПРЕССОВА́НИЕ *ср мн. нет махс.* пресслаш, исканжага олиш, тахтакачлаш.

ПРЕССО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1. прессова́ть фе'лининг сифатдоши; 2. пресслanган, исканжага олинган, тахтакачланган; прессо́ванный таба́к пресслanган тамаки.

ПРЕССОВА́ТЬ *несов. махс.* пресслamоқ, исканжага олмоқ, тахтакачламоқ; прессова́ть хло́пок пахтани жойламоқ; прессова́ть се́но пичанни пресслamоқ.

ПРЕССОВА́ТЬСЯ *несов.* пресслanмоқ, исканжага олинмоқ, тахтакачланмоқ.

ПРЕССО́ВКА *ж қ.* прессова́ние.

ПРЕССО́ВЩИК *м махс.* прессчи, пресслаш ишлайдиган ишчи.

ПРЕСС-ПАПЬЕ́ *ср нескл.* босма.

ПРЕСТА́ВИТЬСЯ *сов. эск.* вафот этмоқ, ўлмоқ.

ПРЕСТАВЛЕ́НИЕ: све́та преставле́ние=светопреставле́ние (*қ.*).

ПРЕСТАРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое жуда қари, мўйқиллаган.

ПРЕСТИ́Ж *м* обрў, э'тибор, та'сир; ша'н.

ПРЕСТО́Л *м* 1. тахт; **вступи́ть на престо́л** тахтга ўтирмоқ; **сверну́ть с престо́ла** тахтдан туширмоқ (йиқитмоқ); **отре́чься от престо́ла** тахтдан воз кечмоқ; 2. *черк.* минбар, арш.

ПРЕСТОЛОНАСЛЕ́ДИЕ *ср мн. нет* тахт ворислиги, тахтнинг отадан болага мерос тариқасида ўтиши.

ПРЕСТОЛОНАСЛЕ́ДНИК *м* тахт вориси, валиаҳд.

ПРЕСТО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *эск.* 1. **престо́л** *сўз. сиф.*; тахтга оид; **престо́льный го́род** пойтахт шаҳри; 2. **престо́льный пра́здник** *(черк.)* бирор авлиёга бағишлаб солинган черковга қарашли қавмларнинг шу авлиё шарафига ўтказилган диний байрами.

ПРЕСТУПА́ТЬ *несов.* қ. **преступи́ть**.

ПРЕСТУПА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **преступа́ть** *(қ.)*.

ПРЕСТУПИ́ТЬ *сов. эск.* 1. ўтмоқ, ошиб (ҳатлаб) ўтмоқ; **преступи́ть поро́г** остона ҳатлаб ўтмоқ; 2. ‖ четга чиқмоқ; **преступи́ть зако́н** қонундан четга чиқмоқ (қонунни бузмоқ).

ПРЕСТУПЛЕ́НИЕ *ср* 1. *эск.* ўтиш, ошиб (ҳатлаб) ўтиш; 2. жиноят, хиёнат; **соверши́ть преступле́ние** хиёнат қилмоқ; **государ́ственное преступле́ние** давлатга қилинган хиёнат; **тя́гчайшее преступле́ние** энг оғир жиноят; **соста́в преступле́ния** *(юр.)* жиноят состави; **поймать кого́-н. на ме́сте преступле́ния** бирор кишини жиноят устида қўлга туширмоқ; 3. ‖ *с. т.* нотўғри иш, жиноят.

ПРЕСТУ́ПНИК *м* жиноятчи, хиёнатчи; **государ́ственный престу́пник** давлатга хиёнат қилган одам; **вое́нный престу́пник** ҳарбий жиноятчи; **уголо́вный престу́пник** жиноятчи.

ПРЕСТУ́ПНИЦА *жқ.* **престу́пник**.

ПРЕСТУ́ПНОСТЬ *жмн. нет* 1. жиноийлик; **престу́пность де́йствий** хатти-ҳаракатнинг жиноийлиги; 2. жиноятчилик, жиноятқорлик (жиноятлар сони); **рост престу́пности в капиталисти́ческих стра́нах** капиталистик мамлакатларда жиноятчиликнинг ўсиб бориши.

ПРЕСТУ́ПНЫЙ, -ая, -ое 1. **преступле́ние** *сўз. сиф.*; жиноий, жиноятқорона; **престу́пная небре́жность** жиноятқорона эҳтиётсизлик; **престу́пное де́йствие** жиноятқорона хатти-ҳаракат; **престу́пные пла́ны агре́ссоров** агрессорларнинг жиноий планлари; 2. жиноятқорларга (жиноятчиларга) оид; **престу́пный мир** жиноятқорлар доираси; **престу́пная ша́йка** жиноятчилар тўдаси.

ПРЕСЫ́ТИТЬ *сов.* 1. *эск.* миритмоқ, жуда тўйдирмоқ, тўйдириб юбормоқ; 2. ‖ тўйдирмоқ, зериктириб юбормоқ; бездирмоқ, жонига тегмоқ.

ПРЕСЫ́ТИТЬСЯ *сов.* 1. *эск.* миритмоқ, жуда тўймоқ, тўйиб кетмоқ; 2. ‖ тўймоқ, зерикиб кетмоқ, безмоқ.

ПРЕСЫЩА́ТЬ *несов. эск.* қ. **пресы́тить**.

ПРЕСЫЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **пресы́титься**; 2. *страд. от* **пресыща́ть** *(қ.)*.

ПРЕСЫЩЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. *эск.* миритиш, жуда тўйиш, тўйиб кетиш; миритириш, жуда тўйдириш; 2. ‖ тўйиш, зерикиш, безиш, жонга тегиш.

ПРЕСЫ́ЩЕННОСТЬ *ж мн. нет* жуда тўйганлик, миритқанлик.

ПРЕСЫ́ЩЕННЫЙ, -ая, -ое 1. жуда тўйдирилган; 2. ‖ жуда тўйган, жуда тўйинган.

пресы́щу, пресы́тишь *буд. от* **пресы́тить** *(қ.)*.

ПРЕТВОРЕ́НИЕ *ср* амалга ошириш, турмушга татбиқ этиш.

ПРЕТВОРИ́ТЬ *сов.* амалга оширмоқ, турмушга татбиқ этмоқ; **претвори́ть в жизнь** амалга оширмоқ; **претвори́ть мечты в действи́тельность** орзуларни амалга оширмоқ.

ПРЕТВОРИ́ТЬСЯ *сов.* амалга ошмоқ.

ПРЕТВОРЯ́ТЬ *несов.* қ. **претвори́ть**.

ПРЕТВОРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **претвори́ться**; 2. амалга оширилмоқ.

ПРЕТЕНДЕ́НТ *м* да'вогар, талабгор (бирор нарсадан илинжи бўлган одам).

ПРЕТЕНДЕ́НТКА *жқ.* **претенде́нт**.

ПРЕТЕНДОВА́ТЬ *несов.* да'во қилмоқ, талаб қилмоқ, илинжи бўлмоқ;

претендова́ть на како́е-н. до́лжность бирор мансабни да'во қилмоқ, бирор мансаб илинжида бўлмоқ.

ПРЕТЕ́НЗИЯ *ж* 1. *махс.* да'во, талаб; изложи́ть свой прете́нзии ўз талабларини баён этмоқ; прете́нзия на насле́дство мерос да'воси; удовлетвори́ть чьи-н. прете́нзии бирор кишининг талабларини қондирмоқ; 2. да'во, илинж; да'вогар бўлиш; ўзини катта олиш; челове́к с прете́нзиями ўзига бино қўйган одам; ◇ *быть в прете́нзии на кого́-н.* (*с. т.*) бировдан ўпкаламоқ (гина қилмоқ).

ПРЕТЕНЦИО́ЗНОСТЬ *ж мн. нет манф.* да'во қилишлик; илинждор бўлишлик; ўзини юқори тутишлик.

ПРЕТЕНЦИО́ЗНЫЙ, -ая, -ое 1. *махс.* прете́нзия 1 *сўз. сиф.*; претенцио́зные дела́ да'во ишлари; 2. *манф.* да'во қилувчи; илинждор; ўзини юқори қўювчи; **претенцио́зный хара́ктер** ўзини юқори тутиш характери; 3. *манф.* сертаманно, таманнокорона; оҳонжамали; **претенцио́зный смех** таманноли кулги.

ПРЕТЕРПЕВА́ТЬ *несов.* қ. претерпе́ть.

ПРЕТЕРПЕ́ТЬ *сов.* 1. чидамоқ, бардош қилмоқ; бошдан кечирмоқ, тортмоқ; **он претерпе́л мно́го лише́ний** у кўп машаққат тортди; 2. ўзгаришларга учрамоқ, дучор бўлмоқ; **претерпе́ть измене́ния** ўзгаришларга учрамоқ.

ПРЕТИ́ТЬ *несов.* нафратлантирмоқ, жиркантирмоқ, кўнглини айнитмоқ; кўнгилга урмоқ; **мне претя́т э́ти разгово́ры** бу гаплар кўнглимга урди.

ПРЕТКНОВЕ́НИЕ: ка́мень преткнове́ния қ. ка́мень.

ПРЕТОРИА́НЕЦ *м* (*мн.* преториа́нцы) *тар.* преторианчи (қадимги Рим лашкарбошиларининг ва императорларининг имтиёзли шахсий қоровулигидаги лашкар жангчиси).

ПРЕТОРИА́НСКИЙ, -ая, -ое *тар.* преториа́нец *сўз. сиф.*; қ. преториа́нец.

ПРЕТЬ I *несов.* 1. чиримоқ, димиқмоқ, ушиқмоқ; соло́ма пре́ет похол чирияпти; 2. бўрсимоқ, намиқмоқ (иссиқдан); **земля́ весно́й пре́ет** ер кўкламда бўрсийди.

ПРЕТЬ II *несов. махс.* димланмоқ, дам емоқ; **плов пре́ет** палов дам еяпти.

ПРЕТЬ III *несов. содд.* терламоқ, буғланмоқ.

ПРЕУВЕЛИЧЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* орттириб (бўрттириб) юбориш, муболаға қилиш; лоф уриш; преувеличе́ние тру́дностей қийинчиликларни орттириб кўрсатиш; 2. муболаға, лоф; **говоря́ без преувеличе́ний**... муболағасиз айтганда...

ПРЕУВЕЛИ́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1. орттириб юборилган, бўрттириб кўрсатилган, муболаға (лоф) қилинган; **э́то преувели́чено ва́ми** буни сиз орттириб (ваҳима қилиб) юборгансиз; 2. ошириб кўрсатилган; преувели́ченные да́нные ошириб кўрсатилган ма'лумотлар.

ПРЕУВЕЛИ́ЧИВАТЬ *несов.* қ. преувели́чить.

ПРЕУВЕЛИ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* орттириб (бўрттириб) юборилмоқ, муболаға (лоф) қилинмоқ, орттириб кўрсатилмоқ.

ПРЕУВЕЛИ́ЧИТЬ *сов.* 1. орттириб (бўрттириб) юбормоқ; **преувели́чить опа́сность** хавф-хатарни бўрттириб кўрсатмоқ; 2. лоф урмоқ, муболаға қилмоқ; **он лю́бит преувели́чить** у лоф уришни яхши кўради.

ПРЕУМЕНЬША́ТЬ *несов.* қ. преуме́ньшить.

ПРЕУМЕНЬША́ТЬСЯ *несов. страд. от* **преуменьша́ть** (*қ.*).

ПРЕУМЕНЬШЕ́НИЕ *ср мн. нет* кичрайтириб (камайтириб) кўрсатиш, камситиш, ерга уриш.

ПРЕУМЕ́НЬШИТЬ, ПРЕУМЕНЬШИ́ТЬ *сов.* кичик қилиб (камайтириб) кўрсатмоқ, ерга урмоқ, камситмоқ; **преуме́ньшить значе́ние чего́-н.** бирор нарсанинг аҳамиятини камситмоқ.

преуме́ньшу, преуме́ньшишь *буд. от* **преуме́ньшить** (*қ.*).

ПРЕУМНОЖА́ТЬ *несов.* кўп марта орттирмоқ, кўпайтирмоқ; **сове́тские лю́ди свои́м трудо́м преумножа́ют успе́хи** коммунисти́ческого строй-

тельства совет кишилари ўз меҳнатлари блан коммунистик қурилиш ютуқларини кўп марта орттирмоқдалар.

ПРЕУСПЕВА́НИЕ *ср* зўр муваффақият, катта ютуқ.

ПРЕУСПЕВА́ТЬ *нсов.* 1. катта муваффақият қозонмоқ; „Общепризнано, что никака́я нау́ка не мо́жет развива́ться и преуспева́ть без борьбы́ мне́ний, без свобо́ды кри́тики" (Сталин) „Фикрлар кураши бўлмаса, эркин танқид бўлмаса, ҳеч қандай фаннинг ривожланаолмаслигини ва муваффақият қозонаолмаслигини ҳамма э́тирооф қилади" (Сталин); 2. *кест.* роҳатда (ҳузур-ҳаловатда) яшамоқ; тинч бўлмоқ; шод-хуррам яшамоқ; **преуспева́ть в жи́зни** турмушнинг ҳузур-ҳаловатини сурмоқ.

ПРЕУСПЕ́ТЬ *сов.* катта муваффақиятга эришмоқ.

ПРЕУСПЕЯ́НИЕ *ср эск. к.* **преуспева́ние.**

ПРЕФЕ́КТ *м расм.* префект [1. *тар.* қадимги Римда—турли ма'мурий ва ҳарбий мансабларнинг номи; 2. Францияда ва бошқа ба'зибир мамлакатларда—префектура (департамент, область, вилоят) бошлиги; 3. ба'зи буржуа мамлакатларда шаҳар полицияси бошлиги].

ПРЕФЕКТУ́РА *ж* префектура (1. префект маҳкамаси; *қ.* **преф́ект** 1; 2. ба'зи мамлакатларда — ма'мурий область, вилоят).

ПРЕФЕРА́НС *м мн. нет* преферанс (карта ўйинларидан бири).

ПРЕФЕРЕНЦИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* преференциал, афзал, энг яхши, имтиёзли; **преференциа́льный тари́ф** преференциал тариф; имтиёзли тариф.

ПРЕФЕРЕ́НЦИЯ *ж махс.* преференция, афзаллик, имтиёз, қулайлик; **экономи́ческие преферéнции** иқтисодий имтиёзлар.

ПРЕ́ФИКС *м грам.* префикс, олдқўшимча.

ПРЕФИКСА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *грам.* **преф́икс** *сўз. сиф.*; олдқўшимчага оид, олдқўшимчали; **префикса́льный глаго́л** олдқўшимчали фе'л.

ПРЕФИКСА́ЦИЯ *ж мн. нет грам.* олдқўшимча ишлатиш, олдқўшимчанинг ишлатилиши, олдқўшимчанинг борлиги.

ПРЕХОДЯ́ЩИЙ, -ая, -ее ўткинчи, вақтинча; омонат; **преходя́щее явле́ние** ўткинчи ҳодиса; **противоре́чия капитали́зма свиде́тельствуют о его́ истори́чески преходя́щем хара́ктере** капитализм зиддиятлари унинг тарихан омонат эканлигидан далолат беради.

ПРЕЦЕДЕ́НТ *м* прецедент (ўзидан кейин содир бўладиган худди шу турдаги воқиаларга ўрнак, мисол бўлари ҳодиса, воқиа, ҳол).

ПРИ *предлог* предложний падеж блан келганда қуйидаги ма'ноларда ишлатилади: 1. ёнида, олдида, яқинида; **стоя́ть при вхо́де** эшик олдида турмоқ; **би́тва при Бороди́но** Бородино ёнида бўлган жанг; 2. ҳузурида, қошида; **лаборато́рия при институ́те** институт ҳузуридаги лаборатория; **я́сли при заво́де** завод ҳузуридаги ясли; 3. ёнида, қўлида, ўзида; **име́ть при себе́ докуме́нты** ёнида ҳужжатлари бўлмоқ; **быть при ору́жии** қуроли бўлмоқ, қўлида қуроли бўлмоқ; **я не при деньга́х** *(с. т.)* ёнимда пулим йўқ; **при всём моём жела́нии я не могу́ э́того сде́лать** ҳарқанча хоҳласам ҳам бу ишни қилолмайман; 4. замонида, даврида, вақтида, чогда; пайтда; **при Петре́ Пе́рвом** Пётр Биринчи даврида; **при жи́зни Пу́шкина** Пушкин барҳаёт вақтда; **при встре́че** учрашган пайтда; 5. олдида, ҳузурида, иштирокида; **э́тот разгово́р произошёл при мне** бу гап менинг олдимда бўлди; **сказа́ть при свиде́телях** гувоҳлар олдида айтмоқ; 6. шароитни, вазиятни билдирганда қўлланилади; **при перехо́де через у́лицу ну́жно смотре́ть снача́ла нале́во, а пото́м напра́во** кўчани кесиб ўтишда аввал чапга, кейин ўнгга қарамоқ керак; **чита́ть при электри́ческом освеще́нии** электр чироқ ёруғида ўқимоқ; **е́хать при си́льном ве́тре** қаттиқ шамол бўлаётганда бормоқ; **при по́лном молча́нии** тўла сукунатда, чурқ этмай, лом-мим демай, индамай; **оста́ться при осо́бом мне́нии** алоҳида фикрда қолмоқ; 7. туфайли, орқали, блан; **при по́мощи друзе́й** ўртоқлар ёрда-

мида; ◊ *быть при́ смерти* ўлим ҳолатида бўлмоқ; *при э́том* бунда, шу билан бирга.

[при-] I фе'л олдқўшимчаси бўлиб: 1) иш-ҳаракатнинг охирига етганлигини билдирадиган фе'л ясайди; *прие́хать* келиб етмоқ; **приползти́** эмаклаб келиб етмоқ; 2) қўшимчани, илова қилишни, қўшимча қилишни англатадиган фе'лар ясайди, мас., **приста́вить** ёнига келтириб қўймоқ; **приклеи́ть** елимлаб ёпиштирмоқ; 3) бирор нарсага бирор нарсани қўшишни, тўлдиришни билдирадиган фе'лар ясайди, мас., **приписа́ть** қўшимча ёзиб қўймоқ, **приплати́ть** қўшимча тўламоқ, **прикупи́ть** қўшимча сотиб олмоқ; 4) иш-ҳаракатнинг ўзига қайтарилганлигини англатадиган фе'лар ясайди, мас., **присво́ить** ўзиники қилиб олмоқ; 5) иш-ҳаракатнинг юқоридан пастга томон бўлишини англатадиган фе'лар ясайди, мас., **приня́ть** устидан эзмоқ, **придави́ть** устидан босмоқ; 6) иш-ҳаракатнинг тўла бажарилганлигини, охиригача етказилганлигини, муддаодек бўлганлигини билдирадиган фе'лар ясайди, мас. **приучи́ть** одатлантирмоқ, **приохо́тить** рағбатлантирмоқ; қизиқтирмоқ; 7) ҳаракатнинг чала-ярим, кучсиз, салгина бўлишини англатадиган фе'лар ясайди, мас., **приоткры́ть** сал очмоқ, **приглуши́ть** сал пасайтирмоқ; 8) фе'лларнинг тугалланмаган туридан тугалланган турини ясайди, мас., **гото́вить** — **пригото́вить** тайёрламоқ — тайёрлаб бўлмоқ; **слать** — **присла́ть** юбормоқ — юбориб бўлмоқ; 9) **-ива, -ивать** суффикслари фе'лларга қўшилиб иш-ҳаракатнинг бирор бошқа ҳаракат билан биргаликда бўлишини кўрсатади, мас., **прилипа́ть** бирга ўйин тушмоқ, ўйинга тушишмоқ, **приговари́вать** гапириб иш қилмоқ.

[при-] II от олдқўшимчаси бўлиб, бирор нарсага бевосита бориб тақалганликни, ёндошганликни билдирадиган от ва сифатлар ҳосил қилади, мас., **прибре́жье** қирғоқ бўйи, соҳил, **приозёрный** кўл бўйи, кўл атрофидаги, **пристанцио́нный** станция ёни, станция олдидаги.

приба́влю, приба́вишь *буд. от* **прибави́ть** (*қ.*).

ПРИБА́ВИТЬ *сов.* 1 қўшмоқ, қўшимча (илова) қилмоқ, қўшиб қўймоқ, оширмоқ: **прибави́ть со́ли в суп** шўрвага (суюқ ошга) яна туз солмоқ, **прибави́ть зарпла́ту** ишҳақини оширмоқ; **прибави́ть к ска́занному** айтилганга қўшимча қилмоқ, 2. оширмоқ, кўпайтирмоқ, катта қилмоқ; **прибави́ть ша́гу** қадамни илдамлатмоқ; **прибави́ть ско́рость** тезликни оширмоқ; 3. *махс.* кенгайтирмоқ, узайтирмоқ; **прибави́ть в плеча́х** елкаларини кенгроқ қилмоқ (кийим ҳақида); 4. ‖ *с. т.* ўзидан гап қўшмоқ; ёлғон айтмоқ; 5. **прибавь, прибавьте** *(карш. с. т.)* шуни ҳам э'тиборга олинг, назарда тутинг, эсдан чиқарманг; **он пришёл домо́й уста́лый и, прибавьте, серди́тый** у уйга чарчаб ва бунинг устига қовоқ-тумшуғи осилиб келди; 6. *с. т.* семирмоқ, оғирлиги ошмоқ.

ПРИБА́ВИТЬСЯ *сов.* 1. *безл.* қўшилмоқ, ортмоқ, кўпаймоқ; узаймоқ; **наро́ду прибави́лось** халқ кўпайди; **воды́ в реке́ прибави́лось** дар'ёда сув кўпайди; **день прибави́лся** кун узайди; 2. оғирлиги ортмоқ; семирмоқ; **они́ прибави́лись в ве́се** уларнинг оғирлиги ортди (улар семирди).

ПРИБА́ВКА *ж* 1. *только ед.* орттириш, илова қилиш; 2. қўшимча, устама; **получи́ть прибавку** қўшимча олмоқ; **прибавка в ве́се соста́вила два килогра́мма** оғирлиги икки килограмм ошипти.

ПРИБАВЛЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* қўшиш, орттириш (ошириш), илова қилиш; илова; 2. *только ед.* ортиш, катта бўлиш; тезланиш; 3. ортган (орттирилган) нарса; қўшимча, устама; **прибавле́ние семе́йства** янги меҳмон (янги туғилган бола ҳақида).

ПРИБАВЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **приба́вить.**

ПРИБАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **приба́виться**; 2. қўшилмоқ, орттирилмоқ, илова қилинмоқ.

ПРИЗВА́ТЬ *сов.* **1.** чақирмоқ, да'ват этмоқ ундамоқ; **призва́ть на по́мощь** ёрдамга чақирмоқ; **призва́ть к защи́те ро́дины** ватанни ҳимоя қилишга да'ват этмоқ; **2.** чақирмоқ; **призва́ть на вое́нную слу́жбу** ҳарбий хизматга чақирмоқ; **3.** талаб (таклиф) қилмоқ, буюрмоқ, чақирмоқ; **призва́ть к поря́дку** тартибга чақирмоқ; **4.** *эск.* истамоқ, хоҳиш билдирмоқ; **призва́ть прокля́тия на чью-н. го́лову** бировнинг бошига ла'нат ёғдирмоқ; бировни қарғамоқ.

ПРИЗВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* чақирилиб қўймоқ, ҳарбий хизматга чақирилмоқ.

ПРИЗЕ́МИСТОСТЬ *ж мн. нет* гирдиғумлик, паканалик, паст бўйлилик.

ПРИЗЕ́МИСТЫЙ, -ая, -ое **1.** гирдиғум пакана, паст бўйли; **призе́мистый челове́к** гирдиғум одам; **2.** ‖ паст, пастак, ер бағирлаган; **призе́мистый до́мик** пастак уйча.

ПРИЗЕМЛЕ́НИЕ *ср махс.* ерга қўниш, ерга тушиш (учиш аппарати, парашют ва ҳ. к. ҳақида).

ПРИЗЕМЛИ́ТЬ *сов. махс.* ерга қўндирмоқ (учиш аппарати ҳақида); **приземли́ть самолёт** самолётни ерга қўндирмоқ.

ПРИЗЕМЛИ́ТЬСЯ *сов. махс.* ерга қўнмоқ; ерга тушмоқ (учиш аппарати ва парашютист ҳақида), **самолёт приземли́лся** самолёт ерга қўнди; **парашю́тист уда́чно приземли́лся** парашютист ерга қулайлик билан қўнди.

ПРИЗЕМЛЯ́ТЬ *несов. к.* **приземли́ть.**

ПРИЗЕМЛЯ́ТЬСЯ *несов. к.* **приземли́ться.**

ПРИЗЁР *м спорт.* призёр (мусобақада қатнашиб мукофот олган киши).

ПРИ́ЗМА *ж* **1.** *мат.* призма (икки ёғи бир-бирига тенг ва параллель кўнбурчаклардан, қолган барча ёқлари эса параллелограммлардан иборат бўлган кўп ёқлик; **прямая́ при́зма** тўғри призма; **пра́вильная при́зма** мунтазам призма; **2.** *физ.* призма; ◇ ***сквозь при́зму чего́-н. (смотре́ть, вспомина́ть)*** бирор нарса та'сири остида, бирор нарсанинг та'сири билан, бирор нарса орқали (қарамоқ, эсламоқ); **смотре́ть на про́шлое сквозь при́зму настоя́щего** ўтмишга ҳозирги замон назари билан қарамоқ.

ПРИЗМАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **1.** *мат., физ.* призмага оид; призмасимон, призма шаклидаги; **призмати́ческое те́ло** призма шаклидаги жисм; **2.** *физ.* призма воситаси билан ҳосил этилган; **3.** призмали (оптик асбоблар ҳақида); **призмати́ческий бино́кль** призмали дурбин.

ПРИЗНАВА́ТЬ *несов.* **1.** *к.* **призна́ть**; **2.** э'тироф қилмоқ, танимоқ, тан олмоқ; иқрор бўлмоқ; э'тиборга (инобатга) олмоқ, назар-писанд қилмоқ; **„Ленини́зм признаёт за на́шей литерату́рой огро́мное обще́ственно-преобразу́ющее значе́ние"** (Жданов) „Ленинизм адабиётимизнинг гоят зўр ижтимоий қайта қуручи аҳамиятини э'тироф қилади" (Жданов); **призна́ть свою́ оши́бку** ўз хатосига иқрор бўлмоқ, ўз хатосини бўйнига олмоқ; **он никого́ не признаёт** у ҳечкимни инобатга олмайди, у ҳечкимни назар-писанд қилмайди.

ПРИЗНАВА́ТЬСЯ *несов.* **1.** *к.* **призна́ться**; **2.** *страд. от* **признава́ть** *(к.).*

ПРИ́ЗНАК *м* аломат, белги, нишона, ишора; „Самокритика есть признак силы, а не слабости нашей партии" (Сталин) „Ўз-ўзини танқид партиянинг зайфлик аломати эмас, балки куч аломатидир" (Сталин); **при́знаки** весны баҳор нишоналари; **при́знаки** дели́мости *(мат.)* бўлиниш аломатлари; **без при́знаков жи́зни** ҳаёт асари кўринмайди (ўлар ҳолатдаги ёки ўлган одам ҳақида).

ПРИЗНА́НИЕ *ср* 1. *только ед.* таниш, э'тироф қилиш, билиш, топиш, ҳисоблаш; э'тироф; **призна́ние чьей-н. правоты́** бирор кишининг тўғрилигини (ҳақлигини) э'тироф этиш; **призна́ние оши́бочности** своих взгля́дов ўз қарашларининг хато эканлигини тан олиш; 2. *только ед.* ҳурмат қозониш, манзур бўлиш; шуҳрат топиш; **заслужи́ть всео́бщее призна́ние** ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқ; **призна́ние наро́да — са́мая це́нная награ́да для сове́тского челове́ка** халқ ўртасида ҳурмат қозониш — совет киши учун энг қимматли мукофотдир; 3. иқрор бўлиш, бўйинга олиш; тан бериш; **чистосерде́чное призна́ние** чин кўнгилдан иқрор бўлиш; **призна́ние в любви́** муҳаббат изҳор этиш.

ПРИ́ЗНАННЫЙ, -ая, -ое танилган, этанган, шуҳрат қозонган, манзур бўлган, донг чиқазган; **при́знанный писа́тель** танилган ёзучи.

ПРИЗНА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* миннатдорчилик, яхшиликнинг қадрига етишлик.

ПРИЗНА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. миннатдор, яхшиликнинг қадрига етган, яхшиликни билган; **я вам о́чень призна́телен** мен сиздан жуда миннатдорман; 2. миннатдорликни билдирувчи (ифода қилувчи); **призна́тельный взгля́д** миннатдорчилик билан қараш.

ПРИЗНА́ТЬ *сов.* 1. танимоқ, э'тироф қилмоқ, инобатга олмоқ; **призна́ть чьё-н. пра́во на владе́ние** имуществом бирор кишининг мол-мулкига эгалик ҳуқуқини инобатга олмоқ; 2. иқрор бўлмоқ, бўйнига олмоқ; қабул қилмоқ, рози бўлмоқ; **призна́ть свою́ вину́** ўз айбига иқрор бўлмоқ, ўз айбини бўйнига олмоқ; **мы не мо́жем призна́ть э́то пра́вильным** биз буни тўғри деб тополмаймиз; **призна́ть пра́вильность кри́тики** танқидни тўғри деб топмоқ; **призна́ть себя́ побеждённым** ўзининг енгилганлигига иқрор бўлмоқ; 3. ҳисобламоқ, билмоқ; **призна́ть причи́ну** неявки уважи́тельной келмасликнинг сабабини узрли деб ҳисобламоқ; **призна́ть** необходи́мым зарур деб топмоқ; **призна́ть** больны́м касал деб билмоқ; 4. *собд.* танимоқ, билмоқ; **я не сра́зу призна́л вас** мен сизни дарров таниёлмадим.

ПРИЗНА́ТЬСЯ *сов.* 1. иқрор бўлмоқ, бўйнига олмоқ, э'тироф этмоқ; **призна́ться во всём** ҳаммасига иқрор бўлмоқ; 2. изҳор қилмоқ, очиқ айтмоқ; **призна́ться в любви́** муҳаббат изҳор қилмоқ; 3. **призна́ться, признаю́сь** *(кирш. с. т.)* очиғини айтганда, ростини (тўғрисини) айтганда; очиғини (ростини) айтсам; **призна́ться, я тогда́ не по́нял вас** тўғрисини айтсам, ўша пайтда гапингизни англамаган эканман; **признаю́сь, мне не понра́вилось ва́ше** выступле́ние очиғини айтсам, сўзлаган нутқингиз менга ёқмади; ◊ ***призна́ться сказа́ть*** *(кирш. с. т.)* қ. призна́ться 3.

призна́ю, призна́ешь *буд. от* призна́ть *(қ.)*.

признаю́, признаёшь *наст. от* признава́ть *(қ.)*.

ПРИЗОВО́Й I, -а́я, -о́е *спорт.* приз I *сўз. сиф.*; мукофотга (совринга) оид; **заня́ть в состяза́нии** пе́рвое призово́е ме́сто мусобақада мукофотли биринчи ўринни эгаллаш; қ. приз I.

ПРИЗОВО́Й II, -а́я, -о́е *денг., юр.* приз II *сўз. сиф.*; призга, денгиз ўлжасига (денгиз урушида олинадиган ўлжага) оид; **призово́е су́дно** ўлжа кема (денгиз урушида ўлжа қилиб олинган кема); қ. приз II.

призову́, призовёшь *буд. от* призвать *(қ.)*.

ПРИ́ЗОВЫЙ I, -ая, -ое *эск.* = **призово́й** I *(қ.)*.

ПРИ́ЗОВЫЙ II, -ая, -ое *эск.* = **призово́й** II *(қ.)*.

ПРИЗО́Р: без призо́ра *(с. т.)* қаровсиз, назоратсиз; парваришсиз,

боқимсиз; сад оста́лся без призо́ра бог қаровсиз қолди.

ПРИ́ЗРАК *м* 1. шарпа, хаёл, тимсол, кўланка; 2. ‖ бирор нарсанинг келажагидан дарак беручи шарпа, кўланка; „При́зрак бро́дит по Евро́пе—при́зрак комму́низма" (Маркс, Энгельс) „Европада бир шарпа оралаб юрипти, бу коммунизм шарпасидир" (Маркс, Энгельс).

ПРИ́ЗРАЧНОСТЬ *ж мн. нет* хаёлийлик.

ПРИ́ЗРАЧНЫЙ, -ая, -ое 1. шарпадан иборат бўлган, хаёлий равишда кўзга кўринган; 2. ‖ хаёлдаги (хаёлда тасаввур этилган), хаёлий; призрачная опа́сность хаёлда тасаввур қилинган хавф.

ПРИЗРЕВА́ТЬ *несов.* қ. призре́ть.

ПРИЗРЕВА́ТЬСЯ *несов. страд. от* призревать (қ.).

ПРИЗРЕ́НИЕ *ср мн. нет эск. тар.* бошпана ва озиқ-овқат бериш; прика́з обще́ственного призре́ния қамбағал, бева-бечораларни ва касалларни гўё „боқиб тарбиялаш" блан шуғулланган муассаса.

ПРИЗРЕ́ТЬ *сов. эск.* бошпана ва озиқ-овқат бермоқ, бошпана бериб боқмоқ.

ПРИЗЫ́В 1 *м* 1. чақириш, да'ват этиш, ундаш; призыв на по́мощь ёрдамга чақириш; 2. чақирик; Первома́йские призы́вы ЦК КПСС Биринчи Май муносабати блан КПСС Марказий Комитетининг чақириқлари; 3. илтимос, ўтиниш, ялиниш, ёлвориш; отклика́ться на чей-н. призы́в бировнинг илтимосига жавоб қайтармоқ.

ПРИЗЫ́В II *м мн. нет собир.* чақирик; чақирилучилар, чақирилганлар (ҳарбий хизматга); призыв про́шлого го́да ўтган йилги чақирик; ўтган йилги чақирилганлар; ◇*Ле́нинский призыв (тар.)* Ленин чақириғи (ўзларининг Ленин ишига, коммунизм ишига содиқ эканликларини ишонлаб, В. И. Ленин вафот этган йили партия сафига кирган коммунистлар).

ПРИЗЫВА́ТЬ *несов.* қ. призва́ть.

ПРИЗЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1. чақирилмоқ, да'ват этилмоқ; 2. чақирилмоқ (ҳарбий хизматга); через год ему́ призыва́ться на вое́нную слу́жбу у бир йилдан кейин ҳарбий хизматга чақирилади; 3. талаб қилинмоқ, буюрилмоқ, таклиф этилмоқ; 4. исталмоқ, хоҳиш билдирилмоқ.

ПРИЗЫВНИ́К *м* чақирилучи (ҳарбий хизматга).

ПРИЗЫВНО́Й, -ая, -ое *ҳарб.* чақиришга оид; призывно́й пункт чақирик пункти; призывно́й во́зраст чақириқ ёши (ҳарбий хизматга).

ПРИЗЫ́ВНЫЙ, -ая, -ое *эск.* чақиришга оид; призы́вный сигна́л чақириқ сигнали; призы́вный клич чақириқ нидоси.

ПРИ́ИСК *м* кон; золоты́е прии́ски олтин конлари.

ПРИИСКА́ТЬ *сов. с.т.* излаб юриб топиб олмоқ, ахтариб (танлаб, хиллаб) кўнгилдагисини топиб олмоқ.

ПРИЙСКИВА́ТЬ *несов.* қ. приискать.

ПРИЙСКОВЫЙ, ПРИИСКО́ВЫЙ, -ая, -ое прии́ск *сўз. соф.*; конга оид; приско́вые рабо́чие кон ишчилари.

ПРИЙТИ́ *сов.* 1. келиб етмоқ; он то́лько что пришёл у ҳозиргина келди; прийти́ в го́сти меҳмон бўлиб келмоқ; по́езд пришёл во́-время поезд ўз вақтида келиб етди; 2. келиб қолмоқ; пришла́ о́сень куз келиб қолди; пришла́ пора́ учи́ться ўқиш пайти келиб қолди; 3. келиб қолмоқ; пайдо (ҳосил) бўлмоқ, туғилиб қолмоқ (фикр, фараз, хотира ҳақида), прийти́ в го́лову ёки прийти́ на ум миядга (хаёлга, фикрга) келиб қолмоқ; прийти́ на па́мять эсга келиб қолмоқ; 4. бошидан кечирмоқ; бирор нарсага (ҳис, туйғу, хаёл ёки руҳий кечирмага) берилиб кетмоқ; прийти́ в я́рость газабга келмоқ; газабланиб кетмоқ; прийти́ в восхище́ние жуда қойил бўлиб қолмоқ; прийти́ в изумле́ние ҳайрон қолмоқ; 5. бирор ҳолатга тушиб қолмоқ, юз тутмоқ, учрамоқ, бўлиб қолмоқ; прийти́ в ве́тхость эскириб (тўзиб) кетмоқ; прийти́ в него́дность яроқсиз бўлиб қолмоқ; прийти́ в упа́док тушкунликка тушиб қолмоқ; 6. келмоқ, ҳосил қилмоқ; прийти к мы́сли бир фикрга келиб қўймоқ;

прийти́ к убежде́нию ишонч ҳосил қилмоқ; **прийти́ к заключе́нию** қарорга келиб қўймоқ. **прийти́ к вы́воду** хулосага келмоқ. ◇ ***прийти́ в себя́*** ўзига келмоқ. эс-ҳуши ўзига келмоқ.

ПРИЙТИ́СЬ *сов* 1. мос (лойиқ) келмоқ, тўғри (мувофиқ) келмоқ; **э́ти сапоги́ пришли́сь мне по ноге́** бу этик оёғимга лойиқ келди; 2. тўғри келмоқ; тўғри келиб қолмоқ, тушмоқ; **пра́здник пришёлся на четве́рг** байрам пайшанба кунига тўғри келди; **удар пришёлся ему́ по руке́** зарбнинг кучи унинг қўлига тушди; 3. *безл.* керак бўлмоқ, керак бўлиб қолмоқ, тўғри келмоқ; **ему́ пришло́сь уе́хать** унинг жўнаб кетишига тўғри келиб қолди; **мне придётся взять кни́гу с собо́й** китобни ўзим билан олиб юришга тўғри келади; **ему́ пришло́сь мно́го раз занима́ться э́тим вопро́сом** унга бу масала билан кўп марта шуғулланишга тўғри келди; **ка́ждому из них пришло́сь по три́дцати рубле́й** уларнинг ҳарбирига ўттиз сўмдан тўғри келди; ◇ ***прийти́сь по вку́су (по душе́, по нра́ву) кому́-н.*** ёқиб қолмоқ, мақбул бўлмоқ; дилга тўғри келмоқ; ***как придётся*** *(с. т.)* тўғри келганича, қанлай тўғри келса; ***прийти́сь не ко двору́*** чиқишаолмаслик, та'бига, характерига тўғри келмаслик.

прикажу́, прика́жешь *буд. от* **приказа́ть** *(к.).*

ПРИКА́З *м* 1. буйруқ; **отда́ть прика́з** буйруқ бермоқ; **получи́ть прика́з** буйруқ олмоқ; **объяви́ть благода́рность в прика́зе** буйруқда ташаккур э'лон қилмоқ; **прика́з о наступле́нии** ҳужумга ўтиш тўғрисида буйруқ; 2. *тар.* идора, маҳкама (XVI—XVII асрларда Москва давлатида бошқарманинг айрим тармоғини идора қилган муассаса); **посо́льский прика́з** элчихона.

ПРИКАЗА́НИЕ *ср* буйруқ, амр, фармон; **испо́лнить приказа́ние** буйруқни бажармоқ.

ПРИКАЗА́ТЬ *сов.* 1. буюрмоқ, буйруқ бермоқ, амр қилмоқ, фармон бермоқ; 2. *эск.* васият қилмоқ, васият қилиб қолдирмоқ; **приказа́ть дом де́тям** уйни болаларга васият қилиб қолдирмоқ. 3. **прика́жешь, прика́жете** *(с т эск.)* хизмат?, буюрсинлар; **как прика́жете понима́ть ва́ши слова́?** сўзингизни қандай деб тушунса бўлади?; ◇ ***приказа́л до́лго жить*** *(эск.)* ўлди, вафот этди.

ПРИКА́ЗНЫЙ, -ая, -ое 1. *ҳарб.* **прика́з** 1 *сўз. сиф.*; буйруққа оид; **прика́зные тре́бования** буйруққа кўрсатилган талаб; 2 *тар.* **прика́з** 2 *сўз. сиф.*; маҳкамага оид; **прика́зные лю́ди** маҳкама одамлари (аҳли); 3. *сущ.* **прика́зный** *м* маҳкама амалдори; ◇ ***прика́зная строка́*** *(эск. манф.)* маҳкаманинг қўйи даражали хизматчиси.

ПРИКА́ЗЧИК *м* 1. *эск.* приказчик (магазин ёки дўконда мол сотучи); 2. *эск.* приказчик, саркор, ишбошн (помешчикнинг ер-мулкини бошқарувчи киши); 3. ‖ *нафр.* лаганбардор, хушомадгўй, малай.

ПРИКА́ЗЧИЧИЙ, -ья, -ье *эск.* **прика́зчик** *сўз. сиф.*; приказчикка оид.

ПРИКА́ЗЫВАТЬ *несов. к.* **приказа́ть** 1, 2.

ПРИКА́ЗЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **приказа́ть** *(к.).*

ПРИКА́ЛЫВАТЬ *несов. к.* **приколо́ть.**

ПРИКА́ЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *с. т. к.* **приколо́ться**; 2. қадалмоқ қадалиб қўйилмоқ, тўғнаб (санчиб) қўйилмоқ.

ПРИКА́НЧИВАТЬ *несов. к.* **прикончи́ть.**

ПРИКА́НЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **прикáнчивать** *(к.).*

ПРИКАРМА́НИВАТЬ *несов. к.* **прикарма́нить.**

ПРИКАРМА́НИТЬ *сов. собд. манф.* чўнтакка урмоқ, эгаллаб олмоқ, ўзиники қилиб олмоқ.

ПРИКА́РМЛИВАНИЕ *ср* қўшимча овқат бериш (едириш).

ПРИКА́РМЛИВАТЬ *несов.* 1. *махс.* қўлдан овқат едириб ўзига ўргатмоқ; **прика́рмливать голубе́й** кaптарларга дон сепиб ўзига ўргатмоқ; 2. қўшимча овқат бермоқ (едирмоқ); **прика́рмливать грудно́го младе́нца моло́чной ка́шей** эмизакли болани қўшимча-

сига сутли каша (манний каша) блан боқмоқ.

ПРИКА́РМЛИВАТЬСЯ *несов. с. т.* 1. қўлдан овқат (ем) бериб ўргатилмоқ; 2 қўшимча овқат блан боқилмоқ.

ПРИКАСА́ТЬСЯ *несов.* қ. прикоснýться.

ПРИКАТИ́ТЬ *сов.* 1. думалатиб келтирмоқ, гилдиратиб олиб келмоқ; 2. *собд.* етиб келмоқ, келиб етмоқ.

ПРИКАТИ́ТЬСЯ *сов.* думалаб яқин келмоқ.

ПРИКА́ТЫВАТЬ *несов.* қ. прикатúть

прикачý, прикáтишь *буд. от* прикатúть (*қ.*).

ПРИКИ́ДЫВАТЬ *несов.* қ. прикúнуть.

ПРИКИ́ДЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* прикúнуться; 2. *страд. от* прикúдывать (*қ.*).

ПРИКИ́НУТЬ *сов. с. т.* 1. устига қўшмоқ (ташламоқ); 2. чамалаб кўрмоқ, тахмин қилмоқ, чўтлаб (чоғлаб, салмоқлаб) кўрмоқ, кўтариб чамалаб кўрмоқ, прикúнуть на весáх тарозида тортиб кўрмоқ; прикúнуть вес на рукé қўлда кўтариб чамалаб кўрмоқ; 3. хомчўт қилиб кўрмоқ, тахминлаб кўрмоқ, фикрда ҳисоблаб, чамалаб кўрмоқ.

ПРИКИ́НУТЬСЯ *сов. с. т.* ўзини ҳар мақомга солмоқ, муғомбирлик, айёрлик қилмоқ; он прикúнулся глухúм у ўзини карликка солди; прикúнуться бóльным ўзини касалликка солмоқ.

ПРИКИПА́ТЬ *несов.* қ. прикипéть.

ПРИКИПЕ́ТЬ *сов. с. т.* қайнаб тагига олмоқ; қайнайвериб таги куйиб қолмоқ; молокó прикипéло к кастрю́ле сут қайнайвериб тагига олипти.

ПРИКЛА́Д I *м* қўндоқ, милтиқ қўндоғи.

ПРИКЛА́Д II *м махс.* уст ва оёқ кийимларини тикишда керак бўладиган қўшимча материаллар (мас., астар, қатирма, тугма, ип, пистон ва ш. к.).

ПРИКЛАДНО́Й, -áя, -óе амалий, амалда татбиқ қилинадиган, тажрибада қўлланиладиган; **прикладны́е нáуки** амалий фанлар (тажрибада қўлланиладиган фанлар); **прикладна́я механúка** амалий механика; **прикладны́е искýсства** амалий санʼат (ҳархил идиш-асбобларни чиройли қилиб ишлаш, декорациялар ясаш санʼати).

ПРИКЛА́ДЫВАТЬ *несов.* қ. приложúть.

ПРИКЛА́ДЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* приложúться; 2. *страд. от* прикла́дывать (*қ.*).

ПРИКЛЕ́ИВАТЬ *несов.* қ. приклéить.

ПРИКЛЕ́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* приклéиться; 2. *страд. от* приклéивать (*қ.*).

ПРИКЛЕ́ИТЬ, ПРИКЛЕЙТЬ *сов.* ёпиштириб қўймоқ, елимлаб (ширачлаб) ёпиштирмоқ.

ПРИКЛЕ́ИТЬСЯ, ПРИКЛЕЙТЬСЯ *сов.* ёпишиб қолмоқ, ёпишмоқ.

ПРИКЛЕПА́ТЬ *сов.* 1. парчин мих блан улаб қўймоқ, ёпиштирмоқ, парчинлаб ташламоқ; 2. *махс.* учини уриб япалоқ қилмоқ; приклепáть гвоздь қоқилган михнинг учини уриб япалоқ қилмоқ (каллак чиқармоқ).

ПРИКЛЕПА́ТЬСЯ *сов.* 1. парчин мих блан уланмоқ, ёпиштирилмоқ, парчинланмоқ; 2. *махс.* учини уриб япалоқ қилинмоқ (каллак чиқарилмоқ).

ПРИКЛЁПЫВАТЬ *несов.* қ. приклепáть.

ПРИКЛЁПЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* приклепáться; 2. *страд. от* приклёпывать (*қ.*).

ПРИКЛОНИ́ТЬ *сов. с. т.* эгмоқ, энгаштирмоқ, пастга томон эгмоқ; ◇ *нéгде гóлову приклони́ть* (*с. т.*) бошпана йўқ; бош суқадиган жой йўқ.

ПРИКЛОНИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* пастга эгилмоқ, энгашмоқ.

ПРИКЛОНЯ́ТЬ *несов.* қ. приклони́ть.

ПРИКЛОНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* приклони́ться; 2. *страд. от* приклоня́ть (*қ.*).

ПРИКЛЮЧА́ТЬ *несов. к.* **приключи́ть.**

ПРИКЛЮЧА́ТЬСЯ *несов. к.* **приключи́ться.**

ПРИКЛЮЧЕ́НИЕ *ср* саргузашт, можаро, бошдан кечирилган ҳодиса.

ПРИКЛЮЧЕ́НЧЕСКИЙ, -ая, ое саргузаштга оид; бошдан ўтган (кечирилган); **приключе́нческий рома́н** саргузаштлардан иборат роман, саргузаштлар ҳақидаги роман.

ПРИКЛЮЧИ́ТЬ *сов. тех.* уламоқ, қўшмоқ; **приключи́ть про́вод к электросте́ти** симни электр тармогига уламоқ.

ПРИКЛЮЧИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* рўй бермоқ, содир (воқи') бўлмоқ, бошдан ўтмоқ.

ПРИКОВА́ТЬ *сов.* 1. қоқиб ёпиштирмоқ. қоқиб уламоқ, занжирбанд қилиб (кишанлаб) қўймоқ; 2. ‖ қақайтириб қўймоқ, қимирлатмай (жилдирмай, ерпарчин қилиб) қўймоқ; **тя́жёлая боле́знь приковала́ его́ к посте́ли** оғир касаллик уни ўрнидан қимирлатмай қўйди; 3. ‖ тортмоқ, жалб этмоқ; **приковать к себе́ всео́бщее внима́ние** ҳамманинг диққатини ўзига тортмоқ.

ПРИКО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **приковать.**

ПРИКО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **прико́вывать** *(к.).*

ПРИКОВЫЛЯ́ТЬ *сов. с. т.* оқсоқланиб келмоқ, аранг судралиб келмоқ.

ПРИКО́Л *м* қозиқ; ◇ ***на прико́ле*** *(денг.)* зижирда, арқонда (боғлоғлиқ) турипти; **суда́ стои́т на прико́ле** кемалар занжирда боғлоғлиқ турипти.

ПРИКОЛА́ЧИВАТЬ *несов. к.* **приколоти́ть.**

ПРИКОЛА́ЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **приколачивать** *(к.).*

ПРИКОЛОТИ́ТЬ *сов.* михлаб қўймоқ, мих қоқиб маҳкамлаб қўймоқ.

ПРИКОЛО́ТЬ *сов.* 1. қадамоқ, тўғнамоқ, санчиб қўймоқ; 2. *с. т.* санчиб (мас., найза, пичоқ ва ш. к. ларни тиқиб) ўлдирмоқ.

ПРИКОЛО́ТЬСЯ *сов. с. т.* қадалмоқ, санчилмоқ, тўғнаб қўйилмоқ.

приколочу́, приколо́тишь *буд. от* **приколоти́ть** *(к.).*

ПРИКОМАНДИРОВА́ТЬ *сов.* бирор жойга (бирор ташкилот ихтиёрига) вақтинча юбормоқ, вақтинча командировка қилмоқ.

ПРИКОМАНДИРО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **прикомандирова́ть.**

ПРИКОМАНДИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* бирор жойга (бирор ташкилот ихтиёрига) вақтинча юборилмоқ, вақтинча командировка қилинмоқ.

ПРИКО́НЧИТЬ *сов.* 1. *собд.* тамомламоқ, битирмоқ, тугатмоқ; 2. ‖ *с. т.* ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ; **прико́нчить бе́шеную соба́ку** қутурган итни ўлдириб йўқ қилмоқ.

прико́нчу, прико́нчишь *буд. от* **прико́нчить** *(к.)*

ПРИКОПИ́ТЬ *сов. с. т.* жамғармоқ, тўпламоқ, тўплаб (йиғиб) сақламоқ, ғамламоқ.

ПРИКО́РМ *м* 1. *только ед.* қўшимча овқатлантириш, озиқлантириш; ем (дон) бериш; 2. ем, ем-хаш к; озиқ.

ПРИКОРМИ́ТЬ *сов. махс.* овқат, ем бериб ўргатиб олмоқ.

ПРИКО́РМКА *ж с. т. к.* **прико́рм.**

ПРИКОРНЕВО́Й, -ая, -ое *махс.* илдиз ёнидаги, илдиз атрофидаги.

ПРИКОРНУ́ТЬ *сов. с. т.* суяниб ётмоқ, сал ёнбошламоқ; пинакка кетмоқ, мизғиб олмоқ.

ПРИКОСНОВЕ́НИЕ *ср* 1. тегиш, тегиб кетиш; **лёгкое прикоснове́ние руки́** қўлнинг сал тегиб кетиши; 2. *только ед эск.* дахл.

ПРИКОСНОВЕ́ННОСТЬ *ж мн. нет расм.* дахлдорлик, алоқадорлик, алоқадор бўлишлик; **он не име́л никако́й прикоснове́нности к э́тому де́лу** унинг бу ишга ҳеч қандай дахли (алоқаси) йўқ эди.

ПРИКОСНОВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *расм.* дахлдор, алоқадор, тааллуқли.

ПРИКОСНУ́ТЬСЯ *сов.* тегмоқ, сал тегиб кетмоқ, тегиб қолмоқ.

ПРИКРА́СА *ж с. т.* гапга пардоз бериш (тўн кийдириш); муболаға (лоф) қилиш; **рассказа́ть без прикра́с** муболағасиз ҳикоя қилиб бермоқ.

ПРИКРА́СИТЬ *сов.* муболага бла́н гапга зеб бермоқ, лоф уриб гап қилмоқ.

ПРИКРА́ШИВАТЬ *несов.* қ. прикра́сить.

ПРИКРА́ШИВАТЬСЯ *несов.* муболага бла́н гапга зеб берилмоқ, лоф уриб ҳикоя қилинмоқ.

прикра́шу, прикра́сишь *буд. от* **прикра́сить** *(қ.).*

ПРИКРЕПИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое бириктиришга оид, бириктирадиган, боғлайдиган; **прикрепительный тало́н** бириктириш талони.

ПРИКРЕПИ́ТЬ *сов.* 1. маҳкамлаб қўймоқ, ёпиштирмоқ; **прикрепи́ть бума́гу к столу́ кно́пками** қоғозни стол устига кнопка бла́н ёпиштириб қўймоқ; **прикрепи́ть объявле́ние к стене́** э'лонни деворга ёпиштириб қўймоқ; 2. ‖ *тар.* боғлаб қўймоқ, қарам қилиб қўймоқ; 3. бириктирмоқ, боғлаб қўймоқ; **прикрепи́ть к поликли́нике** поликлиникага бириктириб қўймоқ.

ПРИКРЕПИ́ТЬСЯ *сов.* 1. маҳкамлаб қўйилмоқ, ёпиштириб қўйилмоқ; 2. бириктирилмоқ, ҳисобга ўтмоқ, учёта олинмоқ.

ПРИКРЕПЛЕ́НИЕ *ср* **прикрепи́ть** фе'лнинг ҳаракат номи; **прикрепле́ние крестья́н к земле́** *(тар.)* деҳқонларни ерга бириктириб қўйиш.

ПРИКРЕПЛЯ́ТЬ *несов.* қ. прикрепи́ть.

ПРИКРЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. прикрепи́ться; 2. *страд. от* **прикрепля́ть** *(қ.).*

ПРИКРИ́КИВАТЬ *несов.* қ. **прикри́кнуть.**

ПРИКРИ́КНУТЬ *сов.* ўшқирмоқ, қичқирмоқ, дўқ урмоқ; **прикри́кнуть на шалуна́** шўх болага дўқ уриб қўймоқ.

прикро́ю, прикро́ешь *буд. от* **прикры́ть** *(қ.).*

ПРИКРУТИ́ТЬ *сов.* 1. бураб боғламоқ, чирмаб қўймоқ, маҳкам боғлаб қўймоқ; **прикрути́ть ру́ки к спине́** қўлларини орқасига қилиб боғлаб қўймоқ; 2. *с. т.* бураб пасайтирмоқ, пастга тушириб қўймоқ; **прикрути́ть фити́ль в ла́мпе** чироқ пилигини пасайтириб қўймоқ.

ПРИКРУ́ЧИВАТЬ *несов.* қ. прикрути́ть

ПРИКРУ́ЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **прикру́чивать** *(қ.).*

прикручу́, прикру́тишь *буд. от* **прикрути́ть** *(қ.).*

ПРИКРЫВА́ТЬ *несов.* қ. **прикры́ть.**

ПРИКРЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 қ. **прикры́ться**; 2. *страд. от* **прикры́вать** *(қ.).*

ПРИКРЫ́ТИЕ *ср* 1. пана, пана жой; **отря́д, расположи́вшийся у ле́са, служи́вшего есте́ственным прикры́тием** отряд табиий пана жойга – ўрмонга жойлашди; 2 пана қиладиган (яширадиган) нарса, пана жой; **стре́лять из-за прикры́тия** пана жойдан туриб ўқ отмоқ, 3. ‖ *ҳарб.* ҳимоя. ҳимоя қилучи (сақловчи); **под прикры́тием артилле́рии** артиллерия ҳимояси остида; **а́рмия прикры́тия** ҳимоя қилучи армия; 4. ‖ парда, ниқоб; **под прикры́тием гро́мких фраз** дабдабали гаплар ниқоби остида.

ПРИКРЫ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* ёпиб қўймоқ, бекитмоқ; **прикры́ть дверь эшикни** ёпиб қўймоқ; **прикры́ть ко́тёл кры́шкой** қозоннинг қопқоғини ёпиб қўймоқ; 2. пана қилмоқ, бекитиб (яшириб) қўймоқ; **де́рево прикры́ло нас от со́лнца** дарахт бизни қуёшдан пана қилди; 3. *ҳарб.* ҳимоя қилмоқ, пана қилмоқ, тўсмоқ; **прикры́ть фла́нги артиллери́йским огнём** ён томонларни артиллерия ўти бла́н тўсмоқ; 4. ‖ яширмоқ, бекитиб (ёпиб) кетмоқ; **прикры́ть чью-н. оши́бку** бировнинг хатосини ёпиб кетмоқ; бировнинг хатосини бости-бости қилиб юбормоқ; 5. *с. т.* бекитмоқ, бекитиб (ёпиб) қўймоқ, йиғмоқ, тугатмоқ; **прикры́ть ла́вку** дўконни йиғиб қўймоқ (ёпмоқ, тугатмоқ).

ПРИКРЫ́ТЬСЯ *сов.* 1. ёпинмоқ, бурканмоқ; **прикры́ться одея́лом** кўрпага бурканмоқ; кўрпа ичига кириб олмоқ; 2. ‖ *с. т.* яширмоқ, бекитмоқ, ниқобламоқ, хаспўшламоқ; **он пыта́лся прикры́ться свои́м незна́нием** у ўзини билмаганга солишга уринди; 3. *с. т.* тугатилмоқ, бутунлай ёпилмоқ.

ПРИКУПА́ТЬ *несов.* қ. прикупи́ть.

ПРИКУПИ́ТЬ *сов.* 1. қўшимча сотиб олмоқ, устига яна сотиб олмоқ; **прикупи́ть метр ше́лка** яна бир метр шойи сотиб олмоқ; 2. қўшимча қарта олмоқ, устига олмоқ.

ПРИКУ́РИВАТЬ *несов.* қ. прикури́ть.

ПРИКУРИ́ТЬ *сов.* тутатиб олмоқ, ўт олдирмоқ (папиросни).

ПРИКУРНУ́ТЬ *сов.* қ. прикорну́ть.

ПРИКУ́С *м махс.* тишнинг тишга тегиб туриш ҳолати.

ПРИКУСИ́ТЬ *сов.* 1. сал тишламоқ, тишлаб олмоқ, қисмоқ, қисиб олмоқ, қисиб қолмоқ; **прикуси́ть губу́** лабни тишлаб олмоқ; **кле́щи прикуси́ли па́лец** омбур бармоқни қисиб олди; 2. *с. т.* = перекуси́ть 2 (*қ.*).; ◊ ***прикуси́ть язы́к*** (*язы́чо́к*) *с. т.* 1) тилни тишлаб олмоқ; 2) ‖ тилни тиймоқ (тортмоқ); жим бўлиб қолмоқ, тўсатдан сўзни таққа тўхтатиб қўймоқ.

ПРИКУ́СЫВАТЬ *несов.* 1. қ. прикуси́ть 1; 2. *с. т.* тишлаб-тишлаб узиб олмоқ.

прикушу́, прику́сишь *буд. от* прикуси́ть (*қ.*).

прикую́, прикуёшь *буд. от* прикова́ть (*қ.*).

ПРИЛА́ВОК *м* (*мн.* прила́вки) пештахта (дўкон, магазин пештахтаси), прилавка; ◊ ***рабо́тник прила́вка*** дўкон (ёки магазин) ходими, мол сотучи.

ПРИЛА́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое прила́вок *сўз. сиф.*; қ. прила́вок.

ПРИЛАГА́ТЕЛЬНОЕ: и́мя прилага́тельное (*грам.*) сифат.

ПРИЛАГА́ТЬ *несов.* қ. приложи́ть.

ПРИЛАГА́ТЬСЯ *несов. страд. от* прилага́ть (*қ.*).

ПРИЛА́ДИТЬ *сов.* ўрнатмоқ, тўғрилаб ўтқазмоқ; **прила́дить замо́к к две́ри** қулфни эшикка тўғрилаб ўрнатмоқ.

ПРИЛА́ЖИВАТЬ *несов.* қ. прила́дить.

ПРИЛА́ЖИВАТЬСЯ *несов. страд. от* прила́живать (*қ.*).

прила́жу, прила́дишь *буд. от* прила́дить (*қ.*).

ПРИЛАСКА́ТЬ *сов.* эркаламоқ, силаб-сийпамоқ, бош-кўзини силамоқ.

ПРИЛАСКА́ТЬСЯ *сов.* эркаланмоқ, эркалик қилмоқ, сурканмоқ.

ПРИЛГА́ТЬ *сов. с. т.* гапда ёлғон ишлатмоқ; гап орасида ёлғон-яшиқни қўшиб қўймоқ.

ПРИЛГНУ́ТЬ *сов., однокр. с. т.* қ. прилга́ть.

прилгу́, прилжёшь, прилгу́т *буд. от* прилга́ть (*қ.*).

прилёг, прилегла́ *прош. от* прилёчь I (*қ.*).

ПРИЛЕГА́ТЬ *несов.* 1. ёпишиб турмоқ, сирилиб турмоқ, тақалиб турмоқ; **пла́тье её пло́тно прилега́ло к те́лу** кўйлаги баданига сирилиб (ёпишиб) турган эди; 2. ёндошмоқ, ёндошиб турмоқ, ёндош бўлиб (туташиб, тақалиб) турмоқ; **сад прилега́ет к реке́** боғ дар'ёга ёндошган.

ПРИЛЕЖА́НИЕ *ср мн. нет* қунт, ҳафсала, иштиёқ, тиришқоқлик, ғайратчанлик, серҳаракатлик; **он отлича́ется прилежа́нием** у ўзининг тиришқоқлиги билан ажралиб турали; **с прилежа́нием приня́ться за уче́бу** ўқишга ғайратчанлик билан киришмоқ.

ПРИЛЕЖА́ЩИЙ, -ая, -ее *мат.* ёндош; туташган, ёнашган; **прилежа́щая сторона́** ёндош томон.

ПРИЛЕ́ЖНО *нареч.* тиришиб, қунт билан, ҳафсала (иштиёқ) билан; **приле́жно у́читься** қунт билан ўқимоқ.

ПРИЛЕ́ЖНЫЙ, -ая, -ое тиришқоқ, ғайратчан, серҳафсала, серҳаракат; **приле́жный учени́к** тиришқоқ ўқувчи.

ПРИЛЕПИ́ТЬ *сов.* ёпиштирмоқ; елимлаб ёпиштирмоқ; **прилепи́ть ма́рку на конве́рт** конвертга марка ёпиштирмоқ; **прилепи́ть объявле́ние к стене́** деворга э'лон ёпиштирмоқ; **прилепи́ть пла́стырь** малҳам қўймоқ.

ПРИЛЕПИ́ТЬСЯ *сов.* 1. ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ; 2. ‖ туташмоқ, туташиб (ёпишиб) турмоқ.

ПРИЛЕ́ПЛИВАТЬ *несов.* қ. прилепи́ть.

ПРИЛЕ́ПЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. прилепи́ться; 2. ёпиштирилмоқ; елимлаб (ширачлаб) ёпиштирилмоқ.

ПРИЛЕПЛЯ́ТЬ *несов.* *қ.* **прилепи́ть.**

ПРИЛЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **прилепи́ться**; 2. *страд.* *от* **приклея́ть** (*қ.*).

ПРИЛЁТ *м мн. нет* 1. учиб келиш (ўз мавсумида узоқ ерлардан галаласиб учиб келадиган қушлар ҳақида); **прилёт птиц** қушларнинг учиб келиши; 2. учиб келиш, учиб келиб қўниш (учиш аппаратлари ҳақида).

ПРИЛЕТА́ТЬ *несов.* *қ.* **прилете́ть.**

ПРИЛЕТЕ́ТЬ *сов.* 1. учиб келмоқ, учиб келиб қўнмоқ; **самолёт прилете́л во́-время** самолёт ўз вақтида учиб келди; **прилете́ли соловьи́** булбуллар учиб келди; 2. ‖ *с. т.* тез югуриб келмоқ, елиб келмоқ.

ПРИЛЁТНЫЙ, -ая, -ое узоқ ерлардан учиб келадиган (жайдари эмас); **прилётные пти́цы** узоқ жойлардан учиб келучи қушлар.

прилечу́, прилети́шь *буд.* *от* **прилете́ть** (*қ.*).

ПРИЛЕ́ЧЬ I *сов.* 1. бироз ёнбошлаб олмоқ, бироз ётиб турмоқ; **приле́чь по́сле обе́да** овқатдан сўнг бироз ётиб олмоқ; **прилечь отдохну́ть** бироз ётиб дам олмоқ; 2. ётиб (эгилиб) қолмоқ, энгашиб қолмоқ; **от дождя́ хлеба́ прилегли́** ёмғирдан ғалла экинлари ётиб қолди; 3. ёпишмоқ, жипслашмоқ, ёпишиб (жипслашиб) олмоқ; **прилечь ухом к земле́ и слу́шать** қулоқни ерга тутиб (қўйиб) тингламоқ.

ПРИЛЕ́ЧЬ II *сов.* *қ.* **прилега́ть** 1. **прилежёшь** *буд.* *от* **прилега́ть** (*қ.*).

ПРИЛИ́В *м* 1. сув кўтарилиши (океан ва очиқ денгизларда сув сатҳининг вақт-вақти билан кўтарилиши); **вре́мя прили́ва и отли́ва** сувнинг кўтарилиш ва пасайиш маҳали; 2. ‖ кўпайиш, ортиш, жамғарилиш; оқиб (тошиб) келиш, қуйилиш; **прили́в капита́ла** капиталнинг жамғарилиши; **прили́в сил** кучларнинг ортиши (кўпайиши); **прили́в кро́ви к голове́** (*мед.*) мияга қон қуйилиши; 3. ‖ кучайиш, кўтарилиш, куч-га кириш, куч олиш; 4. *тех.* қалинлашиш; йўғонлашиш.

ПРИЛИВА́ТЬ *несов.* *қ.* **прили́ть.**

ПРИЛИВА́ТЬСЯ *несов.* *страд.* *от* **прилива́ть** (*қ.*).

ПРИЛИ́ВНЫЙ, -ая -ое, **ПРИЛИВНО́Й,** -а́я, -о́е **прили́в** 1 *сўз. сиф.*: сув кўтарилишига оид.

прилижу́, прили́жешь *буд.* *от* **прилиза́ть** (*қ.*).

ПРИЛИ́ЗАННЫЙ, -ая, -ое *с. т.* силлиқ, сип-силлиқ, силлиқ тараллган (соч ҳақида); **прили́занные во́лосы** силлиқ тараллган соч.

ПРИЛИЗА́ТЬ *сов.* 1. ялаб қўймоқ, ялаб силлиқ қилиб қўймоқ; 2. ‖ сип силлиқ қилмоқ, силаб ялтиратмоқ; **прилиза́ть во́лосы** сочини сип-силлиқ қилиб тараб қўймоқ.

ПРИЛИЗА́ТЬСЯ *сов.* *с. т.* сип-силлиқ қилиб қўйилмоқ; сип-силлиқ бўлмоқ.

ПРИЛИ́ЗЫВАТЬ *несов.* *қ.* **прилиза́ть.**

ПРИЛИ́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **прилиза́ться**; 2. *страд.* *от* **прили́зывать** (*қ.*).

прили́п, прили́пла *прош.* *от* **прили́пнуть** (*қ.*).

ПРИЛИПА́ТЬ *несов.* *қ.* **прили́пнуть.**

ПРИЛИ́ПНУТЬ *сов.* 1. ёпишиб турмоқ, ёпишиб қолмоқ; 2. ‖ *с. т.* *манф.* ёпишиб олмоқ, елим бўлиб ёпишмоқ, жонга тегмоқ, безор қилмоқ.

ПРИЛИ́ПЧИВЫЙ, -ая, -ое 1. ёпишқоқ, тез ёпишадиган; **прили́пчивый пла́стырь** ёпишқоқ малҳам; 2. ‖ *с. т.* юқумчил, тез юқадиган; 3. ‖ *с. т.* *манф.* шилқим, хира, ёпишқоқ, жонга тегадиган; **прили́пчивый челове́к** шилқим одам.

ПРИЛИ́СТНИК *м* *бот.* ёнбарг.

ПРИЛИ́ТЬ *сов.* 1. оқиб келмоқ, оқиб тушмоқ, қуйилиб келмоқ; **кровь прили́ла к ще́кам** юзларига қон югурди; юзига қизил югурди; **кровь прили́ла к голове́** мияга қон қуйилди; 2. *с. т.* қўшимча равишда қуймоқ, яна қуймоқ.

ПРИЛИ́ЧЕСТВОВАТЬ *сов.* *эск.* муносиб (мувофиқ) бўлмоқ; келишмоқ, ярашмоқ.

прили́чие *ср* одоб, тартиб; хушхулқлик; **соблюда́ть прили́чия** одоб сақламоқ; **для прили́чия** одоб юзасидан; **вы́йти из ра́мок прили́чия** одоб доирасидан четга чиқмоқ.

прили́чный, -ая, -ое 1. одобли, тартибли, тарбияли, хушхулқ; **прили́чное поведе́ние** яхши хулқ, хушхулқлик; 2. *эск* муносиб, ўринли; **он сказа́л прили́чную к э́тому слу́чаю** речь у хонасини топиб гапирди, у пайтини топиб туриб ўринлатди; 3. *с. т.* дуруст, тузук, бинойи; яхши; **сего́дня прили́чная пого́да** бугун ҳаво яхши; 4. *с. т.* оз эмас; талайгина, анча; яхшигина; **прили́чный за́работок** яхшигина (тузукқина) иш ҳақи.

приловчи́ться *сов. с. т.* эпчилликни (чаққонлик, абжирликни) ўрганиб олмоқ; эпчиллик (чаққонлик, абжирлик) машқини етказмоқ.

приложе́ние *ср* 1. босиш; қўйиш; **приложе́ние печа́ти** печать босиш; 2. илова, қўшимча; **журна́л с приложе́нием** иловали журнал; **приложе́ние докуме́нтов к заявле́нию** аризага ҳужжатларни илова қилиш; **приложе́ния к основно́му материа́лу** асосий материалларга қўшимчалар (қўшимча материаллар); 3. татбиқ этиш, ишлатиш; **приложе́ние теоре́тических зна́ний на пра́ктике** назарий билимларни амалда татбиқ этиш; ◊ ***приложе́ние (грам.)*** изоҳловчи (от билан ифодаланган аниқловчи).

приложи́ть *сов.* 1. қўймоқ, солмоқ, босмоқ, устига қўймоқ (босмоқ); **приложи́ть ру́ку к се́рдцу** қўлни кўкракка қўймоқ; **приложи́ть печа́ть** печать босмоқ; 2. қўшмоқ, қўшиб қўймоқ, илова қилмоқ; **приложи́ть к заявле́нию докуме́нты** аризага ҳужжатларни қўшиб қўймоқ; 3. сарфламоқ, бермоқ, ишга солмоқ; **приложи́ть си́лу** *(физ.)* кучни сарф қилмоқ (бермоқ); **приложи́ть уси́лия зу́р бермоқ**; **приложи́ть все си́лы для выполне́ния пла́на** барча кучни планни бажаришга сарфламоқ; 4. татбиқ қилмоқ, ишлатмоқ; **приложи́ть тео́рию на пра́ктике** назарияни амалда татбиқ этмоқ; ◊ ***ру́ку приложи́ть*** *(с. т.)* қўл қўймоқ; ***приложи́ть ру́ку к чему́-н.*** қўл урмоқ, аралашмоқ, қотишмоқ; ***ума́ не приложу́*** *(с. т.)* қ. **ум.**

приложи́ться *сов.* 1. ҳурматлаб ўпиб қўймоқ; **приложи́ться к зна́мени** байроқни ҳурматлаб ўпиб қўймоқ; 2. қўйиб қўймоқ; ёндоштириб (яқинлаштириб, тақаб) қўймоқ; **приложи́ться ухом к две́ри** қулоқни эшикка тақаб турмоқ; 3. нишонга олмоқ, тўғриламоқ; **приложи́ться и вы́стрелить** нишонга олиб туриб отмоқ; ◊ ***остально́е (э́то, всё) прило́жится*** қолганлари бўлаверади.

прильну́ть *сов.* бировнинг пинжига (бағрига) кириб олмоқ; ёпишиб олмоқ.

прилью́, прильёшь, прильёт *буд. от* **прили́ть** *(к.)*.

приля́г *пов. накл. от* **прилечь** I *(к.)*.

приля́гу, приля́жешь, приля́гут *буд.* **прилечь** I *(к.)*.

прим *м* прим, биринчи.

при́ма *ж муз.* 1. прима (гамманинг биринчи ёки асосий товуши); 2. биринчи тор (камонча блан чалинадиган музика асбобларидаги биринчи тор); 3 прима (оркестр, хор ёки ансамбльда бошлаб беручи шахс ёки асбоб).

при́ма-балери́на *ж театр.* прима-балерина, бош раққоса (биринчи рольларни бажаручи раққоса).

примадо́нна *ж театр. эск.* примадонна (биринчи, етакчи рольларни бажаручи опера ашулачиси).

прима́жусь, прима́жешься *буд. от* **прима́заться** *(к.)*.

прима́заться *сов.* 1. *с. т. нафр.* суқилиб олмоқ; суқилиб кириб олмоқ, илашиб олмоқ; 2. *содд.* қарта ўйинида — қимор ўйновчининг тиккан пулига пул қўшиб ўйинга қатнашмоқ.

прима́зываться *несов. к.* **прима́заться.**

прима́нивать *несов. к.* **приманить.**

прима́ниваться *несов. страд. от* **прима́нивать** *(к.)*.

приманить *сов.* 1. *с. т.* алдаб чақирмоқ, қизиқтириб чақирмоқ; **при-**

манúть го́лубя каптарни (дон солиб) чақирмоқ; 2. ‖ ўзига жалб этмоқ (тортмоқ), ўзига оғдириб олмоқ.

ПРИМА́НКА *ж* 1. ем, дон, хўрак (қармоқ, қопқон ва ҳ. к. га илиб қўйиладиган хўрак); 2. ‖ қизиқтирадиган нарса (чақириш ва жалб этиш учун).

ПРИМА́Т *м мн. нет* примат, биринчилик, устунлик; **прима́т матéрии. над дýхом** модданинг руҳдан устунлиги; **прима́т произво́дства средств произво́дства над произво́дством средств потребле́ния** ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг истеъмол воситалари ишлаб чиқаришдан устунлиги.

ПРИМА́ТЫ *мн. (ед.* прима́т *м) зоол.* приматлар (сутэмизарлар синфининг энг юқори туркуми).

ПРИМА́ЧИВАТЬ *несов. к.* **приморчи́ть.**

ПРИМЕЛЬКА́ТЬСЯ *сов. с. т.* кўзга таниш (кўз таниш) бўлиб қолмоқ, кўз ўрганмоқ, кўзга ҳа деб кўринавермоқ.

ПРИМЕНЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. ишлатиш, қўлланиш, истеъмол (татбиқ) этиш; фойдаланиш; **применéние но́вых маши́н на произво́дстве** ишлабчиқаришда янги машиналарни ишлатиш; **но́вый ме́тод рабóты нашёл широ́кое применéние на предприя́тиях** корхоналарда янги иш усули кенг суратда қўлланилмоқда; 2. уйғунлашиш, мослашиш, ўрганиш, кўникиш; **применéние к но́вым усло́виям рабóты** янги иш шароитига ўрганиш; **применéние к ме́стности** *(ҳарб.)* жойнинг шароитига мослашиш; ◇ ***в применéнии*** *(к чему́-н.)* бирор нарсага мувофиқ равишда, мос равишда.

ПРИМЕНИ́МОСТЬ *ж мн. нет* татбиқ этишлик, яроқлилик, қўлланишлик.

ПРИМЕНИ́МЫЙ, -ая, -ое ишлатишга ярайдиган, ишлатса бўладиган, татбиқ этиш мумкин бўлган.

ПРИМЕНИ́ТЕЛЬНО *нареч.* мувофиқ, мувофиқ равишда; мослаб, мосланиб; татбиқ қилиб; **применúтельно к ме́стным усло́виям** маҳаллий шароитга мувофиқ равишда.

ПРИМЕНИ́ТЬ *сов.* қўлламоқ, ишлатмоқ, татбиқ этмоқ, истеъмол қилмоқ; **применúть но́вый ме́тод рабóты на пра́ктике** ишда янги метод (усул) қўлламоқ; **применúть но́вую систе́му орошéния** суғоришнинг янги системасини қўлламоқ.

ПРИМЕНИ́ТЬСЯ *сов.* уйғунлашмоқ, мувофиқлашмоқ, мосланмоқ, ўрганмоқ, кўниқмоқ, қўлланмоқ; **применúться к обстоя́тельствам** вазиятга мувофиқлашмоқ, **применúться к ме́стности** *(ҳарб.)* жойнинг шароитига мослашмоқ, **применúться к кли́мату** иқлимга ўрганмоқ (мослашмоқ).

ПРИМЕНЯ́ТЬ *несов. к.* **применúть.**

ПРИМЕНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **применúться**; 2. *страд. от* **применя́ть** *(к.).*

ПРИМЕ́Р *м* 1. мисол; **приводúть приме́р** мисол келтирмоқ; **поясни́ть мысль приме́ром** фикрни мисол билан тушунтирмоқ; 2. намуна, ўрнак; ибрат; **вся де́ятельность Коммунисти́ческой па́ртии Сове́тского Сою́за явля́ется приме́ром беззаве́тного служе́ния наро́ду** Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бутун фаолияти халққа фидокорона хизмат қилиш намунасидир; **бра́ть приме́р с кого́-н.** бировдан ўрнак олмоқ; **сле́довать чьему́-н. приме́ру** бировдан ўрнак олиб эргашмоқ; **приме́р му́жества** мардлик намунаси; **служúть приме́ром** намуна (ўрнак) бўлмоқ; 3. мисол; **реша́ть арифмети́ческие приме́ры и зада́чи** арифметикага доир мисол ва масалаларни ечмоқ; ◇ ***для приме́ра*** ибрат бўлсин учун, ибрат бўлсин деб; ***по приме́ру*** ўрнак олиб; **по приме́ру про́шлых лет** ўтган йиллардан ўрнак олиб; ***не в приме́р*** *(с. т.)* таққослаб бўлмас даражада; **не в приме́р други́м** бошқаларга қараганда; бошқалардан кўра; **не в приме́р лу́чше** таққослаб бўлмайдиган даражада яхши; ***к приме́ру (сказа́ть)*** *с. т.* масалан, чунончи, мисол учун.

примёрз, примёрзла *прош. от* **примёрзнуть** *(к.).*

ПРИМЕРЗА́ТЬ *несов. к.* **примёрзнуть.**

ПРИМЁРЗНУТЬ *сов.* музлаб ёпишиб қолмоқ.

ПРИМЕ́РИВАТЬ *несов. к.* **приме́рить**.

ПРИМЕ́РИТЬ *сов.* ўлчаб кўрмоқ, кийиб кўрмоқ, ўлчамоқ; **приме́рить костю́м** костюмни кийиб (ўлчаб) кўрмоқ; ◇ ***семь раз приме́рь, а оди́н раз отре́жь*** *(мақол)* етти ўлчаб, бир кес.

ПРИМЕ́РИТЬСЯ *сов. с. т.* чоғланмоқ, ўзини чоғламоқ, эпчиллик (чаққонлик) қилмоқ.

ПРИМЕ́РКА *ж* ўлчаш, ўлчаб кўриш, кийиб кўриш.

ПРИМЕ́РНО *нареч.* 1. намунали равишда, тартибли бўлиб, ўрнак бўларли даражада, жуда яхши; **де́ти вели́ себя́ приме́рно** болалар ўзларини жуда яхши тутишди (болалар жуда яхши тартиб сақлаб юришди); 2. ибрат учун; **приме́рно наказа́ть ко́го-н.** бировни бошқаларга ибрат бўлсин учун жазоламоқ; 3. тахминан, деярлик, қарийб; **собра́ние состоя́лось приме́рно неде́лю тому́ наза́д** мажлис бундан тахминан бир ҳафта илгари бўлиб ўтган эди.

ПРИМЕ́РНЫЙ, -ая, -ое 1. намунали, ўрнакли, ибратли; **приме́рный учени́к** намунали (намуна бўларли) ўқувчи; **приме́рное поведе́ние** намунали хулқ; **приме́рный уста́в** намунали устав; 2. тахминий; **приме́рный подсчёт** тахминий ҳисоб.

ПРИМЕРЯ́ТЬ *несов.* **приме́рить**.

ПРИМЕРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **приме́риться**: 2. ўлчаб кўрилмоқ, кийиб кўрилмоқ, ўлчанмоқ.

ПРИМЕСИ́ТЬ *сов.* аралаштириб қормоқ, омихта қилмоқ; **примеси́ть в те́сто бе́лой муки́** хамирга оқ ун чалиб ийламоқ.

ПРИ́МЕСЬ *ж* аралаш, аралашма, қотишма, омихта; **очи́стить во́ду от вре́дных при́месей** сувни зарарли аралашмалардан тозаламоқ; **гли́на с при́месью песка́** қум аралашган тупроқ; 2. ‖ аралашган, ўринсиз аралашма.

ПРИМЕ́ТА *ж* 1. белги, аломат, нишон, таниқ, тамға; **осо́бые приме́ты** алоҳида белгилар; 2. *эск.* аломат, ирим-сирим; **дурна́я приме́та** ёмонлик аломати; **хоро́шая приме́та** яхшилик аломати; ◇ ***быть на приме́те*** *(с. т.)* кўз (назорат) остида бўлмоқ, кўз остига олиб қўйилмоқ; ***име́ть на приме́те*** *(кого-что-н.) с. т.* кўз остига олиб юрмоқ.

ПРИМЕТА́ТЬ *сов. махс.* чатиб қўймоқ, кўклаб (чоклаб) қўймоқ; қавимоқ; **примета́ть рука́в** енгни кўкламоқ (чокламоқ).

ПРИМЕ́ТИТЬ *сов. с. т.* пайқаб (сезиб) қолмоқ; разм солмоқ; диққат қилмоқ.

ПРИМЁТКА *ж махс.* чатиш, кўклаш, чоклаш.

ПРИМЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое 1. кўзга кўринарли, кўринадиган, сезиларли, билинарли; **„едва́ приме́тная улы́бка пробежа́ла по то́нким губа́м его́“** (Лермонтов) „унинг юпқа лабларида билинар-билинмас табассум намоён бўлди“ (Лермонтов); **по едва́ приме́тной тропи́нке мы подошли́ к ле́су** билинар-билинмас сўқмоқ йўл бланўрмонга етиб келдик; 2. *с. т.* ўзига тортучи, жозибадор; **приме́тный челове́к** жозибадор одам.

ПРИМЕ́ТЫВАТЬ *несов. к.* **приметать**.

ПРИМЕЧА́НИЕ *ср* 1. эслатиш, эслатма, изоҳ; **снабди́ть кни́гу приме́чаниями** китобга изоҳлар бермоқ; 2. *эск.* диққат, эътибор; мулоҳаза; **э́то явле́ние досто́йно осо́бого приме́чания** бу ҳодиса алоҳида диққатга сазовордир.

ПРИМЕЧА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое диққатга сазовор, назар-эътиборга лойиқ; ажойиб; **примеча́тельный слу́чай** ажойиб воқиа; диққатга сазовор воқиа.

ПРИМЕЧА́ТЬ *несов.* 1. *с. т. к.* **приме́тить**; 2. *собир.* кузатмоқ, кўз ташламоқ, пайқамоқ.

приме́чу, **приме́тишь** *буд. от* **приме́тить** *(к.)*.

примечу́, **приме́чешь** *буд. от* **приметать** *(к.)*.

ПРИМЕША́ТЬ *сов.* 1. аралаштирмоқ, аралаштириб қормоқ, қоришгирмоқ, омихта қилмоқ, қўшмоқ; 2. ‖ *с. т.* аралаштирмоқ, ўртага туширмоқ.

ПРИМЕ́ШИВАТЬ I *несов. к.* **примеси́ть**.

ПРИМЕ́ШИВАТЬ II *несов. к.* **примеша́ть.**

ПРИМЕ́ШИВАТЬСЯ I *несов.* қорилмоқ (аралаштирилмоқ), омихта қилинмоқ.

ПРИМЕ́ШИВАТЬСЯ II *несов.страд. от* **приме́шивать** II *(к.).*

примешу́, приме́сишь *буд. от* **примеси́ть** *(к.).*

ПРИМИНА́ТЬ *несов. к.* **примя́ть.**

ПРИМИНА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **примя́ться**; 2. босилиб эзилмоқ.

ПРИМИРЕ́НЕЦ *м* (*мн.* **примире́нцы**) *сиёс., нафр.* келишучи, муросачи, муросасоз.

ПРИМИРЕ́НИЕ *ср* 1. яраштириш, келиштириш, мурosa қилдириш, битиштириш, иноқлаштириш; **примире́ние поссо́рившихся друзе́й** аразлашган (уришиб қолган) дўстларни яраштириш; **примире́ние сторо́н** *(юр.)* икки томонни келиштириш (битиштириш); 2. яраш, сулҳ, мурosa, битим; **их ссо́ра зако́нчилась примире́нием** улар жанжаллашиб юриб, ахири ярашишди.

ПРИМИРЕ́НЧЕСКИЙ, -ая, -ое *нафр.* **примире́нчество** *сўз. сиф.*; келишучиликка оид; муросасозларча; **примире́нческое реше́ние** муросасозларча қабул қилинган қарор; **примире́нческая позиция** муросасозлик позицияси.

ПРИМИРЕ́НЧЕСТВО *ср мн.нет нафр.* муросасозлик, муросачилик, келишучилик.

ПРИМИРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое яраштиришга (келиштиришга, муросага келтиришга) оид; яраштирадиган, келиштирадиган, муросага келтирадиган; **примири́тельные слова́** муросага келтирадиган гап.

ПРИМИРИ́ТЬ *сов.* 1. яраштирмоқ, келиштирмоқ, муросага келтирмоқ, битиштирмоқ; 2. кўндирмоқ, кўниктирмоқ; **примири́ть с неудо́бствами** иноқулайликларга кўндирмоқ (кўниктирмоқ).

ПРИМИРИ́ТЬСЯ *сов.* 1. ярашмоқ, келишмоқ, мурosa қилмоқ, битишмоқ; 2. кўнмоқ (кўниқмоқ), тан бермоқ; **примири́ться с печа́льной необходи́мостью** қайғули заруриятга тан бермоқ.

ПРИМИРЯ́ТЬ *несов. к.* **примири́ть.**

ПРИМИРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **примири́ться**; 2. *страд. от* **примиря́ть** *(к.).*

ПРИМИТИ́В *м* примитив, оддий, содда, ибтидоий, қўпол; жўн нарса.

ПРИМИТИВИ́ЗМ *м мн. нет* примитивизм (1. мураккаб масалага оддий, жуда осон деб қарашлик; 2. *спт.* буржуа сан'атида — ўз ижодиётида ибтидоий, қадимги услублардан фойдаланиб иш кўручи тушкунлик оқими).

ПРИМИТИ́ВНОСТЬ *ж мн. нет* 1. примитивлик, оддийлик (соддалик), ибтидоийлик; 2. ‖ чекланганлик, калтафаҳмлик; қўполлик; дағаллик.

ПРИМИТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. содда, оддий, жўн, осон, қўпол; дағал ишланган; 2. ‖ содда, гўл, қолоқ, фикрпотор, калтафаҳм; қўпол; дағал; **примити́вный подхо́д к де́лу** ишга соддаларча қараш; **примити́вный челове́к** дағал одам; 3. ибтидоий, бурунги, қадимги.

ПРИМКНУ́ТЬ *сов.* 1. қўшилмоқ, келиб (кириб) қўшилмоқ, бирлашмоқ; **примкну́ть к колóнне** демонстрантов намойишчилар колоннасига келиб қўшилмоқ; **примкну́ть к большинству́** кўпчиликка қўшилмоқ; 2. яқин турмоқ, ёндошиб (ёнашиб, ёнма-ён) турмоқ; **пе́рвый взвод примкну́л ко второ́му** биринчи взвод иккинчи взводга ёндошиб турди; ◊ ***примкну́ть штык*** *(харб.)* найзани (милтиққа) қўндирмоқ.

примну́, примнёшь *буд. от* **примя́ть** *(к.).*

ПРИМОЛКА́ТЬ *несов. к.* **примо́лкнуть.**

ПРИМО́ЛКНУТЬ *сов. с. т.* жим бўлмоқ, индамай қолмоқ; **де́ти примо́лкли** болалар жим бўлишди.

ПРИМО́РСКИЙ, -ая, -ое денгиз бўйидаги; денгиз лабидаги, денгиз ёқасидаги; **примо́рский парк** денгиз лабидаги парк; **примо́рский куро́рт** денгиз соҳилидаги курорт.

ПРИМО́РЬЕ *ср* денгиз бўйи (ёқаси, соҳили).

ПРИМОСТИ́ТЬ *сов. с. т.* иноқулай жойга қўймоқ; амал-тақал қилиб жойлаштирмоқ; **примости́ть чемода́н**

на краю́ по́лки чемода́нни токчанинг четига жойлаштирмоқ.

ПРИМОСТИ́ТЬСЯ *сов. с.т.* омонатгина (бир амаллаб) жойлашиб олмоқ; **примости́ться на краю́ скаме́йки** скамейканинг бир четига омонатгина ўтириб олмоқ.

ПРИМОЧИ́ТЬ *сов.* ҳўлламоқ, ҳўллаб қўймоқ. ҳўл нарса босмоқ (ёпмоқ); **примочи́ть ушиб** холо́дной водо́й майиб бўлган жойга латта ҳўллаб босмоқ.

ПРИМО́ЧКА *ж* примочка (латта ёки пахтани ҳўллаб майиб жойга қўйиш учун тайёрланган суюқ дори); **поста́вить приме́очки** примочка қўймоқ.

примощу́, примости́шь *буд. от* **примости́ть** *(қ.).*

приму́, при́мешь *буд. от* **приня́ть** *(қ.).*

ПРИ́МУЛА *ж бот.* наврўзгул.

ПРИ́МУС *м* примус.

ПРИ́МУСНЫЙ, -ая, -ое **при́мус** *сўз. сиф.*: примусга оид; **при́мусная игóлка** примус инаси.

ПРИМЧА́ТЬ *сов. с.т.* югуриб олиб келмоқ, от чопиб олиб келмоқ.

ПРИМЧА́ТЬСЯ *сов.* югуриб (чопиб) келмоқ, тез етиб келмоқ.

ПРИМЫКА́НИЕ *ср* ёндошиб (ёнма-ён) туриш, ёнида (қаторида) туриш, туташ (ёндош) бўлиш; ◇ ***примыка́ние (грам.)*** битишув (бир сўзнинг иккинчиси билан бирор формаль белгисиз, мослашмай, бошқарилмай, ўзаро эргашиш йўли билан боғланиши, мас., равишларнинг фе'ллар билан боғланиши).

ПРИМЫКА́ТЬ I *несов.* 1. *қ.* **примкну́ть**; 2. ёндошмоқ, ёндошиб (ёнма-ён) турмоқ, ёнида (қаторида) турмоқ, туташ (ёндош) бўлмоқ; **по́ле примыка́ет к ле́су** дала ўрмонга туташган; **наш дом примыка́ет к их до́му** бизнинг уйимиз уларнинг уйига туташган.

ПРИМЫКА́ТЬ II *несов. грам.* битишув йўли билан тоби' бўлмоқ.

ПРИМЫ́СЛИТЬ *сов. эск.* 1. ёлғон-яшиқ тўқимоқ, уйдирма қўшмоқ; ўйлаб чиқармоқ; **примы́слить ложь к пра́вде** чинга ёлғон қўшмоқ; 2. ўзига топмоқ, қўлга киргизмоқ.

ПРИМЫШЛЯ́ТЬ *несов. к.* **примы́слить.**

ПРИМЯ́ТЬ *сов.* босиб эзмоқ; **примя́ть траву́** ўтни босиб эзмоқ.

ПРИМЯ́ТЬСЯ *сов.* босилиб эзилмоқ.

ПРИНАДЛЕЖА́ТЬ *несов.* 1. қарашли (тегишли) бўлмоқ; „**иску́сство принадлежи́т наро́ду**" (Ленин) „сан'ат халқникидир" (Ленин); **бу́дущее принадлежи́т коммуни́зму** келгуси давр коммунизм давридир; 2. бирор нарсага хос (тегишли) бўлмоқ; **Сове́тскому Сою́зу принадлежи́т реша́ющая роль в борьбе́ за мир** Совет Иттифоқи тинчлик учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда; **больша́я заслу́га в разви́тии нау́ки принадлежи́т на́шим оте́чественным** учёным фанни ривожлантиришдаги катта хизмат ватанимизнинг олималариникидир; 3. мансуб бўлмоқ, оид бўлмоқ; **он принадлежи́т к числу́ инициа́торов э́того мероприя́тия** у бу тадбирнинг ташаббускорлари қаторига киради; **он принадлежи́т к гру́ппе выдаю́щихся де́ятелей нау́ки** у етакчи фан арбоблари гуруҳига мансубдир.

ПРИНАДЛЕ́ЖНОСТЬ *ж* 1. бирор нарсанинг зарур таркибий қисмлари (керак-яроғи); бирор нарсага тегишли жиҳоз; асбоб; аш'ё; буюм; **пи́сьменные принадле́жности** ёзув-чизув учун керакли нарсалар; **посте́льные принадле́жности** ўрин-бош; кўрпа-ёстиқ; 2. мансублик, алоқадорлик; **принадле́жность к коммунисти́ческой па́ртии** коммунистик партияга мансублик; 3. *эск.* мулк, бойлик; 4. *только ед.* бирор нарсага хос (муҳим, ажралмас) хусусият, аломат, белги; **разли́чные ви́ды спо́рта явля́ются необходи́мой принадле́жностью** физической подгото́вки спортнинг турли хиллари жисмоний тарбиянинг зарурий хусусиятидир; ◇ ***по принадле́жности (напра́вить, отда́ть) расм.*** тегишли жойга (юбормоқ, топширмоқ), керакли кишига (юбормоқ, топширмоқ).

приналёг, приналегла́ *прош. от* **принале́чь** *(қ.).*

ПРИНАЛЕ́ЧЬ *сов. с. т.* 1. бироз огирлигини солмоқ, суяниб босмоқ,

итармоқ; **приналéчь на вёсла** эшкакка оғирлигини солмоқ; 2. ‖ бирор ишга қунт (ҳафсала, ғайрат) блан киришмоқ; зўр бермоқ; тиришмоқ; **приналéчь на учёбу** ўқишга зўр бермоқ.

приналя́г *пов. накл. от* **приналéчь** (*қ.*).

приналя́гу, приналя́жешь, приналя́гут *буд. от* **приналéчь** (*қ.*).

ПРИНАРЯДИ́ТЬ *сов. с. т.* ясатмоқ (ясантирмоқ); кийинтирмоқ, кийгизмоқ.

ПРИНАРЯДИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ясанмоқ, яхши кийинмоқ.

ПРИНАРЯЖА́ТЬ *несов. қ.* **принаряди́ть.**

ПРИНАРЯЖА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **принаряди́ться**; 2. *страд. от* **принаряжа́ть** (*қ.*).

принаряжу́, принаряди́шь *буд. от* **принаряди́ть** (*қ.*).

ПРИНЕВО́ЛИВАТЬ *несов. қ.* **принево́лить.**

ПРИНЕВО́ЛИВАТЬСЯ *несов. с. т.* мажбур қилинмоқ.

ПРИНЕВО́ЛИТЬ *сов. с. т.* мажбур қилиб қўймоқ, зўрламоқ.

ПРИНЕСЕ́НИЕ *ср мн. нет* **принести́** фе'лининг ҳаракат номи; **принесе́ние прися́ги** қасам'ёд қилиш.

ПРИНЕСТИ́ *сов.* 1. олиб келмоқ, келтирмоқ; етказмоқ; **почтальо́н принёс письмо́** почтальон хат олиб келди; **принести́ дров** ўтин келтирмоқ; 2. туғмоқ, болаламоқ, бола очмоқ (ҳайвонлар ҳақида); **ко́шка принесла́ двух котя́т** мушук иккита бола туғди; 3. ҳосил бермоқ; **я́блоня принесла́ мно́го я́блок** олма кўп ҳосил берди; 4 бермоқ, келтирмоқ, етказмоқ (фойда ёки зарар ҳақида); **принести́ по́льзу** фойда бермоқ, фойда келтирмоқ; **принести́ дохо́д** даромад келтирмоқ; **ра́дио принесло́ ра́достную весть** радио хушхабар келтирди; 5. отни ифода қилучи сўзлар бирга келганда бирор иш ёки ҳаракатни англатади; **принести́ благода́рность** ташаккур билдирмоқ; **принести́ поздравле́ния** табрикламоқ; **принести́ свои́ извине́ния** узр (кечирим) сўрамоқ; **принести́ кля́тву** қасам'ёд қилмоқ, қасам ичмоқ; ◊ **принести́ в же́ртву что-н.** қурбон қилмоқ; **принести́ сча́стье** бахт келтирмоқ, бахтли қилиб қўймоқ; **принести́ несча́стье** бахтсизлик келтирмоқ, бахтсиз қилиб қўймоқ; **принесла́ его́ нелёгкая** аттанг, бевақт келиб қолди.

ПРИНЕСТИ́СЬ *сов. с. т.* тез етиб келмоқ, чопиб келмоқ, ғизиллаб келиб қолмоқ.

ПРИНИЖА́ТЬ *несов. қ.* **прини́зить.**

ПРИНИЖА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **прини́жать** (*қ.*).

ПРИНИЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* хўрлаш, ерга уриш, камситиш; хўрлаш, камситиш.

ПРИНИ́ЖЕННОСТЬ *ж мн. нет* хўрлик, камситилганлик, залиллик.

ПРИНИ́ЖЕННЫЙ, -ая, -ое 1. **прини́зить** фе'лининг сифатдоши; 2. хўрланган, камситилган, залил.

прини́жу, прини́зишь *буд. от* **прини́зить** (*қ.*).

ПРИНИ́ЗИТЬ *сов.* 1. хўрламоқ, камситмоқ, ерга урмоқ; 2. пасайтирмоқ, камайтирмоқ; **прини́зить значе́ние чего́-н.** бирор нарсанинг аҳамиятини пасайтириб кўрсатмоқ.

прини́к, прини́кла *прош. от* **прини́кнуть** (*қ.*).

ПРИНИКА́ТЬ *несов. қ.* **прини́кнуть.**

ПРИНИ́КНУТЬ *сов.* 1. эгилмоқ, энгашмоқ, ерга энгашмоқ; 2. маҳкам ёпишиб (жипслашиб) олмоқ; ёпишмоқ, суқилмоқ; **ребёнок прини́к к ма́тери** бола онасига маҳкам ёпишиб олди.

ПРИНИМА́ТЬ *несов.* 1. *қ.* **приня́ть**; 2. *эск.* уйига чақириб кўришмоқ, учрашмоқ; меҳмон чақирмоқ; 3. қабул қилмоқ; кўрмоқ; **врач принима́ет больны́х в определённые часы́** врач касалларни ма'лум соатларда қабул қилади; 4. доя бўлмоқ, доялик қилмоқ, туғдирмоқ.

ПРИНИМА́ТЬСЯ I *несов. қ.* **приня́ться.**

ПРИНИМА́ТЬСЯ II *несов. страд. от* **принима́ть** (*қ.*).

ПРИНОРА́ВЛИВАТЬ *несов. қ.* **приноровѝть.**

ПРИНОРА́ВЛИВАТЬСЯ *несов* 1. *к.* приноровиться. 2 *страд от* приноравливать (*к.*).

ПРИНОРОВИ́ТЬ *сов* тўғриламоқ, тўғри келтирмоқ, мослаштирмоқ, мувофиқлаштирмоқ

ПРИНОРОВИ́ТЬСЯ *сов* кўникмоқ, малака ҳосил қилмоқ, ўрганмоқ, одатланмоқ, мослашмоқ; приноровиться к обстоятельствам вазиятга кўникмоқ; шароитга мослашмоқ.

ПРИНОРОВЛЯ́ТЬ *несов. к.* приноровить

ПРИНОРОВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* приноровиться; 2 *страд. от* приноровля́ть (*к.*).

ПРИНОСИ́ТЬ *несов. к.* принести

ПРИНОСИ́ТЬСЯ *несов* 1 *к.* принестись; 2. *страд. от* приноси́ть (*к.*)

ПРИНОШЕ́НИЕ *ср эск.* 1 олиб келиш; келтириш. етказиш; 2. ин'ом-эҳсон, ҳад'я, қурбон. назр-ниёз. богатые приношения катта ин'омлар

ПРОБИ́ТЬ *сов.* 1. тешмоқ, ўймоқ, тешик очмоқ; тешиб (ёриб) ўтмоқ; **пробить отве́рстие в стене́** деворни тешмоқ; девордан тешик очмоқ; **пробить дверь в сосе́днюю ко́мнату** қўшни хонага эшик очмоқ; **пу́ля пробила кры́шу** ўқ томни тешиб ўтипти; 2. очмоқ, солмоқ; **пробить доро́гу че́рез ча́щу** қалин дарахтзор ичидан йўл солмоқ (очмоқ); 3. занг урмоқ, жом урмоқ (чалмоқ); **часы́ пробили двена́дцать** соат ўн иккига жом ўрди; **пробить зо́рю** уйғотиш учун карнай чалиб сигнал бермоқ; ◊ ***пробить себе́ доро́гу*** 1) ўзига йўл очиб олмоқ; 2) ‖ баланд мартабага эришмоқ; бирор соҳада муваффақият қозонмоқ.

ПРОБИ́ТЬСЯ *сов.* 1. ёриб ўтмоқ; гов. тўсиқларни енгиб ўтмоқ; **ручёй пробился сквозь ка́мни** сув тошлар орасидан ёриб ўтди; **пробиться из окруже́ния** қуршовни ёриб чиқмоқ, қуршовдан чиқиб олмоқ; **пробиться сквозь толпу́** оломон орасини ёриб ўтмоқ; 2. ‖ *с. т.* кўп меҳнат сарф қилмоқ, кўп уринмоқ, бирор нарсага, ишга кўп вақт сарфламоқ; **я це́лый час пробился над реше́нием э́той зада́чи** мен бу масалани ечиш учун роса бир соат уриндим; 3. ‖ *с. т.* амал-тақал қилиб кун кечирмоқ, чор-ночор кунини ўтказмоқ; 4. унмоқ, униб (ўсиб, кўкариб) чиқмоқ, ниш урмоқ; **проби́лись пе́рвые ростки́ хлопча́тника** ғўзанинг олди униб чиқди; 5. ‖ муваффақият қозонмоқ, юзага (рўёбга) чиқмоқ; **пра́вда пробьётся через все прегра́ды** ҳақиқат ҳамма тўсиқларни енгиб, юзага чиқади; **проби́ться в лю́ди** (*эск.*) юзага чиқмоқ; одам қаторига қўшилиб қолмоқ.

ПРО́БКА *ж* 1. пробка, пўкак (ба'зи дарахтларнинг, кўпинча пробка дарахтининг пўстлоғи); **поплаво́к из про́бки** пробкадан ясалган қалқовуч, сузгич; 2. пробка, тиқин, пўкак; **деревя́нная про́бка** ёғоч тиқин; **стекля́нная про́бка** шиша тиқин; 3. *эл.* пробка (электр шчитда предохранитель ўрнатилган қисм); **про́бка перегоре́ла** (*с. т.*) пробка куйиб қолди; 4. ‖ *с. т.* тиқилинч, тирбанд (темир йўлларда вагонлар, дар'ёда кемалар, тор йўлда одамларнинг тиқилинч, тирбанд бўлиб қолган жойи); **при вы́ходе в две́рях образова́лась про́бка** эшик олди тиқилинч бўлиб кетди; ◊ ***глуп, как про́бка*** (*с. т.*) ғирт тентак одам, ниҳоятда бефаҳм киши.

ПРО́БКОВЫЙ, -ая, -ое **про́бка** 1 *сўз. сиф.*; пробкага (пўкакка) оид; **про́бковое де́рево** пўкак дарахти; **про́бковый дуб** пробка (пўкак) дуб дарахти (бу дарахт ҳамиша кўмкўк бўлиб туради, пўстлоғидан пробка олинади); 2. пробкадан (пўкакдан) қилинган; **про́бковый по́яс** пробка (пўкак) камар; **про́бковый шлем** пробка (пўкак) шлем, қалпоқ.

ПРОБЛЕ́МА *ж* проблема (ҳал қилиниши лозим бўлган назарий ёки

амалий масала; муаммо); разреши́ть пробле́му проблемани ҳал қилмоқ; пробле́ма уничтоже́ния противополо́жности между го́родом и дере́вней шаҳар блан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликни йўқ қилиш проблемаси.

ПРОБЛЕМА́ТИКА *ж мн. нет* проблематика (проблемалар йиғиндиси; ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар мажмуи).

ПРОБЛЕМАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. тахминий, проблематик; батамом ҳал бўлмаган; проблематическое реше́ние вопро́са масаланинг тахминий ҳал этилиши; проблемати́ческий вы́вод тахминий хулоса; 2. шубҳали, муаммо бўлган, ноаниқ, даргумон; хом; проблематические наде́жды хом умидлар; хом хаёллар.

ПРОБЛЕМАТИ́ЧНОСТЬ *ж мн. нет* 1. проблематиклик; тахминийлик; 2. эҳтимолдан йироқлик, ноаниқлик, даргумонлик.

ПРОБЛЕМАТИ́ЧНЫЙ = проблемати́ческий (*қ.*).

ПРОБЛЕ́МНЫЙ, -ая, -ое проблемали, бирор проблемани ўз ичига олган; бирор проблемани кўтариб чиққан; проблемная статья́ проблемали мақола; бирор проблемани кўтариб чиққан мақола.

ПРО́БЛЕСК *м* 1. шу'ла, нур, йилтираш; ялт этиб кўринган ёруғлик; про́блески мо́лнии чақмоқнинг ялтирашлари; 2. ‖ бирор нарсанинг нишони, аломати, учқуни; про́блески наде́жды умид учқунлари; и́зредка у больно́го появля́лись про́блески созна́ния бемор ҳар замонда бир ҳушига келиб қўяр эди; 3. ‖ қисқа муддатли шодлик, бахт.

ПРОБЛЁСКИВАТЬ *несов. қ.* проблесну́ть.

ПРОБЛЕСНУ́ТЬ *сов.* ялт этиб кўринмоқ, ярқираб (ялтираб) кўринмоқ; сквозь чёрную ту́чу проблеснула́ луна́ қора булут орасидан ой ялт этиб кўринди.

ПРОБЛУЖДА́ТЬ *сов.* дайдиб юрмоқ, тентираб (сандироқлаб, айланиб, санқиб) юрмоқ; проблужда́ть весь день по ле́су ўрмон ичида кун бўйи айланиб (тентираб) юрмоқ.

ПРО́БНЫЙ I, -ая, -ое синовга (синашга) оид, синаладиган, синаш учун белгиланган, синовдан ўтказиладиган; про́бный това́р синовга берилган (чиқарилган) мол; про́бный полёт *(ав.)* самолётни синаш учун учириб кўриш; самолётнинг синовга учиши; про́бный пуск ма́шины машинани синаб (текшириб) кўриш учун юргизиш; про́бный уро́к по хи́мии химиядан синов (текширув) дарси; ◇ *про́бный ка́мень* синов тоши 1) олтин ва кумушнинг пробасини аниқлашда ишлатиладиган махсус тош; 2) ‖ синамоқлик, ўсмоқчилаб кўриш учун қилинган иш-ҳаракат; *про́бный шар* 1) учиш аппаратини (мас., самолётни учиришдан илгари обиҳаво шароитини текшириб билиш учун ҳавога учириладиган шар; 2) ‖ азмойишини олиш, қўйнига қўл солиб кўриш.

ПРО́БНЫЙ II, -ая, -ое *махс.* пробали, проба қўйилган; про́бное зо́лото пробали (проба қўйилган) олтин; *қ.* про́ба II.

ПРО́БОВАТЬ *несов.* 1. синаб кўрмоқ, текшириб кўрмоқ; про́бовать свой си́лы ўз кучини синаб кўрмоқ; 2. тотиб кўрмоқ, еб (ичиб) кўрмоқ, мазасини кўрмоқ; про́бовать ды́ню қовуннинг мазасини тотиб кўрмоқ; 3. уринмоқ, ҳаракат қилиб кўрмоқ; про́бовать реши́ть зада́чу масалани ечишга уриниб кўрмоқ.

ПРОБОДА́ТЬ I *сов.* сузиб олмоқ, сузиб ташламоқ, сузиб ёриб (тешиб) юбормоқ (шох блан).

ПРОБОДА́ТЬ II *несов. махс.* тешмоқ, тешиб ўтмоқ (мас., ичакни).

ПРОБОДА́ТЬСЯ *несов.* тешиб юборилмоқ, тешиб (ёриб) қўйилмоқ.

ПРОБОДЕ́НИЕ *ср мн. нет мед.* тешилиш, ёрилиш; тешиш, ёриш; прободе́ние кише́к ичак тешилиши.

ПРОБО́ИНА *ж* тешик, ёриқ, тешилган жой.

ПРОБО́Й *м* 1. ҳалқа, зулпин; 2. *қ.* пробо́ина.

ПРОБО́ЙНИК *м тех.* пробойник (металл, девор ва шу кабиларни тешадиган асбоб).

ПРОБОЛЕ́ТЬ *сов.* 1. бирмунча вақт касал бўлмоқ, касал бўлиб ёт-

моқ; **он проболе́л всю зи́му** у қиши билан касал ётди; 2. бирмунча вақт оғримоқ, оғриб турмоқ; **поре́занный па́лец проболе́л недо́лго** пичоқ кесган бармоқ узоқ оғримади.

ПРОБОЛТА́ТЬ *сов. с. т.* 1. бир муддат вайсамоқ, гап сотмоқ, эзмалик қилмоқ; эзмаланиб гапирмоқ; 2. сирни айтиб (очиб) қўймоқ, сирни ошкор қилиб қўймоқ; огиздан гуллаб қўймоқ.

ПРОБОЛТА́ТЬСЯ I *сов. с. т. манф.* сирни айтиб (очиб) қўймоқ, огиздан гуллаб қўймоқ.

ПРОБОЛТА́ТЬСЯ II *сов. с. т.* тентираб юрмоқ, санқиб (дайдиб) юрмоқ; **проболта́ться на у́лице до ве́чера** кечгача кўчада тентираб юрмоқ.

ПРОБО́Р *м* соч фарқи; **сде́лать пробо́р** фарқ очмоқ; **сде́лать косо́й пробо́р** фарқни қийшиқ очмоқ.

ПРОБОРА́НИВАТЬ *несов. қ.* **проборони́ть.**

ПРОБОРА́НИВАТЬСЯ *несов.* бороналаб (молалаб) чиқилмоқ, бороналаб (мола босиб) қўйилмоқ.

ПРОБОРМОТА́ТЬ *сов.* пўнғиллаб қўймоқ, тўнғиллаб қўймоқ; минғиллаб бирор гап айтмоқ.

пробормочу́, пробормо́чешь *буд. от* **пробормота́ть** (*қ.*).

ПРОБОРОНИ́ТЬ *сов.* 1. бороналаб (молалаб) чиқмоқ, бороналаб (молалаб) қўймоқ; 2. ма'лум вақт бороналаш билан машғул бўлмоқ.

ПРО́БОЧНИК *м с. т.* штопор, бурама (пробка очучи асбоб).

ПРО́БОЧНЫЙ, -ая, -ое **про́бка** 2 *зуз. сиф.*; пробкага оид; **про́бочный заво́д** пробка заводи, пробка ишлаб чиқарадиган завод.

ПРОБРА́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* ўтмоқ, босмоқ, олмоқ; та'сир қилмоқ (совуқ, қўрқув ва х. к. ҳақида); **моро́з пробра́л меня́ до косте́й** бутун совуқ суяк-суягимдан ўтиб кетди; **его́ пробра́л страх** у жуда қўрқиб кетди, уни қўрқув босди; **его́ ниче́м не проберёшь** унга ҳечнарса та'сир қилмайди; 2. ‖ *с. т.* қаттиқ қойимоқ, танбиҳ бермоқ, та'зир бермоқ; 3. *қ. х.* ўтамоқ; **пробра́ть мори́ковь** сабзини ўтамоқ.

ПРОБРА́ТЬСЯ *сов.* 1 ёриб ўтмоқ, ёриб кирмоқ; **пробра́ться сквозь толпу́** оломон орасидан ёриб ўтмоқ; 2. билдирмасдан секин кириб олмоқ, писиб (бекиниб) ўтмоқ; **пробра́ться о́щупью** пайпаслаб ўтмоқ; **пробра́ться на цы́почках** оёқ учи билан секин-аста юриб ўтмоқ; **незаме́тно пробра́ться в ко́мнату** через **окно́** деразадан уйга секингина кириб олмоқ.

ПРОБРЕ́ДИТЬ *сов.* бир фурсат алаҳламоқ; алаҳлаб чиқмоқ; **больно́й пробре́дил всю ночь** бемор кечаси билан алаҳлаб чиқди.

пробре́жу, пробре́дишь *буд. от* **пробре́дить** (*қ.*).

ПРОБРОДИ́ТЬ *сов.* бирмунча вақт дайдимоқ, айланиб (дайдиб, санқиб, изғиб) юрмоқ, кезмоқ.

проброжу́, пробро́дишь *буд. от* **проброди́ть** (*қ.*).

ПРОБУДИ́ТЬ *сов.* 1. уйғотмоқ, уйқудан турғизмоқ; уйқусини бузмоқ; 2. ‖ уйғотмоқ, қўзғатмоқ, туғдирмоқ; **пробуди́ть жела́ние к чему́-н.** бирор нарсага ҳавас, истак қўзғатмоқ; **пробуди́ть любо́вь к спо́рту** спортга ҳавас туғдирмоқ.

ПРОБУДИ́ТЬСЯ *сов.* 1. уйғонмоқ, уйқудан турмоқ; 2. ‖ уйғонмоқ, пайдо бўлмоқ, туғилмоқ; **я стал чита́ть, и во мне пробуди́лся интере́с к литерату́ре** китоб ўқиш менда адабиётга ҳавас туғдирди; 3. ‖ уйғонмоқ, жонланмоқ; **весно́й приро́да пробуди́лась** баҳор келиб, табиат уйғонди.

пробу́ду, пробу́дешь *буд. от* **пробы́ть** (*қ.*).

пробу́дь *пов. накл. от* **пробы́ть** (*қ.*).

ПРОБУЖДА́ТЬ *несов. қ.* **пробуди́ть** 2.

ПРОБУЖДА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **пробуди́ться**; 2. уйғотилмоқ, уйқудан турғизилмоқ.

ПРОБУЖДЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. уйғониш; уйқудан туриш; 2. ‖ уйғониш, пайдо бўлиш, қўзғалиш, туғилиш; **пробужде́ние самосозна́ния трудя́щихся коло́ний** мустамлакалар меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқларини танийбошлашлари; 3. ‖ уйғониш,

жонланиш; **пробужде́ние приро́ды** табиат уйғониши.

пробужу́, пробу́дишь *буд. от* **пробуди́ть** *(к.)*.

ПРОБУРА́ВИТЬ *сов.* пармалаб (бургалаб) тешмоқ, кавламоқ.

ПРОБУРА́ВЛИВАТЬ *несов. к.* **пробура́вить**.

ПРОБУРА́ВЛИВАТЬСЯ *несов.* пармалаб (бургалаб) тешилмоқ, кавланмоқ.

ПРОБУРИ́ТЬ *сов. к.* **бурить**.

ПРОБУРЧА́ТЬ *сов. с. т.* пўнғиллаб қўймоқ, тўнғиллаб қўймоқ.

ПРОБЧА́ТКА *ж мехс.* пробка дарахтининг пўстлоғи.

ПРОБЫТЬ *сов.* бирмунча вақт турмоқ, бўлмоқ; **пионе́ры про́были два ме́сяца в гора́х** пионерлар тоғда икки ой туришди; **он про́был в институ́те три часа́** у институтда уч соат бўлди; **дире́ктором заво́да он про́был недо́лго у завод** директори бўлиб узоқ турмади.

пробью́, пробьёшь *буд. от* **проби́ть** *(к.)*.

ПРОВА́ЖИВАТЬ *несов. с. т.* совутиб юрмоқ (отни); **прова́живать разгорячённую ло́шадь** терлаб (қизиб) турган отни совутиб юрмоқ.

ПРОВА́Л *м* 1. *только ед.* ўпирилиш; қулаб тушиш, емирилиш; 2. ўпирилган (ўпирилиб тушган) жой, чуқур; жарлик; 3. ‖ барбод бўлиш, бузилиш, ўпирилиш, муваффақиятсизлик; **по́лный прова́л авантю́ры** авантюранинг тамомила барбод бўлиши; **прова́л перегово́ров** музокараларнинг муваффақиятсизликка учраши; **ва́ша затея́ мо́жет ко́нчиться серьёзным прова́лом** сизнинг бу ишингиз жиддий муваффақиятсизликка учраши мумкин; 4. ‖ сусайиш, пасайиш; **прова́л па́мяти** хотиранинг сусайиши.

ПРОВА́ЛИВАТЬ *несов.* 1. *к.* **провали́ть**; 2. **прова́ливай!** *содд.* юришингни қилиб қол!, жўнаб қол!, даф' бўл!, қорангни ўчир!

ПРОВА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **провали́ться**; 2. *страд. от* **прова́ливать**; *к.* **провали́ть** 1,2,3.

ПРОВАЛИ́ТЬ *сов.* 1. ўпириб юбормоқ, емирмоқ, қулатмоқ; **провали́ть пол** полни ўпириб юбормоқ; 2. ‖ *с. т.* ўпирмоқ, ҳалок (барбод) қилмоқ, бузмоқ; **провали́ть де́ло** ишни бузиб қўймоқ, ишни барбод қилмоқ; **провали́ть како́е-н. мероприя́тие** бирор тадбирни барбод бермоқ; 3. ‖ *с. т.* кўтармоқ, рад қилмоқ; қабул қилмай (ўтказмай) қўймоқ; **провали́ть предложе́ние** таклифни рад қилмоқ; **провали́ть кандида́та** кандидатни рад қилмоқ (сайловдан ўтказмай қолдирмоқ); 4. ‖ *с. т.* йиқитмоқ; ёмон (паст) баҳо қўймоқ; **провали́ть кого́-н. на экза́мене** имтиҳонда йиқитмоқ.

ПРОВАЛИ́ТЬСЯ *сов.* 1. қулаб (йиқилиб) тушмоқ, йиқилиб (тушиб) кетмоқ; **провали́ться в я́му** чуқурга тушиб кетмоқ; 2. қулаб (ўпирилиб) тушмоқ; **потоло́к провали́лся** шип ўйилиб (ўпирилиб) тушди; **мост провали́лся** кўприк емирилди, кўприк босиб қолди; 3. ‖ *с. т.* йўқолиб кетмоқ, гойиб бўлмоқ; **куда́ ты провали́лся?** қаёққа йўқолган эдинг?; 4. ‖ *с. т.* чиппакка (пучга) чиқмоқ, барбод бўлмоқ; муваффақиятсизликка учрамоқ; **попы́тки врага́ посе́ять рознь ме́жду дру́жественными стра́нами провали́лись** душманнинг дўстона муносабатдаги мамлакатлар ўртасига низо' солиш учун уринишлари пучга чиқди; **его́ пла́ны провали́лись** унинг планлари барбод бўлди; 5. ‖ *с. т.* йиқилмоқ; **ученик провали́лся на экза́мене по фи́зике** ўқувчи физикадан йиқилди (имтиҳон беролмади); 6. **провали́сь!** *содд.* йўқол!; даф' бўл!; қорангни ўчир!; ◇ ***как сквозь зе́млю провали́лся!*** *(с. т.)* ер ютгандай гойиб бўлди; ***я был гото́в сквозь зе́млю провали́ться*** ерга кириб кетгудай бўлдим; ер ёрилмади—ерга кирмадим (уялишдан, хижолатдан).

ПРОВАЛЯ́ТЬ *сов. к.* **валя́ть**.

ПРОВАЛЯ́ТЬСЯ *сов.* бирмунча вақт ётмоқ, ағнаб ётмоқ.

ПРОВАНСА́ЛЬ *м мн. нет махс.* провансаль (тухум сариғи ва зайтун мойидан тайёрланган соус, қайла).

ПРОВА́НСКИЙ: прова́нское ма́сло зайтун мойи

ПРОВА́РИВАТЬ *несов. к.* **проварить** 1.

ПРОВА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* проварйться 1; 2. ҳил-ҳил пишмоқ, яхши пишмоқ.

ПРОВАРЙТЬ *сов.* 1. яхши пиширмоқ, ҳил ҳил қилиб пиширмоқ; **проварйть мя́со** гўштни ҳил-ҳил қилиб пиширмоқ; 2. *тех.* металлнинг пайванд (сварка) қилинадиган жойини тўлдириб уламоқ; 3. бир фурсат овқат пиширмоқ, овқат пишириш блан бир фурсат машғул бўлмоқ.

ПРОВАРЙТЬСЯ *сов.* 1. пишиб етилмоқ, яхши пишмоқ, ҳил-ҳил пишмоқ; 2. бирмунча вақт қайнатилмоқ, қайнатиб пиширилмоқ.

ПРОВА́ЩИВАТЬ *несов.* *к.* провощи́ть.

ПРОВА́ЩИВАТЬСЯ *несов.* мўмланиоқ, мўм суртилмоқ.

ПРОВЕ́ДАТЬ *сов. с.т.* 1. йўқламоқ, хабар олмоқ, бориб кўрмоқ; **прове́дать знако́мых** таништарни йўқлаб бормоқ (келмоқ); **прове́дать больно́го** касални йўқламоқ, касалнинг ҳолидан хабар олмоқ; 2. четдан (орқаворатдан) эшитиб билмоқ.

ПРОВЕДЕ́НИЕ *ср мн. нет* прово́дить I ва провести́ фе'лининг ҳаракатноми; **проведе́ние желе́зной доро́ги** темир йўл ўтказиш; **проведе́ние электри́чества** электр ўтказиш; электр ўрнатиш; **проведе́ние в жизнь како́го-н. мероприя́тия** бирор тадбирни амалга ошириш; **проведе́ние посевно́й кампа́нии** экин кампаниясини ўтказиш.

проведу́, проведёшь *буд. от* провести́ (*к.*).

ПРОВЕ́ДЫВАТЬ *несов.* *к.* прове́дать.

ПРОВЕ́ДЫВАТЬСЯ *несов.* йўқланиоқ, хабар олинмоқ, бориб кўрилмоқ.

ПРОВЕЗТИ́ *сов.* 1. элтмоқ, олиб бормоқ, айлантириб юрмоқ, олиб ўтмоқ (машина, поезд, пароход, арава ва бошқаларда); **экскурса́нтов провезли́ по го́роду** экскурсиячиларни шаҳар айлантириб чиқдилар; **провезти́ ле́сом** ўрмон ичидан олиб ўтмоқ; 2. ўзи блан бирга олиб бормоқ, олиб юрмоқ, элтмоқ; **провезти́ кни́ги в чемода́не** китобларни чемоданда элтмоқ.

ПРОВЕ́ИВАТЬ *несов.* *к.* прове́ять.

ПРОВЕ́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* прове́яться; 2. совурилиб тозаланмоқ, шопирилиб тозаланмоқ, елпиб тозаланмоқ.

провёл, провела́ *прош. от* провести́ (*к.*).

ПРОВЕНТИЛИ́РОВАТЬ *сов.* *к.* вентили́ровать.

ПРОВЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое 1. синалган, синаб кўрилган, текшириб кўрилган; синашта; **прове́ренный рабо́тник** синалган ходим; 2. синаб (текшириб, ишлатиб, юргизиб) кўрилган; **прове́ренные механи́змы** синаб (текшириб) кўрилган механизмлар.

ПРОВЕ́РИТЬ *сов.* 1. текширмоқ текшириб кўрмоқ; **прове́рить испо́лнение реше́ния** қарорнинг бажарилишини текшириб кўрмоқ; **прове́рить посты́** постларни текшириб чиқмоқ; 2. синаб кўрмоқ; ишлатиб кўрмоқ, юргизиб кўрмоқ; имтиҳон қилиб кўрмоқ; **прове́рить зна́ния учащи́хся** ўқувчиларнинг билимларини текшириб кўрмоқ; **прове́рить рабо́ту мото́ров** моторларнинг ишлашини текшириб кўрмоқ.

ПРОВЕ́РКА *ж мн. нет* 1. текшириш, синаш, текшириб (синаб) кўриш; **прове́рка испо́лнения** ижрони текшириш; **прове́рка паспо́ртов** паспортларни текшириш; **прове́рка полномо́чий депута́тов** депутатларнинг ваколатини текширмоқ; **прове́рка зна́ний** билимларни синаш; 2. синов, имтиҳон; **„Война́ яви́лась суро́вой прове́ркой сил и про́чности Сове́тского стро́я"** (Сталин), **„Уруш Совет тузумининг кучларини ва мустаҳкамлигини текшириб кўрган қаттиқ синов бўлди"** (Сталин).

ПРОВЕРНУ́ТЬ *сов.* 1. *с.т.* бураб тешмоқ, пармалаб тешмоқ; **провернýть дыру́** парма блан тешик очмоқ; 2. *с.т.* бирор нарса орқали бураб ўтказмоқ; **провернýть мя́со через мясору́бку** гўштни қийма машинадан ўтказмоқ; гўштни мясорубкада қиймаламоқ; 3. ‖ *сомб.* тез ҳал қилмоқ, ечмоқ; тез уюштирмоқ; **провернýть де́ло** ишни тез ҳал қилмоқ; **провернýть вопро́с** масаланн тезда ҳал этмоқ (ечмоқ).

ПРОВЕ́РОЧНЫЙ, -ая, -ое текширишга (синашга, синовга) оид; текширувчи, синовчи; **провéрочные испытáния** текширув имтиҳонлари; **провéрочный диктáнт** синов диктанти.

ПРОВЕРТЕ́ТЬ *сов.* 1. *с. т. қ.* **провернýть** 1; 2. бир фурсат айлантирмоқ, айлантириб (бураб) турмоқ.

ПРОВЕРТЕ́ТЬСЯ *сов.* 1. бир фурсат айланмоқ, айланиб (бураліб) турмоқ; 2. ‖ *с. т.* бирмунча вақт бирор муҳитда бўлмоқ, юрмоқ; бирор муҳитда айланишмоқ.

ПРОВЁРТЫВАТЬ *несов. қ.* **провертéть** ва **провернýть**.

ПРОВЁРТЫВАТЬСЯ *несов.* бир фурсат айлантирилмоқ.

проверчý, провёртишь *буд. от* **провертéть** *(қ.).*

ПРОВЕРЯ́ТЬ *несов. қ.* **провéрить**.

ПРОВЕРЯ́ТЬСЯ *несов.* текширилмоқ, синалмоқ.

ПРОВЕ́С I *м мн., нет махс.* тарозида кам келиш, енгил тортиш.

ПРОВЕ́С II *м махс.* осилиб туриш, эгилиб (солқиб) туриш; солқалик; **провéс проводóв** симларнинг осилиб (солқиб) туриши.

ПРОВЕ́СИТЬ *сов.* кам тортмоқ, енгил келмоқ (тарозида).

ПРОВЕСТИ́ *сов.* 1. йўл кўрсатиб (бошлаб) бормоқ; олиб ўтмоқ; **провести́ отря́д через** лес отрядни ўрмон ичидан олиб ўтмоқ; **провести́ ближа́йшим путём** энг яқин йўлдан бошлаб бормоқ; 2. чизмоқ, тортмоқ; чизиқ блан белгиламоқ; **провести́ ли́нию** чизиқ тортмоқ; 3. ўтказмоқ, қурмоқ, солмоқ, очмоқ; **провести́ желéзную доро́гу** темир йўл ўтказмоқ; темир йўл қурмоқ; **провести́ но́вую доро́гу** янги йўл очмоқ; **провести́ водопрово́д** водопровод ўтказмоқ; **провести́ электри́чество в дом** уйга электр ўтказмоқ; 4. амалга оширмоқ, татбиқ этмоқ, ўтказмоқ; **провести́ иде́ю в жизнь** идеяни амалга оширмоқ; **провести́ законопроéкт** қонун проектини тасдиқ эттирмоқ; 5. бажармоқ, адо этмоқ, қилмоқ; олиб бормоқ, ўтказмоқ; **провести́ собра́ние** мажлис ўтказмоқ; **провести́ серьёзную рабо́ту по повыше́нию урожа́йности** ҳосилни ошириш юзасидан жиддий иш олиб бормоқ; **провести́ боево́ю опера́цию** жанговар операция ўтказмоқ; 6. силамоқ; устидан юритмоқ; **провести́ рукóй по волоса́м** сочни силаб қўймоқ; **провести́ щёткой по пла́тью** кўйлакни бироз чўткаламоқ; 7. *бухг.* қайд этмоқ, ёзиб қўймоқ; тиркамоқ; **провести́ счёт по ка́ссе** счётни кассадан ўтказмоқ, счётни кассада қайд этмоқ; 8. ўтказмоқ (вақтни); турмоқ; **провести́ о́тпуск в до́ме о́тдыха** отпускани дам олиш уйида ўтказмоқ; провести́ ле́то в дере́вне ёзни қишлоқда ўтказмоқ; ве́село провести́ пра́здник байрамни хушчақчақлик блан (яхши) ўтказмоқ; 9. кўтармоқ, таклиф этмоқ; **в своéй статье́ а́втор прово́дит интере́сную мысль** автор ўз мақоласида қизиқ масалани кўтаради; 10. ‖ *с. т.* алдаб кетмоқ, чув туширмоқ; панд бермоқ; **его́ не проведёшь** уни алдаб бўпсан!; ◇ ***стáрого воробья́ на мя́кине не проведёшь*** *қ.* мякина; ***провести́ грань (черту́)*** бир нарсанинг чегарасини белгиламоқ; ***провести́ знак ра́венства*** баравар қилмоқ, тенглаштирмоқ, икки нарсани бир-бирига тенг қилиб кўрсатмоқ.

ПРОВЕ́ТРИВАНИЕ *ср мн. нет* шамоллатиш, ҳавони янгилаш; **провéтривание зернохрани́лища** галла омборини шамоллатиб туриш.

ПРОВЕ́ТРИВАТЬ *несов. қ.* **провéтрить**.

ПРОВЕ́ТРИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **провéтриться**; 2. шамоллатилмоқ, ҳаво янгиланмоқ.

ПРОВЕ́ТРИТЬ *сов.* шамоллатмоқ; ҳавони янгиламоқ; **провéтрить ко́мнату** хонани шамоллатмоқ (уй ҳавосини янгиламоқ).

ПРОВЕ́ТРИТЬСЯ *сов.* 1. ҳавоси янгиланмоқ; **ко́мната провéтрилась** хона шамоллатилди (хонанинг ҳавоси янгиланди); 2. ‖ *с. т.* янги ҳаво олмоқ, шамоллаб келмоқ, ёзилиб келмоқ.

ПРОВЕ́ШИВАНИЕ *ср мн. нет геод.* белгилаш (бирор жойнинг чегарасини, йўналишини қозиқлар блан белгилаш).

ПРОВЕ́ШИВАТЬ *несов. геод. к.* **провешúть.**

ПРОВЕ́ШИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **провéшивать** *(к.).*

ПРОВЕШИ́ТЬ *сов. геод.* белгилаб чиқмоқ, белгилаб қўймоқ (бирор жойнинг чегарасини, йўналишини қозиқлар блан белгилаб чиқмоқ).

провéшу, провéсишь *буд. от* **провéсить** *(к.).*

провешý, провешúшь *буд. от* **провешúть** *(к.).*

ПРОВЕ́ЯТЬ *сов.* совурмоқ, шопирмоқ, елпиб тозаламоқ (галланн).

ПРОВЕ́ЯТЬСЯ *сов.* совурилмоқ, шопирилмоқ, елпиб тозаланмоқ (галла ҳақида).

ПРОВИА́НТ *м мн. нет* озиқ-овқат; **обеспéчить провиáнтом** озиқ-овқат блан та'мин этмоқ.

ПРОВИА́НТСКИЙ, -ая, -ое **провиáнт** *сўз. сиф.;* озиқ-овқатга оид; **провиáнтское довóльствие** *(харб.)* озиқ-овқат та'минoти; **провиáнтские склáды** озиқ-овқат омборлари.

ПРОВИ́ДЕНИЕ *ср мн. нет эск. к.* **предвúдение**; **дар провúдения** олдиндан кўрабилиш; келгусини кўз олдига келтириш қобилияти.

ПРОВИДЕ́НИЕ *ср мн. нет дин.* илоҳий тақдир; тангри, илоҳ (диний тассубга кўра).

ПРОВИДЕНЦИАЛИ́ЗМ *м мн. нет филос.* провиденциализм (идеалистик философияда — тарихий воқиалар уларнинг ички қонуниятлари орқасида эмас, балки худонинг ирода ва хоҳиши блан бўлади, деб да'во қилучи диний-идеалистик қараш).

ПРОВИДЕНЦИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *филос.* провиденциаль (идеалистик философияда ва диний тушунчаларда — гўё худонинг қудрати блан бўлган, тақдирга боғлиқ бўлган).

ПРОВИ́ДЕТЬ *несов. эск. к.* **предвúдеть.**

провúжу, провúдишь *наст. от* **провúдеть** *(к.).*

ПРОВИЗИО́ННЫЙ, -ая, -ое *махс. эск.* **провúзия** *сўз. сиф.;* озиқ-овқатга оид; **провизио́нный склад** озиқ-овқат омбори.

ПРОВИ́ЗИЯ *ж мн. нет* озиқ-овқат.

ПРОВИ́ЗОР *м* провизор (дорихоналарда фармацевтика ишларини мустақил равишда олиб бориш ва аптекани бошқариш ҳуқуқини берадиган унвон).

ПРОВИЗО́РНЫЙ, -ая, -ое **1.** дастлабки, мўлжаллаб (чамалаб) айтилган; **провизóрное мнéние** тахминий фикр; **провизóрная оцéнка** тахминий баҳо; 2. муваққат, вақтинча, вақтли; **провизóрное решéние** дастлабки қарор.

ПРОВИНИ́ТЬСЯ *сов.* айбдор бўлмоқ, гуноҳкор бўлмоқ; айбли иш қилиб қўймоқ; **провинúться перед кем-н.** бировнинг олдида айбдор бўлиб қолмоқ; **провинúться в чём-н.** бирор ишда айбдор бўлиб қолмоқ.

ПРОВИ́ННОСТЬ *ж с. т.* айб, гуноҳ; айбдорлик, гуноҳкорлик.

ПРОВИНЦИА́Л *м эск.* **1.** провинцияли, провинцияда туручи; провинцияда яшовчи; *к.* **провúнция** 3; **2.** ‖ *с. т.* орқада қолган одам, кўп нарсадан хабарсиз, гўл одам.

ПРОВИНЦИАЛИ́ЗМ *м* **1.** *только ед. эск.* провинциализм; провинциаллик, маҳаллийлик, қолоқлик, гўллик; **2.** *лингв.* провинциализм (адабий тилда ишлатилмай, ёлғиз бирор маҳаллий шевадагина ишлатиладиган сўз, ибора).

ПРОВИНЦИА́ЛКА *ж к.* провинциáл.

ПРОВИНЦИА́ЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* провинциаллик, қолоқлик, гўллик.

ПРОВИНЦИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *эск.* **1.** провúнция *сўз. сиф.;* провинцияга, вилоятга оид; **провинциáльный гóрод** вилоят шаҳри; **2.** ‖ провинциал, қолоқ, гўл; **провинциáльные нрáвы** қолоқ урф-одатлар

ПРОВИ́НЦИЯ *ж тар.* провинция (1. қадимги Римда — римлилар истиб-доди остидаги ва Италиядан ташқаридаги вилоят, ўлка ва мамлакатлар; 2. ба'зи мамлакатларда — ма'мурий область; вилоят; 3. *эск.* мамлакатнинг пойтахтдан йироқдаги аҳоли яшайдиган жойлари; кичик шаҳар, қишлоқ ва шу кабилар).

ПРОВИСА́ТЬ *несов. к.* **провúснуть.**

ПРОВИ́СНУТЬ *сов.* осилмоқ, осилиб тушмоқ; солинмоқ; эгилмоқ; сол-

қаланмоқ; провода́ провйсли симлар солқаланиб турипти; ба́лки потолка́ провйсли тўсинлар эгилиб кетипти.

про́вод *м* (*мн.* провода́) провод; сим (электр, радио, телефон ва ҳоказолар сими); **воздýшный про́вод** ҳавога (сим'ёғочларга) тортилган сим; **телефо́нный про́вод** телефон сими; **го́лый про́вод** очиқ сим (усти ҳечнарса билан ўралмаган яланғоч сим).

проводи́мость *ж мн. нет физ.* ўтказучанлик (электр токини ўтказиш қобилияти); **проводи́мость мета́ллов** металларнинг электр токини ўтказучанлиги; **проводи́мость раство́ра** эритманинг электр токини ўтказучанлиги.

проводи́ть I *несов.* 1. қ. провести́; **„Сове́тский Сою́з неизме́нно проводи́л и прово́дит поли́тику ми́ра и междунаро́дного сотру́дничества"** (Молотов) „Совет Иттифоқи ҳамиша тинчлик ва халқаро ҳамкорлик сиёсатига амал қилиб келган ва амал қилиб келмоқда" (Молотов); 2. *физ.* ўтказмоқ; **мета́ллы хорошо́ прово́дят электри́чество** металлар электр токини яхши ўтказади; **де́рево не прово́дит электри́чество** ёғоч электр токи ўтказмайди; ◊ ***проводи́ть каку́ю-н. ли́нию*** бирор йўлни (сиёсатни) ўтказмоқ; ***проводи́ть что-н. на пра́ктике*** бирор нарсани (ишни) амалга оширмоқ.

проводи́ть II *сов.* 1. кузатиб бормоқ, кузатиб қўймоқ; оборо́тиб қўймоқ; **проводи́ть госте́й до воро́т** меҳмонларни дарвозагача кузатиб чиқмоқ; **проводи́ть дру́га на вокза́л** дўстини вокзалгача кузатиб қўймоқ; 2. жўнатмоқ, кузатмоқ; узатмоқ; **проводи́ть сы́на в а́рмию** ўғилни армияга жўнатмоқ; 3. кузатиб қолмоқ, кетидан қараб (тикилиб) қолмоқ; **проводи́ть по́езд глаза́ми** поезд кетидан қараб (тикилиб) қолмоқ.

проводи́ться *несов. страд. от* **проводи́ть** I *(қ.).*

прово́дка *ж мн. нет* 1. провести́ 1, 2, 3, 7 фе'лининг ҳаракат номи; 2. *тех.* электр, телефон, радио симлари; **телефо́нная прово́дка** телефон сими; **смени́ть прово́дку для ра́дио** радио симларини алмаштирмоқ (янгиламоқ); 3. *махс.* совутиш (отни).

проводни́к I *м* 1. йўлчи, йўл кўрсатиб боручи, йўл бошловчи; 2. проводник (темир йўл вагонининг ходими).

проводни́к II *м* 1. *физ., тех.* проводник (ўзидан электр токи, товуш, иссиқликни яхши ўтказучи модда); **де́рево—хоро́ший проводни́к зву́ка** ёғоч товушни яхши ўтказади; **мета́лл—проводни́к тепла́** металл иссиқлик ўтказади; 2. ‖ ёючи, тарқатучи; **ра́дио—проводни́к культу́ры** радио—маданият тарқатучи воситадир; **он был проводнико́м но́вых иде́й** у янги идеяларни тарқатучи бир киши эди

проводнико́вый, -ая, -ое проводни́к II (1-нчи ма'носида) *сўз. сиф.*; проводникка оид; **проводнико́вая медь** проводник ясаладиган мис

проводни́ца *ж қ.* проводни́к I.

проводно́й, -а́я, -о́е *тех.* симли; сим воситаси билан, сим орқали бериладиган; **проводно́е телевиде́ние** сим воситаси билан узоқ масофага бериладиган сурат.

про́воды *мн., ед. нет* кузатиш, узатиш, кузатув маросими; жўнатиш; бировнинг кетидан қараб қолиш; хайрлашиш маросими.

провожа́тый *м* 1. соқчи, қоровул; 2. кузатучи; йўл бошловчи.

провожа́ть *несов. қ.* проводи́ть II; **по пла́тью встреча́ют, по уму́ провожа́ют** *(мақол) қ.* пла́тье.

провожу́ I, **прово́дишь** *наст. от* проводи́ть I *(қ.).*

провожу́ II, **прово́дишь** *буд. от* проводи́ть II *(қ.).*

провожу́ III, **прово́зишь** *наст. от* провози́ть I *(қ.).*

провожу́ IV, **прово́зишь** *буд. от* провози́ть II *(қ.).*

прово́з *м мн. нет* юк ташиш; кира; **прово́з това́ра** мол ташиш; юк ташиш; пла́та за прово́з кира ҳақи; кира пули.

провозве́стник *м эск.* олдиндан айтучи, олдиндан хабар беручи, дарак беручи.

ПРОВОЗВЕ́СТНИЦА *ж қ.* провозве́стник.

ПРОВОЗГЛАСИ́ТЬ *сов.* 1. тантанали суратда билдирмоқ (э'лон қилмоқ); **провозгласи́ть тост** қадаҳ кўтариб гапирмоқ; **провозгласи́ть ло́зунг** шиор отмоқ; шиор ташламоқ; 2. *эск.* э'лон қилмоқ; жарчи солиб хабар қилмоқ; билдирмоқ (бирон юқори мартабага минганлигини, мас., **Пётр I провозгласи́л себя́ импера́тором Росси́и** Пётр I ўзини Россия императори деб э'лон қилган эди).

ПРОВОЗГЛАША́ТЬ *несов. қ.* провозгласи́ть.

ПРОВОЗГЛАШЕ́НИЕ *ср мн. нет* тантанали суратда э'лон қилиш (билдириш); **провозглаше́ние респу́блики** республика ташкил этилганлигини э'лон қилиш.

провозглашу́, провозгласи́шь *буд. от* провозгласи́ть *(қ.)*.

ПРОВОЗИ́ТЬ I *несов. қ.* провезти́.

ПРОВОЗИ́ТЬ II *сов.* бирмунча вақт ташимоқ (улов ёки транспорт воситаси билан юк ташимоқ).

ПРОВОЗИ́ТЬСЯ I *несов. страд. от* провози́ть I *(қ.)*.

ПРОВОЗИ́ТЬСЯ II *сов. с.т.* 1. бирмунча вақт овора бўлмоқ (машғул бўлмоқ), бирмунча вақт уринмоқ; **провозиться всю ночь с больны́м** тун бўйи бетоб билан овора бўлмоқ; 2. ма'лум бир вақт ичида ўйнаб юрмоқ; сайр қилиб юрмоқ; **де́ти весь день провози́лись в саду́** болалар кун бўйи боғда сайр қилиб юришди.

ПРОВОЗНО́Й, -ая, -ое провоз *сўз. сиф.*; ташишга, кирага оид; **провозна́я пла́та** кира ҳақи.

ПРОВОЗОСПОСО́БНОСТЬ *ж т. й.* ма'лум вақт давомида белгили миқдордаги поездларнинг қатнаб туриш имконияти.

ПРОВОКА́ТОР *м* 1. провокатор (революцион ташкилотга суқулиб кириб олиб, унинг а'золарини тутиб бериш ва революцион ҳаракатни тор-мор келтириш ёки сусайтириш мақсадида махфий полицияга ёлланган агент); 2. иғвогар, фитначи, фасодчи, хоин.

ПРОВОКА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое провока́тор *сўз. сиф.*; провокаторга оид; иғвогар (фитначи, фасодчи, хоин) одамга оид.

ПРОВОКАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое провока́ция *сўз. сиф.*; провокацион; иғвогарлик билан, хоинона; **провокацио́нные де́йствия поджига́телей войны́** уруш оловини ёқувчиларнинг провокацион ҳаракатлари.

ПРОВОКА́ЦИЯ *ж* провокация (1. иғво, фитна, фасод; 2. хоинона хатти-ҳаракат; 3. *мед.* бирон касалликни суний равишда қўзғатиш; **провока́ция приступа маляри́и** безгакни суний равишда қўзғатиш).

ПРОВОЛА́КИВАТЬ *несов. қ.* проволочи́ть ва проволо́чь.

проволо́к, проволокла́ *прош. от* проволо́чь *(қ.)*.

ПРО́ВОЛОКА *ж мн. нет* сим; ме́дная про́волока мис сим; **колю́чая про́волока** тиконли сим.

проволоку́, проволочёшь, проволоку́т *буд. от* проволо́чь *(қ.)*.

ПРОВОЛОЧИ́ТЬ *сов. с. т. қ.* проволо́чь.

ПРО́ВОЛОЧКА *ж* про́волока *сўз. кичр. айт.*; *қ.* про́волока.

ПРОВОЛО́ЧКА *ж с. т.* суткашлик қилиш; кейинга сургаш, галга (пайсалга) солиш; рассмотре́ть де́ло без проволо́чек ишни кейинга сурмай (тезда) кўриб чиқмоқ.

ПРО́ВОЛОЧНЫЙ, -ая, -ое 1. про́волока *сўз. сиф.*; симга оид; 2. симдан ясалган, симли; **про́волочное заражде́ние** тиконли сим ғов; **про́волочная связь** *(махс.)* сим орқали бўладиган алоқа (мас., телефон).

ПРОВОЛО́ЧЬ *сов. содд.* судраб кетмоқ, судраб тортмоқ.

ПРОВО́РНО *нареч.* эпчиллик (чаққонлик) билан; тез, чаққон, жадал; **прово́рно оде́ться** чаққон кийинмоқ; тез кийинмоқ; **прово́рно бе́гать** тез чопмоқ, тез югурмоқ.

ПРОВО́РНЫЙ, -ая, -ое 1. тез, чаққон, шахдам; **послы́шались прово́рные шаги́** шахдам қадам товушлари эшитилди; 2 чаққон, эпчил; **прово́рный челове́к** эпчил (чаққон) одам.

ПРОВОРОВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* ўғирлик билан тутилмоқ; растрат қилиб қўлга тушмоқ.

ПРОВОРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* қ. **проворова́ться**.

ПРОВОРО́НИТЬ *сов.* *содд.* *манф.* қўлдан бериб қўймоқ; ғафлатда қолмоқ; қуруқ қолмоқ.

ПРОВО́РСТВО *ср мн.нет* эпчиллик, чаққонлик, илдамлик.

ПРОВОРЧА́ТЬ *сов.* 1. пўнғиллаб (тўнғиллаб) қўймоқ; **в отве́т он что́-то проворча́л** у алланима деб пўнғиллаб жавоб қилди; 2. бирмунча (ма'лум) вақт тўнғилламоқ; вайсамоқ; **он весь день проворча́л** у кун бўйи вайсади.

ПРОВОЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1. васваса қилиб ишга солмоқ, фитна (иғво) блан йўлдан оздирмоқ; 2. провокация қилмоқ, атайлаб иғво солиб фитна чиқармоқ; **провоци́ровать пограни́чный инциде́нт** чегарада провокация қилиб, фитна чиқармоқ; 3. *мед.* касалликни сун'ий равишда кўзғатмоқ.

ПРОВОЦИ́РОВАТЬСЯ *несов.* *страд.* *от* **провоци́ровать** *(қ.)*.

ПРОВОЩИ́ТЬ *сов.* *махс.* мўмлаб қўймоқ; мўм сингдирмоқ; **провощи́ть бума́гу** қоғозга мум сингдирмоқ.

ПРОВЯ́ЛИВАТЬ *несов.* қ. **провя́лить**.

ПРОВЯ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* қ. **провя́литься**.

ПРОВЯ́ЛИТЬ *сов.* қоқлаб қўймоқ, қуритиб қўймоқ (офтобда, ҳавода).

ПРОВЯ́ЛИТЬСЯ *сов.* қоқланиб (қуриб) қолмоқ (офтобда, ҳавода).

ПРОГАДА́ТЬ *сов.* *с. т.* 1. фириб (панд) емоқ; зарар кўрмоқ; **я прогада́л, что не пое́хал с ва́ми** сиз блан бирга кетмай, панд едим; 2. бирмунча вақт фол кўрмоқ, ром очмоқ.

ПРОГА́ДЫВАТЬ *несов.* қ. **прогада́ть**.

ПРОГА́ЛИНА *ж* *с. т.* ўрмон ичидаги очиқ (сайхон) ер; яланглик.

ПРОГИ́Б *м* 1. *только ед.* эгилиш, букилиш; **не допуска́ть проги́ба ба́лок** тўсинларнинг эгилишига йўл қўймасин; 2. эгилган жой, букилган жой; **тре́щина в проги́бе** эгилган жойдан кетган дарз (ёриқ).

ПРОГИБА́ТЬ *несов.* қ. **прогну́ть**.

ПРОГИБА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **прогну́ться**; 2. *страд.* *от* **прогиба́ть** *(қ.)*.

ПРОГИМНА́ЗИЯ *ж* *эск.* прогимназия (революциядан илгари Россияда гимназия типида бўлган ва 4—6 синф ҳажмида ма'лумот берадиган ўқув юрти).

ПРОГЛА́ДИТЬ *сов.* 1. дазмоллаб чиқмоқ, дазмол уриб қўймоқ; дазмол босмоқ (қилмоқ); **прогла́дь ле́нту** лентани дазмоллаб қўй; 2. дазмоллаш блан ма'лум бир вақтгача шуғулланмоқ; **я сего́дня це́лый день прогла́дила** мен бугун куни блан дазмол босдим.

ПРОГЛА́ДИТЬСЯ *сов.* силлиқ чиқмоқ, текис бўлиб чиқмоқ, текисланмоқ, силлиқланмоқ.

ПРОГЛА́ЖИВАТЬ *несов.* қ. **прогла́дить**.

ПРОГЛА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **прогла́диться**; 2. *страд.* *от* **прогла́живать** *(қ.)*.

прогла́жу, прогла́дишь *буд.* *от* **прогла́дить** *(қ.)*.

ПРОГЛА́ТЫВАТЬ *несов.* қ. **проглоти́ть**.

ПРОГЛА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* *страд.* *от* **прогла́тывать** *(қ.)*.

ПРОГЛОТИ́ТЬ *сов.* 1. ютиб қўймоқ, ютиб юбормоқ; **проглоти́ть табле́тку аспири́на** аспирин таблеткасини ютиб юбормоқ; 2. ‖ *с. т.* ютиб кетмоқ, ичда қолдириб кетмоқ; **проглоти́ть оби́ду** аламни ичга ютиб кетмоқ; 3. ‖ *с. т.* тез ўқиб чиқмоқ; тез ўқиб туширмоқ; ◇ ***проглоти́ть язы́к*** *(с. т.)* гиқ этмай (чурқ этмай, индамай) турмоқ; **он молчи́т, сло́вно язы́к проглоти́л** у, худди тилини ютгандай, гиқ этмайди *(у, мўм тишлангандай, жим тураверади)*; ***язы́к проглоти́шь!*** *(с. т.)* маза қиласан! (жуда ширин!; жуда мазали!); ***сло́вно (бу́дто) арши́н проглоти́л*** қ. аршин.

проглочу́, проглоти́шь *буд.* *от* **проглоти́ть** *(қ.)*.

ПРОГЛЯДЕ́ТЬ *сов.* 1. қараб (кўриб, кўздан кечириб) чиқмоқ; нариги-бери кўз югуртириб чиқмоқ; **прогляде́ть кни́гу** китобни варақлаб қараб чиқмоқ; **прогляде́ть газе́ты** газеталарга кўз югуртириб чиқмоқ;

2. кўрмай қолмоқ; билмай (пайқамай) қолмоқ; э'тиборсизлик қилмоқ; **проглядéть ошúбку в тéксте** текстдаги хатони кўрмай қолмоқ (ўтказиб юбормоқ); **проглядéть опечáтку в кнúге** китобдаги хатони кўрмай қолмоқ; ◇ *(все) глазá проглядéть (с. т.)* бекорга кўп кутиб овора бўлмоқ, кўзи тўрт бўлиб (зориқиб) кутмоқ; бекорга кўз тикиб интизор бўлмоқ.

ПРОГЛЯ́ДЫВАТЬ *несов.* 1. *қ.* проглянýть; 2. *қ.* проглядéть.

ПРОГЛЯ́ДЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* проглядывать *(қ.).*

прогляжý, проглядúшь *буд. от* проглядéть *(қ.).*

ПРОГЛЯНУ́ТЬ *сов.* кўриниб қолмоқ, кўзга чалиниб қолмоқ; намоён бўлмоқ; **из-за тýч проглянýла лунá** булутлар орасидан ой кўринди; **в его́ глазáх проглянýло удивлéние** унинг кўзларида ажаблаииш аломати намоён бўлди.

ПРОГНА́ТЬ *сов.* 1. ҳайдаб юбормоқ; қувиб юбормоқ; **прогнáть кóшку из кóмнаты** мушукни хонадан қувиб юбормоқ; 2. ‖ *с. т.* қочирмоқ; суриб кетмоқ; ёзмоқ; **прогнáть тяжёлые дýмы** оғир хаёлларни тарқатиб юбормоқ; **прогнáть дремóту** уйқуни қочирмоқ; **прогнáть скýку** дилгирликни ёзмоқ; **вéтер прогнáл тýчи** шамол қора булутларни суриб кетди; 3. *с. т.* ҳайдаб олиб ўтмоқ (бормоқ); **прогнáть стáдо в пóле** подани далага ҳайдаб ўтмоқ (бормоқ); 4. *маҳл.* оқизмоқ, оқизиб юбормоқ; **прогнáть плóты** қолларни сувга (дарёга) оқизиб юбормоқ; ◇ *прогнáть сквóзь стрóй (тар.)* икки қатор орасидан калтаклаб ҳайдаб ўтказмоқ (чор армиясида жазолаш усулларидан бири бўлиб, бунда айбдор икки қатор солдат орасидан олиб ўтилар, солдатлар эса уни калтаклаб қолар эдилар).

ПРОГНЁВАТЬ *сов. эск.* ғазаблантириб юбормоқ, аччиғини чиқариб юбормоқ.

ПРОГНЁВАТЬСЯ *сов. эск.* ғазабланиб кетмоқ, даргазаб бўлмоқ, жаҳли чиқиб кетмоқ, аччиқланмоқ.

ПРОГНЕВИ́ТЬ *сов. эск. қ.* гневúть.

ПРОГНИВА́ТЬ *несов. қ.* прогнúть.

ПРОГНИ́ТЬ *сов.* чириб кетмоқ; ирий битмоқ.

ПРОГНО́З *м* прогноз, олдиндан айтиб бериш (ма'лум далил ва ма'лумотлар асосида бирон ҳодисанинг қандай бўлишини олдиндан билиш; олдиндан қилинган хулоса); **прогно́з погóды** обиҳаво прогнози (обиҳавонинг қандай келишини билдирувчи ма'лумот); **прогно́з собы́тий** ҳодисалар прогнози (ҳодисаларнинг тараққий этиб бориши ва нима билан тугашини олдиндан айтиш); **прогно́з исхóда болéзни** касалликнинг оқибати нима бўлишини айтиш.

ПРОГНО́СТИКА *ж* прогностика (прогноз қўйиш сан'ати).

ПРОГНУ́ТЬ *сов.* эгиб қўймоқ, эгилтириб юбормоқ.

ПРОГНУ́ТЬСЯ *сов.* эгилиб қолмоқ, эгилиб кетмоқ; **потолóчные бáлки прогнýлись** тўсинлар эгилиб кетипти.

ПРОГОВА́РИВАТЬ *несов. қ.* проговорúть.

ПРОГОВА́РИВАТЬСЯ *несов. қ.* проговорúться.

ПРОГОВОРИ́ТЬ *сов.* 1. демоқ; айтмоқ; **он ни слóва не проговорúл** у бир оғиз ҳам сўз айтмади; 2. ма'лум вақт гаплашмоқ, бирмунча вақт суҳбатлашмоқ; **мы с приятéлями проговорúли** весь вéчер биз оғайинлар билан кечқурун алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик.

ПРОГОВОРИ́ТЬСЯ *сов.* гапириб қўймоқ, айтиб юбормоқ, билмасдан айтиб қўймоқ; **не проговорúтесь никомý** ҳечкимга айтакўрманг; **он проговорúлся о свóих намéрениях** у ўз ниятларини гапириб қўйипти.

ПРОГОЛОДА́ТЬ *сов.* бирмунча вақт оч юрмоқ, оч қолмоқ.

ПРОГОЛОДА́ТЬСЯ *сов.* очиқиб кетмоқ, очиқиб қолмоқ.

ПРОГОЛОСОВА́ТЬ *сов.* овоз бермоқ.

ПРОГО́Н I *м* 1. *только ед.* ҳайдаш, ҳайдаб ўтиш; **дорóга для прогóна скотá** мол ҳайдаб ўтиладиган йўл; 2. *маҳл.* қишлоқ жойларда — мол ҳайдаб ўтиш учун икки томонига ғов тутилган йўл.

болалар бутун кун боғда ўйнаб юришди; 2. *содд.* ўйнаб (сайр қилиб) юриб, бирор нарсадан қуруқ қолмоқ; **прогуля́ть обе́д** ўйин билан овора бўлиб, обеддан қуруқ қолмоқ; 3. *содд.* уйинга (сайр-тамошага) сарфламоқ; **прогуля́ть все де́ньги** ўйнаб юриб ҳамма пулни (еб, ичиб) тамомламоқ.

ПРОГУЛЯ́ТЬ II *сов.* прогул қилиб ишга чиқмай қолмоқ; **прогуля́ть два рабо́чих дня** икки иш кунини прогул билан ўтказмоқ.

ПРОГУЛЯ́ТЬСЯ *сов.* бироз вақт айланиб (сайр-тамошо қилиб) юрмоқ; **прогуля́ться по па́рку** паркни айланиб келмоқ.

ПРОДАВА́ТЬ *несов. к.* **прода́ть.**

ПРОДАВА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **продава́ть** *(к.).*

ПРОДАВЕ́Ц *м* (*мн.* **продавцы́**) 1. сотучи, мол сотучи, прилавка ходими; 2. савдогар, сотучи; **продаве́ц птиц** қуш сотучи.

ПРОДАВИ́ТЬ *сов.* босиб олмоқ, эзмоқ, босиб синдирмоқ, босиб эгмоқ, букмоқ; **продави́ть стекло́ ойнани** босиб синдирмоқ.

ПРОДАВИ́ТЬСЯ *сов.* эзилмоқ, чўкмоқ, босиб синдирилмоқ; **сиде́нье сту́ла продави́лось** стулнинг ўтирадиган жойи чўкипти.

ПРОДА́ВЛИВАТЬ *несов. к.* **продави́ть.**

ПРОДА́ВЛИВАТЬСЯ *несов.* босилиб эзилмоқ, букилмоқ.

ПРОДАВЩИ́ЦА *ж к.* **продаве́ц.**

продади́м, продади́те, продаду́т *буд. от* **прода́ть** *(к.).*

ПРОДА́ЖА *ж мн. нет* 1. сотиш; сотилиш; савдо; **прода́жа това́ров** мол сотиш; **опто́вая прода́жа** улгуржи савдо, кўтара савдо; 2. савдо, савдо-сотиқ; мол бороти; **быть в прода́же** сотилмоқ, савдога қўйилмоқ; **поступи́ть в прода́жу** сотувга тушмоқ (магазинга, дўконга келмоқ).

ПРОДА́ЖНОСТЬ *ж мн. нет нафр.* сотқинлиқ; **прода́жность буржуа́зных депута́тов** буржуа депутатларининг сотқинлиги (хоинлиги).

ПРОДА́ЖНЫЙ, -ая, -ое 1. сотишга қўйилган, сотиладиган; **прода́жные ве́щи** сотиладиган нарсалар; **прода́жный дом** сотиладиган уй; 2. нарх, баҳо; **прода́жная цена́** сотилиш нархи (баҳоси); 3. ‖ *нафр.* сотқин; **прода́жный челове́к** сотқин одам; **пул учун сотилган одам**; 4. ‖ *нафр.* бузуқ, ўз номусини пулга сотучи, фоҳиш.

ПРОДА́ЛБЛИВАТЬ *несов. к.* **продолби́ть.**

ПРОДА́ЛБЛИВАТЬСЯ *несов.* уриб тешилмоқ.

прода́м, прода́шь, прода́ст *буд. от* **прода́ть** *(к.).*

ПРОДА́ТЬ *сов.* 1. сотмоқ; **прода́ть в креди́т** насияга сотмоқ; **прода́ть за нали́чный расчёт** нақд пулга сотмоқ; **все биле́ты про́даны** ҳамма билетлар сотилиб бўлган; 2. ‖ *нафр.* сотмоқ; сотқинлик қилмоқ, хиёнат қилмоқ; **прода́ть свои́х друзе́й** ўз ўртоқларига хиёнат қилмоқ.

ПРОДА́ТЬСЯ *сов. нафр.* сотилмоқ, хоинлик қилмоқ; **прода́ться врага́м** душманларга сотилмоқ; **пра́вые социали́сты продали́сь империали́стам** ўнг социалистлар империалистларга сотилиб кетди.

продаю́, продаёшь *наст. от* **прода́ть** *(к.).*

ПРОДБА́ЗА (**продово́льственная ба́за**) *ж* озиқ-овқат базаси.

ПРОДВИГА́ТЬ *несов. к.* **продви́нуть.**

ПРОДВИГА́ТЬСЯ *несов* 1. *к.* **продви́нуться**; 2. *страд. от* **продвига́ть** *(к.).*

ПРОДВИЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. суриш; юбориш, жўнатиш; силжитиш; **продвиже́ние това́ров на село́** қишлоққа товар (мол) юбориш; 2. олдинга суриш, олдинга силжитиш; олдинга силжиш; **продвиже́ние войск** қўшинларнинг олдинга силжиши; 3. ‖ юриб туриш, бориш, йўлланиш; **продвиже́ние де́ла** ишнинг бориши (юриб туриши); 4. ‖ кўтарилиш; юқори мартабага (амалга) эришиш; **продвиже́ние по рабо́те** ишда юқори кўтарилиш.

ПРОДВИ́НУТЬ *сов.* 1. суриб қўймоқ, силжитиб қўймоқ; **продви́нуть стол к окну́** столни дераза олдига суриб қўймоқ; 2. олдинга суриб қўй-

моқ, илгарига силжитмоқ, жилдирмоқ; **продви́нуть полк к реке́** полкни дар'ё бўйига силжитиб қўймоқ; 3. ‖ юбормоқ; жўнатмоқ; **продви́нуть литерату́ру в дере́вню** адабиётни қишлоққа юбормоқ; 4. ‖ *с. т.* тезлаштирмоқ, жадаллаштирмоқ; **продви́нуть реше́ние вопро́са** масаланинг ҳал этилишини тезлаштирмоқ; 5. ‖ кўтармоқ, мартабасини оширмоқ; **продви́нуть кого́-н. по слу́жбе** бирор кимсани хизматда юқори кўтармоқ.

ПРОДВИ́НУТЬСЯ *сов.* 1. сурилмоқ, силжитилмоқ, силжимоқ, жилмоқ; 2. олдинга юрмоқ, олдинга силжимоқ; **войска́ продви́нулись на де́сять киломе́тров** қўшинлар ўн километр олдинга силжиди; 3. ‖ юқори кўтарилмоқ, мартабаси ошмоқ; **продви́нуться по слу́жбе** хизматда (ишда) юқори кўтарилмоқ; 4. ‖ *с. т.* юришмоқ, юриниб кетмоқ, жўнашиб кетмоқ; **де́ло про́двинулось** иш юришиб (жўнашиб) кетди.

ПРОДЕВА́ТЬ *несов. қ.* **продéть.**

ПРОДЕВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* продéться; 2. ўтмоқ (тешикдан); **нйтка легко́ продéлась в игóлку** ип нина тешигидан осонгина ўтди.

ПРОДЕЖУ́РИТЬ *сов.* дежурлик (навбатчилик) қилиб бўлмоқ; дежур турмоқ; **продежу́рить су́тки** бир сутка навбатчиликда турмоқ.

ПРОДЕКЛАМИ́РОВАТЬ *сов. қ.* **декламúровать.**

ПРОДЕ́ЛАТЬ I *сов.* очмоқ, қурмоқ; **проде́лать дверь в стене́** девордан эшик очмоқ; деворни тешиб эшик қурмоқ.

ПРОДЕ́ЛАТЬ II *сов.* бажариб қўймоқ, адо этмоқ; **проде́лать большу́ю рабóту** катта ишни бажариб қўймоқ; **проде́лать гимнасти́ческие упражне́ния** гимнастика машқларини бажариб бўлмоқ.

ПРОДЕ́ЛКА *ж* қилиқ, қилмиш, ҳийла-найранг; ҳазил; **проде́лка** шалуна́ шўх боланинг қилиғи; **мошéнни-ческие проде́лки** муттаҳамлик ҳийла-найранглари.

ПРОДЕ́ЛЫВАТЬ I *несов. қ.* **проде́лать** I.

ПРОДЕ́ЛЫВАТЬ II *несов. қ.* **проде́лать** II.

ПРОДЕ́ЛЫВАТЬСЯ I *несов.* очилмоқ, қурилмоқ.

ПРОДЕ́ЛЫВАТЬСЯ II *несов.* қилинмоқ, адо этилмоқ, бажарилмоқ.

ПРОДЕМОНСТРИ́РОВАТЬ *сов.* намойиш қилиб (кўрсатиб) чиқмоқ; **сове́тский наро́д продемонстри́ровал всему́ челове́честву** неизмеримые **преиму́щества** социалистического **стро́я** совет халқи социалистик тузумнинг барча афзалликларини бутун кишилик оламига намойиш қилди.

проде́ну, проде́нешь *буд. от* **проде́ть** *(қ.).*

ПРОДЁРГАТЬ *сов.* 1. *қ. х.* ягана қилиб чиқмоқ; **продёргать рассáду** кўчатларни ягана қилиб чиқмоқ; 2. бирмунча вақт яганалаш билан шуғулланмоқ.

ПРОДЁРГИВАТЬ *несов. қ.* **продёрнуть.**

ПРОДЕРЖА́ТЬ *сов.* ушлаб (олиб) турмоқ; сақлаб (тутиб) турмоқ; **его́ продержа́ли в больни́це два ме́сяца** уни касалхонада икки ой олиб туришди.

ПРОДЕРЖА́ТЬСЯ *сов.* туриб бермоқ; чидаб турмоқ, бардош бермоқ; **отря́д продержа́лся до приби́тия подкрепле́ния** мадад етиб келгунча отряд туриб берди.

ПРОДЁРНУТЬ *сов.* 1. *с. т. қ.* **проде́ть**; **продёрнуть шнуро́к в боти́нок** ботинкага шнур (ип) тақмоқ; 2. ‖ *содд.* қаттиқ танқид қилиб чиқмоқ; аёвсиз танқид остига олмоқ; **продёрнуть кого́-н. в стенга́зете** бирон кишини деворий газетада қаттиқ танқид қилиб чиқмоқ.

продеру́, продерёшь *буд. от* **продра́ть** *(қ.).*

ПРОДЕ́ТЬ *сов.* ўтказиб чиқазмоқ; тақиб қўймоқ (тешикдан); **проде́ть ни́тку в игóлку** нинага ип ўтказмоқ (тақмоқ).

ПРОДЕ́ТЬСЯ *сов.* ўтмоқ (тешикдан); тақилмоқ.

ПРОДЕФИЛИ́РОВАТЬ *сов.* тантанали суратда юриб ўтмоқ; ас'аса-дабдаба билан ўтиб кетмоқ (қўшинлар, намойишлар, маросимлар ҳақида).

ПРОДЕШЕВИ́ТЬ *сов. с. т.* жуда арзонга сотиб қўймоқ; арзон-гаровга сотиб юбормоқ.

ПРОДЕШЕВЛЯ́ТЬ *несов.* қ. продешеви́ть.

ПРОДИКТОВА́ТЬ *сов.* 1. диктант ёздириб чиқмоқ; ёд ёздириб қўймоқ; айтиб ёд ёздириб чиқмоқ; **продиктова́ть письмо́** хатни ёд (айтиб туриб) ёзиб чиқмоқ; 2. қат'ий буйруқ бермоқ, айтганини қилдирмоқ; мажбуран қабул қилдирмоқ; сўзини ўтказмоқ; **продиктова́ть свой усло́вия** ўз шартларини қабул қилдирмоқ. 3. ‖ уқдирмоқ; сабаб бўлмоқ; **его́ посту́пок был продиктова́н са́мыми лу́чшими наме́рениями** бу ишни у яхши ниятлар билан қилган эди.

ПРОДИРА́ТЬ *несов.* қ. продра́ть.

ПРОДИРА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. продра́ться; 2. *страд. от* продира́ть (*қ.*).

ПРОДЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* узайтириш, чўзиш; **продле́ние сро́ка командиро́вки** командировка муддатини узайтириш.

ПРОДЛИ́ТЬ *сов.* узайтириб бермоқ, чўзиб қўймоқ; **продли́ть о́тпуск** отпускани узайтириб бермоқ; **продли́ть срок де́йствия удостовере́ния** гувоҳноманинг муддатини чўзиб бермоқ; **продли́ть больни́чный лист** касаллик варақасининг муддатини узайтирмоқ.

ПРОДЛИ́ТЬСЯ *сов.* чўзилиб кетмоқ, узайиб кетмоқ; **собра́ние не продли́тся до́лго** мажлис узоққа чўзилмайди.

ПРОДНАЛО́Г (продово́льственный нало́г) *м тар.* продналог (Совет ҳукумати томонидан 1921 йилда продразвёрстка ўрнига жорий этилган солиқ; бу солиқ кейинчалик ягона қишлоқ хўжалик солиғига айлантирилган эди).

ПРОДОВО́ЛЬСТВЕННЫЙ, -ая, -ое **продово́льствие** *сўз. сиф.*; озиқ-овқатга оид; **продово́льственный магази́н** озиқ-овқат магазини; **продово́льственное снабже́ние** озиқ-овқат та'миноти (озиқ-овқат билан та'минлаш).

ПРОДОВО́ЛЬСТВИЕ *ср мн. нет* озиқ-овқат.

ПРОДОЛБИ́ТЬ *сов.* уриб тешмоқ.

ПРОДОЛГОВА́ТЫЙ, -ая, -ое чўзиқ, чўзинчоқ; узунчоқ; **продолгова́тое лицо́** чўзиқ юз; **продолгова́тое блю́до** чўзинчоқ лаган.

ПРОДОЛЖА́ТЕЛЬ *м* давом эттируви; **И. В. Сталин был гениа́льным продолжа́телем де́ла В. И. Ленина** И. В. Сталин В. И. Ленин ишининг гениал давом эттируви эди.

ПРОДОЛЖА́ТЕЛЬНИЦА *ж қ.* продолжа́тель.

ПРОДОЛЖА́ТЬ *несов.* давом эттирмоқ; давом қилмоқ; **продолжа́ть писа́ть** ёзишни давом эттирмоқ(ёзишда давом қилмоқ); **продолжа́ть рабо́тать** ишни давом эттирмоқ (ишлашда давом қилмоқ); **он продолжа́л свой расска́з** у ҳикоясини давом эттирди; **продолжа́ть чьё-н. де́ло** бирор кишининг ишини давом эттирмоқ.

ПРОДОЛЖА́ТЬСЯ *несов.* давом этмоқ; **дождь продолжа́лся недо́лго** ёмғир узоқ давом этмади.

ПРОДОЛЖЕ́НИЕ *ср* 1. давом эттириш; давом қилиш (этиш); **продолже́ние на́чатой рабо́ты** бошланган ишни давом эттириш; бошланган ишнинг давом эттирилиши; 2. давом; **продолже́ние ли́нии** чизиқнинг давоми; **э́та доро́га — продолже́ние магистра́ли** бу йўл магистралнинг (асосий йўлнинг) давоми; ◇ ***продолже́ние сле́дует*** давоми бор; ***в продолже́ние*** давомида; **в продолже́ние зимы́** қиш давомида; **в продолже́ние двух лет** икки йил давомида (икки йил ичида).

ПРОДОЛЖИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* давомлилик; узунлик; узоқлик; **продолжи́тельность ле́тнего дня** ёз кунининг узунлиги.

ПРОДОЛЖИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое давомли, узоқ; анчага (кўпга) чўзилган; **продолжи́тельная зима́** узоққа чўзилган қиш; **продолжи́тельный о́тдых** узоқ дам олиш; **продолжи́тельные аплодисме́нты** давомли қарсаклар.

ПРОДО́ЛЖИТЬ *сов.* давом эттирмоқ; **продо́лжить пре́рванный расска́з** бўлинган ҳикояни давом эттирмоқ; **продо́лжить ли́нию на черте́же** чизмадаги чизиқни давом эттирмоқ.

ПРОДО́ЛЖИТЬСЯ *сов.* давом этмоқ; чўзилмоқ.

ПРОДО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое узунасига, бўйига; бўйлама; **продо́льная ось** бўйлама ўқ; **продо́льный разре́з дета́ли (на чертеже́)** детальнинг узунасига кесиб кўрсатилиши (чизмада); **продо́льная пила́** бўйлама арра (тахта тиладиган арра).

ПРОДОХНУ́ТЬ *сов. с. т.* эркин нафас олмоқ; ◇ ***не продохну́ть (не продохнёшь)*** *с. т.* 1) нафасинг тиқилиб қолади; димиқиб кетасан; 2) ‖ *кест.* гангиб қоласан киши.

ПРОДРАЗВЁРСТКА (продово́льственная развёрстка) *ж мн. нет тар.* продразвёрстка (1918—1921 йилларда ҳарбий коммунизм давридаги озиқ-овқат тайёрлаш системаси).

ПРОДРА́ТЬ *сов. содд.* йиртмоқ; йиртиб юбормоқ; **продра́ть рукава́ на локтя́х** кийим тирсагини йиртиб юбормоқ; ◇ ***продра́ть глаза́*** *(содд. дағл.)* уйқуниб кетмоқ, уйқудан кўзи очмоқ.

ПРОДРА́ТЬСЯ *сов. содд.* 1. йиртилмоқ, ситилмоқ; 2. ‖ зўрға ўтмоқ, зўрға кирмоқ; ёриб ўтмоқ.

ПРОДРО́ГНУТЬ *сов.* совуқ емоқ, совқотиб қолмоқ; совуқдан қалтираб (дилдираб) қолмоқ; жунжикмоқ; **продро́гнуть на моро́зе** совуқда жунжикиб кетмоқ.

ПРОДУВА́НИЕ *ср мн. нет* 1. *мед.* пуфлаш, дам бериб тозалаш, ҳаво юбориш; 2. *тех.* = **продува́ка** *(к.)*.

ПРОДУВА́ТЬ *несов.* 1. *қ.* **проду́ть**; 2. *с. т.* елпимоқ; келмоқ, эсмоқ, уриб турмоқ (шамол, шабада ҳақида); **ве́тер приятно продува́ет** ёқимли шабада эсиб турипти.

ПРОДУВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **проду́ться**; 2. *страд. от* **продува́ть** *(к.)*.

ПРОДУ́ВКА *ж мн. нет тех* продувка қилиш, тозалаш (ҳаво оқими билан); **проду́вка механи́зма** механизмни продувка қилиш.

ПРОДУВНО́Й I, -ая, -ое *с. т. манф.* айёр, доғули, фирибгар.

ПРОДУВНО́Й II, -ая, -ое *тех.* = **проду́вочный** *(к.)*; **продувно́й кла́пан** продувка клапани.

ПРОДУ́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *тех.* ҳаво билан продувка қилишга оид; **проду́вочный насо́с** продувка насоси; **проду́вочное отве́рстие** продувка тешиги.

ПРОДУ́КТ *м* 1. маҳсул, маҳсулот; **проду́кты обме́на** алмашиш маҳсулотлари; **проду́кты животново́дства** чорвачилик маҳсулоти; 2. ‖ маҳсул, натижа, самара, мева; **язы́к явля́ется проду́ктом це́лого ря́да эпо́х** тил бирқанча даврлар маҳсулидир; 3. *хим.* химия усули билан бошқа бир моддадан олинган (ҳосил қилинган) модда; **проду́кты перего́нки не́фти** нефтни ҳайдаш натижасида ҳосил қилинган маҳсулот (мас., бензин, лигроин), **проду́кты сгора́ния** ёниш маҳсулоти; (ёниш, натижасида ҳосил бўлган нарсалар, чунончи, тутун, кул ва ҳ. к.).

ПРОДУКТИ́ВНО *нареч.* унумли равишда, самарали равишда.

ПРОДУКТИ́ВНОСТЬ *ж мн. нет* 1. серунумлик, унумдорлик, унумлилик, самаралилик; 2. *қ. х.* маҳсулдорлик; **повы́сить продукти́вность животново́дства** чорвачилик маҳсулдорлигини оширмоқ.

ПРОДУКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. серунум, унумдор, унумли, самарали; **продукти́вная рабо́та** унумли (самарали) иш; 2. *қ. х.* маҳсулдор; **продукти́вный скот** маҳсулдор мол (ҳайвон); **продукти́вный корм** маҳсулот озиғи; баракали ем-хашак; **с ка́ждым го́дом растёт обще́ственное продукти́вное животново́дство** жамоат маҳсулдор чорвачилиги йил сайин ўсиб (ривожланиб) бормоқда.

ПРОДУКТО́ВЫЙ, -ая, -ое озиқ-овқатга оид; **продукто́вый магази́н** озиқ-овқат магазини.

ПРОДУКТООБМЕ́Н *м мн. нет эк.* маҳсулот айирбошлаш (маҳсулотни пул муносабатлари ёрдамисиз айирбошлаш йўли билан та'минлаш системаси).

ПРОДУ́КТЫ *мн., ед. нет* маҳсулот; **проду́кты пита́ния** озиқ-овқат маҳсулоти; **молоч́ные проду́кты** сут маҳсулоти (сутдан олинган маҳсулот).

ПРОДУ́КЦИЯ *ж* маҳсулот; **проду́кция госуда́рственных предприя́тий** давлат корхоналарининг маҳсулоти; давлат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот; **валова́я проду́кция** ялпи маҳсулот; **борьба́ за вы-**

со́кое ка́чество проду́кции маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши учун кураш.

ПРОДУ́МАННЫЙ, -ая, -ое 1. **проду́мать** фе'лнинг сифатдоши; 2. пухта ўйлаган; ўйлаб (фикрлаб) қилинган; асосли, ўринли; **проду́манный отве́т** пухта ўйлаб қилинган жавоб.

ПРОДУ́МАТЬ *сов.* 1. пухта (чуқур) ўйлаб қарамоқ, атрофлича ўйлаб кўрмоқ; обдан ўйлаб чиқмоқ; **проду́мать вопро́с** масалани пухта ўйлаб чиқмоқ; 2. ўй ўйламоқ, фикр қилмоқ, ўйлаб ўтирмоқ, мулоҳаза қилмоқ.

ПРОДУ́МЫВАТЬ *несов.* қ. **проду́мать**.

ПРОДУ́МЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **проду́мывать** (қ.).

ПРОДУ́ТЬ *сов.* 1. дам уриб тозаламоқ; ҳаво оқими билан тозаламоқ; **продуть трубку** трубкани дам билан тозаламоқ; **продуть самова́р** самоварни пуфламоқ (самоварнинг оташхонасини пуфлаб, кулдан тозаламоқ); 2. *мед.* дам бермоқ, ҳаво юбормоқ; 3. *тех.* ҳаво оқими билан тозаламоқ; сув билан ювиб тозаламоқ; **продуть цили́ндр двига́теля** двигатель цилиндрини тозаламоқ; 4. *безл.* шамол тегмоқ; шамолламоқ; **меня́ проду́ло** мени шамоллабман; 5. *собд.* бой бермоқ, ютқизмоқ (қиморга).

ПРОДУ́ТЬСЯ *сов. собд.* қимор ўйнаб ютқизмоқ, бой бермоқ.

ПРОДУ́ШИНА *ж* 1. туйнук, тешик (ҳаво йўли); **проду́шина в по́гребе** ертўла туйнуги; 2. ‖ тирқиш, оралиқ (бирон бекик нарсанинг ичига киришга имкон беручи тешик, ёриқ).

ПРОДЫМИ́ТЬ *сов.* дудламоқ, исламоқ, тутатмоқ.

ПРОДЫМИ́ТЬСЯ *сов.* дудланиб кетмоқ, ис босиб кетмоқ; ма'лум вақтгача тутамоқ, буруқсимоқ.

ПРОДЫРЯ́ВИТЬ *сов. с. т.* 1. тешиб ўтмоқ, ўйиб юбормоқ; 2. йиртмоқ, тўзитмоқ; кияверибилма-тешик қилиб юбормоқ.

ПРОДЫРЯ́ВИТЬСЯ *сов. с. т.* 1. тешилмоқ; 2. йиртилиб битмоқ, тўзиб битмоқ, жулдур-жулдур (илма-тешик, равак-равак) бўлиб кетмоқ.

ПРОДЫРЯ́ВЛИВАТЬ *несов.* қ. **продыря́вить**.

ПРОДЫРЯ́ВЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **продыря́виться**; 2. *страд. от* **продыря́вливать** (қ.).

ПРОЕДА́ТЬ *несов.* қ. **прое́сть**

ПРОЕДА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **прое́сться**; 2. *страд. от* **проеда́ть** (қ.).

проеди́м, проеди́те, проеди́т *буд. от* **прое́сть** (қ.).

прое́ду, прое́дешь *буд. от* **прое́хать** (қ.).

ПРОЕ́ЗД *м* 1. *только. ед.* ўтиш, ўтиб кетиш, йўл юриш (транспортда); **оплати́ть прое́зд** йўл ҳақини тўламоқ; **прое́зда нет!** йўл йўқ!, йўл берк!; 2. йўл; ўтадиган жой; **у́зкий прое́зд** тор йўл; 3. тор кўча, кичкина кўча.

ПРОЕ́ЗДИТЬ *сов.* 1. *с. т.* сафарга (йўлга) сарфлаб битирмоқ; сафарда (йўлда) чиқимдор бўлмоқ; **прое́здить пятьсо́т рубле́й** йўлга беш юз сўм сарф қилмоқ; 2. юрмоқ, кезмоқ (транспортда); **прое́здил це́лый час на маши́не, разы́скивая ну́жный а́дрес** керакли адресни қидириб машинада бир соат кездим.

ПРОЕ́ЗДИТЬСЯ *сов. с. т.* ҳамма пулни сафарда (йўлда) ҳаплаб кўймоқ.

ПРОЕЗДНО́Й, -ая, -ое прое́зд 1 *сўз. сиф.*; юришга (транспортда юришга) оид; **проездно́й биле́т** юриш билети; **проездна́я пла́та** йўл ҳақи.

ПРОЕ́ЗДОМ *нареч.* йўлакай, йўл устида, йўлда кетатуриб; ўтиб кетатуриб; **я был в Бухаре́ прое́здом** йўлакай Бухорога тушиб ўтдим.

ПРОЕЗЖА́ТЬ *несов.* қ. **прое́хать** 1, 2.

ПРОЕЗЖА́ТЬСЯ *несов.* қ. **прое́хаться** 2.

ПРОЕЗЖА́ЮЩИЙ, -ая, -ее 1. **проезжа́ть** фе'лнинг сифатдоши; 2. *сущ.* **проезжа́ющий** *м*, **проезжа́ющая** *ж* йўлчи, йўловчи, сайёҳ; қатновчи; **обслу́живание проезжа́ющих** қатновчиларга хизмат қилиш.

ПРОЕ́ЗЖИЙ, -ая, -ее 1. ўтадиган, юрадиган (транспортда); **прое́зжая часть у́лицы** кўчанинг транспорт қатнайдиган қисми; 2. ўткинчи, қатновчи; **прое́зжие лю́ди** ўткинчи одамлар, йўловчилар; 3. *сущ.* **прое́зжий** *м*,

проéзжая *ж* ўткинчи, йўловчи, катновчи

проéзжу, проéздишь *буд. от* **проéздить** (*қ.*).

ПРОЕ́КТ *м* 1. проект, лойиҳа; **проéкт высóтного здáния** юксак бино проекти (лойиҳаси); **проéкт машúны** машина проекти; **Циолкóвский сóздал проéкт пéрвого реактúвного самолёта** энг биринчи реактив самолёт проектини Циолковский тузган; 2. проект, лойиҳа (бирон ҳужжатнинг дастлабки тексти); **проéкт договóра** шартнома проекти; **проéкт резолю́ции** резолюция лойиҳаси; 3. ‖ режа, план, мўлжал; **поéздка за гóрод былá ещё тóлько в проéкте** шаҳардан ташқарига чиқиб айланиб келиш ҳали мўлжалдагина эди.

ПРОЕКТА́НТ *м* проектант (проект тоширучи ёки проект ёқловчи шахс).

ПРОЕКТИ́РОВАНИЕ I *ср. мн. нет* проект (лойиҳа) тузиш; **проектúрование нóвых гидротехни́ческих сооруже́ний** янги гидротехника иншоотларининг проектини тузиш.

ПРОЕКТИ́РОВАНИЕ II *ср. мн. нет* 1. *мат.* проекция чизиш; 2. *махс.* проекциялаш (расм, нарса, шакл ва кинокадрларни экранда катта қилиб кўрсатиш).

ПРОЕКТИ́РОВАТЬ I *несов.* 1. проект тузмоқ; **проектúровать экскава́тор большóй мóщности** катта кучга эга бўлган экскаватор проектини тузмоқ; **проектúровать дом** уй проектини тузмоқ; 2. ‖ *с. т.* мўлжалламоқ; **он проектúрует уéхать в январé** у январьда кетишга мўлжаллаб турипти.

ПРОЕКТИ́РОВАТЬ II *несов.* 1. проекция чизмоқ; 2. *махс.* проекция, расм, нарса ва кинокадрларни экранда катта қилиб кўрсатмоқ.

ПРОЕКТИ́РОВАТЬСЯ I *несов. страд. от* **проектúровать** I (*қ.*).

ПРОЕКТИ́РОВАТЬСЯ II *несов. страд. от* **проектúровать** II (*қ.*).

ПРОЕКТИРО́ВКА *ж* = **проектúрование** I (*қ.*).

ПРОЕКТИРО́ВЩИК *м* проект тузувчи мутахассис.

ПРОЕ́КТНО-ИЗЫСКА́ТЕЛЬНЫЙ = **проéктно-изыскáтельский** (*қ.*).

ПРОЕ́КТНО-ИЗЫСКА́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое проектлаш-қидиришга оид; **проéктно-изыскáтельские рабóты** проектлаш-қидириш ишлари

ПРОЕ́КТНЫЙ, -ая, -ое 1. проект *сўз. сиф.*; проектлашга (лойиҳа тузишга) оид; **проéктное бюрó** проект бюроси; 2. проектланган, проектда кўрсатилган, лойиҳада мўлжалланган; **проéктная мóщность** завода заводнинг проектда кўрсатилган қуввати; **проéктная скóрость** проектда кўрсатилган тезлик.

ПРОЕ́КТОР *м махс.* проектор (кинематографияда ишлатиладиган проекцион аппарат).

ПРОЕКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое проекцияга оид; проекцион; **проекцио́нный фонáрь (аппарáт)** проекцион фонарь (расмларни ва кинокадрларни экранда катта қилиб кўрсатадиган оптик асбоб).

ПРОЕ́КЦИЯ *ж* 1. *мат.* проекция (бирор жисмнинг ҳамма нуқталаридан текисликка перпендикулярлар (тик чизиқлар) ўтказиш йўли билан текисликда ҳосил қилинган геометрик тасвир); **паралле́льные проéкции** параллель проекциялар, горизонта́льная **проéкция** горизонталь проекция; **вертика́льная проéкция** вертикаль проекция; 2. *махс.* проекция (экранга шакл, расм тушириш).

проéл, проéла *прош. от* **проéсть** (*қ.*).

проéм, проéшь, проéст *буд. от* **проéсть** (*қ.*).

ПРОЁМ *м тех* девордаги эшик ёки дераза ўрни; ўйма; **окóнный проём** дераза ўрни; **дверно́й проём** эшик ўрни.

ПРОЁМНЫЙ, -ая, -ое *тех.* проём *сўз. сиф.*; эшик, дераза ўрнига оид; ўймага оид.

ПРОЕ́СТЬ *сов.* 1. тешиб кетмоқ; қирқмоқ; чиритиб (ўйиб) юбормоқ; **мы́ши проéли пол** сичқонлар полни тешиб кетипти; **моль проéла сукнó** мовутни қуя еб (қирқиб) кетипти; **ржáвчина проéла желéзную кры́шу** тунука томни занг тешиб (чиритиб) юборипти; **кислотá проéла плáтье** кўйлакни кислота ўйиб (тешиб) юборипти; 2. *с. т.* еб битирмоқ, ов-

қатга харжлаб тамомламоқ; **проéсть все дéньги** ҳамма пулни еб битирмоқ.

ПРОЕ́СТЬСЯ *сов. содд.* бор-йўғини еб битирмоқ, бўд-шудини еб тугатмоқ.

ПРОЕ́ХАТЬ *сов.* 1. ўтмоқ, юрмоқ (транспортда, уловда); **проéхать три километ́ра** уч километр юрмоқ (транспортда); **проéхать на велосипе́де** переу́лком тор кўчадан велосипедда ўтмоқ; **проéхать на машúне через центр го́рода** шаҳар марказидан машинада ўтмоқ; 2. тўхтамасдан ўтиб кетмоқ, тушмасдан ўтиб кетмоқ; **проéхать нýжную ста́нцию** керакли (тушилиши керак бўлган) станциядан ўтиб кетмоқ; 3. ма'лум вақт йўл юрмоқ; **он проéхал три дня́ у** уч кун юрди (транспортда).

ПРОЕ́ХАТЬСЯ *сов.* 1. бирор нарсага тушиб (миниб) юрмоқ; **проéхаться на автомоби́ле** автомобилда айланиб келмоқ; 2. ‖ гап отмоқ, пичинг қилмоқ, қочирим қилмоқ; **проéхаться на чей-н. счёт** ёки **проéхаться по чьему́-н. а́дресу** бировга қочирим қилмоқ, пичинг қилмоқ, гап отмоқ.

ПРОЖА́РИВАТЬ *несов. к.* прожáрить.

ПРОЖА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* прожáриться; 2. яхши қовурилмоқ; обдан қовурилмоқ; қизимоқ, доғ бўлмоқ.

ПРОЖА́РИТЬ *сов.* яхшилаб (обдан) қовурмоқ, ҳаммасини бир текисда қовурмоқ; қовуриб пиширмоқ; қиздирмоқ, доғ қилмоқ; **прожáрить мя́со** гўштни яхшилаб қовурмоқ.

ПРОЖА́РИТЬСЯ *сов.* яхши (обдан) қовурилмоқ, қовурилиб пишмоқ, қовурилиб етилмоқ

прожгу́, прожжёшь *буд. от* прожéчь *(к.).*

ПРОЖДА́ТЬ *сов.* бирмунча вақт кутмоқ, кутиб қолмоқ; маҳтал (интизор) бўлмоқ; **я прождáл его́ три часá** мен уни уч соат кутдим.

ПРОЖЕВА́ТЬ *сов.* яхшилаб чайнамоқ, обдан чайнамоқ.

ПРОЖЕВА́ТЬСЯ *сов.* чайналиб бўлмоқ; чайналиб етилмоқ.

ПРОЖЁВЫВАТЬ *несов.* *к.* прожевáть.

ПРОЖЁВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **прожевáться**; 2. яхшилаб чайналмоқ, обдан чайналмоқ.

прожёг, прожгла́ *прош. от* прожéчь *(к.).*

ПРОЖЕ́КТ *м* 1. *эск.* = **проéкт** 1, 3; 2. *кест.* хом хаёл, пуч хаёл, амалга ошмайдиган лойиҳа.

ПРОЖЕ́КТЁР *м кест.* хаёлпараст, хаёлий лойиҳалар тузувчи, лойиҳапараст, хаёлпараст одам.

ПРОЖЕКТЁРСКИЙ, -ая, -ое *кест.* прожéктёр ва **прожéктёрство** *сўз. сиф.*; хаёлий лойиҳага оид; хом хаёл билан қилинган.

ПРОЖЕКТЁРСТВО *ср. мн. нет кест.* хаёлий лойиҳалар тузишга берилиш, амалга ошмайдиган лойиҳалар тузиб юриш; хомхаёллик.

ПРОЖЕКТЁРСТВОВАТЬ *несов. кест.* хаёлий лойиҳалар тузиш билан шуғулланмоқ; хом хаёлларга берилиб юрмоқ, амалга ошмайдиган планлар тузиб юрмоқ.

ПРОЖЕ́КТОР *м* прожектор (ўткир шу'ла сочиб туручи электр асбоб); **прожéктор-иска́тель** *(ҳарб.)* ҳаводаги (осмондаги) нарсани изловчи прожектор; **прожéктор-сопроводи́тель** *(ҳарб.)* кузатучи прожектор; **сигна́льный прожéктор** сигнал беручи прожектор.

ПРОЖЕКТОРИ́СТ *м* прожекторчи (прожекторда ишловчи мутахассис).

ПРОЖЕ́КТОРНЫЙ, -ая, -ое **прожéктор** *сўз. сиф.*; прожекторга оид.

ПРО́ЖЕЛТЬ *ж с. т.* сарғиш ранг (тус).

ПРОЖЕ́ЧЬ *сов.* 1. куйдириб қўймоқ; **прожéчь костёр папиро́сой** костюмни папирос ўти билан куйдириб қўймоқ; **прожéчь мате́рию кислото́й** газламага (матага) кислота тегизиб куйдириб қўймоқ; 2. ёқмоқ, ёқиб қўймоқ; **прожéчь свет до утра́** чироқни эрталабгача ёқиб қўймоқ; **охо́тники всю ночь прожгли́ костёр** овчилар кечаси билан гулхан ёқиб чиқишди.

ПРОЖЕ́ЧЬСЯ *сов. с. т.* куймоқ, куйиб қолмоқ; куйиб тешилмоқ; куйиб шикастланмоқ.

ПРОЖЖЁННЫЙ, -ая, -ое *с. т. манф.* ашадди, ўтакетган, учинга

чиққан; прожжённый плут ўтакетган фирибгар; уччига чиққан маккор.

прожжёшь *буд. от* прожечь (*к.*).

ПРОЖИВА́ТЬ *несов.* 1. *к.* прожи́ть; 2. *расм.* турмоқ, яшамоқ; истиқомат қилмоқ; в настоя́щее вре́мя он прожива́ет в Москве́ у ҳозирги вақтда Москвада туради.

ПРОЖИВ А́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* прожи́ться; 2. *страд. от* прожива́ть I (*к.*).

проживу́, проживёшь *буд. от* прожи́ть (*к.*).

ПРОЖИГА́ТЬ I *несов.*: прожига́ть жизнь (*с. т. манф.*) айш-ишратга берилиб кетмоқ, маишатпарастлик қилмоқ, тартибсиз, мақсадсиз ҳаёт кечирмоқ.

ПРОЖИГА́ТЬ II *несов. к.* прожечь.

ПРОЖИГА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* прожечься; 2. *страд. от* прожига́ть II (*к.*).

ПРОЖИ́ЛКА *ж* 1. тарам-тарам йўл, чизиқ (тош, ёғоч ва шу кабиларнинг устидаги ингичка рангдор чизиқ); чёрный мра́мор с бе́лыми прожи́лками оқ-оқ йўлли қора мармар тош; 2. томир (тери остидаги кўриниб турган қон томири); 3. томир (баргда, япроқда); листо́к с то́нкими прожи́лками ингичка томирли япроқ.

ПРОЖИ́ТИЕ: на прожи́тие *(расм.)* тирикчилик кечиришга, та'миногга, кун кечиришга; дать де́ньги на прожи́тие тирикчилик кечиришга пул бермоқ.

ПРОЖИ́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое тирикчилик кечиришга (яшашга) етарли бўлган; прожи́точный ми́нимум тирикчилик қилиш учун зарур бўлган нарса; прожи́точные сре́дства тирикчилик қилиш учун керакли маблағлар.

ПРОЖИ́ТЬ *сов.* 1. умр кўрмоқ, яшамоқ; он про́жил се́мьдесят лет у етмиш йил умр кўрди; 2. турмоқ, истиқомат қилмоқ; прожи́ть ле́то в дере́вне ёзда қишлоқда турмоқ (ёзни қишлоқда ўтказмоқ); 3. *с. т.* еб ичишга, озиқ-овқатга харжлаб қўймоқ; прожи́ть мно́го де́нег кўп пул еб қўймоқ.

ПРОЖИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ҳамма пулни сарфлаб битирмоқ.

ПРОЖО́РЛИВОСТЬ *ж мн. нет* еб тўймаслик, сертомоқлик, баднафслик (одам ҳақида); хўралик (ҳайвон ҳақида).

ПРОЖО́РЛИВЫЙ, -ая, -ое еб тўймас, сертомоқ, баднафс (одам ҳақида); хўра (ҳайвон ҳақида).

ПРОЖУЖЖА́ТЬ *сов.* 1. ғингиллаб (варанглаб, гувуллаб, зувуллаб) учиб ўтмоқ; 2. ма'лум вақтгача ғингиллаб (варанглаб, гувуллаб, зувуллаб) турмоқ; ◇ ***прожужжа́ть у́ши*** *(кому́-н.) с. т.* (гапиравериб) қулоқ-мияни еб юбормоқ, мияни қоқиб қўлга бермоқ.

ПРО́ЗА *ж мн. нет* 1. *ад.* проза, наср, сочма; писа́ть про́зой прозой (наср) билан ёзмоқ; худо́жественная про́за бадиий проза; 2. ‖ кундалик вазият; оддий аҳвол; жите́йская про́за ёки про́за жи́зни кундалик турмуш, оддий ҳаёт.

ПРОЗАИ́ЗМ *м мн. нет ад.* прозаизм, прозачилик (шеърда шоирона бўлмаган оддий ифода).

ПРОЗА́ИК *м* 1. *ад.* прозаик, проза (наср) билан ёзувчи, адиб; 2. ‖ *экс.* майда масалалар билангина қизиқувчи қуруқ табиатли одам.

ПРОЗАЙЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. *ад.* прозайк; проза билан ёзилган; прозайческий перево́д проза (наср) билан қилинган таржима; прозайческое произведе́ние прозайк асар; сочма асар; наср; 2. *ад.* прозага оид; наср га оид; прозада ишлатиладиган; прозайческое выраже́ние прозайк ибора; 3. ‖ кундалик, оддий, завқсиз, наш'асиз; прозайческий разгово́р оддий гап; маза матрасиз суҳбат; 4. ‖ *кест.* амалий, манфаат юзасидан бўлган; фойда кўзлаган; пресле́довать прозайческие це́ли ғараз билан бирор иш қилмоқ.

ПРОЗАЙЧНОСТЬ *ж мн. нет* оддийлик, кунда бўлиб турадиганлик

ПРОЗАЙЧНЫЙ = прозайческий 2, 3, 4 (*к.*).

ПРОЗАКЛА́ДЫВАТЬ *сов.* и *несов. с. т.* гаров боғламоқ; кафил бўлмоқ; го́лову прозаклады́ваю, что э́то пра́вда гаров боғлайманки, бу ҳақ гап (бунинг ростлигига кафиланман).

ПРОЗВА́НИЕ *ср* лақаб.

ПРОЗВА́ТЬ *сов.* лақаб қўймоқ, ном бермоқ.

ПРОЗВЕНЕ́ТЬ *сов.* 1. жаранглamoқ, жирингламоқ, шингилламоқ; **звонок прозвене́л** қўнғироқ жаранглади (қўнғироқ чалинди); 2. янграмоқ, эшитилмоқ; **прозвене́л весёлый смех** хушчақчақ кулги овози янгради; **прозвене́ли де́тские голоса́** болаларнинг чағир-чуғури эшитилди.

ПРО́ЗВИЩЕ *ср* лақаб; **дать про́звище** лақаб қўймоқ; **по про́звищу** лақаби.

ПРОЗВОНИ́ТЬ *сов.* 1. жаранглamoқ; чалинмоқ; **прозвони́л колоко́л** қўнғироқ жаранглади; 2. қўнғироқ (занг, жом) чалиб хабар қилмоқ, чақирмоқ; в **санато́рии прозвони́ли обе́дать** санаторияда кундузги овқатга занг чалинди; 3. чалиб турмоқ (ма'лум вақт давомида қўнғироқ, занг ва шу кабиларни).

ПРОЗВУЧА́ТЬ *сов.* 1. эшитилмоқ, янграмоқ; 2. билинмоқ, сезилмоқ, кўринмоқ; **в его́ го́лосе прозвуча́ла ра́дость** унинг товушидан шодлик сезилди.

ПРОЗЕВА́ТЬ *сов.* 1. бой бериб қўймоқ, қўлдан бериб (ютқизиб) қўймоқ; **прозева́ть удо́бный слу́чай** қулай фурсатни қўлдан бериб қўймоқ; 2. бирмунча вақт эснаб (ҳсмиза тортиб) ўтирмоқ; бир фурсат зерикиб ўтирмоқ.

ПРОЗЕ́КТОР *м мед.* прозектор (1. анатомия, хирургия кафедрасининг ассистенти; 2. касалхона патологик анатомия бўлимининг мудири, врачи).

ПРОЗЕ́КТОРСКИЙ, -ая, -ое *мед.* 1. **прозе́ктор** *сущ. свн.*; прозекторга оид; 2. *сущ.* **прозе́кторская** *ж* касалхонада, клиникада ўликларни ёриб текширадиган хона.

ПРОЗЕ́КТОРСТВО *ср мн. нет мед.* прозекторлик (прозекторлик мансаби, унвони); *қ.* **прозе́ктор**.

ПРОЗЕЛИ́Т *м* 1. *эск.* бирон дин ёки та'лимотни янги қабул қилган киши; 2. || янги маслакдош, бирор нарсага садоқат билан янги кириш-ган киши.

ПРОЗЕЛИ́ТКА *ж қ.* **прозели́т**.

ПРОЗЕЛИ́ТСКИЙ, -ая, -ое **прозели́т** *сўз. сиф.*; *қ.* **прозели́т**.

ПРОЗИМОВА́ТЬ *сов.* қишни ўтказмоқ, қишламоқ; қиш чиқармоқ.

ПРОЗОДЕ́ЖДА (производственная одежда) *ж мн. нет қ.* спецодежда.

ПРОЗОРЛИ́ВЕЦ *м* (*мн.* прозорли́вцы) *эск.* зийрак, фаросатли, олдиндан кўрабилувчи.

ПРОЗОРЛИ́ВИЦА *ж қ.* прозорли́вец.

ПРОЗОРЛИ́ВОСТЬ *ж мн. нет* зийраклик, фаросат; олдиндан кўрабилишлик.

ПРОЗОРЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое зийрак, фаросатли, олдиндан кўрабиладиган; **прозорли́вая поли́тика на́шего правительства** ҳукуматимизнинг олдиндан кўрабилишлик сиёсати.

ПРОЗРА́ЧНОСТЬ *ж мн. нет* тиниқлик, шаффофлик; **прозра́чность воды́** сувнинг тиниқлиги; **прозра́чность во́здуха** ҳавонинг тиниқлиги (мусаффолиги).

ПРОЗРА́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. тиниқ, шаффоф; **прозра́чное стекло́** тиниқ (шаффоф) ойна; 2. || очиқ-ойдин, равшан, аён; **прозра́чный намёк** очиқ-ойдин киноя, шама.

ПРОЗРЕВА́ТЬ *несов. қ.* **прозре́ть**.

ПРОЗРЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* кўз очилиш, кўзи ожизликдан қутулиш; 2. || тўсатдан фаҳмлаб қолиш, зеҳни очилиш, бирданига фикри очилиш.

ПРОЗРЕ́ТЬ *сов.* 1. кўз очилмоқ, кўзи ожизликдан қутулмоқ; **осле́пший прозре́л** ожизнинг кўзи очилди; 2. || тўсатдан фаҳми етиб қолмоқ; зеҳни очилмоқ, бирданига фикри очилмоқ.

ПРОЗЫВА́ТЬ *несов. қ.* **прозва́ть**.

ПРОЗЫВА́ТЬСЯ *несов. содд.* аталмоқ, лақабга эга бўлмоқ, номга эга бўлмоқ; ном (от) кўтармоқ.

ПРОЗЯБА́НИЕ *ср мн. нет с. т. манф.* бема'ни, завқсиз, шавқсиз ҳаёт.

ПРОЗЯБА́ТЬ *несов. манф.* бема'ни (шавқсиз, завқсиз) ҳаёт кечирмоқ.

ПРОЗЯ́БНУТЬ *сов. с. т.* совқотиб қолмоқ, совуқ емоқ, жунжикиб қолмоқ.

ПРОИГРА́ТЬ *сов.* 1. ютқизиб қўймоқ, бой бериб қўймоқ; **проигра́ть кому-н. в ша́хматы** шахматдан бировга ютқизиб қўймоқ; **проигра́ть пари́** гаров ўйнаб ютқизмоқ; бас боғлашиб ютқизмоқ; **проигра́ть вре́мя** вақтни қўлдан бериб қўймоқ (вақтдан ютқизмоқ); **проигра́ть пять рубле́й** беш сўм ютқизмоқ; 2. ‖ енгилмоқ, мағлуб бўлмоқ, мағлубиятга учрамоқ, ютқизмоқ, муваффақиятсизликка учрамоқ; **проигра́ть суде́бный проце́сс** судда ютқизмоқ; **проигра́ть войну́** урушда енгилмоқ; **проигра́ть сраже́ние** жангда ютқизмоқ (жангда мағлубиятга учрамоқ); 3. чалиб бермоқ; **проигра́ть этю́д на скри́пке** скрипкада этюд чалиб бермоқ; 4. чалмоқ; **проигра́ть патефо́нную пласти́нку** патефонда пластинка қўйиб чалмоқ; 5. бирмунча вақт ўйнамоқ, чалмоқ; ◇ ***проигра́ть в чьём-н. мне́нии*** ёки ***проигра́ть в чьих-н. глаза́х*** бировнинг олдида обрўсизланиб қолмоқ; бировнинг ихлосини қайтариб қўймоқ.

ПРОИГРА́ТЬСЯ *сов. с. т.* ютқизмоқ, кўп пул ютқизмоқ; ҳамма пулни бой бериб қўймоқ.

ПРОИ́ГРЫВАТЕЛЬ *м махс.* проигрыватель (радиоприёмник ва телевизорда — патефон пластинкасини айлантирадиган асбоб).

ПРОИ́ГРЫВАТЬ *несов.* қ. проигра́ть.

ПРОИ́ГРЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. проигра́ться; 2. *страд. от* проигрывать (*қ.*).

ПРО́ИГРЫШ *м* 1. енгилиш, бой бериш, ютқизиш, ютқизиб қўйиш; ютқизиб чиқиш; **оста́ться в про́игрыше** бой бермоқ, ютқизиб қўймоқ, ютқизиб чиқмоқ; **про́игрыш па́ртии в ша́хматы** шахматда бир қур ўйинни ютқизиш; **про́игрыш сраже́ния** жангда енгилиш, ютқизиб чиқиш; 2. ютқизиқ, бой берилган (ютқизилган) пул; 3. ‖ ютқизиш, бой бериш, қўлдан бериш; зарар, зиён; **про́игрыш вре́мени** вақтдан ютқизиш.

ПРО́ИГРЫШНЫЙ, -ая, -ое ютқизиладиган, бой бериладиган, пачата; **про́игрышное положе́ние** ютқизиш ҳолати, бой берилган ҳолат.

ПРОИЗВЕДЕ́НИЕ *ср* 1. асар; самара, маҳсул; яратилган (ижод этилган) нарса; **музыка́льное произведе́ние** музика асари литерату́рное **произведе́ние** адабий асар; **и́збранные произведе́ния А. С. Пу́шкина** А. С. Пушкининг танланган асарлари; **произведе́ние иску́сства** санъат асари; **сан'ат маҳсули**; **произведе́ние рук челове́ка** киши қўли билан яратилган нарса; 2. *мат.* кўпайтма.

произведу́, **произведёшь**, **произведёт** *буд. от* **произвести́** (*қ.*).

произвёл, **произвела́** *прош. от* **произвести́** (*қ.*).

ПРОИЗВЕСТИ́ *сов.* 1. қилмоқ, ишламоқ, ўтказмоқ, бажармоқ; **произвести́ ремо́нт** ремонт қилмоқ; **произвести́ сле́дствие** тергов (текшириш) ўтказмоқ; **произвести́ о́пыт** тажриба ўтказмоқ; **произвести́** подсчёт ҳисоблаб (санаб) чиқмоқ; **произвести́ вы́стрел** ўқ узмоқ, отмоқ; 2. ‖ туғдирмоқ, чиқармоқ; сабаб бўлмоқ; **произвести́ благоприя́тное впечатле́ние на кого́-н.** яхши таассурот қолдирмоқ, туғдирмоқ; **произвести́ переполо́х** тўс-тўполон чиқармоқ; 3. туғмоқ, вужудга (дунёга) келтирмоқ, яратмоқ; **произвести́ на свет** туғмоқ; **произвести́ пото́мство** бола-чақа қилмоқ; бола-чақа қолдирмоқ; 4. *махс.* унвон бермоқ; ўтказмоқ; кўтармоқ (мансабга); **произвести́ в офице́ры** офицерлик унвони бермоқ; офицерликка ўтказмоқ.

ПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬ *м* 1. ишлаб чиқаручи, тайёрловчи; бажарувчи, олиб боручи; **производи́тель рабо́т** прораб, ишбоши (қурилишга бевосита раҳбарлик қилучи мутахассис); **завод-производи́тель** ишлаб чиқаручи завод; 2. *махс.* эркак ҳайвон (буқа, айғир, кўчқор ва ҳ. к.); **жереб**ёц**-производи́тель** айғир.

ПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж ин. нет* 1. маҳсулдорлик, унумдорлик; 2. унум, иш унуми; **повы́сить производи́тельность** промышленных **предприя́тий** саноат корхоналарининг иш унумини оширмоқ; **рост производи́тельности труда́** меҳнат унумининг ортиши.

ПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. унумли, натижа берадиган; унумдор, маҳсуллор, баракали; произво-

дúтельный труд унумли меҳнат; производúтельная трáта врéмени вақтдан унумли фойдаланиш; производúтельные расхóды унумли (натижали) харажатлар; 2. ишлабчиқаришга оид; ишлаб чиқарувчи; производúтельные сúлы óбщества (*эк.*) жамиятнинг ишлабчиқариш кучлари.

ПРОИЗВОДИ́ТЬ *несов.* 1. *к.* произвести́; 2. ишлаб чиқармоқ, етиштирмоқ, тайёрламоқ, ҳосил қилмоқ; завóд производúт нéсколько сот ты́сяч автомоби́лей в год завод бир йилда бирнеча юз минг автомобиль ишлаб чиқаради; 3. келтириб чиқармоқ, келиб чиқишини бирор нарсага (манба'га) олиб бориб тақамоқ; э́то слóво производя́т от ара́бского ко́рня бу сўзни аслда арабча ўзакдан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар.

ПРОИЗВОДИ́ТЬСЯ *несов.* 1. ишлаб чиқарилмоқ, етиштирилмоқ, тайёрланмоқ; 2. ўтказилмоқ, ижро қилинмоқ, бажарилмоқ, битказилмоқ; „Вы́боры в СССР производя́тся на осно́ве всео́бщего, ра́вного и прямо́го избира́тельного пра́ва при та́йном голосова́нии" (Конституция СССР) „СССРда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади" (СССР Конституциясидан); 3. унвон берилмоқ, ўтказилмоқ; кўтарилмоқ.

ПРОИЗВО́ДНЫЙ, -ая, -ое 1. ясама, ясалган, ҳосил қилинган; ҳосила (нарса); слóво „паровóй" — производ-ное от „пар" „паровой" сўзи „пар" сўзидан ясалган; 2. *сущ.* производ-ная *эк мат.* ҳосила.

ПРОИЗВО́ДСТВЕННИК *м* ишлабчиқаришда (корхонада) ишловчи, ишлаб чиқарувчи (ишлабчиқаришда бевосита қатнашучи одам); лу́чшие производ́ственники завóда заводнинг энг яхши ишлаб чиқарувчилари.

ПРОИЗВО́ДСТВЕННИЦА *ж к.* производ́ственник.

ПРОИЗВО́ДСТВЕННЫЙ, -ая, -ое 1. ишлабчиқаришга оид; производ́ственный проце́сс ишлабчиқариш процесси; производ́ственный план ишлабчиқариш плани; производ́ственная мо́щность предприя́тия корхонанинг ишлабчиқариш қуввати; производ́ственные отноше́ния ишлабчиқариш муносабатлари; производ́ственное совеща́ние ишлабчиқариш кенгаши; производ́ственная квалифика́ция ишлабчиқариш малакаси; производ́ственный стаж ишлабчиқариш стажи (ишлабчиқаришда неча йил ишлаганлиги); производ́ственная пра́ктика студе́нтов к. пра́ктика 3; 2. ишлаб чиқаручи; производ́ственная арте́ль ишлаб чиқаручи артель.

ПРОИЗВО́ДСТВО *ср* 1. *только ед.* ишлаш, ижро этиш, бажариш, ўтказиш, юргизиш; производ́ство дозна́ния дастлабки тергов ўтказиш; 2. *только ед.* ишлабчиқариш, тайёрлаш, етиштириш; производ́ство ста́ли пўлат ишлаб чиқариш (қуйиш); производ́ство бума́ги қоғоз ишлаб чиқариш; производ́ство средств производ́ства ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқариш; производ́ство зерна́ галла етиштириш; производ́ство кормо́в ем-хашак етиштириш; 3. *мн.* ишлабчиқариш; еру́дия производ́ства ишлабчиқариш қуроллари; изде́ржки производ́ства ишлабчиқариш харажатлари; социалисти́ческое производ́ство социалистик ишлабчиқариш; 4. ишлабчиқариш, саноат (саноат ёки халқ хўжалигининг бирор соҳаси); сталели́тейное производ́ство пўлат ишлабчиқариш (қуйиш), пўлат саноати; сельскохозя́йственное производ́ство қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши, деҳқончилик; 5. *с. т.* ишлабчиқариш, корхона (завод, фабрика, мастерской ва ҳ. к.); ни́ш; рабо́тать на производ́стве ишлабчиқаришда (корхонада) ишламоқ; учи́ться без отры́ва от производ́ства ишдан бўшамай (ишлабчиқаришда ишлаб туриб) ўқимоқ; 6. *эск.* унвон бериш, ўтказиш; кўтариш (мансабга кўтариш).

ПРОИЗВОДЯ́ЩИЙ, -ая, -ее ишлаб чиқаручи, тайёрловчи, етиштируччи; тайёрлаб (етиштириб) берувчи.

производжу́, **производи́шь** *наст. от* производи́ть (*к.*).

ПРОИЗВО́Л *м мн. нет* 1. ўзбошимчалик, бебошлик, зўрлик, зўравонлик, бедодлик; зулм; қутуриш; полице́йский произво́л полициянинг

ўзбошимчалиги; полиция зўравонлиги; **произво́л реа́кции** реакциянинг кутуриши; 2. муносабатсизлик, асоссизлик, пучлик, кўнгилга келганча иш қилиш; **произво́л в суждéниях** асоссиз (пуч) фикр юргизиш; **решúть что-н. по собственному произво́лу** бирор масалани ўзбошимчалик билан (ўз билгича) ҳал қилиш; ◊ ***на произво́л судьбы́ (оста́вить, поки́нуть, бро́сить)*** ўз ҳолига, қаровсиз (ташлаб қўймоқ, ташлаб кетмоқ, қолдирмоқ).

ПРОИЗВО́ЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* 1. ихтиёрийлик, эркинлик; 2. асоссизлик, муносабатсизлик, пучлик; 3. ўзбошимчалик, бебошлик; **произво́льность в решéниях** ўзи истаганча қарорга келиш.

ПРОИЗВО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. ихтиёрий, ихтиёрий равишда қилинган; эркин; **произво́льные движéния** эркин ҳаракатлар; 2. асоссиз, ўринсиз, муносабатсиз, ҳаводан олинган, пуч; **произво́льный вы́вод** асоссиз хулоса, ҳаводан олинган хулоса; 3. ўзбошимчалик билан қилинган, ўзбошимча, бебош.

произнёс, произнесла́ *прош. от* произнести́ (*к.*).

ПРОИЗНЕСЕ́НИЕ *ср мн. нет* **произноси́ть, произнести́** фе'лининг ҳаракат номи; **пра́вильное произнесе́ние зву́ков** товушларни тўғри талаффуз этиш.

ПРОИЗНЕСТИ́ *сов.* 1. талаффуз этмоқ, айтмоқ; **пра́вильно произнести́ сло́во** сўзни тўғри талаффуз этмоқ; 2. сўзламоқ, гапирмоқ, айтмоқ, демоқ; **он не произнёс ни сло́ва** у бир оғиз ҳам гапирмади, чурқ этмади; **произнести́ речь** нутқ сўзламоқ.

произнесу́, произнесёшь *буд. от* произнести́ (*к.*).

ПРОИЗНОСИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *лингв.* талаффузга, талаффуз этишга оид; **произноси́тельные о́рганы челове́ка** одамнинг талаффуз органлари; **произноси́тельные но́рмы узбе́кского языка́** ўзбек тилининг талаффуз нормалари.

ПРОИЗНОСИ́ТЬ *несов.* *к.* произнести́.

ПРОИЗНОСИ́ТЬСЯ *несов.* талаффуз этилмоқ, айтилмоқ; сўзланмоқ; **в сло́ве „со́лнце“ звук „л“ не произно́сится** „солнце“ сўзида „л“ товуши талаффуз этилмайди.

ПРОИЗНОШЕ́НИЕ *ср* 1. талаффуз, талаффуз этиш; **произноше́ние гла́сных** унли товушларнинг талаффуз этилиши; **у него́ хоро́шее произноше́ние** унинг талаффузи яхши; 2. талаффуз (бирор тилнинг товушлар системаси); **ру́сское литерату́рное произноше́ние** рус адабий тилининг талаффузи.

произношу́, произно́сишь *наст. от* произноси́ть (*к.*).

произойдёт, произойду́т *буд. от* произойти́ (*к.*).

ПРОИЗОЙТИ́ *сов.* 1. келиб чиқмоқ, содир (воқи') бўлмоқ; рўй бермоқ, юз бермоқ; **что там произошло́?** у ерда нима юз берди?; **ме́жду ни́ми произошёл спор** уларнинг ўртасида жанжал чиқди, тортишув бўлди; **произошло́ недоразуме́ние** тушунмовчилик содир бўлди; **за э́то вре́мя произошли́ большие́ измене́ния** шу вақт ичида катта ўзгаришлар юз берди; **пожа́р произошёл от неосторо́жного обраще́ния с огнём** ўтга эҳтиётсизлик билан қараш натижасида ёнғин чиқди; 2. туғилмоқ, тарқалмоқ; **мериносовые о́вцы произошли́ от ди́кого бара́на—арка́ла** меринос қўйлари ёввойи чўл қўйи арқалдан тарқалган.

произошёл, произошла́ *прош. от* произойти́ (*к.*).

ПРОИЗРАСТА́НИЕ *ср мн. нет* ўсиш, унииш, ўсиб (униб) чиқиш, кўкариш, битиш.

ПРОИЗРАСТА́ТЬ *несов.* 1. *к.* произрасти́; 2. тарқалган бўлмоқ, бирор жойда ўсмоқ; **кокóсовые па́льмы произраста́ют в южных стра́нах** кокос дарахтлари жануб мамлакатларида ўсади.

ПРОИЗРАСТИ́ *сов.* ўсмоқ, кўкармоқ, ўсиб (униб) чиқмоқ, битмоқ.

произро́с, произросла́ *прош. от* произрасти́ (*к.*).

ПРОИЛЛЮСТРИ́РОВАТЬ *сов.* *к.* иллюстри́ровать.

ПРОИНСТРУКТИ́РОВАТЬ *сов.* *к.* инструктйровать.

ПРОИНФОРМИ́РОВАТЬ *сов. к.* информи́ровать.

ПРОИСКА́ТЬ *сов. с. т.* бирмунча вақт қидирмоқ, изламоқ, ахтармоқ.

ПРО́ИСКИ *мн., ед. нет манф.* кирдикор, фитна, макр, ҳийла-найранг; про́иски империали́стов империалистларнинг ҳийла-найранглари; про́иски врагов душманларнинг кирдикорлари.

происте́к, происте́кла *прош. от* происте́чь (*к.*).

ПРОИСТЕКА́ТЬ *несов. к.* происте́чь.

происте́чёт, происте́кут *буд. от* происте́чь (*к.*).

ПРОИСТЕ́ЧЬ *сов.* келиб чиқмоқ

ПРОИСХОДИ́ТЬ *несов.* 1 *к.* произойти́; 2. чиқмоқ. келиб чиқмоқ, мансуб бўлмоқ, тарқалмоқ; **он происхо́дит из рабо́чей семьи** у ишчи оиласидан чиққан.

ПРОИСХОЖДЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. чиқиш, келиб чиқиш, насаб, асл-насаб; **социа́льное происхожде́ние** ижтимоий чиқиш; **по происхожде́нию он грек** унинг асли грек; **зна́тного происхожде́ния** *(эск.)* аслзодалардан, аслзода, оқсуяк; **ни́зкого происхожде́ния** *(эск.)* паст табақадан, паст табақа; **вся́кое магни́тное по́ле име́ет электри́ческое происхожде́ние** ҳар қандай магнит майдони асли келиб чиқиши жиҳатидан электрга боғлиқ бўлади; 2. пайдо бўлиш, келиб чиқиш; **происхожде́ние жи́зни на земле́** ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши; **происхожде́ние ви́дов** *(биол.)* турларнинг келиб чиқиши.

происхожу́, происхо́дишь *наст. от* происходи́ть (*к.*).

ПРОИСШЕ́СТВИЕ *ср* ҳолиса, воқиа, можаро; **у́личное происше́ствие** кўчада юз берган ҳодиса; **никаки́х происше́ствий не случи́лось** ҳеч қандай воқиа юз бермади.

ПРОЙДО́ХА *м и ж сооб. манф.* шум, догули, фирибгар, маккор, муттаҳам.

пройду́, пройдёшь *буд. от* пройти́ (*к.*).

ПРО́ЙМА *ж* 1. *махс.* енг ўрни, енг ўтказиладиган ўйма; 2. *тех.* пройма (артиллерия снарядининг калибрини аниқлайдиган асбоб).

пройму́, проймёшь *буд. от* поня́ть (*к.*).

ПРОЙТИ́ *сов.* 1. ўтмоқ, бормоқ, босиб ўтмоқ, ўтиб кетмоқ; **пройти́ по мосту́** кўприкдан ўтмоқ; **пройти́ к вы́ходу** чиқаверишдаги эшикка қараб бормоқ; **пройти́ сла́вный путь** шонли йўл ўтмоқ; 2. юрмоқ, йўл юрмоқ, йўл босмоқ; **он прошёл не́сколько ша́гов и останови́лся** у бирнеча қадам юриб борди-да, тўхтади; **тури́сты часть пути́ прошли́ пешко́м** туристлар йўлнинг бир қисмини пиёда босиб ўтдилар; **автомоби́ль за час прошёл** 40 **киломе́тров** автомобиль бир соатда 40 километр йўл юрди; 3. ўтмоқ, ўтиб кетмоқ; **по́езд прошёл ста́нцию не остана́вливаясь** поезд станцияда тўхтамасдан ўтиб кетди; 4. ёғмоқ, ёғиб ўтмоқ; **но́чью прошёл си́льный дождь** кечаси қаттиқ ёмғир ёғиб ўтди; 5. ‖ ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, тугамоқ, тамом бўлмоқ; **прошло́ три часа́** уч соат ўтди; **зима́ прошла́** қиш ўтди (тамом бўлди); **прошли́ го́ды** йиллар ўтди; **срок ещё не прошёл** муддат ҳали тамом бўлгани йўқ; 6. ‖ тўхтамоқ, босилмоқ, ёзилмоқ; **боль в ноге́ прошла́** оёқнинг оғриғи босилди; **обида́ прошла́** хафалик ёзилди; 7. ‖ тарқалмоқ; ёйилмоқ; **прошли́ слу́хи о его́ приезде** унинг келиши ҳақида овоза тарқалди; 8. бирор тарзда ўтмоқ, бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ, тугалланмоқ; **спекта́кль прошёл с успе́хом** спектакль муваффақият билан ўтди; **боле́знь прошла́ без осложне́ний** касал улғаймай тузалди; **ночь прошла́ споко́йно** тун тинч ўтди; 9. бирор нарса орқали (ичидан) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, сиғиб ўтмоқ; сизиб ўтмоқ; **стол прошёл в дверь** стол эшикка сиғди; **черни́ла прошли́ сквозь бума́гу** сиёҳ қоғоздан ўтиб кетди; 10. *махс.* қазиб олмоқ, қазиб бормоқ, қазиб ўтмоқ; **пройти́ пе́рвый у́гольный пласт** кўмирнинг биринчи қатламини қазиб тугалламоқ; **метростро́евцы прошли́ полови́ну тонне́ля** метро қурувчилар тоннельнинг ярмини кавлаб бўлдилар; 11. ‖ кўз олдидан ўтмоқ, хаёлдан ўтмоқ, намоён бўлмоқ; **передо мной прошли́ воспо-**

минáния дéтства ёшлик чоғларим кўз олдимдан ўтди; 12. ўтмоқ (муҳокамадан, рўйхатдан ёки қўлдан қўлга); **проéкт прошёл мнóго инстáнций** проект жуда кўп босқичлар муҳокамасидан ўтди; **пúсьма прошлú чéрез регистрáцию** хатлар рўйхатдан ўтказилди; 13. қабул қилинмоқ, тасдиқланмоқ; ўтмоқ (тасдиқдан, синовдан, имтиҳондан ва ҳ. к. дан); **пройтú в штат** штатга ўтмоқ; **вáша кандидатýра прошлá** сизнинг кандидатурангиз ўтди (тасдиқланди); **пройтú в институ́т по ко́нкурсу** институтга конкурсдан ўтиб кирмоқ; 14. *с. т.* ўтмоқ, ўтиб бўлмоқ, тугаламоқ; **мы ужé прошлú органúческую хúмию** биз органик химияни ўтиб бўлдик; **по математúке мы прошли десятúчные дрóби** биз математикадан ўнли касрларни ўтдик; 15. олмоқ; **пройтú курс лечéния** даволаниш курсини батамом олмоқ; 16. ўтмоқ, ўтамоқ, бажармоқ; **пройтú вое́нную слýжбу** ҳарбий хизматни ўтамоқ; ◇ ***пройтú в жúзнь*** амалга ошмоқ, амалга оширилмоқ; ***пройтú (сквóзь) огóнь и вóду и мéдные трýбы к.*** огóнь; ***пройтú мúмо*** 1) кўрмай (пайқамай) ўтиб кетмоқ, ёнидан ўтиб кетиб қолмоқ; 2) ‖ кўз юмиб ўтмоқ, э'тибор бермай ўтмоқ; ***э́то дáром не пройдёт к.*** дáром.

ПРОЙТИ́СЬ *сов.* 1. бироз ёки шошмай уён-буён юрмоқ, айланиб юрмоқ, сайр қилмоқ; **он прошёлся по кóмнате** у уйнинг ичида бирнеча марта уён-буён бориб келди; **мы прошли́сь по пáрку** биз паркда бироз айландик; 2. *с. т.* ўйинга тушмоқ, рақсга тушмоқ; ўйнамоқ; **пройтúсь по рýсскую** русча рақсга тушмоқ; 3. *с. т.* бироз юргизмоқ, югуртирмоқ, бироз шугулламоқ; **пройтúсь кúстью по картúне** суратда кисть (чўтка) юргизиб чиқмоқ; ◇ ***пройтúсь на чей-н. счёт (по áдресу кого́-чего́-н.)*** *с. т.* ша'нига тегмоқ, гап отмоқ.

ПРОК *м мн. нет с. т.* фойда, наф', манфаат; **из негó не бýдет прóку** ундан фойда чиқмайди; **прóку нет** фойдаси йўқ; **какóй прок в егó сове́тах!** унинг маслаҳатидан нима фойда чиқади!

ПРОКАЖЁННАЯ *ж* мохов эёл.

ПРОКАЖЁННЫЙ *м* мохов эркак.

прокáжу, прокáзишь *наст. от* **прокáзить** *(к.).*

ПРОКÁЗА I *ж* мохов (касаллик).

ПРОКÁЗА II *ж* шўхлик; **дéтские прокáзы** болаларнинг шўхлиги, болалардан келган иш.

ПРОКÁЗИТЬ *несов. с. т.* шўхлик қилмоқ.

ПРОКÁЗНИК *м с. т.* шўх, шумтака, зумраша, шўхтака.

ПРОКÁЗНИЦА *ж с. т. к.* **прокáзник.**

ПРОКÁЗНИЧАТЬ *несов. к.* **прокáзить.**

ПРОКÁЛИВАТЬ *несов. к.* **прокалúть.**

ПРОКÁЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **прокалúться**; 2. қизитилмоқ, қиздирилмоқ, чўғ қилинмоқ.

ПРОКАЛИ́ТЬ *сов.* қиздирмоқ, қиздириб чўғ қилмоқ.

ПРОКАЛИ́ТЬСЯ *сов.* қизимоқ, қизиб чўғ бўлмоқ.

ПРОКÁЛЫВАТЬ *несов. к.* **проколóть.**

ПРОКÁЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1. санчилмоқ, санчиб (нина, ниш ва ҳ. к. урилб) тешилмоқ; 2. суқилмоқ, санчилмоқ, суқиб (санчиб) олинмоқ.

ПРОКАНИТЕ́ЛИТЬСЯ *сов. собд.* ивирсиб (ивирсилаб) вақтини бекорга ўтказмоқ, эзмаланмоқ, пкир-чикир блан овора бўлмоқ.

ПРОКÁПЧИВАТЬ *несов. к.* **прокопти́ть** 1, 4.

ПРОКÁПЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **прокопти́ться**; 2. дудланмоқ, дудлаб сур (қоқ) қилинмоқ.

ПРОКÁПЫВАТЬ *несов. к.* **прокопáть** 1, 2.

ПРОКÁПЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **прокопáться** 1; 2. қазилмоқ, кавланмоқ, қазиб (кавлаб) қўйилмоқ, ёткази лмоқ.

ПРОКАРАÝЛИТЬ *сов.* 1. *с. т.* қоровулликда ғафлатда қолмоқ, аиқовлик қилмоқ, аиқовлик қилиб олдириб қўймоқ, қўлдан чиқариб юбормоқ, кўрмай қолмоқ; **прокараýлить вéщи** яхшилаб қараб турмасдан нарсаларни олдириб юбормоқ; 2. бир

фурсат қоровуллик қилмоқ, қоровулликда турмоқ, пойламоқ.

ПРОКА́РМЛИВАТЬ *несов. к.* прокорми́ть.

ПРОКА́РМЛИВАТЬСЯ *несов. к.* прокорми́ться.

ПРОКА́Т I *м мн. нет махс.* 1. прокат (прокатка) қилиш, чиғирлаш, ёйиш; прока́т ре́льсов рельс (из) прокат қилиш; прокатка йўли блан рельс ясаш; 2. прокат (чиғирлаш, ёйиш) йўли блан ясалган парса, металл; **вы́пуск проката́ за 1952 год** 1952 йилда ишлаб чиқарилган прокат миқдори.

ПРОКА́Т II *м мн. нет* кирага бериш, ижарага бериш; кира, ижара; **плáта за прока́т** кира (ижара) ҳақи; **отдáть на прока́т** ижарага (кирага) бермоқ; **взять на прока́т** кирага (ижарага) олмоқ.

ПРОКАТА́ТЬ I *сов.* 1. ўқловлаб (каток, ғалтак мола юргизиб) текисламоқ, силлиқламоқ; 2. *махс.* прокат (прокатка) қилмоқ, чиғирламоқ, ёймоқ; **прокатáть ты́сячи тонн стáли сверх плáна** пландан ташқари минглаб тонна пўлат прокат қилмоқ.

ПРОКАТА́ТЬ II *сов. с. т.* бир фурсат сайр қилдирмоқ, сайр қилдириб, айлантириб юрмоқ (от, арава, машина ва ҳ. к. да).

ПРОКАТА́ТЬСЯ I *сов.* 1. ўқловлаб (каток, ғалтак мола юргизиб) текисланмоқ, силлиқланмоқ; 2. || *махс.* прокат (прокатка) қилинмоқ, чиғирланмоқ, ёйилмоқ (металл ҳақида).

ПРОКАТА́ТЬСЯ II *сов. с. т.* сайр қилиб келмоқ, айланиб келмоқ, (машина, от, арава ва ҳ. к. да).

ПРОКАТИ́ТЬ *сов.* 1. сайр қилдирмоқ, сайр (тамошо) қилдириб юрмоқ; **минди́риб** (тушириб) юрмоқ; **прокати́ть на автомоби́ле** автомобильда сайр қилдириб юрмоқ; 2. думалатиб (ғилдиратиб) бормоқ, (ғилдиратиб) келмоқ; 3. *с. т.* тез чопиб (чоптириб) ўтмоқ, ғизиллаб ўтмоқ, ғизиллаб ўтиб кетмоқ; **прокати́ть ми́мо до́ма** уй олдидан тез (ғизиллаб) ўтиб кетмоқ; 4. *содд. ҳазл.* қаттиқ танқид қилиб чиқмоқ, уриб чиқмоқ; ◇ ***прокати́ть на вороны́х*** (*зск. с. т.*) *қ.* вороно́й.

ПРОКАТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. *с. т.* сайр қилмоқ, миниб (тушиб) юрмоқ, бормоқ; **прокати́ться верхо́м** от миниб юрмоқ (бормоқ); **прокати́ться на да́чу** дачага бормоқ (от, арава, машина ва ҳ. к. да); 2. думалаб (ғилдираб) бормоқ; 3. || гулдираб эшитилмоқ; **прокати́лся гром** момақалдироқ гулдиради.

ПРОКА́ТКА *ж мн. нет махс.* прокат (прокатка) қилиш, чиғирлаш, ёйиш; **цех прока́тки** прокатка цехи, металл ёйиш цехи.

ПРОКА́ТНЫЙ I, -ая, -ое *махс.* 1. прокаткага (металл ёйишга) оид; прокатка қиладиган, металл ёядиган; **прока́тный стан** прокатка стани (металл ёядиган катта станок); **прока́тный цех заво́да** заводнинг прокатка цехи; 2. прокатка қилиб (чиғирлаб) тайёрланган, ёйилган; **прока́тный материа́л = прока́т** I (2-нчи ма'носида); *қ.* прока́т I.

ПРОКА́ТНЫЙ II, -ая, -ое 1. прока́т II *сўз. сиф.*; кирага (ижарага) оид; ижарага (кирага) бериладиган; **прока́тная ме́бель** ижарага бериладиган мебель; 2. ижарага берадиган, кирага берадиган; **прока́тный пункт** кира пункти (кирага бирор нарса берадиган пункт).

ПРОКА́ТЧИК *м махс.* прокатчик, прокаткачи (прокатка қилучи, металл ёючи ишчи, мутахассис).

ПРОКА́ТЫВАТЬ I *несов. к.* прокатáть I.

ПРОКА́ТЫВАТЬ II *несов. к.* прокати́ть.

ПРОКА́ТЫВАТЬСЯ I *несов.* 1. *к.* прокатáться I; 2. *страд. от* **прока́тывать** I (*к.*).

ПРОКА́ТЫВАТЬСЯ II *несов. к.* прокати́ться 3.

прокачу́, прока́тишь *буд. от* **прокати́ть** (*к.*).

ПРОКА́ШИВАТЬ *несов. к.* проко́сить.

ПРОКА́ШИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **прока́шивать** (*к.*).

ПРОКА́ШЛИВАТЬ *несов. к.* прока́шлять I.

ПРОКА́ШЛИВАТЬСЯ *несов. к.* прока́шляться.

ПРОКА́ШЛЯНУТЬ *сов.* *қ.* **проа́шлять** 1.

ПРОКА́ШЛЯТЬ *сов.* 1. йўталиб олмоқ, йўталиб ташламоқ, йўталиб томоқни тозалаб олмоқ (мас., балғамдан); 2. бир фурсат йўталмоқ, йўталиб чиқмоқ, бирнеча вақт йўталиб турмоқ; **прока́шлять всю ночь** тунни бутун йўталиб чиқмоқ.

ПРОКА́ШЛЯТЬСЯ *сов.* йўталиб олмоқ, йўталиб томоқни тозалаб олмоқ (мас., балғамдан).

ПРОКВА́СИТЬ *сов.* ачитмоқ, ачитиб қўймоқ, тузламоқ; **проква́сить капу́сту** карам тузламоқ.

ПРОКВА́СИТЬСЯ *сов.* обдан ачимоқ, туз емоқ, туз сингмоқ.

ПРОКВА́ШИВАТЬ *несов.* *қ.* **проква́сить.**

ПРОКВА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **проква́ситься**; 2. обдан ачитилмоқ, ачитиб қўйилмоқ, тузланмоқ.

проква́шу, проква́сишь *буд.* *от* **проква́сить** *(қ.).*

ПРОКИПЕ́ТЬ *сов.* 1. бир фурсат қайнамоқ, қайнаб турмоқ; **вода́ прокипе́ла 10 мину́т** сув 10 минут қайнаб турди; 2. обдан қайнамоқ, қайнаб етилмоқ, пишмоқ; **суп прокипе́л** шўрва обдан қайнади.

ПРОКИПЯТИ́ТЬ *сов.* обдан қайнатмоқ, қаттиқ (яхшилаб) қайнатмоқ; **прокипяти́ть во́ду** сувни обдан қайнатмоқ; **прокипяти́ть молоко́** сутни яхшилаб пиширмоқ.

прокипячу́, прокипяти́шь *буд.* *от* **прокипяти́ть** *(қ.).*

ПРОКИСА́ТЬ *несов.* *қ.* **прокйснуть.**

ПРОКИ́СНУТЬ *сов.* ачиб кетмоқ, ачиб (бузилиб) қолмоқ; ириб кетмоқ.

ПРОКИ́СШИЙ, **-ая**, **-ее** 1. **прокиса́ть** фе'лининг сифатдоши; 2. ачиб кетган, ачиб қолган; **прокйсшее молоко́** ачиб қолган сут.

ПРОКЛА́ДКА *ж* 1. *только ед.* қуриш; ётқизиш, тўшаш; очиш, ўтказиш; **прокла́дка желе́зной доро́ги** темир йўл қуриш; **прокла́дка водопрово́дных труб** водопровод трубалари ўтказиш; **прокла́дка но́вых ары́ков** янги ариқлар очиш, қазиш; 2. прокладка (орага, оралиққа солинган, қўйилган, қистирилган нарса, қистирма); **резино́вая прокла́дка** резинка прокладка; **бума́жная прокла́дка** қоғоз прокладка; **прокла́дка из цемента** цемент прокладка.

ПРОКЛАДНО́Й, **-ая**, **-ое** 1. **прокла́дка** 1 *сўз. сиф.*; қуришга (солишга, ётқизишга) оид; 2. қистирма, орасига солиб (қистириб) қўйилган; прокладка сифатида ишлатилган; **прокладны́е листы́ в кни́ге** заметкалар (ҳархил қайдлар) ёзиб қўйиш учун китоб ичига қўйилган тоза варақлар.

ПРОКЛА́ДЫВАТЬ *несов.* *қ.* **проложи́ть.**

ПРОКЛА́ДЫВАТЬСЯ *несов.* *страд.* *от* **прокла́дывать** *(қ.).*

ПРОКЛАМАЦИО́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** **прокла́мация** *сўз. сиф.*; прокламацион, прокламация характерига эга бўлган; *қ.* **прокла́мация.**

ПРОКЛАМА́ЦИЯ *ж* 1. прокламация (агитация мақсадида тарқатиладиган сиёсий мазмундаги ғайрирасмий варақа); 2. тантанали суратда э'лон қилиш, билдириш.

ПРОКЛАМИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* тантанали равишда э'лон қилмоқ, кўпчиликка билдирмоқ; **проклами́ровать зако́н** қонунни тантанали суратда э'лон қилмоқ.

ПРОКЛЕВА́ТЬ *сов.* чўқилаб тешмоқ.

ПРОКЛЁВЫВАТЬ *несов.* *қ.* **проклева́ть.**

ПРОКЛЕ́ИВАТЬ *несов.* *қ.* **проклея́ть.**

ПРОКЛЕ́ИВАТЬСЯ *несов.* елимланмоқ, елимлаб қўйилмоқ, елимлаб ёпиштирилмоқ.

ПРОКЛЕ́ИТЬ *сов.* 1. обдан елимламоқ, елим суртмоқ, сингдирмоқ; 2. бир фурсат елимламоқ, елимлаш билан машғул бўлмоқ.

ПРОКЛЕ́ЙКА *ж* 1. *только ед.* обдан елимлаш, елим суртиш, сингдириш; 2. елимланган (елим суртилган) жой, елим қатлами.

ПРОКЛИНА́ТЬ *несов.* 1. *қ.* **проклясть**; 2. *с. т.* сўкмоқ, уришмоқ, койимоқ.

проклюёт *буд.* *от* **проклева́ть** *(қ.).*

ПРОКЛЮНУ́ТЬ *сов.* *с. т.* чўқилаб (чўқиб) тешмоқ, чўқилаб тешиб

чиқай деб қолмоқ; цыплёнок проклю́нул скорлупу́ яйца жўжа тухумни чўқилаб тешиб чиқай деб қолипти.

ПРОКЛЮ́НУТЬСЯ *сов. мах.л.* чўқиб (тешиб) чиқмоқ, ёриб чиқмоқ (тухумдан); цыпля́та уже́ проклю́нулись жўжалар тухумдан ёриб чиқишди.

про́клял, проклята́ *прош. от* проклясть (*қ.*).

прокляну́, проклянёшь *буд. от* проклясть (*қ.*).

ПРОКЛЯ́СТЬ *сов.* ла'нат ўқимоқ, нафрат ёғдирмоқ; қарғамоқ, оқ қилмоқ.

ПРОКЛЯ́ТИЕ *ср* 1. ла'нат, нафрат, қаргиш; преда́ть проклятию ла'нат ўқимоқ; осыпа́ть проклятиями кого́-н. ла'нат тоши ёғдирмоқ; 2. *межд. с. т.* ла'нати, сабил, қуриб кетгур, балога йўлиққур; проклятие! опя́ть неуда́ча! нима бало! иш яна ўнгмади!

про́клятый, -ая, -ое ла'натланган, ла'нат ўқилган, оқ қилинган; ла'нати; **да бу́дут про́кляты поджига́тели войны!** уруш оловини ёқувчиларга ла'натлар бўлсин!

ПРОКЛЯ́ТЫЙ, -ая, -ое ла'нати, мал'ун, касофат; падари қусур; ашадди, ёвуз; ◊ *проклятый вопро́с (эск.)* мушкул масала, ҳал қилиниши қийин бўлган масала.

ПРОКОВЫЛЯ́ТЬ *сов. с. т.* бир фурсат ёки бирнеча қадам гандираклаб (каловлаб) юрмоқ, судралиб (оқсаб-тўқсаб) бормоқ.

ПРОКОВЫ́РИВАТЬ *несов. қ.* проковыря́ть.

ПРОКОВЫ́РИВАТЬСЯ *несов.* кавлаб тешилмоқ.

ПРОКОВЫРНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. с. т.* кавлаб тешиб қўймоқ.

ПРОКОВЫРЯ́ТЬ *сов.* кавлайвериб тешмоқ, кавлайвериб тешиб қўймоқ; проковыря́ть дыру́ кавлайвериб тешик очмоқ; проковыря́ть сте́ну деворни кавлайвериб тешмоқ.

ПРОКО́Л *м* 1. *только ед.* санчиб (нина, ниш ва ҳ. к. уриб) тешиш, тешилиш; прокóл ши́ны шинанинг (резина гилдиракнинг) бирор нарса санчилиб тешилиши; 2. тешик, санчиб тешилган жой.

ПРОКОЛО́ТЬ *сов.* 1. санчиб (нина, ниш ва ҳ. к. уриб) тешмоқ, тешиб, санчиб ўткизмоқ; прокóлоть гвоздём дыру́ мих билан тешик қилмоқ; прокóлоть нары́в фасод бойлаган ярани нина уриб тешмоқ; 2. суқмоқ, санчмоқ, суқиб (санчиб) олмоқ; прокóлоть врага́ штыко́м душманга штик санчиб олмоқ; 3. бир фурсат ёрмоқ, майдаламоқ (мас., ўтинни); он весь день прокóл дрова́ у кун бўйи ўтин ёрди.

ПРОКОММЕНТИ́РОВАТЬ *сов.* шарҳламоқ, изоҳлаб бермоқ, тушунтириб бермоқ.

ПРОКОМПОСТИ́РОВАТЬ *сов. т. й.* компостерламоқ, компостер урдирмоқ компостер бостириб олмоқ; *қ.* компости́ровать.

ПРОКОНОПА́ТИТЬ *сов. қ.* конопа́тить.

ПРОКОНОПА́ЧИВАТЬ *несов. қ.* проконопа́тить.

ПРОКОНСПЕКТИ́РОВАТЬ *сов. қ.* законспектирова́ть.

ПРОКОНТРОЛИ́РОВАТЬ *сов.* контрольлик қилмоқ, назорат қилмоқ, текшириб чиқмоқ.

ПРОКОПА́ТЬ *сов.* 1. қазимоқ, кавламоқ; қазиб (кавлаб) бўлмоқ, битирмоқ; прокопа́ть подзе́мный ход ер остидан йўл қазимоқ; прокопа́ть ары́к ариқ қазимоқ; 2. кавлаб тешмоқ, қазиб (ёриб) йўл очмоқ; 3. бир фурсат қазимоқ, кавламоқ; қазиш (кавлаш) блан машғул бўлмоқ.

ПРОКОПА́ТЬСЯ *сов.* 1. кавлаб (қазиб) бормоқ, кавлаб (қазиб) кирмоқ; 2. *с. т. манф.* ғимирлаб бирор иш қилиб юрмоқ, имиллаб ўтирмоқ.

ПРОКОПТЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *с. т.* ис (қоракуя) босиб кетган, ис бостириб юборилган, қорайган; прокопте́лый потоло́к ис босиб кетган шип.

ПРОКОПТИ́ТЬ *сов.* 1. дудламоқ, қоқламоқ, дудлаб сур (қоқ) қилмоқ, қотирмоқ; прокопти́ть ры́бу балиқни дудламоқ, сур қилмоқ; 2. бир фурсат дудламоқ, дудлаш (сур қилиш) блан машғул бўлмоқ; 3. тутаб турмоқ, тутаб чиқмоқ; 4. *с. т.* ис (дуд) бостириб юбормоқ, қорайтириб юбормоқ, қоракуя қилмоқ; прокопти́ть сте́ны деворларни ис бостириб юбормоқ.

ПРОКОПТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. дудланмоқ, исланмоқ. дудланиб қоқ (сур) бўлмоқ; **о́корок хорошо́ прокопти́лся** сон гўшти яхши дудланди; 2. *с т.* ис (қоракуя, қурум) босиб кетмоқ, қорайиб кетмоқ.

прокопчу́, прокопти́шь *буд. от* **прокопти́ть** *(қ.).*

ПРОКО́РМ *м мн. нет содд.* боқиш, едириш, овқат бериш; кун кечириш.

ПРОКОРМИ́ТЬ *сов.* 1. та'минламоқ, боқмоқ, рўзғорни тебратмоқ; **прокорми́ть семью́** оилани боқмоқ; оилани та'миламоқ; 2. бир фурсат овқатлантирмоқ, овқат бериш билан машғул бўлмоқ.

ПРОКОРМИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* тирикчиликни ўтказиб турмоқ, кун кечириб бормоқ; рўзғорни тебратиб турмоқ.

ПРОКОРМЛЕ́НИЕ *ср мн. нет қ.* **прокóрм**.

ПРОКОРПЕ́ТЬ *сов. с. т.* бир фурсат зўр бермоқ, зўр бериб (тиришиб, тирмашиб) ишламоқ. астойдил бирор иш билан машғул бўлмоқ.

ПРОКОРРЕКТИ́РОВАТЬ *сов. қ.* **корректи́ровать**.

ПРОКО́С *м қ. х.* бир чолғи ўроқ эни, бир чолғи ўроқ солганда ўриладиган жой кенглиги.

ПРОКОСИ́ТЬ *сов.* 1. бир фурсат ўрмоқ, ўриш билан машғул бўлмоқ; 2. ора-сира ёки атрофлаб ўрмоқ, ўриб чиқмоқ, ўриб ташламоқ, ўриб йўл очмоқ.

прокошу́, прокóсишь *буд. от* **прокоси́ть** *(қ.).*

прокрадýсь, прокрадёшься *буд. от* **прокра́сться** *(қ.).*

ПРОКРА́ДЫВАТЬСЯ *несов. қ.* **прокра́сться**.

прокра́лся, прокра́лась *прош. от* **прокра́сться** *(қ.).*

ПРОКРА́СИТЬ *сов.* 1. бўямоқ, бўяб чиқмоқ; 2. бир фурсат бўямоқ, бўяш билан машғул бўлмоқ.

ПРОКРА́СИТЬСЯ *сов.* бўялмоқ, бўёқни ўзига олмоқ, бўёқ емоқ.

ПРОКРА́СТЬСЯ *сов.* ўғринча (яширинча) кирмоқ, билдирмасдан (сездирмасдан, писиб ўтмоқ; **он прокра́лся в дом** у яширинча (ҳеч кимга билдирмасдан) уйга кирди.

ПРОКРАХМА́ЛИТЬ *сов.* 1. крахмалламоқ, оҳорламоқ, крахмал (оҳор) бермоқ; 2. бир фурсат крахмалламоқ, оҳор бериш билан машғул бўлмоқ.

ПРОКРАХМА́ЛИТЬСЯ *сов.* крахмалламоқ, оҳорланмоқ, крахмални (оҳорни) ўзига олмоқ.

ПРОКРА́ШИВАТЬ *несов. қ.* **прокра́сить** I.

ПРОКРА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **прокра́ситься**; 2. бўялмоқ, бўёқ берилмоқ, бўяб чиқилмоқ.

прокра́шу, прокра́сишь *буд. от* **прокра́сить** *(қ.).*

ПРОКРИЧА́ТЬ *сов.* 1. қичқирмоқ, қийқирмоқ, бақирмоқ; **прокрича́л пету́х хуро́з** қичқирди; 2. бир фурсат қичқирмоқ, бақириб чиқмоқ; **ребёнок прокрича́л всю ночь** чақалоқ туни билан бақириб чиқди; ◇ ***прокрича́ть у́ши*** *(кому́-н. о чём-н.) с. т.* қулоқ-миясини емоқ, миясини қоқиб қўлига бермоқ, қулоғини кар қилмоқ (бақираверіб еки жаврайверіб).

ПРОКРУ́СТОВО: прокру́стово ло́же *қ.* **ло́же**.

ПРОКУЛЬТИВИ́РОВАТЬ *сов.* культивация қилиб чиқмоқ, культивация ўтказмоқ; *қ.* **культива́ция**.

ПРОКУРАТУ́РА *ж* 1. прокуратура (қонунга тўла амал қилиниши устидан назорат олиб боруви ҳамда қонун бузувчиларни суд жавобгарлигига тортувчи давлат ҳокимият органи); 2. *только ед.* прокурорлик, прокурорлик вазифаси; 3. *только ед. собир.* прокурорлар, прокуратура ходимлари.

ПРОКУ́РИВАТЬ *несов. қ.* **прокури́ть**.

ПРОКУ́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **прокури́ться** 1; 2. *страд. от* **прокури́вать** 2, 3.

ПРОКУРИ́ТЬ *сов.* 1. бир фурсат чекмоқ, чекиш билан машғул бўлмоқ; 2. *с. т.* чекиб юбормоқ, чекишга (тамакига) сарф қилиб юбормоқ; 3. *с. т.* чекаверіб тутун қилмоқ, тутун бостирмоқ, тутун ҳиди қилиб юбормоқ.

ПРОКУРИ́ТЬСЯ *сов.* 1. тутун босмоқ, тутун ҳиди уриб қолмоқ (кўп

чекиш натижасида); 2. тутаб турмоқ, тутун (буғ) чиқиб (кўтарилиб) турмоқ; **вулка́н прокуря́лся не́сколько дней** вулкандан бирнеча кун тутун чиқиб турди.

ПРОКУРО́Р *м* прокурор (1. қонунга тўла амал қилиниши устидан давлат назорати олиб боручи шахс; **Генера́льный проку́ро́р СССР** СССР нинг бош прокурори; **райо́нный проку́ро́р** район прокурори; 2. судда — давлат қараловчиси; **речь проку́ро́ра** прокурор нутқи).

ПРОКУРО́РСКИЙ, -ая, -ое **проку́ро́р** *сўз. сиф.*; прокурорга оид; **проку́ро́рский надзо́р** прокурор назорати.

ПРОКУ́С *м* бирор нарса чақиб (тишлаб) олиб ҳосил бўлган яра, чақиб (тишлаб) олинган жой.

ПРОКУСИ́ТЬ *сов.* қаттиқ тишлаб олмоқ, тишлаб узиб олмоқ, гажиб ташламоқ.

ПРОКУ́СЫВАТЬ *несов.* қ. **прокуси́ть**.

ПРОКУ́СЫВАТЬСЯ *несов.* қаттиқ тишлаб олинмоқ, тишлаб узиб олинмоқ, гажиб ташланмоқ.

ПРОКУТИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. айш-ишратга сарф қилиб юбормоқ, ичиб юбормоқ; 2. бир фурсат айш-ишрат билан машғул бўлмоқ.

ПРОКУТИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* бор-йўғини айш-ишратга (ичкиликвозлик-ка) сарф қилмоқ, айш-ишрат (ичкиликвозлик) қилиб бор-йўғидан айрилмоқ.

ПРОКУ́ЧИВАТЬ *несов.* қ. **прокути́ть**.

ПРОКУ́ЧИВАТЬСЯ *несов. с. т.* бор-йўғи айш-ишратга сарф қилинмоқ, ичиб юборилмоқ.

прокучу́, прокути́шь *буд. от* **прокути́ть** *(қ.)*.

прокушу́, прокуси́шь *буд. от* **прокуси́ть** *(қ.)*.

ПРОЛАГА́ТЬ *несов.* қ. **проложи́ть** 4.

пролажу́, пролази́шь *буд. от* **пролази́ть** *(қ.)*.

ПРОЛА́ЗА *м и ж с. т. манф.* олғир, лочин, суллоҳ.

ПРОЛА́ЗИТЬ *сов. с. т.* ма'лум вақт тирмашиб (ўрмалаб) юрмоқ, ўрмалаб чиқмоқ.

ПРОЛА́МЫВАТЬ *несов.* қ. **проло́мать** ва **проломи́ть**.

ПРОЛА́МЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **проло́маться** ва **проломи́ться**; 2. *страд. от* **пролáмывать** *(қ.)*.

ПРОЛА́ЯТЬ *сов.* 1. ҳурмоқ, вовулламоқ, акилламоқ; 2. бир фурсат вовулламоқ, ҳуриб (вовуллаб) чиқмоқ, акиллаб чиқмоқ.

пролёг, пролегла́ *прош. от* **проле́чь** *(қ.)*.

ПРОЛЕГА́ТЬ *несов.* ўтмоқ, кесиб ўтмоқ, ёнидан, ичидан, орасидан ўтмоқ, орқали ўтмоқ; **доро́га пролегала́ че́рез по́ле** йўл дала орқали ўтган эди.

ПРОЛЕЖА́ТЬ *сов.* 1. бирмунча вақт етмоқ, ётавермоқ; **он пролежа́л до ве́чера в посте́ли** у кечгача ўрнидан (кўрпадан) турмай чўзилиб ётди; **пролежа́ть оди́н ме́сяц в больни́це** бир ой касалхонада ётмоқ; 2. қолиб кетмоқ, ётиб қолмоқ, ҳаракатсиз (фойдаланилмай) ётиб қолмоқ, ётмоқ; **ва́ши ве́щи полго́да пролежа́ли у меня́** нарсаларингиз ярим йил меникида ётди; 3. *с. т.* ётаверib танасининг бирор ери эзилиб шилиниб кетмоқ, увушиб жонсиз бўлиб қолмоқ; **пролежа́ть себе́ бок** ётавериб ёнбоши шилиниб кетмоқ.

ПРОПУСТИ́ТЬ *сов.* 1. ўзи орқали (ўзидан) ўтказмоқ, ўтказиб юбормоқ; э́то стекло́ не пропусти́т кра́сных луче́й бу шиша (ойна) қизил нурларни ўтказмайди. 2. || таъмин этмоқ; хизмат кўрсатмоқ, ўтказмоқ; э́та столо́вая мо́жет пропусти́ть ты́сячу челове́к в день бу ошхона бир кунда минг кишини таъмин этаяпти. 3. бирор нарсадан (нарса орқали) ўтказмоқ; ўтказиб олмоқ; чиқармоқ; пропусти́ть ток че́рез кислоту́ кислотадан ток ўтказмоқ; пропусти́ть мя́со че́рез мясору́бку гўштни мясорубкадан ўтказмоқ, мясорубкада қийма қилмоқ; 4. ўтказмоқ, тақмоқ; 5 || ўтказмоқ (муҳокамадан, кўрикдан, тасдиқдан); пропусти́ть прое́кт че́рез коми́ссию проектни комиссиядан ўтказмоқ; 6. ўтказиб юбормоқ, йўл бермоқ, киришга рухсат этмоқ; киргизмоқ; в две́рях он ве́жливо пропусти́л го́стя вперёд эшик олдида у меҳмонга одоб билан йўл берди; пропусти́ть зри́телей в зал, тамошобинларни залга киргизмоқ, қўймоқ; 7. *с. т.* рухсат бермоқ (мас., босиб чиқаришга, саҳнага қўйишга); 8. тушириб қолдирмоқ, қолдириб кетмоқ; переписывая, вы пропусти́ли строку́ кўчириб ёзганингизда бир сатрини тушириб қолдирибсиз; 9. қолмоқ, келмай (бормай) қолмоқ, канда қилмоқ; ученик пропусти́л оди́н уро́к ўқувчи бир дарсдан қолди; пропусти́в год по боле́зни, он сно́ва нача́л занима́ться в шко́ле касал бўлиб бир йил мактабдан қолиб, сўнг ўқишини яна давом эттирабошлади; 10. ўтказиб юбормоқ, қўлдан бермоқ; студе́нт пропусти́л сро́к сда́чи экза́менов студент имтиҳон топшириш муддатини ўтказиб юборди; пропусти́ть удо́бный слу́чай қулай пайтни қўлдан бермоқ (ўтказиб юбормоқ); 11. *содд.* томоқдан ўтказмоқ; пропусти́ть ри́юмочку ёки рюмкани томоқдан ўтказмоқ; ◊ ***пропусти́ть***

ми́мо ушей эшитмасликка олмоқ, эшитмай қолмоқ, қулоқ бермаслик.

пропущу́, пропу́стишь *буд. от* **пропусти́ть** *(қ.)*.

ПРОПЫЛИ́ТЬ *сов.* чанг қилиб (чанг бостириб) юбормоқ.

ПРОПЫЛИ́ТЬСЯ *сов.* чанг босиб (чанг бўлиб) кетмоқ, чангга ботмоқ; **оде́жда пропыли́лась в доро́ге** кийимни йўлда чанг босипти, кийим йўлда чангга ботди.

пропью́, пропьёшь *буд. от* **пропи́ть** *(қ.)*.

ПРОПЬЯ́НСТВОВАТЬ *сов.* бир фурсат аракхўрлик қилмоқ, ичкиликвозлик блан овора бўлмоқ.

ПРОРА́Б (производи́тель рабо́т) *м* прораб, ишбоши (қурилишга бевосита раҳбарлик қилучи мутахассис).

ПРОРАБА́ТЫВАТЬ *несов. қ.* **проработа́ть 2, 3.**

ПРОРАБА́ТЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **проработа́тывать 2, 3** *(қ.)*.

ПРОРАБО́ТАТЬ *сов.* 1. бир фурсат ишламоқ, иш блан машғул бўлмоқ; **проработа́ть на заво́де де́сять лет** заводда ўн йил ишламоқ; 2. *с. т.* ишлаб (ўрганиб) чиқмоқ; ўрганмоқ, ўтмоқ; **проработа́ть вопро́с** масалани ишлаб чиқмоқ; **мы проработа́ли три главы́ уче́бника** биз дарсликнинг уч бобини ўтдик, ўргандик; 3. *с. т. ҳазл.* қаттиқ танқид қилмоқ, қаттиқ танқид қилиб чиқмоқ; **его́ проработа́ли на собра́нии** уни мажлисда қаттиқ танқид қилиб чиқишди.

ПРОРАБО́ТКА *ж мн. нет с. т.* 1. ишлаб чиқиш, ўрганиш, ўтиш; 2. қаттиқ танқид қилиш.

ПРОРА́Н *м махс.* тўғонда вақтинча қолдирилган очиқ жой.

ПРОРАСТА́НИЕ *ср мн. нет* униб чиқиш, кўкариш; **прораста́ние семя́н** уруғларнинг униб чиқиши.

ПРОРАСТА́ТЬ *несов. қ.* **прорасти́.**

ПРОРАСТИ́ *сов.* 1. унмоқ, униб чиқмоқ, кўкармоқ; **хлопча́тник проро́с** чигит униб чиқипти; **се́мя проросло́ урун** униб чиқипти; 2. кўкармоқ, кўкариб чиқмоқ; **сквозь ка́мни проросла́ трава́** тошлар орасидан ўт кўкариб чиқипти.

ПРОРАСТИ́ТЬ *сов* ўстирмоқ, кўкартирмоқ, ундириб чиқармоқ; **прораститъ семена́ перед посадко́й** экиш олдидан уруғни ундириб олмоқ.

ПРОРА́ЩИВАТЬ *несов. қ.* **прораститъ.**

ПРОРА́ЩИВАТЬСЯ *несов.* ўстирилмоқ, кўкартирилмоқ, ундириб олинмоқ.

проращу́, прораститъшь *буд. от* **прораститъ** *(қ.)*.

ПРО́РВА *ж содд. дагл.* 1. дуғё-дуғё, мил-мил, беҳад кўп, жуда кўп; **истра́тить про́рву де́нег** мил-мил пул сарф қилмоқ; 2. *манф.* ўпқон, ютоқи, мечкай.

ПРОРВА́ТЬ *сов.* 1. йиртиб юбормоқ, тешиб қўймоқ; **прорва́ть чулки́** чулкини йиртиб (тешиб) қўймоқ; **прорва́ть дыру́ в карма́не** кармонни тешиб (йиртиб) қўймоқ; 2. ўпириб кетмоқ, ювиб кетмоқ, олиб кетмоқ; **вода́ прорва́ла плоти́ну** сув тўғонни ўпириб кетипти; 3. *ҳарб.* ёриб ўтмоқ; **прорва́ть ли́нию оборо́ны проти́вника** душманнинг мудофаа линиясини ёриб ўтмоқ; 4. *безл. с. т.* сабри тугаб ўзини тутолмай қолмоқ, ичидагини тўкиб солмоқ.

ПРОРВА́ТЬСЯ *сов.* 1. йиртилиб кетмоқ, тешилиб қолмоқ; 2. сув уриб ўпирилиб кетмоқ, сув олиб кетиб бузилмоқ; **плоти́на прорва́лась** тўғонни сув уриб кетди; 3. ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ; **нары́в прорва́лся** яра ёрилди; 4. ‖ *с. т.* сабри битиб бирдан газабга келмоқ, ичидагини тўкиб солмоқ; **прорва́лась до́лго сде́рживаемая оби́да** кўпдан бери ичга ютиб юрилган алам чегарасидан ошди; 5. ёриб ўтмоқ, ёриб чиқмоқ; **прорва́ться из вра́жеского окруже́ния** душман қуршовидан ёриб чиқмоқ; **прорва́ться сквозь ряды́ неприя́теля** душман қаторини ёриб ўтмоқ.

ПРОРЕДИ́ТЬ *сов. қ. х.* яганаламоқ, ягана қилмоқ; **проредить посе́вы овоще́й** сабзавот экинларни ягана қилмоқ.

ПРОРЕ́ЖИВАНИЕ *ср мн. нет қ. ҳ.* яганалаш, ягана қилиш; **проре́жи-**

вание хлопча́тника ғўзани яганалаш.

ПРОРЕ́ЖИВАТЬ *несов. к.* **проредить.**

ПРОРЕ́ЖИВАТЬСЯ *несов. к. х.* яганаланмоқ, ягана қилинмоқ.

прореже́ну, прореже́шь *буд. от* **проре́зать** (*к.*).

прорежу́, проредишь *буд. от* **проредить** (*к.*).

ПРОРЕ́З *м* 1. *только ед.* кесиб (арралаб) тешиш, ўйиш; тешик очиш; 2. кесик, тешик, ўйиқ; **проре́з для во́рота** в рубахе кўйлакнинг ёқа ўтказиш учун қилинган ўйиғи; **сде́лать проре́з в две́ри для замка́** қулф ўрнатиш учун эшикни ўйиш (эшикдаги ўйиқ).

ПРОРЕ́ЗАТЬ *сов.* 1. кесиб (арралаб) тешмоқ, ўймоқ, тешик очмоқ; **проре́зать дыру́** тешик тешмоқ, кесиб (арралаб) тешик қилмоқ (очмоқ); **проре́зать кали́тку в забо́ре** тахта девордан эшик очмоқ; 2. *махс.* кесмоқ, ўймоқ; **проре́зать во́рот у пла́тья** кўйлакнинг ёқа ўрнини кесмоқ (ўймоқ); 3. бирмунча вақтни кесиш, тешиш билан ўтказмоқ; 4. ‖ кесиб ўтмоқ; **проре́зать безво́дную степь оросительным кана́лом** сувсиз чўлни канал қазиб кесиб утмоқ.

ПРОРЕЗА́ТЬ *несов. к.* **проре́зать** 1, 2, 4.

ПРОРЕ́ЗАТЬСЯ *сов.* 1. ёриб чиқмоқ, чиқабошламоқ; **у ребёнка проре́зались зу́бы** гўдакнинг тишлари чиқиб қолинти; 2. ‖ *с. т.* ёриб ўтмоқ.

ПРОРЕЗА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к* **проре́заться**; 2. *страд. от* **проре́зать** (*к.*).

ПРОРЕЗИ́НЕННЫЙ. -ая, -ое 1. **прорезинить фе'линнинг сифатдоши**; 2. резиналанган, резина сингдирилган; **прорезиненная ткань** резиналанган мата.

ПРОРЕЗИ́НИВАТЬ *несов. к.* **прорезинить**

ПРОРЕЗИ́НИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **прорезини́ться**; 2. резиналанмоқ, резина сингдирилмоқ.

ПРОРЕЗИ́НИТЬ *сов.* резиналамоқ, резина сингдирмоқ; **прорези́нить ткань** матани резиналамоқ.

ПРОРЕЗИ́НИТЬСЯ *сов.* резиналанмоқ, резинани ўзига сингдириб олмоқ.

ПРОРЕЗНО́Й, -а́я, -о́е *махс.* **проре́з** 2 *сўз. сиф.*; ўйма; **прорезно́й карма́н** ўйма чўнтак.

ПРОРЕ́ЗЫВАНИЕ: прорезывание зубо́в тишнинг ёриб чиқиши, тиш чиқиши.

ПРОРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. к.* **проре́зать.**

ПРОРЕ́ЗЫВАТЬСЯ *несов* 1 *к.* **проре́заться**; 2 *страд. от* **проре́зывать**; *к.* **проре́зать** 1, 2, 4.

ПРО́РЕЗЬ *ж* тешик, кесик, тирқиш; **про́резь прице́ла** нишон кесиги (тирқиши)

ПРОРЕ́КТОР *м* проректор, ректор ёрдамчиси; *к.* **ре́ктор**. **проре́ктор по учёбной ча́сти** ректорнинг илмий ишлар бўйича ёрдамчиси, **проре́ктор по администрати́вно-хозя́йственной ча́сти** ма'мурий-хўжалик ишлар бўйича ректор ёрдамчиси.

ПРОРЕ́КТОРСКИЙ, -ая, -ое **проре́ктор** *сўз. сиф.*; *к.* **проре́ктор**.

ПРОРЕПЕТИ́РОВАТЬ *сов.* обдан репетиция қилмоқ, бирмунча вақт репетиция билан машғул қилмоқ; *к.* **репети́ция** 1.

ПРОРЕ́ХА *ж* 1. йиртиқ, тешик; **мешо́к с проре́хой** йиртиқ (тешик) қоп; 2. *с. т.* шимнинг тугмаланадиган жойи; 3. ‖ нуқсон, камчилик, раҳна.

ПРОРЕЦЕНЗИ́РОВАТЬ *сов.* рецензия қилмоқ, рецензия бермоқ, рецензиядан ўтказмоқ; **прорецензи́ровать кни́гу** китобга рецензия бермоқ.

ПРОРЖАВЕ́ТЬ *сов.* занглаб (занг босиб) кетмоқ, занг босиб ишдан чиқмоқ; **ведро́ проржаве́ло** пақир занглаб кетипти

ПРОРИСОВА́ТЬ *сов.* 1. *махс.* расмнинг чизиқларини жуда аниқ (равшан) қилиб чизмоқ; 2. бир фурсат расм солмоқ, расм солиш билан машғул бўлмоқ.

ПРОРИСОВА́ТЬСЯ *сов. махс.* чизиқлари жуда равшан бўлиб турмоқ (расмда, чертёжда).

ПРОРИСО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **прорисова́ть.**

ПРОРИСО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **прорисова́ться**; 2. *страд. от* **прорисо́вывать** (*к.*).

ПРОРИЦА́НИЕ *ср эск.* 1. *только ед.* каромат қилиш, башорат қилиш, олдидан айтиб қўйиш; 2. каромат, башорат.

ПРОРИЦА́ТЕЛЬ *м эск.* авлиё, вали, каромат қилувчи.

ПРОРИЦА́ТЕЛЬНИЦА *ж эск. к.* **прорица́тель.**

ПРОРИЦА́ТЬ *несов. эск.* каромат қилмоқ, башорат қилмоқ, олдиндан айтиб бермоқ.

ПРОРО́К *м* 1. *дин.* пайғамбар; 2. ‖ башорат (каромат) эгаси, соҳиб каромат.

ПРОРОНИ́ТЬ *сов.* демоқ, айтмоқ, оғиз очмоқ, сўзламоқ; **он не проронил ни сло́ва** у бир сўз ҳам айтмади, оғиз очмади.

проро́с, проросла *прош. от* **прорасти** (*к.*).

ПРОРО́СТ *м мн. нет махс.* = **прораста́ние** (*к.*).

ПРО́РОСТЬ *ж махс.* 1 ёғочнинг қийшиқ ёки кўндаланг қатлами; 2. дарахт бўқоғи, 3. гўштдаги ёғ қатлами ёки ёғдаги гўшт қатлами; 4. томир (тарвузда қовоқда, турли мева ва ҳ. к. ларда).

ПРОРО́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. *дин.* **проро́к** сўз. *сиф.*; пайғамбарга оид, 2. башоратли, башорат қилиб айтилган, доҳиёна; **проро́ческие слова** доҳиёна сўзлар, башоратли сўзлар.

ПРОРО́ЧЕСТВО *ср* 1. *дин.* пайғамбарлик; 2. олдиндан кўришлик, башорат қилишлик, каромат, башорат.

ПРОРО́ЧЕСТВОВАТЬ *сов.* 1. *дин.* пайғамбарлик қилмоқ; 2. каромат қилмоқ, башорат қилмоқ, олдиндан айтиб бермоқ.

ПРОРО́ЧИТЬ *несов.* башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ, келажакдан хабар бермоқ.

ПРОРО́ЧИЦА *ж к.* **проро́к.**

проро́ю, проро́ешь *буд. от* **прорыть** (*к.*).

ПРОРУБА́ТЬ *несов. к.* **прорубить.**

ПРОРУБА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **прорубиться**; 2. *страд. от* **прорубать** (*к.*).

ПРОРУБИ́ТЬ *сов.* 1. тешмоқ, тешик очмоқ, ўймоқ; **прорубить сте́ну** деворни тешмоқ; **прорубить окно́** деразага тешик очмоқ; 2. кесиб йўл очмоқ; **прорубить про́секу** ўрмонни кесиб сўқмоқ йўл очмоқ.

ПРОРУБИ́ТЬСЯ *сов.* кесиб ўтмоқ, ёриб ўтмоқ.

ПРО́РУБЬ *ж* ҳукки (муз тешиги).

ПРОРУ́ХА *ж махл.* хато, янглишлик; **и на старуху быва́ет проруха** *(мақол)* ҳар тўкисда бир айб.

ПРОРЫ́В *м* 1. *ҳарб.* ёриб ўтиш; **прорыв фро́нта** фронтни ёриб ўтиш; 2 *ҳарб.* мудофаа линиясини ёриб ўтилган жой; **прорыв в ли́нии обороны проти́вника** душман мудофаа линиясини ёриб ўтилган жой; 3. ўпириш; **прорыв земляно́й** перемы́чки тупроқ тўғон (ғов) ни ўпириш; 4. узиқ, ўпирилишдан ҳосил бўлган тешик; **заде́лать прорыв в плоти́не** тўғондаги тешикни тузатмоқ; 5 ‖ ўпирилиш, **ликвидирова́ть проры́в в рабо́те** ишдаги ўпирилишни йўқотмоқ.

ПРОРЫВА́ТЬ I *несов. к.* **прорва́ть.**

ПРОРЫВА́ТЬ II *несов. к.* **прорыть** I.

ПРОРЫВА́ТЬСЯ I *несов.* 1. *к.* **прорва́ться**; 2. *страд. от* **прорыва́ть** I; *к.* **прорва́ть.**

ПРОРЫВА́ТЬСЯ II *несов.* 1. *к.* **прорыться** I; 2. *страд. от* **прорыва́ть** II; *к* **прорыть** I.

ПРОРЫ́ТЬ *сов.* 1. қазимоқ, қазиб тешмоқ; **прорыть тонне́ль** тоннель (ерости йўли) ни қазиб бўлмоқ; **прорыть кана́л** каналии қазиб бўлмоқ; 2. бирқанча вақт қазиш, кавлаш блан шуғулланмоқ.

ПРОРЫ́ТЬСЯ *сов.* 1. қазиб бирор жойга кирмоқ, қазиб йўл очмоқ; 2. бирқанча вақт бирор нарса блан қазиб, кавлаб ўтказмоқ.

ПРОРЫЧА́ТЬ *сов.* бақирмоқ, ўкирмоқ, бўкириб қўймоқ, ирилламоқ.

ПРОСА́ЛИВАТЬ I *несов.* қ. просолить.

ПРОСА́ЛИВАТЬ II *несов.* қ. просо́лить.

ПРОСА́ЛИВАТЬСЯ I *несов.* 1. қ. просоли́ться; 2. тузланмоқ, туз емоқ.

ПРОСА́ЛИВАТЬСЯ II *несов.* 1. қ. просо́литься; 2 ёғланмоқ, ёғ шиммоқ.

ПРОСА́ЛИТЬ *сов.* ёғламоқ, ёғ сингдирмоқ, ёғ шимдирмоқ.

ПРОСА́ЛИТЬСЯ *сов.* ёғланмоқ, ёғ шиммоқ, ёғланиб бўлмоқ.

ПРОСА́СЫВАТЬ *несов.* қ. прососа́ть.

ПРОСА́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. прососа́ться; 2. сизилиб чиқмоқ, сирқилиб ўтмоқ.

ПРОСА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* қ. просочи́ться.

ПРОСВА́ТАТЬ *сов. эск.* унашмоқ, унашиб қўймоқ.

ПРОСВА́ТЫВАТЬ *несов.* қ. просва́тать.

ПРОСВЕ́РЛИВАТЬ *несов.* қ. просверли́ть.

ПРОСВЕ́РЛИВАТЬСЯ *несов. страд. от* просве́рливать (*қ.*).

ПРОСВЕРЛИ́ТЬ *сов.* 1. пармаламоқ, пармалаб тешмоқ; **просверли́ть до́ску бурано́м** тахтани пармалаб тешмоқ; **просверли́ть отве́рстие** пармалаб тешик тешмоқ; 2. бирқанча вақт пармалаш билан шуғулланмоқ.

ПРОСВЕ́Т *м* 1. ёруғлиқ, ёриқдан тушган шу'ла; **просве́т ме́жду дере́вьями в лесу́** ўрмонда дарахтлар орасидан тушган ёруғлиқ; **просве́т в ту́чах** булутлар орасидан кўринган ёруғлиқ; 2. ‖ *только ед.* бахт, омад, ёруғ кун; **жизнь без просве́та** умидсиз турмуш; 3. *махс.* дераза ўрни, дераза эни; **просве́т окна́ ра́вен двум ме́трам** деразанинг эни икки метр; 4. *ҳарб.* просвет (погон устида узунасига кетган чизиқ); **пого́ны с двумя́ зелёными просве́тами** иккитадан кўк просвети бор погонлар.

ПРОСВЕТИ́ТЕЛЬ *м* 1. ма'рифат тарқатучи, онг-билим тарқатучи; 2. *тар.* ма'рифатчи.

ПРОСВЕТИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое оқартучилиққа, ма'рифатчиликка оид; ма'рифат тарқатадиган, оқартадиган; **просвети́тельная рабо́та** оқартув ишлари.

ПРОСВЕТИ́ТЕЛЬСКИЙ, -ая,-ое **просвети́тельство** ва **просвети́тель** *сўз. сиф.*; оқартиш, маорифга оид, оқартучи.

ПРОСВЕТИ́ТЕЛЬСТВО *ср мн. нет* оқартиш, маориф ишлари.

ПРОСВЕТИ́ТЬ I *сов.* билим бермоқ, оқартмоқ, ма'рифат тарқатмоқ; **полити́чески просвети́ть ма́ссы** оммага сиёсий онг-билим тарқатмоқ, оммани сиёсий жиҳатдан оқартмоқ.

ПРОСВЕТИ́ТЬ II *сов.* 1. ёритмоқ, ёритиб кўрмоқ, ёруққа тутиб кўрмоқ; **просвети́ть кури́ное я́йцо** товуқ тухумини ёруққа тутиб кўрмоқ; 2. *махс.* рентген нурида ёритиб кўрмоқ (текширмоқ); **просвети́ть больно́го рентге́новскими луча́ми** касални рентген нурида кўрмоқ; **просвети́ть мета́лл** металлни ёритиб текширмоқ.

ПРОСВЕТИ́ТЬСЯ I *сов.* билим олмоқ, оқармоқ, ма'рифатли бўлмоқ.

ПРОСВЕТИ́ТЬСЯ II *сов.* ёритилиб кўрилмоқ, ёруққа тутиб кўрилмоқ.

ПРОСВЕТЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. ёришиш, ёруғланиш, равшанланиш; 2. ‖ ҳушига келиш, ўзига келиш; **они́ очну́лись; просветле́ние в созна́нии больно́го** касалнинг ҳушига келабошлаши.

ПРОСВЕТЛЁННОСТЬ *ж мн. нет* эси-ҳуши жойидалик, дили равшанлик, онги ўзидалик.

ПРОСВЕТЛЁННЫЙ, -ая, -ое 1. **просветли́ть** I **фе'лининг** сифатдоши; 2. ‖ эси-ҳуши жойида, шод-хуррам, хурсанд; хотиржам.

ПРОСВЕТЛЕ́ТЬ *сов.* 1. ёришмоқ, равшанланмоқ, ёруғланмоқ; **не́бо просветле́ло** осмон ёришди; 2. ‖ очиламоқ, очилиб кетмоқ; **при э́том изве́стии хму́рые ли́ца люде́й просветле́ли** шу хабардан кейин одамларнинг хумрайган чеҳралари очилиб кетди; **просветле́ть от ра́дости** шодликдан очилиб хушчақчақ бўлиб кетмоқ; 3. ‖ ҳушга келмоқ, ўзига келмоқ; **созна́ние больно́го просветле́ло** касал ҳушига келди.

ПРОСВЕТЛИ́ТЬ *сов.* ёритмоқ, ёруғ қилмоқ, равшанлаштирмоқ, ёруғроқ (равшанроқ) қилмоқ; рангини очиқроқ қилмоқ.

ПРОСВЕТЛИ́ТЬСЯ *сов.* ёруғланмоқ, равшан бўлмоқ, ёруғроқ (равшанроқ) бўлмоқ, рангини очиқроқ қилинмоқ.

ПРОСВЕТЛЯ́ТЬ *несов. к.* **просветли́ть.**

ПРОСВЕТЛЯ́ТЬСЯ *несов. к.* **просветли́ться.**

ПРОСВЕ́ЧИВАНИЕ *ср махс.* ёритиш, ёритиб кўриш (текшириш); **просве́чивание лёгких** ўпкани ёритиб кўриш, текшириш (рентген нурида); **просве́чивание желу́дка** ошқозонни ёритиб текшириб кўриш; **просве́чивание мета́лла** металлни ёритиб текшириш.

ПРОСВЕ́ЧИВАТЬ *несов.* 1. *к.* **просвети́ть** II; 2. бирор нарса орқали ўтиб ёруғлик тушиб турмоқ; **луна́ просве́чивает сквозь облака́** булут орасидан (орқасидан) ойнинг ёруғи тушиб турипти; **со́лнечные лучи́ просве́чивают через ста́вни** дераза қопқоғи тирқишидан қуёш нурлари тушиб турипти; 3. бирнарса орқали кўриниб турмоқ.

ПРОСВЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **просвети́ться** II; 2. ёритилмоқ, ёритиб кўрилмоқ.

просвечу́, просве́тишь *буд. от* **просвети́ть** II *(к.).*

ПРОСВЕЩА́ТЬ *несов. к.* **просвети́ть** I.

ПРОСВЕЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **просвети́ться** I; 2. ёритилмоқ, ёритиб кўрилмоқ, ёруққа тушиб кўрилмоқ; ёритиб, текшириб кўрилмоқ.

ПРОСВЕЩЕ́НЕЦ *м* (*мн.* **просвещёнцы**) халқ маорифи соҳасида ишловчи ходим.

ПРОСВЕЩЕ́НИЕ *ср* (*мн. нет*) маориф, ма'рифат, онг-билим; оқартиш, онг-билим бериш; **политическое просвеще́ние масс** оммага сиёсий онг-билим бериш; **Министе́рство просвеще́ния** Маориф министрлиги; ◇ ***эпо́ха (век) просвеще́ния*** *(тар.)* XVIII асрда Ғарбий Европада бурж.ua философия ва фаннинг тараққиёт даври.

ПРОСВЕЩЁННОСТЬ *ж мн. нет* маданиятлилик, билимлилик, ўқимишлилик.

ПРОСВЕЩЁННЫЙ, -ая, -ое 1. **просвети́ть** I фелининг сифатдоши; 2. ўқимишли, билимли, ма'рифатли, маданиятли; **просвещённый челове́к** ўқимишли (билимли) одам.

просвещу́, просви́тишь *буд. от* **просвети́ть** I *(к.).*

ПРОСВИРА́ *ж* (*мн.* **про́свиры**) *черк.* просвира (черковда ибодат вақтида исте'мол қилинадиган кулча).

ПРОСВИ́РНЯ *ж эск.* просвиралар пиширии блан шуғулланган аёл

ПРОСВИРНЯ́К *м бот. к.* проскурня́к.

ПРОСВИСТА́ТЬ = **просвисте́ть** *(к.).*

ПРОСВИСТЕ́ТЬ *сов.* 1. ҳуштак чалмоқ; ҳуштак чалиб қўймоқ; 2. ҳуштак чалиб куйламоқ; **просвисте́ть мело́дию** ҳуштак чалиб бирор куйни куйламоқ; 3. шувилламоқ, шувиллаб ўтмоқ, визиллаб ўтиб кетмоқ; **над голово́й просвисте́ла пу́ля** бошим устидан ўқ визиллаб ўтиб кетди; 4. бирқанча вақт ҳуштак чалиб турмоқ (юлмоқ).

ПРОСВИ́СТЫВАТЬ *несов. к.* **просвиста́ть** ва **просвисте́ть.**

просвищу́ I, **просви́щешь** *буд. от* **просвиста́ть** *(к.).*

просвищу́ II, **просвисти́шь** (**просви́щешь**) *буд. от* **просвисте́ть** *(к.).*

ПРОСЕВА́ТЬ *несов. махс. к.* **просе́ять.**

ПРОСЕВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **просе́яться**; 2. *страд. от* **просева́ть** *(к.).*

ПРО́СЕДЬ *ж мн. нет* мошгуруч, мошкичири (соч-соқол оқарабошлаши); **во́лосы с про́седью** мошгуруч соч; **борода́ с про́седью** мошкичири (оқарабошлаган) соқол; **мех с про́седью** оқ туклари бор мўйна.

ПРОСЕ́ИВАТЬ *несов. к.* **просе́ять.**

ПРОСЕ́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **просе́яться**; 2. *страд. от* **просе́ивать** *(к.).*

просе́к, просе́кла *прош. от* **просе́чь** *(к.).*

ПРО́СЕКА *ж* ўрмонда дарахтлар кесилиб тозаланган тор очиқлик; дарахтлари кесилиб очилган йўл.

ПРОСЕКА́ТЬ *несов.* қ. **проре́чь.**

ПРОСЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **проре́чься**; 2. кесиб бўлинмоқ, чопиб бўлинмоқ, чавақланмоқ.

просеку́, просечёшь, просеку́т *буд. от* **проре́чь** *(қ.).*

ПРОСЁЛОК *м* қишлоқ йўли, қишлоқлар орасидаги йўл, дала йўли, боғкўча.

ПРОСЁЛОЧНЫЙ, -ая, -ое **просёлок** *сўз. сиф.*; қишлоқ (дала) йўлига оид; **просёлочная доро́га** қишлоқ йўли, қишлоқлар аро йўл.

ПРОСЕМИНА́РИЙ *м эск.* просеминарий (олий ўқув юртларида—қийин семинар машғулотлари ўтказишдан олдин бўладиган практик машғулотлар).

ПРОСЕ́ЧЬ *сов.* кесиб бўлмоқ, чопиб узмоқ; чавақламоқ.

ПРОСЕ́ЧЬСЯ *сов.* эскириб йиртилмоқ, тешилмоқ, титилиб-титилиб кетмоқ

ПРОСЕ́ЯТЬ *сов.* 1. эламоқ, элакдан ўтказмоқ; **просе́ять муку́** ун эламоқ; **просе́ять песо́к через гро́хот** йирик симэлакда қум эламоқ; 2. бирқанча вақтни элаб ўтказмоқ, элаш билан шуғулланмоқ.

ПРОСЕ́ЯТЬСЯ *сов.* 1. эланиб, элакдан ўтиб тозаланмоқ; 2. орасидан ўтиб тўкилмоқ, чиқмоқ (ун, буғдой кабиларнинг қоп, қанор тешикларидан сирқиб чиқиши ҳақида).

ПРОСИДЕ́ТЬ *сов.* 1. ўтирмоқ, ўтириб чиқмоқ, ўтириб ўтказмоқ; **просиде́ть весь день за кни́гой** кун бўйи китоб ўқиб ўтирмоқ; **просиде́ть два часа́ в библиоте́ке** икки соат кутубхонада ўтирмоқ; **э́тот ученик два го́да просиде́л в тре́тьем кла́ссе** бу бола ўқувчи синфда икки йил қолди (ўтирди); 2. *с. т.* ўтираверіб эзмоқ, пачоқ қилмоқ; тешиб юбормоқ.

ПРОСИ́ЖИВАТЬ *несов.* қ. **просиде́ть**; **он часа́ми (по це́лым часа́м) просиживал в саду́** у боғда соатлаб ўтирарди.

ПРОСИ́ЖИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **просиживать**; қ. **просиде́ть** 2. **просижу́. просидишь** *буд. от* **просиде́ть** *(қ.).*

ПРОСИ́НИВАТЬ *несов.* қ. **проси́нить.**

ПРОСИ́НИВАТЬСЯ *несов.* синькаламоқ, синькага бўяб кўкартирилмоқ.

ПРОСИНИ́ТЬ *сов.* 1. синькаламоқ, синькага босиб олмоқ, кўкартирмоқ; 2. бирқанча вақт синькалаб турмоқ, синькалаш билан шуғулланмоқ.

ПРО́СИНЬ *ж мн. нет с. т.* 1. кўкиш доғ, кўк аралаш ранг; **бе́лый с про́синью** кўкимтир оқ; 2. булутлар орасидан (олачалпоқ булут орасидан) кўринган осмон.

ПРОСИ́ТЕЛЬ *м эск.* илтимос қилучи, арзгўй.

ПРОСИ́ТЕЛЬНИЦА *ж эск.* қ. **проси́тель.**

ПРОСИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое илтимосга, ялинишга оид; ёлворган, ўтинган, ялинган; **просительный взгляд** ялинган (ёлворган) қараш; **говори́ть проси́тельным то́ном** ёлвориш оҳанги билан гапирмоқ.

ПРОСИ́ТЬ *несов.* 1. сўрамоқ, илтимос қилмоқ, тиламоқ, истамоқ, ўтинмоқ; **проси́ть пить** ичишга сув сўрамоқ; **проси́ть разреше́ния** рухсат сўрамоқ; **проси́ть сове́та** маслаҳат сўрамоқ; **прошу́ извине́ния** кечирим сўрайман; **това́рищи, прошу́ не шуме́ть!** ўртоқлар, шовқин қилмаслигингизни сўрайман!; 2. сўрамоқ; **проси́ть сло́ва** сўз сўрамоқ, сўзга чиқишга ижозат сўрамоқ; **проси́ть руки́** *(эск.)* қ. **рука́** 7; **проси́ть ми́лостыню** тиланмоқ, хайр (садақа) сўрамоқ; 3. биров учун ҳаракат қилмоқ; илтимос қилмоқ; **проси́ть за дру́га** дўсти учун илтимос қилмоқ; 4. таклиф этмоқ, сўрамоқ; **проси́ть госте́й к столу́** меҳмонларни дастурхонга таклиф қилмоқ; ◊ ***ми́лости про́сим*** қ. **ми́лость**; ***прошу́ (вас)*** *с. т.* марҳамат қилинг.

ПРОСИ́ТЬСЯ *несов.* 1. сўрамоқ, илтимос қилмоқ; ўтинмоқ; **де́ти про́сятся в кино́** болалар кинога боришни илтимос қилмоқдалар; 2. ‖ *с. т.* муносиб (мувофиқ, боп) бўлмоқ, кўнгилга (тилга) келиб турмоқ, мана

мен" деб турмоқ; **пейза́ж так и про́сится на карти́ну** манзара суратбоп экан, манзара „мани суратга ол" деб туради.

ПРОСИ́ЯТЬ *сов.* 1. ёришмоқ, ёритмоқ, нур сочмоқ, барқ урмоқ; порламоқ; **ту́чи разошли́сь, проси́яло со́лнце** булутлар тарқалди, қуёш яна ёришди; 2. ‖ очилмоқ, кўнгил яйрамоқ, гул-гул очилмоқ; **проси́ять от сча́стья** шодликдан кўнгил яйрамоқ; **лицо́ его́ проси́ло улы́бкой** унинг чеҳраси табассум билан очилиб кетди.

ПРОСКАКА́ТЬ *сов.* 1. чопиб ўтмоқ, от чоптириб ўтиб кетмоқ; **ми́мо меня́ проскака́л верхово́й** бир отлиқ ёнимдан от чоптириб ўтиб кетди; 2. чопишмоқ, сакрашмоқ, от чоптириб ўтмоқ; сакраб-сакраб (ҳаккалаб) ўтмоқ.

ПРОСКА́КИВАТЬ I *несов.* қ. **проскочи́ть.**

ПРОСКА́КИВАТЬ II *несов.* қ. **проскака́ть.**

ПРОСКА́ЛЬЗЫВАТЬ *несов.* қ. **проскользну́ть.**

проскачу́, проска́чешь *буд. от* **проскака́ть** *(қ.).*

ПРОСКВОЗИ́ТЬ *сов. безл. с. т.* шамолламоқ, шамол тегмоқ, тумов бўлмоқ; **его́ проскво́зило** унга шамол тегипти, у шамоллапти.

ПРОСКЛОНЯ́ТЬ *сов. грам. қ.* **скло ня́ть** I.

ПРОСКОЛЬЗНУ́ТЬ *сов.* 1. лип этиб ўтиб олмоқ, писиб, сездирмай кирмоқ, бекиниб кириб олмоқ; **он незаме́тно проскользну́л в ко́мнату** у сездирмай хонага кириб олди; 2. ‖ сал сезилиб қолмоқ; хиёл билинмоқ; **в его́ слова́х проскользну́ло недове́рие** унинг сўзларидан ишончсизлик билинди.

ПРОСКОЧИ́ТЬ *сов.* 1. чопиб ўтмоқ, чопиб ўтиб кетмоқ; **мышь проскочи́ла в но́рку** сичқон инига чопиб кириб кетди; 2. ўтиб кетмоқ, ўтиб олмоқ, кириб кетмоқ; **ко́нный разъе́зд проскочи́л в лес через го́рное уще́лье** отлиқ аскарлар тўдаси тоғ оралигидан ўтиб ўрмонга кириб кетди; 3. *с. т.* бир нарсанинг ёригидан (тешигидан) ўтиб тушиб кетмоқ; **моне́та проскочи́ла в ще́лку** танга тахтанинг ёригидан (тешигидан) тушиб кетди; 4. ‖ *с. т.* сезилмай ўтиб кетмоқ; **в корректу́ре проскочи́ло не́сколько оши́бок** корректурада бирнеча хато ўтиб кетипти.

проскрёб, проскребла́ *прош. от* **проскрести́** *(қ.).*

ПРОСКРЕБА́ТЬ *несов.* қ. **проскрести́.**

проскребу́, проскребёшь *буд. от* **проскрести́** *(қ.).*

ПРОСКРЕЖЕТА́ТЬ *сов.* ғижирлатмоқ, ғижирламоқ; **проскрежета́ть зуба́ми** тишларни ғижирлатмоқ.

ПРОСКРЕСТИ́ *сов.* 1. кемириб (ғажиб) тешмоқ (сичқон ва ш. к. ҳақида); 2. бирқанча вақт қириб (кемириб, ғажиб) турмоқ.

ПРОСКРИПЕ́ТЬ *сов.* 1. гарчилламоқ, ғижирламоқ, ғижиллаб қўймоқ; 2. *с. т.* ғижиллаб, ғиж-ғиж қилиб ўтмоқ; **по у́лице проскрипе́ла теле́га** кўчада арава ғижирлаб ўтиб кетди; **проскрипе́ла откры́ваемая дверь** очилаётган эшикнинг ғижирлаган товуши эшитилди; 3. *с. т.* бир амаллаб умр кечирмоқ.

ПРОСКРИПЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое: **проскрипцио́нный спи́сок** *(тар.)* қадимги Римда сиёсий жиноят қилгани учун қонундан ташқари деб э'лон қилинган кишиларнинг рўйхати.

ПРОСКРИ́ПЦИЯ *ж тар.* қадимги Римда сиёсий жиноятчини қонундан ташқари деб э'лон қилиш.

ПРОСКУРНЯ́К *м бот.* тугмагул тугмачагул.

ПРОСКУЧА́ТЬ *сов.* зерикмоқ, зерикиб ўтирмоқ; **весь день он проскуча́л до́ма** у кун бўйи уйда зерикиб ўтирди.

ПРОСЛА́БИТЬ *сов. безл.* сурги қилмоқ, ични бўшаштирмоқ (юмшатмоқ).

ПРОСЛА́ВИТЬ *сов.* 1. мақтамоқ, кўкларга кўтармоқ, машҳур қилмоқ, донгини (номини) чиқармоқ; 2. *с. т.* = **осла́вить** *(қ.).*

ПРОСЛА́ВИТЬСЯ *сов.* донг (ном) чиқармоқ, шуҳрат қозонмоқ, машҳур бўлмоқ; **на весь мир прослави́лись**

своими нау́чными откры́тиями вели́кие ру́сские учёные М. В. Ломоно́сов, Д. И. Менделе́ев, П. Н. Ле́бедев буюк рус олимлари М. В. Ломоносов, Д. И. Менделеев, П. Н. Лебедевлар ўзларининг илмий кашфиётлари блан бутун дун'ёга машҳур бўлдилар.

ПРОСЛАВЛЕ́НИЕ *ср* мақташ, донгини (номини) чиқариш, машҳур қилиш, шуҳратини чиқариш; **прославле́ние по́двигов** қаҳрамонлик (мардлик) ни мақташ; **прославле́ние геро́ев** қаҳрамонларни машҳур қилиш.

ПРОСЛА́ВЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1. **просла́вить** I фе'лининг сифатдоши; 2. донгдор, отоқли, донги чиққан, шуҳратли, машҳур. шонли; **просла́вленный учёный** машҳур олим; **просла́вленная сбо́рщица хло́пка** донгдор теримчи.

ПРОСЛА́ВЛЯТЬ *несов. к.* **просла́вить**.

ПРОСЛА́ВЛЯТЬСЯ *несов. к.* **просла́виться**.

ПРОСЛА́ИВАТЬ *несов. к.* **прослои́ть**.

ПРОСЛА́ИВАТЬСЯ *несов.* қаватланмоқ, қатламланмоқ, қатлам-қатлам қилинмоқ, қават-қават қилинмоқ.

ПРОСЛЕДИ́ТЬ *сов.* 1. изига (кетига, пайига) тушмоқ, орқасидан пойлаб бормоқ, та'қиб қилмоқ; **проследи́ть зве́ря** йиртқичнинг изидан бормоқ; 2. текшириб (кузатиб) турмоқ; **проследи́ть разви́тие како́го-н явле́ния** бирор ҳодисанинг ривожланишини текшириб бормоқ; **проследи́ть за выполне́нием зада́ния** топшириқнинг бажарилишини кузатиб чиқмоқ.

ПРОСЛЕ́ДОВАТЬ *сов. расм.* жўнаб кетмоқ, ўтиб кетмоқ, орқали ўтмоқ, йўл олмоқ.

ПРОСЛЕ́ЖИВАТЬ *несов. к.* **проследи́ть**.

ПРОСЛЕ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1. пойланмоқ, изига (пайига) тушилмоқ, та'қиб қилинмоқ; 2. текширилмоқ, ўрганилмоқ; 3. кузатилмоқ, кузатиб турилмоқ.

прослежу́, **проследи́шь** *буд. от* **проследи́ть** (*к.*).

прослежу́сь, **прослези́шься** *буд. от* **прослези́ться** (*к.*).

ПРОСЛЕЗИ́ТЬСЯ *сов.* кўзга ёш келмоқ, кўзлар ёшга тўлмоқ, кўзга ёш олмоқ; **прослези́ться при проща́нии** хайрлашганда кўзга ёш олмоқ.

ПРОСЛО́ИТЬ *сов.* қатламламоқ, қаватламоқ, қат-қат (қатлам-қатлам) қилмоқ.

ПРОСЛО́ЙКА *ж* 1. *только ед.* қаватлаш, қатламлаш; 2. юпқа (нозик) қатлам; 3. ‖ табақа, гурух, қатлам; **общественная прослóйка** ижтимоий табақа.

ПРОСЛОНЯ́ТЬСЯ *сов. с. т.* сандироқлаб юрмоқ; санқимоқ, санқиб юрмоқ; **он весь день прослоня́лся по у́лицам** у кун бўйи кўчама-кўча санқиб юрди.

ПРОСЛУЖИ́ТЬ *сов.* 1. хизмат қилмоқ, ишламоқ; **прослужи́ть де́сять лет** ўн йил хизмат қилмоқ; 2. *с. т.* иш бермоқ, иш кўрсатмоқ, хизмат қилиб келмоқ, исте'молда бўлмоқ; **э́тот стол прослужи́л мно́го лет** бу стол кўп йиллар хизмат қилиб келди.

ПРОСЛУ́ШАТЬ *сов.* 1. эшитмоқ; тингламоқ, бошидан охиригача эшитиб ўтирмоқ; **прослу́шать** бо́перу операни эшитиб бўлмоқ; **прослу́шать ле́кцию** лекция тинглаб бўлмоқ; 2. *махс.* тинглаб, текшириб кўрмоқ; **прослу́шать лёгкие** (*мед.*) упкани тинглаб текшириб кўрмоқ; **прослу́шать часово́й** механи́зм соатнинг механизми ишловини тинглаб кўрмоқ; 3. *с. т.* эшитмай қолмоқ, эшитаолмаслик; я прослу́шал, повтори́те, **пожа́луйста** мен эшитаолмай қолдим, марҳамат қилиб яна қайтаринг (такрорланг); 4. бироз вақт эшитиб ўтирмоқ.

ПРОСЛУ́ШИВАТЬ *несов. к.* **прослу́шать** 2, 3.

ПРОСЛУ́ШИВАТЬСЯ *несов.* эшитилмоқ, тингланмоқ; **глухи́е то́ны се́рдца легко́ прослу́шиваются** юрак тепишининг бўғиқ овозлари осон эшитилади.

прослыву́, **прослывёшь** *буд. от* **прослы́ть** (*к.*).

ПРОСЛЫ́ТЬ *сов.* ном (от, донг) чиқармоқ, машҳур бўлмоқ, ҳаммага овоза бўлмоқ; **прослы́ть знатоко́м** билимдонликда донг чиқармоқ.

ПРОСЛЫ́ШАТЬ *сов. содд.* эшитиб қолмоқ, қулоққа чалинмоқ, гап-сўздан билиб қолмоқ. **прослы́шать о приёзде това́рища** ўртоғининг келганини бировларнинг гап-сўзидан билиб қолмоқ.

ПРОСМА́ЛИВАТЬ *несов.* қ. **просмоли́ть**.

ПРОСМА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **просмоли́ться**; 2. смолаланмоқ, смола суртилмоқ.

ПРОСМА́ТРИВАТЬ *несов.* қ. **просмотре́ть**.

ПРОСМА́ТРИВАТЬСЯ I *несов.* 1. кўрилмоқ, қараб чиқилмоқ, текширилмоқ; 2. кўздан кечирилмоқ, кўрмай қолинмоқ.

ПРОСМА́ТРИВАТЬСЯ II *несов.* яхши (яққол) кўринмоқ, кўринишлик бўлмоқ; **э́та ме́стность хорошо́ просма́тривается** бу жой яққол кўриниб экан.

ПРОСМОЛИ́ТЬ *сов.* смолаламоқ, смола суртмоқ; **просмоли́ть кана́т** арқонни смолаламоқ; **просмоли́ть ло́дку** қайиқни смолаламоқ, қайиққа смола суртмоқ (сув ўтмаслик учун).

ПРОСМОЛИ́ТЬСЯ *сов.* смолани ўзига олмоқ, смолани ўзига сингдирмоқ.

ПРОСМО́ТР *м* кўриш, кўриб чиқиш, қараб (кўз югуртириб) чиқиш, кўздан кечириш; кўрик; **просмо́тр ру́кописи за́нял це́лый день** қўлёзмани кўриб чиқиш бир кунни олди; **обще́ственный просмо́тр но́вого фи́льма** янги фильмни жамоат кўригидан ўтказиш.

ПРОСМОТРЕ́ТЬ *сов.* 1. қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ, қарамоқ; **просмотре́ть но́вый спекта́кль** янги спектаклни кўрмоқ; 2. кўз югуртириб чиқмоқ, уер-буеридан ўқиб (танишиб) чиқмоқ; **просмотре́ть газе́ту** газетага кўз югуртириб чиқмоқ; **просмотре́ть кни́гу** китобни кўздан кечириб чиқмоқ; 3. кўздан қочирмоқ, кўрмай қолмоқ; **просмотре́ть оши́бку** хатони кўрмай ўтказиб юбормоқ (кўрмай қолмоқ); 4. бирор нарсани қараб (кузатиб) вақтни ўтказмоқ.

ПРОСНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. уйғонмоқ, уйқудан турмоқ; **просну́ться ра́но** эрта уйғонмоқ; 2. ‖ жонланмоқ, ҳает қайнайбошламоқ, уйғонмоқ; **лес просну́лся** ўрмон жонланди, барча жониворлар ҳаракатга келди; **го́род просну́лся** шаҳар уйғонди, шаҳарда ҳает қайнайбошлади; 3. ‖ кўзи очилмоқ, онг-билими ўсмоқ, ўзининг ҳақ-ҳуқуқини танийбошламоқ, енсий курашда активлашмоқ (омма ҳақида); 4. ‖ ҳислари уйғонмоқ, туйғулар пайдо бўлмоқ.

ПРО́СО *ср ед., мн. нет* тариқ.

ПРОСО́ВЫВАТЬ *несов.* қ. **просу́нуть**.

ПРОСО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **просу́нуться**; 2. суқилмоқ, тиқилмоқ.

ПРОСОДИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *ад.* **просо́дия** *суз. сиф.*; просодияга оид.

ПРОСО́ДИЯ *ж* просодия (1. *лингв.* нутқда урғули ва урғусиз, узун ва қисқа бўғинларни талаффуз қилиш системаси; 2. *ад.* ше'рдаги бўғинларнинг нисбати тўғрисидаги илм).

ПРОСОЛИ́ТЬ *сов.* 1. яхшилаб тузламоқ, туз едирмоқ; **просоли́ть мя́со** гўшт тузламоқ; 2. бирқанча вақт тузлаш блан банд бўлмоқ.

ПРОСОЛИ́ТЬСЯ *сов.* яхши тузланмоқ, туз емоқ; **ры́ба просоли́лась** балиқ яхши тузланипти, туз епти.

ПРОСОРУ́ШКА *ж қ. х.* 1. тариқ оқлайдиган (тариқни оқлаб сўк киладиган) машина, сўк машина; 2. тариқ оқлайдиган корхона.

ПРОСОСА́ТЬ *сов.* сизиб чиқмоқ, сирқиб ўтмоқ; тешиб (ўпириб) чиқмоқ; **вода́ прососа́ла плоти́ну** сув тўғонни тешиб чиқипти.

ПРОСОСА́ТЬСЯ *сов.* сизмоқ, сизиб чиқмоқ, сизиб ўтмоқ; сирқиб ўтмоқ.

ПРОСО́ХНУТЬ *сов.* қуримоқ, қуриб қолмоқ; **оде́жда просо́хла** кийимлар қуриб қолипти; **доро́ги просо́хли** кўчалар қуриб қолипти.

ПРОСОЧИ́ТЬСЯ *сов.* 1. сизиб кирмоқ, сизиб ўтмоқ; **в ло́дку просочи́лась вода́** қайиққа сув сизиб кирипти; 2. ‖ *с. т.* таралмоқ; тарқалмоқ, ёйилмоқ; **просочи́лись слу́хи** овоза тарқалди, миш-миш гаплар ёйилди.

ПРОСПА́ТЬ *сов.* 1. ма'лум муддат ухламоқ, ухлаб олмоқ, ма'лум бир

вақт ухлаб ётмоқ; проспáть два часá икки соат ухлаб олмоқ; 2. ухлаб қолмоқ; он проспáл и опоздáл на пóезд у ухлаб қолиб поездга кечикипти; 3. *с. т.* кечикиб қолмоқ, ухлаб ўтказиб юбормоқ; пассажúр проспáл стáнцию йўловчи (пассажир) ухлаб қолиб, станциядан ўтиб кетипти.

ПРОСПА́ТЬСЯ *сов.* 1. *с. т.* ухлаб ўзига келмоқ, ухлаб ҳушига келмоқ, ҳуш'ёр бўлмоқ (маст ҳақида); 2. ухлаб тўймоқ, тўйиб (мириқиб) ухлаб олмоқ.

ПРОСПЕ́КТ I *м* проспект (катта, кенг кўча).

ПРОСПЕ́КТ II *м махс.* 1. проспект (бирор нарса ёзиш, тузиш тўғрисида программа, план, жадвал); составúть проспéкт учéбника дарсликнинг проспектини (программасини) тузмоқ; 2. прейскурант; моллар рўйхати, моллариинг нархи кўрсатилган э'лон.

ПРОСПИРТОВА́ТЬ *сов.* яхшилаб спиртламоқ, спиртга солмоқ.

ПРОСПИРТОВА́ТЬСЯ *сов.* спиртланмоқ, спирт емоқ.

ПРОСПИРТО́ВЫВАТЬ *несов. к.* проспиртовáть.

ПРОСПИРТО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* проспиртовáться; 2. яхши спиртланмоқ, спиртга солинмоқ.

просплю́, проспи́шь *буд. от* проспáть *(к.).*

ПРОСПО́РИВАТЬ *несов. к.* проспóрить 1.

ПРОСПО́РИТЬ *сов.* 1. *с. т.* гаров ўйнаб ютқизмоқ, баҳс боғлашиб ютқизиб қўймоқ; 2. баҳслашмоқ, баҳслашиб ўтирмоқ, масала талашмоқ; мы с ним проспóрили весь вéчер биз у блан тун бўйи баҳслашиб ўтирдик.

ПРОСПРЯГА́ТЬ *сов. грам. к.* спрягáть.

ПРОСРО́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1. просрóчить фе'лининг сифатдоши; 2. муддати ўтказиб юборилган, кечиккан, муддати (муҳлати) ўтиб кетган; просрóченное удостовéрение муддати ўтиб кетган гувоҳнома; просрóченный пáспорт муддати ўтказиб юборилган паспорт.

ПРОСРО́ЧИВАТЬ *несов. к.* просрóчить.

ПРОСРО́ЧИВАТЬСЯ *несов.* кечиктирилмоқ, кечикмоқ, муддати (муҳлати) ўтказиб юборилмоқ.

ПРОСРО́ЧИТЬ *сов.* кечиктирмоқ, муддатини ўтказиб юбормоқ; просрóчить платёж на нéсколько дней тўловни бирнеча кун кечиктирмоқ; просрóчить докумéнт ҳужжатнинг муддатини ўтказиб юбормоқ.

ПРОСРО́ЧКА *ж* кечиктириш; муддатини ўтказиб юбориш; просрóчка отпуска отпускани кечиктириш; просрóчка в предъявлéнии иска *(юр.)* да'во (талаб, арз)ни кечиктириш, муддатини ўтказиб юбориш.

ПРОСТА́ВИТЬ *сов. расм.* қўймоқ, ёзиб қўймоқ; простáвить дáту в докумéнте ҳужжатга датасини (ёзилган вақтини) қўймоқ.

ПРОСТАВЛЯ́ТЬ *несов. к.* простáвить.

ПРОСТАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* дата қўйилмоқ, ҳужжатга, хатга ёзилган вақти (йил, ой ва куни) ёзиб қўйилмоқ.

ПРОСТА́ИВАТЬ *несов. к.* простоя́ть.

ПРОСТА́К *м* 1. *с. т.* соддадил одам, гўл киши; 2. *театр.* пьесада содда (гўл) одам ролида ўйновчи артист.

ПРОСТАЧО́К *м* (*мн.* простачки́) простáк 1 *сўз. кичр. айт.*; соддагина, гўлгина, баёвгина.

ПРОСТЕГА́ТЬ *сов.* қовимоқ, қовиб бўлмоқ; простегáть одея́ло кўрпани қовиб бўлмоқ.

ПРОСТЁГИВАТЬ *несов. к.* простегáть.

ПРОСТЁГИВАТЬСЯ *несов.* қовилмоқ, қовиб қўйилмоқ.

ПРОСТЕ́ЙШИЙ, -ая, -ее 1. простóй I (1—6-нчи ма'ноларида) *сўз. орт. дар.*; простéйшие вопрóсы энг оддий, жўн масалалар; простéйшие измерéния энг оддий ўлчамлар; 2. *сущ.* простéйшие *мн. (ед.* простéйшее *ср) зоол.* энг содда ҳайвонлар, бир ҳужайрали жониворлар.

ПРОСТЁНОК *м* (*мн.* простéнки) дераза ёки эшик ўртасидаги девор.

ПРОСТЁНОЧНЫЙ, -ая, -ое простёнок *сущ. спец.*: ящик, икки дераза ўртасидаги деворга осиб.

ПРО́СТЕНЬКИЙ, -ая, -ое *с. т.* 1. оддийгина, соддагина, жўнгина, одмигина; про́стенький узо́р оддийгина нақш (гул); про́стенькое пла́тье одмигина кўйлак; 2. соддагина, гўлгина, боёвгина.

простёр, простёрла *прош. от* простере́ть (*қ.*).

ПРОСТЕРЕ́ТЬ *сов. қ.* простира́ть I (2-нчи ма'носида).

ПРОСТЕРЕ́ТЬСЯ *сов. қ.* простира́ться I.

ПРОСТЕ́ТЬ *несов. с. т.* соддалашмоқ, оддийлашмоқ; анойилашмоқ; содда (оддий) тина бўлиб қолмоқ.

ПРОСТЕ́ЦКИЙ, -ая, -ое *с. т.* жуда содда, жудда оддий, соддагина, анойигина.

ПРОСТИРА́ТЬ I *несов.* 1. *эск.* чўзмоқ, узатмоқ; простира́ть ру́ки қўлларни чўзмоқ; 2. ‖ йўлламоқ, олға сурмоқ.

ПРОСТИРА́ТЬ II *сов. с. т.* 1. яхшилаб ювмоқ (кири); 2. бирқанча вақт кир ювиб ўтказмоқ.

ПРОСТИРА́ТЬСЯ I *несов.* 1. чўзилмоқ, ёйилмоқ, ёзилмоқ; у нас на се́вере леса́ простира́ются на ты́сячи киломе́тров бизда шимолдаги ўрмонлар мингларча километрларга чўзилади; 2. *эск.* узатилмоқ, чўзилмоқ.

ПРОСТИРА́ТЬСЯ II *сов. с. т.* ювилмоқ; в холо́дной воде́ пла́тье не простира́лось совуқ сувда кўйлак яхши ювилмапти.

ПРОСТИРНУ́ТЬ *сов. содд.* бироз кир ювиб олмоқ, кир ювиб ташламоқ.

ПРОСТИ́РЫВАТЬ *несов. қ.* простира́ть II (1-нчи ма'носида).

ПРОСТИ́РЫВАТЬСЯ *несов.* ювилмоқ, ювилиб кетмоқ (кири, доғи).

ПРОСТИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое кечирарли, узрли, кечирса бўладиган; ма'зур; простительная оши́бка кечирарли хато; ему́ простительно так говори́ть (*нареч.*) унинг бундай дейиши узрли.

ПРОСТИТУЙРОВАТЬ *сов.* и *несов. нафр.* маслагини сотмоқ, сотқинлик қилмоқ.

ПРОСТИТУ́ТКА *ж* фоҳиша, бузуқ, гар. сотқин (капиталистик мамлакатларда).

ПРОСТИТУ́ЦИЯ *ж мн. нет* фоҳишалик, бузуқлик, гарлик (капиталистик мамлакатларда).

ПРОСТИ́ТЬ *сов.* 1. кечирмоқ, афв этмоқ, гуноҳидан ўтмоқ; прости́ть шалуна́ шўх боланинг айбидан ўтмоқ, прости́те меня́! мени афв этингиз! прости́те, я оши́бся кечирасиз, мен янглишибман; 2. кечмоқ, прости́ть долг кому́-н. бировнинг қарзидан кечмоқ; 3. прости́, прости́те *эск.* хайр, хайр-ма'зур; ◇ *сказа́ть по сле́днее прости́* (*эск.*) алвидо' мангуга хайрлашмоқ.

ПРОСТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. хайрлашмоқ, хўшлашмоқ, видо'лашмоқ; друзья́ прости́лись перед разлу́кой дўстлар ажралиш олдидан хайрландилар; 2. ‖ воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ, кечмоқ, ташлаб кетмоқ, прости́ться с мечто́й орзулардан воз кечмоқ (умид узмоқ)

ПРО́СТО 1. *нареч.* оддийгина, соддагина, қулайгина, осон, жўнгина; он де́лает э́то о́чень про́сто у буни жўнгина қилиб ташлайди; 2. фақат, бориб турган, турган-битган; э́то про́сто безобра́зие! (*с. т.*) бу бема'нигарчилик-ку!, бу борио турган бема'нигарчилик!; э́то про́сто на сме́шка! бу фақат бироздан кулиш; 3. анчайин, фақат; он про́сто не умёл у фақат эси пастроқ, анчайин ақли калтарок одам; 4. *в знач. сказ.* жуда осон, жуда жўн, фақат, халос; э́то же совсе́м про́сто бу жуда ҳам осон, жуда жўн; тебе́ про́сто рассужда́ть со стороны́ сенинг четдан қараб гапиришинг осон; всё гениа́льное про́сто (*матал*) ҳамма гениал нарсалар аниқ (тушунарли) бўлади; 5. *нареч. с. т.* анчайин, фавқулодда; шунчаки, шундай; тебе́ про́сто посча́стливилось сенинг шундай омадинг келипти; заче́м ты пришёл сюда́?—Про́сто так сен буерга нега келдинг?—Анчайин, ўзим;◇ *про́сто-на́просто* (*с. т.*) фақат, халос.

ПРОСТОВА́ТЫЙ, -ая, -ое *с. т.* соддарок, гўлроқ, анойироқ.

ПРОСТОВОЛО́СЫЙ, -ая, -ое *с. т.* бошяланг, бошида рўмоли йўқ, бош кийими йўқ.

ПРОСТОДУ́ШИЕ *ср мн. нет* очиқ кўнгиллилик, соддадиллик, софдиллик, соддалик.

ПРОСТОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое очиқ кўнгил, соддадил, софдил; содда; **простодушный ответ** содда жавоб; **простодушный человек** софдил одам.

ПРОСТО́Й I, -áя, -óе 1. содда, оддий; **химически простые тела́** оддий химик жисмлар; **простóе числó** *(мат.)* содда сон; 2. осон, жўн, содда, оддий; **простóе дéло** оддий иш; **простáя задáча** осон масала; **по той простóй причúне, что...** унча бўлмаган (оддий) сабабга кўра...; 3. оддий, жўн, одми; **простóе плáтье** одми кўйлак; 4. дағал, жўн; **простóй помóл** дағал (йирик) тортилган (ун); 5. содда, софдил, очиқ кўнгил, оқ кўнгил; **простóй человéк** содда (софдил) одам; **он óчень прост в обращéнии** у муомалада содда, бетакаллуф одам; 6. содда, оддий, одатдаги; **простóй смéртный** содда, оддий (киши); 7. *эск.* авом; **простóй нарóд** авом (оддий халқ); ◊ ***простóе письмó*** оддий хат; заказное қилинмаган хат; ***простым глáзом*** = невооружённым глáзом; қ. невооружённый.

ПРОСТО́Й II *м* бекор туриш, бекор тўхтаб туриш, бўш туриш; бекор тўхталиб турган вақт; **ликвидúровать простóй станкóв** станокларнинг бекор тўхтаб туришини йўқотмоқ; **сократúть врéмя простóя вагóнов** вагонларнинг ҳаракатсиз туриш вақтларини қисқартмоқ.

ПРОСТО́ЙНЫЙ, -ая, -ое *махс.* **простóй** II *сўз. сиф.*; тўхтаб туриш, бекор туришга оид.

ПРОСТОКВА́ША *ж мн. нет* чучук қатиқ (томизғи солинмасдан уютилган қатиқ).

ПРОСТОЛЮДúН *м эск.* оддий халқдан (ишчи, деҳқон ва косибдан) чиққан ва шуларга мансуб киши.

ПРОСТОЛЮДúНКА *ж эск.* оддий халқдан (ишчи, деҳқон, косибдан) чиққан ва шуларга мансуб аёл.

ПРОСТОНАРО́ДНЫЙ, -ая, -ое *эск.* авомга (оддий халққа) оид.

ПРОСТОНАРО́ДЬЕ *ср мн. нет эск.* авом, оддий халқ (буржуа-дворян жамиятида эзувчи синф та'бирида).

ПРОСТОНА́ТЬ *сов.* 1. инграб қўймоқ, иҳрамоқ, инқиллamоқ; **ранéный простонáл** яралар инграб қўйди; 2. инграб (инграган овоз билан) гапирмоқ, айтмоқ; 3. инграб, инқиллаб чиқмоқ (турмоқ); **больнóй простонáл всю ночь** касал туни билан инграб (инқиллаб) чиқди.

ПРОСТО́Р *м* 1. кенглик, бўшлик, яланглик; сайхон ер, дала; **простóры нáшей рóдины необъя́тны** ватанимизнинг кенгликлари бепоёндир; **степны́е простóры** дашт-саҳро кенгликлари; 2. ‖ *только ед.* эркинлик, имконият; **дать простóр кому́-чему́-н.** эркинлик (эрк-ихтиёр) бермоқ (бировга, бир нарсага); **„Социалисти́ческая систéма хозя́йства даёт неограни́ченный простóр применéнию новéйшей тéхники"** (Маленков) **„Хўжаликнинг социалистик системаси энг янги техникадан фойдаланиш учун чексиз имконият очиб беради"** (Маленков).

ПРОСТОРЕ́ЧИЕ *ср мн. нет лингв.* содда тил (адабий тил нормасига киритилмайдиган сўзлашув тилида қўлланиладиган сўз ва иборалар).

ПРОСТОРЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *лингв.* **просторéчие** *сўз. сиф.*; содда тилга оид; содда; **просторéчные слова́** содда тилда ишлатиладиган сўзлар; **просторéчные выраже́ния** содда тилдаги иборалар.

ПРОСТО́РНЫЙ, -ая, -ое кенг, эркин; **простóрный зал** кенг зал; здесь **простóрно** буер кенг, яйраб ўтиладиган (жой) экан; **простóрное плáтье** кенг кўйлак.

ПРОСТОСЕРДÉЧИЕ *ср мн. нет* софдиллик, очиқ кўнгиллик, оқ кўнгиллик, самимийлик.

ПРОСТОСЕРДÉЧНЫЙ, -ая, -ое софдил, очиққўнгил, оққўнгил, самимий; **простосердéчный человéк** оқкўнгил (кўнглида кири йўқ) одам.

ПРОСТОТА́ *ж мн. нет* 1. соддалик, оддийлик, осонлик; **его́ поразúла простотá решéния задáчи** масаланинг осонлик билан ечилиши уни ҳайратда қолдирди; 2. оддийлик, соддалик, табиийлик; **простотá обращéния** муомаланинг табиийлиги, соддалиги; 3. соддадил, соддадиллик; ◊ ***по простотé (душéвной) сердéчной***

(с. т.) ортиқ соддадилликдан, кўнгилда кири йўқликдан; ***святáя простотá*** *(с. т.)* ўтакетган соддалик.

ПРОСТОФИ́ЛЯ *м* и *ж с. т. манф.* аноий, баёв, лаванг, лақма

ПРОСТОЯ́ТЬ *сов.* 1. турмоқ, тик турмоқ; тўхтаб турмоқ, туриб қолмоқ; **по́езд простои́т со́рок мину́т** поезд қирқ минут тўхтаб туради, мы **простоя́ли час в ожида́нии прибы́тия** парохо́да биз пароход келишини бир соат кутиб турдик; 2. *ҳарб.* турмоқ, истиқомат қилмоқ, тўхтаб турмоқ; бир манзилда турмоқ; **полк простоя́л в э́том го́роде ме́сяц** полк бу шаҳарда бир ой тўхтаб турди; 3. турмоқ, чидаш бермоқ; **э́тот дом простои́т ещё мно́го лет** бу уй ҳали кўп йилларга чидайди; **хоро́шая пого́да простои́т недо́лго** ҳавонинг бундай яхши бўлиб туриши узоққа бормайди; 4. бекор турмоқ, ҳаракатсиз турмоқ, туриб қолмоқ; **станóк простоя́л два дня** станок (дастгоҳ) икки кун бекор қолди.

ПРОСТРА́ГИВАТЬ *несов.* қ. **простро́гать.**

ПРОСТРА́ГИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **простра́гивать**; қ. **простро́гать** 1, 2.

ПРОСТРА́ННОСТЬ *ж мн. нет* 1. кенглик, бепоёнлик; 2. муфассаллик, тўлалик; узунлик; **простра́нность изложе́ния** баёнотнинг муфассаллиги, тўлалиги.

ПРОСТРА́ННЫЙ, -ая, -ое 1. кенг, бепоён; **простра́нные земе́льные владе́ния** бепоён ер-мулклар; 2. муфассал, тўла, узун (хат, гап); **простра́нное письмо́** батафсил ёзилган хат; **простра́нно расска́зывать** *(нареч.)* узундан-узоқ гапириб бермоқ.

ПРОСТРА́НСТВЕННЫЙ, -ая, -ое **простра́нство** 1 *сўз. сиф.*; фазога оид.

ПРОСТРА́НСТВО *ср* 1. фазо, макон, бўшлиқ; **простра́нство и вре́мя** фазо ва вақт, замон ва макон; 2. сатҳ, бўш, холи жой, бўшлиқ; **безвозду́шное простра́нство** ҳавосиз бўшлиқ (фазо); **во́дные простра́нства земно́го ша́ра** ер шарининг сув қоплаган сатҳи (океанлар, денгизлар, кўллар, дарёлар); **свобо́дное простра́нство между две́рью и окно́м** эшик билан дераза орасидаги бўш жой; 3 жой; **степны́е простра́нства юга заса́живаются лесны́ми по́лосами** жанубнинг дашт ерларига ўрмон иҳота дарахтлари ўтқазилмоқда; ◇ ***мёртвое простра́нство*** *(ҳарб.)* қ. мёртвый; ***бо́язнь простра́нства*** *(мед.)* кенг жойдан қўрқиш (ваҳимага тушиш) касали.

ПРОСТРА́ЦИЯ *ж мн. нет* руҳий тушкунлик, дун'ёдан кўнгил совушлик, дун'ёдан безиш, жондан тўйиш; **впасть в простра́цию** руҳий тушкунликка тушмоқ.

ПРОСТРА́ЧИВАТЬ *несов.* қ. **простро́чить.**

ПРОСТРА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* бах'ялаб тикилмоқ.

ПРОСТРЕ́Л *м с. т.* бел оғриғи, бел санчиғи.

ПРОСТРЕ́ЛИВАТЬ *несов.* 1. қ. **простре́лить**; 2. *ҳарб.* ўққа тутмоқ, ўққа тутиб чиқмоқ, отмоқ.

ПРОСТРЕ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. отилмоқ, отиб турилмоқ; 2. ўққа тутилмоқ, ўққа тутиб чиқилмоқ.

ПРОСТРЕЛИ́ТЬ *сов.* отиб тешмоқ, ўқ тегиб тешмоқ; **прострели́ть ру́ку** қўлни ўқ тегиб тешмоқ; **прострели́ть наскво́зь** ўқ тешиб ўтмоқ.

ПРОСТРЕЛЯ́ТЬ *сов.* бирқанча вақт отиб турмоқ.

простри́г, простри́гла *прош. от* **простри́чь** *(қ.)*.

ПРОСТРИГА́ТЬ *несов.* қ. **простри́чь** 1.

ПРОСТРИГА́ТЬСЯ *несов.* қирқилмоқ, қирқиб қўйилмоқ.

простригу́, прострижёшь *буд. от* **простри́чь** *(қ.)*.

ПРОСТРИ́ЧЬ *сов.* 1. қирқмоқ, узунасига қирқиб чиқмоқ; 2. бирқанча вақт қирқиш билан банд бўлмоқ.

ПРОСТРОГА́ТЬ, ПРОСТРУГА́ТЬ *сов.* 1. рандаламоқ; **прострога́ть желобо́к** тарновни рандалаб чиқмоқ; 2. ҳамма ерини, сатҳини рандалаб чиқмоқ; 3. бирқанча вақт рандалаб турмоқ (ўтказмоқ).

ПРОСТРОЧИ́ТЬ *сов. махс.* 1. бах'ялаб тикмоқ; 2. бирқанча вақт бах'ялаб тикмоқ; 3. бирқанча вақтни бах'я тикиб ўтказмоқ.

ПРОСТРУГА́ТЬ=**простога́ть** *(қ.)*.

ПРОСТРУ́ГИВАТЬ *несов.* қ. простуга́ть.

ПРОСТРУ́ГИВАТЬСЯ *несов.* рандаланилмоқ.

ПРОСТУ́ДА *ж мн. нет* шамоллаш, совуқ тегиш; **болёзнь вслёдствие простуды́** шамоллаш натижасида (совуқ тегиб) касал бўлиш; **лечи́ться от простуды́** шамоллаганликдан даволанмоқ; **схвати́ть простуду́** *(с. т.)* шамоллаб қолмоқ.

ПРОСТУДИ́ТЬ *сов.* шамоллатмоқ, шамол тегизмоқ, совуқ тегдирмоқ; **простуди́ть го́рло томо́ққа** совуқ тегдирмоқ, **простуди́ть ребёнка** болани шамоллатиб қўймоқ.

ПРОСТУДИ́ТЬСЯ *сов.* шамоллаб қолмоқ, совуқ тегизмоқ; **я простуди́лся в доро́ге** мен йўлда шамоллаб қолибман.

ПРОСТУ́ДНЫЙ, -ая, -ое **простуда́** *сўз. сиф.*; шамоллашга, совуқ тегишга оид; **болёзнь просту́дного хара́ктера** шамоллашдан бўлган касаллик.

ПРОСТУЖА́ТЬ *несов.* қ. простуди́ть.

ПРОСТУЖА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. простуди́ться; 2. совуқ тегизиб, шамоллаб касал бўлиб қолмоқ.

ПРОСТУ́ЖЕННЫЙ, -ая, -ое 1. простуди́ть фе'лининг сифатдоши; 2. шамоллаган, совуқ теккан; **говори́ть простуженным го́лосом** шамоллаган (хириллаган) овоз билан гапирмоқ.

ПРОСТУ́ЖИВАТЬ *несов.* қ. простуди́ть.

ПРОСТУ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* қ. простуди́ться.

простужу́, простуди́шь *буд. от* простуди́ть *(к.)*.

ПРОСТУ́КАТЬ *сов. с. т.* 1. тақиллатиб, тиқиллатиб уриб тешмоқ; 2. *с. т.* тиқ-тиқ (дук-дук) қилиб уриб кўрмоқ; **простука́ть больно́му грудь** касалнинг кўкрагини бармоқ билан уриб кўрмоқ; 3. бирқанча вақт тақиллатиб турмоқ.

ПРОСТУ́КИВАТЬ *несов.* қ. простука́ть.

ПРОСТУПА́ТЬ *несов.* қ. проступи́ть.

ПРОСТУПИ́ТЬ *сов.* чиқмоқ, тошмоқ, тошиб чиқмоқ; **пот проступи́л у него́ на лице́** унинг юзига тер чиқди; **на щека́х проступи́л румя́нец** юзларига қизил югурди.

ПРОСТУ́ПОК *м* айб, хато, ножўя иш, ноўрин қилиқ; **дисциплина́рный проступо́к** интизомга хилоф ножўя иш.

ПРОСТУЧА́ТЬ *сов.* 1. шақиллатмоқ, тақиллатмоқ, тақ-тақ қилмоқ; 2. ма'лум бир фурсат шақиллатмоқ (тақиллатмоқ).

ПРОСТУ́ШКА *ж с. т.* содда, гўл дёл

ПРОСТЫВА́ТЬ *несов.* қ. просты́ть ва простыну́ть.

ПРОСТЫ́НКА *ж с. т.* **простыня́** *сўз. кичр. айт.*; чойшабча; **дётская простынка** бола чойшабчаси.

ПРОСТЫ́ННЫЙ, -ая, -ое **простыня́** *сўз. сиф.*; чойшабга оид; чойшаблик, чойшаб қиладиган; **простынное полотно́** чойшаблик (чойшаббоп) полотно.

простыну́, просты́нешь *буд. от* просты́ть *(к.)*.

ПРОСТЫ́НУТЬ *сов. содд.* қ. просты́ть.

ПРОСТЫНЯ́ *ж (мн. про́стыни)* чойшаб; **полотня́ная простыня́** полотно чойшаб, полотнодан қилинган чойшаб; **мохна́тая простыня́** юмшоқ чойшаб.

ПРОСТЫ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* совумоқ, совуб қолмоқ; **суп просты́л** шўрва совуб қолди; 2. *содд.* шамолламоқ, совқотмоқ; **я совсе́м просты́л на моро́зе** мен совуқда батамом қотиб қолдим; ◇ **его́ и след просты́л** *(с. т.)* унинг изи ҳам қолмади, у домдараксиз йўқолиб кетди.

ПРОСУ́НУТЬ *сов.* суқмоқ, тиқмоқ; чиқармоқ.

ПРОСУ́НУТЬСЯ *сов.* суқилмоқ, тиқилмоқ, суқилиб кирмоқ.

ПРОСУ́ШИВАНИЕ *ср* яхшилаб қуритиш, қоқ қилиш; **просу́шивание хло́пка-сырца́** пахтани яхшилаб қуритиш.

ПРОСУШИВАТЬ *несов.* қ. просуши́ть 1.

ПРОСУ́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. просуши́ться; 2. қуритилмоқ.

ПРОСУ́ШИТЬ *сов.* 1. қуритмоқ, қуритиб олмоқ, қоқ қуритмоқ; **просу́шить оде́жду** кийимни қуритмоқ; 2. қуритиб турмоқ, бирқанча вақт қуритиш билан банд бўлмоқ.

ПРОСУ́ШИТЬСЯ *сов.* қуримоқ, яхшилаб қуримоқ, қоқ қуримоқ; **пла́тье просу́шилось** кўйлак қуриди, қуриб қолипти.

ПРОСУ́ШКА *ж мн. нет* қуритиш, қоқ қуритиш; **проску́шка хло́пка** пахта қуритиш.

ПРОСУЩЕСТВОВА́ТЬ *сов.* яшамоқ, умр (кун) кечирмоқ, тирикчилик қилмоқ, кун кўрмоқ.

ПРОСЧЁТ *м* 1. *только ед.* ҳисоблаш, ҳисоблаб чиқиш, санаш; 2. ҳисобда янглишиш, хато ҳисоблаш; **обнару́жить просчёт** ҳисобда янглишганликни топмоқ; 3. ‖ хато, нотўғри чамалаш.

ПРОСЧИТА́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* санаб чиқмоқ, ҳисоблаб чиқмоқ; **просчита́ть до ста** юзгача санаб чиқмоқ; **за́ново просчита́ть де́ньги** пулни бошқатдан санаб чиқмоқ; 2. ҳисобда янглишмоқ, янглиш ҳисобламоқ, нотўғри ҳисобламоқ; янглиш санамоқ; **просчита́ть пятьдеся́т рубле́й** эллик сўмга янглишмоқ, эллик сўм янглиш ҳисобламоқ; 3. бирқанча вақтни ҳисоблаб (санаб) ўтказмоқ.

ПРОСЧИТА́ТЬСЯ *сов.* 1. янглиш ҳисобламоқ, ошиқ ҳисобламоқ, ошиқ бериб юбормоқ; **кассир просчита́лся на два́дцать рубле́й** кассир йигирма сўм ортиқ бериб юборипти; 2. ҳисобда, чамалашда янглишмоқ; **враг просчита́лся** душман янглишди (ёвуз ниятига етаолмади).

ПРОСЧИ́ТЫВАТЬ *несов.* қ. **просчита́ть.**

ПРОСЧИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **просчита́ться**; 2. санаб чиқилмоқ, ҳисоблаб чиқилмоқ, ҳисобда янглишилмоқ, ортиқ бериб юборилмоқ.

ПРО́СЫП: **спать без про́сыпу** *(с. т.)* уйғонмай, донг қотиб ухламоқ; **пить без про́сыпу** сурункасига ичиш (ичкиликни)

ПРОСЫ́ПАТЬ *сов.* тўкиб юбормоқ, сочиб юбормоқ; **просыпать муку́ на́ пол** унни ерга тўкиб юбормоқ.

ПРОСЫПА́ТЬ I *несов.* қ. **проспа́ть.**

ПРОСЫПА́ТЬ II *несов.* қ. **просы́пать.**

ПРОСЫ́ПАТЬСЯ *сов.* тўкилиб кетмоқ, сочилиб кетмоқ; тўкилмоқ, сочилмоқ; **мешо́к прорва́лся и зерно́ просы́палось** қоп йиртилиб, дон ерга тўкилиб кетди.

ПРОСЫПА́ТЬСЯ I *несов.* 1. қ. **проснýться**; **я просыпа́юсь о́чень ра́но** мен жуда эрта (барвақт) уйғонаман; 2. *с. т.* қ. **проспа́ться.**

ПРОСЫПА́ТЬСЯ II *несов.* 1. қ. **просы́паться**; 2. тўкилиб (сочилиб) кетмоқ; тўкилмоқ, сочилмоқ.

ПРОСЫХА́ТЬ *несов.* қуримоқ; **весно́й земля́ бы́стро просыха́ет** кўкламда ер тез қурийди.

ПРО́СЬБА *ж* 1. илтимос, сўров, ўтинч; **обрати́ться к кому́-н. с про́сьбой** бирор кишига илтимос билан мурожаат қилмоқ; **удовлетвори́ть про́сьбу** илтимосни қондирмоқ; **я к ва́м с про́сьбой** менинг сиздан илтимосим бор; **по ва́шей про́сьбе** сизнинг илтимосингизга мувофиқ; **това́рищи, про́сьба не шуме́ть!** ўртоқлар шовқин қилинмаслиги сўралади; **про́сьба о поми́ловании** афв этиш ҳақидаги илтимос; 2. *эск.* илтимоснома; **пода́ть про́сьбу** илтимоснома топширмоқ.

ПРОСЯ́НКА *ж зоол.* тариқхўр (деҳқон чумчуқлар оиласининг бир тури).

ПРОСЯНО́Й, -а́я, -о́е **про́со** *сўз. сиф.*; тариққа оид; **просяна́я соло́ма** тариқ похоли.

ПРОТА́ИВАТЬ *несов.* қ. **прота́ять.**

ПРОТА́ЛИНА *ж* қори кетиб очилиб қолган олачалпоқ ер; **весе́нние прота́лины** кўкламдаги олачалпоқ ерлар.

ПРОТА́ЛИНКА *ж* **прота́лина** *сўз. кичр. айт.*; кичкина (озгина) олачалпоқ ер.

ПРОТА́ЛКИВАТЬ *несов.* қ. **протолка́ть** ва **протолкну́ть.**

ПРОТА́ЛКИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **протолка́ться** 1 ва **протолкну́ться**; 2. итарилмоқ, сурилмоқ, итариб киритилмоқ.

ПРОТАНЦЕВА́ТЬ *сов.* 1. танца қилиб бермоқ; 2. бирқанча вақт танца қилиб ўтказмоқ.

ПРОТА́ПЛИВАТЬ *несов.* 1. *к.* протопи́ть I (1-нчи ма'носида); 2. *с. т.* ёқиб турмоқ; **ежедне́вно протапливать печь** печьни ҳар куни ёқиб турмоқ; **печкани кунига ёқиб турмоқ.**

ПРОТА́ПЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* протопи́ться; 2 ёқилмоқ, ёқиб турилмоқ.

ПРОТА́ПТЫВАТЬ *несов.* *к.* протопта́ть.

ПРОТА́ПТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* протопта́ться, 2. тапталмоқ, босилмоқ, пайхон қилиб ташланмоқ.

ПРОТАРА́НИВАТЬ *несов.* *к.* протара́нить.

ПРОТАРА́НИВАТЬСЯ *несов. страд. от* протара́нивать (*к.*).

ПРОТАРА́НИТЬ *сов.* 1. *эск.* таран билан тешмоқ *к.* тара́н 1. 2. тешиб юбормоқ, ўйиб(тешиб) ўтмоқ; 3. *ҳарб.* таран қилмоқ, самолёт тумшуғи билан урмоқ; **протара́нить самолёт противника** ўз самолёти билан душман самолётини уриб туширмоқ; **протара́нить вра́жеский танк** ўз танки билан уриб душман танкини мажақламоқ.

ПРОТАСКА́ТЬ *сов. с. т.* 1. кўтариб юрмоқ, олиб юрмоқ, бирқанча вақт кўтариб олиб юрмоқ; 2. киймоқ, кийиб юрмоқ, 3. судрамоқ, ишкал бир иш билан кўп қатнашга мажбур қилмоқ.

ПРОТАСКА́ТЬСЯ *сов. с. т.* ҳўп сангқиб юрмоқ, кезмоқ, дайдиб юрмоқ.

ПРОТА́СКИВАТЬ *несов.* *к.* протащи́ть ва протаска́ть 1.

ПРОТА́СКИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* протащи́ться; 2. *страд. от* прота́скивать (*к.*).

ПРОТАЧА́ТЬ *сов.* *махс.* 1. тикиб чиқмоқ; 2. бирқанча вақт тикиш билан банд бўлмоқ.

ПРОТА́ЧИВАТЬ I *несов.* *к.* протача́ть.

ПРОТА́ЧИВАТЬ II *несов.* *к.* проточи́ть I, 2, 3.

ПРОТА́ЧИВАТЬСЯ I *несов.* *махс.* тикилмоқ, сирилмоқ.

ПРОТА́ЧИВАТЬСЯ II *несов. страд. от* прота́чивать II; *к.* проточи́ть I, 2, 3.

ПРОТАЩИ́ТЬ *сов.* 1. судраб келтирмоқ, судраб олиб кирмоқ; **рояль с трудом протащили в дверь** рояльни эшикдан зўрға олиб кирдик; 2. *с. т. манф.* киритмоқ, ўтказмоқ; **протащи́ть вре́дную иде́йку** зарарли идеяни киритмоқ, ўтказмоқ; **буржуазия стара́ется протащи́ть своих кандида́тов в парла́мент** буржуазия парламентга ўз кандидатларини ўтказишга уринади, 3. *содд.* танқид қилмоқ; **протащи́ть кого́-н. в стенга́зете** бирор кишини деворий газетада танқид қилмоқ.

ПРОТАЩИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* судралиб бормоқ (бирор жойга); судралиб юрмоқ.

ПРОТА́ЯТЬ *сов.* эримоқ, эриб ма'лум бир даражага етмоқ; **снег протая́л до земли́** қор ергача эрипти; **земля́ протая́ла на полме́тра** ернинг музи ярим метргача эрипти.

ПРОТЕЖЕ́ *м* и *эс нескл.* бировнинг ҳимояси (қўллаб-қувватлаши) остида, бировнинг қаноти остидаги одам.

ПРОТЕЖИ́РОВАТЬ *несов.* қўллаб-қувватламоқ, ҳомийлик қилмоқ.

ПРОТЕ́З *м* протез, ясама а'зо (гавданинг бирор етишмаган қисми ўрнига ясалган тилла тиш, шиша кўз, ёғоч оёқ ва ш. к.); **зубны́е протезы** ясама тишлар.

ПРОТЕЗИ́РОВАНИЕ *ср. мн. нет* протезлар (ясама а'золар) қилиш.

ПРОТЕЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. махс.* протез қилмоқ, ясама а'зо қилиб бермоқ; **протезирова́ть** кого́ больно́му чўлоққа ясама оёқ қилиб бермоқ, **протези́ровать зу́бы** сунъий тиш қўймоқ.

ПРОТЕЗИ́СТ *м махс.* протезлар ясовчи мутахассис.

ПРОТЕ́ЗНЫЙ, -ая, -ое *махс.* проте́з *сўз. сиф.*; протезга, протез ясашга оид; **протезный завод** протеза заводи, протезлар тайёрловчи завод.

протёк, протекла́ *прош. от* проте́чь (*к.*).

ПРОТЕКА́ТЬ *несов.* 1. оқмоқ, оқиб ўтмоқ, оқиб турмоқ; **во́зле ле́са протека́ет ре́чка** ўрмон ёнидан сой оқиб ўтади; 2. ўтиб (сирқиб, сизиб) кирмоқ, вода протекает в лодку қайиққа сув сирқиб ўтмоқда; 3. чакка ўтмоқ; **кры́ша протека́ет** томдан чакка ўтяпти; 4. ‖ ўтмоқ, кечмоқ;

счастли́во протекли́ де́тские го́ды болалик кунлари (вақтлари) бахтли ўтди; 5. ўтмоқ, ўтиб бормоқ; **боле́знь протека́ет норма́льно** касаллик нормал ўтиб боряпти.

ПРОТЕ́КТОР *м* 1. *эск.* ҳомий, ҳимоячи; 2. протектор давлат (кучсиз давлатни гўё ўз ҳимояси остига олган, ҳақиқатда уни мустамлака қаторида эзиб ётган империалистик давлат); 3. *тех.* протектор (шинани ейилишдан сақлайдиган устки қавати).

ПРОТЕКТОРА́Т *м* протекторат (мустамлака қарамлилигининг бир формаси; бунда бир мамлакат ички давлат тузилиши томонидан расман мустақил ҳисобланса-да, ҳақиқатда эса бошқа бир империалистик давлатга бўйсунади).

протеку́т *буд. от* **проте́чь** (*қ.*).

ПРОТЕКЦИОНИ́ЗМ *м* 1. *сиёс.* протекционизм (капиталистик мамлакатларда — ўз мамлакати саноатига кўпроқ фойда келтириш мақсадида четдан келтириладиган молларга ортиқроқ бож солиш системаси); 2. *с. т. ҳазл., манф.* ошна-оғайнигарчилик, ёр-ошначилик, қариндош-уруғчилик (идора ишларида).

ПРОТЕКЦИОНИ́СТ *м* протекционист, протекционизм тарафдори; *қ.* **протекциони́зм** 1.

ПРОТЕКЦИОНИ́СТСКИЙ, -ая, -ое *сиёс.* **протекциони́зм** 1 *сўз. сиф.*; протекционизмга оид; протекционистик; **протекционистская поли́тика** протекционистик сиёсат.

ПРОТЕКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое протекцион, ҳимоя қиладиган, ёрдам кўрсатадиган.

ПРОТЕ́КЦИЯ *ж* протекция; ҳимоя, ёқлаш; қўллаш, ёрдам қилиш; **оказа́ть протре́кцию** кому́-н. бирор кишига ёрдам кўрсатмоқ; **устро́иться** куда́-н. **по протре́кции** бирор кишининг ёрдами билан бир жойга кириб олмоқ, жойлашмоқ.

ПРОТЕ́КШИЙ, -ая, -ее 1. **проте́чь** ф е ́ л нинг сифатдоши; 2. ўтган, ўтиб кетган.

ПРОТЕРЕ́ТЬ *сов.* 1. ишқалаб тешмоқ; **протере́ть бума́гу** резинкой қогозни резинка билан ишқалаб тешмоқ; **протере́ть рукава́ на локтя́х** енгларнинг тирсагини ишқалаб тешмоқ; 2. артмоқ, суртмоқ, артиб тозаламоқ; **протере́ть окно́ тря́пкой** деразани латта билан артмоқ; 3. қирмоқ, қиргичдан ўтказмоқ; **протере́ть морко́вь через тёрку** сабзини қиргичдан ўтказмоқ; ◊ ***протере́ть глаза́*** (*с. т.*) уйғонмоқ, кўзини очмоқ.

ПРОТЕРЕ́ТЬСЯ *сов.* ишқаланиб сийқаланмоқ, ишқаланавериб тешилмоқ (тўзиб кетмоқ); **подо́швы протёрлись** тагчармлар ишқаланиб тешилипти.

ПРОТЕРПЕ́ТЬ *сов. с. т.* чидамоқ, чидаб турмоқ, сабр қилмоқ, тоқат қилмоқ.

ПРОТЕСА́ТЬ *сов. махс.* узунасига йўниб чиқмоқ.

ПРОТЕСНИ́ТЬСЯ *сов.* тиқилиб ўтмоқ, тиқилиб кирмоқ, орани ёриб ўтмоқ; **он с трудо́м протеснился в зал** у залга зўрға тиқилиб кирди.

ПРОТЕ́СТ *м* 1. протест, қат'ий қаршилик, норозилик, э'тироз; **заяви́ть протест** э'тироз билдирмоқ; **выступа́ть с проте́стом** норозилик билдириб чиқмоқ; **забасто́вка проте́ста** норозилик забастовкаси, бирор ҳолга қат'ий норозилик билдириб ишташлаш; 2. *юр.* протест, норозилик; **протест прокуро́ра** прокурорнинг протести (норозилиги); **принести́ протест** протест (норозилик) киритиш; 3. *махс.* протест, вексельни муддатида тўлайдолмаганликни расмий тасдиқлаш; **протест ве́кселя** вексельни протест қилиш; **предъяви́ть ве́ксель к протесту** вексельни протест қилиш учун топширмоқ.

ПРОТЕСТА́НТ I *м* протест, э'тироз, норозилик билдируви киши (бирор ҳаракатга қарши).

ПРОТЕСТА́НТ II *м дин.* протестантизм динидаги (мазҳабидаги) одам.

ПРОТЕСТАНТИ́ЗМ *м мн. нет дин.* протестантизм [XVI асрдаги реформация орқасида католицизмдан ажралиб чиққан ҳамма христиан динларининг (мазҳабларининг) умумий номи].

ПРОТЕСТА́НТКА I *ж* протест, э'тироз, норозилик билдируви аёл.

ПРОТЕСТА́НТКА II *ж дин.* протестантизм динидаги (мазҳабидаги) аёл.

ПРОТЕСТА́НТСКИЙ, -ая, -ое протестантизм ва протестант сўз. сиф.; протестантизм ва протестантликка оид.

ПРОТЕСТА́НТСТВО *ср* = протестантизм *(қ.)*.

ПРОТЕСТОВА́ТЬ 1. *несов.* норозилик (қаршилик, э'тироз) билдирмоқ; протестова́ть против го́нки вооруже́ний зўр бериб қуролланишга қарши чиқмоқ; 2. *сов.* и *несов. юр.* э'тироз қилмоқ, қарши чиқмоқ; 3. *сов.* и *несов.* протест қилмоқ; протестова́ть ве́ксель вексельни протест қилмоқ.

ПРОТЕ́СЫВАТЬ *несов. к.* протеса́ть.

ПРОТЕ́СЫВАТЬСЯ *несов.* йўнилмоқ.

ПРОТЕ́чь *сов. к.* протека́ть.

протешу́, проте́шешь *буд. от* протеса́ть *(к.)*.

ПРО́ТИВ *предлог* род. п. билан қўлланади; 1. қаршида, қаршисида, рўпарада, рўпарама-рўпара, юзма-юз; сиде́ть про́тив све́та ёругликка рўпарама-рўпара ўтирмоқ; он сел про́тив окна́ у дераза қаршисида ўтирди; друг про́тив дру́га рўпарама-рўпара, юзма-юз; 2. қарши; плыть про́тив тече́ния оқимга қарши сузмоқ; идти́ про́тив ве́тра шамолга қарши юрмоқ; 3. зиддига қарамасдан, қарши; про́тив ожида́ния всё сошло́ хорошо́ кутилганига қарши ҳаммаси яхши ўтди; 4. хилоф, қарши, тескари, зид; де́йствовать про́тив свои́х убежде́ний (со́вести) ишончига (виждонига) хилоф ҳаракат қилмоқ; поступа́ть про́тив жела́ния истагига зид ҳаракат қилмоқ; он настро́ен про́тив тебя́ у сенга қарши бўлиб юрипти; боро́ться про́тив чего́-н. бирор нарсага қарши курашмоқ; спо́рить про́тив чего́-н. бирор нарсага қарши чиқиб довлашмоқ; баҳслашмоқ; 5. қарши; сре́дство про́тив блох бурга дори, бургани қуритадиган дори; сре́дство про́тив ревмати́зма бод дори, бодга қарши дори; 6. нисбатан; про́тив вас у меня́ нет никако́го дурно́го чу́вства сизга нисбатан менда ҳеч қандай ёмон туйғу йўқ; 7. қараганда; значи́тельный рост вы́пуска проду́кции про́тив про́шлого го́да бу тургига қараганда маҳсулот чиқаришнинг бирмунча ошиши; 8. *в знач. сказ. с. т.* қарши; ты согла́сен? — Нет, я про́тив сен розимисан? — Йўқ, мен қаршиман; кто про́тив? ким қарши?; ◊ *за и про́тив* яхши ва ёмон томони (бирор нарса ёки ишнинг); взве́сить все за́ и про́тив ҳамма яхши ва ёмон томонларни ўйлаб (мулоҳаза қилиб) кўрмоқ; име́ть (что-н.) про́тив қарши бўлмоқ (бирор нарсага).

ПРО́ТИВЕНЬ *м* (*мн.* про́тивни) тўртбурчак тунука това.

ПРОТИВИ́ТЕЛЬНЫЙ: противи́тельный сою́з *(грам.)* зидловчи боғловчи.

ПРОТИ́ВИТЬСЯ *несов.* қаршилик кўрсатмоқ, қарши турмоқ; проти́виться наси́лию зулмга қарши турмоқ, қаршилик кўрсатмоқ.

ПРОТИ́ВНИК *м* 1. душман, ғаним, қарши киши; иде́йный проти́вник ғоявий душман; 2. рақиб, қарши тараф; победи́ть проти́вника в состяза́нии *(спорт.)* ўзишмада рақибни енгмоқ; он мой да́вний проти́вник у менга азалдан тарафма-тараф; 3. *только ед. собир.* душман, душман қўшини; ёв; разби́ть проти́вника ёвни тор-мор қилмоқ; наше́мный проти́вник ердаги ёв; возду́шный проти́вник ҳаводаги ёв.

ПРОТИ́ВНИЦА *ж* душман, ғаним аёл, рақиб аёл.

ПРОТИ́ВНО 1. *предлог эск.* дат. п. билан келганда „қарши", „зид", „хилоф", „акс", „терс", „тескари" маъноларни билдиради; де́йствовать проти́вно указа́ниям кўрсатмаларга хилоф ҳаракат қилмоқ; он поступи́л проти́вно со́бственным интере́сам у ўз манфаатларига тескари ҳаракат қилди; 2. *нареч.* жирканч, ифлос, нафрат (газаб) ни келтирадиган равишда; проти́вно смотре́ть кўрсанг жирканасан; проти́вно слу́шать эшитганда нафратинг қўзғалади.

ПРОТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. қарши, рўпара; „Ве́тер оборони́лся в проти́вную сто́рону" (Пушкин) „Шамол қарши томонга бурилди" (Пушкин); на проти́вном берегу́ рўпарадаги қирғоқда; 2. қарши, зид, терс, тескари, қарама-қарши; проти́вные сто́роны қарши томонлар; проти́вная сторона́ утвержда́ет обра́тное қарши томон

бунинг тескарисини гапиради; **придéрживаться протúвного мнéния** зид фикрда бўлмоқ; 3. жирканч, ифлос, нафратли, ёқимсиз, қўланса, бемаза; **протúвный человéк** бемаза (жирканч) одам; **протúвный зáпах** қўланса ҳид; 4. *сущ.* **протúвное** *ср мн. нет* акси, тескариси; **утвержда́ть протúвное** аксини (тескарисини) гапирмоқ; **доказа́тельство от протúвного** зиддини олиб исбот қилишлик, зиддини асос қилиб исбот этиш; ◇ ***в протúвном слу́чае*** акс ҳолда.

[противо-] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб иккинчи қисмида ифодаланган ма'нога нисбатан зидлик, қарама-қаршилик ма'носини англатади, мас., **противопожа́рный** ёнгинга қарши, **противодифтери́йный** дифтерия (бўғма касали)га қарши, **противоипри́тный** иприга қарши.

ПРОТИВОАЛКОГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое алкогольга (ичкиликка) қарши.

ПРОТИВОБО́РСТВОВАТЬ *несов. эск.* қарши курашмоқ, қаршилик кўрсатмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ (бирор нарсага); **противобо́рствовать врагу́** душманга қарши курашмоқ.

ПРОТИВОВЕ́С *м* 1. *тех.* пасанги; 2. ‖ қарши, зид, қарама-қарши, акс; **в противове́с э́тому он вы́двинул свои́ тре́бования** бунинг қаршисига у ўзининг талабларини қўйди.

ПРОТИВОВОЗДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое ҳаво ҳужумига қарши; **противовоздýшная оборо́на** ҳаво ҳужумига қарши мудофаа.

ПРОТИВОГА́З *м* противогаз (заҳарли газлардан сақланиш учун юзга кийиладиган махсус ниқоб).

ПРОТИВОГА́ЗНЫЙ, -ая, -ое *с. т.* **противога́з** *сўз. сиф.*; противогазга оид; **противога́зная су́мка** противогаз сумкаси, противогаз солиб юриладиган сумка (халта).

ПРОТИВОГА́ЗОВЫЙ, -ая, -ое газга қарши қўлланиладиган; **противога́зовые сре́дства** газга қарши қўлланиладиган воситалар.

ПРОТИВОГНИ́ЛОСТНЫЙ, -ая, -ое чиритмайдиган, чиришдан сақлайдиган.

ПРОТИВОДЕ́ЙСТВИЕ *ср мн. нет* қарши ҳаракат, қаршилик, тескари ҳаракат, қарши та'сир, акс та'сир; **оказа́ть противоде́йствие кому́-чему́-н.** бирор киши ёки нарсага қарши ҳаракат қилмоқ; **по зако́нам меха́ники де́йствие равно́ противоде́йствию** механика қонунига кўра та'сир акс та'сирга тенгдир.

ПРОТИВОДЕ́ЙСТВОВАТЬ *несов.* қарши ҳаракат қилмоқ, қаршилик қилмоқ, тескари та'сир қилмоқ, тескари та'сир кўрсатмоқ; **противоде́йствовать про́искам врагóв** душман найрангларига қарши ҳаракат қилмоқ.

ПРОТИВОЕСТЕ́СТВЕННОСТЬ *ж мн. нет* гайритабиийлик.

ПРОТИВОЕСТЕ́СТВЕННЫЙ, -ая, -ое гайритабиий, одатдагига қарши; **противоесте́ственное жела́ние** гайритабиий истак (хоҳиш).

ПРОТИВОЗАКО́ННО *нареч.* гайриқонуний суратда, қонунга хилоф равишда.

ПРОТИВОЗАКО́ННОСТЬ *ж мн. нет* қонунга қаршилик, қонунга хилофлик, гайриқонунийлик.

ПРОТИВОЗАКО́ННЫЙ, -ая, -ое қонунга қарши, қонунга хилоф, гайриқонуний; **противозако́нные де́йствия** қонунга хилоф ҳаракатлар.

ПРОТИВОЗАЧА́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* ҳомиладор бўлишга қарши; **противозача́точные сре́дства** ҳомиладор бўлишдан сақлайдиган воситалар.

ПРОТИВОЛЕЖА́ЩИЙ, -ая, -ее *мат.* қарши, қарама-қарши, бир-бирига қарши турган; **противолежа́щий у́гол** қарши бурчак; **противолежа́щая сторона́** қарама-қарши томон.

ПРОТИВОЛИХОРА́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое *мед.* безгакка (иситмага) қарши; **противолихора́дочные сре́дства** безгакка (иситмага) қарши қўлланиладиган дори.

ПРОТИВОМИ́ННЫЙ, -ая, -ое *ҳарб.* минага қарши, минани зарарсизлантирадиган.

ПРОТИВОПОЖА́РНЫЙ, -ая, -ое *махс.* ёнгинга қарши; **приня́ть противопожа́рные ме́ры** ёнгинга қарши чоралар кўрмоқ.

ПРОТИВОПОКАЗА́НИЕ *ср* 1. *юр.* қарама-қарши гувоҳлик бериш (судда,

терговда гувоҳларнинг бир-бирига зид гапириши); 2. *мед.* ёқмаслик, зарарли бўлишлик, мос келмаслик (дори ёки даволаш усулининг тўғри келмаслиги ҳақида).

ПРОТИВОПОКА́ЗАННЫЙ, -ая, -ое *мед.* ёқмайдиган, зарарли, мос келмайдиган; **э́то лека́рство противопока́зано больно́му** бу дори касалга тўғри келмайди.

ПРОТИВОПОЛАГА́ТЬ *несов. к.* противополо́жить.

ПРОТИВОПОЛАГА́ТЬСЯ *несов.* каршисига қўйилмоқ, қарама-қарши қўйилмоқ, таққослаништмоқ.

ПРОТИВОПОЛОЖЕ́НИЕ *ср* каршисига қўйиш, қарама-қарши қўйиш, таққослаб кўриш.

ПРОТИВОПОЛОЖИ́ТЬ *сов.* каршисига қўймоқ, қарама-қарши қўймоқ, таққослаб кўрмоқ.

ПРОТИВОПОЛО́ЖНОСТЬ *ж* 1. ўхшаш эмаслик, тескарилик, бошқачалик, қарама-қаршилик; **их разделя́ла противополо́жность интере́сов** улар манфаатларининг қарама-қаршилиги билан ажралиб турардилар; 2. ‖ тескарилик, акси бўлишлик, фарқ қилишлик; **он по́лная противополо́жность своему́ бра́ту** у укаси (акаси) нинг тамоман акси; 3. *филос.* зидлик, қарама-қаршилик; **еди́нство противополо́жностей** қарама-қаршиликлар бирлиги; **уничтоже́ние противополо́жности между у́мственным и физи́ческим трудо́м при социали́зме** социализмда ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликнинг тугатилиши; ◊ *в противополо́жность (кому́-чему́-н.)* нисбатан, аксинга, зиддига, тескарисига, қарши ўлароқ.

ПРОТИВОПОЛО́ЖНЫЙ, -ая, -ое 1. қаршидаги, рўпарадаги, нариги бетдаги; **гидроэлектроста́нция вы́строена на противополо́жном берегу́ реки́** гидроэлектростанция сойнинг нариги бетига қурилган; **противоположная сторона у́лицы** кўчанинг нариги бети; 2. тескари, зид, бошқача; **противополо́жное мне́ние** қарама-қарши (зид) фикр; **противополо́жный взгляд** бошқача қараш.

ПРОТИВОПОСТА́ВИТЬ *сов.* 1. қаршисига қўймоқ, таққослаб кўрмоқ; 2. қарши (зид) қўймоқ.

ПРОТИВОПОСТАВЛЕ́НИЕ *ср* 1. қаршисига қўйиш, таққослаб кўриш; 2. қарши қўйиш, зид қўйиш.

ПРОТИВОПОСТАВЛЯ́ТЬ *несов. к* противопоста́вить.

ПРОТИВОПОСТАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* қаршисига қўйилмоқ, таққослаб кўрилмоқ, қарши қўйилмоқ.

ПРОТИВОРЕЧИ́ВОСТЬ *ж мн. нет* зидлик, қарама-қаршилик; **противоре́чивость показа́ний свиде́телей** гувоҳларнинг кўрсатишларидаги қарама-қаршилик (гувоҳлик бериб айтилган сўзларнинг зидлиги); **противоре́чивость слу́хов** овозалар (миш-мишлар)нинг бир-бирига зидлиги.

ПРОТИВОРЕЧИ́ВЫЙ, -ая, -ое қарама-қарши, тескари, зид; **противоре́чивые све́дения** қарама-қарши ма'лумотлар; **противоре́чивые тре́бования** қарама-қарши талаблар.

ПРОТИВОРЕ́ЧИЕ *ср* 1. зиддият, қарама-қаршилик, зидлик; **впасть в противоре́чие** зиддиятга учрамоқ; 2. терслик, тескарилик, гап қайтариш; **он не те́рпит противоре́чий** у терсликка чидаб тураолмайди; у гап қайтарганни ёқтирмайди; **дух противоре́чия** (*с. т.*) тўнини тескари кийиб олиш; 3. зиддият, қарама-қаршилик, тескарилик, бошқачалик, хилофлик; **вну́тренние противоре́чия** ички қарама-қаршиликлар; **непримири́мые кла́ссовые противоре́чия капиталисти́ческого о́бщества** капиталистик жамиятнинг муросасиз синфий зиддиятлари; **сове́тская литерату́ра и иску́сство должны́ сме́ло показывать жизненные противоре́чия и конфли́кты** совет адабиёти ва санъати ҳаётдаги зиддиятларни ва конфликтларни дадил кўрсатиши керак.

ПРОТИВОРЕ́ЧИТЬ *несов.* 1. қаршилик кўрсатмоқ, гап қайтармоқ; э'тироз қилмоқ; **он ча́сто противоре́чит ста́ршим** у доим катталарга қаршилик қилади, катталарнинг гапига кирмайди; 2. қарама-қарши бўлмоқ, тескари келмоқ, зид келмоқ; **э́то противоре́чит действи́тельности** бу ҳақиқатга тўғри келмайди; **да́нное предложе́ние противоре́чит ска́занному ра́ньше** бу жумла юқоридаги жумла-

га зид келади; э́то не противоре́чит ду́ху зако́на бу қонунга хилоф эмас; его́ посту́пки противоре́чат его́ слова́м унинг қилган иши гапирган гапига тескари келади.

ПРОТИВОСТОЛБНЯ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *мед.* қоқшалга қарши қўлланиладиган; **противостолбня́чная сы́воротка** қоқшал касалига қарши эмланадиган дори; **противостолбня́чная приви́вка** қоқшалга қарши эмлаш.

ПРОТИВОСТОЯ́НИЕ *ср мн. нет астр.* рўпара туриш (планеталарнинг қуёшга бетма-бет бўлиб туриши).

ПРОТИВОСТОЯ́ТЬ *несов.* 1. *эск.* бировнинг ёки бир нарсанинг рўпарасида турмоқ; 2. қаршилик кўрсатиоқ, қарши чиқмоқ, қарши турмоқ; **еди́ный и мо́щный социалисти́ческий ла́герь противостои́т ла́герю капитали́зма** бирлашган ва қудратли социалистик лагерь капитализм лагерига қарши туради; 3. қарама-қарши турмоқ.

ПРОТИВОТА́НКОВЫЙ, -ая, -ое *ҳарб.* танкка қарши турадиган, танклар ҳужумидан ҳимоя қиладиган; **противота́нковая оборо́на** танклар ҳужумига қарши мудофаа; **противота́нковое ору́дие** танкка қарши отадиган тўп; **противота́нковый ров** танк ўтмасин деб қазилган хандақ.

ПРОТИВОХИМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *ҳарб.* химик моддаларга қарши, химик газларга қарши қўлланиладиган; **противохими́ческая оборо́на** химик моддалар билан бўладиган ҳужумга қарши мудофаа; **сре́дства противохими́ческой защи́ты** химик ҳужумдан ҳимоя қилиш чоралари, воситалари.

ПРОТИВОХОЛЕ́РНЫЙ, -ая, -ое *мед.* вабога қарши, вабонинг олдини оладиган, вабо билан курашадиган (дори-дармон ва чоралар).

ПРОТИВОЦЫНГО́ТНЫЙ, -ая, -ое *мед.* цинга касалига қарши, цингани даволайдиган; *қ.* цынга́.

ПРОТИВОЧУ́МНЫЙ, -ая, -ое *мед.* тоғун (қора ўлат)га қарши; **противочу́мная приви́вка** тоғун (ўлат)га қарши эмлаш.

ПРОТИВОЯ́ДИЕ *ср* 1. *мед.* заҳарга қарши дори, зиддн-заҳар; **молоко́ явля́ется противоя́дием при отрав**ле́нии заҳарланганда сут зидди-заҳар ҳисобланади; 2. ‖ ёмон ҳаракатга қарши кўриладиган чоралар.

ПРОТИРА́ТЬ *несов. к.* **протере́ть**

ПРОТИРА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **протере́ться**; 2. артилмоқ, суртилмоқ; 3. қирғичдан ўтказилмоқ.

ПРОТИ́РКА *ж с. т.* 1. *только ед.* протере́ть фе'лининг ҳаракат номи; 2. *махс.* латта, лос, увада (артиш, тозалашга хизмат қиладиган лахтак).

ПРОТИ́РОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* артиш (тозалаш)га хизмат қиладиган; **проти́рочный матери́ал** артиш (тозалаш)га хизмат қиладиган материал.

ПРОТИ́СКАТЬСЯ *сов. с. т.* суқилиб кирмоқ, тиқилиб ўтмоқ; итариб (туртиб) ўтмоқ; **проти́скаться к вы́ходу** итариб-суриб эшик олдига келмоқ.

ПРОТИ́СКИВАТЬ *несов. к.* **проти́снуть**.

ПРОТИ́СКИВАТЬСЯ *несов. с. т.* 1. *к.* **проти́скаться**; 2. итариб (суриб, зўрлаб) киргизилмоқ; суқилмоқ.

ПРОТИ́СНУТЬ *сов. с. т.* итариб (суриб, зўрлаб) суқмоқ, киргизмоқ.

ПРОТИ́СНУТЬСЯ *сов. с. т. к.* **проти́скаться**.

ПРОТИ́СТЫ *мн. (ед.* **проти́ст** *м) биол.* бир ҳужайрали энг оддий организмлар.

ПРОТКА́ТЬ *сов.* 1. қўшиб тўқимоқ, тўқиб чиқмоқ; 2. бирқанча вақтни шундай тўқиш билан ўтказмоқ.

ПРОТКНУ́ТЬ *сов.* санчиб олмоқ, санчиб тешмоқ.

[прото-] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) бош, биринчи, аввалги, ибтидоий, дастлабки деган ма'ноларни ифодалайди, мас., **прототи́п** тимсол, **протоисто́рия** қадимги, бошланғич тарих; 2) *с. т. бегн.* ашадди, ўтакетган, энг ёмон деган ма'ноларни ифодалайди, мас., **протобе́стия** ўтакетган алдоқчи, фирибгар, муттаҳам.

ПРОТОДИА́КОН, ПРОТОДЬЯ́КОН *м черк.* протодиакон, диаконларнинг каттаси (бошлиғи).

ПРОТОЗО́А *ж биол.* протозоа

(энг оддий бирҳужайрали жонли организм).

ПРОТОЗООЛО́ГИЯ *ж* зоология нинг протозоа (энг оддий организм)ларни ўрганадиган бўлими.

ПРОТОИЕРЕ́Й *м черк.* олий мансабли поп.

ПРОТОИСТОРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое протоистóрия *сўз. сиф.*; қадимги, ибтидоий тарих даврига оид.

ПРОТОИСТО́РИЯ *ж* кишилик ҳаётининг тарихдан бурунги даври.

ПРОТО́К *м* 1. дар'ё шохобчаси ҳамда икки сувни бир-бирига туташтирган ирмоқ; 2. *анат.* йўл, томир; слёзный протóк ёш оқиб чиқадиган томир (йўл); жёлчный протóк ўт (зарда) оқиб келадиган томир (йўл).

ПРОТОКО́Л *м* 1. протокол, қарор; вестú протокóл протокол ёзиб турмоқ; протокóл собрáния мажлис протоколи; протокóл опрóса сўроқ протоколи; занестú в протокóл протоколга киргизмоқ, қайд қилиб ўтмоқ; 2. бирор фактни тасдиқлаш учун ма'лум бир мансабдор киши томонидан тузилган протокол; 3. *расм.* протокол (жамоат тартиб-интизомини бузганлик тўғрисида тузилган акт); составúть протокóл на нарушúтеля общéственного порядка жамоат тартиб-интизомини бузганлик тўғрисида протокол тузмоқ; 4. *дипл.* протокол (халқаро конференция қарори).

ПРОТОКОЛИ́РОВАТЬ *сов. и несов.* 1. *расм.* протокол тузмоқ (қарор ёзмоқ); 2. ‖ протокол тузгандек жуда аниқлаб расмий тилда ёзмоқ.

ПРОТОКО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. протокóл *сўз. сиф.*; протоколга оид; протокóльный отдéл протокол бўлими; 2. ‖ протоколчасига, лўнда, аниқ (протокол услубида ёзилган); протокóльная тóчность протоколча аниқлик.

ПРОТОЛКА́ТЬ *сов. с.т.* итариб (суриб, зўрлаб) суқмоқ (киргизмоқ).

ПРОТОЛКА́ТЬСЯ *сов.* 1. *с. т.* итариб-туртиб ўтиб кетмоқ; 2. *содд. манф.* тентираб (санқиб) юрмоқ.

ПРОТОЛКНУ́ТЬ *сов.* 1. итариб сурмоқ, итариб (суриб) ўтказмоқ (киритмоқ); 2. ‖ *с. т.* бирон ишнинг кетишини тезлаштирмоқ, сур'атини оширмоқ; протолкнýть дéло нишни тезлаштирмоқ, илгари сурмоқ.

ПРОТОЛКНУ́ТЬСЯ *сов. с. т.* суқилиб кирмоқ, итариб-туртиниб ўтмоқ (кирмоқ).

ПРОТОМИ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* чарчатмоқ, толдирмоқ, ҳоритмоқ; 2. *махс.* дамлаб пиширмоқ, дамлаб етилтирмоқ (овқатни).

ПРОТОМИ́ТЬСЯ *сов.* 1. *с. т.* чарчамоқ, толиқмоқ, ҳоримоқ; 2. *махс.* дамланиб пишмоқ, дамланиб етилмоқ.

ПРОТО́Н *м физ.* протон (водород атоми ядросининг составига кирадиган мусбат зарядли заррача, шунингдек бу заррача ҳамма атомларнинг составига киради).

ПРОТО́ПАТЬ *сов. с. т.* оёғини тап-тап босиб ўтиб кетмоқ.

ПРОТОПИ́ТЬ I *сов.* 1. яхшилаб ёқиб қўймоқ; протопúть печь печьни яхшилаб ёқиб қўймоқ; 2. бирқанча вақт ёқиб ўтказмоқ.

ПРОТОПИ́ТЬ II *сов.* 1. эритиб олмоқ, куйдириб олмоқ, доғ қилмоқ; хорошó протопúть сáло ёғни яхшилаб доғ қилиб олмоқ; 2. бирқанча вақт эритиб ўтказмоқ.

ПРОТОПИ́ТЬСЯ *сов.* обдан, яхшилаб ёқилмоқ (печь ҳақида).

ПРОТОПЛА́ЗМА *ж биол.* протоплазма (жонивор ва ўсимлик организми ҳужайраларининг энг керакли моддаси; бу модда асосан оқсиллардан иборатдир).

ПРОТОПО́П *м черк. эск. к.* протоиерéй.

ПРОТОПТА́ТЬ *сов.* 1. топтаб битирмоқ, топтаб ташламоқ; босиб из қилмоқ, кўп юриб йўл солмоқ; протоптáть ковёр гиламни топтаб битирмоқ, топтаб из солмоқ; протоптáть тропúнку в снегý қорни топтаб йўл солмоқ; 2. *с. т.* топтаб тўздирмоқ, эскиртмоқ (мас., этикни).

ПРОТОПТА́ТЬСЯ *сов. с. т.* топталмоқ, топталиб йўл бўлиб қолмоқ.

протопчý, протóпчешь *буд. от* протоптáть *(к.)*.

ПРОТОРГОВА́ТЬСЯ *сов. содд.* 1. савдодан знён кўрмоқ, синмоқ;

2. бирқанча вақт савдолашиб (қийишиб) турмоқ.

ПРОТОРЁННЫЙ, -ая, -ое 1. **проторить** фе'лининг сифатдоши: 2. очилган, босиб ўтилган, юрилавериб текис бўлиб кетган; **проторённая** доро́га 1) юрилавериб текис бўлиб кетган йўл; 2) ‖ синалган (босиб ўтилган), ҳаммага ма'лум бўлган йўл; в своём рабо́те он не пошёл по проторённой доро́ге ўз ишида у ҳаммага ма'лум бўлган йўлдан бормади.

ПРОТОРИ́ТЬ *сов.* солмоқ, очмоқ, қатнаб текисламоқ (йўл ҳақида); **проторить доро́гу** 1) қатнаб из солмоқ, йўл очмоқ, қатнайвериб текисламоқ (йўлни); 2) ‖ йўл очиб бермоқ.

ПРОТОРЯ́ТЬ *несов. к.* **проторить**.

ПРОТОТИ́П *м ад.* прототип; тимсол (адабий типларнинг асл манбаи).

ПРОТО́ЧИНА *ж* 1. қурт ёки куя еган жой, тешик; 2. сув тешган жой, ўпқон.

ПРОТОЧИ́ТЬ *сов.* 1. еб (кемириб) тешмоқ (куя, қурт, қўнғизча ҳақида); 2. *махс.* тешмоқ, йўнмоқ (бирор асбоб билан); 3. ўйиб (ўпириб) кетмоқ (сув ҳақида); 4. бирқанча вақтни ўйиш (йўниш) билан ўтказмоқ; бирқанча вақтни чархлаш билан ўтказмоқ.

ПРОТО́ЧНЫЙ, -ая, -ое оқар, оқин оқадиган, оқиб турадиган; **прото́чная вода́** оқар сув; **прото́чный пруд** сув кириб-чиқиб турадиган ҳовуз.

ПРОТРА́ВА *ж махс.* 1. *только ед.* **протравить** I (1, 2, 3-нчи ма'ноларида) фе'лининг ҳаракат номи; **протра́ва семя́н** уруғликни дорилаш; 2. химик препарат: а) бўялган тола, ип ва тўқиманинг бўёғини маҳкамлаш (ўчмайдиган қилиш) учун; б) кўн, юнг ва ёғочни бўяш олдидан ишлов бериш учун; в) бирор нарса едириб нақш солиш учун қўлланилади.

ПРОТРАВИ́ТЕЛЬ *м махс.* 1. химик доривор; 2. уруғликларни дорилайдиган машина.

ПРОТРАВИ́ТЬ I *сов. махс.* 1. едириб ўйма нақш, гул солмоқ; **протравить узо́р на мета́лле** металлга тезоб билан ўйиб нақш солмоқ; 2. доривор билан ишлов бермоқ; **протравить ко́жу** кўнни тезобламоқ; **протравить ткань** бўялган газламанинг бўёғини маҳкамламоқ; 3. дориламоқ; **протравить семена́** уруғликни дориламоқ; 4. бирқанча вақт дорилаб, ишлов бериб ўтказмоқ.

ПРОТРАВИ́ТЬ II *сов. махс.* 1. тозн солиб ов қилганда овни қочириб юбормоқ; **протравить лису́** тулкига тозн солиб олдираолмай қочириб юбормоқ; 2. бирқанча вақт тозн солиб ов қилиб юрмоқ.

ПРОТРА́ВКА *ж мн. нет махс.* 1. едириб, ўйиб нақш солиш; 2. доривор билан ишлов бериш (кўнга, газламага).

ПРОТРА́ВЛИВАНИЕ *ср мн. нет махс.* **протравить** I (1, 2, 3-нчи ма'ноларида) фе'лининг ҳаракат номи; **протра́вливание семя́н** уруғликни дорилаш.

ПРОТРА́ВЛИВАТЕЛЬ *м махс.* = **протравитель** I ва **протра́ва** 2 *(к.)*.

ПРОТРА́ВЛИВАТЬ I *несов. к.* **протравить** I (1, 2, 3-нчи ма'ноларида).

ПРОТРА́ВЛИВАТЬ II *несов. к.* **протравить** II (1-нчи ма'носида).

ПРОТРА́ВЛИВАТЬСЯ I *несов. страд. от* **протра́вливать**; *к.* **протравить** I (1, 2, 3-нчи ма'ноларида).

ПРОТРА́ВЛИВАТЬСЯ II *несов. страд. от* **протра́вливать** II *(к.)*.

ПРОТРАВЛЯ́ТЬ I *несов. к.* **протравить** I ва **протра́вливать** I.

ПРОТРАВЛЯ́ТЬ II *несов. к.* **протравить** II ва **протра́вливать** II.

ПРОТРАВЛЯ́ТЬСЯ I *несов.* = **протра́вливаться** I *(к.)*.

ПРОТРАВЛЯ́ТЬСЯ II *несов.* = **протра́вливаться** II *(к.)*.

ПРОТРАВНО́Й, -ая, -ое *махс.* **протра́ва** 2 *сўз. сиф.*; *к.* **протра́ва** 2.

ПРОТРА́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* дорилашга, дорилаб ишлаб чиқишга оид; **протра́вочная маши́на** дорилаш машинаси.

ПРОТРАНЖИ́РИТЬ *сов. с. т.* исроф қилмоқ, совурмоқ; **протранжи́рить все де́ньги** ҳамма пулларни совуриб битирмоқ.

ПРОТРЕЗВЕ́ТЬ *сов. с. т.* ўзига келмоқ, ҳуш'ёр бўлмоқ (маст одам ҳақида).

ПРОТРЕЗВИ́ТЬ *сов.* ҳушига келтирмоқ, ўзига келтирмоқ (маст одам ҳақида).

ПРОТРЕЗВИ́ТЬСЯ *сов.* ўзига келмоқ, ҳуш'ёр бўлмоқ (маст одам ҳақида).

ПРОТРЕЗВЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. ҳуш'ёр қилиш, ўзига келтириш; 2. ҳуш'ёр бўлиш, ўзига келиш (маст одам ҳақида).

ПРОТРЕЗВЛЯ́ТЬ *несов.* қ. протрезви́ть.

ПРОТРЕЗВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. протрезви́ться; 2. ҳуш'ёр қилинмоқ, ўзига келтирилмоқ.

протру́, протрёшь *буд. от* протере́ть (*қ.*).

ПРОТРУБИ́ТЬ *сов.* 1. карнай (труба) чалмоқ; **протруби́ть подъём** уйғотиш учун карнай (труба) чалмоқ; **протруби́ть зо́рю** тонг карнайи (трубаси)ни чалмоқ; 2. ‖ *собд.* ҳаммага ёймоқ; хабар тарқатмоқ, овоза қилмоқ.

ПРОТРУСИ́ТЬ *сов. с. т.* қ. трусить.

протрушу́, протруси́шь *буд. от* протруси́ть (*қ.*).

ПРОТРЯСТИ́ *сов. с. т.* 1. қ. растрясти́ 4; 2. бир фурсат титратмоқ, қалтиратмоқ; қақшатмоқ.

ПРОТУБЕРА́НЕЦ *м* (*мн.* протуберáнцы) *астр.* протуберанец (қуёш юзида ёниб турган газларнинг баланд кўтарилган алангалари).

ПРОТУХА́ТЬ *несов.* қ. протухнуть.

ПРОТУ́ХНУТЬ *сов.* ҳидланмоқ, сасимоқ, жийимоқ, палагда бўлмоқ; **сáло слегкá протýхло** ёғ бироз ҳидланипти; **ры́ба протýхла** балиқ сасиб қолипти; **яйцó протýхло** тухум палагда бўлипти.

ПРОТУ́ХШИЙ, -ая, -ее ҳидланган, сасиган, жийиган; палагда; **протýхшая ры́ба** сасиган балиқ; **протýхшее яйцó** палагда тухум.

ПРОТЫКА́ТЬ *несов.* қ. проткнýть.

ПРОТЫКА́ТЬСЯ *несов.* санчиб олинмоқ; санчиб тешилмоқ.

ПРОТЯ́ВКАТЬ *сов. с. т.* қ. тя́вкать.

ПРОТЯ́ГИВАТЬ *несов.* қ. протянýть 1, 2, 4, 6; ◇ ***по одёжке протя́гивай но́жки*** *(мақол)* қ. одёжка.

ПРОТЯ́ГИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. протянýться 1, 2, 3; 2. *страд. от* протя́гивать; қ. протянýть 1, 2, 4, 6.

ПРОТЯЖЁНИЕ *ср мн. нет* 1. масофа, кўлам (узунлик, бўй, эн); **учáсток имéет бóльшóе протяжéние в длину́** участка узунасига катта масофага эга; **лес тянýлся вдоль желéзной дорóги на протяжéнии нéскольких киломéтров** ўрмон темир йўл бўйлаб бирнеча километрга чўзилган; 2. давом, мобайн; **на протяжéнии десятилéтия** ўн йил давомида.

ПРОТЯЖЁННОСТЬ *ж. мн. нет* 1. кўлам, бўй, эн, баландлик; **протяжённость—одно́ из свóйств матéрии** материянинг хусусиятларидан бири—кўламга (бўй, эн ва баландликка) эгалигидир; 2. чўзиқлик, узунлик, чўзилганлик; **Сове́тский Сою́з занима́ет пéрвое мéсто по протяжённости свои́х грани́ц** Совет Иттифоқи чегарасининг узунлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради; **протяжённость канáла двéсти киломéтров** каналнинг узунлиги икки юз километрдир.

ПРОТЯ́ЖНО *нареч.* чўзиб, узайтириб (овоз, товуш ҳақида).

ПРОТЯ́ЖНОСТЬ *ж мн. нет* чўзиқлик, узунлик (овоз, товуш ҳақида).

ПРОТЯ́ЖНЫЙ, -ая, -ое узун, чўзиқ, чўзилган; **протя́жный стон** чўзиб-чўзиб инграш; **петь протя́жные пéсни** чўзиб айтиладиган ашула айтмоқ.

ПРОТЯНУ́ТЬ *сов.* 1. чўзмоқ, узатмоқ; **протянýть рýку** қўлини чўзмоқ, қўл узатмоқ; **протянýть но́ги** оёғини узатмоқ (ўтирган ёки ётган ҳолда); 2. тортмоқ, ўтказмоқ; **телефóнную лúнию протянýли на мнóго киломéтров** кўп километр жойга телефон симлари тортдилар; 3. ‖ *с. т.* чўзмоқ, судрамоқ, галга солмоқ; ўтказмоқ; **протянýть врéмя** вақтни чўзмоқ; 4. чўзмоқ, узоқ чўзмоқ; **протянýть но́ту** нотани (оҳангни) узоқ чўзмоқ; 5. *с. т.* яшамоқ, чўзилмоқ, узоққа бормоқ; **больно́й недóлго протя́нет** касал узоқ яша-

майди (узоққа бормайди); 6. *содд.* матбуотда уриб чиқмоқ, қаттиқ танқид қилмоқ; ◊ ***протяну́ть но́ги*** *(с. т.)* ўлмоқ, оёғини узатмоқ.

ПРОТЯНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. чўзилмоқ, узатилмоқ; к нему́ протяну́лись чьй-то ру́ки унга кимдир қўлларини узатди; 2. *с. т.* чўзилмоқ, чўзилиб кетмоқ; доро́га протяну́лась на со́тни киломе́тров йўл юзларча километрга чўзилиб кетган; 3. чўзилмоқ, ясланмоқ, чўзилиб ётмоқ; 4. ‖ *с. т.* чўзилмоқ, давом этмоқ; бесе́да протяну́лась далеко́ за́ полночь суҳбат ярим кечагача давом этди.

ПРОУ́ЛОК *м* (*мн.* проу́лки) *содд.* = переу́лок.

ПРОУ́ЛОЧНЫЙ, -ая, -ое *содд.* проу́лок *сўз. сиф.*; *қ.* проу́лок.

ПРОУ́ЧИВАТЬ *несов.* қ. проучи́ть 1.

ПРОУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* қ. проучи́ться.

ПРОУЧИ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* ўргатиб қўймоқ; адабини (та'зирини) бермоқ; проучи́ть шалуна́ шўх (шум бола)нинг адабини бермоқ; я проучу́ тебя́! адабингни (та'зирингни) бериб қўяман!; 2. ўқиб, ўрганиб ўтирмоқ; ма́льчик весь ве́чер проучи́л уро́ки бола кечаси билан дарсларини ўқиб ўтирди.

ПРОУЧИ́ТЬСЯ *сов.* ўқимоқ, ўқиб юрмоқ; я де́вять лет проучи́лся в э́той шко́ле мен бу мактабда тўққиз йил ўқидим.

[проф-] қўшма сўзларда ишлатиладиган қисқартма бўлиб, қуйидаги ма'ноларни ифодалайди: 1) ҳунармандликка оид; профообразова́ние ҳунармандлик та'лими, ўқитиш; 2) касаба союзига оид; профакти́в касаба союз активи; профделега́т касаба союз делегати; профрабо́та касаба союз ишлари, профсоюз иши.

ПРОФА́Н *м манф.* бирон соҳада ҳечнарсадан хабари йўқ (ҳечнарса билмайдиган) одам; он профа́н в биоло́гии у биологиядан ҳечнарсани билмайди.

ПРОФАНА́ЦИЯ *ж* таҳқирлаш, беҳурмат қилиш, оёқости қилиш (бирор ёдгорлик, билим ва сан'ат асарларини); э́то произведе́ние — профана́ция иску́сства́ бу асар сан'атни таҳқир қилишдир, бу асар — турган-битгани сан'атга беҳурматлик.

ПРОФАНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* таҳқир қилмоқ, беҳурмат қилмоқ, оёқости қилмоқ.

ПРОФАНИ́РОВАТЬСЯ *несов.* таҳқирланмоқ, оёқости қилинмоқ; беҳурмат қилинмоқ.

ПРОФБИЛЕ́Т (профсою́зный биле́т) *м* касаба союз билети, союз билети.

ПРОФЕССИОНА́Л *м* профессионал, бирор ҳунарни ўзига касб қилиб олган ва доим шу касб билан шуғулланиб келган киши.

ПРОФЕССИОНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. касбга оид; профессиона́льные интере́сы касбий манфаатлар; профессиона́льный сою́з касаба союзи; 2. касаба союзига оид; 3. профессионал, касб қилиб олган; профессиона́льный певе́ц профессионал ашулачи (ҳофиз); профессиона́льный революционе́р профессионал революционер.

ПРОФЕ́ССИЯ *ж* касб, ҳунар; вы́бор профе́ссии касб танлаш; он по профе́ссии инжене́р-стройтель касби жиҳатидан у бинокор-инженер; ли́ца свобо́дных профе́ссий *(эск.)* эркин касб кишилари (ёзувчи, рассом ва ш. к. лар).

ПРОФЕ́ССОР *м* (*мн.* профессора́) профессор.

ПРОФЕ́ССОРСКИЙ, -ая, -ое 1. профе́ссор *сўз. сиф.*; профессорга, профессорликка оид; 2. *сущ.* профе́ссорская *ж* профессорлар хонаси (олий ўқув юртларида ўқитучилар дам оладиган хона).

ПРОФЕ́ССОРСТВО *ср мн. нет* профессорлик.

ПРОФЕ́ССОРСТВОВАТЬ *несов.* профессорлик қилмоқ, олий ўқув юртларида дарс бериб турмоқ (ўқитмоқ).

ПРОФЕССУ́РА *ж* 1. профессорлик унвони ва мансаби; получи́ть профессу́ру профессорлик мансабига қўйилмоқ; профессор унвони берилмоқ; 2. *собир.* профессорлар, профессорлар состави.

ПРОФИЛА́КТИКА *ж мн. нет* профилактика (1. *махс.* касалликлар-

нинг олдини олиш ва соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш тадбирлари; 2. *тех.* машина, асбоб ва ускуналарни бузилишдан сақлаш йўлида олдан кўриладиган чоралар).

ПРОФИЛАКТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое профила́ктика *сўз. сиф.*; профилактик, олдини олиш тадбирлари; профилакти́ческие мероприя́тия по борьбе́ с инфекцио́нными заболева́ниями *(мед.)* юқумли касалликларнинг олдини олиш тадбирлари; профилакти́ческие мероприя́тия по борьбе́ с вреди́телями и боле́знями хлопча́тника *(махс.)* ғўзага зарар етказучи зараркунандаларни йўқотиш ва ғўза касалликларининг олдини олиш чоралари; профилакти́ческий ремо́нт станко́в *(тех.)* станокларнинг профилактик ремонт.

ПРОФИЛАКТО́РИЙ *м* профилакторий (1. *мед.* даво ва профилактика ишлари олиб боручи муассаса; 2. *тех.* машиналарни профилактикадан, профилактик ремонтдан ўтказадиган жой).

ПРОФИЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. махс.* профилламоқ, қиялаб (ёнлаб) текисламоқ; профили́ровать железнодоро́жный путь темир йўл четларини қиялаб текисламоқ.

ПРОФИЛИ́РОВАТЬСЯ *несов. махс.* қиялаб (ёнлаб) текисланмоқ, текислаб қўйилмоқ.

ПРО́ФИЛЬ *м* 1. профиль; ён томон, ён томондан кўриниш; сни́мок в про́филь ён томондан олинган расм; про́филь лица́ юзнинг ёндан кўриниши; 2. *махс.* профиль; бир нарсанинг вертикал кесилган умумий кўриниши; про́филь маши́ны машинанинг профили; про́филь зда́ния бинонинг профили; про́филь доро́ги йўлнинг кўндалангига тик кесилган кўриниши; про́филь ста́ли пўлатнинг кўндаланг кесилган кўриниши; поперечное сече́ние каранда́ша и́меет шестигра́нный про́филь қўндаланг кесилган қаламнинг профили олти қиррали бўлади; 3. *махс.* ихтисос, мутахассислик, касб; у них про́филь инжене́ра - металлу́рга уларнинг ихтисоси металлург-инженер.

ПРО́ФИЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* профиль 2 *сўз. сиф.*; профильга, умумий кўринишга оид.

ПРОФИЛЬТРОВА́ТЬ *сов.* сузмоқ, фильтрдан ўтказмоқ; профильтрова́ть во́ду сувни фильтрдан ўтказмоқ (сузмоқ).

ПРОФИЛЬТРО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* профильтрова́ть.

ПРОФИЛЬТРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* сузилмоқ, фильтрдан (сузгичдан) ўтказилмоқ.

ПРОФИНТИ́ТЬ *сов. с. т.* беҳудага сарф қилиб битирмоқ, совурмоқ, исроф қилмоқ.

профинчу́, профинти́шь *буд. от* профинти́ть *(қ.).*

ПРОФИ́Т *м вск.* фойда, ҳаён, текин даромад, меҳнатсиз топилган пул.

ПРОФКО́М (профсою́зный комите́т) *м* профком (касаба союзи комитети).

ПРОФКО́МОВСКИЙ, -ая, -ое профко́м *сўз. сиф.*; профкомга, касаба союзи комитетига оид.

ПРОФО́РГ (профсою́зный организа́тор) *м* профорг (касаба союзи ташкилотчиси).

ПРОФОРГАНИЗА́ЦИЯ (профсою́зная организа́ция) *ж* профорганизация (касаба союзи ташкилоти).

ПРОФО́РМА *ж с. т. манф.* расмият учун, кўринишга, юзаки; соблюсти́ профо́рму расмиятни бажо келтириш; сде́лать что-н. для ра́ди профо́рмы бирор ишни расмият учун қилмоқ.

ПРОФРАБО́ТА (профсою́зная рабо́та) *ж мн. нет* касаба союз иши.

ПРОФРАБО́ТНИК (профсою́зный рабо́тник) *м* касаба союз ходими.

ПРОФСОБРА́НИЕ (профсою́зное собра́ние) *ср* касаба союз мажлиси.

ПРОФСОЮ́З (профессиона́льный сою́з) *м* профсоюз (касаба союзи); сове́тские профсою́зы—шко́ла коммуни́зма совет касаба союзлари — коммунизм мактабидир.

ПРОФСОЮ́ЗНЫЙ, -ая, -ое профсою́з *сўз. сиф.*; профсоюзга, касаба союзига оид; профсою́зный биле́т касаба союз билети; профсою́зное

собра́ние касзба союз мажлиси. йиғилиши.

ПРОХА́ЖИВАТЬСЯ *несов. к.* пройти́сь.

ПРОХВАТИ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* тегмоқ, қаттиқ та'сир қилмоқ (мас., совуқ, шамол); 2. *собд.* қопиб (тишлаб) узиб олмоқ; 3. ‖ *собд.* танқид қилмоқ, уриб чиқмоқ.

ПРОХВА́ТЫВАТЬ *несов. к.* прохвати́ть.

прохвачу́, прохва́тишь *буд. от* прохвати́ть *(к.).*

ПРОХВОРА́ТЬ *сов. с. т.* касал бўлиб қолмоқ, касал ётмоқ, оғримоқ.

ПРОХВО́СТ *м с. т.* аблаҳ, разил, муттаҳам.

ПРОХЛА́ДА *ж мн. нет* салқинлик, шабада; пове́яло **прохла́дой** салқин шабада эсди; **вече́рняя прохла́да** кечқурунги салқинлик.

ПРОХЛА́ДЕЦ *м*, **ПРОХЛА́ДЦА** *ж*: **с прохла́дцем, с прохла́дцей** *(с. т.)* шошмасдан, жонини қийнамасдан; **он рабо́тал с прохла́дцей** у жонини қийнамай, секин ўз ҳолига ишлади.

ПРОХЛАДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое совуқ; совутадиган, салқин; **прохлади́тельные напи́тки** совуқ ичимликлар.

ПРОХЛАДИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* салқинламоқ, шабадаламоқ, тоза ҳаво олмоқ.

ПРОХЛА́ДНЫЙ, -ая, -ое 1. совуқ, салқин; **прохла́дное у́тро** салқин эрта; 2. *безл. в знач. сказ.* совуқ; **сего́дня прохла́дно** бугун ҳаво совуқ; **мне прохла́дно в э́том пальто́** бу пальтода мен совуқ еяпман; 3. ‖ *с. т.* совуқлик; **у них прохла́дные отноше́ния** уларнинг ораларига совуқлик тушди.

ПРОХЛА́ДЦА *ж к.* прохла́дец.

ПРОХЛАЖДА́ТЬСЯ *несов. с. т.* 1. *к.* прохлади́ться; 2. ‖ ялло қилиб юрмоқ; бекор юрмоқ; 3. ‖ бирор ишни имиллаб, сусткашлик билан бажармоқ, эриниб (истар-истамас) қимирламоқ.

ПРОХЛО́ПАТЬ *сов. собд.* фурсатни бой бермоқ, оғиз очиб қолмоқ, пайтдан фойдаланаолмай қолмоқ.

ПРОХЛО́ПЫВАТЬ *несов. к.* прохло́пать.

ПРОХО́Д *м* 1. *только ед.* ўтиш, йўл; **проход через мост закры́т** кўприкдан ўтиш ман' қилинган; **прохо́да нет** йўл йўқ; **прохо́да нет** *(от кого́-н.) с. т.* ўтгани қўймайди, йўл бермайди, тинч қўймайди; 2. дара; **го́рный прохо́д** дара, тоғ оралиғидан ўтадиган тор йўл; **у́зкий прохо́д** тор йўлак; **кры́тый прохо́д** бостирма тагидан ўтадиган йўл; ◊ **не дава́ть прохо́да** *(кому́-н.) с. т.* тинчлик бермай қўймоқ, безовта қилавермоқ, ёпишиб олмоқ; **за́дний прохо́д** *(анат.)* орқа йўл (кўтан).

ПРОХОДИ́МЕЦ *м* (*мн.* **проходи́мцы**) *нафр.* фирибгар, қаллоб, муттаҳам, пасткаш.

ПРОХОДИ́МОСТЬ *ж мн. нет* 1. *махс.* ўтиб бўлишлик, ўтиш мумкинлик; **проходи́мость боло́т** ботқоқликдан ўтиб бўлишлик, ўтиш мумкинлик; 2. *мед.* ўтказаолишлик, ўтказиш қобилияти; **плоха́я проходи́мость кишо́к** ичакларнинг ўтказиш қобилиятининг ёмонлиги; 3. *махс.* ўтаолишлик, юраолишлик; **проходи́мость автомаши́н** автомашиналарнинг йўлдаги тўсиқлардан ўтаолишлиги, ёмон йўлларда юраолиш қобилияти.

ПРОХОДИ́МЫЙ, -ая, -ое *махс.* ўтиб бўладиган, юриб бўладиган; **проходи́мое боло́то** ўтиб бўладиган (юриб бўладиган) ботқоқ.

ПРОХОДИ́ТЬ I *несов.* 1. *к.* пройти́ (7-нчи ма'носидан бошқа ҳамма ма'ноларида); 2. ўтмоқ, кесиб ўтмоқ; **доро́га проходи́т по ле́су** йўл ўрмон ичидан ўтади.

ПРОХОДИ́ТЬ II *несов.* юрмоқ, юриб чиқмоқ; **он весь день проходи́л по дела́м** у куни бўйи турли иш билан юрди.

ПРОХО́ДКА *ж мн. нет махс.* проходка, кавлаб бориш; **прохо́дка** шахт шахталарни кавлаб бориш; **прохо́дка тунне́лей метро́** метро тунельларини кавлаб бориш.

ПРОХОДНО́Й, -а́я, -о́е ўткин, ўтиладиган, ўрта йўлак; **проходно́й** двор ўрта ҳовли; **проходна́я ко́мна-**

та ўрта уй, ўртахона; босиб ўтиладиган хона; **проходна́я бу́дка** ўтиб кириш будкаси (завод, фабрика ва ш. к. ларга кираверишдаги будка); ◇ ***проходна́я пе́шка*** йўли очиқ пиёда (шахматда).

ПРОХО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое *махс.* **прохо́дка** *сўз. сиф.*; кавлаб бориш-га, кавлаб киришга оид; **прохо́дческие рабо́ты** проходка ишлари; **прохо́дческий комба́йн** проходкачи комбайн (ўзи кавлаб, ўзи ағдариб, ўзи йиғиб боручи комбайн).

ПРОХО́ДЧИК *м кон.* проходкачи (фойдали қазилмаларни кавлаб чиқариб туручи мутахассис ишчи); **брига́да прохо́дчиков** проходкачилар бригадаси.

ПРОХОЖДЕ́НИЕ *ср мн. нет* **пройти́** (1, 2, 4, 9, 10, 11, 12, 13, 14-нчи ма'ноларида) фе'лининг ҳаракат номи; ўтиш, юриш; **прохожде́ние во́инской слу́жбы** ҳарбий хизматдан ўтиш, ҳарбий хизматни адо этиб келиш.

ПРОХО́ЖИЙ, -ая, -ее 1. ўткинчи, йўловчи; **прохо́жие лю́ди** ўткинчи (йўловчи) кишилар; 2. *сущ.* **прохо́жий** *м* ўткинчи эркак киши; **прохо́жая** *ж* ўткинчи аёл.

прохожу́ I, **прохо́дишь** *наст. от* **проходи́ть** I (*қ.*).

прохожу́ II, **прохо́дишь** *буд. от* **проходи́ть** II (*қ.*).

ПРОХУДИ́ТЬСЯ *сов. содд.* эскирмоқ, йиртилмоқ.

ПРОЦВЕТА́НИЕ *ср мн. нет* гуллаш, яшнаш, тараққий қилиш, ривожланиш; **социали́зм — э́то мир и процвета́ние наро́дов** социализм — бу тинчлик ва халқларнинг яйраб-яшнашидир; **бу́дем неуста́нно боро́ться за дальне́йший подъём и процвета́ние колхо́зного стро́я** колхоз тузумининг яна кўтарилиши ва тараққий қилиши учун тинмай курашамиз.

ПРОЦВЕТА́ТЬ *несов.* гулламоқ, яшнамоқ, тараққий қилмоқ, равнақ топмоқ; **в СССР процвета́ют са́мые переды́вые в ми́ре нау́ка, литерату́ра и иску́сство СССРда дун'ёда энг илғор фан, адабиёт ва сан'ат гулламоқда.**

ПРОЦЕДИ́ТЬ *сов.* сузмоқ, сузгичдан ўтказмоқ; **процеди́ть во́ду через ма́рлю** сувни докадан ўтказиб, сузиб олмоқ; ◇ ***процеди́ть сквозь зу́бы*** (*с. т.*) тишини қисиб, гердайиб гапирмоқ.

ПРОЦЕДУ́РА *ж* 1. процедура; бажариладиган иш тартиби, расмий маросим; **процеду́ра подписа́ния соглаше́ния** битимни имзолашнинг расмий маросими; **суде́бная процеду́ра** судда иш кўришнинг расмий тартиби; 2. *мед.* процедура (даволаш тадбирлари).

ПРОЦЕДУ́РНЫЙ, -ая, -ое процеду́ра *сўз. сиф.*; 1. турли процедуралларга оид; 2. *мед.* процедуралар қиладиган (жой); **процеду́рный кабине́т** процедуралар қилиш кабинети.

ПРОЦЕ́ЖИВАТЬ *несов. қ.* **процеди́ть.**

ПРОЦЕ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* сузилмоқ, сузгичдан ўтказилмоқ

процежу́, проце́дишь *буд. от* **процеди́ть** (*қ.*).

ПРОЦЕ́НТ *м* 1. *мат.* процент; **просты́е проце́нты** оддий процентлар; **сло́жные проце́нты** мураккаб процентлар; **пра́вило проце́нтов** процентлар қоидаси; 2. процент, фоиз (соннинг юздан бир ҳиссаси); **вы́полнить план на 100 проце́нтов** планни 100 процент бажармоқ; 3. процент, фойда, ўсим; кўшим; даромад; **по вкла́дам, внесённым в сберега́тельные ка́ссы, вкла́дчикам выпла́чивается дохо́д в ви́де проце́нтов** омонат кассаларга пул қўювчиларнинг пулига процент ўсиб, пул эгаларига даромад келтиради; 4. процентбай, процент ҳисобига; **рабо́тать на проце́нтах** қилинган иш суммасидан ма'лум процент ҳисобида ҳақ олиб ишлаш; ◇ ***на (все) сто проце́нтов*** (*с. т.*) тўла юз процент (ҳеч кам-кўсти йўқ).

ПРОЦЕ́НТНЫЙ, -ая, -ое *махс.* 1. проце́нт *сўз. сиф.*; процентли; **проце́нтное отноше́ние** (*мат.*) процентли нисбат; **проце́нтная надба́вка** процентли устама; 2. процентли, фойда келтирадиган; **проце́нтные бума́ги** процентли қоғозлар (сақловчига процент ҳисобида даромад келти-

радиган давлат томонидан чиқарилган қийматли қоғозлар — акциялар); процéнтный заём процентли заём.

ПРОЦЕ́СС *м* 1. процесс, жараён (бирор ҳодисанинг ривожланиб бориши, бирор нарсанинг ривожланишидаги ҳолатларнинг изчиллик билан алмашиб туриши); жи́зненные проце́ссы ҳаёт процесслари; процéсс мы́шления тафаккур процесси; процéсс разви́тия расте́ний ўсимликларнинг ривожланиш процесслари; хими́ческий процéсс химик процесс; 2. бирор нарсани тайёрлашда кетма-кет қилинадиган ишларнинг жам'и ва тартиби; произво́дственный процéсс ишлабчиқариш процесси; процéсс ухо́да за хлопча́тником ғўзани парваришлаш ишлари (ғўза парваришида кетма-кет бажариладиган ишлар); 3. *мед.* касалликнинг ривожланиши, зўрайиши; процéсс в лёгких ўпкадаги касалликнинг зўрайиши; 4. *юр.* процесс, суд иши, судда иш кўрилиши, судлик иш; уголо́вный процéсс жиноий процесс; гражда́нский процéсс граждан процесси; показа́тельный процéсс очиқ суд; бракоразво́дный процéсс талоқ (қўйди-чиқди) процесси; вести с кем-н. процéсс бирор киши билан судлашиш; вы́играть процéсс судда ютиб чиқмоқ.

ПРОЦЕ́ССИЯ *ж* маросим; похоро́нная процéссия кўмиш маросими.

ПРОЦЕССУА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *юр.* процéсс 4 сўз. *сиф.*; процесса (суд ишига) оид; уголо́вный процессуа́льный ко́декс жиноий ишлар юритиш қонуни; гражда́нский процессуа́льный ко́декс граждан-лик ишлар юритиш қонуни.

ПРОЦИТИ́РОВАТЬ *сов.* цитата келтирмоқ, цитата олмоқ.

прочёл, прочла́ *прош. от* прочéсть *(к.)*.

ПРОЧЁРКИВАТЬ *несов. к.* прочеркну́ть.

ПРОЧЕРКНУ́ТЬ *сов.* чизиб қўймоқ, чизиқ тортмоқ; прочеркну́ть графу́ в анке́те анкетадаги графага чизиқ тортиб қўймоқ.

ПРОЧЕРТИ́ТЬ *сов.* 1. чизиқ чизмоқ, чизиқ тортмоқ; прочерти́ть прямо́ю ли́нию тўғри чизиқ чизмоқ, тўғри чизиқ тортмоқ; 2. бирқанча вақт чизиқ чизиб ўтирмоқ, чизмакашлик билан шуғулланмоқ; 3. ‖ ёруғ чизиқ чизиб ўтмоқ, ёруғ из қолдириб ўтмоқ; лучи́ прожéктора прочерти́ли тёмное не́бо прожектор нурлари қоронғи кечада осмонда тарам-тарам бўлиб кўринди.

ПРОЧЁРЧИВАТЬ *несов. к.* прочерти́ть 1.

ПРОЧЁРЧИВАТЬСЯ *несов.* чизилмоқ, чизиқ тортилмоқ.

прочерчу́, прочёртишь *буд. от* прочерти́ть *(к.)*.

ПРОЧЕСА́ТЬ *сов.* 1. титмоқ, тарамоқ; прочеса́ть лён зигирпоя толасини титмоқ, титиб-тараб йигиришга тайёрламоқ; 2. *махс.* титиб-тараб бўлмоқ; 3. ‖ *харб.* тараб чиқмоқ, тароқлаб чиқмоқ, оралаб чиқмоқ, тозалаб чиқмоқ; пехо́та прочеса́ла лес пиёда аскарлар ўрмонни оралаб (тароқлаб) чиқишди (душмандан тозалаш учун).

ПРОЧЕ́СТЬ *сов.* ўқиб чиқмоқ, ўқиб бермоқ, ўқиб бўлмоқ; я с большим интере́сом прочёл твоё письмо́ мен сенинг хатингни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим; он прочёл мне свой стихи́ у менга ўзининг ше'рларини ўқиб берди.

ПРОЧЁСЫВАТЬ *несов. к.* прочеса́ть 1, 3.

ПРОЧЁСЫВАТЬСЯ *несов.* тараллмоқ, тараб қўйилмоқ.

прочешу́, прочёшешь *буд. от* прочеса́ть *(к.)*.

ПРО́ЧИЙ, -ая, -ее 1. бошқа, қолмиши; про́чие лю́ди бошқалар, қолмишлари; 2. *сущ.* про́чий *м*, про́чее *ср* бошқа, ўзга, гайри; он не в приме́р про́чим старе́телен у бошқаларга қараганда тиришқоқ; ◇ *и про́чее (и пр.)* ва бошқалар (ва бш.); *ме́жду про́чим к.* ме́жду; *поми́мо всего́ про́чего* бундан бўлак, булардан ташқари.

ПРОЧИ́СТИТЬ *сов.* 1. тозаламоқ, ичини тозаламоқ; прочи́стить трубу́ труба (мўри)нинг ичини тозаламоқ; прочи́стить желу́док *(мед.)* сурги қилмоқ, ични тозаламоқ; 2. бирқанча вақт тозалаш билан банд бўлмоқ.

ПРОЧИ́СТКА *ж мн. нет с. т.* тозала́ш, ичини тозалаш.

ПРОЧИТА́ТЬ *сов.* 1. ўқимоқ, ўқиб бермоқ, ўқиб чиқмоқ; **прочита́ть объявле́ние э'лонни** ўқиб бўлмоқ; **прочита́ть кни́гу** китобни ўқиб чиқмоқ; 2. ўқиб ўтирмоқ, ўқиб чиқмоқ; **он прочита́л всю ночь у тун бўйи** ўқиб чиқди.

ПРОЧИ́ТЫВАТЬ *несов. с. т.* ўқиб бормоқ; ўқиб турмоқ.

ПРОЧИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* ўқилмоқ, ўқиб чиқилмоқ, ўқиб турилмоқ.

ПРО́ЧИТЬ *несов.* 1. мўлжалламоқ, атаб қўймоқ, кўзлаб қўймоқ; **его́ про́чат в председа́тели** уни раисликка мўлжаллашмоқда; 2. башорат қилмоқ, олддан айтиб қўймоқ; **все про́чили ему́ блестя́щее бу́дущее** ҳамма унинг келажаги порлоқ бўлар деб башорат қиларди.

ПРОЧИЩА́ТЬ *несов.* қ. **прочи́стить** 1.

ПРОЧИЩА́ТЬСЯ *несов.* тозаланмоқ, ичи тозаланмоқ.

прочи́щу, прочи́стишь *буд. от* **прочи́стить** *(қ.).*

ПРОЧНЕ́ТЬ *несов.* маҳкамланмоқ, тобора маҳкамланиб бормоқ, борган сари мустаҳкамланмоқ.

ПРО́ЧНО *нареч.* мустаҳкам, маҳкамлаб, мустаҳкам қилиб, пухта равишда, пишиқлаб; **про́чно сколоти́ть до́ски** тахталарни мустаҳкамлаб қоқмоқ.

ПРО́ЧНОСТЬ *ж мн. нет* 1. пишиқлик, маҳкамлик, мустаҳкамлик, чидамлилик, бардошлилик; **ткань высо́кой про́чности** жуда чидамли, пишиқ газлама; **про́чность сооруже́ния** иншоотнинг мустаҳкамлиги; **про́чность на изги́б** *(махс.)* эгилишга бардошлилик; 2. ‖ пухталик; **про́чность запомина́ния** эсда сақлашнинг пухталиги; **„Война́ явилась суро́вой прове́ркой сил и про́чности сове́тского стро́я** (Сталин) „Уруш совет тузумининг кучи ва мустаҳкамлигини синашда шиддатли имтиҳон бўлди" (Сталин).

ПРО́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. маҳкам, мустаҳкам, пишиқ, чидамли, бардошли; айнимайдиган, ўчмайдиган; **про́чный мост** мустаҳкам кўприк; **про́чная ткань** пишиқ газлама; **про́чная кра́ска** ўчмайдиган, айнимайдиган бўёқ, ранг; 2. ‖ пухта, ишончли, бардошли; **про́чные зна́ния** пухта билим (ма'лумот); **про́чный мир** мустаҳкам тинчлик.

ПРОЧТЕ́НИЕ *ср мн. нет* ўқиб чиқиш; **по прочте́нии кни́гу** возвратите ўқиб чиққандан кейин китобни қайтаринг (қайтиб беринг).

прочту́, прочтёшь *буд. от* **прочесть** *(қ.).*

ПРОЧУ́ВСТВЕННЫЙ = **прочу́вствованный** 2 *(қ.).*

ПРОЧУ́ВСТВОВАННЫЙ, -ая, -ое 1. **прочу́вствовать фе'лининг** сифатдоши; 2. ҳиссиётга тўлган, зўр ҳаяжон билан, самимиятли, самимий; **прочу́вствованная речь** ҳаяжонланиб сўзланган сўз, нутқ; **прочу́вствованные слова́** чуқур кўнгилдан чиқариб айтилган сўз, ма'нодор сўз (панд-насиҳат).

ПРОЧУ́ВСТВОВАТЬ *сов.* 1. чуқур англамоқ, фаҳмламоқ, идрок қилмоқ, сезмоқ, ҳис қилмоқ; 2. бошдан кечирмоқ, тотмоқ, кўрмоқ.

ПРОЧЬ 1. *нареч.* четга, варига; **уйти́ прочь** четга чиқмоқ, нарига кетмоқ; **отбро́сить прочь** улоқтириб ташламоқ, нарига отмоқ; 2. *межд.* йўқол, кет, наритр; **прочь отсю́да!** йўқол бу ердан!; **прочь с доро́ги!** йўлни бўшат, йўлдан четга чиқ!; **прочь с глаз мои́х!** кўзимдан йўқол!; ◊ **ру́ки прочь!** *(от кого́-чего́-н.)* қ. рука́; **не прочь** *(с. т. в знач. сказ.)* йўқ демайди, қарши эмас, рози, жон деб турипти; **я не прочь** уёхать мен кетишга қарши эмасман.

ПРОШЕ́ДШИЙ, -ая, -ее 1. **пройти́** фе'лининг сифатдоши; 2. ўтган, ўтиб кетган, бўлиб ўтган; **прошедшим ле́том** мы бы́ли на Кавка́зе ўтган ёзда биз Кавказда бўлдик; 3. *сущ.* **прошедшее** *ср мн. нет* ўтмиш, кечмиш; ◊ **прошедшее вре́мя** *(грам.)* ўтган замон.

прошёй *пов. накл. от* **прошить** *(қ.).*

прошёл, прошла́ *прош. от* **пройти́** *(қ.).*

ПРОШЕ́НИЕ *ср эск.* илтимоснома, арзнома; **пода́ть проше́ние** илтимоснома бермоқ.

ПРОШЕПТА́ТЬ *сов.* пичирлаб айт-

моқ, шивирламоқ, қулоғига айтмоқ.

прошепчу́, прошепчешь *буд. от* прошепта́ть *(қ.)*.

ПРОШЕ́СТВИЕ: по прошествии ўтиши билан, тугаши билан, ўтгандан кейин, ўтгач; **по прошествии трёх лет** уч йил ўтгандан кейин, уч йил ўтгач; **по прошествии сро́ка** муддати тугаши билан, муддати ўтгандан кейин.

ПРОШИБА́ТЬ *несов. қ.* прошиби́ть.

ПРОШИБИ́ТЬ *сов. сотд.* 1. уриб синдирмоқ, уриб тешмоқ; 2. та'сир этмоқ, кор қилмоқ; **его́ пот проши́б** уни тер босди; у терлаб кетди; **слеза́ проши́бла** *(кого́-н.)* кўзидан ёш чиқиб кетди; ◇ ***лбом сте́ну не прошибёшь*** *(матал)* бош билан уриб деворни йиқитиб бўлмайди [бажарилиб (қилиб) бўлмайдиган иш ҳақида].

ПРОШИВА́ТЬ *несов. қ.* проши́ть 1, 2, 3.

ПРОШИВА́ТЬСЯ *несов.* 1. тикилмоқ, тикиб қўйилмоқ; 2. *тех.* металлга тешиклар тешилмоқ.

ПРОШИ́ВКА *ж* 1. *только ед.* проши́ть 1, 2, 3 фе'лининг ҳаракат номи; 2. орасига солинган (орасига солиб тикилган) тўр; 3. *тех.* металл тешадиган асбоб.

ПРОШИВНО́Й, -ая, -ое *махс.* 1. тикма, тикилган; **прошивна́я подо́шва** тикма тагчарм; 2. тўр тутилган, тўр тутилиб бежалган.

ПРОШИ́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* проши́вка 1, 2, 3 *сўз. сиф.*; прошивка ишлари билан шуғулланадиган; прошивкабоп материал (мас., тўр); **проши́вочный цех** тикиб беручи, тикиб тайёрловчи цех; **проши́вочный стано́к** прошивка қиладиган станок (дастгоҳ).

ПРОШИПЕ́ТЬ *сов.* пишилламоқ, вишилламоқ, вижилламоқ, шувилламоқ.

ПРОШИ́ТЬ *сов.* 1. тикмоқ, тикиб чиқмоқ; **проши́ть подо́шву** тагчармни икки сўзанлаб тикиб чиқмоқ; 2. тикиб қўймоқ; **проши́ть рукава́** енгларини тикиб қўймоқ, кийимнинг енгларини ўтказмоқ; 3. *тех.* металлга тешиклар тешмоқ; 4. тикиб ўтирмоқ; **проши́ть до ве́чера** кечгача тикиб ўтирмоқ.

ПРОШЛОГО́ДНИЙ, -яя, -ее ўтган йилги, бултурги; ◇ ***как прошлогодний снег*** *(с. т.)* бултурги қордай (кераксиз, аҳамиятсиз нарса тўғрисида айтилади).

ПРО́ШЛЫЙ, -ая, -ое 1. ўтган, ўтиб кетган; **в про́шлом году́** бултур, ўтган йили; **на про́шлой неде́ле** ўтган ҳафтада; 2. *сущ.* про́шлое *ср. мн. нет* ўтмиш, мозий; **в недале́ком про́шлом** яқин ўтмишда; **вспомина́ть геройческое про́шлое своего́ народа́** ўз халқининг қаҳрамонлик билан тўлган ўтмишини эсга олмоқ; ◇ ***де́ло про́шлое*** ўтган иш, энди аҳамияти йўқолган иш (ўтган ишга салавот); ***стоя́ти́ в про́шлое*** қолиб кетмоқ, оёқдан қолмоқ, орадан чиқмоқ (урф-одат ва ш. к.).

ПРОШМЫГИВАТЬ *несов. қ.* прошмыгну́ть.

ПРОШМЫГНУ́ТЬ *сов. с. т.* лип этиб ўтиб кетмоқ, лип этиб кириб олмоқ, сездирмай кириб кетмоқ; **прошмыгну́ть во двор** лип этиб ҳовлига кириб кетмоқ; **мышь прошмыгну́ла за шкаф** сичқон лип этиб шкаф орқасига кириб кетди.

ПРОШНУРОВА́ТЬ *сов.* 1. шнурлаб қўймоқ, ип ўтказиб боғлаб қўймоқ; **прошнурова́ть бухга́лтерские кни́ги** бухгалтерия дафтарларини ип (шнур) ўтказиб боғлаб қўймоқ.

ПРОШНУРО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* прошнурова́ть.

ПРОШНУРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* шнурланмоқ, ип ўтказилиб боғланмоқ.

ПРОШПАКЛЕВА́ТЬ *сов. махс.* бўяш (сирлаш) дан олдин замазка суртиб текислаб (ямаб) чиқмоқ, шпаклёвка суртмоқ; **прошпаклева́ть сте́ны** деворларнинг ёриқ-тешикларини ямаб чиқмоқ.

ПРОШПАКЛЁВЫВАТЬ *несов. қ.* прошпаклева́ть.

ПРОШПАКЛЁВЫВАТЬСЯ *несов.* шпаклёвка қилинмоқ, шпаклёвка суртиб текисланмоқ.

ПРОШПИГОВА́ТЬ *сов.* гўшт оралариға ёғ, саримсоқ тиқиб (ўтказиб) қўймоқ.

ПРОШПИГО́ВЫВАТЬ *несов. к.* прошпиговáть.

ПРОШПИГО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* гўшт ораларига ёғ, саримсоқ тиқиб (ўтқазиб) қўйилмоқ.

ПРОШТО́ПАТЬ *сов. с. т.* 1. тўқиб ямамоқ (мас., пайпоқни); 2. ямаб турмоқ, ямаб бирқанча вақтни ўтказмоқ.

ПРОШТО́ПЫВАТЬ *несов. к.* прошто́пать.

ПРОШТО́ПЫВАТЬСЯ *несов.* тўқиб ямалмоқ, ямалиб қолмоқ.

ПРОШТРА́ФИТЬСЯ *сов. содд.* хато қилмоқ, айбга қолмоқ, гуноҳкор бўлмоқ.

ПРОШТУДИ́РОВАТЬ *сов.* диққат қилиб (синчиклаб) ўқиб чиқмоқ, синчиклаб ўрганиб (кўриб) чиқмоқ; **прошту́дировать статью́** мақолани диққат қилиб ўқиб чиқмоқ.

ПРОШТУКАТУ́РИТЬ *сов.* 1. сувамоқ, суваб чиқмоқ, суваб қўймоқ; **прошту́катурить потоло́к** шипни суваб чиқмоқ; 2. суваб турмоқ, бирқанча вақт сувоқ иши билан шуғулланмоқ.

прошу́, **про́сишь** *наст. от* проси́ть (*к.*).

ПРОШУМЕ́ТЬ *сов.* 1. *к.* шуме́ть; 2. ‖ донги кетмоқ, шуҳрати тарқалмоқ, овозаси кетмоқ.

ПРОЩА́Й, ПРОЩА́ЙТЕ 1. *пов. накл. от* проща́ть (*к.*); 2. *межд* хайр!, хайр-ма'зур!, соғ бўлинг!, яхши қолинг!; алвидо!

ПРОЩА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое хайрлашувга оид; хайрлашув; **прощáльный приве́т** хайралашув саломи; **прощáльный конце́рт** хайрлашув концерти.

ПРОЩА́НИЕ *ср* хайрлашув, видолашув; ◇ *на прощáние* хайрлашиш олдидан; **сказа́ть что-н. на прощáние** хайрлашув олдидан бирор сўз айтмоқ, нутқ сўзламоқ.

ПРОЩА́ТЬ *несов. к.* простúть 1, 2.

ПРОЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* простúться ва попрощáться; 2. *страд. от* проща́ть (*к.*).

ПРО́ЩЕ 1. прост*о́*й I (1—6-нчи ма'ноларида) *сўз. қиёс. дар.*; соддароқ, осонроқ, жўнроқ; предло́женная ва́ми систе́ма гора́здо про́ще сиз таклиф қилган система анча жўн, осонроқ; про́ще всего́... энг осони...; 2. про́сто I *сўз қиёс. дар.*; соддароқ; **он смо́трит на э́то де́ло про́ще** бу ишни у осон деб қарайди (ўйлайди).

ПРОЩЕЛЫ́ГА *м и эк содд. сўк.* шаллақи, фирибгар, алдоқчи, муттаҳам, аблаҳ, муғомбир.

ПРОЩЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* кечириш, афв этиш, гуноҳидан ўтиш; **прощéние обúд** хафаликни (қилмишини) кечириш; 2. *только ед.* кечиб юбориш; **прощéние до́лга** қарзини кечиб юбориш; 3. кечириш, афв; **проси́ть прощéния** кечирим (афв) сўрамоқ; **заслужи́ть прощéние** ма'зур бўлмоқ, кечиришга сазовор бўлмоқ. ◇ **прошу́ прощéния** (*эск.*) хайр, ма'зур кўрадилар.

прошу́, **прости́шь** *буд. от* прости́ть (*к.*).

ПРОЩУ́ПАТЬ *сов.* 1. *махс.* пайпаслаб кўрмоқ, пайпаслаб топмоқ; 2. ‖ синаб текшириб билмоқ, текшириб кўрмоқ.

ПРОЩУ́ПАТЬСЯ *сов. билинмоқ*, сезилмоқ (пайпаслаб, ушлаб кўрганда қўлга сезилмоқ).

ПРОЩУ́ПЫВАТЬ *несов. к.* прощýпать.

ПРОЩУ́ПЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* прощýпаться; 2. сезилмоқ, билинмоқ; **о́пухоль пло́хо прощу́пывается** шиш ушлаб кўрганда унча сезилмайди.

ПРОЭКЗАМЕНОВА́ТЬ *сов.* имтиҳон қилмоқ, имтиҳон олмоқ, синовдан ўтказмоқ; **проэкзаменовáть студе́нта** студентни имтиҳон қилмоқ.

ПРОЭКЗАМЕНОВА́ТЬСЯ *сов.* имтиҳондан ўтмоқ.

ПРОЯВИ́ТЕЛЬ *м фото.* проявитель (сурат олинган пластинка, плёнкани очадиган, очилтирадиган дори).

ПРОЯВИ́ТЬ *сов.* 1. кўрсатмоқ, намоён қилмоқ; **проявúть забо́ту** ғамхўрлик кўрсатмоқ; **проявúть геро́йзм** қаҳрамонлик кўрсатмоқ; **проявúть себя́** ўзини кўрсатмоқ; **проявúть себя́ на рабо́те** ишда ўзини кўрсатмоқ; **проявúть свои́ зна́ния** ўзининг билимдонлигини кўрсатмоқ; **„Кра́сная Армия в боя́х за Ро́дину**

проявйла беспримéрное геройство" (Сталин) „Қизил Армия Ватан учун олиб борилган жангларда мисли кўрилмаган қаҳрамонлик кўрсатди" (Сталин); 2. *фото.* очмоқ, дорига (проявительга) солиб чиқармоқ (кўринадиган қилмоқ); **проявйть** пластúнку фотопластинкани проявительга солиб чиқармоқ.

ПРОЯВЙТЬСЯ *сов.* 1. кўринмоқ, намоён бўлмоқ, пайдо бўлмоқ; **у ребёнка проявúлись бóльшие** музыкáльные **способности** болада музикага зўр қобилият борлиги кўринди; **у негó проявúлся интерéс к** исслéдовательской рабóте унда тадқиқодчилик (илмий текшириш) ишларига қизиқиш пайдо бўлди; 2. *фото.* очилмоқ, кўринадиган бўлмоқ (проявительга солингандан кейин); **снúмок хорошó проявúлся** олинган расм яхши очилипти (яхши чиқипти).

ПРОЯВЛЁНИЕ *ср* 1. кўрсатиш, кўрсатилиш; **э́то проявлéние забóты трóнуло** меня бундай ғамхўрлик кўрсатилиши менга жуда та'сир қилди; 2. *только ед. фото.* очиш, кўринадиган қилиш; **проявлéние негатúвов** негативларни кўринадиган қилиш.

ПРОЯВЛЯ́ТЬ *несов. к.* **проявúть**; **сове́тское правúтельство проявля́ет исключúтельную забóту о** подраста́ющем поколéнии совет ҳукумати ўсиб келаётган авлодга ҳаддан ташқари ғамхўрлик кўрсатмоқда; **наро́ды СССР всегда́ проявля́ли готóвность** жить в мúре и дрýжбе **с** сосéдними **государствами** совет халқлари кўшни давлатлар билан тинчлик ва дўстликда яшашга тайёр эканликларини ҳамиша кўрсатиб келмоқдалар.

ПРОЯВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **проявúться**; 2. *страд. от* **проявля́ть** *(к.)*.

ПРОЯСНЁНИЕ *ср мн. нет* 1. очилиш, ёришиш, ойдинлашиш; **прояснéние пого́ды** ҳавонинг очилиши; 2. аниқланиш, равшанланиш (мас., фикрда).

ПРОЯ́СНЕТЬ *сов. с.т.* 1. очилмоқ, ёришмоқ, ойдинлашмоқ, равшанлашмоқ; **нéбо проя́снело** осмон ёришди; 2. *безл.* очилмоқ, ёришмоқ; **к вéчеру проя́снело** кечга яқин ҳаво очилиб қолди.

ПРОЯСНЁТЬ *сов.* равшанлашмоқ, очилмоқ, ойдинлашмоқ; **мы́сли проясне́ли** фикрлар ойдинлашди; **взор проясне́л** кўзи равшанлашди; **лицó проясне́ло** чеҳраси очилди.

ПРОЯ́СНИВАТЬ *несов. с.т. к.* **проя́снеть** 2.

ПРОЯ́СНИВАТЬСЯ *несов. с.т. к.* **проя́снúться**.

ПРОЯСНИ́ТЬ *сов.* 1. яққоллаштирмоқ, равшан қилмоқ; **проясни́ть** конту́ры **на** рисýнке *(махс.)* расмдаги шаклларнинг ташқи чизиқларини яққоллаштирмоқ; 2. *содд.* аниқлаштирмоқ; **проясни́ть** дéло ишни аниқлаштирмоқ.

ПРОЯ́СНИТЬСЯ *сов. с.т.* = **проя́снеть** *(к.)*.

ПРОЯСНИ́ТЬСЯ *сов.* 1. яққоллашмоқ, аниқ кўринмоқ; 2. ‖ очилмоқ, равшанлашмоқ; **лицó проясни́лось** чеҳра очилди; **мы́сли проясни́лись** фикрлар равшанлашди; 3. ‖ аниқлашмоқ, ойдинлашмоқ; **дéло проясни́лось** иш аниқлашди (ойдинлашди); 4. очилмоқ, ёришмоқ; **нéбо проясни́лось** ҳаво очилди, осмон ёришиб қолди.

ПРОЯСНЯ́ТЬ *несов. к.* **проясни́ть**.

ПРОЯСНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **проясни́ться**; 2. *страд. от* **проясня́ть** *(к.)*.

пру, **прёшь**, **прёт** *наст. от* **пере́ть** *(к.)*.

ПРУД *м* (*мн.* **пруды́**) ҳовуз, ҳавза; сунъий кўл; **стройтельство** прудóв **и** водоёмов ҳовузлар ва сув омборлари қуриш.

ПРУДИ́ТЬ *несов.* дам қилмоқ, сувни бўғмоқ; ◇ ***хоть пруд пруди́*** *(с. т.)* сероб, беҳисоб, жуда кўп, мўл-кўл.

ПРУДОВИ́К *м зоол.* шиллиқ.

ПРУДОВО́Й, **-áя**, **-óе** *махс.* **пруд** *сўз. сиф.*; ҳовузга оид; **прудова́я** ры́ба ҳовуз (кўл) балиғи; **прудова́я** вода́ ҳовуз суви.

ПРУЖИ́НА *ж* 1. пружина; **часова́я пружи́на** соат пружинаси; **боева́я пружи́на** *(харб.)* боевой пружина; **спусковáя пружи́на** тепки пружинаси; 2. ‖ бирор ишда ҳаракатлантируучи куч; **он явля́ется** глáв-

ной пружи́ной э́того де́ла у бу ишни юргизиб туручи асосий кучдир.

ПРУЖИ́НИТЬ *несов. махс.* пружинадек бўлиб (йигилиб-чўзилиб) турмоқ; пружи́нить мы́шцы мушакларни йигиб-чўзиб турмоқ; рессо́ры хорошо́ пружи́нят рессорлар яхши пружиналаниб (тебраниб) туради.

ПРУЖИ́НИТЬСЯ *несов. махс.* пружиналанмоқ, чўзилиб-йигилиб турмоқ.

ПРУЖИ́ННЫЙ, -ая, -ое пружи́на 1 *сўз. сиф.*: пружинага оид; пружинали: пружи́нный матра́ц пружинали тўшак.

пружу́, пруди́шь *наст. от* **пруди́ть** *(қ.)*.

ПРУС *м зоол.* чигирткасимон ҳашарот.

ПРУСА́К *м* қизил суварак.

ПРУССА́К *м қ.* **пруссаки́**.

ПРУССАКИ́ *мн. (ед.* **пруссак** *м)* пруссияликлар, Пруссияда яшовчи ёки Пруссияда тугилган немислар.

ПРУ́ССКИЙ, -ая, -ое пруссаки́ ва Пру́ссия *сўз. сиф.*; пруссияликларга ва Пруссияга оид.

ПРУТ *м* (*мн.* пру́тья) 1. хивич, хипчин, чивиқ, новда; ивовый прут тол хивичи; истак, новда; плести́ корзи́ну из пру́тьев новдадан сават тўқимоқ; 2. сим чивиқ; желе́зный прут сим чивиқ; металли́ческий прут металл сим.

ПРУ́ТИК *м* **прут** *сўз. кичр. айт.*; хивичча, чивиқча.

ПРУТКО́ВЫЙ, -ая, -ое: **пруто́вое желе́зо** *(тех.)* хивичсимон темир (сим).

ПРУТО́К = **пру́тик** *(қ.)*.

ПРУ́ТЬЯ *мн. қ.* прут.

ПРЫГ *в знач. сказ. с. т.* сакраб, сапчиб, ирғиб, лип этиб; ко́шка ему́ прыг на коле́ни мушук сапчиб унинг тиззасига чиқиб олди.

ПРЫ́ГАЛКА = **скака́лка** *(қ.)*.

ПРЫ́ГАТЬ *несов.* 1. сакрамоқ, иргимоқ, ҳатламоқ; пры́гать через верёвочку арқондан ирғиб-ирғиб ўтиб ўйнамоқ; пры́гать через кана́ву ариқдан ҳатлаб ўтмоқ; 2. *с. т.* сапчимоқ; чиқмоқ; мяч хорошо́ пры́гает коптоқ яхши сапчияпти (чиқяпти); 3. ‖ *с. т.* ўйнамоқ; у него́ се́рдце пры́гает от ра́дости шодликдан унинг юраги ўйнаяпти.

ПРЫ́ГНУТЬ *сов.* ҳатлаб ўтмоқ, сакраб тушмоқ; пры́гнуть через ры́ик ариқдан ҳатлаб ўтмоқ; пры́гнуть с кры́ши томдан сакраб тушмоқ.

ПРЫГУ́Н *м* 1. сакровчи, ирғучи (спортчи ҳақида); 2. *с. т.* шумтака, тек турмас, жим турмас.

ПРЫГУ́НЬЯ *ж с. т. қ.* прыгу́н 2.

ПРЫЖО́К *м* (*мн.* прыжки́) сакраш, ирғиш, сапчиш; прыжо́к с парашю́том парашют билан сакраб тушиш; прыжо́к в длину́ узунасига сакраш; прыжо́к в высоту́ баландликка сакраш; прыжо́к с разбе́га югуриб келиб сакраш; одни́м прыжко́м он вскочи́л в ваго́н у бир сакрашда вагонга чиқиб олди.

ПРЫ́СКАТЬ *несов. с. т. қ.* пры́снуть 1, 2; пры́скать цветы́ водо́й гулга сув пуркамоқ.

ПРЫ́СКАТЬСЯ *несов. с. т.* ўзига сепмоқ, ўзига пуркамоқ; пры́скаться духа́ми ўзига атир сепмоқ.

ПРЫ́СНУТЬ *сов.* 1. *с. т.* пуркаб (сепиб) қўймоқ; пры́снуть одеколо́ном атир сепиб қўймоқ; 2. ‖ пирқиллаб (пирқ этиб) кулиб юборморқ; пры́снуть со́ смеху пирқ этиб қиқиллаб кулмоқ; **он так и пры́снул!** у пирқ этиб кулиб юборди; 3. *содд.* отилиб чиқмоқ, орқасига қарамай қочиб кетмоқ; **за́яц пры́снул из ро́щи** дарахтзордан қуён отилиб чиқди.

ПРЫ́ТКИЙ, -ая, -ое пры́ток, прытка́, пры́тко *с. т.* чаққон, ҳаракатчан, эпчил, ўйноқи; пры́ткий ма́льчик чаққон бола; я́щерица пры́ткая *(зоол.)* токилон.

ПРЫТКОСТЬ *ж мн. нет с. т.* чаққонлик, ҳаракатчанлик, эпчиллик, ўйноқилик.

ПРЫТЬ *ж мн. нет с. т.* 1. тезлик, илдамлик, шитоб; бежа́ть во всю прыть шитоб билан (бор кучи билан) чопмоқ; 2. чаққонлик, ўктамлик, эпчиллик; я не ожида́л от тебя́ тако́й пры́ти мен сендан бундай эпчилликни кутмаган эдим; отку́да

у него́ така́я прыть! қаердан у бунча чаққон бўлиб қолипти!

ПРЫЩ *м* ғудда, ҳуснбузар; иссиқлик; **лицо́ в прыща́х** ҳуснбузар тошган юз.

ПРЫЩА́ВЫЙ, -ая, -ое *с. т.* ғуддали, серғудда, ҳуснбузар босган; **прыща́вое лицо́** ҳуснбузар тошган юз.

ПРЫЩИК *м* **прыщ** *сўз. кичр. айт.*; ғуддача, майда ғудда (ҳуснбузар).

ПРЯ́ДАТЬ *несов. эск. маҳл.* питилламоқ, питир-питир қилмоқ, ўйнатмоқ; **пря́дать уша́ми** қулоқларини диккайтирмоқ (ўйнатмоқ).

ПРЯДЕ́НИЕ *ср мн. нет* йигириш, ип йигириш; **ручно́е пряде́ние** қўлда йигириш; **маши́нное пряде́ние** машинада йигириш.

ПРЯ́ДЕНЫЙ, -ая, -ое йигирилган; **пря́деная шерсть** йигирилган юнг.

прядёт I *наст. от* **прясть** I (*қ.*).

прядёт II *наст. от* **прясть** II (*қ.*).

ПРЯДИ́ЛЬНО-ТКА́ЦКИЙ, -ая, -ое йигириш-тўқишга оид; **прядильно-ткáцкая фáбрика** йигириш-тўқиш фабрикаси.

ПРЯДИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* **пряде́ние** *сўз. соф.*; йигиришга оид; **прядильная фáбрика** йигириш фабрикаси; **прядильный цех** йигириш цехи; **прядильная маши́на** йигириш машинаси; **прядильные расте́ния** толали ўсимликлар, тола берадиган ўсимликлар.

ПРЯДИ́ЛЬНЯ *ж* йигириш ишхонаси, йигириш фабрикаси ёки йигириш цехи.

ПРЯДИ́ЛЬЩИК *м махс.* йигиручи, йигирувчи ишчи.

ПРЯДИ́ЛЬЩИЦА *ж қ.* **прядильщик**.

ПРЯ́ДКА *ж с. т.* **прядь** *сўз. кичр. айт.*; кичкина тутам; **пря́дка воло́с** бир тутам соч.

пряду́, прядёшь, пряду́т *наст. от* **прясть** I (*қ.*).

ПРЯДЬ *ж* 1. тутам, кокил; 2. *махс.* бир ўрим арқон.

ПРЯ́ЖА *ж мн. нет* ип, калава, йигирилган ип; **шерстяна́я пря́жа** юнг ип, юнгдан йигирилган ип; **бума́жная пря́жа** пахта ип, пахтадан йигирилган ип.

ПРЯ́ЖКА *ж* тўқа; **пря́жка на по́ясе** камар тўқаси.

прял, пряла́ I *прош. от* **прясть** I (*қ.*).

прял, пряла́ II *прош. от* **прясть** II (*қ.*).

ПРЯ́ЛКА *ж* прялка (ип йигирадиган оёқ чархи).

ПРЯМЁХОНЬКО *нареч. с. т.* тўппа-тўғри.

ПРЯМИЗНА́ *ж мн. нет* тўғрилик; **прямизна́ ли́нии** чизиқнинг тўғрилиги.

ПРЯМИКО́М *нареч. с. т.* тўғри, тўғридан-тўғри йўл билан; **идти́ прямико́м** тўғри йўл билан бормоқ; **е́хать прямико́м** тўғридан ҳайдаб бормоқ.

ПРЯ́МО *нареч.* 1. тўғри, ростлаб; **держа́ться пря́мо** қаддини ростлаб тўғри тутмоқ; 2. тўғри, тўппа-тўғри; **идите́ пря́мо, пото́м сверни́те напра́во** тўппа-тўғри боринг, кейин ўнгга бурилинг; 3. тўппа-тўғри, тўғридан-тўғри, бевосита; **приступи́ть пря́мо к де́лу** бевосита ишга киришмоқ; **идти́ пря́мо к це́ли** тўғридан-тўғри мақсадга бормоқ; **я его́ напра́влю пря́мо к вам** мен уни тўппа-тўғри сизга юбораман; 4. ‖ тўппа-тўғри, очиқдан-очиқ; тўғрисини, очиғини; **сказа́ть пря́мо, не скрыва́я** яширмасдан тўғрисини (очиғини) айтмоқ; **бу́дем говори́ть пря́мо** очиқ гаплашайлик; 5. *с. т.* ҳақиқатан, дарҳақиқат, чиндан, мутлақо, тамоман; **он пря́мо геро́й** у ҳақиқатан қаҳрамон, **я пря́мо поражён** мен тамоман ҳайрон қолдим; **я пря́мо не зна́ю, что мне де́лать** мен мутлақо нима қилишимни билмай қолдим; **их интере́сы пря́мо противополо́жны** уларнинг манфаатлари тамоман бир-бирига қарама-қарши; 6. *с. т.* тўппа-тўғри, худди, нақ, қоқ; **сесть пря́мо на зе́млю** тўппа тўғри ерга ўтирмоқ; **лечь пря́мо на снег** нақ қорга ётмоқ; **попа́сть пря́мо в цель** қоқ нишонга тегизмоқ; **смотре́ть пря́мо в глаза́** *(кому́-н.)* тўппа-тўғри кўзига қарамоқ; ◇ ***пря́мо-таки*** *(с. т.)* чиндан ҳам, ҳақиқатан, мутлақо.

[прямо-] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, „тўғри" деган маънони ифодалайди, мас., **прямокры́лый** тўғриқанотли, **прямослóйный** тўғриқатламли ва ш. к.

ПРЯМОДУ́ШИЕ *ср мн. нет* тўғри (оқ, очиқ) кўнгиллилик, софдиллик; тўғрилик, самимийлик.

ПРЯМОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое оққўнгилли, софдилли, тўғри (оқ, самимий, очиқ) кўнгилли; **прямоду́шный человéк** софдил одам; **прямоду́шный ответ** самимий жавоб.

ПРЯМÓЙ, -áя, -óе 1. тўғри, тўппа-тўғри; **прямáя лúния** тўғри чизиқ; **прямáя ýлица** тўппа-тўғри кўча; 2. тўппа-тўғри (тўхтамай), бевосита; **прямóе сообщéние** тўғри борадиган; **пóезд прямóго сообщéния** тўғри борадиган (пересадкасиз) поезд; **говорúть по прямóму прóводу** телефон орқали бевосита (тўппа-тўғри) сўзлашмоқ; 3. тўғри, бевосита; **прямы́е вы́боры** тўғри сайловлар; **прямóй налóг** тўғри солиқ; **по прямóму указáнию** бевосита кўрсатиши бўйича; **прямóе послéдствие** бевосита натижа; **прямóе доказáтельство** тўғри далил; **э́то являéтся вáшей прямóй обя́занностью** бу бевосита сизнинг вазифангиздир; 4. ‖ очиқ, ошкора, рўйирост, тўғридан-тўғри; 5. ‖ тўғри, ростгўй, дангал; **прямóй человéк** тўғри (ростгўй) одам; **прямóй отвéт** тўғри, дангал жавоб; 6. *с. т.* ҳақиқий, очиқ кўриниб турган, муқаррар; **прямóй убы́ток** муқаррар зиён; **прямáя вы́года** кўриниб турган фойда; 7. тўғри; **прямáя пропóрциональность** *(мат.)* тўғри пропорционаллик; 8. *сущ.* **прямáя** *ж* тўғри чизиқ; **провести́ прямýю** тўғри чизиқ чизмоқ (ўтказмоқ); **тóчка пересечéния прямы́х** тўғри чизиқларнинг кесишиб ўтиш нуқтаси; **расстоя́ние по прямóй** тўғри чизиқ бўйича икки оралиқдаги масофа; ◇ ***прямóй у́гол*** *(мат.)* тўғри бурчак; ***прямáя речь*** *(грам.)* кўчирма гап; ***прямóе дополнéние*** *(грам.)* воситасиз тўлдируви; ***прямóй потóмок*** бевосита авлод; ***прямóй наслéдник*** бевосита меросхўр; ***прямáя лúния родствá*** отадан ўғилга, ўғилдан неварага кетган қариндошлик; ***прямáя дорóга (прямóй путь)*** тўғри йўл; ***в прямóм смы́сле слóва*** том маъноси билан, ҳақиқатан, чиндан; ***бить прямóй наводкóй*** қ. **наво́дка** 1; ***прямóй пробóр*** тўғри очилган фарқ (соч фарқи); ***прямáя кúшка*** *(анат.)* тўғри ичак.

ПРЯМОКРЫ́ЛЫЙ, -ая, -ое 1. тўғриқанотли; прямокры́лое насекóмое тўғриқанотли ҳашарот; 2. *сущ.* **прямокры́лые** *мн. (ед.* **прямокры́лое** *ср) зоол.* тўғриқанотлилар (чигиртка, темирчак, суварак каби ҳашаротлар).

ПРЯМОЛИНЕ́ЙНОСТЬ *ж мн. нет* 1. тўғрилик; 2. ‖ очиқлик, дангаллик; **он отве́тил с прису́щей ему́ прямолине́йностью** у ўзига хос дангаллик билан жавоб берди.

ПРЯМОЛИНЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое 1. тўғри чизиқли, тўғри чизиқ бўйлаб тўғри; прямолинéйное движéние тўғри чизиқли, тўғри чизиқ бўйлаб қилинган ҳаракат; 2. ‖ тўғри, очиқ, бегараз, ростгўй; прямолинéйный постýпок бегараз қилинган иш.

ПРЯМОСЛО́ЙНЫЙ, -ая, -ое *махс.* тўғриқатламли, тўғри қаватланган.

ПРЯМОТА́ *ж мн. нет* тўғрилик, ростлик, ростгўйлик, самимийлик.

ПРЯМОУГО́ЛЬНИК *м мат.* тўғрибурчак.

ПРЯМОУГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *мат.* тўғри бурчакли; **прямоугóльный треугóльник** тўғри бурчакли учбурчак.

ПРЯ́НИК *м* пряник (ширин кулча).

ПРЯ́НИЧНЫЙ, -ая, -ое 1. пряник қиладиган; пря́ничный цех пряник тайёрлайдиган (пиширадиган) цех; 2. турли шаклда пряникдан тайёрланадиган; пря́ничный петушóк хўроз шаклида пиширилган пряник, хўроз пряник.

ПРЯ́НОСТЬ *ж* 1. *только ед.* зиравор, доривор; 2. маза бериш ва хушбўй қилиш учун овқатга солинадиган нарсалар; к пря́ностям отно́сятся горчúца, корúца, пéрец и т. д. зираворга горчица, долчин, мурч ва ш. к. лар киради.

ПРЯ́НУТЬ *сов. эск. маҳ.* қ. **прядать**.

ПРЯ́НЫЙ, -ая, -ое ўткир, хушбўй; пря́ный вкус ўткир (иштаҳани

очадиган) та'м (маза); **пря́ный за́пах** ўткир хушбўй ҳид; **пря́ный арома́т цвето́в** гулларнинг ўткир хушбўй ҳиди.

ПРЯ́СЛО *ср. мах.* 1. панжара оралиги (панжаранинг икки устун орасидаги қисми); 2. сўри, сукинчак (ғалла боғларини қуритиш учун пастак устунлар устига поялар солиб қурилган сукинчак).

ПРЯСТЬ I *несов.* йигирмоқ; **прясть на маши́не** машинада йигирмоқ; **прясть пря́жу ип** йигирмоқ.

ПРЯСТЬ II *несов.*: **прясть уша́ми** қулоқларини диккайтирмоқ; **ло́шадь прядёт уша́ми** от қулоқларини диккайтираётир.

ПРЯ́СТЬСЯ *несов.* йигирилмоқ.

ПРЯ́ТАТЬ *несов.* 1. яширмоқ, бекитмоқ, қочирмоқ; 2. ‖ яширмоқ, сир тутмоқ, сездирмасликка (ошкор этмасликка, билдирмасликка) уринмоқ; **пря́тать свой мы́сли** ўз фикрларини яширмоқ; **пря́тать улы́бку** илжайишини яширмоқ, кулгисини бекитмоқ; ◇ ***пря́тать концы́ = хорони́ть концы́***; қ. **коне́ц**.

ПРЯ́ТАТЬСЯ *несов.* 1. бекинмоқ, яширинмоқ, қочмоқ; 2. *с. т.* яширмоқ, очиғини айтмаслик; **не пря́чься**, говори́ прямо яширма, тўғрисини айт; 3. ‖ *с. т.* ётиб олмоқ, қорасини кўрсатмаслик; 4. *страд. от* **пря́тать** (қ.).

ПРЯ́ТКИ *мн., ед. нет* бекинмачоқ; ◇ ***игра́ть в пря́тки*** қ. **игра́ть**.

ПРЯ́ХА *ж* ип йигирувчи, чархчи аёл.

пря́чу, пря́чешь *наст. от* **пря́тать** (қ.).

ПСАЛО́М *м* (*мн.* **пса́лмы**) *черк.* забурга кирган (забурдан олинган) диний оят (кўшиқ).

ПСАЛО́МЩИК *м черк.* диний оятлар ўқучи (куйловчи) киши.

ПСАЛТЫ́РЬ *ж черк.* забур (христианларнинг диний китоби).

ПСА́РНЫЙ, -ая, -ое *эск.* **псарня́ сўз. сиф.**; **псарно́й двор** қ. **псарня́**.

ПСА́РНЯ *ж эск.* итхона (овчи итлар боқиладиган жой).

ПСАРЬ *м эск.* итбоқар, овчи итларни боқучи (парвариш қилучи) сакбон.

[**псевдо-**] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, „ёлғон, сохта" маъноларини ифодалайди; **псевдонаро́дный** сохта халқчил; **псевдоиску́сство** сохта сан'ат.

ПСЕВДОКЛАССИЦИ́ЗМ *м мн. нет ад. қ.* **ложноклассици́зм**.

ПСЕВДОКЛАССИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *ад.* **псевдоклассици́зм сўз. сиф.**; қ. **псевдоклассици́зм**.

ПСЕВДОНАУ́КА *ж мн. нет* сохта фан.

ПСЕВДОНАУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое **псевдонау́ка сўз. сиф.**; сохта фанга оид; сохта илмий; **э́та статья́ написа́на псевдонау́чным языко́м** бу мақола сохта илмий тилда ёзилган.

ПСЕВДОНИ́М *м* тахаллус, лақаб, ширин ном; **„Макси́м Го́рький" — псевдони́м А. М. Пе́шкова** „Максим Горький" — А. М. Пешковнинг тахаллусидир.

ПСЕВДОУЧЁНЫЙ *м* сохта олим; **буржуа́зные псевдоучёные** буржуа сохта олимлари.

ПСИ́НА *ж мн. нет с. т.* 1. ит гўшти; 2. ит ҳиди, ит юнигининг иси; **па́хнет пси́ной** ит ҳиди келяпти; 3. **пси́на** *м* и *ж* жуда катта ит.

ПСИ́НЫЙ, -ая, -ое *содд.* пёс ва **пси́на сўз. сиф.**; итга оид.

ПСИХ *м содд. манф.* жинни, телба, эсар, савдойи (руҳий касал).

ПСИХАСТЕ́НИК *м мед.* психастеник (психастения, руҳий касал билан огриган киши)

ПСИХАСТЕ́НИЯ *ж мн. нет мед.* психастения; ваҳима касали (доим қўрқиш, ўзига ишонмаслик, мияси ҳамма вақт бўлмағур ўй-фикр, хаёл билан бандлик касали).

ПСИХИА́ТР *м* психиатр (психиатрия касалликларини боқучи мутахассис, руҳий касалликлар доктори, врачи).

ПСИХИАТРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **психиатри́я** ва **психиа́тр сўз. сиф.**; психиатрияга ва психиатрга оид; **психиатри́ческая лечёбница** руҳий касаллар шифохонаси (жиннихона).

ПСИХИАТРИ́Я *ж мн. нет мед.* психиатрия (медицинанинг руҳий ка-

салликларни ўрганиш ва уларни даволаш бўлими).

ПСИ́ХИКА *ж мн. нет* 1. психика (онгда об'ектив воқи'ликнинг акс этишидан ҳосил бўлган руҳий кечирмалар йиғиндиси); 2. психика (руҳий ҳолат); **здоро́вая пси́хика** соғлом психика; **больна́я пси́хика** соғлом бўлмаган психика.

ПСИХИ́ЧЕСКИ *нареч.* психик (руҳий) жиҳатдан, руҳан; **он психи́чески ненорма́лен** у психик жиҳатдан нормал (соғлом) эмас.

ПСИХИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **пси́хика** *сўз. соф.*; психик, руҳий; **психи́ческое расстро́йство** руҳий изтироб; **психи́ческий больно́й** руҳий касал; **психи́ческое возде́йствие** руҳий жиҳатдан та'сир қилиш; **психи́ческое состоя́ние** психик (руҳий) ҳолат; ◊ ***психи́ческая ата́ка*** *(ҳарб.)* руҳий атака (душманга руҳий та'сир этиш учун қилинган ҳужум).

[психо-] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, психик (руҳий) деган ма'нони ифодалайди, мас., **психопатоло́гия** руҳий касалликлар тўғрисидаги умумий та'лимот; **психотерапи́я** руҳий та'сир қилиш, даволаш; **психофизиоло́гия** психология фанининг руҳий ва жисмоний процессларнинг бир-бирига муносабатини ўрганиш бўлими.

ПСИХОВА́ТЬ *несов. сопд. манф.* жиннилик қилмоқ, жинни киши сингари тўполон қилмоқ, ўзини жинниликкa солмоқ.

ПСИХО́З *м мед.* психоз, психик касаллик, руҳий касаллик, жиннилик, савдойилик, эсини йўқотиш; ◊ ***воённый психо́з*** уруш васвасаси.

ПСИХО́ЛОГ *м* 1. психолог (психология олими, психология фани мутахассиси); 2. психология ўқитучиси; 3. ‖ одам аҳвол-руҳиясини яхши билучи киши, руҳшунос.

ПСИХОЛО́ГИЗМ *м мн. нет* 1. *филос.* психологизм (барча философияларнинг асоси суб'ектив психология деб ҳисобловчи, фанга хилоф суб'ектив-идеалистик философиянинг бир тури); 2. руҳий ҳолат; кечирмаларни чуқур тасвирлаш; **психологи́зм в литерату́ре** адабиётда руҳий кечирмаларни чуқур тасвирлаш.

ПСИХОЛОГИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая -ое психологи́зм *сўз. соф.*; психологизмга оид; *қ.* психологизм.

ПСИХОЛОГИ́ЧЕСКИ *нареч.* психология жиҳатидан, психологик жиҳатдан.

ПСИХОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. психоло́гия *сўз. соф.*; психологик, руҳий; **психологи́ческий проце́сс** психологик процесс; **психологи́ческая де́ятельность** руҳий фаолият; 2. *ад.* психологик; **психологи́ческий рома́н** психологик роман.

ПСИХОЛО́ГИЯ *ж мн. нет* 1. психология (руҳий фаолиятнинг қонунияти, эволюцияси ва формалари ҳақидаги фан); 2. психология (бирор фаолиятга боғлиқ бўлган психологик процессларнинг жам'и); **психоло́гия тво́рчества** ижодиёт психологияси; 3. психология (психика, руҳ, аҳвол-руҳия, руҳий ҳолат); **психоло́гия ли́чности** шахсий психология; **де́тская психоло́гия** бола психологияси.

ПСИХОПА́Т *м* психопат, жинни, савдойи, телба, девона.

ПСИХОПАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **психопа́т** *сўз. соф.*; психопатга оид.

ПСИХОПА́ТИЯ *ж мн. нет* жиннилик, девоналик, савдойилик, телбалик.

ПСИХОПА́ТКА *ж қ.* **психопа́т**.

ПСИХОПАТО́ЛОГ *м* психопатолог (психопатология мутахассиси).

ПСИХОПАТОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. психопатоло́гия *сўз. соф.*; психопатологияга (руҳий касалликларга) оид; психопатологик; **психопатологи́ческое иссле́дование** психопатологик текшириш; 2. жинни табиат, савдойинамо, телбагез, жинни, телба, савдойи.

ПСИХОПАТОЛО́ГИЯ *ж мн. нет мед.* психопатология (руҳий касалликларни ўрганиш ва даволаш ҳақидаги та'лимот).

ПСИХОТЕРАПЕ́ВТ *м* психотерапевт (психотерапия мутахассиси, врач).

ПСИХОТЕРАПЕВТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **психотерапи́я** ва **психотерапе́вт** *сўз. соф.*; психотерапияга ва психотерапевтга оид.

ПСИХОТЕРАПИ́Я *ж мн. нет мед.* психотерапия (руҳий та'сир қи-

лиш, руҳини кўтариш, ишонтириш, гипноз қилиш йўли билан даволаш усули).

ПСИХРО́МЕТР *м физ.* психрометр (ҳавонинг намлигини ўлчайдиган асбоб).

ПСО́ВЫЙ, -ая, -ое: **псо́вая охо́та** ит билан ов қилиш.

ПСЫ *мн. к.* пёс.

ПТА́ШЕЧКА *ж* **пта́шка** *сўз. кичр.* ва *эркл. айт.*; қушчагина, паррандачагина.

ПТА́ШКА *ж с. т. поэз.* қушча, қичкина парранда; ◇ ***ра́неная пта́шка*** *(с. т.)* саҳархез, эрта турадиган (одам).

ПТЕНЕ́Ц *м* (*мн.* **птенцы́**) қуш боласи, жўжа; **выводи́ть птенцо́в** бола очмоқ, жўжа чиқармоқ.

ПТЕ́НЧИК *м* **птене́ц** *сўз. кичр.* ва *эркл. айт.*; қуш болачаси, жўжача.

ПТИ́ЦА *ж* 1. қуш, парранда; **пе́вчие пти́цы** сайроқи қушлар; **хи́щная пти́ца** йиртқич қуш; **ло́вчие пти́цы** ов қушлари; **водопла́вающая** (**водяна́я**) **пти́ца** сув қушлари; **домаш́няя пти́ца** *(собир.)* уй паррандалари; 2. ‖ *кест. с. т.* одам, киши, зот, инсон; **ва́жная пти́ца** му'табар зот; **не велика́ пти́ца** э'тиборсиз зот (одам); **что за пти́ца?** қанақа инсон (одам) ўзи?; ◇ ***во́льная пти́ца*** *к.* **во́льный**; ***стре́ляная (обстре́ленная) пти́ца*** *(с. т.)* тажрибали, кўпни кўрган одам, туллак.

ПТИЦЕВО́Д *м* паррандачи, паррандачилик билан шуғулланучи одам; паррандачилик мутахассиси.

ПТИЦЕВО́ДСТВО *ср мн. нет* паррандачилик.

ПТИЦЕВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое **птицево́дство** *сўз. сиф.*; паррандачиликка оид; **птицево́дческий совхо́з** паррандачилик совхози.

ПТИЦЕЛО́В *м эск.* қуш тутучи, сайроқи қушлар тутиш билан шуғулланучи киши.

ПТИЦЕОТКО́РМОЧНЫЙ, -ая, -ое *к. х.* парранда боқадиган (семиртирадиган); **птицеотко́рмочный пункт** парранда боқадиган пункт.

ПТИЦЕФЕ́РМА *ж* паррандачилик фермаси; **колхо́зная птицефе́рма** колхоз паррандачилик фермаси.

ПТИ́ЧИЙ, -ья, -ье **пти́ца** *сўз. сиф.*; қушга, паррандага оид; **пти́чье перо́** қуш пати; **пти́чье гнездо́** парранда уяси; **пти́чий клюв** қуш (парранда) тумшуғи; ◇ ***пти́чий двор*** = **пти́чник** 1 *(қ.)*; ***с пти́чьего полёта*** *к.* **полёт**; ***на пти́чьих права́х (жить)*** *с. т. ҳазл.* бедананинг уйи йўқ, қайга борса битбилдик; ***то́лько пти́чьего молока́ нет*** *(с. т. ҳазл.)* жондан бошқа ҳамма нарса бор.

ПТИ́ЧКА *ж* 1. **пти́ца** 1 *сўз. кичр., эркл. айт.*; қушча, қичкина қуш; 2. птичка [китоб ёки дафтар четларига икки чизиқли пастки қисмида бурчак ҳосил қилиб (қуш қанотига ўхшатиб) қўйиладиган ишора, белги]; **ста́вить пти́чки на поля́х кни́ги** китоб бетларининг четларига птичкалар қўймоқ.

ПТИ́ЧНИК *м* 1. паррандалар асрайдиган хона, сарой ёки бино; товуқхона; 2. паррандачи, парранда боқучи.

ПТИ́ЧНИЦА *ж* паррандачи аёл.

ПУ́БЛИКА *ж мн. нет собир.* халойиқ, жамоат, халқ; тамошобин; **театра́льная пу́блика** театр тамошобинлари; **чита́ющая пу́блика** ўқучилар, китоб-газетхонлар жамоаси; **на вы́ставке бы́ло мно́го пу́блики** выставкада халқ (тамошобинлар) кўп эди.

ПУБЛИКАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *эск.* **публика́ция** *сўз. сиф.*; э'лон қилишга (нашр этишга, оммага билдиришга) оид.

ПУБЛИКА́ЦИЯ *ж* 1. *только ед.* э'лон қилиш, нашр этиш, босиб чиқариш, тарқатиш; **публика́ция истори́ческих докуме́нтов** тарихий ҳужжатларни нашр этиш; 2. э'лон, билдириш; **дать (помести́ть) публика́цию в газе́те** газетада э'лон бермоқ, газетага э'лон бостирмоқ.

ПУБЛИКОВА́ТЬ *несов.* э'лон қилмоқ, нашр этмоқ, босмоқ; **публикова́ть текст соглаше́ния** келишув (битим)нинг текстини босиб чиқармоқ (э'лон қилмоқ); **публикова́ть статьи́ в журна́лах** журналларда мақолалар босмоқ; **публикова́ть архи́вные ма-**

терия́лы архив материалларини нашр этмоқ.

ПУБЛИКОВА́ТЬСЯ *несов.* э'лон қилинмоқ, босилмоқ, нашр этилмоқ.

ПУБЛИЦИ́СТ *м* публицист (ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан ёзадиган ёзувчи).

ПУБЛИЦИ́СТИКА *ж только ед.* публицистика (ижтимоий-сиёсий масалаларга оид адабиёт).

ПУБЛИЦИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое **публици́стика** ва **публици́ст** *сўз. сиф.*; публицистикага ва публицистга оид; **публицисти́ческий жанр** публицистик жанр; **публицисти́ческая де́ятельность** публицистик фаолият, публицистика соҳасида ишлаш.

ПУБЛИ́ЧНО *нареч.* очиқ, ошкора, халқ олдида, жамоат олдида; **публи́чно заяви́ть** омма олдида билдирмоқ, ошкора айтмоқ.

ПУБЛИ́ЧНОСТЬ *ж мн. нет* очиқ лик, ошкоралик, оммавийлик.

ПУБЛИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. очиқ, ошкора, халқ (омма, жамоат) олдидаги, оммавий; **публи́чное выступле́ние** жамоат олдида чиқиш, халқ олдида чиқиб сўзлаш; **публи́чная ле́кция** оммавий лекция; 2. жамоатга, халққа оид; **публи́чная библиоте́ка** халқ кутубхонаси; ◇ ***публи́чное пра́во*** умумий, оммавий ҳуқуқ (бунга буржуа ҳуқуқ бўлинишида давлат ҳуқуқи, жиноий ва гражданлик ҳуқуқлари, черков ва халқаро ҳуқуқлар киради); ***публи́чные торги́*** *(расм.)* ким ошди савдоси (капиталистик мамлакатларда); ***публи́чный дом*** фоҳишахона (капиталистик жамиятда); ***публи́чная же́нщина*** *(эск.)* фоҳиша, ғар (капиталистик мамлакатларда).

ПУ́ГАЛО *ср* қўрғич, қўриқчи.

ПУ́ГАНЫЙ, -ая, -ое қўрққан, ҳуркқан, чўчиган; ◇ ***пу́ганая воро́на куста́ бои́тся к.*** воро́на.

ПУГА́ТЬ *несов.* 1. қўрқитмоқ, чўчитмоқ, ҳуркитмоқ; 2. таҳдид қилмоқ, дўқ (пўписа) қилмоқ.

ПУГА́ТЬСЯ *несов.* қўрқмоқ, ҳуркмоқ, чўчимоқ; **он всего́ пуга́ется** у ҳамма нарсадан қўрқади.

ПУГА́Ч *м* 1. пўкак (ўйинчоқ) тўпончa; 2. *с. т.* укки.

ПУГЛИ́ВО *нареч.* ҳуркиб, чўчиб, ҳадиксираб, ҳавфсираб, ҳадик билан; **пугли́во огля́нуться** ҳавфсираб қараб қўймоқ.

ПУГЛИ́ВОСТЬ *ж мн. нет* чўчишлик, ҳуркишлик, ҳавфсирашлик, ҳадиксирашлик, юраксизлик.

ПУГЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое юраксиз, чўчийдиган; ҳуркоғоч; **пугли́вая ло́шадь** ҳуркоғоч от; **пугли́вый взгля́д** ҳадиксираб қараш.

ПУГНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. с. т.* чўчитиб (ҳуркитиб) юбормоқ, қўркитиб қўймоқ.

ПУ́ГОВИЦА *ж* тугма; **застегну́ться на все пу́говицы** ҳамма тугмаларини солиб олмоқ.

ПУ́ГОВИЧНЫЙ, -ая, -ое **пу́говица** *сўз. сиф.*; тугмага оид; **пу́говичная фа́брика** тугма фабрикаси, тугма ишлабчиқарадиган фабрика.

ПУ́ГОВКА *ж* пу́говица *сўз. кичр. айт.*; тугмача, кичкина тугма; ◇ ***нос пу́говкой*** пучуқ бурун, тугма бурун (тугмачадай бурни бор).

ПУД *м* пуд (16,38 *кг* га тенг келадиган оғирлик ўлчови).

ПУ́ДЕЛЬ *м* (*мн.* **пу́дели, пуделя́**) пудель (юнги жингалак барақ ит).

ПУ́ДИК *м* пуд *сўз. кичр. айт.*; қ. **пуд.**

ПУ́ДИНГ *м махс.* пудинг (хамир, гуруч ва ш. к. ларни сувда пиширib, доривор, мева ва ширниликлар қўшиб това ёки духовкада пиширилган овқат); **макаро́нный пу́динг** макарон пудинг; **ри́совый пу́динг** гуруч пудинг.

ПУДЛИНГОВА́НИЕ *ср мн. нет тех.* пудлинглаш (чўяндан темир ҳосил қилишнинг эски усули).

ПУДЛИНГОВА́ТЬ *сов.* и *несов. тех.* пудлинглamоқ (чўяндан темир ҳосил қилмоқ).

ПУДЛИНГОВА́ТЬСЯ *несов. тех. страд. от* **пудлингова́ть** *(к.).*

ПУ́ДЛИНГОВЫЙ, -ая, -ое: **пу́длинговая печь** *(тех.)* пудлинг печи (пудлинг усули билан чўяндан темир ҳосил қиладиган печь); **пу́длинговое желе́зо** пудлинг темир (пудлинглаш йўли билан ҳосил қилинган темир).

ПУДОВИ́К *м эск.* 1. бир пудлик тош; 2. бир пудлик қоп.

ПУДО́ВЫЙ, -ая, -ое пуд *сўз. сиф.*; пудга оид. бирпудлик; **пудо́вая ги́ря** бирпудлик тош.

[·пудо́вый, -ая,-ое] сон билан қўшилган қўшма сифатларнинг иккинчи қисми бўлиб, буюмнинг неча пуд оғирликдалигини билдиради, мас., **пятипудо́вый** бешпудлик, **семипудо́вый** еттипудлик ва ҳ. к.

ПУ́ДРА *ж* упа; ◇ ***са́харная пу́дра*** қанд талқони, янчилган (туйиб кукун қилинган) қанд.

ПУ́ДРЕНИЦА *ж* пудреница, упадон, упа қутичаси.

ПУ́ДРЕНЫЙ, -ая, -ое упа сурилган, упа сепилган; **пу́дреный па́рик** упа сепилган парик; **пу́дреный нос** упа суртилган бурун.

ПУ́ДРИТЬ *несов.* упа суртмоқ; **пу́дрить лицо́** юзга (бетга) упа суртмоқ; **пу́дрить нос** бурунга упа суртмоқ.

ПУ́ДРИТЬСЯ *несов.* 1. упа суртмоқ (ўзига); 2. упа қўйилмоқ.

ПУЗАНО́К *м* (*мн.* **пузанки**) *махс.* сельдьнинг (тузланадиган балиқнинг) бир тури.

ПУЗА́ТЫЙ, -ая, -ое 1. *содд.* қорни катта, мешқорин; 2. ‖ *с. т.* қорни чиққан, қориндор; **пуза́тый самова́р** қорни чиққан самовар.

ПУ́ЗО *ср мн. нет содд. дагл.* қорин, қурсоқ; **отрасти́ть пу́зо** қорин соламоқ, корин қўймоқ.

ПУЗЫ́РЬ *м* (*мн.* **пузыри́**) 1. **пузы́рь** 1, 2 *сўз. кагр. айт.*; пуфакча, кўпикча; **пузырьки́ во́здуха всплы́ли на пове́рхность воды́** сув юзига ҳаво пуфакчалари қалқиб чиқди; 2. кичкина шиша, шишача; **пузы́рёк с лека́рством** дори солинган шишача.

ПУЗЫ́РИСТЫЙ, -ая, -ое *с. т. қ.* **пузы́рчатый**.

ПУЗЫ́РИТЬСЯ *несов.* кўпирмоқ, кўпикланмоқ; кўпчимоқ; **те́сто пузы́рится, когда́ всхо́дит** хамир ошганда кўпчийди.

ПУЗЫ́РЧАТЫЙ, -ая, -ое пуфакчали, қаварикли; **пузы́рчатое стекло́** қаварикли ойна.

ПУЗЫ́РЬ *м* 1. пуфак, кўпик; 2. қаварик; **пузы́рь от ожо́га** куйган жойда пайдо бўлган қаварик; 3. *анат.* пуфак; қовуқ; **жёлчный пузы́рь** ўт пуфаги; **мочево́й пузы́рь** қовуқ; **плава́тельный пузы́рь у рыб** балиқ пуфаги; 4. пуфак (ҳаво тўлдирилган нарса); **учи́ться пла́вать на пузыря́х** пуфак (ҳаво тўлдирилган резина)лар боглаб сузишни ўрганмоқ; 5. резинка халта; **пузы́рь со льдом** ичига муз солиб оғриган жойга қўйиладиган резинка халта; **пузы́рь с горя́чей водо́й** ичига иссиқ сув солиб оғриган жойга қўйиладиган резинка халта; 6. *с. т.* дўмбоқ, лўппи, дўндиқ, семиз, дум-думалоқ (бола); ◇ ***мы́льный пузы́рь*** қ. мыльный.

ПУЗЫРЬКО́ВЫЙ, -ая -ое *мед.* қаварикли; **пузырько́вый лиша́й** қаварикли темиратки.

ПУК *м* тутам, даста, ўрам, боғлам; **пук воло́с** бир тутам соч; **пук травы́** бир боғлам ўт.

ПУЛ *м эк.* 1. пул (Англия, ва Америка Қўшма Штатларида капиталистларнинг бирор нарсанинг баҳосини сун'ий равишда ошириш учун тузиладиган монополистик бирлашмаси); 2. Канада, США ва Австралияда фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун тузилган кооперациясининг бир тури.

ПУЛЕВО́Й, -ая, -ое **пу́ля** *сўз. сиф.*; ўққа оид; **пулево́е ране́ние** ўқ тегиб бўлган яра.

ПУЛЕМЁТ *м* пулемёт; **ручно́й пулемёт** қўл пулемёти; **станко́вый пулемёт** станокли пулемёт; **зени́тный пулемёт** зенит пулемёти.

ПУЛЕМЁТНЫЙ, -ая, -ое пулемёт *сўз. сиф.*; пулемётга оид; **пулемётная ле́нта** пулемёт лентаси; **пулемётный ого́нь** пулемётдан ўққа тутиш; **пулемётный взвод** пулемётчилар взводи; **пулемётные гнёзда** пулемётлар уяси (пулемётлар ўрнатилган пана жойлар).

ПУЛЕМЁТЧИК *м* пулемётчи, пулемёт отучи.

ПУЛЕМЁТЧИЦА *ж қ.* пулемётчик.

ПУЛЬВЕРИЗА́ТОР *м* пульверизатор; пуркагич (суюқлик ва порошок шаклидаги нарсаларни пуркайдиган, чангитиб сепадиган асбоб).

ПУЛЬВЕРИЗА́ЦИЯ *ж* пульверизация, пуркаш, сепиш, чанглаш.

ПУ́ЛЬКА I *ж с. т.* **пу́ля** *сўз. кичр. айт.*; ўқ, кичкина ўқ.

ПУ́ЛЬКА II *ж* пулька (1. преферанс, қарта ўйинининг бир давраси; 2. преферанс ўйини натижалари ёзиб бориладиган қоғоздаги графа).

ПУ́ЛЬМАН *м эск. т. й.* пульман (пассажирлар ёки юк ташийдиган тўрт ўқли катта вагон).

ПУ́ЛЬМАНОВСКИЙ, -ая, -ое *эск. т. й.* пульманга оид; **пу́льмановский вагóн** пульман вагони.

ПУ́ЛЬПА *ж* 1. *анат.* тиш бўшлиғини тўлдириб турадиган ва нерв учлари туташадиган юмшоқ тўқима, магиз; 2. *тех.* сув ёки бошқа эритмада қориб, составидаги керакли моддани ажратиш учун майдаланган руда; 3. *тех.* сув уриб суюлтирилган лой; 4. *махс.* олтингугурт билан ишланган туршак, баргак ва ҳ. к.

ПУЛЬПИ́Т *м мед.* тиш магизининг яллиғланиши.

ПУЛЬПОПРОВО́Д *м тех.* пульпопровод (тупроқни сув уриб суюлтириб оқизадиган-сурадиган трубалар системаси).

ПУЛЬС *м* 1. пульс, қон томирининг уриши; **биéние пу́льса** томир тепиши (уриши); **пульс с перебóями** томирнинг тўхтаб-тўхтаб тепиши; **пульс слáбого наполнéния** томирнинг суст тепиши; **нащу́пать пульс** томирни ушлаб топмоқ; **считáть пульс** томирнинг уришини (тепишини) санамоқ; **у больнóго пульс не прощу́пывается** касалнинг томир тепиши сезиб бўлмаслик даражада заиф; 2. ‖ *сур'ат*; **пульс общéственной жи́зни** ижтимоий ҳаёт сур'ати.

ПУЛЬСА́ТОР *м* 1. *физ.* пульсатор (бир текис тепкили, турткили ҳаракат ҳосил қиладиган асбоб); 2. *кон.* пульсатор (фойдали қазилмаларни бойитишда қўлланиладиган машина).

ПУЛЬСА́ЦИЯ *ж мн. нет* 1. *мед.* тепиш, томир тепиши, юракнинг тепиб туриши, қон томирининг тепиши; 2. *тех.* пульсация, тепиб туриш (тепкили ток ҳақида); **пульса́ция то́ка** ток пульсацияси (токнинг тепиб, узилиб-узилиб оқиши).

ПУЛЬСИ́РОВАТЬ *несов.* 1. *мед.* тепиб турмоқ, уриб турмоқ (юрак, томир ҳақида). 2. *тех.* пульсация бермоқ, тепиб турмоқ (тепкили ток ҳақида).

ПУЛЬСИ́РУЮЩИЙ, -ая, -ее *физ.* тепкили; **пульси́рующий ток** тепкили ток (тепиб, узилиб-узилиб оқадиган электр токи).

ПУ́ЛЬТ *м* пульт [1. *муз.* ноталар қўядиган юзи нишаб кичкина стол, минбар; **дирижёрский пульт** дирижёр минбари; 2. *электр* станцияларда — токни ўлчайдиган асбоблар ўрнатилган нишаб сатҳли стол; 3. *диспетчерлик пункти*; **пульт управлéния** бошқариш (идора қилиш) пульти].

ПУ́ЛЯ *ж* ўқ; **бронебóйная пу́ля** брон (зирҳ) тешадиган ўқ; **трасси́рующая пу́ля** ҳавода из қолдирадиган ўқ; **свист пуль** ўқларнинг визиллаши; ◇**шальна́я пу́ля** *к.* **шальнóй**; ***лить (отлива́ть) пу́ли*** (*с. т.*) мақтаниб бўлмағур, уйдирма гаплар гапирмоқ.

ПУ́МА *ж зоол.* = **кагуа́р** (*к.*).

ПУНКТ *м* 1. пункт, жой; **наблюда́тельный пункт** (*ҳарб.*) кузатиш пункти; **кома́ндный пункт** (*ҳарб.*) команда бериб туриладиган пункт, команда пункти; **призывно́й пункт** (*ҳарб.*) чақириш пункти; **пункт противовозду́шной оборо́ны** ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш пункти; **сбо́рный пункт** йиғилиш (тўпланиш) пункти; **переви́зочный пункт** яра боғлаш пункти; **перегоно́рный пункт междугоро́дной телефо́нной сети** шаҳарлараро телефон станцияларининг сўзлашув пункти; **ссы́льный пункт** галла тўкиш, галла қабул қилиш пункти; 2. *расм.* пункт, жой; **населённый пункт** аҳоли яшайдиган пункт (жой); 3. модда, банд; **догово́р состои́т из десяти́ пу́нктов** шартнома ўн моддадан иборат; **изложи́ть по пу́нктам** 1) моддама-модда баён қилмоқ; 2) батафсил баён қилмоқ; 4. нуқта, фикр, мавқи'; **основны́е пу́нкты докла́да** докладнинг асосий нуқталари; **исхо́дные пу́нкты рассужде́ния** муҳокаманинг таг маъноси; 5. пайт; **кульминацио́нный пункт** авж; **поворо́тный пункт** бурилиш пайти; 6. *полигр.* пункт (босмахона системасидаги энг кичик ўлчов).

ПУНКТИ́Р *м* пунктир, нуқта чизиқ, нуқталардан иборат чизиқ; **начерти́ть пункти́ром** нуқта чизиқ билан чизмоқ.

ПУНКТИ́РНЫЙ, -ая, -ое **пункти́р** *сўз. сиф.*; нуқтали чизиққа оид; **пункти́рная ли́ния** нуқталардан иборат бўлган чизиқ.

ПУНКТУА́ЛЬНО *нареч.* нуқтама-нуқта, жуда аниқ; ҳудди ўзича, ўз вақтида, пухталик билан.

ПУНКТУА́ЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* пухталик, жуда аниқлик, ўз вақтида бўлишлик; **пунктуа́льность испо́лнения** ўз вақтида бажаришлик; **он отлича́ется пунктуа́льностью** у жуда пухталиги билан ажралиб туради.

ПУНКТУА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое пухта, жуда аниқ, ўз вақтида; **пунктуа́льный челове́к** пухта одам; **пунктуа́льное испо́лнение чего́-н.** бирор нарсани аниқ бажариш, бекамикўст бажариш.

ПУНКТУАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *грам.* **пунктуа́ция** *сўз. сиф.*; пунктуацияга (тиниш белгиларига) оид; **учени́к не сде́лал в дикта́нте ни одно́й пунктуацио́нной оши́бки** ўқучи диктантда битта ҳам пунктуацион хато қилмапти.

ПУНКТУА́ЦИЯ *ж грам.* 1 пунктуация (тиниш белгилари ҳақидаги та'лимот); 2. тиниш белгилари қўйиш; **пра́вила пунктуа́ции** пунктуация (тиниш белгилари қўйиш) қоидалари.

ПУ́НКЦИЯ *ж мед.* тери остига, этга дори юбориш, қон олиш ва ш. к. учун баданга шприц игнаси суқиш ёки ништар уриш.

ПУ́НОЧКА *ж зоол.* шимолда яшайдиган чумчуқлар оиласига тааллуқли кичкина қуш.

ПУНСО́Н *м* 1. *полигр.* пунсон (пўлатга ўйилган бўртма қолип, ҳарф қуйишда ишлатилади); 2. *махс.* пунсон (географик карталарга тўғарак, тўртбурчак, учбурчак ва ҳ. к. шаклларда туширилган шартли белгилар).

ПУНЦО́ВЫЙ, -ая, -ое қипқизил, тўққизил; **пунцо́вый сите́ц** тўққизил чит; **пунцо́вый зака́т** қипқизил шафақ.

ПУ́НШ *м* пунш (қанд, сув, мева шираси қўшиб қайнатилган спиртли ичимлик).

ПУ́НШЕВЫЙ, -ая, -ое **пунш** *сўз. сиф.*; пуншга оид, пуншли; **пу́нше́вая конфе́та** пуншли конфет.

ПУП *м с. т.* киндак, киндик; ◇**пуп земли́** (*эск. с. т.*) марказ, диққатни жалб қилиб турган нарса.

ПУПОВИ́НА *ж анат.* киндик, киндик ичакчаси, кесилмаган киндак.

ПУПО́К *м* 1. киндик; 2. *махс.* пўтака (қушларда).

ПУПО́ЧЕК *м с. т.* **пупо́к** 1 *сўз кичр. айт.*; киндикча.

ПУПО́ЧНЫЙ, ая, -ое *анат.* **пупо́к** *сўз. сиф.*; киндикка оид; **пупо́чная арте́рия** киндик қонтомири; **пупо́чная гры́жа** киндик даббаси.

ПУПЫ́РЫШЕК *м* (*мн.* **пупы́рышки**) *с. т.* ғуддача, кичкина ҳуснбузар.

ПУПЫ́РЬ *м содд.* ғудда, кичкина қавариқ.

ПУРГА́ *ж мн. нет* қор бўрони.

ПУРИ́ЗМ *м мн. нет* пуризм (1. ҳулқ-ахлоқни покиза ва қаттиқ сақлашга юзаки уриниш; 2. *лингв.* тил нормаларини ўзгартирмай соф ҳолда сақлашга, унинг тараққиётига, янги сўзлар билан бойишига қарши консерватив йўл билан уриниш).

ПУРИ́СТ *м* пурист (пуризм тарафдори).

ПУРИ́СТКА *ж қ.* **пури́ст.**

ПУРИ́СТСКИЙ, -ая -ое **пури́зм** ва **пури́ст** *сўз. сиф.*; пуризм ва пурист га оид.

ПУРИТА́НИН *м* (*мн.* **пурита́не**) 1. *тар.* пуритан (XVI—XVII асрларда инглиз буржуазияси уюштирган диний-сиёсий ҳаракат қатнашчиси); 2. ‖ *эск.* сипо, кишилар кўзига одобли, ахлоқли бўлиб кўринучи одам.

ПУРИТА́НКА *ж қ.* **пурита́нин.**

ПУРИТА́НСКИЙ, -ая, -ое 1. **пурита́нин** *сўз. сиф.*; пуританликка оид, 2. ‖ *с. т.* сиполик.

ПУРИТА́НСТВО *ср мн. нет* пуританлик, сиполик.

ПУ́РПУР *м мн. нет* 1. *тар.* қадим замонларда мато бўяш учун ишлатилган тўққизил рангли қиматбаҳо бўёқ; 2. тўққизил ёки қипқизил ранг (тус); 3. *эск.* улуғворлик ва ҳашаматлилик белгиси сифатида тўққизил матадан тикилган кийимбош.

ПУРПУРИ́Н *м* рўян илдизларидан олинадиган қизил бўёқ.

ПУРПУ́РНЫЙ, -ая, -ое, **ПУРПУ́РОВЫЙ**, -ая, -ое **пу́рпур** *сўз. соф.*; тўқ қизилга оид, қизил рангли; **пурпу́рный цвет** тўқ қизил ранг; **пурпурное не́бо** қипқизариб турган осмон; **пурпу́ровый шёлк** қирмизи (қизил) шойи.

ПУСК *м мн. нет* ишга солиш, ишга туширш; қўйиб юбориш; **пуск межколхо́зной электроста́нции** колхозлараро электростанцияни ишга тушириш; **пуск заво́да** заводни ишга солиш.

ПУСКА́Й 1. *пов. накл. от* **пуска́ть** (*к.*); 2. *частица, союз с. т.* майли, қўявер; **пуска́й он придёт сюда́** майли, у бу ерга келсин.

ПУСКА́ТЬ *несов. к.* **пусти́ть**.

ПУСКА́ТЬСЯ *несов.* 1. *с. т. к.* **пусти́ться**; 2. *страд. от* **пуска́ть** (*к.*).

ПУСКОВО́Й, -а́я, -о́е **пуск** *сўз. соф.*; ишга солиш, юргизиб юборишга оид; **пусково́й период заво́да** заводни ишга тушириш даври.

ПУСТЕЛЬГА́ *ж зоол.* қуйқа, миққий (қиргийлар оиласига кирадиган йиртқич қуш).

ПУСТЕ́ТЬ *несов.* бўшамоқ.

ПУСТИ́ТЬ *сов.* 1. қўймоқ, қўйиб юбормоқ, бўшатмоқ, озод қилмоқ; **пусти́ть пти́цу на во́лю** қушни қўйиб юбормоқ; учириб юбормоқ; 2. қўймоқ, юбормоқ, ижозат бермоқ; **пусти́ть коро́в в по́ле** сигирларни далага қўйиб юбормоқ; 3. қўймоқ, киритмоқ, киргизмоқ; **пусти́ть пассажи́ров в ваго́н** пассажир (йўловчи)ларни вагонга қўймоқ (киритмоқ); **пусти́ть зри́телей в зал** тамошобинларни залга киргизмоқ; **пусти́ть ночева́ть кого́-н.** бировни тунагани қўймоқ; **пусти́ть жильцо́в** ижарага ўтгучилар қўймоқ, уйга одам қўймоқ; 4. ишга солмоқ, ишга туширмоқ, қўйиб юбормоқ, ишлатиб юбормоқ; **пусти́ть стано́к** станокни юргизиб юбормоқ; **пусти́ть часы́** соатни юргизиб юбормоқ; **пусти́ть но́вую фа́брику** янги фабрикани ишга туширмоқ; **пусти́ть во́ду** сув қўймоқ; 5. қўймоқ, юргизмоқ; **пусти́ть ло́шадь ша́гом** отни одимлатиб юргизмоқ; **пусти́ть ло́шадь ры́сью** отни елдириб юргизмоқ; 6. *отлар бланмуносабатда* „қўймоқ", „бермоқ", „солмоқ" ва ш. к. ма'ноларда келади; **пусти́ть в о́тпуск** отпуска бермоқ, отпускага чиқармоқ; **пусти́ть в рабо́ту** ишга солмоқ; **пусти́ть в эксплуата́цию** фойдаланишга бермоқ, ишга солмоқ; **пусти́ть в перераво́тку** қайтадан ишлашга киритмоқ; **пусти́ть в прода́жу** сотишга чиқармоқ; **пусти́ть в но́ску** кийишга бермоқ; **пусти́ть по́ле под пар** ерни шудгор қилиб қолдирмоқ; **пусти́ть по́ле под хло́пок** далага пахта экмоқ; 7. отмоқ, думалатмоқ; **пусти́ть мяч по́ полу** тўпни полда думалатиб юбормоқ; **пусти́ть стрелу́** ёйдан ўқ отмоқ; 8. *с. т.* отмоқ, ташламоқ; иргитмоқ; **пусти́ть ка́мень (ка́мнем) в окно́** деразага тош отмоқ; 9. *с. т.* тарқатмоқ, ёймоқ; **пусти́ть сплётню** гийбат тарқатмоқ; **пусти́ть слух** овоза тарқатмоқ; 10. қўймоқ, отмоқ; **пусти́ть ко́рни** 1) илдиз отмоқ; 2) ‖ маҳкамланмоқ, ўрнашмоқ, илдиз қўймоқ; **пусти́ть по́чки** куртак чиқармоқ; **пусти́ть ростки́** униб чиқмоқ, ниш урмоқ; 11. *с. т.* югуртирмоқ; **пусти́ть по краю́м голубы́м** четларига мовий югуртирмоқ; ◊ ***пусти́ть в обраще́ние*** *(что-н.)* муомалага киргизмоқ (пул, қийматли қоғоз ва ш. к. ларни); ***пусти́ть в ход*** *(что-н.)* ишга солмоқ; **пусти́ть в ход артилле́рию** артиллерияни ишга солиб юбормоқ; **пусти́ть в ход все сре́дства** барча воситаларни ишга солмоқ; ***пусти́ть ко дну́ (су́дно)*** (кемани) ғарқ қилмоқ; ***пусти́ть под отко́с (по́езд) к.*** отко́с I; ***пусти́ть по́ миру*** *(кого́-н.) эск.* дарбадар қилмоқ, гадойлик ҳолига туширмоқ; ***пусти́ть кровь*** *(кому́-н.)* қон олмоқ; ***пусти́ть (пуска́ть) пыль в глаза́ к.*** пыль; ***пусти́ть козла́ в огоро́д к.*** козёл I; ***пусти́ть себе́ пу́лю в лоб к.*** лоб.

ПУСТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. жўнаб кетмоқ, чиқмоқ (тушмоқ); **пусти́ться в путь** йўлга чиқмоқ (тушмоқ); 2. киришмоқ, бошламоқ, кетмоқ; **пусти́ться в пляс** ўйинга тушиб кетмоқ; **пусти́ться бежа́ть** чопиб кетмоқ; **пусти́ться вдого́нку (за кем-н.)** бировнинг ке-

тидан қувиб кетмоқ; пусти́ться в подро́бности муфассал сўзлаб кетмоқ; ◇ *пусти́ться в риско́ванное предприя́тие* таваккалли, хавф-хатарли ишга бел боғламоқ; *пусти́ться на хи́трость* ҳийла-найранг ишлатабошламоқ.

ПУСТОБРЁХ *м содд. манф.* ёлғончи, лофчи, валдироқи, маҳмадона.

ПУСТОВА́ТЬ *несов.* 1. бўш турмоқ, бўшаб қолмоқ; ко́мната пусту́ет хона бўшаб қолипти; 2. бўш қолмоқ, холи қолмоқ (мас., ернинг экилмай қолиши).

ПУСТОГОЛО́ВЫЙ, -ая, -ое *с. т. манф.* қовоқбош, мияси йўқ, каллаварам.

ПУСТОЗВО́Н *м с. т. манф.* маҳмадона, гап сотучи, сергап, эзма.

ПУСТОЗВО́НИТЬ *несов. с. т. манф.* гап сотмоқ, эзмалик (маҳмадоналик) қилмоқ.

ПУСТОЗВО́ННЫЙ, -ая, -ое *с. т. манф.* маҳмадона, эзма, гап сотадиган.

ПУСТОЗВО́НСТВО *ср мн. нет с. т. манф.* маҳмадоналик, сергаплик, эзмалик.

ПУСТО́Й, -а́я, -о́е 1. бўш, ичида ҳечнарсаси йўқ, қуруқ, пуч, кавак; пусто́й портфе́ль ичи бўш портфель; пусты́е карма́ны бўш (пули йўқ) чўнтаклар; на пусто́й (голо́дный) желу́док оч (бўш) қоринга; пусто́й ко́лос пуч (дони йўқ) бошоқ; 2. ‖ *с. т.* бема'ни, бекорчи, бемаза, тузсиз; қуруқ; пусты́е разгово́ры сафсата, бема'ни гаплар; пусто́й челове́к бемаза (бема'ни, бурди йўқ) одам; пусто́й мечта́тель қуруқ хаёл суручи, хаёлпараст; пуста́я кни́га бема'ни китоб; пусто́е заня́тие фойдаси йўқ иш, бекорчи машғулот; 3. ‖ *с. т.* қуруқ, пуч, беҳуда, бекорчи; пусты́е слу́хи қуруқ овозалар; пуста́я отгово́рка қуруқ (бекорчи) баҳона; пуста́я зате́я беҳуда уриниш; 4. *сущ.* пусто́е *ср мн. нет* аҳамиятсиз, зарарсиз; э, пусто́е!—сказа́л он э, аҳамияти йўқ! парво қилманг!—деди у; 5. пу́сто *в знач. сказ. безл.* бўмбўш; у меня́ пу́сто на душе́ менинг юрагим совуган; ◇ *пуста́я порода (геол.)* рудага аралашган кераксиз (металлсиз) жинс; *пусты́е щи* гўштсиз, ёғсиз, суюқ карам шўрва; *пусто́е ме́сто (с. т.)* аҳамиятсиз (ношуд, қўлидан иш келмайдиган) одам; *пусто́й звук к.* звук; *с пусты́ми рука́ми (с. т.)* қ. рука́ 9; *то гу́сто, то пу́сто (ра́зом гу́сто, ра́зом пу́сто) с. т.* борида — чора-чора, йўғида — банда бечора; ба'зан ҳарнарса мўл-кўл, ба'зан бўмбўш икки қўл; *чтоб тебе́ (вам, ему́ и т. д.) было пу́сто (с. т.)* э, шўрвага йиқилинг сиз!

ПУСТОЛА́ЙКА *ж* бекордан-бекорга вовуллайдиган ит.

ПУСТОМЕ́ЛЯ *м* и *ж с. т. манф.* маҳмадона, сафсатавоз, қуруқ гап сотучи, валдироқи.

ПУСТОПОРО́ЖНИЙ, -яя, -ее *с. т.* 1. бўш, бекор ётган; пустопоро́жний уча́сток бўш ётган (иморат тушмаган) ер; 2. ‖ бема'ни, қуруқ, беҳуда; пустопоро́жний сюже́т ма'носиз (қуруқ, беҳуда) сюжет; пустопоро́жние спо́ры беҳуда баҳс, беҳудага талашиш.

ПУСТОСЛО́В *м с. т.* беҳуда гап сотучи, валдироқи, вайсақи, маҳмадона.

ПУСТОСЛО́ВИЕ *ср мн. нет* маҳмадонагарчилик, сафсатавозлик; қуруқ гап, пуч гап.

ПУСТОСЛО́ВИТЬ *несов. с. т. манф.* маҳмадонагарчилик (сафсатавозлик) қилмоқ, қуруқ (беҳуда) гап блан вақт ўтказмоқ, валдирамоқ.

ПУСТОТА́ *ж* (*мн.* пусто́ты) 1. *только ед.* бўшлик, холилик, ҳечнарса блан банд эмаслик; пустота́ до́ма уйнинг бўшлиги; 2. ‖ *только ед.* ма'носизлик, қуруқлик, бемазалик, беҳудалик; 3. ‖ *только ед.* шавқсизлик, ҳафсаласизлик, ғайратсизлик; пустота́ хара́ктера фе'л-атвор (хулқ) нинг шавқсизлиги; 4. ‖ *только ед.* бўмбўшлик; умидсизлик блан қараш; 5. *тех.* бўшлик, кавак; пусто́ты в чугу́нном литье́ қуйилган чўянда кавaклар (бўшликлар) қолиши; ◇ *Торичелли́ева пустота́ (физ.)* Торичелли бўшлиги.

ПУСТОТЕ́ЛОСТЬ *ж мн. нет махс.* кавак, ичи кавaклик.

ПУСТОТЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *махс.* ичи бўш, ичи кавак; пустоте́лый кирпи́ч ичи кавак ғишт.

ПУСТО́ТНЫЙ, -ая, -ое *махс.* ичи бўш (ҳовон) қилиб ишланган; **пусто́тные прибо́ры** ичи бўш қилиб ишланган асбоблар.

ПУСТОЦВЕ́Т *м* 1. *бот.* бачкигул; 2. ‖ самарасиз, бебарака, ношуд (одам).

ПУ́СТОШЬ *ж* бўш ер, обод қилинмаган ер; бекор етган ер.

ПУСТЫ́ННИК *м эск.* дарвиш, чўлда якка яшовчи одам.

ПУСТЫ́ННИЦА *ж қ.* пусты́нник.

ПУСТЫ́ННЫЙ, -ая, -ое 1. одам яшамайдиган, бўш, хилват, чўлга ўхшаган жой; **пусты́нный о́стров** одам яшамайдиган орол; 2. ‖ бўш, хилват, овлоқ, одам кам қатнайдиган, тинч; **пусты́нные у́лицы го́рода** шаҳарнинг одами кам, тинч кўчалари.

ПУСТЫ́НЯ *ж* саҳро, дашт-биёбон; **обводне́ние пусты́нь** саҳроларга сув чиқариш.

ПУСТЫ́РЬ *м* харобазор, нообод жой, бўш ётган (обод қилинмаган) ер

ПУСТЫ́ШКА *ж с. т.* 1. ичи бўш, ичида ҳечнарсаси йўқ, пуч; 2. резинка сўрғич (чақалоқ учун); 3. ‖ *манф.* қуруқ, енгилтак, бема'ни одам, қуруқ савлат; 4. *махс.* бўш (қуруқ, очкоси йўқ) домино донаси.

ПУСТЬ 1. *частица* майли, қўявер, қўй, бўлаверсин; **пусть е́дет, е́сли хо́чет** майли, боргиси келса бораверсин; **пусть он сам придёт сюда́** қўй, у ўзи бу ерга келсин; **пусть живёт (пусть здра́вствует) кунини кўрсин, яшайверсин; 2.** *союз.* хайр, майли, гарчи, гарчанд; **зада́ча пусть тру́дная, но выполни́мая** гарчи, вазифа оғир бўлса ҳам, бажариб бўладиган; **пусть я оши́бся, но э́ту оши́бку я давно́ испра́вил** мен гарчанд хато қилган' бўлсамда, бу хатони аллақачон тузатдим; **пусть по́здно, но я пойду́** кеч бўлса ҳам майли бораверaман; 3. *частица с. т.* майли, қўявер, бўлаверсин; **ну пусть, я согла́сен** ҳа майли, мен розиман; ◇ **пусть так** майли, шундай бўлақолсин; ***пусть его́ (её, их)*** *с. т.* қўяверинг уни, уларни (уларга бир нарса деб бўлмайди); **пусть его́ горит** қўйинг, гапираверсин; **пусть его́ игра́ет** қўйинг, ўйнайверсин.

ПУСТЯ́К *м* 1. арзимас (бўлмагур, аҳамиятсиз) нарса; **серди́ться из-за пустяко́в** арзимаган нарсага хафа бўлмоқ; **ссо́риться из-за пустяко́в** арзимаган нарса устида аразлашмоқ; **что ты пустяка́ми занима́ешься?** сен нега бўлмагур нарсалар билан овора бўласан?; 2. **пустяки́** *в знач. сказ. с. т.* осон, енгил, ҳеч гап эмас; **э́то пустяки́** бу ҳеч гап эмас, бу ҳечнарса эмас; **пустяки́, всё ула́дится** ҳеч гап эмас, ҳаммаси тўғриланиб кетади.

ПУСТЯКО́ВЫЙ, -ая, -ое *с. т.* арзимас, аҳамиятсиз, беҳуда, осон; сал; **пустяко́вое де́ло** арзимаган иш, осон иш; **пустяко́вый вопро́с** осон масала; аҳамиятсиз масала

ПУСТЯ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *қ.* пустяко́вый.

ПУСТЯЧО́К *м с. т. қ.* пусты́к 1.

ПУ́ТАНИК *м с. т.* чатоқчи, чалкашчи, чалкаштируви, чатоқлаштируви одам.

ПУ́ТАНИЦА *ж мн. нет* чатоқ, чигал, чалкаш.

ПУ́ТАНЫЙ, -ая, -ое 1. чигал, чалкаш, чатоқ; тушуниб бўлмайдиган, дудмол, мужмал; **пу́таные объясне́ния** чалкаш изоҳлар; 2. *с. т.* чатоқ, бема'ни, ношуд; **пу́таный челове́к** чатоқ (бема'ни) одам.

ПУ́ТАТЬ *несов.* 1. чигаллаштирмоқ, чувалтирмоқ, чувалаштирмоқ; **пу́тать ни́тки** ипни чигаллаштирмоқ; **пу́тать бума́ги на столе́** столдаги қоғозларни чувалаштириб юбормоқ; 2. *с. т.* адашмоқ, адаштирмоқ; **не пу́тай, говори́ я́сне́е** адашма, аниқроқ қилиб гапир; 3. *с. т.* адаштирмоқ; чалғитмоқ, янглиштирмоқ; **пу́тать кого́-н. вопро́сами** бировни саволлар билан янглиштирмоқ, чалғитмоқ; 4. аралаштирмоқ, адаштирмоқ; **пу́тать чьи-н. имена́ (фами́лии)** бирор кишининг номи (фамилиясини) адаштирмоқ; 5. *с. т. манф.* аралаштирмоқ, қўшмоқ; **не пу́тай меня́ в э́то де́ло** мени бу ишга аралаштирма (қўшма); 6. *махс.* тушовламоқ, кишанламоқ; **пу́тать лошаде́й** отларни тушовламоқ (кишанламоқ).

ПУ́ТАТЬСЯ *несов.* 1. чигалланмоқ, чигаллашмоқ, чувалмоқ, чувалашмоқ; **пу́тки пу́таются** иш чигаллашади; 2. гапдан адашмоқ, янглишмоқ, аралаштирмоқ; **пу́таться в показа́ниях** гувоҳлик беришда гапдан адашмоқ; **пу́таться, реша́я алгебраи́ческую зада́чу** алгебра масаласини ечатуриб янглишмоқ; 3. ‖ *с. т.* чувалашмоқ; **мы́сли его́ пу́тались** унинг фикрлари чувалашиб кетди; 4. *с. т. манф.* аралашмоқ, суқилмоқ; **пу́таться не в своё де́ло** ўзига тегишли бўлмаган ишга суқилмоқ; 5. *содд. манф.* бекор (санқиб, алақсиб) юрмоқ; 6. *содд. манф.* қўшилмоқ; аралашилмоқ; **заче́м ты с ни́ми пу́таешься?** сен нега уларга қўшилиб (аралашиб) юрасан?

ПУТЁВКА *ж* 1. путёвка, йўлланма (бирор жойга юбориладиган одамга бериладиган ҳужжат, гувоҳнома); **путёвка в дом о́тдыха** дам олиш уйига бориш путёвкаси; **путёвка в пионе́рский ла́герь** пионерлар лагерига бориш путёвкаси; 2. *махс.* путёвка (шаҳар транспортида ишловчи шофер ва кондукторларнинг бажарадиган ишлари ва маршрутлари кўрсатилган варақа); ◇ ***путёвка в жизнь*** турмушга (мустақил ҳаётга) йўлланма (фойдали иш қилиш учун зарур бўлган онг-билим тажриба).

ПУТЕВОДИ́ТЕЛЬ *м* 1. *эск.* раҳбар, йўл кўрсатучи, йўл бошловчи; 2. йўл кўрсаткич (йўлларни кўрсатучи китобча); **железнодоро́жный путеводи́тель** темир йўл станцияларини кўрсатучи китобча; **путеводи́тель по музе́ю** музей тузилиши ва бошқалар ҳақида маълумот беручи китобча.

ПУТЕВО́ДНЫЙ, -ая, -ое йўл кўрсатадиган, йўллайдиган; **путево́дная звезда́** 1) кечаси йўл юрганда йўналишнинг тўғрилигини аниқлаб кўрсатиб турадиган юлдуз; (мас., темир қозиқ юлдузи); 2) ‖ йўл кўрсатучи юлдуз, маш'ал.

ПУТЕВО́Й, -ая, -о́е йўлга оид; **путевы́е наблюде́ния** йўл кузатмалари; **путевы́е записки** йўл хотиралари; **путево́й обхо́дчик желе́зной доро́ги** темир йўлни қараб юручи; **путево́е хозя́йство желе́зной доро́ги** темир йўл хўжалиги, темир йўл бисотлари.

ПУТЕ́ЕЦ *м* (*мн.* **путе́йцы**) 1. темирйўлчи, темир йўл инженери; 2. темирйўлчи, темир йўл ходими.

ПУТЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое темир йўлга ва шоссе йўлларга оид.

ПУТЁМ I *нареч. содд.* тузуккина, анчакина, дурустгина, равшан; **он ничего́ путём не сказа́л** у равшан, аниқ қилиб ҳечнарса айтмади; **он никогда́ путём не пое́ст** у ҳечқачон тузуккина овқат емайди.

ПУТЁМ II *предлог* родит. п. билан келиб, қуйидаги маъноларни англатади: йўл билан, воситаси билан; **реши́ть зада́чу путём сло́жных вычисле́ний** масалани мураккаб ҳисоблаш йўли билан ечмоқ; **узна́ть путём опро́са** сўроқлаб билиб олмоқ.

ПУТЕОБХО́ДЧИК (путево́й обхо́дчик) *м* темир йўлни қараб юручи.

ПУТЕОЧИСТИ́ТЕЛЬ *м махс.* йўлтозалагич, темир йўл изларини қордан, кўчма қумдан тозалайдиган махсус вагон.

ПУТЕПРОВО́Д *м* кесишган йўл устидан ўтказилган кўприланг йўл.

ПУТЕУКЛА́ДКА *ж мн. нет махс.* темир йўл ўтказиш, темир йўл изларини ётқизиш.

ПУТЕУКЛА́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* **путеукла́дка** *сўз. соф.*; темир йўл ўтказиш (ётқизиш) ишларига оид.

ПУТЕУКЛА́ДЧИК *м махс.* темир йўл ўтказучи (темир йўл изларини ётқизадиган) машина.

ПУТЕШЕ́ЙСТВЕННИК *м* сайёҳ, саёҳатчи.

ПУТЕШЕ́ЙСТВЕННИЦА *ж қ.* **путеше́ственник.**

ПУТЕШЕ́ЙСТВИЕ *ср* саёҳат, сафар; **кругосве́тное путеше́ствие** ер шарини айланиб чиқиш саёҳати; **дневни́к путеше́ствия** саёҳатнома, саёҳатчининг кундалик дафтари.

ПУТЕШЕ́ЙСТВОВАТЬ *несов.* саёҳат қилмоқ, сафарда юрмоқ.

ПУТИ́НА *ж махс.* 1. балиқларнинг ёппа кўчиши; 2. балиқ овлаш мавсуми; **весе́нняя пути́на** кўкламги балиқ овлаш мавсуми; **осе́нняя пути́на** кузги балиқ овлаш мавсуми.

ПУТИ́ННЫЙ, -ая, -ое **пути́на** *сўз. соф.*; балиқ овлаш мавсумига оид.

пу́тлище *ср махс.* узангибог (узангини эгарга маҳкамлайдиган тўқали қайиш).

пу́тник *м* йўловчи, сафарчи, сайёҳ.

пу́тница *жс қ.* **пу́тник.**

пу́тный, -ая, -ое *с. т.* 1. дуруст, ма'ноли, жўяли, яроқли; **пу́тный челове́к** дуруст (бама'ни) одам; **пу́тный разгово́р** жўяли гап; 2. *сущ.* **пу́тное** *ср* ма'но; натижа; **из э́того де́ла ничего́ пу́тного не вы́шло** бу ишдан ҳечбир ма'но (натижа) чиқмади; **из него́ ничего́ пу́тного не вы́йдет** ундан ҳечнарса чиқмайди.

пу́тч *м сиёс.* фитна (бир тўда тил бириктирган фитначиларнинг давлат ўзгариши қилиш йўлидаги авантюристик чиқишлари, хуружлари).

пу́тчи́ст *м сиёс.* фитначи (давлат ўзгариши қилиш йўлида уринучи авантюристик фитначилар тўдасининг қатнашчиси).

пу́тчи́стский, -ая, -ое путч ва путчи́ст *сўз. саф.*; фитна ва фитначиларга оид.

пу́ты *мн. (ед.* **пу́то** *ср) маҳл.* 1. тушов, кишан; 2. бўғов, кунда, кишан, занжир, гул; 3. ‖ *только мн.* сиртмоқ, бўғов, асорат (қуллик) занжири.

путь *м* (*мн.* **пути́**) 1. йўл; **проложи́ть путь** 1) йўл солмоқ; 2) ‖ йўл очиб бермоқ; шароит туғдирмоқ; **расчи́стить путь** 1) йўлни тозаламоқ; 2) ‖ имконият (шароит) яратиб бермоқ; тўсқинликларни йўқотмоқ; **сбы́ться с пути́** 1) адашмоқ, хато йўлга кириб кетмоқ; йўлни йўқотиб қўймоқ; 2) ‖ янглишмоқ; адашмоқ, тўғри йўлдан чиқмоқ; **окóльным путём** 1) айланма йўлдан, четлаб ўтадиган йўл билан; 2) ‖ сиртдан, бировлар воситаси билан; 2. йўл (алоқа йўли); **морско́й путь** денгиз йўли; **лёгкий путь** ҳаво йўли; **това́ры бы́ли достáвлены во́дным путём** моллар сув йўли билан келтирилди; **сáнный путь** чана йўли; **подзéмные пути́** ерости йўллари; **пути́ подво́за** ташиб келтириш йўллари; **пути́ отхóда** (*ҳарб.*) чекиниш (орқага қайтиш) йўллари; 3. *т. й.* йўл, из; **железнодоро́жные пути́** темир йўл тармоқлари: **запáсный, запасно́й путь** запас йўл; **перевести́ по́езд на запáсный путь** поездни запас йўлга ўтказиб қўймоқ; **ре́льсовые пути́** рельс (из) ётқизилган йўллар; **слу́жба пути́** йўл хизматларини бошқариш бўлими (темир йўл идоралари); 4. маршрут, олдан белгиланган сафар йўли; **избра́ть путь через го́ры** тоғдан ошадиган йўлни танламоқ; 5. ‖ йўл; **путь Со́лнца** Қуёш йўли; **путь Луны́** Ой йўли; 6. сафар, йўл; **собира́ться в путь** сафарга чиқишга тайёрланмоқ; **счастли́вого пути́!** оқ йўл! сафарингиз ҳайрли бўлсин!; **пусти́ться** (**отправи́ться**) **в путь** сафарга жўнаб кетмоқ; **на обра́тном пути́** қайтишда; **во вре́мя пути́** йўлдаликда, сафардалик вақтида; **райо́нный центр расположе́н в двух днях пути́** от них улардан район маркази жойлашган ергача икки кунлик йўл; **по́езд нахо́дится в пути́** поезд йўлда келаётир, поезд йўлда; 7. *только мн. анат.* йўл; **дыха́тельные пути́** нафас йўллари; 8. йўл; усул; **путём перегово́ров** музокаралар йўли билан; **ми́рным путём** тинчлик йўли билан; **практи́ческим путём** тажриба йўли билан; **обме́н переда́чным о́пытом — ве́рный путь повыше́ния те́мпов произво́дства** ишлаб чиқариш тажрибаларини алмашиш (ўртоқлашиш)— ишлаб чиқариш сур'атларини оширишнинг энг тўғри усулидир (йўлидир); **каки́м путём вы пришли́ к тако́му вы́воду?** қандай йўл билан сиз бундай хулосага келдингиз?; 9. ‖ йўл; **социалисти́ческий путь разви́тия** тараққиётнинг социалистик йўли; **по ленинскому пути́** ленинча йўл билан, Ленин йўлидан; 10. *собир.* фойда, манфаат, хайр; **пути́ в нём не́ было у** ишчиқмайдиган одам эди; ◇ **путь держа́ть** (**куда́-н.**) *эск.* йўл тутмоқ; йўлланмоқ; ***жи́зненный путь*** ҳаёт йўли; **путь-доро́га** 1) йўл; 2) ‖ *эск.* оқ йўл! яхши боринг!; ***быть на пути́ к чему́-н.*** бир нарсага эришишга яқинлашмоқ, яқин келмоқ; ***стать*** (***вступа́ть***) ***на путь*** киришмоқ, бошламоқ; **по пути́** 1) кетаётиб, йўлдан; **по пути́ в Самарка́нд он зае́хал к нам** у Самарқандга кетаётиб бизникига кириб кетди; 2) йўл-йўлакай; 3) ‖ ҳамроҳ, йўлдош, ҳамфикр; **нам с паникёрами не по пути́**

вақимачилар бизга йўлдош эмас; 4) ‖ йўл; „Сове́тский Сою́з... успе́шно идёт вперёд, по́ пути́ строи́тельства коммунисти́ческого о́бще́ства" (50 лет КПСС) „... Совет Иттифоқи коммунистик жамият қуриш йўлидан муваффақият билан олга бормоқда" (КПСС нинг 50 йиллиги); **он сейча́с на ве́рном пути́** энди у тўғри йўлдан бормоқда, тўғри иш (ҳаракат) қилмоқда; **стоя́ть на пути́** (поперёк пути́) *с. т.* йўлини тўсмоқ, ҳалақит бермоқ, йўлига кўндаланг бўлмоқ; **Мле́чный путь** *(астр.)* қ. мле́чный; **увлека́ть всё на своём пути́** йўлида учратган нарсанинг ҳаммасини вайрон қилиб, учириб (оқизиб) олиб кетмоқ (довул, сел ва ш. к. ҳақида); **после́дний путь** охирги йўл (қабрга олиб бориб қўймоқ); **проводи́ть кого́-н. в после́дний путь** бирор кишини охирги йўлга кузатиб бормоқ, қабрга олиб бориб қўймоқ; **сове́ршить с пути́ и́стинного** тўғри йўлдан оздирмоқ; йўлдан урмоқ, ёмон йўлга бошламоқ; **без пути́** *(собд.)* бекор, беҳуда, фойдасиз.

ПУФ *м* 1. пастак юмшоқ курси; 2. *с. т.* уйдирма, тўқима гап, ёлғон хабар.

ПУ́Х *м мн. нет* 1. пар, тивит, момиқ; **лебя́жий пух** оққуш (оққув) пари; парқу; **поду́шка из гуси́ного пуха** гоз пари солинган ёстиқ, парёстиқ; **ко́зий пух** эчки тивити; 2. тук, момиқ; **сду́нуть пух с одува́нчика** қоқи ўтнинг момигини пуфлаб учирмоқ; **пух на пе́рсиках** шафтоли туки; 3. чигитда қолган тук; ◇ ***ры́льце в пуху́ (в пушку́)*** *с. т.* кўзи бежо, афти бежо (ёмон ишга аралашган одам ҳақида); ***ни пу́ха, ни пера́*** *(с. т.)* қ. перо́ I; ***в пух и прах разби́ть*** *(с. т.)* тор-мор этмоқ, кулини кўкка совурмоқ.

ПУ́ХЛЕНЬКИЙ, -ая, -ое пу́хлый *сўз. кичр., эркл. айт.*; лўппигина, дўндиққина; пу́хленький ребёнок дўндиққина, лўппигина бола.

ПУ́ХЛОСТЬ *ж мн. нет* шишганлик, ҳўппайганлик, лўппайиб турганлик; думалоқлик, семизлик, юмшоқлик, мулойимлик; **пу́хлость щёк** лунжларнинг ҳўппайиб турганлиги.

ПУ́ХЛЫЙ, -ая, -ое шишган; семиз; думалоқ, юмшоқ, мулойим, лўппи; **пу́хлые ру́ки** мулойим, лўппигина қўллар.

ПУ́ХНУТЬ *несов.* шишмоқ, ҳўпаймоқ; **но́ги пу́хнут** оёқлари шишаяпти; ◇ ***голова́ пу́хнет*** *(с. т.)* бош (мия) шишди, мия ғовлаб кетди.

ПУХОВИ́К *м* партўшак.

ПУХО́ВКА *ж* упа қўйдиган момиқ.

ПУХОВО́Й, -а́я, о́е = пухо́вый *(қ.)*.

ПУХО́ВЫЙ, -ая, -ое пардан ёки тивитдан қилинган; пухо́вая поду́шка парёстиқ; пухо́вое одея́ло пар солинган кўрпа; пухо́вые перча́тки тивит қўлқоп; пухо́вый плато́к тивит рўмол.

ПУХОЕ́Д *м зоол.* момиқхўр, тивитхўр (қушларнинг парини, ҳайвонларнинг тивитини еб яшайдиган канача).

ПУХООТДЕЛИ́ТЕЛЬ *м махс.* чигитда қолган тукларни ажратиб оладиган машина.

ПУХООТДЕЛИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое чигитда қолган тукни ажратиб оладиган; **пухоотдели́тельная маши́на** чигитда қолган тукни ажратиб оладиган машина, линтер-машина.

ПУЧЕГЛА́ЗИЕ *ср мн. нет мед.* кўзларнинг чақчайиб, бақрайиб чиқиши касали.

ПУЧЕГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое кўзлари чақчайган, чақчайма кўз, олакўз, қурбақа кўз, укки кўз.

ПУЧИ́НА *ж* 1. гирдоб, камар; 2. қа'р; **морска́я пучи́на** денгиз қа'ри; 3. ‖ гирдоб; **ввёргнуть в пучи́ну бе́дствий** фалокат гирдобига солмоқ; **пучи́на войны́** уруш гирдоби.

ПУ́ЧИТЬ *несов. с. т.* 1. олайтирмоқ; бақрайтирмоқ; чақчайтирмоқ; **пучить глаза́** *(на кого́-н., на что-н.)* бирор кимса ёки нарсага кўзни олайтирмоқ; 2. *безл.* шишмоқ, қаппаймоқ, дўппаймоқ, дам бўлмоқ; **у него́ живо́т пу́чит** унинг қорни дам бўлипти.

ПУ́ЧИТЬСЯ *несов. с. т.* шишмоқ, дўппаймоқ, қаппаймоқ, дам бўлмоқ.

ПУЧО́К *м* (*мн.* пучки́) 1. пук *сўз. кичр. айт.*; қабза, тутамча, боғ, дастача; **пучо́к трав** бир қабза ўт; **пучо́к лу́ку** бир боғ пиёз; **во́лосы пучко́м** сочлари тарам-тарам; 2. ‖ даста, тарам; **пучо́к лучей́** *(физ.)* нур-

лар тарами, тарам-тарам бўлиб тушган нур; **сосу́дисто-волокни́стые пучки́** *(анат.)* томирли тўқимали дасталар.

ПУШБО́Л *м спорт.* пушбол (диаметри икки метр келадиган каттакон копток билан ўйналадиган спорт ўйини).

ПУШБО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое **пушбо́л** *сўз. миф.*; пушбол ўйинига оид; **пушбо́льный мяч** пушбол тўпи (коптоги).

ПУ́ШЕЧНЫЙ, -ая, -ое **пу́шка** *сўз. миф.*; тўп, замбаракка оид; **пу́шечная пальба́** тўпдан отиш; **пу́шечное ядро́** тўп ўқи; **пу́шечный мета́лл** тўп, замбарак ясайдиган металл. ◇ ***пу́шечное мя́со*** қ. мя́со.

ПУШИ́НКА *ж* пар парчаси: пардай (момиқдай) енгил нарса.

ПУШИ́СТОСТЬ *ж мн. нет* юмшоқлик, мулойимлик, майинлик.

ПУШИ́СТЫЙ, -ая, -ое 1. тивитли, патли, момиқли; **пуши́стая ко́шка** бароқ мушук; 2. майин, юмшоқ, момиқдай; **пуши́стые во́лосы** майин (кўпириб турадиган) сочлар; **пуши́стые ресни́цы** қалин, қуюқ киприклар; **пуши́стый снег** момиқдай қор.

ПУШИ́ТЬ *несов.* 1. титиб, саваб кўпиртмоқ, кўпчитмоқ; **пуши́ть шерсть** юнгни титиб (саваб) кўпчитмоқ; 2. тиккайтирмоқ, ҳурпайтирмоқ; **ку́рица пуши́т пе́рья** товуқ патларини ҳурпайтираётир; 3. ‖ *с.т. дагл.* уришиб бермоқ, сўкмоқ, қойимоқ.

ПУ́ШКА I *ж* тўп, замбарак; **скоростре́льная пу́шка** тезотар тўп; **зени́тная пу́шка** зенит тўп; **противота́нковая пу́шка** танкка қарши отадиган тўп; **пу́шка-га́убица** ўқни баланд тўсиқ (қал'а)дан ошириб отадиган тўп, қал'ага отадиган тўп; **самохо́дная пу́шка** ўзи юрар тўп; ◇ ***стреля́ть из пу́шек по воробья́м*** *(матал)* беҳуда ишга кўп куч сарф қилмоқ; ***пу́шкой не прошибёшь*** *(с.т.)* 1) одам шундай қалинки (кўпки) тўп билан отиб ҳам тугатиб бўлмайди; 2) ҳечнарсага ишонмайдиган, ўтакетган ўжар одам, қайсар киши.

ПУ́ШКА II *ж содд.* алдов, ёлғон гап, қалбаки; **э́то — пу́шка бу** — ёлғон гап (хабар); ◇ ***на пу́шку*** *(содд. манф.)* 1) алдамоқ, фириб бермоқ; **на пу́шку взять кого́-н.** бировни алдамоқ, бировга фириб бермоқ; 2) текин, сув текин; **получи́ть на пу́шку** текинга олмоқ.

ПУШКА́РЬ *м тар.* 1. тўпчи; 2. тўп ясовчи уста.

ПУШКИНИ́СТ *м ад.* пушкин-шунос (А. С. Пушкин ижодини ўрганиш билан шуғулланучи адабиётшунос).

ПУШКИНОВЕ́ДЕНИЕ *ср* пушкин-шунослик (адабиётшуносликнинг махсус соҳаси сифатида А. С. Пушкин ижодиётини ўрганиш).

ПУШНИ́НА *ж мн. нет собир.* мўйна; **заготовля́ть пушни́ну** мўйна йиғиш, мўйна тайёрлаш; **пушни́на — бога́тство на́шей страны́** мўйна — мамлакатимизнинг бойлигидир.

ПУШНО́Й, -ая, -о́е 1. қимматбаҳо мўйнали, мўйна берадиган; **пушны́е зве́ри** мўйнали ҳайвонлар; 2. мўйна; **пушно́й това́р** мўйна моллар; **пушно́й про́мысел** мўйначилик.

ПУШО́К *м мн. нет* пух *сўз. кичр. айт.*; майин пар, пат, момиқ мўй, тук; **цыпля́та покры́ты жёлтым пушко́м** жўжалар сариқ пар билан қопланипти; **пушо́к на лице́ у ю́ноши** йигитчанинг ияқларига мўй чиқипти, соқол-мўйлаби сабз уриб қолипти.

ПУ́ЩА *ж эск.* қалин, зич ўрмон.

ПУЩА́Й *маҳл. қ.* пуска́й ва пусть.

ПУЩА́ТЬ *несов. маҳл. қ.* пуска́ть.

ПУ́ЩЕ *нареч. содд.* кўпроқ, қаттиқроқ, баттарроқ; бешбаттар; **он ещё пу́ще рассердился** у яна баттарроқ аччиғланди; **пу́ще пре́жнего** илгаригидан ҳам кўпроқ, илгаригидан бешбаттар; **пу́ще всего́** ҳаммасидан кўпроқ.

ПУ́ЩИЙ, -ая, -ее: **для пу́щей ва́жности** *(с.т.)* савлат учун, сипогарчилик учун, катталигини кўрсатиш учун.

пущу́, пу́стишь *буд. от* **пусти́ть** *(қ.)*.

ПФЕ́ННИГ *м* майда, чақа пул [маркасининг 0,01 (юздан бир ҳиссаси)га тўғри келадиган герман пули].

ПЧЕЛА́ *ж* (*мн.* **пчёлы**) асалари, болари; **рабо́чая пчела́** ишчи асалари (асалариларнинг хизмат қиладиган асал ташучилари).

ПЧЕЛИ́НЫЙ, -ая, -ое пчела́ *сўз. сиф.*; асаларига оид; **пчелиная ма́тка** асалари пошшоси (асалариларнинг онабошиси); **пчели́ный у́лей** асалари уяси; **пчели́ный рой** асалари ғужи (тўдаси); **пчели́ный мёд** асалари боли.

ПЧЁЛКА *ж* пчела́ *сўз. кичр., эркл. айт.*; асаларича.

ПЧЕЛОВО́Д *м* асаларичи, асаларичилик билан шуғулланучи.

ПЧЕЛОВО́ДНЫЙ, -ая, -ое *махс.* асаларичиликка оид; **пчеловодный инвента́рь** асаларичилик асбоблари (буюмлари).

ПЧЕЛОВО́ДСТВО *ср* 1. *только ед.* асаларичилик; 2. асаларилар боқиш ва уларни сақлашда айрим хўжалик.

ПЧЕЛОВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое пчелово́дство ва пчелово́д *сўз. сиф.*; асаларичиликка ва асаларичига оид; **пчелово́дческое хозя́йство** асаларичилик хўжалиги.

ПЧЕЛООПЫЛЕ́НИЕ *ср мн. нет махс.* асалариларнинг ўсимликдан ўсимликка ўтиши натижасида уларни чанглатиши.

ПЧЁЛЬНИК *м* асалари кува (яшик)лари қўйилган жой.

ПЧЁЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* асалари урчитиш ишларига оид.

ПШЕНИ́ЦА *ж мн. нет* буғдой; **яровáя пшени́ца** баҳори буғдой; **озимая пшени́ца** кузги буғдой; **семенна́я пшени́ца** уруғлик буғдой.

ПШЕНИ́ЧКА *ж мн. нет с. т.* пшени́ца *сўз. эркл. айт.*; буғдой.

ПШЕНИ́ЧНО-ПЫРЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое *қ. х.* буғдой ва буғдойиқни чатиштириш натижасида олинган; **пшени́чно-пыре́йный гибри́д** буғдой ва буғдойиқ чатишмасидан ҳосил бўлган дурагай.

ПШЕНИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое буғдойга оид; буғдойдан қилинган; **пшени́чная мука́** буғдой ун; **пшени́чный хлеб** буғдой нон.

ПШЁННЫЙ, -ая, -ое пшено́ *сўз. сиф.*, сўккa оид; сўкдан қилинган; **пшённая крупа́** сўк, тариқ ёрмаси; **пшённая ка́ша** сўк бўтқа.

ПШЕНО́ *ср мн. нет* сўк, оқланган тариқ.

ПШИК *м с. т.* ҳеч, ҳеч-на, пуч.

ПЫЖ *м* 1. *эск.* пиж (оғзидан ўқ-ланадиган милтиқни ўқлаганда дори билан ўқ орасига ва ўқ устидан босиб шиббаланадиган латта; жун); 2. гильзали милтиқ патронини ўқлашда дори (порох) устига босиш учун милтиқ калибрига мослаб кулча шаклида қирқилган ва мойга ботириб қотирилган кигиз).

ПЫ́ЖИК *м махс.* 1. ёш шимол буғуси; 2. шу буғу мўйнаси.

ПЫ́ЖИКОВЫЙ, -ая, -ое пы́жик *сўз. сиф.*; ёш шимол буғуси ва мўйнасига оид; буғу мўйнасидан қилинган; **пы́жиковый мех** ёш буғу мўйнаси; **пы́жиковая ша́пка** буғу мўйнасидан қилинган телпак.

ПЫ́ЖИТЬСЯ *несов. с. т. манф.* 1. тиришмоқ, кучанмоқ, зўр бермоқ (одатда беҳудага); 2. гердаймоқ; кекаймоқ, чиранмоқ.

ПЫЖО́ВЫЙ, -ая, -ое пыж *сўз. сиф.*; пижга оид.

ПЫЛ *м мн. нет* 1. *маҳл.* ўт, олов, аланга, чўғ; **пирожки́ с пы́лу, с жа́ру** эндигина оловдан чиққан сомсалар; 2. ‖ қизғинлик, жўшқинлик, ғайрат, ҳовур, дард; **ю́ношеский пыл** йигитлик ғайрати; **в пылу́ гне́ва** ғазаб қайнаб турганда, тутақиб кетганда; ◇ *в пылу́ сраже́ния (би́твы и т.д.)* жанг қизиганда, жанг авжига чиққанда.

ПЫЛА́ТЬ *несов.* 1. ловуллаб (алангаланиб) ёнмоқ; **дрова́ пыла́ют** ўтин ловуллаб ёнмоқда; 2. ‖ ёнмоқ, қизармоқ, қизишмоқ; **щёки пыла́ют** икки юзи ўтдай ёнмоқда; 3. ‖ ёнмоқ, ўртанмоқ, тутақиб кетмоқ; **пыла́ть гне́вом** ғазаб ўтида ёнмоқ, ғазаби тошмоқ; **пыла́ть любо́вью** (*к чему́-н., кому́-н.*) бировнинг, бирор нарсанинг ишқи ўтида ўртанмоқ, ишқи ўтида ёнмоқ.

ПЫЛЕВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое чангсимон, кукуннамо хока; **пылеви́дное то́пливо** кукун қилинган ёқилғи.

ПЫЛЕВСАСЫВАЮЩИЙ, -ая, -ее *махс.* чанг сўрадиган, чангни тортадиган.

ПЫЛЕНЕПРОНИЦА́ЕМОСТЬ *ж мн. нет махс.* чанг ўтказмайдиганлик, чанг ўтказмовчилик.

ПЫЛЕНЕПРОНИЦА́ЕМЫЙ, -ая, -ое *махс.* чанг ўтказмайдиган.

ПЫЛЕОЧИСТИ́ТЕЛЬ *м тех.* 1. чанг тозалайдиган машина; 2. = **пылеулови́тель** *(к.)*.

ПЫЛЕСО́С *м* пилесос (уй ва жиҳозларнинг чангини тозалайдиган аппарат); **ко́мнатный пылесо́с** уй (хона) пилесоси.

ПЫЛЕУЛА́ВЛИВАЮЩИЙ, -ая, -ее: **пылеула́вливающая устано́вка** чангни ушлаб қолучи установка, чанг ушлаб қолучи аппарат.

ПЫЛЕУЛОВИ́ТЕЛЬ *м тех.* ҳавони чангдан тозалайдиган асбоб.

ПЫЛИ́НКА *ж* чанг зарраси, гард: **всё чи́сто, ни́где ни пыли́нки** ҳамма ер тоза, ҳечбир жойда заррача чанг (гард) йўқ.

ПЫЛИ́ТЬ *несов.* 1. чангитмоқ, чанг-тўзон кўтармоқ; **пыли́ть метло́й** супурги билан (супуриб) чангитмоқ; 2. чанг қилмоқ, чангга беламоқ; **пыли́ть оде́жду** кийимбошни чанг қилмоқ, чангга беламоқ.

ПЫЛИ́ТЬСЯ *несов.* чангимоқ, чанг бўлмоқ, чанг босмоқ; **кни́ги на по́лках пыля́тся** токчаларда китоблар чанг босиб қолади.

ПЫЛИ́ЩА *ж с. т.* чанг-тўзон, бурқираган чанг; **подня́лась пыли́ща** тўзон кўтарилди.

ПЫ́ЛКИЙ, -ая, -ое қизғин, оташин, жўшқин; юрагида ўти бор, ғайратли; **пы́лкий ю́ноша** ғайратли (юрагида ўти бор) йигитча; **пы́лкое воображе́ние** жўшқин ҳаёл; **пы́лкая любо́вь** қизғин муҳаббат.

ПЫ́ЛКОСТЬ *ж мн. нет* қизғинлик, жўшқинлик, ғайратлилик.

ПЫЛЬ *ж мн. нет* чанг, тўзон, гард, ғубор; **на у́лице подня́лась пыль** кўчада чанг кўтарилди; **смета́ть пыль** чангни супурмоқ; **он был весь в пыли́ (покры́т пы́лью)** унинг ҳамёғи чанг эди; **у́гольная пыль** кўмир чанги, гарди; **мучна́я пыль** ун гарди; **сне́жная пыль** қор учқуни; ◇ ***пыль столбо́м*** бурқираган чанг; ***пыль в глаза́ пуска́ть (пусти́ть)*** *с. т.* мақтаб алдамоқ.

ПЫ́ЛЬНИК I *м бот.* чангдон.

ПЫ́ЛЬНИК II *м* пильник (кийимларни чангдан сақлайдиган юпқа плаш).

ПЫ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое чанг босган, чангли, сертупроқ; **пы́льная доро́га** сертупроқ йўл; **пы́льный во́здух** серчанг ҳаво; **пы́льный ковёр** чанг босган гилам; **пы́льная оде́жда** чанг босган кийим.

ПЫЛЬЦА́ *ж мн. нет бот.* чанг, гулчанги (ўсимликнинг эркак жинс ҳужайралари); **пыльца́** растения ўсимлик гулчанглари.

ПЫЛЬЦЕВО́Й, -ая, -ое *бот.* **пыльца́** *сўз. сиф.*: гулчангга оид.

ПЫРЕ́Й *м бот. к. у.* бўғдойиқ (ғалласимон ўсимлик).

ПЫРНУ́ТЬ *сов. и однокр. созд.* санчмоқ, суқмоқ (бир марта); **пырну́ть ножо́м пичо́к** санчмоқ; **пырну́ть** рога́ми шох суқмоқ (сузмоқ).

ПЫРЯ́ТЬ *несов. к.* **пырну́ть**.

ПЫТА́ТЬ *несов.* 1. қийнамоқ, исканжага олмоқ, қийноққа солмоқ, сиқмоқ; 2. ‖ *с. т.* азобламоқ, азоб бермоқ; 3. *махл.* суруштирмоқ, сўроқламоқ, сўраб-сўраб бўлмоқ; ◇ ***пыта́ть сча́стья*** *(с. т.)* бахтини синаб кўрмоқ, бахт изламоқ.

ПЫТА́ТЬСЯ *несов.* уринмоқ, уриниб кўрмоқ, ҳаракат қилмоқ, синаб кўрмоқ; **он тщётно пыта́лся откры́ть дверь** беҳудага у эшикни очишга уриниб кўрди; **мали́ш пыта́ется ходи́ть** гўдак юришга ҳаракат қилаётир.

ПЫТКА *ж* 1. қийноқ, азоб, исканжа; **подверга́ть пы́тке** қийноққа солмоқ; **ору́дие пы́тки** қийноқ анжомлари; 2. ‖ *виждон* азоби, руҳий азоб.

ПЫТЛИ́ВО *нареч.* синаб, синаш учун; синчиклаб; **пытли́во посмотре́ть** синаш учун қараб қўймоқ; **пытли́во изуча́ть что-н.** бирор нарсани синчиклаб ўрганмоқ.

ПЫТЛИ́ВОСТЬ *ж мн. нет* синчковлик, серҳаваслик, билишга интилишлик; **отлича́ться пытли́востью ума́** ақлининг синчковлиги билан ажралиб турмоқ.

ПЫТЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое серҳавас, серҳафсала, синчков, ҳаваскорона билишга (тушунишга) интиладиган; **пытли́вый ю́ноша** серҳавас йигитча; **пытли́вый ум** синчков ақл.

ПЫ́ХАТЬ *несов. с. т.* 1. иссиқ чиқармоқ, ялиғланмоқ, ҳовури баланд бўлмоқ; **печь пы́шет жа́ром**

печ**ы**нинг ҳовури баланд; 2. ‖ қипқизил бўлиб турмоқ, лоладай қизил бўлмоқ; яшнамоқ, барқ урмоқ; **ма́льчик пы́шет здоро́вьем** боланинг юзидан қон томади; он **пы́шет весе́льем** у қувноқ кўринади; **она́ пы́шет гне́вом** у газаб ўтида ёнмоқда.

ПЫХТЕ́ТЬ *несов.* 1. ҳарсилламоқ, оғир нафас олмоқ; 2. ‖ *с. т.* тиришмоқ, кучанмоқ. зўр бермоқ, куйиб-пишиб ўтирмоқ; **пыхте́ть над уро́ками** куйиб-пишиб дарс тайёрлаб ўтирмоқ; 3. пишилламоқ, пишқирмоқ; **паровоз пыхти́т** паровоз пишиллаб турипти.

пыхчу́, пыхти́шь *наст. от* **пыхте́ть** (*қ.*).

ПЫ́ШЕЧКА *ж* **пы́шка** *сўз. кичр., эркл. айт.*; кулча, булка.

ПЫ́ШКА *ж* 1. булка, кулча (дўмбок, юмшоқ нон); 2. ‖ *с. т.* лўппи, дўмбоқ, дўндиқ (бола ёки аёл).

ПЫ́ШНОСТЬ *ж мн. нет* 1. енгиллик; юмшоқлик, кўпчиганлик; 2. ‖ ҳашаматлилик, серҳашамлилик, башанглик; 3. ‖ тантаналилик, дабдабалилик.

ПЫ́ШНЫЙ, -ая, -ое 1. серҳашам, ҳашаматли, шукуҳли, башанг; **пы́шный наря́д** серҳашам кийимбош; **пы́шный дворе́ц** ҳашаматли сарой; 2. чаман, қалин, сершох; **пы́шный лес** қалин (қуюқ) ўрмонзор; **пы́шная расти́тельность** сершох ўсимликлар; 3. кўпчиган, кўпчитилган; ҳурпайган, юмшоқ; **пы́шная причёска** ҳурпайтириб ўрилган соч; 4. ‖ юмшоқ, биққадай; **пы́шный хлеб** юмшоқ нон; **пы́шный пиро́г** қовариб пишган пирог; 5. ‖ *манф.* дабдабали, тумтарақай; **пы́шные фра́зы** тумтарақай сўзлар; **произнести́ пы́шную речь** дабдабали нутқ сўзламоқ.

пышу́, пы́шешь *наст. от* **пы́хать** (*қ.*).

ПЬЕДЕСТА́Л *м* 1. пьедестал, тагкурси, ҳайкал ўрнатилган (ўрнатиладиган) супача; **мра́морный пьедеста́л** мармар пьедестал; 2. ‖ мансаб, мартаба, обрў; **низве́ргнуть кого́-н. с пьедеста́ла** бировни мартабадан туширмоқ.

ПЬЕЗО́МЕТР *м махс.* пьезометр (босим таъсири остида суюқликнинг қисилиши миқдорини ўлчайдиган асбоб).

ПЬЕ́КСЫ *мн., ед. нет спорт.* пьекси (чангида юрганда кийиладиган, тумшуғи юқорига қайрилган оёқ кийими).

ПЬЕ́СА *ж* 1. *театр.* пьеса (саҳна асари); **но́вая пье́са име́ла большо́й успе́х** янги пьеса яхши муваффақият қозонди; 2. *муз.* пьеса (кичкина музика асари); **сбо́рник пьес для ро́яля** рояльда чалиш учун ёзилган пьесалар тўплами.

ПЬЕ́СКА *ж с. т.* **пье́са** *сўз. кичр. айт.*; кичкина пьеса.

пью, пьёшь, пьёт *наст. от* **пить** (*қ.*).

ПЬЮ́ЩИЙ, -ая, -ее 1. **пить** ф е'лининг сифатдоши; 2. *с. т.* ичағон (спиртли ичимликларни яхши кўрадиган киши); 3. *сущ.* **пью́щий** *м с. т.* майхўр, арақхўр.

ПЬЯНЕ́ТЬ *несов.* 1. маст бўлмоқ, кайфи ошмоқ; 2. ‖ маст бўлмоқ, кайфланмоқ, завқланмоқ; **пьянне́ть от ра́дости** шодликдан завқланмоқ.

ПЬЯНИ́ТЬ *несов.* 1. маст қилмоқ, кайфни оширмоқ; 2. ‖ кайфлантирмоқ, завқлантирмоқ, маст қилмоқ.

ПЬЯ́НИЦА *м* и *ж* арақхўр, майхўр, ичкиликвоз, пиёниста; **го́рький пья́ница** ашадди арақхўр.

ПЬЯ́НКА *ж сопд. нафр.* бир жойга тўпланиб маствозлик қилиш, ичкиликвозлик, арақхўрлик.

ПЬЯ́НСТВО *ср мн. нет* арақхўрлик, майхўрлик, ичкиликвозлик.

ПЬЯ́НСТВОВАТЬ *несов.* ичкиликвозлик қилмоқ, арақхўрлик қилмоқ.

ПЬЯНЧУ́ГА, ПЬЯНЧУ́ЖКА *м* и *ж сопд. нафр.* арақхўр, ичкиликвоз, майхўр.

ПЬЯ́НЫЙ, -ая, -ое 1. маст; он был **пья́н** у маст эди; 2. *сущ.* **пья́ный** *м* маст-аласт; 3. мастга хос; **пья́ный разгово́р** мастлик блан валдираш; **пья́ный го́лос** маст кишининг товуши; 4. *с. т.* маст қиладиган; ўткир; **пья́ное вино́** тез маст қиладиган, ўткир вино (мусаллас); 5. ‖ маст бўлган, кайфланган, завқланган; ◇ *с пья́ных глаз қ.* глаз.

ПЭ *ср нескл.* пэ (п ҳарфининг номи); *қ.* п.

ПЭР *м сиёс.* пэр (феодализм даврида Англия ва Францияда олий дво-

рянлик унвони; Францияда 1848 йил революциясидан кейин тугатилган, Англияда эса ҳозиргача сақланган бўлиб, лордлар палатасида қатнашишга ҳуқуқ беради); пала́та пэ́ров пэрлар палатаси.

пэ́рство *ср мн. нет сиёс.* пэрлик, пэр унвони.

пюпи́тр м пюпитр (ноталар қўйиладиган қия сатҳли кичкина стол); но́тный пюпи́тр нота пюпитри.

пюре́ *ср нескл.* пюре (ба'зи гўштлик овқат ёнига қўшиб бериладиган сабзавотдан эзиб, қириб тайёрланадиган емиш); карто́фельное пюре́ картошка пюреси.

пядени́ца *ж зоол.* одимчи қурт ва унинг капалаги (зараркунанда ҳашарот).

пядь *ж* (*мн.* пя́ди) қарич (эскидан қолган узунлик ўлчами); ◊ *ни пя́ди (не отда́ть, не уступи́ть)* бир қарич ҳам (бермаслик); „Ни одно́й пя́ди чужо́й земли́ не хотим. Но и свое́й земли́, ни одного́ вершка́ свое́й земли́ не отдади́м никому́" (Сталин) „Ўзгаларнинг бир қарич ерини ҳам истамаймиз. Аммо ўз еримизни, ўз еримизнинг бир вершогини ҳам ҳеч кимга бермаймиз" (Сталин); *семи́ пя́дей во лбу к.* лоб.

пя́лить *несов. махс.* таранг тортмоқ, тортиб кермоқ; пя́лить шку́рки териларни кергига тортмоқ, кериб қўймоқ; ◊ *пя́лить глаза́ (на кого-н.) содд. манф.* бировга кўзини олайтириб қарамоқ, бақраймоқ.

пя́литься *несов.* таранг қилиб тортилмоқ, кериламоқ.

пя́льцы *мн., ед. нет* керги, чамбарак.

пя́стный, -ая, -ое *анат.* пясть *сўз. сиф.*; панжа суягига оид; пя́стные ко́сти панжа ўзаги, суяклари.

пясть *ж анат.* панжа ўзаги (суяги).

пята́ *ж* (*мн.* пя́ты) 1. *эск.* товон; оёқ товони; 2. *махс.* товон, ёстиқ, пята́ наклонного ва́ла *(тех.)* ғориш вал товони; пята́ сво́да *(арх.)* арк ёстиғи; ◊ *ходи́ть по пята́м (за кем-н.)* бирор кишининг кетидан эргашиб юрмоқ, изига тушмоқ; *зна́ться за кем-н. по пята́м* биров-нинг изидан қувиб бормоқ; *под пято́й* товони остида, зулми остида; *от головы́ до пят (пя́ток) с. т.* бошидан оёғигача; *Ахилле́сова пята́ қ.* ахиллес ов.

пя́так *м. с. т.* беш тийинлик пул, беш тийин.

пятачко́вый, -ая, -ое *с. т.* беш тийинлик, беш тийинга арзийдиган.

пятачо́к I *м* (*мн.* пятачки́) *с. т.* пята́к *сўз. кичр. айт.*; беш тийин, бирмири.

пятачо́к II *м* (*мн.* пятачки́) *с. т.* чўққа тумшуғи.

пятачо́к III *м* (*мн.* пятачки́) *с. т. ҳазл.* кичкина (тор) жой, тангадай жой.

пятери́к *м* бешлик, бешгазлик, бешпудлик, беш пуд сиғимли идиш (мас., қоп).

пятерико́вый, -ая, -ое бешлик, бешталик, бешгазлик, бешпудлик, беш пуд келадиган, беш пуд сигадиган.

пятери́чный, -ая, -ое *эск.* беш марта, беш карра, бешга кўпайтирилган.

пятёрка *ж* 1. беш (рақам); 2. *с. т.* беш (мактабда ўқувчининг билимига бериладиган энг юқори баҳо); 3. *с. т.* беш сўмлик пул; 4. бешта, бешов, беш кишилик группа; 5. бешлик (беш очколик карта).

пятерня́ *ж с. т.* шапалоқ, панжа.

пя́теро бешов, бешта, беш; их бы́ло пя́теро улар бешов эди, улар беш киши эди.

[пяти-] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, „беш" деган ма'нони англатади, мас., **пятивёрстный** бешчақиримли, **пятизаря́дный** бешўқли, беш зарядли, **пятиконе́чный** бешқирралы, **пятиуго́льный** бешбурчакли.

пятиалты́нный, -ая, -ое *эск. с. т.* ўнбеш тийинлик танга, учмирилик танга.

пятибо́рье *ср мн. нет спорт.* бешлик мусобақа, бешхил спорт ўйинини ўз ичига олган мусобақа.

пятивёрстка *ж махс.* бешчақиримли (бир дюйми беш чақирим масштабли) географик карта; *қ.* дюйм.

ПЯТИВЁРСТНЫЙ, -ая, -ое бир дюйми беш чақирим масштабли; **пятивёрстная ка́рта** бир дюйми беш чақирим масштабли карта.

ПЯТИГЛА́ВЫЙ, -ая, -ое бешбошли, бешчўққили; **пятигла́вая гора́** бешчўққили тоғ.

ПЯТИГРА́ННИК *м мат.* бешқирра, бешёқлик.

ПЯТИГРА́ННЫЙ, -ая, -ое *мат.* бешёқли, бешқиррали.

[пятидесяти-] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, „эллик“ маносини англатади, мас., **пятидесятикопе́ечный** эллик тийинлик, **пятидесятирублёвый** эллик сўмлик.

ПЯТИДЕСЯТИЛЕ́ТИЕ *ср* 1. эллик йил, эллик йиллик муддат; 2. эллик йиллик, эллик ёш; **пятидесятиле́тие со дня рожде́ния** туғилганига эллик йил тўлган кун.

ПЯТИДЕСЯТИЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее 1. эллик йиллик; **пятидесятиле́тний** срок эллик йиллик муддат; **пятидесятиле́тний юбиле́й** эллик йиллик юбилей; 2. эллик яшар; **пятидесятиле́тний мужчи́на** эллик яшар одам (эркак).

ПЯТИДЕСЯ́ТЫЙ, -ая, -ое эллигинчи; **пятидеся́тая страни́ца** эллигинчи бет; **пятидеся́тые го́ды** эллигинчи йиллар.

ПЯТИДНЕ́ВКА *ж* бешкунлик.

ПЯТИДНЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое бешкунлик; **пятидне́вный путь** бешкунлик йўл.

ПЯТИКЛА́ССНИК *м* бешинчи синф ўқувчиси (ўғил бола).

ПЯТИКЛА́ССНИЦА *ж* бешинчи синф ўқувчиси (қиз бола).

ПЯТИКЛА́ССНЫЙ, -ая, -ое 1. беш синфли (мактаб); 2. беш синфли, бешинчи синфни битирган; **пятикла́ссное образова́ние** бешинчи синфда ўқиган.

ПЯТИКОНЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое бешқиррали; **пятиконе́чная звезда́** бешқиррали юлдуз.

ПЯТИКОПЕ́ЕЧНЫЙ, -ая, -ое беш тийинлик, баҳоси беш тийин турадиган; **пятикопе́ечная ма́рка** беш тийинлик марка.

ПЯТИКРА́ТНЫЙ, -ая, -ое беш карра, беш марта такрорланган, беш ҳисса ошиқ; **уплати́ть в пятикра́тном разме́ре сто́имости** баҳосидан беш ҳисса ошиқ тўламоқ.

ПЯТИЛЕ́ТИЕ *ср* 1. бешйиллик муддат; 2. бейшиллик, беш ёш.

ПЯТИЛЕ́ТКА *ж* 1. бешйиллик давр; 2. бешйиллик план, халқ хўжалигини ривожлантириш бешйиллик плани; **выполне́ние пятиле́тки в четы́ре го́да** беш йиллик планни тўрт йилда бажариш; **зада́чи послевое́нной пятиле́тки** урушдан кейинги бешйиллиқнинг вазифалари.

ПЯТИЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее 1. бешйиллик; **пятиле́тний пери́од** бешйиллик давр; **пятиле́тний план** бешйиллик план; 2. беш яшар; **пятиле́тний ребёнок** беш яшар бола.

ПЯТИМЕ́СЯЧНЫЙ, -ая, -ое 1. бешойлик (муддат); **пятиме́сячные ку́рсы** бешойлик курслар; 2. бешойлик; **пятиме́сячный ребёнок** бешойлик бола, чақалоқ.

ПЯТИПА́ЛЫЙ, -ая, -ое бешбармоқли.

ПЯТИПРОЦЕ́НТНЫЙ, -ая, -ое бешпроцентли; **пятипроце́нтная надба́вка** бешпроцентли қўшимча, бешпроцентли устама; **пятипроце́нтный раство́р йо́да** бешпроцентли йод эритмаси.

ПЯТИРУБЛЁВЫЙ, -ая, -ое бешсўмлик; **купи́ть пятирублёвый биле́т** бешсўмлик билет олмоқ.

ПЯТИСЛО́ЖНЫЙ, -ая, -ое *грам.* бешбўғинли; **пятисло́жное сло́во** бешбўғинли сўз.

ПЯТИСО́ТЕННЫЙ, -ая, -ое *с. т.* бешюзсўмли.

ПЯТИСОТЛЕ́ТИЕ *ср* 1. беш юз йиллик, беш юз йил; 2. беш юз йиллик, беш юз йил тўлганлик.

ПЯТИСОТЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее бешюзйиллик, беш юз йил.

ПЯТИСО́ТНИЦА *ж* бешюзчи, беш юз центнерчи аёл (илғор колхозчи стахановчилар ҳақида).

ПЯТИСО́ТЫЙ, -ая, -ое бешюзинчи; **пятисо́тая страни́ца** бешюзинчи бет; **пятисо́тый но́мер** бешюзинчи номер; **одна́ пятисо́тая гекта́ра** гектарнинг беш юздан бири; **две пя-**

тисо́тых то́нны тоннанинг бешюздан икки ҳиссаси.

ПЯТИСТИ́ШИЕ *ср ад.* бешлик, мухаммас, бешмисра'ли ше'р.

ПЯТИСТО́ПНЫЙ, -ая, -ое беш туроқли; **пятисто́пный стих** бештуроқли ше'р.

ПЯТИТО́НКА *ж с. т.* бештоннаник, беш тонна юк кўтарадиган автомашина.

ПЯТИТО́ННЫЙ, -ая, -ое бештоннали, беш тонна сигадиган, беш тонна кўтараоладиган.

ПЯТИТЫ́СЯЧНЫЙ, -ая, -ое 1. бешмингинчи; 2. бешмингли, беш мингдан иборат; **пятитысячный отря́д** беш минг кишилик отряд, беш минг кишидан иборат отряд.

ПЯ́ТИТЬ *несов.* тисартмоқ, тислатмоқ, орқага қараб итармоқ; **пя́тить ло́шадь** отни тисартмоқ.

ПЯ́ТИТЬСЯ *несов.* тисланмоқ, тисарилмоқ; **пя́титься наза́д** орқага тисарилмоқ.

ПЯТИУГО́ЛЬНИК *м мат.* бешбурчак.

ПЯТИУГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое бешбурчакли.

ПЯТИЭТА́ЖНЫЙ, -ая, -ое бешқаватли: **пятиэта́жный дом** бешқаватли уй (бино).

ПЯ́ТКА *ж* 1. товон орқаси, ўкча; 2. товон; **чуло́к с двойно́й пя́ткой** товони икки иплаб тўқилган пайпоқ; 3. *махс.* пойнак; **пя́тка яйца́** тухумнинг пойнаги; ◊ ***душа́ в пя́тки ушла́*** *(с. т.)* қ. душа́; ***показа́ть пя́тки*** *(с. т.)* қочмоқ, туёғини шиқиллатмоқ; ***то́лько пя́тки сверка́ют (засверка́ли)*** *с. т.* икки оёғини қўлига олиб қочди.

[**пятнадцати-**] қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб „ўнбеш" деган ма'нони билдиради мас., **пятнадцатикопе́ечный** ўнбеш тийинлик (пул), **пятнадцатиметро́вый** ўнбеш метрли.

ПЯТНАДЦАТИЛЕ́ТИЕ *ср* 1. ўнбеш йиллик (муддат); 2. ўнбеш йиллик. ўнбеш йил тўлганлик.

ПЯТНАДЦАТИЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее 1. ўнбеш йиллик; **пятнадцатиле́тний пери́од** ўнбеш йиллик давр; 2. ўнбеш яшар; **в пятнадцатиле́тнем во́зрасте** ўнбеш ёшлик вақтида.

ПЯТНАДЦАТИСИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* ўнбеш от кучили, ўнбеш от кучига эга; **пятнадцатисильный тра́ктор** ўнбеш от кучига эга трактор.

ПЯТНА́ДЦАТЫЙ, -ая, -ое ўнбешинчи; **пятна́дцатое октября́** ўнбешинчи октябрь; **пятна́дцатый но́мер** ўнбешинчи номер.

ПЯТНА́ДЦАТЬ ўнбеш; **три́жды пять — пятна́дцать** уч карра беш — ўнбеш.

ПЯТНА́ТЬ *несов.* 1. дог қилмоқ, дог тегизмоқ; 2. ‖ дог туширмоқ, иснод келтирмоқ, номини булғатмоқ, шарманда қилмоқ; **пятна́ть репута́цию обру́сини** тўкмоқ; 3. *с. т.* пятнашки ўйинида қувиб етилган болага қўл ёки коптоқ тегизиб унинг ўзини қувловчи қилиб қўймоқ.

ПЯТНА́ТЬСЯ *несов. страд. от* **пятна́ть** *(қ.).*

ПЯТНА́ШКИ *мн., ед. нет с. т.* пятнашки (қувлаб ўйналадиган болаларнинг бирхил ўйини).

ПЯТНИ́СТЫЙ, -ая, -ое хол-хол, олачипор; доғли; **пятни́стая ко́шка** олачипор мушук; **пятни́стый оле́нь** олачипор буғу.

ПЯ́ТНИЦА *ж* жума, жума куни; **приём посети́телей по пя́тницам** келувчиларни жума кунлари қабул қилинади; ◊ ***се́мь пя́тниц на неде́ле*** *(матал)* ҳафтада етти жума, бетайин; **у него́ семь пя́тниц на неде́ле** унинг тайини йўқ, бетайин, тутуриқсиз

ПЯ́ТНИЧНЫЙ, -ая, -ое *с. т.* **пя́тница** *сўз. соф.*; жумалик, жума куни, жума кунидаги.

ПЯТНО́ *ср* (*мн.* **пя́тна**) 1. дог, хол; қашқа; **кра́сные пя́тна на те́ле** бадандаги қизил доглар; **ло́шадь с бе́лым пятно́м на лбу** пешонасида оқ қашқаси бор от; **пя́тна на плода́х** мевалардаги дог ва ҳоллар; **роди́мые пя́тна** 1) туғма хол; 2) ‖ қолдиқ; 2. дог, юқ; **чернильное пятно́** сиёх доғи; **са́льное пятно́ на ска́терти** дастурхондаги ёғ доғи; **выводить пя́тна** доғни кеткизмоқ; 3. ‖ дог, иснод; **пятно́ позо́ра** шармандалик; **пя́тно на репута́ции** обрўга туши-

рилган дор; **смыть пятно́** доғни ювмоқ, гуноҳини (айбини) ювмоқ; ◇ ***бе́лое пя́тно (на географи́ческих ка́ртах)*** *махс.* текширилмаган жой, ер (картада бундай жойлар оқ дог шаклида берилади); ***жёлтое пятно́*** *(анат.)* сариқ дог (кўз тўрпардасининг кўриш нерви олдидаги энг сезгир жойи); ***со́лнечные пя́тна*** *(астр.)* қуёшдаги доғлар; ***и на со́лнце есть пя́тна*** *(мақол)* қуёшда ҳам дог бор, ҳар тўкисда бир айб.

ПЯ́ТНЫШКО *ср с. т.* **пятно́** *сўз. кичр., эркл. айт.*; доғча, кичкина дог.

ПЯТО́К *м с. т.* бешта, бештагина, беш дона, беш донагина, бештача; **да́йте пято́к я́блок** бештача олма беринг; **купи́л пято́к яиц** бештагина тухум олдим.

ПЯ́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое **пя́тка** *сўз. сиф.*; товонга, ўкчага оид; **пя́точное сухожи́лие** ўкча пайи.

ПЯ́ТЫЙ, -ая, -ое бешинчи; **пя́тый но́мер** бешинчи номер; **мы уезжа́ем в три че́тверти пя́того** биз соат чорак кам бешда жўнаймиз; **он пришёл в пя́том часу́** у соат тўртдан сал ошганда келди; **пя́тая часть урожа́я** ҳосилнинг бешдан бир қисми; **Карл V** *(тар.)* Карл V; 2. *сущ.* **пя́тая** *ж* бешинчи қисм (улуш); **одна́ пя́тая** бешдан бир; ◇ ***пя́тая коло́нна*** *(сиёс.)* бешинчи колонна (чет давлат нинг бошқа мамлакатда ташкил этиладиган, жосуслик—қўпоручилик ишлари олиб борадиган ҳамда тажовузкорлик уруши вақтида агрессив давлат қўшинларига актив ёрдам берадиган махфий агентураси),

ПЯТЬ беш, бешта; **вме́сте с пятью това́рищами он пошёл в институ́т** у бешта ўртоғи билан бирга институтга кетди; **вме́сто пяти́ я по оши́бке написа́л три** беш ёзиш ўрнига мен янглишиб уч ёзибман.

ПЯТЬДЕСЯ́Т эллик, элликта; **разгово́р шёл о пяти́десяти рубля́х** гап эллик сўм устида бораётган эди; **он пошёл в магази́н с пятью́десятью рубля́ми в карма́не** у чўнтагига эллик сўм солиб магазинга кетди.

ПЯТЬСО́Т бешюз.

ПЯ́ТЬЮ *нареч.* беш карра, беш марта; **пя́тью пять — два́дцать пять** беш карра беш — йигирма беш.

пя́чу, пя́тишь *наст. от* **пя́тить** *(қ.)*.

Р

Р р (рус алфавитининг ўн еттинчи ҳарфи; р ундош товушини ифодалайди); *қ.* **эр**.

РАБ *м* 1. қул; труд рабо́в қуллар меҳнати; торго́вля раба́ми қул савдоси; **крепостны́е рабы́** крепостной қуллар; 2. ‖ эрксиз (ўз эркли, изми ўзида бўлмаган, бировнинг ихтиёрида бўлган) одам; 3. ‖ *нафр.* хушомадгўй (лаганбардор) одам; 4. ‖ қул, банди, асир; **раб свои́х привы́чек** ўз одатларининг қули.

РАБА́ *ж эск. с. т.* *қ.* раб.

РАБА́ТКА *ж* девор ёки йўл ёқалаб кетган узун гулзор.

РА́БИЙ, -ья, -ье *эск.* 1. раб *сўз. сиф.*; қулга, қулларга оид; 2. ‖ *нафр.* қулларча, лаганбардорларча, хушомадгўйлик билан; **ра́бье послуша́ние** қулларча бўйин эгиш; **„Одно́ из свойств меща́нской души́ — раболе́пие, ра́бье преклоне́ние перед авторите́том"** (Горький) „Мешчаннинг хусусиятларидан бири — обрўли зот олдида тиз чўкиш, унга қулларча сажда қилишдир" (Горький).

РАБКО́Р (рабко́чий корреспонде́нт) *м* рабкор (ишчи мухбир).

РАБКО́РОВСКИЙ, -ая, -ое **рабко́р** *сўз. сиф.*; рабкорга, ишчи мухбирга оид; **рабко́ровская заме́тка** ишчи мухбир ёзган хабар.

РАБКРИ́Н (Рабо́че-крестья́нская инспе́кция) *м тар.* ишчи-деҳқон инспекцияси, назорати.

РАБОВЛАДЕ́ЛЕЦ *м тар.* қулдор, қул эгаси.

РАБОВЛАДЕ́ЛИЦА *ж қ.* **рабовладе́лец**.

РАБОВЛАДЕ́ЛЬЧЕСКИЙ, -ая, -ое қулдорга, қулдорликка оид; қулдик-

ка, қулдорликка асосланган; **рабовладе́льческое о́бщество** (*тар.*) қулдорлик жамияти.

РАБОВЛАДЕ́НИЕ *ср мн. нет* қулдорлик.

РАБОЛЕ́ПИЕ *ср мн. нет нафр.* тиз чўкиб сажда қилиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик.

РАБОЛЕ́ПНЫЙ, -ая, -ое *нафр.* тиз чўкиб сажда қилувчи; хушомадгўй, лаганбардор; хушомадгўйлик (лаганбардорлик) билан қилинган.

РАБОЛЕ́ПСТВО *ср мн. нет нафр. қ.* раболе́пие.

РАБОЛЕ́ПСТВОВАТЬ *несов. нафр.* тиз чўкиб сажда қилмоқ, хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ; он ни перед кем не раболе́пствует у ҳечкимнинг олдида тиз чўкмайди, у ҳечкимга лаганбардорлик қилмайди.

РАБО́ТА *ж* 1. *только ед.* иш, фаолият, ишлаш; **рабо́та тра́ктора** трактор нинг ишлаши; **приня́ть уча́стие в рабо́те конфере́нции** конференция ишига қатнашмоқ; **рабо́та се́рдца** юрак фаолияти; 2. *только ед.* иш, меҳнат, машғулот; **физи́ческая рабо́та** жисмоний меҳнат; **у́мственная рабо́та** ақлий меҳнат; **обще́ственная рабо́та** жамоатчилик иши; жамоат иши; **стаха́новская рабо́та** стахановча меҳнат; **за рабо́той** иш устида; 3. *только мн.* ишлар; **ороси́тельные рабо́ты** суғориш ишлари; **сельскохозя́йственные рабо́ты** қишлоқ хўжалик ишлари; **земля́ные рабо́ты** ер қазиш ишлари; 4. *только ед.* иш, хизмат, вазифа; **ме́сто рабо́ты** хизмат жойи, ишлайдиган жой; **поступи́ть на рабо́ту** ишга кирмоқ; **снять с рабо́ты** ишдан олмоқ; **посто́янная рабо́та** доимий иш; **сде́льная рабо́та** байлашиб қилинадиган иш, ишбай асосидаги иш; **знать кого́-н. по рабо́те** бирор кишини бирга ишлаб билмоқ; 5. иш, юмуш; **разда́ть рабо́ту** ишни тақсимлаб бермоқ; 6. бажарилган иш, асар; **спи́сок печа́тных рабо́т** босилиб чиққан асарлар рўйхати; **вы́ставка рабо́т худо́жников** рассомлар асарларининг кўргазмаси; **машини́стка вы́полнила свою́ рабо́ту в срок** машинистка ишини ўз муддатида бажарди; 7. иш; ишнинг сифати; **вещь превосхо́дной рабо́ты** жуда яхши ишланган нарса; **то́нкая рабо́та** нозик (нафис) ишланган нарса; 8 иш, юмуш, вазифа, машғулот; **лабора́торная рабо́та** лаборатория иши, машғулоти; **пи́сьменная рабо́та** ёзма иш (мактабда); **прове́рка дома́шних рабо́т учеников** ўқувчиларнинг уй вазифаларини текширмоқ; **ѳди́ница рабо́ты** (*физ.*) иш бирлиги; **Сизи́фова рабо́та, Сизи́фов труд** беҳуда ва сра тугамайдиган иш; **египе́тская рабо́та** қ. египетский; **взять кого́-н. в рабо́ту** ёки **в оборо́т** (*с.т. беги.*) қ. оборо́т; **ка́торжные рабо́ты** (*тар.*) қ. ка́торжный 1.

РАБО́ТАТЬ *несов.* 1. ишламоқ, юрмоқ, ишлаб (юриб) турмоқ; **маши́на рабо́тает испра́вно** машина яхши ишлаб турипти; **телегра́ф рабо́тает без переры́ва** телеграф бетўхтов ишлайди; **библиоте́ка рабо́тает до восьми́ часо́в ве́чера** кутубхона (библиотека) кеч соат саккизгача ишлайди; **организова́ть рабо́ту маши́н по гра́фику** машиналарнинг ишини график асосида ташкил этмоқ; 2. ишламоқ, иш қилмоқ, меҳнат қилмоқ; **рабо́тать не покла́дая рук** белни маҳкам боғлаб ишламоқ, астойдил меҳнат қилмоқ; **у них в семье́ все рабо́тают** уларнинг оиласида ҳамма ишлайди; 3. бир нарса устида ишламоқ, бирор нарса яратмоқ, бирор нарсани ўрганиш билан машғул бўлмоқ; **композито́р у́порно рабо́тал над но́вым произведе́нием** композитор янги асар устида қаттиқ ишлади; **рабо́тать над дре́вними ру́кописями** қадимий қўлёзмалар устида ишламоқ (уларни текширмоқ, ўрганмоқ); 4. бирор нарсадан фойдаланиб ишлашни билдирганда қўлланилади: **рабо́тать с ки́тайской кито́бдаи** фойдаланиб ишламоқ; **рабо́тать с микроско́пом** микроскоп билан ишламоқ; **рабо́тать со слова́рём** луғатдан фойдаланиб ишламоқ; **рабо́тать с кро́ликами (на кро́ликах)** кроликлар (уй қуёнлари) устида тажриба ўтказмоқ; 5. бирор кимса, нарса учун ишламоқ, хизмат қилмоқ; **рабо́тать на всю́ семью́** бутун оила учун ишламоқ, ишлаб бутун оилани боқмоқ; **трудя́щиеся СССР рабо́тают не на капитали́стов, а на самих себя́**

СССР меҳнаткашлари капиталистлар учун эмас, ўзлари учун ишлайдилар; врéмя рабóтает на нас вақт бизнинг фойдамизга ишлайди; 6. бирор жойда ёки вазифада ишламоқ, хизмат қилмоқ; рабóтать в шкóле мактабда ишламоқ; рабóтать на завóде заводда ишламоқ; рабóтать врачóм врачлик қилмоқ, врач бўлиб ишламоқ; 7. бирор нарсада, нарса билан ишламоқ; юрмоқ, ҳаракат қилмоқ; электростáнция рабóтает на мéстном тóпливе электростанция маҳаллий ёқилғи билан ишлайди; 8. ишлатмоқ, юргизмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; ишга солмоқ; ◊ *рабóтать над собóй* ўз устида ишламоқ (ўз савиясини, малакасини оширмоқ); *рабóтать локтя́ми* тирсакларни ишга солмоқ (мас., аламонни ёриб ўтишда); *рабóтать на вéтер* беҳудага (бекорга) ишламоқ.

РАБÓТАТЬСЯ *несов. безл.*: рабóтается, рабóталось (*кому́-н.*) яхши (қизиқиб) ишлаяпман (ишлаяпти). ишладим (ишлади) **сегóдня мне хорошó рабóтается, а вчерá что́-то не рабóталось** бугун яхши (қизиқиб) ишлаяпман, кеча нима учундир ишлагим келмаган эди.

РАБÓТКА *ж* рабóта 2, 4, 5 ва 6 *сўз. эрк.* ва *кичр. айт.*; **слáвная рабóтка** жуда яхши иш.

РАБÓТНИК *м* 1. ходим, ишчи. хизматчи; óпытный рабóтник тажрибали ходим; 2. ходим, арбоб; партúйный рабóтник партия ходими; ответственный рабóтник мас'ул ходим; ведýщий рабóтник етакчи ходим; штáтный рабóтник штатда ишлайдиган ходим; 3. *эск.* ишчи; хизматкор, қарол, малай.

РАБÓТНИЦА *ж* 1. ишчи аёл; рабóтницы-стахáновки стахановчи ишчи хотин-қизлар; óпытная рабóтница тажрибали ишчи аёл; чевар аёл; 2. *қ.* рабóтник 1, 2; ◊ *домáшняя рабóтница* уй хизматчиси.

РАБÓТНИЧЕК *м* 1. рабóтник *сўз. кичр.* ва *эркл. айт.*; рабóтничек он стáрательный у жуда ҳафсалали ишчи, ходим; 2. *кест.* пашмалоқ (анчики) ходим; хорóш рабóтничек, нéчего сказáть! шу ҳам ходим бўлиптими!

РАБОТОДÁТЕЛЬ *м махс.* 1. иш беручи, ишга олучи; 2. хўжайин, одам ёллаб ишлатучи, устакор, соҳибкор.

РАБОТОРГÓВЕЦ *м* қул сотучи, қул савдоси билан шуғулланучи, қулфуруш.

РАБОТОРГÓВЛЯ *ж мн. нет* қулфурушлик, қул савдоси, қул олиб сотиш; в нéкоторых колóниях и тепéрь существýет рабóторгóвля баъзи мустамлакаларда қул савдоси ҳали ҳам бор.

РАБОТОСПОСÓБНОСТЬ *ж мн. нет* иш (ишлаш) қобилияти, лаёқати; утрáта работоспосóбности иш қобилиятини йўқотиш, иш қобилиятини йўқотганлик.

РАБОТОСПОСÓБНЫЙ, -ая, -ое 1. работоспосóбность *сўз. сиф.*; иш қобилиятига эга бўлган, ишга лаёқатли, қўлидан иш келадиган, ишлайоладиган; 2. ‖ ишчан, ҳормас-толмас; он исключúтельно работоспосóбен у жуда ишчан (ҳормас-толмас) одам.

РАБОТЯ́ГА *м* и *ж с. т.* ишчан одам, сергайрат (серҳафсала, қунт билан ишлайдиган, ишлаб чарчамайдиган) одам; рабóтяга-пáрень ишчан йигит.

РАБОТЯ́ЩИЙ, -ая, -ее *с. т.* меҳнаткаш одам, меҳнатсевар (жону дили билан ишлайдиган) одам; он рабóтящий человéк у меҳнаткаш одам.

РАБÓЧАЯ *ж с. т. қ.* рабóчий I.

РАБÓЧЕ-КРЕСТЬЯ́НСКИЙ, -ая, -ое ишчи-деҳқонларга оид; Рабóче-Крестьянская Крáсная Армия *(тар.)* Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси; рабóче-крестьянская власть ишчи-деҳқон ҳокимияти; рабóче-крестьянское прáвительство ишчи-деҳқон ҳукумати.

РАБÓЧИЙ I *м* ишчи; набóр рабóчих ишчилар олиш; индустриáльный рабóчий индустрия (саноат) ишчиси; сельскохозя́йственный рабóчий қишлоқ хўжалик ишчиси; железнодорóжный рабóчий темир йўл ишчиси; рабóчий от станкá станокда ишловчи ишчи.

РАБÓЧИЙ II, -ая, -ее 1. ишчиларга оид; рабóчий класс ишчилар синфи; рабóчее движéние ишчилар ҳа-

ракати; **рабо́чий посёлок** ишчилар посёлкаси; **рабо́чий контро́ль** ишчи назорати; 2. ишга оид, иш учун белгиланган, ишга аталган; **рабо́чее ме́сто** иш жойи; **рабо́чий костю́м** иш кийими (жомакор); **рабо́чий день** иш куни; **рабо́чая гипо́теза** иш гипотезаси (шартли равишда қабул қилинадиган ва ишга ёрдами тегиши мумкин бўлган фаразия); **рабо́чий чертёж** иш чертёжи. 3. *с. т.* меҳнаткаш, ишчи; **рабо́чий люд** меҳнаткаш халқ. 4. *тех.* ишлайдиган, иш қиладиган, асосий ишни бажарадиган; **рабо́чий ход по́ршня** поршенънинг асосий (иш бажарадиган) ҳаракати; **рабо́чее колесо́** асосий (иш бажарувчи) ғилдирак; **рабо́чие о́рганы хлопкоубо́рочной маши́ны** пахта териш машинасининг асосий (пахта терадиган) органлари; **рабо́чий инструме́нт** иш асбоблари; 5. ишлайдиган; **рабо́чий скот** иш ҳайвони; ◇ ***рабо́чая си́ла*** 1) куч, меҳнат; 2) ишчи кучи, ишчилар. **наём рабо́чей си́лы** ишчи ёллаш; **рабо́чие ру́ки** ишчи, ишчи кучи, ишчилар.

РАБСЕЛЬКО́РЫ *мн. (ед.* **рабселько́р** *м)* ишчи ва деҳқон мухбирлар.

РАБСЕЛЬКО́РОВСКИЙ, -ая, -ое **рабселько́р** *сўз. соф.*; ишчи ва деҳқон мухбирларга оид.

РА́БСКИ *нареч. нафр.* тиз чўкиб, сажда қилиб, кўр-кўрона, суриштирмай-нетмай; **ра́бски поко́рный** тиз чўкиб сажда (итоат) қилучи, бўйсунучи.

РА́БСКИЙ, -ая, -ое 1. **раб** 1 *сўз. соф.*; қулга, қулларга оид; **ра́бский труд** қуллар меҳнати; 2. ‖ хушомадгўйларча, лаганбардорларча, бош эгиб, лаббай деб, ҳеч сўзсиз, кўр-кўрона; **ра́бская поко́рность** бош эгиб итоат қилиш, лаббай деб туриш; **ра́бское подража́ние** кўр-кўрона тақлид қилиш; 3. ‖ *нафр.* бош эгучи, кўр-кўрона (суриштирмай-нетмай) итоат қилучи, бўйин эгучи, ялтоқ; **ра́бская душо́нка** ялтоқ одам, бош эгучи одам.

РА́БСТВО *ср мн. нет* 1. қуллик; 2. қулдорлик тузуми; 3. ‖ қуллик, тутқунлик, асорат; **сбро́сить це́пи капиталисти́ческого ра́бства** капитализм асоратининг кишанларини узиб ташламоқ; 4. ‖ қуллик, шайдолик, бирор кимсанинг, нарсанинг қули, шайдоси бўлиб юриш, бўлиб қолиш.

РАБФА́К (раббо́чий факульте́т) *м тар.* рабфак, ишчилар факультети (1936 йилгача — ишчи ва деҳқонларни олий ўқув юртларига тайёрлаган махсус ўқув юрти).

РАБФА́КОВЕЦ *м тар.* рабфак (ишчилар факультети) ўқучиси.

РАБФА́КОВСКИЙ, -ая, -ое *тар.* рабфа́к *сўз. соф.*; рабфакка, ишчилар факультетига оид.

РАБЫ́НЯ *ж* қул аёл; чўри.

РАВВИ́Н *м дин.* раввин (яҳудийлар руҳонийси).

РАВЕЛИ́Н *м тар. ҳарб.* равелин (қал'анинг ташқи томонига қурилган қўшимча истеҳком). ◇ ***Алексе́евский равели́н*** Петербургдаги Петропавловск қал'асининг Пётр I томонидан зиндонга айлантирилган қисми; кейинги подшолар у ерга революционерларни қамайдиган бўлган эди.

РА́ВЕНСТВО *ср* 1. *только ед.* тенглик, баравварлик, бирхиллик, бир текисдалик; **ра́венство треуго́льников** *(мат.)* учбурчаклар тенглиги; 2. *сиёс.* тенглик; **ра́венство на́ций в СССР** СССР да ҳамма миллатларнинг тенглиги; **ра́венство прав** ҳуқуқ тенглиги; 3. *мат.* тенглик [бир-бирига тенг бўлган ва тенглик белгиси (=) билан боғланган икки қисмдан иборат алгебраик ифода]; **знак ра́венства** (=) тенглик белгиси (=).

РАВНЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. равня́ть фе'лининг ҳаракат номи; қ. равня́ть; 2. *ҳарб.* текисланиш, сафни тўғрилаш; сафнинг тўғрилиги; **равне́ние нале́во!** (напра́во!) чапга (ўнгга) қараб саф тўғрилансин, деган ма'нодаги команда.

РАВНИ́НА *ж* текислик, текис ер; **безле́сная равни́на** ўрмонсиз (дарахтсиз) текислик; **го́лая равни́на** яланг текислик.

РАВНИ́ННЫЙ, -ая, -ое **равни́на** *сўз. соф.*; текис; **равни́нная ме́стность** текис жой.

РАВНО́ 1. *нареч. эск.* тенг, бирхил, бирдай, баравар; 2. *союз* шу-

нингдек; рабо́та отде́ла, а равно́ и всего́ институ́та, при́знана хоро́шей бўлимнинг иши, шунингдек бутун институтнинг иши яхши деб топилди; равно́ как (и) худди шунингдек, каби, сингари; 3. *в знач. сказ. мат.* тенг, баравар, тенг бўлади, чиқади, қолади; два́жды два равно́ четы́рём икки марта икки — тўрт; шесть ми́нус пять равно́ одному́ олтидан бешни олса бир қолади; четы́ре плюс два равно́ шести́ тўртга иккини қўшса олти бўлади; ◇ *всё равно́* 1) барибир, фарқи йўқ; мне всё равно́ менга барибир; 2) барибир, нима бўлса ҳам, қандай бўлса ҳам; он всё равно́ придёт у барибир келади; 3) демакдир, дейиш блан баравар; сказа́ть так, всё равно́, что отказа́ться бундай дейиш, йўқ дейиш блан баравар.

РАВНОБЕ́ДРЕННЫЙ, -ая, -ое *мат.* тенгёнли, ёнлари тенг; равнобе́дренный треуго́льник тенгёнли учбурчак.

РАВНОВЕЛИ́КИЙ, -ая, -ое *мат.* тенгдош, тенг ҳажмли, тенг юзли, катта-кичиклиги (кўп-озлиги) бир; равновели́кие тела́ тенг ҳажмли (катта-кичиклиги бир) жисмлар; равновели́кие треуго́льники тенгдош (тенг юзли) учбурчаклар.

РАВНОВЕ́СИЕ *ср. мн. нет* 1 *мат.* баравар келиш, мувозанат; равнове́сие ча́шек весо́в тарози паллаларининг баравар келиши; усто́йчивое равнове́сие турғун (устувор) мувозанат; хими́ческое равнове́сие химик мувозанат; 2. ‖ тинчлик, осойишталик, ўзини йўқотиб қўймаслик, мувозанат; полити́ческое равнове́сие сиёсий мувозанат (сиёсий курашда, мас., партиялар, давлатлар ўртасидаги курашда кучларнинг, тарафларнинг нисбий мувозанатга келган пайти); душе́вное равнове́сие руҳий осойишталик.

РАВНОВЕ́СНЫЙ, -ая, -ое *физ.* равнове́сие *сўз. сиф.*; мувозанат ҳолатига оид, мувозанатдаги.

РАВНОВЕСО́МЫЙ, -ая, -ое *мат.* оғирлиги баравар (тенг) бўлган.

РАВНОДЕ́ЙСТВУЮЩИЙ, -ая, -ее *физ.* 1. тенг таъсир этучи; равноде́йствующая си́ла тенг таъсир этучи куч; 2. *сущ.* равноде́йствующая *ж* тенг таъсир этучи куч; отыска́ние равноде́йствующей тенг таъсир этучи кучни топиш.

РАВНОДЕ́НСТВИЕ *ср. мн. нет астр.* кеча-кундуз бараварлиги, кеча-кундуз бараварлашадиган вақт; весе́ннее равноде́нствие баҳорги кеча-кундуз баравар пайт (21 март); осе́ннее равноде́нствие кузги кеча-кундуз баравар пайт (23 сентябрь).

РАВНОДУ́ШИЕ *ср. мн. нет* бепарволик, эътиборсизлик, лоқайдлик, қизиқмаслик; по́лное равноду́шие бутунлай эътиборсизлик; отнести́сь с равноду́шием к кому́-чему́-н. бирон кишига ёки нарсага бепарво қарамоқ, қизиқмаслик.

РАВНОДУ́ШНО *нареч.* бепарволик блан, эътиборсизлик блан, бепарво, қизиқмай, лоқайд; равноду́шно отве́тить кому́-н. бирон кишига бепарволик блан жавоб бермоқ.

РАВНОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое 1. бепарво, беэътибор, лоқайд; равноду́шный челове́к бепарво (лоқайд) одам; равноду́шное выраже́ние лица́ лоқайд чеҳра; 2. *с. т.* ҳавас қилмайдиган, қизиқмайдиган, иши (ишқи) йўқ; он равнодушен к му́зыке у музикага қизиқмайди, унинг музика блан иши йўқ; 3. *с. т.* муҳаббати (ишқи, кўнгли) йўқ, кўнгилсиз.

РАВНОЗНА́ЧАЩИЙ, -ая, -ее аҳамияти бирхил, қиммати баравар, бирхил маъноли, маъноси бир; равнозна́чащие явле́ния бирхил аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар.

РАВНОЗНА́ЧНОСТЬ *ж мн. нет* аҳамияти бирлик, қиммати баравар лик, тенг қимматлилик.

РАВНОЗНА́ЧНЫЙ, -ая, -ое *к.* равнозна́чащий; равнозна́чные величи́ны тенг қимматли сонлар, тенг қимматли миқдорлар; равнозна́чные слова́ маънодош сўзлар, бир маънодаги сўзлар, маъноси бир сўзлар.

РАВНОМЕ́РНО 1. *нареч.* баббаравар, текис, бир текисда, бир меёрда, расамади блан; равноме́рно распределя́ть что-н. бирор нарсани баравар тақсим қилмоқ; равноме́рно ускоре́нное (замедленное) движе́ние *(физ., мех.)* текис тезланучан

(секинланучан) ҳаракат; 2. *союз эск.* шунингдек, каби, сингари.

РАВНОМЕ́РНОСТЬ *ж мн. нет* бир текислилик, баббаравлик, тенг ўлчовлилик; **равноме́рность движе́ния** ҳаракатнинг бир текисда бориши, текислиги.

РАВНОМЕ́РНЫЙ, -ая, -ое текис, баббаравар, бир меъёрдаги, тенг ўлчовли; **равноме́рный шаг** бир текисдаги қадам; **равноме́рные величи́ны** тенг ўлчовли сонлар, тенг ўлчовли миқдорлар; **равноме́рная ско́рость** *(физ.)* бир текисда бўлган тезлик, тенг ўлчовли тезлик; **равноме́рное распределе́ние** баббаравар тақсим қилиш; бир текисда тақсимланиш.

РАВНООТСТОЯ́ЩИЙ, -ая, -ее *мат.* бирор нарсадан, жойдан тенг (баравар, бирдай) узоқликда турган, баравар узоқлашган.

РАВНОПЛЕ́ЧИЙ, -ая, -ее *физ., тех.* тенг елкали; **равноплёчий рыча́г** тенг елкали ричаг.

РАВНОПРА́ВИЕ *ср мн. нет* тенг ҳуқуқлилик, ҳуқуқда тенглик, тенг ҳуқуққа эгалик; **равнопра́вие гра́ждан СССР** СССР фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги; **равнопра́вие же́нщин в Сове́тском Сою́зе** Совет Иттифоқида хотин-қизларнинг (эркаклар билан) тенг ҳуқуқлилиги.

РАВНОПРА́ВНЫЙ, -ая, -ое тенг ҳуқуқли, ҳуқуқда тенг, тенг ҳуқуққа эга бўлган; **все респу́блики Сове́тского Сою́за равнопра́вны** Совет Иттифоқининг ҳамма республикалари тенг ҳуқуқлидир.

РАВНОСИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. баравар кучли, тенг кучли, кучи тенг (бир-бирига мос) келадиган; **равноси́льные борцы́** кучи баравар полвонлар; 2. бир ма'нодаги, кучи (та'сири) бир, бирхил, баравар; **равноси́льные до́воды** баравар кучга эга бўлган далиллар; **ва́ше утвержде́ние равноси́льно отрица́нию** сизнинг айтаётган гапингиз инкор этиш билан баббаравар.

РАВНОСТОРО́ННИЙ, -яя, -ее *мат.* тенг томонли, томонлари тенг бўлган; **равносторо́нний треуго́льник** томонлари тенг учбурчак.

РАВНОУГО́ЛЬНИК *м мат.* тенгбурчакли геометрик шакл.

РАВНОУГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое тенг бурчакли, бурчаклари тенг; **равноуго́льный многоуго́льник** тенг бурчакли кўпбурчак.

РАВНОУСКО́РЕННЫЙ, -ая, -ое *физ.* текис тезланучан; **равноуско́ренное движе́ние** текис тезланучан ҳаракат.

РАВНОЦЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1. тенг баҳоли, баҳоси (нархи) бир бўлган; қиммати бирхил бўлган; 2. ‖ қадр-қиммати (аҳамияти) баравар, сифати бирхил; **как рабо́тники они́ равноце́нны** улар ҳар жиҳатдан баравар ходимлардир, ходим сифатида бир-биридан қолишмайди.

РА́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. бирхил, баравар, тенг; **до́ски ра́вной ширины́** эни бирхил (баравар) тахталар; **на ра́вных основа́ниях** тенг асосда: **у нас веду́тся строи́тельства, не име́ющие се́бе ра́вных в исто́рии** бизда тарихда мисли кўрилмаган қурилишлар олиб борилмоқда; 2. баравар, тенг келадиган; **расстоя́ние, ра́вное десяти́ киломе́трам** ўн километрга тенг масофа; 3. баравар, тенг, бирхилда, бирдай; **относи́ться к кому́-н. как к ра́вному** бировнинг ўзидай (ўзи билан тенг) кўрмоқ; ◊ **ра́вным о́бразом** қ. образ 1.

РАВНЯ́ТЬ *несов.* 1. текисламоқ, бараварламоқ; **равня́ть ряды́** қаторни (сафни) бараварламоқ; 2. тенглаштирмоқ, бараварлаштирмоқ, бир кўзда (бирдай) кўрмоқ; **нельзя́ тебя́ равня́ть с ним** сени у билан тенглаштириб бўлмайди.

РАВНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. тенглашмоқ, баравар (тенг) келмоқ, бас келмоқ; **где тебе́ равня́ться с ни́ми** сен унга бас (баравар) келолмайсан; у билан тенглашишга сенга йўл бўлсин!; 2. текисланмоқ, баравар бўлмоқ; **равня́ться по правофла́нговому** сафда ўнг флангдагига (томондагига) қараб текисланмоқ; 3. тенглашмоқ; етиб олмоқ; намуна (ибрат, ўрнак) олмоқ; **равня́ться на передовы́х** илғорларга тенглашмоқ, илғорлардан ўрнак олмоқ; 4. тенг (баравар) бўлмоқ; **два́жды два равня́ется четырём** икки марта икки — тўрт (тўртга тенг бўлади); 5. аҳамияти (моҳияти) тенг бўлмоқ; қадри-қиммати баравар бўлмоқ.

РАГУ́ *ср нескл. махс.* рагу, жаркоп.

РАД, -а, -о *в знач. сказ.* 1. хурсанд, шод, мамнун; **они́ о́чень ра́ды, что вы пришли́** келганингиз учун улар жуда хурсанд; **рад слу́чаю** поговори́ть гаплашишга (гап сотишга) пайт топиб жони кирди; **я о́чень рад ви́деть вас** сиз блан кўришув айни муддаомиз эди; 2. жону дили блан тайёр; **я рад пойти́, да не́когда** жоним блан борар эдиму, вақтим йўқ; ◊ ***рад стара́ться!*** 1) *эск.* хизматга тайёрман! (чор армиясида солдатнинг бошлиқлар ташаккур билдирганда айтадиган жавоби); 2) ‖ *с. т.* бажонудил, жоним блан; ***и не рад*** (***сам не рад***) *с. т.* ўзи (ўзим) ҳам пушаймон, ўзи (ўзим) ҳам армонда; ***рад-радёхонек, рад-радёшенек*** (*с. т.*) жуда хурсанд, ўзида йўқ хурсанд, оғзи қулоғига етган, қувончи ичига сиғмайди.

РА́ДА I *қ.* рад.

РА́ДА II *ж тар.* рада (1. Украинада—жамоат ишлари блан чақирилган йиғин, кенгаш; **Переясла́вская Ра́да в 1654 г. приняла́ реше́ние о воссоедине́нии Украи́ны с Росси́ей** Переяслав Радаси 1654 йилда Украинанинг Россияга қайта қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди; 2. Украина ҳамда Белоруссияда 1917—1919 йилларда контрреволюцион буржуа миллатчилар ташкилоти).

РАДА́Р *м қ.* радиолока́тор.

РАДА́РНЫЙ, -ая, -ое *махс.* рада́р *сўз. сиф.*; радарга оид; *қ.* рада́р.

РАДЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* раде́ть 1 фе́лининг ҳаракат номи; 2. *дин.* зикр, зикр тушиш.

РАДЕ́ТЬ *несов*, 1, *эск.* тиришмоқ, жаҳд-жадал қилмоқ, жон куйдирмоқ, жонкуярлик қилмоқ; **раде́ть о де́ле** ишга (иш учун) жон куйдирмоқ; **раде́ть друзья́м** дўстларга жонкуярлик қилмоқ; 2. *дин.* зикр тушмоқ.

РАДЁХОНЕК, РАДЁХОНЬКА *қ.* рад.

РАДЁШЕНЕК, РАДЁШЕНЬКА *қ.* рад.

РА́ДЖА *м* рожа (Ҳиндистонда феодал князьлар ва маҳаллий ҳокимларнинг унвони).

РА́ДИ *предлог* родит. п. блан 1. учун; деб; **ра́ди о́бщей по́льзы** умум манфаати учун, умум манфаатини кўзлаб; 2. *с. т. эск.* ҳақи, учун. юзасидан; **ра́ди дру́жбы** дўстлик юзасидан; **ра́ди бо́га** худо ҳақи; 3. *с. т.* мақсадида, учун; **сме́ха ра́ди** кулги учун, кулгиликка; 4. *с. т.* сабабдан, туфайли, орқасида, учун; **чего́ ра́ди ему́ торопи́ться?** нима учун унинг шошилиши керак?; **он э́то сде́лал не ра́ди ли́чной** выгоды бу ишни у ўз манфаатини кўзлаб қилган эмас.

РАДИА́ЛЬНОСТЬ *ж мн. нет махс.* радиаллик, шу'ласимонлик, радиус бўйлаб тарқалганлик; **радиа́льность** лучей́ шу'лаларнинг радиус бўйлаб ёйилиши.

РАДИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое радиаль, шу'ласимон; радиус бўйлаб тарқалган; **радиа́льная ско́рость** *(физ.)* радиаль тезлик (радиус бўйлаб йўналган тезлик); **радиа́льное направле́ние у́лиц** кўчаларнинг шу'лага ўхшаб (радиуслар бўйлаб) кетиши, таралиши.

РАДИА́ТОР *м тех.* радиатор (1. мотордаги сувни совутадиган асбоб; **тру́бчатый радиа́тор** найли радиатор; 2. катта биноларда қўлланиладиган иситиш асбоби).

РАДИА́ЦИЯ *ж* 1. *физ.* радиация (бирор манба'дан тарқалаётган нур, энергия); **со́лнечная радиа́ция** қуёш радиацияси, қуёшнинг нур сочиши; 2. бирор нарсанинг (мас., нурнинг) радиуслар бўйлаб тарқалиши.

РА́ДИЕВЫЙ, -ая, -ое *хим., физ.* ра́дий *сўз. сиф.*; радийга оид; ра́диевый институ́т радий институти; *қ.* ра́дий.

РА́ДИЙ *м мн. нет хим., физ.* радий (радиоактив химик элемент, иссиқлик ва нур энергияси чоғадиган металл); **лече́ние ра́дием** радий блан даволаш.

РАДИКА́Л I *м* радикал (1. *мат.* илдиз чиқариш амалининг ишорасиғ 2. *хим.* бир химик бирикмадан иккинчи химик бирикмага ўзгармасдан ўтадиган атомлар группасй).

РАДИКА́Л II *м сиёс.* радикал (радикаллар партиясининг а'зоси; гапда буржуа-демократик реформалар ўтказишни талаб қилучи, амалда эса реакционерлар блан огиз-бурун ўпишган буржуа партиясининг тарафдори).

РАДИКАЛИ́ЗМ *м* 1. *сиёс.* радикализм (радикалларнинг сиёсий маслаги ва ҳаракати); 2. *эск.* кескин чоралар кўришга интилиш.

РАДИКА́ЛЬНО *нареч.* тубдан, бутунлай, таг-томири блан, узил-кесил, қат'ий; **радика́льно измени́ть ме́тод рабо́ты** иш усулини тамомила (тубдан) ўзгартмоқ.

РАДИКА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. *сиёс.* радика́л II *сўз. сиф.*; радикалга оид, радикал, радикалларча; **радика́льная па́ртия** радикаллар партияси; 2. ‖ қат'ий, кескин, туб; **радика́льные ме́ры** кескин чоралар; **радика́льные измене́ния** кескин ўзгаришлар; тубдан ўзгартириш.

РАДИКУЛИ́Т *м мед.* радикулит (орқа мия нерв илдизларининг яллиғланиши).

РА́ДИО *ср нескл.* 1. радио; **переда́ть ле́кцию по ра́дио** лекцияни радио орқали эшиттирмоқ; 2. радио, радио аппарати; радио асбоб-ускуналари; **провести́ в дом ра́дио** уйга радио ўрнатмоқ (қурмоқ); 3. радио, радио эшиттириш; **слу́шать ра́дио** радио эшитмоқ.

[ра́дио-] 1) қўшма сўзларда „радио" ма'носини билдирадиган қисқартма, мас., радиоклу́б радиоклуб; 2) „радий" ма'носини билдирадиган қисқартма, мас., радиоакти́вность радиоактивлик, радийактивлик.

РАДИОАКТИ́ВНОСТЬ *ж мн. нет хим., физ.* радиоактивлик, радийактивлик (ба'зибир химик элементлар атом ядроларининг ўз-ўзидан ёки сун'ий равишда парчаланиши ва айни вақтда нурланиши, нур сочиши).

РАДИОАКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое *хим., физ.* радиоактив, радийактив (радиоактивлик хусусиятига эга бўлган); **радиоакти́вные элеме́нты** радиоактив элементлар (уран, радий, торий ва бошқалар).

РАДИОАППАРА́Т *м* радиоаппарат (радио тўлқинларини қабул қилиб олучи ёки тарқатучи аппарат); **пе́рвый радиоаппара́т был изобре́тён и постро́ен в на́шей стране́** энг биринчи радиоаппарат бизнинг мамлакатимизда ихтиро' қилинган ва қурилган.

РАДИОАППАРАТУ́РА *ж собир.* радиоаппаратура, радио аппаратлари.

РАДИОБУ́Й *м харб.* радиобуй (сувости кемаларининг яқин келганлигидан хабар беручи махсус аппарат); **радиобу́й ула́вливает подво́дные шу́мы** радиобуй сув остидаги товушларни ушлайди.

РАДИОВЕЩА́НИЕ *ср мн. нет* 1. радио эшиттириш; програ́мма радиовеща́ния радио эшиттириш программаси; 2. радио тармоқлари ҳамда радио эшиттириш ишларини бошқаручи ташкилот.

РАДИОВЕЩА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое радиовеща́ние *сўз. сиф.*; радио эшиттиришга оид; **радиовеща́тельная аппарату́ра** радио эшиттириш аппаратлари.

РАДИОВОЖДЕ́НИЕ *ср мн. нет махс.* радио орқали бошқариш, идора қилиш (самолёт, кема ва ш. к. ларни узоқдан туриб радиотўлқинлар ёрдами блан идора этиш).

РАДИОВОЛНА́ *ж физ., тех.* радиотўлқин, радио тўлқини; **приёмник рабо́тает на не́скольких радиоволна́х** приёмник бирнеча радиотўлқинда ишлайди.

РАДИОВЫ́ШКА *ж махс.* радио минораси (радио тўлқинларини қабул қилучи ёки тарқатучи антенналар тортилган минора).

РАДИОГРА́ММА *ж* радиограмма (радио орқали олинган ёки берилган телеграмма); **полу́чена радиогра́мма** радиограмма олинди.

РАДИОГРА́ФИЯ *ж физ., мед.* радиография (нур ўтказмайдиган нарсалар ичидаги ёки орқасидаги нарсаларни рентген нурлари воситаси блан суратга олиш).

РАДИОЗО́НД *м тех.* радиозонд (ҳаво шарига боглаб чиқариладиган ва атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳодисалар ҳақида радио орқа-

ли сигнал берадиган метеорологик асбоб).

РАДИОКОНЦЕ́РТ *м* радиоконцерт (радио орқали эшиттириладиган концерт); **програ́мма радиоконце́рта** радиоконцерт программаси.

РАДИО́ЛА *ж* радиола (радиоприёмник, электр патефон ва репродуктордан иборат аппарат).

РАДИОЛА́МПА *ж* радиолампа (радиоаппарат лампаси, радиоприёмник лампаси).

РАДИО́ЛОГ *м махс.* радиолог (1. радиология мутахассиси; *қ.* **радиоло́гия**; 2. радиоактив моддалар та'сири билан даволовчи врач).

РАДИОЛО́ГИЯ *ж мн. нет махс.* радиология (радий ва бошқа радиоактив моддаларнинг та'сири ва улардан фойдаланиш ҳақидаги илм).

РАДИОЛОКА́ТОР *м махс.* радиолокатор (узоқдаги нарсаларнинг, мас., душман самолёти, кемаси ва щ. к. ларнинг турган жойини радиотўлқинлар воситаси билан аниқлаб берадиган асбоб).

РАДИОЛОКАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *махс.* **радиолока́ция** *сўз. сиф.*; радиолокацион, радиолокацияга оид; **радиолокационная аппарату́ра** радиолокация аппаратлари.

РАДИОЛОКА́ЦИЯ *ж махс.* радиолокация (узоқдаги нарсаларнинг қанча масофада ва қайси томонда турганлигини радиотўлқинлар воситаси билан аниқлаш усуллари).

РАДИОЛЮБИ́ТЕЛЬ *м* радио (радиотехника) ҳаваскори.

РАДИОЛЮБИ́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое **радиолюби́тель** *сўз. сиф.*; радио (радиотехника) ҳаваскорига оид.

РАДИОЛЮБИ́ТЕЛЬСТВО *ср мн. нет* радио (радиотехника) ҳаваскорларининг оммавий ишлари, радио ҳаваскорлиги.

РАДИОМА́ЧТА *ж* радиомачта, радио минораси.

РАДИОМАЯ́К *м махс.* радиомаяк (радио орқали сигналлар бериб кема ва самолётларга уларнинг турган жойларини аниқлаш учун ёрдам берадиган радиостанция).

РАДИО́МЕТР *м махс.* радиометр (1. радиация интенсивлигини ёки нур энергия миқдорини ўлчаш учун қўлланиладиган асбоб; 2. нур энергиясининг иссиқлик энергиясига айланишини кўрсатиб турадиган асбоб).

РАДИОМЕ́ТРИЯ *ж мн. нет махс.* радиометрия [1. физиканинг нур энергияни ўлчаш усуллари ҳақидаги бўлими; 2. тог жинсларининг хусусиятларини ўрганишда ва радийактив рудалар излашда минералларнинг нисбий радийактивлик (парчаланиб нур сочиш) қобилиятидан фойдаланиш].

РАДИОМОЛЧА́НИЕ *ср мн. нет рад.* радио сукути (фалокатлар ҳақидаги радиосигналларни тутиш осон бўлсин учун дуне'ёдаги ҳамма радиостанциялар жим турадиган муайян вақт; бу вақт халқаро шартнома асосида белгиланади).

РАДИОМОНТА́Ж *м* радиомонтаж (бирор пьеса ёки адабий асардан яққол таассурот қолдирадиган парчалар танлаб олиб радио орқали эшиттириш ва шундай эшиттиришларнинг ўзи).

РАДИОНАВИГА́ТОР *м махс.* радионавигатор (денгиздаги кеманинг турган жойини қирғоқдаги радиостанцияларнинг сигналлари ёрдами билан аниқ белгилаб берадиган асбоб).

РАДИОНАВИГАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *махс.* **радионавига́ция** *сўз. сиф.*; радионавигацияга оид; **радионавигацио́нные прибо́ры** радионавигация асбоблари.

РАДИОНАВИГА́ЦИЯ *ж махс.* радионавигация (радио воситаси билан кема юритиш).

РАДИООБОРУ́ДОВАНИЕ *ср* радио асбоблари, радио асбоб-ускуналари.

РАДИОПЕ́ЛЕНГ *м махс.* радиопеленг (кема ёки самолёт йўлини радио воситаси билан аниқлаш).

РАДИОПЕЛЕНГА́ТОР *м махс.* радиопеленгатор (шартли сигналлар бераётган радиостанциянинг турган жойини электромагнит тўлқинлар воситаси билан аниқлайдиган асбоб).

РАДИОПЕРЕДА́ТЧИК *м махс.* радиопередатчик (радио эшиттирадиган аппарат).

РАДИОПЕРЕДА́ЧА *ж* 1. радио орқали эшиттириш; радио эшитти-

риш; 2. радио орқали эшиттирилган нарса; слу́шать музыка́льную радиопереда́чу радио орқали музика эшитмоқ.

РАДИОПЕРЕКЛИ́ЧКА *ж* радио орқали сўзлашиш, радио орқали фикр олишиш (бирор ишнинг бориши ҳақида радио орқали бир-бирига ахборот бериш, фикр олишиш).

РАДИОПЕРЕХВА́Т *м махс.* бирор радиостанциянинг махфий эшиттиришларини ушлаб олиш.

РАДИОПРИЁМНИК *м* радиоприёмник.

РАДИОПРИЁМНЫЙ, -ая, -ое радио тўлқинларини қабул қилиб оладиган; радиоприёмная ста́нция радио тўлқинларини қабул қилиб оладиган станция.

РАДИОПРОЖЕ́КТОР *м махс.* радиопрожектор (1. ма'лум йўналишда радио эшиттируви станциянинг радио тўлқинларни қайтариб тегишли томонга юборадиган прожектор; 2. шундай прожекторга эга бўлган радиолокацион станция).

РАДИОРАЗВЕ́ДКА *ж махс.* радиоразведка (радио орқали разведка қилиш, қидириш).

РАДИОСВЯЗЬ *ж мн. нет* радио алоқаси (радио орқали алоқа қилиш).

РАДИОСЕ́ТЬ *ж мн. нет* 1. радио эшиттируви станциялар; 2. радио тармоқлари.

РАДИОСИГНА́Л *м* радиосигнал (радио орқали берилган ёки олинган сигнал).

РАДИОСИГНАЛИЗА́ЦИЯ *ж* радиосигнализация (радио орқали сигнал бериш).

РАДИОСЛУ́ШАТЕЛЬ *м* радио эшитувчи.

РАДИОСТА́НЦИЯ *ж* радиостанция, радио станцияси.

РАДИОСТУ́ДИЯ *ж тех.* радиостудия (радио эшиттириш учун махсус жиҳозланган бино).

РАДИОТЕЛЕГРА́ММА *ж* қ. радиогра́мма.

РАДИОТЕЛЕГРА́Ф *м мн. нет* радиотелеграф (1. электромагнит тўлқинлар воситаси билан Морзе алифбеси белгиларидан фойдаланиб телеграммалар берувчи симсиз телеграф; 2. радио орқали телеграммалар бериш системаси).

РАДИОТЕЛЕГРАФИ́Я *ж мн. нет махс.* радиотелеграфия, симсиз телеграф.

РАДИОТЕЛЕФО́Н *м* радиотелефон (радио воситаси билан ишлайдиган симсиз телефон).

РАДИОТЕЛЕФОНИ́Я *ж мн. нет махс.* радиотелефония, симсиз телефон.

РАДИОТЕРАПИ́Я *ж мед.* радиотерапия (рентген нурлари ҳамда радиоактив моддалар та'сири билан даволаш).

РАДИОТЕ́ХНИК *м* радиотехник, радиотехника мутахассиси.

РАДИОТЕ́ХНИКА *ж мн. нет тех.* радиотехника (1. электромагнит тўлқинлардан фойдаланиб узоққа радиосигналлар бериш, радио эшиттириш ва қабул қилиш техникаси; 2. радио аппаратлари ясаш техникаси).

РАДИОТЕХНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое радиоте́хника *сўз. сиф.*; радиотехник, радиотехникага оид.

РАДИОТО́ЧКА *ж* радиоточка (радио тармоғидаги ҳарбир айрим карнай, репродуктор).

РАДИОУ́ЗЕЛ *м* радиоузел (бирор район, корхона ёки ташкилотда мавжуд бўлган радиотармоғи системаси); заводско́й радиоу́зел завод радиоузели.

РАДИОУСТАНО́ВКА *ж* радиоустановка (радиоаппаратлар системаси ёки радиоаппарат).

РАДИОФИКА́ЦИЯ *ж мн. нет* радиофикация, радиолаштириш; радиофика́ция колхо́за колхозни радиолаштириш.

РАДИОФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* радиофикация қилмоқ, радиолаштирмоқ; радиофици́ровать дома́ колхо́зников колхозчиларнинг уйларини радиолаштирмоқ.

РАДИОФОНИ́Я *ж мн. нет махс.* радиофония (1. қ. радиотелефони́я; 2. радио эшиттириш техникасининг эшиттириш сифатини яхшилаш билан шуғулланадиган бўлими).

РАДИОЦЕ́НТР *м эск.* радиоцентр

(радио станцияларининг марказий бошқармаси).

РАДИОЭЛЕМЕ́НТ *м* = **радиоакти́вный элеме́нт**; *қ.* **радиоакти́вный.**

РАДИОЭ́ХО *ср махс.* радиоэхо (радио орқали қисқа тўлқинларни қабул қилаётганда радио сигналларнинг такрорланиши).

РАДИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* радио орқали хабар бермоқ, эшиттирмоқ.

РАДИ́СТ *м* радист (радио аппаратини бошқаручи, радио орқали хабарлар эшиттируви ва қабул қилувчи мутахассис).

РА́ДИУС *м* 1. *мат.* радиус (шар ёки айлана марказини уларнинг сиртидаги бирор нуқта билан бирлаштируви тўғри чизиқ); **ра́диус окру́жности** айлана радиуси; **ра́диус ша́ра** шар радиуси; 2. *анат.* радиус (асли билак суяги); 3. ‖ бирор нарсанинг ҳаракат, та'сир кўрсатиш доираси; **ра́диус де́йствия самолёта** самолётнинг ҳаракат доираси (самолётнинг йўлда бензин олмасдан энг узоқ учиб бориб қайтиш масофаси).

РАДИЦИ́РОВАНИЕ *ср мн. нет мат.* илдиз чиқариш, илдизини топиш.

РА́ДОВАТЬ *несов.* 1. хурсанд (шод) қилмоқ, севинтирмоқ, қувонтирмоқ; **успе́хи Ро́дины ра́дуют нас** Ватан ғалабалари бизни қувонтиради; **э́то меня́ ра́дует** бу мени севинтиради; 2. ‖ ёқмоқ, қувонтирмоқ, баҳрини очмоқ, чиройлик бўлиб кўринмоқ; **э́та карти́на ра́дует глаз** бу расм кўзни қувонтиради, кўзга ёқади.

РА́ДОВАТЬСЯ *несов.* 1. хурсанд (шод) бўлмоқ, севинмоқ, қувонмоқ; 2. қувнамоқ, баҳра олмоқ, баҳрини очилмоқ; ◇ ***изво́льте ра́доваться*** *(с. т. кест.)* ана холос, буни қаранг-а, шу ҳам иш бўлдими.

РА́ДОСТНЫЙ, -ая, -ое хурсанд, шод; шодиёна, қувончли, севинчли, хушчақчақ, хушвақт; **ра́достная весть** хушхабар, севинчли хабар; **ра́достная жизнь** қувноқ ҳаёт; **ра́достное лицо́** хушвақт чеҳра.

РА́ДОСТЬ *ж* 1. *только ед.* хурсандлик, шодлик, хушвақтлик, шодхуррамлик; севиниш; севинч, қувонч; **с ра́достью отвеча́ю на ва́ше письмо́** сизнинг хатингизга қувонч билан жавоб қайтараман; **чу́вство ра́дости охвати́ло нас при ви́де Москвы́** Москвани кўришимиз билан ҳаммамиз севиниб кетдик; **быть вне себя́ от ра́дости** севинчга тўлиб-тошмоқ, севинчи ичига сиғмай кетмоқ; **на ра́достях** *(с. т.)* хурсандчиликдан, хурсандчилик учун; 2. шодлик келтирадиган ҳодиса, нарса, қувонч; **ра́дости жи́зни** ҳаёт қувончлари; 3. *с. т.* жоним, азизим; **рад ви́деть тебя́, моя́ ра́дость** сени кўриб жуда хурсанд бўлдим, жоним.

РА́ДУГА *ж* камалак, ўқ'ёй; **отлива́ть все́ми цвета́ми ра́дуги** ўқ'ёйдек ранг-баранг бўлиб товланмоқ.

РА́ДУЖКА *ж* = **ра́дужная оболо́чка**; *қ.* **ра́дужный.**

РА́ДУЖНО *нареч.* севиниб, қувониб, қувнаб, қувноқ, севинч билан; **смотре́ть ра́дужно на бу́дущее** истиқболга қувноқ қарамоқ.

РА́ДУЖНЫЙ, -ая, -ое 1. **ра́дуга** *сўз. сиф.*; камалакка, ўқ'ёйга оид; ранг-баранг; **ра́дужный отли́в** камалак каби ранг-баранг бўлиб товланиш; 2. ‖ севинчли, қувончли, қувноқ; **ра́дужное настрое́ние** кайфиятлик; **ра́дужные наде́жды** қувончли умидлар; **представля́ть что-н. в ра́дужном све́те** бирор нарсани қувонарли ҳолатда кўрмоқ, тасаввуд қилмоқ; ◇ ***ра́дужная оболо́чка*** *(анат.)* кўзнинг рангдор пардаси, ёй пардаси.

РАДУ́ШИЕ *ср мн. нет* самимийлик, самимият, илтифот; **прояви́ть радуши́е** илтифот кўрсатмоқ.

РАДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое самимий, самимият билан, шодиёна; **оказа́ть радуши́ный приём** жуда яхши (шодиёна) кутиб олмоқ; **радуши́ная встре́ча** шодиёна учрашув; **он всегда́ радуши́ен** у доим хушвақт.

РАЁК *м эск. театр.* 1. кўча-кўйларда сурат кўрсатадиган яшик; 2. галёрка (театрнинг энг юқори қаватидаги жойлар ва шу жойларда ўтирувчи тамошобинлар).

РАЁШНИК *м эск.* 1. кўча-кўйларда яшикда сурат кўрсатиб юручи

киши; 2. галёркада ўтиручи тамошобин.

РАЁШНЫЙ, -ая, -ое раёк сўз. *сиф.*; қ. раёк.

РАЖ *м мн. нет с. т.* қаттиқ ҳаяжон; жаҳл; қаҳр-газаб; **прийти́ (войти́) в раж** дарғазаб бўлмоқ; **сде́лать что-н. в си́льном ра́же** жаҳл устида бирон иш қилмоқ.

ражу́, рази́шь *наст. от* **рази́ть** ! (қ.).

РАЗ I *м* 1. марта, йўла, карра, топқир, даф'а, қатла, маҳал, вақт; **мно́го раз** кўп марта; **ни одного́ ра́за** бир марта ҳам, ҳечбир, ҳечмаҳал; **сде́лать что-н. за оди́н раз** бирон ишни бир мартада қилмоқ; **в э́том де́ле нужна́ сме́лость и ещё раз сме́лость** ы ишда жасорат ва яна жасорат керак; 2. сафар, гал; **на э́тот раз** бу сафар, бу галда; **отложи́ть бесе́ду до другого́ ра́за** суҳбатни келаси сафарга қолдирмоқ; 3. *нескл.* бир; **раз, два, три** бир, икки, уч; ◊ ***вот тебе́ (и) раз!*** (*с. т.*) ана холос!; ***в са́мый раз*** (*с. т.*) 1) ўз (худди) вақтида; кечикмай; **мы пришли́ в са́мый раз** биз худди вақтида етиб келдик; 2) худди ўзи, лойиқ, мос; **сапоги́ мне в са́мый раз** этик оёғимга жуда мос келди; ***в тот раз*** у гал, ўтган сафар; **в тот раз я не мог прийти́** у сафар мен келаолмадим; ***как раз*** (*с. т.*) 1) нақ, худди, нақ ўзгинаси; **как раз то́, что́ мне ну́жно** нақ менга керак бўлган нарса; 2) худди ўзи, лоп-лойиқ; **пальто́ мне ка́к раз** пальто менга лоп лойиқ; ***не раз*** кўп марта, бирнеча марта; **об э́том говори́лось не раз** бу ҳақда кўп гапирилди; ***не раз и не два*** (*с. т.*) бир марта эмас, икки марта эмас, қайта-қайта, кўп марта; ***ни ра́зу не...*** (*нареч.*) бир марта ҳам, ҳечбир; **я его́ ни ра́зу не ви́дел** мен уни бир марта ҳам (сра) кўрмадим; ***раз-друго́й*** (*с. т.*) бир-икки марта, бирнеча бор; ***раз за ра́зом*** (*с. т.*) секин-секин, тобора; ***раз навсегда́*** узил-кесил, бутунлай, тамомила; абадий; **хорошо́, что э́то вы́яснилось раз навсегда́** яхшики, бу (масала) тамомила равшанлашди; ***раз на разне приходи́тся*** (*с. т.*) ҳамиша бирдай бўлавермайди; ***раз от ра́зу*** 1) галдан галга; 2) аҳ'ён-аҳ'ёнда, кези келганда.

РАЗ II *нареч.* бир куни, бир вақт, бир сафар, кунлардан бир кун; **ка́к-то раз** бир куни; **раз ве́чером** бир куни кечқурун.

РАЗ III *союз с. т.* агар ... экан, модомики, ...экан; **раз так** бундай экан; **раз они́ пойду́т, пойду́ и я** улар борар экан, мен ҳам бораман; **раз на́чал де́ло — кончи́й** модомики ишни бошлабсан, тамомла, охирига етказ; ◊ ***раз что*** (*экс. с. т.*) модомики.

[раз-] I, [разо-], [разъ-], [рас-] фе'л олдқўшимчаси бўлиб, 1. иш-ҳаракатга бўлакларга бўлиниш ма'носини беради, мас., **разорва́ть** йиртиб ташламоқ, **расчленить** бўлакларга ажратмоқ, **разгры́зть** ғажиб ташламоқ; 2. ҳаракат ёки ҳолатнинг кучайишини билдиради, мас., **разгне́ваться** дарғазаб бўлмоқ, **рассерди́ть** қаттиқ жаҳлини чиқармоқ; 3. ҳаракатнинг ҳар томонга йўналишини билдиради, мас., **развести́** ҳар томонга тарқатмоқ; тарқатмоқ, **разбежа́ться** ҳар томонга қочиб кетмоқ; 4. ҳаракатнинг ёки ҳолатнинг тўхталишини, тугалишини билдиради, мас., **разнакоми́ться** ўртоқликдан чиқмоқ, қайтмоқ, **разлюби́ть** кўнгил қолмоқ; 5. ҳаракатнинг аксини билдиради, мас., **разбинтова́ть** бинтни ечмоқ; 6. тугалланмаган фе'лдан тугалланган фе'л ясайди, мас., **учи́ть** ўрганмоқ—**разучи́ть** ўрганиб олмоқ; **бить** синдирмоқ — **разбить** синдириб ташламоқ; **будить** уйғотмоқ — **разбуди́ть** уйғотиб юбормоқ, туртмоқ.

[раз-] II, [рас-] от ёки сифатга „бориб турган", „жуда", „ниҳоятда" ма'носини берадиган олдқўшимча, мас., **раскраса́вица** ниҳоятда чиройли аёл, **разуда́лый** гоят дов'юрак.

РАЗБАВИ́ТЕЛЬ = **разжижи́тель** (қ.).

РАЗБА́ВИТЬ *сов.* суюлтирмоқ, чапиштирмоқ, сув қўшмоқ; **разба́вить спирт водо́й** спиртга сув қўшмоқ.

РАЗБА́ВИТЬСЯ *сов. с. т.* суюқланмоқ, суюқлашиб (суюлиб, суюқ бўлиб) қолмоқ.

РАЗБАВЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **разба́вить.**

РАЗБАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разба́виться; 2. суюлтирилмоқ, чапиштирилмоқ, сув қўшилмоқ.

РАЗБАЗА́РИВАНИЕ *ср мн. нет манф.* талон-торож қилиш, исроф қилиш, нест-нобуд қилиш.

РАЗБАЗА́РИВАТЬ *несов. манф. қ.* разбаза́рить.

РАЗБАЗА́РИВАТЬСЯ *несов. манф.* талон-торож қилинмоқ, исроф қилинмоқ, нест-нобуд қилинмоқ; исроф (нест-нобуд) бўлмоқ.

РАЗБАЗА́РИТЬ *сов. манф.* талон-торож қилмоқ, исроф қилмоқ, нест-нобуд қилмоқ; **разбаза́рить иму́щество** мол-мулкни талон-торож (нест-нобуд) қилмоқ.

РАЗБА́ЛИВАТЬСЯ *несов. с. т. қ.* разболе́ться.

РАЗБАЛОВА́ТЬ *сов.* эрка (тантиқ) қилиб юбормоқ, эрка қилиб ўстирмоқ; **разбалова́ть ребёнка** болани эрка қилиб (талтайтириб) юбормоқ.

РАЗБАЛОВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* эрка (тантиқ) бўлиб кетмоқ, талтайиб кетмоқ.

РАЗБА́ЛТЫВАТЬ I *несов. с. т. қ.* разболта́ть I.

РАЗБА́ЛТЫВАТЬ II *несов. с. т. қ.* разболта́ть II.

РАЗБА́ЛТЫВАТЬСЯ I *несов. с. т.* 1. *қ.* разболта́ться I; 2. *страд. от* разба́лтывать I *(қ.)*.

РАЗБА́ЛТЫВАТЬСЯ II *несов.* 1. *қ.* разболта́ться II; 2. *страд. от* разба́лтывать II *(қ.)*.

РАЗБЕ́Г *м мн. нет* 1. залвор; зарб; чопиб (югуриб) келиш; **прыгать с разбе́га** чопиб келиб сакрамоқ; **разбе́г при взлёте** *(ав.)* самолётнинг осмонга кўтарилиш олдидан ерда ғизиллаб бориши; 2. *махс.* ғилдиракнинг эркин айланиши учун унинг икки четида қолдирилган очиқ жой; 3. ‖ дастлабки шарт-шароит, кўприк.

РАЗБЕГА́ТЬСЯ *несов. қ.* разбежа́ться.

разбегу́сь, разбежи́шься *буд. от* разбежа́ться *(қ.)*.

РАЗБЕЖА́ТЬСЯ *сов.* 1. сакраш учун югуриб келмоқ, бормоқ; **разбежа́ться для прыжка́** сакраш учун югуриб бормоқ; 2. ҳар томонга тарқалиб (қочиб) кетмоқ; **де́ти разбежа́лись по са́ду** болалар боққа тарқалиб кетишди; 3. ‖ тарқалмоқ, қочмоқ; ўйнамоқ (фикр, кўз ҳақида); **глаза́ разбежа́лись** кўзлари ўйнаб кетди.

разбе́й *пов. накл. от* **разби́ть** *(қ.)*.

РАЗБЕРЕДИ́ТЬ *сов.* 1. тегиб оғритмоқ, безовта қилмоқ; **разбереди́ть ра́неную но́гу** яра оёққа тегиб безовта қилмоқ; 2. ‖ қўзғатмоқ, қўзитиб қўймоқ; **разбереди́ть серде́чные ра́ны** юракдаги дардни қўзғатмоқ, ярага туз сепмоқ.

РАЗБЕРЕДИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* оғримоқ, қўзғамоқ, яна оғриққа кирмоқ; **не дать ра́не разбереди́ться** яранинг яна оғриққа киришига йўл қўймаслик.

разберегу́, разбереди́шь *буд. от* **разбереди́ть** *(қ.)*.

разберу́, разберёшь *буд. от* **разобра́ть** *(қ.)*.

РАЗБИВА́ТЬ *несов. қ.* разби́ть.

РАЗБИВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разби́ться; 2. *страд. от* **разбива́ть** *(қ.)*.

РАЗБИ́ВКА *ж мн. нет* 1. **разби́ть** 9, 10, 13 ф е ' лининг ҳаракат номи; 2. *геод.* планлаш, режа олиш, режа тортиш; 3. разбивка (ҳарфлар, сатрлар орасини очиб териш).

РАЗБИНТОВА́ТЬ *сов.* бинтни ечмоқ, ечиб олмоқ, ечиб қўймоқ; **разбинтова́ть па́лец** бармоқнинг бинтини ечиб олмоқ.

РАЗБИНТОВА́ТЬСЯ *сов.* бинти ечилиб кетмоқ; **повя́зка разбинтова́лась** ярага бойланган (ўралган) бинт ечилиб кетди.

РАЗБИНТО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* разбинтова́ть.

РАЗБИНТО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разбинтова́ться; 2. *страд. от* **разбинто́вывать** *(қ.)*.

РАЗБИРА́ТЕЛЬСТВО *ср расм.* текшириш, ишни кўриш, муҳокама қилиш; **суде́бное разбира́тельство** судда ишни кўриш.

РАЗБИРА́ТЬ *несов.* 1. *қ.* разобра́ть; 2. текшириб (синчиклаб) ўтирмоқ, танламоқ, дидламоқ; шиғаванда бўлмоқ; **брать не разбира́я**

танламай (ўнг-терсига қарамай) оларермоқ

РАЗБИРА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **разобра́ться**; 2. *страд. от* **разбира́ть** (*к.*); 3. бўлинадиган (қисмларга ажраладиган) бўлмоқ; **э́тот аппара́т разбира́ется на ча́сти** бу аппарат қисмларга бўлинади.

РАЗБИТНО́Й, -ая, -о́е *с. т.* чаққон, хушчақчақ, бедов.

РАЗБИ́ТЫЙ, -ая, -ое 1. **разби́ть** фе'лининг сифатдоши; 2. синиқ, пачоқ, шалоқ, бузуқ, шикастланган; **разби́тая ча́шка** синиқ коса; **разби́тая маши́на** бузуқ (шалоқ) машина; 3. ‖ *с. т.* ҳориган, чарчаган, ҳолдан тойган, ҳоргин; **чу́вствовать себя́ разби́тым** ўзини жуда чарчаган сезмоқ; 4. ‖ рад этилган, чиппакка чиққан; **разби́тые до́воды** чиппакка чиққан далиллар; 5. ‖ пучга чиққан, барбод бўлган; **разби́тые наде́жды** пучга чиққан умидлар; 6. ‖ *с. т.* сози бузилган; **разби́тый роя́ль** сози бузилган рояль; 7. ‖ *с. т.* ишдан чиққан, хириллаган, бузилган; **разби́тый го́лос** ишдан чиққан (бузилган) овоз; ◊ ***у разби́того коры́та (оста́ться)*** *к.* **коры́то**.

РАЗБИ́ТЬ *сов.* 1. синдирмоқ, парчаламоқ, синдириб қўймоқ (ташламоқ), чилпарчин қилмоқ; **разби́ть стекло́** ойнани синдирмоқ, синдириб қўймоқ; **разби́ть ка́мень** тошни парчаламоқ; 2. синдирмоқ, шикастлантирмоқ, парчалаб (пачоқ-пачоқ қилиб, бузиб) юбормоқ, вайрон қилмоқ; **волно́й разби́ло ло́дку о бе́рег** тўлқин қайиқни қиргоққа уриб пачоқ-пачоқ қилиб юборди; 3. шикастламоқ, шикаст етказмоқ, майиб қилмоқ; мадорини қуритмоқ, жонини олмоқ; шалоқ-шалоқ қилиб юбормоқ; **разби́ть го́лову** уриб бошини ёрмоқ; **разби́ть нос** бурнини қонга беламоқ; **всё те́ло то́чно разби́то** а'зойи баданим шалоқ-шалоқ бўлиб кетганга ўхшайди; 4. ер-парчин қилмоқ, ётқизиб ташламоқ, ишга яроқсиз қилиб қўймоқ; **старика́ разби́л парали́ч** чолни фалаж ер парчин қилиб ётқизиб қўйди; 5. енгмоқ, тор-мор қилмоқ, яксон қилмоқ, узиб (парчалаб) ташламоқ; **враг разби́т на́голову** душман тамомила тор-мор этилди; **разби́ть це́пи империали́зма** империализм кишанларини парчалаб ташламоқ; 6. ‖ енгмоқ, енгиб чиқмоқ **разби́ть проти́вника в спо́ре** баҳсда рақибни енгиб чиқмоқ; 7. ‖ рад қилмоқ, тор-мор қилмоқ, чиппакка чиқармоқ; **оши́бочные взгля́ды бы́ли разби́ты** янглиш фикрлар чиппакка чиқарилди; 8. ‖ йўқ қилмоқ, барбод этмоқ, вайрон қилмоқ; пучга чиқармоқ; **жизнь разби́ла все его́ пусты́е расчёты** турмуш унинг ҳамма пуч хаёлларини чиппакка чиқариб юборди; 9. бўлмоқ, ажратмоқ; **кни́га разби́та на гла́вы** китоб бобларга бўлинган; 10. режа олиб (план қилиб) қурмоқ, яратмоқ, барпо этмоқ (боғ, гулзор ва ш. к. лар ҳақида); 11. *полигр.* разбивка қилмоқ, сатрлар орасини очиб термоқ; 12. ‖ *с. т.* бузмоқ, созини бузмоқ; **разби́ть роя́ль** рояльнинг созини бузмоқ; 13. қурмоқ; **разби́ть ла́герь** лагерь қурмоқ; 14. бузмоқ, бўлиб юбормоқ; **разби́ть компле́кт** комплектни (тўпламни) бузмоқ; 15. бузмоқ; **разби́ть сде́лку** битимни бузмоқ.

РАЗБИ́ТЬСЯ *сов.* 1. синмоқ, парчаланмоқ, синиб кетмоқ, чилпарчин бўлмоқ; **пиала́ разби́лась** пиёла синди, синиб кетди; 2. шикастланмоқ, майиб бўлмоқ, лат емоқ; **разби́ться в кровь** шикаст еб қонга беланмоқ; 3. бўлинмоқ, ажралмоқ; **отря́д разби́лся на три гру́ппы** отряд уч группага бўлинди; 4. ‖ пучга чиқмоқ, чиппакка чиқмоқ; **после́дняя наде́жда разби́лась** энг сўнгги умид пучга чиқди.

РАЗБОГАТЕ́ТЬ *сов.* 1. бойимоқ, бойиб кетмоқ, давлат орттирмоқ; 2. *с. т.* олмоқ, эга бўлмоқ, қўлга киритмоқ, молик бўлмоқ.

РАЗБО́Й *м мн. нет* 1. талаш, босқинчилик, қароқчилик, йўлтўсарлик; **морско́й разбо́й** денгиз қароқчилиги; **откры́тый разбо́й** интервентларнинг очиқдан-очиқ босқинчилиги; 2. ‖ *с. т.* шилиш, талаш, юлиш, шилиб олиш, таловчилик.

РАЗБО́ЙНИК *м* 1. босқинчи, қароқчи, йўлтўсар; **разбо́йник с большо́й доро́ги** йўлтўсар ўғри; 2. босқинчи; **фаши́стские разбо́йники** фашист босқинчилар; 3. *с. т. ҳазл.* тирмизак; шумтака, зумраша; **э́такий**

разбо́йник! вой тирмизак-э!, қургур-э!; ◊ ***разбо́йники пера́ к.*** перо́ II.

РАЗБО́ЙНИЦА *ж қ.* **разбо́йник** 1, 3.

РАЗБО́ЙНИЧАТЬ *несов.* 1. босқинчилик (йўлтўсарлик, қароқчилик) қилмоқ, йўл тўсмоқ; 2. ‖ босқинчилик қилмоқ, таламоқ, эзмоқ, зулм ўтказмоқ, ваҳшийларча хўжайинлик қилмоқ.

РАЗБО́ЙНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое, **РАЗБО́ЙНИЧИЙ**, -ья, -ье **разбо́йник** *сўз. сиф.*; 1. босқинчиларга (қароқчиларга, йўлтўсарларга) оид; **разбо́йничья ша́йка** қароқчилар шайкаси; 2. ‖ босқинчиларга, таловчиларга хос бўлган, босқинчиларча; **разбо́йническое нападе́ние фаши́стских захва́тчиков** фашистларнинг босқинчиларча қилган ҳужумлари; **разбо́йничий империали́зм** босқинчи империализм.

РАЗБО́ЙНИЧИЙ, -ья, -ье = **разбо́йнический** (*қ.*).

РАЗБО́ЙНЫЙ, -ая, -ое *эск.* 1. **разбо́й** *сўз. сиф.*; *қ.* **разбо́й**; 2. қароқчиларга оид; қароқчи, босқинчи, йўлтўсар, қароқчилик билан шуғулланувчи.

РАЗБОЛЕ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. қаттиқ бетоб бўлмоқ, қаттиқ касал бўлиб қолмоқ, узоқ ётиб қолмоқ; **он совсе́м разболе́лся у** қаттиқ касал бўлиб қолди; 2. оғриб қолмоқ, оғриб кетмоқ, оғриқ тутмоқ; **разболе́лась голова́** бош оғриб кетди.

РАЗБО́ЛТАННОСТЬ *ж мн. нет с. т. манф.* ўтакетган интизомсизлик, тартибсизлик.

РАЗБО́ЛТАННЫЙ I, -ая, -ое 1. чайқатилган, аталанган, чайқатиб (аталаб) аралаштирилган; 2. бўшашган, бўшашиб (лиқиллаб) қолган; 3. ‖ *с. т. манф.* ўтакетган интизомсиз, тартибсиз, интизоми йўқ, бебош; **разбо́лтанный челове́к** ўтакетган интизомсиз одам, бебош одам.

РАЗБО́ЛТАННЫЙ II, -ая, -ое айтиб (ошкор) қилиб қўйилган, оғиздан гуллаб билдириб қўйилган (сир, гап).

РАЗБОЛТА́ТЬ I *сов. с. т.* 1. чайқатмоқ, чайқатиб (аталаб) аралаштирмоқ; **разболта́ть порошо́к в воде́** порошокни сувга чалиб аралаштирмоқ; 2. лиқилдоқ қилиб қўймоқ, бўшатиб қўймоқ, қимирлайдиган қилиб қўймоқ; **га́йку разболта́ло** гайка бўшаб қолипти.

РАЗБОЛТА́ТЬ II *сов. с. т. манф.* сирни очиб қўймоқ, оғзидан гуллаб қўймоқ, ҳаммага ошкор қилиб қўймоқ; **разболта́ть секре́т** сирни ҳаммага билдириб қўймоқ.

РАЗБОЛТА́ТЬСЯ I *сов. с. т.* 1. чайқалмоқ, аралашмоқ, аталанмоқ, қоришмоқ; **мука́ хорошо́ разболта́лась** ун яхши қоришди; 2. бўшаб қолмоқ, лиқиллаб қолмоқ; **га́йка разболта́лась** гайка бўшаб қолипти; 3. ‖ интизомсизлашиб қолмоқ; беинтизом (бетартиб) бўлиб кетмоқ.

РАЗБОЛТА́ТЬСЯ II *сов.* гапга тушиб кетмоқ.

РАЗБОМБИ́ТЬ *сов. с. т.* бомбардировка қилиб (бомба ташлаб) вайрон (яксон, тор-мор) қилмоқ; **разбомби́ть аэродро́м проти́вника** душман аэродромини бомба ташлаб вайрон қилмоқ; **разбомби́ть коло́нну проти́вника** бомбардировка қилиб душман колоннасини тор-мор этмоқ.

РАЗБО́Р *м* 1. *только ед.* **разобра́ть** фе'лнинг ҳаракат номи; *қ.* **разобра́ть** I—3; **разбо́р де́ла в суде́** ишни судда кўриш; **грамма́тический разбо́р** грамматик разбор (таҳлил); 2. таҳлил, танқидий мақола; **в журна́ле помеща́ен разбо́р но́вой кни́ги** журналда янги китобга танқидий мақола босилган; 3. *полигр.* фойдаланилган (босиб бўлинган) набор; 4. тушуниш, фарқига бориш, ажратиш, дид; **„С разбо́ром выбира́й друзе́й"** (Крылов) „Ёру дўстларни билиб танла" (Крилов); **без разбо́ру** 1) танламасдан, дидламасдан, ўнг-терсига қарамасдан; **чита́ть без разбо́ру всё подря́д** танламасдан дуч келган нарсани ўқийбермоқ; 2) фарқига бормасдан, тушунмасдан, билмасдан; 5. *махс.* нав', сифат, хил, даража; **мука́ второ́го разбо́ра** иккинчи нав' ун; ◊ ***к ша́почному разбо́ру (поспе́ть, прийти́ и т. п.)*** *с. т.* тўй тарқалганда, иш тамом бўлганда (келмоқ).

РАЗБО́РКА *ж мн. нет* **разобра́ть** фе'лнинг ҳаракат номи; *қ.* **разобра́ть**, 1, 2, 3, 4 ва 6; **разбо́рка механи́зма** механизмни разборка қилиш.

қисмларга ажратиш; **разбо́рка корреспонде́нции** хатларни ажратиш; **разбо́рка и́згороди** панжара деворни бузиб олиш.

РАЗБО́РНЫЙ, -ая, -ое қисмларга ажраладиган, бўлинадиган; **разбо́рный стол** бўлак-бўлак бўлиб ажраладиган стол.

РАЗБОРОНИ́ТЬ= **разборонова́ть** (*қ.*).

РАЗБОРОНОВА́ТЬ *сов. қ. х.* бороналамоқ, бороналаб ерни юмшатмоқ.

РАЗБО́РЧИВО *нареч.* 1. равшан, аниқ, очиқ, тушунарли; **разбо́рчиво говори́ть** аниқ (тушунарли қилиб) гапирмоқ; **письмо́ напи́сано разбо́рчиво** хат очиқ ёзилган; 2. синчиклаб, текшириб, дид блан, таналаб, фарқига бориб, яхши-ёмонни ажратиб; **разбо́рчиво относи́ться к лю́дям** одам танламоқ, одамига қараб муомала қилмоқ.

РАЗБО́РЧИВОСТЬ *ж мн. нет* 1. равшанлик, аниқлик, очиқлик, тушунарлилик; **разбо́рчивость по́черка** хатнинг очиқлиги; 2. дидлилик, талабчанлик, танловчилик, яхши-ёмонни фарқ қилабилиш; **разбо́рчивость в еде́** овқатни танлаб ейишлик, овқатга шинавандалик.

РАЗБО́РЧИВЫЙ, -ая, -ое 1. аниқ, равшан, очиқ, тушунарли, тушуниб бўладиган; **разбо́рчивый по́черк** очиқ (аниқ) хат; 2. ‖ дидли, синчиклаб қарайдиган, яхши-ёмонни ажратадиган, танлайдиган, талабчан, шинаванда; **он разбо́рчивый челове́к** у яхши-ёмонни ажратабиладиган одам; **он разбо́рчив в еде́** у овқат танлайдиган одам, овқатга шинаванда; **разбо́рчивая неве́ста** 1) ҳарқандай одамни ёқтиравермайдиган (ҳечкимни ёқтирмайдиган) қиз; 2) ‖ таб'и нозик одам.

РАЗБРАНИ́ТЬ *сов. с. т.* қаттиқ сўкмоқ, қаттиқ коймоқ, уришиб бермоқ, уришиб ташламоқ.

РАЗБРАНИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* сўкишиб қолмоқ, уришиб (жанжаллашиб, айтишиб, аразлашиб) қолмоқ.

РАЗБРА́СЫВАТЬ *несов. қ.* **разброса́ть**.

РАЗБРА́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **разброса́ться**; **нельзя́ разбра́сываться в рабо́те** ишда ҳали унга, ҳали бунга уриниб кетиш (диққатни бўлиш) ярамайди; 2. *страд. от* **разбра́сывать** (*қ.*).

РАЗБРЕДА́ТЬСЯ *несов. қ.* **разбрести́сь**.

РАЗБРЕСТИ́СЬ *сов.* 1. тарқалмоқ, тарқалиб (тарқалишиб) кетмоқ, изгиб (тўзиб, чочилиб) кетмоқ; **ста́до разбрело́сь** пода ҳарёққа тарқаб кетди; **разбрести́сь по домам** уй-уйига тарқалишмоқ; 2. ‖ аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ, учмоқ, қочмоқ, тарқалмоқ, бўлинмоқ; **мы́сли разбрели́сь** хаёл қочди; фикр бўлиниб кетди.

РАЗБРО́Д *м мн. нет* 1. тартибсизлик, бесаранжомлик; **у него́ по́лный разбро́д в дела́х** унинг иши бутунлай тартибсиз; 2. ‖ пароканлалик, тарқоқлик; **иде́йный разбро́д в социа́л-демократи́ческих па́ртиях** социал-демократик партиялардаги ғоявий пароканлалик.

РАЗБРО́С *м махс.* сочиш, сепиш, уер-буерга ташлаш; **разбро́с семя́н для лесопоса́дки** ерга дарахт уруғи ташлаш, сепиш.

РАЗБРО́САННОСТЬ *ж мн. нет* 1. тарқоқлик, сийраклик, бир-биридан узоқлик; 2. ‖ тарқоқлик, паришонлик, пароканлалик, чувалганлик; **разбро́санность внима́ния** диққатнинг тарқоқлиги, ҳаёли паришонлик.

РАЗБРО́САННЫЙ, -ая, -ое 1. **разброса́ть** фе'лининг сифатдоши; 2. ‖ тарқоқ, чувалган; паришон; **разбро́санные мы́сли** тарқоқ фикрлар.

РАЗБРОСА́ТЬ *сов.* 1. сочмоқ, ёймоқ, сочиб (ёйиб) ташламоқ, сочиб (ёйиб) қўймоқ; **разброса́ть се́но для проса́ушки** пичанни қуритиш учун ёйиб ташламоқ; 2. сочиб ташламоқ; дуч келган жойга ташлаб сочиб) ивирситмоқ; **разброса́ть кни́ги** китобларни сочиб ташламоқ; 3. ‖ исроф қилмоқ, совурмоқ, бехуда сарфламоқ; **разброса́ть де́ньги на ве́тер** пулни исроф қилмоқ, пулни совурмоқ; 4. ‖ тарқатиб (сочиб) юбормоқ; **жизнь разброса́ла двух закады́чных друзе́й по ра́зным края́м** турмуш икки қадрдон дўстни ҳар'ёққа тарқатиб юборди.

РАЗБРОСА́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. ўз нарсаларини ёймоқ, сочмоқ, сочиб

(ёйиб) ташламоқ, нарсаларини сочиб атрофини ивирситиб ўтирмоқ; 2. ‖ у ишни қўйиб, бу ишга уринмоқ, бирдан бирнеча ишга ёпишмоқ, диққатни бўлмоқ; **он слúшком разброса́лся в свои́х заня́тиях** унинг ўқишда (машгулотда, ишда) диққати жуда бўлиниб кетган; 3. *қ.* **разметáться** II.

РАЗБРО́СИТЬ *сов. с. т.* ҳартарафга ташламоқ, отмоқ, улоқтирмоқ, отиб (улоқтириб) ташламоқ.

РАЗБРОСНО́Й, -а́я, -о́е *қ. х.* сочма, сепма; **разбросно́й сев** сочиб экиш.

РАЗБРОТА́ТЬ *сов. махс.* нўхтасини ечиб олмоқ (ечмоқ).

разбро́шу, разбро́сишь *буд. от* **разброса́ть** (*қ.*).

РАЗБРЫ́ЗГАТЬ *сов.* 1. сочиб юбормоқ, сачратмоқ, сепмоқ; **разбры́згать духи́** атир сепмоқ; 2. сочиб (сепиб) тамомламоқ.

РАЗБРЫ́ЗГАТЬСЯ *сов.* 1. сочилмоқ, сепилмоқ, сачрамоқ; сочилиб (сачраб) кетмоқ; 2. ҳадеб сачратавермоқ, сепаверmоқ.

РАЗБРЫ́ЗГИВАТЬ *несов. қ.* **разбры́згать.**

РАЗБРЫ́ЗГИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **разбры́згивать** (*қ.*).

разбры́зжу, разбры́зжешь *буд. от* **разбры́згать** (*қ.*).

РАЗБРЮЗЖА́ТЬСЯ *сов. с. т.* ҳадеб жаврайвермоқ, бидирламоқ, ғингшимоқ, мингилламоқ, нолимоқ, бидир-бидир (мингир-мингир) қилмоқ.

РАЗБУДИ́ТЬ *сов.* 1. уйғотмоқ, уйқудан турғизмоқ; 2. ‖ уйғотмоқ, қўзғатмоқ, намоён қилмоқ; **разбуди́ть твóрческие спосóбности** ижодий иште'додни қўзғатмоқ (намоён қилмоқ).

разбужу́, разбу́дишь *буд. от* **разбуди́ть** (*қ.*).

РАЗБУРА́ВИТЬ *сов. махс.* пармалаб кенгайтирмоқ; **разбура́вить дыру́** в стене́ девордаги тешикни пармалаб кенгайтирмоқ.

РАЗБУХА́НИЕ *ср мн. нет* 1. кўпчиш, бўртиш, шишиш, бўкиш; 2. ‖ *манф.* ҳаддан ташқари кўпайиш, ортиш, кенгайиш; **разбуха́ние управле́нческого аппара́та** бошқарма аппаратининг ҳаддан ортиқ кенгайиб кетиши.

РАЗБУХА́ТЬ *несов.* 1. *қ.* **бу́хнуть** II; 2. *қ.* **разбу́хнуть** 2.

РАЗБУ́ХНУТЬ *сов.* 1. кўпчиб кетмоқ, бўртиб кетмоқ, шишиб кетмоқ, бўкмоқ; **фасóль разбу́хла в воде́** ловия сувда роса бўкипти (ивипти); 2. ‖ *манф.* ҳаддан ташқари катта бўлиб кетмоқ, ортиб (ошиб) кетмоқ, кенгаймоқ; **кни́га разбу́хла от обúлия комментáриев** изоҳларининг кўплигидан китоб катта бўлиб кетипти; **шта́ты разбу́хли** штат жуда катта бўлиб (ходимлар сони жуда ошиб) кетган.

РАЗБУШЕВА́ТЬСЯ *сов.* 1. қаттиқ кўтарилмоқ, тўлқинланмоқ, манжурмоқ, жавлон урмоқ, пишқирмоқ, гувулламоқ, қутурмоқ; **вы́юга разбушева́лась** бўрон қутурди; **мóре разбушева́лось** денгизда қаттиқ тўлқин кўтарилди; 2. ‖ *с. т.* тўполон (шовқин) қилмоқ, жанжал чиқармоқ, ғавғо кўтармоқ, қутурмоқ; **что он так разбушева́лся?** нега у бунча шовқин қилади?

РАЗБУЯ́НИТЬСЯ *сов. с. т. манф.* қаттиқ жанжал кўтармоқ, жуда тўполон қилмоқ, ғавғо чиқармоқ.

РАЗВА́ЖНИЧАТЬСЯ *сов. с. т. манф.* кеккайиб кетмоқ, жуда ҳангердаймоқ, манманлик қилмоқ.

РАЗВА́Л *м мн. нет* 1. **развали́ть** фе'лининг ҳаракат номи; 2. ‖ харобалик, вайронлик, тушкунлик; харобалик (барбод) бўлиш, ўпирилиш, кейинга кетиш; **разва́л капиталисти́ческой систе́мы хозя́йства** капиталистик хўжалик системасининг барбод бўлиши; **разва́л в рабóте** ишни барбод қилиш; ишнинг барбод бўлганлиги; 3. *қ. х.* агдарма; **вспáшка в разва́л** агдариб ҳайдаш.

РАЗВА́ЛЕЦ: с разва́льцем (*с. т.*) 1) *қ.* **вразва́лку**; 2) секин, шошмасдан, ошиқмасдан, имиллаб, эринчоқлик билан; **рабóтать с разва́льцем** шошмасдан ишламоқ, имиллаб ишламоқ.

РАЗВА́ЛИВАТЬ I *несов. қ.* **развали́ть.**

РАЗВА́ЛИВАТЬ II *несов. қ.* **развали́ть.**

РАЗВА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. **развали́ться**; 2. *страд. от* **разва́ливать** I (*қ.*).

РАЗВА́ЛИНА *ж* 1. *только мн.* хароба, вайрона; харобазор; **развáлины дрéвнего гóрода** қадимий шаҳар харобалари; 2. ‖ *с. т.* шарти кетиб, парти қолган, мунқиллаб қолган (одам); 3. ‖ қолдиқ, парча; на **развáлинах стáрого вы́росла нóвая жизнь** эскилик қолдиқлари устида янги турмуш барпо этилди.

РАЗВА́ЛИСТЫЙ, -ая -ое: **развáлистая похóдка** (*с. т.*) лапанглаб юриш, уёқ-буёққа ташланиб юриш.

РАЗВАЛИ́ТЬ *сов.* 1. йиқитмоқ, ағдармоқ, ағанатмоқ, қулатмоқ, бузиб ташламоқ; **развали́ть сто́пку книг** тахлаб қўйилган китобларни қулатиб юбормоқ; 2. тўп-тўп қилиб солмоқ, тўкмоқ, қўймоқ; **развали́ть удобре́ние в по́ле** далада ўгитни тўп-тўп қилиб қўймоқ; 3. ‖ *манф.* ўпириб юбормоқ, бузмоқ, барбод этмоқ; **развали́ть рабóту** ишни барбод қилмоқ.

РАЗВАЛИ́ТЬСЯ *сов.* 1. йиқилмоқ, ағдарилмоқ, қулаб тушмоқ, бузилиб кетмоқ; **стена́ развали́лась** девор қулаб тушди; 2. ‖ бузилмоқ, ўпирилмоқ, барбод бўлмоқ, орқага кетмоқ; **всё де́ло развали́лось** бутун иш бузилди (барбод бўлди); 3. *с. т.* ёзилиб (ялпайиб) ўтирмоқ; ясланиб ётмоқ; **развали́ться в кре́сле** креслода ялпайиб ўтирмоқ.

РАЗВА́ЛЬЦА *ж қ.* **развáлец.**

РАЗВАЛЯ́ТЬ *сов.* 1. *махс* ёймоқ, ёйиб ташламоқ; **разваля́ть те́сто** хамир ёймоқ; 2. *махс.* сочмоқ, сочиб ташламоқ, сочиб қўймоқ; **навóз разваля́ли по па́шне** шудгорга гўнг сочиб ташладилар.

РАЗВАЛЯ́ТЬСЯ *сов. с. т.* дангаса бўлиб кетмоқ, узун кун бўйи чўзилиб ётмоқ.

РАЗВА́РИВАТЬ *несов. қ.* **развари́ть.**

РАЗВА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **развари́ться**; 2. *страд. от* **развáривать** (*қ.*).

РАЗВАРИ́ТЬ *сов.* яхшилаб пиширмоқ, обдан пиширмоқ, ҳил-ҳил қилиб пиширмоқ; эзилтириб пиширмоқ; **развари́ть мя́со** гўштни ҳил-ҳил қилиб пиширмоқ; **развари́ть рис** гуручни эзилтириб пиширмоқ.

РАЗВАРИ́ТЬСЯ *сов.* яхши пишмоқ, обдан пишмоқ, ҳил-ҳил бўлиб пишмоқ, пишиб эзилиб кетмоқ; **мя́со развари́лось** гўшт яхши (ҳил-ҳил) пишди; **карто́фель развари́лся** картошка пишиб эзилиб кетипти.

РАЗВАРНО́Й, -ая, -ое қайнатиб пиширилган, қайнаб пишган, ҳил-ҳил (эзилиб) пишган; **разварно́й карто́фель** сувда қайнатиб пиширилган картошка; **разварна́я ры́ба** сувда қайнатиб пиширилган балиқ.

РА́ЗВЕ 1. *нареч.* шундайми, наҳотки, ҳали-я, ростми, ростданми; **ра́зве ты забы́л?** ҳали эсимдан чиқди дегин?; 2. керакмикан, ҳожати бормикан; **ра́зве пойти́ прогуля́ться?** бир айланиб келсаммикан? (келсакмикан?); 3. *частица с. т.* эҳтимол, фақат; **приду́т все, ра́зве то́лько он не придёт** ҳамма келади, эҳтимол фақат у келмас; 4. *союз эск.* бошқа, агар.

РАЗВЕВА́ТЬ *несов.* ҳилпиратмоқ, тўзитмоқ; **ве́тер развева́ет фла́ги** шамол байроқларни ҳилпиратмоқда.

РАЗВЕВА́ТЬСЯ *несов.* ҳилпилламоқ, ҳилпирамоқ, тўзимоқ; **во́лосы развева́ются от ве́тра** шамолдан сочлар тўзиб кетмоқда.

РАЗВЕ́ДАТЬ *сов.* 1. *с. т.* билиб олмоқ, суриштириб билмоқ, сиридан бохабар бўлмоқ; 2. *харб.* разведка қилмоқ, текшириб (разведка қилиб) билмоқ; **развéдать расположе́ние сил проти́вника** душман кучлари ўрнашган жойларни текшириб (разведка қилиб) билмоқ; 3. *махс.* разведка қилмоқ, қидириб топмоқ, текшириб (разведка қилиб) билмоқ; **развéдать месторожде́ние не́фти** текшириб (разведка қилиб) нефть бор жойни топмоқ.

РАЗВЕДЕ́НИЕ I *ср мн. нет махс.* очиш, кериш (мас., арраниng тишларини).

РАЗВЕДЕ́НИЕ II *ср мн. нет* **развести́** II фе'лининг ҳаракат номи; *қ.* **развести́** II.

РАЗВЕДЕ́НИЕ III *ср мн. нет* **развести́** III (1-нчи ма'носида) фе'лининг ҳаракат номи; **разведе́ние поро́дистых живо́тных** наслдор ҳайвонларни кўпайтириш; **разведе́ние ре́дких расте́ний** нодир ўсимликларни ўстириш, кўпайтириш.

РАЗВЕДЁННЫЙ I, -ая, -ое 1. развести́ I фе'лининг сифатдоши; қ. развести́ I (1, 2, 3, 5 ва 6-нчи ма'ноларида); 2. ажралган, ажралишган; разведённая жена́ эридан чиққан (ажралган) хотин; 3. *сущ.* разведённый *м* хотинини қўйган киши; разведённая *ж* эридан чиққан хотин.

РАЗВЕДЁННЫЙ II, -ая, -ое развести́ II фе'лининг сифатдоши; қ. развести́ II.

РАЗВЕ́ДКА *ж* 1. *только ед. махс.* разведка қилиш, текшириш, қидириш; **разве́дка поле́зных ископа́емых** фойдали қазилмаларни қидириш; **разве́дка ме́стности на медь** мис бор-йўқлигини билиш учун бирор жойни текшириб кўриш; 2. *только ед. ҳарб.* разведка, разведка қилиш (душман қўшинлари ва уларнинг жойланиши тўғрисида ма'лумот олиш учун айрим ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ёки жангчилар томонидан олиб бориладиган иш, ҳарбий ҳаракат); **разве́дка проти́вника бо́ем** душманни жанг билан разведка қилиб кўриш; **возду́шная разве́дка** ҳаво разведкаси; **звукова́я разве́дка** товуш разведкаси (товушини тутиш йўли билан разведка қилиш, жойини аниқлаш); **отпра́виться в разве́дку** разведкага чиқмоқ; **боева́я разве́дка** жанговар разведка; **разве́дка—глаза́ и у́ши а́рмии** разведка—армиянинг кўзи ва қулоғидир; 3. *ҳарб.* разведкачилар, разведкачилар группаси; **пе́шая разве́дка** пиёда разведкачилар; **ко́нная разве́дка** отлиқ разведкачилар; 4. разведка (душманнинг кирдикорларини ўрганучи, душман жосуслари ва қўпоручиларига қарши кураш олиб боручи давлат хавфсизлиги органи).

РАЗВЕ́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое разве́дка *сўз. сиф.*; разведкага, қидириш ишларига оид; **разве́дочные рабо́ты** разведка ишлари; **разве́дочное буре́ние** разведка учун бурғилаш, кавлаб кўриш.

РАЗВЕ́ДРИВАТЬ *несов.* қ. разве́дрить.

РАЗВЕ́ДРИВАТЬСЯ *несов.* қ. разве́дриться; **пого́да разве́дривается** ҳаво очилмоқда.

РАЗВЕ́ДРИТЬ *сов.* *с. т.* 1. очиб юбормоқ, ёриштирмоқ (ҳавони); **„Ави́сь ветеро́к разве́дрит дене́к"** (Даль) "Шояд шамол ҳавони ёриштирса" (Даль); 2. *безл.* ёришмоқ, очилмоқ, очилиб (ёришиб) кетмоқ; **к ве́черу разве́дрило** кечга томон ҳаво очилиб кетди.

РАЗВЕ́ДРИТЬСЯ *сов.* очилмоқ, ёришмоқ, очилиб (ёришиб) кетмоқ; **пого́да разве́дрилась** ҳаво очилиб кетди.

разведу́, **разведёшь** *буд. от* развести́ I, II, III (қ.).

РАЗВЕ́ДЧИК *м* 1. *махс.* разведкачи, қидируви, текширувчи; разве́дчик не́фти нефть қидируви; 2. *ҳарб.* разведкачи; ко́нный разве́дчик отлиқ разведкачи; 3. *с. т. ав.* разведкачи самолёт; 4. *с. т.* разведка органларининг ходими.

РАЗВЕ́ДЫВАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое разведка қилувчи, разведка билан шуғулланучи; **разве́дывательные отря́ды** разведка отрядлари.

РАЗВЕ́ДЫВАТЬ *несов.* қ. разве́дать.

РАЗВЕЗТИ́ I *сов.* жой-жойига олиб бориб бермоқ, ташиб (олиб бориб) қўймоқ, тарқатмоқ; **развезти́ посы́лки по дома́м** посилкаларни уйма-уй юриб эга-эгасига тарқатмоқ.

РАЗВЕЗТИ́ II *сов.* *с. т.* 1. юриб бўлмайдиган қилиб (эзиб) юбормоқ, балчигини чиқариб юбормоқ; **доро́ги развезло́ от дождя́** ёмғир йўлларни пилчиратиб юборипти; 2. ‖ лоҳас (ланж) қилмоқ, шалпайтириб қўймоқ; **от жары́ его́ совсе́м развезло́** иссиқ уни жуда лоҳас (ланж) қилиб қўйди; 3. ‖ *манф.* чўзиб юбормоқ, эзмоқ; **развёз докла́д на два часа́** докладни икки соатга чўзиб юборди.

РАЗВЕ́ИВАТЬ *несов.* қ. разве́ять.

разве́й I *пов. накл. от* разве́ять (қ.).

разве́й II *пов. накл. от* развить I, II (қ.).

развёл, **развела́** *прош. от* развести́ I, II, III (қ.).

РАЗВЕ́НЧАННЫЙ, -ая, -ое 1. развенча́ть фе'лининг сифатдоши; 2. ‖ шуҳрати йўқолган, обрўси кетган, э'тибордан қолган; **разве́нчанная**

знамени́тость шуҳрати йўқолган одам.

РАЗВЕНЧА́ТЬ *сов.* 1. *эск.* тахтдан тушириб қўймоқ, тожини олиб қўймоқ; 2. ‖ фош қилиб э'тиборини туширмоқ, обрўсини кеткизмоқ, шармандасини чиқармоқ.

РАЗВЕ́НЧИВАТЬ *несов.* қ. развенча́ть.

РАЗВЕ́НЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* развенчивать *(қ.).*

РАЗВЕРЗА́ТЬ *несов.* қ. разве́рзнуть.

РАЗВЕРЗА́ТЬСЯ *несов.* қ. разве́рзнуться.

РАЗВЕ́РЗНУТЬ *сов. эск.* ва *поэз.* катта (кенг) очмоқ, кермоқ.

РАЗВЕ́РЗНУТЬСЯ *сов. эск.* ва *поэз.* катта (кенг) очилмоқ; **небеса́ разве́рзлись** осмон тешилди (жала қуябошлади); **бе́здна разве́рзлась под его́ ногами́** у танг аҳволга тушиб қолди, жар (ҳалокат) ёқасига келиб қолди.

РАЗВЁРНУТЫЙ, -ая, -ое 1. **развёрну́тый фе'линиг** сифатдоши; 2. ёйиқ, ёнма-ён тизилган; **развёрнутый строй** *(ҳарб.)* ёйиқ саф, ёнма-ён тизилган саф; 3. ‖ кенг, муфассал, батафсил, мукаммал; **развёрнутый план ле́кции** лекциянинг мукаммал плани; 4. ‖ кенг авж олдирилган, кенг кўламда қўйилган, ташкил этилган; **развёрнутое наступле́ние** кенг кўламда бошланган ҳужум.

РАЗВЕРНУ́ТЬ *сов.* 1. ёзмоқ, ёймоқ, очмоқ; **развёрну́ть зна́мя** байроқни ёймоқ; **развёрну́ть газе́ту** газетани очмоқ; **развёрну́ть ковёр** гиламни ёзмоқ; 2. очмоқ, ечмоқ; **развёрну́ть паке́т** пакетни очмоқ; **развёрну́ть ребёнка** болани (йўргакни) ечмоқ; 3. ‖ *ҳарб.* ёймоқ, ёнма-ён (фронт бўйлаб) саф қилмоқ; **развёрнуть цепь стрелко́в** ўқчилар занжирини фронт бўйлаб ёймоқ; 4. ‖ *ҳарб.* кенгайтирмоқ, кенгайтириб йирикроқ қисмга айлантирмоқ; **развёрну́ть полк в брига́ду** полкни кенгайтириб бригадага айлантирмоқ; 5. ‖ кермоқ, ёймоқ, очмоқ; **развёрну́ть пле́чи** елкани кермоқ; 6. ‖ ривожлантирмоқ, ўстирмоқ, авж олдирмоқ, кўрсатмоқ, намоён қилмоқ, тўла ишга солмоқ; **развёрну́ть спосо́бности** қобилиятни тўла ишга солмоқ; **диктату́ра пролетариа́та развёрну́ла твóрческие си́лы масс** пролетариат диктатураси омманинг ижодий кучини кенг суратда ишга солиб юборди; 7. ‖ муфассал кўрсатмоқ, баён қилмоқ; 8. ‖ кенг авж олдирмоқ, қизитиб юбормоқ, кенг миқёсда бошлаб юбормоқ; **широко́ развёрну́ть кри́тику и самокри́тику** танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириб юбормоқ; **развёрну́ть соревнова́ние за экономию сырья́** хомашёни тежаш мусобақасини қизитиб юбормоқ; **развёрну́ть рабо́ту** ишни қизитиб юбормоқ; **а́рмия развёрнула контрнаступле́ние** армия кенг миқёсда қарши ҳужум бошлаб юборди; 9. *с. т.* орқасига, тескарига бурамоқ, бураб бўшатмоқ; **развёрну́ть винт** винтни бураб бўшатмоқ; 10. *махс.* орқага бурмоқ, қайтармоқ; **развёрну́ть автомоби́ль** автомобилни қайтармоқ; 11. ёймоқ; **развёрну́ть кривы́ю** *(мат.)* эгри чизиқни ёймоқ, тўғриламоқ.

РАЗВЕРНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. ёзилмоқ, ёйилмоқ, очилмоқ, ёзилиб (ёйилиб, очилиб) кетмоқ; **зна́мя развёрну́лось на ветру́** байроқ шамолда ёзилиб кетди; 2. очилмоқ, ечилмоқ, очилиб (ечилиб) кетмоқ; **паке́т развёрну́лся** пакет очилиб (ечилиб) кетди; 3. ‖ *ҳарб.* ёйилмоқ, ёнма-ён саф тортмоқ; **фронт развёрну́лся** фронт ёйилди; 4. ‖ *ҳарб.* кенгаймоқ, кенгайиб йирикроқ қисмга айланмоқ; **батальо́н развёрну́лся в полк** батальон полкка айланди; 5. ‖ кенг суратда (барала) кўринмоқ; намоён бўлмоқ; ўсмоқ; **его́ тала́нт осо́бенно развёрну́лся в после́дние го́ды** унинг исте'доди айниқса кейинги йилларда барала кўринди; 6. ‖ кенг авж олмоқ; ривожланмоқ; қизиб кетмоқ; **широко́ развёрну́лось стаха́новское движе́ние** стахановчилик ҳаракати кенг авж олди; 7. ‖ орқага бурилмоқ, бурилиб орқага қайтмоқ; **самолёт развёрну́лся, взяв курс на се́вер** самолёт бурилиб шимолга йўл олди; 8. *с. т.* қулочкашлаб, айлантириб; **развёрну́лся и уда́рил** айлантириб солди; қулочкашлаб туширди, урди; 9. *с. т.* бураліб кетмоқ, бураліб чиқиб кетмоқ, бўша-

шиб қолмоқ; **винт развернýлся** винт бўшашиб қолипти.

РАЗВЕРСТА́ТЬ *сов.* 1. *махс.* бўлмоқ, тақсимламоқ, бўлиб (тақсимлаб) чиқмоқ; **разверста́ть дохо́д по трудодня́м** даромадни меҳнат кунларига қараб бўлиб чиқмоқ; 2. *полигр.* вёрстка қилмоқ. вёрстка қилиб (саҳифалаб) қўймоқ; **разверста́ть газе́тные статьи́ в коло́нки** газета мақолаларини сутунларга бўлиб вёрстка қилмоқ; 3. *полигр.* вёрстка қилинган, саҳифаланган наборни сийракроқ қилиб қайтадан вёрстка қилмоқ.

РАЗВЁРСТКА *ж махс.* **разверста́ть** фе'лининг ҳаракат номи; қ. **разверста́ть**.

РАЗВЁРСТЫВАТЬ *несов. махс.* қ. **разверста́ть**.

РАЗВЁРСТЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **развёрстывать** (қ.).

РАЗВЕРТЕ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* бураб чиқармоқ; бураб бўшаштириб қўймоқ; **разверте́ть винт** винтни бураб чиқармоқ; 2. бурайвериб кенгайтирмоқ; 3. тез айлантириб юбормоқ; **разверте́ть колесо́** гилдиракни тез айлантириб юбормоқ.

РАЗВЕРТЕ́ТЬСЯ *сов.* 1. бураліб чиқмоқ, бураліб бўшаб қолмоқ; **га́йка разверте́лась** гайка бураліб бўшаб қолипти; 2. бураланвериб кенгайиб қолмоқ; 3. тез айланиб кетмоқ, тез айланабошламоқ; **колесо́** разверте́лось гилдирак гир-гир айлана кетди.

РАЗВЁРТКА *ж* 1. *только ед.* ёйиш, ёзиш, очиш; 2. *только ед.* очиш, ечиш; 3. *только ед.* бураб чиқариш, бўшатиш; 4. *только ед.* тез айланиш; айланиб кетиш; 5. *махс.* развёртка (бирор геометрик шаклнинг текисликда ёйилган ҳолати); 6. *тех.* развёртка (тешикни кенгайтирадиган асбоб).

РАЗВЁРТЫВАНИЕ *ср мн. нет* **развернýть** фе'лининг ҳаракат номи; **развёртывание кри́тики и самокри́тики** танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш; **развёртывание хозя́йства** хўжаликни кенгайтириш; **развёртывание соревнова́ния** мусобақани авж олдириш.

РАЗВЁРТЫВАТЬ *несов.* қ. **развернýть**.

РАЗВЁРТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **развернýться**; 2. *страд. от* **развёртывать** (қ.); 3. *мат.* ёйилмоқ, ёйиладиган бўлмоқ (геометрик шакллар ҳақида); **пове́рхность ша́ра не развёртывается** шар сирти ёйилмайди, шар сиртини ёйиб бўлмайди.

РАЗВЁРТЫВАЮЩИЙСЯ, -аяся, -ееся 1. **развёртывать** фе'лининг сифатдоши; 2. *мат.* ёйиладиган, ёйиб бўладиган; **развёртывающаяся** пове́рхность ёйиладиган (ёйиб бўладиган) сирт.

РАЗВЕ́РЧИВАТЬ *несов.* қ. **разверте́ть**.

РАЗВЕ́РЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **разверте́ться**; 2. *страд. от* **разве́рчивать** (қ.).

разверчу́, разве́ртишь *буд. от* **разверте́ть** (қ.).

РАЗВЕ́С *м* 1. *только ед.* тортиш, қадоқлаб тортиш, тортиб қўйиш, тақсимлаш; **разве́с това́ра** молни қадоқлаб (тортиб) қўйиш; 2. *эск.* қадоқтош; ◇ *в разве́с (ком.)* тортиб қўйиб (сотмоқ).

РАЗВЕСЕЛИ́ТЬ *сов.* вақтини чоғ қилмоқ, кўнглини (чеҳрасини) очмоқ, хурсанд қилмоқ.

РАЗВЕСЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* вақти чоғ (хуш) бўлмоқ, кўнгли (чеҳраси) очилмоқ, хурсанд бўлмоқ.

РАЗВЕСЁЛЫЙ, -ая, -ое *с. т.* ва *фольк.* хушчақчақ, жуда очиқ, хушвақт; **развесёлый мо́лодец** хушчақчақ йигит; **развесёлое житьё** хушчақчақ турмуш; **развесёлая пе́сенка** жуда шўх қўшиқ.

РАЗВЕСЕЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **развесели́ть**.

РАЗВЕСЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **развесели́ться**; 2. *страд. от* **развеселя́ть** (қ.).

РАЗВЕ́СИСТЫЙ, -ая, -ое сершох шохлаб кетган, шохлари осилиб турган; **разве́систый дуб** сершох дуб. ◇ *разве́систая клю́ква (хазл.)* қ. **клю́ква**.

РАЗВЕ́СИТЬ I *сов.* қадоқламоқ, тортмоқ, тортиб (қадоқлаб) қўймоқ, тақсим қилмоқ; **разве́сить това́р** молни қадоқлаб (тортиб) қўймоқ.

РАЗВЕ́СИТЬ II *сов.* 1. отмоқ, ёймоқ; **я́блоня широко́ разве́сила**

свой ве́тви олма шох отиб кетган; 2. *с. т.* осмоқ, илмоқ, ёймоқ; осиб (илиб, ёйиб) қўймоқ, ёйиб ташламоқ; **развеси́ть по стена́м картины** деворнинг ҳамаёғига сурат осмоқ; ◊ ***развеси́ть у́ши*** *(с. т.)* ангрийиб қулоқ солмоқ.

РАЗВЕ́СИТЬСЯ *сов.* 1. ёйилмоқ, осилиб тушмоқ; **над водо́й развеси́лась** ёва толнинг шохлари сув устида осилиб турипти; 2. *с. т.* осиғлик бўлмоқ.

РАЗВЕ́СКА *ж мн. нет* қадоқлаш, тортиш, қадоқлаб (тортиб) қўйиш; **развёска лека́рства** дори тортиш.

РАЗВЕСНО́Й, -ая, -ое тортиб сотиладиган, қадоқлаб сотиладиган; **развесно́е пече́нье** тортиб сотиладиган печенье.

РАЗВЕ́СОЧНЫЙ, -ая, -ое *макс.* развёска *сўз. сиф.*; қадоқлайдиган; тарозида тортишга оид; **развёсочное отделе́ние на фа́брике** фабриканинг қадоқлаш бўлими.

РАЗВЕСТИ́ I *сов.* 1. жой-жойига олиб бориб қўймоқ, элтиб (етказиб) бермоқ; **развести́ часовы́х по поста́м** *(ҳарб.)* часовойларни постларга қўйиб келмоқ; 2. ‖ ажратиб (тарқатиб) юбормоқ, айирмоқ, жудо қилмоқ; 3. ‖ *с. т.* ажратмоқ, ажратиб қўймоқ; **развести́ спо́рщиков** жанжаллашаётган кишиларни ажратиб қўймоқ; 4. *макс.* бўлмоқ, ажратмоқ, синдирмоқ, бўлиб-бўлиб юбормоқ; **весно́й лёд полома́ло и развело́** баҳорда муз парча-парча бўлиб оқабошлади; 5. никоҳ аҳдини бузмоқ, эр-хотинни бир-биридан ажратмоқ; 6. очмоқ, кермоқ; **развести́ пилу́** *(макс.)* арранинг тишини очмоқ; **развести́ мост** кўприкни очиб (кўтариб) қўймоқ; (кўтариладиган ёки очиладиган махсус кўприклар ҳақида); ◊ ***развести́ рука́ми*** қўлларни икки томонга ёзмоқ, ҳайрон бўлмоқ.

РАЗВЕСТИ́ II *сов.* 1. эритмоқ, қормоқ; чапиштирмоқ; **развести́ и́звесть** оҳакни қормоқ; **развести́ черни́льный порошо́к** снеҳ порошогини эритмоқ; **развести́ спирт водо́й** спиртга сув қўшмоқ; 2. ёқмоқ, ёндирмоқ; **развести́ ого́нь** ўт ёқмоқ.

РАЗВЕСТИ́ III *сов.* 1. ўстирмоқ, парвариш қилмоқ, кўпайтирмоқ, урчитмоқ; **развести́ сад** бог ўстирмоқ (обод қилмоқ); **развести́ поро́дистый скот** наслдор мол боқиб кўпайтирмоқ; 2. *макр.* кўпайтириб (ҳамаёқни бостириб) юбормоқ; 3. ‖ *с. т. манф.* бошламоқ; **развести́ мо́ре сле́зы** йиғи-сиғи бошламоқ; **развести́ кани́тель** бош оғриғи (дардисар) иш бошламоқ.

РАЗВЕСТИ́СЬ I *сов.* ажралишмоқ, никоҳ аҳдини бузмоқ.

РАЗВЕСТИ́СЬ II *сов.* 1. *с. т.* эримоқ, қорилмоқ; суюқлашмоқ; 2. ёқилмоқ, ёнмоқ.

РАЗВЕСТИ́СЬ III *сов. с. т. манф.* кўпайиб (ҳамаёқни босиб) кетмоқ; **в ко́мнате развело́сь мно́го мух** ўйни пашша босиб кетди.

РАЗВЕ́СЧИК *м макс.* тортучи, қадоқловчи, тарозибон.

РАЗВЕ́СЧИЦА *ж қ.* **развёсчик.**

РАЗВЕТВИ́ТЬ *сов.* 1. тармоқламоқ, шохобчалар чиқармоқ, ташкил қилмоқ; **разветви́ть железнодоро́жные пути́** темир йўлдан янги шохобчалар чиқармоқ; 2. ‖ кенгайтирмоқ, янги-янги бўлим (шохобча, тармоқ) очмоқ.

РАЗВЕТВИ́ТЬСЯ *сов.* 1. тармоқланмоқ, шохобчаларга бўлинмоқ, ажралиб кетмоқ; **здесь доро́га разветви́лась** бу ерда йўл иккига (ёки бирнеча томонга) айрилди; 2. ‖ кенгаймоқ, янги-янги бўлимлари (шохобчалари) очилмоқ.

РАЗВЕТВЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. тармоқланиш, айрилиш; айириш; 2. айрилиш; бўлинган, тармоқланган жой; **разветвле́ние доро́ги** йўл айрилиши; 3. тармоқ, бўлак, қисм; **организа́ция со мно́гими разветвле́ниями** кўп тармоқли ташкилот.

РАЗВЕТВЛЁННЫЙ, -ая, -ое сертармоқ, кўп тармоқли, кенг тармоқ отган; **широко́ разветвлённая не́рвная систе́ма** кенг тармоқ отган нерв системаси.

РАЗВЕТВЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **разветви́ть.**

РАЗВЕТВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **разветви́ться**; **здесь доро́га разветвля́ется** бу ерда йўл иккига (ёки бирнеча томонга) ажралади; 2. *страд. от* **разветвля́ть** *(қ.)*.

РАЗВЕ́ШАННЫЙ, -ая, -ое ёйилган, осилган, осиб (ёйиб) қўйилган;

бельё, развёшанное для сушки қуритиш учун ёйилган кир.

РАЗВЕ́ШАТЬ *сов.* ёймоқ, осмоқ, осиб (ёйиб) ташламоқ, ёйиб қўймоқ; **развёшать бельё** кир ёймоқ, кирни ёйиб қўймоқ; **развёшать по стенáм картúны** деворларга сурат осмоқ.

РАЗВЕ́ШЕННЫЙ, -ая, -ое тортилган, қадоқланган, тортиб (қадоқлаб) қўйилган; **чай развéшен по 100 грáммов** чой 100 грамм-100 грамм қилиб тортиб қўйилган.

РАЗВЕ́ШИВАТЬ I *несов.* қ. **развéсить** I.

РАЗВЕ́ШИВАТЬ II *несов.* қ. **развéсить** II ва **развéшать**.

РАЗВЕ́ШИВАТЬСЯ I *несов.* 1. қ. **развéситься**; 2. *страд. от* **развéшивать** I (*қ.*).

РАЗВЕ́ШИВАТЬСЯ II *несов. страд. от* **развéшивать** II (*қ.*).

развéшу, развéсишь I *буд. от* **развéсить** I (*қ.*).

развéшу, развéсишь II *буд. от* **развéсить** II (*қ.*).

РАЗВЕ́ЯТЬ *сов.* 1. тарқатмоқ, тўзитмоқ, тарқатиб (тўзитиб) юбормоқ; **ве́тер развéял облакá** шамол булутларни тарқатиб юборди; 2. ҳилпиратмоқ, учирмоқ, ёйиб (ёзиб) юбормоқ; **ве́тер развéял фла́ги** шамол байроқларни ҳилпиратди, ёзиб юборди; 3. ‖ тарқатмоқ, кўтармоқ, йўқотмоқ, кўнгилдан чиқармоқ; **развéять сомне́ния** шубҳани йўқотмоқ (кеткизмоқ); ◇ *развéять в прах* кулини кўкка совурмоқ.

РАЗВЕ́ЯТЬСЯ *сов.* 1. тарқалмоқ, тўзимоқ, тўзиб кетмоқ; **пыль развéялась** чанг тарқалди; 2. ёйилмоқ, ҳилпирамоқ, учмоқ; **во́лосы развéялись по ве́тру** шамолда сочлар ёйилиб кетди; 3. ‖ тарқалмоқ, кўтарилмоқ, йўқолмоқ, кўнгилдан чиқмоқ; **все его́ сомне́ния развéялись** унинг ҳамма шубҳалари кўнглидан кўтарилди.

РАЗВИВА́ТЬ I *несов.* қ. **развúть** I.

РАЗВИВА́ТЬ II *несов.* қ. **развúть** II; **гóночные машúны развúвают бóльшую скóрость** пойга машиналари жуда катта тезликда юради.

РАЗВИВА́ТЬСЯ I *несов.* 1. қ. **развúться** I; 2. *страд. от* **развúвать** I (*қ.*).

РАЗВИВА́ТЬСЯ II *несов.* 1. қ. **развúться** II; **хло́пок хорошо́ развúвается** ғўза яхши ривожланаётир; **собы́тия развúвались стремúтельно** воқиалар тез ривожланмоқда эди; 2. *страд. от* **развúвать** II (*қ.*).

РАЗВИЗЖА́ТЬСЯ *сов.* ҳадеб чийиллайвермоқ, акиллайвермоқ, чий-чий (анг-анг) қилмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

РАЗВИ́ЛИНА *ж махс.* 1. айри, паншаха; 2. айрилиш; **развúлина доро́ги** йўлнинг айрилиши; 3. *махс.* дарахтнинг айри жойи.

РАЗВИ́ЛИСТЫЙ, -ая, -ое айри, иккига айрилган, бутоқли; **развúлистый сук** айри бутоқ.

РАЗВИ́ЛКА *ж*, **РАЗВИ́ЛОК** *м с. т.* қ. **разветвле́ние** 2.

РАЗВИНТИ́ТЬ *сов.* 1. винтини бўшатиб қисмларга ажратмоқ, ажратиб (чиқариб) олмоқ; **развинти́ть ча́сти маши́ны** винтларини бўшатиб машина қисмларини ажратмоқ; 2. ‖ *с. т.* бўшаштирмоқ, издан (ишдан) чиқармоқ, бузмоқ; силласини қуритмоқ, суробини тўғриламоқ.

РАЗВИНТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. бўшаб қолмоқ, лиқиллаб (шалоқ бўлиб) қолмоқ; **ча́сти маши́ны развинти́лись** машина қисмлари бўшаб қолипти; 2. ‖ *с. т.* бўшашмоқ, издан (ишдан) чиқмоқ; бузилмоқ, силласи қуримоқ, суроби тўғри бўлиб қолмоқ; **не́рвы у меня́ совсе́м развинти́лись** асабларим бутунлай ишдан чиқипти.

РАЗВИ́НЧЕННОСТЬ *ж мн. нет с. т.* бўшашганлик, ишдан (издан) чиққанлик, бузилганлик; силласи қуриганлик, суроби тўғри бўлиб қолганлик, каловлаганлик, алпон-талпонлик.

РАЗВИ́НЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1. **развúнтить** фе’лининг сифатдоши; 2. ‖ *с. т.* бўшашган, бузилган, ишдан чиққан, бўлари бўлган, суроби тўғри бўлиб қолган; **развúнченный челове́к** бўлари бўлган одам; 3. ‖ *с. т.* гандираклаган, каловлаган, алпон-талпон; **у него́ развúнченная похóдка** у гандираклаб (каловлаб) юради.

РАЗВИ́НЧИВАТЬ *несов.* қ. **развúнтить**.

РАЗВИ́НЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **развинти́ться**; 2. *страд. от* **развинчивать** *(қ.)*.

развинчу́, развинти́шь *буд. от* **развинти́ть** *(қ.)*.

РАЗВИ́ТИЕ *ср мн. нет* 1. **разви́ть** II фе'лининг ҳаракат номи; **уско́рить развитие хлопча́тника** ғўзанинг ўсишини тезлатмоқ; **план разви́тия электрифика́ции** электрификацияни ривожлантириш плани; 2. ривожланиш, тараққий этиш, юксалиш; кенгайиш, ўсиш; тараққиёт, равнак, ривож; **высо́кий у́ровень разви́тия производи́тельных сил на́шей страны́** мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларининг юксак даражада тараққий этганлиги; 3. *филос.* тараққиёт, ривожланиш, бир сифатдан иккинчи бир сифатга ўтиш; **„Разви́тие есть „борьба́" противополо́жностей"** (Ленин) „Ривожланиш қарама-қаршиликлар „кураши" дир" (Ленин); **зако́ны обще́ственного разви́тия** ижтимоий тараққиёт қонунлари; 4. ўсиш, онглилик (етуклик) даражаси; **полити́ческое разви́тие** сиёсий жиҳатдан ўсиш, сиёсий онглилик; **у́мственное разви́тие ребёнка** боланинг ақлий жиҳатдан етилиши, етуклиги; ◇ ***в разви́тие чего́-н.*** кенгайтириб, мукаммаллаштириш учун; **в разви́тие э́того положе́ния** бу фикрни (қоидани, ҳолни) кенгайтириб, ривожлантириш учун.

РАЗВИТО́Й, -а́я, -о́е 1. ўсган, камолга етган, чиниққан; **хорошо́ разви́тая во́ля** яхши тараққий этган ирода; 2. тараққий этган, ўсган; **разви́тая промы́шленность** тараққий этган саноат; 3. ‖ етилган, етук, етуклик, эҳтиёж тўлган, онгли; **разви́то́й учени́к** етук ўқувчи; 4. авж олган, кўп (кенг) тарқалган, жуда кўп учрайдиган; **в капиталисти́ческих стра́нах ра́звита безрабо́тица** капиталистик мамлакатларда ишсизлик авж олган; 5. тараққий этган, ривож олган, ёйилган, тарқалган; **в Узбекиста́не ра́звито хлопково́дство** Ўзбекистонда пахтачилик ривожланган.

РАЗВИ́ТЫЙ, -ая, -ое **разви́ть** фе'лининг сифатдоши; *қ.* **разви́ть** I, II.

РАЗВИ́ТЬ I *сов.* ёзмоқ, ечмоқ, хомитмоқ, тобини бўшатмоқ; **разви́ть верёвку** арқонининг тобини ёзмоқ; арқонни хомитмоқ; **разви́ть во́лосы** сочни ечмоқ (ёзмоқ).

РАЗВИ́ТЬ II *сов.* 1. мустаҳкамламоқ, ўстирмоқ, етилтирмоқ, пишитмоқ; **разви́ть гимна́стикой мы́шцы** гимнастика билан мускулларни ўстирмоқ; 2. ўстирмоқ, оширмоқ, етилтирмоқ, онгини ошмоқ; **разви́ть па́мять** хотирани ўстирмоқ; **разви́ть у шко́льников интере́с к нау́ке** ўқувчиларнинг илмга бўлган ҳавасини оширмоқ; **разви́ть ребёнка** боланинг онгини оширмоқ; 3. ривожлантирмоқ, авж олдирмоқ, кенгайтирмоқ, кучайтирмоқ; **разви́ть де́ятельность** фаолиятни оширмоқ; 4. тараққий эттирмоқ, ривожлантирмоқ; **разви́ть промы́шленность** саноатни тараққий эттирмоқ; 5. кучайтирмоқ, оширмоқ, жуда катта миқдорга етказмоқ; **автомоби́ль разви́л большу́ю ско́рость** автомобиль тезлигини жуда оширди; 6. кенгайтирмоқ, мукаммаллаштирмоқ; **разви́ть иде́ю** фикрни давом эттириб кенгайтирмоқ; 7. кенгайтирмоқ, кучайтирмоқ, янада оширмоқ; **разви́ть успе́х** муваффақиятни янада оширмоқ; **разви́ть насту́пление** ҳужумни янада кучайтирмоқ.

РАЗВИ́ТЬСЯ I *сов.* ёзилмоқ, ечилмоқ, хомимоқ, тоби бўшамоқ; тобдан чиқмоқ; **верёвка разви́лась** арқон тобидан бўшади, хомиди; **её во́лосы разви́лись** унинг сочлари ечилиб кетди.

РАЗВИ́ТЬСЯ II *сов.* 1. пишимоқ, ўсмоқ, мустаҳкамланмоқ, етилмоқ; **мы́шцы разви́лись** мускуллар пишди; 2. ошмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ, ўсмоқ, онги ошмоқ; **у него́ разви́лся интере́с к матема́тике** унинг математикага ҳаваси ошди; **учени́к неузнава́емо разви́лся** ўқувчи (ўқувчининг онги) таниб бўлмайдиган даражада ўсди; 3. кенгаймоқ, ривожланмоқ, тараққий топмоқ, авж олмоқ; 4. кучаймоқ, ошмоқ, жуда катта миқдорга етмоқ; **у мотоци́кла разви́лась грома́дная ско́рость** при спу́ске с горы́ тепаликдан тушаётганда мотоциклнинг тезлиги жуда ошиб кетди; 5. тарқалмоқ, ёйилмоқ; **не дать разви́ться эпиде́мии** эпидемиянинг тарқалишига йўл қўймаслик.

развлёк, развлекла́ *прош. от* развле́чь *(қ.)*.

РАЗВЛЕКА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *с.т.* кўнгил очадиган, вақтни чоғ қиладиган, эрмак, овунчоқ; **развлека́тельное зре́лище** вақтичоғлик қилиш учун ўтказиладиган ўйин-кулги; **развлека́тельное чте́ние** вақтичоғлик учун китоб ўқиш.

РАЗВЛЕКА́ТЬ *несов. қ.* развле́чь.

РАЗВЛЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* развле́чься; 2. *страд. от* развлека́ть *(қ.)*.

развлеку́, развлечёшь *буд. от* развле́чь *(қ.)*.

РАЗВЛЕЧЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* вақтичоғлик қилиш, кўнгил очиш, тамошо қилиш; тамошо қилдириш, ўйнатиш, овутиш; 2. вақтни чоғ қиладиган (кўнгил очадиган) нарса, эрмак, тамошо, ўйин-кулги; сайр-тамошо; **ма́ссовые развлече́ния** оммавий ўйин-кулги, сайр-тамошо.

РАЗВЛЕ́чь *сов.* 1. кўнглини очмоқ, вақтини чоғ қилмоқ, ўйнатмоқ; тамошо қилдирмоқ; **развле́чь ребёнка болани** ўйнатмоқ; 2. бирор нарса блан машғул қилиб кўнглини очмоқ, юрагини (юрагининг чигилини) ёзмоқ, кўнглидагини чиқармоқ, юпатмоқ, овутмоқ; **развле́чь весёлым расска́зом** қизиқ ҳикоя айтиб юрак чигилини ёзмоқ; **ничто́ не могло́ его́ развле́чь** ҳеч нарса уни юпатаолмас эди.

РАЗВЛЕ́ЧЬСЯ *сов.* 1. кўнгил очмоқ, вақтичоғлик (ўйин-кулги, тамошо) қилмоқ; **развле́чься по́сле трудово́го дня** меҳнат кунидан сўнг вақтичоғлик қилмоқ; 2. бирор иш, нарса блан машғул бўлиб юракни (юрак чигилини) ёзмоқ, кўнгил очмоқ, юракдагини чиқармоқ, овунмоқ, юпанмоқ.

РАЗВО́Д I *м* 1. *только ед.* разводи́ть I фе'лининг ҳаракат номи; **развод часовы́х по посто́м** часовойларни постларга қўйиб келиш, развод қилиш, алмаштириш; **развод пилы́** арранинг тишини очиш; 2. *только ед.* ажралиш, қўйди-чиқди; **они́ в разво́де** улар ажралишиб кетган; **проце́сс о разво́де** ажралиш ҳақидаги ишнинг судда кўрилиши; **дать разво́д** хотинни қўймоқ; эрдан чиқмоқ; 3. *махс.* чананинг сирғанадиган қисми, тағи.

РАЗВО́Д II *м мн. нет* урчитиш, кўпайтириш; **оста́вить на разво́д** насл олиш учун олиб қолмоқ, қолдирмоқ (ҳайвон, парранда ҳақида).

РАЗВОДИ́ТЬ I *несов. қ.* разве́сти I.

РАЗВОДИ́ТЬ II *несов. қ.* разве́сти II.

РАЗВОДИ́ТЬ III *несов. қ.* разве́сти III.

РАЗВОДИ́ТЬСЯ I *несов.* 1. *қ.* разве́стись I; 2. *страд. от* разводи́ть I *(қ.)*.

РАЗВОДИ́ТЬСЯ II *несов.* 1. *қ.* разве́стись II; 2. *страд. от* разводи́ть II *(қ.)*.

РАЗВОДИ́ТЬСЯ III *несов.* 1. *қ.* разве́стись III; 2. *страд. от* разводи́ть III *(қ.)*.

РАЗВО́ДКА *ж махс.* 1. *только ед.* разводи́ть I фе'лининг ҳаракат номи; 2. арра тишини қайтарадиган, керадиган асбоб; 3. *махс.* тортиб чўзиш (мас., тери ва ш. к. ларни).

РАЗВОДНО́Й, -ая, -ое *махс.* 1. кериладиган; **разводно́й ключ** кериладиган ключ (ҳарқандай гайкага тушадиган қилиб кериладиган калит); 2. очиладиган, кўтариладиган, икки тавақали; **разводно́й мост** кўтариладиган (икки томонга кериладиган) кўприк.

РАЗВО́ДНЫЙ, -ая, -ое 1. ажралишга (қўйиш-чиқишга) оид; **разво́дное свиде́тельство** ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома; 2. *сущ.* **разво́дная** *ж с.т.* ажралиш хати, талоқ хати.

РАЗВО́ДЫ *мн., ед. нет* 1. нақш, гул; 2. доғ.

РАЗВО́ДЬЕ *ср* 1. *махл.* баҳор тошқини; 2. ора-сира музламай қолган ёки муздан тушган сув; **ледяны́е поля́ с разво́дьями** ора-сира эриган муз майдонлари.

РАЗВОДЯ́ЩИЙ, -ая, -ее 1. разводи́ть I, II, III фе'лининг сифатдоши; 2. *сущ.* **разводя́щий** *м ҳарб.* разводяшчий (соқчиларни, часовойларни жой-жойига қўючи ҳарбий хизматчи).

РАЗВОЕВА́ТЬСЯ *сов. с. т. бегн.* тўпалон қилмоқ, жанжал кўтармоқ, ғавғо кўтармоқ, қутурмоқ.

развожу́ I, развози́ть *наст. от* **разводи́ть I. II. III** *(к.)*.

развожу́ II, развози́ть *наст. от* **развози́ть I** *(к.)*.

РАЗВО́З *м мн. нет* **развезти́ I** фе'лининг ҳаракат номи; **развоз товаров по магази́нам** молларни магазинларга ташиб бериш, тарқатиш; ◊ ***в развоз*** жой-жойига ташиб (етказиб) бериш шарти билан; **продава́ть това́р в развоз** молни жой-жойига (харидорнинг уйига) етказиб бериш шарти билан сотмоқ.

РАЗВОЗИ́ТЬ I *несов. к.* **развезти́ I.**

РАЗВОЗИ́ТЬ II *несов. к.* **развезти́ II.**

РАЗВОЗИ́ТЬСЯ I *несов.* жой-жойига олиб бориб берилмоқ, ташиб қўйилмоқ, тарқатилмоқ.

РАЗВОЗИ́ТЬСЯ II *сов. с. т.* шовқин солмоқ, ғалва қилмоқ, чувиллашмоқ, қий-чув кўтармоқ.

РАЗВО́ЗКА *ж с. т.* 1. *только ед. к.* **развоз**; 2. мол ташучи арава.

РАЗВОЗНО́Й, -а́я, -о́е *махс.* 1. **развоз** *сўз. сиф.*; ташишга, ташиб (етказиб) беришга оид; **развозна́я торго́вля** молни ташиб (етказиб) бериш шарти билан сотиш; 2. ташиб (етказиб) бериш шарти билан сотиладиган; **развозно́й това́р** ташиб (етказиб) бериш шарти билан сотиладиган мол.

РАЗВО́ЗЧИК *м махс.* ташучи, етказиб беручи; **развозчик паке́тов** пакет ташучи, пакетларни жой-жойига етказиб беручи.

РАЗВО́ЗЧИЦА *ж к.* **развозчик.**

РАЗВО́Й *м мн. нет махс.* чуватиш (ўралган нарсани, мас., ипни, ёзиш, бўшатиб олиш).

РАЗВОЛНОВА́ТЬ *сов. с. т.* 1. тўлқинлатмоқ, тебратмоқ, қимирлатмоқ, силкитмоқ; 2. ‖ ҳаяжонлантирмоқ, ҳаяжонга келтирмоқ, ташвишга солмоқ. ҳовлиқтирмоқ, кўнглига ғулғула солмоқ; **неожи́данное изве́стие разволнова́ло его́** тўсатдан келиб қолган хабар уни ҳаяжонга солиб қўйди.

РАЗВОЛНОВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. тўлқинланмоқ, тебранмоқ, қимирламоқ; силкинмоқ; 2. ‖ ҳаяжонланмоқ, ҳаяжонга келмоқ, ҳовлиқмоқ, ташвишланмоқ, юрагига ғулғула тушмоқ; **разволнова́ться на экза́мене** имтиҳонда ҳовлиқиб қолмоқ.

РАЗВОРА́ЧИВАТЬ I *несов. к.* **разворотить.**

РАЗВОРА́ЧИВАТЬ II *несов. к.* **развернуть.**

РАЗВОРА́ЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **разворачивать II** *(к.)*.

РАЗВОРКОВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. ғув-ғувлашиб кетмоқ, ғув-ғув қилавермоқ (каптарлар ҳақида); 2. ‖ суҳбатга берилиб кетмоқ, суҳбатга берилиб кетиб ўзини унутиб юбормоқ.

РАЗВОРОВА́ТЬ *сов. с. т.* ўғирлаб битирмоқ; ўғирлаб ташиб кетмоқ.

РАЗВОРО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **разворова́ть.**

РАЗВОРО́ВЫВАТЬСЯ *несов. с. т.* ўғирлаб битирилмоқ, ўғирлаб ташиб кетилмоқ.

РАЗВОРО́Т *м мн. нет* 1. ўсиш, ривожланиш, кенгайиш, авж олиш; **разворо́т стройтельства** қурилишнинг кенгайиши; 2. бурилиш, айланиш; **разворо́т самолёта** *(ав.)* самолётнинг бурилиши; 3. *махс.* разворот (газета ёки журналда икки бетнинг бир бет қилиб безатилиши).

РАЗВОРОТИ́ТЬ *сов. содд.* 1. сочиб ташламоқ; титиб ташламоқ, остин-устин (ағдар-тўнтар) қилмоқ; **разворотить ку́чу ками́ней** уйиб қўйилган тошни сочиб ташламоқ, ағдар-тўнтар қилмоқ; 2. бузиб ташламоқ, абжағ (вайрон) қилмоқ, абжағини (дабдаласини) чиқармоқ; **разворотить мостову́ю** тош йўлни дабдала қилмоқ, ўйнатиб юбормоқ.

разворочу́, разворо́тишь *буд. от* **разворотить** *(к.)*.

РАЗВОРОШИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. титиб ташламоқ, ёйиб (сочиб) ташламоқ, ёйиб (сочиб) қўймоқ; **разворошить се́но** пичани титиб ташламоқ, ёйиб қўймоқ; 2. ‖ эслатмоқ, хотирга келтирмоқ; қўзғатмоқ; **разворошить забы́тые воспомина́ния** унутиб юборилган хотираларни эсга солмоқ.

РАЗВОРЧА́ТЬСЯ *сов. с. т.* вайсаб кетмоқ, вайсайбошламоқ, жанжалбошламоқ.

развою́сь, развою́ешься *буд. от* развоева́ться (*қ.*).

РАЗВРА́Т *м* 1. фаҳш, фоҳишабозлик; 2. ‖ бузуқлик, ахлоқсизлик, разолат; 3. ‖ *с. т.* катта ейиш, катта ейишга ўрганганлик, исрофгарчилик.

РАЗВРАТИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. фаҳш йўлига солмоқ; 2. ‖ ахлоқини бузмоқ, ёмон йўлга солмоқ, йўлдан оздирмоқ.

РАЗВРАТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. бузилмоқ, фаҳш йўлига кирмоқ; 2. ‖ *с. т.* бузилмоқ, йўлдан озмоқ, ёмон йўлга кирмоқ, ахлоқсиз бўлиб кетмоқ.

РАЗВРА́ТНИК *м* фосиқ, бузуқ, бадахлоқ, ахлоқсиз, хотинбоз.

РАЗВРА́ТНИЦА *ж* бузуқ (ахлоқсиз) хотин, фоҳиша.

РАЗВРА́ТНИЧАТЬ *несов.* фаҳш йўлига кирмоқ, фоҳишабозликка берилмоқ, ахлоқсизлик қилмоқ.

РАЗВРА́ТНЫЙ, -ая, -ое разврáт *сўз. диф.*; бадахлоқ, бузуқ, ёмон йўлга кирган, фоҳишабоз; **разврáтный человéк** бадахлоқ одам; **разврáтные мы́сли** бузуқ фикрлар.

РАЗВРАЩА́ТЬ *несов.* қ. развратúть.

РАЗВРАЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. развратúться; 2. *страд. от* развращáть (*қ.*).

РАЗВРАЩЁННОСТЬ *ж мн. нет* бузилганлик, фаҳш йўлига кирганлик, ёмон йўлга тушганлик.

РАЗВРАЩЁННЫЙ, -ая, -ое 1. развратúть фе'лининг сифатдоши; 2. бузуқ, ахлоқсиз, бадахлоқ; **развращённый человéк** ахлоқи бузуқ одам.

развращу́, развратúшь *буд. от* развратúть (*қ.*).

РАЗВЬЮ́ЧИВАТЬ *несов.* қ. развьючúть.

РАЗВЬЮ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. развьючúться; 2. юки туширилмоқ, юки олинмоқ.

РАЗВЬЮ́ЧИТЬ *сов.* юкини туширмоқ; **развьючúть верблю́дов** туяларнинг юкини туширмоқ.

РАЗВЬЮ́ЧИТЬСЯ *сов.* юкини ташламоқ, юкдан бўшамоқ.

развяжу́, **развя́жешь** *буд. от* развя́зать (*қ.*).

РАЗВЯЗА́ТЬ *сов.* 1. ечмоқ, бўшатмоқ, очмоқ; **развяза́ть шнурки́** шнурларини (ипларини) ечмоқ; **развяза́ть у́зел** тугунни ечмоқ; **развяза́ть паке́т** пакетни ечмоқ, очмоқ; 2. ‖ *с. т.* ечмоқ, очди қилмоқ, бартараф (ҳал) қилмоқ; англатмоқ, ойдинлаштирмоқ; **развяза́ть сомне́ния** шубҳани бартараф қилмоқ; 3. ‖ ўз майлига қўйиб бермоқ, йўл очиб бермоқ; эркинлик бермоқ; **тако́й исхо́д де́ла меня́ развя́жет** ишнинг оқибати шундай бўлса, менинг йўлим очилади; 4. ‖ йўл очмоқ, имкон бермоқ, бошлаб юбормоқ; **развяза́ть тво́рческую инициати́ву** ижодий ташаббусга йўл очмоқ; **агре́ссоры стремя́тся развяза́ть ко́вую войну́** агрессорлар янги уруш оловини ёқишга уринмоқдалар; ◇ ***развяза́ть ру́ки*** ўз майлига қўйиб бермоқ, эркинлик тугдирмоқ, йўл очиб бермоқ; ***развяза́ть язы́к*** 1) тилга киргизмоқ, гапга солиб қўймоқ; 2) жағи очилмоқ, гапга тушиб кетмоқ, жағи тинмай гапириб кетмоқ.

РАЗВЯЗА́ТЬСЯ *сов.* 1. ечилмоқ, очилмоқ, ечилиб (очилиб) кетмоқ; **паке́т развяза́лся** пакет очилиб (ечилиб) кетди; 2. ‖ *собд.* қутулмоқ, халос бўлмоқ, бўшамоқ; **наконе́ц я развяза́лся** с э́тим де́лом ахир шу ишдан қутулдим-ла; ◇ ***язы́к развяза́лся*** (*с. т.*) тилга кирди, гапга тушиб (вайсаб) кетди.

РАЗВЯ́ЗКА *ж с. т.* 1. развяза́ть фе'лининг ҳаракат номи; қ. развяза́ть 1, 2, 4; 2. *ад.* развязка, ечим; **развя́зка драмы́** драманинг ечими (драмадаги воқиалар тугунининг ечилиши жойи); **развя́зка рома́на** романнинг ечими; 3. ‖ оқибат, провардиҳ, охири; **де́ло идёт к развя́зке** иш провардига етиб қолди.

РАЗВЯ́ЗНОСТЬ *ж мн. нет* адабсизлик, бетакаллуфлик, сурбетлик; **он неприя́тен свое́й развя́зностью** у ўзининг адабсизлиги билан ҳечкимга ёқмайди.

РАЗВЯ́ЗНЫЙ, -ая, -ое адабсиз,

бетакаллуф, беадабона, сурбет; **развя́зные мане́ры** беадабона қилиқлар.

РАЗВЯ́ЗЫВАНИЕ *ср мн. нет* **развяза́ть** фе'лининг ҳаракат номи; қ. **развяза́ть**.

РАЗВЯ́ЗЫВАТЬ *несов.* қ. **развяза́ть**.

РАЗВЯ́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **развяза́ться**; 2. *страд. от* **развя́зывать** (қ.).

РАЗГАДА́ТЬ *сов.* 1. топмоқ, ўйлаб топмоқ, ечмоқ; **разгада́ть зага́дку** жумбоқни топмоқ; 2. || билиб (пайқаб) олмоқ, фаҳмлаб қолмоқ; **разгада́ть чьи-н. наме́рения** бировнинг ниятларини билиб олмоқ; **я разгада́л, что э́то зна́чит** бунинг нималигини билдим, ма'носига тушундим.

РАЗГА́ДКА *эк мн. нет* 1. **разгада́ть** фе'лининг ҳаракат номи; 2. жавоб, жумбоқнинг жавоби; **у э́той зага́дки не́сколько разга́док** бу жумбоқнинг бирнеча жавоби бор; **пра́вильная разга́дка** тўғри жавоб.

РАЗГА́ДЫВАТЬ *несов.* 1. қ. **разгада́ть**; 2. *с. т.* кўп ўйламоқ, ўйлаб ўтирмоқ; **не́чего разга́дывать, на́до де́йствовать** ўйлаб ўтирмасдан ишга киришиш керак.

РАЗГА́ДЫВАТЬСЯ *несов.* топилмоқ, ечилмоқ.

РАЗГА́Р *м мн. нет* авж, ишнинг қизғин пайти; **сенокоси́ в са́мом разга́ре** пичан ўришнинг энг қизиган пайти; **в разга́ре революции** революциянинг энг қизғин пайтида; **был са́мый разга́р полевы́х рабо́т** дала ишларининг энг қизғин пайти эди; **в разга́ре спо́ра** баҳс авжга чиққанда.

РАЗГИ́Б *м* 1. *только ед.* разогну́ть фе'лининг ҳаракат номи; 2. керилган (ёзилиб кетган) жой; ◊ *без разги́ба (рабо́тать) с. т.* тинмай, бетўхтов, ҳадеб, бошни кўтармай (ишламоқ).

РАЗГИБА́ТЬ *несов.* қ. разогну́ть; ◊ *не разгиба́я спины (рабо́тать)* тинмай ишламоқ, бошни кўтармай ишламоқ.

РАЗГИБА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разогну́ться; 2. *страд. от* **разгиба́ть** (қ.).

РАЗГИЛЬДЯ́Й *м с. т. манф.* бетартиб (пала-партиш) одам, ўлда-жўлда иш қиладиган одам.

РАЗГИЛЬДЯ́ЙНИЧАТЬ *несов. манф.* бетартиб (паза-партиш) иш қилмоқ, ўлда-жўлда иш қилмоқ.

РАЗГИЛЬДЯ́ЙСТВО *ср мн. нет манф.* бетартиблик, бетартиб (пала-партиш) иш қилиш, ўлда-жўлда иш қилиш.

РАЗГЛАГО́ЛЬСТВОВАНИЕ *ср мн. нет с. т. кест.* гап сотиш, сафсата сотиш, вайсаш, маҳмадоналик қилиш.

РАЗГЛАГО́ЛЬСТВОВАТЬ *несов. с. т. кест.* гап сотмоқ, сафсатавозлик қилмоқ, вайсамоқ, маҳмадоналик қилмоқ.

РАЗГЛА́ДИТЬ *сов.* 1. текисламоқ, силлиқламоқ; **разгла́дить** воротни́к утюго́м ёқани силлиқ қилиб дазмоллаб текисламоқ; **разгла́дить** швы дазмоллаб чокларини бостирмоқ; **разгла́дить во́лосы** сочни сип-силлиқ қилиб тарамоқ; 2. йўқотмоқ, ёзмоқ; **разгла́дить** морщи́ны **на лбу** пешонадаги ажинларни йўқотмоқ.

РАЗГЛА́ДИТЬСЯ *сов.* 1. дазмолланмоқ, текисланмоқ, текис (силлиқ) бўлмоқ; **пла́тье хорошо́ разгла́дилось** кўйлак яхши дазмолланди; 2. йўқолмоқ; ёзилмоқ; морщи́ны на лбу разгла́дились пешонадаги ажинлар йўқолди.

РАЗГЛА́ЖИВАТЬ *несов.* қ. разгла́дить.

РАЗГЛА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. разгла́диться; 2. *страд. от* разгла́живать (қ.).

разгла́жу, разгла́дишь *буд. от* разгла́дить (қ.).

РАЗГЛАСИ́ТЬ *сов.* 1. ҳаммага билдирмоқ, ошкор қилмоқ; айтиб қўймоқ; разгласи́ть чужу́ю та́йну бировнинг сирини айтиб (ошкор қилиб) қўймоқ; 2. *с. т. манф.* овоза қилмоқ, гап тарқатмоқ, гапириб юрмоқ.

РАЗГЛАША́ТЬ *несов.* қ. разгласи́ть.

РАЗГЛАША́ТЬСЯ *несов.* 1. ҳаммага билдириб (айтиб) қўйилмоқ, ошкор қилинмоқ; 2. овоза қилинмоқ, тарқатилмоқ.

РАЗГЛАШЕ́НИЕ *ср мн. нет* ҳаммага билдириб қўйиш, ошкор қилиш; **разглаше́ние госуда́рственной та́йны кара́ется зако́ном** давлат сирини ошкор қилганлик учун қонун асосида жазо берилади; 2. овоза қилиш, тарқатиш.

разглашу́, разгласи́шь *буд. от* **разгласи́ть** *(қ.).*

РАЗГЛЯДЕ́ТЬ *сов.* 1. яхшилаб қараб (разм солиб) билмоқ, таниммоқ, таниб олмоқ, кўриб билмоқ; **и в бино́кль не разгляде́ть — так далеко́** шундай узоққи, бинокль орқали (дурбин билан) ҳам кўриб бўлмайди; **я не разгляде́л его́ в темноте́** қоронғида мен уни танийолмай қолдим; 2. *с. т.* билиб (тушуниб) олмоқ, тагига етмоқ, фаҳмламоқ.

РАЗГЛЯ́ДЫВАТЬ *несов.* тикилиб қарамоқ, разм солмоқ, синчиклаб қарамоқ; **разгля́дывать со всех сторо́н** ҳартомонлама синчиклаб қарамоқ.

разгляжу́, разгля́дишь *буд. от* **разгляде́ть** *(қ.).*

РАЗГНЁВАННЫЙ, -ая, -ое 1. **разгнева́ть** фе́лининг сифатдоши; 2. даргазаб, жаҳл устидаги, зардали; **разгнёванный жест** зарда (ғазаб) билан қилинган имо-ишора.

РАЗГНЕ́ВАТЬ *сов.* ғазаблантирмоқ, аччиғини келтирмоқ, даргазаб қилмоқ, жаҳлини чиқармоқ.

РАЗГНЕ́ВАТЬСЯ *сов.* ғазабланмоқ, ғазабга келмоқ, даргазаб бўлмоқ; жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ.

РАЗГНЕЗДИ́ТЬСЯ *сов. махс.* уя солмоқ, ин қўймоқ; **пти́цы разгнездя́тся в па́рке** қушлар паркда ин қўйишти.

РАЗГОВА́РИВАТЬ *несов.* 1. гапиришмоқ, сўзлашмоқ, суҳбатлашмоқ; **разгова́ривать по-ру́сски** рус тилида гапиришмоқ; 2. ‖ гаплашмоқ, алоқада (муносабатда) бўлмоқ; **мы с ним уже́ ме́сяц не разгова́риваем** биз у билан бир ойдан бери гапиришмаймиз; 3. *қ.* **разговори́ть.**

РАЗГОВО́Р *м* 1. гап, сўз, суҳбат, гаплашиш, сўзлашиш; **вести́ разгово́р** суҳбатлашмоқ; **прекрати́ть разгово́р** гапни тўхтатинг, бас қилинг; **вступи́ть в разгово́р** гапга кирмоқ, аралашмоқ; 2. суҳбат мавзуи; гап; **переме́нить разгово́р** гапни бошқа томонга бурмоқ, бошқа гапга ўтмоқ; 3. *с. т.* талаффуз; 4. *только мн. ад.* суҳбат тарзидаги адабий асар; 5. *эск. қ.* **разгово́рник**; ◊ ***никаки́х разгово́ров, без разгово́ров*** сўзсиз, ҳечқандай сўз бўлиши мумкин эмас; гап битта; ***и разгово́ру не мо́жет быть*** 1) бошқа гап бўлиши мумкин эмас; 2) турган гап, ўз-ўзидан ма'лум, шак-шубҳасиз; ***то́лько и разгово́ру, что...*** бу тўғрида гап оламни босиб ётипти, ҳамманинг оғзида шу гап.

РАЗГОВОРИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. тилга киритмоқ, гапиртирмоқ; 2. гап билан овутмоқ; 3. қайтармоқ, айнитмоқ; **он хоте́л е́хать, но его́ разговори́ли** у кетмоқчи бўлган эди, қайтариб қолишди.

РАЗГОВОРИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. гапга тушиб кетмоқ, гапга тушмоқ, оғзи (чакаги) очилмоқ; **он что-то разговори́лся** нимагадир у гапга тушиб кетди; 2. гаплашиб қолмоқ, узоқ суҳбатлашмоқ; **разговори́ться с сосе́дями по ваго́ну** вагонда ёнма-ён ўтирадиган билан гаплашиб қолмоқ.

РАЗГОВО́РНИК *м* сўзлашув китоби (чет тилини ўрганиш учун турли темаларда сўзлашув намуналари ёзилган ўқиш китоби).

РАЗГОВО́РНЫЙ, -ая, -ое сўзлашувга оид, сўзлашув тилига хос бўлган, оғзаки; **разгово́рная речь** сўзлашув тили.

РАЗГОВО́РЧИВОСТЬ *ж мн. нет* сергаплик, эзмалик, гапни (суҳбатни) яхши кўриш.

РАЗГОВО́РЧИВЫЙ, -ая, -ое сергап эзма, гапни (суҳбатни) яхши кўрадиган.

РАЗГО́Н *м мн. нет* 1. тарқатиш, ҳайдаш, тўзитиш; тарқатиб (ҳайдаб, тўзитиб) юбориш; **разго́н демонстра́нтов полице́йней** намойишчиларнинг полиция томонидан тарқатиб юборилиши; 2. югуриб бориш, келиш; **прыжо́к с разго́на** югуриб келиб (бориб) сакраш; 3. *махс.* оралиқ, масофа (бирхил нарсалар ўртасидаги оралиқ); ◊ ***в разго́не (быть, находи́ться)*** *с. т.* ҳарқаерга ишга юборилган бўлмоқ; **все маши́ны в разго́не** ҳамма машиналар тарқалиб

(ишга чиқиб) кетган, ҳарқаерда ишда.

разгоню́, разго́нишь *буд. от* разогна́ть *(к.)*.

РАЗГОНЯ́ТЬ *несов. к.* разогна́ть.

РАЗГОНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* разогна́ться; 2. *страд. от* разгоня́ть *(к.)*.

РАЗГОРА́ЖИВАТЬ *несов. к.* разгороди́ть.

РАЗГОРА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* разгороди́ться; 2. *страд. от* разгора́живать *(к.)*.

РАЗГОРА́ТЬСЯ *несов. к.* разгоре́ться.

РАЗГОРЕ́ТЬСЯ *сов.* 1. ўт олмоқ, қизимоқ, гуруллаб (ловуллаб) ёнабошламоқ; **костёр разгоре́лся** гулхан гуриллаб ёниб кетди; 2. ‖ қизармоқ, қипқизариб кетмоқ, қизишиб кетмоқ; **от волне́ния у него́ разгоре́лись щёки** ҳаяжондан унинг юзлари қизариб кетди; 3. ‖ қизармоқ; **не́бо на восто́ке разгоре́лось** шарқ томонда осмон қизарди; 4. ‖ авжга чиқмоқ, қизимоқ; **спор разгоре́лся с но́вой си́лой** баҳс (тортишув) баттар қизиб кетди; **разгоре́лось сраже́ние** жанг қизиб кетди; 5. ‖ *с. т.* ҳаяжонланмоқ; қизишмоқ; така-пука бўлмоқ; **се́рдце разгоре́лось** юракка ўт тушди; **аппети́т разгоре́лся** иштаҳа очилиб кетди; ◇ ***глаза́ и зу́бы разгоре́лись*** *(с. т.)* оғзидан суви келди; кўзлари ўйнаб кетди; ҳаваси келиб кетди.

РАЗГОРОДИ́ТЬ *сов.* тўсиб олмоқ, бўлмоқ, ажратмоқ (мас., девор олиб, чий, парда ва ҳ. к. тутиб); **разгороди́ть ко́мнату фане́рной перегоро́дкой** уйни фанер девор блан иккига ажратмоқ.

РАЗГОРОДИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. ажралмоқ, ўртадан бўлиб олмоқ, девор олиб ёки бирор нарса тўсиб бўлак қилмоқ; 2. ‖ *с. т.* бир-биридан ажралмоқ, узилмоқ, орага чек солмоқ.

разгорожу́, разгоро́дишь *буд. от* разгороди́ть *(к.)*.

РАЗГОРЯЧИ́ТЬ *сов. с. т.* қизитмоқ, тезламоқ, қизиштирмоқ, қизиштириб (тутақтириб) юбормоқ.

РАЗГОРЯЧИ́ТЬСЯ *сов.* 1. қизимоқ, қизишмоқ, бадани қизиб кетмоқ; 2. ‖ қизишмоқ, тутақишмоқ, қизишиб (тутақиб) кетмоқ, қони қайнаб қетмоқ.

РАЗГРА́БИТЬ *сов.* 1. таламоқ, талаб кетмоқ, талаб битирмоқ, талон-торож қилиб (ташиб) кетмоқ; **оккупа́нты разгра́били на своём пути́ мно́жество сёл и городо́в** оккупантлар йўлда учраган кўп шаҳар ва қишлоқларни талаб кетдилар; 2. *мах.* хаскаш блан ёймоқ.

РАЗГРАНИЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. разграни́чить фе'лининг ҳаракат номи; **разграниче́ние округо́в** округларнинг чегараларини аниқлаш; **разграниче́ние обя́занностей** слу́жащих ҳарбир хизматчининг вазифасини аниқ-аниқ белгилаб бериш; 2. чегара, чегара чизиғи.

РАЗГРАНИ́ЧИВАТЬ *несов. к.* разграни́чить.

РАЗГРАНИ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* разграни́читься; 2. *страд. от* разграни́чивать *(к.)*.

РАЗГРАНИЧИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое разграниче́ние *сўз. сиф.*; ажратучи, чегараловчи, чегарасини белгиловчи; **разграничи́тельная ли́ния** ажратучи чизиқ, чегара чизиғи; **разграничи́тельные столбы́** чегара столбалари (козиқлари).

РАЗГРАНИ́ЧИТЬ *сов.* 1. чегараламоқ, ўртадаги чегарани белгилаб қўймоқ; **разграни́чить зе́мли сме́жных колхо́зов** ёндош (чегарадош) колхозларнинг ерлари ўртасидаги чегарани белгилаб қўймоқ; 2. фарқини аниқлаб бир-биридан ажратмоқ, аниқ-аниқ белгилаб қўймоқ; **разграни́чить поня́тия** тушунчаларни бир-биридан фарқ қилиб ажратмоқ; **разграни́чить обя́занности** вазифаларни аниқ-аниқ белгилаб чиқмоқ.

РАЗГРАНИ́ЧИТЬСЯ *сов.* бир-биридан ажраламоқ, ажралиб чиқмоқ, бўлинмоқ; чегараси аниқ бўлмоқ; **с разви́тием нау́к о́бласти зна́ния разграни́чились** фанлар тараққий этган сари билим соҳалари бир-биридан ажралиб (бўлиниб) борди.

РАЗГРАФИ́ТЬ *сов.* чизиб-чизиб графаларга бўлмоқ, чизиб чиқмоқ.

РАЗГРАФЛЯ́ТЬ *несов. к.* разграфи́ть.

РАЗГРАФЛЯ́ТЬСЯ *несов.* графалар-га бўлинмоқ, чизиб чиқилмоқ, жадвал қилинмоқ.

разгрёб, разгребла́ *прош. от* разгрести *(қ.)*.

РАЗГРЕБА́ТЬ *несов. қ.* разгрести́.

РАЗГРЕБА́ТЬСЯ *несов.* ёйилмоқ, титилмоқ (курак ёки хаскаш билан).

разгребу́, разгребёшь *буд. от* разгрести́ *(қ.)*.

РАЗГРЕСТИ́ *сов.* ёймоқ, сочмоқ, ёйиб (сочиб) қўймоқ; ёйиб (сочиб) ташламоқ; **разгрести́ щёбень лопа́той** шағални белкурак билан сочиб ташламоқ; **разгрести́ снег** қорни сочиб ташламоқ.

РАЗГРО́М *м мн. нет* 1. тор-мор қилиш; тор-мор бўлиш; тор-мор; **разгро́м ги́тлеровской а́рмии** Гитлер армиясининг тор-мор этилиши; **идёйный разгро́м проти́вника** душмани ғоявий жиҳатдан тор-мор этиш; 2. хароблик, вайроналик; талон-торож; 3. *с.т.* бесаранжомлик, алғов-далғов, айқаш-уйқаш, ағдар-тўнтар, тўсўполон; остин-устин бўлиб кетиш; **в кварти́ре по́лный разгро́м** уйда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб ётипти.

РАЗГРОМИ́ТЬ *сов.* тор-мор этмоқ, ер билан яксон қилмоқ; **сове́тские учёные разгроми́ли реакцио́нные идёи мендели́зма-морганиз-ма** совет олимлари менделизм-моргапизмнинг реакцион идеяларини тор-мор этдилар.

РАЗГРУЖА́ТЬ *несов. қ.* разгрузи́ть.

РАЗГРУЖА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разгрузи́ться; 2. *страд. от* разгружа́ть *(қ.)*.

разгружу́, разгру́зишь *буд. от* разгрузи́ть *(қ.)*.

РАЗГРУЗИ́ТЬ *сов.* 1. юкини туширмоқ, юкдан бўшатмоқ; **разгрузи́ть маши́ну** машинанинг юкини туширмоқ; **разгрузи́ть вербло́да** туянинг юкини туширмоқ; 2. ‖ *с.т.* ишини енгиллатмоқ, қисман ишдан озод этмоқ.

РАЗГРУЗИ́ТЬСЯ *сов.* 1. юкдан бўшамоқ, юки туширилмоқ; **парохо́д в порту́ разгрузи́лся** портда пароход юкини тушириб бўлди, юкдан бўшади; 2. ‖ *с. т.* қисман иши камаймоқ, иши енгиллашиб қолмоқ.

РАЗГРУ́ЗКА *ж мн. нет* 1. юкдан бўшатиш, юкини тушириш; **разгру́зка ваго́на** вагоннинг юкини тушириш, вагонни бўшатиш; 2. ‖ қисман ишини камайтириш, ишини енгиллатиш, ортиқча вазифадан озод қилиш.

РАЗГРУЗНО́Й, -а́я, -о́е *махс.* юкини бўшатадиган, юкини тушириб оладиган, юкини тушириб олиш учун хизмат қиладиган; **разгрузно́е су́дно** юк тушируви кема.

РАЗГРУ́ЗОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* **разгру́зка** 1 *сўз. сиф.*; юк туширишга оид; **механизи́ровать разгру́зочные рабо́ты** юк тушириш ишларини механизациялаштирмоқ.

РАЗГРЫЗА́ТЬ *несов. қ.* разгры́зть.

РАЗГРЫЗА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разгры́зться; 2. *страд. от* разгрыза́ть *(қ.)*.

РАЗГРЫ́ЗТЬ *сов.* 1. тишда чақмоқ; **разгры́зть оре́х** тишда ёнғоқ чақмоқ; 2. ғажимоқ, кемирмоқ, ғажиб ташламоқ; **разгры́зть** кость суякни ғажиб ташламоқ.

РАЗГРЫ́ЗТЬСЯ *сов.* 1. чақилмоқ, тишда чақилмоқ; 2. ғажилмоқ, кемирилмоқ.

РАЗГУ́Л *м мн. нет манф.* 1. айш-ишрат; ичкиликвозлик, майхўрлик; **пья́ный разгу́л** ичкиликвозлик қилиб маст-аласт бўлиш; 2. ‖ ҳалдан ошиш, қутуриш, авжга миниш; **разгу́л реа́кции в капиталисти́ческих стра́нах** капиталистик мамлакатларда реакциянинг қутуриши.

РАЗГУ́ЛИВАТЬ *несов. с.т.* 1. сайр қилиб юрмоқ; тамошо қилиб юрмоқ; **разгу́ливать по па́рку** паркда сайр қилиб юрмоқ; 2. *қ.* разгуля́ть.

РАЗГУ́ЛИВАТЬСЯ *несов. қ.* разгуля́ться.

РАЗГУ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *с.т.* **разгу́л** *сўз. сиф.*; айш-ишратга берилган, ишратпараст, кайф-сафода (айш-ишратда) ўтказиладиган; **вести́ разгу́льную жизнь** айш-ишратда яшамоқ.

РАЗГУЛЯ́ТЬ *сов. с. т.* 1. ўйнатмоқ, кулдирмоқ, вақтини чоғ қилмоқ; 2. овунтирмоқ, юпатмоқ, кўнглини очмоқ, кўнглидагини чиқармоқ.

РАЗГУЛЯ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. ўйин-кулги билан уйқуни қочирмоқ; 2. очилмоқ, ёришмоқ, очилиб (ёришиб) кетмоқ; пого́да разгуля́лась ҳаво очилиб кетди, кун ёришди; 3. авж олмоқ, зўраймоқ; кучаймоқ; бу́ря разгуля́лась бўрон кучайди; 4. яйрамоқ, яйраб юрмоқ, бамайлихотир ўйнамоқ, гашт қилмоқ.

РАЗДА́БРИВАТЬСЯ *несов. с. т. к.* раздо́бриться.

РАЗДАВА́ТЬ I *несов. к.* разда́ть I.

РАЗДАВА́ТЬ II *несов. к.* разда́ть II.

РАЗДАВА́ТЬСЯ I *несов. к.* разда́ться I.

РАЗДАВА́ТЬСЯ II *несов. с. т. к.* разда́ться II.

РАЗДАВИ́ТЬ *сов.* 1. босиб (босиб олиб, босиб кетиб) ўлдирмоқ; разда́вить паука́ ўргимчакни босиб ўлдирмоқ; 2. эзмоқ, эзиб қўймоқ, эзиб юбормоқ, заҳа (пўла) қилиб қўймоқ; раздави́ть вишню олчани эзиб юбормоқ; 3. ‖ маглубиятга учратмоқ, эзиб (янчиб) ташламоқ, тор-мор келтирмоқ; 4. ‖ *ҳазл.* эзмоқ, эзиб қўймоқ, лол қилмоқ, писта пўчоққа жо қилмоқ; раздави́ть взгля́дом кого́-н. ҳўмрайиб еб қўйгундай бўлмоқ.

РАЗДА́ВЛИВАТЬ *несов. к.* раздави́ть.

РАЗДА́ВЛИВАТЬСЯ *несов. страд. от* разда́вливать (*к.*).

раздади́м, раздади́те, раздаду́т *буд. от* разда́ть I, II (*к.*).

РАЗДА́ИВАТЬ *несов. к.* раздои́ть.

РАЗДА́ИВАТЬСЯ *несов. махс.* 1. *к.* раздои́ться; 2. *страд. от* разда́ивать (*к.*).

разда́м, разда́ст, разда́шь *буд. от* разда́ть I, II (*к.*).

РАЗДА́РИВАТЬ *несов. к.* раздари́ть.

РАЗДА́РИВАТЬСЯ *несов.* ҳаммага ин'ом қилинмоқ, улашилмоқ, улашиб берилмоқ.

РАЗДАРИ́ТЬ *сов.* ҳаммага ин'ом қилмоқ, ҳаркимга совға (тақдим) қилиб бериб юбормоқ; он раздари́л все свои́ кни́ги у ҳамма китобларини ҳад'я қилиб битирди.

РАЗДА́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* тарқатадиган, улашадиган, тақсимлаб берадиган; тарқатиладиган, улашиладиган, тақсимлаб бериладиган; разда́точный пункт улашув пункти.

РАЗДА́ТЧИК *м махс.* тарқатувчи, улашувчи, тақсимловчи.

РАЗДА́ТЧИЦА *ж қ.* разда́тчик.

РАЗДА́ТЬ I *сов.* улашмоқ, тақсимламоқ, тарқатмоқ, улашиб (тақсимлаб) бермоқ; на ёлке де́тям разда́ли пода́рки арча байрамида болаларга совға улашдилар.

РАЗДА́ТЬ II *сов. с. т.* кермоқ, чўзмоқ, кенгайтирмоқ; разда́ть сапоги́ на коло́дке этикни шон уриб (қолипга солиб) кенгайтирмоқ.

РАЗДА́ТЬСЯ I *сов.* эшитилмоқ, янграмоқ; разда́лся чей-то го́лос бировнинг овози эшитилди; разда́лся бой кремлёвских часо́в Кремль соатининг жаранги эшитилди; разда́лись приве́тственные во́згласы табрик садолари янгради.

РАЗДА́ТЬСЯ II *сов.* 1. тисланиб (тисарилиб) орани очмоқ; йўл бермоқ; толпа́ разда́лась халқ тисланди (тисарилди); 2. икки ёққа айрилиб турмоқ, ораси очиқ бўлмоқ; очиқ бўлмоқ; здесь го́ры разда́лись, образова́в свобо́дный прохо́д шу ерда тоғ икки томонга айрилиб, катта оралиқ ҳосил қилади; 3. *с. т.* кенгаймоқ, чўзилмоқ; сапоги́ разда́лись по́сле расте́яжки шон урилгандан кейин этик кенгайди; 4. *с. т.* семирмоқ, тўлишмоқ, кенгаймоқ.

РАЗДА́ЧА *ж мн. нет* улаштириш, тақсимлаш, тарқатиш, улашиб (тақсимлаб) бериш.

раздаю́, разда́ёшь *наст. от* раздава́ть (*к.*).

РАЗДВА́ИВАТЬ *несов. к.* раздвои́ть.

РАЗДВА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* раздвои́ться; 2. *страд. от* раздва́ивать (*к.*).

РАЗДВИГА́ТЬ *несов. к.* раздви́нуть.

РАЗДВИГА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* раздви́нуться; 2. *страд. от* раздви-

га́ть (*қ.*); 3. икки ёққа сурилмоқ, очилмоқ, очиладиган бўлмоқ; э́тот стол раздви́гается бу стол икки ёққа очилади.

РАЗДВИЖНО́Й, -а́я, -бе икки ёққа сурилади ган, икки ёққа очиладиган; **раздвижно́й стол** икки ёққа очиладиган (кенгаядиган) стол; **раздвижно́й за́навес** икки томонга очиладиган парда.

РАЗДВИ́НУТЬ *сов.* 1. икки томонга сурмоқ, кермоқ, йирмоқ; очмоқ; **раздви́нуть ве́тки куста́** чакалак шохларини икки томонга очмоқ; **раздви́нуть занаве́ски на окне́** дераза пардасини икки томонга очиб қўймоқ; **раздви́нуть стол** столни икки томонга очиб кенгайтирмоқ; 2. икки томонга чекинтириб (тислантириб, тисариб) орани очмоқ, йўл очмоқ.

РАЗДВИ́НУТЬСЯ *сов.* 1. очилмоқ, икки томонга сурилмоқ, кенгаймоқ; **за́навес раздви́нулся** парда очилди; 2. икки томонга тисланмоқ, тисарилмоқ, тисарилиб орани очмоқ; **толпа́ раздви́нулась** халқ икки томонга тисарилиб ора (йўл) очилди.

РАЗДВОЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. иккига бўлиш, айириш; бўлиниш, айрилиш; 2. айри (қушалоқ) парса; **копы́та с раздвое́нием** қўш туёқ, айри туёқ; ◊ ***раздвое́ние ли́чности*** *(мед.)* руҳий касалликларнинг бир тури — ўзини бошқа одам деб фаҳмлаш.

РАЗДВОЁННЫЙ, -ая, -ое 1. раздвоить фе'лнинг сифатдоши; 2. иккига бўлинган, айрилган, ажралган; айри. қўшоқ; **раздвоённое копы́то** айри туёқ; ◊ ***раздвоённое созна́ние*** *(мед.)* руҳий касалликлардан бири — доим хаёли бошқа ёқда бўлиш.

РАЗДВОИ́ТЬ *сов.* иккига бўлмоқ, айирмоқ, ажратмоқ, икки айри (палла) қилмоқ.

РАЗДВОИ́ТЬСЯ *сов.* 1. иккига бўлинмоқ, айрилмоқ, ажралмоқ, икки айри (палла) бўлмоқ; **река́ раздвои́лась** дар'ё иккига айрилди; 2. ‖ бўлинмоқ; **мысль раздвои́лась** фикр бўлинди.

РАЗДЕВА́ЛКА=**раздева́льня** (*қ.*).

РАЗДЕВА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *с. т.* 1. ечинадиган, кийим ечадиган; **раздева́льная ко́мната** ечинадиган (кийим ечадиган) хона; 2. *сущ.* **раздева́льная** *ж* = **раздева́льня** (*қ.*).

РАЗДЕВА́ЛЬНЯ *ж с. т.* ечиниш жойи, кийимбош ечиб қўйиладиган жой.

РАЗДЕВА́ЛЬЩИК *м с. т.* ечиниш жойида хизмат қилучи киши, гардеробчи.

РАЗДЕВА́ЛЬЩИЦА *ж қ.* **раздева́льщик**.

РАЗДЕВА́ТЬ *несов. қ.* **разде́ть**.

РАЗДЕВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **разде́ться**, 2. ечинтирилмоқ, ечинтириб қўйилмоқ.

РАЗДЕ́Л *м* 1. *только ед.* бўлиш, тақсимлаш, ажратиш, бўлиб (тақсимлаб, ажратиб) бериш; **разде́л иму́щества** мол-мулкни бўлиш, бўлиб бериш, бўлиб олиш; **разде́л мировы́х ры́нков** жаҳон бозорларини тақсим қилиб олиш; 2. бўлим, қисм; **статья́ состои́т из трёх разде́лов** мақола уч бўлимдан иборат; 3. чегара; бўлинган (айрилган, ажратилган) жой; айрилиш; **разде́л ру́сла реки́** дар'ёнинг айрилиб кетган жойи, айрилиши.

РАЗДЕ́ЛАТЬ *сов.* 1. *махс.* ясамоқ, қилмоқ, тус бермоқ, нақшламоқ, пардозламоқ; **разде́лать ме́бель под дуб** мебельга дуб ёғочи тусини бермоқ; 2. ишлаб тамомламоқ, ишлов бериб бўлмоқ; **разде́лать гря́дки** эгат олиб бўлмоқ, эгат олиб қўймоқ; **разде́лать бара́нью ту́шу** қўйни нимталамоқ, қўй гўштини бўзмоқ; 3. *махс.* тешикни кенгайтирмоқ; 4. ‖ *с. т.* роса сўкмоқ, хўп қойимоқ, адабини (та'зирини) бермоқ; урмоқ, калтакламоқ, саваламоқ; **разде́лать кого́-н. под оре́х** бировни роса қойимоқ, адабини (та'зирини) бериб қўймоқ.

РАЗДЕ́ЛАТЬСЯ *сов. с. т.* 1. қутулмоқ, бир ёқлик қилмоқ, халос бўлмоқ, ора очиқ бўлмоқ; **разде́латься с долга́ми** қарздан қутулмоқ; **капитали́зм никогда́ не смо́жет разде́латься с кри́зисами** капитализм ҳечқачон кризислардан қу-

тула (халос бўла) олмайди; 2. ‖ ўч олмоқ, таʼзирини бермоқ. адабини бермоқ; я разделáюсь с ним мен унинг адабини бериб қўяман; мен ундан қасдимни оламан.

РАЗДЕЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* разделúть феʼлининг ҳаракат номи; қ. разделúть 1—5; **разделéние трудá в óбществе** жамиятда меҳнат тақсимоти; **разделéние звýков на глáсные и согласные** товушларнинг унли ва ундош товушларга бўлиниши; ◊ ***по разделéниям*** бўлиб-бўлиб, ҳар бўлимини алоҳида; **выполнять гимнастúческое упражнéние по разделéниям** гимнастика машқини бўлиб-бўлиб бажармоқ.

РАЗДЕЛИ́МЫЙ, -ая, -ое бўлинадиган, бўлинучи, бўлиб бўладиган.

РАЗДЕЛИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. бўлучи, ажратучи; **разделúтельная чертá** ажратучи чизиқ; **разделúтельный знак** ажратиш белгиси; 2. айручи, ажрим қилучи; **разделúтельное сужде́ние** *(филос.)* ажрим қилучи ҳукм (муҳокама); **разделúтельный сою́з** *(грам.)* айручи боғловчи.

РАЗДЕЛИ́ТЬ *сов.* 1. бўлмоқ, ажратмоқ, бўлиб чиқмоқ; **разделúть кни́гу на глáвы** китобни бобларга бўлмоқ; **разделúть что-н. пополáм** бирор нарсани иккига бўлмоқ, иккига тақсим қилмоқ; 2. бўлмоқ, улашмоқ, тақсимламоқ, расамад қилмоқ; бўлиб (тақсимлаб, расамад қилиб) бермоқ; **разделúть насле́дство** мерос мулкни бўлиб бермоқ; 3. *мат.* бўлмоқ; **разделúть сто на два** юзни иккига бўлмоқ; 4. бўлиб (парчалаб) юбормоқ; ажратиб қўймоқ, ажратиб ташламоқ; бўлиб (ажратиб) турмоқ; **река́ разделя́ет зе́мли двух колхо́зов** дарё икки колхоз ерларини ажратиб туради; 5. ‖ ажратмоқ, айирмоқ, икки тарафга бўлиб юбормоқ; **э́тот вопро́с разделúл това́рищей на две гру́ппы** бу масала ўртоқларни икки тарафга бўлиб қўйди; 6. ‖ шериклашмоқ, ўртоқлашмоқ, қўшилишмоқ; баравар (баҳам) кўрмоқ; баравар тортмоқ; **разделúть чью-н. у́часть (судьбу́)** бировнинг тақдирига шерик бўлмоқ; **разделúть с кем-н. все печáли и рáдости** бирор кишининг қайғу ва қувончларига ўртоқлашмоқ; **кита́йские добровóльцы разделúли тру́дности борьбы́ коре́йского народа** хитой кўнгиллилари Корея халқи олиб борган курашда уларнинг ҳамма қийинчиликларини баравар кўрдилар; **разделúть чьё-н. мне́ние** бировнинг фикрига қўшилмоқ.

РАЗДЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* 1. бўлинмоқ, айрилмоқ, ажралмоқ; бўлиниб (айрилиб, ажралиб) кетмоқ; **река́ разделúлась на два прото́ка** дарё иккига бўлиниб кетди; 2. бўлинмоқ; тақсимланмоқ, тақсим бўлмоқ; 3. бўлишиб олмоқ; 4. *мат.* бўлинмоқ; **число́ разделúлось без оста́тка** сон қолдиқсиз бўлинди; 5. ‖ бўлинмоқ, икки тарафга бўлиниб кетмоқ, бўлиниб қолмоқ; **голоса́ разделúлись** овозлар бўлиниб кетди (баʼзилар ёқлади, баʼзилар қарши чиқди); **мне́ния разделúлись** фикрлар иккига (икки тарафга) бўлинди.

РАЗДЁЛКА *ж мн. нет* 1. раздéлать феʼлининг ҳаракат номи; **раздёлка де́рева под дуб** ёғочни дуб тусида ишлаш, ишлаб дуб тусига киритиш; **раздёлка по́чвы** ерни ишлаш, ерга ишлов бериш; 2. ишлов, пардоз, нақш; **ковёр отличáлся великолéпной раздёлкой** гиламнинг нақши (ишлови) ниҳоятда яхши эди.

РАЗДЁЛОЧНЫЙ, -ая, -ое *махс.* раздёлка *сўз. сиф.*; ишлашга, ишлов (пардоз) беришга оид; **раздёлочные рабóты** пардоз ишлари, ишлов бериш.

РАЗДЕ́ЛЫВАТЬ *несов.* қ. раздéлать.

РАЗДЕ́ЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *с.т. к.* раздéлаться; 2. *страд. от* раздéлывать (*к.*).

РАЗДЕ́ЛЬНО *нареч.* айрим-айрим, бўлак-бўлак, алоҳида-алоҳида; дона-дона қилиб, ажратиб-ажратиб.

РАЗДЕЛЬНОПО́ЛОСТЬ *ж мн. нет биол.* айрим жинслилик, эркак ва ургочи жинсининг айрим-айрим бўлиши.

РАЗДЕЛЬНОПО́ЛЫЙ, -ая, -ое *биол.* айрим жинсли, эркак ва ургочи жинси айрим-айрим бўлган.

РАЗДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. раздéл 1 *сўз. сиф.*; бўлишга, тақсимлашга оид; **раздéльный акт** *(юр.)*

ни келтирмоқ; **раздразни́ть аппети́т** иштаҳани қўзғатмоқ.

РАЗДРОБИ́МЫЙ, -ая, -ое парчаланадиган, синадиган, бўлинадиган; парчалаб (синдириб, бўлиб) бўладиган.

РАЗДРОБИ́ТЬ *сов.* 1. майдаламоқ, парчаламоқ, ушатмоқ; синдирмоқ; майдалаб (ушатиб) қўймоқ; **раздроби́ть ка́мень на ще́бень** тош чақмоқ. тошни майдалаб шағал қилмоқ; 2. *физ., мат.* айлантирмоқ, ўзгартирмоқ; йирик ўлчовда ифодаланган миқдорни майда ўлчовлар блан ифодаламоқ; **раздроби́ть ме́тры в сантиме́тры** метрни сантиметрларга айлантирмоқ.

РАЗДРОБИ́ТЬСЯ *сов.* 1. майдаланмоқ, парчаланмоқ, ушалмоқ, синмоқ; парчаланиб (майдаланиб, ушалиб) кетмоқ; 2. *махс.* айлантирилмоқ, ўзгартирилмоқ.

РАЗДРОБЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* раздроби́ть фе'лининг ҳаракат номи; **раздробле́ние ко́сти** суякнинг майдаланиб кетиши, чил-чил бўлиши; **раздробле́ние именова́нных чи́сел** отли сонларни майдалаш (йирик ўлчовда ифодаланган отли сонларни майда ўлчовларда ифодалаш).

РАЗДРОБЛЁННОСТЬ, РАЗДРО́БЛЕННОСТЬ *ж мн. нет* бўлинганлик, майдаланганлик, парчаланганлик, тарқоқлик; **раздро́бленность ме́лкого крестья́нского хозя́йства в усло́виях капитали́зма** капитализм шароитида майда деҳқон хўжаликларининг тарқоқлиги.

РАЗДРОБЛЁННЫЙ, -ая, -ое, **РАЗДРО́БЛЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. раздроби́ть фе'лининг сифатдоши; 2. парчаланиб кетган, майда-майда бўлган; парча-парча, синиқ; **у него́ серьёзное ране́ние — раздро́блена кость** унинг яраси оғир — суяги майдаланиб кетган (чил-чил бўлган); 3. ‖ тарқоқ, майда; **объедине́ние раздро́бленного ме́лкого крестья́нского хозя́йства в колхо́зы** майда ва тарқоқ деҳқон хўжаликларини колхозларга бирлаштириш.

РАЗДРОБЛЯ́ТЬ *несов.* қ. раздроби́ть.

РАЗДРОБЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. раздроби́ться; 2. *страд. от* раздроблять *(қ.)*.

РАЗДУВА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* пуфлайдиган, дам берадиган; **раздува́льный мех** дам, босқон.

РАЗДУВА́НИЕ *ср мн. нет* 1. пуфлаш, пуфлаб ёндириш; 2. ‖ муболаға қилиш, ошириб кўрсатиш, бўрттириб юбориш, лоф уриш, кўпиртириш; 3. ‖ ошириб юбориш, кенгайтириб юбориш.

РАЗДУВА́ТЬ *несов.* 1. қ. разду́ть; 2. *с. т.* тебратмоқ, ҳилпиратмоқ.

РАЗДУВА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разду́ться; 2. *страд. от* раздува́ть *(қ.)*.

РАЗДУ́МАТЬ *сов.* фикрдан (ниятдан) қайтмоқ, айнимоқ; **я разду́мал е́хать** мен кетмайдиган бўлдим.

РАЗДУ́МЫВАТЬ *несов.* 1. қ. разду́мать; 2. ўйламоқ, хаёл сурмоқ, мулоҳаза қилмоқ; **разду́мывать о бу́дущем** келажакни ўйламоқ; 3. иккиланмоқ, тараддудланмоқ, ҳардамхаёл бўлмоқ; ўйлаб (бош қотириб) ўтирмоқ; **не́чего до́лго разду́мывать, на́до реши́ться** узоқ ўйлаб ўтирмай, тезроқ бир қарорга келмоқ керак; **согласи́ться, не разду́мывая** узоқ ўйлаб (бош қотириб) ўтирмай рози бўлмоқ.

РАЗДУ́МЬЕ *ср мн. нет* 1. ўйлаб қолиш, ўй ўйлаб кетиш, ўйга чўмиш (ботиш), хаёлга берилиш, хаёл суриш; хаёл, ўй; **погрузи́ться в разду́мье** хаёлга чўммоқ; 2. иккиланиш, тараддудланиш, ҳардамхаёл бўлиш; ўйлаб (бош қотириб) ўтириш; **его́ взя́ло разду́мье** у иккиланиб (ҳардамхаёл бўлиб) қолди.

РАЗДУ́ТЫЙ, -ая, -ое 1. разду́ть фе'лининг сифатдоши; 2. шишган, шишиб кетган, шишиб чиққан; **разду́тая щека́** шишиб кетган луж; 3. ‖ *манф.* кўпиртирилган, бўрттирилган, ошириб юборилган, муболағали, лоф қилинган; **разду́тая сла́ва** бўрттириб юборилган шуҳрат; 4. ‖ ошириб (кенгайтириб) юборилган; **разду́тые вое́нные бюдже́ты капиталисти́ческих стран** капиталистик мамлакатларнинг ҳаддан ташқари ошириб юборилган ҳарбий бюджетлари.

РАЗДУ́ТЬ *сов.* 1. пуфлаб (дам бериб) ёндирмоқ. аланга олдирмоқ;

раздýть огóнь ўтни пуфлаб ёндирмоқ; 2. ‖ пуфламоқ, дам бермоқ, дам бериб шиширмоқ, дўмбира қилмоқ; **вéтер раздýл пáрус** шамол елканни дўмбира қилди; 3. кўтармоқ, тўзитмоқ, тўзитиб юбормоқ, учириб кетмоқ; **вéтер раздýл пыль по ýлице** шамол кўчанинг чангини кўтарди; 4. ‖ *безл. с. т.* шишмоқ, шишиб кетмоқ; **раздýло щёку** лунж шишиб кетди; 5. ‖ *с. т. манф.* ошириб кўрсатмоқ, муболаға қилмоқ, лоф урмоқ, кўпиртириб (бўрттириб) юбормоқ; **успéх егó óчень раздýт** унинг ютуғи жуда бўрттириб юборилган; 6. ‖ *с. т. манф.* ошириб юбормоқ, кенгайтириб юбормоқ; **цúфры раздýты** рақамлар ошириб юборилган; 7. ‖ кучайтирмоқ, зўрайтирмоқ, авж (аланга) олдирмоқ; ёқмоқ; **не дадúм агрéссорам раздýть пожáр нóвой войны** агрессорларнинг янги уруш оловини ёқишларига йўл қўймаймиз.

РАЗДУ́ТЬСЯ *сов.* 1. дамланиб (пуфланиб) шишмоқ, ичи ҳавога тўлиб шишмоқ, дўмбира бўлмоқ; **шар раздýлся** шар дамланиб (ичи ҳавога тўлиб) шишди; 2. ‖ шишмоқ, шишиб кетмоқ; шишиб чиқмоқ; **у негó раздýлась рукá** унинг қўли шишиб кетди.

РАЗДУШИ́ТЬ *сов. с. т.* яхшилаб атир сепмоқ, атирга беламоқ; **раздушúть платóк** дастрўмолга яхшилаб атир сепмоқ.

РАЗДУШИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ўзига роса атир сепмоқ, устидан атир қуймоқ.

РАЗЕВА́ТЬ *несов. қ.* **разúнуть.**

РАЗЕВА́ТЬСЯ *несов. с. т.* катта очилмоқ (оғиз ҳақида).

РАЗЖА́ЛОБИТЬ *сов.* раҳмини келтирмоқ, кўнглига раҳм солмоқ, кўнглини юмшатмоқ, ачинтирмоқ; **разжáлобить когó-н. слезáми** кўз ёши қилиб бировнинг раҳмини келтирмоқ.

РАЗЖА́ЛОБИТЬСЯ *сов.* раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ, кўнгли юмшамоқ, ачинмоқ.

РАЗЖА́ЛОВАНИЕ *ср мн. нет* даражасини ёки амалини пасайтириш; амалдан тушириш, унвонини олиб ташлаш.

РАЗЖА́ЛОВАННЫЙ, -ая, -ое 1. даражаси ёки амали пасайтирилган; амалдан туширилган, унвони олиб ташланган; 2. *сущ.* **разжáлованный** *м* амалдан туширилган ёки унвондан маҳрум қилинган одам.

РАЗЖА́ЛОВАТЬ *сов.* 1. даражасини ёки амалини пасайтирмоқ, амалдан туширмоқ, унвонини олиб ташламоқ; **разжáловать офицéра в солдáты** офицерликдан солдатликка туширмоқ; 2. ‖ *ҳазл.* ихлоси қолмоқ, ишончини йўқотмоқ.

РАЗЖА́ТЬ *сов.* очмоқ, ёзмоқ; кермоқ, очиб (ёзиб) юбормоқ; **разжáть кулáк** муштни (кафтни) ёзмоқ, кермоқ; **разжáть пружúну** пружинани ёзиб юбормоқ.

РАЗЖА́ТЬСЯ *сов.* очилмоқ, ёзилмоқ, керилмоқ; очилиб (ёзилиб) кетмоқ; **пружúна разжáлась** пружина ёзилиб кетди.

РАЗЖЕВА́ТЬ *сов.* 1. яхшилаб чайнамоқ, обдан чайнамоқ, чайнаб эзмоқ; **разжевáть чёрствый хлеб** суви қочган нонни яхшилаб чайнамоқ, чайнаб эзмоқ; 2. ‖ *с. т. манф.* чайнаб бермоқ, яхшилаб тушунтириб бермоқ, ма'носини (мазмуни) чақиб бермоқ, обдан уқдирмоқ; **разжевáть мысль** фикрни яхшилаб тушунтирмоқ, мазмуни чақмоқ; **разжевáть и в рот положúть** чайнаб оғзига солиб қўймоқ, ҳижжалаб тушунтирмоқ; 3. ‖ *с. т., ҳазл.* яхшилаб ўйлаб кўрмоқ, чуқур мулоҳаза қилмоқ; **э́то дéло нáдо разжевáть** бу ишни (масалани) яхши ўйлаб кўриш керак.

РАЗЖЕВА́ТЬСЯ *сов. с. т.* чайналмоқ.

РАЗЖЁВЫВАТЬ *несов. қ.* **разжевáть.**

РАЗЖЁВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *с. т. қ.* **разжевáться**; 2. *страд. от* **разжёвывать** *(қ.).*

разжёг, разожгла́ *прош. от* **разжéчь** *(қ.).*

РАЗЖЕ́ЧЬ *сов.* 1. ёқмоқ, ёндирмоқ, гуруллатиб юбормоқ, аланғасини осмонга чиқармоқ; **разжéчь костёр** гулхан ёқмоқ, гулханни гуруллатиб юбормоқ; 2. ‖ қўзғатмоқ, туғдирмоқ, уйғотмоқ, аланга (авж) олдирмоқ, кучайтирмоқ, зўрайтирмоқ; **разжéчь нéнависть** нафрат қўзғатмоқ; **разжéчь стрáсти** ҳирсларни уйғотмоқ.

РАЗЖЕ́ЧЬСЯ *сов.* 1. ёнабошламоқ, ёниб (гуруллаб) кетмоқ, аланга ол-

моқ; дрова́ разожгли́сь ўтин гуруллаб ёниб кетди; 2. ‖ қўзғамоқ, туғилмоқ, аланга (авж) олмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ; вражда́ разожгла́сь душманлик кучайди, адоват авжга чиқди.

РАЗЖИВА́ТЬСЯ *несов.* қ. разжи́ться.

РАЗЖИ́Г *м мн. нет махс.* ўт (олов, аланга) олдириш; қизитиш, қиздириш; разжи́г у́гля кўмирни ўт олдириш; разжи́г желе́за темирни қизитиш.

РАЗЖИГА́ТЬ *несов.* қ. разже́чь.

РАЗЖИГА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разже́чься; 2. *страд. от* разжига́ть *(қ.)*.

РАЗЖИДИ́ТЕЛЬ *м тех.* бўёқ эритадиган (суюлтирадиган) суюқлик.

РАЗЖИДИ́ТЬ *сов. с. т.* суюлтирмоқ, суюқ қилиб қўймоқ, суюлтириб юбормоқ, сув қўшмоқ, чапиштирмоқ; разжиди́ть ча́й чойни суюлтириб (суюқ қилиб) юбормоқ, чойни чапиштирмоқ.

РАЗЖИДИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* суюлмоқ, суюқлашмоқ; суюлиб (суюқлашиб) кетмоқ, суюлиб (суюқлашиб) қолмоқ, бўшашмоқ; слой по́чвы разжиди́лся ер билқиллаб (пилчираб) кетипти; моро́женое разжиди́лось мороженое суюлиб (эриб) кетипти.

РАЗЖИЖА́ТЬ *несов.* қ. разжиди́ть.

РАЗЖИЖА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разжиди́ться; 2. *страд. от* разжижа́ть *(қ.)*.

РАЗЖИЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. суюлтириш, суюқлантириш, суюқ ҳолга келтириш; 2. суюлиш, суюқлашиш, суюқ ҳолга келиш; ◊ *разжиже́ние мозго́в (с. т. ҳазл)* миянинг суюлиши, мия айниш.

РАЗЖИЖИ́ТЕЛЬ *м* қ. разжиди́тель.

разжижу́, разжиди́шь *буд. от* разжиди́ть *(қ.)*.

РАЗЖИМА́ТЬ *несов.* қ. разжа́ть.

РАЗЖИМА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разжа́ться; 2. *страд. от* разжима́ть *(қ.)*.

РАЗЖИ́МНЫЙ, -ая, -ое *махс.* 1. очиладиган, ёзиладиган; 2. очадиган, ёзадиган; очучи.

РАЗЖИРЕ́ТЬ *сов. с. т.* жуда семирмоқ, семириб кетмоқ, мой бойламоқ.

РАЗЖИ́ТЬСЯ *сов. содд.* 1. *манф.* бойиб кетмоқ, мол-дун'ёси (бойлиги, давлати) ортмоқ, мол-дун'ё (бойлик, давлат) орттирмоқ; капитали́сты разжили́сь на вое́нных поста́вках капиталистлар ҳарбий мол-аш'ё тайёрлаб бериш орқасида бойлик орттирдилар; 2. топмоқ; разжи́ться табако́м тамаки топмоқ, тамаки топиб келмоқ.

разжую́, разжуёшь *буд. от* разжева́ть *(қ.)*.

РАЗЗАДО́РИВАТЬ *несов.* қ. раззадо́рить.

РАЗЗАДО́РИВАТЬСЯ *несов. с. т.* 1. қ. раззадо́риться; 2. *страд. от* раззадо́ривать *(қ.)*.

РАЗЗАДО́РИТЬ *сов. с. т.* шайламоқ, тезламоқ, қизиқтириб (ҳавасини келтириб) қўймоқ, жўшга келтирмоқ, ишга (ғайратга) солиб юбормоқ, васваса қилмоқ.

РАЗЗАДО́РИТЬСЯ *сов. с. т.* шайланмоқ, қизиқиб кетмоқ, ҳаваси келиб қолмоқ, ишга тушиб кетмоқ, ғайратга минмоқ.

РАЗЗВА́НИВАТЬ *несов.* қ. раззвони́ть.

РАЗЗВОНИ́ТЬ *сов. с. т. манф.* ошкор қилмоқ, жар солмоқ, овоза (довруқ) қилмоқ, гап тарқатмоқ.

РАЗЗЕВА́ТЬ *сов. содд.* 1. ҳомиза тортмоқ, ҳадеб эснайвермоқ; 2. ‖ *манф.* анграймоқ, аиқаймоқ, олазарак бўлмоқ, теваракка қарайвермоқ.

РАЗЗНАКО́МИТЬСЯ *сов. с. т.* ошначиликдан чиқмоқ, ошна-оғайничиликни йиғиштириб қўймоқ, орага чўп тушмоқ, ора бузилиб қолмоқ.

РАЗЗОЛА́ЧИВАТЬ *несов.* қ. раззолоти́ть.

РАЗЗОЛОТИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. зарҳал билан қопламоқ, тилла суви югуртирмоқ; раззолоти́ть ста́тую статуяни (ҳайкални) зарҳалламоқ; 2. зар ип билан гул тикиб тўлдирмоқ.

РАЗЗОЛО́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1. зарҳалланган, зарҳал билан қопланган, тилла суви югуртирилган; 2. зар ип билан тикиб тўлдирилган.

раззолочу́, раззоло́тишь *буд. от* раззолоти́ть *(қ.)*.

РАЗЗУДЕ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. оғрий-бошламоқ, қичийбошламоқ, оғриққа

кирмоқ; **раззудéлась стáрая рáна** эски яра оғриққа кирди, қичийбошлади; 2. ‖ кўл қичимоқ. бирор иш қилгиси келиб қолмоқ.

РАЗЗУДИ́ТЬ *сов. с. т.* қўзитмоқ, қўзғатмоқ, оғриғини қўзғатиб юбормоқ.

РАЗЗУ́ЖИВАТЬ *несов. қ.* раззудúть.

раззужу́, раззудúшь *буд. от* раззудúть *(қ.)*.

РАЗЗЯ́ВА = **разúня** *(қ.)*.

РА́ЗИК *м с. т.* раз I *сўз. кичр.* ва *эркл. айт.*; бир; **ещё рáзик, ещё раз!** яна бир марта, яна бир бор!

РАЗИ́НУТЬ *сов. с. т.* катта қилиб очмоқ, кермоқ (асосан оғиз ҳақида). ◊**разúня (разúнув) рот (слу́шать, смотрéть)** *с. т.* анграйиб (оғзи очилиб) қолмоқ, анқайиб (қулоқ солмоқ, қарамоқ).

РАЗИ́НЯ *м* и *ж нафр.* анқов, меров, анграйган, лаванг.

РАЗИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое ҳайрон қолдирадиган, тонг қолдирадиган, ажойиб, ғалати, ажабланарли; намунали, ибрат бўладиган; **разúтельные перемéны** ҳайрон қоларли ўзгаришлар; **разúтельный примéр** ибрат бўладиган мисол.

РАЗИ́ТЬ I *несов.* 1. зарба бермоқ, урмоқ, яксон қилмоқ, қирмоқ; **разúть врагóв** душманларни яксон қилмоқ; 2. *эск.* ҳайрон қолдирмоқ, тонг қолдирмоқ, ажаблантирмоқ.

РАЗИ́ТЬ II *несов. содд.* иси (ҳиди) гуркираб келмоқ, анқимоқ, иси (ҳиди) келиб турмоқ; от негó **разúло** чеснокóм ундан (унинг оғзидан) саримсоқ ҳиди гуркираб турарди; **разúт** винóм вино ҳиди келади.

РАЗЛАГА́ТЬ *несов. қ.* разложúть II.

РАЗЛАГА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разложúться II; 2. *страд. от* разлагáть *(қ.)*.

РАЗЛАГА́ЮЩИЙ, -ая, -ее 1. разлагáть фе'лининг сифатдоши; 2. ‖ бузучи, аҳлоқсизлантируви, йўлдан оздируви, ёмон; **разлагáющее влúяние** ёмон та'сир.

РАЗЛА́Д *м мн. нет* 1. тартибсизлик, бузуқлик, бош-бошга қовушмаганлик; **разлáд в рабóте** ишдаги тартибсизлик, бош-бошга қовушмаганлик; 2. орз бузуқлик, ноинтизомлик; нифоқ, ихтилоф, жанжал, низо'; **семéйный разлáд** оила жанжали; **вноси́ть разлáд** бузуқлик қилмоқ; низо' солмоқ.

РАЗЛАДИТЬ *сов.* 1. *махс.* бузмоқ, носоз (нотўғри ишлайдиган) қилиб қўймоқ, ишдан чиқармоқ; **разлáдить машúну** машинани бузиб қўймоқ; 2. *с. т.* бузмоқ, бузиб қўймоқ; барбод қилмоқ; **разлáдить дéло** ишни бузиб қўймоқ.

РАЗЛА́ДИТЬСЯ *сов.* 1. *махс.* бузилмоқ, носоз (нотўғри ишлайдиган) бўлиб қолмоқ; **стано́к разлáдился** станок нотўғри ишлайдиган бўлиб қолди; 2. *с. т.* бузилмоқ, бузилиб қолмоқ, барбод бўлмоқ; **свáльба разлáдилась** тўй бузилди, тўй бўлмайдиган бўлиб қолди; 3. сози бузилмоқ; **гармóнь разлáдилась** гармонънинг сози бузилди.

РАЗЛА́ЖЕННЫЙ, -ая, -ое 1. разлáдить фе'лининг сифатдоши; 2. *махс.* бузуқ, носоз, нотўғри ишлайдиган, ишдан чиққан; **разлáженный механúзм** бузуқ (нотўғри ишлайдиган) механизм.

РАЗЛАЖИВАТЬ *несов. қ.* разлáдить.

РАЗЛА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разлáдиться; 2. *страд. от* разлáживать *(қ.)*.

разлáжу, разлáдишь *буд. от* разлáдить *(қ.)*.

РАЗЛАМЫВАТЬ *несов. қ.* разломáть ва разломúть.

РАЗЛАМЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разломáться ва разломúться; 2. *страд. от* разлáмывать *(қ.)*.

РАЗЛАПЫЙ, -ая, -ое панжага ўхшаган, панжа отиб кетган, панжасимон; **разлáпый лист** панжасимон барг; **разлáпый кóрень** панжа отиб кетган илдиз.

разлёгся, разлеглáсь *прош. от* разлéчься *(қ.)*.

РАЗЛЕЖА́ТЬСЯ *сов. с. т. бегн.* ётоқчиламоқ, ётавериб ўрнидан турғуси келмай қолмоқ, эриниб ётмоқ.

РАЗЛЁЖИВАТЬСЯ *несов. қ.* разлежáться.

РАЗЛЕЗА́ТЬСЯ *несов.* қ. разле́зться.

РАЗЛЕ́ЗТЬСЯ *сов.* сизилмоқ, йиртилиб (ситилиб) кетмоқ, чокидан сўкилиб кетмоқ, тутдек тўкилмоқ; пла́тье разле́злось кўйлак ситилиб кетди.

разле́й *пов. накл. от* **разли́ть** (қ.).

РАЗЛЕ́НИВАТЬСЯ *несов.* қ. разленúться.

РАЗЛЕНИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ялқов (дангаса, танбал, иш'ёқмас) бўлиб кетмоқ, ишдан (ўқишдан) совумоқ.

РАЗЛЕПИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. кўчириб олмоқ, ажратмоқ; **разлепи́ть скле́ившиеся страни́цы** ёпишиб қолган бетларни кўчириб ажратмоқ; 2. осиб ташламоқ, илиб (ёпиштириб) ташламоқ; разлепи́ть повсю́ду объявле́ния ҳамма ёққа э'лон ёпиштириб чиқмоқ.

РАЗЛЕПИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ажралмоқ, кўчмоқ, кўчиб чиқмоқ, кўчиб кетмоқ, кўчиб тушмоқ.

РАЗЛЕПЛЯ́ТЬ *несов.* қ. разлепи́ть.

РАЗЛЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разлепи́ться; 2. *страд. от* разлепля́ть (қ.).

РАЗЛЁТ *м мн. нет с. т.* тезлик, шиддат, зарб; **уда́риться с разлёта обо что́-н.** ўқдай учиб бориб (келиб) бирон нарсага урилмоқ; **перескочи́ть с разлёта через что́-н.** югуриб бориб (келиб) бирор нарсадан сакраб ўтмоқ.

РАЗЛЕТА́ТЬСЯ I *несов.* 1. қ. разлете́ться; 2. очилиб кетмоқ, кўтарилиб кетмоқ (кийим этаги ҳақида); тўзимоқ, ҳурпаймоқ (соч ҳақида).

РАЗЛЕТА́ТЬСЯ II *сов. с. т.* узоқ учмоқ, кўп учмоқ, ҳадеб учавермоқ.

РАЗЛЕТЕ́ТЬСЯ *сов.* 1. учиб кетмоқ; **пти́цы разлете́лись** қушлар учиб кетди; 2. чочилмоқ, тўзимоқ, чочиниб (тўзиб) кетмоқ; **ли́стья разлете́лись** барглар тўзиб кетди; 3. ‖ *с. т.* синиб кетмоқ, синиб тушмоқ, чил-чил (кул-кул, парча-парча) бўлмоқ; **стака́н разлете́лся вдре́безги** стакан чил-чил бўлди; 4. ‖ *с. т.* пучга чиқмоқ, ҳавога учмоқ; **наде́жды разлете́лись** умидлар пучга чиқди; 5. жуда тезлашиб кетмоқ, шиддати ошмоқ; 6. *с. т.* ўқдай югуриб кирмоқ, ҳовлиқиб кирмоқ.

разлечу́сь, разлети́шься *буд. от* **разлете́ться** (қ.).

РАЗЛЕ́ЧЬСЯ *сов. с. т.* ясланиб ётмоқ, чўзилиб (узала тушиб) ётиб олмоқ; **разле́чься на траве́** майсазорда ясланиб ётмоқ.

РАЗЛИ́В *м* 1. тошиш, ёйилиш (мас., дар'ё); оламни тутиб кетиш (мас., қуёш нури); **разли́в** реки дар'ёнинг тошиши; 2. қуйиш, қуйиб чиқиш, қуйиб қўйиш; қуйиштириш; **разли́в вина́ по буты́лкам** винони шишаларга қуйиб чиқиш; 3. ‖ тошқин.

РАЗЛИВА́ННЫЙ: разлива́нное мо́ре (*с. т. ҳазл.*) 1) ичкиликбозлик, майхўрлик, айш-ишрат; 2) дар'ё-дар'ё ичкилик.

РАЗЛИВА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое қуядиган, қуйиштирадиган; **разлива́тельная ло́жка** чўмич, ёғлоғи.

РАЗЛИВА́ТЬ *несов.* қ. разли́ть.

РАЗЛИВА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разли́ться; 2. ‖ *с. т.* келиштириб (маст бўлиб) сайрамоқ, хониш қилмоқ; **солове́й разлива́ется** булбул хониш қилмоқда; 3. ‖ *с. т. кест.* сайрамоқ, ва'ҳонилик қилмоқ; 4. *страд. от* **разлива́ть** (қ.).

РАЗЛИ́ВКА *ж мн. нет* қуйиш, қуйиб қўйиш, қуйиб чиқиш, қуйиштириш.

РАЗЛИВНО́Й, -а́я, -о́е 1. қуйиб бериладиган; **разливно́е вино́** қуйиб сотиладиган вино; 2. қ. **разли́вочный**.

РАЗЛИ́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое қуядиган, қуйиб чиқадиган; **разли́вочная маши́на** қуядиган машина (мас., винони шишаларга қуйиб чиқадиган машина).

РАЗЛИ́ВЩИК *м махс.* қуювчи, қуйиб чиқувчи (мас., винони шишаларга, эритилган металлни қолипларга).

РАЗЛИЗА́ТЬ *сов. с. т.* ялаб суркатмоқ, ҳамаёғига суркаб ташламоқ.

РАЗЛИ́ЗЫВАТЬ *несов.* қ. разлиза́ть.

РАЗЛИНЕВА́ТЬ = **разлинова́ть** (қ.).

РАЗЛИНЁВКА = **разлино́вка** (қ.).

РАЗЛИНЁВЫВАТЬ = разлино́вывать (*к.*).

РАЗЛИНЁВЫВАТЬСЯ = разлино́вываться (*к.*).

РАЗЛИНОВА́ТЬ *сов.* чизмоқ, чизиқ тортмоқ, чизиб чиқмоқ; разлинова́ть лист бума́ги бир варақ қоғозни чизиқлаб чиқмоқ; разлинова́ть тетра́дь дафтарни чизиб чиқмоқ.

РАЗЛИНО́ВКА *ж махс.* 1. *только ед.* чизиш, чизиқ тортиш, чизиб чиқиш; 2. чизиқ, чизиқлар (мас., дафтарнинг катак-катак, йўл-йўл ва ҳ. к. чизиқлари).

РАЗЛИНО́ВЫВАТЬ *несов. к.* разлинова́ть.

РАЗЛИНО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* чизилмоқ, чизиқ тортилмоқ, чизиб чиқилмоқ.

РАЗЛИПА́ТЬСЯ *несов. с. т. к.* разли́пнуться.

РАЗЛИ́ПНУТЬСЯ *сов. с. т.* кўчмоқ, кўчиб чиқмоқ, кўчиб кетмоқ, кўчиб тушмоқ, ажралмоқ.

разли́пся, разли́плась *прош. от* разли́пнуться (*к.*).

РАЗЛИ́ТИЕ *ср мн. нет* 1. қуйиш, қуйиб қўйиш; 2. тўкиш, тўкиб юбориш; 3. тошиш, тошиб кетиш; тошқин; разли́тие реки́ дар'ё тошқини; 4. тарқалиш, ёйилиш; разли́тие же́лчи (*мед.*) ўтнинг баданга (организмга) тарқалиши.

РАЗЛИ́ТЬ *сов.* 1. қуймоқ, қуйиб қўймоқ, қуйиб чиқмоқ; разли́ть черни́ла по черни́льницам сиёҳдонларга сиёҳ қуйиб чиқмоқ; 2. тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; разли́ть чай на ска́терть дастурхонга чой тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; 3. ‖ чочмоқ, ёймоқ, тарқатмоқ; по лицу́ разли́та улы́бка юзларида табассум жилва қилади; 4. ‖ *эск.* кўрсатмоқ, билдирмоқ; разли́ть ми́лости раҳмдиллик кўрсатмоқ; хотамлик қилмоқ; ◇ *водо́й не разли́ть* (*с. т.*) орасидан қил ўтмайди (қалин дўстлар ҳақида); их водо́й не разольёть уларнинг орасидан қил ўтмайди.

РАЗЛИ́ТЬСЯ *сов.* 1. тўкилмоқ, тўкилиб кетмоқ; вино́ разли́лось по столу́ столга вино тўкилиб кетди; 2. қуйилмоқ; 3. тошмоқ; река́ весно́й широко́ разли́лась баҳорда дар'ё жуда тошиб кетди; 4. ‖ тарқалмоқ, ёйилмоқ; по лицу́ его́ разли́лась улы́бка табассумдан юзи гул-гул очилиб кетди.

РАЗЛИЧА́ТЬ *несов. к.* различи́ть.

РАЗЛИЧА́ТЬСЯ *несов.* 1. ажралиб турмоқ, фарқ қилмоқ; различа́ться объёмом ҳажми жиҳатидан фарқ қилмоқ; различа́ться по цве́ту рангидан фарқ қилмоқ; 2. *страд. от* различа́ть (*к.*).

РАЗЛИ́ЧИЕ *ср* айирма, фарқ, тафовут, ўзгалик, ҳархиллик; фарқ (тафовут) қилиш; разли́чия во взгля́дах фикрдаги (қарашлардаги) ҳархилликлар; разли́чия одного́ языка́ от друго́го бир тилнинг иккинчи тилдан фарқлари; относи́ться ко всем без разли́чия ҳаммага бефарқ (баравар, бирхилда) қарамоқ; ◇ *зна́ки разли́чия* (*расм.*) даража белгилари (мас., ҳарбийларда).

РАЗЛИЧИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое фарқни (фарқ борлигини) кўрсатадиган; различи́тельные при́знаки фарқларни кўрсатадиган белгилар.

РАЗЛИЧИ́ТЬ *сов.* 1. танимоқ, ажратмоқ, таниб олмоқ; различи́ть что-н. в темноте́ бирор нарсани қоронғида ҳам ажратмоқ, ажратаолмоқ; 2. ‖ ажратмоқ, айирмоқ, фарқига етмоқ, фарқ қилмоқ; различи́ть сорт ча́я чой нав'ларининг фарқига бормоқ, чой нав'ларини фарқ қилмоқ.

РАЗЛИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. ҳархил, турли, бир-биридан фарқ қиладиган; у них разли́чные вку́сы уларнинг дидлари ҳархил; 2. турли, турли-туман; хилма-хил, ҳархил; по разли́чным соображе́ниям ҳартурли мулоҳазаларга бориб; стро́ить разли́чные пла́ны ҳархил режа қурмоқ; в магази́не есть разли́чные кни́ги магазинда хилма-хил китоблар бор.

РАЗЛОЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. разложи́ть II фе'лининг ҳаракат номи; разложе́ние воды́ на водоро́д и кислоро́д сувнинг водород билан кислородга ажралиши; разложе́ние числа́ на мно́жители (*мат.*) сонни кўпайтучиларга ажратиш; 2. чириш, ириш, айниш, сасиш; разложе́ние тру́па ўлик (жасад) нинг ириши; 3. ‖ бузилиш, айниш; моральное раз-

ложе́ние ахлоқий (ма'навий) бузилиш; **разложе́ние капитали́зма** капитализмнинг чириши.

РАЗЛОЖИ́ВШИЙСЯ, -аяся, -ееся 1. **разложи́ться** II фе'лнинг сифатдоши; 2. чириган, ириган; сасиган; 3. ‖ бузилган, ёмон йўлга кирган, ахлоқсиз; ма'навий жиҳатдан бузилган.

РАЗЛОЖИ́МОСТЬ *ж мн. нет* ажралиш (ёйилиш) қобилияти; **разложи́мость вещества́** модданинг таркибий қисмларга ажралиш қобилияти.

РАЗЛОЖИ́МЫЙ, -ая, -ое *махс.* 1. *мат.* ажраладиган, ёйиладиган, ажратиб (ёйиб) бўладиган; **разложи́мое число́** кўпайтучиларга ажраладиган сон; 2. *хим.* ажраладиган, таркибий қисмларга ажратиб бўладиган; **вода́—разложи́мое вещество́** сув таркибий элементларга ажраладиган модда.

РАЗЛОЖИ́ТЬ I *сов.* 1. термоқ, тизмоқ, тахламоқ; териб (тахлаб, тизиб) қўймоқ, ёйиб қўймоқ; **разложи́ть вёщи** нарсаларни териб (ёйиб) қўймоқ; **разложи́ть кни́ги на столе́** китобларни столга териб (ёйиб) қўймоқ; **разложи́ть инструме́нты** асбобларни териб (ёйиб) қўймоқ; **разложи́ть ка́рты** карталарни ёйиб қўймоқ; 2. очмоқ, ёймоқ, ёзмоқ; солмоқ; **разложи́ть ковёр** гилам солмоқ, гилам ёзмоқ; 3. ‖ тақсимламоқ, бўлиб чиқмоқ, сочмоқ, ёймоқ; 4. ‖ ёқмоқ; **пионе́ры разложи́ли костёр** пионерлар гулхан ёқишди.

РАЗЛОЖИ́ТЬ II *сов.* 1. *хим.* ажратмоқ, парчаламоқ; **разложи́ть вещество́ на составны́е ча́сти** моддани таркибий қисмларга ажратмоқ; 2. *мат.* ёймоқ, ажратмоқ; **разложи́ть число́ на мно́жители** сонни кўпайтучиларга ажратмоқ (ёймоқ); 3. ‖ бузмоқ, айнитмоқ, ёмон йўлга бошламоқ; ма'навий (ахлоқий) жиҳатдан бузмоқ; **разложи́ть а́рмию врага́** душман армиясини ичдан бузмоқ.

РАЗЛОЖИ́ТЬСЯ I *сов.* 1. *с. т.* жойлашмоқ, териб қўйилмоқ; **все кни́ги разложи́лись на двух по́лках** ҳамма китоблар икки полкага жойлашди; 2. *с. т.* ёзилмоқ, очилмоқ, ечилмоқ, ёйиб (ёзиб) қўйилмоқ, ўз нарсаларини ёйиб қўймоқ; **он разложи́лся со свои́ми бума́гами на пи́сьменном столе́** у ёзув столига қоғозларини ёйиб ташлапти; 3. очилмоқ, ёзилмоқ (буклама нарсалар ҳақида); **но́вая складна́я крова́ть с трудо́м разложи́лась** янги буклама кровать зўрға ёзилди (очилди).

РАЗЛОЖИ́ТЬСЯ II *сов.* 1. *хим.* ажралмоқ; парчаланмоқ, таркибий қисмларга ажралмоқ; 2. *мат.* ажралмоқ, ёйилмоқ; **число́ разложи́лось на мно́жители** сон кўпайтучиларга ажралди; 3. чиримоқ, иримоқ, сасимоқ, айнимоқ; чириб (ириб, сасиб) кетмоқ; **труп разложи́лся** ўлик (жасад) ириб кетипти; 4. ‖ тушкунликка юз тутмоқ, ичдан бузилмоқ; **войска́ проти́вника разложи́лись** душман қўшинлари ичдан бузилди.

РАЗЛО́М *м мн. нет махс.* 1. синиш, парчаланиш; синдириш, парчалаш; 2. синиқ, ёриқ; синган (дарз кетган) жой; **ли́ния разло́ма** синган жой; 3. *махс.* синган нарса юзининг тузилиши; **мелкозерни́стый разло́м** ста́ли пўлат синиғининг дурдаланиб кўриниши.

РАЗЛОМА́ТЬ *сов.* 1. синдирмоқ, синдириб ташламоқ; **разлома́ть па́лку** ёрочни синдириб ташламоқ; 2. бузмоқ, бузиб ташламоқ.

РАЗЛОМА́ТЬСЯ *сов. с. т.* синмоқ, бузилмоқ, емирилмоқ; синиб (бузилиб) кетмоқ; **стул разлома́лся** стул синиб кетди.

РАЗЛОМИ́ТЬ *сов.* 1. ушатмоқ, синдирмоқ, майдаламоқ; **разломи́ть хлеб** нон ушатмоқ; 2. ‖ *безл. с. т.* а'зойи баданини зирқиратмоқ, тобини олмоқ; **меня́ всего́ разломи́ло** а'зойи баданим зирқираб оғриди, зирқираб кетди.

РАЗЛОМИ́ТЬСЯ *сов.* синмоқ, ушалмоқ, майдаланмоқ; **сухари́ легко́ разломи́лся** сухари салга майдаланиб кетди.

РАЗЛУ́КА *ж мн. нет* 1. айрилиқ, ҳижрон, жудолик; **жить в разлу́ке с родны́ми** қавм-қариндошлар билан айрилиқда турмоқ; 2. айрилиш; **наста́л час разлу́ки** айрилиш вақти келди.

РАЗЛУЧА́ТЬ *несов.* қ. **разлучи́ть**.

РАЗЛУЧА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **разлучи́ться**; 2. *страд. от* **разлуча́ть** (қ.).

РАЗЛУЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. бир-биридан айириш, жудо қилиш; 2. *эск.* = **разлу́ка** (*қ.*).

РАЗЛУЧИ́ТЬ *сов.* бир-биридан айирмоқ, жудо қилмоқ.

РАЗЛУЧИ́ТЬСЯ *сов.* айрилмоқ, жудо бўлмоқ; **разлучи́ться надо́лго** узоқ вақтга айрилмоқ.

РАЗЛУ́ЧНИК *м с. т. фольк.* орани бузган (орага чўп солган) одам; икки ёрни бир-биридан жудо қилган одам.

РАЗЛУ́ЧНИЦА *ж қ.* **разлу́чник.**

РАЗЛЮБИ́ТЬ *сов.* кўнгил қолмоқ, кўнгил совумоқ, ишқи сўнмоқ.

разля́гусь, разля́жешься *буд. от* **разле́чься** (*қ.*).

РАЗМАГНИ́ТИТЬ *сов.* 1. *махс.* магнитсизлантирмоқ; магнит хоссаларини йўқ қилмоқ; **размагни́тить сталь** пўлатни магнитсизлантирмоқ; 2. ‖ *с. т. манф.* ғайратини сўндирмоқ, ҳафсаласини пир қилмоқ, бўшаштириб қўймоқ.

РАЗМАГНИ́ТИТЬСЯ *сов.* 1. магнитсизланмоқ, магнит хоссаларини йўқотмоқ; **стре́лка ко́мпаса размагни́тилась** компас стрелкаси магнитсизланиб қолган; 2. *с. т. манф.* ғайрати сўнмоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ, бўшашмоқ.

РАЗМАГНИ́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1. магнитсизлантирилган; магнитсизланиб қолган, магнит хоссаларини йўқотган; 2. ‖ *с. т. манф.* ғайрати сўнган, ҳафсаласи пир бўлган, бўшашган.

РАЗМАГНИ́ЧИВАТЬ *несов. қ.* **размагни́тить.**

размагни́чу, размагни́тишь *буд. от* **размагни́тить** (*қ.*).

разма́жу, разма́жешь *буд. от* **разма́зать** (*қ.*).

РАЗМА́ЗАТЬ *сов.* 1. суркамоқ, чапламоқ, беламоқ; суркаб чаплаб ташламоқ; **разма́зать грязь по лицу́** юзига лой суркаб ташламоқ; 2. ‖ *с. т.* бўлар-бўлмас қилиб бўямоқ, бўяб ташламоқ; 3. ‖ *с. т. манф.* чўзиб юбормоқ, эзмоқ, ипкир-чипкиригача гапирмоқ.

РАЗМА́ЗАТЬСЯ *сов.* суркалмоқ, суркалиб кетмоқ, ҳамма ёғини босмоқ.

РАЗМАЗНЯ́ *с. т.* 1. *ж* бўтка, атала; 2. ‖ *м и ж* ланж одам, мужмал (мижғоз) одам.

РАЗМА́ЗЫВАТЬ *несов. қ.* **разма́зать.**

РАЗМА́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **разма́заться**; 2. *страд. от* **разма́зывать** (*қ.*).

РАЗМАЛЕВА́ТЬ *сов. с. т. манф.* расво, пала-партиш қилиб бўямоқ, бўяб ташламоқ; размалева́ть сте́ны деворларни пала-партиш қилиб бўямоқ.

РАЗМАЛЁВЫВАТЬ *несов. қ.* **размалева́ть.**

РАЗМА́ЛЫВАТЬ *несов қ.* **размоло́ть.**

РАЗМА́ЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **размоло́ться**; 2. *страд. от* **разма́лывать** (*қ.*).

РАЗМА́РИВАТЬ *несов. қ.* **размори́ть.**

РАЗМА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **размори́ться**; 2. *страд. от* **разма́ривать** (*қ.*).

РАЗМА́ТЫВАТЬ *несов. қ.* **размота́ть.**

РАЗМА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **размота́ться**; 2. *страд. от* **разма́тывать** (*қ.*).

РАЗМА́Х *м мн. нет* 1. учиш, қулоч ёйиш, қанот қоқиш, бориб-келиш, юриш; айлантириш, силкитиш, қилпиратиш; зарб, залвар, салмоқ; қулоч, силтов; **уда́рить с разма́ху** қулочкашлаб урмоқ; **уда́риться со всего́ разма́ху** зарб билан урилмоқ, упаст с размаху залвар билан йиқилмоқ; **бро́сить с разма́ху** айлантириб туриб отмоқ; 2. тебраниш кенглиги, амплитудаси; **разма́х колеба́ний ма́ятника** маятник тебранишининг кенглиги, амплитудаси; 3. ёзилган қўллар (қанот учлари) ўртасидаги кенглик, масофа; **разма́х кры́льев (самолёта)** *ав.* самолёт қанотларининг кенглиги; 4. ‖ фаолият доирасининг кўлами; ғайрат (жасорат) даражаси; миқёс, кўлам; кенг ёйилиш, кенг қулоч (қанот) ёзиш; **ру́сский революцио́нный разма́х** рус революцион ғайрат-шижоати; **разма́х революцио́нного движе́ния** революцион ҳаракат кўлами; революцион ҳаракатнинг кенг

қулоч ёйиши; де́ло прия́няло широ́кий разма́х иш кенг тус олди; широ́кий разма́х социалисти́ческого соревнова́ния социалистик мусобақанинг кенг кўламда ёйилиши, кенг қулоч ёйиши.

РАЗМАХА́ТЬСЯ *сов. с. т.* айлантиравермоқ, силтайвермоқ, силкитавермоқ, ўйнатавермоқ; ҳадеб айлантирмоқ, силтамоқ, силкитмоқ, ўйнатмоқ.

РАЗМА́ХИВАТЬ *несов.* силтамоқ, силкимоқ, силкитмоқ, айлантирмоқ, ўйнатмоқ, учирмоқ; **размáхивать рукáми при ходьбé** қўл силкиб юрмоқ.

РАЗМА́ХИВАТЬСЯ *несов. қ.* размахну́ться.

РАЗМАХНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. қулочкашламоқ, қулоч отмоқ, айлантирмоқ; **дискобо́л размахну́лся и метну́л диск** диск отучи дискни қулочкашлаб (айлантириб туриб) иргитди; 2. ‖ с. *т. манф.* катта олмоқ, катта кетмоқ, ишни катта қилиб юбормоқ, ошириб юбормоқ.

РАЗМА́ЧИВАТЬ *несов. қ.* размочи́ть.

РАЗМА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* размочи́ться; 2. *страд. от* размáчивать *(қ.)*.

РАЗМАЧТОВА́ТЬ *сов. денг.* кеманинг мачталарини туширмоқ, олиб ташламоқ.

РАЗМАЧТО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* размачтова́ть.

РАЗМА́ШИСТЫЙ, -ая, -ое 1. кенг, очиқ, жуда катта, қулочкашлаб (катта қадамлар қўйиб) қилинган; **размáшистый шаг** катта-катта қадам; 2. ‖ кенг (очиқ-очиқ) ёзилган, ораси очиқ; **размáшистый по́черк** очиқ-очиқ ёзилган хат; 3. ‖ кенг, бемалол, бамайлихотир; гарра-шарра, беандаза; **размáшистое гостеприи́мство** беандаза меҳмондўстлик қилиш, гарра-шарра меҳмондўстлик.

размашу́сь, размáшешься *буд. от* размахáться *(қ.)*.

РАЗМЕЖЕВА́НИЕ *ср мн. нет* 1. *махс.* чегаралаш, чегарани аниқлаш; марза тортиш; чегараланиш; 2. ‖ ажралиб чиқиш, ажралиб кетиш; **идéйное размежева́ние** ғоявий жиҳатдан ажралиб кетиш.

РАЗМЕЖЕВА́ТЬ *сов.* 1. *махс.* чегараламоқ, чегарани аниқламоқ, марза тортмоқ; **размежева́ть зе́мли колхо́зов** колхозларнинг ерларини чегаралаб бермоқ; 2. ‖ чегаралаб (муайян қилиб) қўймоқ, ажратиб (белгилаб) олмоқ; **размежева́ть сфе́ры дея́тельности** иш доирасини белгилаб (чегаралаб) олмоқ.

РАЗМЕЖЕВА́ТЬСЯ *сов.* 1. чегараланмоқ, ўртадаги чегарани аниқлаб олмоқ, марза тортиб (чегараларни аниқлаб) ажралишмоқ; 2. ‖ ўзаро чегаралаб (белгилаб) олмоқ, муайян қилиб олмоқ; 3. ‖ ғоявий жиҳатдан ажралишмоқ, ажралишиб кетмоқ, четлашмоқ.

РАЗМЕЖЁВКА *ж мн. нет с. т.* = размежева́ние *(қ.)*.

РАЗМЕЖЁВЫВАТЬ *несов. қ.* размежева́ть.

РАЗМЕЖЁВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* размежева́ться; 2. *страд. от* размежёвывать *(қ.)*.

размёл, размела́ *прош. от* размести́ *(қ.)*.

РАЗМЕЛЬЧА́ТЬ *несов. қ.* размельчи́ть.

РАЗМЕЛЬЧА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* размельчи́ться; 2. майдаланмоқ, ушатилмоқ, талқон қилинмоқ.

РАЗМЕЛЬЧИ́ТЬ *сов.* майдаламоқ, увоқламоқ, ушатмоқ, талқон (кукун) қилмоқ; **размельчи́ть пшено́ на толокно́** сўк талқон қилмоқ.

РАЗМЕЛЬЧИ́ТЬСЯ *сов.* майдаланмоқ, увоқланмоқ, кукун (талқон) бўлмоқ.

размелю́, разме́лешь *буд. от* размоло́ть *(қ.)*.

РАЗМЁН *м мн. нет* 1. майдалаш, ушатиш; **размён кру́пных де́нег** йирик пулни майдалаш; 2. айирбошлаш, алмашиш, алиштириб олиш; **размён фигу́р в ша́хматной игре́** шахмат ўйинида доналарни айирбошлаш.

РАЗМЕ́НИВАТЬ *несов. қ.* разменя́ть.

РАЗМЕ́НИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* разменя́ться; 2. *страд. от* разме́нивать *(қ.)*.

РАЗМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое майда; раз-

ме́нная моне́та танга-чақа; разме́нные де́ньги майда пул.

РАЗМЕНЯ́ТЬ *сов.* 1. майдаламоқ, ушатмоқ, майдалаб (ушатиб) олмоқ, майдалаб (ушатиб) бермоқ; разменя́ть де́ньги пул майдаламоқ; 2. ‖ *с.т. манф.* бачканалаштирмоқ; майда-чуйдага айланишиб (мас., меҳнатни, вақтни, умрни ва ҳ. к. ни) бекор кеткизмоқ, майда-чуйдага алмаштирмоқ.

РАЗМЕНЯ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. алишмоқ, алишишмоқ, алиштирмоқ, айирбошламоқ; **разменя́ться уда́рами** *(спорт.)* бир-бирини уришмоқ; **разменя́ться пе́шками** *(спорт.)* пиёдаларни айирбошламоқ (шахмат ўйинида); 2. *манф.* бекор кеткизмоқ, бекорга сарф қилмоқ (мас., меҳнатни, вақтни, умрни ва ҳ. к. ни); майда-чуйдага берилиб кетмоқ, арзимаган (бўлмаган) ишларга уринмоқ; **разменя́ться на ме́лочи** арзимаган ишга уринмоқ, бўлмағур (майда-чуйда) ишларга овора бўлмоқ.

РАЗМЕ́Р *м* 1. катталик, каттакичиклик, ўлчам; **разме́р ковра́** гиламнинг катталиги, ўлчами; **ко́мната сре́дних разме́ров** ўртача катталикдаги уй; 2. миқдор; **разме́р зарпла́ты** ишҳақи миқдори; 3. миқдор, ме'ёр, чама; **удержа́ть в по́лном разме́ре** тўлиқ миқдорда ушлаб (чегириб) қолмоқ; **в десятикра́тном разме́ре** ўн ҳисса қилиб, ўн бош; ўн баравар; 4. ўлчов, размер; **разме́р** ботинок ботинканинг размери; 5. миқ'ёс, даража, кўлам; **в широ́ких разме́рах** кенг миқ'ёсда; **приня́ть небыва́лые разме́ры** мисли кўрилмаган даражада кенгаймоқ, авж олмоқ; 6. *ад.* вазн, ўлчов; 7. *муз.* размер (музика асарида ритм бирликларининг миқдори ва жойлашуви).

РАЗМЕ́РЕННО *нареч.* бир текисда, бир ўлчовда, бир вазнда; бир маромда; салмоқлаб; **говори́ть разме́ренно** бир маромда гапирмоқ.

РАЗМЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое 1. разме́рить фе'лининг сифатдоши; 2. бир текис, бир ўлчовдаги, бир вазндаги, бир маромдаги; салмоқли; **разме́ренная похо́дка** бир маромда юриш.

РАЗМЕ́РИТЬ *сов.* 1. ўлчамоқ, ўлчаб қўймоқ; разме́рить ме́сто для постро́йки до́ма уй қуриладиган жойни ўлчаб чиқмоқ; 2. ‖ аниқламоқ, чамаламоқ, билмоқ; разме́рить свои́ си́лы ўз кучини чамаламоқ; разме́рить си́лу уда́ра зарба кучини аниқламоқ.

РАЗМЕ́РНЫЙ, -ая, -ое 1. = разме́ренный *(к.)*; 2. *махс.* размерга оид, размерни кўрсатадиган.

РАЗМЕРЯ́ТЬ *несов. к.* разме́рить.

РАЗМЕСИ́ТЬ *сов.* қормоқ, қоришгирмоқ, аралаштирмоқ, пишитмоқ; **размеси́ть гли́ну** лой қормоқ, лой пишитмоқ.

РАЗМЕСИ́ТЬСЯ *сов.* қоришмоқ, қорилмоқ, пишимоқ.

РАЗМЕСТИ́ *сов.* супурмоқ, супуриб қўймоқ, супуриб ташламоқ; **размести́ доро́жку** йўлкани супуриб қўймоқ; **размести́ снег с доро́ги** йўлнинг қорини супуриб ташламоқ.

РАЗМЕСТИ́ТЬ *сов.* 1. жойламоқ, жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ; сиғдирмоқ; **размести́ть кни́ги на по́лках** китобларни полкаларга жойламоқ; **размести́ть уча́щихся по кла́ссам** ўқувчи болаларни синфларга жойлаштирмоқ; 2. тарқатмоқ, тақсимламоқ; **размести́ть заём** заём тарқатмоқ.

РАЗМЕСТИ́ТЬСЯ *сов.* жойлашмоқ, ўрнашмоқ, сиғмоқ; сиғишмоқ; **тури́сты размести́лись по пала́ткам** туристлар палаткаларга жойлашишди; **все размести́лись за столо́м** ҳамма стол атрофига жойлашди.

РАЗМЁТ *м махс.* ҳайвонлар оёқ қўйишининг кенг-торлиги; **широ́кий размёт ног у карабаи́ра** қорабайирнинг оёқларини кенг қўйиши.

РАЗМЕТА́ТЬ I *несов. к.* размести́.

РАЗМЕТА́ТЬ II *сов.* чочмоқ, тўзитмоқ, ёймоқ, чочиб (ёйиб) ташламоқ; чочиб (ёйиб) қўймоқ; тўзитиб юбормоқ; ве́тер размета́л стог се́на шамол пичан гарамини чочиб юборди; размета́ть соло́му для просу́шки похолни қуритиш учун ёйиб қўймоқ.

РАЗМЕТА́ТЬСЯ I *несов.* супуридимоқ, супуриб қўйилмоқ, супуриб ташланмоқ.

РАЗМЕТА́ТЬСЯ II *сов.* 1. *с. т.* бетоқат (безовта) бўлабошламоқ; ўзини уёқ-буёққа урмоқ, тўлғанмоқ; **разметáться во сне** уйқуда бетоқат бўлабошламоқ; **разметáться в бреду́** алаҳлаб ўзини уёқ-буёққа ташламоқ; 2. ялпайиб (яслаииб) ётмоқ, қўл-оёқларини чўзиб ётмоқ; **разметáться в постéли** ўринда ясланиб ётмоқ.

РАЗМЕ́ТИТЬ *сов.* разметка қилмоқ, белги қўйиб чиқмоқ; **для набóра размéтить шри́фты в ру́кописи** қўл ёзмани наборга тушириш учун разметка қилмоқ (қайси ҳарфдан терилиши кераклигини белгилаб чиқмоқ).

РАЗМЕ́ТКА *ж* 1. *только ед.* разметка, белги қўйиб чиқиш; 2. *только ед. тех.* разметка (чертёжга қараб ишланадиган нарса устига режа тортиш, белги солиш); 3. белги, ишора, режа; 4. *полигр.* разметка (наборнинг саҳифаларга қандай жойлаштирилиши кўрсатилган варақ, нусха); **верстáть по размéтке** наборни разметкага мувофиқ саҳифаламоқ.

размету́, разметёшь *буд. от* **размести́** (*қ.*).

РАЗМЕ́ТЧИК *м махс.* разметкачи, разметка қилучи.

РАЗМЕ́ТЧИЦА *ж қ.* **размéтчик.**

РАЗМЕЧА́ТЬ *несов. қ.* **размéтить.**

РАЗМЕЧА́ТЬСЯ *несов.* разметка қилинмоқ, белгилар қўйиб чиқилмоқ.

РАЗМЕЧТА́ТЬСЯ *сов. с. т.* хаёл сурмоқ, ўйга ботмоқ, хаёлга чўммоқ.

размéчу, размéтишь *буд. от* **размéтить** (*қ.*).

размечу́, размéчешь *буд. от* **разметáть** II (*қ.*).

РАЗМЕША́ТЬ *сов.* аралаштирмоқ, қоришгирмоқ; аралаштириб эритмоқ; **размешáть сáхар в чаю́** чойга қанд солиб аралаштирмоқ.

РАЗМЕША́ТЬСЯ *сов. с. т.* аралашмоқ, қоришмоқ, эримоқ.

РАЗМЕ́ШИВАТЬ I *несов. қ.* **размеси́ть.**

РАЗМЕ́ШИВАТЬ II *несов. қ.* **размеша́ть.**

РАЗМЕ́ШИВАТЬСЯ I *несов.* 1. *қ.* **размеси́ться**; 2. *страд. от* **размéшивать** I (*қ.*).

РАЗМЕ́ШИВАТЬСЯ II *несов.* 1. *қ.* **размеша́ться**; 2. *страд. от* **размéшивать** II (*қ.*).

размешу́, размéсишь *буд. от* **размеси́ть** (*қ.*).

РАЗМЕЩА́ТЬ *несов. қ.* **размести́ть.**

РАЗМЕЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **размести́ться**; 2. *страд. от* **размещáть** (*қ.*).

РАЗМЕЩЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. **разместúть** фе'лининг ҳаракат номи; **размещéние войск по квартúрам** аскарларни квартираларга жойлаштириш; **размещéние государ́ственных за́ймов** давлат заёмларини тарқатиш; 2. жойлашув; жойлашув (жойлаштирув) тартиби; **размещéние производи́тельных сил в СССР** СССР да ишлабчиқариш кучларининг жойлашуви.

размещу́, разместúшь *буд. от* **разместúть** (*қ.*).

РАЗМИНА́ТЬ *несов. қ.* **размя́ть.**

РАЗМИНА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **размя́ться**; 2. *страд. от* **разминáть** (*қ.*).

РАЗМИНИ́РОВАТЬ *сов. ҳарб.* миналардан тозаламоқ; **сапёры разминúровали доро́ги** сапёрлар йўлларни миналардан тозаладилар.

РАЗМИНУ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. учрашмай ўтиб кетмоқ, бир-бирини кўрмай ўтиб кетмоқ; **мы с ним разминýлись** биз у билан учрашмай ўтиб кетибмиз; 2. дуч келиб ёнма-ён ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, бир-бирига йўл бериб ўтмоқ; **доро́жка у́зенькая, нельзя́ разминýться** йўл тор, йўл бериб ўтишнинг иложи йўқ.

РАЗМНОЖА́ТЬ *несов. қ.* **размно́жить.**

РАЗМНОЖА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **размно́житься**; 2. *биол.* кўпаймоқ, урчимоқ; **одноклéточные размножа́ются** делéнием бир ҳужайралилар бўлиниш йўли билан кўпаяди; 3. *страд. от* **размножáть** (*қ.*).

РАЗМНОЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. **размно́жить** фе'лининг ҳаракат номи; **размножéние ру́кописи на ма-**

ши́нке қўл'ёзмани машинкада кўпайтириш; 2. *биол.* кўпайиш, урчиш; полово́е размноже́ние жинсий кўпайиш; беспо́лое размноже́ние жинссиз кўпайиш; размноже́ние деле́ннем бўлиниш йўли билан кўпайиш; размноже́ние почкова́нием куртакланиш йўли билан кўпайиш.

РАЗМНО́ЖИТЬ *сов.* кўпайтирмоқ; урчитмоқ; **размно́жить** ру́копись қўл'ёзмани кўпайтирмоқ; размно́жить но́вые сорта́ хлопча́тника ғўзанинг янги нав'ларини кўпайтирмоқ; **размно́жить кро́ликов** уй қуёнларини урчитмоқ.

РАЗМНО́ЖИТЬСЯ *сов.* кўпаймоқ, урчимоқ, болаламоқ.

РАЗМОЗЖА́ТЬ *несов. қ.* размозжи́ть.

РАЗМОЗЖИ́ТЬ *сов. с. т.* уриб ёрмоқ, сиидирмоқ, мажақ (пачоқ) қилмоқ, чил-чил (дабдала) қилмоқ, абжақ қилмоқ.

РАЗМО́ИНА *ж с. т.* сув ювиб (ўпириб) кетган жой, ўнқир-чўнқир.

РАЗМОКА́ТЬ *несов. қ.* размо́кнуть.

РАЗМО́КНУТЬ *сов.* бўкмоқ, ивиб (нам тортиб) шишмоқ, қаппаймоқ; сухарй размо́кли в воде́ сухари сувда бўкди.

РАЗМОКРОПОГО́ДИТЬ: размокропого́дило (*с. т. безл.*) ёнгингарчилик (намгарчилик) бошланди.

РАЗМОКРОПОГО́ДИТЬСЯ: размокропого́дилось (*с. т. безл.*) ёнгингарчилик (намгарчилик) бошланди.

РАЗМО́Л *м мн. нет* 1. размоло́ть фе'лининг ҳаракат номи; 2. *махс.* тортилган унинг йирик-майдалиги; мука́ кру́пного размо́ла йирик тортилган ун; ме́лкий размо́л муки унни майда тортиш.

РАЗМОЛА́ЧИВАТЬ *несов.* қ. размолоти́ть.

РАЗМОЛА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* размолоти́ться; 2. *страд. от* размола́чивать (*қ.*).

РАЗМО́ЛВКА *ж* орадан сўз қочиш, бироз айтишиб қолиш, андак араз, гина; ме́жду ни́ми вы́шла размо́лвка улар бироз айтишиб қолишди.

РАЗМОЛОТИ́ТЬ *сов.* ғаллани янчиб (майдалаб) юбормоқ (хирмонда).

РАЗМОЛОТИ́ТЬСЯ *сов.* янчилиб (майдаланиб) кетмоқ (хирмонда).

РАЗМОЛО́ТЬ *сов.* 1. тортмоқ, ун тортмоқ, ун қилмоқ; размоло́ть зерно́ на ме́льнице тегирмонда ун тортмоқ; 2. талқон қилмоқ, туймоқ.

РАЗМОЛО́ТЬСЯ *сов* 1. тортилмоқ, ун бўлмоқ; 2. талқон бўлмоқ; туйилмоқ; пшени́ца размоло́лась буғдой тортилиб бўлди; 2. ейилиб кетмоқ, сийқаланиб кетмоқ (мас., тегирмон тоши).

размолочу́, размоло́тишь *буд. от* размоти́ть (*қ.*).

РАЗМОРИ́ТЬ *сов. с. т.* лоҳас қилмоқ, ҳолдан кеткизмоқ, мазасини (тобини) қочирмоқ; духота́ меня́ размори́ла ҳавонинг димлиги мазамни қочирди; нас размори́ло на со́лнце офтобда тобимиз қочди.

РАЗМОРИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* лоҳас бўлмоқ, ҳолдан тоймоқ, мазаси (тоби) қочмоқ.

РАЗМОТА́ТЬ *сов.* 1. ечмоқ, ёзмоқ, чуватмоқ; тортмоқ; размота́ть ше́лк (с ко́конов) пилла (ипак) тортмоқ; размота́ть руло́н бума́ги ўралган қоғозни (рулонни) ёзмоқ; 2. ечмоқ, ёзмоқ, чигални ечиб (ёзиб) қўймоқ, чигални ечиб (ёзиб) юбормоқ.

РАЗМОТА́ТЬСЯ *сов.* чувалмоқ, ечилмоқ, ёзилмоқ, чувалиб (ёзилиб) кетмоқ.

РАЗМО́ТКА *ж мн. нет* ечиш, ёзиш, чуватиш; тортиш; размо́тка ко́конов ипак (пилла) тортиш.

РАЗМО́ТЧИК *м махс.* ечувчи, чуватувчи; тортувчи; размо́тчик ко́конов *қ.* кокономазмо́тчик.

РАЗМО́ТЧИЦА *ж қ.* размо́тчик; размо́тчица ко́конов *қ.* кокономазмо́тчица.

РАЗМОЧА́ЛИВАТЬ *несов. қ.* размоча́лить.

РАЗМОЧА́ЛИТЬ *сов. махс.* титмоқ, савамоқ, титиб (саваб) тола-тола қилмоқ.

РАЗМОЧА́ЛИТЬСЯ *сов. махс.* титилмоқ, тола-тола бўлмоқ.

РАЗМОЧИ́ТЬ *сов.* ивитмоқ, бўк-

тирмоқ, ҳўл (нам, шилта) қилмоқ, мағзига (нам) сингмоқ, ўтмоқ; дождь размочи́л зе́млю ёмғир ерни пилчиллатиб юборди, ерининг мағзига ўтди; размочи́ть сухари́ сухарини ивитмоқ.

РАЗМОЧИ́ТЬСЯ *сов.* ивимоқ, бўкмоқ, нам тортмоқ, шилта бўлмоқ, ивиб (нам тортиб билқиллаб, пилчиллаб) қолмоқ, мағзига нам ўтмоқ.

размо́ю, разме́ешь *буд. от* размы́ть (қ.).

РАСПУСТИ́ТЬ *сов.* 1. озод қилмоқ, жавоб бериб юбормоқ, уй-уйига тарқатмоқ, тарқатиб юбормоқ; **учеников распусти́ли на каникулы** ўқувчиларга каникул беришди; 2. тарқатмоқ, тарқатиб юбормоқ; **распусти́ть коми́ссию** комиссияни тарқатиб юбормоқ; 3. ‖ интизомсиз қилиб қўймоқ, бебош қилиб қўймоқ; интизомни бўшаштириб (суст қилиб) юбормоқ; распусти́ть ребёнка болани бебош қилиб юбормоқ; 4. ёймоқ, ёзмоқ, очмоқ; ейиб (ёзиб, очиб) юбормоқ; ёзиб (ейиб) очиб қўймоқ; распусти́ть фла́ги байроқларни ёзмоқ; распусти́ть паруса́ елканларни ёзмоқ, ёзиб юбормоқ; **орёл распусти́л** кры́лья бургут қанот ёзди; 5. ёзмоқ, бўшатмоқ, бўш қўйиб юбормоқ, кенгайтирмоқ, узайтирмоқ; **ездо́к распусти́л** во́жжи, и ло́шади понесли́ аравакаш жиловни бўш қўйган эди, отлар олиб қочди; распусти́ть по́яс камарни бўшатмоқ, белбоғни узайтирмоқ; 6. ечмоқ, ёзмоқ; распусти́ть во́лосы соч ёймоқ; распусти́ть ко́су кокилни (сочни) ечмоқ; 7. ечмоқ, чуватмоқ; распусти́ть вя́заный шарф тўқилган шарфни чуватиб ип қилмоқ; 8. эритмоқ; распусти́ть са́хар в чаю шакарни чойда эритмоқ; 9. ‖ тарқатмоқ, ёймоқ, овоза қилмоқ, ҳаммага ган қилиб юбормоқ; распусти́ть слух овоза тарқатмоқ; 10. ‖ *с.т. манф.* оқизмоқ; распусти́ть слю́ни сўлак оқизмоқ; распусти́ть слёзы кўзёши қилмоқ, кўзёши оқизмоқ; ◊ *распусти́ть нюни (с.т.) қ.* нюни; *распусти́ть не́рвы (с.т.)* продасини йўқотмоқ; ўзини тутабилмай қолмоқ.

РАСПУСТИ́ТЬСЯ *сов.* 1. очилмоқ, барг, куртак ёзмоқ; **на дере́вьях распусти́лись по́чки** дарахтлар куртак ёзипти; **распусти́лись ро́зы** атиргуллар очилди; 2. ечилиб кетмоқ, очилиб кетмоқ; **по́яс распусти́лся** камар (белбоғ) ечилиб кетди; 3. ёзилмоқ, ёйилмоқ; **коса́ распусти́лась** соч ёйилиб (ечилиб) кетди; 4. эримоқ; са́хар распусти́лся в

воде́ қанд сувда эриб кетди; 5. ‖ интизомсиз бўлиб кетмоқ, бебош бўлиб кетмоқ; интизоми бўшашиб (сусайиб) кетмоқ; **де́ти распусти́лись без присмо́тра** болалар қаровсиз қолиб, бебош бўлиб кетипти; ◊ ***не́рвы распусти́лись*** *(с. т.)* иродасиз бўлиб қолди (қолдим, қолдинг), ўзини тутаолмайдиган бўлиб қолди (қолдим, қолдинг).

РАСПУ́ТАТЬ *сов.* 1. ечмоқ, ёзмоқ, чигалини ечмоқ; **распу́тать верёвку** арқоннинг чигалини ечмоқ, арқонни ёзмоқ; 2. тушовини ечмоқ, тушовини ечиб бўшатмоқ, бўшатиб юбормоқ; **распу́тать коня́** отнинг тушовини ечмоқ; 3. ‖ ечмоқ, ойдинлаштирмоқ, равшанлаштирмоқ; **распу́тать** тёмное де́ло чигал ишни ойдинлаштирмоқ.

РАСПУ́ТАТЬСЯ *сов.* 1. чигали ечилмоқ, ёзилмоқ; **верёвка распу́талась** арқоннинг чигали ечилди, арқон ёзилди; 2. тушови ечилмоқ; тушови ечилиб кетиб бўшамоқ; **ло́шадь распу́талась** отнинг тушови ечилиб кетди; 3. ‖ *с. т.* ойдинлашмоқ, аниқлашмоқ, равшан бўлмоқ; **де́ло распу́талось** иш ойдинлашди; 4. ‖ *с. т.* қутулмоқ, халос бўлмоқ, мушкули осон бўлмоқ; **он, наконе́ц, распу́тался с долга́ми** ахир у қарзларидан узилди (қутулди).

РАСПУ́ТИЦА *ж мн. нет* лойгарчилик; **вы́везти зерно́ до распу́тицы** ғаллани лойгарчилик бошланмасдан ташиб олмоқ.

РАСПУ́ТНИК *м* бузуқ одам, ахлоқсиз (ёмон йўлга кирган, фаҳшга берилган) одам, суюқоёқ, саёқ одам.

РАСПУ́ТНИЦА *ж қ.* распу́тник.

РАСПУ́ТНИЧАТЬ *несов.* ёмон (саёқ) юрмоқ, ахлоқсизлик қилмоқ, фаҳшга берилмоқ.

РАСПУ́ТНЫЙ, -ая, -ое бузуқ, бадахлоқ, саёқ, суюқоёқ, ёмон йўлга кирган.

РАСПУ́ТСТВО *ср мн. нет* бузуқлик, ахлоқсизлик, саёқлик, суюқоёқлик, ахлоқи бузуқлик, ёмон йўлга кириш; фоҳишабозлик.

РАСПУ́ТЫВАТЬ *несов. қ.* распу́тать.

РАСПУ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **распу́таться; обстоя́тельства э́того де́ла постепе́нно распу́тываются** бу ишнинг тафсилоти секин-аста очилиб бормоқда; 2. *страд. от* распу́тывать *(қ.)*.

РАСПУ́ТЬЕ *ср* айриliш; чорраҳа; **недалеко́ и распу́тье** йўлнинг айрилишига ҳам яқин қолди; ◊ ***быть на распу́тье*** ора йўлда қолмоқ, нима қилишини билмай қолмоқ.

РАСПУХА́НИЕ *ср мн. нет* распуха́ть ва **распу́хнуть** фе'лининг ҳаракат номи; **распуха́ние желёз** *(мед.)* безларнинг шишиши; **не допуска́ть распуха́ния шта́тов** *(с. т.)* штатнинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик.

РАСПУХА́ТЬ *несов. қ.* распу́хнуть.

РАСПУ́ХНУТЬ *сов.* 1. шишиб кетмоқ, қаваришиб чиқмоқ; **у него́ распу́хла щека́** унинг лунжи шишиб кетипти; 2. *с. т. ҳазл.* семириб кетмоқ, ёр битиб кетмоқ; 3. ‖ *с. т.* ҳаддан ташқари катта бўлиб кетмоқ, кенгайиб кетмоқ; чўзилиб кетмоқ; **шта́ты распу́хли** штат катта бўлиб (ходимларнинг сони жуда кўпайиб) кетди.

РАСПУШИ́ТЬ *сов.* 1. ҳурпайтирмоқ, пахмайтирмоқ; саваб (титиб) момиқдек қилмоқ; **распуши́ть** шерсть юнгни саваб (титиб) момиқдек қилмоқ; **распуши́ть ва́ту** пахтани савамоқ; 2. ‖ *с. т.* хўп танбеҳ бермоқ, жуда койимоқ.

РАСПУШИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. юмшамоқ, момиқланмоқ, момиқдек бўлмоқ; **шерсть хорошо́ распуши́лась** жун момиқдай бўлди; 2. ҳурпаймоқ; **индю́к распуши́лся** курка ҳурпайди.

РАСПУ́ЩЕННОСТЬ *ж мн. нет* 1. интизомсизлик, тартибсизлик, бебошлик; 2. аҳлоқсизлик, бузуқлик.

РАСПУ́ЩЕННЫЙ, -ая, -ое 1. распусти́ть фе'лининг сифатдоши; 2. ёйилган, ёзилган, очилган; паришон; **колыха́лись на ветру́ распу́щенные фла́ги** ёйилган байроқлар шамолда ҳилпиллар эди; **распу́щенные во́лосы** ёйилган сочлар, паришон сочлар; 3. ‖ тартибсиз, интизомсиз, бебош; **распу́щенные де́ти** бебош болалар; 4. ахлоқсиз, бузуқ.

распущу́, распу́стишь *буд. от* **распусти́ть** (*қ.*).

РАСПЫЛА́ТЬСЯ *сов.* 1. гуруллаб ёнмоқ, ловуллаб ёнмоқ; алангаланиб кетмоқ; гуруллаб (ловуллаб) ёниб кетмоқ; алангаси осмонга чиқмоқ; **костёр распыла́лся** гулхан гуруллаб ёниб кетди; 2. қизармоқ, қипқизариб кетмоқ; **его́ щёки распыла́лись** унинг юзлари қипқизариб кетди; 3. ‖ тутақиб (қизишиб) кетмоқ, фиғон бўлмоқ, фиғони фалакка ошмоқ; ўтни олиб қамишга киримоқ; **распыла́ться гне́вом** қаттиқ газабланиб тутақиб кетмоқ.

РАСПЫЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. *тех.* кукунлаш; кукунланиш, майда заррачаларга айланиш (айлантириш); **распыле́ние бензи́на в цили́ндре дви́гателя** двигатель цилиндрида бензиннинг кукунланиши, майда заррачаларга айланиши; 2. ‖ тарқатиб юбориш, чочиб юбориш, тарқоқлик, чочилганлик; **распыле́ние сил** кучларни чочиб юбориш; кучларнинг тарқоқлиги.

РАСПЫЛЁННОСТЬ *ж мн. нет* 1. кукунланганлик, майда заррачаларга айланганлик; 2. ‖ тарқоқлик, чочилганлик, бўлиниб кетганлик; **распылённость ме́лких крестья́нских хозя́йств при капитали́зме** капитализм даврида майда деҳқон хўжаликларининг тарқоқлиги.

РАСПЫЛЁННЫЙ. *-зя, -ое* 1. *разг.* **распыли́ть** фе’лининг сифатдоши; 2. ‖ тарқоқ, чочилиб кетган, тарқатиб юборилган, бўлиб юборилган, бўлак-бўлак.

РАСПЫЛИ́ТЕЛЬ *м тех.* пуркагич, чанглатгич, кукунлатгич.

РАСПЫЛИ́ТЬ *сов.* 1. *махс.* кукунламоқ, майда заррачаларга айлантирмоқ; **распыли́ть кра́ску** рангни кукунлатиб сочмоқ (бўяш учун); 2. ‖ чочиб юбормоқ; тарқоқ қилиб қўймоқ, бўлиб майдалаштириб юбормоқ; **распыли́ть сре́дства** маблағни чочиб юбормоқ.

РАСПЫЛИ́ТЬСЯ *сов.* 1. кукунланмоқ, майда заррачаларга айланмоқ; 2. ‖ чочилиб кетмоқ, тарқалиб кетмоқ, ёйилиб кетмоқ, бўлак-бўлак бўлиб кетмоқ; **си́лы проти́вника распыли́лись** душман кучлари чочиниб (тўзиб) кетди; **внима́ние распыли́лось** (*с. т.*) диққат чочилди, фикр қочди.

РАСПЫЛЯ́ТЬ *несов. қ.* распыли́ть.

РАСПЫЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* распыли́ться; 2. *страд. от* распыля́ть (*қ.*).

РАСПЯ́ЛИВАТЬ *несов. қ.* распя́лить.

РАСПЯ́ЛИТЬ *сов.* чўзиб (тортиб) катта қилмоқ; **распя́лить ко́жу** терини чўзиб катта қилмоқ; **распя́лить холст на пя́льцах** бўзни ромкага тортмоқ.

РАСПЯ́ТИЕ *ср дин.* 1. *только ед.* распя́ть фе’лининг ҳаракат номи; 2. қўл-оёқлари крестга тортиб парчинланган Исо сурати солинган бут.

РАСПЯ́ТЬ *сов.* қўл-оёқларини крестга тортиб парчинлаб қўймоқ; (қалим замондаги жазо усулларидан бири).

РАССА́ДА *ж мн. нет қ. х.* кўчат; **капу́стная рассада́** карам кўчат; **цвето́чная рассада́** гул кўчат.

РАССАДИ́ТЬ *сов.* 1. ўтқизмоқ, жойлаштирмоқ; **рассади́ть госте́й** меҳмонларни ўтқизмоқ; 2. ажратиб ўтқизмоқ, бошқа-бошқа ўтқизмоқ; **рассади́ть поссо́рившихся дете́й** уришиб қолган болаларни ажратиб (бошқа-бошқа) ўтқизмоқ; 3. ўтқазмоқ; кўчат экмоқ; **рассади́ть помидо́ры** помидор кўчат ўтқазмоқ; 4. ‖ *собд.* синдирмоқ, кесиб олмоқ, яраламоқ, ёрмоқ; **рассади́ть ру́ку ножо́м** қўлни пичоқ билан кесиб олмоқ.

РАССА́ДКА *ж мн. нет* ўтқазиш, кўчат экиш; **расса́дка куство́в мали́ны** малина кўчати экиш.

РАССА́ДНИК *м* 1. кўчатзор; кўчат етиштирадиган жой; зотли моллар ёки паррандалар етиштирадиган жой; **расса́дник цвето́в** гул кўчатхона; **племенно́й расса́дник** зотли моллар етиштириб тарқатадиган хўжалик; 2. ‖ манба’, ўчоқ; бирор нарса (та’сир) тарқатадиган жой; **сва́лка отбро́сов — расса́дник зара́зы** ахлатхона—юқумли касалликлар тарқатучи манба’дир; в XIX ве́ке э́тот журна́л был рассе́дником передо-

ых идей XIX асрда бу журнал илғор идеялар манбаи эди.

РАССА́ДНЫЙ, -ая, -ое қ. *х.* рассáда *сўз. сиф.*; кўчатга (кўчат ўтказишга) оид, кўчат қилинадиган.

РАССА́ЖИВАТЬ *несов.* қ. рассади́ть.

РАССА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. рассе́ться I; 2. *страд. от* рассáживать (қ.).

рассажу́, рассáдишь *буд. от* рассади́ть (қ.).

РАССА́РИВАТЬ *несов.* қ. рассори́ть.

РАССА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *с. т.* қ. рассори́ться; 2. *страд. от* рассáривать (қ.).

РАССА́СЫВАНИЕ *ср мн. нет* қайтиш, тарқалиш; рассáсывание о́пухоли шишнинг қайтиши (тарқалиши).

РАССА́СЫВАТЬ *несов.* қ. рассоса́ть.

РАССА́СЫВАТЬСЯ *несов.* қ. рассоса́ться.

РАССВЁРЛИВАТЬ *несов* қ. рассверли́ть.

РАССВЁРЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. рассверли́ться; 2. пармаланмоқ, пармалаб катта қилинмоқ.

РАССВЕРЛИ́ТЬ *сов.* пармаламоқ, пармалаб катта қилмоқ, кенгайтирмоқ; рассверли́ть отве́рстие тешикни пармалаб кенгайтирмоқ.

РАССВЕРЛИ́ТЬСЯ *сов.* пармаланиб кенгаймоқ.

РАССВЕСТИ́ *сов. безл.* тонг отмоқ, тонг ёришмоқ; уже́ рассвело́, когда́ мы проснýлись биз уйғонганимизда тонг ёришган эди.

РАССВЕ́Т *м мн. нет* 1. тонг, тонг пайти, тонг ёришган пайт, тонготар; я встал до рассве́та мен тонг отмасдан турдим; с рассве́том мы вы́ехали тонготарда йўлга чиқдик; 2. ‖ *пик давр*; на рассве́те ю́ности йигитлик тонгида.

РАССВЕТА́ТЬ *несов. безл.* қ. рассвести́; уже́ рассвета́ло, когда́ мы тро́нулись в путь биз йўлга чиққанимизда тонг ёришабошлаган эди.

РАССВИРЕПЕ́ТЬ *сов.* газабга келмоқ, дарғазаб бўлмоқ, жуда жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ, қутурмоқ.

РАССЕ́В *м* қ. *х.* 1. *только ед.* рассева́ть фе'лининг ҳаракат номи; рассе́в табака́ тамаки уруғини чочиб сепиш; 2. машина элак, машина ғалвир.

РАССЕВА́ЛЬЩИК *м махс.* эловчи (сараловчи) ишчи.

РАССЕВА́ЛЬЩИЦА *ж* қ. рассева́льщик.

РАССЕВА́ТЬ *несов.* қ. рассе́ять 1.

РАССЕ́ВЩИК = рассева́льщик (қ.).

РАССЕ́ВЩИЦА = рассева́льщица (қ.).

РАССЕДА́ТЬСЯ *несов.* қ. рассе́сться II.

РАССЕДЛА́ТЬ *сов.* эгарини олиб қўймоқ; расседла́ть коня́ отнинг эгарини олиб қўймоқ.

РАССЕДЛА́ТЬСЯ *сов.* эгарини тушириб юбормоқ; ло́шадь расседла́лась от эгарини тушириб юборди; отнинг эгари тушиб кетди.

РАССЁДЛЫВАТЬ *несов.* қ. расседла́ть.

РАССЁДЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. расседла́ться; 2. эгари олиб қўйилмоқ.

РАССЕ́ИВАНИЕ *ср мн. нет* 1. чочилиш, тарқалиш, ёйилиш, чочиш, сепиш; рассе́ивание све́та нурнинг чочилиши; рассе́ивание зву́ков товушнинг тарқалиши; рассе́ивание семя́н уруғ сепиш; 2. *махс.* чочиш, ўқни чочиб юбориш, ўқни ғуж қилиб уролмаслик, теккизаолмаслик.

РАССЕ́ИВАТЬ *несов.* қ. рассе́ять 3, 4, 5.

РАССЕ́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. рассе́яться; 2. *страд. от* рассе́ивать (қ.).

РАССЕКА́ТЬ *несов.* қ. рассе́чь; парохо́д шёл, рассека́я во́лны пароход тўлқинларни ёриб бормоқда эди.

РАССЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. рассе́чься; 2. *страд. от* рассека́ть (қ.).

РАССЕКРЕ́ТИТЬ *сов.* 1. махфийликдан чиқармоқ, очмоқ, ма'лум қилмоқ; ошкор қилмоқ; рассекре́тить де́ло ишни махфийликдан чиқармоқ; 2. *с. т.* махфий ишдан бўшатмоқ, озод қилмоқ.

РАССЕКРЕ́ЧИВАТЬ *несов. к.* **рассекре́тить.**

РАССЕКРЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. махфийликдан чиқарилмоқ, очилмоқ, ошкор (ма'лум) қилинмоқ; 2. махфий ишдан бўшатилмоқ.

рассекре́чу, рассекре́тишь *буд. от* **рассекре́тить** *(к.).*

рассеку́, рассечёшь *буд. от* **рассе́чь** *(к.).*

РАССЕЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. ўрнаштириш, жойлаштириш; ўрнашиш, жойлашиш; 2. бошқа-бошқа (ажралиб) жойлашиш; бошқа-бошқа (ажратиб) жойлаштириш.

РАССЕ́ЛИНА *ж* тогнинг (тепанинг, ернинг) ёрилган жойи, ёриғи; тор дара, танги.

РАССЕЛИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ, кўчириб киритмоқ; **расели́ть рабо́чих в но́вые дома́** ишчиларни янги уйларга кўчириб киритмоқ; 2. ажратиб ўтқизмоқ, бошқа-бошқа ўрнаштирмоқ, бир-биридан ажратиб жойлаштирмоқ.

РАССЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* 1. ўрнашмоқ, жойлашмоқ; **расели́ться на берегу́ реки́** дар'ё бўйига ўрнашмоқ; 2. ажралиб ўрнашмоқ, бошқа-бошқа жойлашмоқ, бўлак бўлиб чиқмоқ.

рассе́лся, рассе́лась *прош. от* **рассе́сться** *(к.).*

РАССЕЛЯ́ТЬ *несов. к.* **расели́ть.**

РАССЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **расели́ться**; 2. *страд. от* **расели́ть** *(к.).*

РАССЕРДИ́ТЬ *сов.* аччиғлантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ, газабини келтирмоқ.

РАССЕРДИ́ТЬСЯ *сов.* аччиғланмоқ, жаҳли чиқмоқ; аразламоқ; **за что ты рассерди́лся на него́?** ундан нега аччиғландинг?

рассержу́, рассе́рдишь *буд. от* **рассерди́ть** *(к.).*

РАССЕРЧА́ТЬ *сов. содд.* аччиғланмоқ, жаҳли чиқмоқ; араз қилмоқ.

РАССЕ́СТЬСЯ I *сов.* 1. жой-жойига ўтирмоқ, жой-жойини олмоқ; **зри́тели рассе́лись по места́м** томошабинлар жой-жойларига ўтирдилар; 2. *с. т. манф.* бемалолроқ ўтирмоқ, ясланиб (талтайиб) ўтирмоқ, ҳамма жойни эгаллаб ўтирмоқ.

РАССЕ́СТЬСЯ II *сов.* чўкиб зарс кетмоқ, торс ёрилмоқ, ўпирилмоқ; **стена́ рассе́лась при землетрясе́нии** ер қимирағанда девор чўкиб торс ёрилди.

РАССЕ́ЧЬ *сов.* 1. чопиб ташламоқ, уриб ёрмоқ, кесиб бўлакламоқ; **рассе́чь ту́шу ни́нталамоқ**, гўшт бўзмоқ; **рассе́чь поле́но** пал'ённи ёриб иккига ажратмоқ; 2. яра қилмоқ, тилиб юбормоқ, кесиб олмоқ; **рассе́чь себе́ па́лец** бармоқни кесиб олмоқ; 3. ‖ иккига бўлмоқ, иккига ажратмоқ; **доро́га рассекла́ поле́** йўл далани иккига бўлган; 4. ‖ кесиб (ёриб) ўтмоқ, кесмоқ; **рассе́чь во́здух руко́й** қўл билан ҳавони кесмоқ.

РАССЕ́ЧЬСЯ *сов.* ситилмоқ, ситилиб кетмоқ, тутдек тўкилмоқ; **ше́лк рассе́кся** шойи ситилиб кетди.

РАССЕ́ЯНИЕ *ср* 1. *только ед.* чочиш, ёйиш, тарқатиш; тўзғитиш; чочиб (ёйиб, тарқатиб, тўзғитиб) юбориш; йўқ қилиш; 2. *только ед.* чочилиш, ёйилиш, тарқалиш, тўзғиш; чочилиб (ёйилиб, тарқаб, тўзғиб) кетиш; **рассе́яние све́та** нурнинг чочилиши; **рассе́яние зву́ка** товушнинг тарқалиши; 3. *эск.* ёзилиш, кўнгил очиш, вақтихушлик қилиш; 4. *только ед. эск. к.* **рассе́янность** 1.

РАССЕ́ЯННО *нареч.* паришон ҳолда, паришонлик билан, ҳаёл қочиб, ҳаёл суриб, эси оғиб; **слу́шать рассе́янно** паришонлик билан тингламоқ; ҳаёл қочиб қулоққа гап кирмаслик; **рассе́янно смотре́ть** по сторона́м паришон ҳолда атрофга қарамоқ.

РАССЕ́ЯННОСТЬ *ж мн. нет* 1. ҳаёл қочганлик, эси оққанлик, фикри тарқоқлик; 2. тарқоқлик, чочилганлик, пароканда лик; **рассе́янность населе́ния** аҳолининг тарқоқлиги.

РАССЕ́ЯННЫЙ, -ая, -ое 1. рассе́ять фе'лининг сифатдоши; **рассе́янные ве́тром ту́чи** шамол тарқатиб юборган булутлар; 2. фикри тарқоқ, ҳаёли қочган, эси оққан; **он о́чень рассе́ян** у жуда фикри тарқоқ одам; у паришонхотир одам; 3. сийрак, тарқоқ, чочиқ, яккам-дуккам, онда-сонда, чочилиб кетган; **рассе́янное населе́ние** сийрак аҳоли; 4. *мажс.* тарқоқ, кучсиз, нурсиз; рас-

сéянный свет тарқоқ нур; рассéянная энéргия тарқоқ энергия; ◊ *вести́ рассéянную жизнь (вести́ рассéянный óбраз жи́зни)* ялло қилиб юрмоқ.

РАССЕ́ЯТЬ *сов.* 1. чочмоқ, чочиб сепмоқ, экмоқ; рассéять по́ полю семена́ далага уруғ сочмоқ; ерга уруғ сепмоқ; 2. ‖ тақсимлаб жойлаштирмоқ, ҳамаёққа ўрнатмоқ, қурмоқ; 3. тарқатмоқ, сочмоқ, ёймоқ; рассéять лучи́ нур сочмоқ; 4. ‖ тарқатиб юбормоқ, ҳайдаб юбормоқ, тўзғитиб юбормоқ, тумтарақай қилмоқ; партизáны рассéяли отря́д неприя́теля партизанлар душман отрядини тўзитиб юбордилар; 5. ‖ тарқатмоқ, барҳам бермоқ, йўқ қилмоқ, тугатмоқ; рассéять ло́жные подозре́ния асоссиз гумон-шубҳани йўқ қилмоқ; рассéять чью-н. грусть бировни хафагарчиликдан чиқармоқ, бировнинг хафалигини ёзмоқ.

РАССЕ́ЯТЬСЯ *сов.* 1. жойлашмоқ, ҳамаёқни олмоқ, ҳамаёққа тарқалмоқ; 2. тарқалмоқ, тарқалиб кетмоқ; тума́н рассе́ялся туман тарқалди; ту́чи рассе́ялись булут тарқалди; 3. ‖ тарқалмоқ, тарқалишиб (тўзғиб) кетмоқ; тумтарақай бўлмоқ; толпа́ рассе́ялась халойиқ тарқалиб кетди; 4. ‖ йўқолмоқ, тугамоқ, тарқалмоқ; опасе́ния рассе́ялись хавф йўқолди; грусть рассе́ялась хафагарчилик тарқалди; 5. ‖ чигилни ёзмоқ, кўнгил очмоқ, ўйин-кулги қилиб ёзилмоқ; больно́му ну́жно рассе́яться бемор юрак чигилини ёзиши керак.

расскажу́, расска́жешь *буд. от* рассказа́ть (*қ.*).

РАССКА́З *м* 1. рассказа́ть фе'лининг ҳаракат номи; по расска́зам очеви́дцев де́ло обстоя́ло ина́че ўз кўзи билан кўрганларнинг айтишига қараганда, иш бошқача бўлган экан; 2. ҳикоя; расска́зы Абду́ллы Каххара Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари.

РАССКАЗА́ТЬ *сов.* ҳикоя қилмоқ, ҳикоя айтиб бермоқ, гапириб (айтиб) бермоқ, сўзлаб бермоқ, та'рифлаб бермоқ; рассказа́ть ба́сню масал айтиб бермоқ; рассказа́ть обо всём ви́денном ҳамма кўрганларни гапириб бермоқ.

РАССКА́ЗЧИК *м* 1. ҳикоячи, эртак (чўпчак) айтучи, айтиб беручи; он был великоле́пным расска́зчиком у жуда моҳир ҳикоячи эди, у гапга, ҳикоя қилишга жуда уста эди; 2. *ад.* ҳикоячи (адабий асарда).

РАССКА́ЗЧИЦА *ж қ.* расска́зчик.

РАССКА́ЗЫВАТЬ *несов. қ.* рассказа́ть; он не ма́стер рассказывать у ҳикояга уста эмас; ◊ *расска́зывайте кому́-н. другóму* бу чўпчагингизни бошқа одамга айтинг; *расска́зывайте ска́зки! (с. т.)* тушингизни сувга айтинг!

РАССКА́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* ҳикоя қилинмоқ, ҳикоя айтилмоқ, айтиб берилмоқ, та'рифланмоқ.

РАССКАКА́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. қаттиқ чопиб кетмоқ; елдай учиб кетмоқ; ло́шадь расскака́лась — не останови́ть от жуда тезлаб кетди — тўхтатиш қийин; 2. сакрайбошламоқ, сакрайвермоқ, диконглайвермоқ.

расскачу́сь, расска́чешься *буд. от* расскака́ться (*қ.*).

РАССЛАБЕВА́ТЬ *несов. с. т. қ.* расслабе́ть.

РАССЛАБЕ́ТЬ *сов. с. т. қ.* расслáбнуть.

РАССЛА́БИТЬ *сов.* 1. қувватдан кетказмоқ, дармонни қуритмоқ, кучини олиб қўймоқ, заифлаштирмоқ; боле́знь его́ расслáбила касаллик уни ҳолдан кетказди; 2. *махс.* бўшаштирмоқ; расслáбить му́скулы по́сле бе́га чопишдан кейин мускулларни бўшаштирмоқ.

РАССЛАБЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. расслáбить фе'лининг ҳаракат номи; расслабле́ние организ́ма организмнинг заифлашиб қолиши; 2. қувватсизлик, дармонсизлик, заифлик, бекувватлик; бўшашиб кетиш.

РАССЛА́БЛЕННОСТЬ *ж мн. нет* қувватсизлик, дармонсизлик, заифлик, кучсизлик, ожизлик, бекувватлик; во всём те́ле чу́вствовалась кака́я-то расслáбленность а'зои баданим бўшашиб кетаётганга ўхшар эди.

РАССЛА́БЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1. расслáбить фе'лининг сифатдоши;

2. қувватсиз, дармонсиз, бедармон, беқувват, бўшашган, заифлашган, пасайган, сусайган; заиф, ожиз, нимжон, суст; **расслáбленный** ум заифлашган ақл; **говорúть расслáбленным гóлосом** бўшашган овоз билан гапирмоқ; **расслáбленный организм** нимжон организм.

РАССЛАБЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **расслáбить**.

РАССЛАБЛЯ́ТЬСЯ *несов.* кучи олинмоқ, дармони қуритилмоқ, куч-қувватдан қолдирилмоқ.

РАССЛА́БНУТЬ *сов. с. т.* чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ, тинка қуримоқ, лоҳас бўлмоқ, шалпаймоқ, бўшашмоқ; **расслáбнуть от жáры** иссиқдан лоҳас бўлмоқ, иссиқдан бўшашиб кетмоқ.

РАССЛА́ВИТЬ *сов. с. т. манф.* 1. мақтаб юбормоқ, кўкка кўтариб юбормоқ; мақтовини ошириб юбормоқ; мақтовини келтирмоқ; 2. жар солмоқ, кўпиртириб гапириб юрмоқ; дўмбира қилмоқ.

РАССЛА́ВИТЬСЯ *сов. зск.* тарқалмоқ, ёйилмоқ, овоза бўлмоқ, оғиздан оғизга ўтмоқ, ҳамманинг оғзида қолмоқ.

РАССЛАВЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **расслáвить**.

РАССЛА́ИВАТЬ *несов.* қ. **расслóить**.

РАССЛА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. **расслóиться**; 2. *страд. от* **расслáивать** (*қ.*).

РАССЛЕ́ДОВАНИЕ *ср* 1. *только ед.* текшириш, текшириб кўриш, тергов қилиш; тергаш; 2. *юр.* тергов; **вестú расслéдование** тергов олиб бормоқ; **назнáчить расслéдование** терговга бермоқ.

РАССЛЕ́ДОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1. ҳартомонлама текширмоқ, текшириб кўрмоқ; **расслéдовать вопрóс** масалани ҳартомонлама текшириб кўрмоқ; 2. *юр.* тергамоқ, тергов қилмоқ; **расслéдовать преступлéние** жиноятни тергов қилмоқ.

РАССЛОЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. қатламлаш, қатламларга ажратиш; қатламланиш; қават-қават (палахса-палахса) бўлиб кўчиш; **расслоéние пóчвы** тупроқнинг қатламланиши; 2. ‖ *сиёс.* табақаланиш, ижтимоий группаларга бўлиниш; **клáссовое расслоéние** дерéвни при капитализме капитализм даврида деҳқонларнинг синфий табақаланиши.

РАССЛО́ЙТЬ *сов.* 1. қатламламоқ, қатламларга ажратмоқ, қават-қават (палахса-палахса) қилиб кўчирмоқ; **расслóить слюдý** слюдани қатламларга ажратмоқ; 2. ‖ *сиёс.* табақаламоқ, ижтимоий группаларга ажратмоқ; **капитализм расслóил крестья́нство** капитализм деҳқонларни табақаларга ажратди.

РАССЛО́ЙТЬСЯ *сов.* 1. қатламланмоқ; қатламларга ажралмоқ, қават-қават (палахса-палахса) бўлиб кўчмоқ; **гóрная порóда расслóилась** (*геол.*) тоғ жинси қатламларга ажралди; 2. ‖ *сиёс.* табақаланмоқ, ижтимоий группаларга бўлинмоқ.

РАССЛО́ЙКА *ж* 1. *только ед. махс.* қаватланиш; қаватлаш, қават-қават қилиб кўчириш; 2. *геол.* қатлам, қават, палахса.

РАССЛУ́ШАТЬ *сов. с. т.* яхшилаб англаб (уқиб) олмоқ, гапни тинглаб (гапга қулоқ солиб) ма'носига тушуниб олмоқ.

РАССЛЫ́ШАТЬ *сов.* яхши эшитмоқ, равшан (аниқ) эшитмоқ; **повтори́те, я не расслы́шал** қайтариб айтинг, яхши эшитаолмадим.

РАССМА́ТРИВАТЬ *несов.* 1. қ. **рассмотре́ть**; 2. қарамоқ, билмоқ, ҳисобламоқ; баҳо бермоқ; **вáше предложéние мóжно рассмáтривать** как вполнé реáльное сизнинг таклифингизни бемалол амалга ошириш бўладиган таклиф деб ҳисоблаш мумкин; **всемéрное развúтие** хлопковóдства узбéкский нарóд рассмáтривает как свой патриотúческий долг пахтачиликни бутун чоралар билан ривожлантиришни ўзбек халқи ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билади.

РАССМА́ТРИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **рассмáтривать** (*қ.*); **э́тот вопрóс бýдет рассмáтриваться** на собрáнии бу масала мажлисда муҳокама қилинади.

РАССМЕШИ́ТЬ *сов.* кулдирмоқ, кулдириб юбормоқ, кулгини қистат-

моқ; **он всех рассмеши́л** у ҳаммани кулдириб юборди.

• **РАССМЕЯ́ТЬСЯ** *сов.* кулиб юбормоқ; **рассмея́ться в отве́т на шу́тку** ҳазил гапга қах-қах уриб жавоб бермоқ.

РАССМОТРЕ́НИЕ *ср мн. нет* муҳокама қилиш, кўриш, кўриб чиқиш, текшириш; **не оставля́ть ни одну́ жа́лобу без рассмотре́ния** кўрилмаган бирорта шикоят қолмасин; **переда́ть де́ло на но́вое рассмотре́ние** *(юр.)* ишни янгидан кўриш учун қайтармоқ; **при ближа́йшем рассмотре́нии** чуқурроқ текшириб қараганда.

РАССМОТРЕ́ТЬ *сов.* 1. яхшилаб қарамоқ, кўрмоқ, ажратмоқ; **рассмотре́ть что-н. в бино́кль** бирон нарсани бинокль (дурбин) билан қараб кўрмоқ; **в темноте́ мы с трудо́м рассмотре́ли доро́гу** қоронғида йўлни зўрга топдик; 2. муҳокама қилмоқ, текширмоқ, кўрмоқ, кўриб чиқмоқ; суд **рассмотре́л де́ло** суд ишни кўриб чиқди; **рассмотре́ть заявле́ние** аризани кўрмоқ; **рассмотре́ть все да́нные за и про́тив** барча э'тирозларни ва ёқлаш тарафида бўлган материалларни тарозига солиб кўрмоқ.

РАССОВА́ТЬ *сов. с. т.* тиқмоқ, тиқиштирмоқ, уер-буерга тиқиштириб жойлаштирмоқ; **рассова́ть де́ньги по карма́нам** пулларни чўнтакларга тиқиштирмоқ.

РАССО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* **рассова́ть.**

РАССО́ВЫВАТЬСЯ *несов. с. т.* тиқиштирилмоқ, уер-буерга тиқиштириб жойлаштирилмоқ.

РАССО́Л *м* 1. тузли сув, намакоб; **сла́бый рассо́л** ним татир намакоб; **огуре́чный рассо́л** бодринг тузланган сув; 2. *махс.* туз олинадиган сув, шўр сув; 3. *тех.* бирор туз эритмаси.

РАССО́ЛЬНИК *м* рассольник (тузланган бодринг солинган гўштли шўрва ёки балиқ шўрва).

РАССО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое рассо́л *сўз. сиф.*; *қ.* рассо́л.

РАССО́РИВАТЬ *несов. қ.* рассо́рить.

РАССО́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **рассо́риться**; 2. уриштириб (аразлаштириб) қўйилмоқ.

РАССО́РИТЬ *сов.* орага чўп солмоқ, уриштириб қўймоқ, аразлаштириб қўймоқ; **рассо́рить прия́телей** икки ўртоқ орасига чўп солмоқ; икки ўртоқни уриштириб қўймоқ.

РАССОРИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. чочиб (тўкиб) ташламоқ, чочиб (тўкиб) ифлос қилмоқ, булғатмоқ; 2. ‖ исроф қилмоқ, совурмоқ, беҳуда сарфламоқ; **рассори́ть** все свой де́ньги бор пулини совурмоқ.

РАССО́РИТЬСЯ *сов.* уришиб (аразлашиб) қолмоқ, ора бузилмоқ; орадан гап ўтмоқ; қирилишмоқ; **де́ти рассо́рились** болалар уришиб қолишди.

РАССОРИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* тўкилмоқ, чочилмоқ, чочилиб (тўкилиб) қолмоқ, чочилиб (тўкилиб) тамом бўлмоқ; **се́но рассори́лось по доро́ге** пичан йўлда тўкилиб тамом бўлипти.

РАССОРТИРОВА́ТЬ *сов. махс.* сортларга ажратмоқ, хилламоқ, сараламоқ, саралаб қўймоқ; **рассортирова́ть** зерно ғаллани сараламоқ.

РАССОРТИРОВА́ТЬСЯ *сов. махс.* сортларга ажратилмоқ, хилланмоқ, сараланмоқ.

РАССОРТИРО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* **рассортирова́ть.**

РАССОРТИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов. махс.* сортларга ажратилмоқ, хилланилмоқ, саралаб қўйилмоқ.

РАССОСА́ТЬ *сов.* қайтармоқ, тарқатмоқ, йўқотмоқ; тарқатиб юбормоқ; **компре́ссами рассоса́ть о́пухоль** компресс қилиб шишни қайтармоқ.

РАССОСА́ТЬСЯ *сов.* 1. қайтмоқ, тарқалмоқ, йўқолмоқ; **о́пухоль рассоса́лась** шиш қайтди; 2. ‖ бара-бара тугамоқ, тамом бўлмоқ; **запа́сы постепе́нно рассоса́лись** запаслар бора-бора тугади.

РАССО́ХНУТЬСЯ *сов.* қуриб (қовжираб) ёрилмоқ, чатнамоқ, қовжираб кетмоқ; **бо́чка рассо́хлась** бочка қовжираб ажралиб кетипти.

РАССПРА́ШИВАТЬ *несов. қ.* **расспроси́ть.**

РАССПРО́С *м* сўраш, суриштириш; суриштириб билиш; сўроқ, савол;

прие́хавшие едва́ успева́ли отвеча́ть на расспро́сы келганлар (меҳмонлар) саволларга жавоб бериб улгураолмас эдилар; **надоеда́ть кому́-н. расспро́сами** савол бераверіб бировнинг жонига тегмоқ.

РАССПРОСИ́ТЬ *сов.* сўрамоқ, сўраб билмоқ, суриштириб билмоқ.

расспрошу́. расспро́сишь *буд. от* **расспроси́ть** (*к.*).

РАССРЕДОТОЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* **рассредоточи́ть** фе'лининг ҳаракат номи; *к.* **рассредоточи́ть**.

РАССРЕДОТО́ЧИВАТЬ *несов. к.* **рассредоточи́ть**.

РАССРЕДОТО́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **рассредоточи́ться**; 2. бўлиб-бўлиб юборилмоқ.

РАССРЕДОТО́ЧИТЬ *сов. ҳарб.* бўлиб-бўлиб юбормоқ, ёйиб узоқ-узоқ жойлаштирмоқ; **войска́ были рассредото́чены** қўшинлар бўлиб-бўлиб юборилган (ёйиб юборилган) эди.

РАССРЕДОТО́ЧИТЬСЯ *сов. ҳарб.* бўлиниб кетмоқ, ёйилиб узоқ-узоқ жойлашмоқ; бўлиниб-бўлиниб кенг жойни олмоқ.

РАССРО́ЧИВАТЬ *несов. к.* **рассро́чить**.

РАССРО́ЧИВАТЬСЯ *несов.* бўлиб-бўлиб тўлаш (бажариш) муддатлари белгиланмоқ.

РАССРО́ЧИТЬ *сов.* бўлиб-бўлиб тўлаш (бажариш) муддатлари белгиланмоқ; **рассро́чить вы́плату до́лга** қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш учун муддат бермоқ.

РАССРО́ЧКА *ж мн. нет* бўлиб-бўлиб тўлаш (бажариш); шу шарт билан белгиланган муддат; **купи́ть что-н. в рассро́чку** пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан бирон нарса олмоқ.

РАССТАВА́НИЕ *ср мн. нет* **расстава́ться** фе'лининг ҳаракат номи; **при расстава́нии он дал мне свой а́дрес** хайрлашатуриб у менга адресини берди.

РАССТАВА́ТЬСЯ *несов. к.* **расста́ться**.

РАССТА́ВИТЬ *сов.* 1. қўймоқ, термоқ, жой-жойига қўймоқ; териб қўймоқ; **расста́вить зна́ки препина́ния** тиниш белгилари қўйиб чиқмоқ, керакли жойларга тиниш белгилари қўймоқ; **расста́вить кни́ги по по́лкам** китобларни токчаларга териб қўймоқ; **расста́вить часовы́х** (*ҳарб.*) часовойларни жой-жойига қўймоқ; **пра́вильно расста́вить рабо́чую си́лу** ишчи кучини тўғри тақсимламоқ; 2. кермоқ, йирмоқ, ёзмоқ; орасини очиб қўймоқ; **расста́вить па́льцы** бармоқларни (панжани) ёзмоқ; 3. *махс.* улоқ солиб кенгайтирмоқ; **расста́вить воротни́к руба́шки** кўйлак ёқасини улоқ солиб кенгайтирмоқ.

РАССТА́ВИТЬСЯ *сов.* 1. жой-жойини олмоқ, жой-жойига турмоқ, терилмоқ, жойлашмоқ; **ме́бель хорошо́ расста́вилась** мебель яхши жойлашди; 2. керилмоқ, йирилмоқ; ёзилмоқ; 3. *махс.* кенгаймоқ, орасига улоқ тушиб кенгаймоқ.

РАССТАВЛЯ́ТЬ *несов. к.* **расста́вить**.

РАССТАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **расста́виться**; 2. *страд. от* **расставля́ть** (*к.*).

РАССТАНА́ВЛИВАТЬ *несов. к.* **расстанови́ть**.

РАССТАНА́ВЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **расстанови́ться**; 2. *страд. от* **расстана́вливать** (*к.*).

РАССТАНОВИ́ТЬ *сов. содд. к.* **расста́вить** 1.

РАССТАНОВИ́ТЬСЯ *несов. содд. к.* **расста́виться** 1.

РАССТАНО́ВКА *ж* 1. *только ед.* қўйиш, териш, териб қўйиш, жой-жойига қўйиш; жойлаш; **расстано́вка зна́ков препина́ния** (*грам.*) тиниш белгилари қўйиб чиқиш, керакли жойларга тиниш белгилари қўйиш; **расстано́вка сил** кучларни жой-жойига қўйиш; 2. *только ед.* тартиб, жойланиш, тақсимланиш; **пра́вильная расстано́вка слов в предложе́нии** гапда сўзларнинг тўғри тартиби; **пра́вильная расстано́вка ка́дров** кадрларнинг тўғри тақсимланиши; 3. *с. т.* узиш, ўзилиш, тўхташ, пауза, тиниш; **чита́ть не спеша́, с расстано́вкой** шошилмасдан, дона-дона қилиб ўқимоқ.

расста́нусь, расста́нешься *буд. от* **расста́ться** (*к.*).

РАССТА́ТЬСЯ *сов.* 1. ажралишмоқ, хайрхўшлашмоқ, хайрлашиб (видо'лашиб) кетмоқ; хайр-ма'зур қилмоқ; **това́рищи расста́лись надо́лго** ўртоқлар узоқ муддатга ажралишдилар; **они́ расста́лись друзья́ми** улар бир-бирлари билан дўстларча ажралишди; 2. кечмоқ, воз кечмоқ, қайтмоқ; айнимоқ; ташламоқ, жудо бўлмоқ; **расста́ться с мы́слью о пое́здке** сафар тўғрисидаги фикрни ташламоқ; **расста́ться с люби́мым де́лом** севимли ишдан ажралмоқ; **расста́ться с дурно́й привы́чкой** ёмон одатни ташламоқ; 3. ажралишмоқ, айрилмоқ, жудо бўлмоқ; ажралишиб кетмоқ; **расста́ться с семьёй** оиладан айрилмоқ, оиладан жудо бўлмоқ.

расста́юсь, расста́ешься *наст. от* **расстава́ться** (*қ.*).

РАССТЕГА́Й *м* расстегай (оғзи очиқ сомса).

РАССТЕГА́ЙЧИК *м* **расстега́й** *сўз. кичр. айт.*; *қ.* **расстега́й.**

РАССТЕГА́ТЬ *сов. махс.* гул қавуқ қилмоқ, гул қавуқ қилиб қавумоқ; **расстега́ть оде́яло** кўрпани гул қавуқ қилмоқ.

РАССТЁГИВАТЬ I *несов.* қ. расстегну́ть.

РАССТЁГИВАТЬ II *несов. махс.* қ. расстега́ть.

РАССТЁГИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. расстегну́ться; 2. тугмаси (боғичи, илгаги) ечилмоқ, ечиб қўйилмоқ.

РАССТЕГНУ́ТЬ *сов.* ечмоқ, тугмасини (боғичини, илгагини) ечмоқ; **расстегну́ть пальто́** пальто тугмаларини ечмоқ; **расстегну́ть подпру́гу** отнинг қоринбоғини ечмоқ.

РАССТЕГНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. ечилиб кетмоқ, тугмаси (боғичи, илгаги) ечилиб кетмоқ; 2. тугмасини (боғичини, илгагини) ечиб олмоқ; **идти́ расстегну́вшись** тугмаларни солмай юрмоқ.

РАССТЕЛИ́ТЬ *сов. с. т.* қ. разостла́ть.

РАССТЕЛИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* қ. разостла́ться.

расстелю́ I, **расстеле́шь** *буд. от* разостла́ть (*қ.*).

расстелю́ II, **расстеле́шь** *буд. от* **расстели́ть** (*қ.*).

РАССТИ́Л *м махс.* ёйиш, ёзиш; **на́чат расти́л льна** зигирпояни ёйиш бошланди.

РАССТИЛА́ТЬ *несов.* қ. разостла́ть ва расстели́ть.

РАССТИЛА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. разостла́ться ва расстели́ться; 2. ёзилмоқ, ёйилмоқ, ёйиб (ёзиб) қўйилмоқ; 3. кўриниб турмоқ; ёйилиб кетмоқ; **перед на́шими глаза́ми расстила́лись хло́пковые поля́** кўз олдимизда кенг пахта далалари кўриниб турарди; 4. ер бағирлаб ёйилмоқ; ерни қоплаб олмоқ; **дым расстила́лся по земле́** тутун ер бағирлаб ёйилган эди.

РАССТОЯ́НИЕ *ср* 1. масофа, ора, узоқлик, йўл; **расстоя́ние ме́жду двумя́ то́чками** икки нуқта орасидаги масофа; **колхо́з распо́ложен на расстоя́нии киломе́тра от ста́нции** колхоз станциядан бир километр нарида; **на расстоя́нии вы́стрела** ўқ бориб (келиб) тушадиган жой узоқлигида; **е́хать на да́льнее расстоя́ние** узоқ жойга (йўлга) бормоқ; 2. *с. т.* ора, давом, ич, мобайн; **всё э́то произошло́ на расстоя́нии двух дней** бунинг ҳаммаси икки кун ичида (давомида) юз берди; 3. ‖ фарқ, тафовут, айирма; **ме́жду ру́сской поэ́зией XVIII ве́ка и Пу́шкиным грома́дное расстоя́ние** XVIII аср рус поэзияси билан Пушкин ўртасидаги тафовут жуда катта; ◊ ***держа́ть кого́-н. на (изве́стном) расстоя́нии*** бировни ўзига яқин тутмаслик, яқин кўрмаслик; ***держа́ться на почти́тельном расстоя́нии*** 1) яқинлашмаслик, яқин йўламаслик; 2) ўзини четда (узоқда) тутишлик, ўзини узоқда олиб юришлик.

РАССТРА́ИВАТЬ *несов.* қ. расстро́ить.

РАССТРА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. расстро́иться; 2. *страд. от* расстра́ивать (*қ.*).

РАССТРЕ́Л *м* 1. *только ед.* расстреля́ть фе'лининг ҳаракат номи; **расстре́л демонстра́ции полицией** полициянинг намойишчиларни ўққа тутиши; полиция томонидан на-

мойишчиларнинг ўққа тутилиши; 2. отиш, отиб ўлдириш жазоси; **приговори́ть изме́нника к расстре́лу** хоинни отиб ўлдиришга ҳукм қилмоқ.

РАССТРЕ́ЛИВАТЬ *несов.* қ. расстреля́ть.

РАССТРЕ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* отилмоқ, отиб ташланмоқ; ўққа тутилмоқ.

РАССТРЕЛЯ́ТЬ *сов.* 1. отмоқ, отиб юбормоқ, отиб ташламоқ; 2. ўққа тутмоқ; 3. отиб битирмоқ, отиб тугатмоқ; **расстреля́ть все патро́ны** ҳамма ўқни отиб тугатмоқ.

РАССТРИ́ГА *м эск. манф. черк.* мартабадан туширилган руҳоний.

РАССТРИГА́ТЬ *несов.* қ. расстри́чь.

расстригу, расстрижёшь *буд. от* расстри́чь *(қ.)*.

РАССТРИ́ЧЬ *сов.* 1. *с.т.* қийиб қирқмоқ, қирқиб (қийиб) ташламоқ; 2. *черк.* мартабадан туширмоқ (руҳонийларни).

РАССТРИ́ЧЬСЯ *сов.* 1. қийилмоқ, қирқилмоқ; 2. *черк.* мартабадан туширилмоқ.

РАССТРО́ЕННЫЙ, -ая, -ое 1. расстро́ить фе'лининг сифатдоши; **он расстро́ен неуда́чей** иши ўнгмаганлигидан дар-дун'ёси қоронғи бўлиб (ичига қил сиғмай) юрипти; 2. тартибсиз ҳолга келган, тўзиб кетган, тўстўполони чиққан; тўс-тўс бўлиб кетган, пароканда; **расстро́енные ряды́ проти́вника** душманнинг тўс-тўс бўлиб кетган сафлари; 3. бузилган, барбод бўлган, издан чиқиб кетган, абгор бўлган; **расстро́енное де́ло** барбод бўлган иш, издан чиқиб кетган иш; **расстро́енное хозя́йство** издан чиқиб кетган хўжалик; 4. бузилган, мазаси кетган, мазаси қочган, ишдан чиққан; **у него́ расстро́енное здоро́вье** унинг соғлиғининг мазаси йўқ; **расстро́енные не́рвы** бузиқ нервлар; 5. сози бузилган, сози бузиқ; носоз; **расстро́енный ро́яль** сози бузиқ (носоз) рояль; 6. чиппакка чиққан, амалга ошмаган; рўёбга чиқмаган; **расстро́енные пла́ны** чиппакка чиққан режалар; 7. хафа, таб'и хира, кўнгли ғаш, ичига қил сиғмайдиган, ичига чироқ ёқса ёримайдиган, **дар-дун'ёси** қоронғи; **у него́ расстро́енное ли́цо** афтидан у хафа кўринади.

РАССТРО́ИТЬ *сов.* 1. тартибсиз ҳолга келтирмоқ, сафини бузмоқ, тўзгитиб юбормоқ, тўс-тўс қилмоқ, тўстўполонини чиқармоқ, пароканда қилмоқ; 2. бузмоқ, барбод қилмоқ, издан чиқариб юбормоқ; **расстро́ить чьи-н. дела́** бировнинг ишини бузмоқ, барбод қилмоқ; 3. бузмоқ, ишдан чиқармоқ, мазасини кеткизмоқ, мазасини қочирмоқ; **расстро́ить желу́док** ме'дани бузмоқ; 4. созини бузмоқ, носоз қилиб қўймоқ; **расстро́ить скри́пку** скрипканинг созини бузмоқ; 5. пучга (чиппакка) чиқармоқ; **расстро́ить за́мыслы поджига́телей войны́** уруш оловини ёқучиларнинг ниятларини пучга чиқармоқ; **расстро́ить сва́дьбу** тўйни бузмоқ; 6. хафа қилмоқ; таб'ини хира қилмоқ, кўнглини ғаш қилмоқ, дилини оғритмоқ, дилини сиёҳ қилмоқ; дар-дун'ёсини қоронғи қилиб қўймоқ; **его́ отве́т расстро́ил всех** унинг жавоби ҳаммани хафа қилиб қўйди.

РАССТРО́ИТЬСЯ *сов.* 1. тартибсиз ҳолга келмоқ; тўзиб кетмоқ, тўс-тўс бўлиб кетмоқ, тўстўполони чиқмоқ, пароканда бўлмоқ; 2. бузилмоқ, барбод бўлмоқ, издан чиқиб кетмоқ; 3. бузилмоқ, мазаси кетмоқ, мазаси қочмоқ, ишдан чиқмоқ; **желу́док расстро́ился** ме'да бузилди; 4. сози бузилмоқ, носоз бўлиб қолмоқ; **пиани́но расстро́илось** пианинонинг сози бузилди; 5. бузилмоқ, пучга(чиппакка) чиқмоқ; **за́мыслы проти́вника расстро́ились** душман ниятлари пучга чиқди; 6. хафа бўлмоқ, таб'и хира бўлмоқ, кўнгли ғаш бўлмоқ, дар-дун'ёси қоронғи бўлмоқ; 7. *эск.* кенгаймоқ, кенгайиб кетмоқ, катта жойни эгалламоқ (мас., шаҳар ҳақида).

РАССТРО́ЙСТВО *ср* 1. *только ед.* расстро́ить фе'лининг ҳаракат номи; 2. *только ед.* тартибсизлик, вайронлик, издан чиқиб кетганлик, пароканда-лик; **дела́ пришли́ в по́лное расстро́йство** ишлар тамомила издан чиқиб кетди; 3. *только ед.* тартибсизлик, тўс-тўс бўлиш, тўзгиб кетиш, тўстўполон; **внести́ расстро́йство**

в ряды́ проти́вника душман сафларини тўс-тўс қилмоқ; 4. бузилиш, мазаси қочиш, мазаси кетиш; **расстро́йство не́рвной систе́мы** нерв системасининг бузилиши; **расстро́йство желу́дка** ме'да бузилиш, ич кетиш; 5. *с. т.* хафагарчилик, дилсиёҳлик, кайфи бузиқлик; **он сего́дня в расстро́йстве** у бугун хафароқ.

РАССТУПА́ТЬСЯ *несов. к.* расступи́ться.

РАССТУПИ́ТЬСЯ *сов.* 1. орани очиб йўл бермоқ; икки томонга сурилиб йўл очмоқ; **толпа́ расступи́лась** халойиқ икки томонга сурилиб ўртадан йўл очди: 2. ‖ *эск.* ва *фольк.* ёрилмоқ; **земля́ расступи́лась** ер ёрилди.

РАССУДИ́ТЕЛЬНО *нареч.* ўйлаб, мулоҳаза қилиб, муҳокама юритиб, андиша билан, ақл билан, бама'ни; **он поступи́л рассуди́тельно** у бама'ни иш қилди.

РАССУДИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж. мн. нет* бама'нилик, ақллилик, мулоҳазалилик, муҳокамалилик, андишалилик; ўйлаб (ақл билан) иш қилиш.

РАССУДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое рассуди́тельность *сўз. соф.*; бама'ни, ақлли, мулоҳазали, муҳокамали, андишали; ўйлаб (ақл билан) иш қиладиган; **он рассуди́тельный челове́к** у мулоҳазали одам; **рассуди́тельный посту́пок** ўйлаб қилинган иш, бама'ни иш.

РАССУДИ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* икки томоннинг гапини эшитиб ажрим қилмоқ, жанжал (гап) мазмунига қулоқ солиб ҳукм қилмоқ, ҳукм чиқармоқ, ишни бартараф қилмоқ, бирёқли қилмоқ; **рассуди́те нас!** ҳакам бўлиб, бизнинг ишимизни бирёқли қилиб қўйинг!; 2. ўйлаб кўрмоқ, ўйламоқ, ақл югуртирмоқ, ўйлаб топмоқ; **рассуди́те, что тут де́лать?** ўзингиз бир ўйлаб кўринг, нима қилиш керак?; 3. ўйлаб бир фикрга келмоқ, бирор қарорга келмоқ.

РАССУ́ДОК — *м. мн. нет* 1. ақл, идрок, эс, зеҳн, фаҳм, фаросат; идрок қилиш қобилияти; **де́ятельность рассу́дка** ақл иши, ақлнинг ишлаши; 2. ақл-ҳуш, эс-ҳуш; **потеря́ть рассу́док, лиши́ться рассу́дка** ақлдан озмоқ, ақл-ҳушини йўқотмоқ, эсини емоқ; 3. ақл; **рассу́дку вопреки́** ақлга хилоф равишда; **внять го́лосу рассу́дка** ўзига келмоқ, ақлга қараб иш қилмоқ.

РАССУ́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое 1. рассу́док *сўз. соф.*; 2. ҳис-туйғусиз; қуруқ мулоҳаза билан иш қиладиган; **рассу́дочный челове́к** қуруқ мулоҳаза билан иш қиладиган одам.

РАССУЖДА́ТЬ *несов.* 1. фикр қилмоқ, фикр юргизмоқ, мулоҳаза (муҳокама) қилмоқ, ўйламоқ; **пра́вильно рассужда́ть** тўғри фикр юргизмоқ; 2. баҳс очмоқ, сўзлаб (муҳокама қилиб) кетмоқ, гап (сафсата) сотмоқ, фалсафа сўқмоқ; **рассужда́ть на ра́зные те́мы** ҳар тўғрида баҳс очмоқ; **не рассужда́ть!** жим! маҳмадоналик қилинмасин!

РАССУЖДЕ́НИЕ *ср* 1. фикр, мулоҳаза, муҳокама, ўй; **пра́вильное рассужде́ние** тўғри фикр; 2 гап, баҳс, сафсата, фалсафа; **пуска́ться в рассужде́ния** сафсата сўқакетмоқ; **вы́полнить прика́з без рассужде́ний** буйруқни сўзсиз бажармоқ; ◇ *в рассужде́нии чего́-н. (эск.)* тўғрисида, ҳақида, -га келганда.

РАССУ́ЖИВАТЬ *несов. к.* рассуди́ть 1.

рассужу́, рассу́дишь *буд. от* рассуди́ть (*к.*).

РАССУПО́НИВАТЬ *несов. к.* рассупо́нить.

РАССУПО́НИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* рассупо́ниться; 2. хомутбоғи ечилмоқ.

РАССУПО́НИТЬ *сов. махс.* хомут боғини (хомутбоғни) ечмоқ.

РАССУПО́НИТЬСЯ *сов. махс.* хомут боғи (хомутбоғ) ечилиб кетмоқ.

РАССУ́ЧИВАТЬ *несов. к.* рассучи́ть.

РАССУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* рассучи́ться; 2. *страд. от* рассу́чивать (*к.*).

РАССУЧИ́ТЬ *сов.* 1. ечмоқ, бўшатмоқ, хомитмоқ; рассучи́ть ни́тку пишиқ ипни хомитмоқ; 2. туширмоқ; **рассучи́ть рука́в** енгни туширмоқ, шимарилган енгни туширмоқ.

РАССУЧИ́ТЬСЯ *сов.* 1. хомимоқ, ечилмоқ, бўшамоқ (пишитилган нарса, мас., ип ҳақида); **верёвка рассу-**

чйлась арқон хомиб (бўшаб) кетди; 2. тушмоқ (шимарилган енг ҳақида). рукáв рассучúлся шимарилган енг тушиб кетди.

рассую, рассуёшь *буд. от* рассовáть *(қ.)*.

РАССЧИ́ТАННЫЙ, -ая, -ое 1. ҳисобланган, мўлжалланган, кўзланган, ҳисобга олинган; расчёт қилинган. удáр по врагу́ был рассчúтан прáвильно душманга қарши зарба тўғри мўлжалланган эди; 2. кўра-била қилинган, атайлаб (жўрттага, қасдан) қилинган; рассчúтанная грýбость жўрттага қилинган қўпollиқ; 3. белгиланган, мўлжалланган, аталган; э́тот кинотеáтр рассчúтан на 500 человéк бу кинотеатр 500 кишига мўлжалланган; книга рассчúтана на детéй китоб болаларга мўлжалланган.

РАССЧИТА́ТЬ *сов.* 1. ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ; расчёт қилмоқ; рассчитáть фундáмент здáния бино пойдеворини расчёт қилмоқ; он не рассчитáл своúх сил у ўз кучини ҳисоблаб (чамалаб) кўрмаган; 2. *эск.* бўшатмоқ, ҳисоб-китоб қилиб ишдан бўшатиб юбормоқ; 3. ҳал қилмоқ, бирор фикрга келмоқ, ўйлаб кўрмоқ; рассчитáй сам, что лýчше дéлать ўзингга нима ма'қул бўлса, шуни қил, ма'қул томонини ўзинг ўйлаб кўр; 4. *махс.* санамоқ (сафда турганларнинг саноғини олмоқ).

РАССЧИТА́ТЬСЯ *сов.* 1. узилмоқ, тўлаб қутулмоқ, ҳисоб-китоб қилишмоқ, орани очиқ қилмоқ; 2. *махс.* сафда тартиб билан санамоқ; справá налéво по порядку номерóв рассчитáйсь! ўнгдан чапга тартиб билан сана! (команда); 3. *с.т.* қасдини олмоқ, ҳисоблашмоқ, ўч олмоқ; я ещё с ним рассчитáюсь! мен у билан ҳисоблашиб қўяман, ундан қасдимни оламан.

РАССЧИ́ТЫВАТЬ *несов.* 1. *қ.* рассчитáть; 2. ўйламоқ, умид қилмоқ, умид боғламоқ, ишонмоқ, кўз тутмоқ, мўлжалламоқ, чамаламоқ, кўзламоқ, кўз етмоқ, амин бўлмоқ; „кто не выполня́ет своúх обязáтельств, тот не мóжет рассчúтывать на довéрие" (Сталин) „ўз мажбуриятларини бажармаган кимса (киши) ишончга сазовор бўлолмайди" (Сталин); я рассчúтываю на пóмощь товáрищей мен ўртоқларим ёрдам қилишар деган умиддаман; рассчúтывать на снисхождéние бировдан илтифот кутмоқ; 3. ишонмоқ, орқа қилмоқ, суянмоқ; я рассчúтываю на вас мен сизга орқа қиламан, ишонаман.

РАССЧИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* рассчитáться; 2. *страд. от* рассчúтывать *(қ.)*; 3. жавоб бермоқ, жазосини тортмоқ; рассчúтывайся сам за свой ошúбки хатоинг ўзинг қилиб сан, жазосини ҳам ўзинг тортасан.

РАССЫЛА́ТЬ *несов. қ.* разослáть.

РАССЫЛА́ТЬСЯ *несов.* юборилмоқ, тарқатилмоқ; пригласúтельные билéты рассылáются заблаговрéменно таклифномалар олдиндан тарқатилади.

РАССы́ЛКА *ж мн. нет* юбориш, тарқатиш; рассы́лка газéт газета тарқатиш.

РАССы́ЛОЧНЫЙ, -ая, -ое тарқатадиган, юборадиган; тарқатиладиган; рассы́лочный пункт тарқатадиган жой, тарқатиш (жўнатиш, юбориш) пункти.

РАССы́ЛЬНАЯ *ж қ.* рассы́льный II

РАССы́ЛЬНЫЙ I, -ая, -ое: рассы́льная книга юбориладиган хат-ҳужжатлар қайд дафтари.

РАССы́ЛЬНЫЙ II *м* идораларда хат-ҳужжат ташувчи ходим.

РАССы́ПАТЬ *сов.* 1. чочмоқ, тўкмоқ, ёймоқ; тўкиб (чочиб) юбормоқ; ёйиб қўймоқ; рассы́пать сéно для просýшки пичанни қуритиш учун ёйиб қўймоқ; нечáянно рассы́пать соль билмасдан тузни тўкиб (чочиб) юбормоқ; 2. солмоқ, жойламоқ; тўлдирмоқ; рассы́пать зéрно по мешкáм ғалла қопламоқ; 3. ёймоқ, ёйиб (чочиб, тарқатиб) жойлаштирмоқ; узоқ-узоқ қўймоқ; рассы́пать стрелкóв по лéсу ўқчиларни ўрмонга тарқатиб жойламоқ.

РАССЫПА́ТЬ *несов. қ.* рассы́пать.

РАССы́ПАТЬСЯ *сов.* 1. тўкилмоқ, чочилмоқ, тўкилиб (чочилиб) кетмоқ, ёйилиб кетмоқ; 2. ёйилиб турмоқ, ёйилиб (узоқ-узоқ) жойлашмоқ; тарқалишиб кетмоқ; охóтники рассы́-

пались по ле́су овчилар ўрмонга тарқалишиб кетишди; 3. *с. т.* бузилиб кетмоқ, парчаланиб кетмоқ; майда-майда бўлиб кетмоқ; чил-чил бўлмоқ; 4. ‖ *с. т.* бузилмоқ, тарқалмоқ, тарқалиб кетмоқ; кружо́к рассы́пался тўгарак тарқалиб кетди; 5. ‖ роса мақтамоқ, мақтаб кетмоқ; рассы́паться в благода́рностях минг марталаб ташаккур билдирмоқ; рассы́паться в похвала́х ҳадеб мақтавермоқ, мақтаб кетмоқ; ◇ ***рассы́паться пра́хом*** йўқ бўлиб кетмоқ, хароб (барбод) бўлмоқ, вайрон бўлмоқ, кули кўкка совурилмоқ.

РАССЫПА́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. рассы́паться; 2. *страд. от* **рассыпа́ть** (қ.).

РАССЫПНО́Й, -а́я, -о́е қадоқланмаган, пачкаланмаган; доналик; **рассы́пной таба́к** пачкаланмаган тамаки; **рассы́пные папиро́сы** доналаб сотиладиган папирос; ◇ ***рассы́пной строй*** (*ҳарб.*) ёйиқ (тарқоқ) саф; **взвод рассы́пным стро́ем пошёл в ата́ку** взвод ёйилиб атака бошлади.

РАССЫ́ПЧАТЫЙ, -ая, -ое увалаиб (увоқланиб) кетадиган, дона-дона бўлиб (чочилиб) турадиган, чочилувчан, қумоқ-қумоқ; **рассы́пчатое печёнье** увалаиб кетадиган печенье; **рассы́пчатый плов** чочилиб (дона-дона бўлиб) турадиган палов.

РАССЫХА́ТЬСЯ *несов.* қ. рассо́хнуться.

расся́дусь, расся́дешься *буд. от* **рассе́сться** I (қ.).

РАСТА́ИВАТЬ *несов.* қ. раста́ять.

РАСТА́ЛКИВАТЬ *несов.* қ. растолка́ть.

РАСТА́ЛКИВАТЬСЯ *несов.* икки ёққа суриб ораси очилмоқ, йўл очилмоқ, ёриб ўтилмоқ.

РАСТА́ПЛИВАТЬ I *несов.* қ. растопи́ть I.

РАСТА́ПЛИВАТЬ II *несов.* қ. растопи́ть II.

РАСТА́ПЛИВАТЬСЯ I *несов.* 1. қ. растопи́ться I; 2. *страд. от* раста́пливать I (қ.).

РАСТА́ПЛИВАТЬСЯ II *несов.* 1. қ. растопи́ться II; 2. *страд. от* раста́пливать II (қ.).

РАСТА́ПТЫВАТЬ *несов.* қ. растопта́ть.

РАСТА́ПТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. растопта́ться; 2. эзиб ташланмоқ, пайхон (оёқости) қилинмоқ; 3. қияверіб кенгайтирилмоқ, катта қилиб юборилмоқ.

РАСТАСКА́ТЬ *сов. с. т.* 1. ташиб кетмоқ, олиб кетмоқ, битта-битта олиб (ташиб) битирмоқ; **де́ти растаска́ли все конфе́ты** болалар конфетни битта-биттадан олиб битиришди; 2. ўғирлаб кетмоқ, талон-торож қилиб битирмоқ; 3. бузиб олавериб битирмоқ, йўқ қилмоқ; **загоре́вшуюся избу́ растаска́ли по бре́внышку** ўт тушиб куйган уйнинг ёғочларини битталаб ташиб битиришди.

РАСТА́СКИВАТЬ *несов.* қ. растаска́ть ва растащи́ть.

РАСТА́СКИВАТЬСЯ *несов.* ташиб кетилмоқ, ташиб битирилмоқ (йўқ қилинмоқ); талон-торож қилиб кетилмоқ.

РАСТАСОВА́ТЬ *сов.* 1. чийламоқ (қартани); 2. ‖ *с. т. бегн.* тақсимлаб жойлаштирмоқ, бўлиб-бўлиб жойлаштирмоқ; **растасова́ть рабо́тников по ра́зным учрежде́ниям** ходимларни турли идораларга тақсимлаб жойлаштирмоқ.

РАСТАСО́ВЫВАТЬ *несов.* қ. растасова́ть.

РАСТА́ЧИВАТЬ *несов.* қ. расточи́ть II.

РАСТА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. расточи́ться; 2. *страд. от* раста́чивать (қ.).

РАСТАЩИ́ТЬ *сов.* 1. *с. т.* = растаска́ть 1, 3 (қ.); 2. *с. т.* ажратмоқ, ажратиб қўймоқ; **растащи́ть дерущихся** уришаётганларни ажратиб қўймоқ.

РАСТА́ЯТЬ *сов.* 1. эримоқ, эриб кетмоқ, эриб битмоқ; яхдан тушмоқ; **лёд раста́ял** муз эриди, эриб кетди; 2. эритмоқ, эритиб олмоқ, эритиб юбормоқ; **раста́ять снег** қорни эритмоқ, эритиб юбормоқ; 3. ‖ секин-секин пасайиб ўчмоқ; бора-бора сўнмоқ; эшитилмай ёки кўринмай қолмоқ; **зву́ки му́зыки раста́яли вдали** йироқда музика овозлари сўнди; 4. ‖ ниёмоқ, эримоқ, кўнгли юмша-

моқ, ийиб (эриб) кетмоқ; **его́ се́рдце раста́яло** кўнгли эриб кетди.

РАСТВО́Р I *м* **1.** очиқ эшик (дераза) тавақаси; **в растворе́ окна́** очиқ деразада; 2. *махс.* бурчак, оғиз; **раство́р но́жниц** очилган қайчининг оғзи.

РАСТВО́Р II *м* **1.** эритма; **во́дный раство́р** *(хим.)* сувли эритма; **соля́но́й раство́р** тузли эритма; намакоб; 2. *бинк.* раствор, қоришма, бўза; **ги́псовый раство́р** гипс қоришмаси.

РАСТВОРЕ́НИЕ *ср мн. нет махс.* эритиш, қориш; эриш.

РАСТВОРИ́МОСТЬ *ж мн. нет хим.* эруванлик.

РАСТВОРИ́МЫЙ, -ая, -ое *хим.* эрийдиган, эритиб бўладиган; **растворимые вещества́** эрийдиган моддалар.

РАСТВОРИ́ТЕЛЬ *м хим.* эритучи; эритучи (эритадиган) суюқлик; **растворители кра́сок** бўёқ эритучи (эритадиган) суюқликлар; **вода́ — прекра́сный растворитель** сув жуда яхши эритучидир.

РАСТВОРИ́ТЬ I *сов.* **1.** очмоқ, очиб қўймоқ, очиб юбормоқ, ланг очиб ташламоқ; **растворить о́кна** деразаларни очиб ташламоқ; 2. *махс.* очмоқ, кермоқ; **растворить ци́ркуль** циркулни очмоқ.

РАСТВОРИ́ТЬ II *сов.* **1.** эритмоқ; **растворить са́хар в воде́** қандни сувда эритмоқ; 2. қормоқ; **растворить те́сто** хамир қормоқ.

РАСТВОРИ́ТЬСЯ I *сов.* **1.** очилмоқ, очилиб кетмоқ; ланг очилмоқ; **воро́та раствори́лись** дарвоза очилди; 2. *махс.* очилмоқ, керилмоқ (циркуль, қайчи ва ш. к. ҳақида).

РАСТВОРИ́ТЬСЯ II *сов.* **1.** эримоқ, эриб кетмоқ; **кра́ска растворилась в воде́** бўёқ сувда эриди; 2. ‖ кўпчилик орасида кўздан йўқолмоқ, кўпчиликка (кўп нарсага) аралашиб кетиб кўринмай қолмоқ, кўринмай кетмоқ; **он сло́вно растворился в толпе́** у халойиқ орасига кириб ғойиб бўлди, кўринмай кетди.

РАСТВОРОМЕША́ЛКА *ж тех.* раствор қоргич, раствор қорадиган машина; *қ.* **раство́р** II (2-нчи ма'носида).

РАСТВОРОНАСО́С *м тех.* раствор насоси (сувоқ қилинаётган жойга трубалар орқали раствор етказиб берадиган насос).

РАСТВОРЯ́ЕМОСТЬ *ж мн. нет қ.* растворимость.

РАСТВОРЯ́ТЬ I *несов. қ.* растворить I.

РАСТВОРЯ́ТЬ II *несов. қ.* растворить II.

РАСТВОРЯ́ТЬСЯ I *несов.* **1.** *қ.* растворя́ться I; 2. *страд. от* растворя́ть I *(қ.)*.

РАСТВОРЯ́ТЬСЯ II *несов.* **1.** *қ.* растворя́ться II; 2. *страд. от* растворя́ть II *(қ.)*.

РАСТЕКА́ТЬСЯ *несов. қ.* расте́чься.

РАСТЕ́НИЕ *ср* ўсимлик; **культу́рное расте́ние** маданий ўсимлик; **ди́кое расте́ние** ёввойи ўсимлик; **многоле́тнее расте́ние** кўпйиллик ўсимлик; **бобо́вое расте́ние** дуккакли ўсимлик.

РАСТЕНИЕВО́Д *м махс.* ўсимликшунос.

РАСТЕНИЕВО́ДСТВО *ср мн. нет махс.* ўсимликшунослик (1. қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш ва етиштириш; 2. шу ҳақдаги фан).

РАСТЕНИЕВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое растениево́д ва растениево́дство *сўз. соф.*; ўсимликшуносга ва ўсимликшуносликка оид; *қ.* растениево́д ва растениево́дство.

РАСТЕНИЕПИТА́НИЕ *ср махс.* ўсимликларнинг ердан озиқланиши.

РАСТЕНИЕПИТА́ТЕЛЬ *м қ.х.* ўсимликларни озиқлантирадиган агрегат (машина).

РАСТЕРЕ́ТЬ *сов.* **1.** майдаламоқ, уқаламоқ, эзмоқ; кукун (ун, талқон) қилмоқ; **растере́ть кра́ски** бўёқларни майдаламоқ; бўёқ эзмоқ; 2. суркаб ташламоқ, чаплаб ташламоқ; суркаб (чаплаб) юбормоқ; 3. силамоқ, уқаламоқ, уқалаб қўймоқ; массаж қилмоқ; ◇ *растере́ть в порошо́к (кого́-н.)* *қ.* порошо́к I.

РАСТЕРЕ́ТЬСЯ *сов.* **1.** майдаланмоқ, кукунланмоқ; кукун (ун, талқон) бўлмоқ, эзилмоқ; 2. ишқаланиб артилмоқ; **растере́ться полоте́нцем** после

купа́ния чўмилиб бўлгач баданни чочиқ блан ишқалаб артмоқ.

РАСТЕРЗА́НИЕ *ср мн. нет* дабдала қилиш, тилка-тилка (тилка-пора) қилиш; юрагини эзиш.

РАСТЕ́РЗАННЫЙ, -ая, -ое 1. растерза́ть фе'лининг сифатдоши; 2. ‖ *с. т.* йиртилган, тўзиган, абжаги (дабдаласи) чиққан; **растерзанный переплёт кни́ги** китобнинг тўзиб кетган муқоваси; в **растерза́нном ви́де** абжаги (дабдаласи) чиқиб; 3. ‖ қийналган, азоб чеккан, эзилган, пора-пора; **растерза́нное се́рдце** эзилган юрак, садпора юрак.

РАСТЕРЗА́ТЬ *сов.* 1. ғажиб ташламоқ, ёриб ташламоқ, бурда-бурда қилмоқ, тилка-тилка (тилка-пора) қилмоқ; **во́лки растерза́ли овцу́** бўрилар қўйни ғажиб кетипти; 2. *с. т.* йиртмоқ, тўзитмоқ, абжаг қилмоқ; 3. ‖ тилка-пора қилмоқ, қийнамоқ, юрагини эзмоқ.

РАСТЕ́РЗЫВАТЬ *несов.* қ. растерза́ть.

РАСТЕ́РИВАТЬ *несов.* қ. растеря́ть.

РАСТЕ́РИВАТЬСЯ *несов. с. т.* 1. қ. растеря́ться; 2. йўқотилмоқ, йўқотиб қўйилмоқ.

РАСТЕ́РЯННОСТЬ *ж мн. нет* саросималик, гангиб (эсанкираб) қолишлик, паришонлик; **привести́ в состоя́ние расте́рянности** гангитиб қўймоқ; **в ряда́х проти́вника наступи́ла расте́рянность** душман сафлари саросимага тушди; **расте́рянность во взгля́де** серрайиб (бақрайиб) қолиш, серрайганлик, бақрайганлик.

РАСТЕ́РЯННЫЙ, -ая, -ое 1. растеря́ть фе'лининг сифатдоши; 2. ‖ саросимага тушган, довдираган, эсанкираган, гангиб (эсанкираб) қолган, серрайган; **он како́й-то расте́рянный** у аллақандай паришон кўринади; 3. ‖ паришон, анграйган; **расте́рянная у́лы́бка** паришон табассум.

РАСТЕРЯ́ТЬ *сов.* 1. йўқотмоқ, йўқотиб қўймоқ, йўқотиб юбормоқ, йўқотавериб тамом қилмоқ, тушириб қўймоқ; **он растеря́л все кни́ги** у ҳамма китобларини йўқотиб юборди; 2. ‖ йўқотмоқ, айримлоқ, ажрамоқ; маҳрум бўлмоқ, ажралиб (айрилиб) қолмоқ, жудо бўлмоқ; **он растеря́л всех свои́х друзе́й** у ҳамма дўстларидан ажраб қолди (айрилди); **растеря́ть зна́ния** билимини йўқотмоқ; билимини йўқотиб қўймоқ.

РАСТЕРЯ́ТЬСЯ *сов.* 1. йўқолмоқ, йўқолиб қолмоқ, йўқолавериб битмоқ, тушиб қолмоқ; **все ве́щи растеря́лись в пути́** йўлда ҳамма нарса йўқолди; 2. ‖ ўзини йўқотмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ, саросимага тушмоқ, довдираб (гангиб, эсанкираб) қолмоқ; серрайиб қолмоқ, салобати босмоқ; **она́ совсе́м растеря́лась от неожи́данности** у кутилмаган ҳодисадан ўзини бутунлай йўқотиб қўйди; **не растеря́ться перед лицо́м опа́сности** хавф-хатар олдида ўзини йўқотмаслик, эсанкираб қолмаслик.

РАСТЕРЯ́ХА *м и ж содд. бегн.* хаёли тарқоқ одам, нарсасини ҳар ерда эсидан чиқариб қолдираверадиган одам.

РАСТЕСА́ТЬ *сов. махс.* пойтеша (болта) блан чопмоқ, тарашламоқ.

РАСТЕСА́ТЬСЯ *сов. махс.* тарашланмоқ, чопилмоқ (пойтеша, болта блан).

РАСТЁСЫВАТЬ *несов.* қ. растеса́ть.

РАСТЁСЫВАТЬСЯ *несов.* 1. қ. растеса́ться; 2. *страд. от* **растёсывать** (*к.*).

РАСТЕ́ЧЬСЯ *сов.* 1. ҳамаёққа оқиб кетмоқ, ёйилиб кетмоқ; **проли́тое молоко́ растекло́сь по столу́** тўкилиб кетган сут бутун стол бетига ёйилди; 2. ёйилиб кетмоқ; **на э́той бума́ге черни́ла растека́ются** бу қоғозда сиёҳ ёйилиб кетади; 3. ‖ *с. т.* ёйилмоқ, тарқалмоқ, қопламоқ; **по его́ лицу́ растекла́сь у́лы́бка** унинг юзида табассум ўйнади.

растешу́, расте́шешь *буд. от* **растеса́ть** (*к.*).

РАСТИ́ *несов.* 1. ўсмоқ, ривожланмоқ; катта бўлмоқ; **карага́чи расту́т ме́дленно** қайрағочлар секин ўсади; 2. ўсмоқ, унмоқ, вояга етмоқ; **он рос в дере́вне у ба́бушки** қишлоқда ўсган; **мы росли́ вме́сте** биз бирга ўсганмиз; 3. ўсмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ, ортмоқ, катталашмоқ, кўпаймоқ, кенгаймоқ, тараққий этмоқ, ривож (равнақ) топ-

моқ, авж олмоқ; **расту́т дохо́ды** колхо́зов колхозларнинг даромадлари кўпайиб бормоқда; **с растут на́ши города́** шаҳарларимиз ўсмоқда (обод бўлиб бормоқда); **промы́шленность Узбекиста́на бы́стро растёт** Ўзбекистон саноати тез ўсмоқда; **растёт спрос на кни́ги** китобларга талаб зўраймоқда; **во всём ми́ре растёт революцио́нное движе́ние** бутун дунёда революцион ҳаракат кучаймоқда (кенгайиб бормоқда); 4. ‖ тақомиллашмоқ, камол топмоқ, ўсмоқ, етилмоқ; **э́тот худо́жник растёт с ка́ждым свои́м произведе́нием** бу санъаткор ҳар асар яратган сари камол топмоқда; 5. ўсмоқ; **па́льмы расту́т в жа́рких стра́нах** хурмо дарахти иссиқ мамлакатларда ўсади; 6. турмоқ, бўлмоқ; **у окна́ растёт де́рево** дераза ёнида битта дарахт бор; 7. ошмоқ, кўпчимоқ (хамир ҳақида).

РАСТИРА́НИЕ *ср* 1. *только ед.* майдалаш, уқалаш, ийлаш, эзиш; кукун (ун, толқон) қилиш; **растира́ние кра́ски** бўёқни уқалаш (майдалаш); бўёқ эзиш (ийлаш); 2. силаш, уқалаш, силаб (уқалаб) қўйиш, массаж қилиш; **растира́ние ушиба́** лат еган жойни уқалаб қўйиш.

РАСТИРА́ТЬ *несов. к.* **растере́ть.**

РАСТИРА́ТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **растере́ться**; 2. майдаланмоқ, уқаланмоқ, кукун (ун, талқон) қилинмоқ; эзилмоқ; 3. силанмоқ, уқаланмоқ, силаб (уқалаб) қўйилмоқ, массаж қилинмоқ.

РАСТИ́СКИВАТЬ *несов. к.* **расти́снуть.**

РАСТИ́СКИВАТЬСЯ *несов.* очилмоқ, ёзилмоқ, керилмоқ, очиб (ёзиб, кериб) юборилмоқ.

РАСТИ́СНУТЬ *сов. с. т.* очмоқ, ёзмоқ, кермоқ; **расти́снуть сжа́тый кула́к** мушти ёзмоқ.

РАСТИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* 1. ўсимликлар; **расти́тельность Сре́дней Азии** Ўрта Осиё ўсимликлари; 2. соч; соч-соқол; соқол-мўйлов; жун, тук; **лицо́, лишённое расти́тельности** бир туки йўқ (туксиз) юз; кўса.

РАСТИ́ТЕЛЬНЫЙ I, -ая, -ое 1. ўсимликларга оид; ўсимликлардан иборат бўлган; **расти́тельный мир** ўсимликлар олами; **расти́тельный покро́в** ўсимликлар; 2. ўсимликдан олинган; ўсимликдан ясалган; **расти́тельные кра́ски** ўсимликлардан олинган (тайёрланган) бўёқлар; **расти́тельное ма́сло** ўсимлик мойи; **расти́тельный клей** ўсимликлардан тайёрланган елим; **расти́тельная пи́ща** ўсимликлардан тайёрланган овқат; 3. ўсимликларда яшовчи; **расти́тельная тля** ўсимлик бити; ◊ ***расти́тельный орна́мент*** *(спт.)* ўсимликлар тасвирланган нақш.

РАСТИ́ТЕЛЬНЫЙ II, -ая, -ое ўсишга (ривожланишга) оид; **расти́тельный проце́сс** ўсиш (ривожланиш) процесси.

РАСТИ́ТЬ *несов.* 1. ўстирмоқ, тарбияламоқ, катта қилмоқ, вояга етказмоқ; **расти́ть дете́й** болаларни катта қилмоқ, тарбияламоқ; 2. ўстирмоқ, етиштирмоқ, парвариш қилмоқ; **расти́ть цветы́** гул экиб ўстирмоқ; 3. ўстирмоқ, қўймоқ; **расти́ть бо́роду** соқол қўймоқ; 4. ‖ ўстирмоқ, етиштирмоқ; **забо́тливо расти́ть ка́дры** кадрларни ғамхўрлик билан тарбиялаб етиштирмоқ.

РАСТЛЕВА́ТЬ *несов. к.* **растли́ть.**

РАСТЛЕ́НИЕ *ср* 1. қиз болани зўрлаш, номусига тегиш, иффатини бузиш; 2. ‖ *нафр.* ма'навий жиҳатдан бузилиш, айниш; ахлоқсизлик, чиркинлик, разиллик, принципсизлик; **растле́ние нра́вов** ахлоқи бузилиш.

РАСТЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *нафр.* ма'навий жиҳатдан бузуқ, чирик, чиркин, разил, принципсиз; **растле́нная идеоло́гия** агрессоров агрессорларнинг чиркин идеологияси (мафкураси); **растле́нная культу́ра** буржуазии буржуазиянинг чирик маданияти.

РАСТЛИ́ТЕЛЬ *м* 1. зўрловчи, номусига тегувчи; 2. ‖ *нафр.* ма'навий жиҳатдан бузувчи, ахлоқини бузувчи; **растли́тели нра́вов** ахлоқни бузувчилар.

РАСТЛИ́ТЬ *сов.* 1. балоғатга етмаган қиз болани зўрламоқ, номусига тегмоқ, иффатини бузмоқ; 2. ‖ *нафр.* ма'навий жиҳатдан бузмоқ, ахлоқини бузмоқ, разиллаштирмоқ; **растли́ть ду́шу** кўнглига васваса солмоқ, йўлдан урмоқ, қалбини бузмоқ.

РАСТОЛКА́ТЬ *сов.* 1. икки ёққа итариб йўл очмоқ; жой очмоқ; **растолка́ть толпу́** ҳалойиқни икки ёққа тисариб йўл очмоқ; 2. туртиб уйғотмоқ.

РАСТОЛКНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. с. т. к.* **растолка́ть.**

РАСТОЛКОВА́ТЬ *сов.* тушунтирмоқ, уқдирмоқ, тушунтириб бермоқ, англатиб қўймоқ; шарҳламоқ, изоҳламоқ; **растолкова́ть статью́ зако́на** қонун моддасини тушунтириб бермоқ; **растолкова́ть реше́ние зада́чи** масалани қандай ечишни тушунтирмоқ.

РАСТОЛКО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **растолкова́ть.**

растолку́, растолчёшь *буд. от* **растоло́чь** *(к.).*

растолко́, растолкла́ *прош. от* **растоло́чь** *(к.).*

РАСТОЛО́ЧЬ *сов.* янчмоқ, туймоқ, майдаламоқ; **растоло́чь са́хар** қандни туймоқ; **растоло́чь пе́рец** қалампир янчмоқ.

РАСТОЛСТЕ́ТЬ *сов.* семириб кетмоқ, терисига сиғмай кетмоқ.

РАСТОПИ́ТЬ I *сов.* ўт (олов) ёқмоқ; ёндирмоқ; **растопи́ть печь** печьга ўт ёқмоқ, печьни бозиллатмоқ.

РАСТОПИ́ТЬ II *сов.* эритмоқ, эритиб олмоқ; **растопи́ть воск** мўмни эритмоқ; **растопи́ть ма́сло** мой эритмоқ, мойни эритиб олмоқ.

РАСТОПИ́ТЬСЯ I *сов.* ёнмоқ, олов олмоқ; **плита́ растопи́лась** плитада олов ёнди, плита ўт олди.

РАСТОПИ́ТЬСЯ II *сов.* эримоқ, эриб бўлмоқ; **са́ло растопи́лось** мой эриди.

РАСТО́ПКА *ж мн. нет* 1. ўт (олов) ёқиш, ёндириш; **взять лучи́нку на расто́пку** ўт ёқиш учун пайрахадан тутантириқ қилмоқ; 2. *собир. с. т.* тутантириқ, тутатқи; **берёзовая расто́пка** қайин тутантириқ.

РАСТО́ПЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1. ёқилган, ўт ёқилган; бозиллатилган; 2. эритилган.

РАСТО́ПОЧНЫЙ, -ая, -ое *с. т.* ёқадиган, ёқиладиган; эритадиган, эритиладиган.

РАСТОПТА́ТЬ *сов.* 1. топтамоқ, босиб ташламоқ, босиб-янчиб (эзиб) ташламоқ; оёқости қилмоқ; поймол қилмоқ, пайхон қилмоқ; 2. *с. т.* кийиб кенгайтирмоқ, ялпайтирмоқ, тарвақайлатиб юбормоқ (оёқ кийимини).

РАСТОПТА́ТЬСЯ *сов. с. т.* кийилавериб кенгаймоқ, ялпайиб кетмоқ, тарвақайлаб кетмоқ (оёқ кийими ҳақида).

растопчу́, расто́пчешь *буд. от* **растопта́ть** *(к.).*

РАСТОПЫ́РИВАТЬ *несов. к.* **растопы́рить.**

РАСТОПЫ́РИВАТЬСЯ *несов. с. т.* 1. *к.* **растопы́риться**; 2. керилмоқ, кериб (йириб, ёзиб) қўйилмоқ, тарвақайлатиб юборилмоқ; чўччайтирилмоқ.

РАСТОПЫ́РИТЬ *сов. с. т.* кермоқ, йирмоқ, ёзмоқ, катта очмоқ; тарвақайлатмоқ; чўччайтирмоқ; **растопы́рить гу́бы** лабни чўччайтирмоқ; **растопы́рить ло́кти на столе́** тирсакларини кериб столга тираб ўтирмоқ; **растопы́рить па́льцы** бармоқларни (панжани) ёзмоқ.

РАСТОПЫ́РИТЬСЯ *сов. с. т.* керилмоқ, йирилмоқ, ёйилмоқ, очилмоқ, керилиб (ялпайиб, тарвақайлаб) кетмоқ; чўччаймоқ.

РАСТОРГА́ТЬ *несов. к.* **расто́ргнуть.**

РАСТОРГА́ТЬСЯ *несов.* бекор қилинмоқ, бузилмоқ, узилмоқ, тўхтатиб қўйилмоқ.

РАСТО́РГНУТЬ *сов.* 1. *расм.* бекор қилмоқ, бузмоқ, узмоқ, тўхтатиб қўймоқ; **расто́ргнуть догово́р** шартномани бекор қилмоқ; 2. ‖ узмоқ, воз кечмоқ, қутулмоқ, озод (халос) бўлмоқ; **расто́ргнуть це́пи ра́бства** қуллик занжирларини узмоқ, қуллик кишанидан қутулмоқ; **расто́ргнуть у́зы дру́жбы** дўстлик алоқасини узмоқ.

РАСТОРГОВА́ТЬ *сов. содд.* ҳаммаолни сотиб бўлмоқ; сотиб тамом қилмоқ; батамом сотиб бўлмоқ.

РАСТОРГОВА́ТЬСЯ *сов. содд.* 1. савдони қизитмоқ; қўли қўлига тегмай савдо қилмоқ; 2. молни сотиб бўлмоқ, молни батамом сотмоқ; 3. *эск.* савдогарчиликдан бойимоқ.

РАСТОРЖЕ́НИЕ *ср мн. нет* **расто́ргнуть** ге'лининг ҳаракат номи; **расторже́ние бра́ка** никоҳ аҳдини бекор қилиш.

РАСТОРЖИ́МОСТЬ *ж мн. нет* бекор қилиш мумкинлик.

РАСТОРМОШИ́ТЬ *сов. с. т.* 1. туртиб уйғотмоқ; 2. ‖ ҳаракатга солмоқ, ишга солмоқ, ғайратга келтирмоқ, рағбатлантирмоқ.

РАСТОРО́ПНОСТЬ *ж мн. нет* эпчиллик, чаққонлик, абжирлик, уддабуронлик; илдим-жилдимлик, оёқ-қўли чаққонлик.

РАСТОРО́ПНЫЙ, -ая, -ое эпчил, чаққон, абжир, уддабурон; илдим-жилдим; оёқ-қўли чаққон; **расторо́пный челове́к** эпчил одам.

РАСТОЧА́ТЬ *несов.* 1. *манф.* совурмоқ, исроф қилмоқ, беҳуда (бекор) кетказмоқ; нест-набуд қилиб юбормоқ; бебилиска сарф қилмоқ; 2. ‖ ҳаддан ошириб юбормоқ; суриштирмай (аямай) ин'ом қилавермоқ, ортиқ сахийлик кўрсатмоқ; **расточа́ть похвалы́** мақтовини ошириб юбормоқ; ҳадеб мақтайвермоқ; **расточа́ть улы́бки** ҳадеб (ҳаммага) илжаявермоқ.

РАСТОЧА́ТЬСЯ *несов. манф.* совурилмоқ, исроф қилинмоқ, беҳуда (бекор) кетказилмоқ, нест-набуд қилинмоқ бебилиска сарфланмоқ.

РАСТОЧЕ́НИЕ *ср мн. нет* расточа́ть фе'лининг ҳаракат номи; **расточе́ние иму́щества** мол-мулкни совуриш.

РАСТОЧИ́ТЕЛЬ *м манф.* исрофгар, нобудгар.

РАСТОЧИ́ТЕЛЬНИЦА *ж қ.* расточи́тель.

РАСТОЧИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет манф.* исрофгарлик, нобудгарлик, исрофгарчилик, нобудгарчилик.

РАСТОЧИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *манф.* беҳуда сарф қилучи, исрофгар, нобудгар; **расточи́тельный челове́к** исрофгар одам.

РАСТОЧИ́ТЕЛЬСТВО *ср мн. нет қ.* расточи́тельность.

РАСТОЧИ́ТЬ I *сов. қ.* расточа́ть.

РАСТОЧИ́ТЬ II *сов.* 1. *тех.* расточка қилмоқ, йўниб кенгайтирмоқ; 2. ювиб (ялаб) кетмоқ; емирмоқ, ўпирмоқ; **вода́ расточи́ла плоти́ну** сув тўғонни ўпириб (ўйиб) кетипти.

РАСТОЧИ́ТЬСЯ *сов. тех.* расточка (йўниш) натижасида кенгаймоқ.

РАСТО́ЧКА *ж мн. нет тех.* расточка, ичидан йўниш, йўниб кенгайтириш; **расто́чка подши́пников** подшипникларни йўниб кенгайтириш; **расто́чка отве́рстия** тешикни (ичидан) йўниб кенгайтириш.

РАСТО́ЧНЫЙ, -ая, -ое *тех.* расто́чка *сўз. сиф.*; расточка қиладиган; **расто́чный стано́к** расточка станоги.

РА́СТРА *ж* растра (нота қоғозига чизиқ чизадиган асбоб).

РАСТРАВИ́ТЬ *сов.* 1. оғритмоқ, аламга (оғриққа) киргизмоқ; оғриқни қўзғатиб қўймоқ; **растрави́ть ра́ну** ярани оғриққа киргизиб қўймоқ; 2. *с. т.* қутуртирмоқ, олкишламоқ, гижгижлатиб қўймоқ; **растрави́ть соба́ку** итни олкишламоқ, гусгусламоқ; 3. *махс.* тезоб (кислота) билан едириб ўйма ёки бўртма нақш солмоқ; **растрави́ть рису́нок** тезоб (кислота) билан едириб расм солмоқ; 4. ‖ аламини қўзғатмоқ, ярага туз сепмоқ; **растрави́ть ста́рое го́ре** эски аламни қўзғатмоқ.

РАСТРА́ВЛИВАТЬ, РАСТРАВЛЯ́ТЬ *несов. қ.* растрави́ть.

РАСТРАНЖИ́РИВАТЬ *несов. қ.* транжи́рить *(қ.)*.

РАСТРАНЖИ́РИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* транжи́риться; 2. исроф қилинмоқ, беҳуда сарф қилинмоқ, совурилмоқ.

РАСТРАНЖИ́РИТЬ *сов. с. т.* исроф қилмоқ, беҳуда сарфламоқ, совурмоқ.

РАСТРА́ТА *ж* 1. *только ед.* сарфлаш, харж (сарф) қилиш; 2. растрата (давлат пулини, мулкини ўз манфаати учун сарф қилиш); **отда́ть под суд за растра́ту** растрата қилгани учун судга бермоқ; 3. растрата, растрата қилинган пул; **взыска́ть растра́ту** растрата қилинган пулни ундирмоқ.

РАСТРА́ТИТЬ *сов.* 1. сарфламоқ, харжламоқ, сарф (харж) қилмоқ; **растра́тить все де́ньги на поку́пку книг** ҳамма пулни китобга сарфламоқ; 2. растрата қилмоқ (давлат пулини, мулкини ўз манфаатига сарф қилиб юбормоқ); 3. ‖ йўқотмоқ, бой бермоқ; **растра́тить здоро́вье** соғлиқни йўқотмоқ; **растра́тить по́пусту вре́мя** вақтни бекорга ўтказмоқ, бой бермоқ.

РАСТРА́ТЧИК *м* растратчи, растрата қилган киши; *қ.* растра́та 2, 3.

РАСТРА́ТЧИЦА *жс қ.* растра́тчик.

РАСТРА́ЧИВАТЬ *несов. қ.* растра́тить.

РАСТРА́ЧИВАТЬСЯ *несов. страд. от* растра́чивать (*қ.*).

растра́чу, растра́тишь *буд. от* растра́тить (*қ.*).

РАСТРЕВО́ЖИВАТЬ *несов. қ.* растрево́жить.

РАСТРЕВО́ЖИВАТЬСЯ *несов. қ.* растрево́житься.

РАСТРЕВО́ЖИТЬ *сов. с. т.* 1. қўзғатмоқ, бе́зовта қилмоқ, бетинч қилмоқ, тинчлигини бузмоқ; **растрево́жить мураве́йник** чумолининг инини бузмоқ; 2. ҳаловатни бузмоқ, ташвишга (ҳаяжонга) солмоқ, кўнгилга ғаш солмоқ; **растрево́жить ду́шу** юрагига ғаш солмоқ, ҳовлиқтириб қўймоқ; **растрево́жить неприя́тным сообще́нием** кўнгилсиз хабар билан ташвишга соли́б қўймоқ.

РАСТРЕВО́ЖИТЬСЯ *сов. с. т.* ташвишга тушмоқ, бетинч (безовта) бўлмоқ, хавотирга тушмоқ, ҳаяжонга келмоқ, тинчлиги йўқолмоқ.

РАСТРЕЗВО́НИТЬ *сов. содд манф.* овоза қилмоқ жар солмоқ, ҳарқаерда гапириб юрмоқ, оламга ёймоқ.

РАСТРЁПА *м* и *жс содд. манф.* ишлиқи, доим сочи пахмайган, пўлдиқ-сўлқи кийиниб юрадиган одам.

РАСТРЁПАННЫЙ, -ая, -ое 1. растрепа́ть фе'лининг сифатдоши; 2. ҳурпайган, пахмайган, тўзиган; пахмоқ; **растрёпанная причёска** тўзиган соч; 2. титилиб кетган, йиртилган, тўзиган; жулдур; **растрёпанная кни́га** йиртилиб кетган китоб; ◇ (*быть*) *в растрёпанных чу́вствах* (*с. т.*) қаттиқ ҳаяжонланмоқ, изтиробга тушмоқ.

РАСТРЕПА́ТЬ *сов.* 1. тўзғитмоқ, ҳурпайтирмоқ, пахмайтирмоқ; **ве́тер растрепа́л мои́ во́лосы** шамол сочларимни тўзғитиб юборди; 2. йиртмоқ, титиб (жулдур қилиб) юбормоқ, тўзитмоқ; **растрепа́ть тетра́дь** дафтарни йиртиб юбормоқ; 3. *махс.* савамоқ; **растрепа́ть шерсть** жун савамоқ.

РАСТРЕПА́ТЬСЯ *сов.* 1. тўзимоқ, тўзғимоқ, ҳурпаймоқ, пахмоқ бўлмоқ; 2. йиртилиб кетмоқ, тўзиб кетмоқ, титилиб (жулдур бўлиб) кетмоқ; **обло́жка кни́ги совсе́м растрепа́лась** китобнинг муқоваси жуда титилиб кетипти.

РАСТРЕ́СКАТЬСЯ *сов.* ёрилмоқ, чатнамоқ, дарз кетмоқ, ёрилиб (чатнаб) кетмоқ; **ру́ки у меня́ растре́скались** қўлларим ёрилиб кетипти; **лёд на реке́ растре́скался** дарёнинг қоплаган муз ёрилиб-ёрилиб кетипти.

РАСТРЕ́СКИВАТЬСЯ *несов. қ.* растре́скаться.

РАСТРО́ГАННЫЙ, -ая, -ое 1. растро́гать фе'лининг сифатдоши; 2. та'сирланган, тўлқинланган, ҳаяжонланган; ҳис-туйғулари ичига сиғмай кетган; **сказа́ть растро́ганным го́лосом** тўлқинланиб гапирмоқ, ҳаяжонли товуш билан гапирмоқ.

РАСТРО́ГАТЬ *сов.* та'сирлантирмоқ, тўлқинлантирмоқ, ҳаяжонга келтирмоқ.

РАСТРО́ГАТЬСЯ *сов.* та'сирланмоқ, ҳаяжонга келмоқ, тўлқинланмоқ, ҳис-туйғулари ичига сиғмай кетмоқ; **она́ растро́галась и запла́кала** у та'сирланиб кетди-да, йиғлаб юборди.

РАСТРУ́Б *м махс.* воронка шаклидаги оғиз; **растру́б трубы́** трубанинг воронка шаклидаги оғзи; **сапоги́ с растру́бом** қўнжининг оғзи кенг этик.

РАСТРУБИ́ТЬ *сов. с. т. манф.* жар солмоқ, овоза қилмоқ, ҳаммага гапириб юрмоқ.

РАСТРУСИ́ТЬ *сов.* 1. тўкмоқ, чочмоқ, тўкиб-чочиб келмоқ; **раструси́ть зерно́ по доро́ге** ғаллани бора-боргунча (кела-келгунча) тўкиб бормоқ, тўкиб келмоқ; 2. ёймоқ, чочмоқ; ёйиб (чочиб) қўймоқ; **раструси́ть се́но для проси́ушки** пичанни қуритиш учун ёйиб ташламоқ.

РАСТРУСИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* тўкилмоқ, чочилмоқ, тўкилиб-чочилиб қолмоқ; **мно́го се́на раструси́лось по доро́ге** йўл-йўлакай кўпгина пичан тукилиб қолипти.

РАСТРУ́ШИВАТЬ *несов. қ.* раструси́ть.

РАСТРУ́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.*

раструси́ться; 2. *страд. от* **растру́шивать** *(к.)*.

растру́шу, раструси́шь *буд. от* **раструси́ть** *(к.)*.

РАСТРЯСНО́Й, -ая, -ое *махс.* чочадиган, сепадиган; **растрясны́е маши́ны** чочадиган машиналар.

РАСТРЯСТИ́ *сов. с. т.* 1. ёйиб ташламоқ, чочиб ташламоқ; ёйиб (чочиб) қўймоқ; 2. ‖ йўқотмоқ, нобуд қилмоқ, исроф қилмоқ, совурмоқ; 3. ‖ туртиб (турткилаб) уйғотмоқ; 4. ‖ *безл.* силкитавериб (дўқиллатавериб) қийнамоқ, озор бермоқ; **в доро́ге меня́ растрясло́** йўлда дўқ-дўқидан қийналиб кетдим.

РАСТУШЕВА́ТЬ *сов. махс.* тушьламоқ, тушь бермоқ (суратнинг соя жойларини тушь билан қораламоқ).

РАСТУШЁВКА *ж махс.* 1. *только ед.* тушьлаш, тушь бериш (суратнинг соя жойларини тушь билан қора қилиш); 2. тушь беришда ишлатиладиган чўп, қалам.

РАСТУШЁВЫВАТЬ *несов. к.* **растушева́ть.**

РАСТУШЁВЫВАТЬСЯ *несов. махс.* тушьланмоқ, тушь берилмоқ.

РАСТЫ́КАТЬ *сов. содд.* 1. ҳар-қаер-ҳарқаерга тиқмоқ, қоқмоқ, тиқиб (қоқиб) қўймоқ; 2. дуч келган жойга қўявермоқ, бетартиб жойлаштирмоқ.

РАСТЫКА́ТЬ *несов. к.* **растыкать.**

РАСТЫКИВАТЬ *несов. к.* **растыкать.**

РАСТЮКОВА́ТЬ *сов. махс.* ечмоқ, очмоқ (той, тугун ва ш. к. ларни).

РАСТЮКО́ВЫВАТЬ *несов. к.* **растюкова́ть.**

РАСТЯ́ГИВАТЬ *несов. к.* **растяну́ть.**

РАСТЯ́ГИВАТЬСЯ *несов.* 1. *к.* **растяну́ться**; 2. *страд. от* **растя́гивать** *(к.)*.

РАСТЯЖЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* **растяну́ть** фе'лининг ҳаракат номи; *к.* **растяну́ть** 1—4; 2. *мед.* эт узилиш, чўзилиш; **растяже́ние сухожи́лий** пайларнинг шикастланиши, чўзилиши.

РАСТЯЖИ́МОСТЬ *ж мн. нет* 1. чўзилучанлик, чўзилиш қобилияти; **растяжи́мость рези́ны** резинанинг чўзилучанлиги; 2. ‖ ҳархил тушунилиши мумкинлик; **растяжи́мость поня́тия** тушунчанинг ҳар ма'нога кетавериши.

РАСТЯЖИ́МЫЙ, -ая, -ое 1. чўзиладиган, узаядиган, чўзилучан; 2. ‖ ҳархил тушунса бўладиган; ҳар ма'ноға бурса бўладиган; **растяжи́мое поня́тие** ҳар ма'ноға бурса бўлаверадиган тушунча.

РАСТЯ́ЖКА *ж* **растя́гивать** фе'лининг ҳаракат номи; *к.* **растянуть** 1, 2, 6; **растя́жка у́зкой** обуви тор пойабзални шон уриб (қолипга тортиб) кенгайтириш.

РАСТЯЖНО́Й, -ая, -ое чўзиладиган, тортиладиган, узаядиган; **растяжно́й рези́новый бинт** чўзиладиган (чўзиб тушириладиган, кийдириладиган) резина тўғин.

РАСТЯ́НУТОСТЬ *ж* 1. узайиб (чўзилиб) кетганлик, чўзиб юборилганлик; **растя́нутость ли́нии фро́нта** фронт линиясининг чўзилиб кетганлиги; 2. узунлик, чўзилганлик, узундан-узоқлик; **растя́нутость расска́за** ҳикоянинг чўзилиб кетганлиги (узундан-узоқлиги).

РАСТЯ́НУТЫЙ, -ая, -ое 1. **растяну́ть** фе'лининг сифатдоши; 2. узайтириб (чўзиб) юборилган, узайиб, чўзилиб кетган, узундан-узун, узундан-узоқ; **растя́нутая ли́ния земля́ных рабо́т** на стройтельстве қурилишда узоқ масофага чўзилиб кетган ер кавлаш ишлари; 3. чўзиб юборилган, узун, узундан-узун; **растя́нутый расска́з** узундан-узун ҳикоя.

РАСТЯНУ́ТЬ *сов.* 1. солмоқ, ёзмоқ, ёймоқ, тўшамоқ; солиб (ёзиб, ёйиб) қўймоқ; **растяну́ть ковёр** гилам солмоқ; 2. чўзиб (кериб) катта қилмоқ; кенгайтирмоқ; **растяну́ть сапоги́** этикни қолип (шон) уриб кенгайтирмоқ; 3. *мед.* этини узмоқ, чўзиб юбормоқ; **растяну́ть связки́** пайларни чўзиб юбормоқ, узмоқ; 4. чўзиб юбормоқ; чўзаверіб бўш (солқа) қилиб қўймоқ; 5. ‖ чўзмоқ, чўзиб юбормоқ; **растяну́ть докла́д на три часа́** докладни уч соатга чўзмоқ; **растяну́ть расска́з** ҳикоянн чўзмоқ; 6. ‖ узайтирмоқ, чўзмоқ, судрамоқ; орқага силтамоқ, узоққа олиб бормоқ; **растяну́ть рабо́ту на**

ме́сяц ишни бир ойга чўзмоқ; 7. орасини узоқ-узоқ қилиб қўймоқ, ёйиб узоқ масофага жойлаштирмоқ.

РАСТЯНУ́ТЬСЯ *сов.* 1. кенгаймоқ, чўзилмоқ, катта бўлиб кетмоқ; **у́зкие сапоги́ растяну́лись** тор этик кенгайиб кетди, кенгайиб қолди; 2. чўзилмоқ, эт узилмоқ; 3. чўзилиб кетмоқ, чўзилаверіб бўш (солқа) бўлиб қолмоқ; **рези́на растяну́лась** резина чўзилиб кетипти; 4. чўзилиб кетмоқ, узайиб кетмоқ, узоқ масофага ёйилмоқ; **фронт рабо́т растяну́лся** иш фронти чўзилиб (узайиб) кетди; 5. ‖ узоққа чўзилмоқ, кўп вақтга чўзилмоқ; **пре́ния растяну́лись на три часа́** музокара уч соатга чўзилди; **экза́мены растяну́лись на ме́сяц** имтиҳонлар бир ойга чўзилди; 6. ‖ чўзилиб (узайиб) кетмоқ, узундан-узоқ бўлиб кетмоқ; **расска́з сли́шком растяну́лся** ҳикоя ҳаддан ортиқ чўзилиб кетипти; 7. чўзилмоқ, чўзилиб ётмоқ; **растяну́ться на дива́не** диванда чўзилиб ётмоқ; 8. *с. т.* йиқилмоқ, йиқилиб тушмоқ; алла бўлмоқ; **растяну́ться во весь рост** алла бўлиб тушмоқ.

РАСТЯ́ПА *м и ж содд. манф.* лалайган, ношуд, лаванг, лавашанг, меров.

РАСФАСО́ВАННЫЙ, -ая, -ое *махс.* қадоқланган, қадоқлаб (тортиб) ўраб қўйилган; **расфасо́ванный ко́фе** қадоқланган кофе.

РАСФАСОВА́ТЬ *сов. махс.* қадоқламоқ, тортиб (қадоқлаб) ўраб қўймоқ; **расфасова́ть чай** чой қадоқламоқ.

РАСФАСО́ВКА *ж мн. нет* қадоқлаш, қадоқлаб (тортиб) ўраб қўйиш; **расфасо́вка муки́** ун қадоқлаш.

РАСФАСО́ВЫВАТЬ *несов. к.* расфасова́ть.

РАСФОРМИРОВА́ТЬ *сов. расм.* тарқатиб юбормоқ, тугатмоқ; **расформирова́ть во́инскую часть** ҳарбий қисмни тарқатиб юбормоқ; **расформирова́ть по́езд** поезд вагонларини ажратиб-ажратиб юбормоқ.

РАСФОРМИРО́ВЫВАТЬ *несов.* расформирова́ть.

РАСФОРМИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* тарқатилмоқ, тугатилмоқ; ажратилмоқ.

РАСФРАНТИ́ТЬСЯ *сов. содд. манф.* олифта (башанг) кийинмоқ, ясаниб тусанмоқ, ўзига зеб (оро) бермоқ.

РАСФУФЫ́РИТЬСЯ *сов. содд. манф.* ясанмоқ, тусанмоқ.

РАСХА́ЖИВАТЬ *несов.* уёқ-буёққа юриб турмоқ, секин-аста юриб турмоқ; **расха́живать взад и вперёд по ко́мнате** уй ичида уёқ-буёққа юриб турмоқ.

РАСХВА́ЛИВАТЬ *несов. к.* расхвали́ть.

РАСХВАЛИ́ТЬ *сов.* қаттиқ мақтаб юбормоқ, мақтовини ошириб юбормоқ, мақтовини келтирмоқ; кўкка кўтармоқ; ◇ ***расхвали́ть до небе́с*** *(с. т.)* кўкларга кўтармоқ; хўп мақтамоқ.

РАСХВА́РЫВАТЬСЯ *несов. к.* расхвора́ться.

РАСХВА́СТАТЬСЯ *сов. с. т. манф.* ҳадеб мақтанмоқ, мақтанавермоқ; мақтанчоқлик қилмоқ; ўзини ўзи мақтамоқ; керилмоқ.

РАСХВАТА́ТЬ *сов. с. т.* 1. талаб кетмоқ, талашиб кетмоқ, битта-биттадан олишиб битирмоқ; 2. сотиб олиб битирмоқ, талашиб сотиб олмоқ; қўлни-қўлга тегизмай олиб кетмоқ; **но́вые кни́ги в магази́не расхвата́ли за́ два часа́** магазинда янги китобларни икки соат ичида талаб кетишди.

РАСХВА́ТЫВАТЬ *несов. к.* расхвата́ть.

РАСХВА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. талаб кетилмоқ, талаш бўлмоқ, битта-биттадан олиб битирилмоқ; 2. сотиб олиб битирилмоқ, талашиб сотиб олинмоқ.

РАСХВОРА́ТЬСЯ *сов. с. т.* қаттиқ оғримоқ, оғир касал бўлиб қолмоқ; узоқ ётиб қолмоқ; **расхвора́ться не на шу́тку** қаттиқ касал бўлиб қолмоқ.

РАСХИТИ́ТЕЛЬ *м* талончи, талон-торож қилучи, таловчи, ўғри.

РАСХИ́ТИТЬ *сов.* ўғирламоқ, талон-торож қилмоқ, талаб кетмоқ.

РАСХИЩА́ТЬ *несов. к.* расхи́тить.

РАСХИЩЕ́НИЕ *ср мн. нет* ўғирлаш, талон-торож қилиш, талов; **расхище́ние госуда́рственной и обще́ственной со́бственности кара́-**

ется по зако́ну давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилганларга қонунга мувофиқ жазо берилади.

РАСХЛЕБА́ТЬ *сов содд.* 1. батаном ейишмоқ, еб қўйишмоқ, еб битиришмоқ; 2. || ипнинг (калавanинг) учини топиб олмоқ, чигалини ечмоқ, ишкалини бартараф қилмоқ, мушкул масалани ҳал қилмоқ.

РАСХЛЁБЫВАТЬ *несов. к.* расхлеба́ть; **заварѝл ка́шу, тепе́рь расхлёбывай!** пиширган ошингни ўзинг е; қилган ишингнинг жазосини ўзинг торт.

РАСХЛЕСНУ́ТЬ *сов. с.т.* ечмоқ бўшатмоқ; **расхлеснýть зацепи́вшуюся верёвку** илиниб қолган арқоннинг учини бўшатмоқ.

РАСХЛОПОТА́ТЬСЯ *сов. с.т.* ҳаракатга тушиб кетмоқ, елиб-югурмоқ; тарадудга тушиб қолмоқ.

расхлопочу́сь, расхлопо́чешься *буд. от* **расхлопота́ться** *(к.).*

РАСХЛЯ́БАННОСТЬ *ж мн. нет с.т.* 1. ландавурлик, бўшанглик, шалвираганлик, шалпайганлик; 2. интизомсизлик, тартибсизлик, бебошлик, бошбошдоқлик, бош-бошга қовушмаганлик; **боро́ться с расхля́банностью в рабо́те** ишдаги бошбошдоқликка қарши курашмоқ.

РАСХЛЯ́БАННЫЙ, -ая, -ое *с.т.* 1. бўшаган, бўшаб қолган, шалоқ; 2. || ландавур, бўшанг, шалпайган, шалвираган; **расхля́банная похо́дка** шалвираб юриш; 3. || *манф.* интизомсиз, бетартиб, бебош, бошбошдоқ, бош-бошга қовушмаган.

РАСХЛЯ́БАТЬ *сов. с.т.* 1. бўшатмоқ, бўшаштирмоқ, бўшаштириб (қимирлатиб) қўймоқ, лиқилдоқ (шалоқ) қилиб қўймоқ; **расхля́бать болт** болтни бўшаштириб қўймоқ; 2. || *манф.* бузмоқ, бўшаштириб (бебош, бошбошдоқ қилиб) юбормоқ; хароб қилмоқ, изидан чиқармоқ, ёмонлаштирмоқ.

РАСХЛЯ́БАТЬСЯ *сов. с.т.* 1. бўшаб кетмоқ, бўшаб қолмоқ; шалоқ (лиқилдоқ) бўлиб қолмоқ; **га́йка расхля́балась** гайка бўшаб қолипти; 2. || бузилмоқ, хароб бўлмоқ, ёмонлашмоқ; **здоро́вье у меня́ совсе́м расхля́балось** соғлиғим жуда ёмонлашиб кетди; 3. || бузилмоқ, бўшашиб кетмоқ, бебош (бошбошдоқ) бўлиб кетмоқ, издан чиққиб кетмоқ, бош-бошга қовушмай қолмоқ.

РАСХЛЯ́БЫВАТЬ *несов. к.* расхля́бать.

РАСХЛЯ́БЫВАТЬСЯ *несов. с.т.* 1. *к.* расхля́баться; 2. бўшаштирилмоқ, бўшаштириб юборилмоқ, шалоқ қилиб қўйилмоқ.

РАСХНЫКАТЬСЯ *сов. с.т.* 1. ҳиқиллаб (пиқиллаб) йиғлайбошламоқ, пиқ-пиқ йиғлайбошламоқ; 2. || нолимоқ, нолиш қилмоқ, зорланмоқ, ҳасратидан чанг чиқмоқ.

РАСХО́Д *м* 1. чиқим, харажат, харж, буромад; **доро́жные расхо́ды** йўл харажатлари; **ме́лкие расхо́ды** майда харажатлар; **нести́ расхо́ды** чиқимдор бўлмоқ, харж қилмоқ; 2. сарф қилиш, ишлатиш, исте'мол қилиш; сарфланиш, кетиш; сарф бўлиш; **сни́зить расхо́д то́плива** ёқилғини тежаб камроқ ишлатмоқ, ёқилғини кам кетказмоқ; **расхо́д электроэне́ргии** электр энергиясинг сарфланиши; *3. бухг.* чиқим; **прихо́д и расхо́д ки́рим ва чиқим; списа́ть что-н. в расхо́д** бирор нарсани чиқимга ёзмоқ, харажат қилинган деб қайд қилмоқ; 4. *махс. с.т.* сотилиш, ўтиш; бозорни чаққонлик; 5. *махс.* механизм қисмларининг эркин ҳаракат қилиши, айланиши учун қолдириладиган бўш, очиқ жой; ◊ ***пусти́ть (вы́вести́) в расхо́д*** *(с.т. эск.)* отиб ташламоқ; отиб ўлдирмоқ; ***в расхо́де*** *(с.т.)* йўқ; тарқалиб кетган; **все рабо́тники в расхо́де** ходимларнинг ҳаммаси иш билан тарқалиб кетган, йўқ.

РАСХОДИ́ТЬСЯ I *несов. к.* разойти́сь.

РАСХОДИ́ТЬСЯ II *сов. с.т.* тўхтовсиз юравермоқ, ҳадеб юрмоқ, юриб турмоқ.

РАСХО́ДНЫЙ, -ая, -ое **расхо́д** *сўз. сиф.*; харажатга, чиқимга оид; **расхо́дный о́рдер** чиқим ордери; **расхо́дная кни́га** чиқим дафтари.

РАСХО́ДОВАТЬ *несов.* 1. сарфламоқ, харжламоқ, сарф (харж) қилмоқ; **расхо́довать де́ньги** пул сарфламоқ; 2. сарфламоқ, талаб қилмоқ, олмоқ; ишлатмоқ; **э́тот дви́гатель**

расхо́дует ма́ло то́плива бу двигатель ёқилғини кам кеткизади.

РАСХО́ДОВАТЬСЯ *несов.* 1. сарфламоқ, сарф (харж) қилмоқ; чиқим қилмоқ; 2. сарфланмоқ, сарф қилинмоқ; **большие сре́дства расхо́дуются у нас на культу́рные ну́жды** бизда маданий эҳтиёжларга катта маблағ сарф қилинади.

РАСХОЖДЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* **разойти́сь** 8, 10 ва 13 фе'лининг ҳаракат номи; **расхожде́ние** лучей нурларнинг тарқалиши; **расхожде́ние доро́г** йўлларнинг айрилиши; 2. фарқ, тафовут, айирма, тўғри келмаслик, келишмовчилик, ихтилоф, зиддият, қарама-қаршилик; **расхожде́ние во взгля́дах** қарашлардаги ихтилоф; **глубо́кое расхожде́ние ме́жду произво́дством и потребле́нием в капиталисти́ческих стра́нах** капиталистик мамлакатларда ишлабчиқариш билан исте'мол ўртасидаги катта тафовут, айирма; **расхожде́ние ме́жду прихо́дом и расхо́дом** кирим билан чиқим ўртасидаги фарқ.

расхожу́сь, расхо́дишься *буд. от* **расходи́ться** I ва II (*қ.*).

РАСХОЛА́ЖИВАТЬ *несов.* қ. **расхолоди́ть.**

РАСХОЛОДИ́ТЬ *сов.* совутмоқ, ҳафсаласини ўлдирмоқ, ҳафсалани пир қилмоқ, ғайратини ўлдирмоқ, кўнглини совутмоқ, ихлосини (шахтини) қайтармоқ.

расхоложу́, расхолоди́шь *буд. от* **расхолоди́ть** (*қ.*).

РАСХОТЕ́ТЬ *сов. с. т.* истамай қолмоқ, бирор ишни қилгиси келмай қолмоқ; **я расхоте́л идти́ в парк** паркка боргим келмай қолди.

РАСХОТЕ́ТЬСЯ *сов. безл. с. т.* истаги йўқолмоқ, бирор ишни қилгиси келмай қолмоқ; **я зачита́лся и спать расхоте́лось** китобга қизиқиб кетиб уйқум ўчиб кетди, уйқум келмай қолди.

РАСХОХОТА́ТЬСЯ *сов.* қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбормоқ, хахолаб кулиб юбормоқ.

расхохочу́сь, расхохо́чешься *буд. от* **расхохота́ться** (*қ.*).

расхочу́, расхо́чешь *буд. от* **расхоте́ть** (*қ.*).

РАСХРАБРИ́ТЬСЯ *сов. с. т.* ботинмоқ, ботирлик қилмоқ, дадил бўлмоқ, жур'ат этмоқ, жасорат қилмоқ, мардлик кўрсатмоқ.

РАСЦАРА́ПАТЬ *сов.* тимдалаб (тирнаб) ташламоқ, тилиб юбормоқ.

РАСЦАРА́ПАТЬСЯ *сов.* тимдалаб ташланмоқ, тирнаб юборилмоқ, тилиниб кетмоқ.

РАСЦАРА́ПЫВАТЬ *несов.* қ. **расцара́пать.**

расцвёл, расцвела́ *прош. от* **расцвести́** (*қ.*).

РАСЦВЕСТИ́ *сов.* 1. гулламоқ, очилмоқ, гули очилмоқ; **расцвела́ сире́нь** сирень гуллади; **расцвёл уро́к** ўрик гуллади; 2. ‖ гулдай очилмоқ, етилмоқ; тўлишмоқ, ҳусн кирмоқ, ўзини қўймоқ; 3. ‖ чиройи очилмоқ, яшнамоқ; **его́ лицо́ расцвело́ улы́бкой** унинг юзида табассум жилваланди; 4 ‖ гуркилламоқ, гулламоқ, яшнамоқ; гуллаб яшнамоқ, барқ урмоқ, равнақ топмоқ, юксалмоқ, ривожланиб кетмоқ, тараққий топмоқ; **расцвела́ нау́ка в на́шей стране́** бизнинг мамлакатимизда илм гуллаб яшнади.

РАСЦВЕ́Т *м* 1. гуллаш; гуллаган вақт, гуллаш мавсуми; **вре́мя по́лного расцве́та я́блонь** олма гули, олма гуллаган вақт; 2. ‖ гуркиллаш, гуллаш, яшнаш, гуллаб яшнаш, барқ уриш, равнақ топиш, юксалиш; тараққий, равнақ, ривож; **бу́рный расцве́т социалисти́ческой промы́шленности** социалистик саноатнинг гуллаб яшнаши; 3. ‖ етуклик, қирчиллаганлик, етилганлик, ўзини қўйганлик, гуллаб яшнаганлик, камол топганлик, камолот; **он в по́лном расцве́те сил** унинг қирчиллаган (куч-қувватга тўлган) чоғи; **его́ тала́нт в по́лном расцве́те** унинг таланти камолга етди.

РАСЦВЕТА́ТЬ *несов.* қ. расцвести́.

РАСЦВЕТИ́ТЬ *сов.* 1. ранг-баранг қилиб бўямоқ, гул солмоқ, гул босмоқ; 2. ранг-баранг байроқ, чироқ ва ҳ. к. лар билан безатмоқ, зийнатламоқ; **в пра́здник у́лицы расцвечены фла́гами и плака́тами** байрамда кўчалар байроқ ва плакатлар билан безатилди.

РАСЦВЕ́ТКА *ж* 1. *только ед.* ранг-баранг қилиб бўяш, гул солиш, гул босиш; 2. гул; ранг-баранг гул, ранг (газламада, суратда ва ҳ. к. да); **шёлк я́ркой расцве́тки** очиқ гулли (шўҳчанг) шоҳи; **сите́ц скро́мной расцве́тки** одми чит, одми гулли чит.

расцвету́, расцветёшь *буд. от* **расцвести́** *(қ.)*.

РАСЦВЕ́ЧИВАТЬ *несов. қ.* **расцвети́ть**.

РАСЦВЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1. ранг-баранг гул солинмоқ, гул босилмоқ; 2. ранг-баранг байроқ, чироқ ва ҳ. к. лар билан безатилмоқ.

расцвечу́, расцвети́шь *буд. от* **расцвети́ть** *(қ.)*.

РАСЦЕЛОВА́ТЬ *сов.* қаттиқ ўпмоқ, чўлп-чўлп ўпмоқ; ўпиб-ўпиб олмоқ; **расцелова́ть ребёнка в о́бе щеки** боланинг икки юзидан ўпиб-ўпиб олмоқ.

РАСЦЕЛОВА́ТЬСЯ *сов.* ўпишмоқ; **при встре́че друзья́ расцелова́лись** дўстлар учрашиб бир-бирлари билан ўпишдилар.

РАСЦЕ́НИВАТЬ *несов. қ.* **расцени́ть**; **как вы расце́ниваете его́ предложе́ние?** унинг таклифига қандай қарайсиз? (қандай баҳо берасиз?).

РАСЦЕ́НИВАТЬСЯ *несов. страд. от* **расце́нивать** *(қ.)*.

РАСЦЕНИ́ТЬ *сов.* 1. *махс.* нарх қўймоқ, баҳо қўймоқ; баҳоламоқ, қийматини (ҳақини) белгиламоқ; **расцени́ть това́р** молга нарх қўймоқ; 2. ‖ баҳо бермоқ, ҳисобламоқ; **как расцени́ть тако́е поведе́ние?** бу хатти-ҳаракатга қандай баҳо бермоқ керак?

РАСЦЕ́НКА *ж* 1. *только ед.* **расцени́ть** 1 фе'лнинг ҳаракат номи; **произвести́ расце́нку рабо́т** қилинган ишларни баҳоламоқ; 2. баҳо, нарх; қиймат; **понизить расце́нки** баҳоларни туширмоқ; 3. ма'лум миқдордаги ишга белгиланган ишҳақи.

РАСЦЕ́НОЧНЫЙ, -ая, -ое баҳоловчи, нарх қўювчи; баҳо (нарх) белгилайдиган; **расце́ночная коми́ссия** баҳоловчи комиссия.

РАСЦЕПИ́ТЬ *сов.* 1. ажратмоқ, узмоқ; **расцепи́ть ваго́ны** вагонларни ажратмоқ; 2. ‖ *с. т.* ажратмоқ, ажратиб қўймоқ (мас., муштлашаётганларни).

РАСЦЕПИ́ТЬСЯ *сов.* ажралмоқ, узилмоқ, ажралиб (чиқиб, узилиб) кетмоқ; **ваго́ны расцепи́лись** вагонлар узилиб кетди.

РАСЦЕПЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **расцепи́ть**.

РАСЦЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расцепи́ться**; 2. ажратилмоқ, узилмоқ; ажратиб (узиб) қўйилмоқ.

расчёл, разочла́ *прош. от* **расчесть** *(қ.)*.

РАСЧЕРТИ́ТЬ *сов.* чизмоқ, чизиқлаб чиқмоқ, чизиқлар тортмоқ; **расчерти́ть бума́гу** қоғозни чизиқлаб олмоқ.

РАСЧЁРЧИВАТЬ *несов. қ.* **расчерти́ть**.

расчерчу́, расчёртишь *буд. от* **расчерти́ть** *(қ.)*.

РАСЧЕСА́ТЬ *сов.* 1. тарамоқ, тараб олмоқ, тараб қўймоқ; **расчеса́ть бо́роду** соқол тарамоқ; 2. тарамоқ, саваламоқ, тараб (савалаб) тола-тола қилмоқ; **расчеса́ть шерсть** жунни тараб (савалаб) тола-тола қилмоқ; 3. қашилаб (тирнаб) бирор шикаст орттирмоқ; **расчеса́ть ру́ку до кро́ви** қўлни қашиб қонатмоқ.

РАСЧЕСА́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. соч-соқолини тарамоқ, тараб олмоқ; 2. қашиланабошламоқ; ҳадеб қашиланавермоқ.

РАСЧЁСКА *ж* 1. *только ед.* **расчеса́ть** фе'лнинг ҳаракат номи; **произвести́ расчёску** льна зиғирпояни тараб тола-тола қилиш; 2. *с. т.* тароқ.

РАСЧЁСТЬ *сов. қ.* **рассчита́ть** 1, 2.

РАСЧЁСТЬСЯ *сов. с. т. қ.* **рассчита́ться** 1.

РАСЧЁСЫВАТЬ *несов. қ.* **расчеса́ть**.

РАСЧЁСЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *с. т. қ.* **расчеса́ться**; 2. *страд. от* **расчёсывать** *(қ.)*.

РАСЧЁТ *м* 1. **расчёсть, рассчита́ть** фе'лнинг ҳаракат номи; **пра́вильный расчёт** тўғри ҳисоблаш;

ошúбка в расчёте ҳисобда кетган хато; ҳисобдаги хатолик; 2. *тех.* расчёт; **расчёт фундáмента** пойдевор расчёти, пойдеворни расчёт қилиш; 3. *расм.* тўлаш, тўлов, ҳисоб-китоб; **произвести́ расчёт с кредито́рами** кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилмоқ; **приобрести́ за нали́чный расчёт** нақд пулга (нақд пул тўлаб) олмоқ; **по безнали́чному расчёту** нақд пул тўламасдан; 4. *только ед.* бўшатиш, ҳисоб-китоб қилиб жавоб бериш; бўшаш, ҳисоб-китоб қилиб жавоб олиш; расчёт; **получи́ть расчёт** расчёт олмоқ, ишдан бўшамоқ; **дать расчёт** расчёт бермоқ, ишдан бўшатмоқ; 5. ‖ ўч, қасос, қасд, қаримта, ҳисоблашиш; **у меня́ с ним бу́дет осо́бый расчёт** мен у билан бошқача гаплашаман; 6. ‖ мўлжал, чама, таҳмин, ўй; **по мои́м расчётам он уже́ прие́хал** менинг мўлжалимча, у келган; **мои́ расчёты не оправда́лись** менинг ўйлаганим тўғри чиқмади; **он ошúбся в свои́х расчётах** унинг мўлжали тўғри бўлиб чиқмади; унинг мўлжалидагидек бўлмай қолди; **пое́здка в го́род не входи́ла в мои́ расчёты** мен шаҳарга бормоқчи эмас эдим; шаҳарга бориш ўйим йўқ эди; 7. ‖ *только ед. с. т.* ўй, ният, мақсад, кўзлаб кўйилган иш; ғараз; **он сказа́л э́то без вся́кого расчёта** буни у бирор мақсад (ғараз) билан айтган эмас; 8. *только ед. с. т.* фойда, манфаат, наф', ҳисоб; **мне нет расчёта е́хать туда́** у ерга бориб нима фойда топаман; 9. *только ед.* тежаш, тежаб-тергаш; режа, тадбир; **жить с расчётом** режаси билан яшамоқ; 10. *харб.* расчёт (бир тўп ёки бир пулемётни бошқаруви аскарлар группаси); **орудúйный расчёт** тўп расчёти; ◇ *в расчёте* (*с кем-н.*) ора очиқ, узилдик; **мы с ним в расчёте** биз у билан ора очиқ бўлдик; бир-биримиздан узилдик; *в расчёте* (*на что-н.*) илинжида, умидида, пайида, ишониб, кўзлаб, орқа қилиб; *из расчёта* ҳисобидан; **избира́тельные уча́стки образу́ются из расчёта оди́н на́ три ты́сячи избира́телей** ҳар уч минг сайловчига биттадан сайлов участкаси тузилади; ***принима́ть в расчёт*** ҳисобга (э'тиборга) олмоқ, назарда тутмоқ; ***хозя́йственный расчёт*** қ. хозрасчёт.

РАСЧЁТЛИВОСТЬ *ж мн. нет* 1. режалилик, тадбирлилик, миришкорлик; тежаб-тергаб сарф қилмоқлик; анойи қилмаслик, пишиқлик; 2. эҳтиёткорлик, ўйлаб иш қилишлик, тадбир билан иш кўришлик.

РАСЧЁТЛИВЫЙ, -ая, -ое 1. режали, тадбирли, миришкор; тежаб-тергаб сарф қиладиган, тийинни анойи қилмайдиган, пишиқ; 2. эҳтиёткор, ўйлаб иш қиладиган, тадбирли; **во всех дела́х он о́чень расчётлив** у ҳамма ишни пухта ўйлаб қилади.

РАСЧЁТНЫЙ, -ая, -ое 1. ҳисобга оид, ҳисоблаш учун хизмат қиладиган, ҳисоб-китоб юритадиган, пул қабул қиладиган ва тўлайдиган; **расчётная ка́сса** пул оладиган ва берадиган касса; **расчётная ве́домость** тўлов ведомости; **расчётная кни́жка** ҳисоб дафтарчаси; 2. *тех.* расчётга оид; **расчётные да́нные** расчёт натижасида олинган рақамлар.

РАСЧЁТЧИК *м тех.* расчёт қилувчи мутахассис (инженер, архитектор).

РАСЧЕХЛИ́ТЬ *сов. махс.* жилдини (ёпинини, ғилофини) олиб ташламоқ; **расчехли́ть ору́дия** тўпларнинг ёпиқларини олиб ташламоқ.

расчешу́, расчёшешь *буд. от* расчеса́ть (*қ.*).

РАСЧИ́СЛИТЬ *сов. с. т.* ҳисоблаб чиқмоқ, ҳисоблаб (расамади билан) тақсимламоқ.

РАСЧИСЛЯ́ТЬ *несов.* қ. расчи́слить.

РАСЧИ́СТИТЬ *сов.* 1. тозаламоқ, тозалаб ташламоқ, тозалаб қўймоқ; тозалаб очмоқ, кенгайтирмоқ; **расчи́стить сад** боғни тозаламоқ; **расчи́стить доро́жку от сне́га** йўлканинг қорини кураб тозаламоқ; қорни кураб ташлаб йўлни очмоқ; 2. ‖ *с. т.* тозаламоқ, йўл очмоқ, йўл очиб олмоқ, йўл очиб бермоқ, замин ҳозирламоқ.

РАСЧИ́СТИТЬСЯ *сов.* тозаланмоқ, очилмоқ, холи бўлмоқ, мусаффо бўлмоқ; **не́бо расчи́стилось от туч** ҳаво очилди.

РАСЧИ́СТКА *ж* 1. *только ед.* тозалаш, тозалаб ташлаш, тозалаб

қўйиш, тозалаб очиш, кенгайтириш; **расчи́стка поле́й от гуза-пай** далаларни ғўзапоядан тозалаш; 2. *махс.* бирор нарсани тозалайдиган асбоб; 3. очиқ (яланг) жой; тозаланган жой; **всё ча́ще попада́лись в лесу́ расчи́стки** ўрмонда очиқ ерлар борган сайин кўпроқ учарди.

РАСЧИХА́ТЬСЯ *сов. с. т.* аксиракетмоқ, кетма-кет аксиравермоқ.

РАСЧИЩА́ТЬ *несов. қ.* **расчи́стить.**

РАСЧИЩА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расчи́ститься**; 2. тозаланмоқ, тозалаб қўйилмоқ, тозалаб йўл очилмоқ.

расчи́щу, расчи́стишь *буд. от* **расчи́стить** *(қ.).*

РАСЧЛЕНЕ́НИЕ *ср мн. нет* **расчленѝть фе'лнинг** ҳаракат номи; *қ.* **расчленѝть.**

РАСЧЛЕНЁННЫЙ, -ая, -ое бўлинган, ажратилган, бўлиб-бўлиб юборилган; бўлак-бўлак.

РАСЧЛЕНѝТЬ *сов.* бўлмоқ, ажратмоқ, бўлиб-бўлиб юбормоқ, парчалаб ташламоқ; **расчленѝть войска́ проти́вника** душман қўшинларини бўлиб ташламоқ, бўлиб-бўлиб юбормоқ; **расчленѝть вопро́с** масалани бўлиб-бўлиб қарамоқ.

РАСЧЛЕНЯ́ТЬ *несов. қ.* **расчленѝть.**

РАСЧЛЕНЯ́ТЬСЯ *несов.* бўлинмоқ, ажратилмоқ, парчаланмоқ, бўлиб-бўлиб (ажратиб) юборилмоқ, парчалаб юборилмоқ.

РАСЧУ́ВСТВОВАТЬСЯ *сов. с. т. кест.* эримоқ, кўнгли эримоқ, кўнгли бўшаб кетмоқ, юраги тўлиб кетмоқ; қаттиқ та'сирланмоқ; **расчу́вствоваться от похва́л** мақтаб айтилган гаплардан қаттиқ та'сирланиб кетмоқ, эриб кетмоқ.

РАСШАЛИ́ТЬСЯ *сов.* шўхлиги ошиб кетмоқ, жуда ҳам шўхлик қилмоқ.

РАСША́РКАТЬСЯ *сов.* 1. *эск.* товон уриштириб честь беравермоқ, та'зим қилавермоқ; 2. ‖ *қ.* **расша́ркиваться** 2.

РАСША́РКИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расша́ркаться**; 2. ‖ *с. т. манф.* хушомадгўйлик қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ.

РАСША́ТАННЫЙ, -ая, -ое 1. **расша́тать** фе'лнинг сифатдоши; 2. ‖ бузуқ, лиқилдоқ, шалоқ; **расша́танный стул** лиқилдоқ (лиқиллаб қолган) стул; 3. ‖ бузилган, ишдан чиққан, мазаси қочган; зил кетган, заифлашиб қолган; **расша́танные не́рвы** бузилган асаблар (нервлар).

РАСША́ТАТЬ *сов.* 1. қимирлатмоқ, лиқиллатмоқ, қимирлатиб бўшатмоқ, шалоқ (лиқилдоқ) қилиб қўймоқ; **расша́тать стол** столни лиқиллатиб бўшаштирмоқ, лиқилдоқ қилиб қўймоқ; **расша́тать зуб** тишни қимирлатмоқ; 2. ‖ заифлаштирмоқ, бўшаштирмоқ, бўшаштириб юбормоқ, мазасини қочирмоқ; зил кетқизмоқ; **расша́тать здоро́вье** соғлиқнинг мазасини қочирмоқ.

РАСША́ТА́ТЬСЯ *сов.* 1. қимирлаб қолмоқ, лиқиллаб қолмоқ, лиқилдоқ (шалоқ) бўлиб қолмоқ; **две́ри расша́тались** эшик лиқиллаб қолипти; 2. ‖ заифлашмоқ, бўшашмоқ, бузилмоқ, мазаси кетиб қолмоқ, зил кетмоқ; **его́ здоро́вье расша́талось** соғлигининг мазаси кетиб қолипти; **дисципли́на расша́талась** интизом бўшашиб қолди.

РАСША́ТЫВАТЬ *несов. қ.* **расша́ть.**

РАСША́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расша́ться**; 2. *страд. от* **расша́тывать** *(қ.).*

РАСШВЫ́РИВАТЬ *несов. с. т. қ.* **расшвырѝть.**

РАСШВЫ́РИВАТЬСЯ *несов. с. т.* ирғитиб-ирғитиб юборилмоқ, улоқтириб-улоқтириб ташланмоқ, отиб-отиб ташланмоқ.

РАСШВЫРЯ́ТЬ *сов. с. т.* отиб-отиб юбормоқ; ирғитиб-ирғитиб ташламоқ, улоқтириб-улоқтириб юбормоқ.

РАСШЕВЕ́ЛИВАТЬ *несов. қ.* **расшевели́ть.**

РАСШЕВЕ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расшевели́ться**; 2. *страд. от* **расшеве́ливать** *(қ.).*

РАСШЕВЕЛИ́ТЬ *сов.* 1. қўзғатиб қўймоқ, қўзғатиб юбормоқ, безовта қилмоқ, тегиб ҳаракатга келтирмоқ; **расшевели́ть мураве́йник** чумолининг бузмоқ; 2. ‖ қўзғатмоқ, жон-

лантирмоқ, ғайратга миндирмоқ, ҳаракатга келтирмоқ, қимирлатмоқ; э́того челове́ка тру́дно расшевели́ть бу одамни қўзғатиш қийин.

РАСШЕВЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* 1. қўзғалмоқ, қимирлайбошламоқ, безовта бўлмоқ; 2. ‖ қўзғалмоқ, ғайратга минмоқ, ҳаракатга келмоқ; жонланмоқ.

расше́й *пов. накл. от* **расши́ть** (*қ.*).

РАСШИБА́ТЬ *несов. қ.* **расши́ть**.

РАСШИБА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расши́ться**; 2. *страд. от* **расши́ть** (*қ.*).

РАСШИБИ́ТЬ *сов. с.т.* 1. уриб олмоқ, уриб олиб шикастлантирмоқ, лат емоқ; **расши́бить но́гу о ка́мень** оёқни тошга уриб олиб шикастлантирмоқ; 2. *с.т.* уриб синдирмоқ, уриб ёрмоқ; **расши́бить таре́лку** тарелкани уриб синдирмоқ; **расши́бить поле́но** пал'ённи ёрмоқ.

РАСШИБИ́ТЬСЯ *сов.* урилиб кетмоқ, урилиб (ўзини уриб олиб) шикастланмоқ, лат емоқ, майиб бўлмоқ; урилиб синмоқ; **он упа́л и си́льно расши́бся** у йиқилиб майиб бўлди.

РАСШИВА́ТЬ *несов. қ.* **расши́ть**.

РАСШИВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расши́ться**; 2. *страд. от* **расшива́ть** (*қ.*).

РАСШИВНО́Й, -ая, -ое гул тикилган, гулли; **расшивно́й воротни́к** гул тикилган ёқа, гулли ёқа.

РАСШИРЕ́НИЕ *ср* 1. *только ед.* **расши́рить** фе'лининг ҳаракат номи; **расшире́ние посевно́й пло́щади** экин майдонини кенгайтириш; 2. *только ед.* кенгайиш, ортиш, кўпайиш; **расшире́ние торго́вой се́ти** савдо тармоқларининг кенгайиши; 3. *только ед.* кенгайиш; **расшире́ние се́рдца** (*мед.*) юракнинг кенгайиши; **расшире́ние вен** (*мед.*) веналарнинг кенгайиши; **расшире́ние жи́дкостей** (*физ.*) суюкликларнинг кенгайиши; **расшире́ние га́зов** (*физ.*) газларнинг кенгайиши; 4. кенгайиб борадиган оғиз; **труба́ с расшире́нием на конце́** оғзи кенгайиб борадиган труба.

РАСШИ́РЕННЫЙ, -ая, -ое 1. **расши́рить** фе'лининг сифатдоши; **пло́щадь посе́ва хло́пка значи́тельно расши́рена** пахта майдони анча кенгайтирилди; 2. кенгайтирилган, кенг, тўлиқ; **расши́ренное заседа́ние местко́ма** месткомнинг кенг (кенгайтирилган) мажлиси; 3. кенг, эркин; **расши́ренное толкова́ние те́кста** текстни кенг изоҳлаш; текстнинг кенг шарҳи; ◇ ***расши́ренное воспроизво́дство*** кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш.

РАСШИРИ́ТЕЛЬ *м махс* бирор нарсани кенгайтириш учун ишлатиладиган асбоб, кенгайтируви асбоб.

РАСШИРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *қ.* **расши́ренный** 3.

РАСШИ́РИТЬ *сов.* 1. кенгайтирмоқ, кенг (катта) очмоқ, йирмоқ; **расши́рить доро́гу** йўлни кенгайтирмоқ; 2. кенгайтирмоқ, кўпайтирмоқ, оширмоқ; кенг ёймоқ, кенг тармоқ олдирмоқ; **расши́рить торго́влю** савдони кенгайтирмоқ; **расши́рить ороси́тельную сеть** суғориш тармоқларини кенгайтирмоқ; 3. ‖ кенгайтирмоқ, кучайтирмоқ, авж олдирмоқ, ўстирмоқ; **расши́рить свой кругозо́р** ўз савиясини оширмоқ, билим даражасини (доирасини) кенгайтирмоқ; **расши́рить по́ле де́ятельности** иш (фаолият) доирасини кенгайтирмоқ.

РАСШИ́РИТЬСЯ *сов.* 1. кенгаймоқ, кенг (катта) очилмоқ; **доро́га расши́рилась** йўл кенгайди; **отве́рстие расши́рилось** тешик кенгайди; 2. кенгаймоқ, кўпаймоқ, кенг ёйилмоқ, тармоқ отмоқ; ошмоқ; **расши́рилась сеть школ** мактаблар тармоғи кенгайди; 3. кенгаймоқ, кучаймоқ, ўсмоқ; **возмо́жности для успе́шной рабо́ты расши́рились** яхши (муваффақиятли) ишлаш учун имконият ортди.

РАСШИРЯ́ЕМОСТЬ *ж мн. нет махс.* кенгаючанлик, кенгайиш қобилияти.

РАСШИРЯ́ТЬ *несов. қ.* **расши́рить**.

РАСШИРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расши́риться**; 2. *страд. от* **расшири́ть** (*қ.*).

РАСШИ́ТЫЙ, -ая, -ое 1. сўкилган, чокидан сўкилган, сўкиб ташланган; **расши́тый мешо́к** сўкилган

қоп; 2. гул солиб тикилган, гулли; **расши́тый подо́л пла́тья** кўйлакнинг гул солиб тикилган этаги.

РАСШИ́ТЬ *сов.* 1. сўкмоқ, чокидан (тикилган жойидан) сўкмоқ, сўкиб ташламоқ; **расши́ть тетра́дь** дафтарни сўкмоқ; 2. гул тикмоқ; **расши́ть зо́лотом тюбете́йку** дўппига зар тикмоқ.

РАСШИ́ТЬСЯ *сов.* сўкилмоқ, чокидан сўкилмоқ, сўкилиб кетмоқ; **кни́га расши́лась** китобнинг тикилган жойи сўкилиб кетди.

РАСШИФРО́ВАННЫЙ, -ая, -ое расшифрова́ть фе'лининг сифатдоши; **расшифро́ванная телегра́мма** расшифровка қилинган телеграмма.

РАСШИФРОВА́ТЬ *сов.* 1. расшифровка қилмоқ (шартли белгилар, шифрлар билан ёзилган хатни ўқиб, ўқиб чиқармоқ); **расшифрова́ть телегра́мму** телеграммани расшифровка қилмоқ; **расшифрова́ть дре́вние на́дписи** қадимги замон лавҳаларини ўқиб чиқармоқ; 2. ‖ тушуниб олмоқ, ма'носини очмоқ, мағзини чақмоқ; тушунтириб бермоқ, ма'носини очиб бермоқ; та'бирламоқ; **как расшифрова́ть ска́занное им?** унинг айтганини қандай тушуниш (тушунтириш) керак?; 3. ‖ *с. т.* сирини очмоқ, фош қилмоқ.

РАСШИФРО́ВКА *ж мн. нет* расшифровка (шартли белгилар, шифрлар билан ёзилган хатни ўқиб чиқариш).

РАСШИФРО́ВЩИК *м махс.* расшифровкачи, расшифровка қилучи (шартли белгилар, шифрлар билан ёзилган хатни ўқиб чиқаруччи мутахассис).

РАСШИФРО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* **расшифрова́ть.**

РАСШИФРО́ВЫВАТЬСЯ *несов. страд. от* **расшифро́вывать** (*қ.*).

РАСШНУРОВА́ТЬ *сов.* шнурини ечмоқ, ипини ечмоқ, боғичини бўшатмоқ; **расшнурова́ть боти́нки** ботинканинг шнурини (ипини) ечмоқ.

РАСШНУРОВА́ТЬСЯ *сов.* шнури (ипи) ечилиб кетмоқ, боғичи бўшаб қолмоқ; **боти́нок расшнурова́лся** ботинканинг шнури (ипи) ечилиб кетипти.

РАСШНУРО́ВЫВАТЬ *несов. қ.* **расшнурова́ть.**

РАСШНУРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1. *қ.* **расшнурова́ться**; 2. шнури ечилмоқ, ипи (боғичи) ечиб қўйилмоқ.

РАСШУМЕ́ТЬСЯ *сов. с. т.* 1. ғувуллашмоқ, шовқин солмоқ, шовқин-сурон кўтармоқ, гавго қилмоқ; тўполон кўтармоқ, ғувуллайбошламоқ; **де́ти расшуме́лись** болалар шовқин-сурон кўтариб юборди; **ве́тер расшуме́лся в лесу́** ўрмонда шамол ғувуллайбошлади; 2. ‖ *манф.* жанжал кўтармоқ, вағиллайбошламоқ, сўкишиб кетмоқ, дағдаға қилиб ҳамаёқни бошига кўтармоқ.

РАСЩЕ́ДРИВАТЬСЯ *несов. с. т. қ.* **расщедри́ться.**

РАСЩЕ́ДРИТЬСЯ *сов. с. т.* 1. сахийлик қилмоқ, сахийлиги тутмоқ, қўли очиқлик қилмоқ; 2. *кест.* ўзини сахий қилиб кўрсатмоқ; сахийлик ниқоби остида хасислик қилмоқ, дар'ёдан сув бағишламоқ.

РАСЩЕ́ЛИНА *ж* 1. дара, тоғ оралиғи; 2. узун ковак; ёриқ (ёғочда, дарахтда).

РАСЩЕМИ́ТЬ *сов. с. т.* очмоқ, кермоқ (мас., қайчи, омбир ва ш. к. ларни).

РАСЩЕМЛЯ́ТЬ *несов. қ.* **расщеми́ть.**

РАСЩЕМЛЯ́ТЬСЯ *несов. с. т.* очилмоқ, керилмоқ (омбир, қайчи ва ш. к. ҳақида).

РАСЩЕ́П *м махс.* ёриқ, ёрилган жой; **перо́ с расще́пом** учи ёриқ перо; **приви́вка я́блони в расще́п** олмани исканапайванд қилиш.

РАСЩЕПИ́ТЬ *сов.* 1. тилмоқ, узунасига ёрмоқ, ёриб тилим-тилим қилмоқ, торс айириб юбормоқ, тилиб ташламоқ, ажратмоқ; 2. *хим.* парчаламоқ, таркибий қисмларга ажратмоқ.

РАСЩЕПИ́ТЬСЯ *сов.* 1. тилинмоқ, узунасига ёрилмоқ, тилим-тилим (тола-тола) бўлиб ажралмоқ; 2. *хим.* парчаланмоқ, таркибий қисмларга ажралмоқ.

РАСЩЕПЛЕ́НИЕ *ср мн. нет* 1. расщепи́ть ва расщепля́ть фе'лининг ҳаракат номи; 2. *хим.* парчалаш; таркибий қисмларга ажратиш; тарки-

бий қисмларга ажралиш; **расщепле́ние а́тома** атомнинг парчаланиши: атомни парчалаш, таркибий қисмларга ажратиш.

РАСЩЕПЛЯ́ТЬ *несов.* қ. **расщепи́ть.**

РАСЩЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1. қ. **расщепи́ться**; 2. *страд. от* **расщепля́ть** *(қ.).*

РАСЩИПА́ТЬ *сов. с. т.* титмоқ, толасини ажратмоқ; **расщипа́ть шерсть** жун титмоқ; **расщипа́ть полотно́ на ко́рпию** полотнони (газламани) титиб ип қилмоқ.

РАСЩИ́ПЫВАТЬ *несов.* қ. **расщипа́ть.**

РАСЩИ́ПЫВАТЬСЯ *несов.* титилмоқ, титиб ип қилинмоқ.

РАТИ́Н *м махс.* ратин (жингалак тукли жун газлама).

РАТИНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. махс.* жун газламанинг патини жингалак қилмоқ.

РАТИФИКА́ЦИЯ *ж сиёс., дипл.* ратификация, тасдиқлаш (аҳдлашувчи давлатларнинг вакиллари тузган халқаро шартноманинг олий ҳокимият томонидан тасдиқланиши).

РАТИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. сиёс., дипл.* ратификация қилмоқ, тасдиқламоқ; қ. **ратифика́ция.**

РАТИФИЦИ́РОВАТЬСЯ *несов. сиёс., дипл.* ратификация қилинмоқ, тасдиқланмоқ; қ. **ратифика́ция.**

РА́ТНИК *м эск.* 1. жангчи, аскар; 2. аскар, сарвоз (чор Россиясида — давлат лашкарининг оддий аскари).

РА́ТНЫЙ, -ая, -ое ҳарбий, жанговар; **ра́тное сполче́ние** *(эск.)* лашкар; **ра́тный конь** *(эск.)* аскар от; **ра́тные по́двиги сове́тских во́инов** совет жангчиларининг жанговар қаҳрамонликлари.

РАТО́ *ср нескл. кон.* рато (конда марказий вентилятор).

РА́ТОВАТЬ *несов. эск.* тарафини олмоқ ёки қарши чиқмоқ; тарафини олиб ёки қарши чиқиб гапирмоқ; жонбозлик қилмоқ, курашмоқ; **ра́товать за пра́вду** ҳақиқат учун жонбозлик қилмоқ.

ра́туй, ра́туйте *пов. накл. от* **ра́товать** *(қ.).*

РА́ТУША *ж* ратуша (1. *тар.* ўрта асрлардаги Германияда — шаҳар бошқармаси; 2. ба'зи мамлакатларда — шаҳар бошқармасининг биноси; 3. *тар.* Россияда XVIII ва XIX асрларда шаҳар бошқармаси ишларини олиб борган идора).

РАТЬ *ж эск.* ва *поэз.* 1. қўшин, лашкар; 2. жанг, уруш.

РА́УНД *м спорт.* раунд (боксда — бир қур олишув вақти); **переры́в ме́жду ра́ундами** икки раунд ўртасидаги танаффус.

РА́УТ *м эск.* раут (тантанали зиёфат).

РАФИНА́Д *м мн. нет* 1. рафинад, оқ қанд; 2. умуман тозаланган, оқланган маҳсулот.

РАФИНА́ДНЫЙ, -ая, -ое **рафина́д** *сўз. сиф.*; **рафина́дный заво́д** рафинад (оқ қанд) заводи.

РАФИНИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1. *махс.* **рафини́ровать** фе'лининг сифатдоши; 2. *махс.* тозаланган, оқланган, тоза; **рафини́рованное подсо́лнечное ма́сло** тозаланган пистачка мойи; 3. || нозик; **рафини́рованный вкус** нозик дид; 4. || *кест.* ашадди, ўтакетган, ҳаддан ошган, ғирт; **рафини́рованный негоди́й** ўтакетган аблаҳ.

РАФИНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. махс.* 1. тозаламоқ, оқламоқ; **рафини́ровать нефть** нефтьни тозаламоқ; 2. рафинад (оқ қанд) қилмоқ.

РАХА́Т-ЛУКУ́М *м* роҳат-луқум.

РАХИ́Т *м мед.* рахит (ёш болаларда учрайдиган суяк касали—суякларнинг ўз вақтида қотмай оёқ, қўл суяклари эгриланиб, тоз суякларининг торайиши ва ҳ. к.; ширзада, мечкай).

РАХИТИ́ЗМ *м мн. нет мед.* рахитизм (рахит, мечкай касали аломатларининг йиғиндиси).

РАХИ́ТИК *м* рахитик, мечкай [рахит (мечкай) касалига йўлиққан бола].

РАХИТИ́ЧЕСКИЙ = **рахити́чный** *(қ.).*

РАХИТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1. рахит; рахит (мечкай) касалига йўлиққан; **рахити́чный ребёнок** рахит (мечкай) бола; 2. || *манф.* ношуд, ожиз, нотовон.

РАЦЁЯ *эк эск.* насиҳат, ўгит; **читáть рацéи** *(с. т. кест.)* насиҳат ўқимоқ.

РАЦИÓН *м махс.* рацион (1. ма'лум муддатда бериладиган озиқ-овқат; 2. отларга, молларга бериладиган бир кунлик ем-хашак миқдори).

РАЦИОНАЛИЗА́ТОР *м* рационализатор, рационализация қилучи; **совещáние рационализáторов производ́ства** ишлабчиқариш рационализаторларининг кенгаши; қ. **рационализáция.**

РАЦИОНАЛИЗА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое **рационализáтор** ва **рационализáция** *сўз. сиф.*; рационализаторларга ва рационализаторликка оид; **рационализáторские предложéния** рационализаторларнинг таклифлари; **рационализáторские спосóбности** рационализаторлик қобилияти.

РАЦИОНАЛИЗА́ЦИЯ *эс мн. нет* рационализация, рационаллаштириш (бирор ишни, ишлабчиқариш процессини тобора такомиллаштириб мақсадга энг мувофиқ равишда уюштириш, ташкил этиш; меҳнат унумини оширишга, ишлабчиқариш процессларини ихчамлаштиришга, такомиллаштиришга ва арзонлаштиришга қаратилган тадбир-чоралар); **рационализáция произвóдства в СССР ведёт к дальнéйшему улучшéнию благосостоя́ния всегó сове́тского óбщества** СССРда ишлабчиқаришнинг рационализация қилиниши бутун совет жамиятининг фаровонлигини янада оширади; **рационализáция систéмы опла́ты трудá** меҳнатга ҳақ тўлаш системасини рационаллаштириш, мақсадга энг мувофиқ равишда ташкил этиш; **рационализáция аппарáта управлéния** бошқариш (идора қилиш) аппаратини ихчамлаштириш.

РАЦИОНАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов. и несов.* рационализация қилмоқ; рационаллаштирмоқ; қ. **рационализáция**; **рационализи́ровать мéтоды рабóты** иш методларини рационаллаштирмоқ; **рационализи́ровать процéсс произвóдства машúн** машина ишлаб чиқариш процессларини рационаллаштирмоқ.

РАЦИОНАЛИЗИ́РОВАТЬСЯ *несов.* рационализация қилинмоқ, рационаллаштирилмоқ; қ. **рационализáция.**

РАЦИОНАЛИ́ЗМ *м мн. нет* 1. *филос.* рационализм (тафаккурни ҳиссий идрокдан, тажрибадан ажратиб қўядиган ва ақлни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган идеалистик философик оқим); 2. ‖ ақл-идрок билан иш кўришлик, мулоҳазакорлик.

РАЦИОНАЛИЗОВА́ТЬ = **рационализи́ровать** (қ.).

РАЦИОНАЛИЗОВА́ТЬСЯ = **рационализи́роваться** (қ.).

РАЦИОНАЛИ́СТ *м филос.* рационалист, рационализм тарафдори; қ. **рационали́зм** 1.

РАЦИОНАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. **рационали́зм** 1 *сўз. сиф.*; қ. **рационали́зм** 1; 2. рационалистик, ақл-идрокка асосланган.

РАЦИОНАЛИ́СТКА *эс қ.* **рационали́ст.**

РАЦИОНАЛИ́СТСКИЙ = **рационалисти́ческий** (қ.).

РАЦИОНА́ЛЬНО *нареч.* рационал, рационал равишда, ақлга (мақсадга) мувофиқ, оқилона, ма'қул, тўғри; **рациона́льно испóльзовать механи́змы** механизмлардан рационал равишда фойдаланмоқ.

РАЦИОНА́ЛЬНОСТЬ *эс мн. нет* рационаллик, ақлга (мақсадга) мувофиқлик, ма'қуллик, тўғрилик; **рациона́льность э́того мероприя́тия** очевидна бу тадбирнинг тўғрилиги (мақсадга мувофиқлиги) равшан.

РАЦИОНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1. **рационали́зм** 1 *сўз. сиф.*; **рациона́льная филосóфия** рационал философия; қ. **рационали́зм** 1; 2. рационал; ақлга (мақсадга) мувофиқ, ма'қул, тўғри; **рациона́льное зерно́** чего́-н. бирор асар, иш, та'лимот ва ш. к. ларнинг рационал магзи, ма'қул (мувофиқ) қисми; **рациона́льное предложéние** мақсадга мувофиқ таклиф; **рациона́льное испóльзование рабóчего врéмени** иш вақтидан рационал равишда фойдаланиш; 3. *мат.* рационал (радикалсиз ташқари, илдиз ишораси остида бўлмаган); **рациона́льное числó** рационал сон.

РА́ЦИЯ *эс с. т. махс.* = **радиостáнция** (қ.).

РА́ЧИЙ, -ья, -ье **рак** I *сўз. сиф.*; қисқичбақага оид; **ра́чьи глаза́** 1) қисқичбақа кўзлари; 2) ‖ бақрайган (чақчайган) кўзлар.

РАЧИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж мн. нет эск.* тиришқоқлик; серҳаракатлик, сергайратлик, серҳафсалалик; ғамхўрлик.

РАЧИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *эск.* тиришқоқ; серҳаракат, сергайрат, серҳафсала; ғамхўр; **рачи́тельный рабо́тник** сергайрат ходим; **рачи́тельный хозя́ин** ғамхўр хўжалик бошлиғи.

РАЧО́К *м* **рак** I *сўз. кичр. айт*; *қ.* **рак** I.

РА́ШПИЛЬ *м тех.* рашпиль (йирик тишли чўтир эгов).

РАШТР *м* = **ра́стра** (*қ.*).

РАЩЕ́НИЕ *ср мн. нет* **расти́ть** фе'лининг ҳаракат номи; **сре́дство для ращ**е́**ния** воло́с соч ўстирадиган дори-дармон.

ращу́, расти́шь *наст. от* **расти́ть** (*қ.*).

РВАНУ́ТЬ *сов.* и *однокр.* 1. силтамоқ, силтаб тортмоқ, кўтармоқ; 2. *с. т.* бирдан кўтарилмоқ, бирдан қўзғалмоқ; силтаб (сапчиб) ўрнидан қўзғалмоқ, қўзғалиб (юриб) кетмоқ; **тро́йка рвану́ла и понесла́** уч отли арава жойидан қўзғалганча ғизиллаб кетди; **рвану́л ве́тер** бирдан шамол кўтарилди.

РВАНУ́ТЬСЯ *сов.* и *однокр.* бирдан қўзғалиб кетмоқ, ирғиб туриб кетмоқ; ўрнидан сапчиб (силтаб) қўзғалмоқ, қўзғалиб (юриб) кетмоқ; **ма́льчик рвану́лся с ме́ста и побежа́л** бола ўрнидан ирғиб туриб югурганча кетди; **ло́шадь рвану́лась с ме́ста** от бирдан қўзғалиб олиб кетди.

РВА́НЫЙ, -ая, -ое 1. йиртиқ, йиртилган, йиртилиб кетган, тилка-пораси чиққан, илма-тешик, увада; **рва́ная бума́га** йиртиқ қоғоз; **рва́ные сапоги́** йиртиқ этик; 2. *мед.* юлинган; кўчирилган; **рва́ная ра́на** юлинган (кўчирилган) яра.

РВАНЬ *ж собир.* 1. *с. т.* йиртиқ-ямоқ (кийим, пойафзал); жулдур устбош, увада; 2. *т. с.* калта-култа ип; қийиқим; 3. ‖ *нафр.* ва *сўк.* разил одам; ифлос (пасткаш) одам.

РВАНЬЁ *ср мн. нет* 1. суғуриш, қўпориб (суғуриб) олиш; 2. *собир. с. т. нафр.* жулдур кийим, увада.

РВАТЬ I *несов.* 1. суғурмоқ, қўпормоқ, тортиб чиқармоқ; суғуриб олмоқ; **рвать гво́зди** мих суғурмоқ; **рвать зу́бы** (*с. т.*) тиш олмоқ; 2. узмоқ, юлмоқ, термоқ; **рвать цветы́** гул узмоқ; **рвать мали́ну** малина термоқ; 3. йиртмоқ, узмоқ; **маши́на рвёт ни́тку** машина ипни узяпти; **рвать бума́гу** қоғоз йиртмоқ; 4. портлатмоқ, қўпориб ташламоқ; **рвать скалу́** қояни (тоғни) қўпориб ташламоқ; 5. ‖ узмоқ, тўхтатмоқ; **рвать отноше́ния** алоқани узмоқ; 6. *безл.* лўқиллаб оғримоқ; **нары́в рвёт** яра лўқиллаб оғрияпти; 7. *махс.* силтамоқ; ◇ ***рвать на себе́ во́лосы*** *қ.* **во́лос**; ***рвать и мета́ть*** *қ.* **мета́ть**; ***рвать на ча́сти*** (*кого́-н.*) *с. т.* ҳар томонга тортқиламоқ, калака қилмоқ.

РВАТЬ II *несов. безл. с. т.* кўнгил айнимоқ, ўқчимоқ, қусмоқ, қайт қилмоқ.

РВА́ТЬСЯ *несов.* 1. *страд. от* **рвать**; *қ.* **рвать** I (1, 2, 3, 4, 5-нчи ма'ноларида); 2. йиртилмоқ, узилмоқ; **э́та ткань легко́ рвётся** бу мата салга йиртилади; **где то́нко, там и рвётся** (*мақол*) ҳар нарса нозик жойидан узилади; 3. интилмоқ, талпинмоқ, отилмоқ, ташланмоқ; орзу қилмоқ; **ребёнок рвётся к ма́тери** бола онасига талпинади; **рва́ться в бой** жангга интилмоқ; 4. ёрилмоқ, портламоқ; **снаря́ды рву́тся** снарядлар портламоқда.

РВАЧ *м с. т. нафр.* юлғич, олғир.

РВА́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *с. т. нафр.* **рвач** ва **рва́чество** *сўз. сиф.*; юлғичликка (олғирликка) оид; юлғичликдан (олғирликдан) иборат бўлган.

РВА́ЧЕСТВО *ср с. т. нафр.* юлғичлик, олғирлик.

РВЕ́НИЕ *ср мн. нет с. т.* ғайрат, иштиёқ, жаҳду жадал; интилиш; **с рве́нием взя́ться за рабо́ту** ишга ғайрат билан киришмоқ

РВО́ТА *ж мн. нет* 1. қусиш, қайт қилиш; 2. қусуқ.

РВО́ТНЫЙ, -ая, -ое 1. рво́та *сўз. сиф.*; 2. қустирадиган, қайт қилдирадиган; **рво́тные сре́дства** *(мед.)* қайт қилдирадиган дорилар; 3. *сущ.* **рво́тное** *ср мед.* қустируви дори.

рву, рвёшь *наст. от* **рвать** I *(қ.)*.

РВЫ *мн. қ.* **ров**.

РДЕТЬ *несов. поэз.* қизармоқ, лоладай қизармоқ, қизариб (қипқизил бўлиб) турмоқ.

РДЕ́ТЬСЯ *несов. поэз. қ.* рдеть.

РДЯ́НЫЙ, -ая, -ое *поэз.* қизил, қипқизил; **рдя́ный цвет осе́нней листвы́** кузги баргларнинг қипқизил ранги.

РЕ *ср нескл. муз.* ре (музика гаммаси ноталаридан бири).

РЕАБИЛИТА́ЦИЯ *ж мн. нет* 1. оқлаш; пок номини, обрў-э'тиборини тиклаш; 2. *юр.* суд йўли билан ёки ма'мурий тартибда аввалги ҳуқуқларини қайтариб бериш, қайтариб олиш.

РЕАБИЛИТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1. оқламоқ; пок номини, обрў-э'тиборини тиклamоқ; 2. *юр.* аввалги ҳуқуқларини қайтариб бермоқ.

РЕАБИЛИТИ́РОВАТЬСЯ 1. *сов.* и *несов.* оқланмоқ, пок номини, обрў-э'тиборини тиклаб олмоқ; 2. *несов.* пок номи, обрў-э'тибори тиклanмоқ, аввалги ҳуқуқлари қайтариб берилмоқ.

РЕАГЕ́НТ *м хим. қ.* реакти́в.

РЕАГИ́РОВАТЬ *несов.* 1. *хим.* реакцияга киришмоқ; 2. сезмоқ; та'сирланмоқ. та'сирига жавоб бермоқ, реакция кўрсатмоқ; **зрачо́к здоро́вого гла́за реаги́рует на** свет соғлом кўз қорачиғи ёруғдан та'сирланади (ёруғни сезади); **обмороженные па́льцы о́стро реаги́руют на хо́лод** совуқ урган бармоқлар совуқни жуда ҳам сезади; 3. фикр билдирмоқ, жавоб қайтармоқ, ўз муносабатини билдирмоқ; **я не зна́ю, как реаги́ровать на э́ти слова́** бу сўзларга қандай қарашимни билмай қолдим.

РЕАКТИ́В *м хим.* реактив (бирикмада ма'лум химик реакцияни вужудга келтируви ва шу реакция орқали бирикмада изланаётган моддаларнинг бор-йўқлигини аниқлаб беруви модда).

РЕАКТИ́ВНОСТЬ *ж мн. нет* реактивлик (химик реакция кўрсатиш ёки реактив сифатида қўлланилaолиш қобилияти).

РЕАКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. *хим.* реактив (химик реакцияни вужудга келтирадиган); реактив сифатида ишлатиладиган); **реакти́вные вещества́** реактив моддалар; 2. *тех.* реактив (отилиб чиқувчи газлар, масалан, мушак газлари кучи билан ҳаракатлантириладиган); **реакти́вный самолёт** реактив самолёт; **реакти́вные мино́меты** реактив миномётлар.

РЕАКТОЛО́ГИЯ *ж эск.* реактология (психологияда кишининг ҳаракатлари — унинг ташқи та'сирга кўрсатган реакцияларидир, деган та'лимот).

РЕА́КТОР *м тех.* реактор (ўзиндукция галтаги); *қ.* самоинду́кция.

РЕАКЦИОНЕ́Р *м* 1. реакционер (сиёсий реакция тарафдори ёки қатнашчиси, контрреволюционер; *қ.* **реа́кция** I ва **контрреволюционе́р**); 2. реакционер, жаҳолатпараст, тараққиётнинг ашадди душмани; **реакционе́ры в нау́ке** илм соҳасидаги реакционерлар.

РЕАКЦИОНЕ́РКА *ж қ.* **реакционе́р**.

РЕАКЦИО́ННОСТЬ *ж мн. нет* реакционлик; **реакцио́нность взгля́дов** қарашларнинг реакционлиги.

РЕАКЦИО́ННЫЙ I, -ая, -ое *сиёс.* **реа́кция** I *сўз. сиф.*; тараққиёт (революция) душмани бўлган, контрреволюцион, реакцион; **„Фаши́зм есть реакцио́нная си́ла, пыта́ющаяся сохрани́ть ста́рый мир путём наси́лия"** (Сталин), Фашизм эски дун'ёни зўрлик билан сақлаб қолишга интилучи реакцион кучдир" (Сталин).

РЕАКЦИО́ННЫЙ II, -ая, -ое *хим., физ.* **реа́кция** II *сўз. сиф.*; химик реакцияга оид, химик реакция олиб бориладиган; **реакцио́нная ка́мера** реакция камераси.

РЕА́КЦИЯ I *ж мн. нет сиёс.* реакция (ўлиб бораётган синфларнинг ижтимоий тараққиётга сиёсий ва иқтисодий қаршилиги; революция натижасида енгилган эксплуататор синфларнинг сиёсий ҳокимиятни қай-

тариб олишга, умри тугаган эски тартибларни тиклашга қаратилган кураш); **по́сле революцио́нии 1905 го́да в России́ наступи́ла пора́ жесто́кой реа́кции** 1905 йил революциясидан кейин Россияда қаттиқ реакция даври бошланган эди.

РЕА́КЦИЯ II *ж* 1. *только ед.* реакция, сезиш, та'сирланиш (организмнинг ташқи ёки ички та'сирга жавоби); **реа́кция организ́ма на хо́лод** организмнинг совуқдан та'сирланиши; 2. *только ед.* реакция (бирор руҳий ҳолатдан қарама-қарши руҳий ҳолатга ўтиш); **по́сле си́льного возбужде́ния наступи́ла реа́кция** қаттиқ ҳаяжондан кейин реакция (ма'юслик) юз берди; 3. *хим.* реакция (моддалар ўртасидаги ўзаро химик та'сир: моддаларнинг бирикиши, ажралиши ва ҳ. к.); **хими́ческие реа́кции** химик реакциялар.

РЕА́Л I *м* реал (Испанияда қадимги кумуш пул).

РЕА́Л II *м полигр.* реал (ҳарф кассалари ва терилган ҳарфлар турадиган тортмали стол).

РЕАЛИЗА́ЦИЯ *ж мн. нет* 1. амалга ошириш; амалга ошиш; **реализа́ция пла́на** планни амалга ошириш; 2. реализация қилиш, сотиш, пуллаш; **реализа́ция иму́щества** мол-мулкни пуллаш; 3. тарқатиш; **реализа́ция за́йма** заём тарқатиш.

РЕАЛИ́ЗМ *м* реализм [1. *ад., снт.* адабиёт ва сан'атда воқи'ликнинг типик хусусиятларини тўла, чуқур ва тўғри тасвир эттирадиган йўл; **социалисти́ческий реали́зм** социалистик реализм (реализмнинг янги ва энг юқори тараққиёт босқичи, совет бадиий адабиёти ва сан'атининг асосий методи); 2. амалийлик, мавжуд шарт-шароитларни ва имкониятларни тўғри ҳисобга олабилиш; **на́ши хозя́йственные пла́ны отлича́ются тре́звым реали́змом** бизнинг хўжалик планларимизнинг фазилати шуки, улар реал имкониятларни тўғри ҳисобга олиш асосида тузилган]; ◇ ***наи́вный реали́зм*** *(филос.)* солда реализм (модий дун'ёё онгдан мустақилдир, деб билувчи ва дун'ёни билишни ўзининг бевосита ҳис қилиши билангина асословчи кишининг стихиявий материалистик дун'ёё қараши).

РЕАЛИЗОВА́ТЬ *сов.* и *несов.* 1. амалга оширмоқ; 2. сотмоқ, сотиб пул қилмоқ, пулламоқ; **реализова́ть иму́щество** мол-мулкни сотиб пулламоқ; 3. тарқатмоқ; **реализова́ть заём** заём тарқатмоқ.

РЕАЛИЗОВА́ТЬСЯ *сов.* и *несов.* 1. амалга оширилмоқ; **на́ши пла́ны реализова́лись** бизнинг планларимиз амалга ошди; 2. сотилмоқ, ўтмоқ, пул бўлмоқ; **това́ры бы́стро реализова́лись** моллар тезда сотилди; 3. *страд. от* **реализова́ть** *(к.).*

РЕАЛИ́СТ I *м* 1. реалист, реализм тарафдори; 2. реалист, амалиётчи (мавжуд шарт-шароитларни ва имкониятларни тўғри ҳисобга олиб иш кўрувчи одам).

РЕАЛИ́СТ II *м эск.* реалист (реальное училище ўқувчиси); **к. реа́льный** II.

РЕАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. реалистик, реализмга хос бўлган, **реализм** асосида ишланган; **реалисти́ческий стиль** реалистик услуб; **реалисти́ческий рома́н** реалистик роман; 2. реал, амалий; **реалисти́ческое отноше́ние к жи́зни** турмушга реал қараш, амалий нуқтаи назардан қараш.

РЕАЛИСТИ́ЧНОСТЬ *ж мн. нет* амалийлик, амалий нуқтаи назардан қарашлик.

РЕАЛИСТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *к.* **реалисти́ческий** 2.

РЕАЛИ́СТКА *ж к.* **реали́ст** I.

РЕА́ЛЬНО *нареч.* 1. реал, ҳақиқий, чин, аслидай; **карти́на написа́на о́чень реа́льно** расм аслидай чизилган, жуда ўхшатиб олинган; 2. амалий, амалга оширса бўладиган; **ва́ше предложе́ние вполне́ реа́льно** сизнинг таклифингиз амалий (амалга оширса бўладиган) таклиф.

РЕА́ЛЬНОСТЬ *ж мн. нет* 1. реаллик, ҳақиқийлик, чинлик, амалийлик, амалга ошадиганлик, амалга ошириш мумкинлик; **„Реа́льность мы́сли проявля́ется в языке́"** (Сталин) „Фикрнинг реаллиги тилда зоҳир бўлади" (Сталин); **реа́льность на́ших пла́нов дока́зана жи́знью** планларимизнинг реаллигини турмуш тасдиқлади; **чу́вство реа́льности** амалийлиги ёки амалий эмаслигини сезиш, бўладиган-бўлмайдиганлигига ақли (кўзи) етиш;

2. реаллик, воқи'лик, ҳақиқат, мавжуд нарса, мавжуд факт; **объекти́вная реа́льность материа́льного ми́ра** моддий дун'ёнинг объектив реаллиги, **э́то не мечта́, а реа́льность** бу хаёл эмас, ҳақиқат.

РЕА́ЛЬНЫЙ I, -ая, -ое 1. реал, ҳақиқий, чин, чинакам; **реа́льная действи́тельность** ҳақиқий (реал) воқи'лик; 2. реал, амалий, амалга ошадиган; амалга оширса бўладиган; **поста́вить себе́ вполне́ реа́льную цель** ўз олдига реал мақсадни қўймоқ; 3. реал, амалий; **реа́льный взгляд на жизнь** турмушга амалий нуқтаи назардан қараш; ◊ ***реа́льная за́работная пла́та*** *(эк.)* реал иш ҳақи (ишҳақининг харид қуввати—меҳнаткашларнинг ишҳақи сифатида оладиган пулига сотиб олиниши мумкин бўлган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар миқдори билан ўлчанади); **повыше́ние реа́льной за́работной пла́ты рабо́чих и слу́жащих СССР** СССР ишчи ва хизматчилари реал иш ҳақининг ошиши.

РЕА́ЛЬНЫЙ II: **реа́льное учи́лище** реаль училищеси (революциядан илгариги Россияда — айниқса математика ва табиат фанлари кўпроқ ўқитиладиган ўрта ўқув юрти).

РЕБЁНОК *м* 1. (*мн.* **ребя́та** ва **де́ти**) бола, гўдак; **грудно́й ребёнок** чақалоқ; эмаётган бола; **в мла́дшей гру́ппе три́дцать ребя́т** кичик группада ўттизта бола бор, 2. (*мн.* **де́ти**) бола, фарзанд, **э́то их пе́рвый ребёнок** бу уларнинг тўнғичи (биринчи боласи, фарзанди); **име́ть ребёнка** боласи бўлмоқ, бола (фарзанд, тирноқ) кўрмоқ; 3. ‖ (*мн.* **де́ти**) ёш бола, гўдак (болаларча ҳаракат қиладиган одам); **он настоя́щий ребёнок** унинг ёш боладан фарқи йўқ, у ёш боланинг ўзи.

РЁБЕРНЫЙ, -ая, -ое **ребро́** 1 *сўз. сиф.*; қовурғага оид; **рёберные мы́шцы** қовурға мускуллари; **рёберные ко́сти** қовурға суяклари.

РЕБО́РДА *ж тех.* реборда (гилдиракнинг издан чиқиб кетишдан сақлайдиган ён гардиши).

РЕБРИ́СТЫЙ, -ая, -ое *махс.* 1. қовурғаси чиққан; 2. қиррали, қовурғали; **ребри́стые тру́бы** қовурғали трубалар.

РЕБРО́ *ср* (*мн.* **рёбра**) 1. *анат.* қовурға, у **челове́ка** семь **ве́рхних и пять ни́жних рёбер** одамда еттита юқориги, бешта пастки қовурға бўлади; 2. *мат.* қирра (икки текисликнинг кесишув чизиғи); **ребро́ пирами́ды** пирамида қирраси; 3. қирра, ён, биқин; **положи́ть до́ску ребро́м** тахтани қиррасига қўймоқ; **ребро́ моне́ты** чақа (танга)нинг қирраси; ◊ ***поста́вить вопро́с ребро́м*** масалани кўндаланг қилиб қўймоқ; ***пересчита́ть ре́бра*** *(содд.)* урмоқ, дўппосламоқ, қовурғасини санаб қўймоқ; ***лома́ть ре́бра*** майиб қиладиган (хавфли) иш қилмоқ.

РЁБРЫШКО *ср* **ребро́** 1 *сўз. кичр. айт.*; *қ.* **ребро́** 1.

РЕ́БУС *м* 1. ребус (сўз ёки ибора, шакл, ҳарф ёки белгилар воситаси билан ифодаланган жумбоқнинг бир тури); 2. ‖ муаммо, жумбоқ, тушуниб бўлмайдиган нарса.

РЕБЯ́ТА 1. *мн. қ.* **ребёнок**; 2. *собир. с. т.* болалар, йигитлар, жўралар.

РЕБЯТИ́ШКИ *мн., ед. нет с. т.* болалар, ёш болалар; бола-чақалар.

РЕБЯ́ТКИ, РЕБЯ́ТУШКИ *мн., ед. нет с. т.* болалар, йигитчалар.

РЕБЯ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1. болаларга оид; **ребя́ческий во́зраст** гўдаклик ёши; 2. *уманф.* болаларча, енгилтаклик билан қилинган, бачкана; **э́то ребя́ческий посту́пок** бу бачканалик, гўдаклик.

РЕБЯ́ЧЕСТВО *ср мн. нет* 1. *зск.* болалик, гўдаклик; 2. ‖ *манф.* болалик, енгилтаклик, бачканалик.

РЕБЯ́ЧИЙ, -ья, -ье *с. т. қ.* **ребя́ческий**.

РЕБЯ́ЧИТЬСЯ *несов. с. т. манф.* болалик қилмоқ, енгилтаклик қилмоқ, бачкана бўлмоқ; **переста́нь ребя́читься!** бачкана бўлма!

РЕБЯ́ЧЛИВОСТЬ *ж мн. нет с. т-манф.* болалик, енгилтаклик, бачканалик.

РЕБЯ́ЧЛИВЫЙ, -ая, -ое *с. т.* болаларча, енгилтаклик қиладиган, ўзини болалардек тутадиган, бачкана, шўх; **ребя́ческое отноше́ние к де́лу** ишга болаларча (енгилтаклик билан) қараш.

РЁВ *м мн. нет* 1. бўкириш, ўкириш; **звери́ный рёв** йиртқич ҳайвоннинг

бўкириши; 2. бақириш, ҳайқириш; қичқириш, чинқириш; қий-чув; на'ра; 3. ‖ гувиллаш, ғувиллаш, увиллаш, ғув-ғув товуш; **рёв бўри** бўроннинг увиллаши; 4. ‖ гумбирлаш; гумбир-гумбир овоз; **рёв оруди́й** тўпларнинг гумбирлаши; **рёв мото́ров** моторларнинг гуриллаши; 5. *с. т.* йиғи, чинқириб (ҳўнграб) йиғлаш, уввос тортиш, бўзлаш.

[рев-]қўшма сўзларда „революционный" ма'носидаги қисқартма, мас., **ревтрибуна́л** революционний трибунал.

РЁВА *м* и *ж с. т. манф.* йиғлоқи бола, бақироқ (чакаги очиқ) бола.

РЕВАКЦИНА́ЦИЯ *ж мед.* вакцинация (қайта эмлаш).

РЕВА́НШ *м* 1. *ҳарб.* реванш, қаримта қайтариш (урушда, курашда); 2. йиқилган (енгилган) томон блан ғолиб томон ўртасидаги иккинчи кураш, иккинчи ўйин.

РЕВАНШИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* реванш олмоқ, қаримта қайтармоқ.

РЕВАНШИ́СТ *м* реваншист, реванш олишга (қаримта қайтаришга) интилучи, реванш сиёсатини юритучи; **фаши́стские реваншисты** фашист реваншистлар.

РЕВАНШИ́СТСКИЙ, -ая, -ое реваншистга оид, реваншистлик сиёсатига асосланган.

РЕВА́НШНЫЙ, -ая, -ое **рева́нш** *сўз. сиф.*; *қ.* **рева́нш.**

РЕВВОЕНСОВЁТ (революцио́нный военный сове́т) *м тар.* реввоенсовет (революцион ҳарбий совет).

РЕВЕ́НЬ *м* 1. реванд, ровоч; 2. ич сурадиган дори.

РЕВЕРА́НС *м* 1. *эск.* реверанс, тиз букиб та'зим қилиш; 2. ‖ бировга икки букилиб салом бериш, ортиқ такаллуф (мулозамат) қилиш; бировнинг соясига кўрпача солиш; **де́лать реверанс в чью-н. сто́рону** бировга сермулозамат (сертакаллуф) бўлиб қолмоқ.

РЕ́ВЕРС, РЕВЕ́РС *м* 1. *махс.* танганинг (медальнинг) тескари томони; 2. *эск.* гаров, кафолатнома; 3. *тех.* реверс (ҳаракат йўналишини ўзгартиradиган механизм).

РЕВЕ́РСЕР *м тех.* реверсер (мотор валининг айланишини ўзгартиradиган включатель).

РЕВЕРСИ́ВНЫЙ, -ая, -ое *тех.* реверсив, ҳаракат йўналишини ўзгартиradиган; **реверси́вный дви́гатель** реверсив двигатель (ҳам ўнгга, ҳам чапга айланиши мумкин бўлган двигатель).

РЕВЕРСИ́РОВАНИЕ *ср мн. нет тех.* ҳаракат йўналишини ўзгартириш.

РЕВЕ́РСИЯ *ж мн. нет* 1. *юр.* реверсия (мол-мулкни эгасига қайтариб бериш); 2. *тех.* реверсия, ҳаракат йўналишини ўзгартиш; 3. *биол.* реверсия (аждодларга бирқадар ўхшайбошлаш, атавизм; *қ.* **атави́зм**).

РЕВЕ́ТЬ *несов.* 1. бўкирмоқ, ўкирмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 2. *с. т.* бақирмоқ, ҳайқирмоқ, қичқирмоқ, чинқирмоқ, бўкирмоқ; на'ра тортмоқ; 3. ‖ гувилламоқ, ғувилламоқ, увилламоқ, гумбирламоқ; 4. ‖ *с. т.* йиғламоқ; бақириб (чинқириб) йиғламоқ; ҳўнграб йиғламоқ; уввос тортмоқ, бўзламоқ.

РЕВИЗИОНИ́ЗМ *м мн. нет* ревизионизм (1. *сиёс.* ишчилар ҳаракатида марксизмнинг асосий қоидаларини қайтадан кўриб чиқиб рад қилиш ва улар ўрнига революцион фанга хилоф бўлган қоидаларни жорий қилиш йўли блан марксизмни маҳв этишга уринган реакцион оқим; 2. бирор назарияни, қарорни ва ш. к. ларни қайтадан кўриб чиқишни талаб қилиш).

РЕВИЗИОНИ́СТ *м сиёс.* ревизионист, ревизионизм тарафдори; *қ.* **ревизиони́зм.**

РЕВИЗИОНИ́СТСКИЙ, -ая, -ое **ревизиони́зм** *сўз. сиф.*; ревизионизмга оид; ревизионизмга асосланган; *қ.* **ревизиони́зм.**

РЕВИЗИО́ННЫЙ, -ая, -ое **реви́зия** 1, 2 *сўз. сиф.*; ревизияга, тафтишга оид; ревизия (тафтиш) қиладиган; **ревизио́нная коми́ссия** тафтиш комиссияси.

РЕВИ́ЗИЯ *ж* 1. ревизия, тафтиш, текшириш; **реви́зия ка́ссовой отчётности** касса ҳисоботини текшириш; 2. ревизия (бирор та'лимот ёки назарияни ўзгартиш, унинг асосларини бузиш ниятида уни қайтадан кўриб чиқиш); 3. *тар.* рўйхат, рўй хатга

олиш, аҳоли рўйхати (чор Россиясида XVIII асрда ва XIX аср бошларида солиқ солиш мақсади билан қишлоқ ва шаҳар аҳолисини рўйхатга олиш); 4. *с. т. ҳазл.* титиб кўриш, тинтиб чиқиш, кавлаш, тинтув.

РЕВИЗОВА́ТЬ *сов.* и *несов.* 1. ревизия қилмоқ, тафтиш қилиб чиқмоқ, текширмоқ; **ревизова́ть ка́ссу** кассани текшириб чиқмоқ; 2. ревизия қилмоқ, қайтадан кўрмоқ; *к.* **реви́зия** 2; **неоднокра́тные попы́тки эконо ми́стов и лега́льных маркси́стов ревизова́ть революцио́нное уче́ние Маркса бы́ли разоблачены Лениным и Сталинным** экономистлар ва легал марксистларнинг Марксининг революцион таълимотини қайтадан кўриб чиқиш йўлидаги кўп уринишлари Ленин ва Сталин томонидан фош қилинди.

РЕВИЗО́Р *м* 1. ревизор, тафтишчи, текширучи; 2. *т. й.* ревизор (темир йўлларда); **ревизо́р движе́ния** ҳаракат (йул) ревизори.

РЕВИЗО́РСКИЙ, -ая, -ое **ревизо́р** *сўз. сиф.*; ревизорга оид; **ревизо́рские обя́занности** ревизор вазифалари.

РЕВИ́ЗСКИЙ, -ая, -ое *тар.* **реви́зия** 3 *сўз. сиф*; солиқ рўйхатига оид; **ревизская ска́зка** солиқ тўловчилар рўйхати; **ревизская душа́** солиқ рўйхатига олинган киши, солиқ рўйхатида бўлган одам.

РЕВКО́М (революцио́нный комите́т) *м тар.* ревком (революцион комитет).

РЕВМАТИ́ЗМ *м мед.* ревматизм, бод; **о́стрый ревмати́зм** қаттиқ ревматизм.

РЕВМА́ТИК *м мед.* ревматик, ревматизм (бод) касалига йўлиққан одам.

РЕВМАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *мед.* **ревмати́зм** *сўз. сиф.*; ревматизмга (бод касалига) оид; **ревмати́ческие бо́ли** ревматизм оғриқлари.

РЕВМЯ́ ревмя́ **реве́ть** (*с. т.*) бўкириб йиғламоқ, ҳўнг-ҳўнг йиғламоқ, бўзламоқ.

РЕВНИ́ВЕЦ *м с. т.* рашкли одам, рашк қилучи (қизғанучи, кунчи) одам.

РЕВНИ́ВИЦА *ж қ.* **ревни́вец.**

РЕВНИ́ВО *нареч.* рашк билан, қизғаниб, рашкланиб; аяб; **ревни́во посмотре́ть** рашкланиб қарамоқ.

РЕВНИ́ВЫЙ, -ая, -ое рашкли, рашкчи, рашк қилучи, кунчи, қизғанучи, қизғанчиқ; **ревни́вый челове́к** рашкчи (рашки зўр) одам; **ревни́вый взгля́д** рашкланиб қарэш.

РЕВНИ́ТЕЛЬ *м эск.* жонкуяр, фидойи, фидокор; **ревни́тель просвеще́ния** маърифатпарвар, маърифат фидокори.

РЕВНИ́ТЕЛЬНИЦА *ж қ.* **ревни́тель.**

РЕВНОВА́ТЬ *несов.* рашк қилмоқ, кунчилик қилмоқ, ғашлик қилмоқ, қизғанмоқ.

РЕ́ВНОСТНО *нареч.* жон куйдириб, жонкуярлик қилиб, ғайрат билан, жонудил билан, бажонудил, астойдил; **ре́вностно труди́ться на бла́го ро́дины** ватан равнақи йўлида бажонудил хизмат қилмоқ.

РЕ́ВНОСТНЫЙ, -ая, -ое жонкуяр, жонбоз, ғайратли, сергайрат, астойдил, тиришқоқ; **ре́вностное отноше́ние к своим обя́занностям** ўз вазифаларига жонкуярлик билан қараш.

РЕ́ВНОСТЬ *ж ин. нет* 1. рашк, кунчилик; 2. ‖ ғашлик, ғаламислик, қизғаниш, суқ, ҳасад, ҳавас; 3. *эск.* жонкуярлик, жонбозлик, тиришқоқлик, ғайрати зўрлик, астойдиллик.

РЕВОЛЬВЕ́Р *м* револьвер, тўппонча.

РЕВОЛЬВЕ́РНЫЙ, -ая, -ое револьве́р *сўз. сиф.*; **револьве́рный вы́стрел** револьвер (тўппонча)дан отилган ўқ; револьвердан ўқ узиш; ◊ ***револьве́рный ста́нок*** *(махс.)* револьвер станок (вертикаль шпинделли токарний станок).

РЕВОЛЬВЕ́РЩИК *м махс.* револьвер станокда ишловчи токарь.

РЕВОЛЮЦИОНЕ́Р *м* 1. революционер, революция тарафдори, революция қатнашчиси; 2. ‖ революционер (бирор соҳада катта ўзгариш ясаган одам); **И. П. Па́влов и И. В. Мичу́рин — революционе́ры в биологи́ческой нау́ке** И. П. Павлов ва И. В. Мичурин — биологияда фанида революционерлардир.

РЕВОЛЮЦИОНЕ́РКА *ж қ.* революционер 1.

РЕВОЛЮЦИОНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1. *сиёс.* революционлаштирмоқ, революция идеяларини тарқатмоқ, революцион руҳ (тус) бермоқ, революция руҳида тарбияламоқ; **революционизи́ровать ма́ссы** оммани революционлаштирмоқ, оммани революцион руҳда тарбияламоқ; 2. ‖ тубдан ўзгартирмоқ; **революционизи́ровать те́хнику** техникани тубдан ўзгартирмоқ.

РЕВОЛЮЦИОНИЗИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* 1. *сиёс.* революционлашмоқ, революция идеяларини уқмоқ, революцион руҳ (тус) олмоқ, революцион руҳда тарбияланмоқ; 2. тубдан ўзгартирилмоқ; тубдан ўзгармоқ.

РЕВОЛЮЦИО́ННО *нареч.* революцион тарзда, революцион руҳда; **революцио́нно настро́енные ма́ссы** революцион руҳдаги омма.

РЕВОЛЮЦИО́ННО-ДЕМОКРАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое революцион-демократик.

РЕВОЛЮЦИО́ННОСТЬ *ж мн. нет* революционлик, революцион руҳ билан суғорилганлик; революция руҳида бўлиш; **революцио́нность твор́чества Маяко́вского** Маяковский ижодининг революцион руҳ билан суғорилганлиги.

РЕВОЛЮЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое **революцио́ция** *сўз. сиф.*; революцион, революцион руҳдаги, революцион руҳ билан суғорилган; революция натижасида вужудга келган; **революцио́нный гимн** революцион гимн; **революцио́нное рабо́чее движе́ние** революцион ишчилар ҳаракати; **революцио́нный марксизм** революцион марксизм; **революцио́нный поря́док** революцион тартиб.

РЕВОЛЮ́ЦИЯ *ж* 1. *сиёс.* революция; **Вели́кая Октя́брьская социалисти́ческая революция** Улуғ Октябрь социалистик революцияси; **революция есть вы́сшая фо́рма кла́ссовой борьбы́** революция синфий курашнинг энг олий формасидир; 2. ‖ революция, тубдан ўзгариш, тубдан ўзгартириш; инқилоб; **„Возникнове́ние маркси́зма бы́ло настоя́щим откры́тием, революцией в филосо́фии“** (Жданов) „Марксизмнинг вужудга келиши чинакам кашфиёт, философияда чинакам революция эди“ (Жданов); **культу́рная революция** маданий революция, маданий инқилоб.

РЕВУ́Н *м* 1. *с. т.* йиғлоқи; йиғлоқ бола; 2. Жанубий Америкада яшайдиган маймунлардан бири; 3. *денг.* сирена (пароходда).

РЕВУ́НЬЯ *ж қ.* ревун 1.

РЕВЮ́ *ср нескл.* ревю (1. театрда бир мавзу́даги айрим номер ва кўринишлардан тузилган постановка; 2. четэлларда чиқадиган ҳархил журналларнинг номи).

РЕГА́ЛИЯ *ж* регалия (1. *тар.* салтанат белгиси, монарх ҳокимиятининг тож ва шунга ўхшаш аломатлари; 2. *юр.* монархия давлатининг бирор нарса ишлаб чиқариш ёки муайян даромад олишга бўлган монопол ҳуқуқи; 3. *эск. с. т. ҳазл.* орден, нишон; **яви́лся во всех рега́лиях** ҳамма орден ва медальларини тақиб келди).

РЕГА́ТА *ж спорт.* регата (елканли ёки эшкакли кемалар пойгаси).

РЕ́ГБИ *ср нескл.* регби (футбол ўйинининг бир хили; бунда ўйинчи тўпни қўли билан ушлаши ҳам мумкин).

РЕ́ГЕЛЬ *м махс.* регель (сарров ёки тагсинч).

РЕГЕНЕРА́Т *м тех.* регенерат (ишлатилгандан кейин қайта ишга яроқли қилинган, дастлабки хусусиятлари тикланган материал).

РЕГЕНЕРАТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое *тех.* **регенера́ция** *сўз. сиф.*; регенератив; **регенерати́вная печь** регенератив печь [трубадан чиқиб кетаётган иссиқ газ (тутун)дан фойдаланиб ўз ишига керакли ҳавони ўзи ситиб оладиган металл эритучи печь]; **регенерати́вный приёмник** (*рад.*) регенератив приёмник (кучайтируви катод лампаси бўлган радиоприёмник).

РЕГЕНЕРА́ТНЫЙ, -ая, -ое *тех.* **регенера́т** *сўз. сиф.*; **регенера́тный заво́д** регенерат заводи (ишлатилган материалларни қайтадан ишга яроқли қиладиган, тиклайдиган завод).

РЕГЕНЕРА́ТОР *м* 1. *тех.* регенератор [завод печьларининг трубадан чиқиб кетаётган иссиқ газ (тутун)дан фойдаланиб печьга ҳавони иси-

тиб берадиган қисми]; 2.=регенерати́вный прие́мник; қ. регенерати́вный.

РЕГЕНЕРА́ЦИЯ *ж мн. нет* регенерация (1. *тех.* ишлатилган материалларни қайта ишга яроқли қилиш, тиклаш; 2. *хим.* химик реакцияга қатнашган моддани қайтадан тиклаш; 3. *биол.* организмда йўқолган а'зонинг, тўқима ва ҳужайраларнинг қайта тикланиши).

РЕ́ГЕНТ *м* регент [1. *сиёс.* монархия давлатларида касал ёки вояга етмаган монарх ўрнида вақтинча турган киши, муваққат подшоҳ; 2. хор дирижёри (асосан черковда)].

РЕ́ГЕНТСКИЙ, -ая, -ое ре́гент *сўз. сиф.*; қ. ре́гент.

РЕ́ГЕНТСТВО *ср мн. нет* 1. регентлик даври, мамлакатни регент (муваққат подшо) идора қилган давр; 2. регентлик, регент унвони ва мансаби.

РЕГИОНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое регионал (бирор мустақил ўлкага, мамлакатга ёки бир неча чегарадош мамлакатларга тааллуқли; областлар бўйича, маҳаллий); **регионáльный пакт** *(дипл.)* регионал пакт (бирнеча чегарадош давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартнома).

РЕГИ́СТР *м* 1. *махс.* регистр, рўйхат, рўйхат дафтари, кўрсаткич; 2. *муз.* регистр (товушнинг кучи ва баландлиги); **бас — гóлос нúжнего регúстра** бас—қуйи регистр сирасидан бўлган овоздир; 3. *муз.* регистр (музика асбобларида товушни ўзгартирадиган асбоб); 4. *махс.* регистр (ёзув машинкасидаги ҳарфлар қатори); **вéрхний регúстр** юқори регистр; **нúжний регúстр** пастки регистр.

РЕГИСТРА́ТОР *м* 1. регистратор, рўйхатчи, рўйхатга олучи; 2. регистратор (идораларда—хат-ҳужжатлар, қоғозлар солиб қўйиладиган папка, жилд); 3. *махс.* регистратор (ўз-ўзидан ёзиб оладиган, қайд қиладиган автоматик асбоб); 4. ‖ ўз вазифасини актив суратда бажариш ўрнига тамошобин сингари четдан қараб туручи ходим; ◇ ***колле́жский регистра́тор*** *(тар.)* коллегия регистратори (1917 йилгача амалда бўлган „мансаблар даражаси“ бўйича — энг қуйи мансаб).

РЕГИСТРА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое регистра́тор *сўз. сиф.*; регистраторга, рўйхатчига оид.

РЕГИСТРА́ТОРША *ж с.т.* қ. регистра́тор 1.

РЕГИСТРАТУ́РА *ж* 1. регистратура (рўйхат бўлими); 2. *эск.* регистратор мансаби, рўйхатчилик вазифаси.

РЕГИСТРАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое регистрацияга, рўйхатга оид, рўйхат қиладиган, рўйхатга оладиган; **регистрацио́нный лист** рўйхат варақаси.

РЕГИСТРА́ЦИЯ *ж мн. нет* 1. регистрация, рўйхат қилиш, рўйхатга олиш, рўйхатдан ўтказиш, қайд қилиш; **регистра́ция бра́ка** никоҳни қайд қилиш; 2. қайд қилиш, ёзиб бориш.

РЕГИСТРИ́РОВАТЬ *несов.* 1. регистрация (рўйхат) қилмоқ, рўйхатдан ўтказмоқ, рўйхатга олмоқ, қайд қилмоқ; **регистри́ровать поступа́ющие докуме́нты** келган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказмоқ; **регистри́ровать делега́тов** вакилларни регистрация қилмоқ, рўйхатга олмоқ; 2. қайд қилмоқ, ёзиб олмоқ, ёзиб бормоқ; **регистри́ровать колеба́ния температу́ры** температура ўзгаришларини ёзиб бормоқ.

РЕГИСТРИ́РОВАТЬСЯ *несов.* 1. регистрация (рўйхат) қилинмоқ, регистрациядан (рўйхатдан) ўтказилмоқ, рўйхатга олинмоқ, қайд қилинмоқ; **заказны́е пи́сьма регистри́руются на по́чте** заказной хатлар почтада рўйхатдан ўтказилади; 2. регистрациядан (рўйхатдан) ўтмоқ; **командиро́ванные должны́ регистри́роваться** командировкага келганлар рўйхатдан ўтиши керак; 3. никоҳни рўйхатга олдирмоқ; никоҳни қайд қилдирмоқ, никоҳдан ўтмоқ.

РЕГИ́СТРОВЫЙ, -ая, -ое реги́стр *сўз. сиф.*; **регистровая то́нна** регистр тоннаси (савдо кемаларининг ҳажмини ўлчаш учун қабул қилинган ўлчов бирлиги — 2,83 $м^3$).

РЕГЛА́МЕНТ *м* 1. регламент, мажлис (кенгаш) тартиби; **установи́ть регла́мент совеща́ния** кенгашни олиб бориш учун регламент белгиламоқ; 2. *эск.* регламент, идоранинг иш тартиби.

РЕГЛАМЕНТА́ЦИЯ *ж* регламентация (ма'лум қонун-қоида ва тартиблар белгилаш).

РЕГЛАМЕНТИ́РОВАТЬ *сов. и несов.* регламентга солмоқ; ма'лум тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундирмоқ.

РЕГЛАМЕНТИ́РОВАТЬСЯ *несов.* регламентга солинмоқ, ма'лум тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундирилмоқ.

РЕГЛА́Н *м* реглан (енг билан елка бир қилиб бичилган кийим).

РЕГРЕДИЕ́НТ = регресса́нт (*қ.*).

РЕГРЕ́СС *м мн. нет* 1. регресс, кейинга кетиш, орқага қайтиш, инқироз, таназзул; **регре́сс буржуа́зной нау́ки** буржуа фанининг кейинга кетиши, таназзулга юз тутиши; бу сўзнинг акси — **прогре́сс** (*қ.*); 2. *юр.* регресс (бирор киши ёки ташкилотнинг мажбуриятини бажарган киши ёки идораниг шу ишни бажариш учун қилинган харажатларни қайтаришни талаб қилаолиш ҳуқуқи).

РЕГРЕССА́НТ *м юр.* регрессант (регресс ҳуқуқи бўйича да'вогар бўлган киши ёки ташкилот); *қ.* **регре́сс** 2.

РЕГРЕССА́Т *м юр.* регрессат (регресс ҳуқуқи бўйича жавобгар бўлган киши ёки ташкилот); *қ.* **регре́сс** 2.

РЕГРЕССИ́ВНЫЙ, -ая, -ое 1. *биол.* регрессив, орқага сурадиган, таназзулга олиб борадиган; инқирозга юз тутган; **регрессивная метаморфо́за** регрессив метаморфоз (организмни соддалаштирадиган ўзгариш); 2. реакцион, тескарича.

РЕГРЕССИ́РОВАТЬ *несов.* орқага (кейинга) кетмоқ, пастлашмоқ, таназзул қилмоқ, инқирозга юз тутмоқ; **буржуа́зное иску́сство продолжа́ет регресси́ровать** буржуа сан'ати орқага кетишда давом этмоқда.

РЕГРЕ́ССНЫЙ, -ая, -ое *юр.* **регре́сс** 2 *сўз. сиф.*; **регре́ссный иск** регресс да'во; қайта да'во; *қ.* **регре́сс** 2.

РЕГУЛИ́РОВАНИЕ *ср* регулировка қилиш, тартибга солиш, тўғрилаш, ростлаш; **регули́рование у́личного движе́ния** кўча ҳаракатини тартибга солиш.

РЕГУЛИ́РОВАТЬ *несов.* 1. тартибга солмоқ; **регули́ровать ры́ночные це́ны** бозор нархларини тартибга солмоқ; **регули́ровать движе́ние поездо́в** поездларнинг қатнашини тартибга солмоқ; 2. регулировка қилмоқ, ростламоқ, тўғриламоқ (механизмларни ростлаб тўғри ишлайдиган қилмоқ); **регули́ровать мото́р** моторни ростламоқ.

РЕГУЛИ́РОВАТЬСЯ *несов. страд. от* **регули́ровать** (*қ.*).

РЕГУЛИРО́ВКА *ж с. т.* регулировка, ростлаш, тўғрилаш, тартибга солиш.

РЕГУЛИРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое регулировка қиладиган, тартибга соладиган, ростлайдиган, тўғрилайдиган; **регулиро́вочный пост** тартибга солиб туриш пости; **регулиро́вочный болт** регулировка болти.

РЕГУЛИРО́ВЩИК *м* регулировкачи, тартибга солучи, ростловчи, тўғриловчи; **регулиро́вщик у́личного движе́ния** кўча ҳаракатини тартибга солучи.

РЕГУЛИРО́ВЩИЦА *ж қ.* **регулиро́вщик.**

РЕГУЛИ́РУЕМЫЙ, -ая, -ое регулировка қилинадиган, тартибга солинадиган, ростланадиган.

РЕГУЛИ́РУЮЩИЙ, -ая, -ее регулировка қиладиган, тартибга соладиган, ростлайдиган, тўғрилайдиган.

РЕ́ГУЛЫ *мн., ед. нет* ой кўриш, ҳайз.

РЕГУЛЯ́РНО *нареч.* мунтазам равишда, тартибли равишда, доимо; **стенгазе́та выхо́дит регуля́рно** деворий газета мунтазам равишда чиқиб туради.

РЕГУЛЯ́РНОСТЬ *ж мн. нет* мунтазамлик, тартиблилик, доимийлик.

РЕГУЛЯ́РНЫЙ, -ая, -ое 1. мунтазам, тартибли, тўғри, бир текис, доимий; **регуля́рное движе́ние самолёто́в** самолётларнинг мунтазам қатнови; 2. *харб.* доимий, мунтазам; **регуля́рные войска́** мунтазам қўшинлар; **регуля́рная а́рмия** доимий армия.

РЕГУЛЯТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое *махс.* тартибга солучи, тартиб ўрнатучи, ма'лум қоидага солучи.

РЕГУЛЯ́ТОР *м* 1. *тех.* регулятор (механизмнинг бир текисда ишлашини таъминлайдиган ёки температура, босим, тезлик ва ш. к. ларни ўзгартирмай бирдай сақлайдиган автоматик асбоб); **регуля́тор оборо́тов дви́гателя** двигатель валининг бир текисда айланишини таъминлайдиган регулятор; 2. || регулятор, бирор нарсани тартибга келтирувчи ҳодиса ёки куч; **регуля́тором капиталисти́ческого произво́дства явля́ется ры́нок** бозор капиталистик ишлабчиқаришнинг регуляториднр.

РЕГУЛЯ́ЦИЯ *ж мн. нет биол.* регуляция (организмнинг шикастланган ёки йўқотилган аъзони тиклашга бўлган интилиши ва қобилияти).

РЕДАКТИ́РОВАНИЕ *ср мн. нет* **редакти́ровать** фе'лининг ҳаракат номи; **редакти́рование учёбника** дарсликни таҳрир қилиш.

РЕДАКТИ́РОВАТЬ *несов.* 1. таҳрир қилмоқ, редакция қилмоқ; **редакти́ровать статью́** мақолани таҳрир қилмоқ; 2. муҳаррирлик қилмоқ, редакторлик қилмоқ; **он редакти́рует журна́л** у журналга муҳаррирлик қилади; 3. ифодаламоқ, ифода қилмоқ; **на́до ина́че редакти́ровать предложе́ние** таклифни (жумлани) бошқачароқ ифодалаш керак.

РЕДАКТИ́РОВАТЬСЯ *несов. страд. от* **редакти́ровать** (қ.).

РЕДА́КТОР *м* редактор, муҳаррир; **гла́вный реда́ктор словаря́** луғатнинг бош редактори.

РЕДА́КТОРСКИЙ, -ая, -ое **реда́ктор** *сўз. сиф.*; редакторга, муҳаррирга оид.

РЕДА́КТОРСТВО *ср мн. нет* редакторлик, муҳаррирлик.

РЕДА́КТОРСТВОВАТЬ *несов. с. т.* редакторлик қилмоқ, муҳаррирлик қилмоқ.

РЕДАКТУ́РА *ж с. т. қ.* **редакти́рование.**

РЕДАКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое 1. **реда́кция** *сўз. сиф.*; редакцияга, таҳририга оид; редакцион, таҳририй; **редакцио́нная рабо́та** редакция қилиш иши, таҳририй иш; **редакцио́нный сове́т** редакцион совет; 2. *махс.* редакцион, редакция томонидан тузилган, ёзилган, редакция ихтиёри билан қилинган; **редакцио́нная статья́** редакцион мақола (редакция томонидан ёзилган мақола).

РЕДА́КЦИЯ *ж* 1. *только ед.* редакция, таҳрир, таҳрир қилиш; **под реда́кцией** таҳрири остида; **статья́ должна́ подве́ргнуться реда́кции** мақола таҳрир қилиниши керак; 2. асарнинг ма'лум бирор таҳрирдан чиққан ҳолати; **найдена пе́рвичная реда́кция рома́на** романнинг дастлабки редакцияси топилди; 3. редакция, формулировка, ифода; **предложе́ние при́нято в ва́шей реда́кции** таклиф сизнинг ифодангизда (формулировкангизда) қабул қилинди; 4. редакция, редакторлар коллективи; нашриётнинг редакторлик бўлими; **но́вый соста́в реда́кции** редакциянинг янги состави; **заседа́ние реда́кции** редакция кенгаши; 5. редакция (редакция биноси); **он уе́хал в реда́кцию** у редакцияга кетди.

РЕДЕ́ТЬ *несов.* 1. камаймоқ сийракланмоқ, сийраклашмоқ, сийраклашиб (сийрак бўлиб) бормоқ; **редеёт лес** ўрмон сийраклашиб бормоқда; 2. сўнмоқ, ўчмоқ, тарқалмоқ; **редеёт мгла но́чи**, настаёт у́тро тун қоронғиси ўтиб, тонг ёришмоқда; 3. озаймоқ, камаймоқ, одами (сафи) камайиб бормоқ.

РЕДИ́С *м мн. нет бот.* редиска.

РЕДИ́СКА *ж мн. нет с. т. қ.* **реди́с.**

РЕ́ДКИЙ, -ая, -ое **ре́док**, **редка́**, **ре́дко** 1. сийрак, сийраклашган, сийракланиб қолган, яккам-дуккам; **ре́дкие во́лосы** сийрак соч; 2. сийрак, шаша; **ре́дкая ткань** шаша газлама; 3. ораси очиқ-очиқ; сийрак; **ре́дкие зу́бы** сийрак тиш; 4. фавқулодда, камдан-кам учрайдиган, нодир, ноёб; тенги (мисли) йўқ; **вы у нас ре́дкий гость** сиз бизникига камдан-кам келасиз, сиз бизникида азиз меҳмонсиз; **ре́дкая кни́га** нодир китоб; **ре́дкие мета́ллы** нодир металлар; **ре́дкий тала́нт** фавқулодда талант; человек **ре́дкой доброты́** ғоят олижаноб одам; **ре́дкое ку́шанье** тансиқ овқат; **ре́дкий лентя́й** *(кест.)* мисли йўқ дангаса.

РЕ́ДКО *нареч.* 1. сийрак; ораси очиқ-очиқ; 2. камдан-кам, оз, аҳ'ён-аҳ'ёнда, ора-сира; онда-сонда; **мы с ним ре́дко встреча́емся** биз у билан

камдан-кам учрашамиз; он ре́дко пишет у онда-сонда бир хат ёзади; ре́дко да ме́тко *(матал)* аҳ'ён-аҳ'ёнда бўлса ҳам ўринлатиб.

РЕДКОЗЕМЕ́ЛЬНЫЙ: редкоземе́льные элеме́нты *(хим.)* нодир ер элементлари (лантан, церий, иттербий ва бошқа химик элементлар).

РЕДКОЛЕ́СЬЕ *ср* сийрак ўрмонлар, сийрак ўрмонзорлик.

РЕДКОЛЛЕ́ГИЯ (редакцио́нная коллегия) *ж* редколлегия (редакцион коллегия)

РЕ́ДКОСТНЫЙ, -ая, -ое *к.* ре́дкий; ре́дкостное явле́ние кам учрайдиган ҳодиса; ре́дкостная краса́та мисли йўқ гўзаллик.

РЕ́ДКОСТЬ *ж* 1. *только ед.* камлик, сийраклик, озлик; 2. *только ед.* кам учрайдиган (камдан-кам юз берадиган) ҳодиса; нодир ҳодиса; **ви́деть его́ без де́ла — больша́я ре́дкость** у камдан-кам ишсиз бўлади, унинг ишсиз ўтирганини сра кўрмайсиз; 3. ноёб (нодир) нарса; **собра́ние ре́дкостей** нодир нарсалар йиғиндиси; ◇ *на ре́дкость* гоят, ниҳоятда, фавқулодда; **сего́дня на ре́дкость хоро́шая пого́да** бугун кун жуда яхши; **у него́ на ре́дкость разносторо́нние зна́ния** унинг билими жуда ҳартарафлама; *не ре́дкость к.* **нере́дкость**.

ре́док, редка́, **ре́дко** *к.* **ре́дкий**.

РЕДУ́КТОР *м тех.* редуктор (1. тишли гилдираклар ёрдами билан бир валдан иккинчи валга ҳаракат ўтказадиган механизм; 2. = **редукцио́нный кла́пан** *к.* редукцио́нный).

РЕДУКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое 1. **реду́кция** *сўз. миф.*; редукцион; редукцияга оид; *к.* реду́кция 1, 2, 3; 2. *тех.* редукцион; **редукцио́нный кла́пан** редукцион клапан (босимни бирдай сақлайдиган автоматик клапан).

РЕДУ́КЦИЯ *ж* редукция (1. *махс.* мураккабдан соддага ўтиш, соддалаштириш; соддалашиш; 2. *хим.* тиклаш, оксиддан тоза элементни ажратиб чиқариш; 3. *биол.* органларнинг соддалашув томонига қараб бориши; 4. *лингв.* унли товушларнинг қисқа талаффуз этилиши ёки ўзгариши; **реду́кция безуда́рных гла́сных** урғусиз унли товушлар редукцияси).

РЕДУПЛИКА́ЦИЯ *ж лингв.* редупликация (сўз негизини такрорлаш йўли билан янги сўз ясаш, мас., зўрға-зўрға, дона-дона ва ҳ. к.),

РЕДУПЛИЦИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое *лингв.* сўз негизини такрорлаш йўли билан ясалган.

РЕДУ́Т *м эск.* редут (гир атрофи хандақ ёки тупроқ қўрғон билан ўралган ҳарбий истеҳком).

РЕДУЦИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1. **редуци́ровать** фе'лнинг сифатдоши; 2. *лингв.* редукцияланган, кучсизланган, қисқа талаффуз этиладиган.

РЕДУЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1. редукцияламоқ, мураккабдан соддага ўтмоқ, мураккаб процессни соддалаштирмоқ; 2. *хим.* редукцияламоқ, тикламоқ, оксиддан тоза элементни ажратиб чиқармоқ; 3. *биол.* редукция қилмоқ (соддалашув томонига қараб бормоқ); 4. *лингв.* редукцияламоқ (товушни).

РЕДУЦИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* 1. соддалашмоқ; 2. *хим.* редукцияланмоқ, тикланмоқ, ажралиб чиқмоқ (химик элемент ҳақида); 3. *биол.* редукцияланмоқ, соддалашмоқ (организмлар ҳақида); 4. *лингв.* редукцияланмоқ, пасаймоқ, қисқа талаффуз этилмоқ (товуш ҳақида).

РЕДЧА́ЙШИЙ, -ая, -ее ре́дкий *сўз. орт. дар.*; *к.* ре́дкий.

РЕ́ДЬКА *ж* турп; ◇ *хрен ре́дьки не сла́ще (мақол)* хрен турпдан чучук бўлиптими, али хўжа, хўжа али; *наде́л ху́же го́рькой ре́дьки (матал)* зиғирёғдай кўнгилга урди.

РЕЕ́СТР *м расм.* реестр, рўйхат.

РЕЕ́СТРОВЫЙ, -ая, -ое *расм.* 1. **reéстр** *сўз. миф.*; реестрга (рўйхатга) оид; 2. реестрга олинган, рўйхат қилинган.

РЕ́ЕЧКА *ж* **ре́йка** *сўз. кичр. айт.*; *к.* ре́йка.

РЕ́ЕЧНЫЙ, -ая, -ое ре́йка *сўз. миф.*; рейкали; **ре́ечный механи́зм** рейкали механизм.

РЕ́ЖЕ ре́дкий ва **ре́дко** *сўз. қиёс. дар.*; камроқ, сийракроқ, озроқ.

РЕЖИ́М *м* 1. режим, давлат тузуми, идора усули; **наро́дно-демократи́ческий режи́м** халқ-демократик режими; **сверже́ние ца́рского режи́ма в**

Россíи в 1917 годý 1917 йилда Россияда подшоҳ тузумининг агдариб ташланиши; 2. режим, тартиб, тартибот; **больнóму пропúсан постéльный режúм** касалга ўринда ётиш буюрилган; **шкóльный режúм** мактаб тартиби; 3. режим; шарт-шароит; тартиб-қоида; усул, тараз; **режúм безопáсности на предприя́тии** корхонада хавфсизлик тартиб-қоидалари; **скоростнóй режúм рéзания** метáллов металл кесишнинг тезкорлик усули; **рабóчий режúм машúны** машинанинг иш режими; **режúм реки́** дар'ё сувининг режими (дар'ёда сувнинг қай вақтда оз, қай вақтда кўп келиши); ◇ ***стáрый (прéжний) режúм*** *(с. т.)* эски тузум (Октябрь революциясидан илгариги тузум); ***каторжный режúм*** 1) каторгадаги (сургундаги) иш шароити; 2) ‖ *с. т.* жуда оғир, сермашаққат тартиб, шарт-шароит; ***аракчéевский режúм*** Аракчеев режими (танқидни, ташаббусни бўғучи режим); ***режúм экономúи*** иқтисодий тежаш; **режúм экономúи – важнéйший рычáг дальнéйшего подъёма нарóдного хозя́йства** иқтисодий тежаш — халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг жуда муҳим ричагидир.

РЕЖИССЁР *м театр.* режиссёр (театр ёки кинематографияда постановка раҳбари, бадиий ташкилотчиси).

РЕЖИССЁРСКИЙ, -ая, -ое режиссёр *сўз. сиф.*; режиссёрга оид; **режиссёрское иску́сство** режиссёрлик сан'ати.

РЕЖИССИ́РОВАТЬ *несов. театр.* режиссёрлик қилмоқ; **режиссúровать спектáкль** спектаклга режиссёрлик қилмоқ.

РЕЖИССУ́РА *ж мн. нет театр.* 1. режиссура, режиссёрлик; режиссёрлик касби ёки вазифаси; 2. *собир.* режиссура, режиссёрлар; 3. режиссура (спектакльнинг режиссёр томонидан саҳнага қўйилиши).

ре́жу, ре́жешь *наст. от* **ре́зать** *(к.).*

РЕ́ЖУЩИЙ, -ая, -ее 1. **ре́зать** фе'лининг сифатдоши; 2. кесадиган, кесучи, ўткир, кескир; **ре́жущий инструме́нт** кесадиган (кесучи) асбоб; 3. жазиллатиб (ачитиб) оғритадиган; **ре́жущие бóли** жазиллаб оғриш.

РЕЗА́К *м* 1. *мах.л.* пичоқ; чопқи; 2. *махс.* дурадгор усталарининг нақш ўядиган махсус пичоғи, қалами; 3. *махс.* сувоқчи усталарининг белчаси; 4. *тех.* тиг, тиш, пичоқ (асбобларда, машиналарда); 5. *археол.* қадимги замондан қолган тошболта; 6. *тех.* резак (автоген аппаратининг металл қирқадиган горелкаси); 7. *махс.* саллоҳ, қассоб (кушхоналарда).

РЕ́ЗАЛЬНЫЙ, -ая, -ое *к.* **ре́зательный**.

РЕ́ЗАЛЬЩИК *м махс.* кесучи, қирқучи, тўғровчи, чопучи.

РЕ́ЗАНИЕ *ср мн. нет* **ре́зать** 1. 2 фе'лининг ҳаракат номи; **скоростнóй мéтод ре́зания** метáлла металл кесишнинг тезкорлик усули.

РЕ́ЗАНЫЙ, -ая, -ое 1. кесилган, тўғралган; **ре́заный хлеб** тўғралган (кесиб қўйилган) нон; **ре́заная бумáга** қирқилган қоғоз; 2. *спорт.* бураб (чирпирак қилиб) берилган, бураб урилган (тўп, шар); ◇ ***ре́заная ра́на*** кесилиш, тилиниш натижасида ҳосил бўлган яра.

РЕ́ЗАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *махс.* кесучи, қирқучи, чопучи, тўғровчи; **ре́зательная машúна** кесучи (қирқучи) машина.

РЕ́ЗАТЬ *несов.* 1. кесмоқ, тўғрамоқ, қирқмоқ, қиймоқ; тилмоқ, ўтмоқ; **ре́зать хлеб** нон кесмоқ; **ре́зать метáлл** металл кесмоқ; **нож не ре́жет** пичоқ ўтмас экан (ўтмаяпти); 2. сўймоқ, бўғизламоқ, чаваклламоқ; **ре́зать** курто́вук сўймоқ; **ре́зать** арбу́з тарвуз сўймоқ; 3. ўйиб (кертиб) нақш солмоқ, ўйиб ишламоқ; **ре́зать** по де́реву ёғочни ўйиб нақшламоқ; 4. *с. т.* кесмоқ, операция қилмоқ; **ре́зать** нарúв йиринг бойлаган яранн кесмоқ; 5. санчитиб оғритмоқ, санчмоқ, ачиштирмоқ, қиймоқ; **ве́тер ре́жет лицó** шамол юзни ачиштираяпти; **верёвка ре́жет ру́ку** чилвир қўлни қийиб юборяпти; 6. ‖ *ёмон та'сир қилмоқ, ёмон туюлмоқ, ёқмаслик; его́ пронзúтельный го́лос ре́жет у́хо* унинг чиқироқ овози қулоқни тешиб ўтай дейди; 7. ‖ *с. т.* тўғрисини айтмоқ, ҳақиқатни гапирмоқ; **ре́зать пра́вду в глаза́** ҳақиқатни юзига айтмоқ; 8. *с. т.* имтиҳонда йиқитмоқ; 9. *спорт.* бураб (чирпирак қилиб)

юбормоқ; ёнига урмоқ (коптокни, шарни); ◇ *рéзать кормý к.* **корма́**.

РЕ́ЗАТЬСЯ *несов.* 1. *страд. от* **ре́зать** 1, 2, 4 (*к.*); 2. чиқмоқ, чиқабошламоқ; **у ребёнка ре́жутся зу́бы** боланинг тиши чиқабошлади; 3. *собд.* қизишиб (берилиб) ўйнамоқ, қаттиқ ўйнамоқ; суришмоқ; **ре́заться в ка́рты** қартавозлик қилмоқ.

РЕЗАЧО́К *м* **реза́к** 1—5 *сўз. кичр. айт.*; *к.* **реза́к** 1—5.

